

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**А. Б. МУХАМЕТОВ, А.А. АБДУВОҲИДОВ, Р.СОДИҚОВ,  
М.Қ. АЛЛАЁРОВА, Б.Ў. БЕКМУХАМЕДОВА, Б.Э.  
МАТРАСУЛОВ, М.Х. НУРМУХАМИДОВА**

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

**Ўқув қўлланма**

Олий таълимнинг 5230100-“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича” ва  
5230200 - “Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича” бакалавриат таълим  
йўналишлари учун

**Тошкент 2020**

Бухгалтерия ҳисоби: олий таълимнинг 5230100-“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича” ва 5230200 - “Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича” бакалаврият таълим йўналишлари учун ўқув қўлланма/ А. Б. Мухаметов, А.А. Абдувоҳидов, Р. С. Содиқов, М.Қ. Аллаёрова, Б.Ў. Бекмухамедова, Б.Э. Матрасулов, М.Х. Нурмухамидова

Муаллифлар бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштириш ва халқаро стандартлаштиришнинг зарурлиги ва шарт-шароитлари, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг зарурлиги ва мақсадлари, асосий тамойилларини, унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ролини батафсил баён этган ва таҳлил қилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар, асосий воситалар ва номоддий активлар, инвестициялар, материаллар, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш, харажатлар, маҳсулот, товар (иш, хизмат)лар ва уларни сотиш, капитал, фондлар ва молиявий натижалар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби, молиявий ҳисобот етарли даражада баён этилган.

Ўқув қўлланмадаги барча материаллар янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, жумладан, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари асосида ёритилган.

Ўқув қўлланма 5230100-“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича” ва 5230200 - “Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича” бакалаврият таълим йўналиши талабалари, магистрантлар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, китоб амалиётдаги бухгалтер-иқтисодчилар, тадбиркорлар ва корхона раҳбарлари учун ҳам фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

### **Тақризчилар:**

Ҳасанов Б.А. - Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси профессори, и.ф.д.

Сатторкулов О.Т. - Гулистон давлат университети, “Иқтисодиёт” кафедраси мудир, и.ф.н., доцент.

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ</b>	<b>7</b>
<b>1 БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛЛАРИ</b>	<b>9</b>
1.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.	
1.2. Бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштириш ва халқаро стандартлаштиришнинг зарурияти ва шарт-шароитлари.	
1.3. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг зарурлиги ва мақсадлари.	
1.4. Хўжалик ҳисоби тушунчаси, функциялари ва унга қўйилган талаблар.	
1.5. Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари. Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерларнинг халқаро касб этикаси.	
1.6. Бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми ва улар ўртасидаги тафовутлар.	
1.7. Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва вазифалари.	
1.8. Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари таснифи.	
1.9. Хўжалик жараёнлари.	
1.10. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари.	
1.11. Бухгалтерия баланси ва унинг тавсифи.	
1.12. Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети ва усуллари бўйича амалий машғулот.	
<b>2 БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ</b>	<b>80</b>
2.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.	
2.2. Пул маблағлари ва ҳисоб-китобларнинг мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.	
2.3. Касса операцияларини ҳисобга олиш.	
2.4. Ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича операцияларни ҳисобга олиш.	
2.5. Валюта ҳисобварағи бўйича амалга оширилган операцияларни ҳисобга олиш.	
2.6. Банкдаги махсус ҳисоб рақамлардаги пул маблағларининг ҳисоби.	
2.7. Пул маблағларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари.	
2.8. Пул маблағларини ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.	
<b>3 БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ</b>	<b>152</b>
3.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.	
3.2. Хўжаликлараро ҳисоб-китоблар ҳисоби.	
3.3. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.	
3.4. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.	
3.5. Кредит ва заёмлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.	
3.6. Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.	
3.7. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.	
3.8. Шубҳали қарзлар бўйича захиралар ҳисоби.	
3.9. Ўзаро даъво ва мажбуриятларни ҳисобга олиш йўли билан мажбуриятларни бекор қилиш бўйича ҳисоб-китоблари ҳисоби.	

3.10. Шахснинг ўзгариши (мажбуриятдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) шароитида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

3.11. Ҳисоб-китоблар ва мажбуриятларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари.

3.12. Ҳисоб-китоблар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

#### **4 БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ** **204**

4.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

4.2. Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари.

4.3 Асосий воситаларнинг туркумланиши ва баҳолаш тартиби.

4.4. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш.....

4.5. Асосий воситаларни ижарага олиш ҳисоби.

4.6. Амортизацияни ҳисоблаш усуллари ва уларни ҳисобга олиш.

4.7. Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби.

4.8. Номоддий активлар тушунчаси, уларнинг туркумланиши ва ҳисобга олиш вазифалари.

4.9. Номоддий активларнинг ҳаракатларини ҳужжатлаштириш ва уларни баҳолаш.

4.10. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобининг солиқ оид жиҳатлари.

4.11. Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

#### **5 БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ** **284**

5.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

5.2. Инвестицияларнинг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш вазифалари.

5.3. Инвестицияларнинг туркумланиши ва баҳоланиши.

5.4. Инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш.

5.5. Акция ва облигацияларни сотиб олиш, уларнинг бозор ва номинал қийматини ҳисобга олиш тартиби.

5.6. Облигациялар қиймати, қиймат бўйича чегирмалар, тўланадиган қўшимча ҳақ ва уларнинг амортизацияси.

5.7. Инвестициялар бўйича молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби.

5.8. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари.

5.9. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

#### **6 БОБ. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ** **316**

6.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

6.2. Материалларни туркумлаш, баҳолаш ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.

6.3. Материаллар ҳаракатини расмийлаштириш ва уларнинг синтетик ҳисобини ташкил этиш.

6.4. Товар-моддий қийматликларни инвентаризация қилиш ва натижаларини расмийлаштириш тартиби.

6.5. Материалларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари.

6.6. Материалларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

## **7 БОБ. МЕХНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИ. ХОДИМЛАР БИЛАН БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ** **361**

7.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

7.2. Меҳнат ва иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.

7.3. Ишга қабул қилишда ҳужжатларни расмийлаштириш.

7.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

7.5. Ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

7.6. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.

7.7. Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.

7.8. Ходимларга меҳнат ва иш ҳақи тўлаш ва бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишнинг солиққа оид жиҳатлари.

7.9. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар юритишни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот

## **8 БОБ. ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ** **421**

8.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

8.2. Харажатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши

8.3. Маҳсулот таннархини калькуляциялаш тушунчаси ва объектлари.

8.4. Алоҳида турдаги маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш усуллари

8.5. Комплекс ишлаб чиқаришларда маҳсулот таннархини ҳисоблаш хусусиятлари.

8.6. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш усуллари.

8.7. Ишлаб чиқариш харажатлари.

8.8. Келгуси давр харажатлари ҳисоби.

8.9. Давр харажатлари ҳисоби.

8.10. Харажатлар – ишлаб чиқариш – фойда таҳлили.

8.11. Харажатларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари.

8.12. Харажатларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

## **9 БОБ. МАҲСУЛОТ, ТОВАР (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ВА УЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ** **524**

9.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

9.2. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби тушунчаси ва вазифалари.

9.3. Тайёр маҳсулотларни омборда ҳисобга олиш.

9.4. Тайёр маҳсулотни баҳолаш.

- 9.5. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисоби.  
9.6. Тайёр маҳсулотларни сотиш ҳисоби.  
9.7. Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олишнинг солиқ жиҳатлари.  
9.8. Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

## **10 БОБ. КАПИТАЛ, ФОНДЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ** **551**

- 10.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.  
10.2. Хусусий капиталнинг шаклланиши ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиш.  
10.3. Акцияларнинг турлари, уларга қисқача тавсиф ва уларни ҳисобга олиш.  
10.4. Қўшилган капитални ҳисобга олиш.  
10.5. Резерв капитални ҳисобга олиш.  
10.6. Мақсадли тушумлар, субсидия ва грантлар ҳисобини юритиш.  
10.7. Молиявий натижалар кўрсаткичларининг моҳияти, аҳамияти.  
10.8. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларни ҳисобга олиш.  
10.9. Капитал, фондлар ва молиявий натижаларларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари.  
10.10. Капитал, фондлар ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

## **11 БОБ. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ** **612**

- 11.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.  
11.2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар таснифи, турлари ҳамда ҳисобга олиш вазибалари.  
11.3. Солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисобга олиш.  
11.4. Доимий ва вақтинчалик фарқларнинг ҳисоби.  
11.5. Мол-мулк ва ресурс солиқлар ҳисоби.  
11.6. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар борасида бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ҳисоби амалиёти.

## **12 БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ** **647**

- 12.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.  
12.2. Молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва таркиби.  
12.3. Молиявий ҳисобот тузиш ва уни ташкил этиш.  
12.4. Бухгалтерия баланси тузилиши ва унинг таркиби.  
12.5. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.  
12.6. Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва уни тўлдириш.  
12.7. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузиш.  
12.8. Тушунтириш хатлари ва иловалар.  
12.9. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот.

## **ТЕСТ САВОЛЛАРИ** **709**

## **ГЛОССАРИЙ** **734**

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** **799**

*Бухгалтерия ҳисоби – бу молиявий саводхонлик ва айти пайтда рақамларни ўқий олиш санъатидир. Агар сиз ўз бизнесингизни йўлга қўймоқчи ёки инвестициялар билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, албатта ушбу санъатни ўзлаштиришингиз шарт.*

*Роберт Тору Кийосаки*

## **СЎЗ БОШИ**

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар орасида энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда, бошқарув тизимини такомиллаштириш; хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш; иқтисодий фаолиятда, энг аввало, давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари ваколатларини, уларнинг иқтисодий ва бошқарув самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, давлат активларини бошқариш тизимининг молиявий шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг корпоратив механизмларини ривожлантириш соҳаларида давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш каби масалаларга алоҳида урғу берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳар қандай ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири мавжуд меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан тўла ва самарали фойдаланиш мақсадида ташкилотни бошқаришни такомиллаштиришдир.

Ушбу ўқув қўлланма бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, режалаштириш ва назорат қилиш каби бошқарув функцияларини амалга ошириш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг халқаро ҳамжамиятга тобора чуқур интеграциялашиши шароитида бухгалтерия ишларини халқаро андозалар асосида ташкил этиш ва юритишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу талабларни тўлалигича Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (International Financial Report Standards - IFRS) ўтиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Ушбу мақсадларга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши режалаштирилган:

1) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ҳосил бўладиган ахборотлар сифатини ошириш;

- 2) IFRS иловаси инфратузилмасини яратиш;
- 3) молиявий ҳисоботларнинг шу жумладан бухгалтерия бирлашмалари ҳисобидан сифат назоратини мустаҳкамлаш,;
- 4) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисоботлар аудити билан шуғулланувчи мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш.

Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби амалиётига IFRS ни жорий этиш учун давлат органлари бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик профессионал жамоалари билан биргаликда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишлари керак бўлади:

- миллий ва халқаро қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисобот тамойилларидаги институционал зиддиятларни бартараф этиш;
- бухгалтерлар ва ҳисобот фойдаланувчилари учун IFRS профессионал таълимни йўлга қўйиш.

Қонунчиликда IFRS ни фаол қўллаш муҳим аҳамиятга эга. 1994 йил августда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва статистика тизимига ўтиш Давлат дастури” қабул қилинди (ЎзР 24.08.1994 й.433-сон ВМ қарори). Мазкур ўқув қўлланмада IFRS билан миллий ҳисоб ишларини юритишни уйғунлаштириш масалаларига алоҳида ўрин берилган. Ўқув қўлланма кириш, мантиқий кетма-кетликда баён этилган 12 бобдан иборат бўлиб, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш мақсадида ҳисоб ишини ташкил этишнинг амалий жиҳатларига алоҳида урғу берилган.

Бухгалтерия ҳисоби курсини сифатли ўзлаштиришнинг зарурий шартининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва энг аввало миллий ҳисоб стандартлари (БҲМС) билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганишдир. Бу борада таълим жараёнида ўз вақтида ҳисобга олиниши лозим бўлган ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги билимлар нафақат бўлажак бухгалтерлар учун керак. Профессонал фаолиятини бизнес билан боғлайдиган ҳар бир киши, бу интизомни ўрганишга жиддий эътибор берилиши керак. Бухгалтерия ҳисобининг методологик асосларини тушуниш бошқа молия-хўжалик фанларини чуқурроқ ўзлаштириш ва хўжалик амалиётида юзага келадиган муаммоларни малакали ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Ўқув қўлланмани яратишда ўзларининг қимматли фикр ва тавсияларини билдирган и.ф.д., проф. Ҳошимов А.А., и.ф.д., проф. Ҳасанов Б.А., и.ф.н., доц. Сатторкулов О.Т.ларга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

**Муаллифлар**

*Исрофгарчиликка йўл қўйувчи ҳар қандай инсон- бу жамиятнинг душманидир,  
тежамкор инсон эса жамиятнинг ҳимоячисидир.*

*Адам Смит.*

## **1 БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛЛАРИ**

### **1.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 й. 163-I-сон ва 29.08.1996 й. 256-I-сон Қонунлари билан тасдиқланган (ЎЗР 23.05.2019 й. ЎРҚ-542-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган)).

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. ЎЗР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган

3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 й. 161-I-сон Қонуни билан тасдиқланган (ЎЗР 09.01.2019 й. ЎРҚ-514-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган)).

4. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎЗР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎЗРҚ-404 (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎЗРҚ-404.

5. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётида қўлланиладиган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш тўғрисидаги Давлат дастури”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган.

6. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиришлар ва иловалар билан).

7. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.

8. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС).

9. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297).

10. Касбий бухгалтерларнинг этика кодекси Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан 2005 йил июнда қабул қилинган ва 2006 йил июлда қайта кўрилган. 2006 йил 30 июнда амалга қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши томонидан 2010 йил 19 марта қабул қилинган (баённома № 1).

### **1.2. Бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштириш ва халқаро стандартлаштиришнинг зарурлиги ва шарт-шароитлари**

XX асрнинг иккинчи ярми халқаро ихтисослашув ва меҳнат тақсимоти, мамлакатлар ва қитъалар ўртасида ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш уйғунлиги, миллий чегаралардан ошувчи жаҳон бозорини яратиш жараёнини мустаҳкамлаш билан тавсифланади.

Иқтисодий муносабатларни байналминаллашувининг ўзига хос хусусияти аралаш капиталга эга бўлган, чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб қилувчи корхоналарнинг пайдо бўлишини ифода этади. Бу жараёнларни амалга оширишда корхоналар фаолияти тўғрисида ишончли ва тушунарли молиявий ахборот олиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ахборотни олиш учун хўжалик юритувчи субъект ҳақидаги молиявий ахборотнинг асосий қисмини таъминловчи бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштириш ва халқаро стандартлаштириш зарур.

Бухгалтерия ҳисоби муаммоларини халқаро миқёсда ҳал қилиш учун, бир қатор халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар (ХХТ) ташкил этилди: БМТ трансмиллий корпорациялар бўйича комиссияси; БМТ халқаро бухгалтерия стандартлари бўйича экспертлар ҳукуматлараро ишчи гуруҳи; Европа иқтисодий ҳамжамияти; Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ва халқаро профессионал бухгалтерлар ташкилотлари.

ХХТ асосан халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқиш орқали иқтисодиёт, молия, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги муносабатларни меъёрлаштириш билан шуғулланади.

Халқаро профессионал ташкилотлар ўз ичига олади:

- Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгаши (МҲХСК);
- Халқаро бухгалтерлар Федерацияси;
- Осиё ва Тинч океани бухгалтерлари конференцияси;
- Европа бухгалтерлар-экспертлар федерацияси ва бошқалар.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS), умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойиллари (ГААП) ва Европа иқтисодий ҳамжамиятининг йўриқномалари бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштириш ва халқаро стандартлаштириш жараёнига энг катта таъсир кўрсатди.

**Европа ҳамжамиятининг роли: молиявий ҳисобот бўйича Европа ҳамжамияти комиссиясининг 4- ва 7-йўриқномалари.** Европа иқтисодий ҳамжамиятининг йўриқномалари ҳамжамиятга аъзо давлатлар учун уйғунлашув воситаси сифатида мажбурийдир, аммо уларни миллий қонунчиликка киритишнинг ўзига хос шакллари ва усуллари ҳақида қарор қабул қилишдан овоз қилади.

Молиявий ҳисоб соҳасида айниқса муҳим йўриқномалари 4 ва 7 бўлади. 1978 йил 27 июлда қабул қилинган “Ҳисобот шакллари ва уларни аудит қилиш қоидаларини унификациялаш тўғрисида” ги 4-йўриқномада йиллик молиявий ҳисобот масалалари: баланс шакллари ва тузилиши, фойда ва зарарлар ҳисобварақлари, ушбу ҳужжатларга эслатмалар мазмунини кўриб чиқилади. Йўриқномада “тарихий қиймат” тамойилига асосланган баҳолаш усуллари бўйича тавсиялар мавжуд, аммо муқобил усуллар: даврий қайта

баҳолаш, алмаштириш қиймати, инфляцион омилни ҳисобга олиш усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Йўриқномада ҳисоботларни тайёрлаш, нашр этиш ва аудит қилиш билан ҳам шуғулланади. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ҳукуматлари эълон қилинган ахборот ва аудиторлик назорати ҳажмига нисбатан директив талабларидан муайян имтиёзлар ва четга чиқишларни эмас, балки баҳолаш қоидаларини белгилаши мумкин.

“Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш тамойиллари тўғрисида”ги 7-кўрсатма 1983 йил 13 июлда қабул қилинган. У консолидация билан камраб олинган ташкилотларнинг иқтисодий гуруҳини белгилайди ва назорат тушунчасини гуруҳнинг асосий мезони сифатида очиб беради.

Бу йўриқномалар иқтисодиётнинг айрим тармоқларида шу каби йўриқномаларни қабул қилиш учун асос яратди, масалан, 1986 йил 8 декабрда банклар ва бошқа молия институтларининг йиллик ва консолидациялашган ҳисоботлари тўғрисидаги йўриқномаси тасдиқланди.

**Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари Кенгаши (қўмита)нинг роли.** Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари Кенгаши (МҲХС) 2001 йил апрел ойида мустақил орган сифатида профессионал бухгалтерлар ташкилотлари томонидан 1973 йилда тузилган молиявий ҳисобот халқаро стандартлари қўмитаси (МҲХС) ўрнига ташкил этилган.

МҲХСК ушбу халқаро институтининг ядро қисмидир (**1.1-чизма**).

#### МҲХСК институти таркиби



**1.1-чизма. МҲХСК институти таркиби**

МҲХСК институти васийларининг асосий вазифалари:

- МҲХСК, СМК ва ТДҚ аъзоларини тайинлаш;
- МҲХСК самарадорлигини назорат қилиш;
- молиялаштиришни таъминлаш;
- МҲХСК томонидан бюджетларни тасдиқлаш;
- муҳим таркибий ўзгаришларни амалга ошириш.

МҲХС Кенгашининг асосий вазифалари:

- молиявий ҳисоботларда ишончли, ошқора ва солиштирма ахборотни тақдим этишни талаб қилувчи юқори сифатли, тушунарли ва амалий глобал молиявий ҳисобот стандартларининг ягона мажмуини ишлаб чиқиш;

- амалга оширишни рағбатлантириш ва жаҳон стандартларига қатъий риоя қилиш;

- молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган миллий органлар билан бутун дунё бўйлаб молиявий ҳисоботнинг максимал яқинлашишини таъминлаш учун ҳамкорлик қилиш.

Кенгаш қуйидагилар учун тўлиқ жавобгар:

- МХХСни тайёрлаш ва нашр этиш;

- МХХС томонидан таклиф этилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва нашр этиш;

- муҳокама учун эълон қилинган ҳужжатлар юзасидан келиб тушган фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш тартибини ўрнатиш;

- хулоса чиқариш асосларини нашр этиш.

Кенгаш аъзолари Васийлар томонидан тайинланади.

СМК-халқаро ҳисоб-китобга қизиқувчи ташкилотлар ва шахслар учун форум. Унда Васийлар томонидан тайинланган 45 га яқин аъзо бор.

СМКнинг асосий мақсадлари:

- кун тартиби ва устувор йўналишлари бўйича МХХСКга маслаҳатлар бериш;

- стандартларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ асосий лойиҳалар бўйича Кенгаш аъзоларини ахборот билан таъминлаш ва позициясини аниқлаш;

- бошқа маслаҳатлар бериш.

ТДҚ 12 мамлакатни бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги экспертларидан иборат. Уларни Васийлар тайинлайди.

ТДҚ асосий мақсади концептуал текширилган ва амалий жорий қилиш мумкин бўлган МХХСлар талқинидан (интерпретация) иборат. Чунки дунё бўйлаб молиявий ҳисобот тузишида турли саволлар ва тушунмовчиликлар, шунингдек расмий тушунтиришлар йўқлигида қониқарсиз ёки қарама-қарши талқинлар пайдо бўлиши мумкин. тақдирда иборат. Кенгаш талқинларни (интерпретация) тасдиқлагач, улар МХХСнинг норматив-ҳуқуқий базасининг бир қисмига айланади ва МХХСнинг ўзи билан бир хил кучга эга бўлади.

Стандартни тайёрлаш жараёни:

1. Жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш учун стандарт лойиҳасини нашр этиш.

2. Тегишли давр мобайнида олинган барча фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш.

3. МХХС Кенгаш правленияси томонидан стандарт ёки талқинни тасдиқлаш.

Лойиҳани муҳокамага тақдим этиш ёки стандарт ёки талқиннинг якуний вариантини нашр этиш учун МХХСКнинг саккиз аъзосининг розилиги талаб қилинади.

### **1.3. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг зарурлиги ва мақсадлари**

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиб бораётган глобаллашув жараёни молиявий ҳисобот учун меъёрларнинг бирлигини, яъни миллати ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар дунёнинг барча ишбилармонлари учун тушунарли бўлган "умуминсоний тил"ни талаб қилади.

МҲХСнинг ишлаб чиқиши барча компаниялар учун бир хил ва таққосланадиган бўлиши керак бўлган ягона бухгалтерия ҳисоби тизимини ва молиявий ҳисоботнинг стандарт шакллари яратиш зарурати билан боғлиқ эди.

Жаҳон фонд бозорларида фаолият кўрсатилаётган компаниялар учун МҲХСларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга, чунки йирик молиявий операциялар бўйича асосланган қарорлар қабул қилиш фақат МҲХС томонидан тавсия этилган барча ҳисоб меъёрларини фойдаланган ҳолда таъминлаш мумкин.

Ўзбек бизнесининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун шарт-шароит яратиш учун халқаро иқтисодий алоқада бизнеснинг бутун дунёга тушунарли бўлган умумжаҳон тилини: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ўрганиш ва ундан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистонда МҲХСнинг жорий этилиши маҳаллий компанияларга молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги ва ишончлилигини ошириш орқали хорижий инвесторларнинг ишончини ошириш имконини беради.

Шу муносабат билан ички ҳисоб тизимини МҲХСга мос келтириш зарурати туғилди.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.1994 йилдаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ўтиш Давлат дастури, бухгалтерия ҳисоби ва статистика тизими"га асосланади.

Бухгалтерия ҳисоби ислоҳотининг асосий мақсади миллий бухгалтерия ҳисоб тизимини МҲХСга мослаштиришдан иборат. Ушбу мақсадга мувофиқ ислоҳотнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг умумий услубий асосларини қайта кўриб чиқиш ва уларни жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг умумқабул қилинган тизимига мос келтириш;

- фойдаланувчиларга, биринчи навбатда, инвесторлар ва кредиторларга фойдали молиявий маълумотларни тақдим этувчи миллий бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартлари тизимини шакллантириш;

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни ислоҳ қилишнинг халқаро даражадаги стандартларни уйғунлаштиришнинг асосий йўналишлари билан алоқасини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларига миллий ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботнинг модернизация қилинган ва халқаро

стандартларга яқин моделини тушуниш ва амалга оширишда услубий ёрдам кўрсатиш;

- халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида сифатли бухгалтер ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Давлат дастурида барча даражадаги таълим муассасалари учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўйича ўқув-услубий адабиётлар тайёрлаш ва чоп этиш; молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва халқаро бухгалтерия амалиётига мувофиқ таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш; бозор иқтисодиётини ҳозирги ривожланган даражасига мос юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари тематикаларига ўзгартиришлар киритиш мақсад қилиб кўйилган эди.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини янада ривожлантириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган:

1) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тайёрланадиган ахборотлар сифатини ошириш;

2) МҲХСнинг фойдаланиш инфратузилмасини яратиш;

3) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизимига ўзгаришлар киритиш;

4) молиявий ҳисоботларнинг сифат назоратини мустаҳкамлаш;

5) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисоботлар аудити, шунингдек молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг сезиларли даражада малакасини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ислоҳотини амалга ошириш учун масъулиятли ваколатли орган бўлиб, корхоналар томонидан тўғридан-тўғри кўчириб олиш ёки ундан нусха олишга эмас, балки МҲХС талабларига мослаштирилган миллий ҳисоб стандартларини қўллашга қаратилган. Ҳозирги кунда мавжуд БҲМСларнинг тузилиши ва мазмуни халқаро стандартларга яқин ва яқинлашиш давом этмоқда.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси асосида Молия вазирлиги 1997 йилда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ЎЗР БҲМСни ишлаб чиқа бошлади. Уларнинг қабул қилиниши стандартлар томонидан тартибга солинадиган соҳадаги бир қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини берди, чунки БҲМС бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, миллий стандартлар ҳар бир бухгалтерия объекти учун бухгалтерия ҳисоби тартибини кўриб чиқади, шунинг учун улар асосан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг услубий асосларини тўғри танлашни белгилаб беради. 2020 йил 1 январ ҳолатига Республикада 24 та миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари амал қилди.

МҲХС қўллаш инфраструктурасининг ташкил этилиши МҲХСни қўллаш тажрибасини умумлаштириш ва тарқатиш, МҲХСнинг ўзбек ва рус тилларига расмий таржимаси ва МҲХС стандартларини таълим бериш орқали таъминланиши кўзда тутилган.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизимининг ўзгариши барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олувчи моделни яратиш, харажатларни камайтиришни ва тартибга солиш самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган.

Концепцияни амалга оширишнинг биринчи босқичида қуйидагилар кўзда тутилган:

- ижтимоий аҳамиятга молик хўжалик юритувчи субъектларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини МҲХСга мажбурий таржима қилиш;

- МҲХС асосида индивидуал бухгалтерия ҳисоботининг ўзбек стандартлари асосий мажмуини яратиш;

- МҲХС қўллаш учун асосий инфратузилма элементларини яратиш;

- кадрларни, шу жумладан бухгалтерия ҳисоботларидан фойдаланувчиларни, тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Иккинчи босқичда қуйидагилар назарда тутилган:

- бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини МҲХСга мажбурий таржима қилиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик касбини ривожлантириш ва тартибга солишда профессионал жамоат бирлашмаларининг ролини янада ошириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоботлари оммалаштириллигини таъминлаш бўйича назорат тизимини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 24 февраль №ПҚ-4611 қарори чиқди. Бу қарор бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

- 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди.

#### **1.4. Хўжалик ҳисоби тушунчаси, функциялари ва унга қўйилган талаблар**

Иқтисодий ислохотларининг чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви ўз навбатида, мавжуд қонунчилик асосини доимий равишда такомиллаштириш, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни тақозо қилади. Корхоналарни бошқариш, унинг олдига қўйилган режа кўрсаткичларига доир вазифаларни бажариш мақсадида хўжалик фаолияти устидан кундалик кузатиб боришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти бозор муносабатларини эркинлаштириш йўли билан ривожланмоқда. Бозор иқтисодиётини эркинлаштириш, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли-туман шаклларидаги корхоналарини яратиш ҳамда соғлом рақобатчиликни ривожлантириш йўли билан амалга оширилади. Йирик ижтимоий ишлаб чиқариш, юқори сифатли ишлаб чиқаришни ва бошқаришни талаб қиладиган рақобатсиз ривожлана олмайди.

Мамлакатни модернизация қилиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инновация жараёнларини жадаллаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий эътиборни моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга, унумсиз сарфларни ва нобудгарчиликларни бартараф қилишга қаратмоқ керак. Бундай улкан ишларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг роли беқиёсдир.

Маълумки, жамият тараққиётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ташкил этади. Бу жараёнда кишилар истеъмол буюмларини: озиқ-овқат, кийим-кечак, поябзал ҳамда меҳнат воситаларини: машиналар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар яратадилар. Ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотлар эса сотилади, тақсимланади ва истеъмол қилинади. Бундай узлуксиз давом этадиган ишлаб чиқариш, сотиш (айирбошлаш) ва истеъмол жараёнлари ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг моҳиятини ташкил этади.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш учун эса уларни мунтазам равишда назорат қилиб, ушбу жараёнларда содир бўлаётган миқдор ва сифат ўзгаришларини тавсифловчи кўрсаткичларга эга бўлиш керак.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнлари мазмунан хўжалик юритувчи субъектларда содир бўладиган жараёнлар йиғиндисидан иборатдир. Шунинг учун иқтисодиётнинг айрим бўғинларидаги ишлаб чиқариш, сотиш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларини тавсифловчи миқдор кўрсаткичларининг йиғиндиси такрор ишлаб чиқариш жараёнлари ва ижтимоий турмушдаги бошқа жараёнларни бутунлигича тавсифлай олади.


Хўжатик жараёнларини ва уларнинг натижаларини назорат қилиш *кузатиш, ўлчаш ва рўйхатга олиш* орқали амалга оширилади. Кузатиш орқали корхона ва ташкилотларнинг фаолияти - хўжалик фаолиятини ташкил этувчи кўп сонли ва турли хил фактларга эга бўлинади. Бу фактларни эса

маълум ўлчов бирликларида ифодалаш ҳамда тегишли равишда гуруҳларга ажратиб рўйхатга олиб бориш зарур. Шу тариқа хўжалик фаолиятига баҳо бериш учун зарур маълумотларга эга бўлинади.

Шундай қилиб, ҳисоб юритиш хўжалик фаолиятини бошқариш, кенг маънода эса бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни, яъни жамиятни бошқариш учун зарур экан. Бошқача қилиб айтганда, ҳисоб ва ҳисобот юритиш деб ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш ва уларни бошқаришни таъминлаш мақсадида, бу жараёнларни миқдор жиҳатдан акс эттириб, сифат жиҳатдан тавсифлашга айтилади. Демак, ҳисоб юритиш бошқаришнинг ажралмас қисми экан.

Кишилик жамиятининг дастлабки босқичларида ҳисоб бутун жамоага ишлаб чиқариш ва истеъмол учун қандай меҳнат куруллари ва меҳнат буюмлари зарурлигини билиш мақсадида керак бўлган бўлса, жамият синфларга бўлингандан кейинги ижтимоий-иқтисодий босқичларда эса ҳукмрон синфнинг манфаатини ҳимоя қилиб келган. Бошқача қилиб айтганда, синфлар мавжуд жамиятда ҳисоб юритиш ўзгариб, такомиллашиб ва унинг роли ошиб борган. Бозор муносабатларини ривожлантириш бўйича ҳукумат қабул қилган қарорларни ҳаётга татбиқ қилишда, корхоналарни хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш шароитида ҳисоб ва статистиканинг роли яна ҳам ошиб бормоқда. Бундай улкан вазифаларни амалга ошириш учун ҳисоб маълумотларига ишлов беришни компьютерлаштириш, ҳисобнинг илғор шакл ва услубларини қўллаш, ҳисоб ишларига сарфланадиган маблағлар ва меҳнат сарфларини камайтиришга эришиш зарур.

Ҳар бир хўжалик фақти ва хўжалик муоамалалари ҳисобда корхона фаолиятининг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатларини тавсифлайдиган кўрсаткичларга айланади. Булар айрим маҳсулот турларининг ҳақиқий таннархи, корхона фаолиятининг молиявий натижалари ва бошқалар.



### 1.2-чизма. Бухгалтерия ҳисобининг функциялари

Хўжалик ҳисоби хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда фойдаланиладиган ахборот тизимидан иборат бўлиб, унда корхона фаолиятида содир бўладиган барча жараёнлар ва ҳисоб объектларининг ҳолати тўғрисидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотлар маълум қоидалар ва стандартлар бўйича уларни бошқариш учун илмий асосланган қоидаларга мувофиқ қайд қилинади, ўлчанади, ишлов берилади, тўпланади ва гуруҳланади. Хўжалик ҳисоби кенг қамровли ва тўлақонли

бўлиши ҳамда корхона иқтисодиётини бошқариш вазифалари тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширишга йўналтирилган, яъни бошқарув тизими учун фойдали бўлиши лозим.

Хўжалик ҳисобининг моҳиятини унинг функциялари орқали муфассал очиқ бериш мумкин (1.2-чизма).

**Ахборот функцияси.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона фаолияти ҳақида ўз вақтида, ишончли ахборотга бўлган эҳтиёж ва унга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда.

Бухгалтерия ҳисоби турли хил иқтисодий ахборот истеъмолчилари учун асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Улар асосида бошқарув ва инвестицион қарорлар қабул қилинади. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, иқтисодий ахборотлар умумий ҳажмининг 70% идан ошиғи бухгалтерия ахборотлари улушига тўғри келади.

Айнан бухгалтерия ҳисоби тизими корхона маблағлари ва улар манбаларининг аҳволи ва ҳаракати, хўжалик жараёнлари, корхона молиявий натижалари тўғрисида умумлашган (синтетик) ва батафсил (аналитик) ахборотларни акс эттиради ва тўплайди. Бухгалтерия ахборотлари оператив ва статистик ҳисобда, режалаштиришда, истиқболни белгилаш (прогнозлаш)да, корхона фаолияти тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқишда ва бошқаришда кенг қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобида корхона мулки ва уларнинг ташкил топиш манбаларидаги ўзгаришлар, уларнинг ҳаракати, хўжалик жараёнлари ва молиявий натижалар алоҳида ва умумлашган ҳолда ва бошланғич ҳужжатларда акс эттирилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби ахборотлари учун ишончли, ҳолисона, ўз вақтида, оператив, юқори сифатли ва истеъмолчилар учун самарали бўлиш талаби қўйилади. Бухгалтерия ҳисоби ахборотининг яқуний натижаси корхонанинг молиявий ҳолатини кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобланади.

Қўйилган мақсад, ҳал этиладиган вазифалар доираси ахборотдан фойдаланувчи бўлинмалар, бошқариладиган объект даражасига кўра ҳисоб ва таҳлилий ахборотларни уларнинг энг юқори ва энг паст қисмларга бўлиш зарур. Ҳар бир ахборот турини бошқарув объектлари ва бериш муддатлари бўйича табақалаштириш керак.

Ахборотлар даврийлиги бўйича: смена, сутка, ҳафта, декада, ойлик, чораклик ва йиллик бўлиши мумкин.

**Ҳисоб функцияси** корхона хўжалик фаолиятининг ҳужжатлар асосидаги ялпи, узлуксиз ва ўзаро боғланганлик ифодасидир.

**Назорат функцияси.** Турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, хўжалик субъектлар ҳуқуқининг кенгайиши бухгалтерия ҳисобининг назорат функциясини кучайтиришини талаб қилинади. Бухгалтерия ходимлари турли хилдаги ресурслардан фойдаланишни доимий назорат қилиши лозим. Назорат – бу авваламбор, бизнес режада белгиланган иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини аниқлаш жараёни ҳисобланади.

Белгиланган режадаги кўрсаткичларни ҳақиқатда эришган кўрсаткичлар билан солиштириш натижасида келгуси даврларда керакли тузатишлар режага киритилади.

Бухгалтерия ҳисобининг махсус усуллари ва амаллари ёрдамида назоратнинг учта тури юритилади: дастлабки – хўжалик муомаласи содир бўлгунгача; жорий – хўжалик муомаласини амалга ошириш; кейинги – муомала содир бўлганидан сўнгги.

Назорат қилиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- \* ишлаб чиқарилган, жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг ҳажми бўйича режа ва шартномаларнинг бажарилиши;

- \* корхона мулкларининг сақланишини таъминлаш;

- \* моддий хом-ашё, ёқилғи-энергетика, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш;

- \* асосий воситалар, амортизация фонди ва бошқа фондлардан фойдаланиш;

- \* маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳақиқий харажатларни шакллантириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) таннархини ҳисоблаш;

- \* реализация қилинган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг тўла таннархини шакллантириш;

- \* турли харажат сметаларининг бажарилиши (масалан, вакиллик харажатлари, тижорат ва реклама харажатлари);

- \* корхонанинг турли ички хўжалик бўлинмалари фаолияти: ишлаб чиқариш бўлимлари, участкалари, оила (жамоа) пудратлари ва ш.к.;

- \* молия бозорида иштирок этиш билан боғлиқ муомалалар бўйича (акциялар, облигациялар ва ш.к.);

- \* корхона фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантириш ва солиққа тортиладиган базани, ҳамда тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни аниқлаш;

- \* маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;

- \* шубҳали қарзлар бўйича резервлар ва бошқа махсус фондларни яратиш ҳамда уларнинг ишлатилиши;

- \* корхонанинг молиявий аҳволи, ҳамда рақобатчи корхоналар тўғрисида маълумот тўплаш;

- \* молиявий ҳисобот ва бошқа турдаги ҳисоботларни тузиш.

Ҳисоб жараёнининг ахборотларни тўплаш, ўлчаш, рўйхатга олишдан тортиб, то зарур бўлган оралиқ, натижавий ва ҳисобот кўрсаткичларини олиш билан яқунланадиган барча босқичларида компьютер ва бошқа ташкилий-техник воситалардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг бошқарув тизимидаги назорат функциясини кучайтиришга доир вазифаларни бажаришга ёрдам беради.

Корхона маблағларининг бутун доиравий айланиши, уларнинг вужудга келиш манбалари ва хўжалик жараёнлари бухгалтерия ҳисобида акс

эттирилади. Сифатли ҳисоб ахборотлари ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида назорат ўрнатиш, зарур бўлганда корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятининг бутун тафсилотини назорат қилиш, уни таҳлил қилиш ва ушбу ахборотлар асосида бошқарувнинг барча поғоналарида тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш, асослаш ва қабул қилишга имконият яратади.

**Мулкнинг сақланишини таъминлаш функцияси.** Бу функция бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш ва унинг назорат функциясини кучайтириш билан чамбарчас боғлиқ. Бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйиш мулкнинг бутлигини таъминлаш, турли хилдаги йўқотишлар ва талон-тарождларнинг олдини олишга олиб келади. Бунинг учун корхонада барча шарт-шароитларни яратиш лозим: омборхоналар, назорат-ўлчаш асбоблари, ўлчаш идишлари ва бошқалар. Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ва бозор муносабатларининг эркинлаштирилиши, мулкдорлар сонининг кўпайиши, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши шароитида бухгалтерия ҳисобининг ушбу функцияси янада ривожланмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари негизида, илмий асосланган ҳолда ташкил этилган ҳисоб тизими нафақат камомад ва ўғирликларни аниқлаш, уюшган жиноятларни очиб ташлаш, балки, уларнинг олдини олишга ҳам имкон яратади.

Ушбу функцияни амалга оширишнинг асосий омили бўлиб, ўз вақтида ва белгиланган тартибда инвентаризация ўтказиш, уларнинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳисобланади.

**Таҳлил функцияси.** Ишончли ва ҳуқуқий асосланган ахборот корхона молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ишлатилади. Таҳлил бу қабул қилинган қарорлар натижасида эришилган ютуқ ва камчиликларни ўрганиш ҳамда у орқали натижаларни янада яхшилаш мақсадида ички-ташқи омилларни излаш жараёнидир.

Бухгалтерия ҳисобига қуйидаги бир нечта **талаблар** қўйилади:

- **ҳисобнинг содда ва тушунарли бўлиши.** Содда ва ҳамма учун тушунарли ҳисобни ташкил этишдан асосий мақсад, уни мураккаблашишига йўл қўймаслик, ҳамда ҳисоб маълумотларидан кенг халқ оммаси фойдалана олишини таъминлашдан иборат.

- **ҳисобнинг режалилиги.** Бу талаб юқорида айтиб ўтилган соддалик талаби билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳисоб албатта зарурий маълумот ва кўрсаткичларга эга бўлган ҳолда, ҳисоб юритиш харажатларини иложи борица камайтириб бориш лозим.

- **ҳисобнинг аниқ ва тўғрилиги.** Бу талаб негизида хўжалик фаолиятларида кузатиш натижасида олинган маълумотларни ҳужжатларда аниқ ва тўғри қайд этиш тушунилади.

- **ҳисоб ишларини ўз вақтида амалга ошириш,** яъни ҳисоб ишларига таалукли ҳар қандай ҳодиса содир бўлганда, албатта ўз вақтида ҳужжатларда акс эттирмақ зарур.

- **ҳисоб кўрсаткичлари билан режа кўрсаткичлари бирлиги.** Корхона, муассаса, ташкилотларда мулкчилик шаклидан қатъий назар ўз олдига жорий ва келгуси режа кўрсаткичларини тузиб олади. Худди шу кўрсаткичлар билан ҳисоб кўрсаткичлари бирлиги катта аҳамият касб этади ва бошқалар.

**Хўжалик ҳисобида қўлланиладиган ўлчовлар.** Хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғрисидаги ахборотлар, агар барча ҳисобга олинган ресурслар ва хўжалик жараёнлари ҳисоб ўлчовларда ифодаланса, ахборотдан фойдаланувчилар эҳтиёжини қондиради.

*Ҳисоб ўлчовлари* - хўжалик ресурслари ва жараёнларини ўлчаш ва ҳисоблаш асосида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар хил эҳтиёжлари учун кўрсаткичларни шакллантирадиган ўлчов бирликлари.

Хўжалик маблағларини ва жараёнларини ҳисобда миқдорий акс эттириш учун *натура, меҳнал* ва *пул ўлчовларидан* фойдаланилади.

*Натурал ўлчовлар* - ҳисоб объектларини оғирлик (кг, ц, т), ҳажм (м.куб, литр), узунлик (мм, см, м, км), майдон (квадрат метр, га) ва бошқа ўлчовларда ифодалаш учун қўлланилади.

Натурал ўлчовларда юритиладиган ҳисоб миқдорий ёки натурал ҳисоб деб ҳам аталади. Миқдорий ҳисоб асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, хомашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар ва бошқа ҳисоб объектларини натурал (физик) ҳажми тўғрисида ахборотлар билан таъминлашдан иборат.

Натурал ўлчовлардаги ҳисоб объектларининг кўрсаткичлари ушбу объектларнинг сифат (нави, яроқлилиқ муддати, тоифаси ва ҳ.к.) ва миқдор (массаси, узунлиги, ҳажми, майдони ва ҳ.к.) параметрларини тавсифловчи белгилари бўйича бўлинади. Бунда миқдорий ҳисоб қўлланиладиган ўлчовларга кўра бутун корхона бўйича жами ресурслар тўғрисида таққослама маълумотлар бера олмайди. Ҳисоб объектларининг тавсифини батафсил кўрсатиш учун шартли натурал ўлчовлар қўлланилади. Бунда асосий объектлар киритиладиган ҳисоб объектларининг натурал таркиби техник талаблар, давлат стандартлари ёки бошқа шартлар билан олдиндан белгиланади. Шартли натурал кўрсаткичларга таъмирлаш дастгоҳларининг комплекти, маълум турдаги 100та жуфт поябзал, 100та шартли банка консерва ва шунга ўхшашлар мисол бўлади. Натурал ўлчовларнинг бошқа турлари - шартли (келтирилган) бирликлар, эксплуатация бирликлари, иш бирликлари кабилар ҳам мавжуд.

Солиқ ҳисоб-китобларида солиқ бирлиги тушунчаси, яъни солиққа тортиш объектининг сифат ўлчови бирлиги қўлланилади. Масалан, ер солиғини ҳисоблашда махсус натурал ўлчовлар - гектар, аксиз солиғини ҳисоблашда - литр, баррел кабилар қўлланилади.

Натурал ва шартли натурал ўлчовлардаги маблағларнинг ҳар хил турлари уларнинг ўзига хос ўлчови бўйича алоҳида ҳисобга олинади.

Бундай ўлчовлар хўжалик маблағларининг сақланишини ҳамда хўжалик фаолиятига тезкор раҳбарлик қилишни таъминлайди. Натурал

Ўлчовлар бир хилдаги хўжалик маблағларини ҳисобга олишда қўлланилади. Турли хил натурал кўрсаткичларини жамлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар хилдаги хўжалик маблағларини тавсифловчи умумлашган маълумотларни олишда бундай кўрсаткичлардан фойдаланиб бўлмайди.

Сарфланган иш вақтини ҳисобга олиш учун *меҳнат ўлчовидан* фойдаланилади. Меҳнат ўлчовлари - одам/куни, одам/соати, норма/соат ва бошқаларда ифодаланади. Меҳнат ўлчовлари кўп ҳолларда натура ўлчовлари билан бирга қўлланилади. Масалан, бир ишчи бир соатда ёки бир кунда қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарган ва ҳ.к. Улар асосан вақтбай ишловчиларга иш ҳақи ҳисоблашда, ишбай ишловчиларнинг нормаларини бажаришини назорат қилишда, меҳнат унумдорлигини ўрганишда ва ҳоказоларда қўлланилади.

Шундай қилиб, меҳнат ўлчовлари, натура ўлчовлари каби қатъий белгиланган қўлланилиш чегараларига эга.

Турли хилдаги хўжалик маблағларини, хўжалик эҳтиёжларини, ҳисоблашув ва кредит муносабатларини ҳисобда акс эттиришда ҳамда хўжалик фаолиятининг якунини пул ифодасида чиқаришда *пул ўлчови* қўлланилади. У товар-пул муносабатлари мавжудлиги, маблағлардан жуда тежаб фойдаланиш, рақобатбардошликни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш билан бевосита ҳамда чамбарчас боғлиқдир.

Пул ўлчови кўпинча натура ва меҳнат ўлчови билан бирга қўлланилади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматини аниқлаш учун бу маҳсулот миқдорини ва баҳосини, ишчига иш ҳақи ҳисоблаш учун эса ишчи томонидан ишланган кунлар ва вақт бирлиги учун тўланадиган ҳақ суммасини билиш зарур.

Ҳисоб бирлиги деб у ёки бу асосий ҳисоб объектига кирувчи таркибий объектларнинг умумий номланишига айтилади. Масалан, «Материаллар» номли асосий ҳисоб бирлигига ишлаб чиқариш жараёни ва унга хизмат кўрсатишда мустақил функцияларни бажарувчи материаллар (ҳисоб объектлари)нинг кўплаб турлари киради. Ҳар бир материал турига ҳисоб бирлиги - *номенклатура рақами* берилади. Шунингдек, у тайёр маҳсулотлар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналарга ҳам ҳисоб бирлиги сифатида фойдаланилади. Асосий воситаларнинг ҳисоб бирлиги бўлиб *инвентар объект* ҳисобланади. Уларга инвентар рақамлари берилади.

Хўжалик ҳисоби кенг маънода бошқарув функцияси бўлиб, кишилик жамиятининг дастлабки босқичларидаёқ ижтимоий фойдали меҳнатнинг мустақил тури сифатида ажралиб чиққан.

Хўжалик ҳисоби ҳамма вақт, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузумда ҳам, ўзининг моҳиятига кўра бошқарув аппаратини ахборот билан таъминлашга мўлжалланган.

Шундай қилиб, хўжалик ҳисоби - хўжалик фактларини, ҳодисаларини ва жараёнларини бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш мақсадида уларни кузатиш, ўлчаш, рўйхатга олиш ва умумлаштириш тизимидир. Хўжалик ҳисоби негизида учала ҳисоб турининг (*оператив, статистик ва*

*бухгалтерлик*) ўзаро боғлиқлигини ифодалайдиган бошқарув объектнинг фаолият кўрсатиш модели тузилади. Улар бир-бирларини ўзаро тўлдирадilar ва кўп ҳолларда бир хил ахборотлардан фойдаланадилар

**Хўжалик ҳисобининг турлари ва уларнинг тавсифи.** Мамлакатимиздаги алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг серқирра молия-хўжалик фаолиятини ҳар томонлама акс эттириш учун хўжалик ҳисобининг оператив, статистик ва бухгалтерия ҳисоби турларидан фойдаланилади.

Уларнинг ҳар бири ўз предметига мос бўлган ҳисоб объектларига ва мазкур предметни ўрганадиган ўз усулларига эга бўлганликлари боис мустақилдирлар. Айни вақтда улардан ҳар бирининг мустақиллиги ўзаро боғлиқлик ва бир-бирини тақозо қилишидан мустасно эмас.

Ҳисобнинг ҳар бир тури бир хилдаги хўжалик жараёнларининг турли жиҳатларини ўрганиб, ахборотдан фойдаланувчиларни қизиқтирадиган ахборот оқимларининг алоҳида босқичларда кесишишига тўсқинлик қилмайди. Бу ҳисобнинг барча турларига тааллуқли бўлган, улар учун жуда муҳим битта хусусият туфайлигина мумкин. У ҳам бўлса, юқорида кўриб чиқилган учта: натура, меҳнат ва пул ўлчовларининг учала ҳисоб турида ҳам қўлланилишидир. Шу боисдан, ҳисобнинг учта турини алоҳида ва батафсил кўриб чиқамиз.

*Оператив ҳисоб* режаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ишлаб чиқаришга тезкор раҳбарликни амалга ошириш учун зарур бўлган кундалик маълумотларни олиш ва умумлаштиришга хизмат қилади. У тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Оператив ҳисоб ёрдамида корхона ресурслари ва улар миқдорининг ўзгаришини жорий тартибда кузатиш, бухгалтерлик ва статистик ҳисобда акс эттирилмайдиган қатор маълумотларни кўрсатиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш меъёрларининг бажарилиши, шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши, машина ва қурилмалардан фойдаланиш даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Оператив ҳисоб хўжаликка тезкор раҳбарлик қилишни таъминлаш учун иқтисодий маълумотларни тўплашда бевосита хўжалик бўлинмаларида амалга оширилади. Айрим оператив ҳисоб маълумотларидан фақат бевосита корхонада фойдаланилиб қолмасдан, балки улар корхонага раҳбарлик қилувчи юқори ташкилотларда, ҳатто иқтисодиёт тармоқлари миқёсида алоҳида оператив ҳисобот кўринишида ҳам умумлаштирилиши мумкин. Бундай ҳисоботлардан эса, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифати, хомашё билан таъминланганлик даражаси, ҳосилни йиғиштиришнинг бориши тўғрисидаги ва бошқа маълумотлами олишда фойдаланилади.

Назорат қилинаётган хўжалик муомалаларининг мазмунига кўра оператив ҳисобда натура ва меҳнат ўлчовлари, айрим ҳолларда эса пул ўлчовлари қўлланилади.

Таъкидланганидек, оператив ҳисоб томонидан бошқарув аппаратига тақдим этиладиган ахборот кундалик хўжалик муомалалари алоҳида қисмларининг мазмуни тўғрисида жавоб бера олиши сабабли зарур. Мазкур

ахборотнинг вақт оралиғида чегараланганлиги - оператив ҳисобнинг биринчи ажралиб турувчи белгиси ҳисобланади.

Бундай ахборотларни ҳисобнинг бошқа турларидан олиш уларга ғов бўлиши ва қўйилган вазифаларни ҳал этишга тизимли ёндашувни қўллашни юзага чиқармаслиги мумкин. Шунинг учун ушбу бўшлиқни ўз табиатига кўра бир хил бўлмаган, оператив ҳисоб тўлдиради. Оператив ҳисоб хўжалик ҳисобига хос бўлган учала ўлчовдан фойдаланса ҳам, шунга қарамасдан, пул ўлчовидан фойдаланиш унда чекланган. Бу оператив ҳисобда асосан доимий равишда умумлаштириш талаб қилинмайдиган, айрим бир хил хўжалик муомалалари акс эттирилиши билан боғлиқ. Мазкур ҳисоб турининг фарқ қилувчи иккинчи белгиси ҳам мана шундан иборат.

Бундай ахборотларни олишнинг тезкорлиги оператив ҳисобнинг учинчи фарқ қилувчи белгиси ҳисобланади. Оператив ахборотларни олишга бўлган талабларнинг соддалаштирилиши шундан келиб чиқади. Оператив ҳисоб ахборотлари хужжатлаштирилмаганлиги боис, улар юридик далилловчи кучга эга эмас. Агар оператив ҳисоб ахборотларининг тайинланишидан келиб чиқилмайдиган бўлса, бундай далиллаш шарт эмас. Оператив ҳисобнинг тўртинчи фарқловчи белгиси мана шундан иборат.

Оператив ахборотлар, одатда, оғзаки, телефон ёки телеграф, телетайп орқали узатилади. Айрим ҳолларда бундай ахборотлар маълумотнома, хизмат ёзуви ва бошқа кўринишда расмийлаштирилиб, бу оператив ҳисобот тузиш деб қаралиши мумкин. Зарур ҳолларда оператив ҳисобда статистик ва бухгалтерлик ҳисобдан олинган ахборотлар ҳам қўлланилади. Бу оператив ҳисобнинг бешинчи ўзига хос белгисидир. Ҳисобнинг бошқа турларига хос бўлган, ахборотларга ишлов беришнинг махсус усуллари ва амалларини қўллаш оператив ҳисобда ишлатилмайди.

*Статистик ҳисоб* миқдор кўрсаткичларида ифодаланмайдиган ижтимоий-оммавий ҳодисаларни сифат жиҳатдан тавсифлаб, кузатиш ва акс эттириш ҳамда жамият тараққиёти қонуниятларини ўрганиш тизимидир.

Статистик ҳисоб ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари ва ижтимоий турмушдаги сиёсий ва маданий жараёнлар ривожланишининг асосий қонуниятларини очиқ беради. Иқтисодий бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш, статистик таҳлил қилиш ва ахборотдан фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиш статистик ҳисобнинг асосий вазифасидир. Бу мақсадда статистик ҳисоб бухгалтерия ва оператив ҳисоб маълумотларидан фойдаланиб, шу билан бирга уларнинг тузилишига ҳам таъсир этади.

Ўрганилаётган ҳодисаларнинг хусусиятига кўра статистик ҳисобда натура, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланилади. Статистик ҳисоб маълумотларни тўплаш ва ишлов беришнинг муайян методик усулларида, масалан, ялпи ва танлаб кузатиш, статистик тўплаш, статистик гуруҳлаш, ўртача миқдорларни ҳисоблаш, индекслар ва бошқалардан фойдаланиб, хўжалик фаолиятининг асосий қонуниятларини очиқ беради.

Давлат бошқарув органлари томонидан статистик маълумотлар асосида прогнозлар ишлаб чиқилади, иқтисодий сиёсат соҳасидаги қарорлар қабул қилинади. Мамлакат иқтисодиётини тезкор бошқариш бўйича аниқ чоратадбирлар белгиланади.

*Бухгалтерия ҳисоби* хўжалик юритувчи субъектнинг маблағлари ва манбаларининг ҳаракатини акс эттириб, хўжалик жараёнида содир бўладиган муомалаларни ёппасига ва узлуксиз кузатиб бориш, кузатиш натижаларини ўлчаш ва ҳужжатларда расмийлаштириш, уларни ягона бир ўлчовда, яъни пул ифодасида умумлаштириш ҳамда бошқарув қарорларини асослаш ва қабул қилиш учун зарур кўрсаткичларни ҳисоблаш, баҳолаш, уларни тегишли ахборотдан фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш тизимидир.

**Хўжалик ҳисоби турларининг қиёсий тавсифи.** Бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унда барча ёзувлар тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда ҳужжатлар махсус далилловчи юридик кучга эга бўлиб, мулкнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиради ва корхона фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишни таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг яна бир хусусияти - унинг узлуксизлиги ва хўжалик муомалаларини ёппасига қамраб олишидир. Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик муомалаларини ёппасига қайд қилишни узлуксиз амалга ошира бориб, корхоналарда содир бўлаётган хўжалик жараёнларини тўла тавсифлайди.

Бухгалтерия ҳисоби натура ва меҳнат ўлчовларини умумлаштирган ҳолда барча хўжалик маблағларини ва хўжалик фаолияти жараёнидаги уларнинг доиравий айланишини пул ифодасида акс эттиради. Бу бухгалтерия ҳисобини оператив ва статистик ҳисобдан фарқ қилдириб, ундан хўжалик фаолиятини сўм билан назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини беради ва бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Демак, бухгалтерия ҳисоби фақат пул ифодасида юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби тадбиркорликни ривожлантиришда ва ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини кучайтиришга ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Бу эса хўжалик муомалалари ва жараёнларини пул ўлчовида ёппасига ва узлуксиз акс эттириш орқали амалга оширилади, сарфларни ва сотишдан олинган даромадларни пул ўлчовида таққослаш, фойдани аниқлаш имконини беради.

Ҳисоб ахборотларини шакллантиришнинг бутун технологияси ва ташкил этилиши хўжалик юритувчи субъект мулкларининг баҳоланиши ва ҳаракатланиши, унинг мажбуриятлари ва улар билан боғлиқ хўжалик муомалаларига қаратилган. Уларнинг йиғиндиси бухгалтерия ҳисобининг объектларини ташкил этади.

Хўжалик ҳисобининг алоҳида турлари ичида бухгалтерия ҳисоби марказий ўринни эгаллайди.

Бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг устуворлиги, уларнинг фойдалилиги мазкур ахборотларнинг *аҳамиятлилиги* ва *ишончлилиги* билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг аҳамиятлилиги бошқарув қарорларини қўллашнинг натижасига таъсир кўрсатиш имкониятида намоён бўлади. Чунки улар:

- вазиятларни олдиндан айтиш ва шу асосда энг яхши мақбул вариантларни танлаш;
- мазкур ахборот манбаси билан узвий алоқада бўлиш;
- ахборотларни ўз вақтида олишга имкон беради.

Бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг ишончлилиги қуйидагиларга асосланади:

- унинг хўжалик жараёнига мос даражадаги ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги;
- содир бўлган хўжалик муомалалари фактини тасдиқлаш имконини берадиган шаффофлиги;
- агар ҳисоб ахборотларини олиш, унинг айрим фойдаланувчилар манфаатини кўзлаган ҳолда атайлаб чалкаштириш натижаси бўлмаса, бетарафлиги.

Бухгалтерия ҳисобининг юқорида кўрсатилган афзалликлари унинг ўзига хос жиҳатларида мужассамлашган. Булар:

- хўжалик юритувчи субъектнинг маблағлари ва маблағлар манбаларини ҳамда хўжалик жараёнларини ёппасига кузатиш ва ўлчаш;
- хўжалик муомалаларини рўйхатга олишнинг узлуксизлиги ва уларнинг хужжатлаштирилиши;
- юқорида келтирилган афзалликлар амалга ошмаган вазиятларда махсус усулларни қўллаш (масалан, инвентаризация);
- жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотларини бир ҳисобот давридан иккинчисигача тегишли ҳисобот шакллари кўринишида тўлдириш йўли билан умумлаштириш.

Бухгалтерия ҳисобининг бундай ўзига хос хусусиятлари узоқ ўтмишда аниқланган бўлиб, масалан, 1590-йилда испан олими Барталамео де Салазано томонидан қуйидагича таъкидланган: *“Бухгалтерия ҳисоби барча фан ва санъатлардан юқори туради, чунки ҳамма унга эҳтиёж сезади, у эса ҳеч кимга нисбатан эҳтиёж сезмайди. Бухгалтерия ҳисобисиз дунё бошқарувсиз қолган ва одамлар эса бир-бирларини тушуна олмаган бўлар эдилар”*<sup>1</sup>. Бухгалтерия ҳисобининг юқорида баён қилинган афзалликларини амалда қўллаш хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ишончли ахборотларни тўплаш ва тақдим этишга имкон беради. Бунда ҳисоб ахборотлари бошқарувнинг учта функциясини: режалаштириш, назорат ва баҳолашни амалга оширишни таъминлайди.

---

<sup>1</sup> Соколов Я.В. История развития бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 1985. с. 60

*Режалаштириш* маълум мақсадни қўйишни ўз ичига олган ишлар тартибини шакллантириш ва кам харажат қилган ҳолда унга эришиш вариантларини топиш жараёнини назарда тутади.

*Назорат* режалаштирилган ишларнинг ҳақиқатан амалга оширилишини кузатиб бориш бўйича ишлар мажмуини ўз ичига олади. Бундай вазиятда бухгалтердан ҳақиқий харажатлар ва даромадларни режа кўрсаткичлари билан солиштиришни ўз ичига олган ахборотлар талаб қилинади.

*Баҳолаш* бошқарув қарорлари қабул қилишнинг бутун тизимини ўрганиш жараёнидир. Бозор шароитида баҳолашни тўғри танлаш биринчи навбатда узвий алоқа орқали амалга оширилиб, қўйилган мақсадга эришилганликни объектив баҳолашга имкон беради. Агар мазкур мақсадга эришилмаган бўлса, сабаб нимада эканлигини аниқлаш муҳимдир. Бунда асосий сабаблар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- тақдим этилган ҳисоб ахборотларига асосан хўжалик фаолиятига оид маълумотларни нотўғри талқин қилиш оқибатида режалаштиришда йўл қўйилган камчиликлар;

- текширувчиларнинг лаёқатсизлиги, уларга тазйиқ ўтказилиши, текширув жараёнида огоҳлантирувчи тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва ҳоказолар оқибатида назорат тизимида вужудга келган камчиликлар;

- аввалдан мақсаднинг нотўғри танланганлиги.

Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти янада кучаймоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва бозор муносабатларининг ривожланиши бухгалтерия ҳисобининг қўлланилиш чегарасини янада кенгайтирмоқда. Чунки янги ҳисоб объектлари, унинг натижаси сифатида ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчиларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Бухгалтерия ҳисобини илмий назария ва методология ҳамда бошқарув соҳасидаги замонавий талаблар негизида ташкил этиш самарали қарорларини қабул қилиш учун манфаатдор фойдаланувчиларга зарур ахборотларни тақдим этиш имконини яратади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби - бошқарувнинг муҳим қуйи тизимларидан бири ҳисобланади. Чунки у хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти жараёнида ҳақиқатда содир бўлган хўжалик операциялари тўғрисида ишончли ахборотлар билан таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у корxonанинг мулклари, мажбуриятлари ва хўжалик операциялари тўғрисидаги барча ахборотларга асосланади. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби ёппасига ва узлуксиз юритилиши лозим бўлиб, бу хусусият оператив ва статистик ҳисобга хос эмас.

Бухгалтерия ҳисобида объектлар миқдор ва пул ифодасида акс эттирилади, ҳисобнинг бошқа турларида эса - пул ўлчови қўлланилмаслиги мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби корxonанинг хўжалик фаолиятини ва қарор қабул қилувчи шахсларни боғловчи бўғин ҳисобланади. Хўжалик фаолиятига доир

маълумотлар бухгалтерия ҳисоби тизимига кириш, қарор қабул қилувчи шахслар учун зарур ахборотлар эса ундан чиқиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, мамлакат ҳудудидаги барча юридик шахслар бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт.

Шу билан бирга, оператив, статистик ва бухгалтерия ҳисоби бошқарувда бир хил функцияларни - ахборот ва назорат функцияларини бажаради. Ҳисобнинг ушбу турлари бир-бирларини ўзаро тўлдириб, кўп ҳолларда бир хил ахборотлардан фойдаланади.

Шунинг учун хўжалик ҳисобининг учала тури ахборотларидан яхлит тизим сифатида фойдаланиш корхоналарга хўжалик фаолиятини самаралироқ бошқариш, харидорлар ва буюртмачиларнинг талабларини қондириш ва корхонанинг бозордаги аҳволини баҳолашга имкон яратади.

Бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйиладиган бозор талаблари қатъий ва уларнинг рўйхати режали иқтисодиёт шароитига қараганда анча кенг. Бу аввало, бошқарув мақсади корхона фаолиятининг якуний натижаси - *фойда* олишга қаратилганлиги билан боғлиқ.

### **1.5. Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари. Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерларни халқаро профессионал этикаси**

**Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:**

- ҳисоблаб ёзиш тамойили;
- иккиёқлама ёзув усули билан ҳисоб юритиш;
- давомийлик (узлуксизлик);
- хўжалик операциялари, активлар ва пассивларга пул билан баҳо бериш;
- ишончлилик;
- эҳтиёткорлик;
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсийлиги;
- молиявий ҳисоботнинг холислиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси;
- ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги;
- тушунарлилик;
- аҳамиятлилик;
- муҳимлик;
- тўғри ва беғараз тасаввур;
- тугалланганлик;
- изчиллик;
- замонавийлик (ўз вақтида тақдим этиш);
- оффсеттинг (моддаларнинг ўзаро ҳисобга олиниши);
- холислик;

- ҳисоб сиёсати.

**Ҳисоблаб ёзиш тамойили.** Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари молиявий ҳисоботлар ҳисоблаб ёзиш тамойили асосида тузилади.

Ҳисоблаб ёзиш тамойилига мувофиқ активлар, пассивлар, ўз сармоёси, даромадлар, харажатлар, хўжалик операциялари ва воқеалар бухгалтерия ҳисобида бу ҳаракатлар юзасидан пул маблағлари ёки эквивалентлари олинган ёхуд тўланган пайтда эмас, балки шу ҳаракатлар содир этилган (ёки ҳақиқатда олинган) пайтда акс эттирилади.

Ҳисоблаб ёзиш тамойили асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчиларга ўтмишда пул тўлаб ёки пул маблағларини олиб амалга оширилган операциялар тўғрисидагина эмас, шунингдек келгусида пул тўланадиган мажбуриятлар тўғрисида ҳам ахборот беради, бу эса тегишли иқтисодий қарорларни қабул қилиш чоғида жуда зарур ҳисобланади.

**Иккиёқлама ёзув усули билан ҳисоб юритиш** қондаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия операцияларини иккиёқлама ёзув тизими асосида рўйхатга олиши лозимлигини билдиради. Иккиёқлама ёзув тизими шундан иборатки, бир операция бўйича бир миқдор бухгалтерия ҳисобининг икки ҳисобварағида - бирининг дебетида ва иккинчисининг кредитида акс эттирилади.

**Давомийлик.** Молиявий ҳисоботни давомийлик қондаси асосида тайёрлаш хўжалик юритувчи субъект доимий ҳаракат қилишини ва узоқ муддат давомида ўз фаолиятини давом эттиришини, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўзини тугатишига ёки ўз фаолияти соҳасини қисқартиришга эҳтиёжи йўқлигини билдиради.

Агар раҳбар хўжалик юритувчи субъектни тугатиш ёки унинг фаолияти кўламларини қисқартириш зарур деб ҳисобласа ёхуд шундай вазиятга олиб келадиган шароит мавжуд деб ўйласа, молиявий ҳисобга тушунтиришларда бундай фактнинг мазмунини очиб бериши ва молиявий ҳисоботни тузишга асос бўлган жиҳатларни, давомийлик тамойилидан чекиниш сабабларини кўрсатиши зарур.

Давомийлик тамойили яна шуни билдирадики, бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатган муддатга мос бўлиши лозим, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби субъект тугатилган ёки у банкрот деб эълон қилинган пайтгача юритилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тўхтатган кундан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳам тўхтатилади.

**Хўжалик операциялари, активлар ва пассивларга пул билан баҳо бериш.** Барча хўжалик операциялари, воқеалар, активлар ва пассивлар бир хил бирликда ўлчаниши - пул билан баҳоланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида пул бирлиги - сўм, унинг бўлаклари - тийинлардир.

**Ишончлилик.** Ахборотда муҳим хато ёки ғаразлилик бўлмаса ва фойдаланувчилар унга таянишлари мумкин бўлса, ишончли ҳисобланади.

Операциялар ёки воқеаларнинг ишончлилиги одатда дастлабки ҳисоб хужжатлари билан тасдиқланиши лозим.

**Эҳтиёткорлик** тамойили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадлар нархининг оширилиб юборилишига ва мажбуриятлар ёки харажатлар баҳоси камайтирилишига йўл қўйилмаслиги лозимлигини билдиради.

Бу тамойилнинг қўлланиши яширин заҳираларни барпо этишга ёки таъминотни ошириб кўрсатишга, активлар ёки фойдани, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб камайтиришга ва ошириб кўрсатишга ҳуқуқ бермайди.

**Мазмуннинг шаклдан устунлиги.** Ушбу тамойилнинг мазмуни шуни билдирадики, агар ҳисобга олиш хужжатларидаги ва молиявий ҳисоботдаги ахборот операциялар ва воқеаларнинг мазмунини тўғри акс эттирса, бу ахборот молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши ва кўрсатилиши лозим.

**Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги.** Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотларга қиёсланадиган бўлиши керак. Ҳисоботдан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида фойдаланган ҳисоб сиёсатидан, бу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва бундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлиши керак.

Молиявий ҳисоботда ундан олдинги даврга нисбатан бутун қиёсий ахборотни очиб бериш зарур. Олдинги даврдаги молиявий ҳисоботларнинг шарҳлари ва баён қилувчи ахборотлари жорий ҳисобот даври учун ҳам тақдим этилиши ва жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларини холисона тақдим этиш учун зарур бўлса, янгиланиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичларини тузатиш ёки унинг моддаларини тасниф этиш чоғида жорий ҳисобот билан қиёсийликни таъминлаш учун қиёслама миқдорлар қайтадан тасниф этилиши ва айни пайтда бундай таснифнинг характери, миқдори, сабаби очиб берилиши лозим. Бунинг имконияти бўлмаса, хўжалик юритувчи субъект қайта тасниф этиш сабабини ва агар миқдорлар қайтадан тасниф этилган бўлса киритилган ўзгартишларнинг характерини очиб бериши лозим.

Агар ахборот фақат тақдим этиш учун, масалан, маълум бир давр бошидаги ва охиридаги номоддий ва моддий активларнинг сальдосини текшириш учун хизмат қилса, бундай ҳолларда қиёсланадиган ахборот талаб қилинмайди.

Янги стандартларни ишлаб чиқиш ва мавжуд стандартларни ўзгартириш бобида қиёсланадиган ахборот тақдим этишга талаблар доираси камайтирилиши мумкин. Янги ва қайта кўриб чиқилган стандартлардаги ўтиш қоидалари стандартдан биринчи марта фойдаланилаётганда қиёсланадиган ахборот тақдим этишни талаб қилмаслиги ҳам мумкин.

Шундай вазиятлар ҳам борки, жорий давр билан қиёслаш мақсадида қиёсланадиган ахборотни қайта тасниф этиш мумкин бўлмайди. Масалан, бундан олдинги даврдаги ахборот қайта тасниф этиш мумкин бўлмайдиган тарзда тўпланган бўлиши мумкин, бу эса ахборотни ўзгартиришга амалда имкон бермайди. Бундай вазиятда қиёсланадиган миқдорларга киритилиши

мумкин бўлган тузатишларнинг характери очиб берилиши лозим.

Қиёсийлик тамойилига риоя қилиш учун қуйидаги шартларни бажариш керак:

- бутун ахборот миқдорига нисбатан талаблар;

- ҳисобот йилида ҳисоботни тақдим этишга ёндашув ўзгарган тақдирда ундан олдинги давр ахбороти қиёслаш мақсадлари учун қайтадан тасниф этилиши лозим;

- агар амалий мулоҳазалар билан қайта тасниф этиш мумкин бўлмаса, башарти қайта тасниф амалга оширилганда содир бўладиган ўзгаришларнинг сабаблари ва характери очиб берилиши лозим.

**Молиявий ҳисоботнинг холислиги.** Молиявий ҳисоботнинг ишончилигини таъминлаш учун унда келтириладиган ахборот янглишлардан холи бўлиши керак.

**Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш** тамойили уларнинг таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолашга асос бўлишини назарда тутди. Стандартларда кўзда тутилган айрим ҳолларда ҳақиқий баҳолаш сотиб олиш қийматидан фарқ қилиши мумкин.

**Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги** ушбу даврда мазкур ҳисобот даврида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни акс эттиришини билдиради. Агар харажатлар ва даромадларнинг айрим турлари ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, харажатлар тақсимлашнинг бирор-бир тизимига мувофиқ тарзда бир неча ҳисобот даврига тақсимлаб чиқилади. Бу бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига ҳам тааллуқлидир.

**Тушунарлилик.** Молиявий ҳисоботда келтириладиган ахборот фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши лозим.

**Аҳамиятлилик.** Молиявий ахборотнинг аҳамиятлилиги молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг эҳтиёжини қолдириши ва операция, молиявий ҳамда хўжалик фаолиятига доир воқеаларга баҳо беришда уларга ёрдам бериши лозимлигини билдиради. Ахборотнинг моҳияти ва қиймати (муҳимлиги) унинг аҳамиятлилигига таъсир қилиши мумкин.

**Муҳимлик.** Агар ахборотнинг тушириб қолдирилиши ёки нотўғри кўрсатилиши ахборотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир қилса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади. Молиявий ҳисоботларда характери ва вазифалари жиҳатидан ўхшаш бўлган ва алоҳида кўрсатилиши мумкин бўлмаган миқдорлар билан умумлаштирилиши лозим бўлган миқдорлар бир моддада акс эттирилади.

Бироқ, алоҳида ўзини олганда ҳам, бошқаларга қўшганда ҳам муҳим ҳисобланган ахборот ўзга ахборот билан тўла умумлаштирилмаслиги лозим. Шу муносабат билан, агар ахборотнинг очиб берилмаслиги ҳисоботдан фойдаланувчилар молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик уни тушириб қолдиришнинг алоҳида аниқ шарҳларида кўриб чиқилмайдиган модданинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Молиявий ҳисобот характери ва вазифалари жиҳатидан гуруҳларга бирлаштирилган хўжалик операцияларини ишлаб чиқиш натижасидир. Молиявий ҳисоботларда ёки модда тарзида тушунтиришларда акс эттириладиган, тасниф этилган қисқа кўринишдаги ахборот мазкур жараённинг яқунловчи босқичи ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботда айрим кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш ёки уларни бошқа кўрсаткичлар билан бир моддага бирлаштириш ҳам муҳимдир. Шу сабабли агар активлар ёки пасивларнинг, даромадлар ёки харажатларнинг айрим моддалари муҳим бўлмаса, бундай ҳолларда модда ёки моддалар жамининг характери ва ҳажми бир вақтнинг ўзида баҳоланади. Вазиятга қараб модданинг характери ёки ҳажми белгилловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Агар дастлабки ахборот муҳим бўлмаса, БҲМСда келтирилган бундай ахборотларни очиб кўрсатиш талабларини бажаришга ҳожат бўлмайди. Бироқ умумий фойдаланишга мўлжалланган молиявий ҳисоботларда муҳим ахборот бошқа муҳим ахборот билан бир моддада бирлаштирилган бўлса, молиявий ҳисоботга тушунтиришларда бу ахборотни очиб кўрсатиш зарур.

Муҳимлик молиявий ҳисоботда келтирилган тушунарлилик ва аниқлик даражаси билан боғлиқ. Ахборотни минг ёки миллионгача яхлитлаштириш чоғида муҳимлик тамойили бузилмаган пайтгача аниқлик даражасидан фойдаланишга йўл қўйилади.

**Тўғри ва беғараз тасаввур.** Молиявий ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларда субъектнинг молиявий аҳволи, операцияларнинг натижалари ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва беғараз тасаввур ҳосил қилиши керак.

**Тугаллик.** Ишончлилики таъминлаш учун молиявий ҳисоботлардаги ахборот тўла бўлиши керак.

**Изчиллик.** Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботларини унинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тамойилларини аниқлаш учун қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Хўжалик юритувчи субъект операциялари характеридаги муҳим ўзгаришлар ёки ҳисоботни тақдим этиш шаклини таҳлил қилиш ҳисоботни тақдим этиш шаклини ўзгартириш мақсадга мувофиқлигидан далолат бермаса, молиявий ҳисобот моддаларини тақдим қилиш ва тасниф этиш сақланиб қолиши керак.

Субъект операция ўтказиш фаолияти тавсифидаги айрим муҳим ўзгаришлар ёки вақти-вақти билан катта миқдордаги харид қилиш ёхуд кўп миқдордаги мулкнинг чиқиб кетиши ёки молиявий ҳисоботнинг шарҳи молиявий ҳисоботларни ўзгача тасаввур этиш мақсадга мувофиқлигига олиб келади. Бундай ҳолларда хўжалик юритувчи субъект муҳимлик ва қиёсийлик тамойилларига риоя қилиш ўртасидаги мувофиқликни таъминлаши лозим. Хўжалик юритувчи субъект қайта кўриб чиқилган ички тузилиш узоқ давр

давомида сақланса ёки муқобил тасаввурнинг афзаллиги равшан бўлса, фақат шундай ҳоллардагина молиявий ҳисобот тўғрисидаги тасаввурни ўзгартириши мумкин. Ҳисоб сиёсати бир даврдан иккинчисига изчиллик билан ўтказилиши назарда тутилади.

**Замонавийлик.** Ахборот ўз вақтида берилган тақдирдагина у фойдали бўлади. Агар молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчилар тасарруфига тузилган вақтдан кейин оқилона вақт ичида тақдим этилмаса, унинг фойдаси қолмайди. Ҳисобот ахборотлари асоссиз равишда ушлаб қолинса, у ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъект кўрсатилган муддатларда молиявий ҳисоботни тузишга қодир бўлиши керак. Ҳеч қандай омиллар, ҳатто хўжалик юритувчи субъектнинг операциялари мураккаблиги ҳам ҳисоботни вақтида тақдим этмасликка сабаб бўлмаслиги керак.

Молиявий ҳисобот "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тарзда эълон қилиниши керак.

Агар ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш унинг ҳамма жиҳатлари маълум бўлган пайтгача кечиктириладиган бўлса, энг ишончли ахборот ҳам кам фойда беради, чунки ҳисоботдан фойдаланувчилар бу ахборотни олмай туриб, қарор қабул қилишга мажбур бўлади. Аҳамиятлилик ва ишончлилик ўртасида мувозанатга эришиш мақсадида иқтисодий қарорларни қабул қилиш чоғида ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб яхшироқ қондиришни ҳал этиш керак.

**Оффсеттинг (моддаларнинг ўзаро ҳисобга олиниши).** Активлар ва пасивлар ўртасида ўзаро ҳисобга олиниши бўлмаслиги керак, агар бошқа БҲМСларда бу ҳолат кўзда тутилмаган бўлса.

Даромадлар ва харажатлар моддалари ўзаро ҳисобга олиниши мумкин эмас, фақат куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- БҲМС бунга талаб қилади ёки рухсат этади;
- фойда, зарарлар, шунингдек бундай операциялар билан боғлиқ харажатлар ва воқеалар яқка ҳолда ҳам, жамланган ҳолда ҳам муҳим эмас. Уларнинг тақдим этилиши операциянинг ёки бир хилдаги битимлар гуруҳининг моҳиятини энг яхши тарзда акс эттирса, бундай миқдорлар умумлаштирилиши ва нетто-асосда тақдим этилиши керак.

Агар даромадлар ва харажатлар ўзаро ҳисобга олинган бўлса, шунга қарамай хўжалик юритувчи субъект муҳимлик тамойилига асосланиб, молиявий ҳисоботларга изоҳларда бу миқдорларни очиб кўрсатиш эҳтиёжини қараб чиқиши керак. Масалан, агар бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларини "Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисобкитоблар" моддасида барпо этилган заҳираларни шубҳали қарзлардан чиқариб ташлаб акс эттириш кўзда тутилган бўлса, лекин тушунтириш ёзувида дебиторлик қарзи миқдори ҳам, шубҳали қарзлар бўйича барпо этилган заҳиралар миқдори ҳам алоҳида кўрсатилади.

**Холислик.** Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳволини, унинг фаолияти молиявий натижаларини ва пул маблағларининг ҳаракатини холисона кўрсатиши лозим. Холислик тамойилига эришиш учун ҳар бир

хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш чоғида БҲМС ва бухгалтерия ҳисоби асосий тамойилларини қўлланишга мажбурдир.

Фаолиятнинг хилма-хил турлари бўйича янгиликларни жорий этишнинг тезлиги шундай операциялар ва вазиятларга олиб келиши мумкинки, бундай операциялар ва вазиятлар бўйича БҲМС ҳали ишлаб чиқилмаган. Бундай ҳолатларда молиявий ҳисоботнинг холислигига ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўлланиш йўли билан эришилади. Бундай сиёсат хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу стандартга мувофиқ равишда мустақил ишлаб чиқилиши лозим.

### **Ҳисоб сиёсати**

Субъектнинг ҳисоб сиёсати юқоририда келтирилган тамойиллар асосида белгиланиши лозим. Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобот барча мақбул БҲМСларни қўлланиш асосида тузиладиган тарзда ташкил этилиши керак. Махсус талаблар бўлмаган тақдирда молиявий ҳисобот:

- а) фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли;
- б) шу жиҳатдан ишончли бўлиши керак:
  - субъект фаолияти ва молиявий ҳолатининг барча натижаларини холисона кўрсатиши;
  - фақат юридик шаклдан иборат бўлмай, воқеалар ва операцияларнинг иқтисодий моҳиятини акс эттириши;
  - холис (беғараз) бўлиши ва мажбурий бўлмаслиги;
  - холисликка зарар етказмаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши;
  - барча муҳим жиҳатлари тўла (тугалланган) бўлиши, яъни субъект хўжалик фаолиятининг барча фактларини тўла акс эттириши лозим;
- в) фаолияти ўхшаш бошқа субъектлар молиявий ҳисоботи билан таққосланадиган;
- г) тушунарли бўлиши керак.

Субъектнинг аниқ бир йўналиш (масала) бўйича ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисобот тузиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобига оид қонунларига амал қилиш керак.

Махсус БҲМСлар йўқ бўлса, субъект раҳбари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга энг фойдали ахборот берадиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш чоғида ўз қарорларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўз қарорларидан фойдаланиш жараёнида раҳбар қуйидагиларни кўриб чиқади:

- бундай масалалар хусусида БҲМСнинг талаблари ва қўлланмаларини;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон

килинган ҳар қандай бошқа ахборотни;

- активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун акс эттириш ва ўлчашнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган мезонларини;

- сармояларнинг асосий жаҳон молия бозорлари қабул қилган тармоқ иш тажрибасини.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) билан расмийлаштирилиши керак.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш чоғида субъект танлаб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, ҳисобот йили давомида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустаснодир.

Айни пайтда бу усуллар хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмаларида (жумладан, алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларида) уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар қўлланилади.

Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини ушбу бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилинганга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати тақвимий йил давомида ўзгармайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини куйидаги ҳолларда ўзгартиришга йўл қўйилади:

- субъект қайта ташкил этилганда (қўшилганда, ажралиб чиққанда, бирлашганда);

- мулк эгалари алмашганда;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларида ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий тизимда ўзгаришлар бўлганда;

- бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда.

Ҳисоб сиёсатининг ўзгартирилиши асослаб берилиши ва кўзда тутилган тартибда расмийлаштирилиши керак.

Ҳисоб сиёсатида Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмаган ўзгаришларнинг оқибатлари субъектнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзгартирилган усуллари қўлланила бошлаган вақтдаги (ойнинг биринчи кунда) текширилган маълумотлар асосида қиймат жиҳатидан баҳоланиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби чуқур назария, меъёрий-ҳуқуқий база, пухта услубий таъминот билан бирга ахлоқий жиҳатларига (бухгалтерлик этикаси) ҳам асосланади. Шу боис, халқаро амалиётда «профессионал

бухгалтерларнинг ахлоқ кодекси» амал қилади. Бухгалтерлар ўз фаолиятида ушбу кодекс нормаларига риоя қилишлари лозим.

Профессионал бухгалтер қуйидаги **фундаментал тамойилларга** риоя қилиши керак:

- а) интизомлилик;
- б) ҳаққонийлик;
- в) касбий компетентлик ва зарурий синчковлик;
- г) махфийлик;
- д) касбий хулқ-атвор

### **1.6. Бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми ва улар ўртасидаги тафовутлар**

Бозор иқтисодиётининг бухгалтерия ҳисоби олдида қўядиган талаблари анча кенг. Бу энг аввало, бошқарув мақсадлари хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг якуний натижаси - *фойда* олишга қаратилганлиги билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда учта йўналишда қайта шаклланмоқда:

- а) молиявий ҳисоб;
- б) бошқарув ҳисоби;
- в) солиқ ҳисоби.

*Молиявий ҳисоб* ташқи ва ички ахборотдан фойдаланувчилар талабини кондиришга қаратилган ҳисоб ва ҳисобот тизимидан иборат.

*Бошқарув ҳисоби* фақат ички ахборотдан фойдаланувчилар, яъни хўжалик юритувчи субъект бошқарув аппаратини ахборот билан таъминлайди ва унинг жорий вазифалари (ишлаб чиқариш ҳисоби) каби стратегик мақсадлари (стратегик ҳисоб)га хизмат қилади.

*Солиқ ҳисоби* солиқларнинг алоҳида турлари бўйича солиққа тортиладиган базани тўғри ҳисоблаш ва бюджет билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлашга қаратилган.

**Молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги.** Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини истиқболли ривожлантириш молиявий ва бошқарув ҳисоби каби унинг муҳим таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорликни ўрганишни тақозо этади.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасида кўпгина умумийликлар мавжуд, чунки уларнинг иккаласи ҳам корхона ҳисоб тизими ахборотидан фойдаланади.

Молиявий ҳисобнинг қабул қилинган тамойиллари бошқарув ҳисобида ҳам амал қилиши мумкин, чунки корхона раҳбарлари ўз фаолиятларида мутлоқо текширилмаган тахминлар ва фикрларга таяниб иш қилишлари мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳар иккала кичик тизим ахборотидан зарурий бошқарув қарорлари қабул қилиш учун фойдаланилади.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби **ўртагидаги мавжуд тафовутларни** қуйидагича ифодалаш мумкин:

**1. Ҳисобнинг мақсади.** Молиявий ҳисобнинг мақсади корxonанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини баҳолаш, активлар ва пассивларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш, даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишдан иборат. Бу маълумотлар маъмуриятнинг ўзи учун ҳам, ташқи фойдаланувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлади. Ташқи фойдаланувчилар, инвесторлар ва кредиторлар корxonанинг молиявий аҳоли, унинг тўлов қобилияти, кредитга лаёқати, мазкур корхонага берилган инвестицияларнинг рентабеллик даражаси кабиларга баҳо беришда айнан шу маълумотларнинг аниқ белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқ равишда олиб борилганига эътибор берадилар.

Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади эса корхона раҳбариятини оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш учун харажатлар ва молиявий натижалар тўғрисидаги ишончли ахборотлар билан таъминлашдир.

**2. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.** Молиявий ҳисобда ҳисоб сиёсати уни юритиш қоидалари, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш тартибини ифодалайди.

Бошқарув ҳисоби ҳисоб сиёсатида асосан корхона фаолиятини бюджетлаштириш, тахминлаш, таннарх ҳисоблаш, трансферт баҳони шакллантириш, сегментар ҳисобот тузиш масалалари ўз ифодасини топади.

**3. Ахборотларни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тизимида акс эттириш.** Молиявий ҳисоб ҳисобварақлари тизими корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисидаги барча маълумотларни умумлаштиради. Ушбу ҳисобварақлар тизими Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" номли миллий стандартига асосланади. Ушбу ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9-сентябрдаги 103-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган.

Бошқарув ҳисоби ҳисобварақлар режаси эса корхона ва унинг бўлинмалари фаолияти тўғрисида стратегик бошқарув қарорлари қабул қилиш, бюджетлаштириш, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясини ташкил этиш. "Харажатлар - ишлаб чиқариш ҳажми - фойда" тизими бўйича молиявий натижаларни аниқлашни назарда тутаяди. Мазкур ҳисобварақлар режасини амалиётга жорий этиш икки разрядли бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тизимидан тўрт разрядли тизимга ўтиш заруриятини келтириб чиқаради:

а) баланс ҳисобварақлари, яъни, баланс тузишда иштирок этувчи ҳисобварақлар;

б) операцион, "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" тизими бўйича молиявий натижаларни аниқлашда қўлланиладиган ва бошқарув бухгалтериясида фойдаланиладиган ҳисобварақлар.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида бошқарув ҳисоби ҳисобварақлар режасининг Германия ва Россияда муваффақиятли қўлланилаётган тизимлари амал қилмоқда.

**4. Ахборотдан фойдаланувчилар.** Молиявий ҳисобни ташқи ҳисоб деб ҳам атайдилар. Унинг натижалари чоп этиб борилади, бироқ, молиявий ҳисоботлар нафақат молиявий ахборотларни, шунингдек, корхоналар фаолиятидаги муваффақиятларни, уларнинг янги маҳсулотларини намоёиш этувчи реклама тусидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчилар, асосан корхонадан ташқарида бўладилар. Ушбу ахборот корхона раҳбарияти, давлат органлари, кредиторлар, акционерлар, инвесторлар (ички ва ташқи фойдаланувчилар) учун зарур.

Бошқарув ҳисобини ички ҳисоб деб аташ мумкин. Унинг натижаларидан корхона бошқарув ходимлари, таъсисчилар ва Кузатув кенгаши аъзолари фойдаланадилар.

**5. Ахборотни тақдим этиш шакллари.** Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги, пул оқимлари тўғрисидаги, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот шакллари, шунингдек, изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлардан иборат. Молиявий ҳисобот шакллари Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруқ билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24-январда 1209-рақам билан рўйхатга олинган "Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар"га асосланиб тақдим этилади. Шунингдек, корхоналар солиқлар, ижтимоий таъминот ва суғурта, меҳнат биржаларига ўрнатилган тартибда ҳисобот топширадилар.

Бошқарув ҳисоби ахборотлари эса фойдаланувчиларга эркин шаклда тақдим этилади.

**6. Ҳисобни юритиш мажбурияти.** Молиявий ҳисоб расмий ҳисоб бўлиб, барча корхоналар учун уни юритиш мажбурийдир. Молиявий ҳисобот ҳужжатлари солиқ идоралари ва бошқа тегишли жойларга тақдим этилади, улар аудиторларнинг текширув объекти ҳисобланиб, чоп этилиши шартдир.

Бошқарув ҳисобини олиб бориш корхона раҳбарияти талабларига мувофиқ амалга оширилади.

**7. Ҳисобни ташкил этиш қоидалари.** Молиявий ҳисобда молиявий ҳисобот ахборотлари аниқ тамойил ва қоидаларга мувофиқ шаклланиши ҳамда акс эттирилиши шарт, улар асосида маълумотлар қайд қилинади, баҳоланади ва тегишли ҳисобварақларда расмийлаштирилади. Ушбу тамойил ва қоидалар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгилаб кўйилади.

Бошқарув ҳисобини юритиш тартиб-қоидалари корхонанинг стратегик ва тактик мақсадларидан, хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади. Бу

ҳисоб турида маълумотларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамиятлилик даражасига эътибор берилади.

**8. Ҳисоб тамойиллари.** Молиявий ҳисоб умумий тамойилларга таянади, булар бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш, аниқлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги, молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги ва ҳ.к. Бу тамойилларга корхона ходимлари билан бир қаторда давлат идоралари вакиллари ҳам амал қилади.

Бошқарув ҳисобининг асосий тамойиллари эса ҳисобни икки ёқлама ёзув усулида юритиш, ўзлуксизлик, аниқлик, ҳисоблаш, эҳтиёткорлик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги ва ҳ.к. ҳисобланади.

**9. Ҳисобнинг асосий объектлари.** Молиявий ҳисоботларда корхона одатда ягона, яхлит деб таърифлайди. Кўп тармоқли фаолият олиб боровчи катта корхоналар ҳар бир соҳа бўйича, яъни, корxonанинг йирик сегментлари бўйича харажатлар ва даромадларни умумлаштирилган молиявий ҳисоботда акс эттириши шарт.

Бошқарув ҳисоби, одатда корxonанинг алоҳида бўлинмалари: бўлимлар, цехлар, участкалар, иш жойлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

**10. Ҳисобнинг асосий тузилмаси.** Молиявий ҳисоб қуйидаги асосий тенгликка мувофиқ шаклланади:

**Активлар = Ўз маблағлари манбалари + Мажбуриятлар**

Бошқарув ҳисоби ахбороти тузилмаси ва таркиби, унинг фойдаланувчиларини эҳтиёжларига боғлиқ. Бошқарув ҳисобининг ҳар қандай тизими энг аввало харажатлар, даромадлар ва активлар каби категорияларга таянади. Бу тузилмаларни қўллашда асосий мезон — зарур ахборотнинг фойдалилигидир.

**11. Ахборотнинг ошкоралик даражаси.** Молиявий ҳисоб маълумотлари унинг фойдаланувчилари учун очиқ ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига кўра, мазкур ахборотлар солиқ органларига, таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга, давлат статистика органларига, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга тақдим қилинади.

Бошқарув ҳисоби ахборотлари кўпроқ махфийлик хусусиятига эга бўлиб, улардан корхона менежерлари, таъсисчилар ва кузатув кенгаши аъзолари бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланадилар. Ушбу ахборотлар корxonанинг тижорат сири ҳисобланади. Улар ҳисоботдан ташқи фойдаланувчиларга берилмайди.

**12. Ахборотни акс эттириш усуллари ва йўллари.** Молиявий ҳисоб қийматда шаклланадиган ахборотни ўз ичига олади. Корxonанинг молиявий ҳисоботи бош дафтари барча ҳисобварақлар бўйича якуний қолдиқларни ўз ичига олади. Молиявий ҳисобда хўжалик жараёнлари бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калькуляция, ҳисобварақлар тизими ва иккиёқлама ёзув, бухгалтерия баланси ва ҳисобот

ва ҳ.к. усулларида ифода этилади. Унда молиявий ҳисобот маълумотлари албатта пул бирлиги кўринишида акс этирилиши зарур. Молиявий ҳисобот маълумотлари бош дафтарнинг якуний ёзувларига мос келади.

Бошқарув ҳисобида хўжалик муомалаларини акс эттиришда иккиёклама ёзув усулига асосланиш шарт эмас. Мазкур ҳисоб турида маълумотлар ҳар қандай ўлчов бирлигида ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, унда молиявий ҳисобот шакллари ахборотларининг Бош китоб маълумотлари билан мос келиши ва таққосланиши шарт эмас.

Бошқарув ахборотини қайд этиш ва акс эттиришда эса молиявий ҳисоб усуллари билан биргаликда эконометрия, статистика, иқтисодий таҳлил усулларида ҳам фойдаланилади.

**13. Ахборотларни ўлчаш.** Хўжалик жараёнларини умумлаштириш учун молиявий ҳисобда фақат қиймат ўлчови қўлланилади ва сўмларда ифода этилади.

Бошқарув ҳисобида эса ҳисоб ўлчовларининг моддий, меҳнат ва қиймат каби барча турларидан фойдаланилади.

**14. Ҳисобот тузишнинг даврийлиги.** Молиявий ҳисобот қатъий белгиланган муддатларда тузилади ҳамда тақдим этилади.

Бошқарув ҳисобида ҳисобот ҳар куни, ҳар ҳафта ва ҳ.к. муддатларда тузилиши мумкин. Ҳисоботларни тақдим этиш муддати корхона раҳбарияти томонидан белгиланади. Мухими, ҳисобот фойдаланувчиларга фойдали бўлиши ва ўз вақтида тақдим этилиши лозим.

**15. Ахборотнинг содир бўлиш вақти.** Молиявий ҳисоб корxonанинг молиявий тарихини акс эттиради. Унда хўжалик муомалалари уларнинг содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар орқали қайд этилади, яъни, ҳисобнинг бу тури корхона хўжалик фаолиятида аллақачон содир бўлган муомалаларни тасдиқлайди.

Бошқарув ҳисобининг мақсади эса содир бўлган воқеалар таҳлили асосида истиқболга мўлжалланган тавсиялар, бошқарув ва инвестиция қарорлари дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Молиявий ҳисоб хўжалик муомалалари содир бўлгандан сўнг, бошқарув ҳисоби эса воқеа-ҳодисаларни олдиндан ташхислаб бериши зарур. Шу боисдан бошқарув ҳисобини кўпинча тахминлаш ҳисоби, махфий ҳисоб деб ҳам атайдилар.

**16. Ахборотнинг аниқлик ва ишончлилик даражаси.** Молиявий ахборот содир бўлган операцияларни акс эттиради, шу боис, у ҳолислик хусусиятига эга ва аудиторлик текшуривидан ўтади.

Бошқарув ҳисоби эса кўпроқ бўлажак даврга мўлжалланган истиқбол билан иш тутаяди. Шу боис, бошқарув ҳисобидаги ахборот эҳтимоллик ва субъектив (хусусийлик) тавсифига эга.

**17. Харажатлар ва даромадларни гуруҳлаш йўллари.** Молиявий ҳисобда харажатлар калькуляция моддалари бўйича, даромадлар эса корхона ва унинг фаолият турлари (сегментлари) бўйича гуруҳланади ва акс эттирилади.

Бошқарув ҳисобида харажатлар харажат моддалари бўйича, даромадлар эса бўлинмалар ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари бўйича гуруҳланади ва акс эттирилади. Харажат моддаларининг рўйхати тармоқ йўриқномалари билан белгиланади ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсатида ифодаланади.

Шундай қилиб, бошқарувнинг кўриб чиқилган режалаштириш, назорат ва қабул қилинган қарорлар бажарилишининг самарадорлигини баҳолаш каби функциялари бухгалтерия ҳисоби туфайли амалга оширилади. Унинг ахборот тизими ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчиларнинг хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолияти тўғрисида яққол тасаввурга эга бўлишини таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисоби турли хил хўжалик жараёнларини акс эттирадиган жуда мураккаб ахборот тизимидан иборат. Бу жараёнлар бизни ўраб турган моддий дунёнинг бир қисми ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу жараёнларнинг моҳияти ва динамикаси моддий дунёда амал қилаётган умумий қонунларга бўйсунди. Аммо, бу қонунларнинг иқтисодиёт соҳасида намоён бўлиши ўзига хос хусусиятларга эга.

### **1.7. Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва вазифалари**

**Фаннинг предмети** дейилганда, шу фан нимани ўрганади деган саволга жавоб бериш лозим бўлади, ҳар қандай мустақил фан ўзининг предметиға, яъни ўрганиладиган объектларига ва *методи*, яъни шу предметни ўрганиш усулларининг илмий асосланган мажмуасига эга бўлиши лозим. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ҳам иқтисодий фанларнинг мустақил бир тармоғи сифатида ўз предмети ва методига эга.

Хўжалик маблағлари (активлар), уларнинг манбалари (пассивлар) ва маблағларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги доиравий айланиши ҳамда фаолият натижалари бухгалтерия ҳисобининг предметиدير.

Корхоналар хўжалик фаолияти амалдаги қонунчилик ва тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ амалга оширилиб, ишлаб чиқаришни бетўхтов ўстиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ресурсларни жуда ҳам тежаб сарфлашга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга, фойдани кўпайтириш ва натижада рентабелликни ўстиришга ёрдам бериши керак.

Хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириши учун зарур маблағлар ва уларнинг вужудга келиш манбаларига эга бўлишлари лозим. Маблағлар ва манбалар таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация жараёнларида содир бўладиган хўжалик муомалалари таъсирида ўзгаради.

Юқорида таъкидланганидек, бухгалтерия ҳисоби тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнесни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Лекин бухгалтерия ҳисоби корхона хўжалик фаолиятининг пулда ифодаланадиган

қисминигина акс эттиради. Бу эса бухгалтерия ҳисобининг объектларини белгилаб беради.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ *«Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир»*. Корхоналар ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишлари учун зарур маблағлар, машиналар, қурилмалар, пул, моддий бойликлар ва бошқаларга эга бўлишлари керак. Бу маблағларнинг таркиби ва кўлами корхоналарнинг хўжалик фаолиятининг йўналиши (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, нақлиёт ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлиб, уларнинг бизнес-режалари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга биноан, бухгалтерия ҳисобининг субъектлари бўлиб Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ЎзРда рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг ЎзР ҳудудида ҳамда ундан ташқарисида жойлашган шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари ҳисобланади. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия (моливий) ҳисоботини тақдим этади. Кичик корхоналар 20-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби» деб номланган БҲМС асосида бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган тартибда юритадилар.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ахборотдан фойдаланувчиларни ўз вақтида, тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлашдир. Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни - бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш;

- самарали бошқарув мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборат<sup>2</sup>.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби корхона хўжалик фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш, хўжалик фаолиятида салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган ички хўжалик имкониятларини топишни таъминлаши зарур.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», 2-модда.

Бухгалтерия ҳисобининг *биринчи вазифаси* корхона раҳбарлари, таъсисчилари, иштирокчилари ва мулкдорлари, инвесторлар, кредиторлар, харидорлар ва бошқа ахборотдан фойдаланувчилар манфаатларидан келиб чиқади. Бухгалтерия ахборотлари тўлиқ ва ишончли бўлиши, яъни фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъект тўғрисида, унинг мулклари, мажбуриятлари, фаолият натижалари тўғрисида барча зарур ахборотларни тақдим қилиши, демак, корхона маъмурияти ва бошқа ахборотдан фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши лозим.

*Иккинчи вазифанинг* мазмуни шундан иборатки, бухгалтерия ҳисоби тизимида корхона молия-хўжалик фаолияти фактлар ва хўжалик муоамалаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мослиги устидан назорат ўрнатиш учун маълумотларни шакллантириш зарур. Бундай ахборотлар хўжалик муомалаларининг мақсадга мувофиқлигини, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни тасдиқлаши лозим.

*Учинчи вазифа* корхона хўжалик фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шу билан бирга, шартномаларнинг бажарилишини, тежамкорликка риоя қилишни ва мулкнинг сақланишини таъминлашни назорат қилиш ҳам ҳисобнинг вазифасига киради.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бухгалтерия ҳисоби томонидан иккита вазифани бажаришда ифодаланади. Биринчиси, бухгалтерия ҳисоби тадбиркорликни ривожлантиришнинг жорий ва истикболли режаларини тузиш учун зарур дастлабки маълумотлар беради.

Чунки мавжуд бозор конъюктурасини, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни ҳисобга олмай туриб, ҳаққоний бизнес-режа топшириқларини тузиш мумкин эмас. Иккинчидан, шартнома мажбуриятларини бажариш учун бир вақтнинг ўзида уларнинг бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш зарур.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини пасайтириш, корхоналарда ва унинг бўлинмаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифасидир. Бундай улкан вазифалар корхоналарнинг ҳамма ички имкониятларини излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш, иқтисодий тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқариш захираларини ва харажатларини ўз вақтида ҳисобга олиб бориш билан муваффақиятли амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисоби олдига қўйиладиган ушбу вазифалар унинг нафақат хўжалик маблағлари (активлари) ва маблағлар манбалари (пассивлар) ҳамда хўжалик жараёнларини (таъминот, ишлаб чиқариш, реализация) рўйхатга олувчи ва ахборотларни сақловчи тизим эканлигидан далолат беради. Унинг асосий мақсади - корхона иқтисодиётини бошқарадиган тизимни ишончли, турли поғоналардаги бошқарувчиларга тушунарли ҳисоб-иқтисод ахборотлари билан таъминлашдан иборат.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини қарор топтириш ва ривожлантириш бутун бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш, жумладан бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартларини жорий қилиши билан чамбарчас боғлиқ.

### 1.8. Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари таснифи

Маблағларнинг таркиби ва ишлаб чиқариш жараёнидаги функционал роли бўйича туркумланиши. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган хўжалик маблағлари корхонанинг ўзиники, банк кредити сифатида корхонага олинishi ва қарзга олинган бўлишлари мумкин. Шунга кўра улар бухгалтерия ҳисобида икки йўсинда: *биринчидан*, таркиби, жойлашиши ва ишлаб чиқариш жараёнидаги функционал роли, *иккинчидан* ташкил топиш манбалари ва қандай мақсадга мўлжалланганлиги бўйича туркумланади.



#### 1.3-чизма. Корхона активлари(маблағлари)нинг туркумланиши

Хўжалик маблағларининг таркиби ва жойлашиши бўйича ҳисобга олиш корхонанинг муайян маблағлари (бино ва иншоотлар, машиналар, ишлаб чиқариш захиралари, дебиторлик қарзлар ва ҳ.к.) тўғрисида маълумот берса,

уларни вужудга келиш манбалари ва тайинланиши бўйича ҳисобда акс эттириш эса, бу маблағларнинг хусусий мулк ҳамда уларнинг корхонага бириктирилганлиги ёки вақтинча ишлатилаётганлиги ва хўжалик маблағларининг қандай мақсадларга мўлжалланганлигини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, энг умумий кўринишда бухгалтерия ҳисоби предметининг мазмуни ҳисоб объектларининг иқтисодий моҳияти орқали очиқ берилади, яъни хўжалик маблағлари (узоқ муддатли ва жорий активлар), маблағларнинг манбалари (хусусий капитал, заҳиралар ва мажбуриятлар), корхона молиявий-хўжалик фаолиятида амалга ошириладиган хўжалик муомалалари.

Хўжалик маблағларининг таркиби корхоналар фаолиятининг йўналишига боғлиқ (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, нақлиёт ва ҳ.к.).

Хўжалик юритувчи субъект активлари (маблағлари) моҳияти, таркиби ва жойланишига кўра иккита гуруҳга бўлинади (1.3-чизма).

I. Узоқ муддатли активлар.

II. Жорий активлар.

Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

Асосий воситаларга ер, ерни ободонлаштириш, бинолар, иншоотлар, узатиш мосламалари, машина ва асбоб-ускуналар, мебел ва офис жиҳозлари, компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, ишчи ҳамда маҳсулдор ҳайвонлар ва ҳоказо шунга ўхшашлар киради.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш услублари № 5 «Асосий воситалар» номли БҲМСда келтирилган.

Узоқ муддатли активларга асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, капитал қўйилмалар ва узоқ муддатли дебитор қарзлари ҳамда кечиктирилган харажатиар киради. Буларнинг мазмунини тушуниш учун айримларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

*Асосий воситалар* - корхона хўжалик фаолиятини юритишда узоқ давом этадиган вақт мобайнида, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ёки маъмурий ва ижтимоий-маданий функцияларни амалга ошириш жараёнида фойдаланиладиган моддий активлардир.

№ 7 «Номоддий активлар» номли БҲМСнинг 7-бандига мувофиқ номоддий активлар - моддий-ашёвий шаклга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан, хўжалик фаолиятида фойдаланиш мақсадида

назорат қилинадиган, шунингдек, узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари. Шунингдек, номоддий активлар қуйидаги талабларга жавоб берганида актив деб тан олинади: актив таърифни қондирадиган; ўлчанадиган; аҳамиятга молик бўлган; ишончли бўлган; келгусида иқтисодий наф келтирадиган; ажратиладиган, яъни уни ишлатиладиган ишлаб чиқаришдан алоҳида фойдаланиш мумкин бўлган ҳолларда.

Номоддий активларга патентлар, лицензиялар, «ноу-хау», савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, гудвилл, ташкилий харажатиар, франшизалар, муаллифлик ҳуқуқлари, хизмат кўрсатиш белгилари ва бошқалар киради.

Корхонанинг *жорий активлари*га товар-моддий заҳиралари, келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган қарзлар, олинадиган ҳисобварақлар (дебиторлик қарзлар), пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқалар киради.

Хўжалик юритувчи субъект активлари таркибида жорий активларнинг рўйхати кенг ва хилма-хил бўлиб, улар доимо айланишда бўлганлиги сабабли узоқ муддатли активларга қараганда нисбатан юқори ликвидли ҳисобланади. Жорий активларнинг нақд пулга айлантириш осон бўлган қисми юқори ликвидли дейилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги маблағларнинг иккинчи қисми меҳнат буюмлари ташкил этади. Булар киши меҳнати йўналтириладиган маблағлардир. Меҳнат буюмлари таркибига хом ашё, асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғилар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ўзи ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар, келгуси давр сарфлари ва бошқалар киради. Меҳнат буюмлари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб меҳнат воситаларидан фарқ қилган ҳолда, бир ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини янгидан яратилган маҳсулотнинг таннархига тўлиқ ўтказди. Меҳнат буюмларининг пулда ифодаланган йиғиндиси айланма ишлаб чиқариш маблағлари деб аталади.

Товар-моддий заҳиралари корхонанинг ишлаб чиқариш заҳиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш соҳасидаги айланма маблағларидан ташкил топади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги айланма маблағлари қуйидагиларга бўлинади: ишлаб чиқариш заҳиралари - хом ашё, асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, ёқилғилар, эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материаллари, идиш ва идиш материаллари, бошқа материаллар, таъмирлашга ва бошқа асосий фаолият эҳтиёжи учун ишлатиладиган қурилиш материаллари; тугалланмаган ишлаб чиқариш – ой охирида иш жойларида қолган нотайёр материаллар, ўзи ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар, келгуси давр учун қилинган харажатлар ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган харажатлар.

Заҳиралар, капитал қўйилмалар ва таъмирлаш харажатлари (қурилма ва материаллар) тугалланмаган капитал қурилиш, капитал тузатиш харажатлари капитал қўйилмалар ва капитал таъмирлашдаги айланма маблағлар қаторига киради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг товар қисми (яъни сотишга мўлжалланган қисми), пул маблағлари, дебиторлар билан ҳисоблашувдаги ва муомала жараёнига хизмат қилувчи маблағлар, муомала соҳасидаги маблағларни ташкил этади.

Сотган маҳсулотлари учун корхоналар пул оладилар ва бу пуллардан ишлаб чиқариш воситалари (хом ашё, асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғилар) сотиб олиш, иш ҳақи бериш, давлат бюджети билан ҳисоблашиш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланадилар. Корхонанинг пул маблағлари банкнинг ҳисоб-китоб ҳисобварағи ва махсус ҳисобварақларида ёки кассада сақланади. Корхона ихтиёрида маҳсулот сотишдан ва хизмат кўрсатишдан тушган пуллардан ташқари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни бюджетдан молиялаштириш ёки мавсумий сарфларни қоплаш учун олинган кредит шаклидаги пул маблағлари ҳам бўлади.

Сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун пул маблағлари келиб тушиши амалда маҳсулот сотилган ёки хизмат бажарилган вақтидан кечикиб содир бўлади. Сотилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат учун мазкур корхонага қарздор бўлган корхоналар ёки айрим шахслар *дебиторлар*, қарзнинг ўзи эса (ҳисоблашувдаги маблағлар) *дебиторлик қарз* деб аталади.

Шундай қилиб, корхонанинг муомала соҳасидаги маблағлари амалиётда тайёр маҳсулотлар (товар) кўринишида омборларда, пул маблағлари ҳисоб-китоб ҳисобварағида ёки ҳисоблашувда (дебиторлик қарз) бўлиши мумкин. Ноишлаб чиқаришдаги маблағларга истеъмол соҳасидаги маблағлар киради. Улар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди. Лекин эҳтиёжларни қондириб, уларнинг ишлаб чиқариши фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади.

**Маблағларнинг вужудга келиш манбалари ва мақсадли тайинланиши бўйича туркумланиши.** Хўжалик маблағларининг мавжудлиги ва жойлашуви хўжаликнинг иқтисодини тўлиқ тавсифлай олмайди. Бунинг учун манбаларнинг тегишлигини билиш зарур.

Хўжалик маблағлари ташкил топиш манбалари ва тайинланишига кўра корхонанинг ўз *маблағлари манбалари* ва *мажбуриятлари* ёки қарзга олинган маблағлар манбаларига бўлинади (1.4-чизма).

*Тақсимланмаган фойда* фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

*Мақсадли тушумларга* мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган ва қайтариб берилмайдиган мақсадли молиялаштириш маблағлари ва бошқа тушумлар киради. Бундайларга грантлар, субсидиялар,

аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари ва бошқа мақсадли тушумлар мисол бўлади.

*Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захираларга* харажатлар ва тўловларни харажатларга бир текисда қўшиш учун белгиланган тартибда ташкил этиладиган захиралар киради.



**1.4-чизма. Корхона маблағлари манбалари (пассивлари)нинг туркумланиши**

Корхонага четдан жалб қилинган ёки қарзга олинган маблағлар манбаларига банк кредитлари (ссудалари), кредиторлик қарзлар ва корхонанинг бошқа мажбуриятлари киради.

*Банк кредитлари (ссудалари)* - бу корхоналарнинг қўшимча маблағларга бўлган талабини қондириш учун корхонага маълум муддатга берилган қарз маблағларидир. Банк ссудалари қатъий мақсадли эҳтиёж учун берилади ва белгиланган муддатида қайтарилиши керак.

*Кредиторлик қарзлар* - бу корхоналарнинг мол етказиб берувчиларга олган материаллари учун, пудратчиларга улар томонидан бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар ҳамда бошқа муомалалар бўйича пайдо бўладиган қарзлардир.

*Корхона мажбуриятлари* - бу бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган ажратма ва солиқ суммалари, ишчи ва хизматчиларга бериладиган иш (меҳнат) ҳақи суммаси ва бошқалардир.

### 1.9. Хўжалик жараёнлари

Бухгалтерия ҳисобининг объектларига юқорида кўриб чиқилган хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларидан ташқари хўжалик жараёнлари ҳам киради. Хўжалик жараёнлари таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларидан иборат бўлиб, капиталнинг доиравий айланишини шакллантиради.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти уни ишлаб чиқариш заҳиралари билан таъминлашдан бошланади. Ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва тайёрлаш жараёни *таъминот жараёни* деб аталади. Таъминот жараёнида пул маблағлари ишлаб чиқариш заҳиралари ва асосий воситалар кўринишига ўтади. Бу босқичда корхона мол етказиб берувчилардан, бошқа корхона ва ташкилотлардан ишлаб чиқариш заҳиралари (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва ҳ.к.) ва асосий воситалар (машиналар, қурилмалар ва ҳ.к.) сотиб оладилар ва шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсизлиги таъминланади. Таъминот жараёнининг вазифалари куйидагича:

- мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- сотиб олинган товар-модий заҳираларнинг (ТМЗ) ҳақиқий таннархини аниқлаш;

- ТМЗнинг сақланиши ва оқилона сарфланиши устидан назорат ўрнатиш.

*Ишлаб чиқариш* жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ишчи кучи билан бирикиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқилади. Бу жараённинг таъсири остида ишлаб чиқариш воситаларининг айрим элементлари ўз шаклини ўзгартиради ва бошқача хусусиятларга эга бўлади. Бу маҳсулотлар тайинланишига кўра шахсий истеъмол ва ишлаб чиқариш истеъмоли учун

ишлатилиши ёки сотилиши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги вазифаларни ҳал этиши лозим:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами ва турлари бўйича пул ифодасида натурал ўлчовлардаги ҳажмини аниқлаш;

- сотилган маҳсулотлар жами ва турлари бўйича ҳақиқий таннархини ҳисоблаш;

- моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни назорат қилиш.

*Реализация жараёни* хўжалик маблағларининг доиравий айланишини яқунлар экан, корхона ўз тайёр маҳсулотини харидорларга сотади ва натижада улардан пул келиб тушади.

Шундай қилиб, бу жараёнда тайёр маҳсулот пул шаклига ўтади. Кўп ҳолларда сотилган маҳсулот учун пул келиб тушиши маҳсулот сотилган вақтдан кечикади. Бундай ҳолларда маҳсулот вақтинча муомаладаги маблағлар, яъни дебиторлик қарз шаклига ўтади. Реализация жараёни олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- шартномалар бажарилишини назорат қилиш - маҳсулот сотиш ҳажми ва ассортименти;

- сотилган маҳсулотлар учун тушумларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоблаш;

- якуний молиявий натижани (фойда ёки зарар) аниқлаш.

Шундай қилиб, хўжалик фаолияти жараёнида корхона маблағлари доиравий айланишининг учта босқичини кетма-кет ўтар экан. Уларнинг айримлари таъминот жараёнида бўлганида, айримлари ишлаб чиқариш жараёнида бўлади, шунингдек, бир қисми реализация жараёнида бўлади ва натижада биридан иккинчисига ўтиб туради.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, доиравий айланишда хўжалик маблағларининг шакллари ва туслари ҳам ўзгариб туради. Масалан, таъминот жараёнидаги хомашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнидан сўнг бошқа шакл ва тусга, яъни тайёр маҳсулотга айланади. Ўз навбатида тайёр маҳсулот сотилгандан сўнг эса пул шаклига ўтади.

Доиравий айланиш жараёнида хўжалик маблағларининг манбаларида ҳам ўзгариш содир бўлади. Маблағлар четдан жалб қилинганда, фойда акс эттирилганда, фойда тақсимланганда, ссудалар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилганда ва бошқа ҳолларда маблағлар манбаларида ўзгариш содир бўлади.

Демак, хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари доимо ҳаракатда бўлиб, ўзгариб турар экан. Хўжалик маблағлари ва улар манбаларининг таркиби ҳамда тузилишида содир бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган айрим ўзгаришлар *хўжалик муомаласи* деб аталади. Масалан, ишлаб чиқаришга моддий бойликларни сарфлаш, олинган маҳсулотларни қирим қилиш ва бошқа шунга ўхшаш айрим муомалалар.

Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларида ўзгариш содир қилувчи барча хўжалик муомалалари тегишли ҳужжатлар билан

расмийлаштирилади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбаларининг таркиби ва функционал ролини, уларнинг доиравий айланиш жараёнларидаги ҳаракатини кўриб чиқиб, бухгалтерия ҳисоби предметига умумий таъриф бериш мумкин.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг пулда баҳоланадиган хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ҳамда хўжалик фаолияти жараёнида содир бўладиган маблағлар доиравий айланиши ва манбалар ўзгариши бухгалтерия ҳисобининг предметини ташкил этади.

### **1.10. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари**

Метод (усул, юнонча – *методос*) тушунчаси икки маънони билдиради: – айрим воқеаларни билиш ва ўрганиш усули; – алоҳида усул, ҳаракат усули ёки кўриниши. Ҳар қандай фаннинг предмети ва объектларининг моҳиятини билишга мазкур фан методининг мазмунини билиш орқали эришилади.

Олдинги параграфда таърифланганидек, бухгалтерия ҳисобининг предмети деганда, маблағлар, манбалар ва хўжалик жараёнлари ҳамда фаолият натижалари тушунилса, унинг методи предметни қандай усуллар ва амаллар ёрдамида ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Демак, бухгалтерия ҳисобининг методи деб мазкур фан предметини ўрганиш учун қўлланиладиган усул (элемент)ларнинг илмий асосланган тизимига айтилади.

Иқтисодий фанлар қаторида бухгалтерия ҳисобининг методи фақат унинг ўзига хос усуллардан иборат бўлиб, улар фан предметининг моҳияти ва унинг олдида қўйилган вазифалар ҳамда талаблардан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисоби методини ташкил этувчи асосий усуллар (элементлар) қуйидагилардан иборат: *ҳужжатлаштириш ва инвентаризация; баҳолаш ва калькуляция; ҳисобварақлар ва икки ёқлама ёзув; бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисобот.*

Бухгалтерия ҳисоби содир бўлаётган хўжалик муомалаларини ҳужжатларда узлуксиз ва ёппасига акс эттиришдан бошланади. Ҳужжатлаштириш - бу содир бўлган муомалани дастлабки рўйхатга олиш усулидир. Ҳужжатларда хўжалик муомалаларининг мазмуни, уларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Ҳужжатларда акс эттирилган хўжалик муомалаларининг тўғрилиги масъул шахслар имзолари билан тасдиқланиб, уларнинг далилловчи кучи таъминланади.

*Ҳужжатлаштириш* - бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлай туриб, мулкларнинг сақланишини қатъий назорат қилиш, тежамкорликка риоя қилиш ва хўжалик фаолияти жараёнида маблағлардан мақсадли фойдаланишнинг муҳим шартидир. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари мавжуд маблағлар билан бир хил бўлмоғи керак. Бундай бир хилликни таъминлаш учун вақти-вақти билан инвентаризация ўтказиб туриш керак.

*Инвентаризация* - бу санаш, тортиш, ўлчаш ва бошқа йўллар билан корхона мол-мулкини рўйхат қилиш, олинган маълумотларни бухгалтерия маълумотлари билан солиштириш, аниқланган камомад, ортиқча чиқиш, нобудгарчилик ва ҳоказолар тарзидаги фарқларни ҳужжатлар асосида расмийлаштириш, бу фарқларнинг сабабларини ва айбдорларини аниқлашдан иборат.

Бухгалтерия ҳисобида корхона маблағларини акс эттириш учун ҳужжатларда қайд қилинган хўжалик муомалаларининг натура ва меҳнат ўлчови кўрсаткичларини пул ифодасида баҳолаш керак. *Баҳолаш* – бу ҳужжатларда кўрсатилган хўжалик муомалаларини пулда ифодалаш усулидир. У ҳар хил нарсалардан таркиб топган хўжалик маблағларини ягона пул ифодасида кўрсатиш имконини беради. Корхоналар маблағларини баҳолашда уларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш таннархи асос бўлади. Ҳужжатларда акс эттирилган ва пулда баҳоланган барча хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларига ёзилади.


*Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари* - бу корхона маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва хўжалик жараёнларини гуруҳлаш, жорий тартибда акс эттириш ва назорат қилиш усулидир.

Хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва хўжалик жараёнларининг ҳар бир гуруҳи бўйича йиғма маълумотлар олиш учун иқтисодий мазмунига кўра бир хил бўлган хўжалик муомалаларини гуруҳлашда ҳисобварақлардан фойдаланилади.

Хўжалик муомаласини бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш *иккиёқлама ёзув* усули ёрдамида амалга оширилади. Бу усул хўжалик муомалаларининг икки тарафламалик хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, моддий бойликлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган хўжалик муомаласи бир томондан моддий бойликлар захирасини кўпайтирса, иккинчи томондан пул маблағларининг камайишига олиб келади. Харидорда бу муомала акс эттирилганда сотиб олинган материалларнинг кирими ва мол етказиб берувчига тўланган пул маблағларининг чиқими бўйича кўрсаткичлар ўзаро боғланади. Мол етказиб берувчи бу муомалани акс эттирганда, харидордан келган пулнинг кўпайиши ва унга сотилган материалнинг камайишини ўзаро боғлиқликда кўрсатади.

Материалларни тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар бухгалтерия ҳисобининг алоҳида ҳисобварақларида жорий тартибда гуруҳланади. Тайёрланган материаллар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг таннархини аниқлаш бухгалтерия ҳисобида *калькуляция* дейилади. Калькуляциянинг режадаги, норматив, кутилаётган (провизор) ва ҳисобот каби турлари мавжуд. Ҳисобот калькуляциялари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларидаги ёзувлар асосида тузилади. Калькуляциялаш қоидаларини юқори органлар белгилайди ва улар барча корхоналар учун мажбурийдир.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилган корхона маблағлари, маблағлар манбалари, хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар вақти-вақти билан *баланс* тарзида умумлаштирилиши зарур. Балансда хўжалик маблағлари тўғрисида маълумотлар акс эттирилиб, унда хўжаликда қандай маблағлар мавжудлиги ва улар қайси манбалар ҳисобидан ташкил топганлиги ҳамда мақсадли тайинланиши кўрсатилади. Баланс мавжуд маблағлар билан уларнинг ташкил топиш манбаларини таққослаб, хўжалик аҳволини ўрганиш имконини беради.



### 1.5-чизма. Бухгалтерия ҳисоби предмети ва методининг ўзаро боғлиқлиги

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақида хулоса чиқариш учун хўжалик маблағлари, уларнинг таркиби ва ташкил топиш манбаларини кўрсатувчи маълумотларга эга бўлган балансдан ташқари, корхонадаги айрим бўлимлар хўжалик фаолиятининг умумий кўрсаткичлари, хўжалик фаолиятининг махсус томонларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ҳам зарур бўлади. Бундай кўрсаткичларга эга бўлиш бухгалтерия ҳисоби методининг муҳим усулларида бўлган *ҳисобот* ёрдамида эришилади. Маълум давр учун хўжалик фаолиятини акс эттирувчи умумлаштирилган ва ўзаро алоқадорликни таъминлайдиган кўрсаткичларни акс эттирувчи шакллар йиғиндиси ҳисобот дейилади.

Юқорида кўриб чиқилган бухгалтерия ҳисоби методини ташкил этувчи усуллар (элементлар)нинг ҳар бири маълум даражада мустақил бўлиши билан бирга, бошқаларининг амал қилишлари учун бирламчи муҳим шарт-

шароит ҳам ҳисобланади. Бу эса фаннинг предмети ҳисобланган: маблағлар, манбалар ва хўжалик жараёнлари ҳамда унда содир бўладиган хўжалик муомалалари ўртасида сабаб-оқибатли диалектик боғлиқлик мавжудлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга уларни бухгалтерия ҳисоби тизимида тўлиқ, узлуксиз ва объектив акс эттиришга эришилади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби предмети ва методи ўртасида ҳам сабаб-оқибатли диалектик боғлиқлик мавжуд (1.5-чизма).

### **1.11. Бухгалтерия баланси ва унинг тавсифи**

**Бухгалтерия балансининг моҳияти ва тузилиши.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини баҳолаш ва уларга раҳбарлик қилиш ҳамда бошқариш учун корхона қандай маблағларга эга; уларнинг таркиби, жойланиши ва ишлатилиш даражаси. шунингдек, ушбу маблағлар манбалари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш зарур. Бунинг учун бухгалтерия баланси тузилади. «Баланс» сўзи латинча бўлиб, унинг айнан таржимаси «бис» - икки қарра ва «ланс» тарози палласи, яъни тарози иккита палласининг тенглиги деган маънони, мувозанат тенглик рамзини билдиради. Тарози мувозанат рамзи сифатида бухгалтерларнинг халқаро гербида ҳам акс эттирилган.

Бухгалтерия ҳисобида «баланс» тушунчаси иккита аҳамият касб этади:

1. Жамланган суммалар тенглиги, яъни ҳисобварақларнинг дебети бўйича суммалар жами ва кредити бўйича суммалар жамининг тенглиги, ҳар бир синтетик ҳисобварақ маълумотларининг (бошланғич қолдиғи, дебет ва кредит айланмалари, охириги қолдиғи) мазкур синтетик ҳисобварақга тегишли аналитик ҳисобварақлар маълумотларига тенглиги, баланс активидаги моддалар суммалари жами ва пассивидаги моддалар суммалари жамининг тенглигини ифодалайди.

2. Молиявий ҳисоботнинг асосий шакли бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг маълум санадаги мулкӣ ва молиявий аҳволини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ифодалайди.

Бухгалтерия ҳисобининг методини ташкил этувчи бошқа усуллар (элементлар) орасида бундай икки томонлама аҳамият фақат бухгалтерия балансига хосдир.

Бундай икки томонламалиқда нафақат қарама-қаршиликлар бирлиги қонунининг моҳияти, балки корхона молиявий аҳволини баҳолаш учун асос ҳам мужассамлашган. Алоҳида баланс моддаларининг таркибида акс эттириладиган ҳисоб объектларининг иқтисодий моҳиятини тушунишни осонлаштириш мақсадида балансда гуруҳланган ҳолда акс эттирилади.

Ахборотдан фойдаланувчилар, хусусан, потенциал инвесторлар ва кредиторлар балансдаги алоҳида гуруҳлар ва гуруҳчаларнинг мазмунини, улар ўртасидаги муносабатларни, ўзаро боғлиқликни ўрганадилар.

Ушбу аҳамиятли жиҳатларига асосланиб бухгалтерия балансини қуйидагича таърифлаш мумкин: хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши, ҳаракати ва уларнинг вужудга келиш манбаларидаги ҳамда

мақсадли тайинланишидаги ўзгаришларни бир-бирига солиштириб, маълум бир санага қиймат ифодасида умумлаштирилган ҳолда акс эттириш усули бухгалтерия баланси дейилади.

Баланс иккита ўзаро боғлиқ бўлган таркибий қисмдан иборат: актив ва пасив. Бу атамалар ҳам лотинча бўлиб, айнан таржимаси «activus» актив, фаол ва «passivus» - пасив, фаолиятсиз деган маъноларни билдиради.

Баланс активда маблағлар таркиби, жойланиши ва ишлатилишига қараб; пасивда эса маблағларнинг ташкил топиш манбалари: уларнинг кимники эканлиги ва қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб гуруҳланган ҳолда, пул ифодасида маълум бир санага акс эттирилади.

Баланс активи ва пасиви ҳамма вақт ўзаро тенг бўлиши шарт. Баланс активи ва пасивнинг ўзаро тенглиги унинг активда ҳам, пасивда ҳам бир хил хўжалик маблағлари акс эттирилишидан келиб чиқади, лекин активда маблағлар таркиби, жойланиши ва ишлатилиш шакли бўйича, пасивда эса ташкил топиш манбалари ва мақсадли тайинланиши бўйича акс эттирилади.

Актив ва пасивнинг ўзаро тенглиги улкан назорат аҳамиятига эга бўлиб, бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини текшириш ва ҳисобот тузишда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро ҳамда миллий стандартларига мувофиқ моддий бойликлар балансида акс эттирилганда, қуйидагича баҳоланади: асосий воситалар (ишлатилаётгани ҳамда захирада ёки консервацияда сақланаётгани) - уларнинг қолдиқ қиймати бўйича; хомашёлар, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғилар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, идиш ва моддий қийматликлар (тайёрлаш ва оморга ташиб келтириш сарфларини қўшган ҳолда); тайёр маҳсулотлар, корхонанинг ўзи ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар таннарх баҳода, улгуржи оморлар ва савдо қилувчи ёки савдо-таъминот ташкилотларида эса чакана баҳода ёки харид қилинган қиймати бўйича акс эттирилади.

Активда асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар, капитал қўйилмалар, товар-моддий захиралар, келгуси давр харажатлари, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар, пасивда эса устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар, банк кредитлари, корхонанинг кредиторлик қарзлари, ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар, даромадни тақсимлаш бўйича мажбуриятлар кабилар акс эттириладиган моддалар бўлади.

Шундай қилиб, баланс тузилишига хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳамда иқтисодий мазмуни асос бўлади.

Бухгалтерия баланси актив ва пасивдаги моддалар маблағларнинг таркиби, жойланиши ва ташкил топиш манбалари бўйича иқтисодий таснифланишига мувофиқ иккита бўлимга гуруҳланади.

Корхона балансининг активи таркибига қуйидаги бўлимлар киради:

*I боб. “Узоқ муддатли активлар”; II боб. “Жорий активлар”.*

Пассивда эса юқоридаги бўлимлар қаршисида қуйидаги бўлимлар жойлашган:

*I боб. “Ўз маблағлари манбалари”; II боб. “Мажбуриятлар”.*

Бухгалтерия балансининг шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Баланс икки томонлама (горизонтал) ва бир томонлама (вертикал) бўлиши мумкин. Балансни чап томони актив ва ўнг томони пассив деб аталади. Балансни вертикал шаклида аввал актив боблари ва моддалари кейин эса пассив боблари ва моддалари кўрсатилади.

Баланс активининг I “Узоқ муддатли активлар” бўлимида асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, капитал қўйилмалар ва шунга ўхшаш акс эттирилади.

Активнинг II “Жорий активлар” бўлимида юқори ликвидли, яъни пулга айлантирилиши нисбатан осон хўжалик маблағлари гуруҳланган. Буларга асосан, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, дебиторлик қарзлар, пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар киради.

Балансининг пассивида ўз маблағларининг манбаси ва мажбуриятлар акс эттирилади.

Пассивнинг I “Ўз маблағлари манбаси” бўлимида хусусий капитал асосий ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни 14-моддасига мувофиқ хусусий капитал устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали ва тақсимланмаган фойдадан иборат.

Баланс пассивининг II “Мажбуриятлар” бўлимида корхона мажбуриятлари уларнинг муддатига кўра: узоқ муддатли мажбуриятлар ва қисқа муддатли мажбуриятларга ажратилган ҳолда кўрсатилади. Хусусан, бу бўлимда қуйидаги мажбуриятлар акс эттирилади:

- мол етказиб берувчи ва пудратчиларга;
- шўъба ва тобе корхоналарга;
- ажратилган бўлинмаларга;
- кечиктирилган мажбуриятлар;
- олинган бўнақлар;
- суғурталар бўйича қарз;
- таъсисчиларга бўлган қарзлар;
- меҳнат ҳақи бўйича қарзлар;
- банк кредитлари ва ш.к.

Шундай қилиб, баён қилинган талабларга мувофиқ тузилган бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектнинг маълум санага бўлган молиявий аҳволини акс эттириши лозим.

Бухгалтерия баланси бозор иқтисодиёти шароитида турли ахборотдан фойдаланувчилар учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг баланси, мулкдорлар, менежерлар ва бошқарув

билан боғлиқ бошқа шахсларни корхонанинг мулкый ҳолати билан таништиради. Балансдан мулкдор нимага эга эканлигини, яъни корхона тасарруф қила оладиган товар-моддий захиралар ва бошқа активлар қандай миқдор ва сифат нисбатида эканлигини билиш мумкин.

Балансга асосан хўжалик юритувчи субъект учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларини бажара олиши ёки унга молиявий қийинчиликлар хавф туғдираётганлигини аниқлаш мумкин.

Баланс бўйича хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг якуний молиявий натижаси ҳисобот даврида хусусий капиталнинг ўсиши кўринишида аниқланиб, унга мувофиқ корхона раҳбарларининг уларга ишониб топширилган моддий ва молиявий ресурсларни сақлаш ва кўпайтириш лаёқати баҳоланади.

Баланс маълумотлари асосида исталган хўжалик юритувчи субъектнинг оператив молиявий режаси тузилади ва олинган фойдага мувофиқ, пул маблағлари ҳаракатини назорат қилиш амалга оширилади.

Баланс маълумотлари солиқ органлари, кредит муассасалари ва давлат бошқарув органлари томонидан кенг фойдаланилади.

**Бухгалтерия балансларининг туркумланиши.** Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бозор шароитида юзага келган муайян вазиятда аниқ мақсадни амалга ошириши учун тегишли баланс моделини танлаши ва тузиши талаб этилади.

Шу боис, ҳар хил вазиятлар учун бухгалтерия балансининг туркумланишини кўриб чиқамиз. Баланснинг турлари кўп бўлиб, улар асосан қуйидаги белгилари бўйича туркумланади:

- тузиш манбаси;
- мулкчилик шакли;
- ахборотлар ҳажми;
- тузиш вақти;
- ҳуқуқий мақоми;
- тақдим этилиш вақти;
- қайта ташкил этиш тартиби;
- тузилиш шакли;
- софлик даражаси;
- фаолият тури;
- тармоқлар бўйича;
- тузиш усули бўйича.

Тузиш манбаларига кўра баланслар *инвентар, дафтар ва бош баланс*ларга бўлинади.

*Инвентар баланс* фақат маблағларнинг инвентар рўйхатидан иборат бўлиб, қисқартирилган ва соддалаштирилган шаклда тузилади. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан тасдиқланган дастлабки баланс бунга мисол бўла олади. Шунингдек, инвентар баланс корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида ҳам тузилиши мумкин.

*Дафтар баланси* фақат Бош дафтар ҳисобварақларининг қолдиқлари асосида жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича (инвентаризация маълумотларисиз) тузилади.

*Бош баланс* Бош дафтардаги жорий бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ва инвентаризация маълумотлари билан тасдиқланганидан сўнг тузилади.

Мулкчилик шакли бўйича баланслар хўжалик юритувчи субъектлар маблағларнинг вужудга келиш манбалари бўйича фарқ қилади. Масалан, давлат (унитар) корхоналарининг баланси; ширкат хўжаликларининг баланси; хусусий корхоналар баланси; аралаш мулкчилик корхоналари (акциядорлик жамиятлари, хўжалик ширкатлари ва б.) баланси; жамоат ташкилотлари баланси ва ҳ.к.

*Ахборотлар ҳажми бўйича* баланслар *якка, йиғма ва умумлаштирилган (консолидацияланган)* балансларга бўлинади. *Якка баланс* фақат битта хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти натижаларини акс эттиради.

*Йиғма баланс* бир нечта якка балансларнинг моддаларини мос равишда механик жамлаш йўли билан тузилади. Йиғма балансларнинг ўзига хос турларидан бири консолидацияланган баланс ҳисобланади.

*Умумлаштирилган (консолидацияланган) баланс* юридик мустақил, лекин иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ўзаро боғлиқ корхоналарнинг балансларини бирлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Умумлаштирилган баланс «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 17-моддаси ва № 8 «Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шубҳа хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш» номли БҲМСга мувофиқ тузилади.

*Тузиш вақти бўйича* баланслар *дастлабки, жорий, санацияланувчи, тугатиш, бўлиниш ва бирлаштириш* балансларига бўлинади.

*Дастлабки (ташкилий) баланс* фақат бир марта тузилиб, корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш шундан бошланади. У корхона ўз фаолиятини бошлаётган вақтда таъсисчилар томонидан устав капиталига қўшиладиган улушлар ҳажмини билдиради ва корхона устави рўйхатга олинганидан кейин ёки активлар (улушлар) устав капиталига қўшилганидан кейин тузилади.

*Жорий баланслар* хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолият даври давомида белгиланган муддатларда тузилади. Улар бошланғич (кириш), оралиқ ва якунловчи балансларга бўлинади. Бошланғич баланс йил бошида, якунловчи баланс эса йил охирида тузилади.

Оралиқ баланслар йил давомида тузилади. Оралиқ баланслар якунловчи баланслардан, биринчидан якунловчи балансга ундаги моддаларни очиқ берувчи бир қанча ҳисобот шакллари илова қилиниши билан фарқ қилади. Иккинчидан, оралиқ баланслар, қоидага кўра, фақат жорий ҳисоб маълумотлари асосида тузилади. Якунловчи балансни тузишдан олдин эса тўлиқ инвентаризация тузилиб, унинг натижалари ҳам балансга таъсир кўрсатади ва якунловчи баланс аниқ тузилишига эришилади.

*Санацияловчи баланслар* хўжалик юритувчи субъект банкрот бўлишига яқинлашган вақтда тузилади. Бундай шароитларда хўжалик юритувчи субъект ўзини банкрот деб эълон қилиши ёки кредиторлар билан қарзлар бўйича тўловларни узайтиришга шартнома тузиши зарур бўлади. Аммо кредиторлар кўрган зарарлари қанчалик катта эканлиги ва келгусида уларни қоплашга умид борлигини билишлари зарур. Санацияловчи баланс аудитор ёрдамида, хўжалик юритувчи субъектдаги ҳақиқий ҳолатни баҳолаш мақсадида, ҳисобот даври тугамасдан олдин тузилади.

*Тугатиш баланси* хўжалик юритувчи субъект тугатилаётганда тузилади. У бошқа баланслардан ўз моддаларининг ҳисоб (дастлабки ёки тикланиш) қиймати бўйича эмас, балки тугатилиш пайтида ҳар бир активнинг сотиш мумкин бўлган баҳода баҳоланиши билан тубдан фарқ қилади. «Ноумид қарзлар», «Зарарлар», «Келгуси давр даромадлари» ва «Келгуси давр харажатлари» моддалари тугатиш балансига киритилмаслиги мумкин. Аммо гудвилл, патент ва савдо белгилари қиймати каби янги моддалар пайдо бўлиши мумкин. Тугатиш даври бошидан барча ўз маблағлари махсус очиладиган «Тугатиш» ҳисобварағида ҳисобга олиниб, унда кейинчалик мулкӣ моддалар ва хўжалик юритувчи субъектни тугатиш харажатлари ўртасидаги фарқ кўрсатилади.

*Бўлиш баланси* йирик корхонани бир қанча майда корхоналарга бўлиш, битта ёки бир нечта бўлинмаларни бошқа корхонага бериш пайтида тузилиб, сўнгги ҳолатда баланс *ўтказиш баланси* деб ҳам аталади.

*Бирлаштириш баланси* бир нечта корхоналар биттага бирлашганида тузилади.

Ҳуқуқӣ мақоми бўйича бухгалтерия баланслари қуйидагича:

- *юрӣдик шахслар баланси*;
- *алоҳида бўлинмалар баланслари*.

*Юридӣк шахслар баланси* юридӣк шахс мақомига эга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилади. Уларнинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ: «*Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулки ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридӣк шахс ҳисобланади*»<sup>3</sup>. Юридӣк шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Алоҳида бўлинмалар баланси корхонанинг юридӣк шахс мақомига эга бўлмаган, алоҳида таркибий бўлинмалари (цехлар, бўлимлар ва б.) томонидан тузилади. Юридӣк шахслар ва ички хўжалик бўлинмалари баланслари ўртасидаги боғлиқлик ички ҳисоблашув ҳисобварақлари тизими орқали амалга оширилади.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

*Тақдим этиш даври бўйича* қуйидаги баланс турлари мавжуд: кириш баланси, даврий баланс ва якуний баланс.

Кириш баланси хўжалик юритувчи субъектнинг юридик шахс мақомига эга бўлиши, яъни унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан бевосита боғлиқ.

Даврий баланслар ҳар бир ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, 9 ой) бўйича тузилади.

Якуний баланслар ҳисобот йили якуни бўйича тақдим этилади. Бир вақтнинг ўзида улар кейинги ҳисобот йилининг бошига кириш баланси бўлиб, шу билан бирга бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларидан бири - узлуксизлик, яъни фаолияти узлуксиз корхона тамойилини билдиради.

*Қайта ташкил этиш тартиби бўйича* бухгалтерия баланслари муайян корхонанинг ҳаёт циклига қаратилган бўлиб, унинг мақоми ЎзР ФКнинг 49-моддасида очиб берилган ва қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш каби қайта ташкил этиш турларини ўз ичига олади.

Масалан, *«қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади»<sup>4</sup>*.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш қоидаларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия баланслари *кириш, бўлиниш, бирлаштириш ва тугатиш балансларига* бўлинади.

*Кириш баланслари* маълум маблағлар ва маблағлар манбалари тўпламидан иборат бўлиб, уларга корхона ўз фаолиятини бошлаган вақтда эга бўлади. Бундай баланс қайта ташкил этиш натижасида аввал фаолият кўрсатган корхона ўрнида ташкил этилган корхоналарда тузилади.

*Бўлиниш баланслари* таъсисчилар қарори ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ ваколат берилган юридик шахслар ёки суд қарори бўйича олдин фаолият кўрсатган корхонани тугатиш натижасида ташкил этилган корхоналар мулкларини акс эттиради.

Битта корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмалари бошқа корхонага ўтказилганда, уларнинг актив ва пасивлари *ўтказиш балансида* акс эттирилади.

*Бирлаштириш баланси* қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш натижасида бирлашган бир қанча ташкилотларнинг мулкларини акс эттиради. Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

киритилган пайдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

*Тугатиш баланслари* банкрот деб эълон қилинган корхона мулкларини акс эттиради.

Корхона молиявий аҳволининг ёмонлашишига қараб тугатиш баланслари қуйидаги кўринишларда тузилади:

- кириш тугатиш баланси;
- оралиқ тугатиш баланси;
- якуний тугатиш баланси.

Уларнинг ҳар бири тугатилаётган корхона мулкларини сотиш мумкин бўлган баҳода баҳоланиб тузилади.

*Тузилиш шакли* бўйича бухгалтерия баланслари бир томонлама (вертикал) ва икки томонлама (горизонтал) балансларга бўлинади.

Бир томонлама (вертикал) баланслар вертикал кўринишда тузилиб, олдин баланс активининг бўлим ва моддалари, ундан кейин пасив бўлимлари ва моддалари келтирилади.

Икки томонлама (горизонтал) баланслар горизонтал кўринишда тузилади. Унинг чап томонида актив бўлимлари ва моддалари, қарамақарши, яъни ўнг томонида пасив бўлимлари ва моддалари акс эттирилади.

Баланснинг бундай тузилиши корхона молиявий аҳволини таҳлил қилишни осонлаштиради.

Софлик даражасига кўра баланслар *брутто-баланс* ва *нетто-балансларга* бўлинади.

*Брутто баланс* - бу барча тартибга солувчи (контр-актив ва контр-пасив) моддаларни ўз ичига оладиган балансдир. Брутто (brutto) - италянча сўз бўлиб, айнан таржимаси «қўпол», «тозаланмаган» деган маъноларни билдиради. Брутто баланс шакли фақатгина ҳар хил илмий тадқиқотлар, баланс шаклида умумлаштиришнинг тарихий жиҳатларини ўрганиш ва шунга ўхшаш мақсадларда тузилади.

*Нетто баланс* - бу тартибга солувчи моддалар (контр-актив ва контр-пасив ҳисобварақлар) қолдиқлари мос равишда тегишли моддалардан айириб ташланган, яъни тозаланган балансдир. Нетто (netto) сўзи ҳам италянча бўлиб, «соф», «тоза» деган маъноларни билдиради. Ҳозирги вақтда баланснинг бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ аниқланган, нетто-балансига мос келадиган шакли қўлланилади. Масалан, «асосий воситаларнинг эскириши», «номоддий активлар амортизацияси», «савдо устамаси» ва ҳоказолар активдаги тегишли моддалардан мос равишда чегириб ташланиб, уларнинг соф қолдиғи кўрсатилади. Пасивда эса контр-пасив ҳисобварақлар қолдиғи, масалан, «сотиб олинган хусусий акциялар моддасининг қолдиғи у билан боғлиқ тегишли модда, яъни «Устав капитали» моддаси қолдиғидан чегириб ташланади.

*Фаолият тури бўйича баланслар* асосий ва асосий бўлмаган фаолият балансларига бўлинади. Хўжалик юритувчи субъектнинг

ихтисослашганлиги ва унинг уставига мос фаолият асосий фаолият дейилади. Фаолиятнинг барча бошқа турлари асосий бўлмаган фаолият ҳисобланади.

*Тармоқлар бўйича* баланслар саноат корхоналари баланси, транспорт корхоналари баланслари ва ҳ.к.ларга бўлинади.

Тузиш усули бўйича бухгалтерия баланслари *айланма (айланма-қолдиқ), оддий шаклдаги ва шахмат шаклидаги* балансларга бўлинади.

*Оборол (айланма-қолдиқ)* баланслари амалга оширилган хўжалик муомалаларини ҳисобварақларда тўлиқ акс эттирилганлигини, айланма ва қолдиқлар тўғри чиқарилганлигини назорат қилиш учун қўлланилади.

*Оддий шаклдаги* баланслар намунавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

*Шахмат шаклидаги* баланс айланма-қолдиқ балансининг барча белгилари (хусусиятлари)ни ўз ичига олади. Унинг асосий афзалликлари куйидагиларда намоён бўлади:

- бир хил тоифадаги хўжалик муомалалари умумлаштирилганлиги боис иқтисодий ҳодисалар фактлари устидан назоратни кучайтиради;

- бир хил хўжалик муомалалари балансда иккита позициядан: дебетланувчи ҳисобварақ томонидан ва кредитланувчи ҳисобварақ томонидан кўрсатилади;

- корреспонденцияланувчи ҳисобварақлар бўйича ёзув иккиёқлама ёзув қоидасини сақлаган ҳолда, дебетланувчи ва кредитланувчи ҳисобварақлар кесишган жойда бир марта ёзилганлиги сабабли ҳисоб ёзувларининг сони қисқаради;

- алоҳида маблағлар ва манбалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш осонлашади. Чунки бундай балансининг тузилиши нафақат содир этилган хўжалик муомалаларининг моҳиятини чуқурроқ тушунишни очиб беради, балки уларнинг умумлашган кўрсаткичларини ҳам акс эттиради.

**Хўжалик муомалалари таъсирида балансда рўй берадиган ўзгаришлар ва уларнинг тавсифи.** Хўжалик фаолияти жараёнида содир бўладиган муомалалар таъсирида корхона маблағларининг таркибида ва уларнинг ташкил топиш манбаларида, айрим ҳолларда уларнинг иккаласида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларидаги рўй берган ўзгаришлар балансда ҳам тегишли ўзгаришларга олиб келади. Маблағлар қиймати ўзгармаган ҳолда доиравий айланиш жараёнида уларнинг буюм шакли ўзгаради, маблағлар ташкил топиш манбаларининг ҳам шакли ўзгаради, хўжалик маблағлари кўпаяди ёки камаёди. Лекин балансининг асосий хусусияти - хўжалик муомалаларини ҳисобварақларда иккиёқлама акс эттириш таъсирида баланс моддалари суммаси ўзгарганда актив ва пассив тенглигининг ўзгармаслиги доимо сақланади.

**1-муомала.** Қиймати 100 000 сўмлик материал омбордан асосий ишлаб чиқаришга берилди ва сарфланди. Бу муомала натижасида омбордаги

материаллар 100 000 сўмга камаяди. Шу вақтнинг ўзида асосий ишлаб чиқариш харажатлари 100 000 сўмга кўпаяди. Бу муомаладан сўнг балансинг жами суммаси ўзгармайди, фақат баланс активдаги моддалар орасида ўзгариш содир бўлади.

*Бу операция балансинг I тип ўзгаришига тааллуқли. Биринчи тип баланс ўзгаришининг, яъни фақат активдаги моддалар орасида содир бўлган ўзгаришнинг математик моделида кўрсатиш мумкин.*

Агар баланс активи суммаларининг жами  $A$ , баланс пассиви суммаларининг жамини  $P$ , баланс активи моддаларининг суммасини -  $a$  деб қабул қилсак, қуйидаги математик модел пайдо бўлади,

$$\sum A + a - a = \sum P, \quad (1)$$

Ушбу модел қуйидагича ўқилади: баланс активининг бир моддаси кўпаяди, бошқаси (у билан боғлиқ бўлган) худди шу суммага камаяди; натижада актив ва пассив суммалар йиғиндиси ўзгармайди, уларнинг ўзаро тенглиги сақланиб қолади.

**2-муомала.** Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи суммасидан 120 000 сўм даромад солиғи ушланди. Бу муомаладан сўнг ҳисобланган иш ҳақи суммаси 120 000 сўмга камаяди ва бир вақтнинг ўзида баланс пассивида 120 000 сўмга «Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар» деган янги модда пайдо бўлади ва уни суммаси шу маблағга кўпаяди.

Шундай қилиб, бу муомала натижасида фақат баланс пассивидаги моддалар орасида ўзгаришлар рўй берган ва йиғиндиси ўзгармайди.

*Бу операция балансинг II тип ўзгаришига тааллуқли. Энди иккинчи тип ўзгариш, яъни фақат пассивдаги моддаларда содир бўладиган, ўзгаришлар математик моделини кўрсатиш мумкин. Бунда аввалги шартли белгилардан фойдаланамиз ва баланс пассиви моддаларининг суммасини -  $p$  харфи билан белгилаймиз. Бунда математик модел қуйидагича бўлади:*

$$\sum A = \sum P + p - p, \quad (2)$$

Ушбу модел баланс пассивидаги бир модда кўпайганда бошқаси (у билан боғлиқ бўлган) худди шу суммага камаяди деб ўқилади. Бу вақтда ҳар бир актив ва пассивнинг алоҳида жами суммаси ўзгармайди ва уларнинг ўзаро тенглиги бузилмайди.

**3-муомала.** «Артел» заводидан текинга 2 000 000 сўмлик асосий восита (Музлагич) қабул қилиб олинди. Бу муомала натижасида баланс активда ҳам, пассивида ҳам ўзгариш (кўпайиш) содир бўлади. Биринчидан, активдаги «Асосий воситалар» моддаси 2 000 000 сўмга кўпаяди, иккинчидан пассив томонда «Резерв капитали» моддаси пайдо бўлади (2 000 000 сўмга).

Шундай қилиб, бу хўжалик муомаласи натижасида баланс активи ва пассиви бир хил суммага кўпайиб, лекин баланс тенглиги бузилмайди.

*Бу операция балансинг III тип ўзгаришига тааллуқли. Учинчи тип ўзгариш* учун, яъни ўзгариш балансинг активдаги моддаларда ҳам, пассивидаги моддаларда ҳам кўпайиш томонга содир бўлганда қуйидагича математик модел тузилади:

$$\sum A + a = \sum P + p, \quad (3)$$

Бу модел баланс активи ва пассивининг моддалари бир хил суммаларга кўпайганда, шу суммаларга актив ва пассив суммалари йиғиндиси ҳам кўпаяди, актив ва пассив тенглиги эса бузилмайди деб ўқилади.

**4-муомала.** Мол етказиб берувчиларга ҳисоб-китоб ҳисобварағидан 1 000 000 сўм қарз пули ўтказилди. Бу муомала натижасида ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги қолдиқ 1 000 000 сўмга камаяди ва бир вақтнинг ўзида мол етказиб берувчиларга бўлган қарз ҳам шу суммага камаяди.

Бу муомала балансинг активда ҳам, пассивида ҳам бир хил суммага камайишга олиб келади. Лекин баланс тенглиги бузилмайди.

*Бу операция балансинг IV тип ўзгаришига тааллуқли. Тўртинчи тип ўзгариш* учун, яъни ўзгариш активдаги моддаларда ҳам, пассивидаги моддаларда ҳам камайиш томонга содир бўлганда математик модел қуйидагича тузилади:

$$\sum A - a = \sum P - p, \quad (4)$$

Бу модел, актив ва пассив моддалари бир хил суммага камайганда, шу суммага актив ва пассивидаги суммалар йиғиндиси ҳам камаяди, актив ва пассив тенглиги эса бузилмайди деб ўқилади.

Демак, хўжалик муомалалари таъсирида балансда содир бўладиган тўрт тип ўзгаришларни юқорида кўриб чиқилган тўртта математик модел орқали ифодалаш мумкин экан.

Кўриб чиқилган тўртта хўжалик муомаласи балансда рўй берадиган барча ўзгариш турлари учун мисол бўла олади. Демак, корхонада қанча хўжалик муомаласи содир бўлишидан қатъи назар, улар тўрт типга бўлинади:

**I тип.** Актив моддаларидаги ўзгариш (активда кўпайиш ва активда камайиш) – баланс жами ўзгармайди.

**II тип.** Пассив моддаларидаги ўзгариш (пассивидаги кўпайиш ва пассивидаги камайиш) - баланс жами ўзгармайди.

**III тип.** Актив ва пассив моддаларида кўпайишга олиб келувчи ўзгаришлар (актив ва пассив бир хил суммага кўпаяди).

**IV тип.** Актив ва пассив моддаларида камайишга олиб келувчи ўзгаришлар (актив ва пассив бир хил суммага камаяди).

Демак, ҳар қандай хўжалик муомаласи ушбу кўрсатилган тўрт тип ўзгаришлардан бирининг содир бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган мисол ва изоҳларга кўра хўжалик муомалалари таъсирида биринчи ва иккинчи тип ўзгаришларда, ўзгариш фақат балансинг

актив қисмидаги моддалар орасида ёки пассив қисмидаги моддалар орасида алоҳида бирининг кўпайиб, иккинчисининг камайишига олиб келади. Шу билан бирга баланснинг актив ва пассив қисмларининг жами суммаси ўзгармайди.

Учинчи ва тўртинчи тип ўзгаришлар эса, ўзгариш баланснинг актив қисмидаги тегишли моддаларни ҳам, пассив қисмидаги тегишли моддаларни ҳам бир вақтда кўпайтиради (учинчи тип ўзгариш) ва камайтиради (тўртинчи тип ўзгариш). Шу билан бирга баланснинг умумий суммасига таъсир қилади, яъни кўпайтиради ёки камайтиради (1.6-чизма).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари		Хўжалик юритувчи субъект маблағларинг манбалари	
Актив		Пассив	
Кўпайиш	Камайиш	Камайиш	Кўпайиш
I тип		II тип	
←————→		←————→	
+a	-a	-p	+p
III тип			
←————→		←————→	
+a			+p
IV тип			
←————→		←————→	
	-a	-p	

**1.6-чизма. Баланс ўзгаришини типлари**

**Бухгалтерия баланси - корхоналарнинг молиявий аҳволини ўрганиш учун ахборот манбаи эканлиги.** Бухгалтерия баланси ахборотларга бой манба бўлиб, уларга асосланиб хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолияти ҳамда унинг натижалари баҳоланади. Айнан мана шундай муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги боис бухгалтерия баланси бухгалтерия ҳисоботи шакллари ичида биринчи ўринда туради. Ундаги

ахборотларнинг мазмунини билиш учун нафақат бухгалтерия баланси тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, балки айрим кўрсаткичлар ўртасидаги мантикий ва ўзига хос боғлиқликларни ҳам билиш зарур. Бухгалтерия балансининг мазмунини билишда уни ўқиш кетма-кетлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга, шунингдек, фақат бухгалтерия балансига хос бўлган айрим чеклашларни, албатта, билиш зарур.

Бухгалтерия балансининг активи ва пассивининг тузилиши ҳамда мазмуни ундаги ахборотдан фойдаланувчилар, энг аввало ташқи фойдаланувчиларга қаратилган. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳолатини очиб берувчи, корхонанинг жорий харажатлари ёки фойдаси ҳисобидан ташкил этилган хусусий капитал ва айрим турдаги резервлар шаклланишини очиб берувчи моддалар батафсиллик даражасининг юқорилиги шундан келиб чиқади.

Балансга хос ички ўзаро боғлиқликлар ахборотдан фойдаланувчилар эҳтиёжининг қондирилиш даражасига боғлиқ бўлмайди ва қуйидагилардан иборат:

1. Активдаги барча бўлимлар суммалари йиғиндиси пассивдаги барча бўлимлар суммалари йиғиндисига тенг бўлиб, бу балансининг моҳияти билан изоҳланади.

2. Хусусий капиталнинг ҳажми (пассив I бўлим) узоқ муддатли активлар (активдаги биринчи бўлим) ҳажмидан кўп бўлади. Бундай ҳулоса исбот талаб қилмайди. Чунки, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти жорий активларсиз мумкин эмас деб қабул қилинган. Шунинг учун хусусий капиталнинг таркиби узоқ муддатли ва жорий активлар шаклланишини доимо назарда тутати. Миллий иқтисодиётдаги тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари активдаги мулклар нисбатига ҳар хил таъсир кўрсатади.

Ушбу услуб бўйича ҳисобланган тафовут ўз айланма маблағларининг мавжудлигини кўрсатади. Бу маблағлар ва заҳиралар ҳамда харажатларни шакллантириш капитал ва резервлар (пассив I бўлими) ҳамда узоқ муддатли кредитлар ва қарз маблағлар (пассив II бўлими)дан узоқ муддатли активларни (актив I бўлими) чегириб ташлаган ҳолда аниқланади.

Шундай қилиб, заҳиралар ва харажатларни шакллантирувчи асосий манбаларнинг умумий миқдори қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар суммаси қўшилган ҳолдаги олдинги кўрсаткич миқдorigа тенг.

3. Узоқ муддатли активлар (актив I бўлими) асосан ўз маблағлари ҳисобидан шаклланишини эътиборга олиб, уларнинг миқдори хўжалик юритувчи субъект нормал фаолият кўрсатган шароитда, мажбуриятлар (пассив II бўлими) суммасидан кўп бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда уларнинг нисбати 6/4 ва ундан юқори бўлиши нормал ҳолат деб тан олинади.

4. Балансда барча активлар ва пассивлар жуда батафсил берилади. Бу унинг активи ва пассиви бўйича айрим моддалари, натижада, айрим мулкларни қоплаш манбалари ўртасида боғлиқлик ўрнатишга имкон беради.

Масалан, узоқ муддатли ва қисқа муддатли қўйилмаларни қоплаш манбалари бўлиб, махсус мўлжалланган ҳар хил фондлар ва резерв капитали ҳисобланади.

### **1.12. Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети ва усуллари бўйича амалий машғулот**

#### **№1-мисол.. Активларни фойдаланиш жойлари бўйича классификацияси**

#### **1.1-жадвал. Масалани ечиш учун маълумотлар Корхона мол мулк таркиби**

№	Активлар номи	Сумма, минг сўм
1	Ёқилғи	525
2	Омбордаги тайёр маҳсулот	10 962
3	Цехлардаги ишлаб чиқариш ускуналар	3 030
4	Харидорларга жўнатилган товарлар	2 535
5	Ер участкаси	1 500
6	Таъминот бўлими агентига бўнак	600
7	Патентга тўлиқ ҳуқуқ	15
8	Касса	540
9	Бошқа пул маблағлари	123
10	Тугалланмаган саноат ишлаб чиқариш	84
11	Хом ашё ва асосий материаллар	4 500
12	Бошқа дебиторлар	3 600
13	Узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлар	630
14	Қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозлар	1 500
15	Товар белгиларига тўлиқ ҳуқуқ	600
16	Ҳисоб китоб ҳисобварағи	1 800
17	Ёрдамчи материаллар	3 000
18	Умумий цехга таалуқли асосий воситалар	960
19	Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	1 620
20	Ҳисобдор шахслар	1 350
21	Бошқа материаллар	30
22	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар	21
23	Келгуси давр харажатлари	2 940
24	Маркетинг бўлимининг омбор бино ва ускуналари	360
25	Ташкилотнинг бошқарув биноси (корхона идораси)	10 800
26	Уй жой ва коммунал хўжаликларининг (ЖКХ) асосий воситалари	6 300
27	Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини асосий воситалари	4 590
28	Банкдаги махсус ҳисоб ракамлар (корпоратив банк пластик карталари)	4 500
29	Валюта ҳисобварағи	6 000
30	Облигациялар	600
<b>Жами</b>		<b>75 615</b>

#### **1.2-жадвал. Масалани қуйидаги жадвал шаклида ечинг**

№	Жойлашиш соҳаси	Қуйи гуруҳлар	Актив турлари	Сумма, минг сўм
I	Ишлаб чиқариш соҳаси	Асосий воситалар	Цехлардаги ишлаб чиқариш ускуналар	3 030
			Ер участкаси	1 500
			Умумий цехга таалуқли асосий воситалар	960
			Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	1 620
			Ташкилотнинг бошқарув биноси (корхона идораси)	10 800
			Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини асосий воситалари	4 590
		<b>Жами асосий воситалар</b>	<b>22 500</b>	
		Номоддий активлар	Патентга тўлиқ ҳуқуқ	15
			Товар белгиларига тўлиқ ҳуқуқ	600
		<b>Жами номоддий активлар</b>	<b>615</b>	
		Айланма воситалар	Ёқилғи	525
			Тугалланмаган саноат ишлаб чиқариш	84
			Хом ашё ва асосий материаллар	4 500
			Ёрдамчи материаллар	3 000
			Бошқа материаллар	30
			Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар	21
			Келгуси давр харажатлари	2 940
		<b>Жами айланма воситалар</b>	<b>11 100</b>	
		<b>Жами ишлаб чиқариш соҳаси</b>	<b>34 215</b>	
		II	Муомала соҳаси	Асосий воситалар
<b>Жами асосий воситалар</b>	<b>360</b>			
Айланма воситалар	Омбордаги тайёр маҳсулот			10 962
	Харидорларга жўнатилган товарлар			2 535
	Касса			540
	Бошқа пул маблағлари			123
	Ҳисоб китоб ҳисобварағи			1 800
	Банкдаги махсус ҳисобварақлар (корпоратив пластик карточка)			4 500
	Валюта ҳисобварағи			6 000
	Таъминот бўлими агентига бўнак			600
	Бошқа дебиторлар			3 600
	Ҳисобот берувчи шахслар (Подотчетные лица)			1 350
<b>Жами айланма воситалар</b>	<b>32 010</b>			
<b>Жами муомала соҳаси</b>	<b>32 370</b>			

<b>III</b>	<b>Ишлаб чиқаришдан ташқари соҳа</b>	Асосий воситалар	Уй жой ва коммунал хўжаликларининг (ЖКХ) асосий воситалари	6 300
		<b>Жами асосий воситалар</b>		<b>6 300</b>
<b>IV</b>	<b>Жалб қилинган воситалар</b>	Бошқа корхоналарга молиявий қўйилмалар	Узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлар	630
			Қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозлар	1 500
			Облигациялар	600
		<b>Жами бошқа корхоналарга молиявий қўйилмалар</b>		<b>2 730</b>
		<b>Жами мол мулк</b>		<b>75 615</b>

**№2-мисол. Активларни шакллантириш манбалари бўйича таснифи**

**1.3-жадвал. Масалани ечиш учун маълумотлар**

**Машинасозлик корхонасини мол мулк таркиби манбалари бўйича шакллантириш**

<b>№</b>	<b>Активлар номи</b>	<b>Сумма, минг сўм</b>
1	Корхонани мол етказиб берувчилардан олинган материаллар бўйича қарзи	3 300
2	Бюджетга тўловлар бўйича солиқ ташкилотидан қарз	1 800
3	Устав капитали	23 769
4	Резерв капитали	2 130
5	Қўшимча капитал	1 740
6	Узоқ муддатли банк кредитлари	15 000
7	Ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича қарз	1 050
8	Иш ҳақи бўйича корхона ходимларига қарз	3 900
9	Қисқа муддатли банк кредитлари	7 500
10	Узоқ муддатли заёмлар (жалб қилинган маблағлар)	4 200
11	Бошқа кредиторларга қарз	2 505
12	Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда	2 040
13	Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича солиқ ташкилотига қарз	1 435
14	Келгуси давр резервлари	1 460
15	Мақсадли тушумлар	3 786
	<b>Жами</b>	<b>75 615</b>

**1.4-жадвал. Масалани қуйидаги жадалда ечинг**

№	Активларни шакллантириш манбалар гуруҳи	Манбаларни подгруппаси	Манбалар турлари	Сумма, минг сўм
I	Хусусий капитал	Капитал	Устав капитали	23 769
			Резерв капитали	2 130
			Қўшимча капитал	1 740
		<b>Жами капитал</b>		<b>27 639</b>
		Мақсадли молиялаштириш	Келгуси давр резервлари	1 460
			Мақсадли тушумлар	3 786
		<b>Жами мақсадли молиялаштириш</b>		<b>5 246</b>
		Таксимланмаган фойда	Ҳисобот давридаги таксимланмаган фойда	2 040
		<b>Жами таксимланмаган фойда</b>		<b>2 040</b>
		<b>Жами I гуруҳ бўйича</b>		
II	Мажбуриятлар	Узоқ муддатли	Узоқ муддатли банк кредитлари	15 000
			Узоқ муддатли заёмлар	4 200
		<b>Жами узоқ муддатли</b>		<b>19 200</b>
		Қисқа муддатли	Корхонани мол етказиб берувчилардан олинган материаллар бўйича қарзи	3 300
			Бюджетга тўловлар бўйича солиқ ташкилотидан қарз	1 800
			Ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича қарз	1 050
			Иш ҳақи бўйича корхона ходимларига қарз	3 900
			Қисқа муддатли банк кредитлари	7 500
			Бошқа кредиторларга қарз	2 505
		Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича солиқ ташкилотига қарз	1 435	
		<b>Жами қисқа муддатли</b>		<b>21 490</b>
<b>Жами II гуруҳ бўйича</b>			<b>40 690</b>	
<b>Жами манбалар</b>				<b>75 615</b>

**№3-мисол.. Бухгалтерия баланси**

**1.5-жадвал. Келтирилган маълумотлар асосида баланс тузинг**

№	Мол-мулк турлари, хусусий капитал ва мажбуриятлар	Сумма, минг сўм
1	Ҳисоб китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари	82 700
2	Материаллар	24 300
3	Ишлаб чиқариш цехининг биноси	385 000
4	Устав капитали	192 500
5	Кассадаги пул маблағлари	16 800

6	Мол етказиб берувчилар олдидаги кредиторлик қарз	92 600
7	Узоқ муддатли банк кредитлари	158 000
8	Корхона ходимлари олдида иш ҳақи бўйича кредиторлик қарз	65 700

### 1.6-жадвал

#### “Баҳром” МЧЖ бухгалтерия балансини қуйидаги жадвал шаклида тузинг

“Баҳром” МЧЖ бухгалтерия баланси 2020 йил 1 январ ҳолатига			
Актив		Пассив	
Мол мулкни турлари	Сумма, минг сўм	Молк мулкни пайдо бўлиш манбалари	Сумма, минг сўм
<b>I. Узоқ муддали активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
Асосий воситалар	385 000	Устав капитали	192 500
<b>I-бўлим бўйича жами</b>	<b>385 000</b>	<b>I-бўлим бўйича жами</b>	<b>192 500</b>
<b>II. Қисқа муддатли активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Материаллар	24 300	Узоқ муддатли банк кредитлари	158 000
Кассадаги пул маблағлари	16 800	Мол етказиб берувчилар олдида кредиторлик қарз	92 600
Ҳисоб китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари	82 700	Корхона ходимлари олдида иш ҳақи бўйича кредиторлик қарз	65 700
<b>II-бўлим бўйича жами</b>	<b>123 800</b>	<b>II-бўлим бўйича жами</b>	<b>316 300</b>
<b>Баланс активи бўйича</b>	<b>508 800</b>	<b>Баланс пассиви бўйича</b>	<b>508 800</b>

#### №4-мисол.. Бухгалтерия баланси

### 1.7-жадвал

#### Келтирилган маълумотлар асосида баланс тузинг

№	Мол мулк турлари ва пайдо бўлиш манбалари	Сумма, минг сўм
1	Ер участкаси	38 000
2	Материаллар	126 500
3	Тугалланмаган қурилиш	412 700
4	Ишлаб чиқариш ускуналари	106 300
5	Ишлаб чиқариш цехларнинг биноси	257 800
6	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги кредиторлик қарз	98 000
7	Узоқ муддатли банк кредитлари	231 000
8	Қисқа муддатли кредитлар	73 800
9	Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси	48 200
10	Резерв капитали	55 400
11	Корхона ходимлари олдида иш ҳақи бўйича кредиторлик қарз	51 800
12	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	95 200
13	Устав капитали	287 900

## 1.8-жадвал

**“Дилдора” МЧЖ бухгалтерия балансини қуйидаги жаdвал шаклида  
тузинг**

<b>“Дилдора” МЧЖ бухгалтерия баланси 2020 йил 1 январ ҳолатига</b>			
<b>Актив</b>		<b>Пассив</b>	
<b>Мол мулкни турлари</b>	<b>Сумма, минг сўм</b>	<b>Молк мулкни пайдо бўлиш манбалари</b>	<b>Сумма, минг сўм</b>
<b>I. Узоқ муддали активлар</b>		<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>	
Асосий воситалар (38 000+106 300+ +257800)	402 100	Устав капитали	287 900
Тугалланмаган қурилиш	412 700	Резерв капитали	55 400
		Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси	48 200
		Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	95 200
<b>I-бўлим бўйича жами</b>	<b>814 800</b>	<b>I-бўлим бўйича жами</b>	<b>486 700</b>
<b>II. Қисқа муддатли активлар</b>		<b>II. Мажбуриятлар</b>	
Материаллар	126 500	Узоқ муддатли банк кредитлари	231 000
		Мол етказиб берувчилар олдида кредиторлик қарз	98 000
		Корхона ходимлари олдида иш ҳақи бўйича кредиторлик қарз	51 800
		Қисқа муддатли кредитлар	73 800
<b>II-бўлим бўйича жами</b>	<b>126 500</b>	<b>II-бўлим бўйича жами</b>	<b>454 600</b>
<b>Баланс активи бўйича</b>	<b>941 300</b>	<b>Баланс пассиви бўйича</b>	<b>941 300</b>

## №5-мисол. Бухгалтерия баланси актив ва пассив мазмуни

## 1.9-жадвал

**Келтирилган маълумотлар асосида мол мулк ва пайдо бўлиш манбалари  
бўйича бухгалтерия балансини қайси моддасига таалуқли эканини  
аниқланг ва кейин бухгалтерия балансини тузинг**

<b>№</b>	<b>Корхонани мол мулки турлари, хусусий капитални таркибий қисмлари ва мажбуриятлари</b>	<b>Сумма, минг сўм</b>
1	Тугалланмаган қурилиш	96 000
2	Тайёр маҳсулот омборидаги дастурий-микдорий бошқарув ускуналар	26 200
3	Механик ва йиғув цехларида ишлаб чиқариш ускуналари	125 632
4	Омбордаги диаметри 2 мм бўлган юмалоқ пўлат	31 200
5	Омбордаги бошқа материаллар	7 800
6	Омбордаги бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар	82 400
7	Омбордаги рангли металллар	3 600
8	Ишлаб чиқариш цехларнинг биноси	42 000
9	Материаллар ва тайёр маҳсулотлар омборларини бинолари	35 000
10	Маъмурий корпус биноси	29 000

11	Механик ва йиғув цехларида ҳамма технологик қайта ишлаш жараёнларини ўтмаган деталлар ва буюмлар	4 300
12	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар	6 820
13	Бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига қисқа муддатли қўйилмалар	8 300
14	Бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига узоқ муддатли қўйилмалар	20 200
15	Сотилган маҳсулот бўйича харидорларнинг қарзлари	115 000
16	Бошқа корхоналарга берилган қисқа муддатли займлар	6 500
17	Материаллар ва бутловчи буюмлар учун мол етказиб берувчиларга берилган бўнақлар	12 100
18	Корхонанинг материаллар учун мол етказиб берувчилардан қарзи	18 200
19	Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар	17 600
20	Янги маҳсулот ўзлаштириш учун корхона харажатлари	725
21	Ишлаб чиқариш ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар	475
22	Истеъмол қилинган электроэнергия учун кредиторлик қарз	186
23	Қисқа муддатли кредитлар	16 000
24	Узоқ муддатли кредитлар	92 000
25	Корхона маҳсулотларини товар белгилари	457
26	Товар биржасида брокерлик ўрин	2 213
27	Ташқи савдо фаолият учун лицензия	872
28	Корхона кассасидаги пул маблағлари	20
29	Ҳисоб китоб ҳисобварағи	28 190
30	Устав капитали	280 000
31	Ижтимоий соҳадаги фондлар	8 452
32	Резерв капитали	16 150
33	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси	64 700
34	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	4 870
35	Валюта ҳисобварақлари	3 126
36	Корхона ходимларига меҳнат ҳақи бўйича қарздорлик	21 253
37	Бюджет олдида қарз:	
	а) меҳнат ҳақидан даромад солиғи бўйича	2 898
	б) қўшимча қиймат солиғи бўйича	14 800
	в) фойда солиғи бўйича	15 415
38	Ижтимоий тўлов бўйича корхона қарзи	9 301
39	Ўтган даврларнинг тақсимланмаган фойдаси	106 305

### 1.10-жадвал

#### Қуйидаги жадвал шаклида бухгалтерия балансини асосий бўлимлари бўйича моддаларни гуруҳларга ажратинг

№	Мол мулк турлари ва пайдо бўлиш манбалари	Бухгалтерия баланси моддалари	Бухгалт. баланси боблари
1	Тугалланмаган қурилиш	Капитал қўйилмалар (0800)	1А
2	Тайёр маҳсулот омборидаги дастурий-микродорий бошқарув ускуналар	Асосий воситалари бошланғич (тиклаш) қиймати (0100)	1А

3	Механик ва йиғув цехларида ишлаб чиқариш ускуналари	Асосий воситалари бошланғич (тиклаш) қиймати (0100)	1А
4	Омбордаги диаметри 2 мм бўлган юмалоқ пўлат	Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	2А
5	Омбордаги бошқа материаллар	Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	2А
6	Омбордаги бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар	Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	2А
7	Омбордаги рангли металллар	Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	2А
8	Ишлаб чиқариш цехларнинг биноси	Асосий воситалари бошланғич (тиклаш) қиймати (0100)	1А
9	Материаллар ва тайёр маҳсулотлар омборларини бинолари	Асосий воситалари бошланғич (тиклаш) қиймати (0100)	1А
10	Маъмурий корпус биноси	Асосий воситалари бошланғич (тиклаш) қиймати (0100)	1А
11	Механик ва йиғув цехларида ҳамма технологик қайта ишлаш жараёнларини тўлиқ ўтмаган деталлар ва буюмлар	Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	2А
12	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар	Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	2А
13	Бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига қисқа муддатли қўйилмалар	Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	2А
14	Бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига узок муддатли қўйилмалар	Бошқа узок муддатли инвестициялар (0690)	1А
15	Сотилган маҳсулот бўйича харидорларнинг қарзлари	Харидор ва бюртмачиларни қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	2А
16	Бошқа корхоналарга берилган қисқа муддатли займлар	Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	2А
17	Материаллар ва бутловчи буюмлар учун мол етказиб берувчиларга (МЕБ) берилган бўнақлар	МЕБ ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	2А
18	Корхонанинг материаллар учун мол етказиб берувчилардан қарзи	МЕБ ва пудратчиларга қарз (6000)	2П
19	Харидор ва бюртмачилардан олинган бўнақлар	Олинган бўнақлар (6300)	2П
20	Янги маҳсулот ўзлаштириш учун корхона харажатлари	Келгуси давр сарфлари (3100)	2А
21	Ишлаб чиқариш ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар	Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	2А
22	Истеъмол қилинган электроэнергия учун кредиторлик қарз	МЕБ ва пудратчиларга қарз (6000)	2П
23	Қисқа муддатли кредитлар	Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	2П
24	Узок муддатли кредитлар	Узок муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	2П

25	Корхона маҳсулотларини товар белгилари	Номоддий активлари бошланғич қиймати (0400)	1А
26	Товар биржасида брокерлик ўрин	Номоддий активлари бошланғич қиймати (0400)	1А
27	Ташқи савдо фаолият учун лицензия	Номоддий активлари бошланғич қиймати (0400)	1А
28	Корхона кассасидаги пул маблағлари	Кассадаги пул маблағлари (5000)	2А
29	Ҳисоб китоб ҳисобварағи	Ҳисоб китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари (5100)	2А
30	Устав капитали	Устав капитали (8300)	1П
31	Ижтимоий соҳадаги фондлар	Мақсадли давлат жамғармаларига қарз (6520)	2П
32	Резерв капитали	Резерв капитали (8500)	1П
33	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	1П
34	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	Мақсадли тушум (8800)	1П
35	Валюта ҳисобварақлари	Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	2А
36	Корхона ходимларига меҳнат ҳақи бўйича қарздорлик	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	2П
37	Бюджет олдида қарз:	Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	2П
	а) меҳнат ҳақидан даромад солиғи бўйича		
	б) қўшимча қиймат солиғи бўйича		
	в) фойдадан солиғ бўйича		
38	Ягона ижтимоий тўлов бўйича корхона қарзи	Мақсадли давлат жамғармаларига қарз (6520)	2П
39	Ўтган даврларнинг тақсимланмаган фойдаси	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	1П

### 1.11-жадвал

#### “Қамола” АЖ бухгалтерия балансини қуйидаги жадвал шаклида тузинг (машинасозлик заводи)

“Қамола” АЖ бухгалтерия баланси 2020 йил 1 январ ҳолатига			
Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳис. даври бошига	Ҳис. даври охирига
1	2	3	4
<b>АКТИВ</b>			
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>			
<b>Асосий воситалар:</b>			
бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (0100, 0300)	010	257 832	
эскириш (0200)	011		
қолдиқ қиймат (стр 010-011)	012	<b>257 832</b>	<b>0</b>
<b>Номоддий активлар:</b>			

бошланғич қиймат (0400)	020	3 542	
эскириш (0500)	021		
қолдик қиймат (стр 020-021)	022	<b>3 542</b>	<b>0</b>
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр040+050+060+070+080)	030	<b>20 200</b>	<b>0</b>
Қимматли қоғозлар (0610)	040		
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080	20 200	
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100	<b>96 000</b>	
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910,0920,0930,0940)	110		
Узоқ муддати кечиктирилган харажатлар (0950,0960,0990)	120		
<b>I бўлим бўйича жами</b> (сатр 012+022+030+090+100+110+120)	<b>130</b>	<b>377 574</b>	<b>0</b>
<b>Кўрсаткичларнинг номи</b>	<b>Сатр коди</b>	<b>Ҳис. даври бошига</b>	<b>Ҳис. даври охирига</b>
1	2	3	4
<b>II. Жорий активлар</b>			
Товар-моддий заҳиралари, жами (сатр 150+160+170+180), шу жумладан:	140	<b>136 595</b>	<b>0</b>
Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000,1100,1500,1600)	150	125 475	
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000,2100,2300,2700)	160	11 120	
Тайёр маҳсулот (2800)	170		
Товарлар (2900 дан2980 нинг айирмаси))	180		
Келгуси давр сарфлари (3100)	190	<b>725</b>	
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
<b>Дебиторлар, жами (сатр 220+240+250+260+270+280+290+300+310))</b>	<b>210</b>	<b>127 100</b>	<b>0</b>
шундан: муддати ўтган	211		
Харидор ва буюртмачилар қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	115 000	
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам ўужалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	12 100	
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310		
<b>Пул маблағлари, жами сатр ( 330+340+350+360), шу жумладан:</b>	<b>320</b>	<b>31 336</b>	<b>0</b>
Ҳазнадаги пул маблағлари (5000)	330	20	
Ҳисоб-китоб ҳисобварақадаги пул маблағлари (5100)	340	28 190	
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	3 126	
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500,5600,5700)	360		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	<b>14 800</b>	
Бошқа жорий активлар (5900)	380		
<b>II бўлим бўйича жами</b> (сатр 140+190+200+210+320+370+380)	<b>390</b>	<b>310 556</b>	<b>0</b>

<b>Балансинг активи бўйича жами(сатр 130+390)</b>	<b>400</b>	<b>688 130</b>	<b>0</b>
<b>Кўрсаткичларнинг номи</b>	<b>Сатр коди</b>	<b>Ҳис. даври бошига</b>	<b>Ҳис. даври охирига</b>
1	2	3	4
<b>ПАССИВ</b>			
<b>I. Ўз маблағларининг манбалари</b>			
Устав капитали (8300)	410	280 000	
Кўшилган капитал (8400)	420		
Резерв капитали (8500)	430	16 150	
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700)	450	171 005	
Мақсадли тушум (8800)	460	4 870	
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар (8900)	470		
<b>I бўлим бўйича жами (сатр 410+420+430+440+450+460+470)</b>	<b>480</b>	<b>472 025</b>	<b>0</b>
<b>II. Мажбуриятлар</b>			
<b>Узоқ мудатли мажбуриятлар, жами (сатр 500+520+530+540+550+560+570+580+590)</b>	<b>490</b>	<b>92 000</b>	<b>0</b>
шу жумладан, узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (500+520+540+560+590)	491		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ мудатли кечиктирилган даромадлар (7210,7220,7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)-	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250,7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820,7830,7840)	580	92 000	
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590		
<b>Жорий мажбуриятлар, жами (сатр 610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)</b>	<b>600</b>	<b>124 105</b>	<b>0</b>
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	106 352	0
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз ( 6000)	610	18 386	
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620		
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630		
Кечиктирилган даромадлар (6210,6220,6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250,6290)	660		
Олинган бўнақлар (6300)	670	17 600	
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	33 113	
Суғурталар бўйича қарз(6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	17 753	
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	21 253	

Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820,6830,6840)	740	16 000	
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6900 дан ташқари 6950)	760		
<b>II бўлим бўйича жами (сатр 490+600)</b>	<b>770</b>	<b>216 105</b>	<b>0</b>
<b>Баланснинг пассиви бўйича жами (сатр 480+770)</b>	<b>780</b>	<b>688 130</b>	<b>0</b>
<b>БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАРДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ</b>			
<b>Кўрсаткичларнинг номи</b>	<b>Сатр коди</b>	<b>Ҳис. даври бошига</b>	<b>Ҳис. даври охирига</b>
1	2	3	4
Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001)	790		
Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002)	800		
Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003)	810		
Комиссияга қабул қилинган товарлар (004)	820		
Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005)	830		
Қатъий ҳисобот бланкалари (006)	840		
Тўловга қобилиятсиз дебиторлар зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007)	850		
Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008)	860		
Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009)	870		
Узоқ муддатли ижара шарномасига асосан берилган асосий воситалар(010)	880		
Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011)	890		
Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012)	900		
Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича ) (013)	910		
Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари (014)	920		
Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият) бўйича олинган мол-мулк (015)	930		
Фойдаланиш ҳуқуқида олинган номоддий активлар (016)	940		

**Раҳбар**

**бош ҳисобчи**

### **Назорат саволлари:**

1. Бухгалтерия ҳисоби предметига таъриф беринг?.
2. Корхона мулклари таркиби ва функционал вазифаси бўйича қандай гуруҳларга туркумланади?
3. Узоқ муддатли активлар деганда нимани тушунаси?
4. Жорий активларга нималар киради?
5. Ўз маблағларининг манбалари нималардан иборат?
6. Корхона мажбуриятлари деганда нимани тушунаси?
7. Устав капитали қандай шакллантирилади?
8. Қўшилган капитал ниманинг ҳисобига ташкил этилади?
9. Резерв капитали нима ва у қандай яратилади?
10. Корхона маблағлари шаклланиш манбалари бўйича қандай гуруҳларга бўлинади?

11. Мажбуриятлар қандай гуруҳларга бўлинади?
12. Узоқ муддатли мажбуриятлар деганда нимани тушунасиз?
13. Қисқа муддатли мажбуриятлар деганда нимани тушунасиз?
14. Кредиторлик қарзларини таърифланг?.
15. Бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектларига нималар киради?
16. Бухгалтерия ҳисоби методининг моҳияти ва унинг таркиби қандай усуллардан иборат?
17. Бухгалтерия ҳисоби предмети ва методи ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик мавжуд?
18. Бухгалтерия баланси нима ва унинг моҳияти қандай?
19. Бухгалтерия балансининг тузилишини таърифланг?.
20. Баланс активига қандай бўлимлар киради?
21. Баланс пассиви қандай бўлимлардан иборат?
22. Баланс активи ва пассиви нимани билдиради?
23. Баланс формуласи ва унинг мазмунини тушунтириб беринг?.
24. Корхона мажбуриятлари деганда нимани тушунасиз?
25. Баланс моддаси деб нимага айтилади?
26. Балансининг қандай турлари мавжуд ва уларни қисқача тавсифланг?
27. Балансининг қуйидаги бўлимлари мазмунини очиб беринг:
  - а) активнинг биринчи бўлими *”Узоқ муддатли активлар”*;
  - б) активнинг иккинчи бўлими *”Жорий активлар”*;
  - д) пассивнинг биринчи бўлими *”Ўз маблағлари манбалари”*;
  - е) пассивнинг иккинчи бўлими *”Мажбуриятлар”*.
28. Баланс нима мақсадда ва қандай тузилади?
29. Хўжалик муомалаларининг таъсирида балансда рўй берадиган ўзгаришлар қандай ва уларнинг мазмунини тавсифланг?
30. Баланс мазмуни билан мулкдорларнинг қайсидир тармоққа тегишлилиги ўртасида боғлиқлик қандай?
31. Бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича қандай кўрсаткичларни ҳисоблаш мумкин?

*Кичик, кўзга кўринмас харажатлардан эҳтиёт бўлинг, кичкина ёриқ катта кемаларни ҳам чўктириб юбориши мумкин.*

*Бенжамин Франклин.*

## **2 БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ**

### **2.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 42-45 боблар.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 8 қисм.
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎЗР Қонуни.
4. “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни, 11.12.2003 йил 11 декабр № 556-П. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги ЎРҚ-573-сонли “Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига асосан янги тахрирда қабул қилинган.
5. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ЎЗР Қонуни 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сонли Қонунига мувофиқ янги тахрирда қабул қилинган.
6. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш билан).
7. ЎЗР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” (ЎЗР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).
8. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом” (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297).
9. “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидалари” (Марказий банк қарори 16.05.2015, №12/17, ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 22.06.2015 йил № 2687).
10. “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома” (Марказий банк қарори 24.02.2018, №7/14, ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 01.05.2018 йил № 3003).
11. ЎЗР 19-сон БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.11.1999 йил № 833).
12. ЎЗР 22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби” (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 21.05.2004 йил № 1364).
13. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” (Марказий банк қарори 26.04.2013, №9/1, ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 03.06.2013 йил № 2465).
14. “Бухгалтерия ҳисобида хорижий валютада муомалаларни қайд

эттириш тўғрисида Низом (янги таҳрир)” (2004 йил 02 сентябр Молия вазирлиги № 98, Иқтисодиёт вазирлиги № 41, ДСҚ № 2004, МБ Бошқаруви № 257-В, Давлат статистика қумитаси № 8 қарорлари билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябр № 1411 рўйхатга олинган).

## **2.2. Пул маблағлари ва ҳисоб-китобларнинг мазмуни ҳамда уларни ҳисобга олишнинг вазифалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида нақд пулсиз ҳисоб китоблардан самарали фойдаланиш корхоналар иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омилларидан биридир. Чунки корхоналар фаолиятининг узлуксиз давом этишини таъминлаш учун зарур ишлаб чиқариш захиралари ва меҳнат воситалари сотиб олиш, давлат бюджетидан ташқари фондлар учун тўловларни амалга ошириш учун маълум миқдорда нақд пулсиз ҳисоб китоблар талаб қилинади. Шунинг учун ҳам корхоналар мавжуд пул маблағларини юқорида кўрсатилган мақсадларга сарфлашда иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва тежамли бўлган ҳамда корхонага ўз маблағларидан рационал фойдаланиш имконини беришни биринчи навбатда ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, иқтисодиёт ривожланишининг барча босқичларида нақд пулсиз ҳисоб китоблар алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва уларни ҳисобга олиш тартиби ўша даврдаги иқтисодиётнинг ривожланиши даражасидан келиб чиққан. Чунки ҳар қандай босқичда иқтисодиётнинг ривожланиши у ёки бу моделига амал қилган ва унинг ажралмас қисми сифатида эса бухгалтерия ҳисоби иштирок этган. Тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилиш эса ҳар доим иқтисодий фанларнинг, чунончи бухгалтерия ҳисобининг ривожланишини ҳам белгилаб берган ва уларга таъсир этган. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг чуқурлашуви нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳисобининг услубий асослари ва уларнинг ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришини талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Шу асосда Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар охириги йилларда бозор иқтисодиёти талабларидан келаб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Корхона амалга оширувчи ҳар қандай фаолият тури пул маблағларини талаб қилади. Корхона пул маблағлари асосан маҳсулот, иш ва хизматлар, шунингдек қимматбаҳо қоғозларни ва мол мулкни сотишдан келиб тушади. Янгидан ташкил этилаётган корхоналарга эса, таъсисчилар устав капиталини шакллантириш учун корхонанинг банк ҳисоб рақамига нақд пул топшириши ёки ўтказиб бериши мумкин.

Корхона ўзига тегишли бўлган пул маблағларини ўзининг асосий ва кўшимча фаолиятни ривожлантириш, товар моддий қийматликларини сотиб

олиш, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш, капитал қўйилмаларни (ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни куриш, автомобиллар, тракторлар ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш, кўп йиллик мевали ва манзарали дарахтларни ўтказиш ва ўстириш, шунингдек асосий подани ташкил қилиш) ўзлаштириш ва давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг кўрсатган хизматлари учун сарфлаши мумкин.

Юридик шахсларнинг пул маблағларининг ташкил топиши, сақланиши ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан назорат қилинади. 2015 йил 16 майда МБ томонидан тасдиқланган ва 2015 йил 22 июнда Ўзбекистон Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидалари" да батафсил ёритиб берилган.

Пул маблағларининг қайси манбалардан ташкил топиши ва уларнинг сарфланиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу борадаги масалалар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоби Миллий андозаларининг 9-сон "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот"ида аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, у Ўзбекистон Молия Вазирлиги 1998 йил 16 октябрда тасдиқланган ва Ўзбекистон Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 4 ноябрда рўйхатга олинган.

"Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидалари" да барча юридик шахслар қўйидагиларга амал қилиши шарт:

- мулкчилик шаклидан қатъий назар пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт;

- юридик шахслар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар иштирокидаги ҳисоблашлар фақат банк муассасалари орқали ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида амалга оширилиши зарур;

- банк муассасасидан олинган нақд пуллар қайси мақсадлар учун олинган бўлса, ўша мақсадларгагина сарфланиши мумкин;

- ташкилот ўз кассасида фақат банк муассасаси раҳбари томонидан ташкилот раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланган лимит чегарасида нақд пул сақлаши мумкин;

- ташкилот ўз кассасида лимитдан ортиқча нақд пулларни фақат меҳнат ҳақи, стипендия, мукофот, нафақа бериш вақтида 3 кун муддатда сақлаши мумкин;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан келиб тушган тушумларни меҳнат ҳақи, пенсия ва нафақаларни тўлаш учун сарфлаш таъқиқланган;

- хизмат сафарлари учун бериладиган пул маблағи ўша ҳудудда белгиланган сарф-харажатлар меъёрида бўлиши зарур;

- сарфланмаган нақд пуллар ташкилот кассасига 3 кун ичида қайтарилиши ва нақд пул олган ҳисобдор шахс бухгалтерияга бўнак ҳисоботи топшириши шарт.

Пул маблағларининг сақланиши ва уларнинг тўғри фойдаланиш жавобгарлиги корхона раҳбари ва бухгалтерия зиммасига юклатилади. Улар касса ва банк муоамалалари қоидаларига риоя қилиши ва уларни белгиланган қатъий тартибда тўғри расмийлаштиришлари зарур. Пул маблағлари корхона иқтисодиётида алоҳида аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлганлиги боис корхона маблағлари бир вақтнинг ўзида айланишнинг барча босқичида бўлиши мумкин. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида пул маблағлари у ёки бу миқдорда сарфланади. Шунинг учун ҳам корхонада доимо маълум миқдорда пул маблағларини бўлиши талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг тўлов қобилиятига боғлиқдир.

Маълумки, тўлов қобилиятининг мазмуни энг аввало бўш пул маблағларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Чунки пул маблағлари энг юқори ликвидликка эга бўлган активлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, корхоналарда мавжуд бўлган бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш учун уларни айланмага киритиш алоҳида аҳамиятга эга. Умуман, корхоналарнинг пул маблағларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Пул қиймат ўлчови бўлиб - бу товар қийматининг маълум қийматдаги пул суммасига тенглигини кўрсатади ва бу эса ўз навбатида товар қийматининг ўлчов бирлиги ҳисобланади. Пулда ифодаланган товар қийматининг баҳоси нарх ҳисобланади. Қиймат ўлчови вазифаси асосан нарх орқали амалга оширилади. У корхона ишлаб чиққан товарнинг қиймати бозор ёки прејскурант (шартнома) баҳоси учун асос бўлади ва мамлакатнинг миллий валютаси ҳамда уни бошқа мамлакатлар валюталарига тенглаштирилган ҳолда акс эттирилади.

2. Корхоналарнинг пул маблағлари муомала жараёнида ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олиш ва кўрсатилган хизмат, бажарилган иш ҳажмлари учун тўлов воситаси ҳисобланади. Пулга корхона ҳамма зарур ресурсларни сотиб олиши ва барча тўловларни амалга ошириши мумкин. У хўжалик субъектлари ўртасидаги барча ҳисоб-китобларни амалга оширувчи универсал ўлчовдир.

3. Пул жамғариш воситасини бажарганда бойлик тўплашга хизмат қилади. Албатта, пул бойликнинг асосий шакли, лекин унинг ягона шакли эмас, аммо пул бойлик тўплашнинг энг қулай воситаси ҳисобланади. Аммо бунинг учун пул қадрли бўлиши керак. Республикамизнинг миллий валютасини қадрли бўлишини таъминлаш мамлакатимизнинг энг асосий иқтисодий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Корхоналарнинг банкдаги миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамларида сақланаётган пул маблағлари мамлакатимиз иқтисодиётининг пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки улар банкларнинг актив операцияларини жонланишини таъминлайди, миллий ва чет эл валюталарининг ишлаб чиқариш жараёнидаги айланишини тезлаштиради ва

у бунда бирданига иккита муҳим вазифани бажаради. Биринчидан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш йўли билан пулнинг айланишини ва миллий валюта ҳисобига яратилаётган ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромадни ўсишини таъминлайди. Иккинчидан эса, корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилганлиги учун банк ўз мижозларига маълум миқдорда ҳақ ҳам тўлайди.

Шундай қилиб, пулнинг биринчи вазифаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилса, иккинчи вазифаси эса корхоналарга маълум миқдорда даромад келтиришдан иборатдир.

Пул тўлов вазифасини ҳам бажаради. Бунда пул корхона мол юборувчилар, пудратчилар ва бошқа хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларига, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга бўлган қарз мажбуриятларини тўлаб бериш вазифасини бажаради.

Пул маблағларининг корхона иқтисодиётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш, пул маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва корхона бошқарув аппаратини тегишли маълумотлар тўплами билан таъминлаш талаб этилади. Бунинг учун эса пул маблағлари ҳисобининг олдида қуйидаги асосий вазифалар туради:

- корхона пул маблағларини самарали бошқариш учун зарур маълумотлар билан таъминлаш;
- пул муомалаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган тартибларга риоя қилган ҳолда тўлов ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;
- ҳисоб регистрларида пул маблағларини нақдлиги ва ҳаракатларини ўз вақтида акс эттириш;
- пул маблағларининг белгиланган мақсадларга сарфланиши, смета ва лимитларга амал қилинишини назорат қилиш;
- пул маблағларининг инвентаризациясини белгиланган муддатларда ўтказилишини таъминлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тўланишини назорат қилиш;
- кассадаги, миллий ва хорижий валютадаги банк ҳисоб рақамларида сақланаётган пул маблағларининг сақланишини назорат қилиш;
- пул ресурсларининг ҳаракат оқимини башоратлаш ва мақбуллаштириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Ушбу масалаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминловчи бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратади. Албатта, юқоридаги вазифаларни бажариш учун пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш зарур бўлади. Бунинг учун эса, корхоналарда мавжуд маблағларни туркумлаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Пул маблағларининг туркумланиши ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишдаги ўрни ва аҳамияти.** Корхоналарда пул маблағларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш кўп жихатдан уларнинг

туркумланишига боғлиқ. Чунки пул маблағларининг қайси манбалардан келиб тушиши ва қайси йўналишлар бўйича сарфланишини таҳлил қилиш асосида улардан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Ҳозирда амалиётда пул маблағлари қуйидагича туркумланади:

- 1) валюта турлари;
- 2) қайси жойда сақланиши;
- 3) қайси мақсадларга сарфланиши;
- 4) қайси манбалардан келиб тушиши;
- 5) пул маблағлари турлари.

Республикада хўжалик субъектларига нафақат Ўзбекистон миллий валютаси сўмда балки бошқа чет эл валюталарида ҳам банкларда ҳисоб рақамларини очиш имкониятлари берилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарорига кўра, барча хўжалик субъектларига 1999 йил 1 июлдан бошлаб, бир неча банкларда ўзларининг турли валюталардаги ҳисоб рақамларини очиш имконияти берилди. Пул маблағларини валюталарнинг турлари бўйича гуруҳлаш уларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради. Ушбу гуруҳлар корхоналарнинг бухгалтериясида синтетик, субҳисобварақ ва аналитик ҳисобварақларни юритиш учун асос қилиб олинади ва корхоналарнинг ҳисоб сиёсатининг таркибий қисми бўлган ишчи ҳисобварақлар режасида ўз аксини топади.

Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги ҳисобварақлар режасида пул маблағларининг ҳисоби асосан уларнинг қайси жойда сақланиши бўйича юритилади.

Пул маблағларининг қайси жойда сақланиши бўйича қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Корхона кассасида сақланаётган пул маблағлари.
2. Банкдаги ҳисоб рақамларида сақланаётган пул маблағлари.
3. Банкдаги валюта ҳисоб рақамларида сақланаётган пул маблағлари.
4. Банкларнинг махсус ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари.
5. Йўлдаги ўтказмалар.

Ушбу белги бўйича гуруҳлаш асосида пул маблағларини бухгалтерия ҳисобини юритишдаги аҳамияти шу билан тавсифланадики, улар пул маблағлари қаерда, қандай суммада, кимнинг жавобгарлигида сақланаётганлиги, шунингдек уларнинг ҳаракати тўғрисида аниқ маълумотлар олиш имкониятини беради. Ушбу маълумотлар асосида корхонанинг бошқарув аппаратида пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминловчи мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти вужудга келади.

Корхона пул маблағларининг қайси мақсадларга сарфланиши бўйича гуруҳлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки пул маблағларини қайси мақсадларга, қандай суммаларда сарфлаш корхона иқтисодиётининг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Пул маблағларини қайси мақсадларга сарфланиши бўйича гуруҳлаш бухгалтерия ҳисоби амалиётида унчалик кенг қўлланилмайди. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тобора чуқурлашуви корхоналарнинг

молиявий ҳисоботларини халқаро стандарт талаблари асосида ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам, Республикамизда 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли Ўзбекистон Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган корхоналарнинг молиявий ҳисоботи мазмун ва шакл жиҳатдан халқаро стандарт талабларига анча яқинлаштирилган. Ушбу молиявий ҳисобот ва унинг шакллари асосан ташқи фойдаланувчиларнинг корхона фаолияти бўйича маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилгандир. Мазку молиявий ҳисоботда биринчи маротаба корхоналарнинг фаолият турлари бўйича харажат ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек амалдаги молиявий ҳисоботда пул оқимлари тўғрисида махсус ҳисобот шакли мавжуд бўлиб, унда пул оқимлари операцион, инвестициявий ва молиявий фаолият бўйича гуруҳланиши мажбурий қилиб қўйилган. Ушбу ҳисобот шакли корхоналарнинг пул маблағларининг қайси мақсадларга сарфланиши тўғрисида маълумот беради (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Пул маблағларининг фаолият турлари бўйича сарфланиши

№	Фаолият турлари	Пул маблағларининг сарфланиши
1	Асосий (операцион) фаолият	а) иш ҳақи б) ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш в) харажатларни тўлаш г) олинган кредитларга фоизлар тўлаш д) солиқларни тўлаш
2	Инвестициявий фаолият	а) асосий воситаларни сотиб олиш б) қимматли қоғозларни сотиб олиш в) кредитлар бериш
3	Молиявий фаолият	а) ўз акцияларини сотиб олиш б) облигациялар бўйича тўловларни амалга ошириш в) дивидендлар бўйича тўловларни амалга ошириш

Корхона пул маблағларининг қайси манбалардан келиб тушиши бўйича гуруҳлаш, қайси фаолият турлари корхона учун иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини аниқлаш учун зарур. Ушбу маълумотлар қайси манбалар ҳисобига пул маблағлари киришининг оқимини кўпайтириш омилларини аниқлаш имкониятини беради. Қуйидаги жадвалда корхоналарнинг пул маблағларини келиб тушиш манбалари бўйича туркумланиши келтирилган (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Пул маблағларини келиб тушиш манбалари бўйича туркумлаш

№	Фаолият турлари	Пул маблағларининг келиб тушиши
1	Асосий (операцион) фаолият	а) маҳсулотлар, иш ва хизматларни сотиш б) берилган кредитлар бўйича олинган фоизлар
2	Инвестициявий фаолият	а) асосий воситаларни сотиш б) қимматли қоғозларни сотиш в) олдин берилган кредитларнинг тўланиши

3	Молиявий фаолият	а) акцияларни чиқаришдан тушган тушумлар б) облигацияларни чиқаришдан тушган тушумлар
---	------------------	--

Пул маблағларини турлари бўйича гуруҳлаш корхона юқори ликвидликка эга бўлган маблағларнинг қайси турларининг мавжудлиги тўғрисида маълумот беради. Корхоналарда пул маблағларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. миллий валюта (сўм)даги пул маблағи.

2. Чет эл валютасидаги пул маблағи.

3. Аккредитив, чек дафтарчалари ва бошқа тўлов ҳужжатларидаги пул маблағлари.

Маълумки, сўмдаги пул маблағларига корхонанинг ўз кассасида сўмда сақланаётган нақд пуллари ва банк ҳисоб рақамларида сақланаётган пулларни киритиш мумкин. Чет эл валютасида сақланаётган пул маблағларига эса, корхона кассасидаги чет эл валюталаридаги пул маблағлари ва банкдаги валюта ҳисоб рақамида сақланаётган пуллар киради.

Аккредитив, чек дафтарчалари ва бошқа тўлов ҳужжатларидаги пул маблағларига корхона кассасидаги ва 5500 - "Банклардаги махсус ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобварағидаги миллий ва чет эл валютасидаги пул маблағлари киради. Ушбу пул маблағлари белгиланган муддатларда фойдаланилиши ва муддати ўтгандан сўнг эса, корхонага хизмат қилувчи банкка топширилиши зарур. Улар ушбу муддат ичида белгиланган мақсадлар учун тўлов воситаси, яъни пулнинг вазифасини бажаради. Муддати тугагандан сўнг эса, у банкда сақланаётган пуллар таркибига ўтади.

Пул маблағларининг аккредитив ва чек дафтарчаси шаклига ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад, хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни тезлатиш ва ишончдан чиққан ёки бир-биридан анча узоқда жойлашган юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўллашдан иборатдир.

Пул маблағларини юқорида келтирилган белгилари бўйича туркумлашдан ташқари уларни корхона фаолиятида қатнашаётган ва қатнашмаётган пул маблағларига ҳам бўлиш мумкин. Корхона фаолиятида қатнашаётган пул маблағлари корхонанинг у ёки бу фаолиятида иштирок этади ва унга маълум даражада даромад келтириш учун хизмат қилади.

Корхона фаолиятида қатнашмаётган пул маблағларига у ёки бу сабабга кўра ёки қонунбузарлик оқибатларида корхона фаолиятида қатнашмаётган пул маблағларини киритиш мумкин. Уларга ҳисобдор шахсларга аниқ мақсадлар учун берилган пул маблағларининг ўз вақтида бўнак ҳисоботини бермаслиги оқибатида четга чиқиши, пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муҳрланиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда умуман олганда пул маблағларини юқорида келтирилган белгилари бўйича гуруҳлаш ва улардан бухгалтерия ҳисобини юритишда фойдаланиш даражаси етарлича эмас. Бизнингча бунинг асосий сабаби охириги йилларда молиявий

ҳисоботнинг мазмуни ва унинг шакллари халқаро стандартлар даражасига анча яқинлаштирилган бўлсада, молиявий ҳисоб юритишнинг услуби эскилигича қолиб кетмоқда. Бунинг оқибатида эса, бухгалтерия ҳисоби ўзининг маълумот бериш вазифасини етарли даражада бажара олмай қолди. Айниқса бу пул маблағлари ва унинг ҳаракатини акс эттирувчи ҳисобот шаклларини тўлдириш учун зарур маълумотлар тўплашда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада молиявий ҳисоботнинг “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” ва “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”ларни тўлдириш учун зарур маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари ва ҳисоб регистрларидан йиғиш орқали тўпланмоқда. Албатта, бу биринчидан бухгалтерия аппарати ходимларининг бажараётган ҳисоб ишлари ҳажмини ошириш билан бирга, олинаётган маълумотларнинг аниқлик даражасига ҳам бевосита таъсир қилади.

Пул маблағлари ҳисобини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш келгусида молиявий ҳисобнинг услубий асосларидан бири ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасини молиявий ҳисобот шакллари талаб қиладиган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш нуқтаи назаридан ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Амалдаги ҳисобварақлар режаси ва уларда бухгалтерия ҳисоби ёзувларини амалга ошириш усуллари бугунги кунда улар олдига қўйилган талабларни бажара олмайди.

### **2.3. Касса операцияларини ҳисобга олиш**

Касса операцияларини олиб бориш тартиби. Ташкилотларнинг пул маблағлари нақд пул шаклида кассада, банк ҳисобварақларида пул ҳужжатлари шаклида, берилган аккредитивларда ва очик махсус ҳисобварақларда, чек дафтарчаларида ва бошқаларда сақланади.

Пул маблағлари бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари:

- ушбу маблағлар ва уларнинг ҳаракати бўйича операцияларни тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш;

- пул маблағлари ва пул ҳужжатларининг мавжудлиги, уларнинг хавфсизлиги ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш;

- касса, ҳисоб-китоб ва тўлов интизомига риоя этилишини назорат қилиш; маблағлардан янада оқилона фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

Пул маблағларини кассада сақлаш ва харажат қилиш тартиби Марказий банк томонидан тасдиқланган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидалари”да белгиланган.

Ташкилотларнинг хорижий валютадаги касса операциялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюта билан касса операцияларини юритиш тартибига (АВ рўйхат рақами 611, 1999 йил 22 январь) мувофиқ амалга оширилади.

Ташкилотлар ўз пул маблағларини банкларда сақлаши шарт.

Тартибга мувофиқ, ташкилотлар ўз мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни банклар орқали нақд пулсиз шаклида амалга ошириши, ёки ЎЗР

конун хужжатларига мувофиқ, Марказий банк томонидан белгиланган нақд пулсиз тўловларнинг бошқа шаклларида фойдаланиши мумкин. Лекин айрим ҳолларда ҳисоб-китоблар касса орқали нақд пул бериш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Ташкилотлар банкдан олган нақд пулларни қайси мақсад учун олган бўлсалар, уни фақат ўша мақсадда фойдаланишлари шарт.

Ташкилотлар иш куни охирида ўз кассаларида қолган нақд пул маблағларини белгиланган лимит доирасида сақлаши мумкин. Кассадаги нақд пул қолдиғи лимитини белгилаш ва тушум ҳисобидан харажат қилиш ҳар йили январь ойида ташкилотлар ва банклар ўртасидаги келишувга асосан буюртма-ҳисоб-китобга мувофиқ амалга оширилади.

Белгиланган лимитлар ташкилотнинг нақд пул айланмасидан келиб чиққан ҳолда, йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўртача кунлик нақд пул тушуми энг кам ойлик иш ҳақи суммасига етмайдиган ташкилотлар учун лимит 2 йил муддатга белгиланади.

Бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар, қайтарилган товарлар (ишлатилмаган темир йўл чипталари ва авиачипталар, концерт-томошалар учун берилган чипталар ҳамда кўрсатилмаган тиббиёт хизматлари) ҳақи ташкилотнинг кассасига тушган нақд пул тушумлари ҳисобидан қайтарилади.

Агар товар, иш ва хизматлар ҳақи банк пластик карталари орқали тўланган бўлса, пул маблағлари 3 иш куни ичида истеъмолчининг банк пластик картаси ҳисобварағига тўлов топшириқномаси асосида ўтказиш орқали қайтарилади.

Ташкилотлар ҳар куни ўз кассасидаги нақд пул маблағларининг белгиланган лимит доирасидан ортиқча қисмини банкларнинг кундузги ва кечки кассаларига ёки банкларга етказиб бериш учун инкассаторларга топширишлари шарт.

Ташкилотлар ўз кассасидаги нақд пул маблағларининг белгиланган лимит доирасидан ортиқча қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлар, суғурта тўловлари, нафақалар, стипендиялар ва пенсияларни тўлаш учун, банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаганда 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида сақлаш ҳуқуқига эга.

Хизмат сафари харажатлари учун бўнак маблағлари кейинчалик ҳисобот топшириш шарти билан нақд пулда ёки ходимнинг банк пластик картаси ҳисобварағига ўтказиб бериш орқали берилади. Хизмат сафари харажатлари учун берилган маблағларнинг сарфланмай қолган қисми хизмат сафари муддати тугаганидан сўнг 3 иш кунидан кечиктирмасдан ташкилот кассасига нақд пулда қайтарилади.

Агар хизмат сафари харажатлари ходимнинг банк пластик картаси ҳисобварағига ўтказиб берилган бўлса, маблағларнинг сарфланмай қолган қисми тўлов терминали ёки ходимнинг аризасига асосан банк орқали 5 иш куни ичида қайтарилади.

Илгари олинган маблағлар бўйича ҳисобот топширилмасдан, кейинги хизмат сафари учун маблағлар берилиши таъқиқланади.

Касса операциялари бирламчи ҳисоб ҳужжатлари (касса кириш ордери ва касса чиқим ордери) асосида расмийлаштирилади.

Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳар бир ташкилотда кассаси бўлиши керак ва белгиланган шаклда касса китобини юритиши лозим.

Банклардан ташкилотлар томонидан олинган нақд пуллар чекда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

Касса операцияларини ўтказиш кассирга юклатилган. Кассир ўзи қабул қилиб олган барча қимматликларнинг бут сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгар ҳисобланади. Тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги намунавий шартнома ЎзР Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 2 апрелдаги № 2/4 қарорида келтирилган.

Кассирнинг ишга тайинланганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилганидан сўнг, ташкилот раҳбари кассирни ушбу Қоидалар билан таништиради ва у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузади.

Кассир ўзига топширилган ишни бошқа шахсларга ишониб топшириши таъқиқланади.

Кассир штат бирлиги битта бўлган ташкилотларда кассир вақтинча ишда бўлмаганда, кассир вазифасини бажариш ташкилот раҳбарининг буйруғи (қарори) билан бошқа ходим зиммасига юклатилади. Бунда кассир вазифаси вақтинча юклатилган ходим билан ҳам тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Кассир касаллиги ёки бошқа сабабга кўра вақтинча ишда бўлмаган ҳолларда унга бириктирилган барча қимматликлар дарҳол ташкилот раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс ва бошқа ходимлардан таркиб топган комиссия иштирокида ишни қабул қилаётган шахс томонидан қайта саналади. Бу ҳақда далолатнома тузилиб, комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Таркибий бўлинмалари ёки марказлаштирилган бухгалтерияси бўлган ташкилотларда иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендиялар, пенсия ва мукофотларни тўлаш вазифаси ташкилот раҳбарининг буйруғи (қарори)га мувофиқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома асосида қўшимча равишда бошқа шахсларга ҳам юклатилиши мумкин.

Ташкилот кассири нақд пулларни тегишли касса ҳужжатлари асосида кассада қабул қилади ва тарқатади.

Штатлар жадвалида кассир штат бирлиги назарда тутилмаган ташкилотларда касса операцияларини бажариш вазифаси бирорта ходим(лар) зиммасига ташкилот раҳбарининг буйруғи (қарори) асосида юклатилиши мумкин.

Ташкилотнинг нақд пулдаги барча тушум ва чиқимлари касса дафтарида ҳисобга олинади. Ҳар бир ташкилот фақат битта касса дафтари юритади. Ушбу дафтарнинг варақлари рақамланган, тикилган ва ташкилот

мухри билан мухрланган (мухр мавжуд бўлган тақдирда) бўлиши лозим. Мухр изи туширилган қоғознинг иккала томонига елим суртилади, дафтарга мухр босилганидан кейин яна бир қават елим суртилади.

Касса дафтаридаги варақлар сони кўрсатилган ёзув ташкилот раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Бюджет ташкилотларида касса операцияларининг ҳисоби кассир томонидан Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг (АВ рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) 15-иловасига мувофиқ шаклдаги ёки КО-4 сон шаклдаги касса дафтарида олиб борилади.

Касса дафтаридаги ёзувлар қорақоғоз воситасида шарикли ручка ёки сиёҳ билан 2 нусхада ёзилади. Бунда варақларнинг биринчи нусхаси касса дафтарида қолади, қирқиладиган иккинчи нусхаси эса, кассирнинг ҳисоботи ҳисобланади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхаси бир хил рақам билан рақамланиши шарт.

Касса дафтарига ўчириб ёзиш ва тузатишлар киритиш таъқиқланади. Тузатишлар ташкилот кассири ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс имзоси билан тасдиқланади.

Ҳар бир касса ордери бўйича нақд пулнинг олинishi ёки берилиши кассир томонидан касса дафтарига дарҳол ёзиб қўйилади. Кассир иш куни охирида бир кунлик операциялар ҳисобини чиқаради, кассадаги нақд пуллар қолдиғини кейинги иш кунига ўтказди ва бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида ажратиб олинган иккинчи варақни (касса дафтаридаги бир кунлик ёзувлар нусхасини) касса дафтарига қайд этиб, касса кирим ва чиқим ҳужжатлари билан биргаликда касса дафтарига имзо қўйган ҳолда топширади. Агар ташкилотларда ҳар куни умумий суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоригача бўлган операциялар амалга оширилса, касса ҳисоботлари 3-5 кунда бир марта тузилиши мумкин.

Ташкилотларда касса дафтари электрон (дастурий) тарзда юритилиши мумкин. Бунда кассир ҳисоботи ҳам электрон (дастурий) тарзда юритилади. Ушбу ҳужжатлар кейинги иш куни бошлангунга қадар тузилади ва уларнинг мазмуни бир хил бўлиши ҳамда касса дафтарининг барча реквизитларини ўз ичига олиши шарт.

Касса дафтари ва кассир ҳисоботининг варақлари йил бошидан бошлаб ўсиб бориш тартибида рақамланиб, электрон (дастурий) тарзда амалга оширилади.

Касса дафтарининг қўшимча варағи ва кассир ҳисоботи ҳужжатлари олингандан сўнг, кассир уларнинг тўғри тузилганлигини текшириб, имзолаши шарт. Кассир ҳисоботга касса ордерларини илова қилиб, имзолаб бухгалтерияга топшириши лозим.

Касса дафтарининг қўшимча варағи йил давомида кассир томонидан ҳар бир ой бўйича алоҳида сақланиши лозим. Календарь йил тугаганда ёки зарурат туғилганда, касса дафтарининг қўшимча варағи хронологик тартибда китоб шаклида тикилади. Бир йиллик варақларнинг умумий сони ташкилот

раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланади ва ташкилот муҳри билан муҳрланади (муҳр мавжуд бўлган тақдирда).

Касса дафтарининг тўғри юритилишини назорат қилиш бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс зиммасига юкланади.

Касса чиқим ордери кассадан нақд пул олувчининг имзоси билан тасдиқланмаган бўлса, ушбу сумма камомад ҳисобланади ва кассирдан ундириб олинади. Кассадаги касса кирим ордерлари билан тасдиқланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул ҳисобланади ва ташкилот даромадига киритилади.

Катта (бош) кассирдан бошқа кассирлар зарур нақд пулларни бўнак сифатида олганда ва уларни қайтарганда “Қабул қилинган ва берилган пуллар ҳисобини юритиш дафтари”га имзо қўйишлари шарт.

Кассирлар иш куни охирида катта кассирга олинган бўнак пуллар ва кирим ҳужжатлари бўйича қабул қилинган пуллар тўғрисида ҳисоб бериши ҳамда нақд пуллар қолдиғини, имзо қўйиб олинган пуллар бўйича ўтказилган операцияларнинг ҳужжатларини топширишлари лозим.

Кассир олинган бўнак нақд пуллар бўйича уларни тўлаш учун тўлов қайдномасида кўрсатилган муддатда бухгалтерияга ҳисоб бериши шарт.

Кассирлар ҳар куни қолдиқ суммани ташкилот кассасига топширишлари шарт. Тўлов қайдномалари бўйича чиқим қилинмаган нақд пуллар катта (бош) кассирга топширилади ва кассирлар томонидан ҳалталарга солинади ва муҳрланиб, ундаги қолдиқ суммаси кўрсатилган ҳолда катта (бош) кассирга топширилади.

Ҳар бир ташкилот нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида ўз кассасига эга бўлиши лозим. Нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга оширмайдиган ташкилотлар касса хонасига эга бўлишлари талаб этилмайди.

Ташкилотлар раҳбарлари уларнинг айби билан нақд пул маблағларининг сақланиши ва ташилишида уларнинг хавфсизлиги таъминланмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Касса хонаси алоҳида ажратилган бўлиши, эшиклари эса операцияларни амалга ошириш вақтида ичкаридан қулфланиши шарт. Касса ишига алоқадор бўлмаган шахсларнинг ушбу хонага кириши ман этилади.

Ташкилотлардаги барча нақд пуллар ва бошқа қимматликлар ёнмайдиган металл шкаф (сейф)ларда сақланади. Улар иш куни тугаганидан сўнг, калит билан қулфланади ва унга кассирнинг муҳри босилади.

Металл шкаф (сейф)ларнинг калитлари ва муҳрлар кассирларда сақланиши лозим. Калитлар ва муҳрларни турли жойларда қолдириш, бегона шахсларга бериш ёки уларнинг ҳисобда турмаган дубликатларини тайёрлаш таъқиқланади. Металл шкаф (сейф)лар турган хоналарнинг эшикларини очик қолдириш ёки уларнинг эшикларида калитларни қолдириш ман этилади.

Калитларнинг ҳисобда турган дубликатлари халталарга солиниб, кассирлар томонидан муҳрланиб, ташкилот раҳбаридида сақланиши лозим. Ташкилот раҳбарининг буйруғи (қарори)га асосан тузилган комиссия томонидан ҳар чоракда камида бир марта калитларнинг ҳисобда турган дубликатлари назорат текширувидан ўтказилади. Ушбу текширув давомида калитнинг йўқолганлиги аниқланган ҳолларда, ташкилот раҳбари бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради ва зудлик билан металл шкаф (сейф)нинг қулфини алмаштириш чораларини кўради.

Ташкилотга тегишли бўлмаган нақд пуллар ва бошқа қимматликларни кассада сақлаш таъқиқланади.

Касса ва металл шкаф (сейф)ларни очишдан олдин кассир эшик қулфларини, хонанинг дераза ва панжараларини ҳамда муҳрларнинг бутлигини кўздан кечириши ва кўриқлаш ҳамда сигнализация воситаларининг соз ҳолатда эканлигини текшириб, бунга ишонч ҳосил қилиши шарт.

Муҳри шикастланганлиги, қулф, эшик ва панжараларнинг бузилганлиги, синдирилганлиги аниқланган ҳолларда, кассир зудлик билан бу ҳақда ташкилот раҳбарини хабардор қилиши лозим. Ташкилот раҳбари бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши ва улар етиб келгунга қадар кассани кўриқлаш чораларини кўриши лозим.

Кичик хўжалик харажатлари, сафар хизмати учун бўнак ва бошқа кичик тўловлар учун банк томонидан белгиланган лимит доирасида кассада кам миқдордаги пулларни сақлаш мумкин.

Агар ташкилот кассада нақд қолдиғи лимитини белгилаш учун чоратadbирлар кўрмаган бўлса, кассадаги пул қолдиғи лимити нолга тенг ва ўз вақтида банкга етказиб бермаган нақд пул маблағлари эса меъёрдан юқори деб ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик кодекси 175 -моддасининг 3 банди бўйича касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан, қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкассо топшириқларини бажармаслик, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш учун, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юридик ва жисмоний шахсларга товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ нақд тўловларини амалга оширишда кассадаги нақд пулларни қабул қилиш назорат-касса аппаратларидан мажбурий фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобларда ташкилотлар бир битим учун юридик шахслар ўртасида ЎзРда нақд пул ҳисоб-китобларининг белгиланган чегарасига риоя қилишлари керак.

Касса операцияларини юритиш тартибига риоя қилиш учун жавобгарлик ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилар ва кассирлар зиммасига юклатилади.

Касса операцияларини юритиш ва нақд пул билан ишлаш тартибига риоя этмаётган ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади. Масалан, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда касса аппаратларидан фойдаланмаслик ташкилотга энг кам иш ҳақининг 10 дан 15 баробаригача миқдорда маъмурий жарима солишга сабаб бўлади.

**Касса операцияларини ҳужжатлаштириш.** Бухгалтерия ҳисоби регистрларида пул оқимини акс эттириш учун асос бўлиб, ЎЗР Давлат статистика қўмитаси қарори билан тасдиқланган касса операциялари ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжат шакллари ҳисобланади (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Касса операцияларини ҳисобга олиш бўйича бирламчи рўйхатга олиш ҳужжатларининг шакллари

Шакл рақами	Шаклнинг номи	Қўллаш тартиби
КО-1	Касса кирим ордери	Ташкилот кассасига нақд пул тушганлигини рўйхатга олиш учун
КО-2	Касса чиқим ордери	Ташкилот кассасидан нақд пул беришни рўйхатдан ўтказиш учун
КО-3	Кирим ва чиқим касса ҳужжатларини рўйхатга олиш журнали	Кирим ва чиқим касса ордерларини ёки уларни ўрнини босувчи ҳужжатларни ҳисобга олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиш учун
КО-4	Касса дафтари	Ташкилотнинг кассадаги нақд пул кирими ва чиқимларини ҳисобга олиш учун
КО-5	Кассир томонидан қабул қилинган ва берилган нақд пуллар ҳисоби китоби	Кассир томонидан ташкилотнинг кассасидан бошқа кассирлар ёки ваколатли шахсга (пул тарқатувчига) берилган пул маблағларини ҳисобга олиш, шунингдек амалга оширилган операциялар бўйича кассага қайтарилган нақд пуллар ва касса ҳужжатларини қайтаришни ҳисобга олиш

Касса ордерлари ва уларнинг квитанциялари ташкилот бухгалтерияси томонидан сиёҳ ёки шарикли ручка билан аниқ ёзилиши ёки компьютерда ёзилиши шарт. Ушбу ҳужжатларга ўчириб ёзиш, тузатишлар киритиш ва изоҳлар ёзишига йўл қўйилмайди.

Касса ордерида уни тузиш учун асос ва унга илова қилинган ҳужжатлар кўрсатилади. Пулларни касса ордерлари бўйича қабул қилиш ва топшириш улар тўлдирилган куни амалга оширилиши лозим.

Касса ордерларини олиш вақтида кассир:

- уларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахснинг имзоси борлигини, касса чиқим ордерида эса ташкилот раҳбари ёки ваколатли шахснинг рухсат берганлиги ҳақидаги имзоси мавжудлигини;

- ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини;

- ҳужжатларда қайд этилган иловаларнинг мавжудлигини текшириши шарт.

Ушбу талабларга риоя қилинмаган бўлса, кассир ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Касса ордерлари асосида пул олинган ёки пул берилганидан кейин кассир уларни имзолайди ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатлар устига берилган санани ва «Тўланди» ёки «Кирим қилинди» деб ёзиб қўяди ёки штамп босади.

Касса ордерлари кассага топширилгунига қадар ташкилот бухгалтерияси томонидан тегишли равишда мазкур “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидалари”нинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Касса кирим ордерларини қайд этиш дафтари ёки мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Касса чиқим ордерларини қайд этиш дафтарида рўйхатга олинади.

Иш ҳақини тўлашга доир тўлов қайдномаларига расмийлаштирилган касса чиқим ордерлари у тўланганидан сўнг рўйхатга олинади.

Касса операцияларини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатлар бухгалтерия бўлимига топширилади, унда ходимлар расмий вазифаларига мувофиқ:

- ҳужжатларни расмийлаштиришининг тўғрилигини, уларнинг амалдаги қонунчиликка ва амалга оширилган операцияларнинг тавсифига мувофиқлигини, шунингдек, ташкилот раҳбари ёки хўжалик операциялари бўйича ваколатли шахсларнинг зарур ёзма кўрсатмаларининг мавжудлигини текширадилар;

- касса кирим ва чиқим ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни расмийлаштирадилар;

- касса ҳужжатларининг шакллари бўйича ваколатли шахсларнинг зарур имзоларини оладилар;

- кирим ва чиқим касса ҳужжатларини қайд қилиш журналида (кассага топширишдан олдин) рўйхатдан ўтказадилар (шакл №. КО-3);

- кассага кирим ва чиқим касса ордерларини ёки уларни ўрнини босувчи ҳужжатларни уларга илова қилинган тасдиқловчи ва фармойиш ҳужжатлар билан бирга ўтказадилар.

Кирим касса ордери ва уларнинг квитанциялари бир вақтнинг ўзида тўлдирилади ва корхона раҳбарининг ёзма фармойиши билан бош ҳисобчи ёки бунга ваколатли шахс томонидан имзоланади. Касса кирим ордери квитанциясини фақат пулни олганидан сўнг берилади.

Чиқим касса ордерини ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчи ёки унга ваколатли шахс имзолайди.

Иш ҳақи тўлов қайдномаси ва бошқа унга тенг тўловлар асосида расмийлаштирилган касса чиқим ордерлари, улар берилгандан сўнг, қайд қилинади.

Кирим ва чиқим касса ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, тегишли кун учун тузилган “Кирим ва чиқим касса ордерлари қайд қилиш журналининг илова варағи” машинограммада ҳам пул оқимларини мақсадга мувофиқ ҳисобга олиш бўйича маълумотлар шакллантирилади.

Касса ордерлари бўйича пул маблағларини қабул қилиш ва чиқариш фақат уларни тузиш кундагина амалга оширилиши мумкин.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларни ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларни пул топширувчи ёки олувчи шахслар қўлига бериш таъқиқланади.

**Кассага нақд пул қабул қилиш.** Юқоридаги барча талабларга риоя қилган ва ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилган ҳолда, кассир нақд пул қабул қилади. Нақд пул қабул қилиш вақтида кассир ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидалари”га мувофиқ, уларнинг тўлов қобилиятини текширади.

Ташкилотлар томонидан ҳақиқийлиги шубҳалантирмайдиган ва улар қийматини белгилайдиган сўзлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, серияси ва рақамлари тўлиқ сақланган банкнотлар, улар умумий ўлчамининг 55 фоизи мавжуд бўлса ҳамда шикастланиш даражасидан қатъи назар, тўлиқ ҳажмини ва юз томонида қиймат тасвирини сақлаган металл тангалар тўловга қабул қилинади.

Ташкилотлар:

- исталган қисми, жумладан тўловлилик аломатлари белгиланишига таъсир этадиган даражада тешилган, йиртилган, сийқаланган жойлари, доғлари бўлган, сиёҳда ёзилган;

- айрим қисмлари шак-шубҳасиз битта билетга тегишли бўлган йиртилган ва елимланган;

- қийматини кўрсатадиган рақамлар, ёзувлар бўлган қисмлардан ташқари, ўз рангини ўзгартирган, куйган (кўпроқ куйган);

- тўлиқ ҳажмини сақламаган банкнотларни тўловга қабул қилиши ва пул тушуми таркибида банкларга топшириши лозим.

Ушбу талабларга мувофиқ келмайдиган банкнотлар ва тангалар тўловга яроқсиз ҳисобланади ва банклар томонидан экспертизага қабул қилинади.

Ташкилотлар кассасига нақд пуллар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахснинг имзоси қўйилган касса кирим ордери бўйича қабул қилинади.

Нақд пул қабул қилинганда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс ҳамда кассир томонидан имзоланган, кассир муҳри (штампи) билан тасдиқланган касса кирим ордери

ёки касса аппаратининг изи туширилган чипта (слип) пул топширган шахсга берилади.

Кассир томонидан қабул қилинган нақд пул суммаси кирим касса ордерида кўрсатилган суммага мос келиши керак.

Пулни олгандан сўнг кассир квитанцияни имзолайди ва ўз фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзади, кассирнинг муҳри (штампи) билан тасдиқлайди. бош ҳисобчи ва ваколатли шахс ва кассир томонидан имзоланган ва кассирнинг муҳри (штамп) ёки касса аппарати изи билан тасдиқланган кирим касса ордери квитанцияси пул ўтказган шахс қўлига топширилади.

Кирим ёки чиқим касса ордерлари ёки уларни ўрнини босувчи ҳужжатлар бўйича пул олингандан ёки чиқарилгандан кейин дарҳол кассир томонидан имзоланади ва уларга илова қилинган ҳужжатларга сана (кун, ой, йил) кўрсатилган ҳолда "Тўланган" деб штамп босилади ёки қўл ёзуви билан кўрсатади.

Касса кирим ордерлари билан тасдиқланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул ҳисобланиб, корхона даромадига кирим қилинади.

**Кассадан нақд пул чиқими.** Ташкилот кассасидан нақд пулларни чиқим қилиш ташкилот реквизитлари туширилган тўртбурчак штамп босилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган касса чиқим ордери ёки тўлов қайдномаси асосида амалга оширилади. Кассадан нақд пул бериш учун расмийлаштириладиган ҳужжатларга ташкилот раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс имзо қўйиши шарт.

Касса чиқим ордерига илова қилинадиган ҳужжатларга (аризалар, тўлов қайдномалари ва бошқа тўлов ҳужжатларига) ташкилот раҳбари томонидан розилик имзоси қўйилганда, касса чиқим ордерига ташкилот раҳбарининг имзоси қўйилиши талаб этилмайди.

Бюджет ташкилотлари бухгалтериясида бериладиган иш ҳақининг умумий суммасига бир нусхада касса чиқим ордери тузилиб, унинг санаси ва тартиб рақами ҳар бир тўлов қайдномасига ёзиб қўйилиши шарт.

Алоҳида шахсга касса чиқим ордери билан пул берилганда, кассир пул олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (паспорт, яшаш гувоҳномаси, ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий билет) талаб қилиб, ҳужжатнинг тури, серияси ва тартиб рақами, унинг қайси ташкилот томонидан ва қачон берилганлигини касса чиқим ордерига қайд этиб қўйиши лозим.

Тўлов қайдномаси тузилган ҳолларда пул олувчилар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этади ва унинг тегишли жойига имзо қўяди.

Ташкилот кассасидан нақд пулни чиқим қилиш мазкур ташкилот томонидан ходимга берилган ҳужжатга (гувоҳномага) асосан амалга оширилади.

Ташкилотга фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишга жалб қилинган шахсларга нақд пуллар алоҳида тўлов қайдномаси ёки ҳар бир шахсга алоҳида касса чиқим ордери орқали берилади.

Нақд пуллар касса чиқим ордерида ёки ишончномада кўрсатилган шахсга берилади. Нақд пуллар касса чиқим ордери бўйича ишончнома асосида берилган бўлса, касса чиқим ордерида ишончномада кўрсатилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади. Нақд пуллар тўлов қайдномаси бўйича ишончнома асосида берилган бўлса, тўлов қайдномасига «Ишончнома асосида» деб ёзиб қўйилади. Ишончнома кассирда қолади ва касса чиқим ордери ёки тўлов қайдномасига илова қилинади.

Иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендиялар, пенсия ва мукофотлар тўлов қайдномаси бўйича тўланганда, ҳар бир шахсга алоҳида касса чиқим ордери тўлдирилмайди. Бунда тўлов қайдномасининг титул варағига ташкилот раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахснинг имзоси қўйилади ва пул беришга рухсат этилганлиги тўғрисидаги ёзув, пулларни тарқатиш муддати ҳамда суммаси кўрсатилади.

Ходим таътилга кетганда, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганда ва шу каби бошқа ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек депонентга ўтказилган суммаларни ва хизмат сафари харажатларини бир неча ходимга бериш тўлов қайдномаси бўйича амалга оширилиши мумкин.

Муайян шахслар учун бир маротаба бериладиган пуллар чиқим касса ордерлари бўйича амалга оширилади.

Иш ҳақи, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендиялар, пенсия ва мукофотлар учун олинган нақд пуллар тарқатилмай қолган ҳолларда, кассир томонидан нақд пулларни сақлашда қуйидагилар амалга оширилади:

- ҳар бир шахснинг фамилияси рўпарасига «депонентга ўтказилган» деб ёзиб қўйиши (штамп босиши);

- депонентга ўтказилган суммалар бўйича реестр тузиши;

- тўлов қайдномаси охирида амалда тўланган сумма ҳақида ва депонентга олинган суммани ёзиб қўйиши, ушбу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича умумий якун билан солиштириши ва ўз имзоси билан тасдиқлаши;

- амалда тўланган суммани мазкур “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш Қоидалари”нинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги касса дафтарига ёзиши ва тўлов қайдномасига касса чиқим ордерининг рақами ва тўртбурчак штампини босиши лозим.

Бухгалтерия ходимлари тўлов қайдномаларидаги ёзувларни текширади ҳамда улар бўйича берилган ва депонентга ўтказилган суммаларнинг тўғри акс этирилганлигини назорат қилади.

Депонентга ўтказилган суммалар банкка қайтариб топширилади ва улар бўйича битта умумий касса чиқим ордери тузилади.

**Касса операцияларини ҳисобга олиш.** Корхона кассасидаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”;

5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

Зарур ҳолларда айрим (транспорт, алоқа) корхоналарда “Корхона кассаси” ва “Операцион касса” каби ҳисобварақлар очилиши мумкин.

Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг (5000) дебети бўйича корхона кассасига келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади. Кредити бўйича корхона кассасидан тўланадиган пул маблағлари ва лимитдан ортиқча пулни банкка топшириш акс эттирилади.

Қуйида кассадаги пул маблағларини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Кредитга сотилган товарлар бўйича фоизлар нақд пулда олинганда (савдо корхоналарида):

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 4830 “Олинадиган фоизлар”.

2) Маҳсулот, иш ва хизматларнинг нақд пулга сотилиши:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

3) Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан тушумнинг нақд пулда олиниши:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

4) Банкдаги тегишли ҳисобварақлардан пул маблағлари кассага келиб тушди (иш ҳақи, нафақа, мукофотлар ва шу кабиларни бериш учун):

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки бошқа пул маблағларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

5) Ҳисобдор шахслар томонидан ишлатилмаган олдин олинган бўнақларнинг қайтарилиши:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки

К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.

б) Акцияни номинал қийматидан юқори нархда сотиш натижасида олинган эмиссия даромади:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 8410 “Эмиссия даромади”.

7) Таъсисчилар ўзларининг улушлари ҳисобидан корхонанинг устав капиталига нақд пул маблағларини киритди:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

8) Квартира ижарачиларидан қарз суммаси келиб тушди:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”.

9) Коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ва бошқа тўловларнинг келиб тушиши:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”.

10) Ишчиларга алоҳида уй-жой қуришга қарз бериш учун кредит суммаси нақд пулда олинди:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

К 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари”.

11) Пул маблағлари кассадан топширилди ва банкдаги ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказилди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки бошқа пул маблағларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

12) Акциядорлардан уларга тегишли акциялар қайтариб сотиб олинди:

Д 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий” ёки

Д 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

13) Қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар тўланди (брокерлар хизматига ҳақ):

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” ёки

Д 5810 “Қимматли қоғозлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

14) Ҳисобланган меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлар берилди (мукофот ва шу кабилар):

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

- 15) Ҳисобдор суммалар берилди:  
Д 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки  
К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.
- 16) Ходимларга берилган қарз суммаси:  
Д 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.
- 17) Турли хил суммалар берилди (бажариш варақалари бўйича ва бошқалар):  
Д 6990 “Бошқа мажбуриятлар”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.
- 18) Корхонанинг ажаратилган бўлинмалари ҳисобига нақд тўланиши:  
Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинандиган ҳисобварақлар”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.
- 19) Табиий офатлар билан боғлиқ турли хил қопланмайдиган харажатлар тўланиши:  
Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.
- 20) Пул маблағларининг камомати (инвентаризация натижасида):  
Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.
- 21) Ҳисобланган фоизлар бўйича қарзлар қопланиши:  
Д 6920 “Ҳисобланган фоизлар”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.
- 22) Ижарага берувчига тегишли тўловларнинг тўланиши:  
Д 6910 “Тўланадиган оператив ижара” ёки  
К 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

Ҳисобварақ 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”га ёзув қилиш учун асос бўлиб кассир ҳисоботи хизмат қилади.

Бухгалтерия ҳисобида касса операцияларини ҳисобга олиш учун махсус регистрлар: журнал-ордер № 1 касса ҳисобварағини кредит операциялари ва қайднома № 1 дебет операцияларини ҳисобга олади. Ушбу регистрлар бухгалтерия дастури 1С-Бухгалтерияда ҳам қўлланилади.

Журнал-ордер № 1 ва қайднома № 1 ни тўлдириш учун кассирнинг ҳисоботлари асос бўлиб хизмат қилади. Реестрда ҳар бир ҳисоботга, касса ҳисоботи тузилган муддатдан қатъий назар, битта сатр берилади. Журналда банд қилинган сатрлар сони кассир томонидан топширилган ҳисоботлар сонига мос келиши керак. Бироқ, касса ҳужжатлари кам бўлган ҳолда, кассирнинг бир неча ҳисоботига кўра, регистрларда ҳар куни эмас, балки 3-5 кун давомида операцияларни қайд этишга рухсат этилади. Бу ҳолда “сана” устунида ёзувлар қилинадиган дастлабки ва охириги рақамлар кўрсатилади, масалан: 1-3, 15-17 ва ҳоказо.

Боғланадиган (корреспондентланадиган) ҳисобварақлари бўйича кун (бир неча кун) натижалари касса ҳисоботида ёки унга илова қилинган ҳужжатларда акс этирилган бир хил операциялар суммаларини ҳисобга олиш йўли билан, бухгалтерия ёзувларига (ўтказма) кўра, илгари кассир ҳисоботида ёки ҳужжатларда туширилган ҳолда белгиланади.

Нақд пул қолдиғи фақат ойнанинг бошида ва охирида қайдномада кўрсатилади. Ой давомида назорат ва оператив мақсадларда кассир ҳисоботларида кўрсатилган маблағлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

**Касса инвентаризацияси.** Ташкилот кассасида ҳар чоракда камида бир марта тафтиш ўтказилиб, кассадаги барча нақд пул ва бошқа қимматликлар бирма-бир қайта саналиб, текширилиши шарт.

Кассада тафтиш ўтказиш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи билан комиссия тузилади. Мазкур комиссия томонидан ўтказилган тафтиш натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузади. Комиссия аъзолари кассадаги нақд пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликларни бирма-бир тўлиқ қайта санаш йўли билан текширади.

Далолатнома инвентаризация (текшириш) ўтказиш комиссияси аъзолари ҳамда моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ташкилот бухгалтериясига топширилади, иккинчи нусхаси моддий жавобгар шахсда қолади.

Инвентаризацияни (текширишни) бошлашдан олдин ҳар бир моддий жавобгар шахс(лар)дан тилхат олинади. Моддий жавобгар шахслар алмашганда, далолатнома уч нусхада тузилади, бир нусхаси нақд пул ва бошқа қимматликларни топширган моддий жавобгар шахсга, иккинчи нусхаси нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиб олган моддий жавобгар шахсга, учинчи нусхаси ташкилот бухгалтериясига топширилади.

Касса дафтари электрон (дастурий) тарзда юритиладиган ташкилотларда касса ҳужжатларига ишлов бериш тизимининг тўғри юритилиши текшириб турилиши шарт.

## **2.4. Ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича операцияларни ҳисобга олиш**

**Ташкилотнинг ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича операциялар ҳисоби.** Ташкилотлар, одатда, кредиторлар ва контрагентлар мажбуриятлари

бўйича пул ҳисоб-китобларини банклардаги миллий ёки хорижий валютадаги ҳисоб рақамлари орқали нақд пулсиз тўловлар орқали амалга оширадilar.

Турли хил нақд пулсиз тўловларни ўтказиш учун ҳар бир ташкилот банк муассасаларида бир неча ҳисоб рақамларини (миллий ва хорижий валютада) очиши мумкин.

Ҳисоб рақами очиш ва банк ҳисобварағи шартномасини тузиш учун ташкилот банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- белгиланган намунадаги ҳисоб рақамини очиш учун ариза;
- ташкилот Уставининг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- ташкилотни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказганлиги тўғрисида солиқ органидан маълумотнома (СТИР);

- Пенсия жамғармаси ва Мажбурий тиббий суғурта фондига бадаллар тўловчилари сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

- ташкилот муҳри изи туширилган раҳбар, унинг муовини ва бош ҳисобчининг имзолари намуналари ёзилган карточка;

- ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчини тайинлаш тўғрисидаги буйруқларнинг нусхаси.

Ташкилот билан ҳисоб рақами очиш пайтида банк ҳисобварағи шартномаси тузилади, унда ҳисоб-китоб ва касса хизматлари кўрсатиш, ташкилот ҳисоб рақамига пул жойлаштириш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар акс эттиради.

Ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ва банк операцияларини амалга ошириш учун Марказий банкнинг лицензиясига эга бўлган ҳар бир молия-кредит муассасаси Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида вакиллик ҳисобварағи (корреспондентский ҳисобварақ) очилади.

Банкларнинг ҳисоб рақамлари ва корреспондентлик ҳисоб рақамлари 20 та рақамли белгидан иборат.

Икки йил ичида миқдорнинг ҳисобварағида пул маблағлари ва ушбу ҳисобварақ бўйича операциялар мавжуд бўлмаган тақдирда, банк ўз миқдорини ёзма равишда хабардор қилиб, банк ҳисобварағи шартномасини бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга. Банк томонидан бундай хабар берилган кундан бошлаб икки ой муддат ўтгач, ушбу муддат ичида миқдорнинг ҳисобварағига ҳеч қандай маблағ келиб тушмаган бўлса, банк ҳисоб-китоб шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда ташкилотлар нақд пулсиз тўловлар шакллари ва ЎЗР Марказий банки томонидан белгиланган стандарт ҳужжатлар билан олиб боришлари керак.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар;
- аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар;
- инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;

-чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли ва ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тури маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасида тузиладиган шартномага (битимга) мувофиқ белгиланади.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кунда маблағларни мижознинг ҳисобварағига кирим қилиши ёки маблағларни унинг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариши шарт.

Банклар мижознинг топшириғига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг амалиёт куни мобайнида тушган бўлса, амалга ошириши шарт. Агар тўлов ҳужжати амалиёт куни тугаганидан кейин тушса, банклар электрон тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт.

Банклар “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎзРнинг Қонунига мувофиқ, ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни амалга оширишни рад этишга ҳақли.

Етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун тўловлар бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўланиши керак, тўловларнинг учинчи шахслар (хўжалик юритувчи субъектлар) ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди.

Маблағлар маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилгандан сўнг, маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказилади, чеклар ва БПК (банк пластик карталари)лар бўйича ҳисоб-китоб қилиш бундан мустасно.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли миқдорда маблағлар бўлмаган тақдирда, маблағларни ҳисобдан чиқариш “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага” мувофиқ амалга оширилади.

Маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчи томонидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун тўланиши зарур бўлган пеняни ҳисоблаш ва ундириш бўйича банклар жавобгар бўлмайди.

Мижоз ҳисоб-китоб операцияларига доир барча масалалар бўйича унга хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат қилади. Банк ва мижоз ўртасидаги низолар улар ўртасида тузилган банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ ҳал қилинади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда, масалалар суд орқали ҳал этилади.

Банклар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақларидан Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали миллий валютада амалга оширилади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга” (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) мувофиқ амалга оширилади.

### **Ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ижро қилиш**

Ҳисоб-китоб ҳужжатларида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт:

- тартиб рақами;
- ҳужжатнинг санаси;
- маблағларни тўловчининг номи;
- маблағларни тўловчи ҳисобварағининг рақами;
- маблағларни тўловчининг - солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- маблағларни тўловчи банкнинг номи;
- маблағларни тўловчи банкнинг коди;
- маблағларни олувчининг номи;
- маблағларни олувчи ҳисобварағининг рақами;
- маблағларни олувчи банкнинг номи;
- маблағларни олувчи банкнинг коди;
- тўлов суммаси;
- тўлов мақсади;
- имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада кўрсатилган шахснинг(лар) фамилияси тўлиқлигича, исми ва отаси исмининг бош харфлари ҳамда уларнинг имзолари (чек бундан мустасно).

Чекда қўшимча равишда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:

- чекнинг серияси ва тартиб рақами;
- жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг серияси ва тартиб рақами;
- чек амал қилиш муддатининг охириги санаси.

Чекларда маблағларни тўловчининг - солиқ тўловчининг идентификация рақами ва тўлов мақсади кўрсатилмайди.

Аккредитивга аризада қўшимча равишда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:

- аккредитивнинг амал қилиш муддати;
- аккредитив очилаётган шартноманинг тартиб рақами ва санаси;
- буюртманинг тартиб рақами;
- буюртма берилган сана;
- товарнинг (иш, хизмат) номи;
- тўловларни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатнинг тури;
- қўшимча шартлар.

Агар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлдиришда маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчининг қисқартирилган фирма номидан фойдаланиш мумкин.

Ҳисоб-китоб ҳужжатлари техник воситалардан фойдаланган ҳолда

тўлдирилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини бўйлаш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

Чеклар ҳаво ёки қора ранг пастаси бўлган шарикли ручка билан ёхуд техник воситалардан фойдаланган ҳолда тўлдирилиши мумкин.

Банк томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатлари қуйидаги ҳолларда ижрога қабул қилинади:

- юридик шахслардан - ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги имзолар ва муҳр изи имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада кўрсатилган намунага мувофиқ (раҳбарлик вазифаларини ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширадиган шахснинг) бўлганда;

- яқка тартибдаги тадбиркорлик ва юридик шахс ташкил этмасдан туриб деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан - ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги имзо имзолар намуналари қўйилган варақчада кўрсатилган намунага мувофиқ бўлган тақдирда, банк томонидан ижрога қабул қилинади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатлари имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчага имзо қўйган шахслар томонидан имзоланиши шарт. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланган ҳолда имзоланган таъқиқланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатларига муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк амалиёт куни давомида банкнинг миждозлар билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Мижознинг ҳисобварағидан маблағлар:

- ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси асосида;

- электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари асосида;

- банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар учун умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари асосида;

- БПКлардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилади.

Мижознинг ҳисобварағига маблағлар:

- электрон тўловлар тизими орқали келиб тушадиган электрон тўлов ҳужжатлари асосида;

- чекнинг асл нусхаси асосида;

- БПКлардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида дастурий йўл билан кириш қилинади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатларининг нусхалари, шунингдек маблағларни кириш қилиш ёки ҳисобдан чиқариш амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг электрон нусхалари миждознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади.

Мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатини тўловга қабул қилиш ва маблағларни тўлаш саналарини кўрсатган ҳолда ўзига бириктирилган банк штампи билан тасдиқланиши шарт.

### **Тўлов топшириқномалари бўйича тўловлар**

Тўлов топшириқномаси - миждознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан топшириқномада белгиланган суммани маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжатидир.

Тўлов топшириқномалари билан товарлар (ишлар, хизматлар), солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона портали ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтида жойлашган солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали электрон тўлов топшириқномаси билан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан миждознинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади ва амалга оширилади.

Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, миждознинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этган тўлов топшириқномалари банк томонидан қабул қилинади. Миждознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов топшириқномаси “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Мижознинг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан миждознинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ тўлов топшириқномалари бўйича қисман тўлов амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг орқа томонида қисман тўланган сумма ва сана кўрсатилиб, имзо қўйилади. Маблағларнинг етарли бўлмаган қисми доирасида тўлов топшириқномаси “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Мижоз томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари тегишли давлат солиқ хизмати органининг ёзма рухсати ёки электрон шаклдаги мурожаати асосидагина қайтариб олиниши мумкин.

Тўлов топшириқномасининг санаси у банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган тақдирда, тўлов топшириқномаси банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди.

Мижоз почта алоқаси ташкилотларига ва АТ Халқ банки филиалларига пенсиялар, алиментлар ва бошқа тўловлар бўйича ўтказиладиган маблағлар билан боғлиқ тўлов топшириқномаларига барча зарур ҳужжатларни (маълумотномалар, ўтказмалар рўйхати ва бошқалар) тақдим этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъектнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун ўз ҳисобварағидаги маблағлардан фойдаланиши “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага” мувофиқ тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. Бунда тўлов топшириқномасининг “Тўлов мақсади” графасига “Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобидан” деб ёзиб қўйилади.

Тўлов топшириқномалари банкка:

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов топшириқномалари уч нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади;

учинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади;

б) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда - тўлов топшириқномалари икки нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

Мижозлардан умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтказилади ва банк амалиёт кунда қайта ишлаш учун узатилади. Электрон тўлов топшириқномаси тўлов амалга оширилганидан сўнг, рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали юборилган электрон тўлов топшириқномаларининг қоғоз кўринишидаги асл нусхаси банкка тақдим этилмайди. Электрон тўлов топшириқномаларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун миждоз жавобгар ҳисобланади.

Маблағларни олувчи банк томонидан тўлов тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Электрон тўлов

топширикномасининг бир нусхаси маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда унга тақдим қилинади.

### **Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар**

Тўлов талабномаси - маблағларни олувчининг маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномасида кўрсатилган суммани банк орқали тўлаш тўғрисидаги талаби назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжатиدير. Тўлов талабномаси хўжалик юритувчи субъектларнинг фақат асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин.

Тўлов талабномаси товарлар (ишлар, хизматлар) учун, шунингдек маблағларни олувчи ҳамда маблағларни тўловчи ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича тақдим этилиши мумкин.

Тўлов талабномалари қуйидаги турларга бўлинади:

акцептли тўлов талабномаси - тўлов талабномасида назарда тутилган сумма маблағларни тўловчи томонидан акцептланганидан (тан олинганидан) сўнг, тўловлар амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ҳужжатиدير;

акцептсиз тўлов талабномаси - тўлов талабномасида назарда тутилган сумма маблағларни тўловчининг розилиги бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, тўловлар амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ҳужжатиدير.

Товарларни етказиб берувчи тўлов талабномасининг “Тўлов мақсади” графасида:

- шартнома тури, санаси ва тартиб рақами;

- товарни жўнатиш (топшириш) санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари рақами ҳамда транспорт тури, товарлар почта алоқаси орқали жўнатилганда эса, почта квитанцияларининг рақами;

- товарлар сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилганда “\_\_-сонли ишонч хати асосида сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб чиқиб кетилган” деган ёзув кўрсатилиши шарт.

Тўлов талабномаси битта операция бўйича такроран тақдим этилиши мумкин эмас, дастлабки тўлов талабномаси маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка келиб тушмаган ҳоллар бундан мустасно.

Тўлов талабномаси маблағларни олувчи томонидан мазкур “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” 7-иловасига мувофиқ шаклдаги икки нусхада тузилган Реестр билан бирга унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Реестрнинг биринчи нусхаси ташкилот раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ҳамда ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак, бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган реестрда муҳр изининг мавжудлиги талаб этилмайди. Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилиб, банк масъул ходимининг имзоси ва банк томонидан унга бириктириб қўйилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда қолади.

Реестрнинг иккинчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилиб,

бухгалтернинг имзоси ва банк томонидан бухгалтерга бириктириб қўйилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда маблағларни олувчига қайтарилади.

Акцептли тўлов талабномалари қуйидагича тақдим қилинади:

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномаси уч нусхада тақдим қилинади.

Бунда тўлов талабномасининг биринчи ва иккинчи нусхалари - банкда қолдирилади. Тўлов талабномасининг учинчи нусхаси - у келиб тушгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай, банк томонидан ҳужжатни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда акцептлаш учун маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига топширилади.

Мижоз томонидан тўлов талабномаси акцептланганидан ва тўлов амалга оширилганидан сўнг, тўлов талабномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади;

б) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда - тўлов талабномалари уч нусхада маблағларни олувчи банкка тақдим қилинади. Тўлов талабномасининг барча нусхалари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади. Бунда тўлов талабномасининг:

биринчи ва иккинчи нусхалари - банкда қолдирилади;

учинчи нусхаси - кейинги иш кунидан кечиктирмай (маблағларни тўловчи ёки унинг вакили белгиланган муддатда банкка ташриф буюрмаган ҳоллар бундан мустасно), банк томонидан қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда акцептлаш учун маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига топширилади;

в) маблағларни тўловчи тўлов талабномасини белгиланган муддатда банкка ташкилот раҳбарининг имзоси билан акцепт тўғрисида тўлов талабномасининг юқоридаги чап бурчагига белги қўйиб қайтариши керак. Маблағларни тўловчи белгиланган муддатда ўзининг розилиги ёки тўловдан тўлалигича ёхуд қисман бош тортиши тўғрисида маълум қилмаган тақдирда, тўлов талабномаси банк томонидан умумий тартибда акцептланади ҳамда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабномасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

Тўлов талабномасига дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги далолатноманинг илова қилиниши тўлов талабномасини акцептлаш учун асос бўлмайди. Тўлов талабномасини бошқа усуллар билан (дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси ва бажарилган ишлар (хизматлар) бўйича далолатноманинг тўлов талабномасига илова қилиниши)

акцептлашга йўл қўйилмайди.

Акцептсиз тўлов талабноналари банкка:

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабноналари уч нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабнонасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик хужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади;

учинчи нусхаси - маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади;

б) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда - тўлов талабноналари икки нусхада тақдим қилинади. Бунда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов талабнонасининг барча нусхалари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади ва тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов талабнонасининг:

биринчи нусхаси - банкнинг кунлик хужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

Электрон тўловлар тизими орқали банкка келиб тушган электрон тўлов талабноналари рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик хужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Электрон тўлов талабнонасининг нусхаси маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, тўлов талабнонаси “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб хужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ҳамда бу ҳақда уч иш куни ичида маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка маълум қилинади ва маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан ҳисобварақ қолдиғи доирасида тўлов амалга оширилади. Маблағларнинг етарли бўлмаган қисми доирасида тўлов талабнонаси “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб хужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади, бунда тўлов талабнонасининг орқа томонида қисман тўланган сумма ва сана кўрсатилиб, имзо қўйилади.

Акцептли ва акцептсиз тўлов талабноналарининг “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб хужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилиши маблағларни олувчининг ёзма аризасига асосан амалга оширилади ҳамда унга хизмат кўрсатувчи банкка ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

Акцептли тўлов талабнонасининг нусхаси банкка келиб тушгандан

кейинги кундан кечиктирмай, маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” журналида имзо қўйдирган ҳолда топширилади ҳамда “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади.

Акцептли тўлов талабномасининг нусхасини маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига имзо қўйдирган ҳолда топшириш имкони бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси у келиб тушгандан сўнг, ўн иш куни ўтгач маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тўлов талабномасининг юқори чап бурчагига “Мижознинг келмаганлиги сабабли ижро этилмади” деб ёзилган ҳолда ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

Агар ўн кун ичида маблағларни тўловчининг топшириғига кўра унинг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш операциялари (жумладан, нақд пул бериш) амалга оширилган бўлса, маблағларни олувчи маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкдан Ҳисоб рақамлар очиш, мижозлар ҳисоб рақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1044, 2001 йил 30 июнь) мувофиқ жарима ундиришга ҳақли.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан акцептли тўлов талабномаларини акцептлаш бўйича қуйидаги муддат белгиланади:

- бир ҳудудда (вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) жойлашган мижозлар учун - тўлов талабномаси топширилганидан кейинги кундан бошлаб уч иш куни;

- бошқа ҳудудда жойлашган мижозлар учун - тўлов талабномаси топширилганидан кейинги кундан бошлаб беш иш куни;

- маблағларни тўловчининг ёзма талабига кўра - тўлов талабномаси топширилганидан кейинги кундан бошлаб ўн иш куни.

Маблағларни тўловчи ушбу муддат ичида тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман ёзма равишда рад этиш ҳуқуқига эга.

Маблағларни тўловчининг ёзма равишдаги аризаси имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар томонидан имзоланиши ва аризада тўла ёки қисман рад этиш сабаблари кўрсатилиши шарт.

Маблағларни тўловчи томонидан банкка акцептлашни тўла рад этиш бўйича мурожаат келиб тушган тақдирда, тўлов талабномаси шу куннинг ўзида “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағидан олиниб, ижро этилмасдан маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка мурожаатнинг нусхаси билан бирга қайтариб юборилади.

Маблағларни тўловчи томонидан акцептлаш қисман рад этилган тақдирда, тўлов акцептланган сумма доирасида амалга оширилади. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов

талабномаси “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади. Бунда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк уч куни ичида маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов талабномасини акцептлашнинг қисман рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади.

Маблағларни тўловчи мазкур Низомнинг 52-бандида белгиланган муддатда тўлов талабномасини акцептлаш ёхуд акцептлашни тўла ёки қисман рад этиш бўйича банкка мурожаат қилмаган тақдирда, тўлов талабномаси акцептланган ҳисобланади. Тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман рад этиш сабаблари ва уларни асослашга доир низолар банклар томонидан кўриб чиқилмайди.

Маблағлар қуйидаги ҳолларда акцептсиз ҳисобдан чиқарилади:

- тўлов талабномасига маблағларни тўловчининг суммани тан олганлиги тўғрисидаги ёзма хати асл нусхада илова қилинганда. Дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги далолатноманинг тўлов талабномасига илова қилиниши акцептсиз ҳисобдан чиқариш учун асос бўлмайди;

- банклар томонидан - маблағларни тўловчининг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банкка - маблағларни тўловчининг кредитлар бўйича қарзлари ўз вақтида сўндирилмаганда;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бундай ҳолларда, тўлов талабномасининг юқори ўнг бурчагига “Акцептсиз” деган ёзув киритилади.

Банк амалиёт куни давомида маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка келиб тушган акцептсиз тўлов талабномалари бўйича тегишли сумма шу куннинг ўзида тўланади, маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган ёки етарли маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси тўланмаган сумма доирасида “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади.

**Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар.** Инкассо топшириқномаси - маблағларни олувчининг инкассо топшириқномасида кўрсатилган суммани маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш бўйича топшириғи назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжатиدير. Инкассо топшириқномаси хўжалик юритувчи субъектларнинг фақат асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин.

Қуйидагилар инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

а) давлат солиқ хизмати органлари:

- давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

- ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ундириш учун;

- фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган бадаллар бўйича тўловларни

ундириш учун;

- савдо ташкилотларини истисно қилганда, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ҳисобланган ягона солиқ тўлови миқдорининг қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли фоизини ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар асосида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ундириш учун;

-дебиторларнинг банк ҳисобварақларига ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини илова қилган ҳолда солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини ундириш учун;

б) божхона органлари - ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундириш тўғрисида;

в) давлат ижрочилари ва ундирувчилар - ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисида;

г) ЎзР Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ва унинг худудий тузилмалари етказиб берилган энергия ресурслари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун қарздорликни истеъмолчилар - юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларига;

д) ЎзР Молия вазирлиги:

- республика бюджетидан молиялаштириш жараёнида белгиланган миқдордан ортиқ ўтказилган маблағларни қайтариш учун бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақларига;

- тижорат банкларига шартнома асосида депозитга қўйилган ЎзРнинг республика бюджети маблағлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизлари ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, уларнинг исталган ҳисобварақларига;

-Ўзбекистон Республикаси қафолати остида берилган хорижий кредитларни қайтариш ва фоизлар тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қарздорларнинг миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар ижро ҳужжатлари ҳисобланади.

Маблағларни ижро ҳужжатлари асосида ундириш бўйича инкассо топшириқномалари ижро ҳужжатининг асл нусхаси тақдим қилинган тақдирда, банк томонидан қабул қилинади. Ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, унинг дубликати ундирув учун асос бўлади. Маблағларни ижро ҳужжатларининг нусхалари асосида ҳисобдан чиқариш таъқиқланади.

Давлат ижрочилари томонидан қўйиладиган инкассо топшириқномалари давлат ижрочисининг қарорига илова қилинган ҳолда тақдим қилинади. Давлат ижрочилари энергия ресурслари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати бўйича қарздорликни ундиришда инкассо топшириқномаларини бевосита маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка давлат ижрочисининг қарорини илова қилмаган ҳолда тақдим этиши мумкин. Маблағларни ижро ҳужжатлари асосида ундириш бўйича инкассо топшириқномалари “Тўлов мақсади” графасида ижро ҳужжатининг тартиб

рақами ва санаси, шунингдек давлат божи харажатлари ва қарз суммалари алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

Инкассо топшириқномаларининг тўғри тақдим этилиши бўйича жавобгарлик инкассо топшириқномасини тақдим этган органлар зиммасига юклатилади. Инкассо топшириқномалари бўйича тўловларни маблағларни тўловчиларнинг ҳисобварақларидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқаришга оид эътирозлар банк томонидан кўриб чиқилмайди.

Инкассо топшириқномалари бўйича маблағларни ундириб олишни тўхтатиб қўйиш ёки чақириб олиш инкассо топшириқномасини тақдим этган орган томонидан ёки ундирувчининг аризасига кўра ёхуд суд қарорига мувофиқ амалга оширилади. Инкассо топшириқномаси суд қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

Инкассо топшириқномасини топшириш ёки жўнатишда у банкнинг бош ҳисобчии ва мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтернинг имзоси ва банкнинг муҳри билан тасдиқланади ҳамда қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда устхат ёзилади:

- инкассо топшириқномасининг банкка келиб тушган санаси;
- инкассо топшириқномаси бўйича маблағ қисман тўланган бўлса, ундириб олинган сумманинг миқдори;
- инкассо топшириқномасини топшириш ёки жўнатиш санаси.

Инкассо топшириқномалари:

- бир ҳудуд ичидаги ҳисоб-китобларда - маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка ёки маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади;

- ҳудудлараро ҳисоб-китобларда - фақат маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади.

Мазкур “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ”нинг 59-бандида назарда тутилган инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар инкассо топшириқномаларини электрон шаклда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этиши ёки чақириб олиши мумкин. Инкассо топшириқномаси битта операция бўйича такроран тақдим этилиши мумкин эмас, дастлабки инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка келиб тушмаган ҳоллар бундан мустасно.

Инкассо топшириқномаси банкка қуйидаги тартибда тақдим қилинади:

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилганда - инкассо топшириқномалари тўрт нусхада тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг:

- биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалари - ижро учун банкда қолдирилади;

- тўртинчи нусхаси - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади;

б) бир ҳудуд ичида ҳисоб-китобларни амалга оширишда инкассо топшириқномалари уч нусхада бевосита маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилиниши мумкин. Бунда инкассо топшириқномасининг:

- биринчи ва иккинчи нусхалари - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда ижро учун банкда қолдирилади;

- учинчи нусхаси - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда миждознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади;

в) ҳудудлараро ҳисоб-китобларни амалга оширишда инкассо топшириқномалари уч нусхада фақатгина маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг:

- биринчи ва иккинчи нусхалари - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда миждознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади;

- учинчи нусхаси - қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда миждознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва унга бириктирилган муҳр билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан инкассо топшириқномасини бажариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг:

- биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- иккинчи нусхаси - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади;

- учинчи нусхаси - шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилади;

б) бир ҳудуд ичида ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг:

- биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- иккинчи нусхаси - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади;

в) ҳудудлараро ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, тўлов амалга оширилгандан сўнг, инкассо топшириқномасининг:

- биринчи нусхаси - банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- иккинчи нусхаси - ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига берилади.

Бир ҳудуд ичидаги ва ҳудудлараро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка электрон тўловлар тизими орқали келиб тушган инкассо топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Электрон инкассо топшириқномаси нусхаси банк томонидан маблағларни олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни олувчига тақдим қилинади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ва бу ҳақда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка уч иш куни ичида хабар берилади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан ҳисобварақ қолдиғи доирасида инкассо топшириқномаси бўйича тўлов амалга оширилади. Қолган сумма “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади ҳамда инкассо топшириқномасининг орқа томонида қисман тўланган сумма ва сана кўрсатилиб, имзо қўйилади.

Бунда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк уч иш куни ичида маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига кирим қилинган сумма тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириқномасининг ўз айби билан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ташкилотнинг ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича операцияларнинг синтетик ҳисоби.** Корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”да амалга оширилади.

5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”нинг дебети бўйича корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”нинг кредитида корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Банк кўчирмасини текшириш натижасида корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағи дебети ёки кредитига хатолик билан олиб борилган суммалар 4860 “Даъволар бўйича олинандиган ҳисобварақлар” ёки 6960 “Даъволар бўйича тўланандиган ҳисобварақлар” билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича операциялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (5100) бўйича аналитик ҳисоб миллий валютадаги пул

маблағларини сақлаш учун банкларда очилган ҳар бир ҳисобварақ бўйича юритилади.

Қуйида ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағларини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижарачидан ижара тўловларининг келиб тушиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар - жорий қисм” ёки

К 4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар”.

2) Товарларни кредитга сотишдан тушган пуллар:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

3) Маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар, асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилишидан тушган тушумлар:

Д 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

4) Пул маблағлари кассадан ҳисоб-китоб ҳисобварағига топширилди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”.

5) Чет эл валютасини сотиб олиш учун пул маблағлари ўтказилди:

Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

6) Банкка қайтарилган чек ва аккредитивлар бўйича суммалар ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказилди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 5510 “Аккредитивлар” ёки

К 5520 “Чек дафтарчалари”.

7) Илгари қисқа муддатли инвестиция тартибида берилган қарзларнинг қайтарилиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”.

8) Илгари берилган бўнақ қайтарилди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки

К 4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки

К 4390 “Бошқа берилган бўнақлар”.

9) Қондирилган даъволар суммасининг келиб тушиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.

10) Олинган бўнақлар суммаси:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” ёки

К 6320 “Акцияга обуначилардан олинган бўнақлар” ёки

К 6390 “Бошқа олинган бўнақлар”.

11) Илгари акцияга обуна бўлган таъсисчилардан улуш суммасининг келиб тушиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

12) Номинал қийматдан юқори баҳода сотилган акциялардан эмиссион даромаднинг келиб тушиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 8410 “Эмиссия даромади”.

13) Банкдан кассага пул маблағлари келиб тушди (меҳнат ҳақи, нафақа, мукофот ва шу кабиларни бериш учун):

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

14) Хусусий акцияларнинг сотиб олиниши:

Д 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий” ёки

Д 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар – имтиёзли”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

15) Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг қопланиши:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

16) Берилган бўнақлар суммаси:

Д 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки

Д 4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки

Д 4390 “Бошқа берилган бўнақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

17) Берилган бўнақлар суммаси:

Д 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 7310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

18) Бюджетга тўловлар бўйича қарз суммасининг ўтказилиши:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

19) Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларнинг қопланиши:

Д 6510 “Суғурта бўйича тўловлар” ёки  
Д 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

20) Таъсисчиларга ҳисобланган дивиденднинг тўланиши:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар”  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

21) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган қарз суммасининг қопланиши:

Д 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки  
Д 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

22) Қисқа муддатли кредит ва қарзларнинг қопланиши:

Д 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

Д 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” ёки

Д 6830 “Тўланадиган облигациялар” ёки

Д 6840 “Тўланадиган векселлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

23) Узоқ муддатли кредит ва қарзларнинг жорий қисмининг қопланиши:

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

24) Узоқ муддатли кредит ва қарзларнинг жорий қисмининг қопланиши:

Д 6920 “Ҳисобланган фоизлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

25) Ижарага берувчига тегишли бўлган тўловлар тўланди:

Д 6910 “Тўланадиган оператив ижара” ёки

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

## **2.5. Валюта ҳисобварағи бўйича амалга оширилган операцияларни ҳисобга олиш**

Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун корхоналар ЎзР Марказий банки ваколат берган кредит муассасаларида чет эл валютасидаги ҳисоб-китоб рақамларини очадилар.

Корхона ва ташкилотлар ЎзР ҳудудида валюта ҳисобварағини Марказий банк томонидан хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун ваколатли бўлган ҳар қандай банкда очиши мумкин.

Ваколатли банк ҳар қандай эркин конвертацияланадиган валютада фақат битта чет эл валютаси ҳисоб рақамини очиши ёки ҳар бир турдаги чет эл валюталари учун бир нечта чет эл валютаси ҳисоб рақамини очиши мумкин.

Одатда, ташкилотлар банкда АҚШ доллари ва еврода валюта ҳисоб рақамини очадилар.

Валюта ҳисоб рақамини очиш учун ташкилотлар ваколатли банкка оддий миллий валютада ҳисоб рақамини очишда бўлгани каби бир хил ҳужжатларни тақдим этиши керак. Ягона фарқи шундаки, валюта ҳисоб рақамини очишда уни очиш тўғрисидаги ариза ҳисоб-китоб ҳисобварақнинг очиш тўғрисидаги аризадан фарқли шаклда амалга оширилади.

Ташкилот билан валюта ҳисоб рақами очиш пайтида банк ҳисобварағи шартномаси тузилади, унда ҳисоб-китоб ва касса хизматлари кўрсатиш, ташкилот валюта ҳисоб рақамига пул жойлаштириш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар акс этирилади. Одатда, ташкилотни валюта ҳисоб рақами бўйича банк хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ операцияларни амалга оширади, шунингдек экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатади. Банк ҳисобварағи шартномаси тузилгандан сўнг, банк валюта ҳисоб рақамини очади. Банк ҳисобварағи шартномасида ташкилотнинг барча турдаги очилган валюта ҳисоб рақамларининг рақамлари, шунингдек нақд пулсиз хорижий валютадаги тўловларни амалга ошириш учун банкнинг тўлов реквизитлари кўрсатилади.

Ваколатли банкларда ташкилотнинг хорижий валютасидаги ҳисобварақларини очиш ва ёпиш тўғрисидаги маълумотлар ҳисобварақларни очиш ва ёпиш билан бир хил тарзда ҳисобварақлар очилган кундан бошлаб беш кун ичида солиқ органларига етказилиши керак.

Жорий валюта ҳисоб рақами ташкилот ихтиёрида қолган хорижий валютадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ва ЎзР валюта қонунчилигига мувофиқ бошқа операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган.

**Валюта операциялари.** Валюта операцияларини амалга ошириш тартиби, валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш тамойиллари “Валютани тартибга солиш”ги ЎзР Қонуни (2003 йил 11 декабр № 553-П қонуни) билан белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишда ташкилот валюта тушумини олади, бу ташкилотни валюта ҳисобварағига кирим қилиниши керак.

Импорт операцияларини амалга ошириш учун ташкилот мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ўзининг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан сўмни керакли валютага алмаштиради.

Ушбу операциялар учун ташкилотлар ЎзРнинг ички валюта бозорида хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига эга. Хорижий валютани ички валюта бозорида фақат ваколатли банклар орқали сотиш ва сотиб олиш мумкин.

Чет эл валютасини сотиб олиш учун мол етказиб берувчининг товарларни импорт қилиш учун шартномалар (битимлар) бўйича тўловлари, хорижга хизмат сафари харажатлари учун чет эл валютасини бериш ва бошқалар асос бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда, валюта тушумини муайян қисмини мажбурий сотиш бўйича қоида бекор қилинган.

Аввалгидек, ҳозирги вақтда ҳам чет эл валютаси тушуми олинганда валюта ҳисобварағига тўлиқ кирим қилинади. Ташкилот номидан ваколатли банклар валюта биржалари орқали бошқа ташкилотларга, тўғридан-тўғри ваколатли банкка ёки ЎзР Марказий банкка ташкилотнинг валюта ҳисоб рақамида мавжуд хорижий валютадаги маблағларни сотишлари мумкин. Бунинг учун ташкилот ваколатли банкка хорижий валютани ваколатли банк томонидан белгиланган шаклда сотиш тўғрисида буйруқ бериши керак.

Хорижий валютани ваколатли банк томонидан сотишдан олинган сўм ҳисобида пул маблағлари ташкилот ҳисоб-китоб ҳисобварағига тўлиқ мажбурий ўтказиш лозим, ва келгусида ЎзР амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай мақсадлар учун ишлатиши мумкин.

**Экспорт ва импорт операцияларида нақд пулсиз тўловлар шакллари.** Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ташкилотлар бир мамлакатдан бошқа мамлакатга тўловлар шаклида нақд пулсиз валюта ҳисоб-китобларни амалга оширадilar.

Турли битимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг шакллари ташқи савдо шартномалари (контрактлари) билан белгиланади.

Одатда, экспорт-импорт операциялари бўйича тўловларнинг қуйидаги шаклларида фойдаланилади:

- банк ўтказмалари;
- инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;
- очик ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар.

**Банк ўтказмалари** тўлов топшириқномалари орқали амалга оширилади ва бир банкнинг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан бошқа банкнинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул ўтказмасини назарда тутлади. Пул маблағларини ўтказиш почта, телеграф, электрон ва бошқа алоқа воситалари орқали амалга оширилади.

Банклар хорижий валютадаги маблағларни ташкилот номидан ва ваколатли Банк томонидан белгиланган шаклда ўтказиш тўғрисидаги ариза асосида чет элга ўтказилади. Ўтказиш тўғрисидаги аризадан ташқари, ташкилот хорижий ҳамкор билан тузилган шартнома нусхасини банкка тақдим этиши шарт.

**Инкассо ҳисоб-китоблари** экспортёр ташкилотининг ўз банкка импортёр ташкилотидан пул олиш тўғрисидаги буйруғи ёки пулнинг маълум муддат ичида тўланишини тасдиқлашдир. Бу шаклдаги ҳисоб-китоблар инкассо топшириқномаси асосида амалга оширилади.

**Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар** экспорт қилувчи ташкилотлар учун энг мақбул ҳисоб-китоб шаклидир.

Аккредитив шартнома бўйича импортёр (банк-эмитент) номидан унинг контрагенти-экспортёр (бенефициар) фойдасига берилган банкнинг пул мажбуриятидир.

Аккредитив очган банк бенефициар томонидан аккредитив шартномасида назарда тутилган ҳамма шартларни бажарган тақдирда ҳужжатларни тақдим этгандан кейин тўловни амалга оширади.

Аккредитив шартларига контрактни фақат шундай ҳолатлари киритиладики, уларни банкка тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин бўлса. Мол етказиб берувчи-экспортёрга аккредитив очилгач, у товарни импортёрга етказиб беради ва зарурий ҳужжатларни ўз банкига тақдим этади.

Банк маблағларни экспортёр ҳисобига ўтказиши ва ҳужжатларни импортёрнинг банкига юборади, бу еса тўловни амалга оширади. Импортёрга ҳужжатлар топширилгандан ва у томонидан қабул қилингандан сўнг унинг ҳисобидан маблағлар ўтказилади.

**Очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар** - харидорлар ва сотувчилар бўлган ташкилотлар ўртасида қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг алоҳида шаклидир. Ушбу тўлов шаклига кўра сотувчи товарни харидорга жўнатади ва унга товар билан бирга жўнатиладиган ҳужжатларини юборади, харидор номига очилган ҳисоб рақамига кредиторлик қарз суммани ўтказиши. Харидор ушбу ҳисобварақ бўйича қарзини шартномада кўрсатилган муддатларда тўлаб беради.

**Ташкилотнинг валюта ҳисобварақлари бўйича синтетик ҳисоб-китоб операциялари.** Ташкилотнинг валюта ҳисобидаги валютадаги пул оқими икки асосий босқичдан иборат:

- 1) пул маблағларини валюта ҳисобига олиш босқичи;
- 2) ташкилотнинг валюта ҳисобидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш босқичи.

Ташкилотнинг валюта ҳисобварағи бўйича операцияларнинг синтетик ҳисоби ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича операцияларни ҳисобга олишга ўхшайди. Асосий ҳисоб регистри маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ҳисобланади.

БҲМС № 22 “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”нинг мақсади чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда уларни молиявий ҳисоботда очиқ бериш тартибини белгилаш ҳисобланади.

БҲМС № 22 нинг амал қилиши ЎЗР ҳудудидаги, ЎЗР ҳудудида чет эл валютасида операцияларни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасида барча хўжалик юритувчи субъектлар миллий валюта - сўмда бухгалтерия ҳисобини юритишлари ва молиявий ҳисоботни тақдим этишлари керак.

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсининг ўзгаришига ҳамда активлар ва мажбуриятларни қайта ҳисоблашга боғлиқ ҳолда мусбат ёки манфий курс фарқи юзага келади.

Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг

қиймати, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида сўмларга қайта ҳисобланиши керак. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар қийматини сўмларда қайта ҳисоблашиш ана шу чет эл валютаси учун сўмга нисбатан Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби мақсади учун кўрсатилган сўмлардаги қайта ҳисоблаш чет эл валютасида операция содир этилган санада Марказий банк курси бўйича амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун чет эл валютасида айрим операцияларни содир этиш саналари махсус иловада келтирилган.

Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасида консигнантдан кредиторлик қарзи консигнация товарлари ана шу санага Марказий банк курси бўйича сотилиш санасида юзага келади. Қарзнинг кейинги ҳисоби мазкур БҲМСга мувофиқ амалга оширилади.

Чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий заҳиралари ва бошқа активларни баҳолаш, уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларида (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларациясида) кўрсатилган қийматидан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисоблаб, шунингдек ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.1.12-банди, ЎзР 5-сон БҲМС “Асосий воситалар” (рўйхат рақами 1299, 2004 йил 20 январь) ва ЎзР 4-сон БҲМС “Товар-моддий заҳиралар” га (рўйхат рақами 1595, 2006 йил 17 июль) мувофиқ шаклланадиган, харид қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан келиб чиқиб аниқланади.

**Курс фарқининг ҳисоби.** Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойда баланснинг валюта моддаларини ҳисобот ойининг охириг кунига ва Марказий банк курси бўйича хўжалик операцияларини содир этиш санасига қайта баҳолашни амалга оширадilar.

22-сон БҲМСда қайта баҳолаш ва курс фарқларини аниқлаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киритилади:

а) кассадаги ва банк ҳисобварақларидаги валюта маблағлари;  
б) тўланиши ёки олиниси чет эл валютасида белгиланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредит ва қарзлар, пул эквивалентлари ва бошқа актив ҳамда мажбуриятлар.

Қуйидагилар қайта баҳоланмайди:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасига харид қилинган асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий заҳиралари;

б) хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона устав сармоясининг миқдорлари ва муассислари (иштирокчилари) улушларининг нисбати;

в) устав капиталига ва акцияларга инвестициялар.

Ҳосил бўлган курс фарқи хўжалик юритувчи субъектларнинг хоҳиш-истагига кўра бевосита киритиш йўли билан ёки жамғариш йўли билан молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилади.

Бевосита киритиш усулида курс фарқлари юзага келишига қараб молиявий-хўжалик фаолият натижаларига киритилади.

2019 йил 1 январдан бошлаб жамғариш усули қўлланилмайди. 2019 йил 1 январгача жамғарилган курс фарқлари молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига қуйидагича олиб борилиши мумкин:

а) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича - уларнинг тўланишига (ёки ҳисобдан чиқарилишига) қараб;

б) қолган ҳолларда - баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операцияларининг содир этилишига қараб.

Жамғарилган курс фарқлари молиявий натижаларга чет эл валютасининг бир бирлигига тўғри келадиган курс фарқларининг ўртача миқдори бўйича олиб борилиши мумкин.

Жамғариш усулидан бевосита киритиш усулига ўтаётганда илгари баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида жамғарилган курс фарқлари ҳисоб сиёсати қабул қилинган тақвимий йилнинг охирига қадар ҳар ойда (тенг равишда) хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига ҳисобдан чиқарилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига киритилган мусбат (манфий) курс фарқи молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (харажатлар) таркибида ҳисобга олинади.

Таъсисчиларнинг устав капиталига улушини чет эл валютасида киритиши бухгалтерия ҳисобида, улушни киритиш санадаги Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади.

Чет эл валютасида молиявий ҳисоботни тузиш учун, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун ишлатиладиган активлар ва мажбуриятларнинг қиймати сўмларда қайта ҳисобланиши керак. Чет эл валютасида активлар ва мажбуриятлар қийматини сўмларда қайта ҳисоблаш ушбу чет эл валютаси учун Марказий банк курсининг сўмга нисбатан курси бўйича амалга оширилади.

Чет эл валютасида ифодаланган, 22-сон БҲМСнинг 15-бандида саналган ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун ишлатиладиган активлар ва мажбуриятларнинг қийматини сўмларда қайта ҳисоблаш ҳисобот ойининг охириги кунига ва хўжалик операцияларини содир этиш санасига Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг Ўзбекистон Республикасининг ташқарида фаолият юритиш учун ишлатиладиган асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий захираларининг чет эл валютасида ифодаланган қийматини сўмларда қайта ҳисоблаш ушбу активларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасида Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъект асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий захираларининг қийматини Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш жойи - хорижий давлатнинг қонун ҳужжатлари ёки қоидаларига мувофиқ қайта баҳоланган қийматини қайта ҳисоблаш кўрсатилган қайта баҳолаш санасида Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритишдан молиявий натижаларни шакллантирадиган, чет эл валютасида ифодаланган даромадлар ва харажатларни сўмларда қайта ҳисоблаш Марказий банк курслари ва ҳисобот даврида улар амал қилиш кунлари миқдорларининг ҳосилалари суммасини ҳисобот давридаги кунлар миқдорига бўлиш натижасида ҳисоблаб чиқарилган курслар ўрта миқдоридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун ишлатиладиган активлари ва мажбуриятларининг чет эл валютасида ифодаланган қийматини сўмларда қайта ҳисоблаш натижасида юзага келган курс фарқи бухгалтерия ҳисобида 22-сон БҲМСнинг 17-бандида кўрсатилган усуллардан бирини қўллаган ҳолда акс эттирилади.

**Чет эл валютасида айрим операцияларни  
амалга ошириш саналарининг  
РЎЙХАТИ**

<b>Чет эл валютасидаги операциялар</b>	<b>Чет эл валютасида амалга оширилган операцияларнинг санаси бўлиб ҳисобланади</b>
Чет эл валютасидаги банк ҳисобварақлари бўйича операциялар	Чет эл валютасидаги пул маблағларининг банкдаги ҳисобварақларга келиб тушиш ёки уларни банкдаги ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқариш санаси
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уларни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни тан олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралари ва бошқа активларни баҳолаш	Товар-моддий захиралари ва бошқа активларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларацияси) мавжуд бўлганда, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санаси
Ходимларнинг ҳисобдор суммалари бўйича чет эл валютасидаги қарзларини акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси
Чет эл валютасидаги қарзларнинг тўланиши	Чет эл валютасидаги қарзларни тўлаш санаси
Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлар бўйича қарздорлигининг юзага келиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав капиталининг шаклланиши (кўпайиши)	Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларини киритиш санаси

Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлар ҳудудидаги банклар ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5210 “Мамлакат ичида валюта ҳисобварақлари”;

5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

5210 “Мамлакат ичида валюта ҳисобварақлари” ва 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ҳисобварақларининг дебитида валюта ҳисобварақларига пул маблағларининг келиб тушиши, кредитида эса пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Банк кўчирмасини текшириш натижасида аниқланган корхонанинг валюта ҳисобварағининг дебити ёки кредитига хатолик билан ўтказилган суммалар 4860 “Даъволар бўйича олинadиган ҳисобварақлар” ёки 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварақлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида валюта ҳисобварағи бўйича операциялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Валюта маблағларининг аналитик ҳисоби чет эл валютасидаги пул маблағларини сақлаш учун банкларда очилган ҳар бир ҳисобварақ бўйича юритилади.

Қуйида чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижарачидан ижара тўловларининг келиб тушиши:

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”

К 4810 “Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисм” ёки

К 4820 “Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар”.

2) Маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар, асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилишидан валютанинг келиб тушиши:

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар”.

3) Кассадан валюта маблағларининг валюта ҳисобварағига топширилиши:

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”

К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”.

4) Ишлатилмаган чек ва аккредитив суммасининг валюта ҳисобварағига ўтказилиши:

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

- Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”  
 К 5510 “Аккредитивлар” ёки  
 К 5520 “Чек дафтарчалари”.
- 5) Илгари қисқа муддатли инвестициялар тартибида берилган қарзнинг қайтарилиши:  
 Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
 Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”  
 К 5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”.
- 6) Илгари берилган бўнақларнинг қайтарилиши:  
 Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
 Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”  
 К 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки  
 К 4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки  
 К 4390 “Бошқа берилган бўнақлар”.
- 7) Қондирилган даъволар суммасининг келиб тушиши:  
 Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
 Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”  
 К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.
- 8) Олинган бўнақлар суммаси:  
 Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
 Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”  
 К 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки  
 К 7310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар”.
- 9) Илгари акцияларга обуна бўлган таъсисчилардан улуш суммасининг келиб тушиши:  
 Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
 Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”  
 К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.
- 10) Номинал қийматдан юқори баҳода сотилган акциялардан эмиссион даромаднинг келиб тушиши:  
 Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
 Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”  
 К 8410 “Эмиссия даромади”.
- 11) Инвестицияга маблағларнинг кўйилиши:  
 Д 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки  
 Д 5800 “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”  
 К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
 К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.
- 12) Банкдан кассага валюта маблағларининг келиб тушиши:

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

13) Хусусий акцияларнинг сотиб олиниши:

Д 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий” ёки

Д 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар – имтиёзли”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

14) Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг тўланиши:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

15) Берилган бўнақларнинг суммаси:

Д 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки

Д 4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” ёки

Д 4390 “Бошқа берилган бўнақлар”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

16) Илгари олинган бўнақларнинг қайтарилиши:

Д 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 7310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

17) Таъсисчиларга ҳисобланган дивиденднинг тўланиши:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

18) Ҳисобланган фоизлар бўйича қарзлар қопланди:

Д 6920 “Ҳисобланган фоизлар”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

19) Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар қопланди:

Д 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

Д 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” ёки

Д 6830 “Тўланадиган облигациялар” ёки

Д 6840 “Тўланадиган векселлар”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

20) Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларнинг жорий қисми қопланди:

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

21) Ижарага берувчига тегишли бўлган тўловлар тўланди:

Д 6910 “Тўланадиган оператив ижара” ёки

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

## **2.6. Банкдаги махсус ҳисоб рақамлардаги пул маблағларининг ҳисоби**

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет мамлакатлардаги аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларидаги (векселлардан ташқари) пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида, шунингдек мақсадли молиялаштириш (тушумлар) пул маблағларининг алоҳида сақланадиган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш кўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5510 “Аккредитивлар”;

5520 “Чек дафтарчалари”;

5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

**Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар.** Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда мижознинг (маблағларни тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби маблағларни тўловчи билан маблағларни олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Шартномада яна қуйидагилар бўлиши керак:

- маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг номи;

- аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;

- аккредитив очилганлиги ҳақида маблағларни олувчини хабардор қилиш усули;

- аккредитив бўйича маблағлар олиш учун маблағларни олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

- товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Аккредитив қуйидаги турларга бўлинади:

- қопланган (депонентланган) аккредитив;

- қопланмаган аккредитив.

Қопланган аккредитив очилган тақдирда, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки

унга берилган кредитни маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка аккредитивнинг бутун суммасини маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинмаган ва чақириб олинмайдиган шаклда бўлиши мумкин. Аккредитивда унинг чақириб олинмаслиги назарда тутилмаган бўлса, бундай аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив ҳисобланади.

Аккредитивлар банклар томонидан кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича алоҳида баланс ҳисобварақларида ва “Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари” 22602 баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Маблағларни олувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварақлар очилади.

Чақириб олинмайдиган аккредитив маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишилмасдан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивнинг чақириб олинмиши маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк учун ҳеч қандай мажбуриятни вужудга келтирмайди.

Чақириб олинмайдиган аккредитив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича маблағларни тўловчининг топшириқлари маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк орқали берилади ва маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкка, маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан эса - маблағларни олувчига хабар берилади.

Маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк аккредитивни ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича хабарнома олмаган тақдирда, чақириб олинмайдиган аккредитив бўйича барча операцияларни амалга оширишга мажбур.

Чақириб олинмайдиган аккредитив маблағларни олувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк чақириб олинмайдиган аккредитивни маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк билан тузилган шартнома асосида тасдиқлаши мумкин. Бунда чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив ҳисобланади. Тасдиқланган аккредитивларда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк тўловни амалга ошириш бўйича қўшимча мажбуриятлар олади. Тасдиқланган аккредитив маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулсиз тартибда амалга

оширилади.

Аккредитивни бошқа шахслар номига қайта расмийлаштириш таъқиқланади.

Маблағларни тўловчи аккредитив очиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка шартномани илова қилган ҳолда икки нусхада аккредитивга ариза билан мурожаат қилади. Бунда аризининг:

- биринчи нусхаси - тўловлар амалга оширилгандан сўнг банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- иккинчи нусхаси - маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

Аккредитив суммаси бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағига кирим қилинади.

Аккредитив бўйича шартномада мазкур “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ”нинг 75-бандида назарда тутилган маълумотлар бўлмаган тақдирда, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан аккредитив очилмайди.

Аккредитивда назарда тутилган сумма электрон тўловлар тизими орқали маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳисобварағига миждонинг аризасига асосан ўтказилади. Бунда банк аккредитивда назарда тутилган сумма маблағларни олувчининг ҳисобварағига келиб тушганлиги ҳақида уни хабардор қилади.

Электрон тўловлар тизими орқали келиб тушган аккредитивга аризалар банк томонидан икки нусхада чоп этилиб, унинг бир нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади.

Аккредитивнинг муддати тугагунига қадар маблағларни олувчи ва маблағларни тўловчи ўртасида тузилган шартномада белгиланган ва маблағларни олувчи томонидан аккредитив шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинган тақдирда, тегишли сумма унинг ҳисобварағига ўтказиб берилади. Бунда банк томонидан маблағларни олувчининг аккредитив шартларига риоя қилганлиги ҳамда уларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тўғри расмийлаш-тирганлиги текширилиши шарт.

Маблағларни тўловчи ва маблағларни олувчи ўртасида тузилган аккредитив бўйича шартномада белгиланган шартларнинг биттаси бажарилмаган тақдирда ҳам аккредитив бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

Маблағларни олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказишда банк томонидан тўрт нусхада мемориал ордер расмийлаштирилиб, унинг “Тўлов мақсади” графасида тўлов қайси шартнома асосида амалга оширилатган бўлса, шу шартноманинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади. Бунда мемориал ордернинг:

- биринчи нусхаси - тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси билан бирга

банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- иккинчи ва учинчи нусхалари - уларга тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади;

- тўртинчи нусхаси - шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилади ҳамда аккредитив бўйича тўланган сумма “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (1-картотека) 90962 баланс ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан аккредитивнинг ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкдан олинганидан сўнг, аккредитив суммаси кўзда тутилмаган ҳоллар ҳисобварағидан мемориал ордерга асосан ҳисобдан чиқарилади ва мемориал ордернинг бир нусхаси тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига берилади.

Аккредитив маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда:

- аккредитив муддати тамом бўлгач;

- маблағларни олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

- маблағларни тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман чақириб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай чақириб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёпилади.

Аккредитив ёпилганлиги ҳақида маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банк маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкни хабардор қилиши керак.

Аккредитив маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан хабарнома олинган кунда “Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари” 22602 баланс ҳисобварағидаги суммадан кам бўлмаган суммага камайтирилади ёки ёпилади.

Қопланган аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёпилиши билан бир вақтда маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка қайтариб берилиши керак. Маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк қайтариб берилган суммаларни маблағларни тўловчининг маблағлар депонентланган ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт.

Аккредитивдан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабабли, маблағлар тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка қайтарилган тақдирда, банк томонидан очилган кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағи ҳам ёпилади.

Аккредитив бўйича қисман тўловлар амалга оширилган тақдирда, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк амалга оширилган қисман тўловларни кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариб боради.

5510 “Аккредитивлар” ҳисобварағида аккредитивдаги пул маблағлари ҳисобга олинади. Аккредитивга пул маблағларини ўтказиш 5510

“Аккредитивлар” ҳисобварағининг дебетида ва 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”, 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари”, 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ва бошқа ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

5510 “Аккредитивлар” ҳисобварағи бўйича аккредитивга ҳисобга олинган пул маблағлари уларнинг ишлатилиши бўйича (банк кўчирмаларига асосан), 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”нинг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Аккредитивдаги ишлатилмаган маблағлар, банк томонидан улар қайси ҳисобварақдан ўтказилган бўлса, шу ҳисобварақларга қайта тикланганда 5510 “Аккредитивлар” ҳисобварағининг кредити, 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”, 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари”, 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ва бошқа ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

5510 “Аккредитивлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб корхона томонидан қўйилган ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида юритилади.

**Чеклар билан ҳисоб-китоблар.** Чек - чек берувчининг ҳисобварағидан чек олувчининг ҳисобварағига чекда белгиланган суммани ўтказиш бўйича топшириқ назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Чеклар банклар буюртмасига мувофиқ “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади. Чекнинг серияси ва тартиб рақами, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва фирма белгиси босма шаклда чоп этилади.

Чеклар жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланилади. Чекнинг максимал суммаси ЎзР Марказий банки томонидан, минимал суммаси, шунингдек чекнинг амал қилиш муддати банклар томонидан белгиланади.

Банк томонидан чек берилганда жисмоний шахснинг аризасига асосан чекнинг суммасига “Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” 20206 баланс ҳисобварағида алоҳида иккиламчи шахсий ҳисобварақ очилади ва тўловлар ушбу ҳисобварақ орқали амалга оширилади. Чек жисмоний шахслар томонидан омонат ҳисобварағидаги маблағлар ёки топширилган нақд пул маблағлари ҳисобидан берилади.

Чек амал қилиш муддати давомида банкка тақдим қилинмаган бўлса, у ҳолда чек суммаси “Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари” 29842 баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чек эгаси амал қилиш муддати тугаган чек билан банкка мурожаат қилган тақдирда, банк чек эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида чекни қабул қилиши ва унда кўрсатилган суммани тўлаб бериши лозим.

Чекларни бериш тартиби:

а) чек берилаётган вақтда, унда банкнинг масъул ходими томонидан қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши шарт:

- чек берилган сана;
- чек бўйича бериладиган сумма;

- жисмоний шахснинг (чек берувчининг) фамилияси, исми ва отасининг исми;

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва тартиб рақами;

- чек берувчининг ҳисобварағи;

- чек берган банкнинг номи ва уникал коди (хос рақами);

- чек амалда бўладиган охириги сана.

Мазкур реквизитлар тўлдирилгандан сўнг, банк бухгалтери ва кассири томонидан чекка имзо қўйилиб, кесиш чизиғида қолган сонлар чек суммасига мувофиқ бўлиши ва муҳр билан тасдиқланиши керак. Чек милки имзолаш учун чек олувчига берилиши керак. Чекнинг серияси ва тартиб рақами, чек ёзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек чек суммаси ва унинг келиб чиқиш манбалари кўрсатилган ҳолда алоҳида дафтарга ёзиб қўйилади;

б) банк кассири банкнинг масъул ходимидан барча зарур ҳужжатларни олгач:

- ҳужжатларни тўғри расмийлаштирганлигини текширади ва уларни имзолайди;

- чек олувчи шахсни чақиради, ундан чек учун тўловни қабул қилади;

- чек олувчига чекни беради;

- амалиёт кунининг охиригача чек милкини ўзида сақлайди;

в) амалиёт кунининг охирида банк кассири нақд пулларда олинган сумма ва омонат дафтарчасидан ҳисобдан чиқарилган суммани кўрсатади ҳамда чекнинг милкларини банкнинг масъул ходимига топширади.

Чекнинг милки “Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” 20206 баланс ҳисобварағидаги алоҳида иккиламчи шахсий ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш учун келгунга қадар банкда сақланади. Чекларнинг милклари банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

г) чек бланкини тўлдиришда хатога йўл қўйилган тақдирда, ушбу бланк бузилган деб топилади ва ўрнига янгиси тўлдирилади.

Бузилган чек бланки қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

- “ҳисоб-китоб чеки” деган сўзларнинг бир қисми қирқиб олинади;

- чек бланкига “бузилган” деган ёзув киритилади ва сана кўрсатилади;

- бош ҳисобчи ва кассир томонидан имзоланади;

д) қабул қилинган, ишлатилган ва қайтарилган чек бланкларининг ҳисоби қатъий ҳисобда турувчи бланклар ҳисоби қайд этиб бориладиган дафтарда ва кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағида юритилади. Амалиёт куни давомида чек бланклари чиқим ордери бўйича кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариб борилади.

Чеклар билан тўловлар қуйидагича амалга оширилади:

а) чек тўловга тақдим қилингандан сўнг, чекни тўловга қабул қилган ташкилот ходими чекнинг орқа томонига ташкилот муҳри ва мансабдор шахсининг имзосини қўяди;

б) товар (иш, хизмат) қиймати чекда кўрсатилган суммадан кам бўлган

тақдирда, чекни тўловга қабул қилган ташкилот ушбу чек суммасининг 25 фоизигача бўлган қийматини нақд пулда бериши мумкин;

в) тўловга қабул қилинган чеклар уни тўловга қабул қилган ташкилот томонидан хизмат кўрсатувчи банкка пул тушуми билан бирга инкассатор орқали юборилади;

г) банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- чек берувчи ва чек олувчига битта банк томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда, чеклар бўйича тўловлар чекни тўловга қабул қилган ташкилот ҳисобварағининг кредити ва “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар” 19903 баланс ҳисобварағи орқали чек тақдим этувчи ҳисобварағининг дебети бўйича ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- чек берувчи ва чек олувчига турли банклар томонидан хизмат кўрсатилган тақдирда:

- чекда кўрсатилган сумма чек олувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан чек олувчининг ҳисобварағига ўтказилади;

- банкнинг электрон ҳисоб-китоб чеки электрон тўловлар тизими орқали чек берувчига хизмат кўрсатувчи банкка юборилади ҳамда чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

- электрон чекда кўрсатилган сумма чек берувчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан дастурий равишда чек берувчининг иккиламчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади ҳамда электрон чек чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

д) чек меросхўрлар ва бошқа ваколатли шахслар томонидан чекнинг амал қилиш муддати ўтганлигидан қатъи назар, хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилиниши мумкин. Банк томонидан меросхўрлар ва бошқа шахсларнинг чекни тасарруф қилиш учун ваколатлилиги аниқлангач, чекда кўрсатилган сумма тўлаб берилади;

е) фойдаланилмаган чеклар банкка тақдим қилинган тақдирда, банк ходими:

- чекнинг ҳақиқийлигини ва уни тақдим қилган шахснинг ваколатлилигини текширади;

- чекнинг олд томонига “Сумма \_\_\_\_\_-сонли ҳисобвараққа ўтказилсин” деб устхат ёзади;

- чекни бош ҳисобчига беради;

ж) йўқотилган чеклар бўйича унда кўрсатилган сумма ҳисобдан чиқарилганлиги учун банк жавоб бермайди.

5520 “Чек дафтарчалари” ҳисобварағида чек дафтарчаларидаги пул маблағларининг ҳаракати ҳисобга олинади. Чек дафтарчаларини беришда пул маблағларини депонентлаш 5520 “Чек дафтарчалари” ҳисобварағининг дебети ва 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”, 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари”, 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”, 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва бошқа ҳисобварақларнинг кредитида акс

эйтирилади. Корхона томонидан берилган чекларнинг тўлови доирасидаги сумма 5520 “Чек дафтарчалари” ҳисобварағининг кредитидан харажат ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Чек билан берилган, лекин банк томонидан тўланмаган (тўловга тақдим этилмаган) сумма 5520 “Чек дафтарчалари” ҳисобварағида қолади ва ушбу 5520 “Чек дафтарчалари” ҳисобварағининг қолдиғи банк кўчирмалари билан мос келиши лозим. Банкка қайтарилган чекларнинг (фойдаланилмай қолган) суммаси 5520 “Чек дафтарчалари” ҳисобварағининг кредитида 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”, 5210 “Мамлакат ичида валюта ҳисобварақлари”, 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ва бошқа ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эйтирилади.

Кредитор корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш учун корхона ходимларига ҳисобдорликка берилган чек дафтарчаларидаги маблағларнинг ҳаракати устидан назорат тезкор равишда юритилади.

5520 “Чек дафтарчалари” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган чек дафтарчалари бўйича юритилади.

**Банк пластик карталар билан ҳисоб-китоблар.** БПК - банк томонидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк ҳисобварағидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини ва банк кредитини олиш имконини берувчи банк пластик картасидир.

БПКлардан жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек нақд пул берадиган шохобчалар ва банкоматлардан нақд пул маблағларини олишда фойдаланилади.

Халқаро БПКлар ваколатли банклар томонидан муомалага чиқарилади ва уларга хизмат кўрсатилади.

БПКларга хизмат кўрсатиш бўйича тузиладиган шартнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт:

- тарафларнинг номи;
- шартнома предмети;
- тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- тарафларнинг жавобгарлиги;
- ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари;
- шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- низоларни ҳал қилиш тартиби;
- тарафларнинг юридик манзили.

БПКлар персонализация қилинган тақдирда, унда қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши шарт:

- идентификацияловчи маълумотлар (БПКнинг серияси ва тартиб рақами);
- банк-эмитентнинг уникал коди (хос рақами);

- ҳисобварақнинг тартиб рақами ва БПК сақловчисининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкилотнинг номи);

- БПКнинг амал қилиш муддати.

- БПКга операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини олиб бориш учун бошқа қўшимча маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Қайта персонализация қилиш учун банкка қайтарилган БПКлар ҳисоби “Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар” 93609 кўзда тутилмаган ҳолатлар баланс ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварағида юритилади.

БПКлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар қоғозда (слип, электрон терминал квитанцияси) ёки электрон шаклда (банкомат ёки терминалнинг электрон ҳужжати) ёки бошқа маълумотномалар билан тасдиқланади. Бунда мазкур маълумотномалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда иштирок этувчи томонларга етарли нусхаларда шакллантирилади. Маълумотномалар БПК орқали амалга оширилган операциялар тўғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Маълумотномаларда БПК ва БПК сақловчиларнинг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари, шунингдек ташкилотлар, нақд пул бериш пунктлари ва банкоматларнинг ҳисобварақлари реквизитлари бўлиши шарт.

Электрон маълумотномалар банк-эквайерга, банк-эмитентга ёки шартномада назарда тутилган процессинг марказига юборилади.

БПКлар бўйича банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар:

- электрон тўловлар тизими орқали умумий асосда амалга оширилади;

- амалиёт куни давомида ўзаро мажбуриятларни якуний ҳисоб-китоби ва якуний ҳисоб-китоблар суммасини банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисобга ўтказиш асосида ҳисоб-китоб иштирокчилари томонидан ташкил қилинган процессинг маркази орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Амалга оширилган операциялар бўйича умумий ҳисоб-китоблар электрон тўловлар тизими орқали қуйидагича амалга оширилади:

а) банк-эмитент томонидан авторизация қилинмаган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларда:

- банк томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилотдан олинган электрон ҳужжатлар асосида банк-эквайер унинг ҳисобварағига тегишли маблағларни ўтказиш, бунда автоматик равишда дебет электрон мемориал ордер шаклланади ва электрон тўловлар тизими орқали банк-эмитентга юборилади;

- миջознинг БПК ҳисобварағидаги маблағлар банк-эмитент томонидан дебет электрон мемориал ордер асосида дастурий равишда ҳисобдан чиқарилади. Дебет электрон мемориал ордер рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

б) банк-эмитент томонидан авторизация қилинган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларда:

- банк томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилотдан олинган

электрон ҳужжатлар асосида банк-эквайерда автоматик равишда электрон хабарнома шаклланади ҳамда ўтказмаларни авторизация қилиш ва амалга ошириш учун электрон тўловлар тизими орқали банк-эмитентга юборилади;

- банк-эмитент электрон хабарнома асосида транзакцияни авторизация қилиб, маблағларни электрон тўловлар тизими орқали тегишли ташкилотлар ҳисобварағига ўтказиш учун банк-эквайерга юборади ҳамда маблағларни БПК ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш учун электрон мемориал ордери дастурий равишда шакллантиради;

- маблағлар банк-эквайер томонидан банк-эмитентдан олинган электрон мемориал ордери асосида тегишли ташкилотларнинг ҳисобварағига ўтказилади ва мемориал ордери рўйхат кўринишида чоп этилиб, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

Процессинг маркази орқали ҳисоб-китоблар қуйидагича амалга оширилади:

- амалиёт куни давомида БПКлар бўйича процессинг маркази орқали амалга оширилган барча операциялар ҳисоб-китоб иштирокчилари учун очилган алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади;

- якуний суммалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоб-китоб марказида очилган банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали шартномада назарда тутилган муддатда ўтказилади;

- банклар томонидан процессинг марказидан олинган маълумотлар асосида мижознинг БПК ҳисобварағига маблағлар ўтказилади ёки ҳисобдан чиқарилади.

5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”да банкда махсус сақланадиган мақсадли молиялаштирилдиган (тушумлар) маблағлар, шу жумладан, ижтимоий муассасалар, объектлар (болалар боғчаси ва бошқалар)ни сақлаш учун ота-оналардан, ўзга фойдаланувчилар ва бошқа манбалардан келиб тушган пул маблағлари; корхонанинг талабига кўра алоҳида ҳисобварақда йиғилдиган ва сарфланадиган капитал қўйилмаларни молиялаштириш маблағлари; давлат идораларининг субсидиялари ва шу кабиларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Корхонанинг ажратилган бўлинмаларга банкда жорий харажатларни (меҳнат ҳақи, алоҳида хўжалик харажатлари, хизмат сафарлари ва шу кабилар) амалга ошириш учун очилган жорий ҳисобварақларда ушбу кўрсатилган маблағларнинг ҳаракати алоҳида ҳисобварақда акс эттирилади.

5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар” бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет элдаги бошқа махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Қуйида банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Аккредитивларга пул маблағлари ўтказилди:

Д 5510 “Аккредитивлар”

- К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки
- К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки
- К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”.

2) Қондирилган даъволар суммасининг махсус ҳисобрақамга келиб тушиши:

- Д 5510 “Аккредитивлар” ёки
- Д 5520 “Чек дафтарчалари” ёки
- Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”
- К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.

3) Депозит иштирокчиси сифатида акция обуначиларидан бўнак суммасининг олиниси:

- Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”
- К 6320 “Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар”.

4) Қисқа муддатли банк кредитлари ҳисобидан аккредитивларга пул маблағлари ўтказилди:

- Д 5510 “Аккредитивлар”
- К 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”.

5) Сотиш харажатларининг тўлови чек билан амалга оширилди:

- Д 9410 “Сотиш харажатлари”
- К 5520 “Чек дафтарчалари”.

б) Ишлатилмаган сумманинг муддат охирида қайтарилиши:

а) аккредитивлар:

- Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки
- Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки
- Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”
- К 5510 “Аккредитивлар”.

б) чек дафтарчалари:

- Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки
- Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки
- Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари”
- К 5520 “Чек дафтарчалари”.

7) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни тўлашда аккредитивдаги сумма ҳисобдан чиқарилди

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

- К 5510 “Аккредитивлар”.

8) Аккредитивдан бўнакнинг берилиши:

Д 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар” ёки

Д 4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар” ёки

Д 4390 “Бошқа берилган бўнаклар”

- К 5510 “Аккредитивлар”.

9) Суғурта бўйича қарзларнинг аккредитив маблағлари ҳисобига

қопланиши:

Д 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”

К 5510 “Аккредитивлар”.

10) Бошқа кредиторларнинг хизматлари учун тўловларда ишлатилган чеклар суммасини ҳисобдан чиқариш:

Д 6990 “Бошқа мажбуриятлар”

К 5520 “Чек дафтарчалари”.

11) Махсус ҳисобварақдан шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган қарзнинг тўланиши:

Д 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар»

К 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

12) Сотиб олинган путёвқалар учун махсус ҳисобварақдан тўланган сумма:

Д 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

13) Чек дафтарчаларидаги ишлатилмаган маблағларнинг қисқа муддатли банк кредитларини қоплаш учун қайтарилиши:

Д 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”

К 5520 “Чек дафтарчалари”.

14) Аккредитивдаги ишлатилмаган маблағнинг узоқ муддатли банк кредитларини қоплаш учун қайтарилиши:

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ёки

Д 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари”

К 5510 “Аккредитивлар”.

15) Қондирилган даъволар суммасининг махсус ҳисобрақамга келиб тушиши:

Д 6920 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”

К 5510 “Аккредитивлар” ёки

К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

16) Ижарага берувчига тегишли бўлган тўловлар тўланди:

Д 6910 “Тўланадиган оператив ижара” ёки

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

## **2.7. Пул маблағларини ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари**

ЎзР солиқ кодексига мувофиқ, қуйидаги банк операциялари қўшилган қиймат солиғига тортилмайди, инкассация операцияларидан ташқари:

- қимматбаҳо металлдан ишланган банк ва ўлчовли қуймаларини, қимматбаҳо металлдан ишланган қуйма (инвестиция) тангаларни (нумизматика мақсадлари учун фойдаланиладиган тангалардан, шунингдек қимматбаҳо металлдан ишланган чет эл тангаларидан ташқари), заргарлик буюмларини (243 модда п.18).

Солиқ кодексини 244-моддасига мувофиқ қуйидаги молиявий хизматлар ҚҚС солишдан озод этилади:

1) банк операциялари, хусусан:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини омонатларга жалб этиш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг жалб этилган пул маблағларини банклар номидан ҳамда уларнинг ҳисобидан жойлаштириш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар учун хизмат қилувчи банк ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, шунингдек банк карталарига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг топшириғига кўра уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- юридик ва жисмоний шахсларга касса хизматларини банк кассалари ёки махсус асбоб-ускуналар (банкомат, автоматик депозит машиналар ва хоказо) орқали кўрсатиш;

- чет эл валютасининг нақд пулдаги ва нақд пулсиз олди-сотдиси (шу жумладан чет эл валютасининг олди-сотди операцияларига доир воситачилик хизматлари кўрсатиш);

- банк кафолатларини бажариш (банк кафолатини бериш ва бекор қилиш, бундай кафолат шартларини тасдиқлаш ва ўзгартириш, банк кафолати бўйича тўлов, бундай кафолатга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва текшириш);

- мажбуриятларнинг пул шаклида бажарилишини назарда тутувчи учинчи шахслар учун кафиллик бериш;

- аккредитивларни очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

- тўлов тизимлари, дастурларидан ва ускуналардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш;

2) ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ахборот ва технологик ҳамкорликни, шу жумладан ҳисоб-китоблар иштирокчиларига банк карталари билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш ва уни тақдим этиш юзасидан хизматлар кўрсатилишини таъминловчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган операциялар;

3) юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини, кооперативларнинг пай фондларидаги ва инвестиция пай жамғармаларидаги пайларни, қимматли қоғозларни ҳамда ҳосила молиявий воситаларни реализация қилиш, бундан солиқ солиниши лозим бўлган ҳосила молиявий воситаларнинг асос активини реализация қилиш мустасно. Ушбу бўлим мақсадларида ҳосила молиявий воситани реализация қилиш деганда унинг асос активини реализация қилиш, шунингдек контракт бўйича мукофотлар суммаларини, вариацияга оид маржа суммаларини тўлаш, ҳосила молиявий воситалар шартларига мувофиқ асос актив тўлови бўлмаган ҳосила

молиявий восита тарафларининг бошқа даврий ёки бир марталик тўловлари тушунилади;

4) реализация қилиниши ушбу қисмнинг 3-бандига биноан солиқ солишдан озод этиладиган ҳосила молиявий воситалар асосида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқлардан (талаблардан) бошқа шахс фойдасига воз кечиш (уларни бошқаларга бериш);

5) форфейтинг ва факторинг операциялари;

6) заёмларни пул шаклида беришга доир шартномалардан ва (ёки) кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан кредиторнинг ҳуқуқларидан (талабларидан) бошқа шахс фойдасига воз кечиш (уларни бошқаларга бериш, олиш) бўйича, шунингдек бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси асосида дастлабки шартнома юзасидан қарз олувчининг ҳар бир янги кредитор олдидаги мажбуриятларининг бажарилишга доир операциялар;

7) кредитларни, заёмларни пул шаклида ва қимматли қоғозлар билан бериш, шу жумладан улар бўйича фоизлар билан бирга бериш, шунингдек РЕПО операциялари, шу жумладан РЕПО операциялари бўйича қимматли қоғозлар берилганлиги учун тўланиши лозим бўлган пул суммалари;

8) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) беришга доир хизматларнинг ушбу хизматлар бўйича фоизли даромадлар олишга тааллуқли қисми бўйича;

9) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда уларнинг реестрини юритиш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

10) транзакцияларни бир вақтнинг ўзида тўлов иштирокчилари ўртасида воситачилик ҳақларини тақсимлаган ҳолда амалга ошириш билан боғлиқ тўлов тизимларининг молия хизматлари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва қимматли қоғозларга тааллуқли қисм бўйича қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича ваколатли орган билан келишилган ҳолда, ушбу модданинг қоидаларини қўллаш тартиби юзасидан тушунтиришлар, шу жумладан айрим айланмаларни батафсил аниқлаштириш бўйича тушунтиришлар беришга ҳақли.

Юқорида кўрсатилган банк хизматларидан ташқари бошқа операциялар ва бажарилган ишлар ҚҚСга тортилади.

## **2.8. Пул маблағларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

### **Касса операцияларини ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

**№1-мисол.**

“Баҳром” МЧЖ ташкилотининг касса китобига кўра қуйидаги касса операциялари қайд этилди:

Журнал-ордер № 1 ва № 1 қайднома тузинг. 2019 йил 31 декабрдаги санага 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ҳисобварағи қолдиғини ҳисобланг.

2019 йил 1 декабрга касса қолдиғи – 300 000 сўм.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сана	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
				дебет	кредит
1	Сотилган маҳсулотлар учун харидорлардан олинган пул	01.12	4 574 750		
2	Иш ҳақи бериш учун кассага нақд пул кирим қилинди	03.12	450 000 000		
3	Олдин қилинган даъволар учун кассага суммалар қабул қилинди	03.12	524 450		
4	Сотиб олинган ускуналар учун нақд пул тўланди	05.12	4 555 000		
5	Корхона кассасида пул маблағларининг камомади аниқланди	05.12	300 000		
6	Алоқа хизматлари учун мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари тўланди	05.12	250 000		
7	Истеъмол қилинган электр энергияси учун коммунал хизматларни етказиб берувчиларга пул берилди	06.12	460 000		
8	Корхонага моддий зарар етказгани учун ходим ҳисобидан пул кирим қилинди	10.12	250 000		
9	Таъсисчилар корхона устав капиталига бадалларини нақд пул ҳисобига ўтказилди	10.12	4 444 000		
10	Ижарачилардан ижара тўлови қабул қилинди	14.12	2 500 000		
11	Кассадан лимитдан ортиқча пул маблағлари ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказилди	14.12	270 000 000		
12	Солиқлар бюджетга нақд пул билан ўтказилди	17.12	45 000 000		
13	Ҳомиладорлик ва туғиш учун ёрдам пули берилди	18.12	3 200 000		
14	Нақд пулда олинган бўнақлар суммаси акс эттирилади	19.12	35 000 000		
15	Қисқа муддатли банк кредити олинди	19.12	25 000 000		
16	Ишлаб чиқаришларга хизмат кўрсатиш харажатлари нақд пулда тўланди	22.12	5 455 000		

17	Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар тўланди	22.12	45 000 000		
18	Ходимларга иш ҳақи тўланди	25.12	15 200 450		
19	Ҳисобдор шахслар кассага ишлатмаган пул маблағларини қайтарилдилар	25.12	550 000		
20	Банк кредити бўйича қарзни қисман қайтариб берилди	25.12	56 000 000		
21	Сафар харажатлари учун ҳисобдор шахсларга пул берилди	30.12	1 500 000		
22	Ходимларга иш ҳақи тўланди	30.12	5 600 000		
23	Ижро варақалари бўйича кассадан пул берилди	30.12	4 500 000		
24	Кассада пул маблағларининг камомади аниқланди	30.12	654 000		
25	Лимитдан ортиқча нақд пул қолдиғи компаниянинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига қайтарилди	30.12	8 560 000		
26	Харидор ва буюртмачилардан пул кирим қилинди	31.12	5 264 000		
27	Хўжалик харажатлари ҳисобдор шахсларга кассадан пул берилди	31.12	1 800 000		
28	Таъсисчиларга кассадан дивидендлар тўланди	31.12	63 000 000		
29	Бошқа дебиторлардан пул кирим қилинди (кўрсатилган хизматлар учун)	31.12	3 985 000		
30	Касаллик варақаси бўйича ёрдампули берилди	31.12	682 000		

2019 йил 31 декабрдаги қолдиқ \_\_\_\_\_ сум.

Ечим

1. Хўжалик операциялари бўйича бухгалтерия боғламаларини тузамиз:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сана	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
				дебет	кредит
1	Сотилган маҳсулотлар учун харидорлардан олинган пул	01.12	4 574 750	5010	4010
2	Иш ҳақи бериш учун кассага нақд пул кирим қилинди	03.12	450 000 000	5010	5110
3	Олдин қилинган даъволар учун кассага суммалар қабул қилинди	03.12	524 450	5010	4860
4	Сотиб олинган ускуналар учун нақд пул тўланди	05.12	4 555 000	6010	5010
5	Корхона кассасида пул маблағларининг камомади аниқланди	05.12	300 000	5910	5010

6	Алоқа хизматлари учун мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари тўланди	05.12	250 000	6010	5010
7	Истеъмол қилинган электр энергияси учун коммунал хизматларни етказиб берувчиларга пул берилди	06.12	460 000	6010	5010
8	Корхонага моддий зарар етказгани учун ходим ҳисобидан пул кирим қилинди	10.12	250 000	5010	4730
9	Таъсисчилар корхона устав капиталига бадалларини нақд пул ҳисобига ўтказилди	10.12	4 444 000	5010	4610
10	Ижарачилардан ижара тўлови қабул қилинди	14.12	2 500 000	5010	4890
11	Кассадан лимитдан ортиқча пул маблағлари ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказилди	14.12	270 000 000	5110	5010
12	Солиқлар бюджетга нақд пул билан ўтказилди	17.12	45 000 000	6410	5010
13	Ҳомиладорлик ва туғиш учун ёрдам пули берилди	18.12	3 200 000	6990	5010
14	Нақд пулда олинган бўнақлар суммаси акс эттирилади	19.12	35 000 000	5010	6310
15	Қисқа муддатли банк кредити олинди	19.12	25 000 000	5010	6810
16	Ишлаб чиқаришларга хизмат кўрсатиш харажатлари нақд пулда тўланди	22.12	5 455 000	2710	5010
17	Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар тўланди	22.12	5 000 000	6520	5010
18	Ходимларга иш ҳақи тўланди	25.12	55 200 450	6710	5010
19	Ҳисобдор шахслар кассага ишлатмаган пул маблағларини қайтарилдилар	25.12	550 000	5010	4230
20	Банк кредити бўйича қарзни қисман қайтариб берилди	25.12	56 000 000	6810	5010
21	Сафар харажатлари учун ҳисобдор шахсларга пул берилди	30.12	1 500 000	4220	5010
22	Ходимларга иш ҳақи тўланди	30.12	5 600 000	6710	5010
23	Ижро варақалари бўйича кассадан пул берилди	30.12	4 500 000	6990	5010
24	Кассада пул маблағларининг камомади аниқланди	30.12	654 000	5910	5010
25	Лимитдан ортиқча нақд пул қолдиғи компаниянинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига қайтарилди	30.12	8 560 000	5110	5010
26	Харидор ва буюртмачилардан пул кирим қилинди	31.12	5 264 000	5010	4010
27	Хўжалик харажатлари ҳисобдор шахсларга кассадан пул берилди	31.12	1 800 000	4230	5010
28	Таъсисчиларга кассадан дивидендлар тўланди	31.12	63 000 000	6610	5010
29	Бошқа дебиторлардан пул кирим қилинди (кўрсатилган хизматлар учун)	31.12	3 985 000	5010	4890
30	Касаллик варақаси бўйича ёрдампули берилди	31.12	682 000	6990	5010

## 2. № 1 Журнал-ордер ва № 1 қайднома тузиш.

Касса операцияларини ҳисобга олиш учун синтетик ҳисоб журнал-ордер № 1 ва қайднома № 1 регистри қўлланилади. Журнал-ордер № 1 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ҳисобварағининг кредити бўйича

айланмани (айланма) тегишли ҳисобварақларнинг дебетидан акс эттиради. № 1 қайднома ҳисобварақнинг дебети бўйича айланмани тегишли ҳисобварақларнинг кредитидан 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” акс эттиради.

№ 1-журнал-ордерни тузинг ва 5010 ҳисобварағининг кредит айланмасини бошқа ҳисобварақлар дебетида акс эттиринг (минг сўм):

Д-т Сана	2710	4230	5110	5910	6010	6410	6520	6610	6710	6810	6990	Жами
05.12				300	4 805							5105
06.12					460							460
14.12			270000									270000
17.12						45 000						45000
18.12							3 200					3200
22.12	5 455						5 000					10455
25.12									55 200	56 000		111200
30.12		1 500	8 560	654					5 600		4 500	20814
31.12		1 800						63 000			682	65482
<b>Жами</b>	5 455	3 300	278560	954	5 265	45 000	8 200	63 000	60 800	56 000	5 182	531716

№ 1 қайдномани тузинг ва 5010 ҳисобварақнинг дебет айланмасини бошқа ҳисобварақлар кредитида акс эттиринг (минг сўм):

К-т Дата	4010	4230	4610	4730	4890	5110	6810	Итого
01.12	4 575							4 575
03.12					524	450 000		450 524
10.12			4 444	250				4 694
14.12					2 500			2 500
19.12	35 000						25 000	60 000
25.01		550						550
31.01	5 264				3 985			9 249
<b>Итого</b>	44 839	550	4 444	250	7 009	450 000	25 000	532 092

2019 йил 1 декабрга қолдиқ – 300 000 сўм.

2019 йил 31 декабрга қолдиқ – 676 000 сўм. (300 000 + 532 092 000 – 531 716 000)

**Ҳисоб-китоб ҳисобварағи операцияларининг ҳисоби**

**№2-мисол.**

МЧЖ “Баҳром” 31.11.2019 йилдаги (28 дан 30.11.2019 гача бўлган давр учун) қуйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан қабул қилди:

- материаллар етказиб берувчига тўлов учун 2019 йил 28.11даги 21-сон тўлов топшириқномаси – 2 456 000 сўм ва ҚҚС 368 400 сўм;

- солиқ ва мажбурий ажратмаларга бюджет қарзини қоплаш учун 2019 йил 28.11даги 22–сон тўлов топшириқномаси – 4 333 000 сўм;

- банкнинг 845-сонли мемориал ордери асосида 2019 йил 28.11да материаллар етказиб берувчига пул маблағларини ўтказиш бўйича банк хизматлари учун ҳақ тўлаш – 5120 сўм;

- банкдан нақд пул олиш учун 2019 йил 30.11 даги 38-сон касса кириш ордери қвитанциясига асосан – 7 800 000 сўм;

- банкнинг 965-сонли мемориал ордери асосида 2019 йил 30.11да нақд пул тўлагани учун банк хизматларига коммиссион ҳақ – 14 160 сўм;

- 2019 йил 01.11 214-сонли шартномага асосан сотилган маҳсулот учун 2019 йил 30.11даги 221-сонли харидорнинг тўлов топшириқномаси бўйича пул тушуми – 9 428 000 сўм ва ҚҚС 1 414 200 сўм.

Ечим:

Банк кўчирмасини қайта ишлаш ва барча хўжалик операциялар суммаларнинг тўғрилигини текширгандан сўнг банкнинг 2019 йил 28 ноябрдан 30 ноябргача бўлган даврдаги ҳисоб-китоб ҳисобварағидан кўчирмаси асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади.

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Сотиб олинган материаллар учун, шу жумладан ҚҚС билан, мол етказиб берувчига тўланган сумма қайд этилди (2 456 000 +368 400)	2 824 400	6010	5110
Солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга ўтказилган қарзларнинг акс эттирилиши	4 333 000	6410	5110
Таъминотчига пул маблағлари ўтказиш бўйича банкнинг хизматларига акс эттирилиши	5 120	9430	6990
Таъминотчига пул маблағларини ўтказиш учун банк хизматларига тўланган сумма	5 120	6990	5110
Банкдан чек билан олинган нақд пул суммаси акс эттирилиши	7 800 000	5010	5110
Нақд пул тўлаш бўйича банк комиссияси ҳисоб қилинди	14 160	9430	6990
Нақд пул бериш учун банкка тўланадиган комиссия	14 160	6990	5110
Илгари жўнатилган маҳсулотлар учун харидордан олинадиган тўлов, шу жумладан ҚҚС (9 428 000 +	10 842 200	5110	4010

1 414 200)			
------------	--	--	--

### Ташкилотнинг валюта ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисоби

Валюта тушумини олиш ва ЎзР ички бозорида чет эл валютасини сотиш билан боғлиқ операцияларнинг ҳисобини кўриб чиқамиз.

Мисол

Хорижий харидордан шартномага асосан ташкилот \$ 84 000 даромад олди. Ташкилотнинг валюта ҳисоб рақамига тушум 2019 йил 04.11 да келиб тушган. Валюта тушган санасида доллар курси сўмга нисбатан \$ 1 = 945 сўм эди.

42 000 АҚШ доллари миқдоридаги тушум 2019 йил 12.11 да компания талабига биноан ЎзР ички валюта бозорида сотиш учун унинг жорий валюта ҳисоб рақамидан ҳисобдан чиқарилди. Валюта тушумини ҳисобдан чиқариш санасида унинг курси бир долларга 950 сўмни ташкил этди. Чет эл валютасини сотиш санасида (2019 йил 20.11) унинг ўзбек сўмига нисбатан курси 960 сўмни ташкил этди. Банкка ҳисобланган ва тўланган комиссия мукофот 201 600 сўмни ташкил этди.

Бухгалтерия ўтказмаларини тузинг ва валюта сотишдан кўрилган молиявий натижани ҳисобланг.

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Шартнома бўйича жўнатилган маҳсулотлар учун экспорт тушумини ташкилотнинг валюта ҳисоб-китоби ҳисобварағига кирими акс этирилади (84 000 долл. х 945 сўм)	79 380 000	5210	4010
Валюта ҳисоб-китоби ҳисобварағидан сотиш учун мўлжалланган чет эл валютаси ҳисобдан чиқарилди (42 000 долл. х 950 сўм)	39 900 000	5710	5210
Сотиладиган хорижий валюта валюта курси сотиш санасида ижобий ўзгаргани ҳисобидан даромад акс этирилди ((42 000 долл. х 960 сўм) - (42 000 долл. х 950 сўм))	420 000	5710	9540
Чет эл валютасини сотишдан олинган пул маблағлари сўм ҳисобида ҳисоб-китоб ҳисобварағига қабул қилинди (42 000 долл. х 960 сўм)	40 320 000	5110	5710
Банкка ҳисобланган комиссия мукофот акс этирилди	201 600	9430	6990
Банкка тўланган комиссия мукофоти акс этирилди	201 600	6990	5110
Хорижий валютани сотишдан олинган фойда ташкилотнинг бошқа даромадлар таркибига қабул қилинди (40 320 000 сўм – 201 600 сўм – 39 900 000 сўм)	218 400	9220	9320

ЎзР ички валюта бозорида хорижий валютани сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ҳисобини кўриб чиқамиз.

**№3-мисол.**

2019 йил 13.12 да ташкилот ўзининг ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағларидан 21 900 АҚШ доллар миқдорида хорижий валютани сотиб олиш учун 21 024 000 сўм миқдорида пул ўтказди. Бу пул хорижий мижоз билан ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўлган. Пул ўтказиш санасида АҚШ доллари курси сўмга нисбатан бир доллар 960 сўм. Валюта ҳисоб-китоб ҳисобварағига сотиб олинган хорижий валютанинг олинган санаси (17.12.2019) бўйича унинг долларга нисбатан курси 965 сўмни ташкил этди.

Банкга ҳисобланган ва тўланган комиссия мукофоти 105 120 сўмни ташкил этди.

Чет эл валютасини сотиб олиш бўйича бухгалтерия операцияларини қайд қилинг ва операциянинг молиявий натижасини аниқланг.

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Чет эл валютасини сотиб олиш учун маблағлар қорхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан ўтказилди	21 024 000	5710	5110
Банкка хорижий валютани сотиб олишда кўрсатилган хизматлар учун комиссия мукофот ҳисобланди	105 120	9430	6990
Хорижий валютани сотиб олиш хизматлари учун банкка комиссия мукофоти тўлови ҳисоб-китоб ҳисобварағидан ўтказилди	105 120	6990	5110
Сотиб олинган хорижий валютанинг курс бўйича валюта ҳисобварағига келиб тушиши акс эттирилди (21 900 долл. х 965 сўм)	21 133 500	5210	5710
Марказий банки курсининг чет эл валютасини сотиб олиш курсидан ортиқлиги даромадга қабул қилинди ((21 900 долл. х 965 сўм) - (21 900 долл. х 960 сўм))	109 500	5710	9540

**Назорат саволлари:**

1. ЎзРда касса операцияларини амалга ошириш тартибини қайси идоралар тартибга солади?
2. Кассада пул лимити ким томонидан ва қандай тартибда белгиланади?
3. Қайси ҳужжатлар асосида кассада пул маблағлари кирим ва чиқим қилинади?
4. Кассадаги нақд пулларнинг сақланиши учун ким жавобгар?
5. Қайси ҳужжат асосида маблағлар ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказилади?

6. Қайси ҳужжат асосида пул маблағлари ҳисоб-китоб ҳисобварағидан кассага олиб қўйилади?
7. Кассадаги пул лимитини бажармаганлик учун қандай жазо чоралари бор?
8. Пул тўловлари бўйича қандай шахсларга чекловлар қўйилади ва харажатларнинг рухсат этилган миқдори қандай?
9. Касса китобини тўлдиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Касса ҳужжатларига имзо қўйишга ким ҳақли?
11. Кассанинг инвентаризацияси (аудити) қайси муддатларда амалга оширилади ва уни ўтказиш қайси меъёрий ҳужжатда назарда тутилган?
12. ЎзРда нақд пулсиз тўловларнинг қандай шакллари мавжуд?
13. Ҳисоб рақамини очиш учун банкка қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?
14. Тўлов ҳужжатларини имзолашга ким ҳақли?
15. Кредиторларнинг барча талабларини қондириш учун корхона ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаган тақдирда ҳисоб-китоблар қандай кетма-кетликда амалга оширилади?
16. Инкасса тўловлари тушунчасини тушунтириб беринг?.
17. Валюта ҳисобварағини очиш учун банкка қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак ва Банк томонидан қайси ҳисобварақлар очилади?
18. Аккредитив тўлов шаклининг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?.
19. Экспорт-импорт операциялари бўйича нақд пулсиз тўловларнинг қандай шакллари мавжуд?.
20. Корхонанинг валюта операциялари бўйича юзага келадиган фарқлардан валюта курси фарқлари қандай фарқ қилади?
21. Банк операциялари солиққа тортиладими?
22. Бухгалтерия ҳисобида ижобий ва салбий курс фарқлари қандай акс эттирилади?

*Иқтисод деб, пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилури, иқтисодни билган кишилар ўринсиз сарф қилмаслар, ўрни келганда пул ва молни аямаслар.*

*Абдулла Авлоний.*

### **3 БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ**

#### **3.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси III бўлим.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 10-20 бўлим.
3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎзРҚ-404.
4. “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни, 11.12.2003 йил 11 декабр № 556-II.
5. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ЎзР Қонуни 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сонли Қонунига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган.
6. “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрилигини текшириш тўғрисида”ги ЎзР ВМ қарори 04.08.1998 й. № 332
7. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан).
8. ЎзР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).
9. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297).
10. “Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома” (Марказий банк қарори 24.02.2018, №7/14, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 01.05.2018 йил № 3003).
11. ЎзР 19-сон БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.11.1999 йил № 833).
12. ЎзР 22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 21.05.2004 йил № 1364).
13. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” (Марказий банк қарори 26.04.2013, №9/1, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 03.06.2013 йил № 2465).
14. “Бухгалтерия ҳисобида хорижий валютада муомалаларни қайд эттириш тўғрисида Низом (янги таҳрир)” (2004 йил 02 сентябр Молия вазирлиги № 98, Иқтисодиёт вазирлиги № 41, ДСҚ № 2004, МБ бошқаруви № 257-В, Давлат статистика қўмитаси № 8 қарорлари билан тасдиқ-

ланган, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрь № 1411 рақам билан рўйхатга олинган).

15. Товар-моддий бойликларни қабул қилиш учун ишончнома бериш тартиби ва ишончнома бўйича уларни топшириш тўғрисидаги низом. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 27.05.2003 йил № 1245).

16. ЎзР 24-сон БҲМС “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 18.08.2009 йил № 1996).

17. ЎзР 12-сон БҲМС “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 16.01.1999 йил № 596).

### **3.2. Хўжаликлараро ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Филиалларга (ваколатхоналарга) ёки бошқа таркибий бўлинмаларга эга бўлган юридик шахсларда бухгалтерия ҳисоби таркибий бўлинмаларнинг мақсади, харажатларини молиялаштириш манбалари, уларни бошқариш тузилмасига қараб турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бош ташкилотда бухгалтерия ҳисобининг юритиш тартиби филиалларда банк ҳисобининг мавжудлиги ёки йўқлиги ва алоҳида балансга эга бўлишига ҳам боғлиқ.

Агар филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар алоҳида балансга ажратилган бўлса, бош ташкилотининг алоҳида бўлинмалар билан ҳисоб-китоблар актив ҳисобварақлар гуруҳи 4100 “Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинadиган ҳисобварақлар” ва пассив ҳисобварақлар гуруҳи 6100 “Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар” билан амалга оширади.

Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинadиган ҳисобварақлар”;

4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинadиган ҳисобварақлар”.

4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинadиган ҳисобварақлар” ҳисобварағида корхонанинг умумий балансига (ички хўжалик ёки ички баланс ҳисоб-китоблар) қўшиладиган ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхона-лар)нинг дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади. Бу ҳисобварақда ажратилган мулклар, моддий қийматликларни ўзаро ҳамкорликда чиқариш, бўлинма-ларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш ва бошқа жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асосий ҳужжатлар бўлиб таъсис шартномаси, чора-тадбирлар шартномаси, таъсисчиларнинг ушбу бўлинмаларни ташкил қилиш тўғрисидаги қарори, таъсисчиларнинг мулкни бериш тўғрисидаги қарори ва бошқалар ҳисобланади.

Кўрсатилган бўлинмаларга ажратилган мулк корхона томонидан асосий воситалар (0100), номоддий активлар (0400), ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700), материаллар (1000), тайёр маҳсулотлар (2800), товарлар (2900) ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлардан 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағида шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг (баланслараро ёки хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар) дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақда товар, маҳсулот, иш, хизматларни сотиш ва бошқа жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар” ва 4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ажратилган бўлинма, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари бўйича юритилади.

Куйида ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Дебиторлик қарзларини қоплаш учун ажратилган бўлинмалардан асосий воситалар ва бошқа активлар келиб тушди:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”.

2) Ажратилган бўлинмаларга мол-мулк (асосий воситалар ва бошқа активлар) ажратилди:

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Ажратилган бўлинмалар ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш учун пул маблағлари ажратилди:

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

4) Ажратилган бўлинмалар томонидан асосий воситалар қайтарилди:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”.

5) Дебиторлик қарзларини қоплаш учун ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан пул маблағлари келиб тушди:

Д 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар”.

б) Ажратилган бўлинмаларга моддий қийматликлар берилди (1500-ҳисобварақдан фойдаланилганда):

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”.

7) Материаллар қийматидаги фарқ ажратилган бўлинмалар ҳисобига уларга берилган материаллар бўйича ҳисобдан чиқарилди (1610-ҳисобварақнинг қўллаганда):

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар”.

Корхонанинг ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”;

6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

“Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” номли 6110 - ҳисобварақда корхонанинг умумий балансига қўшиладиган филиаллар ва ваколатхона-ларнинг жорий мажбуриятлари (ички хўжалик ёки ички баланс ҳисоб-китоблари) ҳисобга олинади.

6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг кредитида турли хилдаги муомалалар бўйича ажратилган бўлинмалар олдидаги жорий мажбуриятлар товар-моддий қийматликлар, пул маблағлари, харажат ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

“Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар” номли 6120-ҳисобварақда шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига жорий мажбуриятлар (баланслараро ҳисоб-китоблар ёки ички идоравий ҳисоб-китоблар) ҳисобга олинади.

6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг кредитида турли хилдаги муомалалар бўйича шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги жорий мажбуриятлар товар-моддий қийматликлар, пул маблағлари, харажатлар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ва 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ажратилган бўлинма, шўъба ва қарам хўжалик жамияти бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан тўланадиган ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Ажратилган бўлинмалардан, шўъба ва қарам хўжалик

жамиятларидан товар-моддий қийматликлар олинди:

Д 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

2) Ажратилган бўлинмалардан, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан товар-моддий қийматликлар олинди (1510-ҳисобварақнинг қўллаган ҳолда):

Д 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

3) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинган ТМЗлар қийматидаги фарқлар ҳисобга олинди (1610-ҳисобварақнинг қўллаган ҳолда):

Д 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

4) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлаб чиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари бўйича кўрсатган хизматлари қабул қилинди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

5) Ажратилган бўлинмалардан олинган ярим тайёр маҳсулотлар қабул қилинди:

Д 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

6) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари кўрсатган хизматлар келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олинди:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

7) Ажратилган бўлинмалардан кассага нақд пул келиб тушди (йўлланмалар учун):

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

8) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан пул маблағлари келиб тушди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

9) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан пул эквивалентлари келиб тушди:

Д 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

### **3.3. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”;

4020 “Олинган векселлар”.

4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағида сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади.

4020 “Олинган векселлар” ҳисобварағида олинган векселлар билан таъминланган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзи ҳисобга олинади.

Муддатида тўланмаган векселлар бўйича даъво билдирилганда, векселлар қиймати 4020 “Олинган векселлар” ҳисобварағининг кредитидан 4860 “Даъволар бўйича олинандиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг дебетиға ҳисобдан чиқарилади.

Олинандиган ҳисобварақлар (4000) асосий (операцион) фаолият даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9000), асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9200) ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9300) билан боғланган ҳолда харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммаға дебетланади.

Олинандиган ҳисобварақлар (4000) пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан келиб тушган тўловлар суммасига, олинган бўнақларни ҳисобга олиш ва бошқалар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Олинандиган ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир харидор (буюртмачи) бўйича юритилади.

Қуйида олинандиган ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Товар, иш ва хизматларни сотишдаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари суммаси:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган ҳисобварақлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

2) Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари суммаси:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган ҳисобварақлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

3) Харидорлар ва буюртмачилардан тўловлар келиб тушди:

Д 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган ҳисобварақлар”.

4) Харидорлар ва буюртмачиларга сотилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун даъво билдирилди:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинандиган ҳисобварақлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

5) Харидорлар ва буюртмачиларга сотилган товарлар, маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этишда олинган бўнақларнинг ҳисобга олиниши:

Д 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

6) Харидорлар ва буюртмачиларнинг тўланмаган қарзларининг зарарга ҳисобдан чиқарилиши:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

7) Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши:

Д 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

8) Олинган векселлар бўйича қарзларнинг қопланиши:

Д 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4020 “Олинган векселлар”.

9) Олинган векселларнинг узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилиши:

Д 4020 “Олинган векселлар”

К 0910 “Олинган векселлар”.

Қарздорнинг ночорлиги туфайли қарзни ҳисобдан чиқариш қарзни бекор қилиш эмас. Бу қарз қарздорнинг мулкӣ ҳолати ўзгарган тақдирда уни ундириш имкониятини кузатиш учун ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб беш йил давомида балансдан ташқари ҳисобварақда (007 “Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи”) акс эттирилиши лозим.

БҲМС бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлари ва ундириш учун ҳақиқӣ бўлмаган бошқа қарзлар реализациядан ташқари харажатлар таркибига киритилади.

Ташкилот бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар бўйича даргумон қарзлар бўйича резерв яратиши мумкин.

Яратилган резервлар суммаси 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағининг дебети ва 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”

ҳисобварағининг кредитига қайд этилади. 4010 “ Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг аналитик ҳисоби харидорлар ёки буюртмачиларга тақдим этилган ҳар бир ҳисобварақ-фактура учун юритилади. Шу билан бирга аналитик ҳисобнинг юритилиши қарз тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак, яъни:

- тўлов муддати келмаган ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқ харидорлар ва буюртмачилар бўйича;

- ўз вақтида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича харидор ва буюртмачилар бўйича;

- олинган бўнақлар бўйича.

Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг синтетик ҳисоби 5-сонли қайдномада юритилади.

Харидор ва буюртмачиларга қисман тайёр ҳолдаги ТМҚни етказиб беришга ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек акцияга обуначилардан олинган бўнақлар бўйича жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар”;

6320 “Акцияга обуначилардан олинган бўнақлар”;

6390 “Бошқа олинган бўнақлар”.

Корхона харидор ва буюртмачиларга маҳсулот ва товарларни етказиб бериш, шунингдек иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун улардан бўнақ тўловини (олдиндан тўлашни) талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолатда бўнақ ТМҚларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича шартноманинг бажарилиши ҳамда харидор ва буюртмачилардан келгусидаги тўловларнинг келиб тушишига кафолат сифатида хизмат қилади.

Бундай бўнақлар пул маблағини олган корхона учун маҳсулот ва товарларни етказиб бериш ҳамда ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш амалга оширилишига қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади. Олинган бўнақларга қуйидагилар мисол бўлади: корхона томонидан газ, сув, ёритиш ва бошқа маиший хизматлар, шунингдек ТМҚ ва бошқаларни етказиб бериш учун олдиндан олинган тўловлар.

Олинган бўнақ суммалари, шунингдек қисман тайёр ҳолдаги маҳсулот (иш, хизмат) учун қабул қилинган тўловлар суммаси олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6300)нинг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади. Буюртмачиларга ишлар тугатиб топширилганда ва хизматлар кўрсатилганда, шунингдек харидорларга маҳсулот юклаб жўнатилганда, олинган бўнақлар харидор ва буюртмачиларнинг мажбуриятларини камайтиради ва олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6300)нинг дебети ва олинадиган ҳисобварақлар (4000) кредитига олиб борилади.

Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6300) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган бўнақлар тури бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларни ҳаракати

бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Бўнақлар олинди:

Д 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Маҳсулотлар, товарларни етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни сотишда илгари олинган бўнақлар ҳисобга олинди:

Д 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

3) Илгари олинган бўнақлар қайтарилди:

Д 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Илгари олинган бўнақлар банк кредитлари ва бошқа корхоналарнинг қарзлари ҳисобидан қайтарилди:

Д 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6800 “Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 7800 “Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Даъво билдириш муддати давомида фойдаланилмаган бўнақ суммалари ҳисобдан чиқарилди:

Д 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

### **3.4. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек ташиш бўйича олинган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган жорий мажбуриятлар тўғрисидаги

ахборотларни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”;

6020 “Берилган векселлар”.

Пудратчи қурилиш ва монтаж, илмий-тадқиқот ва шу каби корхоналар бош пудратчи (бош корхона) ҳисобланса, ўз субпудратчиларига бўлган мажбуриятларини ҳам ушбу ҳисобварақда акс эттиради.

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи ҳақиқатда келиб тушган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматларнинг қийматига ушбу қийматликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Агар оморга келиб тушган моддий қийматликларнинг сифати, миқдори, шунингдек баҳоси шартномада келишилган шартларга мос келмаса, 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда тегишли суммага кредитланади.

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича алоҳида юритилади.

6020 “Берилган векселлар” ҳисобварағининг кредитида сотиб олинган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматлар учун векселлар билан таъминланган жорий мажбуриятлар ҳисобга олинади ва уларни қоплаш давригача ҳисобда туради. Векселлар бўйича мажбуриятлар қопланишига қараб улар пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитидан 6020 “Берилган векселлар” ва 6920 “Ҳисобланган фоизлар” ҳисобварақларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

6020 “Берилган векселлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб берилган векселларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Шу билан бирга аналитик ҳисобнинг ташкил этилиши қарз тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак, яъни:

- МЕБ дан қабул қилинган ҳужжатлар тўлашга розилик бергани, лекин тўлов муддати келмаган;

- МЕБ дан қабул қилинган ҳужжатлар тўлашга розилик бергани, лекин тўлов муддати ўтган;

- МЕБларга ҳужжатсиз қабул қилинган ТМҚ;

- МЕБларга берилган бўнақлар;

- МЕБга берилган векселлар бўйича, лекин тўлов муддати келмаган;

- МЕБга берилган векселлар бўйича, лекин тўлов муддати ўтган;

- МЕБдан тижорат кредити олган бўйича.

Қўйида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Мол етказиб берувчилардан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар келиб тушди:

Д 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

2) Капитал қўйилмалар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари юзасидан берилган ҳисобварақлар тўловга қабул қилинди:

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

3) Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

4) Мол етказиб берувчилардан ўстиришга ва боқувга ҳайвонлар келиб тушди:

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

5) Мол етказиб берувчилардан турли ТМЗ келиб тушди (1510-ҳисобварағи қўлланилганда):

Д 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

б) Мол етказиб берувчилардан товар-моддий заҳираларни харид қилишда ҳисобга олинган ҚҚС суммаси:

Д 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

7) Корхона томонидан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлаб чиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун мол етказиб берувчиларнинг бажарган иш ва хизматлари (жумладан: энергия, газ, буғ, сув) қабул қилинди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

8) Яроқсиз маҳсулотни тузатиш ва кафолатли таъмирлаш бўйича мол етказиб берувчиларнинг кўрсатган хизматлари қабул қилинди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

9) Мол етказиб берувчилардан келгуси давр харажатларига тегишли бўлган иш ва хизматлар қабул қилинди:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

10) Мол етказиб берувчилардан товарлар келиб тушди:

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

11) Маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотишда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар кўрсатган иш ва хизматлар қабул қилинди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

12) Табиий офатларни тугатиш бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг хизматлари қабул қилинди:

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

13) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзлар банкдаги ҳисобварақлардан тўланди:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

14) Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг ҳисобварақларини тўлашда олдиндан берилган бўнақларнинг ҳисобга олиниши:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

15) Даъво муддати тугаган кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”.

16) Кредиторлик қарзини тўлаш учун мол етказиб берувчига оддий вексел берилди:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 6020 “Берилган векселлар”.

Товар-моддий заҳиралар ва бошқа активларни етказиб бериш, шунингдек иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар”;

4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар”;

4390 “Бошқа берилган бўнақлар”.

Берилган бўнақлар суммаси, шунингдек қисман тайёр ҳолдаги товарлар, иш ва хизматлар учун тўланган суммалар 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар”, 4320 “Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар”, 4390 “Бошқа берилган бўнақлар” ҳисобварақларининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнақлар мол етказиб берувчилар ва корхона ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Айрим ҳолларда, қисман бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома бўлиши мумкин. Бунда тўлов топшириқномаларида қисман тўлов миқдори ёки олдиндан тўлов фоизи кўрсатилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4300) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

Қуйида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтаемиз:

1) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш учун нақд пулда бўнақлар берилди:

Д 4310 “ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”.

2) Банкдаги ҳисобварақлардан бўнақлар ўтказилди:

Д 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини

ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Олинган кредитлар ва қарзлар ҳисобидан бўнақлар ўтказилди:

Д 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6800 “Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 7800 “Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Контрактнинг бекор қилиниши натижасида аввал берилган бўнақлар қайтарилди:

Д 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чег эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларга бўлган қарзларни қоплашда аввал берилган бўнақларнинг ҳисобга олиниши:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

Д 7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

6) Мол етказиб берувчиларга берилган бўнақларнинг даъво муддати ўтганлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

7) Берилган бўнақнинг тегишли суммаси узоқ муддатли қисмидан жорий қисмга ўтказилди:

Д 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0940 “Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари”.

Кузатув ҳужжатсиз қабул қилинган ТМҚ 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи кредитланади ва уларнинг қиймати шартнома асосида белгиланади.

Ўзаро талабномаларни ҳисобга олган ҳолда мажбуриятлар ниҳоясига етганда 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи дебетланади ва 4300 “Мол етказиб берувчилар

ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварақлари кредитланади.

Ҳисобварақ маълумотлари асосида корхона кредиторлар олдида ўз мажбуриятларини акс эттиради, яъни 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг қолдиғи корхонанинг кредиторлик қарзини кўрсатади.

Даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонентлик қарзлари суммаси (3 йилдан сўнг), ҳар бир мажбурият бўйича ўтказилган инвентаризация асосида, ёзма асосланган ва ташкилот раҳбари буйруғи (фармойиш)га биноан ҳисобдан чиқарилади, тижорат ташкилотларида молиявий натижага ва нотижорат ташкилотларда даромадни кўпайишига олиб борилади.

Даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонентлик қарзлари суммаси бошқа даромадлар деб тан олинади.

### **3.5. Кредит ва заёмлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Кредит ва қарзларни расмийлаштириш Фуқаролик кодексининг 41-бобига мувофиқ кредит ва кредит шартномалари билан тартибга солинади.

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади (ЎзР ФК 732 моддаси).

Агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда (аниқ мақсадли қарз) фойдаланиши шарти билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Қарз олувчи қарз шартномасининг қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланиш ҳақидаги шартларини бажармаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади (ЎзР ФК 744 моддаси).

**Кредитлар таснифи.** Кредитлар ва қарзлар улар берилган муддатга ва уларнинг шаклига қараб ажратилади.

Кредитлар ва қарзлар бериш муддатига қараб бўлиши мумкин:

- қисқа муддатли - бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;
- узоқ муддатли - бир йилдан ортиқ муддатга.

Кредит ва қарзлар бериш шаклига қараб бўлиши мумкин:

- нақд пулда;
- натурал шаклда.

Фуқаролик кодексига мувофиқ кредитлар қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) банк кредити;
- 2) товар кредити;
- 3) тижорат кредити.

**Банк кредити** шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади (ЎЗР ФК 744 моддаси).

**Товар кредити** қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади (ЎЗР ФК 732 моддаси).

Тарафлар бир тарафнинг кредит шартномаси шартлари асосида турга хос аломатлари билан белгиланган ашёларни иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда тутувчи шартномани тузишлари мумкин.

Ашёларни кредитга бериш тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг берилаётган ашёларнинг миқдори, ассортименти, тўлиқлиги, сифати, идиши ва (ёки) ўралиши ҳақидаги шартлари товарларни олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт (ЎЗР ФК 747 моддаси).

**Тижорат кредити** бажарилиши учун пул суммаларини ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш талаб қилинадиган шартномаларда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгилаб қўйилган бўлмаса, кредит бериш, шу жумладан бўнак, олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ёки хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида кредит бериш (тижорат кредити) назарда тутилиши мумкин (ЎЗР ФК 748 моддаси).

**Кредитлар ва қарзлар ҳисоби** 24-сонли БҲМС “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби” меъёрлари билан тартибга солинади.

Кредит ва қарзларни ҳисобга олиш учун қуйидаги пассив ҳисобварақлар кўзда тутилган: 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”, 6820 “Қисқа муддатли қарзлар”, 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ва 7820 “Узоқ муддатли қарзлар”.

Кредит, қарз олишда қарз олувчи ташкилот томонидан олинган пул маблағлари ёки нарсалар қиймати, агар кредит қандай олинган бўлса, пул маблағлари ёки товарлар ҳақиқий олинган муддатга кредиторлик қарзлар таркибида ҳисобга олинади.

Кредит ва қарзлар бўйича аналитик ҳисоби кредит ва қарзларни турлари бўйича ва улар олинган мақсадларга қараб олиб борилиши керак.

Хорижий валютада олинган ёки шартли бирликларда ифодаланган кредитлар ва қарзлар бўйича қарз маблағлари олинган санада МБ томонидан белгиланган банк курси бўйича сўмда ҳисобга олинади. Агар қарз Марказий банкнинг ставкаси белгиланмаган шартли бирликларда ифодаланса, қарз тарафларнинг келишувига кўра белгиланган курс бўйича ҳисобга олинади. Қарзни қайтариш санасида кредит ёки шартли бирликлар курси ўзгарса, пайдо бўлган фарқ суммасига кредиторлик қарзлар тартибга солинади ва айни вақтда бу фарқ бошқа даромадлар ва харажатлар таркибида ҳисобга олинади.

Корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги банклар ва қарз берувчилардан сўмда ва чет эл валютасида олинган турли қисқа муддатли (12 ой муддатгача) кредит ва қарзларнинг ҳолатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”;

6820 “Қисқа муддатли қарзлар”;

6830 “Тўланадиган облигациялар”;

6840 “Тўланадиган векселлар”.

6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ҳисобварағида корхонанинг банклардан олган турли қисқа муддатли кредитлари ҳисобга олинади.

Олинган қисқа муддатли банк кредитларининг суммалари 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ҳисобварағининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади.

Қайтарилган қисқа муддатли банк кредитлари суммаси 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ҳисобварағининг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитни тақдим этган банк, кредит суммаси, муддати бўйича алоҳида юритилади.

6820 “Қисқа муддатли қарзлар” ҳисобварағида Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги қарз берувчилардан (банкдан ташқари) 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга олинган қарзлар ҳисобга олинади.

Қарз берувчилардан (банкдан ташқари) тушган маблағлар пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети ва 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” ҳисобварағининг кредити бўйича қайд қилиб борилади.

Олинган қарзларни қайтариш 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” ҳисобварағининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

6820 “Қисқа муддатли қарзлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб қарз берувчилар ва қарзларни қайтариш муддати бўйича алоҳида юритилади.

6830 “Тўланадиган облигациялар” ҳисобварағида тўлов муддати 12 ойдан ортиқ бўлмаган облигацияларни муомалага чиқариш ҳисобига корхонага жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади. Агар маблағларни жалб қилиш облигацияларни номинал қийматидан юқори баҳога сотиш йўли билан амалга оширилса, унда облигацияларни сотиш баҳоси билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ 6220 “Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар” ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

6830 “Тўланадиган облигациялар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигация тури ва уни қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

6840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағида қоплаш муддати 12 ойдан ортиқ бўлмаган берилган векселлар ҳисобга олинади.

Корхонада берилган векселларни ҳисобга олиш муомалалари 6840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағининг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети томонида акс эттирилади.

Вексел бўйича муомалалар натижасида қарз берувчидан олинган пул маблағларининг корхона томонидан қайтарилиши 6840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб векселлар ҳисобини амалга оширадиган банклар, вексел ушловчилар ва ҳар бир вексел бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар олинди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

К 6820 “Қисқа муддатли қарзлар”.

2) Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобига ТМЗ харид қилинди:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

К 6820 “Қисқа муддатли қарзлар”.

3) Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобидан мол етказиб

берувчилар ва пудратчиларнинг қарзи тўланди:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

К 6820 “Қисқа муддатли қарзлар”.

4) Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар қайтарилди:

Д 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

Д 6820 “Қисқа муддатли қарзлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар ажратилган бўлинмалар ҳисобидан қайтарилди:

Д 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

Д 6820 “Қисқа муддатли қарзлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

6) Берилган вексел ва облигациялар эвазига қисқа муддатли қарз олинди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6830 “Тўланадиган облигациялар” ёки

К 6840 “Тўланадиган векселлар”.

7) Берилган вексел ва облигациялар қопланди:

Д 6830 “Тўланадиган облигациялар” ёки

Д 6840 “Тўланадиган векселлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

Қорхонанинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва чет элдаги банклар ва қарз берувчилардан сўмда ва чет эл валютасида олган узоқ муддатли (12 ойдан узоқ муддатга) кредит ва қарзларининг ҳолатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари”;

7820 “Узоқ муддатли қарзлар”;

7830 “Тўланадиган облигациялар”;

7840 “Тўланадиган векселлар”.

Олинган узок муддатли банк кредитлари суммаси 7810 “Узок муддатли банк кредитлари” ҳисобварағининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебитида акс эттирилади.

Узок муддатли банк кредитини жорий қисмга ўтказишда, тегишли суммага 7810 “Узок муддатли банк кредитлари” ҳисобварағи дебетланади ва 6950 “Узок муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳисобварағи кредитланади бунда узок муддатли банк кредитининг бошланғич қиймати камайтирилади.

Узок муддатли кредитларнинг аналитик ҳисоби уларга берилган кредитларнинг турлари ва муддатлари, банклар бўйича алоҳида юритилади.

7820 “Узок муддатли қарзлар” ҳисобварағида корхонанинг Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги қарз берувчилардан (банкдан ташқари) 12 ойдан узок муддатга олган қарзлари ҳисобга олинади.

Қарз берувчилардан (банкдан ташқари) келиб тушган маблағлар пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети ва 7820 “Узок муддатли қарзлар” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

Узок муддатли қарзлар жорий қисмга ўтказилганда 7820 “Узок муддатли қарзлар” ҳисобварағи дебетланади ва тўланадиган сумма узок муддатли қарзларнинг бошланғич суммасини ушбу миқдорга камайтириб, 6950 “Узок муддатли мажбуриятлар - жорий қисм” ҳисобварағининг кредит томонида кўрсатилади.

7820 “Узок муддатли қарзлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарз берувчи ва қарзларни тўлаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

7830 “Тўланадиган облигациялар” ҳисобварағида тўлов муддати 12 ойдан кўп бўлган облигацияларни сотиш ҳисобига корхонага жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади. Агар маблағларни жалб қилиш облигацияларни номинал қийматидан юқори баҳога сотиш йўли билан амалга оширилса, унда облигацияларни сотиш баҳоси билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ 7220 “Мукофот (устама)лар кўринишидаги узок муддатли кечиктирилган даромадлар” ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

Узок муддатли тўланадиган облигациялар жорий қисмга ўтказилганда 7830 “Тўланадиган облигациялар” ҳисобварағи дебетланади ва тўланадиган сумма узок муддатли тўланадиган облигацияларнинг бошланғич суммасини ушбу миқдорга камайтириб, 6950 “Узок муддатли мажбуриятлар - жорий қисм” ҳисобварағининг кредит томонида кўрсатилади.

7830 “Тўланадиган облигациялар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигация тури ва тўлаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

7840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағида қарз берувчиларга 12 ойдан ортик муддатда қайтариш учун берилган векселлар ҳисобга олинади.

Берилган векселлар корхонада 7840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебитида ҳисобга олинади.

Узок муддатли тўланадиган векселлар жорий қисмга ўтказилганда 7840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағи дебетланади ва тўланадиган сумма

узоқ муддатли тўланадиган векселларнинг бошланғич суммасини ушбу миқдорга камайтириб 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисм” ҳисобварағининг кредит томонида кўрсатилади.

7840 “Тўланадиган векселлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб векселлар ҳисобини амалга оширадиган банклар, вексел ушловчилар ва ҳар бир вексел бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар олинди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ёки

К 7820 “Узоқ муддатли қарзлар”.

2) Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобига олинган ТМЗ қабул қилинди:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ёки

К 7820 “Узоқ муддатли қарзлар”.

3) Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобидан бўнақлар берилди:

Д 4300 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)” ёки

Д 4500 “Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича тўловларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ёки

К 7820 “Узоқ муддатли қарзлар”.

4) Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисобидан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарз тўланди:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ёки

К 7820 “Узоқ муддатли қарзлар”.

5) Берилган вексел ва облигациялар эвазига узоқ муддатли қарз олинди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 7830 “Тўланадиган облигациялар” ёки

К 7840 “Тўланадиган векселлар”.

б) Узоқ муддатли кредитлар, қарзлар, облигациялар ва векселларни жорий қисмга ўтказиш:

Д 7800 “Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисм”.

Кредит ва қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар кредиторлик қарзлар таркибида ҳисобга олинади, тўловидан қатъий назар ҳисобланган ойида ҳисобга олинади керак. Бунинг учун 6920 “Ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи очилган.

Қарзлар бўйича харажатлар, капитализация қилинадиган қисмидан ташқари қолган қисми, улар амалга оширилган даврнинг харажатлари (молиявий фаолият бўйича харажатлар) сифатида тан олинади лозим ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттиради:

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

Малакаланган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу активнинг таннарига олиб бориш йўли орқали капитализация қилиниши лозим. Қарзлар бўйича харажатлар малакаланган активнинг қийматига қўшиш йўли билан капитализация қилинади, агарда ундан хўжалик юритувчи субъект келгусида иқтисодий манфаатлар олиши мумкин бўлса ва бунда харажатларни ишончли ўлчаш имконияти мавжуд бўлса.

Агар асосий воситаларга амортизация ҳисобланмаса унда кредит ва қарзлар бўйича фоизлар бошқа операцион харажатлар таркибида ҳисобга олинади:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

Агар асосий воситаларга амортизация ҳисобланса унда кредит ва қарзлар бўйича фоизлар асосий воситаларни бошланғич қийматига қўшилади, бунинг учун қуйидаги шартларга жавоб бериш керак:

1) асосий воситалар актив сифатида тан олинади, агар:

а) корхонага келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса ёки бошқарув эҳтиёжлари учун фойдаланса;

б) актив қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса;

2) ташкилот асосий воситани сотиб олиш ёки қурилиш ишларини бошлаб харажат қилинган бўлса;

3) фоизлар тўлаш муддати етган бўлса;

4) асосий воситалар қиймати айланмадан ташқари қўйилмалар таркибида акс эттирган бўлса;

5) асосий восита фойдаланишга топширмаган бўлса.

Бу ҳолатда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув бўлади:

1) асосий воситани фойдаланишга топширгунча:

Д 0810 “Тугалланмаган қурилиш”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

2) асосий воситани фойдаланишга топширганда ва 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағига қабул қилгандан сўнг:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

Агар бу шартлар риоя қилинмаса, фоизлар бошқа операцион харажатлар таркибида ҳисобга олинади.

Агар асосий воситалар объектини қуриш уч ойдан ортиқ муддатга тўхтатилса, фоизлар бошқа операцион харажатлар таркибида ҳисобга олинади.

### 3.6. Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби

Корхона таъсисчилари (акциядорлик жамиятининг акциядорлари, ўртоқлик жамиятларининг иштирокчилари ва ш.к.)нинг корхона устав капиталига улушлар бўйича қарзлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаш-тириш 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” ҳисобварағида амалга оширилади

Корхонанинг таъсисчилар олдида дивидендлар бўйича ва чиқиб кетаётган таъсисчилар олдида уларнинг улушлари, шунингдек таъсисчиларга таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар улар киритган улушлар бўйича жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6610 “Тўланадиган дивидендлар”;

6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар”;

6630 “Таъсисчиларнинг устав капиталини ошириш бўйича улушлари”.

**Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар.** Корхонани ташкил қилишда таъсисчилар ёки акцияга обуна бўлган шахсларнинг қарз суммаси 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” ҳисобварағининг дебети устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (8300) билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

Таъсисчиларнинг улуш суммалари пул маблағлари кўринишида ҳақиқатда келиб тушганда 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” ҳисобварағининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда ёзув амалга оширилади. Моддий ва бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари)

кўринишидаги улушлар 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” ҳисобварағининг кредитида асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Корхонага мулк сифатида акцияларга тўлов учун натура шаклида берилган мол-мулк таъсисчилар келишуви асосида аниқланган баҳода кирим қилинади.

4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб (кўрсатувчига акциялардан ташқари) ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи ҳисобварақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Иштирокчилар улушлари суммасида (акцияга обуна суммасида) устав капиталининг эълон қилинган ҳажми (корхона рўйхатдан ўтганидан кейин):

Д 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”

К 8300 “Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Таъсисчилар корхона мулкига тугалланмаган қурилиш, асбоб-ускуна, асосий воситаларни тақдим этишди:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 0700 “Ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 0810 “Тугалланмаган қурилиш”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

3) Таъсисчилар акцияларга обуна тўлови сифатида номоддий активларни тақдим этишди:

Д 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

4) Таъсисчилар акцияларга обуна тўлови сифатида узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни тақдим этишди:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” ёки

Д 5810 “Қимматли қоғозлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

5) Таъсисчилар корхона мулкига товар-моддий захираларни тақдим этишди:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

б) Таъсисчиларнинг улушлари суммаси пул маблағлари кўринишида келиб тушди:

Д 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

7) Корхонанинг устав капиталига улушлари таъсисчиларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

**Таъсисчиларга даромад тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар.** Ташкилот томонидан олинган соф фойда таъсисчилар ўртасида таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади. Соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамияти (АЖ) акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) иштирокчиларининг йиғилиши томонидан қабул қилинади.

АЖда даромадлар таъсисчиларга акциялар бўйича дивидендлар кўринишида, МЧЖда - устав капиталидаги улушларга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилади.

Таъсисчиларга даромадларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда ёзувлар қилинади:

1) таъсисчиларга ҳисобланган даромадлар (дивидендлар) суммасига:

а) ташкилот ходими бўлмаган юридик ёки жисмоний шахсларга:

Д 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

К 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

б) ташкилот ходимлари бўлган жисмоний шахсларга:

Д 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

2) тўлов манбаида ушланган даромад солиғи суммасига:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар” ёки

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

а) нақд пулда ёки нақд пулсиз пуллик шаклида ҳисоб-китоб қилинганда, минус ушланган солиқ суммалари:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар” ёки  
Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

б) маҳсулот, товар ёки бошқа мулк шаклида турдаги ва шунингдек ишлар, хизматлар турдаги натурал шаклида:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар” ёки  
Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 9000 “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 9300 “Асосий (операцион) фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

в) бир вақтнинг ўзида маҳсулот, товарлар, ишлар, хизматлар ва бошқа мулклар таннархи ҳисобдан чиқарилади:

Д 9100 “Сотилган маҳсуло (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

д) бюджетга ҚҚС ҳисобланади:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

6600 “Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир муассис (иштирокчи) учун юритилади.

### **3.7. Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Таъминотчилар ва пудратчилар билан, шунингдек харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблардан ташқари корхоналар нотижорат операциялар бўйича турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Бу операциялар ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эмас ва кўшимча характердаги операциялар билан боғлиқ. Бу операциялар ташкилотнинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ эмас. Мисол учун, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур материаллар учун мол етказиб берувчига қарз қиймати, 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағида акс эттирилади, лекин ташкилот ходимларини ўқиш харажалари кредиторлик қарзлар таркибида 6990 “Бошқа мажбуриятлар” ҳисобварағида акс эттирилади.

Юқорида тушунтириш берилган олинадиган ҳисобварақларда кўрсатилмаган турли операциялар, жумладан, олинадиган фоизлар, дивидендлар, роялти, молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар,

даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар ва бошқалар бўйича дебиторлар билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар”;

4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар”;

4830 “Олинадиган фоизлар”;

4840 “Олинадиган дивидендлар”;

4850 “Олинадиган роялти”;

4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”;

4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”.

4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар” ҳисобварағида шартномага мувофиқ, молиявий ижара бўйича олинадиган ижара тўловларининг жорий қисми ҳисобга олинади. Ижара тўловлари жорий қисмининг келиб тушиши 4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар” ҳисобварағининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар” ҳисобварағида шартномага мувофиқ, ижара бўйича олинадиган ижара тўловлари ҳисобга олинади. Ижара тўловлари ҳисобланганда 4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар” ҳисобварағи 9350 “Оператив ижарадан даромадлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда дебетланади. Ижара тўловларининг келиб тушиши 4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар” ҳисобварағининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

4830 “Олинадиган фоизлар” ҳисобварағида фоизларни ҳисоблаш ва уларнинг олиниши ҳисобга олинади. Муддати ўтган фоизлар алоҳида ҳисобга олинади ва улар бўйича шартномага мувофиқ пеня ҳисобланади.

4840 “Олинадиган дивидендлар” ҳисобварағида қимматли қоғозлар бўйича дивидендларни ҳисоблаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4850 “Олинадиган роялти” ҳисобварағида роялтини ҳисоблаш ва уларнинг олиниши ҳисобга олинади.

4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг дебитида даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, жумладан:

а) мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга ва транспорт ташкилотларига уларнинг ҳисобварақлари текширилганда шартномада келишилган ва прејскурантда назарда тутилган баҳо ва тарифларнинг бири-бирига мувофиқ келмаслиги, шунингдек арифметик хатолар аниқланганда - мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тақдим этилган ҳисобварақлардаги баҳоларнинг ошиб кетиши ёки арифметик хатолар товар-моддий қийматликлар ёки харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ёзувлар амалга оширилганидан сўнг аниқланганда, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар ёки ишлаб чиқариш захиралари, товарлар ва тегишли харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда;

б) мол етказиб берувчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга юкнинг камомади бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда;

в) мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларга уларнинг айби билан юзага келган, яроқсиз маҳсулотлар ва бўш туриб қолишлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда;

г) корхонанинг ҳисобварақларидан нотўғри ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича банк муассасаларига пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда;

д) шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлиги учун мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқалардан, тўловчилар томонидан тан олинган ёки иқтисодий суд томонидан белгиланган миқдорда олинадиган жарималар, пенялар, неустойкалар бўйича (тўловчилар томонидан тан олинмаган, билдирилган даъволар суммаси ҳисобда акс эттирилмайди), 9390 “Бошқа операцион даромадлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда келиб тушган тўловлар суммасига кредитланади. Кейинчалик аниқланган ва олинмиши керак бўлмаган суммалар, қоидага мувофиқ, ҳисобга олишга қабул қилинган шу ҳисобварақларга 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг кредити бўйича олиб борилади.

4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб даъволар бўйича алоҳида юритилади.

4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари” ҳисобварағида юқоридаги ҳисобварақларда кўрсатилмаган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида турли дебиторлар қарзларини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Молиявий ижара бўйича тўловларнинг узок муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказилиши:

Д 4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар - жорий қисм”

К 0920 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар”.

2) Оператив ижара бўйича олинадиган суммаларни ҳисоблаш:

Д 4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар”

К 9350 “Оператив ижарадан даромадлар”.

3) Ижара бўйича қарзларни қоплаш учун ижарачилардан суммалар келиб тушди:

Д 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга

олувчи ҳисобварақлар”

К 4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар - жорий қисм” ёки

К 4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар”.

4) Олинган векселлар бўйича фоизлар ҳисобланди:

Д 4830 “Олинадиган фоизлар”

К 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”.

5) Мижозлардан келиб тушадиганлар акс эттирилди:

а) фоизлар:

Д 4830 “Олинадиган фоизлар”

К 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”.

б) дивидендлар:

Д 4840 “Олинадиган дивидендлар”

К 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”.

в) роялти:

Д 4850 “Олинадиган роялти”

К 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”.

б) Корхонанинг банкдаги ҳисобварақларига фоизлар ва дивидендлар келиб тушди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4830 “Олинадиган фоизлар” ёки

К 4840 “Олинадиган дивидендлар”.

7) Бошқа ташкилотлардан роялтининг келиб тушиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4850 “Олинадиган роялти”.

8) Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ҳисобварағида аниқланган баҳо ва тарифларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги, хатолар бўйича мол етказувчиларга даъво билдирилди:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

9) Капитал қурилиш учун илгари тўланган, ҳажмининг ошиб кетиши, баҳоларнинг номутаносиблиги ва ҳисобварақлардаги хатолар бўйича пудратчиларга даъво билдирилди:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

10) Баҳоларнинг номутаносиблиги ва арифметик хатолар бўйича товар-моддий захираларнинг камомади бўйича мол етказиб берувчиларга даъво билдирилди:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

11) Камомадлар, ҳисобварақлардаги хатолар, сифат бўйича даъво билдирилди (1510-ҳисобварақдан фойдаланилганда):

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”.

12) Корхона ҳисобварақларидан нотўғри олинган суммалар бўйича банкка даъво билдирилди:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

13) Келиб тушган моддий қийматликларни кирим қилишда мол етказиб берувчиларга даъволар билдирилди:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

14) Бошқа корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун тан олинган жарима, пеня ва неустойкалар суммаси:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”.

15) Қониктирилмаган даъво суммаси харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларга олиб борилди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.

16) Ажратилган бўлинмалар томонидан турли ташкилотларга хизмат кўрсатилди:

Д 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

16) Бошқа корхоналар ва шахслар ҳисобидан ходимларга тегишли бўлган суммалар:

Д 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.

Турли кредиторлар билан муомалалари бўйича қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6910 “Тўланадиган оператив ижара”;

6920 “Ҳисобланган фоизлар”;

6930 “Роялти бўйича қарзлар”;

6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар”;

6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”;

6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”;

6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”;

6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

6910 “Тўланадиган оператив ижара” ҳисобварағида корхонанинг оператив ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги мажбурияти акс эттирилади. Ҳисобланган ижара суммаси 6910 “Тўланадиган оператив ижара” ҳисобварағининг кредит томонида, ижарага берувчига тўланган сумма эса ушбу ҳисобварақнинг дебет томонида акс эттирилади.

6910 “Тўланадиган оператив ижара” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир оператив ижара шартномаси бўйича алоҳида юритилади.

6920 “Ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағида кредиторлар томонидан берилган қарзлар ва кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар акс эттирилади. Тўланиши лозим бўлган фоизлар бўйича ҳисобланган суммалар 6920 “Ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағининг кредитида, фоизлар бўйича қарзларни тўлаш эса ушбу ҳисобварақнинг дебетида акс эттирилади.

6920 “Ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича алоҳида юритилади.

6930 “Роялти бўйича қарзлар” ҳисобварағида корхонанинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фойдаланиш учун активларнинг олиниши натижасида вужудга келган роялти тўловлари бўйича корхонанинг мажбуриятлари ҳисобга олинади. Роялти бўйича ҳисобланган қарзлар 6930 “Роялти бўйича қарзлар” ҳисобварағининг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6930 “Роялти бўйича қарзлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича алоҳида юритилади.

6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар” ҳисобварағида корхонанинг сотилган маҳсулотларга кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича харидорлар олдидаги мажбуриятлари акс эттирилади. Агар корхона маҳсулотини сотиш вақтида харидорга кафолатли муддат берса, ушбу мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади. Кафолат суммаси маҳсулот сотиш амалга оширилган даврда харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади. Корхона ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, келгуси даврларга бериладиган кафолат суммаси қанчага тўғри келиши, яъни

товар ёки хизматнинг бир бирлигига тўғри келадиган ўртача хизмат қийматини ҳисоблаб чиқиши ва ушбу суммани 6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар” ҳисобварағининг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттириши мумкин.

6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб кафолат билан сотилган ҳар бир маҳсулот, иш ва хизматларнинг турлари бўйича алоҳида юритилади.

6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳисобварағида 12 ой давомида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми акс эттирилади. Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилганда 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳисобварағи тўланадиган суммага узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда кредитланади ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг бошланғич суммасини камайтиради.

Шунингдек ушбу ҳисобварақда молиявий ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ҳам акс эттирилади.

6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли мажбуриятларнинг турлари, қайтарилиш муддатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва унинг ташқарисидаги узоқ муддатли мажбуриятларни ажратган ҳолда алоҳида юритилади.

6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи харидорлар, буюртмачилар ва бошқа корхоналар томонидан билдирилган даъволар, шунингдек тан олинган (ёки эътироф этилган) жарималар, пенялар ва неустойкалар бўйича корхонанинг қарзи тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Даъволар асосан шартнома мажбуриятларини бажармаганликдан келиб чиқиб, 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг кредитида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор ва даъво бўйича алоҳида юритилади.

6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” ҳисобварағи корхона ишчиларига маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган ҳисобдорлик суммалари билан ҳақиқий сарфланган суммалари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар сарфланган сумма ҳисобдорлик бўйича берилган суммадан ошса, корхонанинг ҳисобдор шахс олдида қарзи вужудга келади ва ушбу сумма 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” ҳисобварағининг кредит томонида кўрсатилади.

6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ҳисобдор шахслар бўйича алоҳида юритилади.

6990 “Бошқа мажбуриятлар” ҳисобварағи турли нотижорат муомалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслар (ўқув юртлири, илмий корхоналар ва ш.к.) олдидаги суд органларининг ижроя ҳужжатлари ёки қарорлари асосида корхона ишчиларининг меҳнат ҳақидан турли корхона ва алоҳида шахслар фойдасига ушлаб қолинган суммалар бўйича корхонанинг жорий мажбуриятлари акс эттирилади.

6990 “Бошқа мажбуриятлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида турли кредиторлар қарзларини ҳаракати бўйича муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Оператив ижара бўйича фоиз ҳисобланди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6910 “Тўланадиган оператив ижара”.

2) Оператив ижара бўйича қарз тўланди:

Д 6910 “Тўланадиган оператив ижара”

К 5000 “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Молиявий ижара бўйича фоиз ҳисобланди:

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

4) Қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланди:

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

5) Қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар тўланди:

Д 6920 “Ҳисобланган фоизлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

6) Ҳисобланган роялти тўланди:

Д 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”

К 6930 “Роялти бўйича қарзлар”.

7) Қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар тўланди:

Д 6930 “Роялти бўйича қарзлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки  
К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

8) Кафолатли хизмат бўйича қарз ҳисобланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар”.

9) Кафолатли хизмат бўйича ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилди:

Д 6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

К 9420 “Маъмурий харажатлар”.

10) Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилди:

Д 7800 “Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 7900 “Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”.

11) Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми бўйича тўланган сумма:

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5200 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 5500 “Банкдаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

12) Тан олинган даъволар (хатолар, йўлдаги камомад, маҳсулот сифатининг мувофиқ келмаслиги ва ҳоказолар) бўйича қарзлар ҳисобланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”.

13) ТМЗлардаги арифметик хатолардан келиб чиққан даъволар бўйича қарзлар (ҳисоб-китоб ҳужжатларидагидан ҳақиқатда кам етказиб берилганда) ҳисобланди:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

К 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”.

14) Шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлик учун жарималар, пенялар, неустойкалар суммалари бўйича қарзлар (тан олинган ёки арбитраж

томонидан эътироф этилган ҳажмда) ҳисобланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”.

15) Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга тааллуқли харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга қарзлар ҳисобланди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

16) Яроқсиз маҳсулот билан боғлиқ бўлган турли харажатлар (қайтариб олиб келиш ва ҳоказо) тўлови учун ҳисобдор шахсларга қарзлар ҳисобланди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

17) Сотиб олинган товарлар учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди:

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

18) Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган (транспорт ва бошқа) харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

19) Табиий офатларнинг олдини олиш ёки бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган турли харажатларнинг тўлови учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди:

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

20) Капитал қўйилмаларда турли корхоналар хизматлар кўрсатди:

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

21) Турли корхона ва шахслардан турли ТМЗ сотиб олинди ва ҳар хил хизматлар қабул қилинди (1510 ҳисобварақ қўллаганда):

Д 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

22) Турли корхоналар асосий, ёрдамчи, умумишлаб чиқариш цехлари ва хизмат кўрсатиш хўжаликларига хизматлар кўрсатишди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

23) Яроқсиз маҳсулотни тузатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўйича истеъмолчиларга бўлган қарз:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

24) Бошқа шахслардан товарлар келиб тушди:

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

25) Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда кўрсатган хизматлари учун бошқа корхоналарга бўлган қарз:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

26) Бошқа шахслардан пул эквивалентлари келиб тушди:

Д 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

27) Бошқа шахслардан ўтказмалар келиб тушди:

Д 5710 “Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

28) Бошқа шахслардан қимматли қоғозлар сотиб олинди:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” ёки

Д 5810 “Қимматли қоғозлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

29) Турли корхоналарнинг ижтимоий соҳа объектларини сақлаш бўйича кўрсатган хизматлари ҳисобланди:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

30) Сотиб олинган акцияларни сақлаганлиги учун депозитарийга бўлган қарз ҳисобланди:

Д 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

### **3.8. Шубҳали қарзлар бўйича захиралар ҳисоби**

Белгиланган муддатда қопланмаган ва тегишли кафолатлар (гаров, кафиллик, банк кафолати) билан таъминланмаган корхонанинг дебиторлик қарзи даргумон қарз сифатида тан олинади.

Агар ташкилотлар ҳисоб сиёсатида даргумон қарзлар бўйича резерв яратилиши назарда тутилган ҳолларда, резерв ташкил қилишлари мумкин ва бу суммани молиявий натижаларда ҳисобга оладилар.

Даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобот йили охирида корхонанинг дебиторлик қарзларининг инвентаризацияси натижалари асосида ташкил этилади:

- бухгалтерия ҳисобида – “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ;

- солиқ ҳисобида – ЎзР Солиқ кодексининг 44 боб 313 модда талабларига мувофиқ.

Ушбу модда мақсадларида, суднинг қарорига кўра, банкротлик, тугатиш, қарздор вафот этганлиги туфайли мажбуриятлар тугатилганлиги оқибатида ёки даъво муддати ўтганлиги оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган қарз умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи олдинги ҳисобот (солиқ) даврларида солиқ солинадиган даромадлар олиш билан боғлиқ бўлган умидсиз қарзларни чегириб ташлашга ҳақли.

Умидсиз қарзларни чегириб ташлашга фақат қарз ҳисобдан чиқарилган ва солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилган тақдирда йўл қўйилади.

Шу билан бирга бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобида резерв тузиш учун турли талаблар қўйилади.

ЎзРда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот юритилишида ушбу шарт бажарилса, даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил қилиш мумкин:

- қарздорлик маҳсулот, товар, иш, хизмат учун ҳисоб-китоблар бўйича пайдо бўлган;

- шартнома бўйича қарзни қайтариш муддати тугаган;

- қарзни қайтариш кафолатлари мавжуд эмас.

Солиқ кодексида даргумон қарзлар учун резерв ташкил қилишга қўшимча талаблар қўйилади, яъни:

- даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил қилиш учун, корхоналар солиққа тортиш мақсадида сотишдан тушумни ҳисоблаш усули билан амалга оширилса;

- резерв суммаси мажбуриятнинг вужудга келиш даврига боғлиқ;

- даргумон қарзлар бўйича резерв умумий суммаси ҳисобот даври бўйича чорак, ярим йиллик, тўққиз ой, йиллик жамланиб борувчи олинган савдо тушумининг 10% идан ошмаслиги керак.

Даргумон қарзлар бўйича резервларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв” ҳисобварағида амалга оширилади.

Корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблари бўйича даргумон қарзлари суммасига резерв ташкил қилинади ва 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағига олиб борилади.

Резерв ҳажми ҳар бир даргумон қарз бўйича алоҳида, қарздорнинг молиявий аҳволи (тўлов қобилияти) ва қарз суммасини тўлиқ ёки қисман тўлаш эҳтимолини баҳолаш асосида аниқланади.

Агар шубҳали қарз бўйича резерв ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу резервнинг маълум бир қисми ишлатилмаса, у ҳолда ишлатилмаган сумма тегишли йилнинг фойдасига қўшилади ва фойда солиғини ҳисоблашда солиқ базасига қўшилмайди.

Илгари корхона томонидан даргумон қарз сифатида тан олинган қарзларни балансдан чиқариш 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”

ҳисобварағининг дебитида тегишли дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (олинадиган ҳисобварақлар)ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Даргумон қарзлар бўйича ишлатилмаган резерв суммасининг фойдага кўшилиши 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв” ҳисобварағининг дебитида ва 9390 “Бошқа операцион даромадлар” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

4910 "Даргумон қарзлар бўйича резерв" ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир даргумон қарз ва резерв ташкил қилинган муддат бўйича юритилади.

Қуйида даргумон қарзлар бўйича резервни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил қилинди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”.

2) Харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобига ҳисобдан чиқарилди:

Д 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

3) Даргумон қарзлар бўйича резервлар суммасининг ишлатилмаган қисмининг улар ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг фойдасига кўшилиши:

Д 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

### **3.9. Ўзаро даъво ва мажбуриятларни ҳисобга олиш йўли билан мажбуриятларни бекор қилиш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби**

ЎЗР Фуқаролик кодексининг 25-боб 343-моддасида ҳисобга ўтказиш билан мажбуриятнинг бекор бўлиши қуйидагича тариф берилган: “Муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади”.

Мажбуриятларни бекор қилиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- қарама-қарши мажбуриятнинг мавжудлиги;

- қарама-қарши мажбуриятларнинг бир хиллиги;

- фақат муддати келган ёки муддати белгиланмаган ёки талаб қилинган вақт билан белгиланмаган мажбуриятлар учун.

Мажбуриятлар бекор бўлиши бир хил даъволарнинг тўлиқ эквивалентлиги билан ҳал этилади. Агар бир корхона бошқасидан каттароқ даъвога эга бўлса, катта даъво қисман кичикроқ даъвога тенг миқдорда қайтарилади.

Ҳисобга ўтказиш учун бир тарафнинг аризаси кифоя қилади. Лекин бир томонлама ҳисобга олишни томонларнинг талаблари тенг бўлганда ва томонлар ўртасида ҳеч қандай келишмовчилик бўлмаганида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳисобга олиш томонлардан бирининг ўзаро қарзни узиш тўғрисида ёзма хабарнома бериши билан амалга оширилади.

Агар тарафларнинг даъволари тенг бўлмаса, бир мажбурият тўла хажмда, иккинчиси қисман қайтарилса, икки томоннинг розилиги билан мажбуриятларни ҳисобга олиш яхши самара беради. Бундай ҳисоблаш икки томон имзоланган ўзаро ҳисобга олиш шартномаси билан амалга оширилади.

Мажбуриятларнинг юзага келиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- битта шартнома бўйича жўнатилган товарлар, ишлар, хизматлар ва ҳисобланган ҚҚС суммаси билан дебиторлик қарз пайдо бўлади:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 9000 “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС суммасига)”;

- иккинчи шартномада жўнатилган товарлар, ишлар, хизматлар ва ҳисобланган ҚҚС суммаси билан МЕБ тақдим қилинган ҳужжатлар асосида кредиторлик қарз пайдо бўлади:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

Д 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (ҚҚС суммасига)”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

Товар, иш, хизматларни қабул қилингандан сўнг ҚҚС суммаси МЕБнинг ҳисобварақ-фактураси асосида харидор томонидан харидор томонидан ҳисобот даврининг охирида ҳисобга олинади:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС суммасига)”

К 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (ҚҚС суммасига)”.

Солиқ кодексининг 248-моддасига мувофиқ, агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли.

Харидор тақдим этилган (ва ҳисобварақ-фактурада ажратилган) солиқ суммасини тўлов топшириқномаси билан тўлаши шарт.

Далолатномада даъволар ўзаро ҳисоблашишда ҚҚСсиз ҳисобга олиш керак. Қайтариладиган қарз бўйича солиқ суммаси тарафлар томонидан бир-бирига нақд пулда ўтказилади.

Ҳисобдаги ўзаро даъволарнинг ҳисобга олиниши ҚҚСсиз қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланидиган ҳисобварақлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

Даъволарни ўзаро ҳисобга олганда ҚҚС суммаси харидор томонидан алоҳида тўлов топшириқномаси билан МЕНБга ўтказилади.

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланидиган ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

Даъволарни ўзаро ҳисобга олганда ҚҚС суммаси харидор томонидан тўланганда МЕНБ куйидаги ёзув қилади:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

### **3.10. Мажбуриятларда шахсни ўзгариши ҳисобидан (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ҳисоб-китоблар ҳисоби**

ЎЗР ФК 313 модда асосан мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган бўлмаса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади.

#### **Биринчи кредиторда ҳисоб-китоблар**

Даъво ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартноманинг шартномавий қиймати тўғрисида:

Д 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзлари”

К 9390 “Бошқа операцион даромад”.

Солиқ кодексининг 10-бобига мувофиқ бу битим ҚҚС тортилмайди, лекин сотилган дебиторлик қарз бўйича тўланмаган ҚҚС суммаси мавжуд бўлса, унда бу сумма шартнома тузилган пайтда тўлиқ бюджет билан ҳисоб-китоб қилинади.

Д 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС суммасига)”.

Даъво ҳуқуқи сотилган кейин ҳисобдан чиқарилади:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

Мазкур даъво ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар суммаси:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”.

Одатда, даъво ҳуқуқини сотган биринчи кредитор зарар кўради:

Д 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

К 9910 “Яқуний молиявий натижа”.

ЎзР Солиқ кодексини 300 моддасига мувофиқ талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар қўйидагиларнинг ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади:

1) талаб қилиш ҳуқуқини олувчи солиқ тўловчи учун – қарздордан талаб бўйича асосий қарздан олинishi лозим бўлган сумма, шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш санасидаги асосий қарздан ортиқ сумма билан талаб қилиш ҳуқуқини олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ;

2) талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечган солиқ тўловчи учун – талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш қайси қиймат бўйича амалга оширилган бўлса, ўша қиймат билан солиқ тўловчининг дастлабки ҳисобга олиш ҳужжатларига биноан талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш санасида қарздордан олинishi лозим бўлган талабнинг қиймати ўртасидаги ижобий фарқ;

3) қарзни талаб қилиш ҳуқуқини бундан буён амалга оширувчи солиқ тўловчи учун – талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш қиймати билан мазкур талабни сотиб олиш харажатларининг суммаси ўртасидаги ижобий фарқ.

Талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечишдан олинган даромад талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш амалга оширилган ҳисобот (солиқ) даврида эътироф этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномасига кўра олинган салбий фарқ солиқ тўловчининг зарари деб эътироф этилади ва солиқ базаси аниқланаётганда чегириб ташланади.

**Даъво ҳуқуқини сотиб олишнинг ҳисоб-китоби (Иккинчи кредиторда ҳисоб-китоблар)**

Даъво ҳуқуқини сотиб олишнинг ҳақиқий харажатлари суммасига:

Д 5890 “Бошқа жорий инвестициялар”

К 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”

12-сонли БҲМС “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” мувофиқан сотиб олинган даъво ҳуқуқи молиявий инвестициялар таркибида ҳисобга олинади. Кейин янги кредиторга талабномани сотганда ёки ушбу битим бўйича тегишли мажбурият бекор қилинган тақдирда солиқ кодексига

мувофиқ ҚҚС ҳисоблаш лозим.

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС суммасига”).

Ҳуқуқни сотганда даъво ҳуқуқини сотиб олиш учун қилинган ҳақиқий харажатлар суммаси ҳисобдан чиқарилиши лозим:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 5890 “Бошқа жорий инвестициялар”.

Даъво ҳуқуқини реализация қилинган харажатлар суммасига:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”.

Сотишнинг молиявий натижаси аниқланди:

Д 9910 “Яқуний молиявий натижа”

К 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”.

### **3.11. Ҳисоб-китоблар ва мажбуриятларни ҳисобга олишнинг солиқ жиҳатлари**

#### **Мол-мулкни ишончли бошқариш иштирокчилари фойдасини солиққа тортиш жиҳатлари**

Фойдани солиққа тортиш мақсадида ишончли бошқарув шартномаси иштирокчиларининг операцияларини ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари солиқ кодексининг 297 ва 322-моддалари билан белгиланади.

Ишончли бошқарув шартномаси бўйича берилган мол-мулк, фойда солиғига тортиш мақсадларида, ишончли бошқарувчининг даромади деб эътироф этилмайди.

Ишончли бошқарув шартномасига мувофиқ, ишончли бошқарувчи томонидан олинган пул мукофоти унинг даромади деб эътироф этилади ва унга ушбу Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқ солинади.

Агар ишончли бошқарув шартномасида ишончли бошқарувни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини ишончли бошқарув муассиси ёки бошқа шахс томонидан қоплаш назарда тутилмаган бўлса, мазкур харажатлар ишончли бошқарувчининг харажатлари деб эътироф этилади.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқаришга доир даромадларни ва харажатларни ҳар ойда ўсиб боровчи яқун билан аниқлаши ҳамда муассисга ва (ёки) ишончли бошқарувнинг бошқа наф олувчисига олинган даромадлар ҳамда харажатлар тўғрисидаги маълумотларни Солиқ кодексини “Фойда солиғи” бўлимига мувофиқ солиқ базасини аниқлаш чоғида бу даромадлар ва харажатларни мазкур шахслар томонидан ҳисобга олиш учун тақдим этиши шарт.

Қимматли қоғозларни ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларини ишончли бошқариш чоғида ишончли бошқарувчи даромадлар

хамда харажатларни Солиқ кодексининг 327–329-моддаларида назарда тутилган тартибда аниқлайди.

Агар ишончли бошқарув шартномаси шартларига кўра, ишончли бошқарув муассиси ягона наф олувчи бўлса, бундай муассиснинг солиқ базасини аниқлаш қуйидаги хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) ишончли бошқарув шартномасини амалга ошириш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар (шу жумладан мол-мулк амортизацияси ва ишончли бошқарувчига пул мукофоти тўлаш) олинган даромадларнинг ҳамда амалга оширилган харажатларнинг турига қараб, “Фойда солиғи” бўлимида белгиланган тартибда ишончли бошқарув муассисининг даромадлари ва харажатлари таркибига киритилади;

2) қимматли қоғозларга доир операциялар ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар (ишончли бошқарувчига пул мукофоти тўлаш бундан мустасно) бўйича даромадлар (харажатлар) ишончли бошқарув муассисининг қимматли қоғозларга ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича даромадлари (харажатлари) таркибига ҳамда бундай операциялар учун “Фойда солиғи” бўлимида белгиланган тартибда тегишли тоифага киритилади.

Агар ишончли бошқарув шартномаси шартларига кўра ишончли бошқарув муассиси наф олувчи бўлмаса ёхуд биттадан ортиқ наф олувчи аниқланса, бундай шартнома иштирокчиларининг солиқ базасини белгилаш қуйидаги хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) ишончли бошқарув шартномаси бўйича наф олувчининг даромадлари унинг даромадлари таркибига олинган даромад турига боғлиқ равишда киритилади ва белгиланган тартибда солиққа тортилиши лозим;

2) ишончли бошқарув шартномасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар (ишончли бошқарувчининг пул мукофотидан ташқари, агар бу ҳолат мазкур шартномада пул мукофотини тўлаш ушбу шартномани бажариш доирасида олинган даромадларни камайтириш ҳисобидан бўлмаслиги назарда тутилган бўлса) солиқ солиш мақсадларида наф олувчининг харажатлари таркибида ҳисобга олинади. Бунда ишончли бошқарувчига ҳақиқатан пул мукофоти тўлаш харажатлари (ишончли бошқарувчининг пул мукофотидан ташқари, агар бу ҳолат мазкур шартномада пул мукофотини тўлаш ушбу шартномани бажариш доирасида олинган даромадларни камайтириш ҳисобидан амалга ошириш назарда тутилган бўлса) алоҳида ҳисобга олинади ва ишончли бошқарувчи муассисининг харажатлари таркибидаги харажатлар сифатида эътироф этилади;

3) ишончли бошқарув шартномаси бўйича бир нечта наф олувчи мавжуд бўлган тақдирда, “Фойда солиғи” бўлимига мувофиқ даромадлар ва харажатлар уларда ўзларига тегишли бўлган улушга мутаносиб равишда ҳисобга олинади.

Ишончли бошқарув шартномаси амалда бўлган даврда кўрилган зарарлар ишончли бошқарув муассисининг ёки наф олувчининг солиқ бўйича солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмайди. Бундай зарарлар ушбу ишончли бошқарувдан олинадиган келгуси даромадларга ушбу бўлимда белгиланган тартибда ўтказилади.

Ишончли бошқарув шартномасини тугатиш чоғида ишончли бошқарувдан кўрилган зарарлар ишончли бошқарув муассисининг ёки наф олувчининг солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмайди ва келгуси даврга ўтказилмайди.

Ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, ишончли бошқарувга берилган мол-мулк, мазкур шартнома шартларига кўра, ишончли бошқарув муассисига қайтарилиши ёхуд бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Мол-мулк қайтарилган тақдирда ишончли бошқарув муассисидан, ишончли бошқарувга берилган мол-мулкнинг ишончли бошқарув шартномаси кучга кирган пайтдаги қиймати ва ушбу шартномани тугатиш пайтидаги қиймати ўртасидаги ижобий (салбий) фарқ юзага келишидан ёки келмаслигидан қатъи назар, даромад (зарар) юзага келмайди.

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишда ушбу шахсда у олган мол-мулкнинг қиймати миқдоридан даромад юзага келади.

Ишончли бошқарувчи ишончли бошқарув шартномасини бажариш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар бўйича ҳамда ишончли бошқарувдан пул мукофоти тарзида олган даромадлари бўйича, ҳар бир ишончли бошқарув шартномаси кесимида алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Муассисининг ёки наф олувчининг, шунингдек ишончли бошқарув шартномаси бўйича ишончли бошқарувчининг даромадлари ҳар бир ҳисобот (солиқ) даврида, бундай шартномада ишончли бошқарув шартномасининг амал қилиш муддатида ҳисоб-китобларни амалга ошириш назарда тутилганлигидан ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, шакллантирилади.

Агар ишончли бошқарувнинг муассиси ёки наф олувчиси юридик шахс бўлса, ишончли бошқарувчи ишончли бошқарув шартномасини амалга ошириш (шу жумладан амортизация чегирмаларини ҳисоблаб чиқариш) билан боғлиқ даромадларни ва харажатларни ишончли бошқарувнинг муассиси ёки наф олувчиси бўлган юридик шахснинг солиқ солиш мақсадида ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда аниқлаши шарт. Бунда ишончли бошқарувчи ишончли бошқарувнинг ушбу муассисига солиқ базасини аниқлаш учун зарур бўлган барча бирламчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

### **Кредит ва қарзлар ҳисобининг солиқ жиҳатлари**

Солиқ ҳисобида кредитлар ва қарзлар бўйича фойзалар реализациядан ташқари харажатларга таркибига киритилади ва солиқ кодексининг 310-моддасида белгиланган меъёрларда солиққа тортиладиган фойдани камайтиради.

Солиқ тўловчининг қарз мажбуриятлари (кредитлар, товар ва тижорат кредитлари, қарзлар, банк омонатлари, банк ҳисобварақлари ёки расмийлаштириш усулидан қатъи назар, бошқа жалб қилинган маблағлар) бўйича фоизлар тарзидаги харажатлари (бундан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида капиталлаштириш учун рухсат берилган харажатлар мустасно) ушбу Кодекснинг VI бўлимида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ҳақиқий ставкадан келиб чиқиб, чегириб ташланади.

Юридик шахснинг назорат қилинадиган қарзи билан боғлиқ харажатлари 310-модданинг биринчи қисми қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, ушбу моддада белгиланган энг кўп қийматлардан ошмайдиган миқдорда чегириб ташланади. Мазкур қоида қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

- 1) қарз маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларга;
- 2) неустойкаларнинг (жарималар, пеняларнинг) суммалари, жавобгарликнинг бошқа чоралари қўлланилганлиги натижасида, шу жумладан шартнома мажбуриятларини бузганлик учун зарарларнинг ўрнини қоплаш натижасида тўланиши лозим бўлган суммаларга.

310-модда мақсадларида юридик шахснинг қуйидаги қарзлари назорат қилинадиган қарзлар деб эътироф этилади:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлмаган, мазкур солиқ тўловчи акцияларининг (устав фондидаги (устав капиталидаги) пайлар, улушларнинг) 20 фоизидан ортиғига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган чет эллик юридик ёки жисмоний шахс олдидаги қарзи;

- 2) Солиқ кодексининг 37-моддасига мувофиқ ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган чет эллик шахснинг ўзаро боғлиқ шахси деб эътироф этиладиган бошқа шахс олдидаги қарзи;

- 3) ушбу қисмнинг 1 ва (ёки) 2-бандларида кўрсатилган шахслар олдида кафиллик қилувчи, кафил сифатида иш юритувчи шахс ёки ушбу солиқ тўловчининг ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган қарзини тўлашни таъминлаш юзасидан мажбуриятни бошқача тарзда ўз зиммасига оладиган бошқа шахс олдидаги қарз.

Назорат қилинадиган қарз солиқ давридаги қуйидаги қарзларнинг жами суммаларини ўз ичига олади:

- модда қарз маблағлари бўйича;
- жавобгарликнинг бошқа чоралари қўлланилганлиги натижасида, шу жумладан шартнома мажбуриятларини бузганлик учун зарарларнинг ўрни қопланиши натижасида тўланиши лозим бўлган неустойкалар (жарималар, пенялар) суммалари бўйича.

310-модданинг тўртинчи қисми мақсадлари учун солиқ даврида мавжуд бўлган қарз дейилганда, қайси хўжалик операцияси натижасида жорий ҳисобот (солиқ) даврида қарз юзага келадиган ёки кўпаядиган бўлса, ўша ҳар бир хўжалик операциясининг қиймат кўрсаткичлари суммаси,

шунингдек жорий ҳисобот (солиқ) даврининг бошида тўланмаган қарзнинг суммаси тушунилади.

Агар 310-модданинг учинчи қисмида кўрсатилган чет эллик шахс ёки бошқа шахслар олдидаги назорат қилинадиган қарз миқдори солиқ тўловчининг хусусий капиталидан уч барабардан ортиқ бўлса, фақат лизинг фаолияти билан шуғулланувчи банклар ва солиқ тўловчилар учун эса ўн уч барабардан ортиқ бўлса, харажатларнинг чегириб ташланиши лозим бўлган энг кўп миқдорини аниқлашда ушбу модданинг еттинчи – тўққизинчи қисмларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Солиқ тўловчи назорат қилинадиган қарзнинг ҳар бир тури бўйича энг кўп суммаларни ҳар бир ҳисобот (солиқ) даврининг охириги санасида ҳисоблаб чиқариши шарт. Ҳисоб-китоб назорат қилинадиган қарз бўйича айрим чиқимларнинг (харажатларнинг) солиқ даври бошланганидан эътиборан ўсиб боровчи яқун билан аниқланган суммасини тегишли ҳисобот (солиқ) даврининг охириги санасида ҳисоб-китоб қилинадиган капиталлаштириш коэффициентига бўлиш йўли билан амалга оширилади.

310-модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган капиталлаштириш коэффициенти тегишли назорат қилинадиган, тўланмаган қарз миқдорини ушбу чет эл ташкилотининг солиқ тўловчи устав фондидаги (устав капиталидаги) бевосита ёки билвосита иштирок этиши улушига мувофиқ бўлган хусусий капитал миқдорига бўлиш ҳамда олинган натижани учга, банклар ва фақат лизинг фаолияти билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар учун эса ўн учга бўлиш йўли билан аниқланади.

Хусусий капитал миқдорини аниқлашда солиқ тўловчининг активлари суммаси ва мажбуриятлари миқдори (солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз суммалари, шу жумладан улар бўйича кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш суммалари ҳисобга олинмайди) тегишли ҳисобот (солиқ) даврининг охириги кунидаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аниқланади.

Назорат қилинадиган қарзнинг ҳар бир тури бўйича 310-модданинг олтинчи – тўққизинчи қисмларига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган, бироқ ҳақиқатда ҳисобланган харажатлардан кўп бўлмаган суммалар харажатлар жумласига киритилади.

### **Мажбуриятлардаги шахсларнинг ўзгариши билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг солиқ жиҳатлари**

Харидорга товарлар жўнатиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича МЕН ташкилот ҚҚС суммасини ҳисоблаб ва бюджетга тўлаши шарт.

Бундай ҳолда, солиқ базасини аниқлаш пайти қуйидаги саналарнинг энг эртаси ҳисобланади:

- товарлар (ишлар, хизматлар) жўнатилган кун);
- келгусида товарлар етказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича тўлов ёки қисман тўлов куни.

Келгусида бошқа шахсга даъво талабномасини ўтказганда, солиққа тортиладиган маҳсулотни сотадиган ташкилот яна ҚҚСни ҳисоблаб ва бюджетга тўлаш мажбурияти пайдо бўлади.

Солиққа тортиладиган товарлар сотиш шартномасидан келиб чиқадиган даъвони ўтказиш вақтда, дебиторлик қарзни сотган ташкилот дебиторлик қарз суммасидан ва ундан ортиқча суммадан ҚҚС ҳисоблаб ва бюджетга ўтказиш керак.

Қарз суммасидан кам қийматда дебиторлик қарзлари сотилган тақдирда, ҚҚС дебиторлик қарзларининг умумий суммасидан тўлиқ ундирилиши лозим. Бундай ҳолда ташкилот илгари товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига тақдим этилган ва бюджетга тўланган ҚҚС суммасини чегириб ташлаши мумкин.

Агар даъво ҳуқуқини бериш шартномаси бўйича тўлов дебиторлик қарздан ортиқ бўлса, бундай ортиқча маблағ мол-мулк ҳуқуқларини сотишдан олинган даромад ҳисобланади ва у даромад солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим.

Солиқ ҳисобида даъво ҳуқуқини бериш бўйича зарар нореализацион харажатларга тенглаштирилади ва фойдани солиққа тортишда ҳисобга олиниши лозим.

Товарлар (ишлар, хизматлар) сотувчи томонидан ҳисоблаш методи қўлланилганда, тўлов муддати етмаган даъвони учунчи шахсга ўтказиш пайтида кўрадиган зарарлар суммаси, даъвони ўтказиш санасидан то тўлов кунигача бўлган давр учун оладиган даромади, солиқ кодексини талабларига мувофиқ мажбуриятлар учун тўланадиган фоизлар суммасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Товарлар (ишлар, хизматлар) сотувчи томонидан ҳисоблаш методи қўлланилганда, тўлов муддати етган даъвони учунчи шахсга ўтказиш пайтида кўрадиган зарарлар суммаси тўлиқ ташкилотнинг нореализацион харажатлар таркибига киритилади.

#### **Даргумон қарзлар учун резерв ҳисоблашни солиқ жиҳатлари**

313-модда модда мақсадларида, суднинг қарорига кўра, банкротлик, тугатиш, қарздор вафот этганлиги туфайли мажбуриятлар тугатилганлиги оқибатида ёки даъво муддати ўтганлиги оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган қарз умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи олдинги ҳисобот (солиқ) даврларида солиқ солинадиган даромадлар олиш билан боғлиқ бўлган умидсиз қарзларни чегириб ташлашга ҳақли.

Умидсиз қарзларни чегириб ташлашга фақат қарз ҳисобдан чиқарилган ва солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилган тақдирда йўл қўйилади.

### **3.12. Ҳисоб-китоблар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

#### **№1-мисол.**

2012 йил ноябр ойида “А” ташкилот (мол етказиб берувчи - МЕБ) “В” ташкилотга таъминот шартномасига мувофиқ (харидор) 42 258 000 сўм

миқдорида маҳсулот (алоҳида ҚҚС суммаси 6 338 700 сўм) етказиб берди. Ҳисобланган 6 338 700 сўм суммасидаги ҚҚС бюджетга тўланди. Ташкилот ҳисоб сиёсатида ҳисоблаш усулидан фойдаланади.

Жўнатишган маҳсулотлар таннархи 21 150 000 сўмни ташкил этди.

Харидор томонидан шартнома кўрсатилан муддатда тўлов бўлмади, шунинг учун “А” ташкилоти “С” ташкилот (дебиторлик қарз харидори) билан дебиторлик қарзини сотиш учун даъво ҳуқуқини ўтказиш шартномасини тузди. Шартнома қиймати 45 075 000 сўм ва алоҳида ҚҚС суммаси 6 761 250 сўм. “С” ташкилоти шартномага мувофиқ, шартномада кўрсатилган суммани эртанги кун “А” ташкилотнинг ҳисоб рақамига 51 836 250 сўм (ҚҚС билан) ўтказиб берди.

Ушбу хўжалик операцияларини ҳисобварақларда акс эттиринг?

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Маҳсулот жўнатишгандан сўнг операцияларни ҳисобга олиш			
“В” ташкилотига жўнатишган товарлар қиймати акс эттирилди	42 258 000	4010	9010
ҚҚС суммаси акс эттирилди	6 338 700	4010	6410
Сотилган маҳсулотни ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	21 150 000	9110	2810
Маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳисобварағи ёпилди	42 258 000	9010	9910
Сотилган маҳсулотни ҳақиқий таннархи ҳисобварағи ёпилди	21 150 000	9910	9110
Маҳсулот сотишдан молиявий натижа (фойда) акс эттирилди (42 258 000 сўм – 21 150 000 сўм – 3 166 200 сўм)	17 941 800	9910	8710
Фойда солиғи ҳисобланди ((42 258 000 сўм – 21 150 000 сўм = 21 108 000 сўм) x 15%)	3 166 200	8710	6410
ҚҚС бюджетга ўтказилди	6 338 700	6410	5110
Бюджетга фойда солиғи ўтказилди	3 166 200	6410	5110
Даъво ҳуқуқи ўтказилгандан сўнг операцияларни ҳисобга олиш			
“С” ташкилотга дебиторлик қарз сотилиши акс эттирилди» (ҚҚС сиз)	45 075 000	4890	9390
ҚҚС ҳисобланди	6 761 250	4890	6410
“В” ташкилотни (маҳсулот харидори) дебиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилди	42 258 000	9430	4010
Маҳсулот жўнатишганда ҳисобланган ва бюджетга тўланган ҚҚС суммаси ҳисобдан чиқарилди	6 338 700	6410	4010

Бошқа операцион даромадлар ҳисобварағи якуний молиявий натижа ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилди	45 075 000	9390	9910
Бошқа операцион харажатлар ҳисобварағи якуний молиявий натижа ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилди	42 258 000	9910	9430
Дебиторлик қарз сотишдан молиявий натижа (фойда) аниқланди (45 075 000 сўм – 42 258 000 сўм – 422 550)	2 394 450	9910	8710
“С” ташкилотидан даъво ҳуқуқини ўтказиш шартномаси бўйича пул маблағлари қабул қилинди (ҚҚС билан) (45 075 000 сум+ 6 761 250 сўм)	51 836 250	5110	4890
Фойда солиғи ҳисобланди ((45 075 000 сўм – 42 258 000 сўм = 2 817 000 сўм) x 15%)	422 550	8710	6410
Ҳисобот даврида бюджетга ҚҚС суммаси ўтказилди (6 761 250 сўм – 6 338 700 сўм)	422 550	6410	5110
Бюджетга фойда солиғи ўтказилди	422 550	6410	5110

### №2-мисол.

2019 йилнинг ноябр ойида олди-сотди шартномаси бўйича келгусида етказиб бериладиган товарларга ташкилот томонидан 42 258 000 сўм ва ҚҚС 6 338 700 сўм миқдорида тўлов қилинди. Жорий йилнинг декабр ойида харидор сотувчидан 48 596 700 сўм миқдорида маҳсулот олди, шу жумладан ҚҚС суммаси 6 338 700 сўм.

Товарларни келгусида етказиб бериш ҳисобига бўнак тўловларини ўтказиш ва товарларни қабул қилиш бўйича операцияларни ҳисобда акс эттиринг?

Ечим

Хўжалик операцияларни мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Ноябр ойида ҳисобга олинadиган операциялар			
Келгусида товарлар етказиб бериш ҳисобига МЕНга олдиндан тўлов қилинди	42 258 000	4310	5110
Келгусида товарлар етказиб бериш ҳисобига МЕНга ҚҚС суммаси олдиндан тўлов қилинди	6 338 700	4310	5110
МЕНга тўланган сумма ҳисобидан ҚҚС суммаси бўнак ҳисобига қайд қилинди	6 338 700	4410	4310
Бўнак тўланган ҚҚС суммаси ҳисобдан чиқарилди	6 338 700	6410	4410
Декабр ойида ҳисобга олинadиган операциялар			
МЕНни ҳисоб-китоб ҳужжатлари (ҳисобварақ-фактура) бўйича товарлар қиймати ҳисобга қабул қилинди (ҚҚС сиз)	42 258 000	2910	6010

МЕБ томонидан ҳужжатларда кўрсатилган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	6 338 700	4410	6010
Келгусида қабул қиладиган товарлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилган ҚҚС суммаси қайтадан тикланди	6 338 700	4410	6410
Қайтадан тикланган ҚҚС суммаси берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китобларга ўтказилди	6 338 700	4310	4410
МЕБга бўлган қарзларни қоплашда аввал берилган бўнақларнинг ҳисобга олиниши	42 258 000	6010	4310
Ҳисобга олинган товарлар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобдан чиқарилди	6 338 700	6410	4310

### №3-мисол.

2019 йилнинг октябр ойида ташкилот таъминот шартномаси шартларига кўра товар етказиб бериш ҳисобига харидордан 42 258 000 сўм ва ҚҚС суммаси 6 338 700 сўм миқдориди бўнақ олди.

Жорий йилнинг ноябр ойида ташкилот товар етказиб бериш ҳисобига харидордан яна қисман 11 500 000 сўм ва ҚҚС суммаси 1 725 000 сўм бўнақ олди.

Ташкилот жорий йилнинг декабр ойида 61 821 700 сўмлик, шу жумладан ҚҚС – 8 063 700 сўм, маҳсулот харидорга сотиш шартномаси шартларига мувофиқ жўнатилди.

Жўнатилган товарларни харид нархи 26 880 000 сўмни ташкил этди. Товар сотиш билан боғлиқ харажатлар 1500 000 сўм бўлди.

Товарларни келгусида етказиб бериш ҳисобига бўнақ тўловлари суммаларини олиш ва товарларни жўнатиш бўйича операцияларни ҳисобда акс эттириш.

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Октябр ойида операцияларни ҳисобга олиш			
Харидордан товарлар учун бўнақ қабул қилинди	42 258 000	5110	6310
Бўнақ ҳисобига ҚҚС қабул қилинди	6 338 700	5110	6310
Бюджетга ҚҚС суммаси ўтказилди	6 338 700	6410	5110
Ноябр ойида операцияларни ҳисобга олиш			
Харидордан товарлар учун бўнақ қабул қилинди	11 500 000	5110	6310
Бўнақ ҳисобига ҚҚС қабул қилинди	1 725 000	5110	6310
Бюджетга ҚҚС суммаси ўтказилди	1 725 000	6410	5110
Декабр ойида операцияларни ҳисобга олиш			
Ҳисоб-китоб ҳужжатлари (ҳисобварақ-фактура) бўйича сотилган товарлар қиймати акс эттирилди	53 758 000	4010	9020
Сотилган товарлар бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	8 063 700	4010	6410

Сотилган товарларни харид нархи ҳисобдан чиқарилди	26 880 000	9120	2910
Сотиш харажатлари ҳисобга олинди	1 500 000	9410	1000
Товарлар сотишдан олинган даромад ҳисобварағи ёпилди	53 758 000	9020	9910
Сотилган товарлар таннархи ҳисобварағи ёпилди	26 880 000	9910	9120
Сотиш харажатлари ҳисобварағи ёпилди	1 500 000	9910	9410
Сотилган товарлардан молиявий натижа (фойда) аниқланди (53 758 000 сўм – 26 880 000 сўм – 1 500 000 сўм – 3 806 700 сўм)	21 571 300	9910	8710
Келгусида қабул қиладиган товарлар ҳисобига ҳисобланган ва бюджетга ўтказилган ҚҚС суммаси қайтадан тикланди	8 063 700	6310	6410
МЕБга бўлган қарзларни қоплашда аввал берилган бўнақларнинг ҳисобга олиниши	53 758 000	6310	4010
Фойда солиғи ҳисоб қилинди((53 758 000 сўм – 26 880 000 сўм – 1 500 000 сўм – 3 806 700 сўм = 25 378 000) x 15 %)	3 806 700	9810	6410
Бюджетга фойда солиғи ўтказилди	3 806 700	6410	5110

### Назорат саволлари:

1. ЎЗРда нақд пулсиз тўловларнинг қандай шакллари мавжуд?
2. Даргумон қарзлар учун резерв қандай ҳолатларда яратилади?
3. Бухгалтерия ҳисоби ва фойдани солиққа тортиш мақсадларида даргумон қарзлар бўйича резервни шакллантириш хусусиятлари нималардан иборат?
4. 4800 “Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ва 6900 “Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварақлар ҳисобварағи қандай ҳолларда қўлланилади?
5. Товар айирбошлаш операцияларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Биринчи кредиторнинг янги кредиторга бўлган қарзини даъво қилиш ҳуқуқини бериш учун зарур бўлган асосий шартлар нималардан иборат.
7. Даргумон дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқариш тартиби қандай?
8. Таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблардан келиб чиқадиган валюта курс фарқи бухгалтерия ҳисобида қайндай акс эттиради?
9. Кредит ва қарз шартномасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Корхонанинг қарз маблағлари бўйича фоизлар қандай ҳисоб қилинади?
11. Фойдани солиққа тортишда ҳисобга олинмаган қарз маблағлари бўйича фоизларни ташкилот харажатларига киритиш ставкалари қандай?
12. Компаниянинг даъво бўйича ҳисоб-китоблари қайси ҳисобварақда ҳисобга олинади?

*Бухгалтерия ҳисоби-бу санъат ва айни дамда истеъдод ва сабр-тоқат талаб қиладиган касбдир. Иқтисодиётнинг мураккаб дунёсини рақамлар ортидаги ўзаро боғлиқлик ва уйғунликда кўриш ўзига хос иқтидордир.*

*И.Штеммле.*

## **4 БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ**

### **4.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 34, 35, 36, 37 боблар.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрир) 306-309, 410-423 моддалар.
3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР қонуни (янги таҳрир) 13.04.2016 й. № ЎзРҚ-404.
4. “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида”ги ЎзР қонуни. 19.11.1991.
5. “Тижорат сири тўғрисида”ги ЎзР қонуни. (28.08.2014 й. ЎзР қонуни № 374).
6. “Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари асосий воситаларни ва тугалланмаган қуриш объектларини сотиш, шунингдек уларни реализациядан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом” (ЎзР ВМнинг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори).
7. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган.
8. ЎзР 5-сон БҲМС “Асосий воситалар”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган).
9. ЎзР 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 26.08.1998 й. № 483).
10. ЎзР 17-сон БҲМС “Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 23.12.1998 й. № 579).
11. ЎзР 22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”. (ЎзР Адлия вазирлиги 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган).
12. ЎзР Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи билан тасдиқланган “Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом (Янги таҳрир)”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган).
13. ЎзР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).
14. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297).

15. ЎзР 11-сон БҲМС “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 28.12.1998 й. № 581).

16. ЎзР 7-сон БҲМС “Номоддий активлар” (янги таҳрир). (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 27.06.2005 й. № 1485).

#### 4.2. Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари

Ишлаб чиқариш фаолияти учун корхоналарга асосий воситалар (меҳнат воситалари) керак; улар ишлаб чиқариш жараёнида қайта-қайта иштирок этадилар, натурал-моддий ва табиий шаклини ўзгартирмаган ҳолда ўз қийматини яратилган маҳсулотга ўтказадилар. 5-сонли БҲМС “Асосий воситалар”да асосий воситаларга тариф берилган: **“асосий воситалар** - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар”.

Солиқ солиш мақсадларида эса асосий воситалар дейилганда товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки ташкилотни бошқариш учун меҳнат воситалари сифатида фойдаланиладиган мол-мулкнинг бир қисми тушунилади.

5-сонли БҲМСга мувофиқ, асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади

а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”да алоҳида ҳисобварақлар бўйича фойдаланишда, захирада, консервацияда ёки оддий (ишлаб чиқариш) ижарага берилган асосий воситалар ҳисобини юритилади. 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағида асосий воситаларнинг улар жойлашган жойлардаги (цехлар, ишлаб чиқаришлар ва ҳ.к.) ҳар бир объект бўйича аналитик ҳисоби юритилади.

Асосий воситалар объектлари бухгалтерия ҳисобида статистик ҳисобот талабларига мувофиқ, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бўйича гуруҳланади (масалан, ноишлаб чиқариш бўйича тармоқларга бўлинади: соғлиқни сақлаш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва бошқалар.) ва бундан ташқари функционал гуруҳлар бўйича: бинолар, иншоотлар, ишчи машина ва ускуналар ва бошқалар).

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, қуйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

а) махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ялпи ишлаб чиқариш учун ёки яқка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоб-ускуналар ва мосламалар);

б) махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;

в) кўрпа-тўшак анжомлари;

г) канцелярия анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган жиҳозлар ва бошқалар);

д) ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон ва сочиқлар;

е) тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтинчалик (нотитул) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

ж) бир йилдан кам фойдаланиш муддатига эга алмашинадиган ускуналар;

з) ов қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, қармоқлар, матраплар, мережалар ва бошқалар).

Асосий воситалар таркибида шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона мулкига топширилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.

Кўп йиллик кўчатларга, ерни тубдан яхшилашга, ижарага олинган асосий воситалар объектларига капитал қўйилмалар ҳар йили бутун ишлар мажмуи яқунланган санадан қатъи назар, ҳисобот йилида фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Асосий воситаларнинг инвентарь объекти сифатида барча қурилмалари ва анжомларига эга бўлган объект ёки муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм ёхуд бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян ишларни бажариш учун мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи тан олинади. Конструктив жамланган буюмларнинг мажмуи - умумий мосламаларга ва анжомларга, умумий бошқарувга эга, бир пойдеворда қурилган, натижада мажмуага кирувчи ҳар бир буюм ўз вазифасини мустақил равишда эмас, балки фақатгина мажмуа таркибида бажара оладиган бир ёки турли мақсадларга мўлжалланган битта ёки бир нечта буюмлардир.

Битта асосий воситада турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлганда, ҳар бир бундай объект бухгалтерия ҳисобида алоҳида мустақил инвентарь объект сифатида тан олинади.

Икки ёки ундан ортиқ корхона мулки бўлган асосий воситалар ҳар бир корхона томонидан асосий воситалар таркибида унинг умумий мулкдаги улушига мутаносиб тарзда акс эттирилади.

Асосий воситалар актив сифатида тан олинади, агар:

а) корхонага келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

б) актив қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса.

Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари:

1) сотиб олинган пайтдан бошлаб то ҳисобдан чиқаргунча уларнинг мавжудлиги аниқлаш ва бутлигини назорат қилиш;

2) эскиришни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаш;

3) бюджетга тўланадиган мол-мулк солиғини тўғри ҳисоблаш учун маълумот олиш;

4) асосий воситаларни реконструкция, модернизация қилиш ва таъмирлаш учун маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланишни назорат қилиш;

5) асосий фондлардан вақти ва қуввати бўйича самарали фойдаланишни назорат қилиш; асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида ҳисобот учун маълумотлар олиш.

Асосий воситалар ҳисобини тўғри ташкил этишнинг базасини асосий воситаларнинг тасдиқланган стандарт таснифи ва уларни бухгалтерия ҳисобида баҳолашнинг ягона тамойилини ташкил этишдан иборатдир.

#### **4.3 Асосий воситаларни туркумланиши ва баҳолаш тартиби**

Асосий воситалар таркиби хилма-хил бўлиб, маълум таснифлаш мезонлари бўйича гуруҳланади. Намунали таснифига мувофиқ асосий воситалар қуйидагича турларга бўлинади:

1) бинолар;

2) иншоотлар;

3) узатиш қурилмалар;

4) машина ва ускуналар (шу жумладан, қувватли машиналар ва ускуналар; ишчи машиналар ва ускуналар; ўлчов ва тартибга солувчи қурилмалар, қурилмалар ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, бошқа машиналар ва ускуналар);

5) транспорт воситалари;

6) инструментлар;

7) ишлаб чиқариш ускуналари ва аксессуарлари;

8) хўжалик инвентарлари;

9) ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;

10) кўп йиллик ўсимликлар;

11) ерларни ободонлаштиришга учун капитал харажатлар;

12) бошқа асосий воситалар.

Мулкчиликка кўра асосий воситалар ўз ва ижарага олинганларга бўлинади. Биринчиси корхонага тегишли бўлиб, унинг балансида рўйхатдан ўтказилади; иккинчиси бошқа корхона ва ташкилотлардан вақтинча фойдаланиш учун ҳақ тўлаш орқали олинган.

Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш хусусиятига кўра ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз (заҳирада ёки консервацияда бўлиш) асосий воситалар, мақсадга кўра – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (уй-жой коммунал ва ижтимоий-маданий объектларнинг асосий воситалари) мавжуд.

Ишлаб чиқариш асосий фондларига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш мақсадларидаги бино ва иншоотлар, узатувчи қурилмалар, дастгоҳ ва машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, компьютер техникаси, асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, улар ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш учун бевосита иштирок этадилар. Улар корхонанинг ишлаб чиқариш (цеҳлар, участкалар) ва функционал (бўлимлар, хизматлар) бўлинмаларида бўлиб, уларга фойдаланиш учун берилади.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари таркибида уларнинг фаол қисми - машина, ускуна, транспорт воситаларига алоҳида ажратилади.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари - корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ва маиший хизмати учун мўлжалланган асосий воситалардир. Буларга: корхона балансида рўйхатга олинган турар-жой бинолари, маиший хизматлар объектлари (хаммомлар, сартарошхоналар, кирхоналар ва бошқалар), ижтимоий (клиника, дам олиш масканлари, овқатланиш хонаси ва бошқалар.) ва маданий (кутубхона ва бошқалар) киради.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- а) амалдаги (фойдаланишдаги);
- б) фаолият кўрсатмаётган (уч ойдан ортиқ муддатга консервация қилинган);
- в) заҳирада бўлган.

**Асосий воситаларни баҳолаш.** Ўзбекистон Республикасида БҲМС № 5 га мувофиқ асосий воситалар бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

**Бошланғич қиймат** - тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қийматидир.

Асосий воситалар корхона балансига сотиб олиш қиймати (етказиб берувчига тўланган сумма) ва асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олган бошланғич қиймати бўйича киритилиши лозим.

Асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

- рўйхатга олиш йиғимлари, давлат божлари ва асосий воситаларга бўлган ҳуқуқни сотиб олиш (олиш) бўйича амалга оширилган бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

- божхона божлари ва йиғимлари;
- асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо этиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо этиш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланадиган суммалар;
- асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо қилиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;
- асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўланадиган мукофотлар;
- асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;
- активдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган сармоя ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Сотиб олинган асосий воситалар ҳақини тўлаш билан боғлиқ банк хизматлари, аккредитив очиш, хорижий валютани ўтказганлиги ва конвертация қилганлиги учун банкка воситачилик ҳақи тўлаш бўйича харажатларни қўшган ҳолда, шунингдек шартномани тайёрлаш ва рўйхатга олиш харажатлари асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар юзага келган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Агар шартнома шартларида сотиб олинган асосий воситалар ҳақини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, унда мазкур асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашни ҳисобга олмаган ҳолдаги сотиб олиш қиймати бўйича қабул қилинади. Бунда сотиб олиш қиймати ва тўловнинг умумий суммаси ўртасида юзага келадиган фарқ кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври давомида жорий тўловнинг кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги солиштирма оғирлигига боғлиқ ҳолда молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар)га киради.

Корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб мазкур асосий воситаларни тиклаш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси тан олинади.

Қурилиш даврида қурилиш учун олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар барпо этилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Активдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун унинг тегишли ишини текшириш жараёнида олинган маҳсулот соф сотиш қиймати бўйича кирим қилинади ва асосий воситаларнинг бошланғич қиймати шакллантирилганда капитал қўйилмалар суммасидан айирилади.

Чет эл валютасида харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб

хужжатларида (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларациясида) кўрсатилган қийматидан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаб, шунингдек 5-сонли БҲМСнинг 11-бандида назарда тутилган тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, аниқланади.

Корхона устав сармоясига улуш ҳисобидан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, корхона муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси тан олинади.

Хўжалик жамияти таъсисчилар таркибидан чиққанида ёки тугатилаётган хўжалик жамиятининг мулки таъсисчилар ўртасида тақсимланганда келиб тушган асосий воситаларнинг асосий қиймати бўлиб асосий воситаларнинг қабул қилинган қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида 5-сонли БҲМСнинг 11-бандида кўзда тутилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилган қиймат тан олинади.

Корхона томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб 5-сонли БҲМСнинг 11-бандида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги уларнинг жорий қиймати тан олинади.

Тайёр маҳсулот таркибидан асосий воситаларга ўтказилган объектларнинг бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланадиган уларнинг ишлаб чиқариш таннарига тенг бўлади.

Товар-моддий захиралар таркибидан (тайёр маҳсулотдан ташқари) асосий воситаларга ўтказилган объектларнинг бошланғич қиймати 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар”га мувофиқ белгиланадиган уларнинг баланс қийматига тенг бўлади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айирбошлаш йўли билан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига тенг.

Асосий воситалар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати берилган асосий воситаларнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилаётган шартномалар бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб корхона томонидан ўтказилган ёки ўтказилиши лозим бўлган қимматликларнинг қиймати тан олинади. Корхона томонидан ўтказилган ёки

Ўтказилиши лозим бўлган мавжуд бойликларнинг қиймати корхона қиёсий ҳолатларда шунга ўхшаш бойликлар қийматини аниқлайдиган нархдан келиб чиқиб белгиланади.

Корхона томонидан ўтказилган ёки ўтказилиши лозим бўлган бойликлар қийматини белгилашнинг имкони бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича корхона олган асосий воситаларнинг қиймати қиёсий ҳолатларда шунга ўхшаш асосий воситалар сотиб олинadиган қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Мажбуриятлари умумий суммада ифодаланган мустақил объектларга эга асосий воситалар бўйича бошланғич қиймат ушбу суммани алоҳида объектнинг жорий қийматига пропорционал равишда тақсимлаган ҳолда аниқланади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган қиймати ЎЗР қонун ҳужжатларида ва 5-сонли БҲМСда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда ўзгартирилмайди.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган бошланғич қийматини ўзгартиришга тегишли асосий воситалар қуриб битказилган, кўшимча жиҳозланган, реконструкция қилинган, замонавийлаштирилган, техник қайта қуроллантирилган, қисман тугатилган ва улар қайта баҳоланган ҳолатларда йўл қўйилади.

Қуриб битказиш, кўшимча жиҳозлаш, замонавийлаштириш ишларига асосий воситаларнинг технологик ёки хизмат мақсадининг ўзгариши, оғирликнинг ошиши ва сифатни янада яхшилашга доир бошқа сифатлар туфайли юзага келган ишлар киритилади.

Реконструкция қилиш ишларига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситаларни қайта қуриш киради.

Техник қайта қуроллантиришга илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш ва уларни янгилари, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси киради.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш - асосий воситалар тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир. Фойдаланиш шароитларининг ўзгаришига қараб, ташқи омиллар, хусусан инфляциянинг таъсири, асосий воситалар қайта тикланиши ва қайта тиклаш қийматига эга бўлиши мумкин. Мисол учун, 1 январ 2020 йилгача компания томонидан сотиб олинган мол-мулкнинг бошланғич қиймати, 1 январ 2020 йил куни қайта баҳолаш

натижалари асосида асосий воситаларнинг қайта тиклаш қиймати ҳисобланади.

Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати қайта баҳоланган ҳолатларда қайта баҳолаш ўтказилган санадаги уларнинг жамланган амортизацияси асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ўзгаришининг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинги ҳисобланадиган амортизация қайта баҳоланган қиймат ҳисобидан амалга оширилади.

Асосий воситалар индексация йўли билан ёки расмий тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайтадан ҳисоб-китоб қилиш орқали қайта баҳоланади.

Асосий воситаларнинг баҳолашдаги ортган суммаси қайта баҳолаш натижасида 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағига резерв капитали таркибига ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг баҳолашдаги камайиш суммаси қайта баҳолаш натижасида 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағи резерв капиталининг мазкур объектнинг аввалги ҳисобот даврларида ўтказилган баҳолашдаги ортган суммаси атрофида камайишига тегишлидир.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш ўтказилган жорий даврда акс эттирилади.

Ҳисобот йилининг дастлабки санасидаги ҳолатга кўра ўтказилган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижалари аввалги ҳисобот йилидаги молиявий ҳисобот маълумотларига киритилмайди ҳамда ҳисобот йили бошига молиявий ҳисобот маълумотларини шакллантиришда қабул қилинади. Бунда ўтган йил якуни ва ҳисобот йили бошидаги маълумотларнинг мос келмаслиги ҳисобот йилининг дастлабки санасидаги ҳолатга кўра ўтказилган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси сифатида тушунтирилади ҳамда жорий даврдаги молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида баён этилади.

**Жорий қиймат** - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма.

**Қолдиқ (баланс) қиймат** - жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати.

**Тугатиш қиймати** - асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фарз қилинаётган суммаси.

**Амортизациялайдиган қиймат** – бошланғич ва тугатиш қиймати ўртасидаги фарқ. Масалан, юк машинасининг бошланғич қиймати 60 миллион сўм ва тугатиш қиймати - 5 миллион сўм бўлса, унинг амортизацияланадиган қиймати 55 млн. сўмни ташкил этади.

**Асосий воситаларнинг тахминий фойдали ҳаёти** – йиллар давомида фойдаланиладиган объект ишлаш муддати. Бу кўрсаткични ҳисоблашда бухгалтер қуйидаги маълумотларни ҳисобга олиши керак: 1) бундай активлар билан тўпланган бойлик; 2) объектнинг жорий ҳолати; 3) ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш масалалари; 4) технология ва ишлаб чиқаришнинг жорий ҳолати; 5) маҳаллий об-ҳаво шароитлари.

#### **4.4. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш**

**Асосий воситаларнинг келиб тушиши.** Мулкка эгалик, хўжалик юритуви ёки тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситаларнинг миқдори корхона балансига киритилиши лозим.

Асосий воситалар миқдори корхона балансига:

а) капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш (1-шакл “Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси”);

б) объектни олди-сотди шартномаси бўйича харид қилиш; (ҳисобварақ-фактура, 1-шакл “Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси”)

в) таъсисчиларнинг устав сармоясига қўйилмалари;

г) бепул келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

д) айирбошлаш;

е) товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;

ж) молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;

з) қиймати аниқлаб бўлинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;

и) ортиқча (ҳисобга олинмаган) асосий воситаларни аниқлаш (19-сонли БҲМСга б-илова. Асосий воситаларни инвентарлаш рўйхати);

к) асосий воситаларни хўжалик жамияти таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ёки тугатилаётган хўжалик жамиятининг мулки таъсисчилар орасида тақсимланаётганда қўлга киритиш;

л) асосий воситаларга мулкка эгалик, хўжалик юритуви ёки тезкор бошқарув ҳуқуқини қўлга киритишга олиб келадиган бошқа операциялар ёки ҳолатлар натижасида киритилиши мумкин.

Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда улар бошланғич қиймат бўйича баҳоланади.

Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусида иқтисодий фойда олишни ошириш шартларида уларнинг бошланғич қийматини оширади. Келгусида олиннадиган иқтисодий фойдани оширмайдиган бошқа барча харажатлар, улар амалга

оширилган даврдаги давр харажатлари сифатида тан олиними лозим.

Асосий воситаларни қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техник қайта қурооллантиришга доир харажатлар, улар тугатилганидан сўнг, агар улар натижасида асосий воситаларнинг фаолият юритишининг дастлаб қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлари (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати ва ҳ.к.) яхшиланса (ошса), бундай объектнинг бошланғич қиймати ҳам ошади.

**Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши.** Асосий воситалар қиймати чиқиб кетишда баланسدан чиқарилиши лозим.

Асосий воситалар қиймати корхона балансидан қуйидагилар натижасида чиқарилади:

- тугатилганда;
- сотилганда;
- айирбошланганда;
- бепул ўтказилганда;
- устав сармоясига таъсисчи қўйилмаси сифатида берилганда;
- молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилганда;
- камомад ёки йўқотишлар аниқланганда;
- таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанда;
- нодавлат нотижорат ташкилот мулкани шакллантиришда мулкрий бадал сифатида берилганда.

Асосий воситалар қисман тугатилган ҳолатда унинг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси тегишинча объектнинг тугатилган қисмининг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси суммасига камайтиради.

Асосий воситаларнинг чиқарилишидан молиявий натижа (фойда ва зарар) асосий воситаларни чиқаришдан тушган даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қиймати, асосий воситаларнинг чиқарилиши билан боғлиқ билвосита солиқлар ва харажатларни айириш орқали аниқланади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситаларнинг илгариги қайта баҳолалардаги ортган суммасининг ушбу асосий воситалар қийматининг илгариги қайта баҳолалардаги камайиши суммасидан ортган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади ва бир вақтнинг ўзида 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолалаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағи бўйича резерв капитал камаяди.

**Асосий воситаларни инвентарлаш.** Асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш ва уларнинг бутлигини назорат қилиш мақсадида корхоналар томонидан вақти-вақти билан, бироқ икки йилда камида бир марта асосий воситаларни инвентарлаш ўтказилади, кутубхона фондлари эса беш йилда бир марта инвентарланади.

Асосий воситаларни инвентарлаш ЎзР МВ томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган ЎзР 19-сон БҲМС

“Инвентарлашни ташкил қилиш ва ўтказиш”да (АВда рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инвентарлаш чоғида аниқланган ортиқча асосий воситалар бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади. Инвентарлаш вақтида камомати факти аниқланган етишмаётган асосий воситалар айбдор шахслар аниқланган кунга қадар камомадлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақда акс эттирилади.

Қуйида асосий воситаларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган объектларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олۇчи ҳисобварақлар”

К 0810 “Тугалланмаган қурилиш”.

2) Олди-сотди шартномаси бўйича олинган объектларнинг асосий воситалар таркибига киритилиши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олۇчи ҳисобварақлар”

К 0820 “Асосий воситаларни харид қилиш”.

3) Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган объектларнинг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейин асосий воситалар таркибига қабул қилиниши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олۇчи ҳисобварақлар”

К 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар”.

4) Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш (пай) сифатида киритилган ёки акцияларга тўлов сифатида келиб тушган асосий воситаларнинг кириш қилиниши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олۇчи ҳисобварақлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

5) Асосий воситаларнинг текинга келиб тушиши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олۇчи ҳисобварақлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

6) Асосий воситаларнинг ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан келиб тушиши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олۇчи ҳисобварақлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

7) Қўшимча қуриш, ускуналар ўрнатиш, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқа сифат жиҳатидан яхшилаш натижасида асосий воситалар бошланғич қийматининг кўпайиши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олۇчи ҳисобварақлар”

К 0890 “Бошқа капитал қўйилмалар”.

8) Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш:

Д 0111 “Ерни ободонлаштириш”

К 0850 “Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар”.

9) Молиявий ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш:

Д 0112 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш”

К 0860 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар”.

10) Ишчи ва маҳсулдор хайвонларнинг асосий воситалар таркибига кирим қилиниши:

Д 0170 “Ишчи ва маҳсулдор хайвонлар”

К 0840 “Асосий подани ташкил қилиш”.

11) Асосий воситаларни қайта баҳолаш:

а) қийматининг оширилиши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга оллучи ҳисобварақлар”

К 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”;

б) қийматининг камайрилиши:

Д 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга оллучи ҳисобварақлар”.

12) Тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга оллучи ҳисобварақлар”.

13) Ажратилган бўлинмаларга асосий воситаларнинг берилиши:

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга оллучи ҳисобварақлар”.

14) Қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситалар:

Д 0199 “Консервация қилинган асосий воситалар”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга оллучи ҳисобварақлар”.

#### **4.5. Асосий воситаларини ижарага олиш ҳисоби**

Тарихчиларнинг маълумотига кўра, ижара (лизинг) келишувлари ҳақида биринчи бор 1066 йиллардаги тарихий асарларда маълумотлар келтирилган. Унга кўра, Вильгельм Британия ороллари эгаллаш учун Нормандияликлардан кемаларни лизингга олган. Ушбу тарихий тажрибалар асосида икки асрдан сўнг, 1248 йилда биринчи расмий лизинг келишуви рўйхатга олинди, салбдорлар навбатдаги юришга тайёрланиш асносида шу йўл билан ҳарбий қурол-аслаҳа ва кийим-кечакка эга бўлганлар.

“Лизинг” атамаси инглизча “to lease” сўзидан олинган бўлиб “ижарага олиш” деган маънони билдиради. Мазкур атамани иктисодий муоамалага кириб келиши, “Белл” телефон компанияси билан боғлиқ. Ушбу компаниянинг раҳбарияти 1877 йилда ўзининг телефон аппаратларини сотмасдан, лизингга бериш ҳақида қарор қабул қилган эди. Аммо, асосий фаолиятини лизинг операциялари ташкил этувчи биринчи компания 1952 йилда Америка Қўшма Штатларида ташкил этилган “United States leasing Corporation” компанияси ҳисобланади.

АҚШ ва Буюк Британиянинг лизинг фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги тажрибаларидан собиқ Иттифоқда фойдаланилмади. Фақат II жаҳон уруши давридагина, собиқ Иттифоқ фуқаролари лизинг (lend-lease) тушунчаси билан танишдилар. АҚШ ўша даврда ўзининг иттифоқчиларига курул-аслаха, озиқ-овқат, автомобил транспорти, дори-дармон ва бошқаларни лизинг асосида етказиб берган.

Лизинг - активларнинг эгаси (лизинг берувчи) бошқа томонга (лизинг олувчига) маълум бир вақт ичида тўлов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши бўйича битим ҳисобланади.

Лизинг икки: операцион ва молиявий турларга бўлинади.

Операцион лизинг битими бўйича - бино ва асбоб-ускуналар қисқа муддатга (бир кундан бир йилгача ёки кўпроқ муддатга) лизингга олинганда, лизинг берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва лизингни амалга ошириш бўйича харажатлардан ташкил топувчи жорий харажатларни, масалан солиқлар ва мулк суғуртасини тўлашни ўз зиммасига олади.

Молиявий лизинг битими бўйича лизинг олувчи ҳамма харажатларни ўзи қоплаш мажбуриятини олади.

Молиявий лизинг - бу активга эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган ҳамма риск ва мукофотлар, активларни ишчи ҳолатда сақлаб турувчи лизинг олувчига ўтказиладиган лизингга айтилади. МҲХСга мувофиқ қўйидаги шартлардан бирига мос келадиган лизинг молиявий ҳисобланади:

1. Лизинг муддати тугагач, лизинг орқали активларга эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтказилади.

2. Лизинг активларни бозор нархидан пастроқ нархда харид қилиш имкониятини беради.

3. Лизинг муддати активнинг фойдали ишлатиш муддатининг кўпроқ қисмини ташкил этади (масалан 75% ёки кўпроқ).

4. Лизинг бошида жорий минимал лизинг тўловлари лизингга олинган мулкнинг лизингнинг бошланиш санасидаги бозор нархидан катта ёки унга тенг бўлса.

ЎЗРнинг меъёрий ҳужжатлари (БҲМС) халқаро стандартлардан бироз фарқ қилади. 6-сонли БҲМС “Ижара ҳисоби”да молиявий ижара (лизинг)га шундай тариф берган: **молиявий ижара** - мулкни (молиявий ижара объектини) шартномага биноан ўн икки ойдан ортиқ муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини беришда юзага келадиган ижаравий муносабатлар. Бунда молиявий ижара шартномаси қўйидаги шартлардан бирига жавоб

бериши керак:

- молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарага олувчининг мулки бўлиб ўтиши;

- молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камроғини ташкил қилиши;

- молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини ушбу ҳуқуқ сотилиш кундаги бозор қийматидан анча паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва бунда ижара муддатининг бошида ушбу ҳуқуқнинг сотилишига асосланган ишончнинг мавжуд бўлиши;

- молиявий ижара шартномаси амал қиладиган давр учун ижара тўловларининг дисконтланган жорий қиймати, молиявий ижара объектини ижарага бериш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлиши.

Лизингни лизинг берувчи ва лизинг олувчи томонларидан бир хил тушунилишини таъминлаш учун қуйидаги икки мезон мавжуд:

- минимал лизинг тўловларининг суммаси тахминий асосланган бўлиши керак;

- лизингга берувчи ўз зиммасига олиши шарт бўулган қопланмайдиган харажатлар (суғурталаш, сақлаб туриш, солиқларни тўлаш харажатларидан ташқари), ўлчанадиган ва тахминлаштириладиган бўлиши керак.

Бу мезонлардан ҳеч бири лизинг фактини тан олишни ўзгартирмайди, балким фақатгина консерватизм тамойилига диққатни қаратади. Бошқа томондан, бу мезонлар лизинг таърифини икки омил билан тўлдириб туради:

- а) эгалик қилишдан келиб чиққан хавф ва даромадларни ўтказиш, ва

- б) лизинг берувчининг соф дебиторлик қарзини баҳолашнинг ҳаққонийлик даражаси.

Операцион (жорий) лизинг - бу молиялаштирилган лизингдан ташқари ҳар қандай лизинг бўлиб, қуйидаги шартларга мувофиқ бўлиши керак:

- лизинг олувчи ҳеч қандай рискга эга эмас, бироқ активларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай устунликларга эга эмас.

- жорий лизинг шартлари асосида лизингга олинган активлар, лизинг берувчининг бухгалтерия балансига киритилади.

Жорий лизинг - ушбу лизинг турида кўп марта фойдаланиладиган мулклар уларнинг фойдали хизмат муддатидан қисқа даврга фойдаланиш учун берилади. Ушбу лизинг турининг ўзига хос хусусияти шартноманинг қисқа муддатлилиги (1 йилдан кам) ва лизинг муддатида мулк қийматининг тўлиқ амортизация қилинмаслигидир. Шартнома муддати тугагач, лизинг объекти янги лизинг шартномаси учун яна объект бўлиб хизмат қилиши ёки лизинг берувчига қайтарилиши мумкин. Жорий лизингда, асосан, қурилиш техникалари (кўтаргичлар, экскаваторлар ва бошқалар), транспорт воситалари, ЭХМ ва бошқалар лизинг объекти бўлиб хизмат қилади.

Молиявий лизингнинг ўзига хос хусусияти шартнома муддатининг узокли ва воситанинг барча қиймати ёки қийматининг анча катта қисмининг амортизация қилинишидир.

Кўчмас мулк лизингида лизинг берувчи лизинг олувчи топшириғига кўра, уни куради ёки сотиб олади ва лизинг олувчига тижорат ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун тақдим этади. Бундан ташқари ҳаракатдаги мулк билан боғлиқ келишувлардаги каби, шартнома асосан, объектнинг амортизация давридан кам ёки унга тенг даврга тузилади; шартномани амал қилиш муддати давомида лизинг олувчи тавакалчилик, харажат ва солиқларга жавоб беради.

Лизинг объекти муносабатига нисбатан шартноманинг қуйидаги турлари мавжуд:

Соф лизинг шартномаси - бунда лизингдаги мулкка хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча харажатларни қоплашни лизинг олувчи ўз зиммасига олади.

Тўлиқ лизинг шартномасида лизинг берувчи келишув объектига техник хизмат кўрсатиш ва у билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплашни ўз зиммасига олади.

Қарздор ва қарз берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш хусусиятлари бўйича лизингнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Бевосита лизинг - бунда, мулкни ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи) ёки эгалик қилувчи лизинг берувчи сифатида намоён бўлади.

Билвосита лизинг - бунда, лизинг учинчи шахс иштирокида амалга оширилади.

Молиялаштириш усулига кўра лизингнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Муддатли лизинг - унда бир марталик лизинг амалга оширилади.

Қайта тикланадиган (револьверли) лизинг - бунда лизинг шартномаси келишув биринчи муддати тугаганидан кейин давом этади.

Амалиётда лизингнинг бошқа кўринишлари ҳам қўлланилади:

Қайтариладиган лизинг (lease-back) - лизингнинг бу тури саноат корхоналари мулкнинг бир қисмини лизинг компаниясига уларни лизинг ҳақидаги шартнома имзоланиши билан бир вақтда сотилади.

Бундай операцияларда фақат икки иштирокчи, яъни мулкни лизинг олувчиси (олдинги эгалик қилувчи) ва лизинг компанияси (мулкнинг янги эгаси) қатнашади. Бундай келишув корхонага ишлаб чиқариш воситасини сотиб, пул маблағини олиш ва уларни янги капитал қўйилмаларга сарфлаш, шу билан бир вақтда, ишлаб чиқариш воситасидан фойдаланишни давом эттириш имкониятини ҳам беради.

Мазкур операцияни самарадорлигининг юқори бўлиши лизинг тўловидан янги инвестиция даромадининг кўп бўлиши билан белгиланади. Қайтариладиган лизинг корхоналар балансининг камайишига олиб келади ва айни пайтда субъект мулкида тегишли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Корхоналарнинг даромад даражаси сезиларли даражада паст бўлганда ҳам, юқоридаги лизинг келишувига мурожаат қилинади, бунда табиийки, корхоналар тезлашган амортизация ва фойдани солиққа тортилиши бўйича

имтиёздан тўлиқ фодалана олмайди. Келишув амалга оширилгач, лизинг компанияси солиқ борасидаги имтиёзларга эга бўлади ва оқибатда лизинг тўлови суммасини пасайтиради.

Кўпгина ҳолларда лизинг компанияларида ўз маблағларининг етмай қолиш ҳолатлари рўй бериши мумкин, бундай ҳолатларда четдан кўшимча маблағлар жалб этилади.

Бундай операциялар кўшимча маблағларни жалб этиш лизинги деган номни олган. Ҳисоб-китобларга қараганда барча лизинг келишувларининг 85 % дан кўпи жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилган экан. Лизингга берувчи узоқ муддатли ссудали бир ёки бир неча кредиторлардан лизингга бериладиган активнинг 80 % қийматигача суммада олади, лизинг тўловлари ва воситалар эса ссудани таъминлашга хизмат қилади.

Кўпгина ҳолларда лизинг бевосита эмас, балки воситачи орқали амалга оширилади. Асосий лизинг берувчи лизинг тўловини олиш ҳуқуқи бўйича имтиёзга эга бўлади. Шартномада, кўпинча, агар учинчи шахс (воситачи) банкротлик ҳолатига учраса, лизинг тўлови бевосита лизинг берувчига тўланиши келишиб олинади. Бундай лизинг турлари “сублизинг” деб номланади.

Лизингни кўринишларидан яна бири “double Dean” бўлиб, халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Унинг мақсади 2 ёки ундан ортиқ мамлакатларнинг солиқ қонунчилигида мавжуд имтиёзлардан унумли фойдаланишдан иборатдир. Масалан, 80 йилларнинг бошида АҚШ ва Буюк Британия ўртасида “double Dean” орқали бир неча самолётлар кредитлаш орқали олинган эди (агар лизинг берувчи мулкчилик ҳуқуқига эга бўлса, Буюк Британияда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятлари кўп, АҚШда эса, агар лизинг берувчи эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлгандагина, солиқ борасидаги имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқини олади).

Сўнгги пайтларда амалиётда асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчилар билан лизинг компаниялари ўртасида келишувларнинг имзоланиши кенг тарқалмоқда. Ушбу келишувларга асосан, ишлаб чиқарувчи лизинг компаниялари орқали мижозларга ўз маҳсулотларини етказишни лизинг ёрдамида молиялаштиришни таклиф этади.

Шундай қилиб, лизинг компанияси мол етказиб берувчининг савдо тармоғидан фойдаланади, мол етказиб берувчи эса, маҳсулотини сотиш доирасини кенгайтиради. Юқорида изоҳ берилган келишув “сотишдаги ёрдам” (sales-aid) номини олган.

Лизинг компаниялари билан доимий ва чуқур ҳамкорликнинг олиб борилиши “лизинг йули” (lease-line) келишувини тузиш имкониятини беради. Бундай келишувлар банк кредит йўналишларидан фарқ қилади ва лизинг бўйича янги шартномани тузмасдан, кўшимча воситаларни лизингга олиш имкониятини беради.

Оддий ссудадан лизингнинг афзаллик томонлари унинг кенг тарқалиши учун имконият яратиб беради:

а) лизинг 100 % кредитни таъминлайди ва тўловнинг дарҳол амалга оширилишини талаб этмайди. Оддий кредитдан фойдаланган ҳолда мулк сотиб олинса, ўз маблағи ҳисобига унинг 15 % қиймати миқдорида тўлаши керак бўлади. Лизинг ва шартнома мулкнинг тўлиқ қийматига тузилади. Лизинг тўловлари асосан, мулкни лизинг олувчига етказилганидан сўнг ёки ундан кейинроқ амалга оширилади.

б) ссуда шартномасидан кўра, лизинг шартномасини тузиш осонроқ. Бу, асосан, кичик ва ўрта корхоналарга тааллуқлидир. Баъзи бир лизинг компаниялари лизинг олувчидан ҳеч қандай қўшимча кафолатларни талаб ҳам қилмайди. Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг компанияси дарҳол ўз мулкни қайтариб олади.

в) лизинг келишувлари ссуда келишувларидан кўра, ихчамроқ. Ссуда ҳар доим қоплаш муддати ва ҳажмини чегаралашни тақозо этади. Лизингда лизинг олувчи ўз даромадлари киримини ҳисоблаш ва лизинг берувчи билан унга мос, қулай молиялаштириш схемасини ишлаб чиқади. Тўловлар келишувга кўра, ойлик, чораклик ва ҳоказо бўлиши ва тўлов суммалари бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Баъзида лизингни қоплаш лизингга олинган асбоб-ускуналардан фойдаланиб ишлаб чиқарилган товарларни сотишдан тушумлар келиб туша бошлаганидан сўнг ҳам амалга оширилиши мумкин. Тўлов суммаси ўзгармас ва ўзгарувчан бўлиши мумкин.

г) лизинг объектининг эскириш хавфи бутунлай лизинг берувчида бўлади. Лизинг олувчи эса, ўз мулкни доимий янгилаш имкониятига эга бўлади.

д) лизинг шароитида лизинг олувчи зарурий воисталарни тўғридан-тўғри сотиб олишга қараганда кўпроқ ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Лизинг ёрдамида вақтинча бўш бўлган пул маблағлари бошқа мақсадлар учун сарфлаш мумкин.

е) лизинг узоқ вақт маҳсулот сотиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилганлиги сабабли, давлат сиёсати лизинг операцияларини кенгайтириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган.

ж) лизингдаги мулк ҳисобининг афзалликлари. Евролиз (leaseurope - европа лизинг компаниялари ассоциацияси)да лизинг операцияларини ҳисобини юритишнинг асосий тамойиллари лизинг келишуви натижасида юзага келган молиявий мажбуриятларни лизинг олувчи томонидан бажарилишини ифода этади.

Лизинг олувчининг ўз мажбуриятларини бажариши унинг молиявий ҳолатига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади. Баланс тузиш муддатида мажбурият бўйича миқдорий маълумотлар учинчи томоннинг барча қизиқишларини қондиради. Ушбу маълумотлар балансга илова шаклида нашр этилиши мумкин.

Аксарият ҳолатларда қонунчиликда корхоналар учун хусусий ва қарзга олинган капиталининг мажбурий нисбати белгилаб берилади. Лизинг

келишуви объекти ҳисобланадиган мулк лизинг берувчи балансида ҳисобга олиниши, лизинг олувчининг нисбатни бузмаган ҳолда ўз ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириши имкониятини яратадики, бу лизингнинг яна бир афзаллик томонидир.

3) халқаро валюта фонди лизинг келишуви суммасини миллий қарздорликни аниқлаганда ҳисобламайди, яъни фонд томонидан алоҳида даврлар бўйича кредит қарздорликлари бўйича ўрнатиладиган меъёр ўсиши имконияти яратилади.

Лизингнинг камчиликлари ҳақида ҳам баъзи бир фикрларни келтириб ўтиш мумкин:

1) асбоб-ускуналар молиявий лизингга олинган бўлса ва лизинг шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар, лизинг олувчи лизинг суммасини тўлашни давом эттиради.

2) жорий лизингда асбоб-ускуналарнинг эскириш хавфи лизинг берувчида бўлади ва бунинг учун у лизинг тўловчидан катта тўлов олишга мажбур бўлади.

3) молиявий лизингнинг яна бир камчилиги, асбоб-ускуналарни бузилиб қолиш ҳолларида, асбоб-ускуналарнинг ҳолатидан қатъий назар тўловлар ўрнатилган муддатларда амалга оширилади.

4) агар лизинг шартномасининг объекти йирик ва мураккаб бўлса, унда лизинг келишуви шартларининг жуда турли-туманлиги уларнинг лизинги бўйича шартномаларни тайёрлаш бўйича катта вақт ва маблағ талаб этади.

Давлат учун лизинг билан боғлиқ қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- инвестиция қўйилмаларидан мақсадли фойдаланишни кафолатлаш;
- инвестиция сиёсатини фаол амалга ошириш;
- молиялаштиришнинг анъанавий йўлларида қўшимча тарзда асосий фондларга маблағларни қўйилма сифатида сарфлаш;
- хусусий ва кичик тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- қўшимча маъмурий ташкилотларни тузмасдан иктисодий усуллар ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни молиялаштириш.

**Сотиш тури бўйича лизинг ҳисоби.** Агар ишлаб чиқарувчи узок муддатли лизинг шартномаси бўйича маҳсулотнинг жўнатилишини ишлаб чиқаришнинг молиялаштириш манбааси сифатида акс эттирса, олинган фойда икки йўналиш бўйича алоҳида акс эттириши шарт:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш;
- лизинг муддати мобайнида лизинг шартномаси бўйича инвестициялар.

Лизинг битими ҳақиқатда ижро этилганда, яъни лизинг шартномаси бўйича дебиторлик қарз ҳажми маҳсулотнинг сотиш баҳосига тенг бўлса, ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни ҳисобга олиши мумкин. Ишлаб чиқаришдан тушган даромадлар мос келадиган дисконтлаш ставкасини ишлатган ҳолда, минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматига

тенг бўлиши керак. Бироқ бу ставка сотиш баҳосини ҳисобга олмасдан кўлланилиши мумкин эмас. Агар сотиш нархлари мавжуд бўлмаса ёки уларни аниқлаш мумкин бўлмаса, лизинг берувчи сотишдан ва фоизлардан олинган ялпи фойдани аниқлашда сезиларлича эркин ҳаракат қилиши мумкин бўлади.

**Активни қайта лизингга олиш шарти билан сотиш.** Бу келишув бўйича фирма ўз активларини бошқа томонга сотади ва у томон уларни қайтадан фирмага лизингга беради. Одатда активлар бозор қийматига яқин нархда сотилади. Фирма асбоб-ускуна қийматини нақд пулда ва лизинг муддати мобайнида активлардан иқтисодий фойдаланиш ҳуқуқини олади. Бунинг ўрнига у лизинг ҳақини тўлашга розилик беради ва активларга эгалик қилиш ҳуқуқини беради. Мулкни қайтадан лизингга олиш шарти билан сотиш бўйича битимларнинг бухгалтерия ҳисоби услугиёти лизинг типига боғлиқдир. Агар активларни қайтадан лизингга олиш шарти билан сотилиши молиявий лизинг ҳисобланса, унда бундай битим, лизинг берувчи активларни кафолат ўрнида ишлатиб лизинг олувчини маблағ билан таъминлашни усули ҳисобланади. Шу сабабли, сотувдан олинган тушумнинг баланс қийматидан ошган қисмини олинган фойда деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ келмайди. Бундай ортиқча қисм, агар тан олинган бўлса, муддати узайтирилади ва лизинг муддати мобайнида фойдага олиб борилади.

Агар мулкнинг қайта лизингга олиш шарти билан сотилиши операцион лизинг ҳисобланса, ҳамда лизинг ҳақлари ва сотиш нархи ҳаққоний қиймат бўйича белгиланса, демак оддий сотиш амалга оширилган ҳисобланади ва ҳар қандай фойда ёки зарар шу заҳоти тан олинади. Агар сотиш нархи ҳаққоний қийматдан паст бўлса, ҳар қандай фойда ёки зарар шу заҳоти тан олинади, бозордан паст нархлар бўйича кўрилган зарар келгуси лизинг тўловлар билан қопланиши бунга кирмайди. Бу ҳолда унинг муддати узайтирилади ва у ушбу актив ишлатиладиган вақт даври мобайнида қилинадиган лизинг тўловларига пропорционал равишда фойда ёки зарарга олиб борилади. Агар сотиш баҳоси ҳаққоний қийматдан юқори бўлса, ҳаққоний қийматдан ошган қисмининг муддати узайтирилади ва ушбу актив ишлатиладиган муддат мобайнида ҳисобдан чиқарилади.

Агар битим вақтида ҳаққоний қиймат баланс қийматдан камроқ бўлса, баланс қиймати ва ҳаққоний қиймат ўртасидаги суммага тенг зарар шу заҳоти тан олинади.

**Лизинг келишуви бўйича активларни сотиб олиш.** Бевосита лизинг ҳақидаги келишув бўйича компания активларни фойдаланишга олади, агар бунгача у ушбу активларга эга бўлмаган бўлса. Асосий лизинг берувчилар - ишлаб чиқарувчилар, молиявий компаниялар, банклар, мустақил ва хусусийлаштирган лизинг компаниялар ва жамоалар ҳисобланди.

**Кредитдан фойдаланиш ёрдамида лизингга олиш (кредитли лизинг).** Юқорида кўрсатилган икки томондан фарқли равишда кредитли лизингда уч томон иштирок этади: лизинг олувчи, лизинг берувчи ёки улушлик иштирокчи, кредитор.

Лизинг олувчи нуктаи назаридан кредитли лизинг ва бошқа лизинг турлари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Лизингга берувчи эса, активларни лизинг келишуви шартлари бўйича сотиб олади ва бу харидни қисман инвестициядаги ўз улушидан тўлайди, айталик 20% (бу ердан “улушли иштирокчи” деган ном пайдо бўлган). Қолган 80% узоқ муддатли кредитор ёки кредиторлар томонидан тўланади. Асосан кредит активларнинг гарови, лизинг ва лизинг ҳақи тўғрисидаги келишув орқали таъминланади. Лизингга берувчи қарздор ҳисобланади. Активларнинг эгаси сифатида лизинг берувчи бу хилдаги активлар билан боғлиқ ҳамма тўловларни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

**Ерни лизингга олиш.** Одатда ерни лизингга олиш операцион лизингдир, чунки ерни ишлатиш муддати чегараланмаган. Агар лизинг сотиб олиш ёки ерга эгалик қилиш ҳуқуқини беришни кўзда тутса, унда бундай операция моҳияти бўйича муддатини узайтириб сотиш деб ҳисобланади ва лизинг капитализациялаштирилиши лозим. Агар лизингга олинган мулкнинг бозор қиймати ичида ер нархи 25%дан пастни ташкил қилса, операция асбоб-ускуна лизинги сифатида қаралади. Агар ернинг нархи 25%дан кўпроқ бўлса, унда ер лизинги алоҳида ҳисобга олинади.

Лизингнинг устунликлари ҳақида яна қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин.

Лизинг пул маблағлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши мумкин, чунки бу ҳолда лизингга олинган актив қийматининг 100%игача молиялаштирилиши мумкин. Банк кредитлари одатда актив қийматининг 80% билан чегараланади. Худди шунингдек лизингда қайд килинган фоиз ставкаси тўғрисида келишиш мумкин, банк кредитлари эса, сузувчи фоиз ставкалари билан тавсифланади.

Лизинг битимларини операцион лизинг сифатида тузиш мумкин, бу лизинг олувчига қарз чегаралари мавжуд бўлганда, балансдан ташқари бўлган ҳисоботни молиялаштиришга йўл очади.

Ишга туширилиши узоқ муддатни талаб этувчи ускуналарни тайёрлашга буюртма беришдан кўра, фойдаланишга тайёр бўлган ускунани лизингга олиш қулайдир.

Баъзида активларга фақат вақтинча, мавсумий ёки бирламчи талаб бўлади, бундай ҳолда лизинг доимо, фойдаланишда бўлган активларга эгалик қилиш ноқулай бўлган муаммоларни йўқ қилишга ёрдам беради.

Эгалик қилишга нисбатан қисқа муддат ичида активларнинг лизинги лизинг олувчига янги маҳсулотнинг ва юқори технологик асбоб-ускунанинг эскиришидан “муҳофаза” қилишга имконият беради.

Лизингнинг камчиликлари ҳақида яна қуйидагиларни айтиш мумкин.

Лизингга олинган активларнинг 100% молиялаштирилиши шунингдек пул кўринишидаги юқори даражадаги фоизларни англатади.

Мавсумий лизингда асбоб-ускуна керак бўлган пайтида топиш мумкин бўлади деб кафолат бериб бўлмайди, Ундан ташқари, чегараланган лизинг фоиз ставкалари белгиланиши мумкин.

Қисқа муддатли лизинг асбоб-ускуна эскиришидан ҳимоя қилиши мумкин, аммо қисқа муддатли лизинг ҳақи оддатда узоқроқ муддатли лизинг ҳақидан баланд бўлади (лизинг берувчи мумкин бўлган эскириш рискинни қоплайди).

Узоқ муддатли лизингда белгиланган ставка лизинг берувчи - кредиторни фоиз ставкаси кўтарилганда, зарарлар хавфига бошлайди.

**Лизинг операциялари бўйича ҳисоб-китобни ташкил қилиш.** Ҳозирги вақтда амалиётда лизинг операциялари бўйича ҳисоб- китобларнинг қуйидаги шакллари қўлланилади:

- ҳужжатлаштирилладиган аккредитив;
- инкассо;
- банк ўтказмаси;
- очилладиган ҳисоб варақ;
- бўнак тўлови.

Бундан ташқари вексел ва чеклардан фойдаланиб, лизинг операциялари бўйича ҳисоблашишлар ҳам амалга оширилади.

**Аккредитив** – келишув тури бўлиб, унга кўра миқдорнинг буйруғига асосан, банк тўлов пулларини учинчи шахс ҳисобварағига ўтказиш топшириғини олади.

**Инкассо** - банк операцияси бўлиб, унда банк миқдорнинг топшириғига кўра, кўрсатилган хизматлар учун учинчи шахсдан тўловларни олади.

**Банк ўтказмалари** - бу миқдорнинг топшириғига кўра, маълум бир суммадаги ўтказмани ўтказмани олувчига тўлов учун бир банкдан бошқасига ўтказиш.

**Бўнак тўлови** - товар ва хизматлар учун тўловларни товар жўнатилгунча ва хизмат кўрсатилгунча қадар берилиши.

**Очилган ҳисобварақлар** бўйича ҳисоб-китоблар. Ушбу ҳисоб-китобларнинг моҳияти ҳамкор корхоналарнинг доимий тўловлари амалга оширилиши билан изоҳланади. Жорий мажбуриятлар суммалари уларнинг китобларида юритилади.

Очилган ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоблар шаклидан лизинг операцияларида фойдаланилмайди, чунки лизинг бўйича доимий тўлов лизинг шартномасида келишиб олинган бўлади. Агар лизинг олувчи ўзбек компанияси бўлса, бўнак шаклидаги ҳисоб-китоб лизинг бўйича халқаро шартномада бирламчи тўлов сифатида қўлланиши мумкин.

Бу шаклдан хорижий компания маҳаллий ташкилотларга нисбатан эҳтиёткорлик сифатида фойдаланиши мумкин.

Лизинг бўйича ҳисоб-китобларда асосан, актив ва банк ўтказмаларидан фойдаланилади.

Аккредитив асосан, бирламчи тўловда қўлланилади.

Лизинг тўловлари шартномага кўра, банк ўтказмалари ёрдамида амалга оширилади. Лизинг операциялари юзасидан қандай ҳисоб-китоб турларидан фойдаланиш томонларнинг келишувига кўра, шартномада белгилаб олинади.

Лизинг тўлов суммаларини ҳисоблаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгра шу ҳисоб ишларига асосан тўлов ишлари амалга оширилади.

Молиявий лизинг ҳисобини юритиш бўйича мисол.

2019 йил 1 январда, “А” компания ва “В” компания билан шартнома тузишди, Шартнома бўйича “В” компания (лизинг берувчи) “А” компания (лизинг олувчи)га лизингга ўзи сотиб олган ҳаққоний қиймати 10 000 000 сўмга тенг бўлган асбоб-ускунани берди. Лизинг муддати 5 йил ва “А” компания ҳар йилнинг охирида 3 000 000 тўлаш мажбуриятини олади. Асбоб-ускуна лизингга бутун фойдали хизмат муддатига берилади ва ижаранинг охирида қолдиқ қиймати бўлмайди деб кутилади. Лизинг лизинг олувчи томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Мулкка тегишли ҳуқуқ ёки асбоб-ускуна билан боғлиқ солиқ имтиёзлари мавжуд эмас.

Минимал лизинг тўловлари 15 000 000 сўм. 3 000 000 сўм ҳар йили (беш йил мобайнида). Қолдиқ қиймат йўқлиги сабабли бу ҳам лизинг берувчининг лизингга қилган ялпи инвестицияларидир. Асбоб-ускунанинг ҳаққоний қиймати 10 000 000 сўм бўлгани ҳолда, умумий молиявий сарфлар 5 000 000 сўм бўлади. Лизинг кучга кирганда, “А” компания (лизинг олувчи) ҳисобот учун қуйидагиларни тан олади:

- Асосий актив 10 000 000
- Лизинг мажбурияти 10 000 000

Ҳар йили “А” асосий активнинг 2 000 000 сўм амортизациясини кўрсатади. Изоҳ: бу мисолда бир текисда ҳисобдан чиқариш усули қўлланилган.

Лизинг тўлови бўйича ҳар йиллик 3 000 000 сўмлик тўлов молиявий сарфлар ва мажбуриятларнинг камайиши орасида тақсимланади. Белгиланган фоиз ставкаси 15,24%, бу ставкада лизинг тўловларнинг соф жорий қиймати 10 000 000 сўмга тенг. Лизингнинг бошидан, “А” ҳисоботда аниқлаш ва кўрсатиш учун қўлланадиган тўловлар жадвалини тузади. Изоҳ: Ойлик молиявий ҳисоботларни тузиш учун фоизларни тўлаш бўйича харажатлар йиллик тўловдан олдин ҳисобланиши керак.

4.1-жадвал

Лизинг тўловларини тақсимлаш жадвали

Йил	Йил бошидаги мажбурият	Мажбуриятнинг камайиши	Йиллик молиявий харажатлар	Тўлов	Йил охиридаги мажбурият
2019	10 000 000	1 476 000	1 524 000	3 000 000	8 524 000
2020	8 524 000	1 701 000	1 299 000	3 000 000	6 823 000
2021	6 823 000	1 960 000	1 000 040	3 000 000	4 863 000
2022	4 863 000	2 259 000	741 000	3 000 000	2 604 000
2023	2 604 000	2 604 000	396 000	3 000 000	-
Жами		10 000 000	5 000 000	15 000 000	

Лизинг кучга кирганда “В” компания (лизинг берувчи) ҳисобот учун қуйидагиларни тан олади:

- Дебиторлик қарз 10 000 000
- Ускунани сотиб олиш манбаасига қараб, сотиб олиш қиймати 10 000 000.

Ҳар йили “В” компания 3 000 000 сўм ҳар бир тўловни фоизлардан тушган даромад ва дебиторлик қарзининг камайиши орасида тақсимлайди.

4.2-жадвал

#### Лизинг тўловларининг тақсимланиш жадвали

Йил	Йил бошидаги дебиторлик қарзи	Дебиторлик қарзининг олиними	Йиллик молиявий даромад	Тўлов	Йил охиридаги дебиторлик қарзи
2019	10 000 000	1 476 000	1 524 000	3 000 000	8 524 000
2020	8 524 000	1 701 000	1 299 000	3 000 000	6 823 000
2021	6 823 000	1 960 000	1 000 040	3 000 000	4 863 000
2022	4 863 000	2 259 000	741 000	3 000 000	2 604 000
2023	2 604 000	2 604 000	396 000	3 000 000	-
Жами		10 000 000	5 000 000	15 000 000	

Юқорида келтирилгани каби ҳисоб ишлари асосида лизинг берувчи ҳам лизинг олувчи ҳам бухгалтерия ҳисоб ишларини олиб боради.

**Лизинг операцияларини аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш.** Лизинг операцияларининг аналитик ҳисобини юритишдан мақсад, ушбу соҳа билан боғлиқ маълумотларни тўлиқ ва аниқ олишдан иборат. Мазкур операциялар ҳақида тўлиқ маълумот олиними бу борада олиб борилган ҳар бир жараён юзасидан аниқ хулоса чиқариш имконини беради. Олинган маълумотларни чуқур ўрганиш натижасида келинган тўғри хулосалар эса, хўжалик юритувчи субъектнинг бу борадаги келгусида амалга оширадиган ишларининг нақадар юқори самара бериши учун замин яратади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса килиб, шуни таъкидлаш мумкинки, корхонанинг лизинг билан боғлиқ операцияларини келгусидаги самараси улар юзасидан олиб бориладиган жорий ҳисобларнинг тўғрилиги ва аниқлигига маълум даражада боғлиқ бўлар экан. Шунинг учун ҳам, лизинг операцияларини оқилона ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Кўзланган мақсадга эришиш учун эса, лизинг операциялари билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам иқтисодий ва қонуний нуқтаи назардан ўз вақтида, шунингдек, тўғри расмийлаштирилишини таъминлаш керак бўлади.

Лизинг операциялари ҳақида тўлиқ маълумотга эришишда уларнинг аналитик ҳисоби муҳим ўринни эгаллайди. Лизинг операцияларининг аналитик ҳисобини юритишда хўжалик юритувчи субъект бу борадаги уларнинг ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳамда ҳисоб ишларини олиб борувчи мутахассисларининг малакасини эътиборга олган ҳолда иш юритади. Лизинг операцияларининг аналитик ҳисоби юритилганда, уларнинг куйидаги хусусиятлари эътиборга олинади:

- лизингга олинган ускунанинг корхонанинг қайси объектида жойлашганлиги (1-цехда, 2-цехда, ..., бухгалтерияда, омборда, маъмурий бинода,... ва ҳоказо);
- лизинг объектига бириктирилган моддий жавобгар шахслар бўйича;
- лизинг муддати бўйича (узок муддатли ва қисқа муддатли);
- лизинг объектининг тури бўйича (бино, асбоб-ускуна, транспорт воситаси, ЭҲМ ва ҳоказо);
- лизинг берувчилар (ёки лизинг олувчилар) хўжалик юритувчи субъектлар бўйича.

Лизинг операцияларини аналитик ҳисобини юритишда далолат-номалардан, инвентарь карточкалардан, инвентарь карточка рўйхатидан, эскириш ҳисоблаш жадвалларидан фойдаланилади.

**Лизинг олувчи томонидан молиявий лизинг ҳисоби.** Молиявий лизинг, лизинг олувчи баланснинг активида - лизингга олинган воситалар, мажбуриятида эса - лизинг мажбуриятларини ҳисобга олишни назарда тутди. Лизинг муддатининг бошида капитализацияланган сумма, лизинг объектининг бозордаги баҳоси асосида аниқланадиган минимал лизинг тўловларларининг жорий дисконтланган қийматига тенг бўлиши керак. У лизинг тўловлар суммасидан сақлаш, суғурталаш ва солиқларни тўлаш харажатларини, яъни лизингни амалга ошириш бўйича харажатларни чиқариб ташлаш орқали ҳисобланади. Минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблаганда, дисконтлашнинг ҳисобга олиш омили сифатида лизингнинг тахмин қилинган фоиз ставкасидан фойдаланилади, мабодо уни аниқлаш имкони бўлмаса муқобил фоиз ставкасидан фойдаланилади. Мазкур фоиз ставкаси лизинг олувчи ушбу активларни сотиб олиш учун қарзга олинган маблағлар учун тўлайдиган тўловлари суммасига тенгдир.

Лизинг тўловларининг жорий (дисконтлашган) қийматининг ҳажми лизинг олувчи баланснинг активида кўрсатилиши лозим. Лизинг бўйича мажбуриятлар суммаси баланснинг “Мажбуриятлар” қисмида: муддати 1 йилгача бўлган жорий тўловлар ҳажми - қисқа-муддатли мажбуриятлар сифатида ва 1 йилдан ортиқ бўлса - узок муддатли мажбуриятлар сифатида кўрсатилиши лозим. Лизингга олинган мулк ҳақидаги маълумот хусусий активлар ҳақидаги маълумот билан комбинациялашган бўлиши мумкин, лекин иловада лизингга олинган мулкнинг қийматини ва унинг амортизациясини кўрсатиш керак.

#### 4.3-жадвал

Мисол:

АКТИВЛАР		МАЖБУРИЯТЛАР	
Асосий воситалар бошланғич қиймати бўйича	30 000 000	Молиявий лизинг бўйича қисқа муддатли мажбуриятлар	900 000
Минус: ҳисобланган амортизация	<u>10 000 000</u>		
Асосий воситаларнинг соф қиймати	20 000 000	Молиявий лизинг бўйича узок-муддатли мажбуриятлар	2 700 000

Асосий воситаларнинг умумий қийматига лизингга олинган мулк 5 000 000 сўм, йиғилган амортизацияга эса - ушбу мулкнинг амортизацияси 1 400 000 сўм киритилган.

Кўриб турибмизки, асосий воситалар лизингининг капиталлашган қиймати 5 000 000 сўмни ташкил этади минус 1 400 000 сўм амортизацияси ёки 3 600 000 сўм. Мажбуриятлар 900 000 сўм қисқа муддатли ва 2 700 000 сўм узоқ муддатли мажбуриятга бўлинади.

Лизинг тўловлари ҳисоботда молиявий тўлов (фоизлар бўйича харажатлар) ва мажбуриятларни камайтириш бўйича тўловларга (лизинг келишуви бўйича тўловлар) тақсимланади.

Молиявий тўлов лизинг муддати мобайнидаги минимал лизинг тўловларининг суммаси ва бошланғич ёзилган мажбурият суммаларининг фарқидан иборатдир. Молиявий тўлов лизинг муддати мобайнида даврлар бўйича шундай тақсимланадики, ҳар бир даврда мажбуриятлар колдифига нисбатан доимий ставка сақланиб қолиниши керак. Лизингга олинган мулкнинг амортизацияси унга бўлган эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилган пайтда аниқланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг олувчига лизинг муддати тугагандан кейин ўтса ёки бу кўзда тутилган бўлса, амортизация ҳисоблаш учун давр бўлиб, активнинг фойдали иш фаолияти муддати ҳисобланади. Агар эгалик қилиш ҳуқуқи ўтказилмаса, амортизацияни ҳисоблаш учун қуйидаги икки даврдан энг қисқаси: лизинг муддати ёки активнинг фойдали иш фаолияти муддати ҳисобланади.

Одатда молиявий тўлов ва ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобот даври учун тўланган лизинг тўловига тенг эмас ва бунинг натижасида лизингга олинган актив қиймати ва у билан боғлиқ мажбурият қиймати лизинг муддатининг бошланишидан ҳамма даврлар учун тенг бўлмайди.

**Лизинг олувчи томонидан операцион лизингнинг ҳисоби.** Лизинг тўловлари бўйича харажатлар систематик равишда ҳар ҳисобот даврида (лизинг берувчи томонидан ҳисобга олинган суғурталаш ва хизмат кўрсатиш қийматидан ташқари) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадилар.

**Лизингга берувчи томонидан молиявий лизингнинг ҳисоби.** Лизингга берувчи нуқтаи назаридан лизинг ёки молиявий ёхуд сотиш туридаги лизинг сифатида ифодаланиши мумкин. Лизингга берувчи учун молиявий лизингга берилган активлар балансда асосий воситалар сифатида эмас, балки лизингга қилинган соф инвестицияларга тенг бўлган дебиторлик қарз сифатида акс эттирилади. Бундай дебиторлик қарзнинг соф қиймати улар кафолатланган ёки кафолатланмаган бўлишидан қатъий назар минимал лизинг тўловларининг жорий дисконтланган қиймати орқали аниқланиши керак. Лизингга берувчи ҳисоботда лизингдан олинган фойдани фоизлардан тушган фойда сифатида акс эттиради. Бутун фойда капитал қўйилмалардан олинган фойда, деб ҳисобланади.

Лизинг муносабатларига тааллуқли бўлган маълумотлар 6-сонли БҲМС “Ижара ҳисоби”га мувофиқ очиб берилиши лозим.

Лизинг операцияларининг синтетик ҳисобини юритишда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 6-сонли БҲМС “Ижара ҳисоби”га асосланади.

#### **А. Жорий лизинг ҳисоби**

***Лизингга берувчи корхонада асосий воситаларнинг жорий лизингининг ҳисоби.***

Асосий восита қисқа муддатга лизингга берилди 4 500 000 сўм  
Олиниши керак бўлган лизинг тўлови ҳисобланди 4 500 000 сўм  
Д 4820 “Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар”

К 9350 “Оператив ижарадан даромадлар”

Лизинг тўлови келиб тушди 4 500 000 сўм  
Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4820 “Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар”

Лизингдаги асосий воситаларларга эскириши ҳисобланди: 750 000 сўм  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

Лизинг тўловининг келгуси икки ойга тегишли бўлган суммалари келиб тушди 9 000 000 сўм

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 6230 “Бошқа муддати узайтирилган даромадлар”

***Лизинг олувчи корхонада жорий лизингнинг бухгалтерия ҳисоби***

Асосий восита жорий лизингга олинди 4 500 000 сўм  
Д 001 “Оператив ижарага олинган асосий воситалар”

Навбатдаги тўлов суммаси ҳисобланди 4 500 000 сўм

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6910 “Тўланадиган оператив ижара”

Лизинг тўлови ўтказилди 4 500 000 сўм

Д 6910 “Тўланадиган оператив ижара”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

Келгуси икки ойга тегишли лизинг тўлови ҳисобланди: 9 000 000 сўм

Д 3110 “Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи”

К 6910 “Тўланадиган оператив ижара”

Келгуси икки ойга тегишли лизинг тўлови ўтказилди: 9 000 000 сўм

Д 6910 “Тўланадиган оператив ижара”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

Лизингга олинган асосий воситани пудрат усулида тикланиши учун тўлов ҳисобланди 2 000 000 сўм

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

Пудратчига тиклаш ишлари учун тўлов ўтказилди 2 000 000 сўм

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

Лизингдаги асосий воситалар қайтарилди 4 500 000 сўм  
К 001 “Оператив ижарага олинган асосий воситалар”

**Б. Молиялаштирилган лизингнинг синтетик ҳисобини юритиш тартиби**

1. Лизингга берувчи корхонада бухгалтерия ҳисоби қуйидагича олиб борилади.

Юқорида келтирилган мисолимизга кўра:

4.4-жадвал

Лизинг тўловларининг тақсимланиш жадвали (сўм ҳисобида)

Йил	Йил бошидаги дебиторлик қарзи	Дебиторлик қарзининг олинishi	Йиллик молиявий даромад	Тўлов	Йил охиридаги дебиторлик қарзи
2019	10 000 000	1 476 000	1 524 000	3 000 000	8 524 000
2020	8 524 000	1 701 000	1 299 000	3 000 000	6 823 000
2021	6 823 000	1 960 000	1 000 040	3 000 000	4 863 000
2022	4 863 000	2 259 000	741 000	3 000 000	2 604 000
2023	2 604 000	2 604 000	396 000	3 000 000	-
Жами		10 000 000	5 000 000	15 000 000	

Асосий восита лизингга берилди

А) Дастлабки қиймат 10 000 000 сўм

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

Б) Лизинг шартномасида келишилган сумма 15 000 000 сўм

Д 0920 “Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

В) Лизингга беришдан кўрилган молиявий натижа 5 000.000 сўм

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 7230 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар”

**Биринчи йили олинadиган лизинг тўловининг ҳисобланиши**

Д 4810 “Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисм”  
1 476 000 сўм

Д 7230 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар” 1 524 000 сўм

К 0920 “Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар” 3 000 000 сўм

**Биринчи йили олинган лизинг тўловининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши**

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 3 000 000 сўм

К 4810 “Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисм” 1 476 000 сўм

К 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар” 1 524 000 сўм

**Иккинчи йили олинadиган лизинг тўловининг ҳисобланиши**

Д 4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар - жорий қисм”  
1 701 000 сўм

Д 7230 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар” 1 299 000  
сўм

К 0920 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар” 3 000 000  
сўм

***Иккинчи йили олинган лизинг тўловининг бухгалтерия ҳисобида акс  
этирилиши***

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 3 000 000 сўм

К 4810 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар - жорий  
қисм” 1 701 000 сўм

К 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар” 1 299 000 сўм

Учинчи, тўртинчи ва бешинчи йиллари учун ҳам олдинги йиллардаги  
каби юқоридаги жадвалда келтирилган олинадиган ижара суммалари ва  
фоизларга бухгалтерия ёзувлари бериб борилади.

***Лизинг олувчи корхонада лизинг операцияларининг ҳисоби  
қўйидагича олиб борилади.***

Асосий воситаларини лизинг шартномасида келишилган сумма

Д 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий  
воситалар” 10 000 000 сўм

К 7910 “Тўланадиган молиявий ижара” 8 524 000 сўм

К 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” 1 476 000  
сўм

***Биринчи йили тўланган лизинг тўловининг бухгалтерия ҳисобида  
акс этирилиши***

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” 1 476 000 сўм

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” 1524 000 сўм

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 3 000 000 сўм

***Иккинчи йили тўланадиган лизинг тўловининг ҳисобланиши***

Д 7910 “Тўланадиган молиявий ижара” 1 701 000 сўм

К 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” 1 701 000  
сўм

***Иккинчи йили тўланган лизинг тўловининг бухгалтерия ҳисобида  
акс этирилиши***

Д 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” 1 701 000 сўм

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” 1299 000 сўм

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 3 000 000 сўм

Учинчи, тўртинчи ва бешинчи йиллари ҳам олдинги йиллардаги каби  
юқоридаги жадвалда келтирилган тўланадиган ижара суммалари ва  
фоизларига бухгалтерия ёзувлари бериб борилади.

10 000 000 сўмлик асосий восита корхона мулкига қўшиб олинди.

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий  
воситалар”

**Лизинг операциялари ҳисобини такомиллаштириш босқичлари.**  
Лизинг тўловларини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу уларнинг ҳисобини юритишда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Лизинг шартномасида лизинг тўловлари, уларни тўлаш даврийлиги кўрсатилади. Асосан, лизинг тўловини ҳисоблашда тўловнинг қатъий белгиланган умумий суммасидан фойдаланилади. Лизинг тўлови бунда, ўз таркибига амортизация ажратмалари, қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш учун тўлов, лизинг компаниясининг маржаси, келишув юзасидан хизматлар учун берилган тўловлар ва лизинг берувчининг лизинг объектини олиш билан боғлиқ харажатларини олади.

Бугунги кунда, амалиётда лизинг компанияси амортизация ажратмалари ўрнига лизинг компанияси маблағларини (лизинг объекти қиймати) қайтариш суммасидан фойдаланади. Лизингда бўнак тўлови бўйича ҳисоблашилганда, лизинг компаниясининг маржаси лизинг объекти қолдиқ қийматидан ёки лизинг объекти тўлиқ қийматидан ишчи капитал ҳажмининг ўзгармаслигидан келиб чикиб аниқланади.

Лизинг тўлови - лизингнинг барча муддатидаги ҳамма лизинг тўловларининг суммалари ва лизинг олувчини агар мулкни сотиб олмоқчи бўлса, у тўлаши керак бўлган суммалар йиғиндисидан ташкил топади.

Қоидага кўра, молиявий, қайтариладиган, бўлинган лизингларда сотиб олишда тўланадиган сумма умумий лизинг тўловига қўшилади.

Қуйида ЎзР Марказий банки бошқармасини 1997 йил 29 мартдаги №11 баённомаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби” да ўз аксини топган лизинг тўловларини ҳисоблашни келтириб ўтамыз.

Лизинг тўлови таркибига киритиладиган амортизация ажратмаларининг ҳажми:

$$A = \frac{K \times M}{100\% \times Y}$$

бу ерда,

К - лизинг объектнинг баланс қиймати

М - тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмаларининг йиллик меъёри

Й - лизинг муддати (йилларда)

Лизинг компаниясининг жалб этилган маблағлар учун тўлови:

$$T_{жм} = \frac{Ск \times M_{кр}}{100\%}$$

бу ерда,

Тжм - жалб этилган маблағлар учун тўлов

Ск - кредит суммаси

Мкр - кредитдан фойдаланиш меъёри

Лизинг компаниясининг маржаси

$$\text{Млк} = \frac{\text{Ск} \times \text{Слк}}{100}$$

бу ерда,

Млк - лизинг компаниясининг маржаси

Ск - кредит суммаси

Слк - лизинг компаниясининг меъёри.

Лизинг компаниясининг қўшимча хизматлари ўз таркибига келишув бўйича тақдим этилган хизматлар учун тўловни ва лизинг компаниясининг лизинг объектини сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатларини олади.

Лизинг шартномаси бўйича умумий лизинг тўловининг суммаси қуйидагича аниқланади.

$$\text{Лт} = \text{А} + \text{Тжм} + \text{Млк} + \text{ЛС}$$

бу ерда,

Лт – қўшимча хизмат тўлови

Йиллик тўлови –  $\text{ЛТ} = \text{Лт} / \text{й}$

Чораклик тўловда –  $\text{ЛС} = \text{Лт} / \text{й} / 4$

Ойлик тўловда –  $\text{ЛС} = \text{Лт} / \text{й} / 12$

ЛС - даврий лизинг тўлови.

Лизинг олувчи шартларни бузганлиги учун шартномасининг амал қилиши тўхтатилса, лизинг шартномасида акс эттирилиши лозим бўлган лизинг компаниясининг келишувини қоплаш суммасини тўлаш керак бўлади.

$$\text{Ж} = \text{Тлт} + \text{К} + \text{Н}$$

бу ерда,

Ж - келишувни қоплаш суммаси

Тлт - тўланмаган лизинг тўловлари

К - лизинг шартномасининг режали муддати охирида лизинг объектининг қолдиқ қиймати

Н – неустойка.

Юқорида келтирилган ҳисоб-китоб усулига кўра “В” компания мутахассислари ўз фаолиятида банк кредит ҳисоб-китобига ўхшаш бошқача ёндашувдан фойдаланадилар.

Қўйилган маблағларнинг қайтарилиши амортизация ажратмалари ва қолдиқ қийматдан иборат.

Лизинг тўловига қўшиладиган амортизация ажратмаларининг ҳажми:

$$\text{А} = \text{К} \times \text{М} \times \text{Д} / 12$$

бу ерда,

А - амортизация ажратмаси (ажратма даврлар бўйича бир хил ҳажмда ҳисобланади)

К- Лизинг объектининг баланс қиймати

М - тиклаш учун амортизация ажратмалари меъёри (йиллар ва фоизда)

Д - лизинг тўлови даври, яъни келгусидаги тўловлари ўртасидаги давр (ойда).

#### **4.6. Амортизация ҳисоблаш усуллари ва уларни ҳисобга олиш**

**Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш.** Корхонанинг мулки ҳисобланган ёки молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0211 “Ерни ободонлаштиришнинг эскириши”;

0212 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши”;

0220 “Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши”;

0230 “Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши”;

0240 “Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши”;

0250 “Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши”;

0260 “Транспорт воситаларининг эскириши”;

0270 “Ишчи ҳайвонларнинг эскириши”;

0280 “Кўп йиллик дарахтларнинг эскириши”;

0290 “Бошқа асосий воситаларнинг эскириши”;

0299 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши”.

Аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва хориждаги асосий воситаларнинг мавжудлиги ва эскиришининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Асосий воситалар бўйича эскириш ЎЗР Солиқ кодексида ва ЎЗР молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган 5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар”да белгиланган меъёрлар ва усуллар бўйича ҳисоблаб ёзилади.

Қўйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

а) маҳсулдор ҳайвонларга;

б) кутубхона фондларига;

в) ҳокимият қарамоғидаги ободонлаштириш иншоотларига;

г) қонунчиликда белгиланган тартибда консервацияга ўтказилган фондларга;

д) музей қийматликларига;

е) санъат ва архитектура ёдгорликларига;

ж) умумий фойдаланиш учун мўлжалланган автомобиль йўлларига;

з) тўлиқ эскириш ҳисобланган асосий воситаларга.

Амортизация моддий буюмли қийматликларга таалуқли асосий воситалар объектларига ҳисобланади. Булар маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва 12 ойдан ошган узоқ вақт давомида фаолият юритадиган ёки 12 ойдан ошадиган нормал иш циклини ўз ичига олган моддий активлардир.

Ташкилот томонидан мол-мулкга эгалик бўлган, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи бўйича асосий воситалар объектлари бўйича, 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағида ҳисоби юритиладиган объектларга амортизация ҳисобланади. 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар” ҳисобварағида ҳисобга олинган ташкилотнинг асосий воситалар объектларига ҳам амортизация ҳисобланади.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ушбу объект қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошланади ва ушбу объектнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки балансдан ушбу объектнинг ҳисобдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қоплангандан ёки объектнинг балансдан ҳисобдан чиқарилиши ойдан кейинги ойнинг биринчи кунда бекор қилинади.

Ушбу ёндашув муайян кўрсаткичлар асосида муайян усул бўйича йиллик амортизация суммаларини ҳисоблашни назарда тутди. Ҳисобот йилида объектларга амортизация ҳар ойда қўлланиладиган усулдан қатъи назар, йиллик сумманинг 1/12 миқдорида ҳисобланади, ҳамда ўтган ойда қабул қилинган ва ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларга амортизация суммаларини ҳисобга олади. Шунинг учун, энг асосийси, асосий воситаларнинг йил давомида келиб тушиши ва ҳисобдан чиқарилишига тузатишларни ҳисобга олиб йиллик амортизацияни тўғри ҳисобланса, ойлик амортизация суммаларини ҳисоблаш қийин эмас. Бу амортизация ҳисоблашини жуда осонлаштиради ва йиллик учун амортизация ҳисобланадиган қайдномани қўллашга имкон беради.

Амортизация ҳисобланадиган меъёрлар асосий воситалар таснифий гуруҳлари қийматининг фоиз тарзида ифодаланади. Шу билан бирга машина ва ускуналарга оид нормалар нафақат уларнинг турлари, балки улар учун ишлатиладиган иш турлари ва тармоқлар бўйича ҳам кенг фарқланади. Айрим ишлаб чиқариш шароитлари корхонада фаолият кўрсатаётган активларга амортизациянинг кўпайиши ёки қисқаришига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда амортизация ҳисоблаганда белгиланган эскириш нормаларига тегишли тузатиш киритиш керак бўлади.

Асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммаларига, яъни эскиришига, тегишли ҳисобварақлар дебетида 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”, 2510 “Умум ишлаб чиқариш харажатлари”, 9410 “Сотиш харажатлари”, 9420 “Маъмурий харажатлар” ва кредит 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварақларини қайд этишга асос бўлади.

**Амортизация ҳисоблаш усуллари.** Корхонанинг асосий воситалари ишлаб чиқариш жараёнида аста-секин эскиради ва эскиргани сари ўз қийматини тайёр маҳсулотларга ўтказди. Шу муносабат билан ҳар бир корхона асосий воситаларни ўз вақтида алмаштириш учун зарур бўлган асосий воситаларнинг эскиришини тўпланишини таъминлаши лозим. Бу жамғаришга, яъни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига ажратма суммаларини қўшилиб бориши, амортизация деб аталади.

Асосий воситаларнинг эскириши техник-иқтисодий хусусиятларнинг ёки жисмоний сифатларнинг йўқолиши натижасида содир бўлиши мумкин. Эскиришни икки тури мавжуд:

1) жисмоний, асосий воситалар яратилган материалларнинг эскириши, асл фазилатларининг йўқолиши, тузилмаларнинг аста-секин емирилиши билан тавсифланади;

2) маънавий, илгари яратилган асосий воситалар ишлаб чиқаришнинг замонавий техника даражасидан босқичма-босқич орқада қолиши билан боғлиқ.

Амортизация (лат. amortizations - сўндириш) - пул кўринишида ҳисобланган асосий воситаларнинг уларни қўллаш, ишлаб чиқариш фойдаланиш жараёнида эскириши.

5-сонли БҲМС “Асосий воситалар” бухгалтерларга асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олишда бир қатор янги имкониятлар яратади. Стандартда асосий воситаларнинг алоҳида объектларига эскириш суммаларини ҳисоблашнинг тўртта усули кўрсатилган: 1) тенг маромли; 2) ишлаб чиқариш усули; 3) йиллар суммаси усули (кумулятив усул); 4) икки қарра амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули.

**Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш.** Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация тенг маромда, асосий воситаларни фойдали ишлатиш муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Мазкур усулга кўра асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат муддати давомида тегишли харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Усул амортизация меъёри фойдали хизмат муддатининг фаолиятига боғлиқлигига асосланган. Ҳар бир давр учун амортизация ажратмалари суммаси амортизацияланадиган қийматни фойдаланилган ҳисобот даврлари сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситаларнинг амортизация қиймати ва мазкур объектнинг фойдали ишлатилиш муддатидан келиб чиқиб аниқланади.

Мисол.

Фойдали хизмат муддати 5 йил бўлган 155 000 минг сўмлик объект сотиб олинди. Тугатиш қиймати 5 000 минг сўм. Амортизацияланадиган

сумма 150 000 минг сўм (155 000 – 5 000). Амортизациянинг йиллик ставкаси - 20%.

Амортизациянинг йиллик суммаси бўлади:

150 000 минг сўм. \* 20 % : 100 % = 30 000 минг сўм.

4.5-жадвал

Тенг маромли усулда амортизация ҳисоблаш

Йиллар	Асосий воситанинг бошланғич қиймати (минг сўм)	Амортизацияланадиган сумма (минг сўм)	Йиллик амортизация суммаси (минг сўм)	Жамғарилган амортизация суммаси (минг сўм)	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (минг сўм)
1-йил	155 000	150 000 • 20%	30 000	30 000	120 000
2-йил	155 000	150 000 • 20%	30 000	60 000	90 000
3-йил	155 000	150 000 • 20%	30 000	90 000	60 000
4-йил	155 000	150 000 • 20%	30 000	120 000	30 000
5-йил	155 000	150 000 • 20%	30 000	150 000	5 000

Асосий воситалар объектининг фойдали хизмат муддатини юридик шахс ушбу объектни бухгалтерия ҳисобига олишда мустақил белгилайди.

Амортизация қилинадиган мол-мулк, солиқ мақсадлари учун қуйидаги маржинал амортизация меъёрлари билан гуруҳларга бўлинади.

4.6-жадвал

ЎзР Солиқ кодексининг 306-моддаси бўйича амортизация меъёрлари

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Асосий воситаларнинг номи	Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда
I		<b>Бинолар, иморатлар ва иншоотлар</b>	
	1	Бинолар, иморатлар	3
	2	Нефть ва газ қудуқлари	5
	3	Нефть-газ омборлари	
	4	Кема қатнайдиған каналлар, сув каналлари	
	5	Кўприklar	
	6	Дамбалар, тўғонлар	
	7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9	Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар	
	10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сиғимлар	
	11	Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи	
	12	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
	13	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлкалари, тўхташ жойлари	
	14	Истироҳат боғларининг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	
	15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17	Бошқа иншоотлар	
II		<b>Узатиш қурилмалари</b>	
	1	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	8

	2	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4	Магистрал қувурлари	
	5	Бошқалар	
III		<b>Куч машиналари ва асбоб-ускуналар</b>	
	1	Иссиқлик техник асбоб-ускуналари	8
	2	Турбина асбоб-ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	
	4	Комплекс қурилмалар	
	5	Бошқа куч машиналари ва асбоб-ускуналари (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		<b>Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва асбоб-ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)</b>	
	1	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва асбоб-ускуналар	15
	2	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва асбоб-ускуналари	
	3	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон асбоб-ускуналари, рақамли тизимлар узатиш асбоб-ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа асбоб-ускуналари	
	5	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш асбоб-ускуналари	
	6	Киностудияларнинг махсус асбоб-ускуналари, тиббий ва микробиология саноати асбоб-ускуналари	
	7	Компрессор машиналари ва асбоб-ускуналари	
	8	Насослар	
	9	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10	Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сиғимлар	
	12	Нефть қазиб чиқариш ва бурғулаш ускуналари	
	13	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		<b>Ҳаракатланувчи транспорт</b>	
	1	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	4
	2	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	
	3	Ҳаво транспорти	
	4	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5	Енгил автомобиллар	
	6	Саноат тракторлари	
	7	Коммунал транспорт	
	8	Махсус вахта вагонлари	
	9	Бошқа транспорт воситалари	
VI		<b>Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари</b>	
	1	Компьютерлар	20
	2	Периферия қурилмалари ва маълумотларга ишлов бериш ускуналари	
	3	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4	Бошқа компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларга ишлов бериш ускуналари	
VII		<b>Бошқа гуруҳларга киритилмаган асосий воситалар</b>	15

Ҳар бир кичик гуруҳ учун солиқ мақсадлари учун амортизация меъёрини қўллаш орқали ҳисоблаб чиқилади, аммо ушбу Кодексда белгиланган меъёрдан юқори эмас.

Солиқ мақсадлари учун амортизация ҳисоблаш ушбу модда бўйича белгилангандан паст меъёрларда ҳисоблаш мумкин ва солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак.

Чизиқли усул асосий воситалар учун ишлатилиши мумкин, бунда улардан фойдаланишнинг фойдали муддатини чекловчи асосий омиллар фойдаланиш вақти ва бажарилган даврий ишларнинг нисбатан доимий миқдори ҳисобланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: бинолар, иншоотлар, куч машиналари ва механизмлари, дастгоҳлар ва ускуналар. Бу усулда, ойлик амортизация ажратмалари фойдали ҳаёт давомида бир хил миқдорда амалга оширилади.

**Амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).** Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилдаги асосий воситаларнинг маҳсулотларини ҳисобга олишга асосланган.

Мазкур усул бўйича амортизациянинг ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун бутун фойдали ишлатиш муддатидаги умумий баҳоланган маҳсулотлар йиғиндисини ва мазкур муайян йилдаги маҳсулотларни аниқлаш лозим. Маҳсулот сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони, ўтиб бўлинган тонна-километрлар сони ва бошқалар олиниши мумкин.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда асосий воситаларнинг амортизация қийматининг асосий воситалари бутун фойдали ишлатиш муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

#### **Мисол.**

Корхона ишлаб чиқариш-техник бўлимининг ҳисоблашига кўра, агар махсус асбоб-ускуна ва қурилмаларнинг ёрдамида уч йил давомида 2000 дона маҳсулот ишлаб чиқарилса, уларнинг бошланғич қиймати тўлиқ амортизацияланади. Фараз қилайлик, операциянинг биринчи йилида 900 дона, иккинчи ва учинчи йилларида мос равишда 700 ва 400 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлсин. Махсус асбоб-ускуна ва мосламаларнинг бошланғич қиймати 85 000 минг сўм, тугатиш қиймати 5 000 минг сўм, амортизация қилинадиган қиймат 80 000 минг сўм (85 000 – 5 000)ни ташкил қилсин. У ҳолда, ҳисоблаш даври йилларига ҳисобланган амортизация суммаси қуйидагича бўлади:

биринчи йилда:  $80\,000 \text{ минг сўм} : 2\,000 \text{ дона} * 900 \text{ дона} = 36\,000 \text{ минг сўм};$

иккинчи йилда:  $80\,000 \text{ минг сўм} : 2\,000 \text{ дона} * 700 \text{ дона} = 28\,000 \text{ минг сўм};$

учунчи йилда:  $80\,000 \text{ минг сўм} : 2\,000 \text{ дона} * 400 \text{ дона} = 16\,000 \text{ минг сўм};$

Йиллик амортизация суммаси билан иш ёки фойдаланиш бирлиги ўртасида бевосита алоқадаорлик мавжуд. Жамланган эскириш ҳар йили иш ёки фойдаланиш бирликларига бевосита мутаносиб равишда ошиб боряпти. Ниҳоят, қолдиқ қиймат ҳар йили тугатиш қийматиغا етгунча иш ёки фойдаланиш бирлигига бевосита мутаносиб равишда камаяпти. Бу усулга кўра, ҳар бир объект учун тахмин қилинаётган фойдали ҳаётни аниқлаш учун фойдаланиладиган иш ёки фойдаланиш бирликлари маълум активларга мос келиши керак. Масалан, ишлаб чиқарилган товарлар сони маълум бир машина билан боғлиқ бўлиши керак, ҳолбуки объектдан фойдаланиш соатлари сони бошқа машина учун амортизация ҳисоблашда яхшироқ кўрсаткич бўлиши мумкин. Бу усулдан объектнинг фойдали хизмат муддати давомида қайтими етарли аниқлик билан аниқлаш мумкин бўлганда фойдаланиш керак.

Агар илгари бу усулдан фақат транспорт воситаларининг юрган километрини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилган бўлса, эндиликда ишлаб чиқариш ҳажми муайян асосий воситалар объектлари билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ускуналарининг турлари учун ҳам бу усулни амалда қўллаш мумкин.

Ушбу усулни қўллаш имкониятларини кенгайтириш асосида, асосий воситаларнинг инвентар объектларига янгича тушнча бериш имкони пайдо бўлади. Масалан, бир нечта предметлардан иборат ишлаб чиқариш технологик линиясига- конструктив жиҳатдан алоҳида предметлардан иборат мажмуа сифатида таъриф беришимиз мумкин. Бу ҳолат асосий воситаларнинг аналитик ҳисобини ва амортизация ҳисоблашни анча осонлаштиради. Ишлаб чиқариш линиясининг бир қисми бўлган ҳар қандай буюмнинг ишлаш учун яроқсизлиги туфайли ҳисобдан чиқариш ва уни янгисига алмаштириш - капитал қўйилмалар сифатида қабул қилинади. Бундай ҳолда бутун бир ишлаб чиқариш технологик линиясининг бошланғич қиймати ўзгаради, ва инвентар варақчаларга ёки электрон ахборот ташувчиларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Асосий воситаларнинг эскиришини ишлаб чиқариш ҳажмига (ишларга) мутаносиб ҳисоблаш амалиётини кенгайтириш билан амортизация суммаларини ишлаб чиқариш таннархига киритиш тартиби чамбарчас боғлиқ. Улар бир хил маҳсулотларнинг аниқ турлари ёки гуруҳлари билан боғлиқ бўлгани учун уларни бевосита ушбу турдаги харажатларга бевосита ўтказиш мумкин ва 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағларига тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқариш мақсадга мувофиқдир. Агар ушбу амортизация суммалари ишлаб чиқариш технологияси бир-бирига ўхшаш бир неча хил турдаги маҳсулотлар билан боғлиқ бўлса, амортизация суммаси ушбу гуруҳ маҳсулотлари орасида натурал ифодада, мутаносиб равишда тақсимланиши лозим.

Харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига (ишларга) мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш усули асосий фондлар учун ишлатилади, унинг асосий мезони улардан фойдаланиш даврийлигидир. Бу автомобил, самолёт каби

кўплаб транспорт воситаларига тегишли бўлиб, уларни километр миқдори ёки парвоз соатлари сонига боғлиқ. Шунингдек тоғ-кон қазиб олиш саноати асбоб-ускуналарига ҳам таалуқли бўлиб, бунда амортизация қазиб олинган минераллар ҳажмига боғлиқ ҳисобланади. Бундай асосий воситалар учун ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) бирлигига амортизация суммаси аниқланади.

Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси қуйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади:

**Икки карра амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули.** Икки карра амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули амортизацияни ҳисоблаш даврида активнинг амортизацияланадиган қиймати камайишини англатади.

Мазкур усулга кўра тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулидан икки карра амортизация меъёри мазкур ҳисобот давридаги асосий воситанинг тегишли қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Икки карра амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича амортизацияни ҳисоблашда фараз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегирилмайди.

Икки карра амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот йили бошидаги асосий воситалар қолдиқ қийматидан ва мазкур объектни фойдали ишлатиш муддатига боғлиқ ҳолда ҳисобланган амортизациянинг икки карра меъёридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Амортизациянинг икки карра меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ушбу объектларнинг баланс (қолдиқ) қиймати уларнинг тугатиш қийматига тенг бўлган вақтдан бошлаб тугатилади.

Корхоналар томонидан икки карра меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида амортизациянинг тезлаштирилган омили қуйидаги ҳолатларда қўлланилиши мумкин:

1) зарарли муҳитда ва (ёки) кўп сменада фаолият учун ишлатиладиган асосий воситаларга нисбатан;

2) саноат туридаги қишлоқ хўжалиги ташкилотлари (паррандачилик хўжаликлари, чорвачилик мажмуалари, иссиқхона комбинатлари) ўз асосий фондларига нисбатан);

3) саноат ишлаб чиқариш махсус иқтисодий зонаси ёки туристик-рекреацион махсус иқтисодий зонаси резиденти мақомига эга бўлган ташкилотларнинг ўз асосий фондларига нисбатан;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган объектлар рўйхатига мувофиқ, юқори энергия самарадорлигига эга объектлар билан боғлиқ асосий воситаларга нисбатан, ёки энергия самарадорлиги юқори синфга эга объектларга, агар Ўзбекистон Республикаси

конун хужжатларига мувофиқ бундай объектларга нисбатан уларнинг энергия самарадорлиги синфларини аниқлаш кўзда тутилган бўлса.

Ташкилотлар қуйидагиларга нисбатан амортизациянинг асосий меъёрига махсус коэффициент қўллаш ҳуқуқига эга, лекин мазкур коэффициент 3 дан ортиқ бўлмаслиги лозим:

1) молиявий ижара шартномаси (лизинг шартномаси) предмети бўлган асосий воситаларга нисбатан);

2) фақат илмий-техник фаолият учун ишлатиладиган асосий воситаларга нисбатан.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган амортизацияни тезлаштирилган меъёрлари Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексида назарда тутилмаган, яъни жадаллаштирилган амортизация усуллари солиқ ҳисобида қўлланилмайди. Бироқ, улар бошқарув ҳисоби мақсадлари учун икки қарра амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулини бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши мумкин.

### Мисол

Фойдали хизмат муддати 5 йил бўлган 100 млн. сўмлик асосий воситалар объекти сотиб олинди. Тугатиш қиймати 5 000 минг сўм. Амортизация қилинадиган қиймат 95 000 сўм (100 000 – 5 000).

Амортизация меъёри фойдали хизмат муддати асосида ҳисобланган - 20 % (100%: 5 йил), тезлаштириш коэффициенти 2 га оширади. Шундай қилиб, йиллик амортизация меъёри 40% бўлади.

Ҳисоблаш даври йилларига амортизация суммаларини ҳисоблаш 4.7-жадвалда келтирилган.

Фойдаланишнинг охири йилида йиллик амортизация суммаси объектнинг охири йил бошидаги қолдиқ қийматидан тугатиш қийматини айириб ҳисобланади.

4.7-жадвал

Қолдиқни камайтириш усулида йиллар бўйича амортизация ҳисоблаш

Асосий воситаларнинг фаолият йили	Амортизация ажратмасини ҳисоблаш (минг сўм)	Йиллик амортизация суммаси (минг сўм)	Жамғарилган амортизация суммаси (минг сўм)	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (минг сўм)
1-йил	100 000 • 40%	40 000	40 000	60 000
2-йил	60 000 • 40%	24 000	64 000	36 000
3-йил	36 000 • 40%	14 400	78 400	21 600
4-йил	21 600 • 40%	8 640	87 040	12 960
5-йил	12 960	7 960	95 000	5 000

Бу усулдан фойдаланилганда йиллик амортизация суммалари ҳар йили камаяди ва шунинг учун асосий воситаларнинг ҳар бир фаолият йили учун ойлик амортизация суммалари алоҳида-алоҳида ҳисобланиши керак.

Мисолдан кўриниб турибдики, бу усул билан амортизациянинг йиллик суммаси камайиб боради, бу эса ускуналар унумдорлигининг пасайиши ва

бундай асосий воситалар объектдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг қисқариши қтисодий жиҳатдан асослаб берилади.

Дунё амалиётининг кўрсатишича, қолдиқни камайтириш усулини қўллашда асосий воситалар объектнинг дастлабки йилларида таъмирлаш ишлари талаб қилинмаслиги боис, амортизация ажратмаларининг ўрнига бошқа асосли ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтириш имконини беради. беради.

**Йиллар суммаси усули (кумулятив усул).** Йиллар суммаси усулига (кумулятив усулга) кўра ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар сонлари суммасига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар суммаси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситаларнинг амортизация қийматидан ҳамда суратида объектни фойдали ишлатиш муддатининг охирига қадар қоладиган йиллар сони, махражида эса - объектни фойдали ишлатиш муддати йиллари сони суммасининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

### Мисол

Асосий воситаларнинг тахминий фойдали хизмат муддати - беш йил. Фойдали ҳаёт йилларининг йиғиндиси:

$$1+2+3+4+5=15.$$

Ҳисоблаш коэффициентини: биринчи йилда –  $5/15$ ; иккинчи йилда- $4/15$ ; учинчи йилда- $3/15$  ва ҳоказо. Объектнинг бошланғич қиймати 125 000 минг сўмни ташкил этади. Тугатиш қиймати 5 000 минг сўм. Амортизацияланадиган қиймат 120 000 минг сўм.

4.8-жадвал

Кумулятив усул бўйича йиллар бўйича амортизация суммаси

Асосий воситаларнинг фаолият йили	Амортизациянинг йиллик ҳисоблаган суммаси (минг сўм)	Жамғарилган амортизация суммаси (минг сўм)	Асосий воситани амортизацияланадиган қийматини қолдиқ суммаси суммаси (минг сўм)
1-йил	$120\ 000 * 5/15 = 40\ 000$	40 000	80 000
2-йил	$120\ 000 * 4/15 = 32\ 000$	72 000	48 000
3-йил	$120\ 000 * 3/15 = 24\ 000$	96 000	24 000
4-йил	$120\ 000 * 2/15 = 16\ 000$	112 000	8 000
5-йил	$120\ 000 * 1/15 = 8\ 000$	120 000	-

Асосий воситаларнинг фаол қисми учун оқилона бўлган йиллик амортизация суммаси камайиб боради. Бундан ташқари, асосий воситалар қийматини ўтказиш муддати ошиб боради, агар объект муайян вақт консервация, таъмирлаш, модернизацияда бўлса.

Тезлаштирилган йиллар йиғиндиси усули билан объект қийматини ҳисобдан чиқариш аҳамияти шундан иборатки, дастлабки йилларида кейингисига нисбатан анча катта ҳажмда амортизация қилиш имконини беради. Бу усул асосий воситалар объектлари учун қўлланади, уларнинг қиймати фойдали хизмат муддатига қараб камаяди; маънавий эскириш тез содир бўлади; хизмат муддатининг ошиши билан объектни қайта тиклаш харажатлари ошади. Бу усулдан, хусусан, асосий воситалар объектларига босим дастлабки иш йилларига тўғри келадиган кичик ва янги ташкил этилган ташкилотлардаги компьютер ва алоқа воситаларига, машина ва асбоб-ускуналарга амортизация ҳисоблашда фойдаланиш мумкин.

**Тўртта усулни таққослаш.** Қолдиқни камайтириш усули ва кумулятив усул жадаллаштириш усуллар (accelerated methods) қаторига киради, яъни, асосий воситаларни бошида фойдаланиш вақтида амортизация ажратмалари объектни хизмат муддатини охирига нисбатан суммаси сезиларли даражада ошиб кетади, даврни охирида камаяди. Бу усуллардан фойдаланиб, шуни тахмин қилинадикки, ишлаб чиқариш асосий фондларининг кўпгина турлари ҳали янги бўлган пайтида (яъни фаолиятининг дастлабки йилларида) самаралироқ фаолият кўрсатади ва юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўладилар. Жадаллаштирилган усуллар, хусусан, технологияларнинг такомиллашуви туфайли ускуналарнинг кўплаб турлари ўз қийматини тезда йўқотиши (маънавий эскириши) билан изоҳланади. Шундай қилиб, жорий ҳисобот даврида келажакда нисбатан эскириш суммасини катта миқдорда ҳисоблаб харажатларга ўтказиш кўпроқ ҳақиқатга тўғри келади. Янги кашфиётлар ва материаллар илгари сотиб олинган асбоб-ускуналарнинг маънавий қаришига олиб келади ва асбоб-ускунани жисмонан эскиришидан анча олдин алмаштиришни зарур қилиб қўяди.

Тезлаштирилган усуллари фойдасига яна бир аргумент келтириш мумкин, таъмирлаш харажатлари объектларни хизмат қилиш муддати охирида бошига нисбатан анча катта бўлиш эҳтимоли бор. Бу эса таъмирлаш харажатлари ва амортизация ажратмаларининг умумий миқдори йиллар давомида деярли доимий бўлиб қолишига олиб келади. Натижада асосий воситаларнинг фойдалилиги кўп йиллар давомида бир хил бўлиб қолади.

Тезлаштирилган усуллари фойдасига яна бир аргумент таъмирлаш харажатлари бошида нисбатан камроқ, ҳаёт охирида катта бўлиш эҳтимоли бор. Бу эса таъмирлаш харажатлари ва амортизация тўловларининг умумий миқдори бир қатор йиллар давомида деярли доимий бўлиб қолишига олиб келади. Натижада асосий воситаларнинг фойдалилиги кўп йиллар давомида бир хил бўлиб қолади.

Асосий воситалар амортизациясининг чизикли усули, унинг кўламини камайтириш мумкин бўлса-да, асосий усул бўлиб қолади. Бу шундан келиб чиқадикки, унинг асосида объектларнинг фойдали хизмат муддати мавжуд. Бинолар, иншоотлар, куч ва иш машиналари ва ускуналар, ахборот ускуналари, ишлаб чиқариш инвентарлари ва аксессуарлари, хўжалик инвентарлари, иш ва маҳсулдор ҳайвонлар, ва ҳоказога шу усулда

амортизация ҳисоблаш кўпроқ қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу усулни эскириш даражаси фойдали хизмат муддати билан белгиланадиган ёки объектларнинг қийматини амортизация орқали маҳсулотларга ўтказиш жараёнини уларнинг ишлаши интенсивлиги билан функционал равишда боғлаш мумкин бўлмаган асосий воситаларга қўллаш тавсия этилади.

Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш (ишлар) ҳажмига мутаносиб равишда амортизация ҳисоблаш усули ижобий сифатлари улар томонидан асосий воситаларнинг ишлаш даражасини уларнинг қийматини маҳсулотларга ўтказиш жараёни билан боғлашдир. Ва асосий воситаларнинг эскиришини бевосита шу турдаги маҳсулотлар таннархига киритиш имкониятлари мавжуд. Бажарилган иш миқдорига мутаносиб равишда амортизация усули йилдан-йилга амортизация суммасининг кескин тебраниши туфайли амортизациянинг аниқ тенденцияси ҳақида тасаввур бермайди. Амортизациянинг кескин йиллик ўзгариши қолдиқ қийматда ҳам акс эттирилади.

Солиқ солиш мақсадида ЎзРнинг Солиқ кодексида ҳар йиллик амортизация меъёрлари харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматига нисбатан фоизларда белгиланган.

Ҳисобот йили давомида асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъи назар (амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари), йиллик сумманинг 1/12 миқдорида ҳар ойда ҳисобланади.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот йилида корхона томонидан асосий воситалардан фойдаланиш даври мобайнида тенг маромда ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига (гуруҳларига) амортизацияни ҳисоблашнинг турли усуллари қўллашга йўл қўйилади. Бунда асосий воситаларнинг бир турдаги объектлари бўйича (маркаси, тури ва бошқалар бўйича) фақат битта усул қўлланилади.

Қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилади. Корхоналар календарь йили давомида ҳисоб сиёсатини ўзгартирмаслиги керак, ЎзР 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”нинг 56-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Агар асосий воситалардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий фойдада сезиларли даражада ўзгариш юз берса, амортизацияни ҳисоблаш усули, агар юзага келган ҳолатлар амортизация усулининг ўзгартирилишини оқласа, ўзгараётган тенденцияни акс эттирадиган тарзда ўзгартирилиши мумкин. Бундай ўзгариш ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бунда молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида мазкур ўзгариш сабаблари ва уларнинг иқтисодий самараси очиқ берилиши зарур.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати асосий воситалар

ҳолатини яхшилайдиган ва, демак, хизмат муддатини узайтирадиган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек бу муддатни қисқартирадиган технологик ўзгаришларни ҳисобга олиб, корхона томонидан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Тугатиш қиймати асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини ҳисоб-китоб қилишда муҳим таркибий омил ҳисобланади. Тугатиш қиймати муҳим бўлмаган ҳолатда, у амортизацияланадиган қийматни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмайди.

Агар тугатиш қиймати аҳамиятга эга бўлса, у асосий воситаларни харид қилинган сана ёки уларни қайта баҳолаш санасида белгиланади. Тугатиш қиймати асосий воситаларнинг хизмат муддати охирида тугатиш бўйича кутилаётган харажатларга камайтиради.

0211 - 0290 ҳисобварақларида мулкчилик ҳуқуқи корхонага тегишли бўлган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобга олинади.

0299 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағида молиявий ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши хусусий асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартиби каби бир хил тартибда ҳисобга олинади.

Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг (0200) кредитида, харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда олиб борилади.

Ижарага берувчи корхоналар оператив ижарага берилган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммасини тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг (0200) кредити ва 9430 "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг дебетида акс эттирадилар.

Корхона мулки бўлган асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида ҳисобдан чиқаришда уларга ҳисобланган эскириш суммаси тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг (0200) дебетидан 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" ҳисобварағининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Қуйида асосий воситалар эскиришини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:

Д 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ёки

Д 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ёки

Д 2710 "Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар"

К 0200 "Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар".

2) Умумишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Савдо корхоналарида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Маъмурий мақсадлар учун фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Қуйидаги мақсадларда фойдаланиладиган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:

а) янги турдаги буюмларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида

б) серияли ёки оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда хизмат кўрсатиш учун

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

б) Ишчи ҳайвонлар бўйича эскиришни ҳисоблаш:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 0270 “Ишчи ҳайвонларнинг эскириши”.

7) Кўп йиллик ўсимликлар эскиришини ҳисоблаш:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 0280 “Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши”.

8) Оператив ижарага берилган асосий воситалар эскиришини ҳисоблаш:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

9) Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг хусусий асосий воситалар таркибига ўтиши натижасида уларга ҳисобланган эскириш суммасини ўтказиш:

Д 0299 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

10) Молиявий ижара шартномасининг муддати тугагандан кейин ижарага берувчига қайтариладиган асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобдан чиқариш:

Д 0299 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши”

К 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар”.

11) Асосий воситаларнинг эскиришини қайта баҳолаш:

а) қиймати оширилганда

Д 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

б) қиймати камайтирилганда

Д 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”.

12) Асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида уларга ҳақиқатда ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Д 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.

#### **4.7. Асосий воситалар таъмирлашини ҳисоби**

Эксплуатация жараёнида асосий воситалар эскиради, бузилишлар туфайли ишдан чиқади, шу жумладан уларнинг нотўғри эксплуатация қилиш натижасида ва ҳоказо. Асосий воситаларни техник жиҳатдан яроқли ҳолатда сақлаш ва техник бузилишларнинг олдини олиш учун асосий воситаларга тегишли резерв фондини ташкил қилиш керак. Бу фонда асосий воситаларни кутилмаган ва режали таъмирлашда фойдаланилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш учун берганда асосий воситалар объектларининг ички ҳаракати учун накладной орқали расмийлаштиради (№ ОС-2 шакл).

Асосий воситаларни таъмирлашга қилинган харажатлар тегишли бирламчи ҳужжатлар асосида қайд этилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш ташкилотнинг ўзи томонидан ва айрим турдаги асосий воситаларни таъмирлашга ихтисослашган учинчи томон пудратчисини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Асосий воситаларни таъмирлаш моддаси бўйича харажатларни асослашда ташкилот бухгалтерия ҳисобининг куйидаги усулларидадан фойдаланиши мумкин:

1) ҳақиқий таъмирлаш харажатлари жорий ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга ўтказилади (одатда, асосий воситаларнинг таъмирлаш харажатлари унча катта бўлмаса);

2) ҳақиқий таъмирлаш харажатлари олдиндан яратилган резерв ҳисобига тенг равишда ҳисобдан чиқарилади;

3) нотекис амалга оширилаган ҳақиқий таъмирлаш харажатлари олдиндан келгуси даврлар харажатларининг бир қисми сифатида тўпланиб, кейинчалик ишлаб чиқариш харажатларига бир текисда ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларни таъмирлашни ҳисобга олишнинг танланган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида қайд қилиниши керак.

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари корхонанинг бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш харажатлари (сотиш харажатлари)нинг тегишли ҳисобварақлари дебетида акс эттирилади.

Асосий воситалар объектларини таъмирлаш учун келгуси харажатларни ҳисобот даври ишлаб чиқариш харажатларига бир хил киритиш мақсадида ташкилот 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” ҳисобварағига асосий воситаларни таъмирлаш учун харажатлар резервини (шу жумладан ижарага олинган) яратиши мумкин.

Харажатлар ҳисобига резерв суммаларни ташкил қилиш қонун ҳужжатлари, шунингдек ЎЗР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Резервларни ҳисоблаш операциялари 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” ҳисобварағининг кредитида ва харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетида акс эттирилади.

Резерв қилинган суммалар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ва тўловлар суммаси резервлар миқдорини камайтириб, 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” ҳисобварағининг дебетида ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар, пул маблағлари ҳисобварақлари, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқа ҳисобварақлар кредитан ҳисобдан чиқарилади.

У ёки бу резервнинг ташкил қилиниши ва маблағларнинг фойдаланилиши вақти-вақти билан сметалар, ҳисоб-китоблар ва бошқаларга асосан текширилиб турилади, зарурият туғилганда тартибга солинади.

“Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир резерв турлари бўйича алоҳида юритилади.

*Ҳисобварақнинг қолдиги* ҳисобот даврининг бошида жамланган резерв суммасини кўрсатади.

*Кредит айланмаси* ҳар ойда асосий воситаларни келгусида таъмирлаш учун резервга ажратмалар суммасини кўрсатади.

*Дебет айланмаси* ҳисобот даврида асосий воситаларни таъмирлаш учун резерв ҳисобидан тўланган суммани кўрсатади.

Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (8900)нинг бошқа ҳисобварақлар билан боғланиши:

1) Келгуси харажатлар ва тўловларнинг резервлари ташкил қилинди

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари”.

2) Корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан (хўжалик усули) асосий воситаларни таъмирлаш учун ва бошқа бажарилган ишлар, хизматлар олдин ташкил қилинган резерв ҳисобидан қопланди:

Д 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари”

К 1010 “Хом ашё ва материаллар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар”.

3) Пудратчилар томонидан (пудрат усули) асосий воситаларни таъмирлаш учун ва бошқа бажарилган ишлар, хизматлар олдин ташкил қилинган резерв ҳисобидан қопланди:

Д 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

4) Ҳисобланган келгуси харажатлар резервларининг фойдаланилмай қолган суммаси корхона даромадига кўшилди:

Д 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

Солиқ тўловчи томонидан амортизация қилинадиган активларни таъмирлаш учун амалга оширилган харажатлар қайси ҳисобот (солиқ) даврида амалга оширилган бўлса, ўша ҳисобот (солиқ) даврида солиқ солиш мақсадларида ҳақиқий чиқимлар миқдорида харажатлар жумласига киритилади.

Агар ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўртасидаги шартномада ижарага олувчининг амортизация қилинадиган активларга доир харажатларининг ўрнини ижарага берувчи томонидан қоплаш назарда

тутилмаган бўлса, 309-модданинг қоидалари ижарага олувчининг мазкур харажатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

#### **4.8. Номоддий активлар тушунчаси, туркумланиши ва ҳисобга олиш вазифалари**

**Номоддий активлар тушунчаси ва уларнинг туркумланиши.** Номоддий активлар асосий воситалар билан бирга узоқ муддатли инвестицияларнинг объектлари бўлиб, амортизацияланадиган мол-мулкнинг бир қисми ҳисобланади ва уларнинг ҳисоби асосан асосий воситаларнинг ҳисоби билан мос келади.

Номоддий активларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалари бўлиб тан олиш (эътироф этиш) пайтини белгилаш, баланс қиймати ва фойдали хизмат муддатини баҳолаш, амортизацияни ҳисоблаш усулларини белгилаш, баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш, шунингдек улар бўйича ахборотларни молиявий ҳисоботда очиқ бериш тартиби ҳисобланади.

ЎзР 7-сон БҲМС “Номоддий активлар”га мувофиқ активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- а) моддий-ашёвий тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;
- б) активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда ёхуд корxonанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узоқ муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш. Бунда активнинг қиймати бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақи миқдорининг камида эллик бараварини ташкил қилади. Корхона раҳбари номоддий активлар таркибида ҳисобга олиш мақсадида ҳисобот даври учун активлар қийматининг камроқ чегарасини белгилашга ҳақли;
- в) корхона ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламайди;
- г) ишончлилик, яъни корхонада актив ва унга бўлган мутлоқ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномаси)нинг мавжудлиги;
- д) идентификациялаш имконияти.

Номоддий актив идентификацияланадиган бўлиб ҳисобланади, агарда у қуйидаги мезонлардан бирига мувофиқ келса:

- а) ажраладиган бўлса, яъни уни корхонадан ажратиб бўлса ҳамда сотиш, бериб юбориш, ижарага бериш, алоҳида ёки улар билан боғлиқ актив, контракт ёки мажбурият билан бирга айирбошлаш (гудвилдан ташқари) мумкин бўлса.

Агар ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг (шу жумладан ўрнатилмаган) таркибий қисми ҳисобланса, у моддий актив аҳамиятига эга бўлган асосий восита билан бирга қаралади. Агар ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг таркибий қисми ҳисобланмаса ва мутлоқ ҳуқуқ корхонага тегишли бўлса, у номоддий актив ҳисобланади;

б) ушбу ҳуқуқлар бериладиган ёки корхонадан ёхуд бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъи назар, шартномавий ва бошқа юридик ҳуқуқлардан пайдо бўлади.

Келгусида корхонанинг номоддий актив билан боғлиқ иқтисодий фойда олиш эҳтимоли фақатгина қуйидаги ҳолда мавжуд бўлади:

а) активнинг келгусида корхонанинг иқтисодий фойдаси (даромади)нинг кўпайтиришга қодирлиги, шунингдек корхонанинг активдан ушбу мақсадда фойдаланиш нияти исботланганда;

б) корхона кутилаётган келгусидаги иқтисодий фойдани топа олиши учун етарлича ресурслар мавжуд бўлганда ёки уларнинг ҳаммабоплигини исботлаш мумкин бўлганда.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Номоддий активларнинг инвентарь объекти бўлиб битта патентдан, гувоҳномадан, ҳуқуқдан воз кечиш шартномасидан ва шу кабилардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар жами ҳисобланади. Бир инвентарь объекти бошқасидан ажратилиши (идентификацияланиши)нинг асосий белгиси бўлиб, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда мустақил вазифаларнинг бажарилиши ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун ишлатилиши ҳисобланади.

Иккита ёки бир нечта корхона мулкида бўлган номоддий активлар объекти ҳар бир корхона томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда номоддий активлар таркибида акс эттирилади.

Номоддий активларга юқорида келтирилган барча шартларга жавоб берувчи қуйидаги объектлар киритилиши мумкин:

а) патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлоқ ҳуқуқи;

б) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлоқ ҳуқуқи;

в) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлоқ ҳуқуқи;

г) ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлоқ ҳуқуқи, шунингдек товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи;

д) ҳуқуқ эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлоқ ҳуқуқи;

е) гудвилл;

ж) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ва шу қабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;

з) ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи;

и) бошқа номоддий активлар (махсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу қабилар).

Номоддий активлар таркибига корхона ходимларининг интеллектуал ва ишчанлик сифати, уларнинг малакаси ва меҳнатга қобилияти киритилмайди, чунки улар ўзларининг эгаларидан ажралмас ҳисобланади ва уларсиз фойдаланиш мумкин эмас.

**Номоддий активлар ҳаракати ва уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги асосий вазифалари.** Ташкилотда номоддий активларнинг (НМА) ҳаракат жараёни учта асосий босқичдан иборат:

- ташкилотда НМАнинг олинishi;

- ишлаб чиқариш жараёнида, ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда ва (ёки) бошқариш эҳтиёжлари учун НМАдан фойдаланиш;

- ташкилотдан НМА чиқиб кетиши.

Келиб тушадиган номоддий активларнинг қиймати корхона балансига киритилиши лозим.

Номоддий активлар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

а) ишлаб чиқиш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш;

б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

в) устав капиталига таъсисчилар (иштирокчилар)нинг улуши кўринишида келиб тушиш;

г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

д) давлат субсидиялари ҳисобига олиш;

е) айирбошлаш;

ж) ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш ва бошқа асосларга кўра.

НМА объектларидан махсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда ёки бошқарув эҳтиёжлари учун фойдаланиш босқичида улар фойдали хизмат муддати давомида эскириш ҳисоблаб ўз қийматини янги яратилган махсулотлар қийматида аста-секин ўтказиб борадилар.

Номоддий активларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан сўндирилади. Амортизацияланадиган қиймат фойдали хизмат муддати мобайнида корхона харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади.

Номоддий актив бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект номоддий активлар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизация-

ланадиган қиймати тўлиқ сўндирилгунга қадар ёхуд бу объектни баланسدан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

Номоддий актив бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилган ёки бу объект баланسدан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасида тўхтатилади.

Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тўхтатилмайди, номоддий активдан фойдаланишда бевосита ва билвосита чекловлар (масалан: асосий воситалар ва бошқа активларни консервациялаш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш) мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги корхона фаолияти натижаларидан қатъи назар амалга оширилади ва у тегишли бўлган ҳисобот даврининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация суммалари бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисобварақлардаги тегишли суммаларни жамлаш йўли билан акс эттирилади.

Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини белгилашда қуйидаги омилларни эътиборга олиш лозим:

а) номоддий активнинг кутилаётган фойдали хизмат муддати;

б) ишлаб чиқаришни ўзгартириш ва яхшилаш натижасида ёки мазкур актив томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га нисбатан бозор талабларининг ўзгариши натижасида техника жиҳатидан эскириш;

в) активдан фойдаланишдаги юридик ва бошқа чекловлар (масалан, фойдаланиш муддати тугаши билан боғлиқ бўлган чекловлар).

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати корхона томонидан номоддий актив бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш чоғида белгиланади.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини белгилаш қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

а) патент, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ номоддий активлардан фойдаланиш муддатининг бошқа чекланиши;

б) ушбу объектдан фойдаланиш кўзда тутилаётган муддат, яъни корхона иқтисодий фойда (даромад) олиши мумкин бўлган муддат.

Номоддий активларнинг алоҳида гуруҳлари учун фойдали хизмат муддати ушбу номоддий активдан фойдаланиш натижасида олиниши кутилаётган маҳсулотлар миқдори ёки ишлар ҳажмининг бошқа моддий кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари меъёри беш йил ҳисобида белгиланади.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати, агарда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, номоддий актив фойдаланишга тайёр бўлган пайтдан бошлаб корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаслиги лозим.

Амортизация ҳисоблаш усуллари асосий воситаларга амортизация ҳисоблайдиган усулларга мос келади.

Қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули ва номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш мумкинлиги корхонанинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилиши керак.

Агар номоддий активлардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий фойдада сезиларли даражада ўзгариш юз берадиган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгараётган тамойилни акс эттириш учун шундай ўзгартирилиши керакки, токи юзага келган вазият амортизация усулининг ўзгартирилишини оқласин. Бундай ўзгартиш ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бунда молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида мазкур ўзгартиш сабаблари ва уларнинг иқтисодий самараси очиб берилиши керак.

Агар номоддий активларни яхшилайдиган ва бинобарин, хизмат муддатини узайтирадиган ёки бу муддатни қисқартирадиган амалга оширилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда келгуси даврда активнинг фойдали хизмат муддатининг ўзгариши ёки келгусидаги иқтисодий фойдани олиш шартларининг ўзгариши кутилаётган бўлса, номоддий активнинг фойдали хизмат муддати ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилиши мумкин, шунингдек, агар прогнозлар дастлабки баҳолардан сезиларли даражада фарқ қилса, жорий ва келгуси даврлар учун амортизация суммасини кўпайтириш ёки камайтириш керак.

Номоддий активнинг амортизацияси ўзгартирилган ойдан кейинги ойдан бошлаб янги амортизация ҳисоблаш усули ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Чиқиб кетадиган номоддий активларнинг қиймати баланسدан ҳисобдан чиқарилади. Номоддий активлар қуйидагилар натижасида корхона балансидан ҳисобдан чиқарилади:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) текинга бериш;
- д) устав капиталига таъсисчи улуши сифатида бериш;
- е) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши чоғида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш;
- ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши.

Номоддий активларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) номоддий активларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини, номоддий активларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган билвосита солиқлар ва харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлаш чоғида илгари қайта баҳоланган номоддий активни қўшимча баҳолаш суммаси, яъни мазкур номоддий активни илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги қийматнинг камайиши суммасидан юқориси бир вақтнинг ўзида 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағи бўйича резерв капиталини камайтириш билан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган даромад сифатида 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" ҳисобварағи кредитига олиб борилади.

НМАнинг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва НМА ҳаракатини ҳисобда ўз вақтида қайд қилиш;

- НМАни ҳисобдан чиқаришда натижасини аниқ ҳисоблаш;

- НМАнинг мавжудлигини назорат этиш.

Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида қуйидаги ахборотни очиб кўрсатиш керак:

- нақд пулга сотиб олинмаган номоддий активларни баҳолаш усуллари;

- ташкилот томонидан НМА объектлари бўйича қабул қилинган фойдаланиш муддатлари;

- номоддий активлар амортизациясини ҳисоблаш усуллари;

- номоддий активларнинг фойдаланиш муддатидаги ўзгаришлар;

- номоддий активларнинг амортизациясини аниқлаш усулларининг ўзгариши.

#### **4.9. Номоддий активларнинг ҳаракатларини ҳужжатлаштириш ва уларни баҳолаш**

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобидаги бирлиги инвентар объекти ҳисобланади.

Номоддий активларнинг инвентар объекти - патент, мутлоқ бўлмаган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома, интеллектуал фаолият натижасига ёки индивидуаллаштириш воситасига мутлоқ ҳуқуқни бегоналаштириш тўғрисидаги битимдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар мажмуидир.

Номоддий активлар ҳаракати бўйича операцияларни ҳисобга олиш учун номоддий активларни ҳисобга олиш карточкаси (№ НМА-1 шакл) ишлатилади.

Номоддий активлар ҳисоби карточкаси ташкилот томонидан олинган барча турдаги номоддий активларни ҳисобга олиш учун ишлатилади. Ушбу карточкада ҳисобда қабул қилинган номоддий активлар объектининг барча асосий кўрсаткичлари ва хусусиятлари кўрсатилган.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активларни баҳолашнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

- номоддий активларнинг ҳақиқий (бошланғич) қиймати;

- номоддий активларнинг қолдиқ қиймати.

Ташкилотнинг номоддий активларига қабул қилингандан сўнг уларнинг ҳақиқий (бошланғич) қиймати бўйича бухгалтерия ҳисобига қабул қилинади.

НМАнинг бошланғич қийматини шакллантириш тартиби уларни ташкилотда кирим қилиш усулларига боғлиқ.

Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймат бўлиши керак ва улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади. Номоддий активнинг ҳақиқий (бошланғич) қиймати - бу пул маблағлари ва бошқа шаклдаги тўлов суммасига ёки активни сотиб олишда, активни яратишда ва активдан режали мақсадларда фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб беришда ташкилот томонидан тўланадиган ёки қарздорлик бўйича ҳисоб-китоб суммасига тенг пул маблағлари бўйича ҳисобланган суммадир.

Номоддий активларни сотиб олиш харажатлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- интеллектуал фаолият натижаси ёки ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлоқ ҳуқуқни бегоналаштириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ тўланадиган суммалар;

- божхона тўловлари ва йиғимлар;

- қайтарилмайдиган солиқлар;

- номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган патент ва бошқа тўловлар;

- НМА объекти сотиб олинган воситачи фирмага тўланадиган мукофотлар;

- номоддий активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган ахборот-консалтинг хизматлари учун тўланадиган суммалар;

- номоддий активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Номоддий активни яратиш харажатларига, юқоридаги харажатлардан ташқари, яна қуйидагилар киради:

- ишларни бажариш ёки буюртма бўйича учинчи томон ташкилотларига хизмат кўрсатиш, пудрат шартномалари, муаллифлик буюртмаси шартномалари ёки илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар ёки технологик ишларни бажариш бўйича шартномалар учун тўланадиган суммалар;

- номоддий активни яратишда ёки меҳнат шартномаси бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлаб чиқаришларига харажатлар ёки технологик ишларни бажариш бўйича бевосита банд бўлган ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ижтимоий эҳтиёжлар бўйича ажратмалар;

- тадқиқот ускуналари, қурилмалари ва конструкциялари, бошқа асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сақлаш ва ишлатиш учун харажатлар, асосий воситалар ва номоддий активларни амортизация қилиш бевосита номоддий активни яратишда ҳақиқий (дастлабки) харажатлар шаклланаши;

- номоддий активни яратиш ва активдан режали мақсадларда фойдаланиш шартларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Номоддий активларни сотиб олиш, яратилишига киритилмайдиган харажатлар:

- қайтарилмайдиган солиқлар;
- умумхўжалик харажатлар, активларни сотиб олиш ва яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно;
- бошқа даромад ва харажатлар деб эътироф этилган аввалги ҳисобот даврларида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлаб чиқаришларга харажатлар ёки технологик ишлар бўйича харажатлар.

Ҳақ эвазига сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати куйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

б) ҳуқуқ эгасининг мутлоқ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

д) номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

ж) асосий воситалар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

з) активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш бўйича харажатлар, ўтказмалар учун банкнинг воситачилик ҳақи, номоддий активларни чет эл валютасига сотиб олиш чоғида валюта конвертацияси бўйича воситачилик ҳақи ва банкнинг бошқа хизматлари), сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олиниши керак.

Агар шартнома шартларида тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш чоғида ҳақиқий харажатлар бухгалтерия ҳисобига дастлаб тан олинган кредиторлик қарзи суммаси бўйича қабул қилинади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Корхонанинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий активларнинг бошланғич қиймати илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар таркиби ЎзР 11-сон БҲМС “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар”га мувофиқ белгиланади.

Номоддий активларни ишлаб чиқиш даврида уларни ишлаб чиқиш учун олинган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ишлаб чиқилган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Чет эл валютасида сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, сотиб олиш санасидаги чет эл валютасидаги суммаларни ЎзР Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Корхона устав капиталига улуш ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати, агарда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, корхона муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси асосида тан олинади.

Корхона томонидан бошқа шахслардан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) ва давлат субсидияси ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати юқорида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, агарда жорий қиймат ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозорни ҳисобга олган ҳолда белгиланган бўлса, ишончли ҳисобланган жорий қиймат бўйича аниқланади. Ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг бошланғич қиймати номинал қиймат бўйича ёки агарда номоддий активни фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар мавжуд бўлса, уларнинг суммаси бўйича аниқланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенг бўлади.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг бўлади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай бўлмаган номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенг деб ҳисобланади.

Номоддий актив кўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай бўлмаган номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг деб қабул қилинади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати деб корхона томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган қимматликларнинг қиймати тан олинади. Корхона томонидан берилган ёки берилладиган мавжуд қимматликларнинг жорий қиймати корхонанинг таққослаш шarti билан шунга ўхшаш мавжуд бойликлари жорий қийматини белгилайдиган нархлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Корхона томонидан берилган ёки берилладиган мавжуд қимматликларнинг жорий қийматини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича корхона томонидан олинган номоддий активларнинг қиймати шунга ўхшаш номоддий активларнинг таққослаш шarti билан сотиб олинладиган жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Битта умумий суммада сотиб олинган номоддий активларнинг ҳар бирининг бошланғич қиймати ушбу суммани алоҳида номоддий активнинг жорий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш билан аниқланади.

Юқорида назарда тутилган харажатлар амалга оширилган тақдирда, корхона томонидан номоддий активлар объектлари устав капиталига кўйилма ҳисобига текин ёки айирбошлаш асосида қабул қилинганда номоддий активнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига ошади.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва № 7 БҲМСда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда ўзгартирилмайди.

Номоддий актив дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда жамланган амортизация айирилган ҳолда бошланғич қиймат (қолдиқ қиймат) бўйича ёки қайта баҳоланган қиймат (мумкин бўлган муқобил усул) бўйича акс эттирилади.

Номоддий активни дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда акс эттиришда қўлланадиган усул мажбурий тартибда корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак.

Корхонанинг бозор қиймати корхона томонидан келгусида олиниш эҳтимоли мавжуд бўлган иқтисодий фойда бозори баҳосини акс эттиради. Корхонанинг бозор қиймати билан алоҳида активларнинг баланс қиймати ўртасидаги тафовут исталган пайтда ўз ичига корхонанинг қийматига таъсир этувчи бир қатор омилларни олиши мумкин. Бироқ бундай тафовут ушбу

пайтда корхона назорат қилаётган белгиловчи активларнинг қийматини ифодаламайди.

Корхонанинг ўзи яратган гудвилл актив сифатида акс эттирилмаслиги керак, чунки у корхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нархи билан мазкур корхонани ташкил қилувчи активларнинг ҳақиқий нархи ўртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

Харид қилинган гудвиллнинг миқдори ҳисоб-китоб қилиш йўли билан, харид қилинаётган корхонанинг ҳақиқий қиймати билан уни харид қилиш санасидаги корхона соф активларининг бозор қиймати (барча мажбуриятлар суммаси айирилган ҳолда активларнинг бозор қиймати) ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Гудвилл суммасига келгусидаги иқтисодий фойдани кутиб, харидор томонидан тўланадиган нархга қўшимча сифатида қараш ва алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобга олиш лозим.

Манфий гудвилл суммасини доимий харидорлар мавжудлиги омили, сифат репутацияси, маркетинг ва сотиш малакаси, иш юзасидан алоқалар, бошқариш тажрибаси, ходимлар малака даражаси ва шу кабилар бўлмаган тақдирда, харидорга тақдим этиладиган нархдан чегирма сифатида кўриш ва муддати кечиктирилган даромадлар (келгуси давр даромадлари) сифатида ҳисобга олиш лозим.

Гудвилл бўйича амортизация ажратмалари унинг фойдали хизмат муддати мобайнида бошланғич қийматини камайтириш йўли билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Гудвилл суммасини ҳисобдан чиқариш даври корхонага келгусидаги иқтисодий фойда тушуми кутилаётган даврнинг энг яхши баҳосини акс эттириши керак. Гудвиллнинг фойдали хизмат муддати дастлаб тан олинган пайтдан бошлаб йигирма йилдан ошмаслиги керак (лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошиб кетмаслиги лозим).

Гудвилл бўйича амортизация ажратмалари мазкур номоддий активлар учун назарда тутилган тартибда ва усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботда гудвиллнинг қиймати тегишли ҳисобот даврида амалга оширилган ҳисобдан чиқаришларни чегирган ҳолда акс эттирилади.

Манфий гудвилл суммаси сотиб олинган амортизацияланадиган алоҳида активларнинг ўртача тортилган фойдали хизмат муддати мобайнида мунтазамлик асосида корхонанинг молиявий натижаларга асосий фаолиятдан бошқа даромадлар сифатида киритилади.

**Номоддий активларнинг қийматини ҳисобга олиш.** Мулкчилик ҳуқуқи корхонага тегишли номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0410 “Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау”;

0420 “Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари”;

0430 “Дастурий таъминот”;

- 0440 “Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари”;
- 0460 “Франчайз”;
- 0470 “Муаллифлик ҳуқуқлари”;
- 0480 “Гудвилл”;
- 0490 “Бошқа номоддий активлар”.

Объектларни номоддий активларга киритиш тартиби ва уларнинг таркиби қонунчилик асосида ҳамда 7-сон БҲМС “Номоддий активлар” асосида тартибга солинади. Номоддий активлар қуйидаги объектлар учун аниқланадиган бошланғич баҳода номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

а) таъсисчилар томонидан корхонанинг устав капиталига улуш ҳисобидан киритилгани - томонларнинг келишуви бўйича;

б) тўлов асосида бошқа корхона ва шахслардан харид қилинган ушбу объектларни харид қилиш ва тайёр ҳолатга келтириш бўйича амалга оширилган - ҳақиқий харажатлар бўйича;

в) бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган объектлар - кирим қилиш санасидаги бозор баҳосида ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича;

г) корхонанинг ўзи томонидан яратилган ёки корхонанинг ўзида илмий-тадқиқот ишлари натижасида олинган объектлар - ҳақиқий таннархи бўйича.

Таъсисчилар томонидан корхонанинг устав капиталига уларнинг улушлари ҳисобига киритилган номоддий активларни кирим қилиш (0400) номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебитида ва 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

Бошқа корхона ва шахслардан харид қилинган номоддий активлар, номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебити, 0830 “Номоддий активларни харид қилиш” ҳисобварағининг кредитига кирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебитида, 8530 “Текинга олинган мулк” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар номоддий актив корхонанинг ўзи томонидан яратилса ва уни яратиш харажатларининг аниқ суммасини аниқлаш имкони мавжуд бўлса, у ҳолда номоддий актив ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Номоддий активларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолда ушбу харажатлар илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) ёки илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) харажатлари сифатида акс эттирилади.

Гудвилл (фирма баҳоси)нинг бухгалтерия ҳисоби 7-сон БҲМС “Номоддий активлар”га мувофиқ амалга оширилади.

Номоддий активлар чиқиб кетганда (сотилганда, текинга берилганда ва бошқаларда) уларнинг бошланғич қиймати номоддий активларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг (0400) кредитидан 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Қуйида номоддий активларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Харид қилинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати (ҳақиқий таннархи) бўйича кирим қилиниши:

Д 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0830 “Номоддий активларни харид қилиш”.

2) Корхонанинг ўзида яратилган номоддий активларнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши:

Д 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0830 “Номоддий активларни харид қилиш”.

3) Устав капиталига улуш сифатида ёки акцияга обуна бўлишга ҳақ тўлаш ҳисобига олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши:

Д 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

4) Текинга олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши:

Д 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

5) Корхонани сотиб олишда активларнинг ҳақиқий баҳоси ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида вужудга келадиган гудвилл (фирма баҳоси)ни акс эттириш:

Д 0480 “Гудвилл”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ва бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

6) Гудвилл (фирма баҳоси) суммасининг ҳар ой фойдали хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиши:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

К 0480 “Гудвилл”.

7) Номоддий активларнинг бошланғич қиймати бўйича сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, харид қилинган қимматли қоғозлар ҳақининг тўлови учун берилиши, бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида, шунингдек текинга берилганда ва бошқалар натижасида чиқиб кетиши:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

**Номоддий активларни фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олиш.** Номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ операциялар ҳуқуқ эгаси ва фойдаланувчи ўртасида тузилган, корхонага номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини

берадиган (масалан, ҳуқуқ эгаси томонидан корхонага товар белгисидан муайян муддат мобайнида, маълум ҳудудда фойдаланиш ҳуқуқи, маҳсулотлар ишлаб чиқариш автоматлаштирилган бошқарувининг технологик дастуридан фойдаланиш ҳуқуқи, саноат намуналаридан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларнинг берилиши) лицензия шартномалари (мутлоқ, номутлоқ, очик лицензия), муаллифлик шартномалари (фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш мутлоқ, номутлоқ ҳуқуқини бериш тўғрисидаги), тижорат концессия шартномалари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ тузилган бошқа шунга ўхшаш шартномалар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Ҳуқуққа эга корхона томонидан номоддий активларга бўлган мутлоқ ҳуқуқ сақлаб қолинган ҳолда, бошқа фойдаланувчи корхонага фойдаланишга берилган номоддий активлар балансдан ҳисобдан чиқарилмайди, балки ҳуқуққа эга корхонанинг бухгалтерия ҳисобида 7-сон БҲМС “Номоддий активлар”нинг 3-параграфи қоидаларига мувофиқ баҳода акс эттирилади.

Фойдаланишга берилган номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш ҳуқуққа эга корхона томонидан амалга оширилади.

Фойдаланишга олинган номоддий активлар фойдаланувчи корхона томонидан шартномага киритилган баҳода балансдан ташқари ҳисобварақда ҳисобга олинади.

Бунда тақдим этилган номоддий активлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун шартномада белгиланган тартиб ва муддатда ҳисоблаб чиқариладиган ва тўланадиган муаллифлик ҳақини кўшган ҳолда, даврий тўловлар кўринишида амалга ошириладиган тўловлар фойдаланувчи корхона томонидан ҳисобот даври харажатларига киритилади, тақдим этилган номоддий активлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун муаллифлик ҳақини кўшган ҳолда, қатъий бир марталик тўлов кўринишида амалга ошириладиган тўловлар эса фойдаланувчи корхона томонидан келгуси давр харажатлари сифатида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида тегишли ҳисобот даври харажатларига (мақсадига кўра) ҳисобдан чиқарилади.

**Номоддий активларнинг амортизацияси ҳисоби.** Номоддий активларнинг бошланғич қиймати амортизация қилинади.

Номоддий активларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан сўндирилади. Амортизацияланадиган қиймат фойдали хизмат муддати мобайнида корхона харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади.

Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

- а) амортизацияни тенг маромли (тўғри чизикли) ҳисоблаш;
- б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули;
- в) икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
- г) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Ҳисобот йили давомида номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъи назар (амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари) йиллик сумманинг 1/12 миқдорида ҳар ойда ҳисобланади.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси корхона томонидан номоддий активлардан фойдаланиш даври мобайнида тенг маромда ҳисобот йилида ҳисобланади.

Номоддий активларнинг ҳар хил турларига (гуруҳларига) нисбатан амортизацияни ҳисоблашнинг турли усуллари қўлланилади. Бунда бир турдаги номоддий активлар бўйича (гуруҳи, тури ва бошқалар бўйича) фақат битта усул қўлланилади.

Қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули ва номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш мумкинлиги корхонанинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилиши керак.

Агар номоддий активлардан фойдаланишдан кутилаётган иқтисодий фойдада сезиларли даражада ўзгариш юз берадиган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгараётган тамойилни акс эттириш учун шундай ўзгартирилиши керакки, токи юзага келган вазият амортизация усулининг ўзгартирилишини оқласин. Бундай ўзгартиш ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бунда молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида мазкур ўзгартиш сабаблари ва уларнинг иқтисодий самараси очиб берилиши керак.

Агар номоддий активларни яхшилайдиган ва бинобарин, хизмат муддатини узайтирадиган ёки бу муддатни қисқартирадиган амалга оширилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда келгуси даврда активнинг фойдали хизмат муддатининг ўзгариши ёки келгусидаги иқтисодий фойдани олиш шартларининг ўзгариши кутилаётган бўлса, номоддий активнинг фойдали хизмат муддати ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилиши мумкин, шунингдек, агар прогнозлар дастлабки баҳолардан сезиларли даражада фарқ қилса, жорий ва келгуси даврлар учун амортизация суммасини кўпайтириш ёки камайтириш керак.

Номоддий активнинг амортизацияси ўзгартирилган ойдан кейинги ойдан бошлаб янги амортизация ҳисоблаш усули ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Номоддий активларнинг амортизацияланадиган қийматини ҳисоблашда уларнинг тугатиш қиймати ҳисобга олинади. Тугатиш қиймати унча катта бўлмаган тақдирда, у амортизацияланадиган қийматни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмайди.

Агар тугатиш қиймати сезиларли даражада бўлса, у номоддий активлар харид қилинган санада ёки уларни қайта баҳолаш санасида белгиланади. Тугатиш қиймати номоддий активларнинг хизмат муддати охиридаги тугатиш бўйича кутилаётган харажатларга камайтирилиши керак.

Номоддий активнинг тугатиш қиймати қуйидаги ҳолларда нолга тенг деб ҳисобланади:

а) кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида учинчи тараф билан уни сотиб олиш ҳақидаги битим мавжуд бўлмаса;

б) номоддий активнинг тугатиш қиймати фаол бозордаги далиллар билан ишончли белгиланиши мумкин эмаслиги муносабати билан ушбу номоддий актив учун фаол бозор мавжуд бўлмаса ҳамда номоддий активнинг кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида бундай бозорнинг мавжуд бўлиш эҳтимоли бўлмаса.

Номоддий активларнинг айрим турлари учун фойдали хизмат муддати ушбу турдаги активлардан фойдаланиш натижасида қабул қилиниши кутилаётган иш ҳажмининг ишлаб чиқариш миқдори ёки бошқа табиий кўрсаткичи асосида белгиланиши мумкин.

Амортизация суммаларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” пассив ҳисобварағи тақдим этилади.

Мулкчилик ҳуқуқи корхонага тегишли бўлган номоддий активлар объектлари бўйича жамланган амортизация тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги ҳисобварақларда умумлаштирилади:

0510 “Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси”;

0520 “Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси”;

0530 “Дастурий таъминотнинг амортизацияси”;

0540 “Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси”;

0560 “Франчайзинг амортизацияси”;

0570 “Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси”;

0590 “Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси”.

Номоддий активлар амортизацияси ЎЗР Солиқ кодекси ва ЎЗР 7-сон БҲМС “Номоддий активлар”да назарда тутилган усулларга мувофиқ, корхона томонидан ҳисоблаб чиқилган меъёрлар бўйича ойма-ой тегишлилигига қараб таннархга ва давр харажатларига киритилади.

Номоддий активларга ҳисобланган амортизация суммаси харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети ва (0500) номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитига олиб борилади.

Номоддий активларнинг чиқиб кетиши (сотилиши, текинга берилиши ва бошқалар)да улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси (0500) номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетидан 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0500) бўйича аналитик ҳисоб номоддий активларнинг турлари ва алоҳида объектлари бўйича юритилади.

Қуйида номоддий активлар амортизация суммаларини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Умумишлаб чиқариш мақсадида ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш:

Д 2510 “Умумишлабчиқариш харажатлари”

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Маркетинг ва тайёр маҳсулот омборларида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Бошқарув мақсадида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Қуйидаги мақсадларда фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш:

а) янги турдаги буюмларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида;

б) серияли ёки оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда хизмат кўрсатиш учун:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

б) Капитал қуйилмаларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда:

Д 0800 “Капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

7) Номоддий активларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиши натижасида йиғилган амортизация суммасини ҳисобдан чиқариш:

Д 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағининг аналитик ҳисоби номоддий активларнинг

алоҳида объектлари учун юритилади. Шу билан бирга аналитик ҳисобнинг ташкил этиши молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарур бўлган номоддий активларнинг эскириши тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

**Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби.** Чиқиб кетадиган номоддий активларнинг қиймати баланسدан ҳисобдан чиқарилади. Номоддий активлар қуйидагилар натижасида корхона балансидан ҳисобдан чиқарилади:

- а) тугатиш;
- б) сотиш;
- в) айирбошлаш;
- г) текинга бериш;
- д) устав капиталига таъсичи улуши сифатида бериш;
- е) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши чоғида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиш;
- ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши.

Номоддий активларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) номоддий активларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини, номоддий активларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган билвосита солиқлар ва харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлаш чоғида илгари қайта баҳоланган номоддий активни қўшимча баҳолаш суммаси, яъни мазкур номоддий активни илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги қийматнинг камайиши суммасидан юқориси бир вақтнинг ўзида 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағи бўйича резерв капиталини камайтириш билан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган даромад сифатида 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағи кредитига олиб борилади.

Номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш билан бир вақтда тўпланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад ва зарарлар ташкилотнинг молиявий натижаларида бошқа даромад ва харажатлар сифатида эътироф этилади.

Турли сабабларга кўра номоддий активларни ҳисобдан чиқариш хўжалик операцияларини кўриб чиқамиз:

а) номоддий активларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиши натижасида бошланғич (тиклаш) суммасини ҳисобдан чиқариш учун берилган боғланиш:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

б) номоддий активларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки

бузилиши натижасида йиғилган амортизация суммасини ҳисобдан чиқариш учун берилган боғланиш:

Д 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”;

Номоддий активларни чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқланади.

а) ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”;

б) ҳисобдан чиқаришдан олинган зарар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

Ҳисобот даври охирида 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” ва 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварақлар 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан ёпилади.

а) 9320 ҳисобварақнинг ёпилиши:

Д 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”;

б) 9430 ҳисобварақнинг ёпилиши:

Д 9910 «Якуний молиявий натижа»

К 9430 «Бошқа операцион харажатлар».

#### 4.10. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобининг солиқ жиҳатлари

Асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ келиб чиқадиган харажатларнинг айрим турлари бўйича мавжуд фарқларни уларнинг бошланғич қийматига киритилишини кўриб чиқамиз (4.9-жадвал).

4.9-жадвал

Асосий воситаларнинг бошланғич таннархини шакллантиришда ҳисобга олинадиган харажатларнинг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий воситаларнинг бошланғич таннархига киритиладиган харажатлар	
	Бухгалтерия ҳисобида	Солиқ ҳисобида
Қайтарилмайдиган солиқлар	+	-
Фарқлар суммаси	+	-
Инвестиция активини бухгалтерия ҳисобига қабул қилинганга қадар ҳисобланган қарз маблағлари бўйича фоизлар	+	-
Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш учун тўловлар	+	-
Объектни сотиб олишда мулк суғуртаси бўйича харажатлар	+	-

Шундай қилиб, кўришиб туриптики бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати бир биридан фарқ, ва ҳар доим солиқ мақсадлари учун камроқ бўлади. Амортизация орқали фойдани солиққа тортиш деб назарга олсак, унда ташкилот харажатларига нисбатан камроқ сумма киритилади.

Бундан ташқари, амортизация орқали ташкилот харажатларига киритилган суммалар бухгалтерия ҳисоби ва солиқ мақсадлари учун турлича ҳисобга олинади.

Амортизация ҳисоблаш механизмида мавжуд бўлган асосий фарқларни кўриб чиқамиз (4.10-жадвал).

Ташкилот томонидан ҳада шартномаси бўйича (бепул) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларнинг бухгалтерия ҳисоби учун қабул қилинган санадаги жорий бозор қиймати деб эътироф этилади. Бу ҳолда жорий бозор қиймати деганда бухгалтерия ҳисоби учун қабул қилинган санада белгиланган активни сотиш натижасида олиниши мумкин бўлган нақд пул суммаси тушунилади.

Солиқ кодексини 298-моддасига мувофиқ асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинандиган даромад деб бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланандиган асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинандиган фойда эътироф этилади.

4.10-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобида амортизация ажратмаси бўйича фарқлар

Кўрсаткичлар	Бухгалтерия ҳисоби	Солиқ ҳисоби
Фойдаланиш учун рухсат берилган амортизация ҳисоблаш усуллари	Барча тўртта усул	Фақат иккита: чизикли ва ишлаб чиқариш усуллари
Ҳисоблаш вақти бўйича	Олинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан	Олинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан
Солиқ чегирмалари	Кўзда тутилмаган	Кўзда тутилмаган
Амортизацияни жадаллаштириш коэффициенти 2 ва 3 мартадан кўп эмас	Агар камайиб борувчи қолдиқ қиймати усули фойдаланилаётган бўлса	Кўзда тутилмаган

Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинандиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳамда бошқа мол-мулкнинг нархини ошириш суммасининг ушбу асосий воситаларни ва бошқа мол-мулкни олдинги нархни пасайтириш суммасидан ортиқ суммалари асосий воситалар ҳамда бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

Агар Солиқ кодексига 299-моддасидан ташқари бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилади.

Мол-мулкни текин асосда олиш чоғида олувчи шахснинг даромадлари, агар 299-модданинг тўртинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу мол-мулкнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Текин олинган мол-мулкнинг бозор қиймати ҳужжат билан тасдиқланиши керак. Хусусан, қуйидагилар шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин:

1) юклаб жўнатишга, етказиб беришга ёки топширишга доир ҳужжатлар;

2) махсулот етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);

3) оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

4) биржа хабарлари;

5) давлат статистика органларининг маълумотлари.

Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Қарз берувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ставкаси ЎзР МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлган фоизлар тўлаш шарти билан берилган қарзларга (қайтариш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан қўлланилади.

299-модда тўртинчи қисмининг қоидалари:

1) банклараро операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларга;

2) ЎзР Президентининг, ЎзР ВМнинг қарорларига кўра, шунингдек ЎзРнинг норезидентлари томонидан бериладиган қарзларга(ссудаларга);

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бир иштирокчиси томонидан айти шу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа иштирокчисига бериладиган қарзларга (қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан татбиқ этилмайди.

299-модданинг биринчи қисми қоидалари Солиқ кодекснинг 322-моддасида назарда тутилган солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мол-мулкни ишончли бошқарувга беришдан наф олувчи оладиган даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Солиққа тортиш мақсадлари учун текинга олинган мол-мулкнинг қиймати бошқа операцион даромад таркибига киритилади ва фойда солиғига тортилади. Бундай объектлар бошқа операцион даромад таркибига жорий бозор қиймати билан қабул қилинади, лекин қолдиқ қийматидан паст бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, солиқ қонунчилиги асосий воситаларни текинга олган ташкилотларни асосий воситаларни солиққа тортиш мақсадида, асосий воситалар (қолдиқ ёки бозор) қийматини қабул қилиш санасига икковидан

бирини юқори нархи билан бухгалтерия ҳисобига кирим қилишни талаб қилади.

Бундан ташқари, фойда солиғи мақсадлари учун текинга олинган мол-мулкнинг қиймати тўлиқ ташкилот томонидан қабул қилинган даврда, бошқа операцион даромад таркибига қабул қилинади, лекин фойдаланиш муддати бўйича аста-секин амортизация ҳисоблаш суммасига эмас.

**Номоддий активлар ҳисобининг солиқ жиҳатлари.** Солиқ ҳисоби мақсадларида номоддий активлар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки ташкилотнинг узоқ вақт давомида (12 ойдан ортиқ давом этадиган) бошқарув эҳтиёжлари учун ишлатиладиган интеллектуал мулк ва (ёки) ташкилот томонидан яратилган интеллектуал мулк натижаларидир.

Номоддий активни тан олиш учун ташкилотга иқтисодий фойда (даромад) олиш қобилиятига эга бўлиш, шунингдек номоддий активнинг ўзи мавжудлигини ва (ёки) ташкилотнинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи тўғри рамиёлаштирилган ҳужжатларнинг мавжудлиги керак.

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун номоддий активлар ЎзР Солиқ кодексига 307 моддасига белгиланган муайян шартларга мувофиқ амортизацияланадиган мол-мулк сифатида таснифланиши мумкин. Жумладан, амортизацияланадиган номоддий активларга интеллектуал фаолият натижалари ва ташкилотга қарашли бўлган, даромад олиш учун фойдаланадиган ва қиймати амортизация билан қайтариладиган бошқа интеллектуал мулк киради.

Солиқ ҳисоби мақсадларида қуйидагилар номоддий активларга киритилмайди:

- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлар ва технологик ишларнинг ижобий натижа берилмаганда;

- ташкилот ходимларининг ақлий ва ишбилармонлик сифатлари, уларнинг малакаси ва иш қобилияти.

Солиқ кодексини 307-моддасига мувофиқ номоддий активларнинг қиймати номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддати мобайнидаги амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади.

Номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ва (ёки) интеллектуал мулк объектидан ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки қўлланилиши мумкин бўлган чет давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш муддатларига доир бошқа чекловлардан келиб чиққан ҳолда ёхуд номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланишнинг тегишли шартномаларда шартлашилган муддатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ тўловчи томонидан амортизация ажратмалари уларнинг дастлабки қийматидан ва фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинган меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳисобланади.

Фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддатга белгиланади.

Агар номоддий активларни олиш ёки ишлаб чиқариш харажатлари солиқ тўловчининг солиқ базасини ҳисоблаб чиқариш чоғида харажатлар жумласига киритилган бўлса, бу харажатлар амортизация қилиниши лозим бўлган номоддий активларнинг қийматига киритилмайди.

Солиқ тўловчи томонидан амортизация ажратмалари уларнинг дастлабки қийматидан ва фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинган меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳисобланади.

Фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддатга белгиланади.

Агар номоддий активларни олиш ёки ишлаб чиқариш харажатлари солиқ тўловчининг солиқ базасини ҳисоблаб чиқариш чоғида харажатлар жумласига киритилган бўлса, бу харажатлар амортизация қилиниши лозим бўлган номоддий активларнинг қийматига киритилмайди.

Солиқ ҳисобида номоддий активларга, компьютер дастурларига мутлоқ ҳуқуқлар бундан мустасно, бошланғич қийматидан қатъий назар амортизацияланадиган мулк сифатида қаралади.

Умуман олганда сотиб олинган НМА бўйича ҚҚС суммаси унинг бошланғич қийматига киритилади.

Солиқ кодексининг 266-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчи томонидан асосий воситалар (шу жумладан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар), номоддий активлар ва кўчмас мулк объектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар сотиб олинганда, шунингдек келгусида ўз асосий воситалари сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган активларни яратиш учун товарлар (хизматлар) сотиб олинганда сотувчи томонидан солиқ тўловчига тақдим этилган солиқ суммасини ҳисобга олиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилади. Солиқ тўловчи ЎзР ҳудудига бундай товарларни олиб кириш чоғида ушбу солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш худди шундай тартибда амалга оширилади.

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган тақдирда, олувчи мол-мулкни устав фондига (устав капиталига) бериш чоғида иштирокчи томонидан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган асосий воситалар, номоддий активлар ва кўчмас мол-мулк объектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича иштирокчи уларни бериш чоғида тўлаган солиқ 266-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда берилган активларни олувчи солиқ тўловчида ҳисобга олинади.

Номоддий активлар устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган тақдирда, ҚҚС ва фойда солиғига тортилмайдиган ташкилотни даромади ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадлари учун НМА объектлари пай ва акциялар ҳисобига олинган бўлса унинг қиймати берувчи томонни ҳисобида қайд этилган қолдиқ қиймати билан ҳисобга қабул қилинади.

Ташкилотга янги НМА объекти кирим бўлганда унинг қиймати, солиқ солиш мақсадлари учун, бошланғич қиймати билан қабул қилинади. Бу қиймат НМА берувчи томонни ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Ташкилот томонидан текинга олинган номоддий активлар бошқа операцион даромад ҳисобланади ва фойда солиғига тортилади. Солиқ ҳисоби мақсадлари учун олинган НМА объектларнинг қиймати бозор қийматида, лекин уларнинг қолдиқ қийматидан паст бўлмаган суммада, бошқа операцион даромад таркибига киритилади.

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун амортизацияланадиган номоддий активларнинг бошланғич қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан сўндирилиши (погашение) керак.

Интеллектуал фаолият натижалари ҳуқуқлари сотиб олинганда амортизация қилинмайди, агар ушбу ҳуқуқларни сотиб олиш шартномаси бўйича тўлов ушбу шартнома муддати давомида даврий тўловларда амалга оширилиши керак бўлган тақдирда.

Фойдали хизмат муддати – бу НМА объекти ташкилотнинг мақсадларини бажариш учун хизмат қиладиган даврдир.

Фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар учун амортизация меъёрлари 5 йил, лекин ташкилот фаолияти муддатидан кўп бўлмаган ҳолда.

НМА объектлари бўйича солиққа тортиш мақсадида амортизация ҳисоблаш қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

- а) амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш;
- б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули;
- в) икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
- г) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

НМА объектларини амортизация қилиш усуллари асосий воситаларни амортизациялашда қўлланиладиган усулларга мос ва шунинг учун бу бўлимда муҳокама қилинмайди.

Солиқ ҳисобида номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар, шу жумладан, улар бўйича ҳисобланмаган эскириш суммаси бошқа операцион харажатлар таркибига киритилади.

Солиқ ҳисоби мақсадларида бошқа ташкилотнинг устав капиталига ҳисса сифатида товарларни бериш реализация қилиш бўйича айланмадир ва қўшилган қиймат солиғига тортилади (Солиқ кодекси 239-модда, 4 банд). Номоддий активларнинг бошқа ташкилот устав капиталига қўшган ҳиссаси

бўйича ўтказмалари қўшилган қиймат бўйича солиққа тортилар экан, бундай номоддий активлар бўйича тўланган ҚҚС чегириб ташланади. Номоддий активларни сотиб олишда ташкилотга тақдим этилган ҚҚС суммалари бошқа ташкилот устав капиталига ўтказиш учун мўлжалланган бўлса, бериладиган номоддий активлар қийматига қўшилиши керак.

НМА объектларини беғараз берилганда, олинган зарар даромад солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани камайтирмайди. Бундан ташқари, текинга берадиган НМА объектини ҳам қўшилган қиймат солиғига тортилади. Шу билан бирга ҚҚС солиқ солинадиган база бозор (шартномавий) нархлар асосида ҳисобланган НМА белгиланган объектларининг қиймати сифатида аниқланади.

Фойдани солиққа тортиш мақсадлари учун ташкилотлар маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бошқа харажатлар таркибига илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлар ва технологик ишларга қилинган харажатларни ҳам киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида НМА сотиб олинган харидорга тақдим этилган ёки аслида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига НМА олиб кирилгандан кейин тўланган ҚҚС суммалари қуйидаги ҳолларда уларнинг қиймати ҳисобга олинади:

1) солиққа тортилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (ҳамда ўтказиш, бажариш, ўз эҳтиёжлари учун кўрсатиш) бўйича операциялар учун фойдаланиладиган НМА ни сотиб олиш (импорт қилиш);

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди деб тан олинмаган товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш бўйича операциялар учун фойдаланиладиган НМАларни сотиб олиш (импорт қилиш);

3) ҚҚС тўловчилари бўлмаган ёки ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича солиқ тўловчининг вазифаларини бажаришдан озод қилинган шахслар томонидан НМАни сотиб олиш (олиб кириш).

#### **4.11. Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

##### **Асосий воситаларни сотиб олиш.**

##### **№1-мисол.**

2019 йилнинг 12 феврал куни компания 75 000 000 сўмлик автомобил сотиб олди, ҚҚС суммаси эса 11 250 000 сўм. Транспорт харажатлари (етказиб бериш ўз транспортда амалга оширилди) 210 000 сўмни ташкил қилди. Автотранспорт воситасини ЙҲХХ органларида ҳисобга қўйиш бўйича харажатлар 3 000 000 сўм. Сотиб олинган мол-мулк бўйича мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоблар жўнатилган кунда (2019 йил 12.02) амалга оширилди.

Объектнинг бошланғич нархини аниқланг ва бухгалтерия ёзувларини тузинг?

Ечим

Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Асосий воситалар бўйича мол етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактураси тўловга қабул қилинди	75 000 000	0820	6010
Сотиб олинган мол-мулк бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилди	11 250 000	0820	6010
Транспорт харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилди	210 000	0820	2310
Транспорт воситасини ЙҲХХ идорасида ҳисобга қўйиш бўйича харажатлар ҳисобга олинди	3 000 000	0820	6990
Сотиб олинган объектнинг бошланғич қиймати акс эттирилди	89 460 000	0160	0820
Етказиб берувчига қарз қайтарилди	86 250 000	6010	5110
Рўйхатга олиш тўлови	3 000 000	6990	5110

### Асосий воситаларнинг эскириши.

#### №2-мисол.

Автотранспорт воситасига 2019 йил 01 июль ҳолатига амортизация ҳисобланг. Автомобилдан фойдаланиш муддати 5 йил. Амортизация усули чизиқли. Автомобил бошқарув эҳтиёжлари учун ишлатилади. Дастлабки харажат ва ишга тушириш санаси ҳақидаги маълумотлар 1-мисолда келтирилган. Бухгалтерия ёзувларини тузинг.

Ечим

Автомобилга амортизация меъёрини ҳисоблаймиз:

$$(1/5) \cdot 100 \% = 20 \%$$

Йиллик амортизация суммаси:  $89\,460\,000 \cdot 20\% = 17\,892\,000$  сўм;

амортизация ойлик миқдори:  $17\,892\,000 : 12 = 1\,491\,000$  сўм.

1 июлгача ҳисобланган амортизация суммаси  $1\,491\,000 \times 4 = 5\,964\,000$  сўм.

Ҳисобланган амортизацияларга ҳар ойда қуйидаги ўтказма берилади:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар” 1 491 000 сўм

К 0260 “Транспорт воситаларини эскириши” 1 491 000 сўм

Фойдаланган муддатга ҳисобланган жами амортизация суммаси:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар” 5 964 000 сўм

К 0260 “Транспорт воситаларини эскириши” 5 964 000 (1 491 000 x 4) сўм

#### №3-мисол.

2019 йил 01 октябр ҳолатига транспорт тиркамасига амортизация ҳисоб қилинди. Ускунанинг бошланғич қиймати 33 000 000 сўмни ташкил қилади. Тугатиш қиймати 3 000 000 сўм. Ушбу объект 2016 йилнинг 01 январида

сотиб олинган, фойдали иш муддати 5 йил. Амортизация ҳисоблаш усули - йиллар сони йиғиндиси бўйича. Объект корхонанинг асосий ишлаб чиқариш цехида ишлатилади. Бухгалтерия ёзувларини тузинг.

Ечим

Ускунанинг фойдали ҳаёт йиллар сони йиғиндиси:  $(1 + 2 + 3 + 4 + 5) = 15$ .

Амортизацияланадиган қиймат 30 000 000 сўм (33 000 000 – 3 000 000).

Амортизация ҳисоблаш суммаси биринчи йили  $5/15 * 30\,000\,000 = 10\,000\,000$  сўм; иккинчи йилда  $4/15 * 30\,000\,000$  сўм = 8 000 000 сўм; учинчи йилда  $3/15 * 30\,000\,000 = 6\,000\,000$  сўм; тўртинчи йили  $(2/15 * 30\,000\,000) * 9/12 = 3\,000\,000$  сўм бўлади.

Шундай қилиб, бутун ҳақиқий фойдаланиш вақти давомида, жамғарилган амортизация суммаси: 27 000 000 сўм (10 000 000 + 8 000 000 + 6 000 000 + 3 000 000) га тенг бўлади.

Ҳар ойда (2019 йил сентябр ойига) ҳисобланган амортизация ажратмалар суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” 333 333 сўм

К 0230 “Транспорт воситаларини эскириши” 333 333 сўм.

$(2/15 * 30\,000\,000 / 12 = 333\,333$  сўм)

#### Асосий воситаларни чиқиб кетиш ҳисоби.

##### №4-мисол.

2019 йил 19 июн куни компания 87 000 000 сўмга харидорга (2019 йил 12 феврал куни сотиб олинган - 1-мисолга қаранг) транспорт воситасини сотди. Қўшимча қиймат солиғи 13 050 000 сўм. Автотранспортни ЙХХХ идораси ҳисобидан чиқариш учун 1 300 000 сўм харажат қилинди. Харидор сотиб олинган автомашина суммасини 2019 йил 19 июнда тўлади.

Объектни сотишдан олинган молиявий натижани аниқланг ва бухгалтерия ўтказмаларини беринг?

Ечим

Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Ҳисобдан чиқарилган объектнинг бошланғич қиймати	89 460 000	9210	0160
Автотранспорт воситаси эскиришини ҳисобдан чиқариш	5 964 000	0260	9210
Объектни ЙХХХ ҳисобидан чиқариш харажатлари	1 300 000	9210	6990
Харидордан олинган даромад суммасига	87 000 000	4010	9210
Бюджет учун ҳисобланган қўшимча қиймат солиғига	13 050 000	4010	6410
Сотишдан молиявий натижани ҳисобга олиш (87 000 000 + 5 964 000 – 89 460 000 – 1 300 000)	2 204 000	9210	9310

### Мисол № 5

Ташкилот жисмоний жиҳатдан тўлиқ эскирганлиги ва фойдали хизмат муддати тугаши муносабати билан асосий воситалар объектини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бекор қилинган санада активнинг дастлабки (тиклаш) қиймати 145 000 000 сўм. Объектни ҳисобдан чиқариш вақтида тўлиқ 145 000 000 сўм миқдорида амортизация ҳисобланган эди. Асосий восита объектини демонтаж харажатлари 1 200 000 сўм ташкил этди, Тугатиш натижасида 945 000 сўмга фойдаланиш мумкин бўлган материаллар қабул қилинди.

Асосий воситаларни тугатишнинг молиявий натижасини аниқланг?

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Эскирган асосий воситанинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди	145 000 000	9210	0130
Эскирган асосий воситанинг эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди	145 000 000	0230	9210
Демонтаж харажатлари ҳисобга олинди	1 200 000	9210	6710, 6520
Ҳисобдан чиқарилган объектдан материаллар қабул қилинди	945 000	1090	9210
Ҳисобдан чиқарилган объектнинг молиявий натижаси аниқланди (145 000 000 – 145 000 000 – 1 200 000 + 945 000 = - 255 000 сўм зарар)	255 000	9430	9210

### Мисол № 6

Ташкилот 80 000 000 сўмга, ҚҚС 12 000 000 сўм нархда асосий восита объектини сотиб олди. Ишлаб чиқаришда фойдаланилмайдиган асосий фонд объектини, амортизация ҳисобланмасдан ва у тан олинганидан сўнг дарҳол бошқа ташкилотнинг устав капиталига ўтказилган.

Ташкилот ушбу объект бошқа ташкилот устав капиталига ўтказилишини олдиндан билган ва шунинг учун етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган ҚҚС суммаси асосий воситанинг бошланғич қийматига кўшилди.

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Сотиб олинган объект суммаси (ҚҚСдан ташқари)	80 000 000	0820	6010
ҚҚС суммаси учун	12 000 000	0820	6010
Мол етказиб берувчига тўлов суммаси	92 000 000	6010	5110
Объект асосий воситалар таркибига қабул қилинди	92 000 000	0130	0820
Бошқа ташкилот устав капиталига ҳисса шаклидаги молиявий инвестициялар миқдори	92 000 000	0690	9210

Ўтказилган активнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди	92 000 000	9210	0130
---	---------------	------	------

## Номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича амалий масалалар

### Мисол № 7

2019 йил 21 ноябр куни компания таъсисчиларидан бири компания устав капиталига бадаллар бўйича қарзни тўлаш учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга патент берди. Таъсис шартномасига кўра, объектнинг келишилган баҳоси 65 400 000 сўмни ташкил этди. Объектнинг бошланғич қийматини аниқланг ва ўтказмалар тузинг.

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Устав капиталига ҳисса маблағи бўйича	65 400 000	0830	4610
Бошланғич қиймати суммаси учун	65 400 000	0410	0830

### Мисол № 8

Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МЧЖ “Мода”, ўзини дизайн логотипини ишлаб чиқаришга бюртма берди. Хизматлар нархи 4 000 000 сўм, ҚҚС суммаси 450 000 сўмни ташкил этади. Логотип савдо белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга қарор қилинди.

Ўзпатентда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун хизматлари 600 000 сўм, ҚҚС - 90 000 сўм. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун божлар 320 000 сўмни ташкил этди. МЧЖ “Мода” бухгалтерия балансига НМА объекти 2019 йил ноябр ойида кирим қилинди. Хизмат муддати 2 йил деб қабул қилинган.

НМА объектнинг бошланғич қийматини аниқланг ва бухгалтерия ўтказмалари қилинг.

### Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Дизайн бюроси хизматлари қийматини акс эттириш	4 000 000	0830	6010
Патент ишончномасининг хизматлар қийматини акс эттириш	600 000	0830	6010
Дизайн бюроси хизматлари бўйича ҚҚС суммаси	450 000	0830	6010
Патент ишончномаси хизматлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинди	90 000	0830	6010
Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўловлари ҳисобга олинди	320 000	0830	6990
Товар белгисини яратиш учун мол етказиб берувчига пул маблағлари ўтказилди	4 450 000	6010	5110
Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш хизматлари учун	320 000	6990	5110

пул тўланди			
Ўзпатентга пошлина тўланди	690 000	6010	5110
Рўйхатдан ўтган товар белгиси номоддий активлар таркибига қабул қилинди (4 000 000 + 600 000 + 450 000 + 90 000 + 320 000)	5 460 000	0420	0830

### Мисол № 9

“Мода” МЧЖ 2019 йил декабр ойида “Мода дунёси” дўкони билан савдо белгисидан фойдаланиш учун икки йил муддатга лицензия шартномаси имзолади. Ушбу шартнома бўйича МЧЖ “Мода” икки йил давомида тенг ойлик тўловлар бўйича 8 600 000 сўм, ҚҚС суммаси – 1 290 000 сўм олади.

Товар белгисининг қолдиқ қиймати 5 232 500 сўм (5 460 000 сўм – 227 500 сўм)ни ташкил этади. Товар белгисининг ойлик эскириш суммаси 227 500 сўмни ташкил этади. Амортизация чизиқли усулда ҳисобланади. Ҳисоб сиёсати бўйича товар белгиларга эскириш 0520 “ Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси “ ҳисобварағида олиб борилиши белгиланган. Ташкилот даромад ва харажатларни ҳисоблаш усулида белгилайди.

Фойдаланиш учун товар белгисини тақдим этиш бўйича ўтказмалар тузинг?

#### Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Товар белгиси фойдаланишга топширилди (қолдиқ қийматда)	5 232 500	9220	0420
Товар белгиси амортизацияси ҳисобдан чиқарилди	227 500	0520	9220
Савдо белгиси ҳуқуқларидан фойдаланганлик учун лицензиатдан роялти олинди (8 600 000: 24)	358 333	5110	4010
Олинган пул маблағлари бошқа даромадлар таркибида эътироф этилди	358 333	4010	9510
Роялти бўйича олинган ҚҚС (1 290 000 : 24)	53 750	4010	6410
Лицензия шартномаси бўйича ўтказилган савдо белгисига амортизация ҳисобланди	227 500	9220	0510

### №1-мисол.0

“Мода” МЧЖ икки йилдан сўнг “Мода дунёси” дўконига тўлиқ ҳуқуқидан фойдаланиш учун савдо белгиси сотишга қарор қилди. Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати 5 460 000 сўм. Йиғилган амортизация суммаси суммаси:

$$(5 460 000 \text{ сўм} - 5 232 500 \text{ сўм}) + 227 500 \text{ сўм} \cdot 23 \text{ ой} = 5 460 000 \text{ сўм.}$$

Шартнома бўйича харидор 6 800 000 сўм товар белгисига бўлган мутлоқ ҳуқуқ учун ҳақ тўлаган, ҚҚС суммаси – 1 020 000 сўм.

“Мода” МЧЖда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари тузилди:

#### Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши
------------------------------	-------------	-----------------------------

		Дебет	Кредит
Товар белгисига мутлоқ ҳуқуқни бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди	5 460 000	9220	0420
Йиғилган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилди	5 460 000	0520	9220
Товар белгисига мутлоқ ҳуқуқни сотишдан олинган даромад (ҚҚС билан)	6 800 000	4010	9220
Товар белгисига мутлоқ ҳуқуқни сотишдан ҚҚС суммаси	1 020 000	4010	9220
Даромаддан ҚҚС ҳисобланди	1 020 000	9220	6410
Сотишдан молиявий натижа (фойда) аниқланди (5 460 000 – 5 460 000 + 6 800 000 + 1 020 000 – 1 020 000)	6 800 000	9220	9320

### №1-мисол.

2019 йилнинг сентябр ойида, ташкилот қиймати 13 140 000 сўм бўлган маълумотлар базасини фойдаланиш учун лицензия шартномаси асосида тўлиқ ҳуқуқга эга бўлмаган ҳолда сотиб олди. Шартнома муддатига асосан маълумотлар базасининг фойдали муддати уч йил.

Маълумотлар базасига бўлган мутлоқ ҳуқуқ сотувчи ташкилот учун қолдирган. Олинган ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш учун тўлов ташкилот томонидан 2019 йилнинг октябр ойида бир йўла амалга оширилди. Маълумотлар базасидан 2019 йил сентябр ойида фойдаланиш ҳуқуқини олишда ташкилот НМА қийматини баланسدан ташқари ҳисобварақда 016 “Фойдаланиш ҳуқуқида олинган номоддий активлар” ҳисобга олади. Сўнгра, 2019 йилнинг октябридан бошлаб ташкилот бухгалтерия ҳисобида қуйидаги операцияларни акс эттиради:

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Маълумотлар базасидан фойдаланиш учун берилган ҳуқуқ учун тўлов амалга оширилди	13 140 000	6010	5110
Маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўлов суммаси кечиктирилган харажатларга ўтказилди	13 140 000	3190	6010
Маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловнинг ойлик қисми (13 140 000 сўм : 36 ой = 365 000 сўм) жорий харажатлар учун ҳисобдан чиқарилди.	365 000	9420	3190

### Назорат саволлари

1. Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадида асосий воситалар тушунчасини тушунтириб беринг?
2. Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби мақсадларида қандай фарқи бор?
3. Асосий воситаларни баҳолашнинг асосий усуллари нималардан иборат?

4. Асосий воситалар эскиришининг асосий усулларини бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби мақсадлари учун санаб беринг?
5. Асосий воситаларнинг амортизация усулларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби мақсадлари учун қандай фарқлар мавжуд?
6. Ижарага олинган асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича корхоналарга қандай имтиёзлар берилган?
8. Қайси ҳолларда асосий воситаларни таъмирлаш учун резерв яратилади?
9. Асосий воситаларнинг қайси объектлари бўйича амортизация ҳисобланмайди?
10. Номоддий активлар тушунчасига тариф беринг?
11. Номоддий активларни баҳолаш турларини санаб беринг?
12. Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг асосий воситалар эскиришидан қандай фарқлари бор?
13. Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати қандай аниқланади?
14. Номоддий активларни ҳисобга олишда тан олиш мезонлари нималардан иборат?
15. Номоддий активлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва фойдани солиққа тортиш мақсадлари учун қандай амортизация ҳисоблаш усуллари мавжуд?
16. Қўшилган қиймат солиғидан қандай номоддий активлар озод этилган?
17. ҚҚСдан озод қилинган НМА реализацияси бўйича сотиб олинган номоддий активларга ҚҚС қандай ҳисобга олинади?
18. Номоддий активларни ҳисобдан (фойдаланишдан) чиқиб кетиш сабаблари нималардан иборат?

*Инсонларнинг энг катта хатоси уларнинг оммабон активларга инвестиция қилишларидир. Бошқалар сотиб олаётган нарсаларни сотиб олишга ҳаракат қилар экансиз, сиз улгурмаслигингиз мумкин. Сиз бошқа инсонлар эътибордан четда қолдирган активларга инвестиция киритиб, катта бойликка эга бўлишингиз мумкин.*

*Роберт Тору Кийосаки*

## **5 БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ**

### **5.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 29, 41 боблар.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 41, 42, 43, 49, 52, 53 моддалар.
3. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (янги таҳрири) ЎЗР Қонуни. 2015 йил 3 июнь ЎРҚ-387-сон.
4. “Акционерлик жамиятлар ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида (янги таҳрири)”ги ЎЗР Қонуни. 2014 йил 06 май ЎРҚ-370-сон.
5. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎЗР қонуни (янги таҳрир) 13.04.2016 й. № ЎЗРҚ-404.
6. “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида” ги ЎЗР қонуни.
7. “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”. ЎЗР Президентининг қарори 02.04.2019 й. № ПҚ-4258.
8. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”. ЎЗР ВМ қарори 16.01.2019 й. N 35.
9. Қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси ва эмиссияли қимматбаҳо қоғозларни давлат рўйхатига олиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатдан ўтган.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларини чиқариш ва муомаласи тартиби тўғрисида Низом. ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда 3080-сон билан рўйхатдан ўтган.
11. ЎЗР БҲМС 2-сон “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатга олинган).
12. ЎЗР 8-сон БҲМС “Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш”. (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган).
13. ЎЗР 12-сон БҲМС “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш”. (ЎЗР Адлия вазирлигида 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатга олинган).
14. ЎЗР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎЗР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда

1181-сон билан рўйхатга олинган).

15. ЎзР 24-сон БҲМС “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2009 йил 18 августда 1996-сон билан рўйхатга олинган).

16. “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297).

## **5.2. Инвестицияларнинг мазмуни ва уларни ҳисобга олиш вазифалари**

Пул, моддий ва номоддий шаклдаги капитални тадбиркорлик фаолияти объектларига даромад олиш ва келажакда уларнинг қийматини кўпайтириш мақсадида йўналтириш “*инвестиция*”лар деб аталади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларни амалга ошириш бўйича қилаётган амалий ҳаракатлари мажмуи “*инвестиция фаолияти*” деб юритилади. Корхоналар инвестиция фаолиятини амалга ошириш борасида турли мақсадларни кўзлайилар. Айрим корхоналар учун инвестиция фаолияти билан шуғулланиш уларнинг асосий фаолият тури ҳисобланиб, компаниянинг молиявий натижалари шу йўналишнинг натижаларига бевосита боғлиқ бўлса, айримлари инвестицияларни кейинчалик муҳим ишларни амалга ошириш учун захира сифатида ушлаб туради, бошқалари эса савдо муносабатларини мустаҳкамлаш ёки тижорат соҳасидаги устунликка эга бўлиш учун савдо инвестицияларига маблағ йўналтиради. Корхоналарнинг инвестиция фаолиятини давлат турли шаклларда тартибга солиб туради. Жумладан:

- инвестиция киритишнинг эътиборга лойиқ йўналишлари ва объектларини белгилаб бериш;
- инвестиция фаолиятини солиқлар билан тартибга солиш;
- инвестициялар ҳисобини юритишни стандартлар ёрдамида тартибга солиш;
- инвестиция фаолиятини инвесторларга молиявий ёрдам кўрсатиш ёки тегишли кредит сиёсатини ўтказиш орқали тартибга солиш;
- инвестиция фаолиятини тегишли амортизация сиёсатини амалга ошириш орқали тартибга солиш;
- молиявий инвестицияларни амалга оширишнинг шакл ва шартларини белгилаш орқали тартибга солиш;
- инвестициялар ҳимоясини ташкил қилиш.

Корхоналар ўз бўш маблағларини қимматли қоғозлар, давлатнинг қарз мажбуриятларини сотиб олиш, бошқа корхоналарнинг устав капиталида қатнашиш, биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш каби йўналишларга сарф қилишлари мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатлар хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисобини юритишга бевосита ўз таъсирини ўтказди. Республикамизда корхоналарнинг инвестициялар қилиш билан боғлиқ хўжалик муомалалари ҳисоби асосан бухгалтерия ҳисобининг “Молиявий

инвестицияларни ҳисобга олиш” деб номланган 12-сонли БҲМС воситасида юритилади.

Шу билан биргаликда, инвестициялардан тушган даромадларни тан олиш, шўъба корхоналарга инвестициялар қилиш, биргаликдаги фаолиятга қилинган инвестицияларни ҳисобга олиш каби айрим хўжалик муомалалари эса 2-сонли “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар”, 8-сонли “Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш” деб номланган БҲМС ёрдамида тартибга солинади.

Инвестициялар ҳисобини юритишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ хўжалик муомалаларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри акс эттирилишини таъминлаш;
- инвестицияларни тоифалари бўйича тўғри туркумланишини таъминлаш;
- инвестицияларни баҳолаш ва қайта баҳолаш муомалаларини тўғри амалга ошириш;
- инвестицияларни бир тоифадан бошқасига ўтказилиши муомалаларини тўғри амалга оширилишини таъминлаш;
- инвестициялардан олинган даромадларни тўғри ҳисобга олиниши, солиққа тортилиши ва молиявий ҳисоботларда тўғри кўрсатилишини таъминлаш;
- турли тоифадаги инвестицияларни чиқиб кетиши муомалаларини тўғри акс эттирилишини таъминлаш;
- инвестициялар билан боғлиқ хўжалик муомалаларни миллий стандартлари талаби асосида ёритилишини таъминлаш

### **5.3. Инвестицияларнинг туркумланиши ва баҳоланиши**

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари талабларига биноан хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган инвестициялар қўйилган вақтига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

*узоқ муддатли инвестициялар;*

*қисқа муддатли инвестициялар.*

Бир йилдан ортиқ муддатда даромад олишни мақсад қилиб турли объектларга йўналтирилган молиявий қўйилмалар узоқ муддатли инвестициялар деб аталади. Қисқа муддатли инвестициялар эса бир йилдан кам бўлган муддатда даромад олишни кўзда тутган активларга йўналтирилган қўйилмалардан иборат бўлади. Бухгалтерия ҳисобининг стандартлари талабларига биноан ўзларининг ҳисоб сиёсатида узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни ажратиб кўрсатишни лозим деб топган корхоналар узоқ муддатли инвестицияларни баланснинг “узоқ муддатли активлар”и таркибида, қисқа муддатли инвестицияларни эса “жорий активлар”и таркибида кўрсатишлари лозим.

Ўз молиявий ҳисоботларида айланма маблағлар билан узоқ муддатли активлар ўртасидаги тафовутни кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларни эгаллик қилиш муддати бир йилгача бўлган айланма маблағ сифатида кўрсатишлари, узоқ муддатли молиявий инвестицияларни эса эгаллик қилиш муддати бир йилдан ошадиган узоқ муддатли активлар сифатида кўрсатишлари лозим.

Ўз балансларида қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларни фарқламайдиган хўжалик юритувчи субъектлар бу фарқни баҳолаш мақсадлари учун кўрсатишлари ва инвестицияларнинг балансидаги қийматини БҲМС 12-сон “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш”нинг 13 ва 15-бандларига мувофиқ аниқлашлари шарт.

Қисқа муддатли (жорий) активлар сифатида тасниф қилинган инвестициялар бухгалтерия балансида:

- бозор қиймати;
- харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича ҳисобга олинishi керак.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар харид ва бозор қийматларидан энг кам баҳоланиш бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, балансидаги қиймати умуман барча инвестициялар қиймати асосида ёки инвестициялар турлари бўйича ёхуд алоҳида инвестициялар асосида аниқланади.

Қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан келадиган даромад ёки зарар шу даромад ёки зарар содир бўлган ҳисобот даврида тан олинади.

Узоқ муддатли активлар сифатида тасниф этилган инвестициялар бухгалтерия балансида:

- харид қиймати бўйича;
- қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;
- харид қиймати ва бозор қийматининг умумий инвестициялар усули бўйича аниқланган энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолаш учун қайта баҳолашнинг амалга ошириш даврийлигини, шу жумладан узоқ муддатли инвестициялар тоифаларини аниқлаш зарур.

Баланс қийматининг вақтинча пасайишини истисно этган ҳолда инвестициялар қиймати камайган тақдирда барча узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати камайтиради. Бундан камайтириш ҳар бир молиявий қўйилма бўйича аниқланади ва тайёрланади.

Узоқ муддатли инвестициялар харид қиймати бўйича ҳисобга олинади. Узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати муқаррар камайиб борган тақдирда бу инвестицияларнинг баланс қиймати ҳар бир инвестиция бўйича алоҳида камайтирилиши лозим. Бундай ҳолларда хатарнинг турлари, инвестиция қилинаётган субъектда инвесторнинг улуши эътиборга олинади.

Узоқ муддатли инвестициялар баланс қийматининг вақтинча пасайиши ҳисобда акс эттирилмайди.

Инвестицияларни баҳолаш 12-сонли “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” деб номланган БҲМС асосида амалга оширилади. Бунга кўра қисқа муддатли инвестициялар сотиб олинган пайтда бухгалтерия ҳисобида харид баҳосида акс этирилади. Инвестицияларнинг харид баҳоси эса, инвестициянинг ўз қиймати, брокерларга тўланган тўловлар, бож тўловлари, банк хизмати учун тўланган маблағ ва бошқа харажатлардан ташкил топади. Агар инвестициялар тўлиқ ёки қисман акциялар ёки бошқа қимматли қоғозлар эмиссиясини амалга ошириш орқали сотиб олинса, унда сотиб олинган инвестицияларнинг қиймати уларнинг номинал қиймати эмас, балки бозор баҳосига тенг бўлади. Агар инвестицияларни сотиб олиш тўлиқ ёки қисман бошқа активларга алмаштириш орқали амалга оширилса, инвестициянинг харид қиймати алмаштириш учун тавсия этилган активнинг жорий қиймати бўйича белгиланади. Аммо бу ҳолатда инвестицияларнинг бозор қиймати аниқроқ бўлса, ушбу баҳони қўллаш маъқул бўлади. Агар инвестициялар сотиб олингунга қадар ҳисобланган фоизлар ёки дивидендлар қиймати билан сотиб олинса, бундай инвестициялар сотувчига тўланган фоизлар ёки дивидендлар суммаси чиқариб ташланган харид қийматида акс этирилади. Ҳисобот тузиш санасида инвестициялар БҲМС стандартлари талабларига кўра корхона балансида бозор қийматида ёки сотиб олиш ва бозор қийматидан ками бўйича кўрсатилиши лозим. Агар қисқа муддатли инвестициялар корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўра сотиб олиш ва бозор қийматидан ками бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, унинг баланс қиймати:

- алоҳида олинган инвестициялар бўйича;
- инвестицияларнинг тоифалари бўйича;
- инвестициялар портфели асосида аниқланиши мумкин.

Узоқ муддатли инвестициялар эса ҳисобот санасига бухгалтерия балансида сотиб олиш қиймати, қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат ёки сотиб олиш ва бозор баҳосидан ками бўйича акс этирилади. Узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс баҳосини аниқлаш инвестициялар портфели асосида амалга оширилади.

#### **5.4. Инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш**

Ташкилотнинг молиявий ҳисоб ва молиявий ҳисоботида молиявий инвестицияларни шакллантириш қоидалари БҲМС 12-сон “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш”да белгиланган.

БҲМС 12-сон молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида ишлаб чиқилган ва юридик шахслар учун қўлланилади (кредит муассасалари ва бюджет муассасаларидан ташқари), ҳамда қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчилари, суғурта ташкилотлари, ва нодавлат пенсия фондлари учун.

БҲМС 12-сонда активларнинг молиявий инвестициялар сифатида ҳисобга олиниши учун муайян шартлар бажарилиши кераклиги қайд этилган:

- ташкилотнинг молиявий инвестициялар ва ушбу ҳуқуқдан келиб чиқадиган маблағлар ёки бошқа активларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

- молиявий инвестициялар билан боғлиқ молиявий рискларни ташкилотга ўтиши;

- келгусида ташкилотга фоизлар, дивидендлар ёки уларнинг қийматини ошириш шаклида иқтисодий фойда (даромад) келтириш қобилияти.

БҲМС 12-сонга мувофиқ ташкилотнинг молиявий инвестициялар таркибига кирази:

- давлат қимматли қоғозлари (заёмлар);

- бошқа ташкилотларнинг қимматли қоғозлари (шу жумладан қарз қимматли қоғозлари);

- бошқа ташкилотларнинг устав капиталига бадаллар;

- бошқа ташкилотларга берилган қарзлар;

- кредит муассасаларидаги омонатлар;

- бошқа ташкилотдан битим бўйича сотиб олинган дебиторлик қарзлари ҳуқуқи (дебиторская задолженность, приобретенная на основании уступки права требования);

- оддий ҳамкорлик шартномаси бўйича ҳамкор ташкилотнинг кўйилмалари.

Ташкилотлар молиявий инвестициялар таркибига киритилмайдиган объектлар:

- акциядорлик жамияти томонидан қайта сотиш ёки бекор қилиш учун сотиб олинган ўз акциялари;

- вексел берувчи ташкилот томонидан сотилган товарлар, маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб учун сотувчига бериладиган векселлар;

- ташкилотнинг моддий шаклга эга бўлган кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкка инвестициялари, яъни ташкилот томонидан даромад олиш учун вақтинчалик фойдаланиш (вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш) учун ҳақ тўлаш асосида тақдим этилган объектлар;

- оддий фаолият турлари учун сотиб олинмаган қимматбаҳо металллар, заргарлик буюмлари, санъат асарлари ва бошқа шу каби қимматбаҳо буюмлар;

- моддий шаклга эга бўлган активлар (асосий воситалар, моддий ишлаб чиқариш заҳиралари ва номоддий активлар).

Ташкилот тўлиқ ва ишончли ахборотни шакллантириш, шунингдек уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан назорат қилиш имконини берувчи молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш бирлигини мустақил танлайди. Серия, партия ёки бошқа бир хил молиявий инвестициялар мажмуи бирлик сифатида белгиланиши мумкин.

Молиявий инвестициялар (кўшилган қиймат солиғи ва бошқа қайтариладиган солиқлар бундан мустасно), уларни сотиб олиш бўйича

ташкilotнинг ҳақиқий харажатлари суммаси бўлиб, улар бошланғич қиймати бўйича ҳисобга қабул қилинади.

Молиявий активлар сифатида сотиб олишнинг ҳақиқий харажатлари қуйидагилардан иборат:

- сотувчига шартномага мувофиқ тўланадиган суммалар;
- ушбу активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот-консалтинг хизматлари учун ташкilotлар ва бошқа шахсларга тўланадиган суммалар;
- молиявий инвестициялар сифатида сотиб олинган активлар учун воситачи ташкilotга ёки бошқа шахсга тўланадиган ҳақ;
- молиявий инвестициялар сифатида активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Агар молиявий инвестицияларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида ташкilot ахборот ва консалтинг ташкilotларига тўлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширган бўлсада, лекин битим амалга ошмаган бўлса, хизматлар қиймати ташкilotнинг операцион харажатларига ўтказилади.

Молиявий инвестицияларни қарз маблағлари ҳисобидан сотиб олишда олинган кредитлар ва олинган қарзлар харажатлари ҳам ташкilotнинг операцион харажатларига киритилади.

Умумийхўжалик, маъмурий ва бошқа шу каби харажатлар молиявий инвестицияларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаса, уларни сотиб олиш харажатларига киритилмайди.

Молиявий қўйилмаларни сотиб олишда ҳақиқий харажатлар активларни ҳисобга олиш учун молиявий қўйилмалар сифатида қабул қилинишидан олдин, чет эл валютасидаги суммага тенг суммада (шартли пул бирликлари) сўмларда тўлашда юзага келадиган курс фарқларини ҳисобга олган ҳолда шаклланади.

Молиявий инвестицияларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар, сотувчига тўланадиган суммалардан ташқари, ташкilot томонидан сотувчига тўланадиган суммага нисбатан муҳимсиз деб тан олинса ва қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳисобот даврининг операцион харажатларига ўтказилиши мумкин.

Сотиб олинганда чет эл валютасида белгиланадиган молиявий инвестицияларнинг бошланғич қиймати уларнинг бухгалтерия ҳисоби учун қабул қилинган санада амалда бўлган ЎзР Марказий банки курсида чет эл валютасини конвертация қилиш йўли билан сўмда белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган молиявий инвестициялар бошланғич қиймати Қонун ва 12-сонли БҲМС билан белгиланган ҳолларда ўзгариши мумкин. Кейинги баҳолаш мақсадлари учун молиявий инвестициялар икки гуруҳга бўлинади:

- жорий бозор қийматини аниқлаш мумкин бўлган молиявий инвестициялар;
- бозор қийматини аниқлаш мумкин бўлмайдиган молиявий инвестициялар.

Жорий бозор қийматини белгиланган тартибда аниқлаш мумкин бўлган молиявий инвестициялар ҳисобот йилининг охиридаги молиявий ҳисоботларда жорий бозор қийматида уларнинг аввалги ҳисобот санасига баҳоланишини тартибга солиш йўли билан акс эттирилади. Ўзгаришлар ойлик ёки ҳар чоракда амалга оширилиши мумкин. Ҳисобот санасида жорий бозор қийматида молиявий инвестицияларни баҳолаш ва молиявий инвестицияларни олдинги баҳолаш ўртасидаги фарқ молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғланишда мос равишда операцион даромадлар ёки харажатларга киритилади.

Жорий бозор қиймати аниқланмайдиган молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда ҳақиқий қиймати бўйича қайд этилади. Агар ҳисобот санасида илгари жорий бозор қийматида баҳоланган молиявий инвестицияларнинг бирон объекти учун жорий қиймат белгиланмайдиган бўлса, молиявий инвестицияларнинг бундай объекти молиявий ҳисоботларда унинг охирги баҳоси қийматида акс эттирилади.

Қарз қимматли қоғозлари ва берилган кредитлар учун ташкилот дисконтланган қийматда уларнинг баҳосини ҳисоблаб чиқиши ва бундай ҳисоб-китобнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаши мумкин.

Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида молиявий инвестицияларни ҳисобдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисоби учун қабул шартларини бекор қилиш санада эътироф этилади ва сўндириш, сотиш, текинга бериш, бошқа ташкилотлар устав капиталига ҳисса сифатида тўлаш, оддий ҳамкорлик шартномаси остида ҳисса сифатида бериш ва бошқа ҳолларда содир бўлади.

Бошқа ташкилотларнинг устав капиталига (акциядорлик жамиятларининг акцияларидан ташқари), бошқа ташкилотларга берилган кредитлар, кредит ташкилотларидаги депозитлар, даъво ҳуқуқини талабидан воз кечкан асосида олинган дебиторлик қарзлари бўйича санаб ўтилган бухгалтерия бирликларидан олиб ташланган ҳар бир молиявий инвестициянинг бошланғич қиймати бўйича баҳоланади. Қимматли қоғозлар ҳисобдан чиқарилган пайтда ҳар бир тури учун аниқланган ўртача бошланғич қиймат бўйича баҳоланади, бунинг учун қимматли қоғозлар турининг бошланғич қийматини уларнинг сонига бўлиш ҳисобида аниқланади. Жорий бозор қиймати бўйича баҳоланадиган молиявий инвестициялар ҳисобдан чиқарилганда, уларнинг қиймати охирги баҳолашга асосланган ҳолда аниқланади. Шу билан бирга, ҳисобот йили давомида молиявий инвестицияларнинг ҳар бир тури учун битта баҳолаш усули қўлланилади.

Молиявий инвестициялардан даромадлар БҲМС 2-сон “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар”га мувофиқ оддий фаолият ёки операцион даромад сифатида эътироф этилади.

Қарзлар олиш, банклар хизматлари учун тўлов, депозитарийлар ва шунга ўхшаш бошқа операциялар билан боғлиқ харажатлар ташкилотнинг операцион харажатларига киритилади.

Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, мамлакат ҳудудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа

корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати, шунингдек бошқа корхоналарга тақдим этилган, берилган узоқ муддатли қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0610 “Қимматли қоғозлар”;

0620 “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”;

0630 “Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар”;

0640 “Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар”;

0690 “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар”.

Активларни инвестициялар таркибига киритиш ва уларнинг турлари БҲМС 12-сон “Молиявий инвестициялар ҳисоби” ва БҲМС 8-сон “Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш” билан тартибга солинади.

0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида облигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган узоқ муддатли инвестиция (қўйилма)ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0620 “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”, 0630 “Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар”, 0640 “Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар” ҳисобварақларида тегишли чет эл капитали мавжуд бўлган шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0690 “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар” ҳисобварағида юқорида келтирилган ҳисобварақларда назарда тутилмаган бошқа узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади.

Акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳосида 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг дебетида ушбу қўйилмалар ҳисобига берилган қийматликлар ҳисобга олинadиган ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” ҳисобварағининг дебети ва 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва қарз қимматли қоғозларининг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қисми қўшимча ҳисобланади. Бунда 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг дебети ва 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда ҳам қимматли қоғозларни коплаш муддати келганда 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган баҳо номинал қийматга тўғри келиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ҳисобланганда 4830 “Олинадиган фоизлар” ёки 4840 “Олинадиган дивидендлар” ҳисобварағининг дебети ва 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” ёки 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу инвестициялар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, корхона иштирокчиси ҳисобланган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва шу кабилар) бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши ЎзР ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Қуйида узоқ муддатли инвестицияларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Сотувчи корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.

2) Сотувчи корхонага номоддий активлар ва материаллар бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

3) Сотувчи корхонага маҳсулот, товар, иш, хизматларни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

4) Сотувчи корхонага ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

5) Қимматли қоғозлар узоқ муддатли инвестициялар сифатида текинга олинганда:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

б) Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари харид қилинганда:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар.

7) Дебиторлик қарзлари ҳисобига қимматли қоғозларнинг харид қилиниши:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

8) Қисқа муддатли инвестициялар таркиби ўзгартирилганда (реструктуризация):

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 5800 “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

9) Таъсисчиларнинг корхона устав капиталига уларнинг улуши сифатида берилган қимматли қоғозларнинг қиймати:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

10) Корхона қимматли қоғозларга тегишли ҳуқуқлар унга ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома олди:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар” ёки

К 7920 “Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар”.

11) Облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозларининг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ:

а) номинал қиймати харид қийматидан юқори:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари”;

б) харид қиймати номинал қийматдан юқори

Д 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»

К 0610 “Қимматли қоғозлар”.

12) Чет эл валютасидаги узоқ муддатли инвестициялар билан боғлиқ операциялар бўйича курс фарқлари:

а) ижобий

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”;

б) салбий

Д 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар»

К 0610 «Қимматли қоғозлар».

13) Узоқ муддатли инвестицияларни:

а) шўъба хўжалик жамиятларида

Д 0620 “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”

ёки

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

б) қарам хўжалик жамиятларида

Д 0630 “Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”

ёки

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

в) чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарида

Д 0640 “Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”

ёки

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

14) Узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг сотилиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар.

К 0610 “Қимматли қоғозлар”.

15) Узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг сотилгандан кейин ҳисобдан чиқарилиши:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

К 0610 “Қимматли қоғозлар”.

Корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

5810 “Қимматли қоғозлар”;

5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”;

5890 “Бошқа жорий инвестициялар”.

5810 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида акцияларга, давлат қарзларининг фоизли облигацияларига ва бошқа қимматли қоғозларига қўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигация ва бошқа қимматли қоғозлар 5810 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағига сотиб олиш қийматида кирим қилинади.

Корхонада акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши 5810 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва агар қимматли қоғозлар учун

тўлов моддий ёки бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) орқали амалга оширилса, моддий ва бошқа қийматликларнинг сотилишини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида ҳисобга олинади.

Агар сотиб олинган облигация ва бошқа қарз қимматли қоғозларининг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ шундай ҳисобдан чиқарилиши ёки қўшимча ҳисобланиши керакки, 5810 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баҳоси уларни қоплаш даврида номинал қийматига мувофиқ бўлиши лозим. Сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланадиган вақтгача бўлган даврда 5810 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг дебети (қўшимча ҳисоблаш)да ёки кредити (ҳисобдан чиқариш)да, 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” ёки 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” ҳисобварақлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

“Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг қопланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети ва 5810 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” ҳисобварағида корxonанинг бошқа корхоналарга қисқа муддатга берган пулли ва бошқа қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” ҳисобварағининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Қарзларнинг қайтарилиши пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети ва 5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

5890 “Бошқа жорий инвестициялар” ҳисобварағида корхоналарнинг банк ва бошқа омонатларга сўмдаги ва чет эл валютасидаги қўйилмаларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Омонатларга пул маблағларининг ўтказилиши корхоналарда 5890 “Бошқа жорий инвестициялар” ҳисобварағининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Ҳисобда банк томонидан омонатлар суммаси қайтарилганда корхонада тесқари ёзув амалга оширилади.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (5800) бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар) бўйича юритилади.

Қуйида қисқа муддатли инвестицияларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Қимматли қоғозлар маҳсулотлар, товарлар, иш, хизматларни бериш йўли билан харид қилинди:

Д 5810 “Қимматли қоғозлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

- К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки  
К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.
- 2) Қимматли қоғозлар асосий воситалар ва бошқа активларни бериш йўли билан харид қилинди:  
Д 5810 “Қимматли қоғозлар”  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.
- 3) Узоқ муддатли инвестицияларнинг таркибий ўзгариши (реструктуризация) амалга оширилди:  
Д 5810 “Қимматли қоғозлар”  
К 0610 “Қимматли қоғозлар”.
- 4) Қимматли қоғозлар нақд пулга харид қилинди:  
Д 5810 “Қимматли қоғозлар”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”.
- 5) Қимматли қоғозлар қиймати банкдаги ҳисобварақдан тўланиши орқали харид қилинди:  
Д 5810 “Қимматли қоғозлар”  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар.
- 6) Харидорларга ссуда маблағларининг векселда берилиши:  
Д 5810 “Қимматли қоғозлар”  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар.
- 7) Акцияларнинг тўлов сифатида қимматли қоғозларнинг келиб тушиши:  
Д 5810 “Қимматли қоғозлар”  
К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.
- 8) Қимматли қоғозларнинг сотилиши:  
Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”  
К 5810 “Қимматли қоғозлар”.
- 9) Корхонанинг қарзи қимматли қоғозлар билан қопланиши:  
Д 6990 “Бошқа мажбуриятлар”  
К 5810 “Қимматли қоғозлар”.
- 10) Мажбуриятлар учун гаров сифатида акцияларнинг берилиши:  
Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”  
К 5810 “Қимматли қоғозлар”.
- 11) Харидорга вексел суммасига даъво билдирилиши:  
Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”  
К 5810 “Қимматли қоғозлар”.
- 12) Даъво муддати тугаганлиги туфайли вексел бўйича қарзни зарар ҳисобига чиқариш:  
Д 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”

К 5810 “Қимматли қоғозлар”.

13) Инвентаризация натижасида қимматли қоғозларнинг камомоди:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”

К 5810 “Қимматли қоғозлар”.

14) Қисқа муддатли қарзларнинг асосий восита ва бошқа активлар кўринишида берилиши:

Д 5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

15) Қисқа муддатли қарзларнинг тайёр маҳсулот, товар, иш, хизматлар кўринишида берилиши:

Д 5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

16) Бошқа корхоналар томонидан қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 5830 “Берилган қисқа муддатли қарзлар”.

### **5.5. Акция ва облигацияларни сотиб олиш, уларнинг бозор ва номинал қийматини ҳисобга олиш тартиби**

Инвестицияларни сотиб олиш муомалалари юқорида келтирилган ҳисобварақларнинг дебети ва пул маблағлари ва моддий бойликлар ҳисобварақларининг кредити бўйича акс эттирилади.

**1-мисол.** Вақтинчалик бўш маблағидан 1 йилгача муддат ичида унумли фойдаланишни кўзда тутган “МАН” компанияси тез ривожланиб бораётган бошқа бир компаниянинг номинал қиймати 5000 сўм бўлган 400 та акциясининг ҳар бирини 6000 сўмдан, брокерлик ташкилоти орқали сотиб олди. Бу хизмат учун брокерлик ташкилотига шартнома суммасининг 3% миқдорида, банк хизмати учун эса 0,5 % миқдорида ҳақ тўлади. Шунга кўра қисқа муддатли инвестициянинг харид қиймати 2 484 000 сўмни ташкил қилди.

$$[(6000 \times 400 + (2\,400\,000 \times 3\%) + (2\,400\,000 \times 0,5\%)) = 2\,484\,000 \text{ сўм}]$$

Бу хўжалик муомаласига қуйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади:

а) инвестициялар қабул қилиб олинганда:

Д 5810 “Қимматли қоғозлар” - 2 472 000 сўм

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар” - брокерлик хизмати учун 2 472 000 сўм

б) банк хизматлари учун:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар” 12 000 сўм

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар” - банк хизмати учун 12 000 сўм;

- а) пул маблағлари ўтказилганда  
Д 6990 “Бошқа мажбуриятлар” - брокерлик хизмати учун 2 472 000 сўм  
Д 6990 “Бошқа мажбуриятлар” - банк хизмати учун 12 000 сўм  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” - 2 484 000 сўм.

Инвестициялар кирими корхона таъсисчилари томонидан қилинган бадал сифатида ҳам юзага келиши мумкин.

- Д 5810 “Қимматли қоғозлар” ёки  
Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

Агар инвестицияларни сотиб олиш тўлиқ ёки қисман бошқа активларга алмаштириш орқали юзага келса, уларни ҳисобга олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

**2-мисол.** “МАН” компанияси ўзининг доимий мол етказиб берувчиси ҳисобланган “МАН” компаниясининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 800 дона акциясини узоқ муддат давомида даромад олиш мақсадида сотиб олиш ниятини билдирди. “МАН” компанияси ўз акцияларини номинал қиймати 800 000 сўм, лекин шу кундаги жорий қиймати 1 500 000 сўм бўлган “МАН” компаниянинг ускунасига алмаштириши мумкинлигини айтди. Томонлар розилиги билан келишув имзоланди. Бу хўжалик муомаласи 12-сонли Бухгалтерия ҳисобининг “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” деб номланган миллий стандарти ҳолатларига кўра қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

- Д 0610 “Қимматли қоғозлар” 1 500 000 сўм  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” 1 500 000 сўм

Инвестициялар қўшма, шўъба ва қарам корхоналарни Устав капиталида даромад олиш мақсадида қатнашиш орқали ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

- Д 0620 “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар” ёки  
Д 0630 “Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар” ёки  
Д 0640 “Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар ёки

- К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

Инвестиция сифатида қирим қилинаётган қимматли қоғозлар кўпчилик ҳолларда номинал қийматидан юқори ёки кам баҳода харид қилиниши мумкин. Сотиб олиш ва номинал қиймат ўртасида юзага келган фарқ (устама ёки чегирма) 12-сонли БҲМС талабларига биноан ушбу қимматли қоғозларнинг ҳаракат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиб борилади.

**3-мисол.** “МАН” компанияси ҳисобот йилининг 1 февралда номинал қиймати 5 000 000 сўм бўлган йиллик 15 % даромад келтирувчи 6 ой муддатга чиқарилган банк облигациясини 5 180 000 сўмга сотиб олди. Демак

бу хўжалик муомаласи бўйича 180 000 сўм устама юзага келди. Бу хўжалик муомаласи қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилди.

Д 5810 “Қимматли қоғозлар” 5 180 000 сўм

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар 5 180 000 сўм.

Шу куни компания номинал қиймати 1 000 000 сўм бўлган йиллик 18% даромад келтирувчи 10 ой муддатга чиқарилган “МБА” корхона облигациясини 900 000 сўмга сотиб олди. Бу хўжалик муомаласи бўйича эса 100 000 сўм чегирма юзага келди.

Д 5810 “Қимматли қоғозлар” 900 000 сўм

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи бошқа ҳисобварақлар 900 000 сўм.

Март ойининг охирига келиб олинган облигациялар бўйича фоизлар ҳисобланди:

а) банк облигациялари бўйича  $5\,000\,000 \times 15\% \times 2/6 = 250\,000$  сўм

б) корхона облигациялари бўйича  $1\,000\,000 \times 18\% \times 2/10 = 360\,000$  сўм

Бу хўжалик муомаласига қуйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади:

Д 4830 “Олинадиган фоизлар” 610 000 сўм

К 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” 610 000 сўм

Ҳисобланган фоизлар келиб тушганда эса

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 610 000 сўм

К 4830 “Олинадиган фоизлар” 610 000 сўм

Облигацияларни номинал қиймати ва харид баҳоси ўртасида юзага келган фарқни ҳисобдан чиқариш муомалалари қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

а) устама суммаси 6 ой мобайнида ( $180\,000$  сўм : 6 ой)  $30\,000$  сўмдан ойма-ой ҳисобдан чиқариб борилади.

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” 30 000 сўм

К 5810 “Қимматли қоғозлар” 30 000 сўм

б) Чегирма суммаси 10 ой мобайнида ( $100\,000$  сўм : 10 ой)  $10\,000$  сўмдан ойма-ой ҳисобдан чиқариб борилади:

Д 5810 “Қимматли қоғозлар” 10 000 сўм

К 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” 10 000 сўм.

Қисқа муддатли облигацияларининг харакат муддати тугаб, корхона томонидан эгасига қайтарилган ва улар учун пули келиб тушганда:

а) банк облигациялари бўйича

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 5 000 000 сўм

К 5810 “Қимматли қоғозлар” 5 000 000 сўм

б) “МБА” корхона облигациялари бўйича

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 1 000 000 сўм

К 5810 “Қимматли қоғозлар” 1 000 000 сўм

**Инвестицияларни қайта баҳолаш ва бу муомалаларни ҳисобга олиш тартиби.** Инвестицияларни қайта баҳолаш уларнинг бозор баҳосини

аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Ҳисоб сиёсатида қисқа муддатли инвестицияларни бозор баҳосида ҳисобга олишни кўзда тутувчи хўжалик юритувчи субъект инвестициялар қийматидаги ўзгаришларни даромад ёки харажат сифатида акс эттиради. Миллий стандарт талабларига кўра бу жараён қуйидагича амалга ошади:

- қайта баҳолаш натижасида инвестициялар қийматининг ортиши даромад сифатида қўшилган капитал суммасини кўпайтиришга олиб борилади;

- кейинги қайта баҳолаш натижасида инвестициялар қийматининг камайиши юз берса, бу камайиш қўшилган капиталнинг аввалги кўпайишини камайтириш ҳисобига ёпилади. Агар камайиш суммаси капиталнинг аввалги ортишидан кўп бўлса, қопланмай қолган сумма харажат сифатида тан олинади;

- агар кейинги қайта баҳолаш натижасида инвестициялар қийматининг ортиши юз берса, бу сумма аввал харажат сифатида тан олинган суммани қайтарилишига, ундан ортиб қолган сумма эса қўшилган капитални кўпайтиришга олиб борилади.

**4-мисол.** “МАН” компанияси 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига қуйидаги узоқ муддатли инвестициялар портфелига эга:

Акциялар тури	Акциялар миқдори	Акцияни сотиб олиш қиймати	Жами сотиб олиш харажатлари
А	700	5000	3 500 000
В	1200	2000	2 400 000
С	900	1500	1 350 000
<b>Жами</b>	<b>Х</b>	<b>Х</b>	<b>7 250 000</b>

Компаниянинг ҳисоб сиёсатида узоқ муддатли инвестицияларни қайта баҳолаш қийматида ҳисобга олиш кўзда тутилган. 2019 йилининг биринчи чорагида мавжуд инвестицияларнинг бозор қиймати ўзгариши юз берди.

Акциялар тури	Акциялар миқдори	Акциянинг бозор қиймати	Жами акцияларнинг бозор қиймати
А	700	5500	3 850 000
В	1200	1900	2 280 000
С	900	1800	1 620 000
<b>Жами</b>	<b>х</b>	<b>Х</b>	<b>7 750 000</b>

Бу ўзгаришларга бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув қилинади:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар” - қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан зарарлар 120 000 сўм

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” 500 000 сўм

К 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” 620 000 сўм.

Бухгалтерия ёзувларидан кўришиб турибдики, “В” тоифадаги акциялар бўйича баҳо пасайишидан олинган зарар аввал қўшилган капитал таркибида

шу хилдаги муомалаларга тегишли сумма мавжуд бўлмаганлиги учун зарар сифатида тан олинди.

2019 йилнинг ярим йиллиги якунида инвестициялар таркибида қуйидаги ўзгаришлар юз берди

Акциялар тури	Акциялар миқдори	Акциянинг бозор қиймати	Жами акцияларнинг бозор қиймати
А	700	5300	3 710 000
В	1200	1700	2 040 000
С	900	1700	1 530 00
<b>Жами</b>	<b>х</b>	<b>Х</b>	<b>7 280 000</b>

Бу ўзгаришлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича аксини топади:

Д 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”  
230 000 сўм

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар” - қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан зарарлар  
240 000 сўм

К 0610 “Қимматли қоғозлар” 470 000 сўм

2019 йилнинг охирига келиб, баланс тузиш санасидан аввал инвестициялар қийматида сезиларли ўзгариш юз берди

Акциялар тури	Акциялар миқдори	Акциянинг бозор қиймати	Жами акцияларнинг бозор қиймати
А	700	5800	4 060 000
В	1200	2000	2 400 000
С	900	1750	1 575 000
<b>Жами</b>	<b>х</b>	<b>Х</b>	<b>8 035 000</b>

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” 755 000 сўм

К 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”  
755 000 сўм

**Инвестициялар бўйича даромадларни ҳисобга олиш тартиби.** Инвестициялардан олинган даромадлар Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида таъкидлаб ўтилганидек, фоизлар, роялти, дивидендлар, узоқ ва қисқа муддатли ижара сифатидаги инвестициялар бўйича ижара ҳақи ҳамда инвестицияларни сотиш натижасида олинган фойда сифатида юзага келади.

Корхона ўз маблағларини банкка депозитга қўйиш, қарз бериш ёки облигациялар каби қарз қоғозларини сотиб олиш вақтинчалик кераксиз активларни ижарага бериш орқали фоиз кўринишидаги даромадга эга бўлади. Ушбу йўналишлар бўйича даромад ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Д 4830 “Олинган фоизлар”

К 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”

Роялти кўринишидаги даромад деб, корхонани савдо белгиси ёки бошқа турдаги ҳуқуқини ўзга кимсаларга маълум вақтга, маълум ҳақ эвазига

фойдаланиш учун берилиши натижасида олинган даромадга айтилади. Даромад ҳисобланганда куйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилиши лозим:

Д 4850 “Олинадиган роялти”

К 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”.

Корхона ўзга корхоналарнинг акцияларига “қиймат” ёки “улушда катнашиш” усулида инвестиция киритиши мумкин. Қиймат усулида инвестиция қилинганда корхона бошқа акциядорлар каби фақат дивидендга даъвогарлик қилиши мумкин. Улушда катнашиш усулида эса инвестиция қилган корхона ҳам дивидендга, ҳам соф фойданинг тегишли қисмига даъвогарлик қила олади. Ушбу ҳолатларни куйидаги мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

**5-мисол.** “МАН” корхонаси ҳисобот йилининг январ ойида “МАН” компаниянинг номинал қиймати 2000 сўм бўлган 1200 та акциясини 2500 сўмдан сотиб олди, 3 000 000 сўмга (қиймат усули). Феврал ойи охирида “МАН” корхона янги ташкил қилинаётган “МАН” компаниянинг таъсисчиси сифатида номинал қиймати 6000 сўмдан бўлган 200 000 та акциясини 3000 сўмдан сотиб олди ( $200\,000 \times 3\,000 = 600\,000\,000$  сўм). Бу акциялар миқдори “МАН” компания Устав капиталининг 25 % ни ташкил қилади. “МАН” корхонаси бу хўжалик муомаласини ўзининг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттиради:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” – “МАН” корхонага инвестициялар  
3 000 000 сўм

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” – “МАН” корхонага инвестициялар  
600 000 000 сўм

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 603 000 000 сўм

Ҳисобот йили тугаб, акциядорлар йиғилиши қарорига кўра, “МАН” корхона ҳар бир акцияга 300 сўмдан дивиденд эълон қилди. Бу тўғрисида расмий ҳужжатга эга бўлгач, “МАН” сотиб олинган 1200 акцияга тегишли бўлган ( $1200 \text{ та акция} \times 300 \text{ сўм} = 360\,000 \text{ сўм}$ ) дивиденд суммасига ўзида куйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширди.

Д 4840 “Олинадиган дивидендлар” 360 000 сўм

К 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” 360 000 сўм

Ҳисобот йилини “МАН” корхона 360 000 000 сўм фойда билан яқунлади. Акциядорлар йиғилиши қарорига кўра фойда суммасининг 160 000 000 сўми дивиденд сифатида тақсимланишга келишилди. Шунга кўра муомаладаги ҳар бир акцияга 450 сўмдан ( $360\,000\,000 \text{ сўм} : 800\,000 \text{ та акция}$ ) дивиденд тўғри келди. Бу хўжалик муомаласи “МАН” корхонаси бухгалтериясида куйидагича ўз аксини топди:

а) ҳисобланган дивиденд суммасига

Д 4840 “Олинадиган дивидендлар” ( $200\,000 \times 450$ ) 90 000 000

К 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” 90 000 000

б) соф фойда суммаси таркибида юзага келган улушга эса

( 200 000 000 x 25 % = 50 000 000)

Д 0610 “Қимматли қоғозлар” – “МДА” корхонага инвестициялар  
50 000 000 сўм

К 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” 50 000 000

Ушбу усулда дивидендларни ҳисоблангандан кўра ортиқроқ суммада қайтиши, инвестиция қилинган корхонада улушни камайишини билдиради. Мисол учун, “МДА” компания “МАН” корхонасига 100 000 000 сўм миқдорида дивиденд тўлаб берди. Бу ҳолатда “МАН” корхонаси қуйидаги бухгалтерия ёзувини расмийлаштириши лозим:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 100 000 000 сўм

К 4840 “Олинадиган дивидендлар” 90 000 000 сўм

К 0610 “Қимматли қоғозлар” – “МДА” корхонага инвестициялар  
10 000 000 сўм

Инвестициялар билан боғлиқ бошқа йўналишлардаги даромадларни ҳисобга олиш муомалаларига “Инвестицияларни бир тоифадан иккинчисига ўтказиш тартиби” ва “Инвестициялар чиқимини ҳисобга олиш тартиби” деган қуйидаги кичик параграфларда кўриб чиқиш жараёнида кўрсатилган.

**Инвестицияларни бир тоифадан иккинчисига ўтказиш тартиби.** Инвестицияларни бир тоифадан иккинчисига ўтказиш ушбу тартибдаги инвестицияларга нисбатан бозор шартларини ўзгариши ёки ташкилотда бундай инвестицияларга нисбатан мақсадларнинг ўзгариши сабаб бўлиши мумкин. Инвестициялар тоифаларини ўзгартириш жараёнида қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим бўлади:

- тоифа ўзгартирилгунга қадар инвестициялар ҳисобга олинган қиймат;
- тоифа ўзгартирилгандан кейин инвестициялар ҳисобга олинган қиймат;
- тоифа ўзгартирилгунга қадар инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида юзага келган фарқни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар;
- тоифа ўзгартирилгандан кейин инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида юзага келувчи фарқни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари талабларига кўра агар қисқа муддатли инвестициялар корхонанинг ҳисоб сиёсатида сотиб олиш ва бозор баҳосидан ками бўйича ҳисобга олиб борилиши кўзда тутилган бўлса, узоқ муддатли инвестицияларни уларнинг тоифасига ўтказиш шу баҳоларнинг энг ками бўйича амалга оширилади. Агар узоқ муддатли инвестициялар тоифаси ўзгартирилишидан аввал қайта баҳоланган ва қисқа муддатли инвестициялар корхонада бозор қийматида юритилаётган бўлса, узоқ муддатли инвестицияларни қисқа муддатли инвестициялар тоифасига ўтказишда қайта баҳолаш суммаси баланс қийматида ҳисобдан чиқарилади. Агар қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматидаги ўзгариш даромад сифатида тан олиб борилаётган бўлса инвестициялар тоифасини ўзгартиришда ҳисобга олинмай қолган қайта баҳолаш суммаси даромад таркибига киритилади. Қисқа муддатли инвестицияларни узоқ муддатли қўйилмалар таркибига ўтказиш сотиб олиш ва бозор қийматидан ками

бўйича, агар қисқа муддатли инвестициялар тоифа алмаштирилгунга қадар бозор баҳосида ҳисобга олинган бўлса, тоифа алмаштириш бозор баҳосида амалга оширилиши мумкин.

**Инвестициялар чиқимини ҳисобга олиш тартиби.** Корхона инвестицияларни чиқиб кетишидан фойда ёки зарар олиши мумкин. Ушбу хўжалик муомалаларини тушунтириш учун 4–мисол маълумотларидан фойдаланиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

Корхона аввал сотиб олган “А” турдаги акцияларнинг 400 тасини 6000 сўмдан сотишга эришди. Бу хўжалик муомаласи бухгалтерия ҳисобида куйидаги тартибда ўз аксини топади.

а) сотиш баҳоси билан баланс қиймати ўртасидаги фарққа

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 2 400 000 сўм

К 0610 “Қимматли қоғозлар” 2 000 000 сўм

К 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” –Қимматли қоғозларни сотишдан олинган даромад 400 000 сўм

б) кўшилган капитал таркибидаги қайта баҳолаш суммасини сотилган акцияларга тегишли қисмини (560 000 : 700 та акция = 800 сўм х 400 та акция = 320 000 сўм) ҳисобдан чиқариш муомаласига:

Д 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” – “А” турдаги акциялар 320 000 сўм

К 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” –Қимматли қоғозларни сотишдан олинган даромад 320 000 сўм

Корхона бир қанча вақт ўтганидан кейин “С” турдаги акциялар курсини кескин тарзда тушиб кетаётганлигидан хавотир олиб, барча акцияларини биринчи харидорга ҳар бир акцияни 1450 сўмдан сотишга қарор қилди. Бу хўжалик муомаласи куйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” 1 305 000 сўм

Д 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” – “С” турдаги 225 000 сўм

Д 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” 45 000 сўм

К 0610 “Қимматли қоғозлар” 1 575 000 сўм

## **5.6. Облигациялардаги қиймат, улардаги чегирмалар, уларга тўланадиган қўшимча ҳақ ва уларнинг амортизацияси**

Облигация - бу қарзли қимматбаҳо қоғоз бўлиб, эмитент облигация эгасига белгиланган муддатда номинал қиймати ва қатъий белгиланган фоизларни тўлаш мажбуриятини беради, агар бошқа шартлар кўрсатилмаган бўлса.

Давлат қимматли қоғозлари, хусусан облигацияларининг эмитентлари ЎзР МБ ва ЎзР Молия вазирлиги ҳисобланади. Улар давлат томонидан даромад ва сотиб олиниши кафолатланган давлат заёмларини чиқаради.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига ва уларнинг Уставига мувофиқ облигацияларни турли мулкчилик шаклдаги корхоналар (корхона облигациялари), шунингдек давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари (давлат ва маҳаллий облигациялари) томонидан чиқарилиши мумкин.

Корпоратив облигациялар куйидаги турларда чиқарилиши мумкин:

- оддий;
- ютуқли;
- фоизли;
- фоизсиз (мақсадли).

Облигациялар чексиз потенциал инвесторлар доирасида эркин муомалада бўлиши мумкин (очиқ жойлаштириш), ёки инвесторлар олдиндан маълум бир гуруҳ орасида муомаласи чекланган ҳолда амал қилиши мумкин (ёпиқ жойлаштириш).

Оддий облигациялар - бу уларга опцион билан ўтказилиши мумкин бўлган қимматли қоғозларнинг бошқа турларига айлантириш ҳуқуқига эга бўлмаган облигациялардир, яъни улар облигация эгасига уни белгиланган муддатда қайтариш ҳуқуқини беради ва эмитент унинг номинал қийматини қайтариши шарт.

Ютуқли облигациялар – бу шундай облигацияларки, улар тиражи бўйича мунтазам равишда даромад ютуқ шаклида тўланадиган заёмлардир. Тиражлар сони облигацияни чиқариш шартлари билан белгиланади.

Фоизли облигациялар - ўз эгаларига вақти-вақти билан тўланадиган қатъий даромад олиш ҳуқуқини берувчи облигациялар ва у қайтарилганда облигациянинг номинал қиймати тўланади. Фоиз тўловларнинг даврийлиги облигация чиқариш шартлари билан белгиланади.

Фоизсиз (мақсадли) облигациялар - фоиз тўланмайдиган облигациялардир ва эгасининг даромади бутунлай облигациянинг номинал қийматига чегирма ҳисобига шаклланади (эмиссия баҳоси номинал қийматидан анча паст қилиб белгиланади) ва облигация қайтарилгандагина олиниши мумкин.

Мақсадли заёмларнинг мажбурий реквизитлари - улар бериладиган товарлар (хизматлар)нинг кўрсатилишидир.

Облигациялар эмитентларни ўз мол-мулкни гаров билан таъмин этилиши ёки эмитентга чиқариш мақсадлари учун учинчи шахслар томонидан таъмин этилиши мумкин.

Ўз мол-мулкни гаров билан таъминлашда компаниялар (акциядорлик жамиятларидан ташқари) устав капитали миқдоридан ошмайдиган миқдорда облигациялар чиқариши мумкин.

Учинчи шахслар томонидан эмитентга кафолат берилган корхоналар кафолат суммасига облигациялар чиқариши мумкин.

Эмитентнинг устав фондини шакллантириш ва тўлдириш, шунингдек уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга йўл қўйилмайди.

Акционерлик жамиятлари устав капиталининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ва фақат барча чиқарилган аксиялар тўлиқ тўланганидан сўнг облигациялар чиқариши мумкин.

Облигациялар чиқаришга устав фонди тўлиқ тўлангандан кейингина рухсат этилади.

Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор ижроия органи томонидан қабул қилинади ва баённомада кўрсатилади. Қарорда эмитент, чиқариш шартлари (мақсадли облигациялар бўйича, товар (хизмат)лар турлари, ва уларни суммалари) ва жойлаштириш тартиби кўрсатилиши шарт.

Корхоналарнинг облигацияларини чиқаришни рўйхатдан ўтказиш аксиялар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Облигация бланкалари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- эмитентнинг фирма номи ва унинг жойлашган жойи;
- қимматбаҳо қоғоз номи – “облигация” (номли рўйхатга олинган облигациялар учун облигация эгасининг фамилияси, исми, отасини исми шарифи ва уни сотиб олиш санаси облигациянинг орқа томонида кўрсатилади);

- облигация бланкасининг тартиб рақами ва серияси;
- облигация тури;
- умумий чиқарган суммаси номинал қийматда;
- фоиз ставкаси;
- облигацияларни чиқариш шартлари ва тартиби (фоиз тўлаш, облигацияларни сўндириш);

- эмитент раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзолари;
- номинал қиймати;
- рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган облигация чиқаришининг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами.

Чиқарилган нақд облигацияларда ҳимоя камида олти даража бўлиши керак.

Қимматли қоғозларнинг бошқа турлари шаклларининг реквизитлари ЎзРнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

Ташкилот томонидан сотиб олинган қимматли қоғозларнинг бошланғич қийматига қўшилган қиймат солиғи ва бошқа қайтариладиган солиқлар бундан мустасно, уларни сотиб олиш учун ташкилотнинг ҳақиқий харажатлари киради.

Ташкилот томонидан бепул олинган қимматли қоғозларнинг бошланғич қиймати уларнинг бухгалтерия ҳисоби учун қабул қилинган санадаги жорий бозор қиймати деб эътироф этилади. Шу билан бирга қимматли қоғозларнинг жорий бозор қиймати деганда уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги савдо ташкилотчиси томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган бозор нархи тушунилади. Бозор баҳоси қимматли қоғозлар бозорида савдо ташкилотчиси томонидан ҳисоб-китоб қилинмаган қимматли

қоғозлар учун бошланғич қиймат - бу уларни ҳисобга олиш учун қабул қилинган санадаги сотиш натижасида олинадиган пул суммасидир.

Тўлиқ тўланмаган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар инвесторга ўтказилганда, улар бухгалтерия ҳисобида шартнома бўйича уларни сотиб олиш ҳақиқий харажатларининг тўлиқ суммасида акс эттирилади. Тўланмаган суммаси кредиторлик қарзлар таркибига критилади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” ҳисобварағининг дебети ва 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва қарз қимматли қоғозларининг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қисми кўшимча ҳисобланади. Бунда 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағининг дебети ва 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда ҳам қимматли қоғозларни қоплаш муддати келганда 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган баҳо номинал қийматга тўғри келиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ҳисобланганда 4830 “Олинадиган фоизлар” ёки 4840 “Олинадиган дивидендлар” ҳисобварағининг дебети ва 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” ёки 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу инвестициялар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, корхона иштирокчиси ҳисобланган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва шу қабила) бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши ЎзР ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадлар операцион даромадларга киритилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича қайд этилади:

Д 4830 “Олинадиган фоизлар”

Кредит 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”.

Қарз қимматли қоғозлари талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда бозор курси бўйича сотиб олинади ва номинал нархда сотилади (сўндиради). Инвестор (облигациялар харидори) облигацияларни 0610 “Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида қайд этилади.

Ҳисоб сиёсатида ҳар бир ташкилот облигациянинг ҳақиқий қиймати билан облигациянинг номинал нархи ўртасидаги фарқни ҳисобдан чиқариш даврилигини кўрсатиши керак.

Жорий бозор қиймати аниқланмаган қарз қимматли қоғозлари бўйича ташкилот муомалала муддати давомида сотиб олиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни бир маромда, чиқариш шартларига мувофиқ, операцион даромад ёки харажатлар таркибига киритилиши лозим.

Агар облигацияларнинг бошланғич қиймати номинал қийматдан юқори бўлса, фарқ ташкилот томонидан у эгалик қилаётган облигациялар бўйича олинган даромаддан чегириб ташланади. Агар облигациялар номинал қийматидан паст нархда сотиб олинса, фарқ қўшилади ва операцион даромадга киритилади.

### **5.7. Инвестициялар бўйича молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби**

**Инвестициялар бўйича маълумотларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш.** Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги стандартлари талабларига кўра хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларида инвестициялар билан боғлиқ барча маълумотларни бериб боришлари лозим. Бу ҳисоботлар инвесторларга корхоналарнинг инвестиция портфелини шаклланишининг асосий тамойиллари, уларнинг даромадлилиги ва улар билан боғлиқ таваккалчиликлар тўғрисида маълумотлар бериши лозим.

**Бухгалтерия балансида** инвестициялар тоифалари бўйича акс эттирилиб, унинг узоқ муддатли активлар қисмида узоқ муддатда, жорий активлар қисмида эса бир йилгача муддатда даромад олиш мақсадида йўналтирилган инвестициялар қиймати акс эттирилади. **Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда** инвестицияларни сотилиши натижасида олинган даромад ва бу даромадни яратиш билан боғлиқ харажатлар, дивидендлар, роялти, ижара ҳақи ва фоизлар кўринишидаги даромадлар ҳамда ҳисоб сиёсатида кўра инвестицияларни қайта баҳолашдан олинган фойда ёки зарар суммалари тегишли моддалар бўйича ўз аксини топади. **Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда** инвестицияларининг кирими ва чиқими билан боғлиқ пул оқимларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Жумладан пул оқимларининг тушум қисмида инвестицияларни, асосий восита ва бошқа активларни сотиш натижасида келиб тушган пул маблағлари, дивиденд, роялти, фоизлар кўринишидаги пул маблағлари кўрсатилса, чиқим қисмида эса қимматли ва қарз қоғозларини ҳамда асосий восита ва бошқа активларни сотиш натижасида келиб тушган пул маблағлари кўрсатилади. **Хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда** ҳисоб сиёсатида кўра инвестицияларни қайта баҳолаш натижаларини қўшилган капитал ёки тақсимланмаган фойдага таъсири орқали капиталнинг ўзгариши билан боғлиқ хўжалик муомалалари ўз аксини топади.

*(Изоҳ: 2018 – 2019 йилларда йиллик молиявий ҳисобот бўйича фақат “Бухгалтерия баланси” (1-шакл) ва “Молиявий ратижалар тўғрисида ҳисобот” (2-шакл) тақдим этилган).*

**Инвестициялар бўйича молиявий ҳисоботда ёритишлар.** Молиявий ҳисоботларда инвестициялар билан боғлиқ қуйидаги ахборотлар ёритилиши лозим.

1. Инвестицияларга нисбатан белгиланган корхона ҳисоб сиёсати, жумладан:

- инвестицияларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда қўлланиладиган усуллар;

- инвестицияларни қайта баҳолаш пайтида юзага келадиган фарқларни ҳисобдан чиқариш усуллари.

2. Инвестициялардан фоизлар, роялти, дивидендлар ҳамда инвестицияларнинг олди-сотдисидан тушган катта миқдордаги тушумлар;

3. Молиявий қўйилмалар тўғрисидаги ахборотлар:

- инвестициялар таркибида бозор қийматини аниқлаш имконияти бўлмаган қўйилмалар мавжуд бўлса, бу ҳолатга тўсқинлик қилаётган сабаблар тўғрисидаги маълумотлар;

- инвестициялар бўйича бир тоифадан иккинчисига ўтказиш ҳолатлари юз берган бўлса, уларнинг суммаси;

- инвестициялар бўйича мавжуд бўлган чекловлар.

4. Қайта баҳолаш қийматида ҳисобга олинган узоқ муддатли инвестициялар бўйича:

- қайта баҳолашни ўтказиш даврини белгилаш бўйича корхона сиёсати;

- охириги қайта баҳолаш санаси;

- қайта баҳолашнинг асоси ва ташқи баҳоловчини жалб қилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумот;

- ҳисобот даврида қайта баҳолаш суммасида юз берган ўзгаришлар ва уларнинг тавсифи ва бошқа маълумотлар.

#### **4.8. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари**

Солиқ ҳисоби мақсадларида сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқариш пайтида қимматли қоғозларнинг қийматини аниқлаш тартиби ЎзР Солиқ кодексининг 324-329-моддалари билан тартибга солинади.

Солиқни ҳисобга олиш мақсадида қимматли қоғозларни сотиш ёки бошқача ҳисобдан чиқариш пайтида ташкилот ҳисобдан чиқарилаётган қимматли қоғозлар қийматини харажатларга қўшиш учун қуйидаги усуллардан бирини мустақил равишда танлаши мумкин:

- вақти бўйича биринчи сотиб олинган қиймати билан (ФИФО);

- бирлик қиймати бўйича.

Бундай ҳолда, молиявий активларнинг қиймати ёзишнинг танланган ҳисобдан чиқариш усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланиши керак.

ЎзР Солиқ кодексига мувофиқ берувчи ташкилот харажатлари, шу жумладан бошқа ташкилот устав капиталига ҳисса шаклида бўлса ҳам, солиқ мақсадлари учун ҳисобга олинмаган харажатлар ҳисобланади.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг дастлабки ва қолдиқ қиймати топширувчи томондан мол-мулкни топшириш вақтида солиқ ҳисоби қоидалари бўйича ҳисобга олинади, улар бўйича маълумотлар солиқ ҳисобида акс эттирилади.

ЎзР солиқ кодексининг 239-моддаси 4-қисми, 1-бандига мувофиқ мол-мулк ва номоддий активларни бошқа ташкилотларнинг устав капиталига ўтказиш реализация айланмаси деб эътироф этилади. Шунинг учун устав капиталига берилган бу бадаллар ҚҚСга тортилади. Шунингдек, бошқа ташкилотларнинг устав капиталига қўшган ҳиссасида асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўтказмалари ҚҚС билан тан олинади, сотиб олиш бўйича тўланган ҚҚС чегириб ташланади.

Агар ташкилот сотиб олинган мол-мулк ва (ёки) номоддий активни бошқа ташкилот ҳиссасига ўтказиш учун мўлжалланганлигини олдиндан билса, улар сотиб олинганда етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҚҚС суммалари ҳисобга олиш учун қабул қилинганда тегишли активнинг таннархига киритилмаслиги керак.

Бошқа турдаги мол-мулкларга (материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар) нисбатан илгари чегириб ташлаш учун қабул қилинган ҚҚСнинг бутун суммаси топширувчи ташкилотдан қайта тикланмайди.

Бундай ҳолларда ундирилиши лозим бўлган ҚҚС суммалари ўтказилган мол-мулк қийматига киритилмаслиги, балки кузатувчи ҳужжатларда алоҳида кўрсатилиши лозим.

Солиқ кодексининг 266-модда 4-қисмига мувофиқ, мол-мулкни устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида қабул қилишда олувчи мол-мулкни устав фондига (устав капиталига) ўтказишда иштирокчи томонидан тўланадиган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Устав капиталига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинган асосий воситалар, номоддий активлар ва кўчмас мулк объектлари, шу жумладан, тугалланмаган қурилиш объектлари учун, уларни ўтказиш вақтида иштирокчи томонидан тўланган солиқ, ўтказилган активларни солиқ тўловчи - олувчи томонидан ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисоби учун мол-мулк ва (ёки) номоддий активни бошқа ташкилот устав капиталига ҳисса сифатида ўтказишда ундирилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси топширувчи ташкилот молиявий қўйилмаларининг бошланғич қийматига киритилмаслиги керак.

Солиқ ҳисоби мақсадларида ҚҚСнинг тикланган суммаси ЎзР Солиқ кодексининг X бўлимида берилган фойда солиғи бўйича ҳисобга олинмаган харажатлар билан боғлиқ бўлиб, ўтказилган мол-мулк ва (ёки) номоддий актив қийматига киритилмайди.

Тикланган ҚҚС суммалари узатувчи ташкилот томонидан бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ошириши керак.

**Оддий ширкат шартномасини амалга ошириш билан боғлиқ операцияларнинг солиқ ҳисоби хусусиятлари.** Ташкилотлар томонидан уларнинг мол-мулки ва номоддий активларини оддий шериклик шартномаси бўйича ҳисса сифатида ўтказиш товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда айланма сифатида эътироф этилади (239-модда, 4-қисм, 2-бандга қаранг) ва шунинг учун даромад солиғига тортилади.

ЎзР Солиқ кодексининг 239-моддасига мувофиқ, оддий шериклик шартномаси бўйича ҳисса шаклида оддий шерикликда иштирок этувчи ташкилотларнинг харажатлари фойда солиғига тортиладиган харажатлар ҳисобланади.

Шерикликда иштирок этишдан олинган даромадлар оддий шерикликда иштирок этувчи ташкилотларнинг реализациядан ташқари даромадларга киритилади ва фойдани солиққа тортиш мақсадида ҳисобга олинади.

336-модда, 3-қисмга мувофиқ, ҳамкорлар (иштирокчилар) томонидан оддий шериклик шартномасида (биргаликдаги фаолият шартномасида) иштирок этишдан олинган зарарлар ишончли вакилдан ушбу оддий шерикликдан келгуси даромадга ўтказилади.

Ҳамкорлик шартномаси бекор қилинганда ва бу шартнома бўйича томонларга қайтариб берилган мол-мулк қиймати ва илгари оддий ҳамкорлик шартномаси (қўшма фаолияти) асосида мулкни баҳоланган ўртасидаги салбий фарқ солиқ мақсадлари учун зарар ҳисобланмайди.

**Ташкилот томонидан бепул олинган молиявий инвестицияларнинг солиқ ҳисоби хусусиятлари.** Солиқни ҳисобга олиш мақсадлари учун бепул олинган мулк ташкилотнинг реализациядан ташқари даромадига тегишли ва бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши керак.

Активларни текинга олишда ташкилот даромад солиғи бўйича солиққа тортиладиган база ҳажмини текинга олинган активларнинг бутун жорий бозор қиймати бўйича ошириши керак.

#### **4.9. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

##### **I. Облигацияларга молиявий инвестициялар**

###### **№ 1-мисол.**

Облигациянинг номинал қиймати 50 млн. сўмни ташкил этади. Сотиб олиш нархи 42 млн. сўм. Облигацияни муомала даври 4 йил. Дивидендлар бир йилда икки марта тўланади. Облигация бўйича йиллик даромад 15% қилиб белгиланган.

###### **Ечим**

Агар облигациянинг сотиб олиш баҳоси унинг номинал қийматидан паст бўлса, ҳар сафар облигациялар бўйича фоиз ставкалари ҳисоблаганда

облигацияларнинг сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарққа фоиз даромади ошган ҳисобига қўшимча ҳисоблаш ўтказилади.

Фоиз даромадини ошириш орқали қўшимча кирим қилиниши лозим бўлган фоиз даромади миқдорини ҳисобланг: 1 000 000 сўм [(50 000 000 сўм – 42 000 000 сўм): 8]. Кўрсатилган сумма облигация бўйича ҳар сафар фоиз даромади тўланганда ҳисоблаб чиқилади.

Шундай қилиб, қўшимча суммани ҳисобга олиб, облигациянинг эгалик қилиш муддати тугаши билан унинг сотиб олиш нархи номинал қийматга келтирилиши керак.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Облигацияни сотиб олиш қиймати	42 000 000	0610	6990
2	Сотиб олинган облигацияга пул ўтказилди	42 000 000	6990	5110
3	Ҳар сафар облигацияга ҳисобланган фоиз даромади суммасига (50 000 000 сум x 15 %)/2	3 750 000	4830	9530
4	Облигацияни сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарққа тузатишлар киритиш	1 000 000	0610	9590
5	Облигациянинг даромад суммаси бўйича	3 750 000 1 000 000	9530 9590	9910
6	Олинган фоиз даромади суммасига	3 750 000	5110	4830

### № 2-мисол.

Облигациянинг номинал қиймати 50 000 000 сўмни ташкил этади. Сотиб олиш нархи 58 000 000 сўм. Облигациянинг муомала муддати 4 йил. Дивидендлар бир йилда икки марта тўланади. Облигация бўйича йиллик даромад 15% қилиб белгиланган.

### Ечим

Агар облигациянинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми ҳисобдан чиқарилади.

Облигацияни даромад фоизи ҳисобидан ҳисобдан чиқариладиган фоиз даромади суммасини аниқланг. Бу сумма 1 000 000 сўмни ташкил қилади [(58 000 000 сўм – 50 000 000 сўм) / 8].

Кўрсатилган сумма облигация бўйича фоиз даромади тўланганда ҳар сафар ҳисоблаб чиқилади.

Шундай қилиб, ҳисобдан чиқарилган суммани ҳисобга олган ҳолда, облигациянинг сотиб олиш нархи унинг номинал қийматига эгалик қилиш муддатининг охирига етказилиши керак.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Облигацияни сотиб олиш қиймати	58 000 000	0610	6990

2	Сотиб олинган облигацияга пул ўтказилди	58 000 000	6990	5110
3	Ҳар сафар облигацияга ҳисобланган фоиз даромади суммасига (50 000 000 сум x 15 %)/2	3 700 000	4830	9530
4	Облигацияни сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарққа тузатишлар киритиш	1 000 000	9690	0610
5	Облигациянинг даромад суммаси бўйича Облигацияни сотиб олинган ва номинал қиймати ўртасидаги амортизация суммасига	3 750 000 1 000 000	9530 9910	9910 9690
6	Йиллик молиявий натижа (3 750 000 – 1 000 000) x 2	5 500 000	9910	8710
7	Олинган фоиз даромади суммасига	7 500 000	5110	4830

## II. Векселларга молиявий қўйилмалар

### № 3-мисол.

Ташкилот 65 000 000 сўм учун номинал қиймати 85 000 000 сўм бўлган бошқа бир ташкилотнинг конвертациясига эга бўлади. Вексел бошқа ташкилот томонидан вексел берилганидан тўрт ой ўтиб номинал қиймати бўйича қайтарилади.

### Ечим

Вексел бошланғич қиймати бўйича, аслида вексел учун бошқа ташкилотга тўланадиган пул миқдорига тенг, яъни чегирмани ҳисобга олган ҳолда ҳисобга олинади.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Бошқа ташкилот векселига молиявий қўйилмалар бошланғич қиймати билан акс эттирилди	65 000 000	5890	5110
2	Векселни номинал қиймати бўйича пул кирим қилинди (вексел қиймати сўндирилди)	85 000 000	5110	9590
3	Векселни баланс (бошланғич) қиймати ҳисобдан чиқарилди	65 000 000	9690	5890
4	Ҳисобот даврини охирида молиявий фаолият бўйича даромад ва харажат ҳисобварақлари ёпилди	85 000 000 65 000 000	9590 9910	9910 9690
5	Молиявий натижа (дисконт шаклидаги даромад) акс эттирилди	20 000 000	9910	9710

### № 4-мисол.

Ташкилот оддий номинали 60 000 000 сўм бўлган банк векселини 15% йиллик даромад ставкаси билан уч ойга сотиб олди.

## Ечим

Уч ойдан кейин банк векселни номинал қиймати билан сўндиради.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Банк оддий векселига молиявий қўйилмалар бошланғич қиймати билан акс эттирилди	60 000 000	5890	5110
2	Вексел бўйича даромад олинди [(60 000 000 x 15%) : 12 x 3]	2 250 000	5110	9590
3	Вексел тўлаш учун топширилди	60 000 000	9690	5890
4	Вексел бўйича тўлов қабул қилинди	60 000 000	5110	9590
5	Ҳисобот даврининг охирида молиявий фаолият бўйича даромад ва харажат ҳисобварақлари ёпилди	2 250 000	9590	9910
		60 000 000	9590	9910
		60 000 000	9910	9690
6	Молиявий натижа акс эттирилди	2 250 000	9910	8710

### Назорат саволлари:

1. Молиявий инвестициялар қандай шаклда амалга оширилади?
2. 12-сонли БҲМСга мувофиқ, қандай активларни молиявий инвестициялар сифатида таснифлаш мумкин?
3. Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисоби учун қайси баҳода қабул қилинади?
4. Қимматли қоғозларни таснифлаш мезонлари қандай?
5. Молиявий инвестицияларни дастлабки баҳолашга қандай харажатлар киради?
6. Молиявий инвестицияларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Молиявий қўйилмаларнинг бошланғич қиймати қандай ҳолларда ўзгариши мумкин?
8. Номинал қиймати бошланғич қийматидан фарқ қиладиган қарз қимматли қоғозлари қандай ҳисобга олинади?
9. Жорий бозор қийматига эга бўлмаган қарз қимматли қоғозлари қандай ҳисобга олинади?
10. Молиявий инвестициялар ҳисобдан чиқарилганда қайси баҳода ҳисобга олинади?
11. Молиявий инвестицияларни инвентаризация қилиш давомида қандай саволлар текширилади?

## **6 БОБ. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ**

### **6.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси III бўлим ва 7, 29, 45 боблар.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 10 бўлим.

3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎЗР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎЗРҚ-404.

4. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиришлар ва иловалар билан).

5. ЎЗР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎЗР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).

6. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297).

7. ЎЗР 4-сон БҲМС “Товар-моддий заҳиралар (янги таҳрирда)” (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 17.07.2006 йил № 1595).

8. ЎЗР 19-сон БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.11.1999 йил № 833).

9. ЎЗР 22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби” (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 21.05.2004 йил № 1364).

10. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” (Марказий банк қарори 26.04.2013, №9/1, ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 03.06.2013 йил № 2465).

### **6.2. Материалларни туркумлаш, баҳолаш ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари**

Ишлаб чиқариш заҳираларининг ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган ролига қараб, улапр қуйидаги гуруҳларга бўлинади: хом-ашё ва асосий материаллар; ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар, чиқиндилар (кайтарилган), ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентарлар ва хўжалик жиҳозлари ва бошқалар.

*Хом-ашё ва асосий материаллар* ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат предметларидир.

Хом-ашёларга қишлоқ хўжалиги ва қазилма саноатининг маҳсулотлари (дон, пахта, сут, гўшт, сабзавот маҳсулотлари ва бошқалар) киради. Материалларга қайта ишлаш саноати маҳсулотлари - ун, ёғ, ёқилғи, мойлаш материаллари, қанд ва бошқалар киради.

**Ёрдамчи материаллар** хом-ашё ва асосий материалларга кўшимча равишда фойдаланилади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга маълум даражада истеъмол хусусиятларини беради, шунингдек, меҳнат воситаларини таъмирлашда ва ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштириш учун фойдаланилади.

Шуни эътиборга олиш зарурки, материалларни асосий ва ёрдамчи материалларга бўлиш шартли тавсифга эга бўлиб, бир тармоқда асосий ҳисобланган материаллар бошқа тармоқлар учун ёрдамчи материал бўлиши мумкин.

**Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар** - қайта ишлашнинг маълум босқичини ўтган, лекин тайёр маҳсулот ҳолатига етмаган хом-ашё ва материаллардир. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида улар ҳам асосий материаллар ролини бажаради ва уларнинг моддий асосини ташкил қилади.

**Ишлаб чиқаришдан қайтарилган чиқиндилар** - тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига сарфланган хом-ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар қайта ишлаш жараёнидаги қолдиқлар.

**Ёқилғилар** - уларни учга булиш мумкин - технологик ёқилғилар, двигатель ва хўжалик ёқилғилари. Технологик ёқилғилар технологик мақсадлар учун фойдаланилади. Двигатель ёқилғилари эса двигателни юргизиш учун ишлатилади. Хўжалик ёқилғилари иситиш учун фойдаланилади.

**Идиш ва идишбон материаллар** (кутилар, қоплар ва бошқалар) тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бошқа нарсаларни кадоқлаш, ташиш ва сақлаш учун фойдаланилади.

**Эҳтиёт қисмлар** - машина, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларини таъмирлаш учун ишлатилади.

Моддий-ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишнинг асосий вазифалари:

- ТМҚ кирими ва фойдаланишини ўз вақтида ҳужжатлаштириш;
- сақлаш жойларида мавжудлиги ва бутлигини таъминлаш ва моддий жавобгар шахслар бўйича ҳисоб юритиш;
- ТМҚнинг мавжудлиги, ишлатилиши, уларнинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисоби регистрларида тўғри акс эттирилишини назорат қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби регистрлари маълумотлари билан ҳақиқий мавжудлигини текшириш учун сақлаш жойларида инвентаризация ўтказиш.

ТМЗ билан боғлиқ қўлланиладиган атамалар:

а) **товар-моддий захиралар** - кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки

хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар;

б) **сотишнинг соф қиймати** - товар-моддий захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва сотиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда жорий қиймати;

в) **жорий қиймат** - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма;

г) **бевосита харажатлар** - алоҳида турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг бирлиги таннархига тўғридан-тўғри киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари;

д) **билвосита харажатлар** - бир неча турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, улар муайян товар-моддий захиралар бирликлари таннархига бевосита киритилмайди, бунинг оқибатида улар харажатлар объектлари ва уларнинг бирликлари таннархи ўртасида ҳисоб-китоб йўли билан тақсимланади;

е) **бўлиниш нуқтаси** - ишлаб чиқариш жараёнининг муайян пайти, бу ерда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг алоҳида турлари аниқ идентификацияланади;

ж) **идиш** - маҳсулотлар (товарлар)ни сақлаш, ўраб-жойлаш ва ташиш учун ишлатиладиган буюмни ифода этувчи моддий объект.

Товар-моддий захиралар ташкилотларда қуйидагилар кўринишида бўлиши мумкин:

а) маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар, харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар захиралари;

б) боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар;

в) деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш улар бўйича қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад тан олинмаган тугалланмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга доир харажатлардан ташкил топади;

г) ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш циклининг пировард натижаси - сотиш учун мўлжалланган ва шартномада ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда бошқа ҳужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив);

д) бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулк (мутлоқ) ҳуқуқлар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Товар-моддий заҳиралар бухгалтерия ҳисобининг бирлиги ташкилот томонидан мустақил равишда, ушбу заҳиралар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш ҳамда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан лозим даражада назоратни таъминлаш мақсадида белгиланади. Товар-моддий заҳираларнинг хусусиятлари, уларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш тартибига боғлиқ ҳолда товар-моддий заҳираларнинг бирлиги номенклатура рақами, туркум, бир турдаги гуруҳ ва ҳоказо бўлиши мумкин.

**Товар-моддий заҳираларни тан олиш.** Товар-моддий заҳиралар актив сифатида тан олинади, агар:

а) ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

б) актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

в) уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Товар-моддий заҳираларга бўлган мулк ҳуқуқи, улар билан боғлиқ хатарлар ва мукофотларнинг ўтиш пайти унинг шартлари келишиладиган етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

Улар бўйича мулк ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган товар-моддий заҳиралар балансдан ташқари ҳисобварақларда шартномада назарда тутилган баҳо бўйича акс эттирилади.

Товар-моддий заҳиралар қўйидагилар натижасида ташкилотнинг бухгалтерия балансига киритилиши лозим:

а) етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;

б) муассислардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

в) муассислар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушиши;

г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

д) айирбошлаш;

е) узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш;

ж) ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий заҳираларни аниқлаш;

з) илгари берилган товар қарзининг қайтарилиши ёки товар қарзини олиш;

и) ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;

к) ҳисобот даври охирида тугалланмаган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш тарзида ҳисобга олинмаган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

л) товар-моддий заҳираларга бўлган мулк ҳуқуқи олиншига олиб келадиган бошқа операциялар ва ҳодисалар.

Товар-моддий заҳиралар қуйидаги икки қиймат: ҳисобот даври охиридаги таннархидан (харид қиймати ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳоланади.

**Харид қилинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи.** Товар-моддий заҳиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритилмаган харажатларга қуйидагилар киритилади:

а) божхона божлари ва йиғимлари;

б) товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

в) товар-моддий заҳиралар улар орқали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи;

г) товар-моддий заҳираларни сертификатлаш ва уларни товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;

д) товар-моддий заҳираларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, товар-моддий заҳираларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт)ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан товар-моддий заҳираларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;

е) товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Савдо дисконтлари, чегирмалар ва бошқа шу каби чегирмалар товар-моддий заҳираларни харид қилиш харажатларини белгилаш чоғида амалга оширилади.

Харид қилинган товар-моддий заҳираларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, товар-моддий заҳираларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани айрибошлаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), товар-моддий заҳираларни харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни

харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар товар-моддий заҳираларнинг таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Муддатидан олдин тўлаш натижасида ёки катта ҳажмда харид қилиш натижасида ёхуд тарафларнинг келишувидан назарда тутилган бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра, олинган пул чегирмалари харид қилинган товар-моддий заҳиралар қийматини камайтирмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Товар-моддий заҳиралар қарз капитали ҳисобига харид қилинганда ёки тайёрланганда кредит (қарз)дан фойдаланганлик учун фоизлар кўринишидаги харажатлар унинг ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархига киритилмайди.

Товар-моддий заҳираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Агар шартнома шартларида харид қилинадиган товар-моддий заҳиралар учун тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, мазкур товар-моддий заҳиралар бухгалтерия ҳисобига тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймат бўйича қабул қилинади. Бунда товар-моддий заҳираларнинг тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймати билан сотиб олинаётган товар-моддий заҳиралар бўйича умумий тўлов суммаси ўртасидаги фарқ тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври мобайнида жорий тўловнинг кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги солиштирма оғирлигига боғлиқ ҳолда молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинади.

Товар-моддий заҳираларга кўшимча ишлов бериш ва уларни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ харажатлар ташкилотнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган навларга ажратиш, ўраб-жойлаш ва уларни товар кўринишига келтириш бўйича харажатларини ўз ичига олади. Яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, уларнинг ҳам ташкилот - харидорнинг ўз кучи билан, ҳам чет ташкилотлар томонидан бажарилишидан қатъи назар товар-моддий заҳираларнинг таннархига киритилади.

Ташкилотнинг транспорт-тайёрлов харажатлари қуйидаги усуллардан бири бўйича ҳисобга қабул қилинади ёки харид қилинган товар-моддий заҳиралар қийматига киритилади:

а) транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий заҳиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш (шартнома нархига кўшиш, устав капиталига киритилган бадалнинг пул баҳосига кўшиш, текинга олинган ва ҳ.к. жорий қийматига кўшиш).

Транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий заҳиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усулини кўп бўлмаган номенклатурадаги товар-моддий заҳираларга эга бўлган ташкилотларда, шунингдек

товар-моддий захираларнинг алоҳида турлари ва гуруҳларининг қиймати катта аҳамиятга эга бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ;

б) етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида синтетик 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш” ҳисобварағига олиб бориб, кейинчалик уларни “Материаллар” элементи бўйича товар-моддий захиралар таннархига ёки ишлатилишига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ва (ёки) давр харажатларига киритиш.

Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йиғилади ва товар-моддий захираларнинг тегишли турлари (ушбу транспорт-тайёрлов харажатлари тегишли бўлган партиялари, гуруҳлари) ўртасида тақсимланади.

Алоҳида йиғиладиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган даврга боғлиқ ҳолда давр охиридаги товар-моддий захиралар қолдиғи суммаси ва ушбу даврда чиқиб кетган (ишлатилган, сотилган, текинга берилган ва ҳ.к.) товар-моддий захиралар суммаси ўртасида тақсимланади. Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларга тегишли бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизи билан чиқиб кетган товар-моддий захиралар қийматининг кўпайтмаси сифатида аниқланиб, ушбу товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши улар билан боғланишда акс эттирилган ҳисобнинг худди ўша ҳисобварақларида акс эттирилади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизи давр бошидаги транспорт-тайёрлов харажатлари қолдиғи ва давр ичида қилинган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаларини давр бошидаги товар-моддий захиралар қолдиғи ва давр ичида келиб тушган товар-моддий захиралар суммасига бўлиш билан аниқланади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишнинг қўлланиладиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Ҳақ эвазига харид қилинган товар-моддий захираларнинг таннархи копланадиган (ҳисобга киритишга қабул қилинадиган) солиқлар чегирилган ҳамда 4-сон БҲМСнинг 13-бандида назарда тутилган товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қўшилган ҳолда, шартномага ёки уларнинг харид қилинганлиги, ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ етказиб берувчи (сотувчи)га тўланадиган сумма тариқасида аниқланади.

Чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий захираларнинг таннархи 4-сон БҲМСнинг 13-бандида назарда тутилган товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган тегишли харажатларни қўшган ҳолда, чет эл валютасидаги суммани божхона юк декларацияси ёки ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олинган товар-моддий

заҳираларнинг таннархи, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган ҳамда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасида олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай товар-моддий заҳираларга айирбошлаш йўли билан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг баланс қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай бўлмаган товар-моддий заҳираларга айирбошлаш йўли билан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг жорий қийматига тенг.

Товар-моддий заҳиралар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) жорий қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган активларнинг жорий қиймати ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий қиймати тан олинади.

Ташкилот томонидан берилган ёки берилладиган активларнинг қийматини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажаришни назарда тутадиган шартномалар бўйича ташкилот томонидан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи шунга ўхшаш вазиятларда худди шундай товар-моддий заҳиралар харид қилинадиган жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ташкилот томонидан четдан қайта сотиш учун харид қилинган товарлар харид қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин. Бунда 4-сон БҲМСнинг 13-бандида назарда тутилган товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар улар юзага келган ҳисобот даврида ташкилотнинг давр харажатларига (сотиш бўйича) киритилади.

Моддий жавобгар шахсларнинг фаолияти устидан тегишлича назорат ўрнатиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш билан шуғулланувчи ташкилотларга устама (чегирмалар)ни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида алоҳида ҳисобга олган ҳолда, харид қилинган товар-моддий заҳираларни сотиш қиймати бўйича ҳисобга олишга рухсат берилади.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг қўлланиладиган тартиби ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Узоқ муддатли активлар таркибидан товар-моддий захиралар таркибига ўтказилган активларнинг таннархи ушбу узоқ муддатли активларнинг баланс (қолдиқ) қиймати бўйича белгиланади.

Ташкилот томонидан товар-моддий захиралар устав капиталига улуш ҳисобига, текинга ва айирбошлаш йўли билан олинаётганда 4-сон БҲМСнинг 13-бандида назарда тутилган харажатлар амалга оширилган тақдирда товар-моддий захираларнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига оширилади.

Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни инвентарлаш натижасида аниқланган активлар таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Битта умумий суммага харид қилинган барча товар-моддий захиралардан ҳар бирининг таннархи ушбу суммани алоҳида товар-моддий захиранинг жорий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан аниқланади.

**Корхонада ишлаб чиқарилган товар-моддий захираларнинг таннархи.** Корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) товар-моддий захираларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар бўйича гуруҳларга ажратилади:

а) ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

б) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;

в) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

г) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Корхоналарнинг аналитик ҳисобида материалларни ҳисоб баҳосида юритиш меъёрий ҳужжатлар билан руҳсат этилган. Ҳисоб баҳоси олдиндан

белгиланган қатъий нархларнинг аналитик ҳисобини билиш учун зарур бўлиб, *ҳисоб нархлари* деб аталади.

Материаллар учун қуйидаги ҳисоб нархлари қўлланилиши мумкин:

- *шартнома нархи*. Бу ҳолда материалларнинг ҳақиқий таннархига киритиладиган бошқа харажатлар транспорт-тайёрлов харажатлари сифатида алоҳида ҳисобга олинади;

- *ўтган ой бўйича материалларнинг ҳақиқий таннархи*. Бу ҳолда, жорий ой материаллар ҳақиқий таннархи ва уларнинг ҳисоб нархи ўртасидаги оғишлар транспорт-тайёрлов харажатлари сифатида алоҳида ҳисобга олинади;

- *режали ҳисоб нархлар*. Бу ҳолда шартномавий нархларнинг режали ҳисоб нархларидан оғиши транспорт-тайёрлов харажатлари таркибида алоҳида ҳисобга олинади;

- *ўртача гуруҳ нархи (ёки ўртача тортилган нархлар)*. Бундай ҳолда материалларнинг ҳақиқий таннархи билан ўртача гуруҳ нархи ўртасидаги фарқ транспорт-тайёрлов харажатлари таркибида алоҳида ҳисобга олинади.

Ҳисоб нархларида ҳисобот даврида (ой) моддий заҳиралар ҳисобдан чиқарилади. Аналитик ҳисобнинг бундай тузилиши ҳисобот даврида бухгалтерия бўлимида сотиб олинган материалларнинг фақат ҳисоб қиймати маълумотлари мавжудлиги билан изоҳланади. Ойнинг охирида бухгалтерия материалларнинг ҳақиқий қийматини аниқлайди. Ҳақиқий таннарх ва ҳисоб нархи ўртасидаги оғиш фоизини ҳисоблайди. Ой давомида ҳисоб нархи билан харажат қилинган материалларни бу оғиш фоизи билан ҳақиқий таннархига етказадилар.

Шундай қилиб, ҳисоб нархида ҳисобдан чиқарилган материаллар, оғиш фоизини ҳисобга олган ҳолда, бизга ишлатиладиган материалларнинг ҳақиқий таннархини беради. Бухгалтерия ҳисобининг бундай ташкил этилиши материалларнинг ҳаракати билан боғлиқ операцияларининг ҳисобини мураккаблигини бухгалтерияда сезиларли даражада камайтиради.

### **6.3. Материаллар ҳаракатини расмийлаштириш ва уларнинг синтетик ҳисобини ташкил этиш**

Моддий-ишлаб чиқариш заҳираларнинг кирим ва харажати бўйича бирламчи ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Ушбу ҳужжатлар диққат билан расмийлаштирилиши, хўжалик операциялари учун масъул шахсларнинг имзолари ва бошқа мажбурий маълумотларни бўлиши керак.

Моддий-ишлаб чиқариш заҳираларнинг кирим қилиш учун - ҳисобварақ-фактуралар ва уларга илова қилинган товар-транспорт юк хатлари, квитанциялар ва спецификациялар асосий бирламчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Ташкилотга материаллар, намунали шаклдаги ишончномалар асосида ваколатли шахслар орқали, мол етказиб берувчилардан етиб келади. Ушбу

ишончномалар махсус журналда рўйхатга олинади ва қатъий жавобгарлик ҳужжатлари ҳисобланади. Фойдаланилмаган ишончномалар уларнинг муддати тугаганидан кейинги кунда бухгалтерия бўлимига топширилади.

Ваколатли шахс моддий қийматликларни омборга қуйидаги ҳужжатлар асосида етказиб беради: кирим ордери (ф. М-4), материалларни қабул қилиш далолатномалари (ф. М-7) ва товар-транспорт юк хатлари.

Материалларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома (ф. М-7) комиссия томонидан, етказиб берувчининг вакили иштирокида, омборга келиб тушган моддий қийматликлар тафовут қилинган тақдирда амалга оширилади. Агар товар-моддий қийматликлар асословчи ҳужжатларсиз қабул қилинган бўлса, бу ҳужжат ҳам қўлланилади.

Товар-моддий қимматликлар камомати тўғрисида харидор мол етказиб берувчига даъво қилади, камомат тўғрисида далолатнома билан бирга кузатувчи ҳужжатларнинг нусхаси ва бошқа ҳужжатларни илова қилиб (юк массасини текшириш тўғрисида темир йўл станцияси квитанцияси, камомат пайдо бўлиш сабабларини гувоҳлик берадиган тижорат далолатномаси) жўнатади.

Моддий қийматликларни кирим қилгандан сўнг, миқдор ва сумма бўйича қабул қилиш учун, далолатноманинг бир нусхаси илова қилинган ҳужжатлар бирга бухгалтерия бўлимига топширилади, иккинчиси эса даъво хати билан бирга мол етказиб берувчига юборилади.

Материалларнинг ҳар бир номенклатура рақами бўйича омборчи материал ёрлиғини тўлдиреди ва уни материалларининг сақлаш жойига бириктиради. Ёрликда материалларнинг номи, номенклатура рақами, ўлчов бирлиги, нархи ва материалларнинг миқдор лимити кўрсатилади.

Материаллар ҳаракати ҳисоби материаллар ҳисоби карточкаларида олиб борилади (ф. М-17). Ҳар бир номенклатура рақами учун алоҳида карта очилади.

Карточкалар бухгалтерияда очилади ва уларда материалнинг номи, маркаси, нави, ўлчами, ўлчов бирлиги, номенклатура рақами, ҳисоб баҳоси ва лимитини ёзади.

Омборчи карточкаларга бирламчи ҳужжатлар (қабул ордерлар, талабномалар, юк хати ва бошқалар асосида) асосида амалиёт содир бўлган кунни ёзув қилади. Ҳар бир ёзувдан сўнг материаллар қолдиғи ҳисоблаб кўрсатилади.

Ташкилот бўлинмаларига омбордан материаллар жўнатиш учун бирламчи ҳужжатлар лимит-забор картаси (ф. М-8), талабнома-юк хати (ф. М-11) ва талабнома (ф. М-15) ҳисобланади.

Лимит-забор картаси ишлаб чиқариш учун тизимли равишда истеъмол қилинадиган материалларни чиқариш учун, шунингдек, лимитга риоя қилиш устидан назорат учун зарур. Бу эса материаллар харажатининг белгиланган меъёр ва меъёрлардан оғишини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш катта аҳамиятга молик.

Лимит-забор картасида лимитдан юқори материаллар чиқарилган тақдирда “Лимитдан юқори” штамп туширилади. Материалларни лимитдан ортиқча чиқариш ташкилот раҳбарининг рухсати билан амалга оширилади. Хужжатларда материалларнинг лимитдан кўпроқ чиқарилиш сабаблари кўрсатилади.

Таркибий бўлинмалар ёки моддий жавобгар шахслар ўртасида ташкилот ичидаги материаллар ҳаракатини ҳисобга олиш учун талабнома-юк хати (ф. М-11) қўлланилади.

Ташкилот хўжаликларига унинг ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса ёки бошқа ташкилотларига материалларни чиқариш учун материалларни четга чиқариш учун юк хати (ф. М-15) қўлланилади.

Яроқсиз ҳолга келган материалларни ҳисобдан чиқарилади. Материалларни ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- сақлаш муддати тугагандан сўнг материаллар яроқсиз ҳолга келган;
- материаллар маънавий эскирган;
- камомад, ўғирлик ва бузилиши аниқланганда;
- табиий офатлар туфайли йўқотишларни аниқлашда (сув тошқинлари, ёнғинлар, zilзила ва бошқалар).

Муайян миқдорда материаллар ҳисобдан чиқарилганда ҳисобдан чиқариш далолатномаси тузилади.

Хўжалик мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган (паст сифатли хусусиятларга эга бўлган материаллар) ёки чиқинди сифатида топшириб бўладиган материаллар, ҳисобдан чиқариш далолатномаси ва моддий қийматликларнинг ички жойини алмаштириш юк хати билан корхона омборига қабул қилинади.

Бино ва иншоотларни демонтаж қилиш пайтида олинган моддий қийматликлар далолатнома билан қабул қилинади (ф. М-35).

**Моддий захираларнинг чиқиб кетиши.** Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларнинг қиймати чиқиб кетиш далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Товар-моддий захиралар ташкилотнинг балансидан:

- а) сотиш;
- б) бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши кўринишида бериш;
- в) муассиснинг муассислар таркибидан чиқишида ёки тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкани унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаётганда илгари ташкилотнинг устав капиталига киритилган улушни муассисга қайтариш;
- г) текинга бериш;
- д) айирбошлаш;
- е) сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш);
- ж) камомад, йўқотиш ёки шикастланишнинг (синиш, бўлиниш)

аниқланиши;

з) товар қарзи кўринишида тақдим этиш ёки илгари олинган товар қарзини қайтариш;

и) бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг баланс қиймати ва товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқларни чегириш орқали аниқланади.

Чиқиб кетаётган товар-моддий заҳираларнинг таннархи билан боғлиқ даромад тан олинадиган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади. Чиқиб кетиш муносабати билан товар-моддий заҳираларни исталган ҳисобдан чиқариш суммаси ва уларга доир барча зарарлар ҳисобдан чиқариш юз берган ёки зарар етказилган ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида ҳисобга олиниши керак. Сотишнинг соф қийматини ошириш натижасида юзага келадиган, илгари ҳисобдан чиқарилган товар-моддий заҳираларнинг қийматини тиклаш суммаси ошиш юз берган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган, чиқиб кетган (ш.ж. сотилган) товар-моддий заҳиралар таннархининг пасайиши сифатида тан олинади.

Товар-моддий заҳиралар қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган) товар-моддий заҳиралар қийматини аниқлаш куйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

а) тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича;

б) ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO);

в) ТМЗ харид қилинган вақт бўйича дастлабки заҳиралар таннархи бўйича (ФИФО).

Товар-моддий заҳираларнинг ҳар бир гуруҳи (тури) бўйича ҳисобот йили мобайнида қийматни аниқлашнинг фақат бир усули қўлланади. Товар-моддий заҳираларнинг гуруҳи (тури) бўйича қийматни аниқлаш усулларида бирини қўллаш ҳисоб сиёсатини қўллаш кетма-кетлигига йўл қўйишдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ташкилот томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва ҳоказо) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (яъни улар одатдаги ҳолда бир-бирини алмаштира олмайди), шунингдек махсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) товар-моддий заҳиралар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули бўйича баҳоланади.

Ушбу усулда алоҳида ўзига хос харажатлар муайян товар-моддий заҳираларга тааллуқли бўлади. Акс эттиришнинг ушбу усули, улар сотиб олинганлиги ёки ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар, махсус лойиҳалар учун мўлжалланган маҳсулотларга тўғри келади.

AVECO усули бўйича товар-моддий заҳиралар ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил бирликларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил бирликларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Товар-моддий захиралар ҳар бир бирлиги қийматини АВЕСО усули бўйича аниқлаш тегишинча давр бошидаги товар-моддий захиралар қолдигининг таннархи ва миқдори ҳамда ушбу давр мобайнида келиб тушган товар-моддий захираларнинг таннархи ва миқдоридан шаклланадиган, айнан бир хил birlikларнинг умумий таннархини уларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан амалга оширилади. Ўртача қиймат ташкилот томонидан танланган усулга қараб даврий ёки товар-моддий захираларнинг ҳар бир янги партияси келиб тушишига кўра ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

ФИФО усули бўйича товар-моддий захираларнинг чиқиб кетаётган birlikлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий захиралар қиймати эса охириги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захиралар birlikларининг умумий қийматидан ташкил топади.

Ҳисобот даври охирида товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш уларнинг чиқиб кетишида товар-моддий захиралар қийматини аниқлашнинг қабул қилинган усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишида уларнинг қийматини аниқлашнинг қўлланадиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

**Материаллар ҳаракатининг синтетик ҳисоби.** Моддий-ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш баланс ва балансдан ташқари ҳисобварақларда амалга оширилади. Агар ТМҚлар корхонага таалуқли бўлмаса, уларни ҳисобга олиш учун балансдан ташқари ҳисобварақ 002 “Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Қайта ишлашга қабул қилинган, лекин тўланмаган (толланадиган хом ашё) буюртмачининг хом ашёси ва материаллари балансдан ташқари ҳисобварағи 003 “Қайта ишловга қабул қилинган материаллар” ҳисобварағида акс эттирилади.

Корхонага тегишли бўлган хом ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идишбоп материаллар, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва ш.к. қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш кўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

1010 “Хом ашё ва материаллар”;

1020”Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар”;

1030 “Ёқилғилар”;

1040 “Эҳтиёт қисмлар”;

1050 “Қурилиш материаллари”;

1060 “Идиш ва идишбоп материаллар”;

1070 “Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар”;

1080 “Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари”;

1090 “Бошқа материаллар”.

Материаллар ҳисобда иккита баҳонинг энг пасти бўйича материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда - ҳақиқий таннархи (сотиб

олиш баҳоси ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (сотишнинг соф қиймати) бўйича ҳисобга олинади.

Зарур ҳолларда (ишлатиладиган материалларнинг номенклатураси катта бўлганда, корхона ичида материалларнинг ҳаракати интенсив бўлганда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида ва бошқаларда) материаллар ҳисоби ҳисоб баҳоси бўйича юритилиши мумкин. Ҳисоб баҳоси сифатида режа таннархи, ўртача сотиб олиш нархлари, улгуржи ва бошқалар қабул қилинади. Материалларни ҳисоб баҳоси бўйича ҳисобга олишда, ҳар ой, ҳақиқий таннархи кўрсатилган баҳосининг қийматидан фарқланиш суммаси ва фоизлари ҳисоблаб чиқилади. Фарқлар 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

1010 “Хом ашё ва материаллар” ҳисобварағида қуйидагиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади:

а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таркибига кирадиган, унинг асосини ташкил этадиган ёки уни тайёрлашда (ишлаб чиқаришда) зарур таркибий қисмлар ҳисобланиладиган хом ашё ва асосий материаллар;

б) маҳсулот ишлаб чиқаришда ёки хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланадиган, техник мақсадлар ва ишлаб чиқариш жараёнига ёрдамлашишда иштирок этадиган ёрдамчи материаллар;

в) қайта ишлаш учун тайёрланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ҳ.к.;

г) ем-хашак ва тўшамалар. Ўзида ишлаб чиқарилган ем-хашак ва тўшамалар йил охирида ҳақиқий таннархига тўғрилаш билан йил давомида режа таннархи бўйича акс эттирилади.

1020 “Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар” ҳисобварағида йиғишда ва қайта ишлов беришда харажат талаб қиладиган ишлаб чиқарилаётган (қурилиш) маҳсулотни бутлаш учун ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида харид қилинган, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик мавзулари бўйича илмий ва экспериментал ишларни ўтказиш учун четдан сотиб олинган бутловчи буюмлар, махсус ускуналар, асбоблар, мосламалар ва бошқа қийматликлар 1020 “Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

1030 “Ёқилғилар” ҳисобварағида нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) (нефть, бензин, керосин, дизель ёқилғиси, ёғ ва ҳоказолар), каттик ёқилғи (кўмир, ўтин ва ҳоказолар) ва газсимон ёқилғи (газ, газолин), шунингдек ишлаб чиқариш чиқиндилари ва каттик ёқилғи сифатида ишлатиладиган иккиламчи материал қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) учун талонлардан фойдаланилганда ҳам уларнинг ҳисоби 1030 “Ёқилғилар” ҳисобварағида юритилади.

1040 “Эҳтиёт қисмлар” ҳисобварағида машина, ускуна, транспорт воситалари ва бошқаларни таъмирлаш ва эскирган қисмини алмаштириш учун мўлжалланган асосий фаолият учун харид қилинган ёки тайёрланган, эҳтиёт қисмларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, ҳамда захирадаги автомобиль шиналари ҳисобга олинади. Шу ерда таъмирлаш заводларида ва техник сервис пунктларида корхонанинг таъмирлаш бўлимларида қилинган (яратилган) агрегатлар, двигателлар, ускуналар, тўлиқ комплектли машиналарнинг алмашиш фонди ҳаракати ҳам ҳисобга олинади.

1050 “Қурилиш материаллари” ҳисобварағида қурилиш конструкциялари ва деталлари, бино ва иншоотларнинг қисмлари, конструкция ва деталларини қуриш ва пардоз қилиш, қурилиш деталларини тайёрлаш, қурилиш ва монтаж ишларида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган, шунингдек бошқа эҳтиёжлар учун четдан сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқилган қурилиш материалларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

1060 “Идиш ва идишбоп материаллар” ҳисобварағида идишларнинг барча турлари (хўжалик инвентари сифатида фойдаланиладиган идишлардан ташқари), шунингдек идишлар тайёрлаш ва таъмирлаш учун мўлжалланган материаллар ва деталлар (яшиқларни йиғиш учун деталлар, бочка тахтаси, темир гардиш ва бошқалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати юритилади. Юкланадиган маҳсулотларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш мақсадида вагонлар, баржалар, самолётлар, кемаларни қўшимча жиҳозлаш учун мўлжалланган буюмлар 1010 “Хом ашё ва материаллар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

1070 “Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар” ҳисобварағида четга қайта ишлаш учун берилган материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Бунда материалларга қайта ишлов бериш билан боғлиқ четдаги корхоналарга тўланган харажатлар бевосита қайта ишлашдан олинган буюмларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетига олиб борилади.

1080 “Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари” ҳисобварағида корхонанинг айланма маблағлари таркибига кирадиган инвентарлар, асбоблар, хўжалик жиҳозлари ва бошқа меҳнат воситаларининг (кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Ушбу ҳисобварақда қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мулк ҳисобга олинади:

а) хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

б) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар бир бирлиги (комплекти)нинг қиймати (сотиб олиш вақтида) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаригача бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилида буюмларнинг инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олинishi учун улар қийматининг паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъи назар инвентарь ва

хўжалик жиҳозлари таркибига қўйидагилар киритилади:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (алоҳида буюртмани тайёрлаш учун ёки маълум бир турдаги буюмларни серияли ва оммавий ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитар буюмлар, махсус пойафзал;

в) ётоқ жиҳозлари;

г) канцелярия жиҳозлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва ҳ.к.);

д) ошхона ва овқатланиш хонаси жиҳозлари, шунингдек овқатланиш хонаси чойшаблари;

е) харажатлари, уларни қуриш қурилиш-монтаж ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, қурилма ва мосламалар;

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) ов қуроллари (кўкан, қопқон, тўрлар ва ҳ.к.).

Корхоналар мустақил равишда инвентарлар, асбоблар ва хўжалик жиҳозларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларни уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўрни ва ролига қараб очишлари мумкин. Уларнинг қиймати фойдаланишга берилган вақтда ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига тўлиқ қўшилиши мумкин. Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг сақланишини таъминлаш мақсадида кейинчалик уларнинг ҳисоби балансдан ташқари 014 “Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари” ҳисобварағида цех, омбор ва алоҳида фойдаланувчилар бўйича юритилади.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган ҳолларда уларни балансдан ташқари ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисобдан чиқариш далолатномасига асосан амалга оширилади.

1090 “Бошқа материаллар” ҳисобварағида юқорида келтирилган ҳисобварақларда назарда тутилмаган материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Бу ерда ишлаб чиқариш чиқиндилари (қирқимлар, қиринди ва ш.к.); тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотлар; асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган моддий қийматликлар (металлолом, яроқсиз хом ашё, эскирган шиналар, камералар, яроқсиз резина, ишлатилган мой, нигрол ва ҳ.к.) ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари уруғликлар, экиш материаллари, (сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқарилган) компостлар, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларига қарши курашда ишлатиладиган, биологик препаратлар, заҳарли кимёвий моддалар, дорилар ҳамда кимёвий моддаларни (ўсимликчиликда, чорвачиликда ва ёрдамчи хўжаликда) ҳисобга олиш ва бошқалар учун қўшимча ҳисобварақларни очишлари мумкин.

Материалларнинг келиб тушиши 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш” ва 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисобварақларидан фойдаланилган ҳолда (агар бу корхонанинг ҳисоб ҳисобварағида

белгиланган бўлса) ёки ушбу ҳисобварақлардан фойдаланилмаган ҳолда акс эттирилиши мумкин.

Материалларнинг ишлаб чиқаришга ёки бошқа хўжалик мақсадларига ҳақиқатда сарфланиши (1000) материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Материалларни четга сотиш (1000) материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредити ва 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг дебитида акс эттирилади.

Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1000)нинг аналитик ҳисоби сақланиш жойлари ва уларнинг алоҳида номлари (турлари, навлари, ҳажмлари ва бошқалар) бўйича юритилади.

Қуйида материалларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Мол етказиб берувчилардан материаллар олинди:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

2) Асосий воситаларни тугатиш натижасида келиб тушган материалларнинг қиймати:

Д 1090 “Бошқа материаллар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.

3) Таъсисчилардан уларнинг улуши ҳисобидан турли хил материалларнинг келиб тушиши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

4) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан материалларнинг келиб тушиши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

5) Бошқа шахслардан материалларнинг текинга олинishi:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

6) Материаллар кирим қилингандан кейин аниқланган яроқсизлик (дефект) бўйича мол етказиб берувчига билдирилган даъво:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

7) Транспорт-тайёрлов харажатларининг материаллар таннархига киритилиши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

- К 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”.
- 8) Яроқсиз маҳсулотдан қолган материалларнинг кирим қилиниши:  
Д 1090 “Бошқа материаллар”  
К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”.
- 9) Материалларнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши (1500 ҳисобварақ қўлланилганда):  
Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”  
К 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”.
- 10) Ўзида ишлаб чиқарилган материалларнинг кирим қилиниши:  
Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”  
К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.
- 11) Тўлови инкор этилган олдин билдирилган даъво суммасининг ҳисобдан чиқарилиши:  
Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”  
К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.
- 12) Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга материалларнинг чиқарилиши:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки  
Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки  
Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 13) Маъмурий эҳтиёжлар учун материалларнинг берилиши:  
Д 9420 “Маъмурий харажатлар”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 14) Яроқсиз маҳсулотни тузатиш учун материалларнинг сарфланиши:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 15) Маҳсулотларни сотиш учун идишларнинг сарфланиши:  
Д 9410 “Сотиш харажатлари”  
К 1060 “Идиш ва идишбоп материаллар”.
- 16) Четга чиқиб кетаётган материалларнинг қийматини ҳисобдан чиқариш:  
Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 17) Табiiй офат натижасида йўқотилган материалларнинг ҳисобдан чиқарилиши:  
Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 18) Инвентаризация натижасида материалларнинг камомади аниқланди:  
Д 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 19) Тоғ-кон тайёргарлик ишларида фойдаланилган қурилиш

материалларининг ҳисобдан чиқарилиши:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 1050 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

Агар корхона асосий фаолиятдан ташқари чорвачилик билан шуғулланса қўшимча ҳисобварақ 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” қўллашига тўғри келади. Корхонага тегишли ёш ҳайвонлар; боқувдаги, яйловдаги катта ёшдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; куёнлар; асалари оилалари; сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан); сотиш учун аҳолидан қабул қилинган қорамолларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”;

1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар”.

Юқорида кўрсатилган ҳайвонларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш харажатлари 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” (агар чорвачилик асосий фаолият тури бўлса) ёки 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Асосий подадан яроқсиз қилинган ҳайвонлар 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар” ҳисобварағига, 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг кредитидан (маҳсулдор ҳайвонлар - бошланғич қийматда; ишчи ҳайвонлар - яроқсизга чиқариш натижасида олинган ҳақиқий миқдорида) ҳисобга олинади.

Насл сифатида олинган ёш ҳайвонлар 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ҳисобварағининг дебетига ва насл берадиган ҳайвонларни сақлаш харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақнинг кредитидан кирим қилинади.

Ёш йирик шохли қорамоллар ва боқувдаги (яйловдаги) ҳайвонларнинг ортган вазнининг қиймати, шунингдек ёш ҳайвонлар (тойлар ва бошқалар)нинг ўсиш қиймати ҳар ойда 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ва 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар” ҳисобварақларининг дебетига парваришlash режа таннархи бўйича ушбу ҳайвонларни парваришlash харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитидан олиб борилади. Йил охирида кўрсатилган ҳисобварақлар бўйича йил давомида парваришlash режа таннархи бўйича ҳисобга олинган ҳайвонларнинг қўшилган вазни ёки ўсиш қийматини, парваришlashнинг ҳақиқий таннархигача тўғриlash ёзувлари амалга оширилади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ҳисобварағидан 0840 “Асосий подани ташкил этиш” ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Бир вақтнинг ўзида ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилишида 0170 “Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар” ҳисобварағи дебетланади ва 0840 “Асосий подани ташкил қилиш” ҳисобварағи кредитланади. Қиймати 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ҳисобварағида юритиладиган ҳайвонларнинг четга чиқиб кетиши, шу

жумладан, асосий подадан яроксиз қилинган ҳайвонларни тайёрлаш корхоналарига топширилиши 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”, 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар” ҳисобварақларининг кредити ва 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу ҳайвонлар учун сотиб олувчидан корхонага тегишли суммага 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ҳисобварағининг кредити билан 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг дебети билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Нобуд бўлган ва ноиложликдан сўйилган (эпизоотия ёки табиий офатдан нобуд бўлганларидан ташқари) ҳайвонларнинг қиймати моддий қийматликларнинг бузилиши сифатида 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ва 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар” ҳисобварақларининг кредити ва 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади. Нобуд бўлган ва ноиложликдан сўйилган ҳайвонлардан олинган терилар, шохлар, туёқлар, техник ёғлар ва шу кабилар фойдаланиш ёки сотиш мумкин бўлган нархлар бўйича баҳоланиб, қўшимча маҳсулот сифатида ҳайвонларни парваришlash харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитидан кирим қилинади. Эпизоотия ёки табиий офатдан нобуд бўлган ёки сўйилган ҳайвонларнинг қиймати 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ва 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар” ҳисобварақларининг кредитидан бевосита 9720 “Фавкуллодаги зарарлар” ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

“Ўстиришдаги ҳайвонлар” ва 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоблар ҳайвонларни ўстириш ва боқиш харажатларини ҳисобга олиш учун белгиланган ҳайвонларни сақлаш жойлари, турлари, ёшларининг гуруҳлари ва бошқалар бўйича юритилади.

Қуйида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Бошқа шахслардан ва аҳолидан харид қилинган ҳайвонлар кирим қилинди:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ёки

Д 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

2) Бошқа шахслардан ва аҳолидан харид қилинган ҳайвонлар кирим қилинди (1500-ҳисобварақдан фойдаланилганда):

Д 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш” ёки

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

3) Ҳайвонларнинг ортган вазни ва ўсишининг кирим қилиниши:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ёки

Д 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

4) Мол етказиб берувчилардан харид қилинган ёш ҳайвонлар кирим

қилинди:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

5) Ундирилмайдиган даъволар суммасининг ҳисобдан чиқарилиши:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ёки

Д 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар”

К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

6) Ҳайвонларни етказиб келиш бўйича ҳисобдор шахсларнинг харажатлари:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ёки

Д 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз”

7) Таъсисчилардан улуш сифатида олинган ёш ҳайвонларнинг кирим қилиниши:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”

8) Йирик шохли қорамол наслларининг кирим қилиниши:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

9) Ишчи отлар наслларининг (тойчоқлар) кирим қилиниши:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

10) Бошқа шахслардан текинга келиб тушган ёш ҳайвонларнинг кирим қилиниши:

Д 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

11) Ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилиши:

Д 0840 “Асосий подани ташкил қилиш”

К 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”.

12) Инвентаризация натижасида аниқланган четга сотилган ва берилган ёш ҳайвонлар:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ёки

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”.

13) Ёш ҳайвонларнинг шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига берилиши:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар”.

14) Эпизоотия натижасида нобуд бўлган ёш ҳайвонларнинг ҳисобдан чиқарилиши:

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

#### **6.4. Товар-моддий қийматликларни инвентаризация қилиш ва натижаларини расмийлаштириш тартиби**

Инвентарлашнинг асосий мақсадлари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текширишдир.

Жойлашган ери ва барча турдаги молиявий мажбуриятларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектнинг барча мол-мулки инвентарланиши керак.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш заҳиралари ва хўжалик юритувчи субъектга қарашли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сақланишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бошқа турдаги мол-мулклар, шунингдек, бирор-бир сабабга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулк инвентарланиши керак.

Мол-мулкни инвентарлаш унинг жойлашган ери ва моддий жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Товар-моддий заҳираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг сотиш соф қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сақланишини назорат қилиш мақсадида корхоналар томонидан вақти-вақти билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий заҳираларни инвентарлаш ўтказилади.

Товар-моддий заҳираларни инвентарлаш ЎзР 19-сон БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” билан белгиланган тартибда ўтказилади.

Инвентарлаш чоғида аниқланган ортиқча товар-моддий заҳираларнинг қийматини кирим қилиш бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади. Камомади инвентарлаш вақтида аниқланган етишмайдиган товар-моддий заҳираларнинг баланс қиймати айбдор шахслар аниқланишига қадар камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишларни ҳисобга олиш ҳисобварағида акс эттирилади.

Инвентарлаш натижасида аниқланган товар-моддий заҳиралар камомади суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда табиий йўқолиш меъёрлари чегарасида, шунингдек камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда, уни молия-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган ҳолда инвентарлаш натижасида аниқланган товар-моддий заҳиралар камомади суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади.

ТМЗ қуйидаги ҳолларда инвентарлашдан ўтказилиши шарт:

- йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, инвентарлаш ҳисобот

йилининг 1 октябридан кечиктирмай ўтказиладиган мол-мулкдан ташқари.

Айрим жойлар ва мавсумий тусда ишлайдиган корхоналарда ишлаб чиқариш заҳиралари улар энг кам миқдорда қолганда қуйидаги ҳолларда инвентарланади:

- асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганда;
- моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш - топшириш кунида);
- ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, бойликларни ишдан чиқариш фактлари аниқланганда;
- табиий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайритабиий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;
- хўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Умумий (жамоавий) моддий жавобгарлик шароитида инвентарлаш жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортиқ аъзолари чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан ўтказилади.

**Инвентаризация ўтказишнинг асосий қоидалари.** Ҳисобот йилидаги инвентарлашлар миқдори, уларни ўтказиш санаси, мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар рўйхати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан белгиланади.

Инвентарлашни ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъектлар таркибида:

хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);

бош ҳисобчи;

бошқа мутахассислар (муҳандислар, иқтисодчилар, техниклар ва ҳоказолар) бўлган доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссиялари тузилади.

Инвентарлаш комиссияси таркибига хўжалик юритувчи субъектнинг ички аудит вакиллари киритилиши мумкин.

Ишлар ҳажми катта бўлганда мол-мулк ва молиявий мажбуриятларни инвентарлашни бир вақтда ўтказиш учун таркибида:

инвентарлашни тайинлаган хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг вакили (комиссия раиси);

мутахассислар: товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтерия ходими ва бошқалар бўлган ишчи инвентарлаш комиссиялари тузилади.

Комиссия таркибига инвентарланаётган бойликлар, нархлар ва бирламчи ҳисобни яхши биладиган тажрибали ходимлар киритилиши керак.

Биргина моддий жавобгар шахсларда худди шу ходимни кетма-кет икки марта ишчи инвентарлаш комиссиясининг раиси қилиб тайинлаш таъқиқланади.

Доимий ишлайдиган ва ишчи инвентарлаш комиссияларининг шахсий

таркибини буйруқ, қарор, фармойиш асосида хўжалик юритувчи субъект раҳбари тасдиқлайди.

Инвентарлашни ўтказиш чоғида комиссиянинг ақалли битта аъзоси йўқ бўлса, бу ҳол инвентарлаш натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссиялари:

- бойликлар сақланишини таъминлашга доир профилактика ишларини ўтказиш, зарурат бўлганда ўз мажлисларида бойликларнинг сақланиши масалалари бўйича цех, бўлим, шуъбалар раҳбарларининг ахборотларини тинглайди;

- инвентарлаш ўтказилишини ташкил этади ва ишчи инвентарлаш комиссиялари аъзоларига йўл-йўриқ беради;

- инвентарлаш тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текширувларни амалга оширади, шунингдек, инвентарлашлар орасидаги даврда сақлаш ва қайта ишлаш жойларида товар-моддий бойликларни танлаб инвентарлашдан ўтказиш;

- инвентарлаш натижалари тўғри чиқарилганини, базалар, омборлар, омборхоналар, цехлар, қурилиш участкалари ва бошқа сақлаш жойларида бойликларни қайта навларга ажратиш бўйича таклифлар асосли эканлигини текширади;

зарур ҳолларда (инвентарлашни ўтказиш қоидалари жиддий бузилганлиги аниқланган ва бошқа ҳолларда) хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг топшириғига биноан такрорий ялпи инвентарлашларни ўтказиш;

- бойликлар камомати ёки уларни шикастлашга, шунингдек, бошқа бузилишларга йўл қўйган шахслардан олинган тушунтиришларни кўриб чиқади ва аниқланган камоматлар ҳамда бойликларни шикастлашдан кўрилган талафотларни бир изга солиш тартиби тўғрисида таклиф берадилар.

Ишчи инвентарлаш комиссиялари:

- сақлаш ва ишлаб чиқариш жойларида бойликлар ва пул маблағларини инвентарлашни амалга оширади;

- хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси билан биргаликда инвентарлаш натижаларини аниқлашда иштирок этади ва камоматлар ҳамда қайта навларга ажратиш чоғидаги ортиқча чиқишларни ҳисобга олиш ҳамда табиий йўқолиш меъёрлари доирасида камоматларни ҳисобдан ўчириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- товар-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва беришни тартибга солиш, ҳисобга олишни яхшилаш ва улар сақланишини назорат қилишни тартибга солиш масалалари, шунингдек, меъёрдан ортиқча ва ишлатилмайдиган моддий бойликларни сотиш бўйича таклифлар киритади;

- қуйидаги ҳолларда:

- а) хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғига мувофиқ инвентарлашни ўз вақтида ўтказиш ва уни ўтказиш тартибига риоя қилиш учун;

б) ҳисоб-китобларда текширилаётган асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва воситаларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга тўлиқ ва аниқ қайд этилиши учун;

в) товар-моддий бойликларнинг улар нархи белгиланадиган фарқловчи белгилари (тури, нави, русуми, ҳажми, прејскурант бўйича тартиб рақами, артикули ва ҳ.к.) рўйхатда тўғри кўрсатилиши учун;

г) белгиланган тартибга мувофиқ инвентарлаш материаллари тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши учун жавоб беради.

Инвентарлаш комиссиялари аъзолари товарлар, материаллар ва бошқа бойликлар камомати ва ишлатиб юборгани ёки ортиқча чиққанини яшириш мақсадида рўйхатга бойликларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисида атайлаб нотўғри маълумотларни киритганлик учун белгиланган тартибга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Мол-мулкнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини текширишни бошлашдан олдин инвентарлаш комиссияси инвентарлаш пайтидаги энг сўнгги кирим-чиқим ҳужжатларини ёки моддий воситалар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни олиши керак.

Инвентарлаш комиссиясининг раиси ҳисоботларга илова қилинган барча кирим-чиқим ҳужжатларига “инвентарлашгача ...да (сана)” деб кўрсатган ҳолда виза қўяди, бу эса бухгалтерияга ҳисоб маълумотлари бўйича инвентарлашни бошлаш пайтида мол-мулк қолдиқларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Моддий жавобгар шахслар инвентарлаш бошланишига қадар мол-мулкка доир барча кирим-чиқим ҳужжатлари бухгалтерия ёки комиссияга топширилгани ва улар жавобгарлигига келиб тушган барча бойликлар кирим қилингани, чиқиб кетганлари эса чиқимга ҳисобдан ўчирилгани тўғрисида тилхат берадилар. Мол-мулкни сотиб олишга ҳисобот бериладиган суммалари ёки уни олиш учун ишончномалари бўлган шахслар ҳам шундай тилхат берадилар.

Инвентарлашни ўтказиш олдидан ишчи инвентарлаш комиссиялари аъзоларига буйруқ, комиссия раисларига эса пломбир топширилади (инвентарлаш комиссияси ишлайдиган бутун иш вақтида пломбир комиссия раисида сақланади). Буйруқда инвентарлашни ўтказишга доир ишни бошлаш ва тугатиш муддатлари белгиланади.

Агар мол-мулкни инвентарлаш бир неча кун мобайнида ўтказилса, моддий бойликлар сақланаётган хона инвентарлаш комиссияси кетаётганида муҳрланиши керак. Инвентарлаш комиссиялари ишида танаффус бўлганда (тушлик вақти, тунда, бошқа сабабларга кўра) рўйхатлар инвентарлаш ўтказилаётган ёпиқ хонадаги яшиқда (жавон, сейфда) сақланиши шарт.

Буйруқларни бухгалтерия инвентарлашни ўтказиш тўғрисидаги буйруқлар бажарилишини назорат қилиш дафтарида рўйхатга олади (19-сон БҲМС 2-илова).

Товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширишга киришишдан олдин ишчи инвентарлаш комиссияси:

- ёрдамчи бинолар, ертўлалар ва бойликлар сақланадиган, алоҳида кириш-чиқиш эшиклари бўлган бошқа жойларни пломбалаши;

- оғирликни ўлчайдиган барча асбоблар созланганини текшириши ва уларни тамғалашнинг белгиланган муддатларига риоя қилиши шарт.

Тўсатдан ўтказиладиган инвентарлашларда барча товар-моддий бойликлар инвентарлаш комиссияси ҳозирлигида, қолган ҳолларда эса - олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бойликлар гуруҳларга бўлиниши, навларга ажратилиши ва улар миқдорини санаш учун қулай бўлган маълум тартибда номлари, навлари, ҳажмлари бўйича жойлаштирилиши керак.

ТМҚларни инвентарлаш уларнинг ҳар бир жойлашган ери ва ана шу бойликларни сақлаётган жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Ҳақиқатдаги қолдиқларни текшириш моддий жавобгар шахсларнинг (кассирлар, хўжалик, савдо корхонаси, омборхона, тайёрлов пункти ва ҳоказолар мудирлари) албатта иштирок этиши билан амалга оширилади.

Инвентарлаш пайтида бойликларнинг мавжудлиги албатта санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан аниқланади.

Мол етказиб берувчининг очилмаган ўрамида сақланаётган материаллар ва товарлар бўйича ушбу бойликлар миқдори истисно тариқасида ҳужжатлар асосида, ушбу бойликлар бир қисмини албатта натурада (танлаб олиб) текшириш билан аниқланиши мумкин. Қопланмаган маҳсулотлар оғирлиги (ёки ҳажми)ни ўлчаш ва техник ҳисоб-китоблар асосида аниқлашга йўл қўйилади; ўлчаш далолатномалари ва ҳисоб-китоблар рўйхатга илова қилинади. Тарозида тортиладиган кўп миқдордаги товарлар инвентарланганда тарозида тортиш қайдномаларини ишчи инвентарлаш комиссиясининг аъзоларидан бири ва моддий жавобгар шахс юритади. Иш куни охирида (ёки тарозида тортиш тугагач) ана шу қайдномалар маълумотлари солиштирилади ва чиқарилган яқун инвентарлаш рўйхатига қайд этилади. Тарозида тортиш қайдномалари рўйхатга илова қилинади.

Инвентарланадиган бойликлар ва объектларнинг номлари ва уларнинг миқдори рўйхатларда номенклатура бўйича ва ҳисобда қабул қилинган ўлчов бирликларида кўрсатилади.

Рўйхатларга ишчи инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар имзо чекадилар. Рўйхат охирида моддий жавобгар шахслар комиссия бойликларни уларнинг ҳозирлигида текширганини, комиссия аъзоларига нисбатан ҳеч қандай даъволар йўқлиги ва рўйхатда саналган бойликлар масъулиятли сақлашга қабул қилинганини тасдиқлайдиган тилхатга имзо чекадилар.

Бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш пайтида моддий жавобгар шахслар ўзгарган тақдирда бойликларни қабул қилган шахс инвентарлаш рўйхатларига уларни олганлиги, топширган шахслар эса уларни топширганлиги хусусида имзо чекадилар.

Хўжаликка тегишли бўлмаган, бироқ унда жойлашган бойликларга алоҳида рўйхатлар тузилади.

Инвентарлаш пайтида инвентарлаш бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжат-

ларининг тасдиқланган намунавий шакллари қўлланилиши керак.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, парранда ва асалари оилалари, кўп йиллик ўсимликлар, кўчатзорлар инвентарланганда қишлоқ хўжалик корхоналари учун тасдиқланган рўйхат шакллари қўлланилади.

Инвентарлаш рўйхатлари механик воситаларда ёки қўлда тўлдирилиши мумкин.

Қўлда тузиладиган инвентарлаш рўйхатлари аниқ-равшан қилиб тўлдирилади. Ҳеч қандай ўчириш ва тузатиб ёзишларга йўл қўйилмайди.

Инвентарлаш рўйхатининг ҳар бир саҳифасида сўз билан товар-моддий бойликлар тартиб рақамлари сони ва ушбу саҳифада ёзилган барча бойликлар миқдорининг умумий якуни, бу бойликлар қандай ўлчов бирликларида кўрсатилганидан қатъи назар, кўрсатилади.

Рўйхатларнинг барча нусхаларида хатоларни тузатиш нотўғри ёзувлар устига чизиш ва чизилганлари устига тўғри ёзувларни қўйиш йўли билан амалга оширилиши керак. Тузатишлар таъкидланиши ва инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланиши керак.

Инвентарлаш рўйхатларида тўлдирилмаган сатрларни қолдиришга йўл қўйилмайди. Рўйхатларнинг охириги варақларида тўлдирилмаган сатрлар устига чизиб қўйилади.

Моддий жавобгар шахслар инвентарлашдан сўнг инвентарлаш рўйхатларида хатоларни аниқлаган тақдирда улар дарҳол (омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилгунига қадар) буни ишчи инвентарлаш комиссиясига маълум қилишлари шарт. Моддий жавобгар шахсларнинг камомад ёки ортиқча чиқиш товар-моддий бойликлар номидаги хато, ўтказиб юбориш, янглишиш ва ҳоказолар туфайли юз бергани хусусидаги тушунтиришлари омбор, омборхона, шуъба очилгунига қадар қабул қилинади. Ишчи инвентарлаш комиссияси кўрсатилган фактларни текширишни амалга оширади ва улар тасдиқланган тақдирда аниқланган хатоларни белгиланган тартибда тузатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари товар-моддий бойликларнинг тўғри ҳамда ўз вақтида ўтказилиши ва уларнинг кутилмаганда ўтказилишини таъминлаш учун жавобгардир. Улар бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини қисқа муддатларда тўлиқ ва аниқ текширишни таъминлайдиган шароитларни яратиб беришлари шарт.

Бош ҳисобчи тегишли бўлинмалар ва хизматлар раҳбарлари билан биргаликда инвентарлаш ўтказишнинг белгиланган қоидаларига риоя этилишини синчиклаб назорат қилишга мажбур.

Товар-моддий бойликларни инвентарлаш билан бир вақтда хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси тегишли барча ҳисобварақлар бўйича ёзувларни корреспонденцияланувчи ҳисобварақлар билан қиёслаган ҳолда текшириши керак. Масалан, товар-моддий бойликлар бўйича - барча келиб тушган бойликлар кирим қилинган-қилинмагани, чиқиб кетганлари эса ҳисобдан ўчирилгани ва унда акс эттирилгани ва ҳоказолар аниқланиши

зарур.

Инвентарлашни расмийлаштириш учун мол-мулк ва молиявий мажбуриятларни инвентарлаш бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари шакллари қўлланиши лозим. Хусусан, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар, парранда ва асалари оилалари, кўп йиллик ўсимликлар, кўчатзорлар инвентарланаётганда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалик корхоналари учун тасдиқланган шакллар қўлланилади.

Инвентарлаш тугаганидан сўнг инвентарлаш тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текширишлар ўтказилиши мумкин. Уларни инвентарлаш комиссиялари аъзолари ва моддий жавобгар шахслар иштирокида албатта инвентарлаш ўтказилган омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилишига қадар ўтказиш керак. Инвентарлашлар тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади (БҲМС 9-сон 3-илова) ва инвентарлаш тўғри ўтказилганлигини назорат тариқасида текширишларни ҳисобга олиш дафтарида рўйхатга олинади (БҲМС 9-сон 4-илова).

Товар-моддий бойликларни инвентарлаш, қоидага кўра, мазкур хонада бойликларнинг жойлашиш тартибида бажарилиши керак. Инвентарлаш вақтида бир турдаги товар-моддий бойликлардан бошқасига тартибсиз ўтишга йўл қўйиб бўлмайди.

Товар-моддий бойликлар турли алоҳида хоналарда битта моддий жавобгар шахсда сақланганда инвентарлаш сақлаш жойлари бўйича кетма-кетликда ўтказилади. Бойликлар текширилганидан кейин хона эшиги пломбланади ва комиссия ишлаш учун кейинги хонага ўтади.

Товар-моддий бойликлар инвентарлаш рўйхатига ҳар бир ном бўйича киритилади, бунда номенклатура рақами, тури, гуруҳи, артикули, нави ва миқдори кўрсатилади.

Ишчи инвентарлаш комиссияси раиси ёки унинг топшириғига кўра комиссия аъзолари омбор (омборхона) мудирини ва бошқа моддий жавобгар шахслар ҳозирлигида товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини уларни албатта санаш, тарозида тортиш ёки қайта ўлчаш йўли билан текширадilar. Рўйхатларга бойликлар қолдиғи ҳақидаги маълумотларни моддий жавобгар шахслар оғзидан ёки ҳақиқатда мавжудлигини текширмасдан туриб ҳисоб маълумотлари бўйича қайд этиш қатъиян таъқиқланади.

Инвентарлаш вақтида келиб тушадиган товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахслар томонидан инвентарлаш комиссияси аъзолари ҳозирлигида қабул қилинади ва инвентарлашдан сўнг реестр ёки товар ҳисоботи бўйича кирим қилинади. Ушбу товар-моддий бойликлар “Инвентарлаш пайтида келиб тушган товар-моддий бойликлар” номи билан алоҳида рўйхатга киритилади. Рўйхатда улар қачон, кимдан келиб тушгани, кирим ҳужжатининг санаси ва рақами, номи, миқдори, нархи ва суммаси кўрсатилади. Аини вақтда кирим ҳужжатида инвентарлаш комиссияси

раисининг имзоси билан ана шу бойликлар қайд этилган рўйхат санасига ҳавола қилган ҳолда “инвентарлашдан сўнг” белгиси қўйилади.

Инвентарлаш узоқ вақт ўтказилган тақдирда фавқулодда ҳолларда ва фақат хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош ҳисобчиининг ёзма рухсати билан инвентарлаш жараёнида товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахсларга инвентарлаш комиссияси аъзолари ҳозирлигида берилиши мумкин.

Ушбу бойликлар “Инвентарлаш пайтида берилган товар-моддий бойликлар” деб номланган алоҳида инвентарь рўйхатига киритилади. Бу ёзув инвентарлаш пайтида келиб тушган - товар-моддий бойликларга оид ҳужжатларга ўхшаб расмийлаштирилиши керак. Чиким ҳужжатларида инвентарлаш комиссияси раисининг имзоси билан белги қўйилади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ва масъулиятли сақланишда бўлган товар-моддий бойликлар ўзининг товар-моддий бойликлари билан бир вақтда инвентарланади. Ана шу бойликларга алоҳида инвентарлаш рўйхати тузилади, унда ушбу бойликларни масъулиятли сақлашга қабул қилингани тасдиқланадиган тегишли ҳужжатларга ҳавола берилади.

Йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан ҳақи муддатида тўланмаган, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар омборларида бўлган товар-моддий бойликларни инвентарлаш тегишли ҳисобварақларда кўрсатилган суммаларнинг асослилигини синчиклаб текширишни ўз ичига олади.

Ушбу товар-моддий бойликларни (йўлдаги, юклаб жўнатилган ва ҳоказо товарлар) ҳисобга олиш ҳисобварақларида тегишлича расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган суммаларгина қолиши мумкин: йўлда бўлганлари бўйича - мол етказиб берувчиларнинг тўлов талабномалари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар билан; юклаб жўнатилганлари бўйича - харидорлар тақдим этган ҳисобварақ-фактуралар нусхалари ва тўлов талабномалари нусхалари билан; тўлаш муддати ўтган ҳужжатлар бўйича эса - банк муассасасининг картотекаларида тўлов талабномалари мавжудлигини албатта тасдиқлаши билан; бошқа ташкилотларнинг омборларида жойлашганлари бўйича - инвентарлаш санасига яқин бўлган санага қайта расмийлаштирилган сақланган тилхатлар билан; битта шаҳардаги мол етказиб берувчиларнинг омборларида бўлганлари бўйича - инвентарлашни ўтказиш санасида қайта расмийлаштирилган сақланган тилхатлар билан.

Ана шу ҳисобварақлар (талабномалар) бошқа корреспонденцияланувчи ҳисобварақлар билан олдиндан солиштирилиши керак.

Масалан, “Юклаб жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлар” ҳисобварағи бўйича ушбу ҳисобварақда тўланиши негадир бошқа ҳисобварақларда (“Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ҳ.к.”) акс этирилган суммалар бор-йўқлигини аниқлаш керак бўлади.

Харидорлар ёки буюртмачиларнинг уларга юклаб жўнатилган

товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашида узоқ вақт кечикиш юз берганда ана шу кечикишнинг сабаблари аниқланади, улар инвентарлаш комиссиясининг баённомасида қайд этилади.

Келиб тушган товар-моддий бойликлар кирим қилинмаганлиги фактлари аниқланганда уларни олган шахсларнинг тушунтиришлари талаб қилиниши, суиистеъмоллик ҳолатида эса материаллар тергов органларига оширилиши керак.

Йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан муддатида тўланмаган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг омборларида бўлган товар-моддий бойликларга алоҳида-алоҳида инвентарлаш рўйхатлари (далолатномалар) тузилади.

Йўлда бўлган товар-моддий бойликларга доир рўйхатларда ҳар бир жўнатма бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилади: номи (ҳужжат бўйича), миқдори ва қиймати (ҳисоб маълумотларига биноан), юклаб жўнатиш санаси, шунингдек, ушбу бойликлар тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олинишига асос бўлган ҳужжатларнинг рўйхати ва рақамлари. Бунда белгиланган муддатда келиб тушмаган ҳамда ҳисобда йўлдаги материаллар ва товарлар сифатида қайд этилган юклар бўйича уларни қидириб топиш учун қандай чоралар кўрилганлигини текшириш зарур.

Юклаб жўнатилган ва харидорлар ҳақини муддатида тўламаган товар-моддий бойликларга доир рўйхатларда ҳар бир алоҳида жўнатма бўйича харидорнинг номи, товар-моддий бойликларнинг номи, юклаб жўнатиш санаси, ҳисобварақ-фактура ёзилган сана, ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва ҳисобварақ-фактурага доир сумма келтирилади.

Хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг омборларида сақланаётган товар-моддий бойликлар рўйхатларга ушбу бойликларни масъулиятли сақлашга топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида киритилади. Ушбу бойликларга доир рўйхатларда уларнинг номи, миқдори, нави, ҳақиқатдаги қиймати (ҳисоб ҳужжатлари бўйича), юкни сақлашга қабул қилиш санаси, сақлаш жойи, ҳужжатларнинг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

Ана шу бойликлар масъулиятли сақланишида бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан инвентарлаш рўйхатларининг нусхалари олинганда комиссия бойликларнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини (инвентарлаш рўйхатлари нусхаларининг маълумотлари асосида) ҳужжатларга биноан белгиланган миқдор билан таққослайди.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда қайта ишлашда бўлган товар-моддий бойликларга доир рўйхатларда қайта ишловчи корхонанинг номи, бойликлар номи, миқдори, ҳисоб маълумотлари бўйича ҳақиқатдаги қиймати, бойликларни қайта ишлашга бериш санаси, ҳужжатларнинг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

Фойдаланишда бўлган арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар улар жойлашган ер ва масъулиятли сақланишида бўлган шахслар бўйича инвентарланади.

Инвентарлаш ҳар бир буюмни кўздан кечириш йўли билан ўтказилади. Инвентарлаш рўйхатларига арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган номенклатурага мувофиқ номлари бўйича киритилади.

Шахсан фойдаланиш учун ходимларга берилган арзон баҳо ва тез эскирувчан буюмлар инвентарланганда гуруҳий инвентарлаш рўйхатларини тузишга йўл қўйилади, уларда ана шу буюмлар учун масъул бўлган, уларга шахсий варақчалар очилган шахслар кўрсатилиб, рўйхатларда тилхатга имзо чектирилади.

Рўйхатларда буюмларнинг дастлабки қиймати кўрсатилади.

Агар ушбу буюмларнинг эскириши уларнинг ҳақиқатдаги ҳолати бўйича ҳисобга олинса, изоҳда ишчи инвентарлаш комиссияси томонидан белгиланадиган ҳар бир буюм ёки эскириши бир хил ҳажмдаги гуруҳнинг эскириш фоизи кўрсатилади. Ушбу ҳолда эскириши турли даражада бўлган бир номдаги буюмлар рўйхатга алоҳида сатрлар билан ёзилади.

Ювиш ва тузатишга юборилган маҳсус кийим (коржома) ва сочиқ-дастурхонлар инвентарлаш рўйхатига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг қайднома-юкхатлари ёки квитанциялари асосида ёзилиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган ва ҳисобдан ўчирилмаган арзонбаҳо ва тез эскирувчан буюмларга ишчи инвентарлаш комиссияси томонидан белгиланган шаклда далолатномалар тузилиб, фойдаланиш вақти, яроқсиз бўлиш сабаблари, ушбу буюмлардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади.

Идиш рўйхатларга турлари, мақсадли вазифаси ва сифат ҳолатига (янги, ишлатилган, тузатишни тақозо этадиган ва ҳ.к.) биноан киритилади.

Текшириш олдидан бўш идиш (тара) турлари бўйича танланиши керак, яъни:

- ёғоч идишлар (яшиқлар, бочкалар);
- картон идишлар;
- металл идишлар (флягалар, барабанлар);
- тўқимачилик идишлари (қоплар).

Яроқсиз ҳолга келган идишларга ишчи инвентарлаш комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, сабаблари ва идиш учун масъул шахслар кўрсатилади.

Катта ёшли маҳсулдор ва иш ҳайвонлари инвентарлаш рўйхатларида қайд этилади, уларда: ҳайвоннинг рақами (бирка, тамғаси), ҳайвоннинг лақаби, туғилган йили, насли, семизлиги, ҳайвоннинг тирик вазни (оғирлиги) *(вазни (оғирлиги) кўрсатилмайдиган отлар, туялар, хачирлар, буғулардан ташқари)* ва дастлабки қиймати кўрсатилади.

Ҳайвоннинг насли уни бонитировкалаш маълумотлари асосида кўрсатилади.

Қорамол, иш ҳайвони, чўчқалар (урғочи чўчқа ва эркак чўчқалар), қўй ва бошқа ҳайвонларнинг алоҳида қимматли нусхалари (наслдор зотдор)

рўйхатларга якка тартибда киритилади. Гуруҳ тартибда ҳисобга олинадиган асосий поданинг бошқа ҳайвонлари рўйхатларга ёш ва жинс гуруҳлари бўйича киритилиб, ҳар бир гуруҳ бўйича туёқлар сони ва тирик вазни (оғирлиги) кўрсатилади.

Ёш қорамоллар, ёш наслдор отлар ва иш ҳайвонлари инвентарлаш рўйхатларига якка тартибда киритилиб, инвентарь рақамлари, лақаблари, жинси, насли ва ҳоказолар кўрсатилади.

Сўқимга боқиладиган ҳайвонлар, ёш чўчқалар, қўй ва эчкилар, парранда ҳамда гуруҳ тартибда ҳисобга олинадиган бошқа хил ҳайвонлар рўйхатларга ҳисоб регистрларида қабул қилинган номенклатурага кўра киритилиб, ҳар бир гуруҳ бўйича туёқлар сони ва тирик вазни (оғирлик) кўрсатилади.

Рўйхатлар ҳайвон турлари бўйича цехлар, фермалар, бўлимлар, бригадалар бўйича, ҳисоб гуруҳлари ва моддий жавобгар шахсларга ажратиб тузилади.

**Инвентарлаш бўйича солиштириш қайдномаларини тузиш.** Солиштириш қайдномалари инвентарлаш пайтида ҳисоб маълумотларида тафовутлар аниқланган бойликлар бўйича тузилади.

Солиштириш қайдномаларида инвентарлаш натижалари, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича кўрсаткичлар ва инвентарлаш рўйхатлари (далолатномалари) маълумотлари ўртасидаги тафовутлар акс эттирилади.

Ортиқча ва кам чиққан товар-моддий бойликларнинг қиймати солиштириш қайдномаларида уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги баҳосига мувофиқ келтирилади.

Инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш учун ягона регистрлар қўлланиши мумкин, уларда инвентарлаш рўйхатлари (далолатномалари) ва солиштириш қайдномаларининг кўрсаткичлари бирлаштирилади.

Корхонага тегишли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сақланишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бойликларга алоҳида солиштириш қайдномалари тузилади.

Солиштириш қайдномалари ҳисоблаш ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб, шунингдек, қўлда тузилиши мумкин.

**Инвентарлашдаги фарқларни тартибга солиш ва инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш тартиби.** Инвентарлаш ва бошқа текширишлар пайтида аниқланган бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фарқлари қуйидагича тартибга солинади:

- ортиқча чиққан моддий бойликлар кирим қилиниши ва тегишлича хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига қайд этилиши, кейинчалик ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар аниқланиши керак;

- белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг фармойишига кўра ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига камайтиришга ҳисобдан ўчирилади. Йўқолиш

меъёрлари ҳақиқатда камомад аниқланган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

Бунда белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши бойликлар камомоди қайта навларга ажратишдаги ортиқча мол билан ҳисобга олгач белгиланишига эътибор берилади. Агар белгиланган тартибда ўтказилган қайта навларга ажратиш бўйича ҳисобга олингандан кейин ҳам бойликлар камомоди мавжуд бўлса, табиий йўқолиш меъёрлари камомад аниқланган бойликлар номи бўйичагина қўлланиши мумкин.

Тасдиқланган меъёрлар бўлмаган тақдирда йўқолиш меъёрлардан ортиқча камомад сифатида қаралади;

- йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомоди, шунингдек, бойликлар бузилишидан кўрилган талафотлар айбдор шахсларга юкланади.

Суиистеъмолликлар оқибати бўлган камомад ва талафотлар аниқланганда тегишли материаллар камомад ва талафотлар аниқлангандан сўнг 5 кун давомида тергов органларига берилиши керак, аниқланган камомад ва талафотлар суммасига эса даъво тақдим этилади;

- бойликларнинг йўқолиш ва бойликлар бузилиши туфайли талафотлар меъёрларидан ортиқча камомоди, камомад ва бузилишларнинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ҳолларда, Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан чиқарилиши камайтиришга қайд этилиши мумкин.

Бунда бойликларнинг йўқолиш ва бойликлар бузилиши туфайли талафотлар меъёрларидан ортиқча камомадини ҳисобдан ўчиришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларда ана шундай камомад ва талафотларнинг олдини олиш бўйича қабул қилинган чоралар кўрсатилиши керак.

Бойликлар бузилиши факти тўғрисидаги хулосалар техник назорат бўлими ёки сифат бўйича тегишли инспекциялардан олинishi керак.

Табиий йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомоди ва бузилишини ҳисобдан ўчиришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларда тергов ёки суд органларининг айбдор шахслар йўқлигини тасдиқлайдиган ёки айбдор шахслардан зарар ундирилиши рад этилган қарорлари ёки техник назорат бўлими ёки тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлардан (сифат бўйича инспекциялар ва ҳоказолардан) олинган бойликлар бузилиши факти тўғрисида хулоса бўлиши керак.

Қайта навларга ажратиш натижасида ортиқча чиқиш ва камомадларнинг ўзаро ҳисобга олинishiга биргина текширилаётган давр учун, биргина текширилаётган шахсда, биргина номдаги товар-моддий бойликларга нисбатан ва ишончли шахс руҳсатига кўра айнан бир хил миқдорларда истисно тарзида йўл қўйилиши мумкин.

Йўл қўйилган қайта навларга ажратиш тўғрисида моддий жавобгар шахслар ишончли шахсга батафсил тушунтириш тақдим этадилар.

Моддий жавобгар шахслар айби бўлмаган ҳолда қайта навларга ажратишда ҳосил бўлган қийматдаги камомад фарқига инвентарлаш

баённомаларида бундай фарқ айбдор шахсларга киритилмаслиги хусусида муфассал тушунтириш берилиши керак.

Инвентарлаш натижалари инвентарлаш тугаган ойдаги ҳисоб ва ҳисоботда, йиллик инвентарлашда эса йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилиши керак.

Ҳисобот йилида ўтказилган инвентарлашлар натижалари маълумотлари инвентарлашда аниқланган натижалар қайдномасида (БҲМС 19- сон 5-илова) умумлаштирилади.

Инвентарлаш вақтида аниқланган бойликлар ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутларни тартибга солиш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқиш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарига тақдим этилади.

Раҳбар хулосаси бўйича инвентарлаш натижаларига бухгалтерия бўлимида қуйидаги ҳисобварақлар боғламаси ўтказадилар:

1) Агар инвентаризация натижасида материалларнинг йўқолишлар ва бузилишидан камомадлар аниқланса, камомад суммасига:

Д 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Агар айбдор шахс маълум бўлса, улардан ундирилиши лозим бўлган суммаларга:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарз”

К 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”.

3) Товар-моддий қийматликларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундириладиган суммалар:

а) иш ҳақи ҳисобидан

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарз”.

б) нақд пул ҳисобидан

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”

К 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарз”.

в) айнан ўша материаллар ҳисобидан

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарз”.

4) Агар айбдор шахс маълум бўлмаса ёки суд қарори билан ундан камомад суммасини ундириш мумкин бўлмаса, камомадлар зарарга олиб борилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”.

5) Қайта навларга ажратиш натижасида ортиқча чиқиш ва камомадларнинг ўзаро ҳисобга олинишига биргина текширилаётган давр учун, биргина текширилаётган шахсда, биргина номдаги товар-моддий бойликларга нисбатан ва ишончли шахс рухсатига кўра айнан бир хил

миқдорларда истисно тарзида йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолатда бухгалтерия ёзуви:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

б) Агар инвентаризация натижасида материалларнинг ортиқчилиги аниқланса, бу суммасига:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

## **6.5. Материалларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари**

Солиқ ҳисоби мақсадларида ҳақ эвазига сотиб олинган моддий-ишлаб чиқариш қиймати, ҚҚС ва акциз солиғидан ташқари, уларни сотиб олиш нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

ҚҚС қайтариладиган солиқларни назарда тутаяди ва материалларни сотиб олиш учун уни ҳисобга олиш ва чегириб ташлаш тартиби солиқ кодексининг Х-қисм нормалари билан белгиланади.

Материалларни сотиб олганда ташкилотга тақдим этилган ёки ЎЗР божхона ҳудудига олиб киришда тўланадиган ҚҚС суммаси чегирмаси амалга оширилади:

1) белгиланган материаллар ҳисобга қабул қилингандан сўнг;

2) тўғри расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлар (шу жумладан алоҳида сатрда солиқ суммаларини ажратган ҳолда ҳисобварақ-фактуралар мавжуд бўлганда);

3) сотиб олинган материаллар ишлаб чиқариш фаолиятини ёки солиқ солиш объекти деб тан олинган бошқа операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган бўлса.

Юқоридаги шартларга риоя қилинмаган тақдирда, бундай материалларни харид қилишда ташкилотга тақдим этилган ҚҚС суммалари чегириб ташланмайди ва бухгалтерия ҳисобида бошқача акс этирилади.

Хусусан, ҚҚС суммаси сотиб олинган материаллар нархини тасдиқловчи бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида (ҳисобварақлар, ҳисобварақ-фактуралар, юк хати, касса кирим ордерлари, бажарилган ишлар далолатномалари) ажратилмаган бўлса, ҳисоб-китоб ҳужжатларида (фармойишлар, талабнома-фармойишлар, чек реестрлари ва аккредитивдан маблағ олиш учун реестрлар) унинг ҳисоб-китоби амалга оширилмайди. Бундай ҳолларда олинган материаллар, шу жумладан, улар бўйича қабул қилинган ҚҚС суммалари, материаллар ҳисоби ҳисобварақлари бўйича бир бутун деб ҳисобланади ва кейинчалик ишлаб чиқариш харажатлари бўйича белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Солиқ қонунчилигида устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи учун олинган материаллар қиймати фойда солиғи ва ҚҚС бўйича солиққа тортилмайди, бу ташкилот даромади сифатида тан олиниши

керак. Бундай материаллар бўйича ҚҚС суммаси материаллар таннархида ҳисобга олинishi лозим.

Ташкилот томонидан текинга олинган материаллар бозор қийматида бошқа операцион даромад ҳисобланади ва даромад солиғига тортилади. Солиқ мақсадлари учун текинга олинган материаллар қиймати у аслида ташкилот томонидан қабул қилинган даврда тўлиқ бошқа операцион даромад ҳисобига олинади, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига олинadиган ҳисобварақларга ҳисобга чиқариладиган пайтда эмас.

Материалларни текинга ўтказишдан кўрилган зарар даромад солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

Бундан ташқари, материалларни текинга ўтказиш қўшимча қиймат солиғига тортилиб, текинга ўтказилган мол-мулкнинг бозор қийматидан ҳисоблаб чиқарилади. Бу ҳолда ҚҚС тўловчиси материалларни текинга ўтказадиган томон-ташкилотдир. Бундай ҳолда, ўтказиладиган томон ҳисобварақ-фактурани тузади ва сотиш китобида акс этирилади.

Активлар тугатилиши, шунингдек асосий воситаларни таъмирлаш натижасида олинган материаллар қиймати, бошқа операцион даромад ҳисобланади ва фойда солиғига тортилади. Келгусида ушбу олинган материаллар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда фойдаланса, уларнинг қиймати фойда солиғига тортиш учун моддий харажатлар таркибида ҳисобга олинishi мумкин. Юқоридаги материалларнинг қиймати моддий харажатларнинг таркибида, фақат бошқа операцион даромадга киритилган суммадан ҳисобланган фойда солиғи суммасига тенг миқдорда бўлиши мумкин.

Бартер шартномаси бўйича товарлар алмашинуви товарлар реализацияси деб тан олинади ва ҚҚСга тортилади.

Товар айирбошлаш операциялари бўйича товарлар сотилганда ҚҚС солиғи базаси акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда ва ҚҚСсиз бозор баҳолари асосида ҳисобланган ташкилот томонидан ўтказиладиган мол-мулкнинг қиймати сифатида аниқланади. Айти пайтда товар айирбошлаш операциялари натижасида олинган қийматлар бўйича ҚҚС суммаси корхона томонидан чегириб кўрсатиш мумкин.

Солиқ ҳисоби мақсадида маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажаришда, хизматлар кўрсатилаганда фойдаланиладиган хом-ашёларни ҳисобдан чиқаришда моддий харажатлар миқдорини аниқлашда солиққа тортиш мақсадларида материалларни баҳолашнинг куйидаги усулларидан бири қўлланилиши керак:

- заҳираларнинг бирлиги қийматида;
- ўртача харажат;
- биринчи қабул қилнган ва биринчи ҳисобдан чиқарилган қиймати (ФИФО).

Материалларни сотиш учун ҚҚС базаси ушбу материалларнинг бозор қиймати сифатида ҚҚС суммасини ўз ичига олмаган ҳолда аниқланади. Агар сотилган материаллар аввал тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олинган ҳолда

бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинган бўлса, солиқ солинадиган база сотиладиган материалларнинг ҚҚС суммаси билан сотилган материалларнинг бозор нархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

ЎзР Солиқ кодексининг 305-моддасига кўра материалларни сотиб олиш (яратиш) қиймати ва уларни сотиш билан боғлиқ харажатлар фойда солиғи мақсадлари учун ҳисобга олинади. Агар материалларни сотиб олиш (яратиш) нархи, уларни сотиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда, материалларни сотишдан тушган тушумдан ошиб кетса, бу қийматлар ўртасидаги фарқ корхонанинг зарари сифатида эътироф этилади ва фойдани солиғига таъсир этади.

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун бошқа ташкилотнинг устав капиталига материаллар ўтказиш, бу материаллар берувчи томонни солиқ ҳисобида кўрсатилган нархлар билан бериши керак. Қабул қилувчи тарафнинг солиқ ҳисобида ҳам материалларни шу ҳисобда қабул қилинади.

Инвентарлаш давомида аниқланган ортиқча материаллар қиймати бошқа операцион даромад деб қабул қилинади ва фойда солиғига тортилади. Аниқланган ортиқча материаллар бозор қийматида ҳисобга олинади. Бу материаллар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда фойдаланса, уларнинг қиймати фойда солиғига тортиш учун моддий харажатлар таркибида ҳисобга олинади. Инвентарлаш вақтида аниқланган материалларнинг қиймати моддий харажатларнинг таркибида, фақат бошқа операцион даромадга киритилган суммадан ҳисобланган фойда солиғи суммасига тенг бўлиши керак.

Материаллар камомади ва унинг табиий йўқотилиши нормалар доирасида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига, нормалардан ортиқчаси - жавобгарлар шахслар ҳисобига олинади. Фойда солиғи мақсадлари учун табиий йўқотишлар нормаларини қўллаши керак. Айбдор шахслардан материаллар камомадини қоплаш аниқланган санада бозор қиймати бўйича амалга оширилади.

## 6.6. Материалларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот

### № 1-мисол.

Маҳаллий компания материаллар етказиб бериш бўйича хорижий мол етказиб берувчи билан шартнома имзолади. Материалларнинг шартнома қиймати 10 000 АҚШ доллари. Валюта курси ЎзР МБ томонидан, материалларни кирим қилиш санасида, белгиланган сумма 9400 сўмни, тўлов санасида - 9500 сўмни ташкил этди. Материалларни қабул қилиш санаси давлат божхона декларациясини рамийлаштириш санага тўғри келади. Импорт материаллари бўйича божхона божи 5 %; божхона йиғими - 0,1%; ҚҚС суммаси - 15 %. Компания материалларни қабул қилиш ҳисобини 1510 ҳисобварағини қўллаш ёрдамида амалга оширади.

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақларнинг боғланиши
------------------------------	---------------	--------------------------------

		Дебет	Кредит
Импорт бўйича божхона божи суммаси акс эттирилади (10 000 x 9400 сўм x 5 %)	4 700 000	1510	6990
Импорт бўйича божхона йиғими суммаси акс эттирилади (10 000 x 9400 x 0,1 %)	94 000	1510	6990
Товарларни ЎзР худудига олиб киришда божхона органларига тўланадиган ҚҚС суммаси акс эттирилади ((10 000 x 9400 сўм + 4 700 000 сўм + 94 000 сўм) x 15 %)	14 819 100	4410	6990
Божхона қарзи учун тўланди (4 700 000 + 94 000 + 14 819 100)	19 613 100	6990	5110
ЎзР валютасига ЎзР МБнинг ҳисоб-китоб санасидаги курси бўйича импорт қилинган материалларнинг шартнома қиймати акс эттирилади (10000 x 9400)	94 000 000	1510	6010
Импорт материаллари балансида ҳақиқий сотиб олиш харажатлари суммасида қайд этилади (4 700 000 + 94 000 + 94 000 000)	98 794 000	1010	1510
Хорижий мол етказиб берувчига тўланган сумма акс эттирилади (10 000 x 9500)	95 000 000	6010	5210
Олинган импорт материаллари бўйича божхона органларига тўланадиган ҚҚС ҳисобга олинди	14 819 100	6410	4410
Хорижий мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоблар бўйича курс фарқи акс эттирилади	1 000 000	9620	6010

### № 2-мисол.

2019 феврал ойида компания асосий фаолият учун ёғоч сотиб олди. Мол етказиб берувчилар билан тузилган шартнома бўйича материаллар қиймати шартнома санасида ЎзР МБ томонидан тасдиқланган АҚШ доллари курсига эквивалент бўлган шартлий бирликларда аниқланди ва 20 000 долларни ташкил этди ва ҚҚС суммаси - 3000 АҚШ доллар. Материалларни қабул қилиш санасида МБ курси 1\$ = 9400 сўмни ташкил этди. Тўлов санасида - 9500 сўм.

Ёғочни сотиб олиш учун компания бошқа ташкилотдан мақсадли қисқа муддатли кредит олди, унда ёғочни омборга олишдан олдин ҳисобланган фоизлар 300 000 сўмни ташкил этди.

Ёғочни мол етказиб берувчидан харидор омборига етказиб бериш харажатлари 300 00 сўмни, ҚҚС суммаси - 45000 сўмни ташкил этди.

Ҳисоб сиёсатига кўра ташкилотда материаллар таннархини шакллантиришни 15 ва 16-ҳисобварақлар ёрдамида амалга оширилади. Сотиб олинган материалларнинг ҳисоб қиймати 180 000 000 сўмни ташкил этади.

Хўжалик операцияларига бухгалтерия ёзувлари тузинг.

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Ёғоч ЎзР МБ бўйича олинган санадаги курси бўйича қабул қилинди (20 000 долл. • 9400 сўм)	188 000 000	1510	6010
Олинган материаллар бўйича ҚҚС ҳисобга олинди (3000 долл. • 9400 сўм)	28 200 000	4410	6010
Материаллар ҳисобга олингунга қадар ҳисобланган кредит бўйича фоизлар ташкилотнинг бошқа молиявий харажатлар таркибига киритилди	300 000	9610	6920
Юк ташиш харажатлари материаллар таннархига киритилди	300 000	1510	6010
Транспорт хизматлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинди	45 000	4410	6010
Транспорт хизматлари учун ҳақ тўланди	345 000	6010	5110
ЎзРнинг тўлов кундаги курси бўйича ёғоч етказиб берувчига тўлов амалга оширилди((20 000 + 3000) • 9500)	218 500 000	6010	5110
Курс фарқи суммаси материаллар таннархига киритилди (20 000 • (9500 сўм/долл. – 9400 сўм/долл.))	2 000 000	1510	6010
ҚҚС суммаси курс фарқига ошди (3000 долл. x (9500 сўм/долл. – 9400 сўм/долл.))	300 000	4410	6010
Ҳисоб нархларида ёғоч ҳисобга қабул қилинади	180 000 000	1010	1510
Қабул қилинган материалларни ҳақиқий таннархи ва ҳисоб нархи ўртасидаги фарқ (ортиқча харажат) ҳисобга олинди (188 000 000 сўм + 300 000 сўм + 2 000 000 сўм – 180 000 000 сўм)	10 300 000	1610	1510
Қабул қилинган материаллар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинди (28 200 000 сўм + 45 000 сўм + 300 000 сўм)	28 545 000	6410	4410

### № 3-мисол.

Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб, феврал ойида ишлаб чиқариш учун ҳисобдан чиқарилган материаллар таннархини ва 2019 йил 1 мартдаги материаллар қолдигининг таннархини қуйидаги материалларни ҳисобдан чиқариш усуллари билан аниқланг (6.1-жадвал):

- “ўртача қиймат”;
- “ФИФО” усули;
- “ЛИФО” усули.

6.1-жадвал

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар харажати

№	Хўжалик операциясини мазмунинг	Материаллар миқдори, дона	Бир-бирлик материал қиймати, сўм.	Сумма, сўм
1	2019 йил 1 февралдаги қолдиқ	8 000	15 000	120 000 000
2	Февралда кирим бўлди, шундан:	58 000		823 100 000
	9 феврал	16 500	14 000	231 000 000
	15 феврал	14 500	17 000	246 500 000

	26 феврал	27 000	12 800	345 600 000
3	Жами материаллар	66 000	-	943 100 000
4	Февралда ишлаб чиқаришга харажат қилинди	47 800		
5	2019 йил 1 мартдаги қолдиқ	18 200		

#### Ечим

1. Ўртача қиймат бўйича материалларни ҳисобдан чиқариш:

Бир-бирлик материални ўртача қийматини аниқлаймиз:

$943\,100\,000 \text{ сўм} : 66\,000 \text{ дона} = 14\,289,39 \text{ сўм}$ .

2019 йил феврал ойида ишлаб чиқаришга харажат қилган материаллар қийматини аниқлаймиз:

$47\,800 \text{ дона} \cdot 14\,289,39 \text{ сўм} = 683\,032\,842 \text{ сўм}$ .

2019 йил 1 март ҳолатига материаллар қолдиқ қийматини аниқлаймиз:

$943\,100\,000 \text{ сўм} - 683\,032\,842 \text{ сўм} = 260\,067\,158 \text{ сўм}$ .

*Назорат рақамини текширамиз* **943 100 000 сўм** ( $683\,032\,842 \text{ сўм} + 260\,067\,158 \text{ сўм}$ ).

2. Материалларни ФИФО усулида ҳисобдан чиқариш:

2019 йил феврал ойида ишлаб чиқаришга харажат қилган материаллар қийматини аниқлаймиз:

$8\,000 \text{ дона} \cdot 15\,000 \text{ сўм} + 16\,500 \text{ дона} \cdot 14\,000 \text{ сўм} + 14\,500 \text{ дона} \cdot 17\,000 \text{ сўм} + 8\,800 \text{ дона} \cdot 12\,800 \text{ сўм} = 120\,000\,000 \text{ сўм} + 231\,000\,000 \text{ сўм} + 246\,500\,000 \text{ сўм} + 112\,640\,000 \text{ сўм} = 710\,140\,000 \text{ сўм}$ .

2019 йил 1 март ҳолатига материаллар қолдиқ қийматини аниқлаймиз:

$18\,200 \text{ дона} \cdot 12\,800 \text{ сўм} = 232\,960\,000 \text{ сўм}$ .

*Назорат рақамини текширамиз* **943 100 000 сўм** ( $710\,140\,000 \text{ сўм} + 232\,960\,000 \text{ сўм}$ ).

3. Материалларни ЛИФО усулида ҳисобдан чиқариш:

2019 йил феврал ойида ишлаб чиқаришга харажат қилган материаллар қийматини аниқлаймиз:

$27\,000 \text{ дона} \cdot 12\,800 \text{ сўм} + 14\,500 \text{ дона} \cdot 17\,000 \text{ сўм} + 6\,300 \text{ дона} \cdot 14\,000 \text{ сўм} = 345\,600\,000 \text{ сўм} + 246\,500\,000 \text{ сўм} + 88\,200\,000 \text{ сўм} = 680\,300\,000 \text{ сўм}$ .

2019 йил 1 март ҳолатига материаллар қолдиқ қийматини аниқлаймиз:

$10\,200 \text{ дона} \cdot 14\,000 \text{ сўм} + 8\,000 \text{ дона} \cdot 15\,000 \text{ сўм} = 142\,800\,000 \text{ сўм} + 120\,000\,000 \text{ сўм} = 262\,800\,000 \text{ сўм}$ .

*Назорат рақамини текширамиз* **943 100 000 сўм** ( $680\,300\,000 \text{ сўм} + 262\,800\,000 \text{ сўм}$ ).

#### № 4-мисол.

Ташкилот материаллар қийматини ҳисоб нархида акс эттиради. 2019 йил 1 феврал ҳолатига корхона омборидаги материаллар қолдиғи 30 000 000 сўмни, 1610 ҳисобварақнинг дебет томонидаги қолдиғи – 10 000 000 сўм.

Феврал ойида 70 000 000 сўм миқдорида ҳисоб нархларида материаллар қабул қилинди. Материалларнинг ҳақиқий қиймати 88 550 000 сўмни

ташкил этди, шу жумладан ҚҚС суммаси – 11 550 000 сўм. Феврал ойида асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар 25 000 000 сўмга, ёрдамчи ишлаб чиқаришга 15 000 000 сўм миқдорида ҳисоб нархларда ҳисобдан чиқарилди.

Материаллар қийматидаги оғишларни ҳисоб қилинг, оғишлар фоизини топинг ва ҳақиқий таннархда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материалларни ҳисобдан чиқаринг.

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
Материаллар сотиб олиш қиймати билан акс эттирилди (ҳисобварақ-фактура асосида) (88 550 000 – 11 550 000)	77 000 000	1510	6010
ҚҚС суммаси қайд этилди	11 550 000	4410	6010
Материаллар омборга ҳисоб нархи билан қабул қилинди	70 000 000	1010	1510
Материалларни ҳақиқий таннархи билан ҳисоб нархи ўртасидаги фарқ ҳисобга олинди	7 000 000	1610	1510
Асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар харажат қилинди	25 000 000	2010	1010
Ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар харажат қилинди	15 000 000	2310	1010
Асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди (25 000 000 • 17 %)	4 250 000	2010	1610
Ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди (15 000 000 • 17 %)	2 550 000	2310	1610

Материаллар қийматига оғишлар фоизини аниқлашнинг ҳисоб-китоби:

$$10\,000\,000 + 7\,000\,000$$

$$\text{Оғиш \%} = \frac{\quad}{30\,000\,000 + 70\,000\,000} * 100\% = 17\%$$

$$30\,000\,000 + 70\,000\,000$$

#### № 5-мисол

2019 йил 16 февралда компания харидорга ортикча материалларни 100 000 000 сўм қийматга сотди, ҚҚС суммаси 15 000 000 сўм. Сотилган материалларни ҳисоб қиймати 81 900 000 сўмни ташкил этди. Ҳисоб қийматидан оғишлар 2 180 000 сўмни ташкил этди. Материаллар етказиб берувчининг транспорт хизмати харажатлари 1 500 000 сўм, ҚҚС суммаси 225 000 сўмни ташкил этди.

Материалларни сотишдан олинган молиявий натижани аниқлангва бухгалтерия ёзувлари қилинг.

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма,	Ҳисобварақларнинг
------------------------------	--------	-------------------

	сўм	боғланиши	
		Дебет	Дебет
Материалларни сотишдан тушум ҳисобга олинди	100 000 000	4010	9220
Тушумдан ҚҚС ҳисобланди	15 000 000	4010	6410
Сотилган материалларни ҳисоб қиймати ҳисобдан чиқарилди	81 900 000	9220	1010
Материал ҳақиқий қиймати ва ҳисоб нархи ўртасидаги оғишларни муайян қисми ҳисобдан чиқарилди (ортиқча харажат)	2 180 000	9220	1610
Транспорт хизмати харажатлари ҳисобга олинди	1 500 000	9220	6010
Транспорт хизмати харажатлари бўйича ҚҚС суммаси	225 000	4410	6010
Материалларни ташиш харажатлари учун пул ўтказилди	1 725 000	6010	5110
Материалларни сотишдан молиявий натижа аниқланди (100 000 000 сўм – 81 900 000 сўм – 2 180 000 сўм – 1 500 000 сўм)	14 420 000	9220	9320
Сотилган материаллар учун тушум қабул қилинди	115 000 000	5110	4010

#### № 6-мисол.

Корхонада инвентаризация натижалари бўйича жами 118 200 000 сўмлик моддий захиралар камомати аниқланган.

Комиссия хулосаларига кўра:

1) 7 140 000 сўм миқдорида камомат табиий йўқотиш нормалари доирасида моддий йўқотишлар миқдорига мос келади;

2) 48 930 000 сўм миқдорида камомат табиий офатлар (сув тошқини) натижасида ҳосил бўлган);

3) 62 130 000 сўм миқдорида камомат омборхона мудирининг томонидан моддий захираларнинг ўғирланиши натижасида ҳосил бўлган. Мудир билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома имзоланган. Омбор мудирининг айбини тўлиқ тан олди. Корхонага етказилган зарар учун қарз ундириш камомат аниқланган санада 76 800 000 сўмни ташкил қилган бозор нархларида амалга оширилади.

Бухгалтерия ёзувларини киритинг.

Ечим

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақ-ларнинг боғланиши	
		Дебет	Дебет
Аниқланган моддий захиралар камомат суммаси ҳисобга олинди	118 200 000	5910	1010
Табиий йўқотиш нормалари доирасида камомат ҳисобдан чиқарилди	7 140 000	9430	5910
Фавқулодда ҳолатлар натижасида пайдо бўлган камомат суммаси ҳисобдан чиқарилди	48 930 000	9720	5910

Моддий жавобгар шахс туфайли пайдо бўлган камомад ҳисобдан чиқарилди	62 130 000	4730	5910
Моддий жавобгар шахсдан олинadиган камомад суммаси ва камомадни баланс қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилди (76 800 000 – 62 130 000) : 1,15	12 756 522	4730	6230
Моддий жавобгар шахсдан олинadиган камомад суммаси ва камомадни баланс қиймати ўртасидаги фарқдан ҚҚС суммаси ҳисобланди (12 756 522 x 15%)	1 913 478	4730	6410
Моддий жавобгар шахсдан камомад суммаси ундирилди	76 800 000	5010, 6710	4730
Камомадни ундириши баробарида фарқ суммаси бошқа операцион даромадлар таркибига киритилди (12 756 522 / 36 ой)	354 348	6230	9390
ҚҚС суммаси бюджетга ўтказилди	1 913 478	6410	5110

#### № 7-мисол.

Корхона материалларни 15 000 000 сўм, ҚҚС – 2 250 000 сўмга сотиб олди.

Материаллар бухгалтерия ҳисобига қабул қилингандан сўнг дархол бошқа ташкилотнинг устав капиталига ўтказилди. Мол етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҚҚС суммаси ўтказилган материаллар таннарихида ҳисобга олинди.

Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
		Дебет	Дебет
Сотиб олинган материаллар қиймати мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилди (ҚҚСдан ташқари)	15 000 000	1010	6010
МЕБ томонидан тақдим этилган ҚҚС суммаси акс эттирилди	2 250 000	4410	6010
МЕБ материалларга берган ҳисобварағи бўйича қарзи тўланди	17 250 000	6010	5110
Бошқа ташкилот устав капиталига ўтказилаётган материаллар қийматидаги ҚҚС суммаси материаллар суммасига қўшилди	2 250 000	1010	4410
Бошқа ташкилот устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи инвестиция шаклида ҳисобга олинди	17 250 000	0690	4610
Бошқа ташкилот устав капиталига ўтказилаётган материалларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди	17 250 000	4610	1010

#### Назорат саволлари:

1. Моддий-ишлаб чиқариш захираларига таъриф беринг?
2. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган материалларни баҳолаш усулларини айтиб беринг?

3. Моддий-ишлаб чиқариш захилари қийматида қандай харажатларни ҳисобга олиш мумкин?

4. Моддий захиралар қандай баҳолашда ҳисобга олиш мумкин ва у нимага боғлиқ?

5. Материалларнинг ҳақиқий таннари ва ҳисоб қиймати ўртасидаги фарқ қандай ҳисобланади?

6. Олинган моддий захиралар бухгалтерия ҳисоби мақсадларида ва фойда солиғи мақсадларида баҳолаш усулларида қандай фарқлар мавжуд?

7. Моддий захираларни сотиб олиш ва реализация этишда солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

8. Бошқа ташкилот уставига ҳисса шаклида келгусида ўтказиш учун мўлжаллаб сотиб олинган моддий захиралар бўйича ҚҚСни қоплаш механизми қандай?

9. Чет эл валютасига ташқи савдо шартномалари бўйича сотиб олинган моддий захиралар бўйича курс фарқлари қандай ҳисобга олинади?

## **7 БОБ. МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИ. ХОДИМЛАР БИЛАН БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ**

### **7.1. Асосий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси XIII бўлим.
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси V бўлим.
4. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎзРҚ-404 (Янги таҳрир).
5. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни.
6. “Фуқароларнинг жамғариб бориловчи пенсия таъминоти тўғрисида”ги ЎзР қонуни. 03.09.1993 г. № 938-XII.
7. “Меҳнат ҳақи, нафақа ва бошқа тўловлар ҳажмини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ЎзР Президентини фармони 2019 йил 21 май № ПФ-5723.
- 8 “Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби” ЎзР ВМ 1997 йил 11 мартдаги 133-сон Қарори.
9. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида” ЎзР ВМ 2006 йил 11 январдаги 4-сон Қарори;
10. “Табий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаши туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган кўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисида Низом”. ЎзР ВМ 2019 йил 18 октябрдаги 297-сон Қарори 1-илова.
11. “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. ЎзР ВМ 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон Қарори.
12. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат энгил автотранспортдан фойдаланишини тартибга солиш тўғрисида. ЎзР ВМ 1999 йил 02 апрелдаги 154-сон Қарори.
13. “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. ВМ 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон Қарорининг 1-Иловаси.
14. “Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш ТАРТИБИ”. ВМ 1997 йил 11 мартдаги 133-сон Қарорига 6-Илова. Мазкур Тартибга ЎзР ВМ 22.05.2018 й. 384-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

15. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2002 йил 08 майда № 1136).

16. Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қоладиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2018 йил 17 мартда № 2985).

17. “Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2005 йил 06 октябрда № 1515). Мазкур Низомга АВ 21.01.2019 й. 1515-1-сон билан рўйхатга олинган МВ, ДСҚ, МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

18. “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ” (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2015 йил 19 ноябрда № 2730).

19. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида Йўриқнома” ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2003 йил 29 августда № 1268).

20. “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.08.1998 й. № 475).

21. ЎзР 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.08.1998 й. № 474).

22. ЎзР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).

23. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297).

## **7.2. Меҳнат ва иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг меҳнат ҳақини тўлаш, ходимларнинг ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги функциялари корхоналарнинг зиммасига ўта бошлади ва улар эркин равишда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари тизими ва тўлов ҳажмларини уларнинг моддий натижаларига қараб белгилайдилар, чунки бозор иқтисодиёти шуни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини меҳнати натижаларига қараб моддий рағбатлантириш асосий ўринни эгаллайди. Аҳолининг асосий даромади меҳнат ҳақи, ходимлар меҳнати

пул билан ҳақ тўлаш ижтимоий истеъмол функцияларидан бериладиган пул (нафақа, степендия, турли ёрдам пуллари ва бошқалар), молия тизими орқали тушумлар, заёмлар ва лотерияларнинг ютуқлари ва ҳоказоларидан иборат. Иш ва хизматларга, масалан хўжалик аъзоларининг меҳнатига қараб ишбай меҳнат ҳақи ва вақтбай меҳнат ҳақи тўлаш жорий қилинган. Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритувчи субъектларда янги даромад манбаларини келтириб чиқарди, энди корхоналар акция ёки облигацияларни чиқариб дивиденд ва фоиз шаклида ўз ҳиссадорларига даромад улашишлари мумкин. Албатта бу кўринишда даромад олишнинг ўзига хос шароитлари бўлиб, унинг миқдори ҳар бир иш ишчига хизматининг умумий улушига кўшган ҳиссасига қараб ва охири оқибатда охирги молиявий натижага асосан тўлдирилади. Бозор иқтисодиётида меҳнат ҳақи, пенсия, степендия ва турли нафақаларни индексация қилиш ўта муҳимдир. Бу борада мамлакатимизда ижобий тадбирлар олиб бормоқда.

Меҳнат ҳақининг ошиши корхоналарда ходимлар кўламини кўпайтириш, харидорлар талабига жавоб бера оладиган, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларда мулк бутлигини пухтароқ сақлаш, ҳисоб кўрсаткичларини тўғри олиб боришни ҳар томонлама таъминлаш имкониятини беради. Бизга маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида кичик хусусийлаштириш амалга оширилди, унда савдо ва маиший корхоналар хусусийлаштирилди, давлат монополиясига чек қўйилди.

Корхоналари рақобат муҳитида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан корхоналардаги асосий кўрсаткичларини ижобий томонга буришга турткидир. Энди улар ходимларни жалб қилишда ҳам ўзаро рақобатлашадилар. Бундай рақобатда ғалаба қилиш учун эса улар ўз ходимларига уларнинг ишига муносиб меҳнат ҳақи белгилашлари керак бўлади. Меҳнат ҳақини ошириш учун эса улар молиявий натижаларнинг ижобийлигига эришишлари зарур. Бугунги кундаги хўжалик ҳисоби тамойили асосида фаолият юритилмоқдаки, бу эса ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирмаслик ва шу жумладан меҳнат ҳақи миқдорини оширмасликни талаб этади. Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш харажатларини муҳим қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қилинадиган харажатлар ташкил қилади. Бу эса бухгалтерия ҳисобида меҳнат ақи ҳисоблашни тўғри назорат қилиш меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини белгиланишини талаб қилади.

Ижтимоий барқарорликка эришишга энг муҳим омилларидан бири меҳнат унумдорлигини оширишдир. Ҳозирги вақтда халқимиз олдида турган мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсий турмушини барқарорлаштириш тадбирлари, яқин вақт ичида истеъмол бозоридаги тақчиликни бартараф қилиш борасидаги вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда меҳнат унумдорлигини ўстириш талаб этилади. Кейинги пайтларда тариф тизими ва меҳнатни мувофиқлаштириш, корхона жамоасига бериладиган мукофотларни уларнинг меҳнат ҳиссаларига қараб белгилаш борасида муҳим тадбирлар

амалга оширилмоқда. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тартиби ва миқдори ҳамда даромадларининг бошқа турлари корхона томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда корхоналар меҳнатга ҳақ тўлашни ходимларининг касби малакаси ва улар томонидан бажарилаётган ишларини мураккаблиги ва шароитига қараб табақалаш учун давлат тариф ставкалари бўйича меҳнат ҳақи, маошларидан (оклад) фойдаланишлари мумкин. 1991 йилдан бошлаб корхоналар ва ташкилотларга меҳнат ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш) фондларининг миқдорини белгилайдиган нормативлар юқоридан тасдиқланмайдиган бўлди. Меҳнатга ҳақ тўлаш, харажатларининг меъёрлаштирилган миқдори корхонанинг ўзи томонидан фойдадан солиқ солинмайдиган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун топширилади.

Корхона ходимларининг шахсий даромадини, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш маблағлари меҳнат таннархига киритиладиган тўловлар, ҳамда корхона ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳисобидан бериладиган тўловлардан иборат. Маҳсулот таннархига киритиладиган тўловлар таркибига ишбай меҳнат ҳақи, тариф ставкаси, лавозимлик маошлари (окладлар), рағбатлантириш ва товон (компенсация) тўловлари, ишчи ва хизматчиларни савдо фаолиятидаги солиқ кўрсаткичлари учун белгиланган мукаммалаш тартибларига қараб ҳисобланган меҳнат ҳақи ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тутилган ҳақларни тартибга солиш мақсадида солиқ белгиланган. Бунда истеъмол учун йўналтириладиган маблағлар деб корхонадаги барча ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари, пул тўловлари шу жумладан, бир йилдаги иш якунлари бўйича мукофотлар, моддий ёрдам, медицина ва ижтимоий имтиёзларни белгилашга тайёр суммалар ва белгилашдаги яқка тартибдаги хусусиятларга эга бўлган бошқа тўловлар (муаллифлик ҳуқуқига доир тўловлар) ҳамда ихтиролар, рационализаторлик таклифлар учун тўловлардан ташқари меҳнат жамоасининг акциялари ва корхона мулкига меҳнат жамосининг аъзоси қўшилган маблағлари бўйича тўланадиган даромадлар дивидентлар, фоизларга айланади. Солиққа тортиш объекти сифатида ва истеъмол учун йўналтириладиган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдоридан ортиқча суммаси қабул қилинган. Истеъмол учун йўналтирилган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдори ҳисобот йилининг жорий давридаги хўжалик ҳисоби даромадини шу маблағларнинг ўтган йилга тегишли давридаги хўжалик ҳисоби даромадидаги салмоғига кўпайтириш йўли билан топилади. Шундай йўл билан топилган даромадларга коэффицентлар ёрдамида тузатишлар киритиш хўжалик ҳисобидаги даромаднинг ўсишининг истеъмол учун йўналтирилган маблағларнинг ўсишига қараганда тезлаштирилишини таъминлайди. Истеъмол учун йўналтирилган маблағларни тартибга солиш учун қабул қилинадиган корхона хўжалигидаги даромади сотилган маҳсулот таннархи таркибидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари билан корхона ихтириёдаги қоладиган фоиз суммалари сифатида ҳисоблаб чиқилади. Ҳозирги вақтда

меҳнат ҳақини ташкил қилишни қайта қуришнинг муҳим хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- 1) ходимларнинг жуда кенг доирасига тегишлилиги;
- 2) биринчи марта меҳнат ҳақини ташкил қилинишининг барча қисмларини, яъни тариф тартиби, ҳақ тўлаш шакллари ва мукофотлар тартиби, меҳнати, мувофиқлаштириш кўшимча ҳақ тўлаш механизми меҳнатга ҳақ тўлаш фойдалари (меҳнат ҳақи фонди, моддий рағбатлантириш фонди, махсус ҳақ тўлаш фондлари)ни ҳосил қилиш ва фойдаланиш каби элементлар комплексини ўз ичига олади.

Айниқса, меҳнат жамоасининг роли оширилади, меҳнатнинг умумий натижасига ҳар бир хизматчи ҳиссасини баҳолаш, ҳамда унга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш миқдорини аниқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни очишдаги кўпчилик тўсиқлар бартараф қилинади.

Ставкалар ва маошларнинг ўсиши асосан меҳнат жамоаси томонидан ишлаб топилган маблағлар яратишни яхшилаш ҳисобига амалга оширилади. Меҳнат ва меҳнат ҳақига тегишли режа топшириқларини ҳисобга олиш ва назорат қилишда бухгалтерия ҳисоби муҳим роль ўйнайди, чунки уни ёрдамида корхонанинг барча бўғинларида меҳнат кўрсаткичлари бажарилиши ва унинг ўзгариши ҳақида иқтисодиётга асосланган ахборотлар яратилади. Меҳнат ресурсларидан тўғри ва унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини тобора ўстириш мақсадида ҳар бир корхона ва унинг айрим участкаларида ходимларнинг сони, иш вақтидан фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, сарфланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг жорий ҳисоби ташкил этилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти жонли меҳнатни истеъмол қилиш билан бирга юз беради, унинг миқдори ишлаган киши-соатлар билан ўлчанади. Меҳнат жараёнида ҳар бир ходимнинг бажарган иши, тайёрлаган маҳсулоти, истеъмолчига кўрсатган хизматлари учун сарфлаган меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини асослаш ҳамда аниқлашни талаб қиладиган ўзаро муносабатлар вужудга келади. Шу муносабат билан корхонанинг бухгалтерия ҳисоби олдида меҳнат меъёри ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш, назорат қилиш вазифалари ҳам белгиланадики, бу эса:

\* ишбай ишловчилар ва бошқа ходимларнинг иш сифатини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлар билан расмийлаштиришни, шунингдек иш ҳақини ҳисоблаш ва уни белгиланган муддатларда тўланишни;

\* ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаларини ва ижтимоий суғуртага ажратмаларини ишлаб чиқариш харажатларига киритиш учун харажатларнинг йўналишлар бўйича аниқ тақсимлашни;

\* меҳнат ҳақидан бюджет фойдасига мажбурий тўловларнинг, шунингдек корхонага етказилган моддий зарарни айрим ташкилотлар ва жисмоний шахслар фойдасига тўғри ҳамда ўз вақтида ушлаб қолиш ва уларни ўтказишни;

\* ходимлар сонини ва иш вақтидан фойдаланишни назорат қилишни таъминлаш керак.

Корхонада ходимлар аввалло икки гуруҳга ажратилади:

1) асосий фаолиятда банд бўлган ходимлар (саноат ишлаб чиқариш ходимлари);

2) асосий бўлмаган фаолиятда банд бўлган ходимлар.

Асосий ходимлар жумласига асосий ва ёрдамчи цехларнинг, завод лабораториялари ва бўлимларининг, тозалаш иншоатларининг, алоқа узелларининг, ахборот-ҳисоблаш марказларининг, барча турдаги кўриқлашнинг, завод бошқармаларининг ходимлари киради.

Асосий бўлмаган фаолият билан банд бўлган ходимларнинг уй-жой ва коммунал хўжалигига хизмат кўрсатиш, савдодаги, ёрдамчи қишлоқ хўжалиги корхоналари, тиббий муассалари ҳамда мактабгача тарбия муассалари, маданий муассаларида банд бўлган ходимлар ташкил этади.

Ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва корхона ишини яхшилашга бўлган моддий қизиқишларини янада ошириш мақсадида уларга тўланадиган меҳнат ҳақида корхоналар ишининг умумий якунини яхшилаш учун тўланадиган қисми (ҳиссасини) оширишга кенг йул очиб берилмоқда. Шунинг учун корхонадаги бухгалтерия ҳисобини энг муҳим вазифаларидан бири меҳнат ўлчови ва унга ҳақ тўлаш устидан назорат қилиб туришдир. Корхоналарда меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишлар ҳисобини юритишни вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Корхонанинг ўзи томонидан тасдиқланган режада белгиланган иш ва хизматчиларнинг сонига риоя қилиниши, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича, режаларининг бажарилиши бўйича, меҳнат интизоми, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиши устидан назорат қилиб туриш;

2. Ҳар бир ишчи – хизматчига тўланадиган меҳнат ҳақини ўз вақтида ҳисоблаш, уни маҳсулот таннархига тўғри тақсимлаш;

3. Корхонага ажратишган иш ҳақи фондидан тўғри фойдаланиш ва бунда ортиқча харажатларга йўл қўймаслик;

4. Ишчиларга махсус мақсадларга мўлжалланган вазифалар ҳисобидан бериладиган мукофотларни тўғри ва ўз вақтида тўлаш;

5. Ижтимоий суғурта ажратмалари ва ишчилардан ушлаб қолинадиган суммаларни тўғри аниқлаш;

6. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун ички ва ташқи омилларни ва имкониятларни аниқлаш;

7. Меҳнат ҳақи ва унинг юзасидан ҳисоблашишлар билан боғлиқ жараёнларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш;

8. Меҳнат ва унинг юзасидан ҳисоблашишлар билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри қайта ишлаш, ҳамда ҳисоб регистрларида тўғри бухгалтерия ўтказмалари орқали ўз вақтида акс эттириб бориш;

9. Меҳнат ҳақи ва меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишларни ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш;

10. Ходимлар билан бошқа жараёнлар юзасидан ҳисоблашишларни ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш ва уни назорат этиш.

11. Меҳнат ҳақи фонди юзасидан ижтимоий суғуртага тўловларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобланиши ва ўтказилишини назорат этиш.

Юқорида келтириб ўтилган меҳнат ҳақи ва унга ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоблашишлар ҳисобининг олдига қўйилган вазифаларга риоя этиш натижасида ишлаб чиқилган маҳсулот таннархини ўз вақтида ва тўғри аниқлаш ва шу билан бирга корхона молиявий натижаси кўрсаткичларини тўғри ҳисоблашни таъминлаш имконияти яратилади. Мана шулар корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби ва моҳиятининг асосий вазифаси ҳисобланади.

### **7.3. Ишга қабул қилишда ҳужжатларни расмийлаштириш**

Ходимни ишга қабул ва ҳужжатларни расмийлатириш ЎзР МКнинг V “Ишга жойлаштириш” ва VI “Меҳнат шартномаси” бобларида батафсил маълумотлар мавжуд. Умумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлоқ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди. Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали, шунингдек хусусий бандлик агентликларининг хизматлари воситасида иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

Давлат:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

- ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

- мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

- ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ олишда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

- бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар.

Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин кўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан қуйидагилар белгиланади:

- иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси);
- ходимнинг меҳнат вазифаси - мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим;
- ишнинг бошланиш куни;
- меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати;
- меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари.

Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Меҳнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида корхона муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.

Меҳнат шартномалари:

- номуайян муддатга;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;
- муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Муддатли меҳнат шартномалари:

- бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга

мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

- корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи билан, корхонада бош ҳисобчи лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи ходим билан;

- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юр்தларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун - улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Қуйидагилар ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланади:

- Меҳнат кодекси 6-моддасининг биринчи қисми талабларининг бузилиши;

- иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

- иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни - тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қилмаслик;

- мукаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантирилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари таъқиқланади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги

хужжатларни:

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа хужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;

- меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли хужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш таъқиқланади.

Агар ишга кираётган шахснинг پاسпорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжати ҳақиқий бўлмаса, уни ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин.

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий хужжатдир.

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади.

Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади.

Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса,

ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим.

Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш куни ҳақида шартлашилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси имзоланган иш кунининг (сменанинг) эртасидан кечикмай ишга тушмоғи лозим.

Меҳнат шартномаси қуйидаги мақсадда дастлабки синов шarti билан тузилиши мумкин:

- ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;

- ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

#### **7.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Корхонада ишни ташкил этиш инсон учун нормал меҳнат шароитларини ва шу билан бирга корхона даромадини оширувчи меҳнат тизимларини яратишга мўлжалланган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш (иш ҳақи) деганда ходим томонидан меҳнат вазифаларини бажарганлиги учун белгиланган ҳақ тушунилади.

Муайян ходимга ҳақ тўлаш унинг малакасига, бажарилган ишнинг мураккаблигига, сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига боғлиқ. 2020 йил 1 феврал ҳолатига 679 321 сўмни ташкил этган энг кам иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас, ва меҳнатга ҳақ тўлаш максимал чегараси чекланган эмас.

Меҳнат бўйича статистик ҳисобот тузиш учун банд бўлган ходимлар сони тўғрисидаги маълумотларни олиш учун ташкилот ходимларининг шахсий таркиби ҳисобга олинади. Ташкилотнинг барча ходимлари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлинади. Ишлаб чиқариш ходимларига корxonанинг одатдаги фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ асосий, ёрдамчи ва бошқа таркибий бўлинмалар ходимлари киради. Ноишлаб чиқариш ходимларига ноишлаб чиқариш соҳаси билан шуғулланувчи ташкилот ходимлари (тиббиёт ва болалар муассасалари, уй-жой ва коммунал хўжалиги, шуъба қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқалар киради.)

Бажарадиган вазифаларига қараб кадрлар тоифаларига бўлинади: ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар, хизматчилар.

Ходимлар бериладиган муддатга қараб, улар доимий (ишни бажариш муддатини кўрсатмасдан), вақтинчалик (икки ойдан ошмайдиган давр учун, шунингдек, йўқ одамни ўрнини алмаштирилганда – тўрт ойгача) ва мавсумий (табiiй ва иқлим шароитларига қараб, маълум бир даврда амалга оширилган ишлар бўйича, қоида тариқасида, олти ойдан ошмайдиган) бўлиши мумкин.

Корхона жамоа ёки меҳнат шартномасида мустақил равишда ҳақ тўлаш тизимини белгилайди. Масалан, ташкилотлар ҳақ тўлашнинг турли тизимларини қўллашлари мумкин: тарифли, тарифсиз, аралаш. Ҳақ тўлашнинг тўғри танланиши иш турининг ўзига, унинг шароитларига ва талаб қилинадиган малакаларга боғлиқ.

Корхонада ҳақ тўлашни ташкил этиш ҳар бир алоҳида ходимнинг бажаришига мувофиқ муносиб иш ҳақи белгилаш учун ходимларнинг касбий сифатларини адолатли баҳолаш мезонларини белгилаш чораларини ўз ичига олиши лозим.

Ҳақ тўлашни ташкил этиш учта ўзаро алоқадор ва ўзаро боғлиқ элементлар билан белгиланади:

- тариф тизими, меҳнат сифатини баҳолаш имконини беради;
- меҳнатни режалаштириш, сарфланган меҳнат миқдорини ҳисобга олади;
- меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, иш ҳақини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Меҳнатни режалаштириш вақт бирлиги (соат, смена, ой)га маҳсулот бирлиги (дона, метр, тонна) ишлаб чиқариш ёки маълум ташкилий-техник

шароитларда маълум миқдордаги ишни бажариш учун меҳнат харажатлари ўлчовини ташкил этишни кўзда тутаяди. Ходимлар учун техника, технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасига мувофиқ меҳнат меъёрлари (ишлаб чиқариш, вақт, хизмат, одамлар сони нормалари) белгиланади.

Ташкилот ходимларининг иш ҳақи асосий ва қўшимча бўлинади.

1) асосий иш ҳақи ташкилотнинг ходимларига ишлаган ҳақиқий вақт учун, вақтбай, ишбай ва прогрессив иш ҳақлари бўйича бажарилган ишларнинг миқдори ва сифати учун ҳисобланган барча иш ҳақини ўз ичига олади. Унинг таркибига киради:

- тариф ставкалари, маош, ишбай нархлари бўйича тўлов, меҳнат шароитларининг ўзгариши муносабати қўшимча ҳақ тўлаш;

- режани бажариш ва ортиқча бажариш, белгиланган сифат кўрсаткичларига эришиш, яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишларни камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, узилишларни (простоев) камайтириш, ёқилғи, электр энергияси, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, материалларни тежаш, авариясиз иш ва бошқалар учун тасдиқланган мукофотлар тизими тартиби бўйича тўланадиган мукофотлар;

- иш вақтидан ташқари иш учун қўшимча ҳақ, дам олиш куни иш учун қўшимча ҳақ, қийин меҳнат шароитлари учун устама (зарарли, оғир, хавфли ва бошқалар);

- мутахассислиги (класность) учун устама ҳақ, тунги вақтдаги ишлаш учун қўшимча тўлов;

- чекка ҳудудларда ишлаш учун иш ҳақи қўшимчаси ва бошқалар.

2) қўшимча иш ҳақи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишламаган вақт учун тўланадиган иш ҳақи, яъни навбатдаги ва қўшимча таътил учун тўлаш; ўсмирларни имтиёзли соати учун тўлаш; фойдаланилмаган дам олиш учун компенсация; ишдан бўшагани учун ёрдампули; эмизакли оналарга танафуслар учун тўлаш; давлат ва жамоат вазифаларини бажариш ва ҳарбий йиғимлар учун иш вақтига тўлов ва ҳоказо.

Иш ҳақининг асосий ва қўшимчага бўлиниши муқаррар равишда уларнинг нисбати масаласини келтириб чиқаради. Ўз номини оқлаш учун асосий иш ҳақи 50% дан ортиқ ва қўшимча иш ҳақи — мос равишда 50% дан кам бўлиши керак.

Ташкилот ходимлари ўртасида уларнинг иш миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланадиган нақд пул ва натура пул маблағларининг умумий миқдори иш ҳақи фондидир. Шундай қилиб, иш ҳақи фондига молиялаштириш, рағбатлантириш ва компенсация тўловлар манбаидан қатъий назар ташкилот томонидан ҳисобланган барча иш ҳақи миқдорлари ҳамда иш ҳақининг 12 марта ошмаслиги лозим бўлган натура шаклидаги маҳсулотлар қиймати киради.

Иш ҳақи фонди корхонанинг нормал ишлаши учун оқилона ва етарли бўлиши керак. Иш ҳақи фондининг ортиқчаси ишлаб чиқариш харажатларига тушади, фойдани камайтиради, рентабелликни пасайтиради. Шу билан бирга,

айниқса, инфляция даврида маблағларнинг етишмаслиги иш ҳақининг нисбатан пасайишига олиб келади ва ходимлар кўноқсизлиги (текучесть), жамоанинг беқарорлиги ва ҳатто ижтимоий можароларга, иш ташлашларга қадар олиб келиши мумкин. Ушбу фонднинг ҳисоби меъёрий ҳужжатларга асосан ташкил қилинади.

### **Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари**

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизими.** ЎзР меҳнат кодекси (IX боб) амалиётда энг кўп қўлланиладиган ҳақ тўлаш тариф тизимларини, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимини тартибга солади. Тариф тизими - ходимларнинг турли гуруҳлари ва малакаларига қараб иш ҳақи даражасини тартибга солувчи нормативлар мажмуи: бажарилган ишнинг мураккаблиги; меҳнат шароитлари, характери ва интенсивлиги; ходимларнинг малакаси; ишни бажариш шароитлари (шу жумладан табиий-иқлим); ишлаб чиқариш тури.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- тариф-малака маълумотномалари;
- тариф шкаласи;
- тариф ставкаси;
- тариф коэффициентлари;
- нормал меҳнат шароитларидан оғиш бўйича ишлаш учун устамалар.

Тариф-малака маълумотномалари бажарувчининг малакасига қўйиладиган талаблар кўрсатилган ҳолда асосий иш турларининг батафсил хусусиятлари келтирилган ва алоҳида ишлаб чиқаришлар учун ишлаб чиқилган. Муайян ишни бажаришда талаб этиладиган малака мураккаблик, аниқлик даражасига қараб разряд бўйича ўзгаради. Ишчининг малакаси у ёки бу ишни бажариш учун эгаллаши лозим бўлган белгилар мажмуи билан белгиланади: билим, қобилият, кўникма.

Тариф-малака маълумотномалари асосида ишчига тариф разряди берилади. Малакаси юқори бўлган сари разряди ҳам ошиб боради, разряд ошган сари, бошқа тенг шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда, иш ҳақи ҳам ошади.

Тариф шкаласи - биринчи, энг паст категориядан бошлаб соатбай ёки кунлик тариф ставкаларига эга жадвал. Улар бажарилган иш ва малакаларнинг мураккаблигига қараб меҳнат категориялари ва ишчилар ўртасидаги ҳақ тўлашдаги муносабатларни ўрнатишга хизмат қилади. Ҳозирги кунда олти рақамли тариф шкаласи ишлатилиб, унда биринчи тоифа энг паст иш ҳақига, олтинчиси эса - энг юқори иш ҳақига тўғри келади. Ҳар бир шкалада ишбай ва вақтбай иш тўлаш учун тариф ставкалари беради.

Тариф ставкаси - вақт бирлигига ишлаб чиқарилган маълум бир мураккабликдаги иш учун тўлов миқдори (соат, кун, ой - бу аниқ иш турига боғлиқ, чунки якуний натижани бир соат ёки бир кунда баҳолаш ҳар доим ҳам мумкин эмас). У ҳар доим пул шаклида ифодаланади ва разряд ошган сари иш ҳақининг ҳажми ортиб боради.

Ҳар қандай юқори тоифали ва биринчи разряд тўлов нисбати тариф коэффициентлари ҳисобланади. Ҳар қандай тоифадаги тариф ставкаси - бу биринчи тоифадаги тариф ставкаси шу шкаладаги коэффициентларига кўпайтириладиган ставкадир. Биринчи ва охири рақамларнинг тариф коэффициентлари нисбати тариф категининг оралиғи деб аталади.

1 тоифали тариф ставкаси энг кам малакага эга бўлган ишчининг вақт бирлиги учун ҳақ миқдорини белгилайди. 1 рақамли тариф коэффициентлари бирга тенг. 1 тоифадаги тариф ойлик ставкасининг ҳажми қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан паст бўлиши мумкин эмас. 2-категориядан бошлаб тариф коэффициентлари ошади ва тариф катэги томонидан тақдим этилган энг юқори категория учун ўзининг максимал қийматига эришади.

**Тарифсиз тўлов тизими.** Жамоа шартномасида тарифсиз иш ҳақини белгилаши мумкин. Тарифсиз (таксимловчи) вариант ҳақ тўлашни ташкил этишнинг тариф вариантыга қарама-қарши дан туради.

Тарифсиз ҳақ тўлаш тизими ходимнинг даромадларини жамоа меҳнатининг якуний натижаларига тўлиқ боғлиқ ҳолда қўяди ва унинг бутун жамоа томонидан қўлга киритилган иш ҳақи фондидаги улушини ифодалайди. Ушбу тизим бўйича белгиланган иш ҳақи ёки тариф ставкаси мавжуд эмас ва одатда, бу улуш ходимга тайинланган коэффициент асосида белгиланади ва бу унинг меҳнат иштироки даражасини белгилайди.

Тарифсиз ҳақ тўлаш тизимининг иккита варианты мавжуд.

1) биринчи вариант икки коэффициентни - малака даражаси коэффициентлари (МДК) ва меҳнат иштироки коэффициентлари (МИК)ни қўллашга асосланган.

Малака даражаси коэффициентлари (МДК) ходим бажарган ишнинг мураккаблик даражасини, унинг муайян лавозим-малака гуруҳига мансублигини акс эттиради. Мисол учун, малакасиз ишчиларга 1,0 коэффициентлари ўрнатилади; III тоифали мутахассислар ва малакали ишчиларга – 1,5 ва бошқалар.

Меҳнат иштироки коэффициентлари (МИК) - ходимнинг умумий иш натижаларига қўшган шахсий ҳиссаси кўрсаткичи бўлиб, у жамоанинг ҳар бир аъзосининг индивидуал меҳнат унумдорлиги ва иш сифатига қараб меҳнат ҳиссасини умумлашган миқдорий баҳолашдир. МИКнинг аниқ ўлчамларига эга бўлган шкала касба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқариш бўлинмаси раҳбари томонидан белгиланади.

2) тарифсиз тизимнинг иккинчи вариантыда иккита ўрнига битта умумий таксимот коэффициентлари қўлланилади. Уни ҳисоблашда ишчининг малака даражаси омиллари ҳам, ишчининг самарадорлиги омиллари ҳам, меҳнатга муносабати ҳам ҳисобга олинади.

МИКни аниқлашда ҳисобга олинган кўрсаткичлар ходимнинг ҳақиқий даромадини ошириши ёки камайтириши мумкин. Масалан, МИК ҳажмини ошириш кўрсаткичлари бўлиши мумкин: мураккаброқ ва масъулиятли ишни бажаришда иштирок этиш, моддий ресурсларни тежаш, касбларни

бирлаштириш, хизмат жойларини кенгайтириш ва йўқ ишчини ўрнини алмаштириш, жамоанинг бошқа аъзоларига ишлашига ёрдам бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш ва бошқалар. КТУ қийматини пасайтирувчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради: меҳнат интизомининг бузилиши, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, уста, бригадир кўрсатмаларига риоя қилмаслик, моддий бойликларнинг меъёрдан ортиқ харажат қилиш ва бошқалар.

Тарифсиз турига шартнома (контракт) тўлов тизимини ҳам қўшиш мумкин, яъни иш берувчи ходимни ишга ёллаб, маълум бир иш учун аниқ тўлов суммасини келишиб олади.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аралаш тизимлари.** Тарифсиз ва тарифсиз тизимлардан ташқари янги шакллар сифатида аралаш тизимларни ҳам келтириш мумкин, чунки бу тизим тарифсиз ва тарифсиз ҳақ тўлаш шакллариининг белгиларига эга бўлганлиги туфайли шу номни олган.

Булар, биринчи навбатда, қуйидаги ҳақ тўлаш тизимларини ўз ичига олади:

- сузиб юрувчи иш ҳақи тизими;
- ҳақ тўлашнинг комиссия тизими;
- дилерлик фаолияти.

1) сузувчи иш ҳақи тизими ҳар ойнинг охирида иш тугашидан ва ҳар бир ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлашдан кейин, кейинги ой учун янги лавозим маошларини шакллантирилишини кўзда тутди. Топшириқни бажариш шарти билан ушбу мутахассис томонидан хизмат қилган иш жойида ҳосилдорликнинг ҳар бир фоизи ўсиши (ёки камайиши) учун иш ҳақи ортади (ёки камаяди).

Бундай иш ҳақи тизими ҳосилдорлик ва сифатни яхшилашини рағбатлантириш учун мўлжалланган бўлиб, бу кўрсаткичлар ёмонлашгандек бўлса, кейинги ой учун иш ҳақи камайтиради.

2) меҳнат ҳақининг комиссия шакли ходимнинг корхона номидан бирон-бир битим (шартнома) тузиш бўйича ҳаракатларини ушбу битимнинг умумий ҳажмидан комиссия фоизида тўлашни назарда тутди. Бу усул, масалан, савдо бўлимлари ходимлари, ташқи иқтисодий хизмат, реклама агентлари ва бошқалар учун қўлланилади.

Комиссияга асосланган ҳақ тўлаш тизими якуний натижа учун тўлов шаклидир. Иш ҳақи ҳажми корхона томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган даромаддан қатъий фоиз кўринишида белгиланади. Ходимга тўланадиган тушумдан фоиз ҳақ тўлаш ташкилот раҳбари томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади ва унинг буйруғи билан тасдиқланади. Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) қиймати ҚҚСсиз аниқланади. Ходимга меҳнат ҳақининг қатъий миқдорда белгиланиши мумкин, агар фоиз билан ҳисобланган иш ҳақи суммаси ушбу миқдордан паст бўлган тақдирда тўланади.

Комиссион даромадлар қатъий фоиз сифатида белгиланиши мумкин:

- ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган даромаддан;
- ишчи томонидан реализация қилинган маҳсулот ҳажми суммасидан;
- ишчи томонидан реализация қилинган маҳсулотнинг маълум тури миқдоридан;
- таъмирлаш, техник, консалтинг ва бошқа хизмат турлари бўйича ишчи томонидан кўрсатилган хизматлар учун миждозлар томонидан тўловлар суммасидан ва бошқалар.

3) Дилерлик механизми корхона маҳсулотининг бир қисми ходим томонидан ўз маблағлари билан сотиб олишни кейинчалик ўз кучлари билан реализация қилишни кўзда тутилади. Дилер (ингл. dealer - сотувчи, савдогар) - товар, қимматли қоғозлар ва валютани олди-сотди битимларида воситачилик қилувчи шахс ёки фирма.

Бу ҳолатда, дилер маҳсулотни улгуржи сотиб олиб чакана савдода сотадиган ва товарлар қийматидаги фарқдан даромад оладиган тадбиркор-дир. Бу механизмни натура шаклида бўнак иш ҳақи тўлаш ва кейинчалик қайти ҳисоб-китоб қилиш деб тасаввур қилиш мумкин.

Корхона ва ходим ўртасидаги келишувга кўра, товар олдиндан тўловга олиниши мумкин ва ҳисоб-китоб маҳсулот олдиндан белгиланган нархда сотилгандан сўнг амалга оширилади.

### **Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари**

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шакли.** Ишбай – иш ҳақини шакли бўлиб, унда иш ҳақи миқдори ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликлари сонига қараб, уларнинг сифати, мураккаблиги ва иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ишбай шаклида нарх (расценка) иш разрядлари, тариф ставкалари (маош) ва ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари) дан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ишбай нархини белгилаш учун соатбай (суткалик) тариф ставкасини бажарилган ишлаб чиқаришнинг мувофиқ разряди бўйича соатбай (суткалик) ишлаб чиқариш нормасига бўлинади.

Ишбай нархини, шунингдек, соат ёки кун тариф ставкаси билан бажарилган иш тоифасига мос келадиган соатлик ёки кунлик ставкани кўпайтириш орқали аниқланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ишбай шаклида қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) оддий ишбай;
- 2) мукофотли-ишбай;
- 3) ишбай-прогрессив;
- 4) билвосита ишбай
- 5) аккордли.

1) Оддий ишбай - бу меҳнатга ҳақ тўлаш тури бўлиб, унда ишчиларнинг иш ҳақи улар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг миқдори ва бажарилган ишларга, зарур малакани ҳисобга олган ҳолда,

ташкил этилган қатъий ишбай нархларидан келиб чиққан ҳолда бевосита боғлиқ бўлган тўловдир.

Оддий индивидуал ишбай иш ҳақи системасида ишчининг иш ҳақи (ИХ) қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$ИХ = \sum N_m * M_m,$$

бу ерда:

$N_m$  - маҳсулот ёки ишни муайян турига белгиланган нарх;

$M_m$  – ишлаб чиқарилган муайян маҳсулот миқдори.

2) Мукофотли-ишбай меҳнат ҳақи ишлаб чиқариш меъёрларидан кўпроқ иш бажариш ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос кўрсаткичлари учун (яроқсиз маҳсулотлар йўқлиги, рекламация ва бошқалар) мукофотлаш кўзда тутилган. Корхона томонидан қабул қилинган мукофот тўлаш тизимига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоблаганда, мукофотлаш тўғрисидаги Низомга кўра барча мукофотлар ходимнинг ҳақиқий даромадининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мукофот миқдори одатда иш ҳақининг улуши сифатида белгиланади.

Ишчи ёки ишчилар бригадасининг иш ҳақи мукофотли-ишбай тизими бўйича қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$З_{пл} = \sum R_n * G_n \left( \frac{P+K+L}{100} \right),$$

бу ерда:

$R_n$  – маҳсулот ёки ишнинг  $n$  тури учун нарх;

$G_n$  –  $n$  турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони;

$P$  – белгиланган мукофот кўрсаткичларини бажарилганлиги учун тариф ставкасининг фоизи сифатидаги мукофот суммаси;

$K$  – белгиланган мукофот кўрсаткичларининг ортиқча бажарилишининг ҳар бир фоизи учун мукофот суммаси, %;

$L$  – белгиланган мукофот кўрсаткичларининг ортиқча бажарилиш фоизи.

3) Ишбай-прогрессив иш ҳақи тизими оддий (ўзгармас) нархлар билан белгиланган нормалар доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун беради, ва меъёрдан ортиқ маҳсулотлар белгиланган шкала (аста-секин ошириш ставкалари) бўйича оширилган нархлар билан тўланади, лекин кўпи билан икки ишбай ставкалари чегарасида.

4) Билвосита ишбай бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш билвосита нарх тариф ставкасини (маош) ишчи-ишбайчи томонидан ишлаб чиқариш учун режалаштирилган маҳсулотлар сонига бўлиш билан белгиланади.

Мисол учун

Механика цехининг 1-бўлим ишчилари жамоасига хизмат кўрсатувчи ишчи-ростловчининг тариф ставкаси бўйича иш ҳақи 2 000 000 сўмни ташкил этади. Бўлимнинг ишлаб чиқариш режаси (нормаси) 1 000 дона

маҳсулотга тенг. Ҳақиқатда эса, ҳисобот ойида ишчи-ростловчи хизмат қилаётган участкада 1200 дона маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иш ҳақини ҳисоблаш:

1. Ишчи-ростловчи хизмат қилаётган участканинг ишлаб чиқариш меъёрини ортиқча бажариш коэффиценти:

$$1\ 200\ \text{дона} : 1\ 000\ \text{дона} = 1,2$$

2. Ишчи-ростловчининг иш ҳақи ишлаб чиқариш меъёрининг ортиқчалиги коэффиценти билан ортади ва қуйидагини ташкил этади:

$$2\ 000\ 000\ \text{сўм} \cdot 1,2 = 2\ 400\ 000\ \text{сўм.}$$

Шундай қилиб, иш ҳақи 2 400 400 сўм миқдорида ҳисобланади.

5) Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизими юқори сифатли маълум миқдордаги ишлаб чиқариш ёки бажарилган иш учун комплекс ишбай нархни белгилашни кўзда тутилади. Бу ҳолда нарх операцияларга, қисмларга, деталларга, иш турларига бўлинмайди. Аккордли тўлов фақат якуний маҳсулотни ҳисобга олишни талаб қилади. Бажарилган ишлар ваколатли шахс томонидан қабул қилинади. Бухгалтер ҳақиқий иш ҳақини жамоа аъзолари ўртасида ҳар бир ишлаган соатлар сонига мувофиқ тақсимлайди. Иш вақтидан фойдаланиш табели ва наряд иш ҳақини ҳисоблашга асос бўлади.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли.** Вақтбай - иш ҳақининг бир шакли бўлиб, унда иш ҳақи ходимнинг малакаси ва меҳнат шароитини ҳисобга олган ҳолда сарфланган (ҳақиқатда ишлаган) вақт миқдorigа боғлиқ.

Ишчиларга вақтбай тўлов шаклида вазифалар нормалаштириб белгиланади. Муайян функцияларни ва иш ҳажмларини бажариш учун хизмат кўрсатиш нормалар ёки ходимлар сонининг меъёрлари белгиланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлашни оддий вақтбай ва вақтбай-мукофотли тизимлари мавжуд:

- оддий вақтбай-тўлов бажарилган иш миқдоридан қатъий назар ишлаган вақтининг маълум бир миқдори учун амалга оширилади;

- вақтбай-мукофотли иш ҳақи - нафақат ишлаган вақтга тариф бўйича, балки иш сифати учун ҳам мукофот тўлови бор.

Тариф ставкаси размери ёки маош, иш ҳақиға устама миқдори кўрсатилган (фоиз ёки миқдори) ходимларнинг шахсий карталари (шакл № Т-2), ҳамда ҳақиқий ишлаган иш вақтини ҳисобга олувчи бирламчи ҳужжатлар шакл № Т-12 “Иш вақтини ҳисобга олувчи табел ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби” ва шакл № Т-13 “Иш вақтини ҳисобга олувчи табел” маълумотлари асосида иш ҳақи ҳисобланади:

- ҳисоб-китоб ва тўлов қайдномаси (шакл № Т-49);

- ҳисоб-китоб қайдномаси (шакл № Т-51);

- тўлов қайдномаси (шакл № Т-53).

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида иш ҳақини ҳисоблаш учун ҳақиқатда ишлаган вақт миқдорини ва тариф ставкасини билиш кифоя.

Шунинг учун иш вақтини ҳисобга олиш табели иш ҳақи ҳисоблаш учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Ходимнинг иш ҳақи (Их) ўз разрядининг соатлик ёки кунлик тариф ставкасини ўзи ишлаган соатлар ёки кунлар сонига кўпайтириш орқали аниқланади:

$$Их = S * t,$$

бу ерда:

S – соатбай (суткалик) тариф ставкаси,

t – ҳақиқий ишлаган вақт.

Оддий вақтбай ҳақ тўлаш тизими ходим меҳнатининг якуний натижалари билан унинг иш ҳақи ўртасида бевосита боғлиқликни таъминламайди. Шунинг учун ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофотли тизими кенг тарқалган бўлиб, у иш натижаларига масъулият ва шахсий молиявий қизиқишни ошириш билан бирга, нафақат миқдор, балки иш сифатини ҳам ҳисобга олади. Бу ҳолда, мукофот ходимга меҳнат натижалари бўйича кўшимча моддий рағбатлантириш бўлиб, асбоб-ускуналар ва ишчиларни бекор туришини камайтириш, вақтни тежаш, машина ва асбоб-ускуналарни авариясиз ишлатилиши, материалларни тежаш учун ҳисобланиши мумкин.

Мукофот тўланадиган шахслар доираси, унинг кўрсаткичлари ва шартлари, мукофотлар ҳажми ходимларнинг вакиллик органи фикрини ҳисобга олган ҳолда иш берувчилар томонидан белгиланган мукофотлаш тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади. Ходим мукофотлаш кўрсаткичлари ва шартларини бажарилганда, у мукофотни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга, ташкилот ушбу мукофотни тўлаш мажбуриятига эга. Бундай мукофотлар вақтбай-мукофотли ва ишбай-мукофотли меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ажралмас қисми ҳисобланади.

Мукофотлар вақтбай ишчилар- учун ҳам шахсий, ва ҳам цехлар ва корхоналарнинг натижавий кўрсаткичлари бўйича ҳисобланиши мумкин. Мукофотнинг ҳажми корхона ёки цехлар томонидан белгиланади ва бу сумма вақтбай иш ҳақи асосида ҳисобланиб маҳсулот таннархига киритилади. Одатда, бундай мукофотлар асосий иш ҳақи (маош, тариф ставкаси) улуши сифатида белгиланади.

Вақтбай-мукофотли тизими бўйича ходимнинг иш ҳақи (Их)ни куйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$Их = S * t \frac{P + K + L}{100},$$

бу ерда:

S – соатлик (кунлик) тариф ставкаси;

t – ҳақиқий ишлаган вақт;

P – мукофот ҳажми белгиланган кўрсаткичлар ва бонуслар шартларини бажариш учун тариф ставкасининг фоиз сифатида;

К – мукофот ҳажми белгиланган кўрсаткичлар ва мукофотлаш шартлари устидан бажарилишининг ҳар бир фоизи учун мукофот суммаси, %;

Л – белгиланган кўрсаткичлар ва мукофотлар шартларини ортиқ бажариш фоизи.

Нормал меҳнат шароитларидан, нормал иш вақтини давомийлигидан четга чиқишда ташкилот ЎзР Меҳнат кодексининг муайян нормаларига риоя қилиши шарт.

ЎзР меҳнат кодексига нормал меҳнат шароитларидан четга чиқиш аниқлаб берилган: турли малакадаги ишларни бажарилиш, касбларни бирлаштириш, иш вақтидан ташқари иш, дам олиш ва байрам кунлари иш ва бошқалар. Бундай ҳолларда оширилган иш ҳақини белгилаш кўрсатилган. Минимал миқдордаги қўшимча иш ҳақи қонун ҳужжатларида белгиланган. Корхоналарга муайян миқдордаги қўшимча иш ҳақларни мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам улар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан паст бўлиши мумкин эмас (меҳнат кодексининг 153-моддаси). Иш ҳақига қўшимча ҳақ белгилаш ва тўлаш шартлари жамоа шартномасида белгилаб қўйилади.

Нормал меҳнат шароитларидан четга чиқишларни қонунчилик билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқайлик.

**1) Иш вақтидан ташқари ишлаш.** Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин. Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўланади.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим (ЎзР МК 125 моддаси).

Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

Иш вақтидан ташқари иш учун қўшимча ҳақ, ишчиларнинг иш вақтидан ташқари ишлаганлар рўйхати белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда, тўланади. Бу рўйхатга ҳам ишчилар-ишбайчилар ва ҳам ишчилар-вақтбайчилар киритилади. Меъёрлаштирилмаган иш куни бўлган ходимларга одатда иш вақтидан ташқари вақтга қўшимча ҳақ тўланмайди. Иш вақтидан ташқари соатлар учун бошқа дам олиш куни (отгул) билан компенсация қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган болали аёллар, 18 ёшга тўлмаган ишчилар ва бошқа тоифадаги ишчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ иш вақтидан ташқари ишларга жалб этилмаслиги мумкин.

## **2) дам олиш ва байрам кунлари ишлаш.**

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади (157-модда).

Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Дам олиш кунлари ва байрам кунлари меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ташкилот томонидан мустақил белгиланади ва жамоа шартномасига, меҳнат ҳақи тўлаш Низомида кўрсатилади, ёки меҳнат шартномасини тузишда тарафлар томонидан аниқланади, аммо қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан паст бўлиши мумкин эмас.

**3) Тунда ишлаш.** Меҳнат кодексида ходимнинг тунги вақтда ишлаш учун меҳнат ҳақини юқори олиш ҳуқуқи назарда тутилган. Соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинмаган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган болали аёллар, 18 ёшга тўлмаган ишчилар ва бошқа тоифадаги ишчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ тунги вақтдаги ишларга жалб этилмаслиги керак. Имконияти чекланган шахслар (ногиронлар) тунги ишлар билан фақат уларнинг розилиги билан жалб қилиниши мумкин ва бундай ишлар билан шуғулланишга тиббий кўрсатмалар монелик қилмаслиги шарт.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, кечки

сменадаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бевосита тунги сменадан олдингиси кечки смена деб ҳисобланади.

#### **4) Яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарган тақдирда тўлов.**

Яроқсиз деб шундай маҳсулотга айтиладики, улар стандарт, техник шароит талабларига жавоб бермайдиган ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкин бўлмаган маҳсулотлар ҳисобланади.

Яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш бевосита зарарга ҳисобланади, чунки у хом ашёни ва материалларни ортиқча харажатиға, ҳосилдорликни пасайишиға, таннархни ошишиға олиб келади.

Ходимнинг айбисиз яроқсиз маҳсулот тайёрланганда унинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади, бундай баҳолар жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган тўлиқ яроқсиз маҳсулот ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди (ЎЗР МК 159-моддаси).

#### **5) Бекор туриб қолинган вақтда тўлов.**

Ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимнинг айби туфайли бекор туришга ҳақ тўланмайди. Ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақтда, агар у маъмуриятни бекор туришини бошида хабар қилса, унинг ўртача иш ҳақи сақланади. Иш берувчи ва ходимга тааллуқли бўлмаган сабабларга кўра бекор туриш шу миқдорда тўланади, агар ходим бекор туриш бошида ёзма равишда иш берувчини огоҳлантирган бўлса.

#### **6) Касбларни бирлаштириш ва вақтинча йўқ ишчиларнинг вазифаларини бажариш.**

Ходимнинг шу корхонада меҳнат шартномасидан келиб чиққан ҳолда асосий иши билан бирга шу иш вақтида бошқа касб (лавозим)да қўшимча иш бажариши касбларни бирлаштириш сифатида қаралади.

Вақтинча йўқ ходимнинг вазифаларини бажариш деб, ўзининг асосий ишдан озод бўлмаган вақтда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ йўқ ходимни иш жойини (ўрнини) сақлаб қолган ҳолда, касаллик, меҳнат таътили, сафар хизмати ва бошқа сабабларга кўра йўқлиги вақтида ходимни вазифасини бажариш деб тушуниш керак.

Вақтинча йўқ ходимнинг вазифаларини бажаришда ёки касбларни (лавозимларни) бирлаштириш учун қўшимча тўлов амалга оширилади. Қўшимча ҳақ ва нафақаларни тўлаш миқдорлари ва шартлари корхона томонидан мустақил равишда белгиланади, мавжуд маблағлар доирасида амалга оширилади ва жамоа шартномаларида (меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомда) белгиланади. Меҳнат шартномасида тарафларнинг келишувига кўра қўшимча тўлов ва устамалар ўлчамлари тегишли локал

меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ўлчамларга нисбатан конкрет кўрсатиб ва оширилиши мумкин. Бундан ташқари, томонлар кўшимча таътиллер, йил якуни бўйича юқори мукофот бошқа товонлар (компенсация) ҳақида келишиб олишлари мумкин.

**7) Таътилга ҳақ тўлаш тартиби.** Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Қуйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга - ўттиз календарь кун;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ўттиз календарь кун.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллер белгиланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллер бериш назарда тутилиши мумкин.

Қўшимча таътиллер:

- меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга;
- оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга;
- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллернинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, - касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади.

Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун қўшимча таътиллернинг энг кам муддати, бундай таътилли бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Табиий-иқлим шароити оғир ва ноқулай жойлар рўйхати ҳамда йиллик кўшимча таътилнинг энг кам муддати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилади.

Тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бошқа жойларда ҳам ходимларга йиллик кўшимча таътил бериш назарда тутилиши мумкин.

Таътиллarning муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

Йиллик таътилнинг умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда кўшимча таътиллар йиллик асосий таътилга (шу жумладан узайтирилган таътилга ҳам) қўшиб жамланади. Барча ҳолларда қонун ҳужжатлари билан белгиланган таътиллари жамлашда уларнинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Таътиллар муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, ўн беш календарь кундан ками эса чиқариб ташланади.

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради:

- иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт;
- ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, бундан болани парваришlash учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллари мустасно;

- меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

- тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда йиллик кўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари назарда тутилиши мумкин.

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қўйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

- аёлларга - ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
- ўриндошлик асосида ишлаётганларга - асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;
- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни йиллик қўшимча таътилларни бермаслик таъқиқланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

Йиллик таътилларни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

- I ва II гуруҳ ногиронларига;

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;

- жамоа шартномаси, келишувига назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

- ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;

- йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

- давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт. Агар ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

Ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилнинг бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши керак.

Йиллик таътилар даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади. Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириги иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

Ходимлар қуйидаги ижтимоий таътилар олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар:

- ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари;
- болаларни парваришlash таътиллари;
- ўқиш билан боғлиқ таътилар;
- ижодий таътилар.

Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;

- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътилар учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий таътиларнинг барча турларидан асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиларни бериб, ундан кейин меҳнат

муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганда кейинчалик меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш шarti билан, гарчи ҳақиқатда ишланган вақт ҳамда таътил вақтининг умумий йиғиндиси меҳнат шартномаси муддати чегарасидан чиқиб кетса ҳам, таътил берилиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат шартномасининг амал қилиши таътил тугагунга қадар узайтирилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинганда йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътилидан асли ҳолида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

**Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларнинг синтетик ҳисоби.** Корхона рўйхатида бўлган ва рўйхатда турмаган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш (меҳнат ҳақининг ҳамма турлари, мукофотлар, ёрдам, ишлайдиган пенсия олувчиларга ҳисобланган пенсия ва бошқа тўловлар) бўйича жорий қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”;

6720 “Депонентланган иш ҳақи”.

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” ҳисобварағининг кредит томонида меҳнат ҳақи, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, пенсиялар ва бошқа шу каби суммалар акс эттирилади. 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” ҳисобварағининг дебет томонида ҳисобланган меҳнат ҳақини тўлаш ва ундан ушланмалар акс эттирилади.

Ҳар йилги ва қўшимча таътил бўйича суммаларни ҳисоблашда ушбу суммалар меҳнат ҳақи жамғармасига жорий ойга тўғри келадиган таътил кунлари суммаси миқдорида киритилади. Таътилнинг бир қисми кейинги ойга ўтган ҳолларда, ушбу кунлар учун ходимларга тўланган суммалар жорий ойда берилган бўнак суммаси каби акс эттирилади ва 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар” ҳисобварағининг дебетида ва 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ҳисобварағининг кредитида кўрсатилади.

6720 “Депонентланган иш ҳақи” ҳисобварағида ходимларнинг олинмаган иш ҳақи бўйича қарзлари акс эттирилади.

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” ва 6720 “Депонентланган иш ҳақи” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб корxonанинг ҳар бир ходими бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Капитал қўйилмалар соҳасида банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди:

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

2) ТМЗларни тайёрлаш ва сотиб олиш муомалалари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”, 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ва 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

3) ТМЗларни тайёрлаш ва сотиб олиш муомалалари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди (1510-ҳисобварақ қўлланилганда):

Д 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

4) Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш цехлари, яроқсиз маҳсулотни тўғирлаш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ишчиларига меҳнат ҳақи суммалари ҳисобланди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

5) Маҳсулот сотишда, бошқарув ва бошқа муомалаларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”, 9420 “Маъмурий харажатлар” ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

6) Келгуси давр харажатларига киритиладиган ишлар учун меҳнат ҳақи ҳисобланди (мавсумий тармоқларда ва бошқалар):

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

7) Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш жараёнлари бўйича ҳисобланган меҳнат ҳақи:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

8) Ортиқча тўланган суммалар (меҳнат ҳақи ва ҳоказолар) кассага қайтарилди:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

9) Табиий офатлар, ёнғинларни бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди:

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

10) Ходимларга бир марталик мукофот ҳисобланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”.

11) Маҳсулот, иш, хизматлар қиймати корхона ишчиларидан ушлаб қолинди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”

К 4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”.

12) Ходимларга ҳисобланган суммалар кассадан тўланди (меҳнат ҳақи, мукофотлар ва ҳоказо):

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”.

13) Ҳисобдор шахсларнинг қайтармаган бўнак суммалари ушлаб қолинди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнаклар”, 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар”, 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнаклар”.

14) Акцияларга обуна бўйича мажбуриятлар қопланди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

15) Кредитга сотиб олинган товарлар учун ҳисоб-китоблар бўйича навбатдаги тўловлар ишчилардан ушлаб қолинди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”

К 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”.

16) Айбдор ишчиларнинг меҳнат ҳақи суммасидан етказилган моддий зарарлар суммаси ушлаб қолинди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”

К 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”.

## **7.5. Ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминот бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби**

**Ижтимоий солиқни солиқ тўловчилари** деб қуйидагилар эътироф этилади:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар, чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари ва филиаллари;

- Солиқ кодексининг 408 ва 409-моддаларида назарда тутилган тартибга мувофиқ, ижтимоий солиқ тўлайдиган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари.

Иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари ижтимоий солиқнинг солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимлар билан таъминлаш юзасидан хизматлар кўрсатишга доир шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахсга тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам солиқ солиш объектидир.

Жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун улар томонидан тадбиркорлик фаолиятини ва (ёки) якка тартибдаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш солиқ солиш объектидир.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

- иш берувчининг ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигига бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш тарзидаги, Солиқ кодекси 369-моддаси иккинчи қисмининг 10-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча харажатлари;

- пахта йиғим-терими бўйича мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлиги учун меҳнат ҳақи тўлашга доир харажатлар.

**Ижтимоий солиқ базаси.** Солиқни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ базаси Солиқ кодексининг 371-моддасига мувофиқ тўланадиган харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Бу модда “Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар” деб аталади. Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган ходимларга ҳисобланадиган ҳамда тўланадиган қуйидаги барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлардан, тариф ставкаларидан ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

- илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар;

- Солиқ кодексининг 372-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

- Солиқ кодексининг 373-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

- Солиқ Кодексининг 374-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;

- ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳақ ҳисобланган бошқа тўловлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига қуйидагилар ҳам киради:

- предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган, тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар (бундан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар мустасно);

- юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

- Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг, ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва

офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралар ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахслар учун солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси уларнинг Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотлари ходимлари учун иш ҳақи миқдорининг ошиши инobatга олинган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқариладиган, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ишга юборилгунига қадар охириги иш жойида меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олган даромадларидан келиб чиқиб аниқланади.

Солиқ кодекси 403-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ базаси чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси сифатида, бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимлар билан таъминлаш юзасидан хизматлар кўрсатишга доир шартнома бўйича харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаган суммада белгиланади.

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, %
1	Солиқ тўловчилар, бундан 2–4-бандларда назарда тутилганлар мустасно	12
2	Бюджет ташкилотлари	25
3	«SOS – Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмалари	7
4	Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланувчи солиқ тўловчилар	4,7

Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан пасайтирилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин.

Ижтимоий солиқ учун ҳисоб-китоб даври календарь йил ва ҳисобот даври йил оyi ҳисобланади.

Солиқ солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади. Солиқ иш берувчининг ва айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган

шахслар бўйича солиқни тўлаш мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг зиммасига юклатилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ ҳисобида турилган жойдаги солиқ органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар томонидан йил яқунлари бўйича солиқнинг ҳисоботи ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартага қадар тақдим этилади. Солиқни тўлаш ҳар ойда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

**Айрим тоифадаги жисмоний шахслар томонидан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари.** Солиқ солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар:

1) яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

2) яқка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан (бундан буён матнда яқка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари деб юритилади) – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида;

3) фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

– яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

– оиланинг бошқа аъзолари томонидан (бундан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида;

4) “«Ҳунарманд» уюшмасининг ҳунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган, қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган аъзолари томонидан ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида;

5) “Уста-шоғирд” мактаблари ўқувчилари томонидан улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврида – йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда мажбурий тартибда тўланади. Белгиланган миқдордаги солиқнинг тўланиши меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд элик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришлаётган жисмоний шахслар йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида солиқ тўлайди. Бунда деҳқон хўжалиги

раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди. Белгиланган миқдордаги солиқнинг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг ва жисмоний шахснинг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи ҳунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган “Ҳунарманд” уюшмасининг аъзолари солиқ тўлашдан озод этилади, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган қолган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун эса солиқ миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Имтиёзларга бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган ёки тугатилган тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ юзага келган ёки тугатилган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Солиқ тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

– 408 модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан – ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

– юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари томонидан – ҳисобот йилининг 1 октябригача амалга оширилади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан солиқни тўлаш улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширилади.

Солиқ тўлаш мажбурияти:

– юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари учун – оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг;

– якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари учун – ушбу ходимлар билан меҳнат шартномасини тузган якка тартибдаги тадбиркорнинг зиммасига юклатилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, идентификация рақами ва тўлов киритилаётган давр кўрсатилиши шарт. Бунда оила аъзолари – оилавий тадбиркорлик иштирокчилари ва ходим ёллаган якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича тўлов топшириқномаси (кирим ордери) ҳар бир оила аъзоси учун ва якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун

алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун – йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатиб турилганлиги тўғрисида солиқ органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Солиқ органлари томонидан олинган, ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходимига солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Агар фаолиятини тўхтатиб турган якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкасини солиқ органига белгиланган муддатларда топширмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича солиқни ҳисоблаш тўхтатилмайди.

Солиқ тўловчилар солиқни жами йиллик даромад тўғрисида декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар суммасидан келиб чиқиб тўлашга, унинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида тўлашга ҳақли. Бунда тўланиши лозим бўлган солиқнинг узил-кесил суммаси тўланган суммалар ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

**Ихтиёрий равишда солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари.** Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар солиқни жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида ихтиёрий асосда тўлайди.

Ягона ижтимоий тўлов давлатнинг мақсадли фондлари ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида белгиланган тартибда қуйидагича бўлинади (2019 йилда):

Бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналарида, юридик шахсларни устав капиталида давлат улуши 50% ва ундан юқори бўлганда:	100%
- бюджетдан ташқари Пенсион фондига	99,2%
- бандликка кўмаклашувчи Давлат фондига	0,4%
- Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерация Кенгашига	0,4%
Бошқа тўловчилар бўйича:	100%
- бюджетдан ташқари Пенсион фондига	98,4%
- бандликка кўмаклашувчи Давлат фондига	0,8%
- Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерация Кенгашига	0,8%

Қуйидаги тўлов турлари суғурта бадалига тортилмайди:

1. ЎзР қонунчилиги мувофиқ, ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан давлат томонидан тўланадиган меҳнат пенсиялари ва ёрдам пуллари, жумладан:

1) суғурталанган шахсга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тиббий муассасага харажатлар тўлови;

2) ёшга доир пенсия;

3) ногиронлик пенсияси;

4) боқувчисини йўқотганлик учун пенсия;

5) вақтинчалик ногиронлик бўйича ёрдам пули;

6) иш жойидаги авария ва касб касаллиги муносабати билан суғурта тўловлари, тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация учун қўшимча харажатларни тўлаш;

7) ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ёрдам пули;

8) бола парвариши бўйича ойлик ёрдам пули;

9) ЎзР қонунларида мажбурий ижтимоий суғуртанинг аниқ турлари бўйича белгиланган бошқа суғурта турлари;

10) ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида тиббиёт муассасаларида рўйхатдан ўтган аёллар учун бир марталик ёрдам пули;

11) бола туғилганда бир марталик ёрдам пули;

12) дафн этиш учун ижтимоий ёрдам пули.

2. Қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида товон (компенсация) тўловларининг барча турлари:

- шикастланиш натижасида етказилган зарарларни (саломатликка етказилган бошқа зарарлар) қоплаш;

- уй-жой, коммунал, таом ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғини бепул таъминлаш ёки тегишли пул шаклида қоплаш;

- маҳсулот қийматини тўлаш ёки натура шаклида таъминлаш;

- спортчиларнинг ва спорт ташкилотлари ходимларининг ўқув-машқ жараёни ва мусобақаларига олган озиқ-овқат маҳсулотлари, спорт анжомлари, жиҳозлари, спорт кийимлари нархини тўлаш;

- ходимларни ишдан бўшатиш, фойдаланилмаган таътил учун компенсация бундан мустасно;

- малака ошириш харажатларини қоплаш;

- жисмоний шахснинг фуқаролик шартномалари бўйича ишлар, хизматлар бажарилиши билан боғлиқ харажатлари;

- ташкилотнинг ходимлар сони ёки штатини қисқартириши натижасида, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатишган ходимларни ишга жойлаштириш;

- меҳнат мажбуриятларини бажариш (шу жумладан бошқа маҳалга ишлашга бориш ва хизмат сафар харажатларини қоплаш).

3. Хизмат сафари харажатлари (суткалик, яшаш учуш, транспорт, харажатлари).

4. Оила аъзосининг ўлими муносабати билан ходимга бир марталик молиявий ёрдам миқдори.

5. Туғилгандан кейин бир йил ичида тўланадиган боланинг туғилишида ходимга бир марталик молиявий ёрдам миқдори.

**Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Корхона мулки ва ходимларини суғурта қилиш, давлат ижтимоий суғуртаси, корхона ходимларининг нафақа таъминоти ва тиббий суғуртаси, мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар, шунингдек учинчи шахслар мулкӣ манфаатларига келтирилган зарарлар учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

6510 “Суғурта бўйича тўловлар”;

6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

6510 “Суғурта бўйича тўловлар” ҳисобварағи корхонанинг мулки ва ходимини суғурталаш бўйича қарзлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” ҳисобварағи мақсадли давлат жамғармалари олдидаги ажратмалар бўйича қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун қўлланилади.

Суғурта тўловлари ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммалари суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6500)нинг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Суғурта тўловлари ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммаларининг тўланиши суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6500)нинг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6500) бўйича аналитик ҳисоб суғуртачилар ва алоҳида суғурта шартномалари, шунингдек корхона тўловчи деб ҳисобланган хар бир мақсадли давлат жамғармалари бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Капитал қўйилмалар билан боғлиқ суғурта тўловлари бўйича қарз суммалари:

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”.

2) Суғурта бўйича ҳисобланган тўловлар корхона харажатларига ўтказилди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

Д 2510 “Умум ишлаб чиқариш харажатлари”

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”.

3) Ҳисобланган суғурта тўловлари суммаси банкдаги ҳисобварақлардан тўланди:

Д 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ва бошқа пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

4) Корхона ходими иш ҳақи ҳисобидан мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар қилинди (2019 йилдан бошлаб бундай хўжалик операцияси бекор қилинган):

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

5) Корхона ходимларига ҳисобланган иш ҳақи ҳисобидан мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар қилинди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

Д 2510 “Умумишлабчиқариш харажатлари”

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

Д 9420 “Маъмурий харажатлар

К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

б) Мақсадли давлат жамғармаларига илгари ҳисобланган суммалар ўтказиб берилди:

Д 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ва бошқа пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

## **7.6. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида моддий бойликларни, шунингдек, турли ишлар, хизматларни нафақат банк ўтказмаси бўйича, балки нақд пулга ҳам сотиб олиш зарурияти туғилади. Бундай ҳолларда бу харажатларни тўлаш учун ходимга ҳисобдор бўнак шаклида кассадан нақд пул берилади.

Ҳисобдор суммалар - корхона ходимларига хизмат сафари ва маъмурий харажатлар учун бериладиган нақд пул бўнақлари.

Ҳисобдор шахслар корхона ходимлари ҳисобланади, улар кассадан бўнакка нақд пул олиб, ҳисобдор пулларни қуйидаги мақсадларга харажат қиладилар:

1. Хўжалик-операцион харажатлар учун:

- канцелярия товарлари, почта-телеграф ва бошқалар;

- чакана савдодан материаллар сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар.
- 2. Бўлажак хизмат сафари харажатлари учун.
- 3. Вакиллик харажатлари учун.

Синтетик ҳисоб-китоблар № 7 журнал-ордерда олиб борилади.

№ 7 журнал-ордерни тўлдириш учун асос бўлиб касса чиқим ордери билан берилган ҳисобдор суммалар, бўнак ҳисоботлари – харажат қилинган суммаларга, янги кирим ва чиқим касса ордерлари ( олинган ва сарфланган миқдордаги тафовутлар учун) хизмат қилади. Бўнак ҳисоботлари арифметик тарзда текширилади, харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, уларнинг олдиндан тайинланишига мувофиқлиги ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланганлиги, буларнинг барчаси бухгалтерия ҳисоби учун қабул қилинади. Бухгалтер бўнак ҳисоботини қайта ишлайди, ҳужжатларга ва ҳисоботга харажат йўналишига жавоб берувчи тегишли боғланувчи ҳисобварақларни кўяди.

Ҳисобдор пул маблағлари чиқим касса ордерлари билан берилади ва аниқ мақсадга мувофиқ сарфланиши керак. Олинган пул маблағлари бўйича ҳисобдор шахслар бўнак ҳисоботини, тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда (сотиб олинган товарлар учун товар чеклари, йўл кира ҳужжатлари), тузишлари ва уларни бухгалтерияга тақдим этишлари лозим.

Ҳисобдор суммалар бериш ва бу суммалардан фойдаланиш тартиби ташкилот раҳбарининг буйруғи билан белгиланади. Ҳисобдор шахсларга берилган пул маблағларини ҳисобга олиш учун ҳисобдор шахс ва бухгалтер томонидан бир нусхада тузиладиган “Бўнак ҳисоботи” АО-1 шакли кўлланилади.

Шаклнинг тескари томонида ҳисобдор шахс қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхатини ёзади: квитанциялар, транспорт ҳужжатлари, товар чеклари ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар ва улар бўйича харажатлар суммалари. Бўнак ҳисоботига илова қилинган ҳужжатлар ҳисобдор шахс томонидан уларнинг ҳисоботга кириш тартибида рақамланади.

Ҳисоб бўлими томонидан пул воситаларининг мақсадли харажат қилиниши, қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги, тузилган ҳужжатлар ва ҳисобланган суммалар тўғри ҳисобланганлиги текширилади, шунингдек шаклнинг орқасида ҳисобга қабул қилинган харажат суммалари ва бу суммага дебетланадиган ҳисобварақлар кўрсатилади.

Текширилаётган бўнак ҳисоботи раҳбар ёки унга ваколат берилган шахс томонидан тасдиқланади ва ҳисобга қабул қилинади. Фойдаланилмаган бўнак қолдиғи ҳисобдор шахс томонидан белгиланган тартибда кирим касса ордери бўйича корхона кассасига топширилади. Бўнак ҳисоботи бўйича кўпроқ харажат қилинган сумма ҳисобдор шахсга чиқим касса ордери бўйича берилади.

Тасдиқланган бўнак ҳисоботи асосида бухгалтерия белгиланган тартибда бўнак суммаларни ҳисобдан чиқаради.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 4200 “Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” актив ҳисобварағида ва 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз” пассив ҳисобварағида ҳисобга олинади.

**Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Корхона ходимларига меҳнат ҳақи бўйича, операцион ва маъмурий-хўжалик харажатлари учун ҳисобдорлик асосида, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4210 “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар”;

4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар”;

4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар”;

4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.

Ҳисобдорликка берилган суммага, ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4200) пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан, жумладан 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”, 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари” ҳисобварақлари билан боғланган ҳолда дебетланади. Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4200) харажатлар ва сотиб олинган қийматликлар ҳисобга олинган ҳисобварақлар билан ёки амалга оширилган харажатларнинг турига қараб бошқа ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Тўлиқ ишлатилмаган бўнақлар (масалан, хизмат сафарлари учун) корхона кассасига қайтарилиши ҳамда ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4200)нинг кредитида ва 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”, 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари” ҳисобварақларининг дебетиде акс эттирилиши лозим.

4210 “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар” ҳисобварағида корхона ходимларига меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақларнинг барча турлари юзасидан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Бўнақларнинг келгусидаги меҳнат ҳақи ҳисобига берилиши ходимларнинг сабаби кўрсатилган аризасига асосан амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу ҳисобварақда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттириладиган, яъни 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” ҳисобварағининг дебети ва 4210 “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар” ҳисобварағининг кредитида меҳнат ҳақи бўйича ҳар ойлик бўнақлар ҳисобга олинади.

4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ҳисобварағида корхона ходимларига хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар ҳисобга олинади. Хорижга хизмат сафарига юборилаётган ходимга Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга (рўйхат рақами 2730, 2015 йил 19 ноябрь) мувофиқ, чет эл валютасида бўнақ берилади. Ушбу валюта бўнақ берилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмга айлантирилади ва сўмда ҳисобга олинади. Хизмат сафарлари

учун берилган ва сарфланган чет эл валютасининг ҳисоби алоҳида юритилади.

Хизмат сафарлари учун бўнақлар хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, чипталар қиймати, кунлик яшаш харажатлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда бўнақ суммасини ҳисоблаш асосида берилади.

4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ҳисобварағида умумхўжалик эҳтиёжлари учун турли хилдаги кичик инвентарь ва жиҳозларни нақд пулга, шунингдек корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда сотиб олиш учун берилган бўнақлар акс эттирилади. Товар-моддий қийматликларни баҳолаш ва кирим қилиш тегишли тасдиқловчи ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

4290 “Ходимга берилган бошқа бўнақлар” ҳисобварағида 4210 - 4230-ҳисобварақларда акс эттирилмаган корхона ходимларига берилган бошқа бўнақлар ҳисобга олинади.

Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4200) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган бўнақ бўйича юритилади.

Қуйида ходимларга берилган бўнақларни ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Меҳнат ҳақи ҳисобидан бўнақ берилди:

Д 4210 “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”.

2) Ходимларга келгусидаги меҳнат ҳақи ҳисобига берилган бўнақлар ушлаб қолинди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 4210 “Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар”.

3) Ҳисобдор шахсларга банкдаги ҳисобварақлардан бўнақлар берилди:

Д 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки

Д 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки

Д 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5510 “Аккредитивлар” ёки

К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

4) Ҳисобдор шахсларга кассадан бўнақлар берилди:

Д 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки

Д 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки

Д 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

К 5020 “Чет эл валютадаги пул маблағлари”.

5) Ҳисобдор шахсларга пул эквивалентлари берилди:

Д 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки

Д 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки

- Д 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”  
К 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”.
- 6) Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари кассага қайтарилди:  
Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
Д 5020 “Чет эл валютадаги пул маблағлари”  
К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки  
К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.
- 7) Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари корхонанинг банкдаги ҳисобварағига қайтарилди:  
Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки  
Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
Д 5510 “Аккредитивлар” ёки  
Д 5520 “Чек дафтарчалари” ёки  
Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”  
К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки  
К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.
- 8) Ҳисобдор шахслар сотиб олинган турли хилдаги пул эквивалентларига ҳақ тўлади:  
Д 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”  
К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки  
К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.
- 9) Ишлатилмаган пул эквивалентлари қайтарилди:  
Д 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”  
К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки  
К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.
- 10) Ҳисобдор шахслар капитал қўйилмалар, товарлар, ҳайвонлар, материаллар, асбоб-ускуналарни сотиб олиш, етказиб бериш, тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширди:  
Д 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварақлар” ёки  
Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлар” ёки  
Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки  
Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақлар” ёки  
Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”  
К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки  
К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.

11) Ҳисобдор шахслар яроқсиз маҳсулот билан боғлиқ турли хилдаги харажатларни тўлади:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнаклар” ёки

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар” ёки

К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнаклар”.

12) Ҳисобдор шахслар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар, шунингдек умумишлаб чиқариш харажатларини амалга оширди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлабчиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнаклар” ёки

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар” ёки

К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнаклар”.

13) Ҳисобдор шахслар давр харажатларига тегишли бўлган турли хилдаги харажатларни тўлади:

Д 9410 “Сотиш харажатлари” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар” ёки

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнаклар” ёки

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар” ёки

К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнаклар”.

14) Ҳисобдор шахслар келгуси давр харажатларига тегишли бўлган турли харажатларни тўлади:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнаклар” ёки

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар” ёки

К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнаклар”.

6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” ҳисобварағи корхона ишчиларига маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган ҳисобдорлик суммалари билан ҳақиқий сарфланган суммалари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар сарфланган сумма ҳисобдорлик бўйича берилган суммадан ошса, корхонанинг ҳисобдор шахс олдида қарзи вужудга келади ва ушбу сумма 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” ҳисобварағининг кредит томонида кўрсатилади.

6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ҳисобдор шахслар бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Ҳисобдор шахслар келгуси давр харажатларига тегишли бўлган турли харажатларни тўлади:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлабчиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

2) Яроқсиз маҳсулот билан боғлиқ бўлган турли харажатлар (қайтариб олиб келиш ва ҳоказо) тўлови учун ҳисобдор шахсларга қарзлар ҳисобланди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

3) Сотиб олинган товарлар учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди:

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлари”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

4) Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган (транспорт ва бошқа) харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

5) Табиий офатларнинг олдини олиш ёки бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган турли харажатларнинг тўлови учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди:

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар”.

**Сафар хизмати харажатларининг ҳисоби.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сафар хизматига бориш йўриқнома асосида амалга оширилади. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 февралдаги 34-ф-сонли ва 1993 йил 16 августдаги 287-ф-сонли фармойишларига асосан ишлаб чиқилган ва мулк шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ташкилотларга тааллуқлидир.

Хизмат сафари деб ходимнинг ташкилот, муассаса, бирлашма, корхона раҳбарининг фармойишлари бўйича, ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши (бориб келиши) тушунилади.

Ташкилотнинг таркибига кирувчи филиаллар (шаҳобчалар), участкалар ва бошқа бўлинмалар бошқа ерда жойлашган ҳолларда доимий иш жойи бўлиб меҳнат шартномасида белгиланган ишлаб чиқариш бўлинмаси ҳисобланади.

Доимий иши йўлда ёки кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган, ёхуд доимий ҳаракатланувчи тусга эга бўлган ходимларнинг хизмат юзасидан бориб келишлари хизмат сафари ҳисобланмайди.

Ходимларни хизмат сафарларига юбориш ушбу ташкилотларнинг бошлиқлари томонидан амалга оширилади, буйруқ ва мувофиқ шаклдаги хизмат сафари гувоҳномасини бериш билан расмийлаштирилади.

Ходимларни юқори ташкилотларга (бўйсунуш тартибида) хизмат сафарларига юбориш ушбу ташкилотлар раҳбарларининг чақириғига ёки улар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ходимларнинг хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади ва ҳар бир ҳолат учун йўлдаги вақтни ҳисобга олмаган ҳолда 40 кундан кўп бўлмаслиги керак.

Ушбу тартиб шунингдек ходимларни тафтиш ва текширишларни ўтказиш учун хизмат сафарига юборишга ҳам тааллуқлидир.

Монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун юбориладиган ходимлар, раҳбарлар ва мутахассисларнинг хизмат сафарлари муддати 12 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Хизмат сафари муддатини узайтириш истисно тариқасида фақат хизмат сафарига юборган ташкилот раҳбарининг ёзма рухсатномасига асосан рухсат берилади.

Хизмат сафарига юборилган жойда ҳақиқатда ўтказилган вақт хизмат сафари жойига келган ва хизмат сафари жойидан кетган кунларни хизмат сафари гувоҳномасига белги қўйиш орқали аниқланади.

Ташкилотларда хизмат сафарларига кетаётган шахсларни ва ушбу ташкилотга хизмат сафарига келаётган шахсларни рўйхатга олиш муайян шакллардаги махсус журналларда юритилади. Ташкилотни раҳбари хизмат сафарларига юборилаётган, хизмат сафарига кетаётган шахсларни рўйхатга олиш журналинини юритиш ва хизмат сафарлари гувоҳномасига белги қўйиш учун жавобгар бўлган шахсни буйруқ чиқариш йўли билан тасдиқлайди.

Бунда махсус журналлар электрон кўринишда юритилиши мумкин.

Хизмат сафарига чиқиш куни бўлиб транспорт воситасида 24 соат ичидаги вақт, 00 дан ва ундан кечроқ вақт — кейинги сутка ҳисобланади, келиш куни эса — транспорт воситасида доимий иш жойига келиш куни ҳисобланади.

Агар станция, соҳил (пристань), аэропорт аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлса, станция, соҳил (пристань), аэропортгача етиб олиш учун кетадиган вақтни ҳисобга олиш керак бўлади. Худди шундай тарзда ходимнинг доимий иш жойига етиб келадиган куни ҳисобланади.

Хизмат сафарига бўлган ходимларга улар юборилган корхоналардаги иш вақти режими ва дам олиш вақтлари тааллуқли бўлади. Хизмат сафари вақтида фойдаланилмаган дам олиш кунлари, бошқа дам олиш кунлари хизмат сафаридан қайтганда тикланмайди.

Агар ходим атайдан дам олиш ёки байрам кунларида ишлаш учун хизмат сафарига юборилган бўлса, ушбу кунларда ишлагани учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ компенсация тўланади.

Агар ходим маъмуриятнинг фармойишига биноан хизмат мажбуриятини бажариш учун дам олиш кунида хизмат сафарига кетса, унга хизмат сафаридан қайтгач белгиланган тартибда бошқа дам олиш куни берилади.

Хизмат сафарига кетиш ва хизмат сафаридан қайтиш кунларида ишга чиқиш масаласи маъмурият билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг хизмат сафарида бўлган муддатида ва йўлда бўлган муддатда иш жойи (лавозими), ишбайлар учун ўртача иш ҳақи ёки лавозим маоши ёки ходимларни бошқа тоифалари учун ставкалари сақланиб қолади.

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг иш ҳақи унинг илтимосига кўра у юборилган корхонанинг ҳисобварағига жўнатилади.

Ўриндошлик асосида ишлаётган шахс хизмат сафарига юборилганда унинг ўртача иш ҳақи уни хизмат сафарига юборган ташкилотда сақланади. Агар хизмат сафарига бир вақтнинг ўзида ҳам асосий ҳам ўриндошлик асосидаги иши бўйича хизмат сафарига юборилганда, иш ҳақи ҳар иккала лавозим бўйича сақланади, хизмат сафарига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар эса хизмат сафарига юборувчи ташкилотларни ўзаро келишувига биноан тақсимланади.

Ташқи ўриндошлик асосида ишлаётган шахс хизмат сафарига юборилганда унинг ўртача иш ҳақи уни хизмат сафарига юборган ташкилотда сақланади, ички ўриндошлик асосида ишлаётган шахс хизмат сафарига юборилганда эса ўртача иш ҳақи асосий ва ўриндошлик асосидаги лавозим бўйича сақланади.

Ходимнинг хизмат сафари даврида тариф ставкалари, лавозим маошлари миқдорлари ошган ҳолларда, ташкилотнинг иш кунлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларида ҳақиқатда ишлаган кунларига тўғри келадиган сони учун меҳнатга ҳақ тўловлари қайта ҳисобланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимга турар жой ижараси, хизмат сафари жойига бориш ва иш жойига қайтиш харажатлари қопланади, шунингдек кундалик харажатлар тўланади.

Хизмат сафари билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (телефонда гаплашиш, телеграф харажатлари ва бошқалар) хизмат сафарига юборилган шахсга тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда тўланади.

Хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари хизмат сафарига юборилган шахсга қуйидаги миқдорларда қопланади:

- умумий фойдаланиладиган транспортни барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати;

- транспортда йўловчиларни мажбурий давлат суғурталаш бўйича тўловлар;

- йўлда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда;

-умумий фойдаланиладиган транспорт билан (таксидан ташқари) станциягача, соҳилгача (пристангача), аэропортгача етиб олиш харажатлари, агар улар аҳоли яшайдиган худуддан ташқарида жойлашган бўлса. Истисно тариқасида (кечки поезд, умумий фойдаланиладиган транспорт йўқ бўлган тақдирда) ташкилот раҳбарига таксида юрганлик учун ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилади.

Йўлда кўрпа-тўшак буюмларидан фойдаланганлик учун харажатлар тасдиқловчи ҳужжатларсиз ҳақ тўлашга қабул қилинади.

Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, бюджет ташкилотлари ходимлари учун хизмат сафари йўлқирасига ҳақ тўлаш ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, бошқа ташкилотлар ходимлари учун жамоа келишуви (шартномалари), меҳнат шартномасида кўзда тутилган, бироқ ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда тўланади.

Километрлар миқдори 500 метр ва ундан ортиқ бўлган ҳолатларда, кўп томонга яхлитланади. Километрлар миқдори 500 метрдан кам бўлган ҳолатларда, кам томонга яхлитланади.

Хизмат сафарида ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар хизмат сафарига юборилган ишларга жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган миқдорларда, лекин кўйидаги миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгиланади (республика бўйича ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдorigа нисбатан коэффициентларда):

Тошкент шаҳрида, шаҳарлар — вилоятлар марказларида — 0,1;  
бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда — 0,08.

Ушбу кўрсатилган харажатларни қоплаш ҳақиқатда қилинган харажатларни ҳужжатлар билан тасдиқлашсиз амалга оширилади.

Хизмат сафари жойидаги турар жойни ижарага олиш бўйича харажатлар хизмат сафарига юборилган ходимни келиш ва кетиш кунлари бўйича ҳақиқатдаги харажатлар, шунингдек тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда меҳмонхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (жойларни бронлаш, дазмолдан фойдаланиш, сақлаш камерасидан, телевизор, музлатгич, идиш-товоқ, алоқа хизматидан фойдаланиш)га ҳақ тўлаш харажатлари қопланади.

Меҳмонхоналарни люкс-номерларида яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда турар жойни олиш бўйича ҳақ тўлаш ушбу турар жой қийматининг 70 фоизигача миқдори бюджет маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Турар жойни ижарага олганлик бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳар бир сутка учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорини 20 фоизи миқдорида қопланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимга шунингдек истисно тариқасида, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, ташкилот раҳбарининг рухсати

билан ҳаво, темир йўл, сув ва умумий фойдаланишдаги автомобил транспортида бағажни олиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

Хизмат сафарига юборилган ходим ўзининг доимий иш жойига ҳар куни қайтиш имкониятига эга бўлса, у ҳолда кундалик харажатлар тўланмайди. Ходимни хизмат сафарига юборилган жойдан ўзининг доимий равишда яшайдиган жойига ҳар куни қайтиши мумкинлиги масаласи хизмат сафарига юборган ташкилотнинг раҳбари томонидан масофанинг узоқлиги, транспорт алоқаси шароити, бажариладиган топшириқнинг туси, ходим учун дам олиш шароитларини яратиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда рухсат берилади.

Хизмат сафари даврида хизмат сафарига юборилган ходим вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолларда, унга умумий асосларда турар жой хонаси ижараси бўйича харажатлар қопланади (хизмат сафарига юборилган ходим стационар даволанишда бўлган ҳоллар бундан мустасно) ва унга соғлиғи ҳолатига кўра зиммасига юклатилган хизмат топшириғини бажариш имкониятига эга бўлмаган барча давр мобайнида ёки ўзининг доимий яшаш жойига қайтгунича, лекин икки ойдан кўп бўлмаган муддатга кундалик харажатлар тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиши, шунингдек соғлиғи ҳолати бўйича ўзининг доимий яшаш жойига қайтиш имкониятини йўқлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган давр учун хизмат сафарига юборилган ходимга умумий асосларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланади. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари хизмат сафари муддатига қўшилмайди.

Хизмат сафарига юборилладиган ходимга хизмат сафарига кетишдан олдин муайян миқдорларда кундалик, йўл харажатлари, турар жойни ижарага олиш харажатлари чегарасида пул кўринишидаги бўнак тўланади. Ходим хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида бўнак ҳисоботини тақдим қилиши шарт. Ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда расмийлаштирилган хизмат сафари гувоҳномаси ва хизмат сафарида ҳақиқатда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Монтаж, созлаш ва қурилиш ишларни бажариш учун хизмат сафарига юборилган ходимлар, раҳбарлар ва мутахассисларга кўзда тутилган меъёрлар бўйича икки ой мобайнида кундалик харажатлар тўланади. Икки ойдан ортиқ муддатда хизмат сафарида бўлган вақт учун кундалик харажатлар ўрнига иш ҳақи ёки лавозим маошига тариф ставкасини 50% миқдорида, лекин сутка учун мазкур меъёрдан юқори бўлмаган устама белгиланади.

Қуйидаги ходимлар монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун хизмат сафарига юборилган ҳолларда уларга кундалик харажатлар ўрнига тариф ставкасини ёки лавозим маошини юқорида кўрсатилган миқдорларда устамалар тўланмайди:

- монтаж, созлаш ва қурилиш ишлари амалга ошириладиган жойда ишга олинган;

- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган шартлар асосида бошқа жойга ўтказиш тартибида юборилган;

- меҳнат таътилида бўлган вақтда, шунингдек сабабсиз ҳолда ишга чиқмаган кунларда;

- улар томонидан монтаж, созлаш ва қурилиш ишлари амалга ошириладиган жойдан ташқарида давлат ёки жамоат ишларини бажариш вақтида;

- монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини бажарилиши назоратини амалга ошириш учун хизмат сафарига юборилган.

Кундалик харажатлар ўрнига тариф ставкаси ёки лавозим маошидан фоиз миқдорида иш ҳақиға устама тўлаш ходимни монтаж, созлаш ва қурилиш ишларида иштирок этган ҳар бир календар кун учун амалга оширилади.

Тўлиқ бўлмаган ой учун кўрсатилган устамани ҳисоблашдан аввал устама тўлиқ ой учун белгиланади, сўнгра ушбу сумма мазкур ойдаги календар кунлар сонига бўлинади ва ходимни монтаж, созлаш ва қурилиш ишларида бўлган кунлари сонига кўпайтирилади.

Монтаж, созлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилган ходимлар, раҳбарлар ва мутахассислар бепул турар жой билан таъминланиши мумкин. Бепул турар жой берилмаган ҳолларда, турар жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар кўзда тутилган меъёрлар бўйича қопланади.

Агар касал бўлиб қолган ходим монтаж, созлаш ва қурилиш ишлари олиб борилаётган жойдан ташқарида яшаса, у ҳолда иш ҳақи лавозим маоши ёки тариф ставкасига фоиз миқдоридаги устама тўланмайди.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар хизмат сафарлари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка қатъий амал қилишлари керак ва ушбу мақсадларда сарфланадиган маблағларни тежаш режимига риоя этилишини таъминлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ, хўжалик субъекти раҳбарини қарорига биноан ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимлари учун кўзда тутилган нормадан ортиқча хизмат сафарлари харажатлари фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага ва жисмоний шахсни солиқ солинадиган даромадига кўшилади.

Хизмат сафарларига маблағларни сарфлаш устидан назорат молия органлари томонидан амалга оширилади.

**Чет эл сафар хизмати харажатлари ҳисоби.** Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари ЎЗР ташқарисига хизмат сафарига

юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида низом мавжуд.

Мазкур Низом ЎзРнинг Бюджет кодекси, ЎзР Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори, ЎзР ВМнинг 1999 йил 9 сентябрдаги 417-сон “Вазирликлар, идоралар ва бошқа республика органлари ходимларининг чет эл хизмат сафарларига боришини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2001 йил 27 июлдаги 321-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорларига мувофиқ вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари ЎзР ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибини белгилайди.

Хизмат сафари харажатларига қуйидагилар киради:

- суткалик харажатлар;
- яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар;
- транспорт харажатлари;
- вакиллик харажатлари;
- кўзда тутилмаган харажатлар;
- мазкур Низомга мувофиқ қопланиши лозим бўлган хизмат сафарининг бошқа харажатлари.

ЎзР ташқарисига хизмат сафарларига юборилганда суткалик харажатлар ва яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар хорижий валютада меъёрлар асосида тўланади.

Хизмат сафарига юбориладиган айрим тоифадаги шахсларга хорижий валютадаги суткалик харажатлар меъёрларига мувофиқ белгиланадиган устамалар тўланади.

Суткалик харажатлар хизмат сафаридagi ҳар бир кун, жумладан жўнаб кетиш ҳамда қайтиб келиш куни учун, белгиланган меъёрларнинг 100 фоизи миқдорида хорижий валютада тўланади.

Жўнаб кетиш ҳамда қайтиб келиш куни ЎзРнинг давлат чегарасини кесиб ўтиш куни ҳисобланади.

ЎзР давлат чегарасини кесиб ўтиш куни хизмат сафарига юборилган шахснинг паспортида ЎзР чегара-назорат пунктлари қўйган белгиси бўйича аниқланади.

Ҳаво транспортида учиб кетилганда, агар хорижий давлатга етиб бориш санаси халқаро авиарейснинг ЎзР аэропортидан учиб кетган санасидан кейингисига тўғри келган ҳолларда (авиачиптага асосан), жўнаб кетиш куни учун суткалик харажатлар берилмайди.

Ҳаво транспортида учиб келганда, агар ЎзРга етиб келиш санаси халқаро авиарейснинг хорижий давлатининг аэропортидан учиб кетган санасидан кейингисига тўғри келган ҳолларда (авиачиптага асосан) қайтиб келиш куни учун суткалик харажатлар берилмайди.

Ходим икки ва ундан ортиқ хорижий давлатга хизмат сафарига юборилганда (жумладан транзит ҳолатида ҳам) бир хорижий давлатдан бошқа хорижий давлатга ўтиш куни учун суткалик харажатлар, ходим қайси хорижий давлатга ўтаётган бўлса, шу хорижий давлатнинг суткалик харажатлар меъёрларининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Жойлашган мамлакат доирасида хизмат сафарига жўнатиладиган хорижий муассасалар ходимлари, шунингдек хорижга ишга юбориладиган ходимлар учун; хорижда 60 суткадан ортиқ (61-кундан бошлаб) хизмат сафарига бўладиган ходимлар учун суткалик харажатлар меъёрлари белгиланган меъёрлар бўйича суткалик харажатлар тўлови:

хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, ЎзР ташкилотларининг хориждаги ваколатхоналарининг ходимлари борган мамлакатлари ҳудудида хизмат сафарига бўлганларида;

хорижда узлуксиз 60 суткадан ортиқ (61-кундан бошлаб) хизмат сафарига бўлганларга нисбатан амалга оширилади.

Агарда юқорида кўрсатилган ходимлар хизмат сафари муддати давомида бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга ўтса, уларга суткалик харажатлар белгиланган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда ЎзРдан ташқаридаги мамлакатларга борувчилар учун суткалик харажатлар меъёрлари белгиланган меъёрлар бўйича хорижий валютада тўланади.

Хорижга хизмат сафарига борадиган ходимлар борадиган давлатларида қабул қилувчи томон ҳисобидан бепул овқат (нонушта, тушлик, кечки овқат) билан таъминланган ҳолларда суткалик харажатлар хизмат сафарига юборилган шахснинг шахсий эҳтиёжларини қоплашга бошқа харажатлар учун суткалик харажатлар меъёрининг 30 фоизи миқдорида тўланади.

Қабул қилувчи томон бепул овқатланишдан ташқари ходимнинг шахсий эҳтиёжлари учун маблағлар билан таъминлаган тақдирда жўнатувчи томон суткалик харажатларни (бошқа харажатларни) тўламайди.

Ўқувчилар, талабалар ва муддатли ҳарбий хизмат аскарлари ўқишга юборилганда таклиф қилувчи томон уларни овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат) билан таъминлаганда жўнатувчи томон суткалик харажатлар меъёрининг 15 фоизи миқдорида суткалик харажатлар (бошқа харажатлар) тўлайди.

Қабул қилувчи томон овқатланиш ва бошқа харажатларни қоплаш учун берган маблағлар суммаси мазкур Низом билан белгиланган суткалик харажатлар меъёридан кам бўлса, хизмат сафаридан қайтиб келиб бўнак ҳисоботи топширилганида ташкилотнинг раҳбари қарори билан хизмат сафарига бориб келган ходимга тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ ортиқча пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, қабул қилувчи томон тўлаб берган маблағлар ва ЎзРда амалдаги суткалик харажатлар меъёрлари ўртасидаги тафовут суммаси қопланади.

Яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар белгиланган энг юқори меъёрлар ва уларга ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланган қўшимча тўловлар билан, агарда улар раҳбар томонидан

белгиланган бўлса, ушбу харажатлар кейинчалик тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши шарти билан белгиланган меъёрларнинг 100 фоизи миқдорида хорижий валютада тўланади.

Яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатларнинг якуний ҳисобкитоби хизмат сафарига юборилган шахс томонидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар бўйича, бироқ қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган меъёрлардан ортиқча бўлмаган миқдорда, агар улар ташкилот раҳбари томонидан белгиланган бўлса, амалга оширилади.

Бунда яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар хизмат сафарининг айрим кунлари учун ортиқча харажатларни ҳисобга олмасдан, ҳар бир сутка учун тўланади.

Хизмат сафари харажатлари учун бўнак ҳисобланганида яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) қўшимча маблағлар ташкилот раҳбари қарори бўйича таклиф этувчи ташкилот, чет элдаги дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасалари томонидан тақдим этилган хизмат сафарига юборилган мамлакатдаги яшаш учун мақбул меҳмонхона нархлари бўйича маълумот ёхуд тасдиқланган меъёрлар доирасида меҳмонхоналар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи маълумот асосида кўзда тутилади.

Суткалик харажатларга устамалар олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларга яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) маблағлар мазкур мақсадлар учун белгиланган меъёрлардан қатъи назар, ҳақиқий харажатлар миқдорида тўланади.

Суткалик харажатлар меъёрига устама олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Ҳукумат делегацияси таркибида кетаётган ходимларга алоҳида ҳолларда ЎзР ВМнинг қарорига кўра, белгиланган меъёрлардан қатъи назар, яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) маблағлар бир кишилиқ меҳмонхона хонасининг қиймати бўйича ҳақиқий харажатлар миқдорида тўланади.

Суткалик харажатларга устамалар олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларга яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) белгиланган меъёридан ортиқ бўлган қўшимча маблағлар хизмат сафари харажатларига ажратиладиган бўнак суммасига киритилиши мумкин.

Тасдиқланган меъёрдан ортиқ бўлган яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) қўшимча маблағлар ЎзР ВМнинг қарори асосида ЎзР ВМнинг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан хизмат сафарига юбориш бўйича харажатлар сметасининг лойиҳаси тайёрланаётганда хизмат сафари учун жавобгар бўлган ташкилот томонидан таклиф этувчи ташкилот, чет элдаги дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасалари томонидан тақдим этилган хизмат сафарига бориладиган мамлакатдаги меҳмонхоналар нархлари бўйича ҳужжатлардаги маълумот асосида кўзда тутилади.

ЎзР Молия вазирлиги харажатлар сметаси лойиҳасини келишаётганда тақдим этилган асослантурувчи ҳужжатларга мувофиқ яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдордаги маблағларни кўзда тутати. Бунда, ушбу маблағларни ажратиш зарурияти бўйича якуний қарор ЎзР ВМ томонидан қабул қилинади.

ЎзР ВМнинг қарорлари асосида хизмат сафарида бўлганда яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) қўшимча харажатлар делегация раҳбари қарори бўйича асосланган сабабларга кўра (хизмат сафари муддати узайтирилиши, авиарейс ушланиб қолиниши ва бошқалар) кўзда тутилмаган харажатларга ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Асосланган сабаблар мавжуд бўлганда (меҳмонхоналар мавжуд эмаслиги, меҳмонхонада яшаш нархининг белгиланган меъёрлардан ошиб кетиши, меҳмонхона бўлмаган яшаш жойини ижарага олиш нархининг пастлиги ва бошқалар) хизмат сафарига юборилаётган ходимларга яшаш жойи жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган яшаш жойини ижарага олиш шартномаси асосида жисмоний шахсда (меҳмонхонада эмас) яшашига ташкилотлар раҳбарлари томонидан рухсат берилиши мумкин (яшаш жойини ижарага берувчи тўловни қабул қилганлигини тасдиқлаган ҳолда). Бунда яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар турар жой ижараси бўйича харажатлари тўловининг энг юқори меъёри белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги керак.

Овқатланиш ва бошқа шахсий хизматлар (мини-бар, кабель телевиденияси, кийимларни ювдириш ва дазмоллатиш ва бошқалар) учун харажатлар суммаси, шу жумладан яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) тўлов ҳисобварақларига киритилган харажатлар хизмат сафарига юборилган шахс томонидан суткалик харажатлар ҳисобидан тўланади ва алоҳида қопланмайди.

Суткалик харажатларга устамалар олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларга чойшаб ва кийимларни ювдириш ва дазмоллатиш бўйича харажатлар қопланади.

Қабул қилувчи томон бепул турар жойни тақдим этганда ёки унинг ижараси учун харажатни қоплашга тегишли пул компенсациясини тўлаган ҳолларда, хизмат сафарига юборилган шахсга яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) маблағлар тўланиши амалга оширилмайди.

Агар семинар, спорт мусобоқалари, конференция ва бошқа тадбирлар ташкилотчилари томонидан ушбу тадбирлар давомида амалга ошириладиган харажатларнинг (яшаш, овқатланиш, йўл ва бошқа харажатлар) ўз меъёрлари белгиланган ҳолларда, ушбу мақсадлар учун маблағлар ўрнатилган меъёрлардан ошмаган ҳолда ташкилотчилар белгилаган меъёрлар бўйича ажратилади.

Транспорт (таксидан ташқари) харажатларини қоплаш учун маблағлар ҳақиқий харажатлар бўйича уларни тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши шарти билан тўланади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг хизмат сафарига юбориладиган ходимлари ҳаво транспортида борганларида устувор "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК рейсларидан фойдаланишлари лозим.

Транспорт харажатларини қоплаш учун маблағлар Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг хизмат сафарига юбориладиган ходимларига қуйидагича тўланади:

хизмат сафарига юбориладиган шахслар - ташкилот раҳбарларига:

- ҳаво транспортда - 1-бизнес ёки иқтисодий класс тарифлари бўйича;

- темир йўл ва сув транспортда - 1-класс тарифи бўйича;

- хизмат сафарига юбориладиган шахслар - ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарларига.

Бош консуллар - алоҳида хориждаги консуллик муассасаси раҳбарларига:

- ҳаво транспортда - бизнес ёки иқтисодий класслар тарифи бўйича;

- темир йўл ва сув транспортда - 1-класс тарифи бўйича;

бошқа барча хизмат сафарига юбориладиган шахсларга:

- ҳаво транспортда - иқтисодий класс тарифи бўйича;

- темир йўл транспортда - 2-класс тарифи бўйича;

- сув транспортда - сайёҳлик классификацияси бўйича.

Поездларда 2-класс вагонлари, кемаларда эса сайёҳлик классификацияси каюталари бўлмаган тақдирда харажатлар 1-класс тарифи бўйича қопланади.

Осиё ва Африка мамлакатларига темир йўл транспортда бориш қиймати барча ходимларга 1-класс тарифи бўйича қопланади.

ЎзР Элчиси ёки Бош консул - алоҳида хориждаги консуллик муассасаси раҳбари билан бирга оила аъзолари (эр (хотин)и, шунингдек 18 ёшга тўлмаган икки нафаргача фарзанди) кетаётганида уларга ҳам транспорт харажатларини қоплаш учун маблағлар тўланади.

Хорижий давлат ҳудудида аэропорт, вокзал ёки соҳилдан, агар улар аҳоли пунктдан ташқарида ёки бошқа аҳоли пунктида жойлашган бўлса, яшаш жойигача бориш ва орқага қайтиш бўйича тасдиқланган қўшимча йўл харажатлари ҳам қопланади.

Айрим ҳолларда Ҳукумат делегацияси, ҳамда катта ҳажмдаги спорт анжомларига эга бўлган спортчилар делегациясига хорижий давлат ҳудудида юриш учун автомобилни ижарага олишга йўл қўйилади.

Шаҳар ичидаги транспортдан фойдаланганлик учун харажатлар ходимга суткалик харажатлар таркибида қопланади.

Тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ЎзР ташқарисига хизмат сафаридаги транспорт харажатлари қопланиши амалга оширилмайди.

Вакиллик харажатларига вакилларнинг (қатнашчиларнинг) расмий қабули (нонушта, тушлик ёки шунга ўхшаш тадбирлар)ни ўтказиш, уларнинг транспорт таъминоти, музокаралар вақтида буфет хизматларини кўрсатиш, ташкилот штатида бўлмаган таржимон хизматида ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари бўлганда вакиллик харажатлари давр харажатларига киритилади, уларда расмий қабулни ўтказиш учун асос, санаси ва жойи,

таклиф қилинган шахслар ва қатнашчилар сони, уларнинг транспорт таъминоти, музокаралар вақтида буфет хизматларини кўрсатиш, таржимон хизматига ҳақ тўлаш, вакиллик харажатларининг хорижий валютадаги суммаси кўрсатилган бўлиши лозим.

Кўзда тутилмаган харажатларга рейснинг кечикиши ёки ўзгариши, делегация раҳбари қарорига кўра маршрутнинг, сафар дастурининг ўзгартирилиши ва бошқа форс-мажор ҳолатлар билан боғлиқ харажатлар киради.

Ҳукумат номидан музокаралар олиб бориш, битимларни имзолаш мақсадида халқаро ташкилотларнинг мажлисларида, съездларида, ассамблеяларида иштирок этиш учун ЎзР ташқарисига кетаётган Ҳукумат делегациялари учун ЎзР ВМнинг қарорига кўра вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатларга ҳам маблағлар ажратилади.

Кўрсатилган харажатлар 1000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда кўзда тутилади ва Ҳукумат делегацияси аъзоларидан бирига ҳисобот топшириш шарти билан берилади.

Кўзда тутилмаган ва вакиллик харажатлари миқдори ЎзР ВМнинг қарорига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Ташкилотлар вакиллик харажатларига бериладиган маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар. Хорижий валютада олинган вакиллик харажатлари суммаларини миллий валютага қайта ҳисоблаш маблағлар берилган кундаги ЎзР МБининг расмий курси бўйича амалга оширилади.

Йўл, яшаш учун (турар жой ижараси бўйича), суткалик, вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатлардан ташқари ҳужжатлар билан тасдиқланган қўйидаги харажатлар ҳам қопланади:

- виза олиш бўйича;
- вақтинчалик прописка (рўйхат олинганлик) учун;
- борган мамлакатда хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш чоғида йиғимлар (фоизлар, комиссиялар)ни тўлаш бўйича;
- килограммгача бўлган юк олиб кетиш учун тўлов (ходим бораётган транспорт турида бепул юк олиб кетиш меъёридан ортиқчасига);
- аэропорт, суғурта (фақат бораётган мамлакатига кириш учун мажбурий бўлган суғурта турлари), божхона ва воситачилик йиғимлари (кўргазмалар, тақдимотлар, конференциялар ва гастроллар ўтказилганда);
- конференция, спорт мусобақалари қатнашчиларини рўйхатга олиш йиғимлари, спорт анжомларини ижарага олиш;
- пуллик тўхташ жойлари хизматларини тўлаш, автобензин харид қилиш, юкни транспортда жўнатиш (фақат хизмат сафарига юборилган ҳайдовчилар учун) тўловлари бўйича;
- МДҲ мамлакатларига борадиганлар - 20 фоиз ва ундан ортиқ устамаси мавжуд шахслар учун ЎзР ВМнинг қарорлари бўйича "VIP" заллари орқали хизмат кўрсатиш;

- хизмат сафарига жўнатилган шахсларга фавқулодда, қолдириб бўлмайдиган ҳолатларда кўрсатилган тиббий хизматларни тўлаш бўйича;

- ҳужжатлар билан асосланган хизмат сафари бекор қилиниши, йўл маршрути ёки хорижий давлатда бўлиш муддатлари ўзгариши сабабли йўл чипталарини қайтариб бериш, алмаштириш ёки улардан фойдаланмаслик билан боғлиқ жарималар ёки қўшимча харажатларни тўлаш бўйича.

Тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда тегишли хизмат сафари харажатлари қопланмайди.

Ташкилотларнинг раҳбарлари хизмат сафари харажатлари меъёрларига қўшимча тўловлар миқдорини мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунда кўрсатилган қўшимча тўловларни тўлаш ташкилотда хорижий валютадаги кредитларни (ЎЗР томонидан қафолатланган ҳамда қафолатланмаган) сўндириш мажбуриятларидан, импорт контрактлари бўйича (товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича) чет эллик ҳамкорга тўловлардан ва ЎЗРнинг Давлат бюджети олдидаги мажбуриятлардан озод бўлган ўзининг валюта маблағлари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Агарда қўшимча тўлов тўлашни белгилаган ташкилот юқорида келтирилган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар учун хорижий валютани ички валюта бозоридан сотиб олган бўлса, кўрсатилган қўшимча тўловларни тўлаш амалга оширилмайди.

Суткалик харажатлар ва яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар меъёрларидан ортиқ қўшимча тўловлар қоплаш кўйидагича амалга оширилади:

- бюджет ташкилотларида - уларни сақлаш учун харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар ҳисобидан;

- бошқа ташкилотларда - суткалик харажатлар ва яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар меъёрларидан ортиқ қўшимча тўловлар ташкилотларнинг харажатларида ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган харажатлардан ташқари, хизмат сафарига юборилган шахсга ишлаб чиқариш мақсадларида сарфланган қўшимча харажатлар қопланиши мумкин. Ушбу харажатлар фақат хизмат сафари топшириқларини бажариш учун зарур бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида қопланиши мумкин.

Ходимнинг музокараларнинг бориши ва бошқалар тўғрисида ташкилот раҳбариятига ахборот бериш мажбурияти хизмат сафари режа-топшириғида кўзда тутилган бўлиши лозим.

Хизмат сафарининг хусусияти бирор-бир қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари (телефон сўзлашувлари, юкни олиб кетиш, ҳужжатлардан нусха кўчириш ва бошқалар) заруриятини назарда тутганида, ташкилот раҳбари томонидан ходимни хизмат сафарига юборишдан олдин ушбу харажатларни қоплаш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) чиқарилади.

Ходимни хизмат сафарига юбориш учун ташкилот раҳбари томонидан буйруқ чиқарилади ва хизмат сафари режа-топшириғи тасдиқланади.

Хизмат сафарига юбориладиган шахсга хорижий валютада бўнак берилиши лозим.

ЎзР ВМнинг қарори бўйича ЎзР ВМнинг заҳира жамғармаси ҳисобидан кетаётган делегация ёки алоҳида шахс хизмат сафарини ташкил этиш бўйича жавобгар ташкилот хизмат сафари муддатлари ва делегация таркиби кўрсатилган ЎзР Президенти Девони ёки ВМнинг тегишли топшириғи асосида, ЎзР ВМ қарори лойиҳасини харажатлар сметаси билан бирга тайёрлайди ва асослантирувчи ҳужжатларни (хизмат сафарини молиялаштириш қисмида таклиф қилаётган томоннинг ҳужжатлар нусхаси, авиа чипталар нархи бўйича асослар, авиарейслар санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда йўл маршрути, хизмат сафарига юбориладиган мамлакатдаги меҳмонхоналарда яшаш қиймати ва бошқаларни) илова қилган ҳолда ЎзР Молия вазирлигига киритади.

ЎзР Молия вазирлиги ЎзР ВМнинг қарори асосида ЎзР ВМнинг заҳира жамғармаси ҳисобидан хизмат сафарига кетаётган делегация ёки алоҳида шахснинг харажатлар сметаси лойиҳасини кўриб чиқади ва зарурият туғилганда унга ўзгартириш киритади.

ЎзР Молия вазирлиги раҳбарияти билан келишилган харажатлар сметаси лойиҳаси ЎзР ВМнинг қарори лойиҳасини киритган ташкилотга қайтариб берилади.

Талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағидан нақд хорижий валютани олиш учун ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатувчи ваколатли банкларга қуйидаги ҳужжатлар (ёки улардан кўчирма) тақдим этилади:

- хизмат сафари харажатларини қоплаш учун маблағларни бериш ҳақида ариза;

- хизмат сафарига юбориладиган ходимларнинг фамилиялари, исми-шарифининг бош ҳарфлари, хизмат сафарига юбориладиган жой ва хизмат сафарининг муддати кўрсатилган ҳолда хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқ нусхаси;

- ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчии (бухгалтери) томонидан тасдиқланган хорижий валютада олиниши лозим бўлган сумманинг ҳисоб-китоби;

- ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланган хизмат сафари режа-топшириғи;

- таклиф қилаётган томоннинг мазкур сафарни молиялаштириш шартлари (улар мавжуд бўлганда) кўрсатилган хатлари, факслари ва телексларининг нусхалари;

- ЎзР ВМ қарори нусхаси (ЎзР ВМнинг қарори бўйича жўнаб кетаётган шахслар учун).

Бунда ваколатли банк тақдим қилинган ҳисоб-китобнинг мувофиқлиги юзасидан текширувни амалга оширади.

Ташкилотнинг штатида бўлмаган ходимлар учун ташкилотнинг валюта ҳисобварағидан маблағлар берилишига йўл қўйилмайди.

Ташкилотлар ҳисоб рақамларида хорижий валюта бўлмаган тақдирда хизмат сафари харажатлари учун ЎзР Марказий банкининг хизмат сафари маблағлари бериладиган кундаги курси бўйича АҚШ долларига эквиваленти берилишига рухсат этилади.

Ташкилотларда хорижий валютадаги маблағлар бўлмаган тақдирда ташкилотлар хорижий валютани ваколатли банклардан ёки биржадан ташқари валюта бозорида сотиб олишлари мумкин.

ЎзР ВМ қарорлари бўйича кетаётган ташкилотларнинг ходимларига хизмат сафари харажатлари учун хорижий валютани сотиб олиш банклараро савдо сессиясида амалга оширилади.

ЎзР ВМ қарори асосида ЎзР Молия вазирлиги биржадан ташқари валюта бозорида ўрнатилган тартибда ЎзР ВМ заҳира жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий валютани сотиб олади ва хизмат сафарига алоҳида жўнатиладиган шахсга, делегация раҳбарига (унинг расмий вакилига) ёки делегация аъзосига - делегациянинг барча аъзоларига хизмат сафари учун маблағларни хорижий валютада ажратади. Бунда, олдин амалга оширилган хизмат сафари бўйича бўнак ҳисоботни тақдим этмаган ходимларга бўнакни бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилмайди.

ЎзР ВМ қарорида кўзда тутилган миллий валютадаги маблағлар тегишли ташкилотларга ЎзР Молия вазирлиги томонидан ажратилади.

ЎзР ВМа Ҳукумат делегациялари таркибида ташкилот ўзининг миллий валютадаги маблағлари ҳисобидан жўнатилаётган шахсларга хизмат сафари харажатлари учун хорижий валютани сотиб олишга талабнома улар ишлайдиган ташкилотлар томонидан тақдим этилади.

Хизмат сафари харажатлари учун хорижий валютани сотиб олиш учун талабномаларга кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

Хизмат сафари харажатларига солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қабул қилувчи томон ЎзРдан хизмат сафарига юбориладиган ходимга транспорт харажатлари ва бошқа харажатларни (суткалик, яшаш, виза ҳақини тўлаш ва бошқалар) хизмат сафарига юбориладиган мамлакатга етиб келиши билан қоплайдиган ҳолларда, жўнатувчи ташкилот хизмат сафарига кетаётган ходимни чипталарни сотиб олиш, виза ҳақини тўлаш ва бошқалар учун маблағлар билан кейинчалик у ЎзРга қайтиб келганида олинган маблағларни жўнатувчи ташкилотга қайтариб бериш шарти билан таъминлайди.

Бунда, маблағлар қайси валютада берилган бўлса, қайтариб берилиши ҳам шу валютада амалга оширилади.

Хизмат сафари харажатларига берилган маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги бўнак ҳисоботи ташкилот бухгалтериясига хизмат сафаридан қайтиб келингандан кейин уч иш кунидан кечиктирмай бўнак олинган валютада тақдим этилади.

Хизмат сафари натижалари бўйича якуний ҳисоб-китоб ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқий харажатлар бўйича, белгиланган меъёрлар ва

кўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда, бўнак ҳисоботини қабул қилиш кундаги ЎзР Марказий банки курси бўйича амалга оширилади. ЎзР миллий валютаси курсининг хорижий валютага нисбатан ўзгаришидан юзага келадиган курсдаги фарқлар ҳисобда амалдаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

Ҳукумат делегацияларининг хизмат сафарига маблағлар ажратилганида хизмат сафаридан қайтиб келганидан кейин ўн кун ичида делегация раҳбари (ёки ҳисобот берувчи шахс) амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни (ҳисоб, квитанция, йўл чипталари ва бошқалар) илова қилинган ҳолда батафсил бўнак ҳисоботини ЎзР Молия вазирлигига топширади.

Бўнак ҳисоботи ўз вақтида топширилмаган ҳолда, ЎзР Молия вазирлиги хорижий валютада бўнакни олган ходим ишлайдиган ташкилотга бўнак ҳисоботни қисқа муддатда топшириш ва ишлатилмаган хорижий валютадаги қолдиқни қайтариш бўйича тегишли чораларни амалга ошириш зарурияти тўғрисида билдиришнома жўнатади.

Ушбу билдиришномани олган ташкилот зарурият туғилганда қонун ҳужжатлари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ интизомий жазо чораларини кўради.

Бўнак ҳисоботи, шунингдек хорижий валютадаги ишлатилмаган қолдиқни ўз муддатида топширилишини таъминламаган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, бўнак ҳисоботини тақдим этиш ва хорижий валютадаги ишлатилмаган қолдиқни ташкилотнинг маблағлари (бюджетдан ташқари маблағлари) ҳисобидан қопланиши учун жавобгарлик ташкилот раҳбари зиммасига юкланади.

Бўнак ҳисоботида кўрсатиладиган барча харажатлар тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан, шунингдек делегация раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Агарда хизмат сафари харажатлари учун бўнак АҚШ доллариди берилган бўлиб, харажатлар эса хизмат сафарига борилган давлатнинг валютасида амалга оширилган бўлса, хизмат сафарига борилган давлатнинг валютасидаги ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар бўйича бўнак ҳисоботи АҚШ доллари хизмат сафарига борилган давлатнинг валютасига алмаштирилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган курс бўйича қабул қилинади.

Вакиллик харажатлари бўйича алоҳида ҳисобот тузилади. Вакиллик харажатлари бўйича ҳисоботга амалга оширилган харажатлар асосланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Ҳисобот ҳисобот берувчи шахс томонидан имзоланади ва делегация раҳбари томонидан тасдиқланади. Делегация раҳбари бўлмаганда ёки хизмат сафарига алоҳида шахс жўнатилганда ҳисобот ҳисобот берувчи шахс томонидан имзоланади.

Вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатларга ажратилган маблағларнинг ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган ҳолатларда, амалга оширилган харажатларнинг рўйхати кўрсатилган, делегация раҳбари

томонидан тасдиқланадиган ва делегация аъзолари томонидан имзоланадиган далолатнома тузилади. Делегация раҳбари бўлмаганда ёки хизмат сафарига алоҳида шахс жўнатилганда ҳисобот делегациянинг барча аъзолари ёки алоҳида шахс томонидан имзоланади.

ЎзР ВМ қарори асосида амалга оширилган хизмат сафари бўйича бўнак ҳисоботи тақдим этилган пайтда, хизмат сафари учун бўнак берилганида харажатлар сметасида кўзда тутилмаган, тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарти билан, кўзда тутилмаган харажатлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан бошқа харажатлар ҳам ҳисобот учун қабул қилиниши мумкин.

Транспорт харажатлари, яшаш учун (турар жой ижараси бўйича), вакиллик ва кўзда тутилмаган харажатларга берилган хорижий валюта тўлик ёки қисман ишлатилмаган ҳолда сумма (қолдиқ) бўнак ҳисоботи топширилган кундан икки банк куни ичида ташкилотнинг кассасига кейинчалик ваколатли банкка топшириш учун қайтарилиши керак.

Агарда хорижий валюта ЎзРнинг ички валюта бозорида сотиб олинган ҳолларда, ташкилот бир вақтнинг ўзида ваколатли банкка белгиланган тартибда ишлатилмаган валюта маблағларини сотишга талабнома тақдим қилади.

ЎзР ВМнинг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан олинган хорижий валютадаги ишлатилмаган қолдиқ делегация раҳбари (унинг расмий вакили) ёки делегация аъзоси томонидан қайтарилади.

Хизмат сафарига борган шахс хизмат сафари харажатлари учун нақд хорижий валютада берилган бўнак бўйича ҳужжатлар билан тасдиқланган ортиқча харажатга йўл қўйганда, хизмат сафарига юборилган шахс олдидаги қарз суммаси нақд хорижий валютадаги тегишли суммани бериш йўли билан қопланади. Ташкилот хорижий валютадаги маблағларга эга бўлмаса, хизмат сафарига юборилган шахснинг розилиги билан унинг олдидаги хорижий валютадаги қарздорлик бўнак ҳисобот топширилган кундаги ЎзР МБининг курси бўйича миллий валютадаги эквивалентда қопланиши мумкин.

Хизмат сафарига жўнатилган шахс олдидаги қарздорлик суммаси ўрнатилган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Ҳукумат делегация таркибида хизмат сафарига жўнатилган шахсда ортиқча харажатлар мавжуд бўлса, ЎзР Молия вазирлиги томонидан тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бўнак ҳисоботни қабул қилиниши ва тегишли нақд хорижий валютадаги ва миллий валютадаги сумма берилиши тўғрисидаги қарор делегация раҳбари ёки бўнак ҳисоботни топширувчи ходим ишлайдиган ташкилот тақдимномаси бўйича ЎзР ВМ томонидан қабул қилинади.

ЎзР ВМнинг тегишли қарори бўлмаган ҳолатда бўнак ҳисоботи мавжуд бўлган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қабул қилинади, ортиқча харажатлар суммаси ташкилотнинг маблағлари (бюджетдан ташқари маблағлари) ҳисобидан қопланади.

Ходимларга ортикча харажатларни қоплаш учун ташкилотлар ҳисобварақларидан маблағларни олиш учун ташкилотлар хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- маблағларни бериш ҳақида ариза;
- ташкилот раҳбари ва (ёки) бош ҳисобчи (бухгалтер) томонидан тасдиқланган хизмат сафарига жўнатилган шахснинг бўнақ ҳисоботи;
- хизмат сафарига жўнатилган шахснинг ЎзРдан ташқарисидаги харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;
- қопланиши лозим бўлган сумма ҳисоб-китоби.

Мазкур бандга мувофиқ ҳужжатлар тақдим этилмаганда, шунингдек сўралган сумма ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасига тўғри келмаган ҳолатда хизмат кўрсатувчи ваколатли банк томонидан ташкилотларнинг ҳисобварақларидан маблағлар берилиши амалга оширилмайди.

Сарф қилинган харажатларнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги учун жавобгарлик делегация раҳбарига ва ҳисобот берувчи шахсга юклатилади.

### **7.7. Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Корхона ходимлари билан меҳнат ҳақи бўйича, ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблардан ташқари барча турдаги ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”;

4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”.

4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағида корхона ходимларига кредитга берилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Кредитга товар сотиб олган шахслар ишлайдиган корхоналар товарлар қиймати суммасини савдо ташкилотларига банк кредити ҳисобига қоплаши мумкин. Банк томонидан тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўланганда 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағи 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ҳисобварақлари билан боғланган ҳолда дебетланади. Корхона ходимларидан навбатдаги тўловларни ушлаб қолишда 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” ҳисобварағи 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда дебетланади, сўнг эса ушлаб қолинган сумма банк кредитини тўлаш учун 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ҳисобварағининг

кредитдан 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳисобварақларининг дебетига ўтказилади.

Ўзининг ходимлари томонидан кредитга сотиб олган товарлар бўйича қарзларини қоплашда банк кредитларидан фойдаланмайдиган корхоналар, ушбу ходимлар берган топшириқ-мажбуриятларига асосан уларнинг меҳнат ҳақи суммасидан навбатдаги тўловлар ушлаб қолинганда 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” ҳисобварағи турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6900) билан боғланган ҳолда (савдо корхоналарининг шахсий ҳисобварақлари бўйича) дебетланади. Ушлаб қолинган сумманинг савдо корхоналарига ўтказиб берилишига қараб, турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (6900) пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда дебетланади.

4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағида корхона ходимларига берилган қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади (масалан, якка тартибда уй-жой қуришга ва бошқаларга).

4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағининг дебетида ходимларга берилган қарз суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Агар маблағлар корхонага берилган кредит ҳисобидан бевосита банк томонидан (бу маблағларни олдиндан корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказмасдан) ходимларга берилса, бунда 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағининг дебетида 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ҳисобварақлари билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилади.

Қарздор ходимлардан келиб тушган тўловлар суммасига 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағи (қабул қилинган тўловлар тартибидан келиб чиққан ҳолда) 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”, 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”, 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” ҳисобварақлари билан боғланган ҳолда кредитланади.

Банк кредитларини қоплаш 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”, 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳисобварақларининг дебетида ва банкка тегишли бўлган сумма ўтказилган пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағида корхона ходими томонидан пул маблағлари ва товар-моддий қийматликларнинг камомади ва талон-тарож қилиниши, яроқсизлик натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек бошқа турдаги зарарларни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағининг дебетида айбдор шахслардан ундириб олинadиган суммалар

товар-моддий захиралар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағининг кредитида, тўланган тўловлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва моддий зарарни қоплаш учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолиндиған суммага 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилади.

4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари” ҳисобварағида 4710 - 4730 ҳисобварақларида акс эттирилмаган корхона ходимлари билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Бошқа операциялар бўйича ходимларнинг қарзини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4700) бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

Қуйида ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Савдо корхоналари томонидан ходимларга кредитга сотилган товарлар учун ўтказиб берилди:

Д 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5510 “Аккредитивлар” ёки

К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

2) Кредитга олинган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи учун банк кредитлари олинди:

Д 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”

К 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ёки

К 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари”.

3) Кредитга олинган товарларнинг тўлови учун ходимлардан келиб тушган навбатдаги тўловлар суммаси:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”.

4) Кредитга олинган товарлар учун ходимларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинган тўловлар:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”.

5) Ходимларга берилган қарзлар суммаси:

Д 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки  
К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
К 5510 “Аккредитивлар” ёки  
К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки  
К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

6) Яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар моддий зарарни юзага келтирган айбдор шахслар ҳисобига ҳисобдан чиқарилди:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”.

7) Асосий воситалар ва номоддий активларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундириладиган суммалар:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

8) Қимматли қоғозларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундириладиган суммалар:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки  
К 5800 “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

9) Товар-моддий қийматликларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундириладиган суммалар:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки  
К 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ёки  
К 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки  
К 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

10) Инвентаризация натижасида кассадаги пул маблағлари ва пул эквивалентларининг камомади:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки  
К 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари” ёки  
К 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”.

11) Ходимларга пул эквивалентлари берилди:

Д 4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”  
К 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)”.

12) Бошқа операциялар бўйича ходимларнинг қарзи зарарга ҳисобдан чиқарилди, агар ундирилиши суд томонидан рад этилган бўлса:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”.

### **7.8. Ходимларга меҳнат ва иш ҳақи тўлашлар ва бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари**

Жисмоний шахслар фойдасига ҳисобланган иш ҳақидан корхоналар жисмоний шахслар даромадидан 12% ставка бўйича солиқ тўлайдилар. Бироқ, ушбу бўлимда жисмоний шахслар фойдасига амалга ошириладиган алоҳида тўловларни солиққа тортишнинг фақат айрим жиҳатларини кўриб чиқилади.

Фойдани солиққа тортиш мақсадлари учун иш сафарлари бўйича харажатлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг бир қисми сифатида ҳисобга олинади.

Солиқни ҳисобга олиш мақсадлари учун муайян жойга бориш ва қайтиш учун хизмат сафари харажатлари ходимга тўлиқ қопланади. Ходимга хизмат сафари жойига ва орқага қайтиш учун тўланадиган, ҳужжатлаштирилмаган харажатлар фойдани солиққа тортиш мақсадлари учун ҳисобга олинмайди.

Солиқ ҳисоби мақсадларида ҳужжатлар билан тасдиқланган турар-жой биноларини ижарага олиш харажатлари ҳақиқатда қилинган харажатлар миқдорида қабул қилинади.

Хизмат сафари йўл кира харажатлари боиб келиш учун, ҳамда турар жой ижараси бўйича тўланган ҚҚС суммаси муайян шароитларда бюджет билан ҳисоб-китобларда чегириб ташланади. Корхона вақти-вақти билан ҳисобдор суммаларнинг инвентаризациясини ўтказиб туриши керак, ва берилган бўнақлар бўйича ҳисоботларни мақсадли ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда текширилиши керак.

Корхоналар ходимларнинг турар-жой биноларини сотиб олиш ва (ёки) қуриш учун кредитлар (кредитлар) бўйича фоизларни тўлаш харажатларини меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг бир қисми сифатида ҳисобга олишлари мумкин.

Меҳнат кодексининг 173-моддасига мувофиқ иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўланиши лозим. Ана шу харажатларни тўлашнинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

4700 “Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағида ташкилотнинг ходимларга турли

компенсациялар тўлаш бўйича харажатларининг алоҳида ҳисоби юритилиши мумкин. Масалан, шахсий автомашиналарни корхона манфаатлари учун фойдаланишда харажатни компенсация қилиш учун махсус ҳисобрақам очиш мумкин 4791 “Шахсий енгил автомашиналарни корхона манфаатлари учун фойдаланиш”.

Фойда солиғи мақсадлари учун бу харажатлар ташкилотнинг бошқа операцион харажатлар таркибида, ЎзР ҳукумати томонидан белгиланган меъёрларда, ҳисобга олинади.

Компенсация миқдорини аниқлаш учун шахсий автомобилларни ташкилот манфаатларига фойдаланиш учун компенсация тўловлари Тартиби тўғрисидаги ЎзР ВМ қарори 1999 йил 2 апрелда № 154 3-сонли иловаси бўйича инобатга олиш керак. Ушбу Тартибда тўлов меъёри чегараси белгилаб қўйилган.

2010 йилда автомобил маркасига қараб иш ҳақини бир неча минимал миқдоридан келиб чиқиб, компенсация суммаси белгиланган эди. Компенсация миқдори қуйидагича эди:

ГАЗ-24, 31 - 6 ИХМР;

ВАЗ, Нексия, Москвич - 5 ИХМР;

Тико - 3 ИХМР;

Бошқа русумдаги хорижий автомашиналар - 4 ИХМР.

Бу ерда кўрсатилмаган автомашина маркаларига, бир ойга бўладиган ёқилғи-мойлаш материаллари, техник хизмат кўрсатиш, амортизация суммаси харажатларини ҳисобга олган ҳолда, корхона компенсация суммасини ходимнинг розилиғи билан мустақил равишда ўзи белгилар эди.

2011 йилдан бошлаб 2010 йил 24 декабрда № ПФ-1449 Президент қарори билан (№ 32 илова) автомобил двигатели қуввати бўйича (автомашина маркасидан боғлиқ бўлмаган ҳолда) компенсация тўловлари чегараси белгилаб берилди:

100 от кучидан юқори бўлган – бир ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,5 баробари;

70 дан 100 от кучигача – 3,5 баробар;

70 от кучигача – 2,0 баробар.

Двигател қуввати автомобилнинг техник маълумотлари асосида аниқланади, бу маълумот завод-ишлаб чиқарувчининг техник паспортида кўрсатилади. Ходим – шахсий автомобилига компенсация олиш учун бухгалтерияга техник паспортини нусхасини бериши шарт. Масалан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналар қуйидаги двигател қувватига эга (от кучи ҳисобида):

Matiz		Epica		Spark		Nexia	
M, MX	BEST	LS	LT	L, LS	LT	SOHC 1.5	DOHC 1.6
49	62	143	156	68	81	75	108

Captiva LTZ (AT)	Lacetti	Damas	Tico
230	121	38	41

Россияда ишлаб чиқарилган айрим автомашиналарнинг двигател қуввати от кучи ҳисобида қуйидагидан иборат:

ВАЗ		ГАЗ		Москвич	
2107	2110	Нива	31	24	407 1.4
72	69	80	150	98	45

Масалан, агар базавий миқдор 223 000 сўм бўлса, Lacetti автомолига бир ойда фойдаланиш учун тўланадиган товон пули 1 003 500 (223 000 x 4,5) сўмни ташкил этади.

Корхона ўз имкониятларидан келиб чиқиб, товон пулини меъёрдан ортиқ тўлаши мумкин. Лекин, бундай ҳолатларда ҳам корхона учун (фойда солиғи бўйича) ҳам товон олувчи учун (жисмоний шахсларни даромадидан солиқ бўйича) солиққа тортиш объект пайдо бўлади. Меъёрдан ортиқча тўлов харажатлари, фойдани солиққа тортиш даромадидан, чегириб ташланмайдиган харажат ҳисобланади (ЎЗР Солиқ кодекси 317 модда 22 банд). Меъёр доирасидаги сумма чегириб ташланадиган харажат ҳисобланади (ЎЗР СК 305 модда) ва ходимнинг даромади ҳисобланмайди (ЎЗР СК 369 модда 6 банд).

## **7.9. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

### **№ 1-мисол.**

Меҳнат таътили бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Ходимга 2019 йил 1 сентябрдан 20 сентябргача 15 календар кун муддат билан таътил берилди, деб фараз қилайлик.

Ҳисоб-китоб даврининг барча ойларида ходим тўлиқ ишлаган ва унга хар ойда 3 000 000 сўм тўланган. Шунингдек, 2019 йилнинг январ ойида ходимга 2018 йил иш якунлари бўйича 6 000 000 сўм миқдорида бир марталик мукофот пули тўланган, 2019 йилнинг июл ойида эса 3 000 000 сўм миқдорида, ташкилот ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, мукофот тўланди.

### **Ечим**

Ҳисоб-китоб даври учун меҳнат таътили суммаларини ҳисоблаш учун ходимнинг таътилидан олдинги 12 календар ойни ўз ичига олиши керак.

Шундай қилиб, ушбу давр мобайнида ходимга 45 000 000 сўм (3 000 000 x 12 + 6 000 000 + 3 000 000) миқдорида меҳнат ҳақи ҳисобланган.

Ходимнинг таътил давридаги ўртача кунлик даромадини (ЎҚД) ҳисоблаш қуйидаги формула билан амалга оширилади:

$$\text{ЎҚД} = \text{таътилдан олдинги 12 календар ой учун ҳақиқий}$$

тўловлар миқдори / (25,4 \* 12),

бу ерда:

25,4 – календар кунларининг ўртача ойлик сони (доимий);

12 – ҳисоблаш давридаги календар ойлар сони (ҳақиқатда олинган).

Ҳисоб-китоб даври учун ўртача кунлик даромад бўлади:

$(36\ 000\ 000\ \text{сўм} + 6\ 000\ 000\ \text{сўм} + 3\ 000\ 000\ \text{сўм}) / 304,8 = 147\ 637,80$

сўм.

Меҳнат таътили суммаси: 2 214 567 сўм бўлади. (147 637,80 сўм \* 15 календар кун).

Бу ҳолда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатучи хўжаликлар” ёки

Д 9410 “Сотиш харажатлари” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар” ёки

Д 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” - ишлаб чиқариш ёки бошқарув харажатлари ёки олдиндан ҳисобланган резерв ҳисобидан таътил суммалари ҳисобланди.

## **№2-мисол.**

Ходимга 2019 йил 1 сентябрдан 20 сентябргача 15 календар кун муддат билан таътил берилади деб фараз қилайлик. Ҳисоб-китоб даврида ходим тўлиқ ишламаган: ҳисоб-китоб даврининг 11 оyi тўлиқ ишланган ва 2019 йил июнида ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган (касаллик) ва 12 календар куни ишлаган (2019-йил 1-июндан 12-июнгача).

Шу билан бирга тўлиқ ишлаган ойларда ходимга ойига 3 000 000 сўм, 2019 йилнинг июн ойида эса 2 000 000 сўм тўланган.

Шунингдек, 2019 йилнинг январ ойида ходимга 2018 йил иш якунлари бўйича 6 000 000 сўм миқдорида бир марталик мукофот пули тўланган, 2019 йилнинг июл ойида эса 3 000 000 сўм миқдорида, ташкилот ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, мукофот тўланди.

## **Ечим**

Таътиллар муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ ой миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, ўн беш календарь кундан ками эса чиқариб ташланади.

Ҳисоб-китоб даври учун ўртача кунлик даромад бўлади:

$\text{ЎҚД} = \text{таътилддан олдинги 11 календар ой учун ҳақиқий}$

тўловлар миқдори / (25,4 \* 11),

(33 000 000 сўм + 6 000 000 сўм + 3 000 000 сўм) / 279.4 = 150 322,12 сўм.

Меҳнат таътили суммаси: 2 254 831 сўм бўлади. (150 322,12 сўм\* 15 календар кун).

Бу ҳолда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатучи хўжаликлар” ёки

Д 9410 “Сотиш харажатлари” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар” ёки

Д 8910 “Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” - ишлаб чиқариш ёки бошқарув харажатлари ёки олдиндан ҳисобланган резерв ҳисобидан таътил суммалари ҳисобланди.

### **Назорат саволлари**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай турлари мавжуд?
2. Ходимларнинг қўшимча меҳнат ҳақи қандай ҳисобланади?
3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари ва тизимлари мавжуд?
4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий элементлари нималардан иборат.
5. Меҳнат унумдорлигини рағбатлантириш борасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг қайси ишбай шакллари энг яхши ҳисобланади?
6. Корхонада ходимларнинг иш ҳақидан ушланмаларнинг қандай турлари амалга оширилиши мумкин?
7. ЎзР меҳнат кодексида назарда тутилган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг товон пули ва рағбатлантирувчи турларини айтиб беринг.
8. Яроқсиз маҳсулот қандай тўланади?
9. Иш вақтидан ташқари ва тунги вақтда бажарилган иш учун қандай ҳақ тўланади?
10. Ходимларнинг мажбурий ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта мукофотларининг ставкалари қандай?
11. Мажбурий ижтимоий суғурта бўйича суғурта мукофотларига қандай тўлов турлари тааллуқли эмас?
12. Ҳисобдор суммаларнинг солиққа тортиш хусусиятлари нималардан иборат?

*Молиявий ҳисоб бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобида бепарволик бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ишончли ва яхши ташкил этилган ҳисобот тизимига эга бўлган компания ишончлилиги билан ажралиб туради ва у ўз фаолиятини амалга оширишда кераксиз харажатлардан қочади.*

*Маъсума Коносуке.*

## **8 БОБ. ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ**

### **8.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 12 бўлим.
2. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎзРҚ-404.
3. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори (ўзгартиришлар ва иловалар билан)).
4. “2015-2019 йилларда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида энергия сифimini камайтириш, энергияни тежаш технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”. (ЎзР ВМнинг 2015 йил 5 майдаги № ВМҚ-2343 қарори).
5. “Энергия самарадорлиги юқори ва энергия тежовчи замонавий технологияларни жорий қилишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида». (ЎзР ВМнинг 2017 йил 23 августдаги № ВМҚ-3238 қарори).
6. “Жисмоний ва маънавий эскирган асбоб-ускуналарни жадал янгилатиш, ҳамда саноат тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. (ЎзР ВМнинг 2016 йил 22 декабрдаги № ВМҚ-2692 қарори).
7. “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. (ЎзР ВМнинг 2015 йил 22 январдаги № ВМҚ-8 қарори).
8. “Хўжалик субъектлари харажатлари ва молиявий натижаларини шакллантириш ҳисобини такомиллаштириш тартиби тўғрисида” (ўзгартириш ва иловалар билан). (ЎзР ВМнинг 2003 йил 15 октярдаги № ВМҚ-444 қарори).
9. “Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлар тўғрисида саноат корхоналари раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида Низом” (ЎзР ВМнинг 2009 йил 29 январдаги № ВМҚ-26 қарори).
10. ЎзР 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар (Янги таҳрирда)” (ЎзР Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган).
11. ЎзР 5-сон БҲМС “Асосий воситалар” (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган).

12. ЎзР 11-сон БҲМС “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқаришларига харажатлар” (ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 581-сон билан рўйхатга олинган).

13. ЎзР 19-сон БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган).

14. ЎзР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).

15. ЎзР 22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби” (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган).

16. ЎзР 24-сон БҲМС “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби” (ЎзР Адлия вазирлигида 2009 йил 18 августда 1996-сон билан рўйхатга олинган).

17. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган).

18. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” (Марказий банк қарори 26.04.2013, №9/1, ЎзР Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган).

## **8.2. Харажатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши**

Активларни ҳисобдан чиқариш ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши натижасида ташкилот капитали камайиб ташкилотнинг иқтисодий манфаатлари камайишига олиб келса бу ташкилотнинг харажатлари деб тан олинади, бундан ташкилот мулк эгаларининг қарори бўйича улушни камайтириш мустасно.

Ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги категорияларни ўз ичига олади: харажатлар, сарфлар ва чиқимлар.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг дастлабки босқичидаги харажатларга қуйидагилар киради:

1) ҳисобот даври харажатлари бўйича тўловлар (хом ашё, материаллар сотиб олиш ва бошқалар.)

2) мажбуриятлар ошиши (кредитга хом ашё сотиб олишда) ёки дебиторлик қарзларининг камайиши натижасида келиб чиқадиган харажатлар;

3) бошқа ҳисобот даврлари харажатлари бўйича тўловлар (ўтган йилги мажбуриятларни қоплаш ва бошқалар).

Бундай ҳолда биз келгусида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисобдан чиқариладиган меҳнат предметларини сотиб олиш билан боғлиқ тўловларга дуч келамиз. Харажатлар тушунчаси тўловлар тушунчаси билан

чамбарчас боғлиқ. Бироқ, юқорида қайд этилган харажатлар ҳисобот давридаги маҳсулот таннархи харажатларига киритилмайди, улар келгуси ёки аввалги даврлар харажатларини тўлаш билан боғлиқ бўлиб, корхона активларининг камайишига олиб келади. Сарфлар ҳисобот даврида (масалан, сотиб олинган материаллар шу ҳисобот даврида ишлаб чиқариш учун ишлатилганда) ёки кейинги даврларда (масалан, ҳисобот даврида сотиб олинган материаллар кейинги даврларда ишлаб чиқариш учун ҳисобдан чиқарилганда) ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган харажатларга айланади. Ташкилотлар томонидан шартнома шартларини бузганлиги, учун тўланадиган жарималар, пенялар, неустойкалар, одатда, сарфлар дейилади, булар харажатларга тегишли эмас.

Нақд пулда ифодаланган меҳнат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ташкилотнинг жорий харажатлари маҳсулот таннархини ташкил этади.

Солиққа тортиш мақсадлари учун “таннарх” тушунчаси қўлланилмайди, чунки жорий ҳисобот даврида даромад солиғини ҳисоблашда чегириб ташланган харажатлар суммаси бухгалтерия ҳисобида маҳсулотнинг ҳақиқий таннархига мос келмайди.

ЎЗР Солиқ кодексига сарфларга харажатлар ва айрим ҳолларда зарарлар ҳам киради, агар улар келгусида даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш учун қилинган бўлса. Бундай ҳолда фойда солиғини ҳисоблаш мақсадида харажатлар асосланган ва ҳужжатлаштирилган бўлса харажатлар сифатида тан олинади (ЎЗР Солиқ кодексининг 305-моддаси).

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобида: “маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар ёки ҳисобот даврини шакллантирадиган сарфлар” тушунчаларидан фойдаланилса, солиққа тортиш мақсадида эса: “фойдани солиққа тортишда ҳисобга олиннадиган корхона сарфларини шакллантирадиган харажатлар” деган тушунчадан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида маҳсулотни тайёрлаш ва сотиш, товарларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар оддий фаолият учун харажатлардир. Бундай харажатларга ишлар ёки хизматларни бажариш билан боғлиқ харажатлар ҳам киради.

Асосий воситалар ва номоддий активлар қийматини сўндириш (қоплаш) ҳам одатдаги фаолият тури учун харажатлар ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби учун таснифланган бошқа харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларига киритилмайди, чунки улар маҳсулот яратиш ва сотиш жараёни билан боғлиқ эмас.

Бошқа харажатлардан ташқари капитал ва молиявий қўйилмалар билан боғлиқ харажатлар ҳам ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Муайян турдаги маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажат моддаларининг типик номенклатураси ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:

- хом ашё ва асосий материаллар (қайтариладиган чиқиндилар чегириб ташланади);

- сотиб олинган буюмлар, бутловчи буюмларлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

- технологик мақсадлар учун ёқилғи ва энергия;

- ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи;

- ишлаб чиқариш ходимларининг ижтимоий суғуртаси учун ажратмалар;

- асосий воситаларнинг эскириши;

- ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари;

- умумишлаб чиқариш харажатлари;

- яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишлар;

- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Барча харажат моддалари йиғиндиси (шу жумладан охириги) ишлаб чиқаришнинг умумий таннархини ташкил қилади.

Барча харажатлар йиғиндиси маҳсулот таннархини ташкил этади.

Маҳсулот таннархига сотиш харажатлари қўшилганда маҳсулотнинг тўлиқ таннархи шаклланади.

Харажатларни калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш учун асос бўлади. Бу ҳолда сотиш ва бошқарув харажатлари ташкилотнинг одатдаги фаолияти учун харажатлар сифатида тан олинган ҳисобот йилида тўлиқ сотилган маҳсулотлар таннархида эътироф этилиши мумкин.

Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир.

Корхоналарда харажатлар турлари ва моддаларининг юзага келиши уларнинг асосий, молиявий ва инвестиция фаолиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатлари асосан хомашё, материаллар, ёқилғи ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари кабилардан иборат бўлади.

Республикамизда харажат моддалари ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланади.

Бу Низомга асосланган ҳолда барча харажат моддаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

- бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

- бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар.

## 2. Давр харажатлари:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

## 3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- фоизлар бўйича харажатлар;
- хорижий валюта операцияларида юзага келадиган салбий курс фарқлари;

- қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар.

## 4. Фавқулодда зарарлар.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот (иш, хизмат)ларни қайта ишлашда фойдаланиладиган табиий ва меҳнат ресурслари, хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий воситалар ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатларнинг баҳосини ифодалайди.

Ушбу харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидагича тартибда гуруҳланади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;

- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий фаолият бўйича харажатлар муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги ҳисобварақлар белгилаingan:

9610 – “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”;

9620 – “Валюталар курслари фарқидан зарарлар”;

9630 – “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”;

9690 – “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”.

Мазкур ҳисобварақлар транзит ҳисобварақлар ҳисобланиб, актив тавсифга эга. Уларнинг дебет айланмаси хўжалик муомалалари натижасида содир бўлган молиявий харажатларни, кредит айланмаси эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини ифодалайди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари қўйилган вазифаларга мувофиқ, харажат элементлари ва калькуляция моддаларига бўлинади.

Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий мазмунига қараб аниқлаш ва тегишли сметалар тузишга асос бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш эса маҳсулотлар таннархини аниқлашга хизмат қилади. Мазкур харажатлар хомашё ва материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш, брак маҳсулотларни тузатиш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлмаган харажатларга корхонанинг маданий-маиший объектларига сарфланадиган харажатлар киради.

Шунингдек, корхоналарда харажатлар маҳсулот таннархига киритилишига кўра бевосита ва билвосита харажатларга ажратилади.

**Бевосита харажатлар** таркибига корхоналарга маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш (ажратмалари билан бирга), ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар амортизацияси каби харажатлар киради.

Бевосита моддий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулотлар тайёрлаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган, четдан сотиб олинadиган хомашё ва материаллар харажатларини ифодалайди.

Юқоридагилардан ташқари “Харажатлар таркиби тўғрисидаги” Низомга мувофиқ куйидаги харажатлар ҳам бевосита моддий харажатлар таркибига киради:

- нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарлар қиймати, хўжалик буюмлари ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситалари;

- сотиб олинadиган, келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

- ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муомалаларни бажариш, хомашё ва материалларга ишлов бериш, уларнинг сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Корхона ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини марказий омбордан цехга, шунингдек, тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматлар ҳисобланади;

- табиий хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштириш, юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтларга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинadиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун эса ёғоч-тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари;

- технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинadиган барча турлари, корхоналарнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

- корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. Бунда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойига трансформация қилиш ва узатиш харажатлари моддий харажатларнинг тегишли элементларига киритилади;

- ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва уларнинг ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши;

- корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан юклаш ва тушириш ишлари ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига киритилиши зарур;

- корхоналар томонидан мол етказиб берувчилардан олинadиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади;

- маҳсулот таннархига киритилadиган моддий ресурслар харажатларидан қайтарилadиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;

- моддий харажатлар элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизмат-

ларидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлар, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Бевосита меҳнат харажатлари: бевосита ишлаб чиқариш ходимлари, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган машина операторлари ва бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бошқа ходимлар меҳнат ҳақи харажатлари.

Шунингдек, “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низомга кўра, бевосита меҳнат харажатларига қуйидагилар киритилади:

- хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

- касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;

- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

- алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтгача тўланадиган, йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

- қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусията учун устама;

- доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан олдин ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

- хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тугилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

- иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

- донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун на қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

- давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш;

- хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;

- белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

**Билвосита харажатлар** эса маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланиб, уларга маъмурий-бошқарув

харажатлари, бошқарув асбоб-ускуналарини сақлаш ва фойдаланиш харажатлари киради.

Режалаштирилишига қараб харажатларни **қисқа ва узоқ муддатли харажатларга** ажратиш мумкин. Қисқа муддатли харажатлар корхонанинг тактик мақсадларини амалга оширишга имкон беради.

Узоқ муддатли харажатлар эса корхонанинг стратегик мақсадини амалга оширишда юзага келади. Уларга илмий текширишлар, янги технологияларни олиб кириш ва ривожлантириш, тайёр маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади.

Корхоналар фаолиятида ярим ўзгарувчан харажатлар ҳам юзага келади. **Ярим ўзгарувчан харажатлар** бир вақтнинг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажат хусусиятига эга бўлган харажатлар ҳисобланади. Уларга телефон хизмати харажатларини киритиш мумкин. Бунда бир ойлик аниқ тўланиши лозим бўлган сумма — доимий харажатлар, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув харажатлари эса ўзгарувчан харажатлар гуруҳига киритилади.

Смета калькуляциясидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришда замонавий технологияни қўллаш ва келгуси даврларда сарфланадиган харажатлар сметасини тузишда фойдаланилади. Ушбу усул корхонада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, маҳсулотлар баҳосини белгилаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги ҳамма харажатлар маҳсулот таннархига киритилади. Бу эса ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишга имкон беради.

**Ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олингани ташкил этиш.** Корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган ҳар бир муомаланинг бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги ҳисобварақлар гуруҳидан фойдаланилади:

- 2010 - “Асосий ишлаб чиқариш”;
- 2310 - “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”;
- 2510 - “Умумишлаб чиқариш харажатлари”;
- 2610 - “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”;
- 3110 - “Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи”;
- 3120-“Олдиндан тўланган хизмат ҳақи”;
- 3190-“Бошқа келгуси давр харажатлари”;
- 8910-“Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари”.

Ишлаб чиқариш харажатларини элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ҳисоб юритишни таъминлаш мақсадида асосий

ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари 2010-“Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағида тайёрланаётган маҳсулот турлари бўйича гуруҳланади.

2010 - “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағидан харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги корхона ва ташкилотлар фойдаланади:

- маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари;

- қурилиш-монтаж, геология-қидирув ишларини бажариш бўйича пудрат, геология ва лойиҳа қидирув ташкилотлари;

- хизматлар кўрсатиш бўйича транспорт ва алоқа корхоналари;

- илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш бўйича илмий-тадқиқот корхоналари;

- автомобиль йўлларини асраш ва таъмирлаш бўйича йўл хўжаликлари.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини аниқлаш учун тегишли харажатлар 2300 – “Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварақларида гуруҳланади.

Шунингдек, мазкур ҳисобварақларда 21-сонли БҲМСга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар балансида турган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик бўлинмалари харажатлари ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

**Қўшимча харажатларни ҳисобга олиш.** Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари ўртасида билвосита харажатларни оқилона тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳсулотларнинг технологик турлари бўйича таннархини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу ҳолат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг баҳосини шакллантириш бўйича корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ижобий самара беради.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;

- 2) умумишлаб чиқариш харажатлари;

- 3) давр харажатлари.

Юқоридаги биринчи ва иккинчи бандлардаги харажатлар тақсимот базасига мутаносиб равишда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилади. Давр харажатлари эса корхонанинг молиявий натижалари ҳисобидан қопланади.

Ушбу харажатлар умумий хусусиятта эга бўлиши билан биргаликда, уларнинг хусусий жиҳатлари ҳам мавжуд: машина ва ускуналарни ишлатиш ва асраш харажатлари шартли-ўзгарувчан бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари эса шартли-доимий харажатлар ҳисобланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини маҳсулотлар таннархига киритиш орқали таннарх аниқлашнинг ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида ва бўлинмалар даражасида тақсимлаш каби усуллари мавжуд.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида тақсимлаш усулининг моҳияти шундаки, бунда мазкур харажатлар 2510 – “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағининг дебетида йиғиб борилади ҳамда ҳисобот даври охирида улар ягона тақсимот базаси асосида маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Шунингдек, бу усулнинг афзаллиги унинг соддалиги ва кам меҳнатталаблигида бўлса, асосий камчилиги эса, маҳсулотларнинг хилма-хил турлари ҳақиқий таннархини аниқлаш пайтида жиддий хатоликларга олиб келишидир.

Одатда, бошқарув ҳисоби тизимида ҳисобот даври ичида умумишлаб чиқариш харажатлари сметаси тузилиб, унга асосан сметадаги харажатлар ҳақиқатда эришилган маҳсулот ҳажми ва ҳақиқий харажатлар билан таққосланиб, тузатилиб борилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари ЎзР 21-сонли БҲМСга биноан тасдиқланган харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олиб борилади ва корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ алоҳида ҳисоб объектлари ўртасида тақсимланади.

ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра умумишлаб чиқариш харажатлари куйидагилардан иборат:

- машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;
- ишлаб чиқаришга тайинланган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришдаги мулкларни суғурталаш харажатлари;
- иситиш, ёритиш ва ишлаб чиқариш биноларини асраш харажатлари;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бинолар, машина ва ускуналар, ижарага олинган бошқа мулкларнинг ижара тўловлари;
- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи;
- ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш жараёнида харажатларни ҳисобдан чиқариладиган объектлар танланиб, аниқ цех, маҳсулот, шартнома турига тегишли харажатлар танлаб олинади ва

йиғилади. Бу шароитда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимот базасини танлаб олиш муҳимдир.

Бўлинмалар даражасида ишлаб чиқаришнинг билвосита харажатларини тақсимлаш усули анча меҳнатталабдир, бироқ у олдинги усулга нисбатан маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича таннархни тўлиқроқ аниқлаш имконини беради. Бу усулда мазкур харажатлар алоҳида субҳисобварақлар очиш йўли билан бўлинмалар даражасида ҳисобга олинади.

Корхоналарда ҳисобот даври якунида маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг тақсимоти ҳар бир синтетик ва аналитик ҳисобварақ учун амалга оширилади. Бунда ҳар бир ҳисобварақга бўлинма технологик жараёни хусусиятини ифодаловчи ўз тақсимот базаси мос келади. Масалан, корхона автоматлаштирилган бўлинмасининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари бўйича асбоб-ускуналар иш соатларига биноан, қўлда йиғиш цехининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари эса меҳнатнинг бевосита харажатларига кўра тақсим-ланади.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини ҳисобга олишда бу усулни қўллаб, хатоликларни батамом бартараф этиб бўлмайди, чунки, биринчидан, умумкорхона ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида, иккинчидан, алоҳида бўлинма ичидаги турли ишлаб чиқариш тизимлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида хатолар бўлиши мумкин.

Корхона алоҳида бўлинмалари, цехларининг технологик жараён-лари меҳнат, капитал ва материал сиғимлиги даражалари билан фарк қилади.

Агар бўлинма фаолияти харажатлари ичида иш ҳақининг ҳиссаси юқори бўлса, шу бўлинма, цех, бригадининг умумишлаб чиқариш харажатларини меҳнат ресурсларини истеъмол қилиш билан боғлиқ кўрсаткичларни асос қилиб олиниб, улар маҳсулот турлари бўйича тақсимланади. Фараз қилайлик, “МБА” АЖнинг йиллик умумишлаб чиқариш харажатлари 416 209 минг сўм. Тақсимлаш базаси сифатида асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи харажатлари белгиланган, бу харажатлар ҳисобот даврида 49 667 минг сўмни ташкил қилди. Биринчидан, ҳар бир маҳсулотга кетган меҳнат ҳақи улушини аниқлаймиз, “А” маҳсулоти учун 27,76% ( $13786/49667*100$ ), “Б” маҳсулоти учун 14,21 ( $7059/49667*100$ ) ва бошқалар. Иккинчидан, ҳар бир маҳсулот учун аниқланган улушни умумишлаб чиқариш харажатларини умумий суммасига кўпайтириб ҳар бир маҳсулотга тўғри келадиган умумишлаб чиқариш суммасини аниқлаймиз, “А” маҳсулоти учун 115 527 минг сўм ( $416209*27,76%$ ) ва бошқалар (8.1.-жадвал).

8.1. -жадвал

**“МБА” МЧЖнинг 2019 йил учун умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш (тақсимлаш базаси — асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи харажатлари)**

Маҳсулот турлари	Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари		Умумишлаб чиқариш харажатлари, минг сўмда
	минг сўмда	% да	
А	13 786	27,76	115 527
Б	7 059	14,21	59 154
В	23 441	47,20	196 435
Г	2 180	4,39	18 268
Д	3 201	6,44	26 824
Жами	49 667	100	416 209

Ушбу жадвалдан келиб чиқиб, билвосита харажатлар тақсимотини асоси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари;
- меҳнатнинг бевосита меъёрий харажатлари;
- корхонадаги муайян технологик жараёнда қатнашувчи ходимлар сони.

Агар бўлинма фаолияти капитал сиғимли бўлса, умумишлаб чиқариш харажатларини асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлари асос қилиб олиниб тақсимланади. Бунда ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимооти базаси сифатида асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий иш соатлари, маҳсулот турлари бўйича амортизация ажратмалари ёки маълум техник жараёнда фойдаланилган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати олинади.

Корхона бўлинмаси фаолияти материалталаб бўлса, яъни, унда маҳсулотлар таннархига қўшиладиган харажатларнинг асосий қисмини хомашё ва материаллар харажатлари ташкил қилса, тақсимоот базасига хомашё ва материалларнинг ҳақиқий бевосита харажатлари ҳамда уларнинг режали таннархи киритилади.

Агар бўлинма фаолияти натижаси қандайлигини (меҳнатталаб, капиталталаб ёки материалталаб) аниқ белгилаш имкони бўлмаса, тақсимоотнинг аралаш базасидан фойдаланилади. Бунда тақсимоот базаси тўлиқ бевосита моддий харажатлар (хомашё, материаллар ва асосий воситалар маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархида катта салмоққа эга бўлса)дан иборат бўлади.

Тақсимоот базалари корхона функционал хизматлари, яъни, бошқарув аппарати учун ҳам ишлаб чиқилади. Бунда тақсимоотнинг асосий базалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- омбор хўжалиги учун бир бирлик маҳсулотни бир кун сақлашнинг норматив харажатлари омбордаги маҳсулотларнинг ўртача қолдиғига кўпайтирилгани;

- диспетчерлик хизмати учун ташиб кетиладиган тайёр маҳсулотлар тонна-километрда;

- юкларни жўнатиш бўлими учун тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш бўйича шартномалар миқдори.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг энг мос тақсимлаш базасини ҳисоблаш учун маълум жорий харажатлар талаб қилинади. Шу сабабли, корхоналарда унча меҳнатталаб бўлмаган бошқа қўшимча тақсимот базаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар таннархи, хомашё ва материалларни сотиб олиш таннархи, маржинал даромад, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони кабиларни киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотининг самарали тизимини татбиқ этиш масалаларига эътиборсизлик кўп ҳолларда ишлаб чиқариш дастури, сотишлар ва корхона баҳо сиёсатида жиддий хатоликларга сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида, корхона молиявий фаолиятини салбий натижаларига олиб келади.

**Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш.** Жавобгарлик марказлари – бу бошқарув ҳисоби тизимида муҳим объект ҳисобланиб, бошқарув ходимлари фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган янги психологик талқиндир. Унинг асосий мақсади назоратдан кўра, кўпроқ ўзини бошқаришда бошқарув ходимларига ёрдам беришдир.

Хўжалик юритувчи субъектларда жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобни ташкил этишнинг асосий мақсади фаолият харажатлари ва даромадлари ҳақидаги маълумотларни алоҳида-алоҳида умумлаштириш ҳамда улар бўйича мавжуд четлашишларни бўлинмалар зиммасига юклашдан иборат.

Бошқариш нуқтаи-назаридан корхонанинг жавобгарлик марказларига бўлиниши қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- жавобгарлик марказлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси билан боғланган бўлиши;

- жавобгарлик марказларида фаолият ҳажмини аниқлаш, харажатларни ҳисоблаш ва уларни тақсимлаш учун асос вазифасини бажариши;

- ҳар бир жавобгарлик маркази менежерларининг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланиши зарур. Менежер фақат ўзи назорат қила оладиган кўрсаткичлар учун жавоб беради;

- ҳар бир жавобгарлик маркази учун ички ҳисобот шакллариининг ўрнатилиши;

- жавобгарлик марказлари менежерлари ўтган давр учун марказ фаолияти таҳлилини ўтказишда ва келгуси даврга режалар (бюджетлар) тузишда фаол иштирок этишлари лозим.

Шунингдек, корхонани жавобгарлик марказларига бўлишда тегишли марказлар раҳбарларининг эътирозларига таъсир қила оладиган ижтимоий-психологик омилларни ҳисобга олиш лозим.

Бошқарув ҳисобида корхона фаолиятини жавобгарлик марказларига бўлиб ташкил этиш тармоқ хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёни технологияси ва уни ташкил этилиши, дастлабки материаллар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таркиби, техник жиҳозланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ.

Корхонани ташкилий тузилма доирасида бошқаришни ташкил этишнинг чизиқли, функционал, чизиқли-функционал ва матрицали шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин.

Чизиқли бошқариш деганда “вертикал бўйича” бошқариш тушунилади, бунда қуйи бўғинлар юқори бўғинларга бевосита бўйсунди.

Чизиқли бошқаришда ҳар бир раҳбар ўзи маъсул бўлган бўлинмаларни мустақил бошқаради ва барча зарур бошқарув қарорларини мустақил қабул қилади. Бу тизимнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Жумладан, унинг ижобий жиҳатлари:

- ходимларнинг ўз вазифаларини бажарилишига шахсий жавобгарлигини юзага келтиради ва мустаҳкамлайди;

- асосланмаган ва самарасиз топшириқлар берилиш ҳолларини бартараф этишга имкон яратади;

- белгиланган вазифаларни тезда бажариш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиб бориш мумкин;

- бўлинмалар ходимлари фақат ўз раҳбарларига ҳисобот беришлари сабабли корхонада ижрочилик ва интизом даражаси яхшиланади.

Мазкур тизимнинг салбий томонлари эса кўпроқ унда оддий ва қисқа муддатли вазифаларни бажаришга эътибор қаратилиши сабабли, комплекс ҳамда истиқболли масалаларни ҳал қилиш анча қийинлашиши билан ифодаланади. Шунингдек, бундай шароитда буйруқбозлик ва расмиятчилик муҳити юзага келиши мумкин.

Одатда, бу тизим ишлаб чиқариш цехлари ва корхона бўлинмаларини бошқаришда юқори самара беради.

Функционал бошқариш корхонани молия, таъминот, сотиш, кадрлар, лойиҳа-конструкторлик ва технолигик ишловлар, иш юритиш, ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳоказолар каби алоҳида функциялар бўйича бошқаришдир. Бу тизим корхона раҳбари ва алоҳида функциялар менежерларининг фаолиятини ихтисослаштиришга мўлжалланган. Бунда менежерларнинг ўз бўлинмалари фаолиятини чуқур ва пухта билиши, содир бўлаётган жараёнларни истиқболли таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Функционал бошқариш тизимининг афзаллиги корхонада бошқарув фаолиятининг ихтисослаштирилиши билан белгиланади. Бу ҳолат бошқарув самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Корхоналар фаолиятида бошқаришнинг чизикли-функционал тузилмасидан кенг фойдаланилади. Бундай тузилма доирасида чизикли бўлинмалар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий фаолият билан шуғулланади, ихтисослашган функционал бўлинмалар эса (маркетинг бўлими, режа-молия бўлимлари, кадрлар бўлими) асосий бўлинмаларга хизмат қилади. Бу ҳолда бошқарувнинг ихтисослашуви, унинг тамойиллари биргаликда тўлароқ амалга оширилади ҳамда тайёрланадиган қарорларнинг юксак даражалилига ва ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинига ёппасига раҳбарлик қилиш таъминланади.

Матрицали тузилмада функционал бўлинмалар билан бирга муайян ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш учун махсус органлар (лойиҳа гуруҳлари) тузилади. Бу гуруҳлар бошқарувнинг турли даражаларидаги алоҳида функционал бўлинмалар мутахассисларидан таркиб топади.

Матрицали тузилманинг афзаллиги шундаки, у корхона ички фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини беради, бу эса функционал ихтисослашиш ривожига ҳалал бермайди. Функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ)нинг вужудга келиши ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Унинг мақсади энг кам харажат қилган ҳолда энг яхши сифатли ва замонавий, янги буюмни ишлаб чиқаришга эришишдир.

Бошқаришни ташкил этишнинг матрицали шакли раҳбар ва ходимларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини таъминлайди, уларнинг шахсий қобилиятларини намоён этишлари учун шароитлар яратади. Мазкур ташкилий тузилмага мувофиқ жавобгарлик марказларини тузиш (цех, бўлим, бўлинма) ҳар бир бўлинма фаолиятини муайян шахслар масъулияти билан боғлашга, бўлинмалар молиявий натижаларини баҳолашга ва уларнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган ҳиссасини аниқлашга имкон беради.

**Жавобгарлик марказларининг турлари.** Хўжалик юритувчи субъектларда жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этишда ушбу марказларнинг турлари моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Корхонада бўлинмалар бўйича бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш учун уларни қуйидаги белгиларга мувофиқ таснифлаш лозим:

- ваколатлар ва жавобгарлик ҳажмига кўра;
- марказ бажарадиган функциялар бўйича.

Ваколатлар ва жавобгарлик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлик марказларини харажатлар, сотиш, фойда ва инвестициялар марказларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Харажатлар маркази – бу фақат харажатларнинг мақсадли сарфланишига масъул бўлган корхонанинг бўлинмасидир (ишлаб чиқариш цехи, конструкторлик бюроси ва ҳ.к.).

Харажатлар марказини, ўз навбатида, бошқариладиган ва эркин харажатлар марказларига бўлиш мумкин.

Бошқариладиган харажатлар марказининг раҳбари, аввало, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни энг кам миқдорга келтиришга жавоб беради ва унинг фаолияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган меъёрий ва ҳақиқий харажатларни таққослаш йўли билан баҳоланади.

Эркин харажатлар маркази фаолиятини баҳолаш учун аниқ мезонни белгилаш мураккаб, чунки корхона раҳбарияти бундай марказлар харажатлари ҳажмига таъсир қила олмайди. Конструкторлик бюроси, кимёвий-техник назорат лабораторияси ва ҳ.к.лар эркин харажатлар марказларига мисол бўла олади.

Бошқариладиган харажатлар марказида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа бўлимлар ўртасида самарали муносабат ўрнатилди. Ушбу марказларнинг харажатларини бошқариш олдиндан тузилган мослашувчан бюджетлар ёрдамида амалга оширилади.

Сотиш маркази жавобгарлик марказининг бир тури ҳисобланиб, бу бўлинмада раҳбар фақат тушумга жавоб беради. Шу сабабли, унда сотишдан олиннадиган тушум ва уни белгиловчи кўрсаткичлар: сотиш ҳажми ва баҳо асосий назорат қилинадиган кўрсаткичлар ҳисобланади.

Жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш шуни кўрсатадики, ҳар бир бўлинма фаолияти натижаларини баҳолаш учун муайян жавобгарлик марказининг олиши кутилаётган фойдаси ҳажмини белгилаш зарур. Бундай шароитда жавобгарлик марказлари доирасида фойда марказлари тузиш алоҳида аҳамиятга эга.

Фойда маркази – бу бўлинма раҳбари харажатлар ва фойда учун жавоб берадиган марказдир. Бундай марказларда харажат ва даромадлар – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, фойда эса улар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Фойда маркази менежери сотиш ҳажми ва баҳони, шунингдек, харажатларни назорат қилади.

Фойда маркази – бу кичик кўринишдаги корхона иқтисодидир. Фойда маркази бўйича бошқарув моделидан фойдаланиш кўпгина корхоналарда фойда учун жавобгарликни номарказлаштиришга имкон беради.

Фойда марказини молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, режалаштирилган фойда олиш жадвали (операцион бюджет) ёрдамида бошқариш мумкин.

Инвестициялар маркази – бу раҳбар нафақат даромадлар ва харажатларга, балки капитал қўйилмаларга ажратилган маблағларга ҳам жавоб берадиган бўлинмадир.

Амалиётда соф фойдасини инвестиция қилиш ҳуқуқига эга бўлган бундай марказнинг мақсади фойда олиш ҳамда сарфланадиган маблағларнинг рентабеллиги, инвестицияларнинг даромадлилиги ва хусусий маблағнинг ортишига эришиш ҳисобланади.

Инвестициялар маркази фаолиятини режалаштирилган фойда олиш жадвали (операцион бюджет), шунингдек, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, бухгалтерия баланси ёрдамида бошқариш мумкин.

Жавобгарликнинг асосий марказлари бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Уларнинг харажатлари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Асосий ишлаб чиқариш бригадалари, цехлари ва сотиш бўлимини ана шундай марказларга киритиш мумкин.

Жавобгарликнинг ёрдамчи марказлари жавобгарликнинг асосий марказларига кўмаклашиш учун ташкил этилади. Бу марказларнинг харажатлари аввал жавобгарликнинг асосий марказлари бўйича тақсимланади, кейин эса асосий марказларнинг умумий харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи таркибига киритилади. Маъмурий-хўжалик, техник назорат бўлиmlари, таъмирлаш цехи, асбоб-ускуналар устахонаси ва бошқаларни шундай марказлар жумласига киритиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, жавобгарлик марказларини аниқлашда корхона технологик тузилмасини эътиборга олиш, уни горизонтал ва вертикал кўринишларга ажратиш зарур.

Горизонтал тузилмада марказ учун жавобгар ҳар бир шахс фаолияти доираси билан фарқланади, вертикал тузилмада эса бошқарув қарорлари қабул қилишга ваколатли шахснинг ҳаракатлари назарда тутилади.

Жавобгарлик маркази раҳбари вазифаларни бажариш бўйича белгиланган мажбуриятлар билан бирга молиявий жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олиши шарт. Бунда ҳар бир марказ ўзига тайинланган турли функцияларни бажариши мумкин (ишлаб чиқариш, маркетинг, техник хизматлар, ҳисоб, назорат ва ҳ.к.). Мазкур ҳолатда, муайян функциялар ёки воситалар эмас, балки ходим ёки маъмурият жавобгарлик маркази объекти бўлиб ҳисобланади.

### **8.3. Маҳсулот таннархини калькуляциялаш тушунчаси ва объектлари**

Калькуляциялаш - ишлаб чиқариш, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархини ҳисоблашдир.

Калькуляциялаш жараёнида таннарх ҳисобланади:

- жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар;

- асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, шунингдек хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш ва хўжаликларнинг алоҳида маҳсулот турлари, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлари; кейинчалик қайта ишлаш ёки сотиш учун ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар;

- алоҳида бўлинмаларнинг маҳсулотлари, ишлари, хизматлари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш.

Бу таннарх кўрсаткичлари молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тузиш, маҳсулот таннархини бошқариш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархларини аниқлаш, шунингдек, корхона ва унинг алоҳида бўлинмалари фаолият натижаларини аниқлаш ва бошқалар учун фойдаланилади.

Режали, сметали, норматив ва ҳисобот, ёки ҳақиқий калькуляция турлари мавжуд.

Режали калькуляция режалаштирилган давр (йил, чорак) учун маҳсулот ёки бажарилган ишларнинг ўртача таннархини белгилайди. Режали калькуляциялар хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, меҳнат сарфлари, ускуналардан фойдаланиш харажатларининг прогрессив нормалари ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш бўйича харажат меъёрларига асосланган ҳолда тузилади. Ушбу харажат меъёрлари режалаштирилган давр учун ўртача ҳисобланади. Режали калькуляциянинг бир тури сметали калькуляция ҳисобланади, улар бирон-бир маҳсулот ёки иш нархини аниқлаш, миқдорлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқа мақсадлар учун тузилади.

Меъёрий калькуляция хом ашё, материаллар ва бошқа харажатларни меъёри бўйича ой бошидаги меъёрлари (жорий харажат меъёрлари) асосида тузилади. Жорий харажатлар меъёрлари корхонанинг бу босқичидаги ишлаб чиқариш имкониятларига мос келади. Фойдаланилган ресурсларга нисбатан барқарор нархлар билан йил бошидаги жорий харажатлар меъёрлари, одатда, режали калькуляцияга киритилган ўртача харажатлар меъёрларидан юқори, йил охирида эса аксинча, паст бўлади. Шу сабабли йил бошида меъёрий маҳсулот таннархи, одатда, режадагидан юқори, йил охирида эса — пастрок бўлади.

Ҳисобот ёки ҳақиқий калькуляциялар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатлари бўйича бухгалтерия маълумотлари асосида тузилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган ишларнинг ҳақиқий таннархини акс эттиради. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархига режалаштирилмаган унумсиз харажатлари ҳам киради.

Калькуляция объектлари – бу таннархини аниқлайдиган алоҳида маҳсулотлар, маҳсулотлар гуруҳлари, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлардир. Ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби, одатда, калькуляция объектлари бўйича юритилади. Аналитик ҳисобварақларни ҳар бир объект учун эмас, балки уларнинг гуруҳи учун очишга рухсат этилади.

Ҳар бир калькуляциялаш объекти учун тўғри калькуляциялаш бирлигини танлаш керак, бу эса:

- натурал бирликлар (тонна, метр, дона ва бошқалар);
- шартли-натурал бирликлар, коэффициентлар орқали ҳисобланади (минг шартли консерва банки, 100% ли қувватли спирт ва бошқалар);
- қиймат бирликлари (бир сўм сотилган маҳсулотга харажатлар, эҳтиёт қисмлар қийматининг 1000 сўмига харажатлар ва бошқалар);
- меҳнат бирликлари (бир норма-соат, бир норма-смена).

Калькуляция бирликлар ҳисоб натурал бирлиги билан бир хил бўлмаслиги мумкин. Қайта ишлаш ташкилотларида, масалан, ҳисоб бирлиги 1 кг маҳсулот, калькуляция бирлиги эса 1 т ёки 1 ц. бўлиши ҳам мумкин.

#### **8.4. Алоҳида турдаги маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш усуллари**

Калькуляциялаш жараёнида барча маҳсулотларнинг таннархини, унинг алоҳида турлари ва алоҳида турларининг бирликлари ҳисобланади.

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) алоҳида турлари таннархини ҳисоблашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: бевосита ҳисоблаш, харажатларни жамлаш, меъёрий, харажатларни мутаносиб тақсимланиши, йўлдош маҳсулотлар таннархини умумий харажатлар суммасидан чиқариш, комбинациялашган усул.

**Бевосита ҳисоблаш усули.** Бу усулнинг моҳияти калькуляция моддалар бўйича қайд қилинган харажатларни маҳсулот бирликлари сонига бўлишдир. Бу усул энг осон ва энг тўғри ҳисобланади. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариладиган тармоқларда ишлатилади. Бундан ташқари, ҳар бир маҳсулот тури бўйича харажатлар ҳисобини алоҳида амалга ошириш мумкин бўлса, бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилса бўлади.

Бевосита ҳисоблаш усули, одатда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни жараёнли усулдан фойдаланилгандақ ўллаш мумкин.

**Харажатларни жамлаш усули.** Бу усулда ишлаб чиқариш бирлигининг таннархи уни ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида босқичлари ёки маҳсулотнинг алоҳида қисмлари харажатларини жамлаб ҳисобланади. Масалан, турбинанинг таннархи уни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир технологик мажмуаси учун харажатларни жамлаб аниқланади.

**Меъёрий усул.** Унинг моҳияти қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш харажатларининг алоҳида турлари, норматив калькуляцияларда назарда тутилган, жорий меъёрдаги харажатларга мувофиқ ҳисобга олинади; жорий меъёрдан ҳақиқий харажатлар оғиши оператив ҳисобда алоҳида олиб борилади, айти пайтда оғишларнинг пайдо бўлиш жойи, уларни пайдо бўлиш сабаблари ва айбдорлари кўрсатилади; ташкилий-техник тадбирлар жорий қилиш натижасида, жорий меъёр харажатларига киритиладиган ўзгаришлар ҳисобга олинади, ва бу ўзгаришларни маҳсулот таннархига таъсирини аниқланади. Маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи (Хх) жорий меъёрлар бўйича харажатлар суммаси (Хм) меъёрдан оғиш миқдори билан (О) ва меъёрларни

ўзгариши (Ў) билан алгебраик қўшилиши билан белгиланади, яъни қуйидаги формула бўйича:

$$X_x = X_m \pm O \pm \dot{U}.$$

Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг меъёрий усули, одатда, турли ва мураккаб маҳсулотларни оммавий ва серияли ишлаб чиқариш саноатларида қўлланилади.

**Харажатларнинг мутаносиб тақсимланиши усули.** Бу усулда ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот турлари ўртасида бирон-бир базисга мутаносиб равишда тақсимланади (айрим турдаги маҳсулотларни натурал ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш баҳосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати ва бошқалар). Комплекс ишлаб чиқаришларда калькуляциялаш хусусиятларини тасвирлашда бу усулнинг моҳияти батафсилроқ кўриб чиқилади.

**Умумий ишлаб чиқариш харажатларидан йўлдош маҳсулотлар таннархини истисно қилиш усули.** Хом ашёни бир технологик жараёнда комплекс қайта ишлайдиган тармоқларда бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва одатда чиқиндилар ҳосил бўлади. Бундай ишлаб чиқаришлар кимё, тоғ-кон, нефтни қайта ишлаш, озик-овқат саноати, рангли металлургия, чорвачилик ва бошқа тармоқларда кузатилади. Хом ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш учун улар асосий маҳсулотлар, боғлиқ ва чиқиндиларга таснифланади.

Маҳсулотларни асосий ва боғлиқга таснифлашда асосий белгилари сифатида, дастлабки хом ашё ва материаллардан қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни мақсадли фойдаланиши, ижтимоий аҳамиятига қараб, қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Уларни қиймати кўп ҳолатларда, дастлабки хом ашё ва материалларни қайси қисми ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибига кириши билан белгиланади.

Ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда асосий маҳсулот дейилганда юқори истеъмол сифатлари хом ашё ва материалларни қайта ишлашнинг асосий мақсадини белгилаб берувчи ва таннархининг катта қисмини ўз ичига олувчи маҳсулотлар тушунилади.

Йўлдош маҳсулотлар асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида яратилади, бу хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда технологик жараённинг чиқиндиларидан фойдаланилади.

Дастлабки хом ашё ва материаллардан олинган маҳсулотларни асосий, боғлиқ ва чиқиндиларга таснифлаш, маҳсулот таннархини режалаштириш, ҳисобга олиш ва калькуляциялаш бўйича тармоқ йўриқномаларида мавжуд.

Йўлдош маҳсулотлар таннархини истисно қилиш усулида асосий маҳсулот таннархи қуйидагича: йўлдош маҳсулотлар қийматини белгиланган нархларда баҳолаб умумий харажатлар суммасидан чиқариш йўли билан аниқланади.

**Комбинациялашган усул** маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг турли усулларида фойдаланишни ўз ичига олади. Айниқса, комплекс ишлаб чиқаришларда кенг қўлланилади.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари - бу дастлабки хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнида ижтимоий фойдаси унча баланд бўлмаган ва корхонанинг асосий ишлаб чиқаришдан кейинги технологик жараёнларида қайта ишланмайдиган ёки қайта ишлаш мумкин бўлмаган ёхуд қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган қолдиқлардир.

Хом ашёни қайта ишлашдан олинмайдиган маҳсулотлар таснифига мисол сифатида гўшт ва ёғ ишлаб чиқаришда чорвани сўйишдан олинмайдиган маҳсулотлар хизмат қилиши мумкин. Асосий маҳсулотлар суякли гўшт, йўлдош маҳсулотлар – субмаҳсулотлар, эритилган ёғ, терилар ва ичак товоқлари, чиқиндилар - ҳайвонларнинг ошқозон-ичак йўлларидаги ажратмалар.

### **8.5. Комплекс ишлаб чиқаришларда маҳсулот таннархини ҳисоблаш хусусиятлари**

Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий хусусияти ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир нуқтага етмасдан туриб уни аниқлай олмаслик бўлиб, уни ажратиш нуқтаси деб аталади. Бундай ҳолда, хом ашёни алоҳида маҳсулотларга ажратиш бир вақтнинг ўзида ёки турли даврларда амалга оширилиши мумкин.

Ажратиш нуқтасига қадар қайта ишланадиган хом ашё ва уни қайта ишлаш харажатларидан иборат жами харажатлар пайдо бўлади. Ажратиш нуқтасидан сўнг, олинган маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар бўлиши мумкин (масалан, суякли гўшт) ёки келгусида қайта ишланиши лозим бўлган маҳсулотлар (субмаҳсулотлар, хом ёғ, хом ичак чавоқ, хом терилар). Кейинги ҳолатларда, келгусида қайта ишлаш харажатлари асосий ва йўлдош маҳсулотларнинг алоҳида турларига бўлинади.

Асосий ва йўлдош маҳсулотларни ишлаб чиқишда умумий харажатларни маҳсулотларнинг алоҳида турлари ўртасида тақсимлашга эҳтиёж туғилади. Бунинг учун харажатларни мутаносиб тақсимлашнинг турли усулларида фойдаланилади. Бу усулларни икки турга бўлиш мумкин:

- 1) натурал кўрсаткичлар асосида;
- 2) қиймат кўрсаткичлари асосида.

**Натурал кўрсаткичлар асосида жами харажатларни тақсимлаш усуллари.** Бу усуллар гуруҳида умумий харажатларни турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига мутаносиб равишда тақсимлаш энг осон йўли ҳисобланади.

Бу усул билан умумий харажатлар (60 000 000 сўм.) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий сонига (1000 кг) ва ҳар бир маҳсулот тури учун таннарх бирлигининг (60 000 сўм) унинг сонига кўпайтирилади (8.2-жадвал).

**Ишлаб чиқариш ҳажмига мутаносиб равишда  
харажатларнинг тақсимланиши**

Маҳсулот тури	Миқдор, кг	Умумий харажатлар, сўм	Бирлик маҳсулот таннархи, сўм
А	500	30 000 000	60 000
Б	300	18 000 000	60 000
В	200	12 000 000	60 000
Жами	1 000	60 000 000	60 000

Бу усулни қўллаш ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар бир хил таннарх ва сотиш баҳосига эга деган тахминга асосланади. Агар алоҳида маҳсулотларнинг сотиш баҳоси ҳар хил бўлса, у турли рентабелликка, баъзан эса биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг алоҳида турларини зарарлиликка олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, умумий харажатларни тақсимлашнинг бу усулини фақат бир хил бирликларда ўлчанадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин. Қаттиқ моддалар, суюқликлар, газлар ва бошқалар бўлган маҳсулотлар учун, уларнинг миқдорини ўлчаш учун умумий асос топиш қийин. Бу хусусиятлар умумий харажатларни тақсимлашнинг ушбу усулидан фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Умумий харажатларни тақсимлаш коэффиценти усули комплекс ишлаб чиқаришларда, хом ашёдан бир неча турдаги асосий маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда қўлланилади.

Умумий харажатларни маҳсулот турлари ўртасида тарқатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

- маҳсулотнинг ҳар бир турига келтирилган бирликда ҳисоблаш учун коэффицент берилади;
- ҳар бир турдаги маҳсулот миқдори белгиланган қайта ҳисоблаш коэффицентига кўпайтирилади;
- келтирилган бирликларнинг умумий сони аниқланади (ҳар бир маҳсулот тури учун уларнинг сони жамланади);
- умумий харажатлар келтирилган бирликларнинг умумий сонига бўлинади ва келтирилган бир бирликнинг таннархи ҳисобланади;
- келтирилган бирлик таннархи ҳар бир маҳсулот тури учун келтирилган бирликлар сонига кўпайтирилади (8.3-жадвал).

**Умумий харажатларни коэффицент усулида тақсимлаш**

Мол гўшти	Миқдор натурада, тонна	Қайта ҳисоблаш коэффиценти	Келтирилган бирликлар миқдори	Умумий харажатлар, минг сўм	Бирлик маҳсулот таннархи, минг сўм
1	2	3	4	5	6
I категория	610	1,0	610	30 500 000	50 000
II категория	300	0,6	180	9 000 000	30 000
Орик	20	0,5	10	500 000	25 000
Жами	930	X	800	40 000 000	X

Ушбу жадвалда, умумий қиймати (40 000 000 сўм) келтирилган бирликларнинг умумий сонига бўлинади (800); келтирилган бирликнинг таннархи (50 000 сўм.) ҳар бир маҳсулот тури учун келтирилган бирликлар сонига кўпайтирилади (610, 180, 10).

Маҳсулотлар алоҳида турлари учун қайта ҳисоблаш коэффициенти олинандиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш хусусиятларини, хом ашё бирлигидан алоҳида маҳсулот турлари чиқиш меъёрлари, умумий истеъмол хусусиятлари, қайта ишлаш харажатлари нисбати, сотиш нархлари, табиий-кимёвий хусусиятлари ва бошқа белгиларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

**Қиймат кўрсаткичлари асосида жами харажатларни тақсимлаш усуллари.** Умумий харажатларнинг маҳсулот қийматига сотиш нархларида мутаносиб равишда тақсимланиш усули. Бу усулда умумий харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари орасида маҳсулот қийматининг сотиш нархлари бўйича мутаносиб равишда тақсимланади (8.4-жадвал).

8.4-жадвал

Умумий харажатларни маҳсулот қиймати бўйича  
мутаносиб равишда тақсимлаш

Маҳсулот тури	Маҳсулот қиймати сотиш нархлари бўйича, сўм	Ялпи сотиш ҳажмида улуши, %	Умумий харажатлар, сўм
А	50 000 000	50	30 000 000
Б	30 000 000	30	18 000 000
В	20 000 000	20	12 000 000
Итого	100 000 000	100	60 000 000

Жадвал аълумотлари бўйича умумий харажатлар (60 000 000 сўм "А", "Б" ва "В" маҳсулотлари ўртасида сотиш баҳосидаги қийматига мутаносиб равишда тақсимланган (50 000 минг сўм, 30 000 минг сўм ва 20 000 минг сўм). Ушбу турдаги маҳсулотлар бўйича фойда мос равишда 20 000 минг сўм (50 000 000 – 30 000 000), 12 000 минг сўм (30 000 000 – 18 000 000) ва 8 000 минг сўм (20 000 000 – 12 000 000) бўлади, ва рентабеллик сотиш баҳосидаги қийматига нисбатан — 40 % (20 000 минг сўм : 50 000 минг сўм x 100 %; 12 000 минг сўм : 30 000 минг сўм x 100 %; 8 000 минг сўм : 20 000 минг сўм x 100 %).

**Ажратма нуқтасида умумий харажатларнинг ярим тайёр маҳсулот таннархига мутаносиб тақсимланиш усули.** Бу усул ажратиш нуқтасида олинган ярим тайёр маҳсулотларга кўшимча ишлов берилган ҳолларда қўлланилади. Ишлаб чиқилган маҳсулот турлари ўртасида умумий харажатларни тақсимлаш учун ушбу усулда қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширилади (8.5-жадвал):

- якуний маҳсулотнинг ҳар бир тури қийматини сотиш баҳосида аниқлаш (2-устун);

- ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури учун уларни қайта ишлашнинг кейинги (ажратиш нуқтасидан кейинги) харажатлари кўрсатилади (3-устун);

8.5-жадвал

**Жами харажатларнинг ярим тайёр маҳсулотлар таннархига  
мутаносиб равишда тақсимланиши**

Маҳсулот тури	Маҳсулот қиймати сотиш нархда, сўм	Кейинги харажатлар, сўм	Ярим тайёр маҳсулотлар қиймати, сўм	Ярим тайёр маҳсулотлар солиштира оғирлиги, %	Умумий харажатлар, сўм	Фойда, сўм	Рентабеллик, %
А	50 000 000	9 000 000	41 000 000	51	30 600 000	10 400 000	20,8
Б	30 000 000	6 000 000	24 000 000	30	18 000 000	6 000 000	20,0
В	20 000 000	5 000 000	15 000 000	19	11 400 000	3 600 000	18,0
Жами	100 000 000	20 000 000	80 000 000	100	60 000 000	20 000 000	20,0

- маҳсулот қиймати сотиш баҳосидан кейинги қайта ишлаш харажатларини чегириб ташлаб, ярим тайёр маҳсулотларнинг ҳар бир тури қиймати аниқланади (4-устун);

-ҳар бир турдаги ярим тайёр маҳсулотнинг солиштира оғирлиги аниқланади (5-устун);

- ярим тайёр маҳсулот турлари бўйича умумий харажатларини уларнинг солиштира оғирлигига мутаносиб равишда тақсимланади (6-устун).

Умумий харажатларни тақсимлашнинг бу усулидан фойдаланилганда биргаликда олинган маҳсулотларнинг рентабеллиги турлича бўлиши мумкин. Бир жараёнда олинган маҳсулотларнинг бир хил рентабеллигини таъминлаш учун сотиш ҳажмида фойданинг доимий улуши асосида жами харажатларни тақсимлаш усули қўлланилади. Ушбу усул билан умумий харажатларни тақсимлаш учун қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

- 1) ҳар бир маҳсулот турининг қиймати сотиш баҳосида аниқланади;
- 2) бир хил рентабеллик даражаси белгиланган барча маҳсулотлар учун ҳар бир маҳсулот турига фойда миқдори ҳисобланади;
- 3) маҳсулот қийматидан сотиш нархларида фойда суммасини чигириб ҳар бир маҳсулот турининг таннархи аниқланади;
- 4) таннарх кўрсаткичларидан кейинги харажатлар айириб ташланиб, маҳсулот тури бўйича умумий харажатлар ҳисобланади (8.6-жадвал).

8.6-жадвал

**Умумий харажатларни сотиш ҳажмида фойданинг  
доимий улуши асосида тақсимлаш**

Кўрсаткичлар	Маҳсулот тури			Жами
	А	Б	В	
1. Маҳсулот қиймати сотиш нархида, сўм	50 000 000	30 000 000	20 000 000	100 000 000
2. Фойда суммаси (20 % рентабеллик даражасида)	10 000 000	6 000 000	4 000 000	20 000 000
3. Маҳсулот таннархи	40 000 000	24 000 000	16 000 000	80 000 000
4. Келгусида қилинадиган харажатлар	9 000 000	6 000 000	5 000 000	20 000 000
5. Умумий харажатлар (п.3 - п.4)	31 000 000	18 000 000	11 000 000	60 000 000

Асосий ва у билан йўлдош маҳсулотлар ўртасида умумий харажатлар тақсимлангандан сўнг асосий маҳсулот таннархи кейинги ва умумий харажатларни жамлаш йўли билан аниқланади. Бирлик таннарх умумий харажатларни маҳсулот бирликлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Шу тарзда йўлдош маҳсулотларни алоҳида турлари таннархини аниқланади.

### **8.6. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш усуллари**

*Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни жараёнли усули.* Бу усул ишлаб чиқариш жараёнининг куйидаги хусусиятларига эга бўлган корхоналарда қўлланилади:

- бир ёки бир неча турдаги маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқариш;
- технологик жараённинг қисқа даври;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг йўқлиги ёки миқдори кам бўлганлиги.

Бундай корхона саноат тармоғининг тоғ-кон корхоналари (кўмир, нефт ва бошқаларни қазиб олиш), қурилиш материаллари саноати, электр ва иссиқлик станциялари ва бошқалар киреди. Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг энергетик хўжаликларида жараён усулидан кенг фойдаланилади.

Жараён усулида харажатлар бутун ишлаб чиқариш жараёни учун ёки бундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида босқичлари учун белгиланган калькуляцион моддалари бўйича ҳисобга олинади. Ҳисобот даври охирида ишлаб чиқариш жараёнининг умумий харажатлари маҳсулот бирликларининг сонига бўлинади ва битта калькуляцион бирлигининг таннархини ҳисоблаб чиқади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларининг сони ва тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжудлигига қараб, маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблашнинг учта варианты мавжуд.

Биринчи вариант (энг оддий) бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариладиган ва тугалланмаган ишлаб чиқариши йўқ бўлган корхоналарнинг асосий ишлаб чиқаришида - кўмир ва тоғ-кон саноати корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг энергетик хўжаликларида қўлланилади. Бу ишлаб чиқаришларда маҳсулот бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш жараёни учун харажатлар суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Кўмир саноатида, масалан, технологик жараённинг барча босқичларида кўмирни қазиб олиш ва сотиш харажатлари (ишлаб чиқаришга тайёргарлик, кўмир қазиб олиш, кўмирни вагонларга юклаш, ташиш, тозалаш, саралаш ва бойитиш), ишлаб чиқарилган кўмир тонна миқдорига бўлинади ва бир тонна кўмирнинг таннархи аниқланади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг электр хўжалигида унга қилинган харажатлар ҳосил бўлган электроэнергия миқдорида бўлинади ва 1 квт / соат электр энергиянинг таннархи аниқланади.

Иккинчи вариант эса бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқариладиган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш иш йўқ бўлган тармоқларда — электр ва иссиқлик энергияси бир вақтда ишлаб чиқариладиган электр станцияларда, нефт ва газ ишлаб чиқариш саноати корхоналарида ва бошқаларда қўлланилади.

Бир вақтнинг ўзида ҳар хил маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ёки қазиб олишга боғлиқ харажатлар, ушбу муайян маҳсулот турларига таалуқли бўлса, шу маҳсулот тури бўйича ҳисобга олинади. Барча турдаги маҳсулотлар учун умумий харажатлар маҳсулот турлари орасида корхонада белгиланган усулларда тақсимланади.

Масалан, нефт ва газ ишлаб чиқаришда қудуқ амортизацияси, ер ости жиҳозларига таъмир ва техник хизмат кўрсатиш, қудуқларнинг қайтимини ошириш, деэмулсия, насос билан нефтни чиқариб олиш ва сақлаш, сарфланадиган электр энергияси харажатлари нефтга, газни йиғиш ва ташиш харажатлари эса - газга ўтказилади. Нефт ва газ ишлаб чиқариш учун бошқа барча харажатлар улар орасида ялпи нефт ва газ қазиб олиш массасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблашнинг учинчи варианты ишлаб чиқариш жараёнининг етарлича узоқ муддатига эга бўлган ва ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришлари мавжуд бўлган корхоналарда қўлланилади — қурилиш материаллари саноатида ва бошқалар.

Ҳисобот даврининг боши ва охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари корхонада белгиланган усул билан (одатда, меъёрий таннарх бўйича) баҳоланади. Сўнгра ҳисобот даври харажатларига ҳисобот даврининг боши ва охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати билан тузатишлар киритилади ва тузатилган харажат суммасини ишлаб чиқилган маҳсулот бирлиги миқдорига бўлинади.

Айрим ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш белгиланган коэффицентлар билан қайта ҳисобланиб тайёр маҳсулотга айлантиради. Бу ҳолда маҳсулот бирлигининг таннархи ҳисобот ойи харажатларини келтирилган бирликлар миқдорига бўлиш бўйича аниқлайди.

***Ишлаб чиқариш харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг бўлинмали усули.*** Бу усул хом-ашёни комплекс ишлатадиган тармоқларда, шунингдек, саноатни оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришга эга бўлган тармоқларда қўлланилади, унда қайта ишланадиган хом-ашё ва материаллар кетма-кет бир неча қайта ишлаш (бўлинмалар) фазалардан ўтади. Бўлинма деганда оралиқ маҳсулот (ярим тайёр маҳсулот) ёки тайёр маҳсулот (охирги бўлинмада)ни ишлаб чиқариш бўйича технологик операциялар мажмуи тушунилади.

Қора металлургияда бўлинмалар чўян эритиш (домна цехи), пўлат эритиш (пўлат қуйиш цехи), прокатлаш (прокатлаш цехи)дан иборат; тўқимачилик саноатида — ип ишлаб чиқариш, мато ишлаб чиқариш ва бўйаш бўлинмалардан иборат.

Бўлинмали усул бундан ташқари, ёғочни қайта ишлаш, кимё, целлюлоза-қоғоз ва бошқа бир қатор саноат соҳаларда кенг қўлланилади.

Бўлинмали усулда ишлаб чиқариш харажатлари нафақат маҳсулот турлари ва калькуляция моддалар, балки бўлинмалар бўйича ҳисобга олинади.

Хом-ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлардан комплекс фойдаланишда ишлаб чиқарилаётган турли навлар ва маркалардаги маҳсулотлар коэффициентлар тизими орқали шартли навга ўтказилади. Бир хил турдаги хом ашёдан бир неча маҳсулот ишлаб чиқарилса асосий маҳсулот ажратилади. Қолганлари эса йўлдош маҳсулотлар деб ҳисобланади ва улар белгиланган нархларда баҳоланади. Баҳоланган йўлдош маҳсулотлар қиймати ишлаб чиқаришнинг умумий харажатларидан чегириб ташланади, қолган харажатлар эса асосий маҳсулот таннархига киритилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни *ярим тайёр маҳсулотсиз ва ярим тайёр маҳсулотли* бўлинмали усуллари мавжуд.

Биринчи вариантда, харажатлар ҳар бир бўлинма бўйича ҳисобга олиш билан чекланган. Бухгалтерия ҳисобида ярим тайёр маҳсулотлар ҳаракати акс эттирилмайди. Уларнинг бир бўлинмадан бошқа бўлинмага ҳаракати, цехларда юритиладиган ярим тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг оператив ҳисоби бўйича, бухгалтерия томонидан назорат қилиб борилади. Харажатларни ҳисобга олишнинг ушбу тартибига мувофиқ ҳар бир бўлинмадан кейин ярим тайёр маҳсулот таннархи аниқланмайди, балки фақат тайёр маҳсулот таннархи ҳисобланади.

Иккинчи вариантда ярим тайёр маҳсулотларнинг бир цехдан иккинчи цехга ҳаракати бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади ва ярим тайёр маҳсулот таннархи ҳар бир бўлинмадан кейин ҳисобланади, бу эса ярим тайёр маҳсулотлар таннархини турли босқичларида қайта ишлашда аниқлаш имконини беради ва маҳсулот таннархи устидан янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Бўлинмали усулда меъёрий усулнинг энг муҳим элементлари - жорий меъёрлардан (режали таннарх) ҳақиқий харажатларнинг оғишини тизимли аниқлаш ва бу меъёрларнинг ўзгаришини ҳисоблашда фойдаланилади. Бирламчи ҳужжатларда ва оператив ҳисоботларда хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулот, энергия ва ҳоказоларнинг ҳақиқий харажати билан нормативлар таққосланиши керак. Меъёрий усул элементларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш харажатларини кундалик назорат қилиш, нормалардан четга чиқиш сабабларини очиб бериш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун заҳираларни аниқлаш имконини беради.

*Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг буюртмали усули.* Бу усул индивидуал ва кичик серияли ишлаб чиқаришда (қурилиш, турбиналар, блуминглар, самолётлар ва бошқаларни ишлаб чиқаришда қўлланилади). Бундан ташқари, ёрдамчи ишлаб чиқаришларда, айниқса, таъмирлаш ишларида кенг қўлланилади.

Буюртмали усулда ҳисоб ва калькуляциялаш объекти алоҳида ишлаб чиқариш буюртмаси ҳисобланади. Буюртма остида маҳсулот, бир хил маҳсулотларнинг кичик серияси ёки таъмирлаш, ўрнатиш ва синов-тажриба ишлари тушунилади. Катта буюмлар ишлаб чиқаришда ва узоқ ишлаб чиқариш жараёнида буюртмалар бутун маҳсулот учун эмас, балки тайёр конструкцияни ифодаловчи агрегатлар, узеллар учун берилади.

Буюртмалар режалаштириш бўлимида мижозлар билан тузилган шартномалар асосида ёки корхонанинг таркибий бўлинмалари талабига биноан очилади. Буюртмада қайси маҳсулот ёки ишларнинг бажарилиши, уларнинг ҳажми, муддатлари, ижрочилари ва режали таннархи кўрсатилади. Ҳар бир буюртмага тартиб рақами (буюртма коди) берилади.

Ҳар бир буюртма харажатларини ҳисобга олиш учун буюртма коди кўрсатилган ҳолда алоҳида аналитик ҳисоб очилади. Алоҳида буюртмалар бўйича бевосита харажатларни ҳисобга олиш меҳнат, материаллар сарфи ва бошқаларни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатларга асосланади, уларда буюртманинг тегишли кодини кўрсатиши шарт. Билвосита харажатлар у ёки бу соҳада қабул қилинган усулларга кўра шартли равишда алоҳида буюртмалар орасида тақсимланади.

Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг бу усулида барча харажатлар буюртма охирига етмагунча тугаланмаган ҳисобланади. Калькуляция ҳисоботи фақат буюртма бажарилгандан сўнг тузилади. Калькуляция ҳисоботини тузиш вақти даврий ҳисоботларни тайёрлаш вақти билан мос келмайди.

Буюртмаларни қисман бажариш ва ўз мижозларига етказиб беришда ушбу буюртманинг режали таннархи ёки уларнинг конструкцияси, технологияси, ишлаб чиқариш шароитидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, олдинги бажарилган буюртмаларнинг ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам буюртманинг қисман чиқарилиши ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга шартли баҳо беришга йўл қўйилади.

Буюртма тайёр бўлгандан кейин ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган ишларни қабул қилиш ҳужжатлар билан (далолатномалар, кайдномалар ва бошқалар) рамийлаштирилади.

Индивидуал ишлаб чиқаришларда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи харажатларни калькуляцион моддалар бўйича жамлаш йўли билан аниқланади. Кичик серияли ишлаб чиқаришда умумий харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига бўлиш орқали маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархи ҳисобланади.

Буюртманинг охирида ҳар бир калькуляцион модда бўйича ҳақиқий харажатлар режали харажатлар билан таққосланади, четга чиқишлар, четга чиқиш сабаблари ва айбдорлари аниқланади, келгуси даврлар учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш бўйича қарорлар қабул қилинади.

Буюртма усулида харажатларни назорат қилиш ҳар доим ҳам керакли самара бермайди. Шунинг учун буюртмага асосланган усулнинг асосий

вазифаси - бевосита харажатлар устидан назорат самарадорлигини оширишдан иборат. Бундай назорат буюртмаларнинг барча операциялари ва ишлари учун харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий усулининг асосий элементларини (харажатларни меъёрлар бўйича ва меъёрлардан четга чиқишни ҳисобга олиш) жорий қилиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

**Маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг меъёрий усули.** Бу усул маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг меъёрий усулидан фойдаланишга асосланган.

Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг меъёрий усулидан фойдаланиш учун зарур:

- ҳар бир турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун меъёрий калькуляция тузиш);

- жорий харажатлар меъёрларига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиш;

- ҳақиқий харажатларнинг меъёрлардан четга чиқишларини аниқлаш ва бу оғишларнинг сабаблари ва айбдорларини аниқлаш;

- маҳсулот (ишлар, хизматлар) алоҳида турларининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун меъёрларий харажатларга меъёрдан ҳақиқий харажатларни оғиши ва меъёрий харажатларга киритилган ўзгаришларни қўшиб ҳисоблаш керак.

Молиявий ва бошқарув ҳисобида меъёрий калькуляция кўп мақсадли вазифаларга эга. Режалаштиришда улар маҳсулотнинг режали таннархини, ишлаб чиқариш харажатлар сметасини ҳисоблаш, маҳсулот сотиш баҳосини аниқлаш, трансферт баҳоси, жавобгарлик марказлари учун харажатлар сметасини аниқлашда қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобида меъёрий калькуляция тугалланмаган ишлаб чиқариш ва яроқсиз маҳсулотларини баҳолаш, маҳсулот таннархи устидан назорат қилиш, алоҳида маҳсулот турлари ва умуман барча маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун зарурдир.

Меъёрий калькуляцияларнинг сони ва тузилиши ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблиги ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасига боғлиқ.

Оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришларда деталлар, узеллар, цех машина-комплектлари, ярим тайёр маҳсулотлар, йиғма бирликларни йиғиш жараёнлари, маҳсулотлар бўйича меъёрий калькуляциялар тузилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларда буюртма асосида бажариладиган технологик таъминлаш, намунали асбоблар ишлаб чиқариш, таъмирлаш мураккаблиги бирликлари, энергия ташувчилар, транспорт ишлари, эҳтиёт қисмлар гуруҳлари ва бошқалар учун тузилади.

Меъёрий калькуляция тузиш учун корхона керакли норматив базага – ишлаб чиқаришни техник тайёрлашнинг меъёрий ҳужжатлар, ишлаб чиқариш ресурслари сарфининг меъёрлари, ёрдамчи меъёрий ҳужжатларга эга бўлиши керак.

**Меъёрларнинг ўзгаришини ҳисобга олиш.** Янги ишлаб чиқилган меъёрлар ташкилот раҳбари ёки ваколатли шахслар томонидан тасдиқланади. Топшириқ ҳужжатлари асосида корхонани тегишли бўлимлари меъёрлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги хабарномаларни ёзиб ва уларни цехларга, таъминот бўлимига ва иқтисодий бўлимларга етказилади.

Хабарномаларда ўзгаришдан олдинги ва кейинги меъёрлар, ўзгартириш асослари, янги меъёрлар киритилган сана, меъёрлар ўзгартирилган маҳсулотлар шифрларини фойдаланилаётган таркибий бўлинмалар шифрлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади. Ишчилар меҳнат ҳақи (вақт меъёри ва нархлар)га таъсир этувчи ўзгаришлар янги меъёрлар киритилишидан олдин ишчиларга маълум қилиниши керак.

**Меъёрлардан четга чиқишларни ҳисобга олиш.** Нормалардан оғиш — ҳақиқий ва меъёрий харажатлар ўртасидаги аниқланган фарқдир. Четга чиқиш мазмунига кўра салбий (ортиқча харажат) ва ижобий (иқтисодий самара)ларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бузилиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришдаги камчиликлар (хом ашё материалларнинг бузилиши, яроқсиз маҳсулот мавжудлиги, иш вақтидан ташқари ва бошқалар) оқибатида салбий оғишлар содир бўлади.

Ижобий оғишлар, одатда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасидир (чиқиндилардан оқилона фойдаланиш, нуқсонларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомил-лаштириш ва бошқалар). Паст меъёрлардан фойдаланишда ижобий оғишлар содир бўлиши мумкин ва бу қолдиқ уларнинг юқорига ўзгариши билан бартараф этилади.

Ҳужжатлаштириш, инвентаризация, ҳисоб-китоб қилиш усуллари ёрдамида меъёрлардан четга чиқишларни ҳисобга олинади. Ҳужжатлаштириш ва инвентаризация усуллари бевосита ўзгарувчан харажатлар бўйича оғишларни ҳисобга олиш учун фойдаланилади. Ҳисоблаш усули, одатда, билвосита ўзгарувчан харажатлар бўйича четга чиқишларни ҳисобга олиш учун қўлланилади.

Меъёрлардан четга чиқишларнинг аналитик ҳисоби харажатларнинг юзага келиш жойлари, сабаблари, маҳсулот турлари, калькуляция моддалари бўйича амалга оширилади.

**Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини (ТИЧ) қайта ҳисоблаш.** Ўтган ойнинг охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларидир. Ўтган ойнинг охирида ўтган ойда амалдаги меъёрлар асосида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари баҳоланади.

Агар ҳисобот ойи учун меъёрлар ўзгарса, ҳисобот ойи учун белгиланган нормативлардан келиб чиқиб, ой бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларни қайта баҳолаш зарурати туғилади. Бундай қайта баҳолаш икки йўл билан амалга оширилади – тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг барча объектларини меъёрларнинг ўзгариши миқдори

бўйича бевосита қайта ҳисоблаш ва калькуляцион моддалари бўйича меъёрларнинг ўзгариши миқдори бўйича йириклаштирилган қайта ҳисоблаш.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг барча объектларини меъёрларнинг ўзгариши миқдорини бевосита қайта ҳисоблаш бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймат кўрсаткичларини тугалланмаган деталлар, узеллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа объектларни фоиздаги меъёр ўзгариши ўлчамига кўпайтиради. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни бу қайта баҳолаш усули жуда ишончли маълумотларни олиш имконини беради, лекин жуда меҳнат талаб этади.

Калькуляцион моддалари бўйича меъёрларнинг ўзгариши миқдори бўйича йириклаштирилган қайта ҳисоблаш тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини ҳисобланган фоиз ўзгаришига кўпайтирилади (8.7-жадвал).

8.7-жадвал

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини қайта ҳисоблаш қайдномаси

Моддалар номи	ТИЧ ой бошида, сўм	Жорий меъёрлар		Меъёрнинг ўзгариши, %	ТИЧ ой бошида қайта ҳисоблашдан кейин	Меъёр ўзгариши ўлчами
		01.03га	01.04га			
1	2	3	4	5	6	7
Материаллар ва бошқ.	10 000 000	10 000	9 500	95	9 500 000	-500 000

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни қайта баҳолашнинг иккинчи усули биринчисига нисбатан кам меҳнат талаб қилади, шунинг учун ундан кўпроқ фойдаланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми унча кўп бўлмаган ва меъёр ўзгариши муҳим бўлмаган ҳолларда корхоналар тугалланмаган ишлаб чиқаришни қайта ҳисобга олмайдилар. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича меъёрнинг ўзгариши ва аниқланган меъёрдан оғишлар товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ўтказилади.

**Харажатларнинг йиғма ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш.** Алоҳида турдаги маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини меъёрий усули билан ҳисоблаш ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма ҳисоби қайдномаларида амалга оширилади. Кўрсатилган қайдноманинг соддалаштирилган шакли 8.8-жадвалда келтирилган.

8.8-жадвал

*Харажатлар йиғма ҳисоби қайдномаси*

(минг сўм)

Харажатлар моддалари	ТИЧ ой бошида		Жорий ой харажатлари		Яроқсиз маҳсулот харажатлари жорий меъёрлар бўйича	ТИЧ камомади (-), ортиқчаси (+) жорий меъёрлар бўйича	Ишлаб чиқарилган маҳсулот харажатларига олиб борилди				ТИЧ ой охирида жорий меъёрлар бўйича
	жорий меъёрлар бўйича	ўзгаришлар бўйича	жорий меъёрлар бўйича	меъёрлардан оғиш бўйича			жорий меъёрлар бўйича (с.2 + с.4 - с.6 ± с. 7 - с.12)	меъёрлардан оғиш бўйича (с.5)	меъёрлардан ўзгаришлар бўйича (с.3)	Ҳақиқий таннарх (с.8 ± с.9 ± с.10)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Материаллар	10 000	-500	100 000	+1000	700	-	98 300	+1000	-500	98 800	11 000
Ишлаб чиқариш ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва бошқалар	5 000	-300	50 000	-500	400	-	49 600	-500	-300	48 800	5 000
Жами	20 000	-1000	200 000	+800	2000		193 000	+800	-1000	192 800	25 000

Ушбу кайдномадаги ТИЧ ой бошида (2-устун) қолдиқлари ўтган ой кайдномасидан кўчирилади; меъёрларлар ўзгаришидан оғишлар (3 - устун) - ТИЧ қолдиқларини қайта ҳисоблаш кайдномасидан (8.6-жадвал). ТИЧ қолдиғи ой охирида (12-устун) инвентаризация ёки оператив ҳисоб ва ҳисобот ойида жорий амал қилқвчи харажатлар меъёрларига мувофиқ аниқланади.

Яроқсиз маҳсулотга тўғри келадиган харажатлар (6-устун), яроқсиз маҳсулотга оид ҳужжатлар ва ҳисобот ойида амадаги меъёрлар бўйича ҳисобланади; ТИЧни инвентаризация қилишда аниқланган камчиликлар ёки ортиқчаси (7-устун) ҳам ҳисобот ойида амадаги меъёрлардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Жадвалнинг бошқа устунлари бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби жадвалда кўрсатилган.

Корхона харажатларининг йиғма ҳисоби кўрсаткичлари асосида бутун маҳсулот бўйича ва алоҳида турлар бўйича ҳисобот калькуляцияси тузилади. Калькуляцион ҳисоб-китобларининг шакллари, тузиладиган калькуляциялар сони асосан корхонанинг ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ.

## 8.7. Ишлаб чиқариш харажатлари

Одатдаги фаолиятга доир харажатлар - маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш, товар сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ харажатлардир. Бундай харажатлар ишлар, хизматларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам ҳисобланади.

**Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Корхонанинг асосий фаолият тури ҳисобланган маҳсулот (иш, хизмат)лар, асосий ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағида амалга оширилади.

Олдиндан (ижара, абонент тўлови ва ҳ.к.) ёки кейинги даврлардаги (ҳисобдор суммасининг ортиқча харажатлари учун тўловлар ва бошқалар) - корхона харажатлари маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига уларнинг тўланган муддатидан қатъи назар - қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида киритилади.

2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига ишлаб чиқариш заҳиралари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига 2510 “Умумий ишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар” ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажаришнинг ҳақиқий таннарх суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағидан 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”, 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”, 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи” ҳисобварақларининг дебетига ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи бўйича ой охиридаги колдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини кўрсатади.

Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши, шунингдек калькуляцион ҳисоб алоҳида ҳисобварақлар тизимида амалга оширилади. Ушбу ҳисобварақларнинг таркиби ва фойдаланиш услубиятини ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб белгилайди. Агар харажатларнинг вужудга келиш жойи ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши ҳамда калькуляцион ҳисоб алоҳида ҳисобварақлар тизимида ҳисобга олинмаса, 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг аналитик ҳисоби ҳам корхонанинг алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади.

Қуйида асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга тааллуқли бўлган номоддий активларнинг амортизацияси:

- Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 3) Тўғри материал харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга ҳисобдан чиқарилди:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 4) Чорвачилик маҳсулотини олиш учун ҳайвонларни сўйиш (ҳайвонлар қиймати):  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 5) Материаллар қийматидаги фарқ тегишли улушларда асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар”.
- 6) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш учун асосий ишлаб чиқариш цехларига чиқариш:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 7) Ёрдамчи цехларнинг харажатларини асосий ишлаб чиқаришнинг маҳсулоти ва хизматлари таннархига киритиш:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.
- 8) Умумишлаб чиқариш харажатларининг асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларининг таннархига киритилиши:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.
- 9) Яроқсиз маҳсулотлар ҳисобига йўқотишлар асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларлари таннархига киритилди:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”.
- 10) Илгари келгуси давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатларнинг тегишли улуши маҳсулот таннархига олиб борилди:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 3100 “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 11) Қирим қилинган тайёр маҳсулотнинг омбордан цехларга қайта ишлаш ва ҳоказо учун қайтарилди:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 12) Товарлар қайта ишлашга берилди:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
К 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

13) Ишлаб чиқариш учун бевосита цехларга келиб тушадиган моддий қийматликлар ва хизматлар олинди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

14) Қондирилмаган даъволар суммаси асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматларининг таннархига киритилди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.

15) Асосий ишлаб чиқаришдаги суғурта харажатлари:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”.

16) Асосий ишлаб чиқариш харажатлари бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

17) Асосий ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича суммалар ҳисобланди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.

18) Ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган асосий ишлаб чиқариш харажатлари:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки

К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар” ёки

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз”.

19) Асосий ишлаб чиқариш цехларига турли корхоналарга улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзлар:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

20) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларга қилган харажатлари:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

21) Асосий цехларда инвентаризация пайтида аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари кирим қилинди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

22) Материалларнинг асосий ишлаб чиқаришдан қайтарилиши; ўзида ишлаб чиқарилган материаллар, шунингдек қайтариладиган чиқиндиларнинг кирим қилиниши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

23) Ҳайвонларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш бўйича жорий харажатларнинг ҳайвонлар таннархига (ўсиш ва ортган вазнининг) киритилиши; ҳайвонлар наслининг акс эттирилиши:

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

24) Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш:

а) қийматининг оширилиши:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”.

б) қийматининг камайрилиши:

Д 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

25) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар операциялараро омборларга кирим қилинди (ярим тайёр маҳсулот ҳолида):

Д 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

26) Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган тўғирланмайдиган яроқсиз маҳсулотдан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

27) Маҳсулотни ҳақиқий таннарх бўйича ишлаб чиқариш:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

28) Асосий цехларда бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматларнинг сотилиши; тугалланган ва буюртмачи томонидан қабул қилинган ишларнинг босқичлари бўйича харажатлар суммасининг ҳисобдан чиқарилиши:

Д 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

29) Бошқа чиқиб кетган (текинга бериш ва бошқалар) маҳсулот таннархининг ҳисобдан чиқарилиши:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

30) Табиий офатлар, ёнғин ва шу кабилар натижасида тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди:

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

31) Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган моддий қийматликларнинг камомади:

Д 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”  
К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

**Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг алоҳида ҳисобини олиб борадиган корхоналарда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағида амалга оширилади.

Ушбу ҳисобварақда корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган (ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклида) ярим тайёр маҳсулотлардан: қора металлургияда қайта ишланувчи чўян; техник резина саноатида хом резина ва елим; кимё саноатининг азотли ўғит комбинатларидаги сульфат кислота; тўқимачилик саноатида йигирилган ип, хом сурп ва ҳоказо акс эттирилиши мумкин.

Юқорида келтирилган қийматликлар бошқа корхоналарда тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида, яъни 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағида акс эттирилади.

2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг дебетида 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг кредитида 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда қайта ишлашга берилган ва 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда бошқа корхоналарга сотилган ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи акс эттирилади.

2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ярим тайёр маҳсулотларнинг сақланиш жойлари ва алоҳида номлари (турлари, навлари, миқдорлари ва шу кабилар) бўйича юритилади.

Қуйида ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар омборга кирим қилинди:

Д 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

2) Ярим тайёр маҳсулотларнинг ортиқча қисми кирим қилинди:

Д 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

3) Ажратилган бўлинмалардан олинган ярим тайёр маҳсулотлар кирим қилинди:

Д 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”

- К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.
- 4) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қайта баҳолаш:
- а) қийматининг оширилиши:  
Д 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”  
К 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”.
- б) қийматининг камайрилиши:  
Д 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 5) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун берилди:  
Д 2010 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар” ёки  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар».
- 6) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотни тузатишга сарфланиши; ярим тайёр маҳсулотларнинг яроқсизлиги туфайли йўқотишларнинг акс эттирилиши:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 7) Сотиш учун мўлжалланган ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг тайёр маҳсулот сифатида акс эттирилиши:  
Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 8) Ўзида ишлаб чиқарилиб сотилган ярим тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисобдан чиқариш:  
Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 9) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг бошқа корхоналарга текинга берилиши:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 10) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг ажратилган бўлинмаларга берилиши:  
Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 11) Табиий офатлар натижасида ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар бўйича кўрилган зарарларни ҳисобдан чиқариш:  
Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- 12) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар камомади аниқланди:  
Д 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”  
К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.
- Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.**  
Корхонанинг асосий ишлаб чиқаришига ёки асосий фаолиятига ёрдамчи ва

хизмат кўрсатувчи ҳисобланган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағида амалга оширилади.

Ушбу ҳисобварақ қуйидагиларни таъминлайдиган, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилади:

а) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буғ ва бошқалар) билан хизмат кўрсатиш;

б) транспорт хизматини кўрсатиш;

в) асосий воситаларни таъмирлаш;

г) асбоблар, тўртбурчак муҳрлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларини тайёрлаш ёки қурилиш материалларини бойитиш (асосан қурилиш корхоналарида);

д) тош, шағал, кум ва бошқа руда бўлмаган материалларни қазиб олиш;

е) ёғоч материалларни тайёрлаш ва тахта қилиш;

ж) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тузлаш, қуритиш ва консерва қилиш (асосан савдо корхоналарида).

Бундан ташқари ушбу ҳисобварақларда корхона балансида турувчи илмий текшириш ва тажриба конструкторлик бўлинмаларининг харажатлари акс эттирилиши мумкин.

2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ тўғри харажатлар 2310 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағига, ишлаб чиқариш захиралари, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, асосий воситаларга эскириш ва номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағига 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар айрим ҳолларда бевосита 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағида ҳисобга олиниши мумкин.

Яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағига 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар” ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳақиқий таннархининг суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағининг кредитидан 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”, 2810

“Омбордаги тайёр маҳсулотлар”, 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннари”, 9420 “Маъмурий харажатлар” ҳисобварақларига ва бошқа ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб харажат элементлари ва моддалари бўйича ва маҳсулот турлари бўйича юритилади.

2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварағи бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

Қуйида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтаемиз:

1) Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларида фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига тааллуқли номоддий активларга амортизация ҳисобланди:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар сарфланди:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Маҳсулот олиш учун ҳайвонларнинг сўйилиши:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш:

а) қийматининг оширилиши:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”.

б) қийматининг камайрилиши:

Д 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

6) Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобланган улушларда ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисобварақларига ҳисобдан чиқариш:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар”.

7) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланиши:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.

8) Умумишлаб чиқариш харажатларининг тегишли улуши ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматлари таннарига киритилиши:

- Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.
- 9) Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлашдаги яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар уларнинг таннархига киритилиши:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”.
- 10) Келгуси даврлар харажатларининг улуши ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматлар таннархига киритилди:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 3100 “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки  
К 3200 “Кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи сётлар”.
- 11) Асосий цехларнинг тайёр маҳсулотлари ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилди:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 12) Мол етказиб берувчилардан ёрдамчи ишлаб чиқаришга моддий қийматликлар ва хизматлар (сув, буғ, энергия ва ҳоказо) келиб тушди:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки  
К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.
- 13) Қондирилмаган даъволар суммасининг ёрдамчи цехларга тегишли бўлган қисми уларнинг маҳсулоти, иш ва хизматлари таннархига ҳисобдан чиқарилди:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.
- 14) Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги суғурта харажатлари:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”.
- 15) Ёрдамчи ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлари:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.
- 16) Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича суммаларнинг ҳисобланиши:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.
- 17) Ёрдамчи ишлаб чиқаришга кўрсатилган хизматлар бўйича турли корхоналарга бўлган қарзлар:  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.
- 18) Олинган суммадан ортиқча харажат қилганликлари учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз”.

19) Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларига кўрсатган хизматлари:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

20) Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчаси кирим қилинди:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

21) Ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилишда қилинган харажатлар асбоб-ускуналар қийматига қўшилди:

Д 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

22) Капитал қўйилмаларда амалга оширилган ёрдамчи цехларнинг харажатлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

23) Илгари ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган материалларнинг қайтарилиши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

24) Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар кирим қилинди:

Д 1040 “Эҳтиёт қисмлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

25) Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига киритилиши:

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

26) Материалларни тайёрлаш ва харид қилишда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизматлари ва харажатлари:

Д 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

27) Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматлари ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларининг таннархига киритилди:

Д 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

28) Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

29) Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ўтказилиши:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

30) Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларининг (мавсумий тармоқларда) келгуси давр харажатларига олиб борилиши:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари” ёки

Д 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

31) Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар кирим қилинди:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

32) Маҳсулотларни сотиш ва етказиб беришда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

33) Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари ва бажарилган ишлари, кўрсатган хизматларининг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ёки

Д 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

34) Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг сотиш ва турли чиқиб кетишидаги харажатларининг ҳисобдан чиқарилиши:

а) асосий воситалар:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

б) номоддий активлар:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

35) Бошқа корхоналарга ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг инвестиция тариқасида маҳсулотлари берилди ва хизмалари кўрсатилди:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ёки

Д 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

36) Ажратилган бўлинмаларга ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг харажатлари ҳисобдан чиқарилди ёки маҳсулот берилди:

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

37) Табиий офат, ёнғин ва шу кабилар натижасида кўрилган ёрдамчи цехларнинг зарарлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

38) Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги аниқланган моддий қийматликларнинг камомади ва бузилишлари:

Д 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

39) Қайтариладиган ва кўп марта ишлатиладиган идишлар бўйича харажатлар ва йўқотишлар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

**Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Корхонанинг умумишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағида амалга оширилади.

Ушбу ҳисобварақда умумишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган харажатлар акс эттирилади, жумладан:

а) машина ва ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича;

б) ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари бўйича;

в) ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

г) ишлаб чиқаришдаги мол-мулкнинг суғурта харажатлари;

д) ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;

е) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш бинолари, машина ва ускуналар, бошқа ижарага олинган воситалар учун ижара тўловлари;

ж) ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи;

з) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Умумишлаб чиқариш харажатлари умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетида ишлаб чиқариш захиралари, ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинган харажатлар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ҳисобварақларининг дебетида ҳисобдан чиқарилади.

Умумишлаб чиқариш харажатларини алоҳида ҳисоб объектлари орасида тақсимлаш тартиби корхонанинг ҳисоб сиёсати орқали аниқланади.

Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва харажатлар моддалари бўйича юритилади.

Қуйида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Умумишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситаларнинг эскириши:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Умумишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активларнинг амортизацияси:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Умумишлаб чиқариш мақсадларига материалларнинг сарфланиши:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Умумишлаб чиқариш мақсадларига сарфланган материаллар қийматидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар”.

5) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар умумишлаб чиқариш мақсадлари учун (синовлар, тажрибалар ўтказишга) берилди:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.

6) Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари умумишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилди:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

7) Келгуси давр харажатлари умумишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилди:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 3100 “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

8) Ўзида тайёрланган маҳсулотлардан умумишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган эҳтиёжлар учун фойдаланилди:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

9) Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш (энергия, сув, газ, алоқа ва хоказо) бўйича мол етказиб берувчиларнинг хизматлари:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

10) Илгари тақдим этилган, лекин қондирилмаган даъволар суммасининг умумишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилиши:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”.

11) Умумишлаб чиқариш харажатлари билан боғлиқ суғурта харажатлари:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”.

12) Умумишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий тўлов бўйича харажатлар:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

13) Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатларининг ҳисобланиши:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.

14) Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари томонидан амалга оширилган харажатлар:

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

15) Илгари ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун берилган материалларнинг ортиқчаси ва қайтарилиши:

Д 1010 “Хом ашё ва материаллар”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

16) Умумишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот таннархига киритилиши:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

17) Ёрдамчи цехларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар уларнинг иш ва хизматлари таннархига киритилди:

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

18) Умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми яроқсиз маҳсулотларни тузатиш харажатларга қўшилди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

19) Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш харажатлари келгуси давр харажатлари таркибида акс эттирилди:

Д 3100 “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

20) Умумишлаб чиқариш харажатларининг (бекор туриб қолишлар ва ҳоказолар) бир қисми жавобгар шахслар зиммасига юкланди:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

21) Умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми (табиий офат, ёнғин ва ҳоказолар сабабли) зарарларга ҳисобдан чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ёки

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

**Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар” ҳисобварағида амалга оширилади.

2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар” ҳисобварағининг дебитида аниқланган яроқсиз маҳсулотлар бўйича харажатлар, шунингдек кафолатли таъмирлаш харажатлари йиғилади.

2600 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар” ҳисобварағининг кредитида яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишларнинг камайишига олиб бориладиган суммалар (яроқсиз маҳсулотнинг фойдаланиш мумкин бўлган баҳоси бўйича қиймати, яроқсиз маҳсулотнинг айбдорларидан ушланадиган суммалар, мол етказиб берувчилар томонидан етказиб берилган сифатсиз материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш натижасида юзага келган яроқсиз маҳсулот ва бошқалар учун ундириладиган суммалар), шунингдек яроқсиз маҳсулотлардан кўрилган йўқотиш сифатида ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган суммалар акс эттирилади.

Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг алоҳида цехлари, маҳсулот турлари, харажат моддалари ва яроқсиз маҳсулотларнинг вужудга келиш сабаблари бўйича юритилади.

Қуйида ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамыз:

1) Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича материаллар сарфланди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар».

2) Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда аниқланган тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишларнинг ҳисобдан чиқарилиши:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

3) Ўзида ишлаб чиқарилган яроқсиз ярим тайёр маҳсулотлар аниқланди ва ҳисобдан чиқарилди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.

4) Умумишлаб чиқариш харажатларининг улуши яроқсиз маҳсулотлар таннархига киритилди:

Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”

- К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.
- 5) Харидорга яроқсиз маҳсулот ўрнига юборилган маҳсулот таннари:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 6) Яроқсиз маҳсулотларни тузатишда ва кафолатланган таъмирлаш бўйича мол етказиб берувчилардан олинган хизматлар:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.
- 7) Ишлаб чиқаришда бракка тегишли бўлган ижтимоий тўлов бўйича харажатлар:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.
- 8) Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича меҳнат ҳақи суммаси ҳисобланди:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.
- 9) Яроқсиз маҳсулотларнинг қайтарилиши ва бошқалар билан боғлиқ суммаларнинг ҳисобдор шахслар ҳисобидан чиқарилиши:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар” ёки  
К 4290 “Ходимларга берилган бошқа бўнақлар”.
- 10) Истемолчилар томонидан олинган яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича қилинган харажатлари учун уларга бўлган қарз:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.
- 11) Яроқсиз маҳсулотни тузатишдан қолган ва яқуний яроқсиз маҳсулотларни ҳисобдан чиқаришдан олинган моддий қийматликларнинг (фойдаланиш мумкин бўлган баҳосида) кириш қилиниши:  
Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”  
К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”.
- 12) Яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари, иш ва хизматлари таннарига киритилди:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”.
- 13) Яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар моддий зарар етказган айбдор ишчилар ҳисобига ҳисобдан чиқарилди:  
Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”  
К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”.
- 14) Компенсация қилинмайдиган ўтган йилларнинг яроқсиз маҳсулотларидан йўқотишлар зарарга ҳисобдан чиқарилди:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроксиз маҳсулотлар”.

**Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.**  
Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварағида амалга оширилади.

Корхонанинг хизмат кўрсатувчи хўжаликлари сифатида корхонанинг мақсади бўлган фаолияти маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлар тушунилади. Жумладан, ушбу ҳисобварақда корхонанинг балансида бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой коммунал хўжалиги объектлари, спорт ва маданият, тикувчилик ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, ошхона ва буфетлар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторликка оид ажратилган бўлинмаларни сақлаш харажатлари акс эттирилади.

2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварағининг дебитида хизмат кўрсатувчи хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Харажатлар 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварақнинг дебетига товар-моддий заҳиралар, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварағининг кредитида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади. Ушбу суммалар 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварағининг кредити бўйича товар моддий заҳиралар ва бошқаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварағи бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир хизмат кўрсатувчи хўжалик ва харажат элементлари, моддалари бўйича ва маҳсулот турлари бўйича юритилади.

Қуйида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.

3) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар амортизацияси:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан ёрдамчи ишлаб чиқаришга кўрсатилган ва уларнинг исьтемомол қилган хизматлари қиймати:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

5) Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатларининг сотиш ва маъмурий харажатларга тақсимланиши:

Д 9410 “Сотиш харажатлари” ёки

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

6) Ҳисобот даври охирида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар зарарларининг давр харажатларига ҳисобдан чиқарилиши:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

7) Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун материалларнинг сарфланиши:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

8) Маҳсулот олиш учун ҳайвонларнинг сўйилиши:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

9) Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш:

а) қийматининг оширилиши:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”.

б) қийматининг камайтирилиши:

Д 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

10) Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобланган улушда хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилди:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар”.

11) Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун сарфланди:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.

12) Келгуси даврлар харажатларининг улуши хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулоти, иш ва хизматлари таннархига олиб борилди:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 3100 “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисоб-варақлар”.

13) Асосий цехлар тайёр маҳсулотларининг бир қисми хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун ишлатилди:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

14) Мол етказиб берувчилардан хизмат кўрсатувчи хўжаликларга келиб тушган моддий қийматликлар (сув, буғ, энергия ва хоказолар) ва хизматлар:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

15) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда суғурта бўйича харажатлар:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6510 “Суғурта бўйича тўловлар”.

16) Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатларига тегишли бўлган ижтимоий тўлов бўйича харажатлар:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

17) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга кўрсатган хизматлари учун турли корхоналарга бўлган қарзлар:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

18) Ҳисобдор шахсларга қарзлар:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз”.

19) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг кўрсатган хизматлари:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”

ёки

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

20) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ортиқча тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг кирим қилиниши:

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

21) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг капитал қўйилмаларни амалга оширишдаги харажатлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

22) Илгари хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган материалларнинг қайтарилиши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

23) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари ўстиришдаги ва бўрдоқига боқилаётган хайвонларнинг таннархига киритилди:

Д 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

24) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг материалларни харид қилишда кўрсатган хизматлари ва харажатлари:

Д 1510 “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

25) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари (мавсумий тармоқларда) келгуси давр харажатлари таркибига киритилди:

Д 3100 “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

26) Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тайёр маҳсулотлар кирим қилинди:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

27) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулотларни етказиш ва сотишда кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

28) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг сотган маҳсулотлари, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматларининг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ёки

Д 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

29) Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан бошқа корхоналарга инвестиция тариқасида маҳсулотлар берилди ва хизмалар кўрсатилди:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ёки

Д 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

30) Ажратилган бўлинмаларга хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулотлари берилди ёки харажатлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

31) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг табиий офат, ёнғин ва шу кабилар натижасида кўрган зарарлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ёки

Д 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

## 8.8. Келгуси давр харажатлари ҳисоби

**Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар – жорий қисми.** Ушбу харажатларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида икки гуруҳ ҳисобварақлар қўлланилади:

- келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (3100);
- кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (3200).

**Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Ушбу ҳисобот даврида амалга оширилган, аммо жорий қисми бўйича келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

3110 “Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи”;

3120 “Олдиндан тўланган хизмат ҳақи”;

3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”.

Бу ҳисобварақларда қуйидагилар билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилиши мумкин:

а) матбуотнинг даврий нашрларига йиллик обунанинг жами суммасини олдиндан тўлаш;

б) мулкнинг йиллик суғуртасини тўлаш;

в) келгуси даврлар учун оператив ижара тўлови бадаллари ва келгусида харажатларга киритилиши мумкин бўлган бошқа харажатлар.

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (3100)да ҳисобга олинган харажатлар харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Келгуси давр харажатларини жорий харажатларга ҳисобдан чиқариш ўрнатилган муддат давомида ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ёки миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

3110 “Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи” ҳисобварағида ушбу ҳисобот даврида тўланган, аммо келгуси ҳисобот даврига тегишли оператив ижара ҳақи ҳисобга олинади, масалан, корхона йил бошида бир йил учун олдиндан ижара ҳақини тўлади.

3120 “Олдиндан тўланган хизмат ҳақи” ҳисобварағида ушбу ҳисобот даврида олдиндан ҳақи тўланган, аммо келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган хизматлар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақда обуна бўйича харажатлар ва бошқаларни акс эттириш мумкин.

3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари” ҳисобварағида 3110 “Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи” ва 3120 “Олдиндан тўланган хизмат ҳақи” ҳисобварақларида ҳисобга олинмаган бошқа олдиндан тўланган харажатлар ҳисобга олинади.

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (3100) бўйича аналитик ҳисоб ҳисобварақлари харажат моддалари ва объектлари (йўналишлари) бўйича юритилади.

Қуйида келгуси давр харажатлари ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Келгуси давр харажатларида ҳисобга олинмаган ишларни амалга ошириш учун материаллар, тайёр маҳсулотлар чиқарилди:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

2) Келгуси давр харажатларига тегишли бўлган ишларни амалга оширишда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизматлари:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

3) Келгуси даврлар харажатларига тааллуқли бўлган умумишлаб чиқариш харажатлари улуши ҳисобдан чиқарилди:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”.

4) Келгуси йилга обуна бўйича харажатлар амалга оширилди:

Д 3120 “Олдиндан тўланган хизмат ҳақи”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

5) Келгуси давр харажатларига тегишли бўлган моддий қийматликлар ёки ишлар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга бўлган қарзлар:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки

К 7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

6) Келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олинадиган бошқа тўланадиган ҳисобварақлар:

Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки бошқа мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

7) Келгуси давр харажатларининг улуши навбатдаги ҳисобот даври келганда тегишли харажатлар ҳисобварақларига ўтказилди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки бошқа харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

К 3100 “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

**Кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи ва кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми бўйича ахборотларни умумлаштириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи”;

3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар”;

3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”.

3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи” ҳисобварағида вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғининг жорий қисми ҳисобга олинади.

Вақтинчалик фарқларга тегишли солиқларнинг ҳисобланиши умумий суммада 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

ҳисобварағининг кредитида ва жорий қисми 3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи” ҳисобварағининг дебитида акс эттирилади.

Кечиктирилган солиқларнинг тегишли қисмини узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказиш 3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи” ҳисобварағининг дебити ва 0950 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

Солиқни кечиктирилган харажатларнинг тегишли суммасига камайтириш юз берадиган давр келганда солиқ суммаси 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” ҳисобварағининг дебитида ва 3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади. Шундай қилиб, 3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи” ҳисобварағининг дебитидаги қолдиқ жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган умумий солиқ суммасининг камайтирилиши лозим бўлган солиқ суммасининг жорий қисмини кўрсатади.

3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар” ҳисобварағи қопланиш муддати давомида харажатларга тақсимланиб бориладиган облигация дисконт (чегирма)лар бўйича корхонанинг узоқ муддатли кечиктирилган харажатларининг жорий қисмини акс эттиради. Ушбу ҳисобварақ фақат облигацияларни сотувчи (эмитент)лар томонидан қўлланилади. Облигацияларни чегирма билан сотиш 3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар” ёки 0960 “Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар” ҳисобварақлари дисконт (чегирма)лар суммаси ва олинган суммага пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар дебитида ва 6830 “Тўланадиган облигациялар” ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади. Облигациялар бўйича жорий дисконт (чегирма)лар ҳисобланганда 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” ҳисобварағи дебетланади ва 3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар” ҳисобварағи кредитланади.

Бошқа кечиктирилган харажатларнинг жорий қисмига, узоқ муддатли қисми 0990 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар” ҳисобварағида ҳисобга олинадиган ва келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (3100) ҳисобга олиш назарда тутилмаган харажатлар киради. Масалан, саноатнинг мавсумий тармоқларида ишлаб чиқаришга тайёргарлик, ернинг рекультивацияси ва бошқалар билан боғлиқ харажатлар.

3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар” ҳисобварағининг дебитида бошқа кечиктирилган харажатлар 0990 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади. Бу харажатларни жорий харажатларга ўтказиш даврининг вақти келганида улар 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар” ҳисобварағининг кредитидан ушбу харажатларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг дебетига ўтказилади.

3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи”,  
3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар”, 3290  
“Бошқа кечиктирилган харажатлар” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб  
кечиктирилган харажатларнинг ҳар бир тури, ҳар бир даври ва ҳисобдан  
чиқариш муддатлари бўйича юритилади.

Қуйида кечиктирилган харажатлари ҳаракати бўйича муоамалаларни  
бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтаемиз:

1) Вақтинчалик фарқларга тегишли бўлган харажатлар бўйича  
ҳисобланган солиқларнинг жорий қисми:

Д 3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

2) Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқни узоқ муддатли  
қисмидан жорий қисмига ўтказиш:

Д 3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи”

К 0950 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда  
солиғи”.

3) Ўтган ҳисобот даврида кечиктирилган тегишли солиқ суммасига  
жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган солиқлар камайтирилди:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

К 3210 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда  
солиғи”.

4) Облигацияларни чегирма билан сотиш:

Д 3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар”

К 7830 “Тўланадиган облигациялар” ёки

К 6830 “Тўланадиган облигациялар”.

5) Дисконт бўйича кечиктирилган харажатларни узоқ муддатли  
қисмидан жорий қисмига ўтказиш:

Д 3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар”

К 0960 “Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечикти-  
рилган харажатлар”.

6) Жорий облигация чегирмасини ҳисобдан чиқариш:

Д 9610 “Ҳоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 3220 “Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган  
харажатлар”.

7) Бошқа кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми:

Д 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган  
ҳисобварақлар” ёки бошқа мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

8) Бошқа кечиктирилган харажатларни узоқ муддатли қисмидан жорий  
қисмига ўтказиш:

Д 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”

К 0990 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар”.

9) Кечиктирилган харажатларнинг тегишли қисми жорий харажатлар  
таркибига киритилди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки бошқа харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

К 3290 “Бошқа кечиктирилган харажатлар”.

### 8.9. Давр харажатлари ҳисоби

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Агар харажатлар комплекс моддалардан, яъни бир неча харажат элементларидан, иборат бўлса уларни ҳисобга олиш харажатлар элементлари бўйича ташкил этилади. Давр харажатларига қуйидаги моддалар киради.

**Сотиш харажатлари.** Товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар киритилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сотиш бўйича харажатлар, шу жумладан:

- маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари;
- ижтимоий суғуртага харажатлар;
- савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш (таъмирлаш, ювиш, тузатиш, дезинфекция қилиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бошқа харажатлар;
- газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари;
- товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари;
- савдо рекламаси харажатлари;
- ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг йўқотилиши;
- ўраш-жойлаш материаллари харажатлари;
- мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари;
- вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, тўлиқлар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (нотуқамал тусдаги) харажатлар;
- умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш;
- касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари;
- умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз

дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати;

- сотиш бозорларини ўрганиш бўйича харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар) ва бошқа харажатлар.

**Маъмурий харажатларга** қуйидагилар киради:

- бошқарув ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- бошқарув ходимларига ижтимоий суғуртага ажратмалар;

- хизмат енгил автотранспортига ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;

- хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари;

- бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

- телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар; абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов; каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектридан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет учун ҳақ тўлаш;

- шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш;

- маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш;

- маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек, эскириш (амортизация) харажатлари;

- юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар;

- ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари;

- бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар;

- вакиллик харажатлари;

- умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни текин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тўлаш харажатлари;

- бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари;

- хизматлар қийматини тўлаш ҳамда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар;

- маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган инвентарлар ва хўжалик анжомлари қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар ҳамда уларни

белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

**Бошқа операцион харажатларига қуйидагилар киради:**

- кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно;

- лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек, объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши ҳимоя нуқсонлари туфайли келиб чиққан тафтиш харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, шикастланиш ёки зарар кўриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади;

- маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;

- аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;

- ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларни сақлашдан кўрилган зарарлар;

- саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари;

- компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар:

\* ЎзР Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари;

\* бир марта бериладиган мукофотлар, йил давомидаги иш якунлари бўйича рағбатлантиришлар, узоқ муддат ишлаганлик учун рағбатлантириш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра натура билан тўловлар, шунингдек ягона ижтимоий тўлов суммаси, улар бўйича ҳисобланган ҳақ;

\* қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий прогул вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

\* вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ;

\* асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш;

\* қонун ҳужжатларига мувофиқ 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор бўлган аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

\* ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

\* ходимларнинг (овқатланиши, йўл кираси, даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўлланмалари, спорт секцияларида, тўғаракларда, клублардаги машғулотлари, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш.

- иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар:

\* қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар;

\* пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

\* амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларга тўловлар;

\* ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.

- соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек, уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан, барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказишга амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) харажатлар;

- вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

- банкнинг, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларига ҳақ тўлаш;

- экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар;

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар, шунингдек Ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш;

- зарарлар, жарималар, пенялар:

\* бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар;

\* моддий бойликларнинг, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган йўқотишлари ҳамда камомадлар;

\* ишлаб чиқариш заҳираларини ва тайёр маҳсулотни энг паст баҳолаш усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича қайта баҳолаш ёки баҳосини пасайтириш натижасидаги зарарлар;

- \* идишларга доир ишлар бўйича зарарлар;
- \* суд харажатлари;
- \* тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар;
- \* қонунчиликка мувофиқ даъво билдириш муддати ўтган ва ундириш нореал бўлган бошқа қарзлар бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар;
- \* ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялари бўйича кўрилган зарарлар;
- \* табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан, табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;
- \* айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар;
- \* хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқариш)дан кўрилган зарарлар;
- \* хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан, маҳсулотни етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган тўловлар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек, етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар;
- \* солиқ қонуни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар;
- \* тўланган бошқа жарималар.
  - ходимларга бериладиган ёки ёрдамчи хўжаликлар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш корхонаси учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича нарх тафовутлари;
  - гудвилл (фирма нархи)нинг номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулк бўйича, белгиланган тартибда;
  - янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан йўлдош маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари;
  - ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-эксперимент ишлари олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш,

кўргазмалар ва кўриклар, танловларни, сертификатлашни ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар;

- ижарага берилган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

- бошқарув ходимларига ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайдиган бошқа ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаш билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ;

- янги ишлаб чиқаришларни, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ва технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

- айрим машиналар ва механизмларни яқка тартибда синаб кўриш ҳамда фойдаланилаётган ускуналар ва техник қурилмаларнинг барча турларини уларни монтаж қилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс (маҳсулот чиқармасдан) ишлатиб кўриш;

- янгидан ишга туширилган корхонада ишлаш учун ишчи кучларини жалб қилиш ва кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар;

- фойдаланишдаги тўлиқ эскирган ускуна учун тўлов;

- ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиб туриш даврида ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни сақлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

- юқорида кўрсатилмаган бошқа харажатлар.

**Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9400).** Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9410 “Сотиш харажатлари”;

9420 “Маъмурий харажатлар”;

9430 “Бошқа операцион харажатлар”.

Давр харажатларининг таркиби ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

9410 “Сотиш харажатлари” ҳисобварағида маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар, яъни, маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар ва бўлимларнинг харажатлари ва бошқалар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9410 “Сотиш харажатлари” ҳисобварағи 9910 “Яқиний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

9420 “Маъмурий харажатлар” ҳисобварағида корхонани бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари, умумбошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларни таъмирлаш харажат-

лари, умумхўжалик аҳамиятидаги биноларнинг ижара тўловлари ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида 9420 “Маъмурий харажатлар” ҳисобварағи 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўлов харажатлари, иш ҳақи ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган компенсациялаш ва рағбатлантириш аҳамиятига молик тўловлар, банк ва депозитарий хизматларининг тўловлари, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа операцион фаолият жараёнида вужудга келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият ва фавқулодда харажатлар моддаларининг белгилари бўлмаган бошқа харажатлар акс этирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағи 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

Қуйида давр харажатлари ҳаракати бўйича муоамалаларни бухгалтерия ҳисобида акс этирилишини кўриб ўтамиз:

1) Маҳсулотларни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

2) Четдан реклама ва маркетинг хизматлари:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

3) Савдо жараёнида ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириши:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Савдо жараёнида ишлатилаётган номоддий активларнинг эскириши:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.

6) Бошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларнинг эскириши:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

7) Бошқарув биносининг ижара тўлови:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6910 “Тўланадиган оператив ижара”.

8) Бошқарув эҳтиёжлари учун материаллар сарфланди:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

- 9) Транспорт корхоналарининг хизмати:  
Д 9420 “Маъмурий харажатлар”  
К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.
- 10) Хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари:  
Д 9420 “Маъмурий харажатлар”  
К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар” ёки  
К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар”.
- 11) Юридик шахснинг юқори ташкилоти ва бирлашмаларини сақлашга ажратмалар:  
Д 9420 “Маъмурий харажатлар”  
К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.
- 12) Банк ва аудиторлик хизматлари учун тўловлар:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.
- 13) Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан зарарлар:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ёки  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.
- 14) Айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолдаги камомадлар ва йўқотишларни зарарга ўтказиш:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”.
- 15) Шубҳали қарзлар бўйича заҳира ҳисобланди:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”.
- 16) Солиқ идоралари қарорига кўра жарима ҳисобланди:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.
- 17) Корхона балансида бўлган олий ўқув юртларини сақлаш учун ажратмалар:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.
- 18) Корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар тўланди:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки  
К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки  
К 5510 “Аккредитивлар” ёки  
К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

19) Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

20) Ўтган йиллар муомалаларидан кўрилган зарарлар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” ёки бошқа олинадиган ҳисобварақлар.

21) Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”.

22) Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳужжатлари тўланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5510 “Аккредитивлар” ёки

К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

23) ТМЗнинг сотилиши бўйича баҳонинг камайиш натижалари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”.

24) Қуйидаги ишларда фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириши ва номоддий активларнинг амортизацияси:

а) янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида;

б) серияли ёки оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришга хизмат кўрсатишда

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

25) Ҳисобот даври охирида давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9410 “Сотиш харажатлари” ёки

К 9420 “Маъмурий харажатлар” ёки

К 9430 “Бошқа операцион харажатлар”.

Ҳисобот даври охирида 9910 “Яқуний молиявий натижа” ҳисобварағи 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” ҳисобварағи билан ёпилади.

### **8.10. Харажатлар – ишлаб чиқариш – фойда таҳлили**

Корхоналар иқтисодий фаолиятида бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни алоҳида ўрин тутаяди, у юқори малака ва амалий тажрибага эга бўлишни талаб қилади.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш корхона олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни аниқлашдан бошланади.

Бошқарув қарорлари амал қилиш даврига кўра стратегик (узок муддатли) ва қисқа муддатли қарорларга бўлинади.

Стратегик бошқарув қарорлари корхонанинг олдига қўйган мақсадига эришишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур қарорлар корхона раҳбарияти томонидан истиқболли ривожлантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида қабул қилинади.

Қисқа муддатли қарорлар қўйилган мақсадга эришишда қабул қилинадиган тезкор қарорлардир. Улар корхонанинг жорий режаларини тузиш, кадрлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда қабул қилинадиган бошқарув қарорларига бир қанча талаблар қўйилади. Бу талаблар бошқарув қарорларининг ишончилигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш зарурати билан изоҳланади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига қуйидаги талаблар қўйилади:

— *аниқ йўналишга эга бўлиши ва корхона манфаатларини тўлиқ ифода этиши.* Бунда бошқарув қарорларининг корхона олдига турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга ҳамда унинг фойдасини оширишга йўналтирилиши назарда тутилади;

— *илмий-амалий жиҳатдан асосланиши.* Бошқарув қарорларини қабул қилишда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили натижалари, унинг иқтисодий имкониятлари ҳамда замонавий фан-техника ютуқларини тўлиқ ҳисобга олиш зарур;

— *аниқ муддатларда қабул қилиниши ва амалга оширилиши.* Бошқарув қарорларини амалга ошириш даври белгилаб олинishi лозим. Бу ҳолат унинг ўз вақтида ва оқилона бажарилишини назорат қилишга кўмаклашади;

— *тезкор бўлиши.* Бошқарув қарорлари бозор талаблари ва корхона молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб зарур ҳолларда тезкор қабул қилиниши шарт;

— *юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлиши.* Бошқарув қарорларини қабул қилишда унумсиз ва ортиқча харажатларни режалаштирилишига йўл қўймаслик лозим.

Шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда ходимлар манфаатлари корхонанинг умумий манфаатига мос бўлиши, моддий,

молиявий ва меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланиш, корхонанинг иқтисодий, техникавий салоҳиятини таҳлил этиш каби жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бошқарув ҳисобида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилишда мавжуд муаммолар ечимига кўп вариантлилиқ тамойили асосида ёндашиш талаб қилинади. Бунда муҳокама қилинаётган масаланинг икки ёки ундан ортиқ вариантдаги ечими мавжуд бўлса, улар орасида энг мақбулини танлаб олиш бошқарув ҳисобидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Танлаш жараёнида менежер учун бошқарув самарадорлигини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Қўйилган муаммони ечиш учун талаб қилинадиган барча ахборотлар олингач, менежерлар қарорлар қабул қилишнинг самарали вариантларини танлашлари мумкин.

Кейинги босқичда корхона бухгалтери қабул қилинган қарорлар натижаларини таҳлил қилади ва ўз хулосаларини раҳбариятга тақдим этади.

Агар мавжуд муаммоларнинг ечимларини топиш борасида бошқа чоралар кўриш зарурати бўлмаса, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни тугалланган ҳисобланади, акс ҳолда барча босқичлар қайтадан амалга оширилади.

**Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш.** Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари турли хил оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга мажбур бўлади.

**“Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда” (Cost-Volume-Profit)** ўзаро алоқадорлик таҳлили зарарсизлик нуқтасини аниқлашда менежерлар учун муҳим восита ҳисобланади. Шунингдек, мазкур таҳлил тизими ёрдамида бухгалтерлар, аудиторлар, экспертлар ва маслаҳатчилар корхона молиявий натижасини ҳаққоний баҳолаш ва яхшилаш учун муҳим тавсиялар беришлари мумкин.

Зарарсизлик нуқтаси корхона даромадларининг харажатларни тўлиқ қоплаш нуқтаси бўлиб, молиявий натижаларни аниқлашнинг оддий ва аниқ усули ҳисобланади.

Баҳолар, корхона харажатлари, маҳсулотни сотиш ҳажми ва таркибига оид ҳар бир қабул қилинган қарор пировард-натижа корхона молиявий натижасида намоён бўлади.

“Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда” (CVP) қуйидаги имкониятларни беради:

- ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш;
- харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва фойданинг ўзаро боғлиқлиги таъсири натижасида харажатларнинг қандай ўзгариши мумкинлигини аниқлаш;
- корхона раҳбарларининг қисқа муддатли бошқарув қарорлари қабул қилишларига кўмаклашиш;
- корхонани истиқболли ривожлантириш имконини берадиган вариантлар орасидан энг мақбулини танлаш ва ҳ.к.

“Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда” таҳлили тизими нафақат кичик тадбиркорлик субъектлари, балки йирик корхоналар раҳбарлари учун ҳам ишончли бошқарув қарорлари қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу тизимида харажатлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва молиявий натижалар боғлиқлигига таъсир этувчи турли хил омиллар ўрганилади. Бу ҳолат корхона менежерларини мунтазам равишда сотиш баҳоси, ўзгарувчан ва доимий харажатлар, ресурсларни сотиб олиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида қарорлар қабул қилиши зарурлиги билан ифодаланади.

CVP – таҳлили маржинал даромад, рентабеллик остонаси (зарарсизлик нуқтаси), ишлаб чиқариш дастаги ва чидамлилиқнинг маржинал захираси каби асосий элементлардан иборат.

Маржинал даромад корхоналарда маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинadиган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги тафовутни ифодалайди.

Доимий ва ўзгарувчан харажатларни қопловчи тушум ҳажмини ҳисоблаш учун корхоналарда маржинал даромад ҳажми ва коэффициентлари кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Маржинал даромад ҳажми корхонанинг доимий харажатларни қоплаш ва фойда олишга қўшган ҳиссасини кўрсатади. Уни ҳисоблашнинг икки усули мавжуд:

— биринчи усулда маҳсулотларни сотишдан тушган тушумдан барча ўзгарувчан харажатлар чиқариб ташланади;

— иккинчи усулда эса маржинал даромад ҳажми корхона доимий харажатлари ва фойдасини қўшиш йўли билан аниқланади.

Маржинал даромаднинг ўртача ҳажми деганда, маҳсулот баҳоси билан ўртача ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги тафовут тушунилади. Бу кўрсаткич маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган доимий харажатларни қоплашга қўшилган ҳисса ва олинган фойдани акс эттиради.

Маржинал даромад коэффициенти маҳсулот сотишдан олинган тушумдаги маржинал даромаднинг улуши ёки товар баҳосидаги маржинал даромаднинг ўртача улушини ифодалайди.

Ривожланган мамлакатлар бошқарув ҳисоби назарияси ва амалиётида CVP – таҳлилинини ўтказишнинг бир қанча усуллари билан фойдаланилади. Улар устида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зарарсизлик нуқтасини аниқлаш ва унга таъсир этадиган омилларни ҳисоблаш учун кўплаб формулалар қўлланилади. Шу билан бирга, амалиётнинг ўзи ҳам шундай ҳар томонлама қулай формулани қўллашни талаб этадики, у CVP – таҳлилинини ташкил этувчи барча баҳоларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш ва анча оддий йўл билан ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлашга имкон туғдириши лозим. Бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$M_x = \frac{X_d + \Phi}{M_b} = \frac{X_d + \Phi}{B_m - X_{\text{ўз}}}$$

бу ерда,

$M_x$  — маҳсулот ҳажми;

$X_d$  — доимий харажатлар суммаси;

$\Phi$  — фойда суммаси;

$M_b$  — маржинал даромаднинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммаси;

$B_m$  — маҳсулот бирлиги баҳоси;

$X_{\text{ўз}}$  — ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммаси.

Қуйида 200 000 минг сўмлик фойдани олиш учун режалаштирилган натурал сотиш ҳажмини аниқлаймиз. Бунинг учун мисол тариқасида: доимий харажатлар суммаси – 1 000 000 сўм, маҳсулот бирлиги баҳоси – 400 минг сўм, ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммаси – 240 минг сўм деб фараз қиламиз. Бу кўрсаткичларни формулага қўйиб аниқлаймиз:

$$M_x = \frac{X_d + \Phi}{B_m - X_{\text{ўз}}} = \frac{1\,000\,000 + 200\,000}{400 - 240} = 7\,500 \text{ кг}$$

1. Бу ерда маҳсулотни зарарсиз ( $M_z$ ) сотиш ҳажми қуйидагини ташкил этади:

$$M_z = \frac{X_d}{B_m - X_{\text{ўз}}} = \frac{1\,000\,000}{400 - 240} = 6\,250 \text{ кг}$$

2. Берилган координатлардаги кутилаётган фойда суммасини аниқлаймиз:

$$\Phi = M_x (B_m - X_{\text{ўз}}) - X_d = 7500 (400 - 240) - 1\,000\,000 = 200\,000 \text{ минг сўм}$$

3. Берилган координатлардаги доимий харажатлар суммасини аниқлаймиз:

$$X_d = M_x (B_m - X_{\text{ўз}}) - \Phi = 7500 (400 - 240) - 200\,000 = 1\,000\,000 \text{ минг сўм}$$

4. Сотишларнинг режалаштирилган баҳосини аниқлаймиз:

$$B_m = X_{\text{ўз}} + \frac{X_d + \Phi}{M_x} = 240 + \frac{1\,000\,000 + 200\,000}{7\,500} = 400 \text{ минг сўм}$$

5. Ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммасини аниқлаймиз:

$$X_{\text{ўз}} = B_m - \frac{X_d + \Phi}{M_x} = 400 - \frac{1\,000\,000 + 200\,000}{7\,500} = 240 \text{ минг сўм}$$

$$\text{Хўз} = \frac{\text{Бм}}{\text{Мф}} = \frac{400}{7\,500} = 240 \text{ минг сўм}$$

6. Маржинал даромаднинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммасини аниқлаймиз:

$$\text{Мб} = \frac{\text{Хд} + \text{Ф}}{\text{Мф}} = \frac{1\,000\,000 + 200\,000}{7\,500} = 160 \text{ минг сўм}$$

“Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда” таҳлилининг муҳим шарти корхона харажатларини доимий ва ўзгарувчанларга бўлиш ҳисобланади. Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ва сотишлар ҳажмига боғлиқ бўлмайди, ўзгарувчан харажатлар эса - бу иккита омилнинг ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгариб туради. Шу боис, юқорида келтирилган формулаларга асосан зарарсизлик нуқтасини аниқлаш учун маҳсулотни зарарсиз сотиш коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кз} = \frac{\text{Мз}}{\text{М}}$$

бу ерда,

Кз — маҳсулотни зарарсиз сотиш коэффициенти;

Мз — маҳсулотни зарарсиз сотиш ҳажми;

Мў — маҳсулотни фойдали сотиш ҳажми.

Қуйида маҳсулотни зарарсиз сотиш коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$\text{Кз} = \frac{6\,250}{7\,500} = 0,83$$

Бу коэффициент ёрдамида маҳсулот сотиш ҳажмига боғлиқ зарарсизлик кўрсаткичини аниқлаймиз.

1. Маҳсулот сотиш ҳажмини қиймат кўринишида аниқлаймиз (7500\*400).

$$3\,000\,000 \times 0,83 = 2\,490\,000 \text{ минг сўм}$$

2. Маҳсулотнинг зарарсиз нархини белгилаймиз.

$$100 \times 0,83 = 83 \text{ минг сўм}$$

3. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларни аниқлаймиз (240/400\*100=60%).

$$60 \times 0,83 = 49,8 \text{ минг сўм}$$

4. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган маржинал даромад суммасини аниқлаймиз (160/400\*100=40%).

$$40 \times 0,83 = 33,2 \text{ минг сўм}$$

CVP – таҳлил тизими ҳисоб-китобларни соддалаштиради ва уларнинг меҳнат талаблилигини камайтиради, шунингдек, қабул қилинадиган бошқарув қарорлари самарадорлигини оширишга имкон беради.

CVP – таҳлили амалиётда гоҳо зарарсизлик нуқтаси таҳлили деб ҳам юритилади.

Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик чегараси) деганда, корхона ишлаб чиқаришининг шундай ҳажми ва тушуми тушуниладики, бунда барча харажатлар қопланиши ва дастлабки фойда олиниши таъминланади, яъни, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинadиган тушум унинг барча харажатлари йиғиндисига тенг бўлади. Бу сотишларнинг шундай ҳажмики, унда корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди.

Мазкур нуқта “Хатарли”, “Ўлик” ёки “Мувозанат” нуқтаси дейилади. Иқтисодий адабиётларда бу нуқтани ВЕР ("Break-even point" - қисқартмаси) сифатида белгиланади ва у рентабеллик нуқтаси ёки остонаси деб аталади.

**Бошқарув ҳисобида зарарсизлик нуқтасини ҳисоблаш усуллари.** Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни ҳисоблаш график, тенгламалар ва маржинал даромад каби усуллар ёрдамида амалга оширилади.

График усулда зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни топиш “Харажатлар — маҳсулот ҳажми — фойда” яхлит графигини тузиш имконини беради.

Чизмада зарарсизлик нуқтасига мос келувчи тушум остонавий тушум деб аталади. Зарарсизлик нуқтасидаги ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажми ишлаб чиқариш (сотишлар)нинг остонавий ҳажми деб аталади. Агар корхона сотишларнинг остонавий ҳажмидан кам маҳсулот сотса, у зарар кўради, кўп сотса фойда олади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқтаси ва ялпи фойда чизмасини тасвирлашда турли даражадаги ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш муаммоси пайдо бўлади. Зарарсизлик нуқтаси чизмаси бўйича фойда ва зарарлар ўртасидаги оқилона нисбатни аниқлаш учун жами харажатлар ва даромадлар чизиқлари орасидаги масофа аниқланади. Бунда фойданинг ошишига маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлашда қулай усуллардан бири фойда ва маҳсулот ҳажми чизмаси ҳисобланади.

Бундай чизмада, горизонтал ўқ ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини, вертикал ўқ эса ҳисобот давридаги фойда ва зарарларни акс эттирган. Агар сотиш ҳажми нолга тенг бўлса, унда максимал зарарлар доимий харажатлар суммасига тенг бўлиши шарт, чунки корхонанинг зарарлари унинг доимий харажатлари суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

Бошқарув ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажми (қуввати) машина ва ускуналарнинг бўш туриб қолиши, уларни таъмирлаш вақти, ишдаги танаффуслар ва шу кабилар билан боғлиқ бўлиб, у оптимал ёки реал имконият даражасига эга бўлади. Оптимал имконият - машина ва жиҳозларнинг бўш турмасдан юқори унум билан ишлаш даражаси ҳисобланади. Реал имконият эса машина ва жиҳозларнинг ўртача (нормал) ўртача (нормал) қувват билан ишлаши мумкил бўлган имкониятидир, Демак, оптимал имкониятдан реал имкониятни чегариб ташласак, ишлаб чиқариш

қуввати келиб чиқади, бу амалиётда назарий қувват (имконилт) деб ҳам аталади.

Шу ўринда, ишлаб чиқариш ҳажми билан ўзгарувчан харажатлар ўртасида ўзаро чизиқли боғланиш мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, яъни, координата текислигида харажатлар ва маҳсулот бирлиги маълум нуқталарда кесишади. Бироқ ҳамма ўзгарувчан харажатлар ҳам ишлаб чиқариш қуввати билан тўғри чизиқли боғланишда бўлмайди. Шу сабабли, уларни режалаштириш, таҳлил қилиш ва улардан бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Чизиқсиз боғланган харажатларни шартли равишда чизиқли боғланишга мослаштириш мақсадида “чизиқли апроксимация” усулидан фойдаланилади.

Релевантли даромад ва харажатлар — ҳақиқий олинган даромад ва қилинган харажатлар бўлмай, улар келажакда кутилаётган даромад ва харажатлар ҳисобланиб, бошқарув қарорлари таъсирида ўзгаради.

Уларни тан олишнинг иккита мезони мавжуд:

— агар даромад ва харажатларнинг келгуси бошқарув қарорлари таъсирида ўзгариши кўзда тутилса, улар релевантли дейилади;

— даромад ва харажатларнинг миқдори бошқарув қарорлари таъсирида ўзгарса, яъни, кўп вариантлик вужудга келса, улар релевантли дейилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳақиқий харажатлар ва олинган даромадлар релевантли, деб қаралмайди, чунки қандай бошқарув қарорлари қабул қилишдан қатъи назар уларнинг миқдорини ўзгартириб бўлмайди.

Тўпламлар (тенгламалар) усули ёрдамида зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

**Ялпи тушум — Ўзгарувчан харажатлар — Доимий харажатлар = Фойда**

Формула кўрсаткичлари ҳисоб-китобини қуйидагича ёйиб чиқиш мумкин:

*(Бир бирлик маҳсулотнинг баҳоси x Бир бирлик маҳсулотнинг миқдори) — (Бир бирлик маҳсулотга қилинган ўзгарувчан харажатлар x Бир бирлик маҳсулотнинг миқдори) — Доимий харажатлар = Фойда*

**Сотишларнинг зарарсизлик (критик) нуқтасини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:**

<b>Сотилган маҳсулот</b>	<b>Доимий харажатлар</b>
<b>бирлигига тўғри келадиган = -----</b>	
<b>критик нуқта</b>	<b>Баҳо x Шу бирлик маҳсулотнинг ўзгарувчан харажатлари</b>

**Маржинал даромад усули** тенгламалар усулининг турларидан бири ҳисобланади. Бунда зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) қуйидаги формула билан аниқланади:

**Доимий харажатлар**  
**Зарарсизлик нуқтаси = -----**

## Маржинал даромад нормаси

**Чидамлиликнинг маржинал захираси** — бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинадиган ҳақиқий тушумнинг сотишни зарарсизлигини таъминловчи остонавий тушумдан ошиб кетишини кўрсатувчи катталиқдир. Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан топилади:

$$\text{Чидамлиликнинг маржинал захираси} = \frac{(\text{Ҳақиқий тушум} - \text{Остонавий тушум})}{\text{Ҳақиқий тушум} \times 100 \%}$$

Зарарсиз сотув вақтида маҳсулот баҳосини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

### Чегаравий тушум

$$\text{Зарарсизлик баҳоси} = \frac{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми}}{\dots}$$

Мазкур формула ёрдамида ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш, сотиш ва зарур даражада фойда олиш имконини берадиган баҳони белгилаш мумкин.

**Корхоналарда ишлаб чиқариш дастаги самарасини аниқлаш тартиби.** Ишлаб чиқариш дастаги (leverage, сўзма-сўз таржимада ричаг, дастак) - бу корхона фойдасини самарали бошқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларни ўзаро мутаносиблигига асосланган механизmdir. Унинг ёрдамида сотиш ҳажми ўзгаришига боғлиқ равишда корхона фойдаси ўзгаришини тахминлаш, шунингдек, зарарсиз фаолият юритиш нуқтаси топилади. Корхона харажатларини доимий ва ўзгарувчанга бўлишга асосланган маржинал усулдан фойдаланишда ишлаб чиқариш дастаги механизмини қўлланиши зарурий шартдир.

Ишлаб чиқариш дастаги самараси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{ич} = \frac{MD}{\Phi} \text{ ёки } \frac{X_d + \Phi}{\Phi} = 1 + \frac{X_d}{\Phi}$$

бу ерда,

$C_{ич}$  — ишлаб чиқариш дастаги самараси;

MD — маржинал даромад;

$X_d$  — доимий харажатлар;

$\Phi$  — фойда.

Ушбу формула ёрдамида топилган ишлаб чиқариш дастаги самарасининг қиймати корхона тушуми ўзгаришига боғлиқ равишда фойданинг ўзгаришини тахминлаш имконини беради.

Ушбу ҳолат қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$C_{ич} = \frac{\Delta \Phi}{\dots}$$

## ΔТ

бу ерда,

ΔФ — фойданинг ўзгариши, % да;

ΔТ — тушумнинг ўзгариши, % да.

Янада аниқроқ тасаввур қилиш учун ишлаб чиқариш дастаги самарасини “МБА” МЧЖнинг 2019 йилги маълумотлари асосида таҳлил қилиб чиқамиз (минг сўмда).

1) Сотишлар суммаси (тушум)	575 454
2) Ўзгарувчан харажатлар	444 096
3) Маржинал даромад (1қ-2қ)	131 358
4) Доимий харажатлар	74 045
5) Асосий фаолият(операцион) фойдаси (3қ-4қ)	57 313
6) Сотилган маҳсулот ҳажми, дона	1 050
7) Бир бирлик маҳсулот баҳоси, минг	548,05
8) Ишлаб чиқариш дастаги самараси (3қ:5қ)	2,29

Бизнинг мисолимизда ишлаб чиқариш дастаги самараси 2,29 бирликни ташкил этади (131 358 : 57 313). Бу шунинг англатадики, корхона тушуми 1%га пасайганда, фойда 2,29%га қисқаради, тушум 23%га пасайганда эса, биз рентабеллик остонасига етамиз, яъни, фойда нолга тенг бўлади. Фараз қилайлик, тушум 10%га қисқарди ва 517 908,6 минг сўмни ташкил этди (575 454 x 10 : 100). Бундай шароитда корхона фойдаси 22,9%га қисқаради ва 27 232,02 минг сўмни ташкил этади.

**Мх (Б – Хўз)**

$$\text{Ид} = \frac{\text{Мх (Б – Хўз)}}{\text{Мх (Б – Хўз) - Хд}}$$

бу ерда,

Ид – ишлаб чиқариш дастаги;

Мх – сотилган маҳсулот ҳажми, дона;

Б – бир бирлик маҳсулотнинг баҳоси;

Хўз– бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар;

Хд – доимий харажатлар.

Ишлаб чиқариш дастаги корхона раҳбарларига харажатлар ва фойдани бошқариш, юқори фойда олиш бўйича стратегияни ишлаб чиқишга кўмаклашувчи молиявий кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич хажмининг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

— ўзгарувчан ва доимий харажатлар;

— сотиш баҳоси ва ҳажми;

— юқоридаги омиллар комбинацияси (молиявий ва ишлаб чиқариш дастакларини ҳисоблашда занжирли боғланиш усулини қўллаш).

Қуйида “МБА” МЧЖнинг юқорида келтирилган маълумотлари асосида ҳар бир омилнинг ишлаб чиқариш дастаги самарасига таъсирини таҳлил қилиб чиқамиз.

Сотиш баҳосини 10% (бир донаси 602,86 минг сўмгача) ошиши сотишлар ҳажмини 633 003 минг сўмгача, маржинал даромаднинг 188 907 минг сўмгача (633 003 - 444 096) ва фойданинг 114 862 минг сўм (188 907 - 74 045)гача ошишига олиб келади. Бунда биргина ҳисоб-китобда маржинал даромад ҳам 125,1 минг сўмдан (131 358 сўм : 1050 дона) 179,9 минг сўмгача (188 907 сўм : 1050 дона) ошади. Бундай тартибда доимий харажатларни қоплаш учун сотишларнинг кичик ҳажми талаб этилади: зарарсизлик нуқтаси 411 донани (74 045 минг сўм : 179,9 минг сўм), корхона чидамлилигининг маржинал захираси эса 639 дона (1050 дона - 411 дона) ёки 61% гача ортади. Натижада корхона 57 549 минг сўм (114 862 - 57313) миқдорида қўшимча фойда олади. Бунда ишлаб чиқариш дастагининг самараси 2,29 дан 1,64 бирликкача (188 907 : 114 862) пасаяди.

Ўзгарувчан харажатларнинг 10%га пасайиши (444 096 сўмдан 399686,4 минг сўмгача) маржинал даромадни 175767,6 минг сўмгача (575 454 - 399686,4) ва фойданинг 101 722,6 минг сўмгача (175767,6 - 74045) ортишига олиб келади. Бунинг натижасида зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) 238854,8 минг сўмгача [74045:(175767,6 : 575454)] ортади, миқдор кўринишида бу 227 дона (238854,8 : 1050)ни ташкил этади. Бинобарин, корхона чидамлилигини маржинал захираси 336599,2 минг сўм (575454-238854,8)ни ёки 614 дона (336599,2 минг сўм : 548,05 минг сўм)ни ташкил этади. Бундай шароитда корхонадаги ишлаб чиқариш дастаги самараси 1,7 бирликкача (175767,6 : 101722,6) пасаяди. Доимий харажатларнинг 10%га пасайиши даврида (74045 минг сўмдан 66640,5 минг сўмгача) корхона фойдаси 64717,5 минг сўмгача (575454 - 444096 -66640,5) ортади. Бундай шароитда зарарсизлик нуқтаси пул ифодасида 289741,3 минг сўм [66640,5 : (131358 : 575454)], ҳажм кўринишида эса 528 донани (289741,3: 548,05) ташкил этади. Бунда корхонада чидамлилигининг маржинал захираси 285712,7 минг сўм (575454-289741,3) ёки 521 дона (285712,7 : 548,05)ни ташкил этади. Бинобарин, доимий харажатларнинг 10% га пасайиши натижасида ишлаб чиқариш дастаги самараси 2,03 бирликни (131358 : 64717,5) ташкил этади ва дастлабки даражасига нисбатан 0,26 бирликка (2,29-2,03) пасаяди.

Ушбу ҳисоб-китоблар таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш дастаги самарасининг ўзгаришида корхона харажатлари умумий суммасидаги доимий харажатлар ҳиссасининг ўзгариши муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, сотишлар ҳажмининг ўзгариши фойданинг доимий ва ўзгарувчан харажатларга нисбати турлича бўлган корхоналарда бир хилда бўлмаслиги мумкин. Бунда корхона харажатларининг умумий суммасидаги доимий харажатларнинг солиштирма оғирлиги қанча паст бўлса, корхона тушуми ўзгариши суръатларига нисбатан фойда ҳажми шунчалик ўсади.

Ишлаб чиқариш дастаги механизмининг намоён бўлиши бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш дастагининг ижобий самарасига корхона маҳсулот ишлаб чиқаришнинг зарарсиз нуқтасини бартараф этгандан кейингина

эришиш мумкин. Бунда корхона ўзининг аввалги доимий харажатларини коплаш учун маржинал даромаднинг етарли миқдорини белгилайди.

2. Сотиш ҳажмининг бундан кейинги ортиб бориши ва зарарсизлик нуқтасидан узоқлаша бориши билан ишлаб чиқариш дастаги самараси пасая боради. Сотиш ҳажми ўсишининг ҳар бир кейинги фоизи фойда суммасининг ўсишини таъминлайди.

3. Ишлаб чиқариш дастаги механизми тескари йўналишга ҳам эга, яъни, сотиш ҳажмининг пасайишида корхона фойдаси ҳажми ҳам камайиб боради.

4. Ишлаб чиқариш дастаги ва корхона фойдаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд, корхона фойдаси қанча юқори бўлса, ишлаб чиқариш дастаги самараси шунча паст бўлади ва унинг тескараси ҳам кузатилади.

5. Ишлаб чиқариш дастаги самараси фақат қисқа муддатда юзага келади, яъни, корхона доимий харажатлари қисқа вақт оралиғидагина ўзгаришсиз қолади. Сотиш ҳажмининг ортиши жараёнида доимий харажатлар суммасининг навбатдаги ўзгариши рўй бериши биланоқ корхона зарарсизликнинг янги нуқтасини белгилаши ва унга ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқлаштириши лозим.

Корхона товар бозорининг сотиш ҳажми пасайиши мумкинлигини белгилаб берувчи ноқулай конъюнктурада, шунингдек, корхона иқтисодий фаолиятининг илк босқичларида зарарсизлик нуқтаси бартараф этилмаганда, доимий харажатларни пасайтириш учун чора-тадбирлар кўрилади. Шунингдек, товар бозорининг қулай конъюнктурасида ва чидамликни маълум маржинал заҳираси мавжудлигида доимий харажатларни иқтисод қилишни амалга оширишга бўлган талаблар анча пасайиши мумкин. Бундай шароитларда корхона асосий ишлаб чиқариш воситаларини қайта жиҳозлаши ва янгилаши, реал инвестициялар ҳажмини анча кенгайтириши лозим. Зарурат туғилганда ҳар бир корхона доимий харажатлар суммаси ва ҳажмини пасайтириш учун етарли даражада ресурсларга эга бўлиши зарур. Ушбу ресурслар таркибига товар бозорининг ноқулай конъюнктурасида устама харажатлар (бошқариш харажатлари)ни имкон даражада қисқартириш, амортизация ажратмаларини камайтириш мақсадида номоддий активлар ва асбоб-ускуналарнинг фойдаланилмаётган қисмини сотиш, асосий воситаларни сотиб олмасдан уларни оператив лизинг шартномаси асосида олиш, коммунал хизматлар ҳажмини қисқартириш ва ҳ.к.лар киради.

Ўзгарувчан харажатларни тежашнинг асосий заҳиралари қаторига қуйидагилар киритилади: ходимлар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари сонини камайтириш, товар бозорининг ноқулай конъюнктураси шароитида хомашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар заҳиралари ҳажмини қисқартириш, хомашё ва материалларни етказиб беришнинг корхона учун қулай шароитларини яратиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш дастаги механизмидан фойдаланиш доимий ва ўзгарувчан харажатларни аниқ мақсадга йўналтириш ва бошқариш, бекарор

бозор шароитида улар ўртасидаги ўзаро нисбатни тезкор ўзгартириб бориш ҳамда корхона фойдасини оширишга имкон беради.

Шундай қилиб, CVP - таҳлили корхона раҳбарларига ўзгарувчан ва доимий харажатлар, баҳо ва маҳсулот сотиш ҳажми ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга, ишбилармонлик таваккалчилигини пасайтириш имконини яратади. Уни универсал формуласини қўллаш орқали ўтказиладиган таҳлил сифатини оширишга эришилади.

### **8.11. Харажатларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари**

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун харажатлар корхона томонидан амалга оширилган, асосланган ва ҳужжат билан тасдиқланган харажатлар сифатида эътироф этилади.

Асосланган харажатлар деганда иқтисодий жиҳатдан асосли харажатлар тушунилади, унинг баҳоси пул шаклида ифодаланади.

Иқтисодий асосланган харажатлар деб, рационаллик тамойилини қондириш ва бизнес айланмаи аъъанасига асосланган бўлиб, даромад олиш мақсадлари учун қилинган харажатларни тушуниш керак.

Харажатларни фойдани солиққа тортиш мақсадларидаги харажатлар сифатида тан олишнинг зарурий шарти - бу қилинган харажатларнинг бирламчи (тасдиқловчи) ҳужжатлар билан тасдиқлашдир.

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун маҳсулот, товар (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларга бўлинади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Агар корхона даромад ва харажатларни ҳисоблаш усули билан аниқласа, унда солиқ ҳисоби мақсадлари учун харажатларни бевосита ва билвоситага бўлиш керак.

Ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ бевосита харажатлар:

- моддий харажатлар;

- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ижтимоий суғурта бўйича ажратмалар;

- маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси.

Ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ билвосита харажатларга, давр харажатлардан ташқари, бошқа барча ишлаб чиқариш харажатлари киради.

Солиқ ҳисоби мақсадларида харажатларни тан олиш тартиби маҳсулот сотишдан тушган тушумни ҳисоблаш усули фойдаланганда ЎзР солиқ кодексининг 44 бобида белгиланган.

Фойда солиғи мақсадлари учун, агар юридик шахс ҳисоблаш усулидан фойдаланса, фойда солиғи мақсадлари учун қилинган харажатлар ҳақиқий тўлов вақтидан қатъи назар, улар билан боғлиқ бўлган ҳисобот даврида тан олинади.

Харажатлар, ушбу харажатлар шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда юзага келадиган, ҳисобот (солиқ) даврида тан олинади. Битимда бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган ва даромад ва харажатлар ўртасидаги муносабатлар аниқ белгиланган ёки билвосита аниқланиши мумкин бўлмаган ҳолларда, харажатлар корхонанинг ўзи томонидан мутақил равишда ажратилади.

Корхонанинг харажатлари, агар муайян фаолият тури харажатларига бевосита ўтказилмаётган пайтда, бундай харажатлар тегишли даромаднинг ташкилотнинг барча даромадлари умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Солиқ ҳисобида моддий харажатлар санаси деб эътироф этилади:

- хом ашё ишлаб чиқаришга ўтказилган сана;

-хизматлар (ишлар)ни қабул қилиш-ўтказиш далолатномасини тузилган ва имзоланган сана.

Меҳнат харажатлари, белгиланган тартибда ҳисобланган меҳнат харажатлари суммасидан келиб чиққан ҳолда, ҳар ойда харажатлар деб эътироф этилади.

Тўғри чизиқли ва ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган амортизация суммаси ҳар ойда харажат сифатида тан олинади. Лекин, асоий воситалар ва номоддий активлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш мақсадларида фойдаланилмаган даврда амортизация ажратмалари фойдани солиққа тортиш сифатида қаралмайди.

Солиқ тўловчи томонидан амортизация қилинадиган активларни таъмирлаш учун амалга оширилган харажатлар қайси ҳисобот (солиқ) даврида амалга оширилган бўлса, ўша ҳисобот (солиқ) даврида солиқ солиш мақсадларида ҳақиқий чиқимлар миқдорида харажатлар жумласига киритилади (ЎзР Солиқ кодекси 309 моддаси).

Агар ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўртасидаги шартномада ижарага олувчининг амортизация қилинадиган активларга доир харажатларининг ўрнини ижарага берувчи томонидан қоплаш назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг мазкур харажатлари ҳам ҳисобга олинади.

Бошқа харажатлар санаси деб эътироф этилади:

1) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш санаси - солиқлар (солиқлар бўйича бўнак тўловлари), йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари кўринишидаги харажатлар учун;

2) тузилган шартномалар шартларига ёки ҳисоб–китоблар учун асос бўлиб хизмат қилувчи ташкилотга ҳужжатлар тақдим этилган санага ёки ҳисобот (солиқ) даврининг охириг қунига мувофиқ ҳисоб–китоб қилинган сана - қуйидаги харажатлар учун:

- коммиссион тўловлар шаклида;
- бошқа ташкилотларига улар томонидан бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш харажатлари шаклида;
- ижарага олинган мол-мулк учун лизинг (лизинг) тўловлари шаклида;
- бошқа шу каби харажатлар шаклида;

3) ташкилотнинг ҳисоб–китоб ҳисобварағидан (кассадан тўловлар) пул маблағларини ўтказиш санаси - қуйидаги харажатлар учун:

- йўл пули шаклида тўланган маблағлар;
- хизмат юзасидан шахсий автомобиллардан фойдаланганлик учун компенсация шаклида (хизмат сафаридан ташқари);

4) бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси - қуйидаги харажатлар учун:

- хизмат сафарлари;
- вакиллик харажатлари;
- хизмат транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш;
- бошқа шунга ўхшаш харажатлар.

## **8.12. Харажатларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

### **№1-мисол.**

“Артель” ҚҚ электр маиший жиҳозларни қуйидаги ассортиментда чиқариш билан шуғулланади: телевизорлар, музлатгичлар, газ плиталар.

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмаси:

а) асосий ишлаб чиқариш цехлари, шу жумладан, цех № 1 (ишлаб чиқариш); цех № 2 (бутлаш ва йиғиш);

б) ёрдамчи ишлаб чиқариш (транспорт участкаси).

2. Йил бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлар қиймати - 12 654 000 сўм.

3. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлар қиймати биринчи чорак охирида 15 452 000 сўм.

4. Материалларнинг ҳақиқий таннархи уларнинг ҳисоб баҳосидан четга чиқиши (оғиши) - 14 %.

5. Умумишлаб чиқариш харажатлари, корхона ҳисоб сиёсатига асосан, ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақига мутаносиб равишда тақсимланади.

6. Бошқа харажатлар бевосита харажатлар (иш ҳақи ва моддий харажатлар) га мутаносиб равишда тақсимланади);

7. Ҳисобот даври 2019 йилнинг биринчи чораги ҳисобланади.

### **Аниқланг:**

1) тайёр маҳсулотларни ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи;

- 2) ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари хизматларини тақсимланиши;
- 3). умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари бўйича тақсимланишини;
- 4) тузатиладиган ва якуний яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишларни аниқланг, бухгалтерия ёзувлари тузинг;
- 5) маҳсулот бирлигини ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқланг;
- б) келгуси даврлар харажатларини аниқланг ва уларни муайян қисмини маҳсулот таннархига киритинг;
- 7) тайёр маҳсулотни харидорларга сотишдан олинган молиявий натижани аниқланг, бухгалтерия ёзувларини тузинг.

Синтетик ҳисоб регистрлари (журнал-ордерлар, Бош дафтар ва айланма-сальдо қайдномаси) асосида “Артель” ҚКнинг қуйидаги ҳисобварақларни бўйича бухгалтерия ёзувларини тузинг:

### Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби (ҳисобварақ № 2010):

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Цех № 1 асосий воситаларига амортизация ҳисобланди	5 214 000		
2	Цех № 2 асосий воситаларига амортизация ҳисобланди	3 476 000		
3	Цех № 1 ишчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланди	89 640 000		
4	Ижтимоий тўловларга ажратма қилинди 12% меҳнат ҳақи фондидан (ҳисоб–китоб қилинг)	?		
5	Цех № 2 ишчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланди	94 540 000		
6	Ижтимоий тўловларга ажратма қилинди 12% меҳнат ҳақи фондидан (ҳисоб–китоб қилинг)	?		
7	Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар харажат қилинди – жами, шу жумладан: - цех № 1 - цех № 2	654 211 000		
		389 700 000		
		264 511 000		
8	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди (ҳисоб қилинг – фарқ 14%), жами: шу жумладан, - цех № 1 - цех № 2	?		
		?		
		?		
9	Технологик эҳтиёжлар учун истеъмол қилинган иссиқлик ва электро энергия учун энергия билан таъмин қилинадиган корхона ҳисобварағини тўлашга розилик берилди (акцепт)	48 263 000		
10	Асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар учун пудрат ташкилотини ҳисобварағи тўлашга қабул қилинди	12 570 000		

11	Резерв фондига (меҳнат таътили ва асосий воситаларни таъмирлаш учун) ажратмалар қилинди	25 430 000		
12	Қайтариладиган чиқиндилар имкон бўйича фойдаланиш нархи билан қабул қилинди	(2 118 000)		
	Жами ишлаб чиқариш таннархи	?		

### Бевосита моддий харажатларни тақсимлаш қайдномаси

Маҳсулот тури	Миқдор	Буюртма №	Материаллар ҳисоб нархи билан (минг сўм)		Оғиш (минг сўм)		Материалларни ҳақиқий таннархи (минг сўм)	
			Цех №1	Цех №2	Цех №1	Цех №2	Цех №1	Цех №2
Телевизорлар	64	45/306г	184 200	129 100				
Музлаткичлар	58	51/25м	124 300	84 500				
Газ плиталар	135	64/23г	81 200	50 911				
<b>Жами</b>			<b>389 700</b>	<b>264 511</b>				

### Тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси қайдномаси

Маҳсулот тури	Миқдор	Буюртма №	Материаллар ҳисоб нархи билан (минг сўм)	Оғиш (минг сўм)	Материалларни ҳақиқий таннархи (минг сўм)
Телевизорлар	5	45/306г	24 422		
Музлаткичлар	12	51/25м	41 640		
Газ плиталар	8	64/23г	8 317		
Жами					

### Асосий ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган асосий иш ҳақини тақсимлаш қайдномаси

Маҳсулот тури	Буюртма №	Иш ҳақини ҳисоблаш (минг сўм)		Иш ҳақидан ажратмалар (минг сўм)		Жами меҳнат ҳақиға харажатлар (минг сўм)	
		№ 1	№ 2	№ 1	№ 2	№ 1	№ 2
Телевизорлар	45/306г	49 800	51 200				
Музлаткичлар	51/25м	27 040	25 400				
Газ плиталар	64/23г	12 800	17 940				
Жами		89 640	94 540				

### Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

#### Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари тақсимлаш қайдномаси

Харажат моддалари	Харажатлар (минг сўм)					Жами (минг сўм)
	Иш ҳақи	Иш ҳақидан ажратмалар	Материаллар	Оғиш	Эскириш	
1. Асосий ишлаб чиқариш						
2. Сотиш харажатлари						

Итого						
-------	--	--	--	--	--	--

**Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби (ҳисобварақ № 2310):**

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Автотранспортга амортизация ҳисобланди	5 760 000		
2	Транспорт цехи ҳайдовчиларига иш ҳақи ҳисобланди	9 640 000		
3	Ижтимоий тўловлар бўйича ажратма қилинди (ҳисобланг)			
4	Тайёр маҳсулотни харидорларга етказиш учун ёқилғи мойлаш материаллар (ЁММ) қиймати ҳисобдан чиқарилди	4 235 000		
5	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди (ҳисобланг)			
6	Жами ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари			

Транспорт йўл варақаси бўйича ЁММ қиймати қуйидаги йўналишлар фаолияти бўйича ҳисобдан чиқарилди:

- хўжалик ичида юкларни ташиш – 2 997 000 сўм;
- харидорларга етказиш бўйича – 1 238 000 сўм.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш учун ушбу маълумотлар керак бўлади.

**Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби**

**Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби (ҳисобварақ № 2510):**

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Амортизация ҳисобланди, жами:	4 250 000		
	шу жумладан:			
	- цех № 1 асосий воситаларига - цех № 2 асосий воситаларига	2 931 000 1 319 000		
2	Умумишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар харажат қилинди, жами:	117 300 000		
	шу жумладан:			
	- цех № 1 - цех № 2	54 200 000 63 100 000		
3	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди, жами:			
	шу жумладан:			
	- цех № 1 - цех № 2			
4	Умумишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи			

	ҳисобланди, жами: шу жумладан: - цех № 1 ходимларига - цех № 2 ходимларига	58 900 000  31 100 000 27 800 000		
5	Ижтимоий тўловларга ажратма қилинди, жами: шу жумладан: - цех № 1; - цех № 2			
6	Цех № 1 га бажарилган коммунал хизматлар учун энерготабминот ташкилоти ҳисобварағи тўлаш учун қабул қилинди	9 000 000		
7	Цех № 2 га бажарилган коммунал хизматлар учун энерготабминот ташкилоти ҳисобварағи тўлаш учун қабул қилинди	5 976 000		
8	Жами умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимлаш учун:			
9	Асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилди			
10	Яроксиз маҳсулотлар учун умумишлаб чиқариш харажатлари бир қисми ҳисобдан чиқарилди			

### Давр харажатлари ҳисоби

Давр харажатлари ҳисоби (ҳисобварақ № 9400):

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Амортизация ҳисобланди	6 900 000		
2	Материаллар ҳисобдан чиқарилди	112 360 000		
3	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди			
4	Маъмурий-бошқарув ходимларига иш ҳақи ҳисобланди	151 400 000		
5	Ижтимоий тўловга ажратма қилинди			
6	Сафар хизмати харажатлари ҳисобдан чиқарилди	48 200 000		
7	Оргтехникани таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар учун «Оргсервис» МЧЖ ҳисобварағи тўлашга қабул қилинди	8 540 000		
8	Электр энергияси учун энерготабминот ташкилоти ҳисобварағи тўлов учун қабул қилинди	11 400 000		
9	Келгуси давр харажатлари бир қисми ҳисобдан чиқарилди (аниқланг)			
10	Жами умумхўжалик харажатлари:			
11	Ҳисобот даври охирида умумхўжалик харажатлари			

	якуний молиявий натижа ҳисобварағи билан ёпилди			
--	---	--	--	--

### Яроқсиз маҳсулотдан йуқотишлар ҳисоби

Тузатиладиган ва якуний яроқсиз маҳсулотдан йуқотишларни ҳисоблаш қайдномаси

Калькуляцион харажат моддалари	Тузатиладиган яроқсиз маҳсулот (минг сўм)	Якуний яроқсиз маҳсулот (минг сўм)	Жами (минг сўм)
<b>Ички яроқсиз маҳсулот</b>			
Материаллар ҳисоб нархи билан	2 450	3 200	
Ҳисоб нархидан оғишлар			
Жами:			
Меҳнат ҳақи	1 450	1 500	
Ижтимоий тўловга ажратмалар			
Умумишлаб чиқариш харажатлари бир қисми ҳисобдан чиқарилди (аниқланг)			
Жами харажатлар:		6 850	
<b>Ташки яроқсиз маҳсулот</b>			
Бракдан зарар сўндирилди:			
- имкон фойдаланиш нархи бўйича материаллар қабул қилинди;	-	420	
- жавобгар шахслардан ундирилди	1 550	1 754	

Яроқсиз маҳсулот бўйича йуқотишларни аниқлаб ва йуқотишлар бўйича бухгалтерия ёзуви қилинг.

### Келгуси давр харажатлари ҳисоби

2019 йил 14 январда “СвязьНаладка” МЧЖ “Артель” ҚК га ҳисоблаш техника воситаларини ишга тушириш бўйича 45 000 000 сўм ва ҚҚС суммаси 8 100 000 сўмга ҳисобварақ тақдим этди. Тақдим этилган ҳисобварақнинг “Артель” ҚК 2019 йил 16 январда тўлади. Ишга тушириш харажатлари маҳсулот таннархига 6 ой давомида ҳисобдан чиқарилади, ишга тушириш вақтидан кейинги ойни 1 санасидан кейин. Ишга тушириш 2019 йил 14 январда бажарилган ва топширилган.

Ҳисобот даври маҳсулот таннархига киритиладиган келгуси давр харажатларини муайян улушини ҳисоблаб чиқинг.

### Тайёр маҳсулотни сотиш ҳисоби

2019 йил 25 февралда “Артель” ҚК харидорга сотилган маҳсулот 2 250 000 сўм ва ҚҚС 337 500 сўм учун ҳисобварақ тақдим этди. Хусусий транспорт билан етказиш харажатлари \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этди

(“Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби” маълумотлари асосида ҳисобланг).

Харидор тақдим этган ҳисобварақнинг 2019 йил 27 февралда тўлиқ тўлади.

Ёзувлар қилинг, сотишдан молиявий натижани аниқланг.

Ечим

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Цех № 1 асосий воситаларига амортизация ҳисобланди	5 214 000	2010	0200
2	Цех № 2 асосий воситаларига амортизация ҳисобланди	3 476 000	2010	0200
3	Цех № 1 ишчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланди	89 640 000	2010	6710
4	Ижтимоий тўловларга ажратма қилинди 12% меҳнат ҳақи фондидан (ҳисоб–китоб қилинг)	10 756 800	2010	6520
5	Цех № 2 ишчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланди	94 540 000	2010	6710
6	Ижтимоий тўловларга ажратма қилинди 12% меҳнат ҳақи фондидан (ҳисоб–китоб қилинг)	11 344 800	2010	6520
7	Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар харажат қилинди – жами, шу жумладан: - цех № 1 - цех № 2	654 211 000		
		389 700 000	2010	1010
		264 511 000	2010	1010
8	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди (ҳисоб қилинг – фарқ 14%), жами: шу жумладан, - цех № 1 - цех № 2	91 589 540		
		54 558 000	2010	1610
		37 031 540	2010	1610
9	Технологик эҳтиёжлар учун истеъмол қилинган иссиқлик ва электро энергия учун энергия билан таъмин қилинадиган корхона ҳисобварағини тўлашга розилик берилди (акцепт)	48 263 000	2010	6010
10	Асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар учун пудрат ташкилотини ҳисобварағи тўлашга қабул қилинди	12 570 000	2010	6010
11	Резерв фондига (меҳнат таътили ва асосий воситаларни таъмирлаш учун) ажратмалар қилинди	25 430 000	2010	8910
12	Қайтариладиган чиқиндилар имкон бўйича фойдаланиш нархи билан қабул қилинди	(2 118 000)	1090	2010
	Жами ишлаб чиқариш таннархи	<b>1 044 917 140</b>		

Бевосита моддий харажатларни тақсимлаш қайдномаси

Маҳсулот тури	Миқдор	Буюртма №	Материаллар ҳисоб нархи билан (минг сўм)	Оғиш (минг сўм)	Материалларни ҳақиқий таннархи (минг сўм)
---------------	--------	-----------	--	-----------------	---

			Цех №1	Цех №2	Цех №1	Цех №2	Цех №1	Цех №2
Телевизорлар	64	45/306г	184 200	129 100	25 788	18 074	209 988	147 174
Музлаткичлар	58	51/25м	124 300	84 500	17 402	11 830	141 702	96 330
Газ плиталар	135	64/23г	81 200	50 911	11 368	7 128	92 568	58 039
<b>Жами</b>			<b>389 700</b>	<b>264 511</b>	<b>54 558</b>	<b>37 032</b>	<b>444 258</b>	<b>301 543</b>

### Тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси қайдномаси

Маҳсулот тури	Миқдор	Буюртма №	Материаллар ҳисоб нархи билан (минг сўм)	Оғиш (минг сўм)	Материалларни ҳақиқий таннархи (минг сўм)
Телевизорлар	5	45/306г	24 422	3 419	27 841
Музлаткичлар	12	51/25м	41 640	5 830	47 470
Газ плиталар	8	64/23г	8 317	1 164	9 481
<b>Жами</b>			<b>74 379</b>	<b>10 413</b>	<b>84 792</b>

### Асосий ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган асосий иш ҳақини тақсимлаш қайдномаси

Маҳсулот тури	Буюртма №	Иш ҳақини ҳисоблаш (минг сўм)		Иш ҳақидан ажратмалар (минг сўм)		Жами меҳнат ҳақига харажатлар (минг сўм)	
		№ 1	№ 2	№ 1	№ 2	№ 1	№ 2
Телевизорлар	45/306г	49 800	51 200	5976	6144	55 776	57 344
Музлаткичлар	51/25м	27 040	25 400	3245	3048	30 285	28 448
Газ плиталар	64/23г	12 800	17 940	1536	2153	14 336	20 093
<b>Жами</b>		<b>89 640</b>	<b>94 540</b>	<b>10 757</b>	<b>11 345</b>	<b>100 397</b>	<b>105 885</b>

### Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

#### Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари тақсимлаш қайдномаси

Харажат моддалари	Харажатлар (минг сўм)					Жами (минг сўм)	
	Иш ҳақи	Иш ҳақидан ажратмалар	Материаллар		Оғиш		Эскириш
			минг сўм	солиштирма оғирлик, %			
1. Асосий ишлаб чиқариш	6 822	819	2 997	70,77	420	4 076	15 134
2. Сотиш харажатлари	2 818	338	1 238	29,23	173	1 684	6 251
<b>Жами</b>	<b>9 640</b>	<b>1 157</b>	<b>4 235</b>	<b>100</b>	<b>593</b>	<b>5 760</b>	<b>21 385</b>

#### Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби (ҳисобварақ № 2310):

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Автотранспортга амортизация ҳисобланди	5 760 000	2310	0260
2	Транспорт цехи ҳайдовчиларига иш ҳақи ҳисобланди	9 640 000	2310	6710
3	Ижтимоий тўловлар бўйича ажратма қилинди (ҳисобланг)	1 156 800	2310	6520
4	Тайёр маҳсулотни харидорларга етказиш учун	4 235 000	2310	1030

	ёқилғи мойлаш материаллар (ЁММ) қиймати ҳисобдан чиқарилди			
5	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди (ҳисобланг)	592 900	2310	1610
6	Жами ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	21 384 700		
6.1	Асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига	15 134 000	2010	2310
6.2	Маҳсулот сотишга	6 250 700	9410	2310

**Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби (ҳисобварақ № 2510):**

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Амортизация ҳисобланди, жами:	4 250 000		
	шу жумладан:			
	- цех № 1 асосий воситаларига	2 931 000	2510	0200
	- цех № 2 асосий воситаларига	1 319 000	2510	0200
2	Умумишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар харажат қилинди, жами:	117 300 000		
	шу жумладан:			
	- цех № 1	54 200 000	2510	1000
	- цех № 2	63 100 000	2510	1000
3	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди, жами:	16 422 000		
	шу жумладан:			
	- цех № 1	7 588 000	2510	1610
	- цех № 2	8 834 000	2510	1610
4	Умумишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи ҳисобланди, жами:	58 900 000		
	шу жумладан:			
	- цех № 1 ходимларига	31 100 000	2510	6710
	- цех № 2 ходимларига	27 800 000	2510	6710
5	Ижтимоий тўловларга ажратма қилинди, жами:	7 068 000		
	шу жумладан:			
	- цех № 1;	3 732 000	2510	6520
	- цех № 2	3 336 000	2510	6520
6	Цех № 1 га бажарилган коммунал хизматлар учун энерготабминот ташкилоти ҳисобварағи тўлаш учун қабул қилинди	9 000 000	2510	6010
7	Цех № 2 га бажарилган коммунал хизматлар учун энерготабминот ташкилоти ҳисобварағи тўлаш учун қабул қилинди	5 976 000	2510	6010
8	Жами умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимлаш учун:	229 518 000		
8.1	расходы по цеху № 1	114 149 000		
8.2	расходы по цеху № 2	115 369 000		
9	Асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун			

	умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилди			
9.1	Цех № 1 (114149 • 98,42 / 100)	112 345 000	2010	2510
9.2	Цех № 2 (115369 • 98,42 / 100)	113 546 000	2010	2510
10	Яроқсиз маҳсулотлар учун умумишлаб чиқариш харажатлари бир қисми ҳисобдан чиқарилди	3 627 000	2610	2510
	Жами умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилди (112345000 + 113546000 + 3627000)	229 518 000		

### Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қайдномаси № 1

Тақсимлаш базаси	Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи (меҳнат ҳақидан ажратмаларсиз)		Умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимлаш учун (минг сўм)
	(минг сўм)	Солиштирма улуши, %	
2010 ҳисобварақ – “Асосий ишлаб чиқариш”			
Телевизорлар	101 000	53,97	123 871
Музлаткичлар	52 440	28,02	64 311
Газ плиталар	30 740	16,43	37 709
Жами	184 180	98,42	225 891
2610 ҳисобварақ – “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”			
2610 - 1 Тузатадиган брак	1 450	0,78	1 791
2610 - 2 Якуний брак	1 500	0,80	1 836
Жами	2 950	1,58	3 627
Ҳаммаси	187 130	100	229 518

### Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қайдномаси № 2

Маҳсулот тури	Цех № 1			Цех № 2			Умум ишлаб чиқариш харажатлари (минг сўм)
	Ишчиларнинг асосий иш ҳақи		Умумцех харажати, (минг сўм)	Ишчиларнинг асосий иш ҳақи		Умумцех харажати, (минг сўм)	
	(минг сўм)	солиштирма оғирлик, %		(минг сўм)	солиштирма оғирлик, %		
Телевизорлар	49 800	55,56	62 419	51 200	54,16	61 496	123 915
Музлаткичлар	27 040	30,16	33 883	25 400	26,87	30 510	64 393
Газ плиталар	12 800	14,28	16 043	17 940	18,97	21 540	37 583
Жами	89 640	100	112 345	94 540	100	113 546	225 891

### Давр харажатлари ҳисоби

Давр харажатлари ҳисоби (ҳисобварақ № 9400):

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит

1	Амортизация ҳисобланди	6 900 000	9420	0200
2	Материаллар ҳисобдан чиқарилди	112 360 000	9420	1000
3	Материаллар қийматидаги оғишлар ҳисобдан чиқарилди	15 730 000	9420	1610
4	Маъмурий-бошқарув ходимларига иш ҳақи ҳисобланди	151 400 000	9420	6710
5	Ижтимоий тўловга ажратма қилинди	18 168 000	9420	6520
6	Сафар хизмати харажатлари ҳисобдан чиқарилди	48 200 000	9420	4220
7	Оргтехникани таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар учун «Оргсервис» МЧЖ ҳисобварағи тўлашга қабул қилинди	8 540 000	9420	6010
8	Электр энергияси учун энерготашкилот ташкилоти ҳисобварағи тўлов учун қабул қилинди	11 400 000	9420	6010
9	Келгуси давр харажатлари бир қисми ҳисобдан чиқарилди	15 000 000	9420	3100
10	Жами давр харажатлари:	414 950 000		
11	Ҳисобот даври охирида давр харажатлари якуний молиявий натижа ҳисобварағи билан ёпилди	414 950 000	9910	9420

Ҳисобот даврида тўғри келадиган келгуси давр харажатларини ҳисобдан чиқариш суммасини аниқлаш:

“Келгуси давр харажатлари ҳисоби” маълумотлари асосида

№	Хўжалик операциялар мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Ҳисоблаш машиналарни ишга тушириш бўйича тақдим этилган ҳисобварақ суммасига	45 000 000	3100	6010
2	ҚҚС суммасига	8 100 000	4410	6010
3	Ишга тушириш бўйича ҳисобварақ суммаси тўланди	53 100 000	6010	5110
4	ҚҚС суммаси бюджет олдида ҳисобга олинди	8 100 000	6410	4410
5	Келгуси давр харажатларини муайян қисми ҳисобдан чиқарилди (45 000 000 : 6 • 2)	15 000 000	9420	3100

Тузатиладиган ва тузатиб бўлмайдиган (якуний) яроқсиз маҳсулотлардан йўқотишларни ҳисоблаш қайдномаси

Калькуляцион харажат моддалари	Тузатиладиган яроқсиз маҳсулот (минг сўм)	Якуний яроқсиз маҳсулот (минг сўм)	Жами (минг сўм)
Ички яроқсиз маҳсулот			

Материаллар ҳисоб нархи билан	2 450	3 200	5 650
Ҳисоб нархидан оғишлар	343	448	791
Жами:	2 793	3 648	6 441
Меҳнат ҳақи	1 450	1 500	2 950
Ижтимоий тўловга ажратмалар	174	180	354
Умумишлаб чиқариш харажатлари бир қисми ҳисобдан чиқарилди (аниқланг)	1 791	1 836	3 627
Жами харажатлар:	6 469	7 434	13 903
Ташқи яроқсиз маҳсулот		6850	6850
Бракдан зарар сўндирилди:			
- имкон фойдаланиш нархи бўйича материаллар қабул қилинди;	-	420	420
- жавобгар шахслардан ундирилди	1 550	1 754	3 304
Яроқсиз маҳсулотдан йуқотишлар	4 919	12 110	17 029

### Яроқсиз маҳсулотлардан йуқотишлар ҳисоби қайдномаси

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Асосий ишлаб чиқаришдан якуний яроқсиз маҳсулот ҳисобдан чиқарилди	7 434 000	2610	2010
2	Материаллар ҳисоб нархи билан ҳисобдан чиқарилди	2 450 000	2610	1010
3	Материаллар қийматидан оғишлар ҳисобдан чиқарилди	343 000	2610	1610
4	Тузатиладиган яроқсиз маҳсулотни тузатиш учун иш ҳақи ҳисоб қилинди	1 450 000	2610	6710
5	Ижтимоий тўловлар учун ажратма қилинди	174 000	2610	6520
6	Умумишлаб чиқариш харажатларини бир қисми ҳисобдан чиқарилди	1 791 000	2610	2510
7	Истеъмолчилар томонидан аниқланган яроқсиз маҳсулот ҳисобдан чиқарилди	6 850 000	2610	4010
8	Фойдаланиш мумкин нарх билан материаллар қабул қилинди	420 000	1090	2610
9	Жавобгар шахс ҳисобидан яроқсиз маҳсулот учун маблағ ундириб олинди	3 304 000	6710	2610
10	Тузатиладиган яроқсиз маҳсулотдан йуқотишлар ҳисобдан чиқарилди	4 919 000	2010	2610
11	Якуний яроқсиз маҳсулотдан йуқотишлар ҳисобдан чиқарилди	11 849 000	2010	2610

Текшириш: ҳисобварақ № 2610нинг дебет ва кредит айланмаси фарқи нолга тенг бўлиш керак:

$$(7434 + 2450 + 343 + 1450 + 174 + 1791 + 6850) - (420 + 3304 + 4919 + 11\,849) = 0$$

Чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$TM_x = TИЧ_6 + X - XЧ - TИЧ_0$$

бу ерда:

ТМ<sub>х</sub> – тайёр маҳсулотни ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи;

ТИЧ<sub>б</sub> – тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобот даври бошида (2010 ҳисобварақнинг ой бошидаги қолдиғи);

Х – ҳисобот даври харажатлари (2010 ҳисобварақнинг дебет айланмаи);

ҲЧ – ҳисобот даври қайтаришлар ва ҳисобдан чиқариш (2010 ҳисобварақнинг кредит айланмаи);

ТИЧ<sub>о</sub> - тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобот даври охирида (2010 ҳисобварақнинг ой охиридаги қолдиғи).

$ТМ_x = 12\ 654\ 000 + (1\ 044\ 917\ 140 + 15\ 134\ 000 + 112\ 345\ 000 + 113\ 546\ 000 + 11\ 849\ 000) - 7\ 434\ 000 - 15\ 452\ 000 = 1\ 287\ 559\ 140$  сўм.

“Тайёр маҳсулот сотиши ҳисоби” бўйича бухгалтерия ёзувлари тузамиз:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Маҳсулот сотишдан олинган тушум	2 655 000 000	4010	9010
2	Маҳсулот реализациясидан ҳисобланган ҚҚС	405 000 000	4010	6410
3	Сотилган маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди	1 672 730 000	9110	2810
4	Маҳсулот сотиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди (қара ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қайдномаси)	6 758 000	9910	9410
5	Сотишдан якуний молиявий натижа аниқланди (фойда) (2 655 000 – 405 000 – 1 672 730 – 6 758)	570 512 000	9910	8710

### Назорат саволлари

1. Корхона харажатлари ва сарфлари ҳақида тушунча беринг?
2. Маҳсулот таннархи турларининг қандай турлари бор?
3. Маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг қандай усулларини биласиз?
4. Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби бўйича харажатлар тушунчасидаги асосий фарқлар нималардан иборат?
5. Корхона харажатларининг таснифини айтиб беринг.
6. Корхонанинг қандай харажатлари солиқ мақсадлари учун меъёрлаштирилади?
7. Келгуси даврлар харажатларига қандай харажатларни киритиш мумкин?
8. Корхонанинг оддий фаолиятига тегишли харажатлар тушунчасини очиб беринг?
9. Бошқа харажатларга нималар киради?
10. Корхонанинг устама харажатлари қандай ҳисобдан чиқарилади?
11. Корхонанинг харажатлари бухгалтерия ҳисобида қандай шароитларда тан олиниши мумкин?

*Бухгалтерия ҳисоби фақат дебет ва кредитдан иборат эмас, у компания бошқаруви учун ҳамма нарсага йўл кўрсатувчи компас сифатида хизмат қилиши керак.*

*Маусуита Коносуке.*

## **9 БОБ. МАҲСУЛОТ, ТОВАР (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ВА УЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ**

### **9.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 26-29 боблар.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 12 бўлим.
3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎзР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎзРҚ-404.
4. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом». (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори (ўзгартиришлар ва иловалар билан)).
5. «Хўжалик субъектлари харажатлари ва молиявий натижаларини шакллантириш ҳисобини такомиллаштириш тартиби тўғрисида» (ўзгартириш ва иловалар билан). (ЎзР ВМнинг 2003 йил 15 октярдаги № ВМҚ-444 қарори).
6. ЎзР 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар» (ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатга олинган).
7. ЎзР 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар (янги таҳрирда)» (ЎзР Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган).
8. ЎзР 19-сон БҲМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» (ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган).
9. ЎзР 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома». (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).
10. ЎзР 22-сон БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган).
11. «Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом». (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган).
12. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ» (Марказий банк қарори 26.04.2013, №9/1, ЎзР Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган).

### **9.2. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби тушунчаси ва вазифалари**

Тайёр маҳсулотлар - сотиш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш циклининг охирига натижасидир. Булар корхонада ишлаб чиқарилган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар, тўлиқ бутланган (укомплектованные), уларни тасдиқланган тартибда қабул қилиш бўйича корхона омборига топширилган ва сотишга тайёрдир.

Технологик қайта ишлашнинг барча босқич ва жараёнларидан, синовдан ўтган, жиҳозланган, белгиланган меъёр ва талабларга жавоб берган, тайёр маҳсулотлар омборига топширилган ва тегишли бирламчи тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилган бўлса, маҳсулотлар тайёр ҳисобланади. Агар бундай маҳсулотларга нисбатан юқоридаги шартлардан камида биттаси бажарилмаса, бухгалтерия ҳисобида қилинган харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотлари таркибига олиб борилади.

4-сон БХМС бўйича тайёр маҳсулотлар ва товарлар корхонанинг моддий-ишлаб чиқариш заҳираларининг бир қисмидир. Тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

- тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннарини ҳисоблаш учун маълумотларни шакллантиришни амалга ошириш;
- маҳсулотларни қабул қилиш ва чиқариш бўйича операцияларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштирилишини назорат қилиш;
- харидор ва буюртмачилар тўловларининг ўз вақтидалигини назорат қилиш;
- маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар сметаларининг бажарилишини кузатиш;
- тайёр маҳсулотларнинг сақлаш жойларида ва ҳаракатнинг барча босқичларида мавжудлиги ва бутлигини назорат қилиш.

### **9.3. Тайёр маҳсулотларни омборда ҳисобга олиш**

Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олишда сақлаш жойларида ва моддий жавобгар шахслар бўйича тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларнинг шаклланишини таъминлаш лозим.

Одатда, барча тайёр маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар омборига топширилиши керак. Истисно тариқасида катта ўлчамли ва шунга ўхшаш маҳсулотлар учун, техник сабабларга кўра омборга топшириш қийин бўлганлиги учун, рухсат этилади Ушбу маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бутлаш ёки йиғиш жойида харидор (буюртмачи) вакили томонидан қабул қилиниши ёки бевосита шу жойлардан жўнатилиши мумкин.

Омбордаги тайёр маҳсулотлар ҳаракатини ҳисобга олиш икки босқичдан иборат:

- тайёр маҳсулотларни омборга қабул қилиш;
- тайёр маҳсулотни омбордан харидорларга (буюртмачиларга) реализация тартибда жўнатиш ёки унинг бошқа шаклда чиқим қилиш.

**Омборга тайёр маҳсулотларни қабул қилиш.** Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришдан омборга топшириш учун тайёр маҳсулотни омборга

топшириш юк хати (накладная) бирламчи ҳужжат сифатида қўлланилади (шакл рақами ТМ-18). Юк хати топширувчи ва олувчининг моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади ва маҳсулот ҳаракатини ҳисобга олиш учун бухгалтерияга топширилади.

Бундан ташқари, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан омборга топшириш учун цехларда икки нусхадан тўлдирадиган қабул қилиш-топшириш юк хатлари, далолатномалар, спецификациялар ёки бошқа ҳужжатлар билан берилиши мумкин. Юк хати (накладной)да ҳар бир маҳсулот тури бўйича миқдори, бир birlik маҳсулотни ҳисоб нархи ва чиқарган маҳсулот қийматини ҳисоб нархи билан кўрсатилади. Юк хати цех-топширувчи, қабул қилувчи омбор ва техник назорат бўлими вакиллари томонидан имзоланади. Қабул қилиш-топшириш юк хатига ишлаб чиқарган маҳсулот сифати ҳақида лаборатория ёки техник назорат бўлими хулосаси илова қилиниши мумкин, ёки бу ҳақидаги белги бевосита юк хатига кўрсатилади.

Юк хатлари ёки қабул қилиш-топшириш далолатномалари билан бир қаторда ҳар бир маҳсулот номи учун ёзилган йиғма қайдномалар ҳам қўлланилади. Йиғма қайдномада ой давомида топширилган маҳсулот бўйича барча операциялар акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотлар, товар-моддий қийматликларнинг омбор ҳисобини юритишда икки хил ҳисоб усули қўлланилади: навли ва партияли.

Навли усулда маҳсулотлар навлар (номлар) бўйича омборларда сақланади ва унинг мавжудлиги ва ҳаракати (кирими ва чиқими) навли ҳисоб карточкаларида акс эттирилади. Ҳар бир янги партия кирими бир хил номдаги ва навдаги мавжуд товарларга кўшилади. Моддий жавобгар шахслар маҳсулот ҳисобини товар-моддий бойликларни ҳисобга олувчи журналда олиб боришлари мумкин, унда ҳар бир маҳсулот тури ва нави учун бир ёки бир неча саҳифа очилади (қабул қилиш ва чиқим бўйича операциялар ҳажмига қараб).

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришда бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрлари магнит ташувчилар бўйича ҳужжатли бўлмаган шаклда тузилиши мумкин.

Партияли усулда товарлар ҳисоби навли усулга ўхшаб бир хил тартибда, лекин ҳар бир маҳсулот партияси учун алоҳида олиб борилади. Партия деб бир хил ҳужжат ёки бир неча ҳужжатлар билан бир вақтнинг ўзида қабул қилинган маҳсулотларни тушуниш керак.

Ушбу маҳсулотлар партияси омбордан чиқим бўлгандан сўнг ёки озгина қолдиқлар мавжуд бўлса бу тайёр маҳсулот партияси бўйича инвентаризация ўтказилади ва тайёр маҳсулотлар партияли чиқими бўйича далолатнома тузилади (МХ-12 шакл). Инвентаризация давомида алоҳида партия кирими ва чиқими бўйича маълумотларда тафовутлар аниқланса тайёр маҳсулотнинг алоҳида партияси ҳаражати бўйича далолатнома тузилади (МХ-11 шакл). Инвентаризация жараёнида аниқланган ортиқча маҳсулотлар кирим қилинади ва камомадлар ва йўқотишлар 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” ҳисобварағи-

нинг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Табиий йўқотиш нормалари доирасида камомадлар ва йўқотишлар сотиш харажатларига, нормалардан ортиқчаси – айбдор шахслар ҳисобига ўтказилади.

Маҳсулотларни жўнатиш ва сотишни ҳужжатлаштириш. Тайёр маҳсулотни харидорларга (буюртмачиларга) чиқариш ташкилотларда тегишли бирламчи ҳисоб-китоб ҳужжатлари – юк хати асосида амалга оширилади. Юк хатининг стандарт шакли сифатида М-15 шакл “Материалларни четга чиқариш юк хати” дан фойдаланиш мумкин.

Бухгалтерия бўлими ташкилотнинг бошқа бўлинмалари (сотиш, кўриқлаш ва бошқалар) билан биргаликда тизимли равишда тайёр маҳсулот ва бошқа активларнинг омборидан чиқиб кетишини ва ҳақиқий жўнатилганини текшириб борадилар. Бунинг учун юк хатлари маълумотлари ва юк хатларини қайд қилиш журналининг муайян графаларини таққослаш йўли билан амалга оширади.

Тайёр маҳсулотлар жўнатиш юк хати ва корхонанинг бошқа шунга ўхшаш бирламчи ҳужжатлар асосида (одатан сотиш бўлими) белгиланган шаклда икки нусха ҳисобварақ-фактура ёзилади, биринчи нусхаси харидорга берилади ва иккинчи нусхаси сотиш китобида қайд қилиш ва қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш учун МЕНБда қолади. Ҳозирги пайтда ЭҲМлардан кенг қўлланилгани учун ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда харидорга юборилипти. Бу ҳақда Солиқ кодексининг 47 моддасида атрофлича тушунтириш берилган.

Маҳсулотлар, товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

Ҳисобварақ-фактура, қоида тариқасида, электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади.

Реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) қиймати ўзгарганда, шу жумладан етказиб берилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар нархи ўзгарган ёхуд миқдори (ҳажми) аниқлаштирилган ҳолларда, сотувчи сотиб олувчига ушбу Солиқ кодексидан назарда тутилган тартибда қўшимча ёки тузатилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

#### **9.4. Тайёр маҳсулотларни баҳолаш**

Тайёр маҳсулотни баҳолаш усулларида бирининг оптимал вариантини танлаш ташкилий хусусиятларига, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига, иқтисодий сиёсатнинг нисбатан узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларига боғлиқ. Мумкин бўлган вариантлардан ҳеч бири барча шароитлар учун идеал эмас, ҳар бири ўз ижобий ва салбий томонларига эга ва ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ва у томонидан тўланадиган солиқлар миқдорига мумкин бўлган оқибатлар ва таъсирни чуқур таҳлил қилгандан кейин қўлланилиши керак.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар)ни қуйидаги усуллардан бири билан баҳолаш мумкин:

- маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича, бунда маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи уни ишлаб чиқариш учун сарфланган барча харажатлар йиғиндисига тенг, деб ҳисобланади. Бу баҳолаш усули нисбатан камдан-кам ҳолларда, асосан индивидуал ишлаб чиқариш корхоналарида, маҳсулоти чекланган ва барқарор ёки аниқ башорат қилинган талабга эга ташкилотларда қўлланилади. Бундай ҳолда, калькуляцион объектлар баъзан маҳсулот қисмларига ва йирик таркибий элементларга бўлинади. Натижада маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи унинг алоҳида таркибий қисмлари учун харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади. Тайёр маҳсулотни ҳар куни ишлаб чиқариш ва сотишни амалга ошираётган, маҳсулот турлари чекланган корхоналарда ҳам тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу баҳолаш вариантнинг камчилиги шундан иборатки, объект бўйича барча ишлар бажарилиши ва ҳисобот оyi охирига етмасдан маҳсулот таннархини ҳисоблашда аниқликка эришиб бўлмайди. Шу билан бирга, ушбу баҳолаш тизими ноқулай, кўп вақт талаб қилади, қўшимча харажатларни тақсимлашнинг етарлича асосларига эга бўлмаса, бу маҳсулот, иш ва хизматларнинг айрим турларининг ҳақиқий таннархини нотўғри ҳисоблашга олиб келади;

- режали (меъёрий) ишлаб чиқариш таннархига кўра, ҳисобот оyi учун режали (меъёрий) ишлаб чиқариш таннархидан ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг оғиши аниқланади ва алоҳида ҳисобга олинади. Бу баҳолашнинг ижобий томони унинг жорий бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш ва ҳисоботдаги бирлигидир. Бироқ, йил давомида режали (меъёрий) таннарх тез-тез ўзгариб турса, тайёр маҳсулот қолдиқларини баҳолашни аниқлаштириш учун анча машаққатли ишни бажариш керак;

- ҳисоб нархларда, бу ҳолда ҳақиқий таннарх билан ҳисоб нархи ўртасидаги фарқ алоҳида ҳисобга олинади. Яқин-яқингача тайёр маҳсулотларни баҳолашнинг бу варианты кенг тарқалган эди. Унинг афзаллиги товар маҳсулоти ҳажмини тўғри аниқлашни кузатиш учун муҳим бўлган жорий ҳисоб ва ҳисоботларда маҳсулотларни баҳолашни таққослаш қобилиятида намоён бўлади;

- сотиш (тартибга солинадиган ёки эркин бозор) нархлар ва тарифларда (қўшилган қиймат солиғисиз). Баҳолашнинг бу тури ҳозирги кунда тобора кенг тарқалмоқда. Бу усул ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган буюртмалар ва ишларда қўлланилади, унда ҳисоб-китоб нархлари буюртмачилар билан олдиндан келишилган таннарх калькуляциясига асосланади ва одатда ҳисоблашиш учун келишилган индивидуал нархлар ёки маҳсулот етказиб бериш барқарор бозор нархларида амалга оширилганда ишлатилади.

Тайёр маҳсулот ҳисобида ҳисоб нархи ва режали (меъёрий) таннархни қўллаганда, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисоб нархидан ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги оғишларни ҳисоблаш зарурияти пайдо бўлади. Бу жорий бухгалтерия ҳисобида баҳолаш туридан қатъий назар маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш тартибида жўнатилган ҳақиқий таннархнинг якуний натижасини ҳамда ой охирига келиб омборларда тайёр маҳсулот қолдиғини аниқлаш имконини беради.

Оғиш фоизи ой бошидаги маҳсулот қолдиғи ва шу ойда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақиқий таннархини шу маҳсулот ҳажмининг ҳисоб баҳосидаги қийматига нисбати сифатида ҳисобланади.

9.1-жадвалга кўра бу фоиз ҳисоб баҳоларидаги қийматнинг 1% га тенг бўлди.

9.1-жадвал

#### Жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш

№	Кўрсаткич	Белгиланган ҳисоб нархи (минг сўм)	Ҳақиқий таннарх (минг сўм)	Оғиш (+,-)
1	Тайёр маҳсулотнинг ой бошидаги қолдиғи	400 000	407 000	+ 7 000
2	Ишлаб чиқаришдан қабул қилинди	3 800 000	3 835 000	+ 35 000
3	Жами	4 200 000	4 242 000	+ 32 000
4	Оғиш, %	x	x	1,0
5	Тайёр маҳсулот сотиш учун жўнатилди	3 600 000	3 636 000	+ 36 000
6	Тайёр маҳсулотнинг ой охиридаги қолдиғи	600 000	606 000	+ 6 000

Жўнатилган маҳсулот қиймати ва омбордаги ой охиридаги қолдиқ қийматини ҳисобланган фоизга кўпайтириб оғиш суммасининг қайси миқдори сотилган маҳсулотга ва қайси қисми маҳсулот қолдиғига тегишли эканлигини аниқлаймиз ( $3\,600\,000 \times 1\% : 100\% = 36\,000$ ;  $3\,600\,000 + 36\,000 = 3\,636\,000$ ;  $600\,000 \times 1\% : 100\% = 6\,000$ ;  $600\,000 + 6\,000 = 606\,000$ ).

Оғишларнинг манфий йиғиндиси қизил сторно усули билан, мусбат - одатдаги ёзув билан белгиланади.

Ой бошидаги тайёр маҳсулот қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар ўтган ой учун шунга ўхшаш баённомадан ёки жорий бухгалтерия регистрларидан олинади. Ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулот қиймати аналитик ҳисоб маълумотлари асосида қабул қилинган ҳисоб нархларида аниқланади.

Амалда, 9.1-жадвалдаги ҳисоб-китоблар бир хил товарлар гуруҳлари учун (тахминан бир хил рентабеллик билан) амалга оширилади, бу эса оғишларни ҳисоблашда катта аниқликни таъминлайди.

#### 9.5. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисоби

Корхонанинг бухгалтерия бўлимида тайёр маҳсулотлар ҳисоби пул баҳосида олиб борилади.

Тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”;

2820 “Кўрғазмадаги тайёр маҳсулотлар”;

2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”.

Четга кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг қиймати тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (2800) акс эттирилмайди. Улар бўйича ҳақиқий харажатлар, харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлардан 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи” ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Буюртмачиларга жойида топширилдиган ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида қолади.

2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағида тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олинади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ўсимликчилик маҳсулотлари, чорвачилик ва қайта ишланган маҳсулотларининг ҳаракатини бизнес-режадан келиб чиқиб, йил давомида прогноз таннархи бўйича ҳисобга олади. Йил охирида тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ва прогноз таннархи ўртасида аниқланган фарқ маҳсулотлар ҳисобварағига ҳисобот йили охиридаги келтирилган маҳсулотларнинг қолдиғига тааллуқли бўлган улушларда ўтказилади. Мазкур ҳисобварақда реализация қилишга мўлжалланган қурилиш объектларининг таннархи ҳам ҳисобга олинади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, қисман корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотларнинг қирим қилиниши 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулот” ҳисобварағининг дебитида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Харидорлар (буюртмачилар)га ортиб жўнатилган тайёр маҳсулотлар ва улар учун ушбу харидор (буюртмачи)лар томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тақдим этилиши 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг кредитидан сотилиш тартибида 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ҳисобга олинган тайёр маҳсулотлар, аналитик ҳисобда алоҳида турдагиларнинг ҳаракатини, маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг, унинг ҳисоб баҳоси қийматидан фарқини ажратган ҳолда уларни ҳисоб баҳо (режа таннархида, сотиш баҳосида ва бошқа)да акс эттириш мумкин. Бундай фарқлар тайёр маҳсулотнинг алоҳида гуруҳлари бўйича корхона томонидан шакллантирилдиган ҳисоб баҳоси қийматидан ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг фарқ даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади.

Тайёр маҳсулотларни 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаришда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи аналитик ҳисобда қабул қилинган баҳоси бўйича қийматидан фарқ суммаси, ҳисобот даври бошига тайёр маҳсулотлар қолдиғидаги фарқлар ва ҳисобот оғзи мобайнида омборга келиб тушган тайёр маҳсулотлар бўйича фарқларнинг бу маҳсулотларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига нисбати сифатида аниқланадиган фоизлар бўйича топилади. Сотилган маҳсулотга тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг унинг ҳисоб баҳоси бўйича қийматидан фарқ суммаси 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг кредитида ва улар ортқча харажат ёки тежалганликни кўрсатишидан келиб чиққан ҳолда кўшимча ёзув орқали тегишли ҳисобварақларнинг дебитида акс эттирилади.

2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағида кўргазма, ярмарка, реклама ва кўрсатиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олинади. Бунда 2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг дебити ва 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Тайёр маҳсулотлар учун жавобгарлик вақтинча бир моддий жавобгар шахсдан бошқасига ўтади. Агар кўргазмага, ярмаркага ва ш.к.га қўйилган тайёр маҳсулотлар сотилса, у ҳолда 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағидаги каби бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”, 2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар”, 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб жавобгар шахслар бўйича, турлари (навлар, синфлар, партиялар, киплар) бўйича ва тайёр маҳсулотни сақлаш жойлари бўйича юритилади.

Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (2800)нинг намунавий хўжалик операциялари бўйича боғланишини қуйида кўриб чиқамиз:

1) Асосий, ёрдамчи цехлардан, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тайёр маҳсулотларнинг кирим қилиниши:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

2) Тайёр маҳсулотларни ҳисобнинг ярим тайёр усулида кирим қилиш:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.

3) Тайёр маҳсулотларнинг кўргазмадан омборга кирим қилиниши:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар”.

4) Тайёр маҳсулотни қайта баҳолаш:

а) қийматининг оширилиши:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

- К 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”;
- б) қийматининг камайтирилиши:  
Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 5) Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча тайёр маҳсулотлар:  
Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”  
К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.
- 6) Ички эҳтиёжлар учун тайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши, тайёр маҳсулотларнинг цехларга қайта ишлов бериш ва бошқалар учун қайтарилиши:  
Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”  
Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”  
Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”  
Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”  
Д 9410 “Сотиш харажатлари”  
Д 9420 “Маъмурий харажатлар”  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 7) Тайёр маҳсулот омборидан маҳсулотлар яроқсиз маҳсулотларни тузатиш учун берилди:  
Д 2610 “Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 8) Инвентаризация натижасида аниқланган камомад:  
Д 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 9) Келгуси давр харажатлари таркибида юритиладиган харажатларга тайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши:  
Д 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 10) Тайёр маҳсулотларнинг кўргазмага берилиши:  
Д 2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.
- 11) Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархини ҳисобдан чиқариш:  
Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”  
К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”  
К 2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар”  
К 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”.
- 12) Тайёр маҳсулотларнинг молиявий қўйилмалар (шу жумладан, кимматли қоғозлар) ҳисобига берилиши:  
а) тайёр маҳсулотни молиявий қўйилмалар ҳисобига шартнома нархлар билан берилиши:  
Д 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобва-  
рақлар”

Д 5800 “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

б) молия қўйилмаларга берилган тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисобдан чиқарилиши:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

13) Тайёр маҳсулотларнинг ажратилган бўлинмалардан келиб тушиши:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

14) Тайёр маҳсулотларнинг ажратилган бўлинмаларга берилиши:

Д 4110 “Ажратилган бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар”

К 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”.

15) Тайёр маҳсулотларнинг текинга берилиши:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

Тайёр маҳсулотларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ҳисобот тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотларни таъминланиши керак.

## **9.6. Тайёр маҳсулотларни сотиш ҳисоби**

Тайёр маҳсулотларни сотиш корхонанинг одатий фаолиятига тегишлидир.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад хўжалик фаолияти фактларининг вақт билан белгиланадиган аниқлигига (жўнатиш ёки ҳисоблаш усули билан) асосланган ҳолда аниқланади.

Тайёр маҳсулотлар харидорларга юборилгандан кейин ва тўлов учун юк ҳужжатларини тақдим этган кундан бошлаб сотилган ҳисобланади. Маҳсулотлар сотилгандан сўнг маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни мулкга эгаллик ҳуқуқи мол етказиб берувчидан харидорга ва шу кундан бошлаб корхонада давлат олдид солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятлар пайдо бўлади.

Корхоналар тайёр маҳсулотларни сотиш пайтида сотиш нархига ҚҚС суммаси ҳам киритилади ва ҳисобварақ-фактурада алоҳида графада кўрсатилади.

Тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”;

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”;

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”;

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳисобварақларининг кредитида корхонанинг асосий фаолияти (тайёр маҳсулотлар, товарларни сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)дан даромадлар олинган ҳисобварақлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади, бироқ, олдинги ҳисобот даврларида олинган, аммо жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммалари 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Маҳсулот, товар, иш, хизматларни сотишда 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳисобварақларида сотишдан тушган соф тушум суммаси акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳисобварақлари 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан ёпилади.

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” ҳисобварағи сотилган маҳсулот ва товарларнинг қайтишини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9000) гуруҳига контр-пассив ҳисобварақ ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси маҳсулотлар ва товарлар сотишдан даромадни камайтиради. 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” ҳисобварағининг дебетида қайтарилган товарлар қиймати, тегишли: пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан - харидорлар ва буюртмачилар томонидан қайтарилган товарларнинг қиймати; олинган ҳисобварақлар билан - қайтарилган товарлар бўйича бекор қилинган дебиторлик қарзлари суммаси; тўланган ҳисобварақлар билан - мазкур товарлар учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган тўловлар ва бўнақлар бўйича вужудга келган қарз суммаси акс эттирилади. Бунда илгари ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, олинган ҳисобварақларнинг кредитида ёзув амалга оширилади. Қайтарилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннархи ТМЗларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг дебетида ва сотилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннарини ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварағи шартнома шартларига мувофиқ берилган сотув чегирмалари, шунингдек сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларда аниқланган яроқсизликлар ва ҳоказолар натижасида берилган нарх чегирмаларни

ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ушбу ҳисобварақ асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9000) гуруҳига контр-пассив ҳисобварақ ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси маҳсулотлар ва товарларни сотишдан, иш бажаришдан ва хизмат кўрсатишдан даромадларни камайтиради. 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварақининг дебетида сотув ва нархлардан берилган чегирмаларнинг суммаси тегишли олинadиган ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9000) бўйича аналитик ҳисоб сотилган маҳсулотлар (товарлар), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади. Бундан ташқари, аналитик ҳисобни сотувнинг географик сегментлари (ҳудудлар) ва корхонани бошқариш учун зарур бўлган бошқа сегментлар бўйича юритиш мумкин.

**Тайёр маҳсулот сотишининг синтетик ҳисоби.** Тайёр маҳсулот сотиши ҳисобининг намунавий бухгалтерия ёзувларини кўриб чиқамиз:

1) Жўнатилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар (ҚҚС, акцизлардан ташқари) учун харидорларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага:

Д 4010 “Буюртмачилар ва харидорлардан олинadиган ҳисобварақлар”

Д 4020 “Олинган векселлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

2) Маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни нақд пулга сотиш:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

3) Корхона ходимига маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар (жумладан махсус кийимлар) сотилди:

Д 4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

4) Дивидендлар маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар билан тўланди:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

5) Воситачилик операциялари бўйича комиссия мукофотлар суммаси:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар”

- К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”.
- 6) Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига сотилди:  
Д 4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”  
К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”  
К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.
- 7) Кечиктирилган даромадлар суммаси улар тааллуқли бўлган ҳисобот даври келганда сотиш ҳажмига киритилди:  
Д 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”  
К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”  
К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”  
К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.
- 8) Сотилган маҳсулотларнинг қайтиши:  
Д 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”  
К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.
- 9) Сотишдан ва нархдан чегирмалар бериш:  
Д 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”  
К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.
- 10) Ҳисобот даврининг охирида 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” ҳисобварағининг ёпилиши:  
Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”  
Д 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”  
К 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”.
- 11) Ҳисобот даврининг охирида 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварағининг ёпилиши:  
Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”  
Д 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”  
Д 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”  
К 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.
- 12) Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:  
Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”  
Д 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”  
Д 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”  
К 9910 “Яқуний молиявий натижа”.
- 13) Харидор ва буюртмачилардан ҳисоб-китоб ҳисобварағига тушум келиб тушиши (ҚҚС билан бирга):  
Д 51 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”  
К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

Айрим ҳолларда корхона харидорлардан тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматлар етказиб берилиши, мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ҳисобига тўловни тўлиқ ёки қисман олиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида бўнак тўловларини олиш 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” ҳисобварағининг кредитида ва пул маблағларининг дебитида акс эттирилади.

Комиссия шартномаси бўйича тайёр маҳсулот сотилиши бухгалтерия ҳисоби хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Тайёр маҳсулотни маълум вақтга сотишдан тушган тушум бухгалтерия ҳисобида тан олинмайдиган ҳолларда (масалан, маҳсулотларни экспорт қилишда, маҳсулотларни комиссия шартнома асосида сотишда ва ҳоказо), бундай маҳсулотлар бир мунча вақт жўнатиладиган кейин 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағининг дебитида акс эттирилади. Бунинг сабаби *комитент* томонидан *комиссионерга* берилган маҳсулот комитентни мулки ҳисобланади, яъни комиссионер томонидан маҳсулотларга эгалик қилиш ҳуқуқи ўтмайди.

2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағида комиссия ва консигнация шартномалари бўйича ортиб жўнатиладиган тайёр маҳсулотлар акс эттирилади.

Бошқа корхоналарга комиссия ва консигнация шартлари асосида сотиш учун берилган тайёр маҳсулотларга қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Д 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (комиссионер) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда, қайси ҳудудда бажарилиши кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кўзлаб ва унинг ҳисобидан битим тузиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик ҳақида мажбурият олган ҳолда ёки бундай мажбуриятни олмаган ҳолда, воситачилик нарсаси бўлган товарларнинг ассортименти хусусида шартлар қўйилган ёки қўйилмаган ҳолда тузилиши мумкин.

Комитент воситачига ҳақ тўлаши, воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олган ҳолларда эса, шартномада белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ ҳам тўлаши шарт. Агар воситачилик шартномаси комитентга боғлиқ сабаблар билан бажарилмаган бўлса, воситачи воситачилик ҳақида, шунингдек қилинган харажатларнинг

копланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

Воситачи учинчи шахс билан ўзи тузган битимдан келиб чиқадиган ҳамма мажбуриятларни бажариши ва ҳамма ҳуқуқларни амалга ошириши шарт. Воситачи ўз зиммасига олган топшириқни комитентнинг кўрсатмаларига мувофиқ, воситачилик шартномасида бундай кўрсатмалар бўлмаганда эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ комитент учун энг фойдали шартлар асосида бажариши лозим. Агар воситачи битимни комитент кўрсатганидан ҳам фойдалироқ шартлар асосида тузган бўлса, қўшимча фойда, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар ўртасида баравар тақсимланади.

Воситачи битимнинг ижроси учун комитентга кафолат берган ҳолларда у воситачилик шартномасида келишилган миқдорда қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади. Комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмайди, воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган ёки битимнинг бажарилишига кафолат берган ҳоллар бундан мустасно.

Воситачи учинчи шахс билан тузган битимни учинчи шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда дарҳол комитентга хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битим юзасидан ҳуқуқларни талабларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда унга топшириши шарт.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи воситачилик шартномасини бажариш мақсадида бошқа шахс билан қўшимча воситачилик шартномаси тузишга ҳақли бўлиб, қўшимча воситачининг ҳаракатлари учун комитент олдида жавобгар бўлиб қолаверади. Қўшимча воситачилик шартномаси бўйича воситачи қўшимча воситачига нисбатан комитент ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

Қонун бирон-бир битимни фақат махсус вакил қилинган шахслар билан тузишга йўл қўядиган ҳолларда қўшимча воситачилик шартномаси фақат ана шундай шахс билангина тузилиши мумкин. Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачилик шартномаси бекор қилингунга қадар комитент воситачининг розилигисиз қўшимча воситачи билан бевосита муносабатларга киришишга ҳақли эмас.

Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси, агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, комитент билан келишган ҳолда белгиланади.

Агар ишнинг ҳолатларига кўра комитентнинг манфаатлари учун унинг кўрсатмаларидан четга чиқиш зарур бўлса ҳамда воситачи комитентдан бу ҳақда олдиндан сўрай олмаган ёхуд ўз сўровига оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, у комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишга ҳақли. Бундай ҳолларда воситачи хабар бериш имкони туғилиши биланок йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида комитентга хабар бериши шарт.

Комитент тижорат вакили сифатида иш олиб борадиган воситачига

комитентнинг манфаатларини кўзлаб олдиндан сўров юбормаган ҳолда комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқиш ҳуқуқини бериши мумкин. Бундай ҳолларда воситачи, агар топшириқ шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида комитентга оқилона муддатда хабар бериши шарт.

Мол-мулкни комитент билан келишилган нархдан арзон сотган воситачи мол-мулкни келишилган нархда сотиш имконига эга бўлмаганлигини ва арзон нархда сотиш натижасида яна ҳам кўпроқ зарарнинг олди олинганлигини исбот қилиб бермаса, орадаги фарқни комитентга тўлаши шарт. Воситачи комитентдан рухсат сўраши шарт бўлган ҳолларда у комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишга комитентнинг розилигини олдиндан олиш имкониятига эга бўлмаганлигини ҳам исбот қилиши шарт.

Агар воситачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқорироқ нархда сотиб олган бўлса, бундай харидни қабул қилишни истамаган комитент воситачидан учинчи шахс билан битим тузилганлиги ҳақида билдириш олганидан кейин оқилона муддатда бу ҳақда воситачига маълум қилиши шарт. Акс ҳолда харид комитент томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Агар воситачи нархтаги фарқни ўзи тўлашини маълум қилса, комитент ўзи учун тузилган битимдан бош тортишга ҳақли эмас.

Комитентдан воситачига ўтган ёки воситачи комитент ҳисобидан сотиб олган ашёлар комитентнинг мулки бўлади.

Воситачи ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли.

Воситачи ўз ихтиёридаги комитент мол-мулкининг йўқолишига, етишмаслигига ёки шикастланишига олиб келган ҳар қандай камчилик учун комитент олдида жавобгар бўлади.

Агар воситачи комитент юборган ёки воситачига комитент учун келган мол-мулкни қабул қилиб олаётганида бу мол-мулкда ташқаридан кўздан кечирганда сезиб қолиниши мумкин бўлган шикастланиш ёки етишмовчилик мавжуд бўлса, шунингдек комитентнинг воситачи қўлида турган мол-мулकिга бирон-бир шахс зарар келтирган тақдирда воситачи комитентнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши, зарур далил-исботларни тўплаши ва буларнинг барчаси ҳақида дарҳол комитентни хабардор қилиши шарт.

Ўз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулкни суғурталамаган воситачи бунинг учун фақат комитент унга мол-мулкни комитент ҳисобидан суғурталашни буюрган ёки воситачининг бу мол-мулкни суғурталаши воситачилик шартномасида ёки иш муомаласи одатларида назарда тутилган ҳоллар жавобгар бўлади.

Комитент:

- воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани

воситачидан қабул қилиши;

- ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши ва ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши;

- воситачини воситачилик топшириғини бажариш юзасидан учинчи шахс олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт.

Комитент воситачилик ҳақини, тегишли ҳолларда эса делькредере учун кўшимча ҳақни ҳам тўлашдан ташқари, воситачилик топшириғини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни ҳам унга тўлаши шарт.

Комитент воситачига берган топшириғини истаган вақтида бекор қилиб, воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бунда воситачининг топшириқ бекор қилиниши муносабати билан кўрган зарари умумий асосларда қопланади.

Воситачилик шартномаси амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган тақдирда комитент шартномани бекор қилиши ҳақида, агар шартномада хабар қилишнинг узоқроқ муддати назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин воситачини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда комитент воситачига у шартнома бекор қилингунча тузган битимлар учун ҳақ тўлаши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни тўлаши шарт.

Топшириқ бекор қилинган тақдирда комитент воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкни воситачилик шартномасида белгиланган муддатда, борди-ю бундай муддат белгиланмаган бўлса, дарҳол тасарруф этиши шарт. Агар комитент бу мажбуриятни бажармаса, воситачи мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлаб қўйишга топширишга ёки уни комитент учун иложи борица фойдали баҳода сотишга ҳақли.

**Комитентда комиссия шартномаси бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишни кўриб чиқамиз.** Жўнатилган маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннарни ва маҳсулотларни жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан таркиб топган қиймат билан 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Комиссия шартномаси бўйича берган маҳсулоти учун комитент, комисионердан маҳсулотни харидорга сотиш бўйича хабарнома келиб тушмагунча, ҳисобварақ-фактура ёзмайди.

Комисионер, маҳсулот реализациясининг ҳисобот даври тугаган пайтдан эътиборан уч кун ичида, унга тегишли бўлган мол-мулкни сотиш санаси тўғрисида комитентга хабар бериши шарт.

Шу билан бирга, комисионер комитентга амалга оширилган операциялар бўйича барча бирламчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Шу маълумотларга кўра, маҳсулотнинг харидоридан олинган даромад миқдори белгиланади.

Комиссия шартномаси бўйича маҳсулот сотган комитент сотиш дафтарида комисионерга берилган ҳисобварақ-фактурани рўйхатга олади,

унда комиссиянер томонидан харидорга берилган ҳисобварақ-фактуранинг кўрсаткичлари акс этирилади.

Комиссия шартномаси бўйича маҳсулот сотиш бўйича намунавий хўжалик операцияларини ташкилот-комитент ҳисобида кўриб чиқамиз:

1) Комиссия шартномаси бўйича комиссиянерга сотиш учун жўнатилган маҳсулот:

Д 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

2) Комиссиянерга муфот ҳисоб қилинди (ҚҚС сиз):

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

3) Комиссия мукофотдан ҚҚС ҳисобланди:

Д 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

4) Комиссиянердан сотиш хабарномаси келгандан сўнг сотишдан тушум (даромад) акс этирилди:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”.

5) Комиссия шартномаси билан берилган маҳсулотни ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”.

6) Сотилган тайёр маҳсулот тушумидан ҚҚС суммаси ҳисобланди:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

7) Ҳисобот даври охирида ҳисобварақ 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёпилади:

Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

8) Ҳисобот даври охирида ҳисобварақ 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ёпилади:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”.

9) Ҳисобот даври охирида молиявий натижа (фойда) аниқланди:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”.

10) Ҳисобот даври охирида молиявий натижа (зарар) аниқланди:

Д 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

11) Комиссиянердан жўнатилган маҳсулот учун сотиш тушуми қабул қилинди (ҚҚС билан бирга):

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

12) Комиссионер хизмати учун пул ўтказилди (ҚҚС билан бирга):

Д 6990 “Бошқа мужбуриятлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

13) Комиссион мукофотидан ҳисобланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

К 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)”.

**Комиссионерда комиссия шартномаси бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишни кўриб чиқайлик.** Комиссионер томонидан унинг иштирокидаги комиссия шартномаси доирасида операцияларни акс эттиришнинг умумий схемасига қуйидагилар киради:

- комиссия шартномаси бўйича маҳсулот қабул қилиш бўйича операциялар;

- маҳсулотларни сотиш ва комиссия мукофотининг ҳисоблаш операциялари;

- харидор ва комитент билан ҳисоб-китоблар;

- комиссия шартномаси бўйича маҳсулот сотиш билан боғлиқ харажатларни шакллантириш ва кўрсатиладиган савдо хизматлари учун молиявий натижани аниқлаш.

Комиссионер томонидан қабул қилинган маҳсулотлар унинг мулки ҳисобланмайди ва шунинг учун олдиндан 004 “Комиссияга қабул қилинган товарлар” ҳисобварағида ҳисобга олинishi керак.

Шартнома бўйича комиссионерга ҳисобланадиган комиссион мукофот унинг оддий фаолиятдан олган тушум ҳисобланади ва 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳисобварағида акс эттирилиши лозим.

Комиссионерни барча харажатлари комиссия шартномасининг бажарилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолда, комиссионер харажатлари таркибида акс эттирилмайди, балки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида кўрсатилади ва комитент томонидан қопланиши лозим.

Комитент билан ҳисоб-китоблар ва тўланадиган комиссион мукофотпули комиссионер бухгалтерия ҳисобида 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” кредитида ҳисобга олинади. Бундай ҳисоб-китоблар учун комиссионер алоҳида махсус ҳисобрақам 6011 “Комитент билан ҳисоб-китоблар”. Комиссия шартномаси бўйича маҳсулотни сотиш операциялари, ҳисоб-китобларда комиссионер иштироки билан бўлганда, комиссионер ташкилотининг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги операциялар акс эттирилиши мумкин:

1) Комиссия шартномаси бўйича келгусида сотиш учун мўлжалланган маҳсулот (ҚҚС билан бирга) қийматини комитентдан қабул қилганда:

- Д 004 “Комиссияга қабул қилинган товарлар”.
- 2) Харидорга маҳсулот сотилганда бир томондан харидорни қарзи, иккинчи томондан комитентга бўлган қарз кўрсатилади:  
Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.
- 3) Комиссион мукофотпулидан ҚҚС ҳисоб қилинди:  
Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.
- 4) Харидорга сотилган маҳсулот баланسدан ташқари ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади:  
К 004 “Комиссияга қабул қилинган товарлар”.
- 5) Харидордан сотилган маҳсулотдан пул тушум бўлганда (ҚҚС билан бирга):  
Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”  
К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.
- б) Комиссионер ўз харажатларини акс эттирди:  
Д 9410 “Сотиш харажатлари”  
К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”  
К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” ва бошқалар.
- 7) Комитентдан комиссион мукофотпули ҳисоб-китоб ҳисобварағига тушиди:  
Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”  
К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.
- 8) Ҳисобот даври охирида ҳисобварақ 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ёпилади:  
Д 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”  
К 9910 “Якуний молиявий натижа”.
- 9) Ҳисобот даври охирида ҳисобварақ 9410 “Сотиш харажатлари” ёпилади:  
Д 9910 “Якуний молиявий натижа”  
К 9410 “Сотиш харажатлари”.
- 10) Ҳисобот даври охирида молиявий натижа (фойда) аниқланди:  
Д 9910 “Якуний молиявий натижа”  
К 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”.
- 11) Ҳисобот даври охирида молиявий натижа (зарар) аниқланди:  
Д 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”  
К 9910 “Якуний молиявий натижа”.
- 12) Харидорлардан олинган даромад ҳисобидан (комиссион мукофотпули айирган ҳолда), комитентга пул маблағлари ўтказилди:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 51 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”.

### **9.7. Тайёр маҳсулотни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари**

Фойдани солиққа тортиш мақсадлари учун корхоналар тайёр маҳсулотни сотишдан тушган даромадни ҳисоблаш усули билан аниқлайдилар.

Ҳисоблаш усулида сотилган маҳсулотларга ҳақ тўлашдан катъий назар, улар содир бўлган ҳисобот (солиқ) даврида, яъни сотиш санасида, даромад деб тан олинади.

Тайёр маҳсулотларни харидорларга сотиш бўйича операциялар қўшилган қиймат солиғига тортилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш бозор қийматида (ҚҚС билан бирга) акс эттирилади.

ЎзР Солиқ кодексининг 242-моддасида товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санаси белгилаб берилган. Унга кўра маҳсулот етказиб берувчи томонидан ҳисобварақ-фактура тақдим этилган сана ёки товарлар жўнатиш (берилган) сана, агар ушбу сана ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан олдин келса, товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Агар товарни жўнатиш (бериш) амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи харидорга ўтказилган кун товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Кўчмас мол-мулк реализация қилинган тақдирда, кўчмас мол-мулкни бошқа шахс тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг тарафлари томонидан имзоланган қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси бўйича харидорга кўчмас мол-мулк берилган сана айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

Хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилган (имзоланган) сана хизматларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари, қувурлар тизими орқали юкларни ташишга доир хизматлар реализация қилинганда, товарлар (хизматлар) доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинган бошқа ҳолларда товарлар етказиб берилган (хизматлар кўрсатилган) календарь ойнинг сўнгги куни товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

Объектлар қурилишида, шу жумладан объектларни фойдаланиш учун тайёр ҳолда қуришда, шунингдек узок (бир солиқ ҳисоботи давридан ортиқ) технологик даврийликдаги узок муддатли шартномалар бўйича, агар тузилган узок муддатли шартномалар шартларида хизматларни ҳар ойда топшириш назарда тутилмаган бўлса, ҳар бир календарь ойнинг охири куни айланма амалга оширилган сана, деб ҳисобланади.

Мол-мулк молиявий ижарага (лизингга) берилганда, молиявий ижара (лизинг) шартномаси тарафлари томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномасига кўра мол-мулк ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) тасарруфига берилган сана айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун товарларни беришда (хизматлар кўрсатишда) айланма амалга оширилган сана деб, солиқ тўловчининг тегишли ички ҳужжати билан расмийлаштирилган, ушбу товарни бериш (хизматлар кўрсатиш) амалга оширилган кун эътироф этилади.

Товарлар экспорт божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган ҳолда ЎзР ҳудудидан ташқарига олиб чиқилган тақдирда, қуйидаги саналар товарни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади:

1) божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона чегараси ҳақиқатда кесиб ўтилган сана;

2) божхонага оид декларациялашни амалга оширган божхона органининг белгилари кўйилган ҳолда товарларга тааллуқли божхона юк декларацияси рўйхатдан ўтказилган сана – даврий ва (ёки) вақтинчалик божхонага оид декларациялашдан фойдаланилган ҳолларда.

Жўнатилган маҳсулотлар учун харидорлар ва бюртмачиларга бўнак тўловлари шаклидаги ҳисоб-китоб тўловлари мисолини кўриб чиқамиз.

**Мисол.**

2019 йилнинг апрел ойида корхона тайёр маҳсулотни келгусида етказиб бериш ҳисобига харидордан 9 395 000 сўм миқдорида бўнак шаклида қисман тўлов олди.

2019 йилнинг май ойида корхона, яна тайёр маҳсулотни келгусида етказиб бериш ҳисобига харидордан 880 250 сўм миқдорида бўнак шаклида қисман тўлов олди. 2019 йилнинг июн ойида корхона харидорга 8 935 000 сўмлик тайёр маҳсулот ва ҚҚС суммаси 1 340 250 сўмга маҳсулот жўнатилди. Жўнатилган маҳсулотни умумий маблағи 10 275 250 сўм.

Жўнатилган маҳсулотлар таннархи 7 000 000 сўм ва сотиш харажатлари 550 000 сўмни ташкил этди. Ушбу мисол маълумотларини қуйидаги жадвалда кўрсатамиз:

№	Хўжалик операциялар мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	кредит
1	2	3	4	5
2019 йилнинг апрел ойида қайд этилган операциялар				
1	Етказиб бериш шартномаси бўйича бўнак олди	9 395 000	5110	6310
2019 йилнинг май ойида қайд этилган операциялар				
2	Етказиб бериш шартномаси бўйича бўнак олинди	880 250	5110	6310

2019 йилнинг июн ойида қайд этилган операциялар				
3	Маҳсулотлари сотиш акс эттирилди	8 935 000	4010	9010
4	ҚҚС ҳисобланди	1 340 250	4010	6410
5	Сотилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	7 000 000	9110	2810
6	Сотиш харажатлари ҳисобга олинди	550 000	9410	1000, 6710, 6520
7	Реализациядан даромад ҳисобварағи ёпилди	8 935 000	9010	9910
8	Сотилган маҳсулот таннархи ҳисобварағи ёпилди	7 000 000	9910	9110
9	Сотиш харажатлари ҳисобварағи ёпилди	550 000	9910	9410
10	Тайёр маҳсулот сотишдан молиявий натижа аниқланди (8 935 000 – 7 000 000 – 550 000)	1 385 000	9910	8710
11	Олдиндан тўлов (бўнак) суммаси ҳисобга олинди	10 275 250	6310	4010
12	Даромад солиғи ҳисобланди (1 385 000*15%: 100%)	207 750	9810	6410
13	Даромад солиғи бюджетга ўтказилади	207 550	6410	5110

Комитент учун комиссия шартномаси бўйича маҳсулотларни сотишда, сотишдан даромад олинган сана унга тегишли бўлган мол-мулкни сотиш бўйича комиссиянер хабарномасида ва (ёки) комиссиянер ҳисоботида кўрсатилган сана ҳисобланади.

Комиссиянерга комитент томонидан тўланадиган комиссия мукофотпули суммаси солиқ ҳисобида корхонанинг бошқа харажатлари таркибида акс эттирилади.

Комиссия мукофот пулининг бир қисми сифатида тўланган ҚҚС суммаси комитент томонидан ҳисобга олиниши мумкин.

Комиссиянер комиссия шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш учун комитент томонидан берилган мол-мулкни, шу жумладан нақд пули, шунингдек, комиссиянер томонидан амалга оширилган харажатларни қоплаш муносабати билан ҳисобга олмаслиги керак, агар бундай харажатлар шартнома шартларига мувофиқ комиссиянер харажатларига киритилмаган бўлса.

Комиссия мукофотпули комиссиянернинг даромади ҳисобланади, ва у фойдани солиққа тортишда ҳисобга олинади.

Комиссия мукофот пули шаклидаги даромадлар комиссиянер ҳисоботининг комитент томонидан қабул қилинган санадан кейин комиссиянер томонидан солиқ ҳисобида акс эттирилади.

Олинган комиссия мукофотдан комиссиянер ҚҚС ҳисоб қилиши ва тўлаши лозим.

## 9.8. Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот

## Ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида тайёр маҳсулотлар ҳисоби

### №1-мисол.

Корхона харидорга 25 500 000 сўм миқдориди тайёр маҳсулотлар жўнатди (ҚҚС суммаси 3 825 000 сўм). Маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 17 850 000 сўмни ташкил этди. Етказиб бериш шартларига кўра, тайёр маҳсулотга эгалик қилиш ҳуқуқи унинг тўловидан кейин ўтади.

Корхона-мол етказиб берувчининг бухгалтерия ҳисобида ушбу операциялар қуйидаги ҳисобварақлар боғламаси билан акс этирилади:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Харидорга маҳсулот жўнатилди, эгалик қилиш ҳуқуқи тўловдан кейин ўтади	17 850 000	2830	2810
2	Тайёр маҳсулот учун харидор тўловни амалга оширди	29 325 000	5110	4010
3	Маҳсулот сотишдан олинган даромад акс этирилди	25 500 000	4010	9010
4	Сотишдан ҳисобланган ҚҚС суммаси	3 825 000	4010	6410
5	Сотилган маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди	17 850 000	9110	2830
6	Реализациядан даромад ҳисобварағи ёпилди	25 500 000	9010	9910
7	Сотилган маҳсулот таннархи ҳисобварағи ёпилди	17 850 000	9910	9110
8	Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган молиявий натижа акс этирилди (25 500 000 – 17 850 000)	7 650 000	9910	8710

## Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режали таннарх бўйича ҳисоби

### №2-мисол.

Корхона “А” маҳсулот ишлаб чиқаради ва тайёр маҳсулотлар таннархини ҳисоб нархи билан акс этиради. 2019 йилнинг август ойи бошида омборхонада 30 000 дона “А” маҳсулоти қолдиғи қолган. Ҳисоб нархи сифатида режали таннарх қўлланилади ва бир дона маҳсулотнинг нархи 2500 сўм. Барча тайёр маҳсулотларнинг режали таннархи – 75 000 000 сўм (30 000 дона \* 2500 сўм), тайёр маҳсулот қолдиғига тўғри келадиган оғишлар суммаси – 4 500 000 сўм (меъёрдан ортиқча харажат). 2019 йилнинг август ойида компания 75 000 дона “А” маҳсулот ишлаб чиқарди. Тайёр маҳсулотларнинг режали таннархи 187 500 000 сўмни (75 000 дона \* 2500 сўм) ташкил этди. Маҳсулот бўйича оғишлар суммаси 11 250 000 сўмни ташкил этди (ортиқча харажат).

Шу ойда буюртмачиларга 80 000 дона “А” маҳсулоти жўнатилди. Жўнатилган маҳсулотларнинг режали таннархи 200 000 000 сўмни (80 000 дона \* 2500 сўм) ташкил этди.

Олди-сотди шартномасига кўра маҳсулотларга эгалик қилиш ҳуқуқи тўловдан сўнг харидорга ўтади. Август ойида тўлов амалга оширилмади.

Корхона бухгалтерия ҳисобида кўриб чиқилган хўжалик операциялари қуйидаги ҳисобварақлар боғламаси бўйича акс эттирилади:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	“А” маҳсулоти режали таннарх бўйича оморга қабул қилинади	187 500 000	2810	2010
2	Режали таннархдан унинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги оғишлар акс эттирилади	11 250 000	2810	2010
3	“А” маҳсулоти харидорга жўнатилди	200 000 000	2830	2810
4	Жўнатилган маҳсулотлар бўйича оғишлар суммаси ҳисобдан чиқарилди	12 000 000	2830	2810

Жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини унинг ҳисоб баҳосидан оғиш фоизи (ортиқча харажат):

$(4\,500\,000 \text{ сум} + 11\,250\,000 \text{ сум}) : (75\,000\,000 \text{ сум} + 187\,500\,000 \text{ сум}) \times 100\% = 6,0\%$ .

Жўнатилган маҳсулотлар учун оғишлар суммаси қуйидагига тенг:  $200\,000\,000 \text{ сўм} \times 6,0\% : 100\% = 12\,000\,000 \text{ сўм}$ .

### Тайёр маҳсулот сотиш ҳисоби

#### №3-мисол.

Корхона ҳисоб сиёсати бўйича тайёр маҳсулотни меъерий таннарх билан ҳисобга олинади. 2019 йилнинг ноябр ойида МЧЖ “Дилноза”, умумий суммаси 443 500 000 сўмлик тайёр маҳсулотларни, бевосита ишлаб чиқариш харажатлари меъерий таннарх бўйича харидорга жўнатилди. Реализациядан тушум 660 800 000 сўм ва ҚҚС суммаси – 99 120 000 сўм. Ой давомида маъмурий харажатлар 95 160 000 сўм, сотиш харажатлари 35 080 000 сўм, ишлаб чиқарган маҳсулот бўйича сарфа 51 000 000 сўмни ташкил этди.

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар киритилган:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромад	660 800 000	4010	9010
2	Сотилган маҳсулотга ҚҚС ҳисобланди ( $660\,000\,000 * 15\% : 100\%$ )	99 120 000	4010	6410
3	Сотилган маҳсулотнинг меъерий таннархи ҳисобдан чиқарилди	443 500 000	9110	2810
4	Тайёр маҳсулотни меъерий таннархи ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги оғиш ҳисобдан чиқарилди (сторно)	(51 000 000)	9110	2810
5	Маъмурий харажатлар ҳисобда акс эттирилди	95 160 000	9420	0200,

				6710, 6520
6	Сотиш харажатлари ҳисобга олинди	35 080 000	9420	1000, 6710, 6520
7	Сотилган тайёр маҳсулотни ҳақиқий таннархи ҳисобварағи ёпилди (443 500 000 – 51 000 000)	392 500 000	9910	9110
8	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг даромад ҳисобварағи ёпилди	660 800 000	9010	9910
9	Маъмурий харажатлар ҳисобварағи ёпилди	95 160 000	9910	9420
10	Сотиш харажатлари ҳисобварағи ёпилди	35 080 000	9910	9410
11	Тайёр маҳсулот сотишдан молиявий натижа аниқланди (660 800 000 – 392 500 000 – 95 160 000 – 35 080 000)	138 060 000	9910	8710

#### №4-мисол.

2019 йил июн ойида корхона 6 та маҳсулотни жўнатди, унинг мулк ҳуқуқи харидорга тўлов вақтида ўтади. Маҳсулот бирлигининг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи 44 513 000 сўмни ташкил этади., сотиш харажатлари 3 242 800 сўм. Маҳсулот бирлигининг шартномавий нархи 65 500 000 сўм, ҚҚС суммаси 9 825 000 сўм. Ҳисобот ойида харидор 4 та birlik маҳсулот пулини тўлади.

Корхона ҳисобида бу хўжалик операциялари қуйидагича ёзувларда акс эттирилади:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма (сўм)	Ҳисобварақлар- нинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Жўнатилган маҳсулотлар қиймати акс эттирилди (6 x 44 513 000)	267 078 000	2830	2810
2	Маҳсулотни жўнатиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинди	3 242 800	9410	6710, 6520, 4220
3	4 та маҳсулот учун харидор пулини тўлади [4 x (65 500 000 + (65 500 000 x 15%))]	301 300 000	5110	4010
4	4 та маҳсулот учун ҳисобланган даромад (4 x 65 500 000)	262 000 000	4010	9010
5	Пули тушган маҳсулот учун ҚҚС ҳисобланди (262 000 000 x 15%)	39 300 000	4010	6410
6	Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳисобдан чиқарилди (4 x 44 513 000 сўм.)	178 052 000	9110	2830
7	Сотилган маҳсулотлар билан боғлиқ сотиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди (3 242 800 : 6 x 4)	2 161 870	9910	9410
8	Сотишдан олинган молиявий натижани акс эттирилди (262 000 000 – 178 052 000 – 2 161 870)	81 786 130	9910	8710

### Назорат саволлари:

1. Тайёр маҳсулот қайси баҳода бухгалтерия ҳисобига қабул қилинади?
2. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби омборда ва оператив ҳисобда қандай баҳоларда юритилади?
3. Тайёр маҳсулотларнинг қандай турли ҳисоб нархлари бор.
4. Қандай ҳолларда 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар” ҳисобварағидан фойдаланилади?
5. Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадни тан олишнинг шартлари нималардан иборат?
6. Бухгалтерия ҳисоби ва фойда солиғи мақсадлари учун даромадларни тан олишнинг қандай усуллари мавжуд?
7. Тайёр маҳсулотни бўнак тўловлари бўйича солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
8. Комиссия шартномаси бўйича жўнатилган маҳсулотларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
9. Тайёр маҳсулот қийматидаги оғишлар қандай ҳисобланади?
10. Тайёр маҳсулот сотилиши муносабати билан корхона томонидан қандай солиқлар тўланади?
11. Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган молиявий натижа қандай ҳисобланади?
12. Тайёр маҳсулотларни сотиш харажатлари қандай ҳисобга олинади?

*Фойда ва зарарга қараб харид қилиш керак. Хонавайрон бўлишни истамасас экансан, асло ҳали қўлингга келиб тушмаган даромадни сарф қилма.*

*Унсур аль-Маал*

## **10 БОБ. КАПИТАЛ, ФОНДЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ**

### **10.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон 2014 йил 6 май (янги таҳрири).
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси II бўлим.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 12 бўлим.
4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎЗР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎЗРҚ-404.
5. “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-308-II-сон 2001 йил 6 декабр (25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон билан ўзгартиришлар ва иловалар киритилган).
6. “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ЎРҚ-310-II-сон 2001 йил 6 декабр (12.12.2019 й., 03/19/592/4144-сон билан ўзгартиришлар ва иловалар киритилган).
7. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. (ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори (ўзгартиришлар ва иловалар билан)).
8. ЎЗР 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 26 август 483-сон билан рўйхатга олинган).
9. ЎЗР 2-сон БҲМС “Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 3 декабр 562-сон билан рўйхатга олинган).
10. ЎЗР 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 26 август 483-сон билан рўйхатга олинган).
11. ЎЗР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎЗР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).
12. ЎЗР 22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби” (ЎЗР Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган).
13. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎЗР Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган).
14. “Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва

бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низом” (ЎзР Адлия вазирлигида 2017 йил 30 майда 1181-3-сон билан рўйхатга олинган)

## **10.2. Хусусий капиталнинг шаклланиши ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиш**

Хўжалик субъектларининг ўз маблағлари турли молиявий маблағлар ҳисобидан ташкил топади. Устав капитали, тақсимланмаган фойда, махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резервлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Турли хўжалик субъектлар учун хусусий капитални шакллантириш бир-биридан фарқ қилади. Масалан, устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

Устав капитали – ташкилотнинг бошланғич капитали бўлиб, унинг асосий фаолиятини таъминлаш ва келгусида фойда олиш учун зарур.

Устав капитали - бу таъсис ҳужжатида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) корхона мулкига қўйган маблағлари (улушлари, акциялар номинал қийматида ва ҳоказолар)нинг пул ифодасидаги йиғиндиси. Устав капиталини шакллантириш жараёни корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ равишда ЎзР қонунчилиги томонидан тартибга солинади.

Устав капитали рўйхатдан ўтказилган ҳажмда ёки тўланган акцияларнинг номинал қиймати йиғиндиси миқдорида акс эттирилади. Устав капиталининг ҳажми рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларидаги суммадан ошиб кетиши мумкин эмас. Корхона устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши фақат таъсисчиларнинг қарори асосида ва таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Бундан келиб чиқадикки, хўжалик субъектлари фаолияти учун давлат ёки таъсисчилар томонидан ажратилган асосий воситалар, номоддий активлар, нақд пуллар, ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари устав капиталининг ташкил топиш манбалари ҳисобланади. Устав капитали эса қуйидагича шаклланиши мумкин:

- устав капиталига таъсисчиларнинг пул маблағи кўринишидаги ҳиссаси ҳисобига;
- корхона ташкил топишида давлат қўйилмаси ҳисобига;
- моддий бойлик, қимматбаҳо қоғоз, номоддий актив ва бошқалар кўринишида таъсисчиларнинг қўшган улуши ҳисобига;

Корхона фаолияти давомида хўжалик маблағлари ташкил топиш манбалари қуйидаги йўналишлар бўйича кенгайиб, кўпайиб боради:

- солиқ тўлангандан кейин, корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан ташкил топадиган турли фондлар ҳисобига (заҳира капитали, қўшимча капитал ва ҳ.к.)

- қарзга ва кредитга олинган пул маблағлари ҳисобига;
- ҳиссадорлар умумий йиғилиши қарорига кўра, устав фонди ошишига йўналтирилган дивидендлар ҳисобига;
- мақсадли молиялаштириш ҳисобига;
- бошқа мажбуриятлар ҳисобига.

Ҳозирги иқтисодий шароитида турли мулкчилик шаклига асосланган кичик корхоналар, акциядорлик жамиятлари, ҳамкорликдаги корхоналар ташкил топиши билан корхоналар маблағининг манбаси бўлиб, таъсисчилар томонидан корхоналарга қуйилган улушлар юзага кела бошлади.

Ҳозирги вақтда мулкчиликнинг турли шакллари ривожланаётган бир пайтда корхоналарда устав капиталининг миқдори мазкур корхона ташкил топаётган вақтда тасдиқланган таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдори билан мувофиқ келиши лозим. Унинг миқдори ўз мулкчилик шаклини ўзгартирмайдиган корхоналарда ўзгармайди.

Давлат корхоналари хусусийлаштирилганда мазкур корхона мулкчини сотиб олиниш қийматини аниқлаш талаб қилинади, чунки таъсис ҳужжатида устав капитали миқдорини акс эттириш лозим.

Акциядорларга корхона устав капиталидаги улушининг қайтарилиши устав капитали миқдорини камайтирмайди ва бу муомала айнан акциядорлик жамиятининг сотиб олинган хусусий акциялари каби 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий” ва 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар – имтиёзли” ҳисобварақларининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

8310 “Оддий акциялар” ҳисобварағи оддий акцияларни ўзида мужассамлаштирган акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин унинг устав капитали эмиссия проспектида рўйхатга олинган суммада 8310 “Оддий акциялар” ҳисобварағининг кредити ва 4610 “Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари” ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади. Корхонанинг акциядорлик капитали ҳисобда рўйхатдан ўтган, лекин эмиссияси тугалланмаган миқдорда ҳисобга олиниши сабабли эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган) чиқарилган (акциядорлар томонидан обуна амалга оширилган) ва муомаладаги оддий акцияларнинг ҳар қайси эмиссияси бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритиш талаб этилади.

Акциядорлик жамиятлари ўз устав капиталини муомалага кўшимча акциялар чиқариш ёки муомаладаги акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан ошириши мумкин. Акциядорлик жамиятлари устав капитали миқдори акциялар номинал қийматининг пасайиши, корхоналар томонидан акцияларнинг бир қисми акция эгаларидан сотиб олиниши натижасида камайиши мумкин.

Акциялар ликвидлигини ошириш мақсадида уларни майдалаб юбориш, яъни, уларнинг номинал қийматини мутаносиб равишда камайтириб умумий миқдорини кўпайтириш усули қўлланилади. Акцияларни

майдалаш натижалари акциядорлар капиталининг ҳажмига таъсир кўрсатмай, фақатгина янги муомаладаги акцияларнинг номинал қиймати ва миқдорини кўпайтириши сабабли ушбу муомалалар бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди. Ушбу муомалаларни 8310 "Оддий акциялар" ҳисобварағига очилган аналитик ҳисоб регистрларида қайд қилиш зарур.

8320 "Имтиёзли акциялар" ҳисобварағи имтиёзли акция кўринишида чиқарилган акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциялар 8310 "Оддий акциялар" ва 8320 "Имтиёзли акциялар" ҳисобварақларида номинал қийматлари бўйича ҳисобга олинади.

8310 "Оддий акциялар" ва 8320 "Имтиёзли акциялар" ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг таъсисчилари ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича маълумотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

8330 "Пай ва улушлар" ҳисобварағи корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида асосан қатнашувчиларнинг улушларини ўзида мужассамлаштирган устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Давлат корхоналари давлат томонидан ажратилган асосий ва айланма маблағлардан ташкил қилинган устав капиталини белгиланган тартибда шакллантиради.

Корхона рўйхатдан ўтгандан кейин унинг устав капитали таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган пай ва улушларидан ташкил топади ва 8330 "Пай ва улушлар" ҳисобварағининг кредити ҳамда 4610 "Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари" ҳисобварағининг дебети томонида акс эттирилади.

8330 "Пай ва улушлар" ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг ҳар бир таъсисчиси бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида устав капитали маблағларини ҳаракати бўйича муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб ўтамиз:

1) Таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган суммада, (корхона рўйхатдан ўтказилгандан кейин) устав капитали тасдиқланди:

Д 4610 "Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи"

К 8310 "Оддий акциялар" ёки

К 8320 "Имтиёзли акциялар" ёки

К 8330 "Пай ва улушлар".

2) Фойданинг бир қисми устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилди:

а) ҳисобланган дивидендлар миқдорида:

Д 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)"

К 6610 "Тўланадиган дивидендлар".

б) устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойда миқдорида:

Д 6610 "Тўланадиган дивидендлар"

К 8310 “Оддий акциялар” ёки  
К 8320 “Имтиёзли акциялар” ёки  
К 8330 “Пай ва улушлар”.

3) Устав капитали тўпланган капитал миқдоригача камайтирилди:

Д 8310 “Оддий акциялар” ёки  
Д 8320 “Имтиёзли акциялар” ёки  
Д 8330 “Пай ва улушлар”

К 4610 “Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи”.

4) Корхона таъсисчиларига улушлари қайтарилди:

Д 8330 “Пай ва улушлар”.

К 6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз”

5) Акциядорлардан сотиб олинган ва бекор қилинган хусусий акциялар устав капиталининг камайтирилишига ҳисобдан чиқарилди:

а) номинал қийматдан юқори баҳода сотиб олиш:

- номинал қийматига:

Д 8310 “Оддий акциялар” ёки  
Д 8320 “Имтиёзли акциялар”

К 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий” ёки

К 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли”;

- номинал қийматидан ошган суммага:

Д 8410 “Эмиссия даромади” ёки

Д 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”

К 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий”

К 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли”

б) номинал қийматидан паст нархда сотиб олиш:

- сотиб олиш қийматига:

Д 8310 “Оддий акциялар” ёки

Д 8320 “Имтиёзли акциялар”

К 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий” ёки

К 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли”;

- номинал қийматидан паст суммага:

Д 8310 “Оддий акциялар” ёки

Д 8320 “Имтиёзли акциялар”

К 9590 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий”.

Жамиятнинг акциялари махсус реестрларда рўйхатга олинади. Қуйилмалар бўйича акциялар билан олиб борилган ҳисоб-китобнинг аналитик ҳисоби акциядорларнинг ҳар бири бўйича карточкалар, қайдномаларда устав капиталига қўйилмалар бўйича қарзлари, қарзларини қайтариш муддати, қарзни қайтариш ҳисобига топширилган активлар суммаси кўрсатилган ҳолда юритилади. Сотиб олинган акциялар суммасини таъсисчилар асосий воситалар, номоддий активлар, сўмда ва хорижий валюта пул маблағлари ва бошқа материал қийматликлари билан тўлаши мумкин.

Аналитик ҳисоб юритиш учун асос бўлиб, таъсис ҳужжатлари, асосий воситалар, номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, кирим касса ордерлари ва бошқалар ҳисобланади.

### **10.3. Акцияларнинг турлари, уларга қисқача тавсиф ва уларни ҳисобга олиш**

Акциядорлик жамияти ва жавобгарлиги чекланган жамият – бу шундай юридик шахси, бошқа юридик шахслар ва фуқаролар билан келишган ҳолда тузилган бўлиб, уларни мулкни умумлаштириб, мазкур мулк чегарасида мажбурият учун ҳар бири масъулият ҳис этадилар.

Акциядорлик жамияти устав фонди акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларга бўлинган бўлади. Жавобгарлиги чекланган жамият устав капитали унинг аъзолари томонидан сотиб олинган бир неча улушларга бўлинади. Акциядорлик жамияти инқирозга учраганда акциядорлар ўзига тегишли акциялар қийматида зарар кўрадилар.

Акциядорлик жамиятларининг бошқа корхоналардан фарқи шуки, уларнинг мол-мулки юқорида таъкидлангандек, акциядорлар мол-мулки ҳисобида ташкил топади. Жамият, ҳеч қандай юқори ташкилот кўрсатмасисиз мустақил, эркин фаолият олиб боради. Жамият аъзолари, яъни акциядорлар акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этадилар.

Акциядорлик жамиятининг бошқа турдаги корхоналардан яна бир фарқи шундан иборатки, жамият даромади турли тўловлардан сўнг, жамият аъзоларига уларнинг жамиятга қўшган мол-мулк улушига мос равишда дивидент кўринишда тақсимлаб берилади.

Демак, юқорида айтилганларидан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, акциядорлик жамияти ўзининг фаолиятини давом эттира олиши учун у фақат даромад олиб ишлаши лозим. Шундагина жамият аъзолари унинг фаолиятидан моддий манфаатдор бўладилар.

Жамият аъзолари, унинг даромадидан фақат дивидентгина олиб қолмай, жамият ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини бошқаришда, бошқарув технологиясини такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқлари лозим.

Акциядорлик жамиятларида устав капитали миқдорининг кейинги ўзгариши ва 8300 ҳисобвараққа ёзув, таъсис ҳужжатида маълумотномаларига ўзгартириш киритилганда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Масалан, устав капитали миқдорининг ўзгариши йил охирида жамият аъзолари йиғилишида ёки мулкдорлар йиғилишида корхона йиллик хўжалик фаолияти натижаларини кўриб чиқиш натижасида юз бериши мумкин.

Устав капиталининг миқдори ошиши мумкин, қачонки, йиғилиш иштирокчилари тақсимланмаган фойда, махсус мақсадларга мўлжалланган фондларнинг ишлатилмай қолган маблағи ёки муомалага акциялар чиқариш ва бошқалар ҳисобига устав капитали миқдорини ўзгартириш ҳақида қарор чиқаришса.

Таъсис ҳужжати ва давлат рўйхати реестрига ўзгартириш киритилгандан сўнг, 8300 “Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағига ёзув қилинади.

Акция қимматли қоғознинг бир тури ҳисобланади. Умуман қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, омонат касса сертификатлари, векселлар ва бошқалар киради.

Акция қимматли қоғознинг бир тури бўлиб, у акциядорлик жамиятлари, корхона, ташкилотлар, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилади. Акция ўз эгасига жамият оладиган фойдасининг бир қисмини дивиденд кўринишида олиш ҳуқуқини беради.

Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби жамият уставида белгиланади.

“Олтин акция” давлатнинг айрим жамиятларни бошқаришда иштирок этишига доир махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки жамиятларнинг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда ЎзР ВМнинг қарорига асосан жорий этилади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

“Олтин акция” қийматга эга бўлмайди, бошқа шахсга ўтказилмайди ҳамда гаровга берилмайди, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини белгилашда ва дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

“Олтин акция” жамиятнинг устав фондида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлмаган ёки бу улуш жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма беш фоиздан ошмайдиган жамиятларда жорий этилиши мумкин. Давлатнинг “олтин акция”дан фойдаланиш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади.

“Олтин акция” жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини тайинлаш воситасида реализация қилинади. Давлат вакили жамият акциядорларининг умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида кўрсатилган масалаларга оид қарорларга вето қўйиш ҳуқуқи билан мажбурий тартибда иштирок этади. Вето қўйиш ушбу қарорлар қабул қилинган куни ёзма шаклда амалга оширилади.

Акцияларнинг номинал қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 23-модда).

Акциялар бозор нархида сотилади. Қимматли қоғознинг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унга кўра мазкур қимматли қоғоз очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Агар қимматли қоғозлар фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган бўлса, уларнинг биржа котировкалари мазкур қимматли қоғозларнинг бозор қиймати деб эътироф этилади.

Жамиятнинг уставида акциядорлар олган акцияларнинг (жойлаштирилган акцияларнинг) сони ва номинал қиймати белгиланиши керак. Жамият уставида жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони ва номинал қиймати белгиланиши мумкин.

Жамият уставига жамиятнинг эълон қилинган акциялари ҳақида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдори ва (ёки) қиймат (тугатилиш қиймати) жамият уставида белгилаб қўйилиши лозим. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденднинг миқдори ва тугатилиш қиймати қатъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдори ва тугатилиш қийматини белгилаш тартиби жамият уставида кўрсатилган бўлса ҳам имтиёзли акциялар бўйича дивиденднинг миқдори ва тугатилиш қиймати белгиланган деб ҳисобланади.

Жамият уставида имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган, миқдори уставда аниқланган дивиденднинг жамғариб борилиши ва кейинчалик тўланиши белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамият уставида имтиёзли акцияларнинг оддий акцияларга айирбошланиши имконияти ва шартлари белгиланиши мумкин.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

Агар жамият уставида имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айирбошлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, жамият устави имтиёзли акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин. Бунда ушбу имтиёзли акциянинг эгаси ўзига тегишли имтиёзли акция айирбошланиши мумкин бўлган оддий акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган миқдордаги овозларга эга бўлади.

Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартиш тўғрисидаги қарорда) ёки

жамият уставида, қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим. Жамият уставида акциялар ҳақини тўлаш мажбуриятини бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ундириш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятни таъсис этишда акцияларга тўланадиган ҳақ сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланадиган баҳоси муассислар ўртасидаги шартномага мувофиқ чиқарилади.

Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

Қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг уставида жамият акциялари ҳамда бошқа қимматли қоғозлари ҳақи сифатида тўланиши мумкин бўлган мол-мулк турларига чекловлар белгиланиши мумкин.

Жамият уставида бошқа фондларни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондидан (устав капиталидан) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

Жамиятнинг устав фондидан (устав капиталидан) камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ҳисобварақларда акс эттирилиши қуйидагича амалга оширилади:

1) Акциялар сотилганда:

Д 5110 "Ҳисоб-китоб ҳисобварағи"

К 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши".

2) Акцияларнинг номинал қийматини ҳисобдан чиқариш:

Д 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши"

К 0610 "Қимматли қоғозлар".

3) Акцияларни сотишдан кўрилган фойда суммасига:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”.

4) Агар қимматли қоғозлар сотишдан корхона зарар кўрадиган бўлса:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

#### **10.4. Қўшилган капитални ҳисобга олиш**

Оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларнинг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори кўринишидаги қўшилган капитал нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умулаштириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

8410 “Эмиссия даромади”;

8420 “Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи”.

8410 “Эмиссия даромади” ҳисобварағи акцияларни дастлабки сотишда номинал қийматидан юқори баҳода олинган маблағлар тўғрисидаги ахборотларни умулаштириш учун мўлжалланган. Ушбу маблағлар келиб тушганда 8410 “Эмиссия даромади” ҳисобварағи кредитланиб, хусусий акцияларни бекор қилишда сотиб олиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланганда эса ушбу ҳисобварақ дебетланади.

8410 “Эмиссия даромади” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб оддий ва имтиёзли акциялардан олинган даромадлар бўйича алоҳида юритилади.

8420 “Устав капитални шакллантиришда курс фарқи” ҳисобварағи устав капитални шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Устав капитални шакллантириш учун берилган валюта ва валюта қийматликлари, устав капиталига улушларни киритиш санасидаги ЎзР Марказий банкнинг курси бўйича баҳоланади.

Валюта ва валюта қийматликларини ва бошқа мулкларни баҳолаш рўйхатдан ўтказиш санасидаги таъсис ҳужжатларида белгиланган баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъект устав капитални шакллантиришда Марказий банк курсларининг ўртасида таъсис ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилган санада ва устав капиталига маблағлар ҳақиқатда киритилган санада вужудга келадиган ижобий курс фарқи бухгалтерия ҳисобида қўшилган капитал сифатида 8420 “Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи” ҳисобварағида акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъект устав капитални шакллантиришда Марказий банк курсларининг ўртасида таъсис ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилган санада ва устав капиталига маблағлар ҳақиқатда киритилган санада вужудга келадиган салбий курс фарқи 8420 “Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи” ҳисобварағи дебитида устав капитални шакллантиришда олдин вужудга келган ижобий курс фарқи суммалари

доирасида акс этирилади. Устав капиталини шакллантиришда ижобий курс фарқи суммасидан ошган салбий курс фарқи суммаси 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” ҳисобварағининг дебетига киритилади. Курс фарқларининг бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган, устав капиталидаги таъсисчиларнинг улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида қўшилган капитални ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Бирламчи эмиссия акцияларнинг номинал ва эмиссия қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида қўшимча тўланган капитал маблағлари келиб тушди:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари” ёки

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5510 “Аккредитивлар” ёки

Д 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”

К 8410 “Эмиссия даромади”.

2) Қўшилган капитал маблағлари хусусий акцияларни бекор қилишда сотиб олиш ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқни қоплашга ишлатилди:

Д 8410 “Эмиссия даромади”

К 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий” ёки

К 8620 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли”.

3) Устав капиталининг шаклланиш жараёнида вужудга келган ижобий курс фарқи ҳисобга олинди:

Д 0100 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ва бошқа мол-мулкни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

К 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи”.

## **10.5. Резерв капиталини ҳисобга олиш**

Акциядорлик жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг заҳира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

Башарти амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, бошқа тижорат ташкилотлари ҳам резерв капиталини ташкил этишлари мумкин.

Резерв капиталининг тайинланиши - корхонанинг содир бўладиган баланс зарари ва бошқа тўловларини қоплашдир.

Акциядорлик жамиятларида резерв капиталдан, фойда етарли бўлмаган ёки йўқ булган ҳолларда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун ҳам фойдаланилади.

Резерв капиталини тўлаш учун асосий воситаларнинг индексация фонди суммаси ҳам йўналтирилади.

Хўжалик субъект таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантирилган резерв капитали (фонд), мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервлари, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”;

8520 “Резерв капитали (фонди)”;

8530 “Текинга олинган мулк”.

8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағида мулкларни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган ўзгаришлар ҳисобга олинади. Мулкларни қайта баҳолаш натижасида резерв капиталининг шаклланиши ва тўлдирилиши 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағининг кредитида қайта баҳолаш натижасида қиймати ошган мулкларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида мулкларнинг қиймати камайса, камайган сумма ўша мулкнинг навбатдаги қиймати ошиши ҳисобига тўлдирилади ва у 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварағининг дебитида акс эттирилади. Шу мулкнинг аввалги қайта баҳолашдаги қийматидан ошган арзонлаштирилган сумма харажат сифатида тан олинади ва 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағида акс эттирилади.

Мулкни қайта баҳолаш бўйича жамланган сумманинг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” ҳисобварақнинг дебитида 6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

8520 “Резерв капитали (фонди)” ҳисобварағи корхона томонидан таъсис ҳужжатлари ва ЎзР қонунларига мувофиқ ташкил этилган резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Резерв капитали (фонди) маблағлари корхона зарарларини қоплаш ва бошқа қоплаш манбалари бўлмаган бошқа мақсадларга сарфланиши мумкин.

Резерв капитали (фонди)нинг шаклланиши 8520 “Резерв капитали (фонди)” ҳисобварағининг кредитида 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

8530 “Текинга олинган мулк” ҳисобварағи корхона томонидан текинга олинган мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Текинга олинган мулклар 8530 “Текинга олинган мулк” ҳисобварағининг кредитида корхона мулкларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Текинга олинган мулклар қиймати солиққа тортиш мақсадида умумий корхона умумий даромадига қўшилади. Текинга олинган мулкларни солиққа тортиш тартиби ЎзР солиқ қонунчилиги билан тартибга солинади.

Қуйида резерв капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг бошқа ҳисобварақлар билан боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Резерв капитали ҳажмининг мулк қийматини қайта баҳолаш натижасида кўпайиши:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

Д 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар”

Д 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

Д 0810 “Тугалланмаган қурилиш”

Д 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”

2) Мулк қийматининг ўтган қайта баҳолаш қийматининг оширилган миқдоригача камайтирилиши натижасида резерв капиталининг камайиши:

Д 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар”

К 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0810 “Тугалланмаган қурилиш”

К 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

3) Мулк қийматининг ўтган қайта баҳолаш қийматидан ошган суммага

зарарга ўтказиш:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0310 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар”

К 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 0810 “Тугалланмаган қурилиш”

К 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

4) Асосий воситалар эскиришини қайта баҳолаш:

а) қиймати оширилганда:

Д 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

б) қиймати камайтирилганда:

Д 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”.

5) Таъсис ҳужжатларига мувофиқ ва жорий йилнинг тақсимланмаган фойда суммаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда резерв капиталига (фондига) йўналтирилди:

Д 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

К 8520 “Резерв капитал (фонди)”.

6) Корхонани тугатиш натижасида резерв капитал (фонди) ҳисобидан таъсисчиларга даромад (дивиденд)лар ҳисобланди:

Д 8520 “Резерв капитал (фонди)”

К 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

К 6620 “Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз”

7) Резерв капитал (фонди) суммаси жорий ҳисобот йилида фойда олинмаганлиги ёки фойда суммаси етарли бўлмаганлиги сабабли имтиёзли акцияларга даромад (дивиденд)лар ҳисоблаш учун йўналтирилди:

Д 8520 “Резерв капитал (фонди)”

К 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

8) Текинга олинган қимматли қоғозлар ҳисобга олинди:

Д 0610 “Қимматли қоғозлар”

Д 5810 “Қимматли қоғозлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

9) Текинга олинган асосий воситалар ҳисобга олинди:

Д 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

10) Текинга олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ҳисобга олинди:

Д 0700 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 8530 “Текинга олинган мулк”.

## 10.6. Мақсадли тушумлар, субсидия ва грантлар ҳисобини юритиш

Корхонанинг хўжалик воситаларини шакллантириш манбаларидан бири ташкилотга бошқа корхоналардан, жисмоний шахслардан келадиган мақсадли молиялаштириш воситалари, шунингдек, давлат ёрдами кўринишида бўлиши мумкин.

Тадбиркор ташкилотига тақдим этилган мақсадли молиялаштириш пул маблағлари ва бошқа активларни олиш натижасида ташкилотнинг иқтисодий манфаатларининг ошиши деб эътироф этилади.

Мақсадли молиялаштириш белгиланган мақсадга мувофиқ сарфланиши лозим. Бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мақсадли молиялаштиришни қайтаришни талаб қилиниши, шунингдек, ЎЗРнинг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлик чораларини кўриши мумкин.

Одатда, мақсадли молиялаштиришнинг асосий қисмини давлат томонидан тегишли даражадаги бюджетлардан давлат ёрдами тарзида ажратиладиган маблағлар ташкил этади.

**Давлат субсидиялари** - хўжалик юритувчи субъектнинг операция фаолиятига тааллуқли муайян шароитларда хўжалик юритувчи субъектга ресурсларни бериш тарзида ҳукумат томонидан бериладиган ёрдам.

**Давлат ёрдами** - муайян мезонлар билан қаноатлантирувчи битта ёки бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ёрдам бериш учун давлат кўрадиган тадбир.

10-сон БҲМС “Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар”га мувофиқ давлат ёрдамининг қуйидаги шакллари белгиланган:

**1) активларга киритиладиган субсидиялар** - бу узоқ муддатли активларни муайян қурилиш лойиҳалари учун сотиб олиш ёки қуриш мақсадида хўжалик субъектлари ажратадиган давлат субсидияларидир, ишга тушириш ёки харид қилиш муддатлари, ушбу активларнинг муайян жойлашиши.

**2) даромадга киритиладиган субсидиялар** - бу активларга киритиладиганларидан ташқари, давлатнинг ҳар қандай бошқа субсидиялари.

**3) қайтармаслик асосидаги ссудалар** - бу кредитор қайтаришни талаб қилмаган ҳолда, муайян шартларга риоя қилиб берадиган ссудалардир.

Корхонанинг давлат ёрдамини олиши иккита сабабга кўра молиявий ҳисоботни тайёрлашдаги жиддий ҳолдир:

а) агар ресурслар ўтказиб бўлинган бўлса, уларни бухгалтерлик ҳисоб-китобида тўғри акс эттириш керак;

б) ҳисобот даври давомида хўжалик субъекти учун бундай ёрдамни олишнинг аҳамиятини кўрсатган маъқул.

Бу эса хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини аввалги даврлардаги ҳисоботлар ва бошқа субъектларнинг ҳисоботлари билан таққослашга кўмаклашади.

Корхона белгиланган талабларга мос эканлигига ва субсидия олиншига етарлича ишонч бўлмагунича давлат ёрдами тан олинмайди. Субсидия олиш ўз-ўзидан субсидиялар бериш билан боғлиқ шартлар бажариб бўлинган ёки бажарилади, деган маънони англатмайди.

Субсидияларни олиш шакли уни ҳисоботларда акс эттириш усулига таъсир қилмайди. Масалан, субсидия, у нақд шаклда олинди ёки давлатга нисбатан мажбуриятларни камайтириш шаклида олинди, бундан қатъи назар, ҳисобга олинади.

Қайтармаслик асосида муайян шартлар билан берилаётган давлат ссудасига хўжалик субъекти ана шу шартларни бажаришига етарлича кафолат мавжуд бўлган тақдирда давлат субсидияси деб қаралади.

Давлат субсидиялари улар билан боғлиқ чиқимларга киритиш учун зарур бўлган даврлар мобайнида улар қоплайдиган жорий операциялар бўйича мунтазам асосда даромад деб ҳисобланиши керак.

Даромад (фойда) солиғи ва бошқа солиқлар даромаддан келиб чиқиб ҳисобланишини назарда тутиб, молиявий-бюджет сиёсатининг давоми бўлмиш давлат субсидияларини молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўриб чиқиш зарур.

Давлат субсидияларининг мақсадли маблағлар сифатида тан олинши ҳисоблаш усулига кўра амалга оширилади.

Давлат субсидиялари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда улар билан боғлиқ чиқимлар (харажатлар) билан нисбатини белгилаш учун зарур бўлган ҳисобот даврлари мобайнида даромадлар деб эътироф этилади.

Амортизация қилинадиган активлар билан боғлиқ субсидиялар одатда ана шу активлар бўйича амортизация ҳисобланадиган ҳисобот даврлари мобайнида ва нисбатларда даромад деб ҳисобланади.

Муайян шартлар ва мажбуриятлар билан берилган амортизация қилинмайдиган активлар билан боғлиқ субсидиялар мазкур мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатлар амалга ошириладиган даврлар мобайнида даромад деб эътироф этилади.

Қилинган харажатлар ёки кўрилган зарарлар учун компенсация сифатида олинши лозим бўлган ёки хўжалик субъектига, келгусида у билан ҳеч қандай харажатларга бормаган ҳолда, дарҳол молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ажратиладиган давлат субсидияси у олинши керак бўлган даврда даромад сифатида, шунингдек фавқулодда модда сифатида эътироф этилади.

Давлат субсидияси хўжалик субъекти томонидан аввалги даврда қилинган харажатлар ёки кўрилган зарарлар учун компенсация сифатида олинши мумкин. Бундай субсидия у олинши керак бўлган даврда даромад сифатида, кейинчалик унинг таъсирини белгилаш учун очиш билан фавқулодда модда сифатида эътироф этилади.

Давлат субсидияси хўжалик субъекти томонидан фойдаланиладиган

ноликвид актив шаклини олиши мумкин. Мазкур ҳолатларда одатда ноликвид активнинг амалдаги қиймати белгиланади, актив ҳам, субсидия ҳам ана шу амалдаги қиймат бўйича ҳисобга олинади.

Активларга киритиладиган давлат субсидиялари, шу жумладан ноликвид субсидиялар мақсадли тушумлар деб акс эттирилади ва улар активнинг фойдали хизмат муддати давомида даромад сифатида мунтазам асосда эътироф этилади.

Бошқа усулларга кўра давлат субсидияси тушган активнинг баланс қийматини камайтиради ва ҳисобланадиган ёйилишни қисқартириш йўли билан амортизация қилинадиган активнинг фойдали хизмат қилиши муддати давомида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда акс эттирилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда даромадга киритиладиган субсидиялар қуйидаги тарзда акс эттирилади:

а) "Бошқа даромадлар" моддасига кўра;

б) улар билан боғлиқ харажатларни акс эттиришда чегириб ташланади.

Даромадга киритиладиган субсидияларни ҳисоб-китоб қилиш учун иккала усул ҳам мақбул ҳисобланади. Субсидияларни очиш молиявий ҳисоботларни тўғри тушуниш учун зарурдир. Субсидияларнинг алоҳида очиш зарур бўлган даромадлар ва харажатларнинг ҳар қандай моддасига таъсирини очиш ўринли ҳисобланади.

Хўжалик субъекти муайян шартларни бажармаган тақдирда давлат субсидияларини қайтариб бериши керак. Бундай ҳолатда субсидияларнинг қайтарилиши билан аввалги ҳисобот даврига тузатиш киритилмайди, балки бухгалтерлик сметаларидаги ҳисоб-китоб маълумотлари қайта кўриб чиқилади. Даромадга киритиладиган субсидияларни қайтариш қуйидагича амалга оширилади:

- баланс пассивида акс эттирилган субсидиялар қолдиқлари ҳисобига;

- агар қайтарилаётган субсидия қолдиқдан ошиб кетса, у ҳолда ошган сумма харажат сифатида эътироф этилади;

- активларга киритиладиган субсидиялар мақсадли тушумлар ҳисобварағидаги қолдиқни қайтарилаётган сумма миқдорида камайтириш йўли билан ёки активнинг баланс қийматини қайтарилаётган сумма миқдорида ҳисобланиши мумкин бўлган амортизациянинг "Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар"га киритиш орқали акс эттирилади.

Олинган давлат ёрдами бўйича қуйидаги масалалар молиявий ҳисоботда очилиши керак:

- давлат субсидияларига нисбатан қўлланиладиган ҳисоб-китоб сиёсати, шу жумладан молиявий ҳисоботларда қабул қилинадиган ахборотларни бериш услуби;

- молиявий ҳисоботларда эътироф этилган давлат субсидияларининг моҳияти ва миқдори ҳамда хўжалик субъекти бевосита фойда олган давлат ёрдамининг бошқа шакллари кўрсатиш;

- шартларни бажармаслик ва эътироф этилган давлат ёрдами билан

боғлиқ кўзда тутилмаган мажбуриятлар.

Мақсадли молиялаштириш воситалари ҳисоби учун 8800 "Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар"пассив ҳисобварағи тақдим этилади.

Ҳисобварақнинг сальдоси ҳисобот санасида тадбиркорлик субъектига ажратилган молиялаштириш суммаси кўрсатилади.

Кредит айланмаи ҳисобот даврида олинган мақсадли молиялаштириш суммасини кўрсатади.

Дебет айланмаси тегишли мақсадлар учун ишлатиладиган ажратилган молиялаштириш суммасини кўрсатади.

8800 "Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар"нинг аналитик ҳисоби мақсадли фондлар мақсадига кўра ва уларнинг кирим манбалари бўйича юритилади.

Мақсадли молиялаштириш маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, шунингдек аъзолик бадаллари ва мақсадли йўналиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа қайтарилмайдиган маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

8810 "Грантлар";

8820 "Субсидиялар";

8830 "Аъзолик бадаллари";

8840 "Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари";

8890 "Бошқа мақсадли тушумлар".

Юқоридаги мақсадли тушумларни корхонанинг хусусий капитали сифатида акс эттириш шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;

б) маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;

в) белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги.

Грант деганда ижтимоий хусусиятга эга мақсадлар, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш учун ҳукумат, нодавлат, хорижий ҳамда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатиладиган текин, гуманитар ёки моддий-техник маблағлар тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга ишлатилади.

Ажратилган грант тўғрисида хабарнома олинганда ушбу грант суммаси 8810 "Грантлар" ҳисобварағининг кредитида 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Грант суммасидан молиялаштириладиган ва бюджетда кўзда тутилган пул маблағлари ёки мулкнинг қабул қилиниши пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (5110 - 5530), капитал қўйилма (0800), ўрнатиладиган ускуналар (0700), ТМЗ ва бошқа активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебитида 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Чет эл валютасида олинган грант суммаси хўжалик муомалалари

амалга оширилган кундаги ЎзР Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага ўтказилади.

8820 “Субсидиялар” ҳисобварағи ажратилган субсидиялар, яъни, иқтисодий ривожлантириш мақсадида белгиланган шартлар учун корхоналарга давлат томонидан пул ёки натура кўринишида кўрсатилган ёрдам суммаси ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Давлат (ҳукумат) томонидан берилган ёрдам турли кўринишда (кўшимча бериш, субвенция ва бошқалар) бўлиши ва ҳар хил шартларга мувофиқ берилиши мумкин.

8830 “Аъзолик бадаллари” ҳисобварағида жамият аъзоларининг таъсис ҳужжатларида белгиланган аъзолик бадаллари акс эттирилади.

Аъзолик бадалларининг келиб тушиши 8830 “Аъзолик бадаллари” ҳисобварағининг кредит томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

8840 “Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари” ҳисобварағида мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқ тўлашдан озод қилинган суммалар акс эттирилади.

Солиқ тўлашдан озод қилинган суммалар бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебет томонида 8840 “Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

8840 “Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган, солиқлар ва божхона имтиёзларини бериш натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш “Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ амалга оширилади.

8890 “Бошқа мақсадли тушумлар” ҳисобварағининг кредитида бошқа мақсадларга мўлжалланган тушумлар пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (8800) бўйича аналитик ҳисоб мақсадли маблағларнинг йўналиши ва молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ҳаракати тўғрисида бошқа ҳисобварақлар билан боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Ажратилган грант ва субсидиялар ҳақида хабарнома олинди:

Д 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”

К 8810 “Грантлар” ёки

К 8820 “Субсидиялар”.

2) Грант ва субсидиялар бўйича маблағлар олинди:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

- Д 5510 “Аккредитивлар” ёки
- Д 5520 “Чек дафтарчалари” ёки
- Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”
- К 4890 “Бошқа дебиторлар қарзлари”.

3) Тегишли тузулмаларнинг қарорига мувофиқ берилган грант ва субсидия суммаси корхона устав капитали ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилди:

- Д 8810 “Грантлар” ёки
- Д 8820 “Субсидиялар”
- К 8310 “Оддий акциялар” ёки
- К 8320 “Имтиёзли акциялар” ёки
- К 8330 “Пай ва улушлар” ёки
- К 8420 “Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи”.

4) Тегишли тузулмаларнинг қарорига мувофиқ илгари берилган грант ва субсидия суммаси корхона резерв капитали ҳажмининг кўпайишига йўналтирилди:

- Д 8810 “Грантлар” ёки
- Д 8820 “Субсидиялар”
- К 8520 “Резерв капитали (фонди)”.

5) Аъзолик бадаллари ва бошқа мақсадли тушумлар келиб тушди:

- Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки
- Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари” ёки
- Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки
- Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки
- Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки
- Д 5510 “Аккредитивлар” ёки
- Д 5520 “Чек дафтарчалари” ёки
- Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”
- К 8830 “Аъзолик бадаллари”.

6) Солиққа тортишдан озод қилиш натижасида вужудга келган бўш пул маблағлари ҳисобга олинди:

- Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”
- К 8840 “Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари”.

7) Солиққа тортишдан озод қилиш бўйича имтиёзли даврнинг тугаши натижасида вужудга келган бўш пул маблағлари ҳисобдан чиқарилди:

- Д 8840 “Мақсадли ишлатиш билан солиқ имтиёзлари”
- К 8530 “Текинга олинган мулк”.

8) Бошқа мақсадли тушумлар келиб тушди:

- Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки
- Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари” ёки
- Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки
- Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки
- Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки
- Д 5510 “Аккредитивлар” ёки

- Д 5520 “Чек дафтарчалари” ёки  
Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”  
К 8890 “Бошқа мақсадли тушумлар”.

### **10.7. Молиявий натижалар кўрсаткичларининг моҳияти, аҳамияти**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини ўрганиш ва унга баҳо беришда молиявий натижа кўрсаткичларидан фойдаланилади. Молиявий натижа кўрсаткичлари қуйидагилардан иборатдир:

- маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари);
- асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари);
- умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари);
- фойда солиғини тўлангунга қадар фойда (зарар);
- ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда (кўрилган зарар) кўрсаткичи хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот сотиши (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан фаолиятига баҳо бериш, уни ўрганишга ёрдам беради. Ушбу кўрсаткични таҳлил этиш орқали, корхонанинг ҳисобот давридаги ва келгусидаги молиявий фаолиятига баҳо берилади. Мазкур молиявий кўрсаткич, яъни маҳсулот сотишдан олинган фойда молиявий ҳисобот № 2 шакли бўйича “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда” келтирилиб, ундаги маълумотлардан ички ва ташқи фойдаланувчилар бемалол фойдаланишлари ва тегишли хулоса чиқаришлари мумкин.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган фойда (зарар), сотишдан олинган соф тушум ва ушбу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ асосида аниқланади. Бу эса корхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархини имконият даражасида камайтириш, ички ва ташқи омилларини излаш, топиш, ҳамда уларни корхона хўжалик фаолиятига тадбиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Бизга маълумки, рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида бозор ва харидор талабини чуқур ўрганиш билан бирга, бозорни ҳар томонлама ўрганиш лозим. Айтайлик, бозорнинг фақат талаби ўрганилиб шу талабдан келиб чиққан ҳолда, таклиф сифатида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқишди. Аммо худди шу таклиф билан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳам бозорга чиқишлари мумкин. Демак, аниқ равшан кўришиб турибдики, таклиф этилаётган маҳсулот (иш, хизмат) нафақат сифатининг ҳар томонлама яхшилиги, балки таннархи арзонлиги билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда – молиявий натижалар кўрсаткичининг моҳияти корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш, унинг келгусидаги истиқболларини режалаштириш каби тегишли хулосаларга тегишли, ҳамда зарурий қарорлар қабул қилиш,

муҳим чора тадбирларни ишлаб чиқиб уни корхонанинг келгусидаги фаолиятига тадбиқ этиш имкониятларини яратишидадир.

Молиявий натижалар кўрсаткичларининг яна бири - асосий фаолиятдан кўрилган фойда бўлиб, унга давр харажатлари, ҳамда асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар суммаси ялпи фойдани камайтиради, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар эса ялпи фойда суммасини кўпайтиради. Асосий фаолиятдан олинган фойда – молиявий натижа кўрсаткичининг моҳияти шундаки, мазкур кўрсаткични ўрганиш таҳлил этиш орқали қуйдагилар ҳақида тегишли хулосага келиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давр харажатлари қай миқдорда, асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, ҳамда кўрилган зарарлар билан боғлиқ кўрсаткичлар қанча миқдорга тенглиги ҳақида маълумотлар олинади.

Маълумки, давр харажатлари уч қисмга бўлинади:

- 1) сотиш харажатлари;
- 2) маъмурий харажатлар;
- 3) бошқа операцион харажатлар.

Демак, хўжалик юритувчи субъектлар юқоридаги қисмга бўлинадиган давр харажатларининг барча моддаларини ҳам иложи борича қисқартириш йўллари топиши лозим бўлади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар қуйдагилар сифатида намоён бўлади:

- турли жарима, пеня, неустойка, ҳамда етказилган зарарларни кондиритиш бўйича олинган даромадлар;
- ўтган йиллардаги, аммо ҳисобот йилида аниқланган фойда;
- асосий фонд ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;
- товар моддий бойликларини қайта баҳолаш;
- давлат субсидиялари сифатида олинган даромадларни солиққа тортишда ялпи даромадга киритилмайди;
- беғараз ёрдам сифатида олинган даромадлар;
- бошқа операцион даромадлар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, асосий фаолиятдан олинган фойда – молиявий натижа кўрсаткичининг моҳияти шундаки мазкур кўрсаткични ўрганиш, таҳлил этиш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг, олган жарима пенялари, неустойкалари, асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан олган даромади, ёрдам хизматлардан олган даромадлари, муддати ўтган кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлари, товар моддий бойликларни қайта баҳолашдан даромадлари ва шу каби бошқа даромадлари ҳақида маълумотларга эга бўлинади. Ушбу даромадлар қанчалик юқори бўлса, ҳамда давр харажатлари ва асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар қанчалик паст бўлса корхонанинг асосий фаолиятдан олган фойдаси шунчалик юқори

бўлади, ҳамда оқибат натижада умумхўжалик, фаолиятдан олинган фойда суммасига ижобий таъсир кўрсатади.

Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдага нафақат асосий фаолиятдан олинган фойда, балки молиявий фаолиятдан олинган фойда, шунингдек молиявий фаолият харажатлари ҳам таъсир кўрсатади. Табиийки, молиявий фаолиятдан олинган даромад умумхўжаликдан олинган фойдага ижобий таъсир кўрсатса, ушбу фаолиятдан харажатлар эса, салбий таъсир кўрсатади,

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйдагилар мисол бўлади:

- дивидендлар шаклидаги даромадлар;
- фоизлар шаклидаги даромадлар;
- узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар;
- валюта курси фарқидан даромадлар;
- молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар эса, қуйдагилар сифатида намоён бўлади:

- фоизлар шаклидаги харажатлар;
- узок муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар;
- валюта курси фарқидан зарарлар;
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Демак, хўжалик юритувчи субъект, нафақат маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган ялпи фойда билан чегараланмасдан, асосий фаолият, ҳамда умумхўжалик фаолиятларидан фойда олишни ҳам ўз олдларига мақсад қилиб қўйишлари лозим.

Молиявий натижалар кўрсаткичларидан яна бири солиқ тўлагунга қадар фойда бўлиб, унга умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда, ҳамда фавқулодда вазиятлардан олинган фойда ижобий таъсир кўрсатса, фавқулодда зарарлар эса салбий таъсир кўрсатади.

Соф фойда – молиявий натижа кўрсаткичининг моҳияти шундаки, мазкур кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот даври фаолиятига тўлиқ баҳо бериш имкониятини яратади.

Юқорида, молиявий натижа кўрсаткичларининг моҳиятларига тўхталиб ўтилди, ҳамда улардан умумий хулоса қилиб, қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг соф фойдаси юқори бўлиши, унинг келгусидаги фаолият доирасини кенгайтириши, ҳамда чуқурлашуви учун замин тайёрлайди.

Агар хўжалик юритувчи субъект ҳиссадорлик жамияти бўладиган бўлса, унинг акцияларига бўлган талаб, қимматбаҳо қоғозлар бозорида ошади.

Агар хўжалик юритувчи субъект ташқи инвесторлар билан ҳамкорликда фаолият юритса, ҳамда жаҳон бозори учун маҳсулотларни

ишлаб чиқарса, хизматни бажарса, унинг ташқи иқтисодий фаолияти янада юксалиши учун янги имкониятлар очилади.

Хўжалик юритувчи субъект иқтисодиётни қайси тармоғига қарашлигидан, мулкчиликнинг қай шаклига асосланганидан қатъий назар, унинг соф фойдаси - молиявий натижа кўрсаткичининг моҳиятини, шу субъектнинг ҳисобот даври молиявий натижаси ҳақида маълумот беришда, ҳамда унинг келгусидаги фаолиятида йўналтирилиши мумкинлигидадир.

Соф фойданинг корхона хўжалик фаолиятида қандай йўналтирилиши, унинг таъсис ҳужжатларида, тизимнинг бошқарув органлари, таъсисчилар кенгаши (ҳиссадорлик жамиятларида), акционерлар умумий йиғилиши (акционерлик жамиятларида) қарорларига кўра амалга оширилади.

Корхоналар фаолияти молиявий натижасини характерловчи синтетик кўрсаткич бўлиб, баланс (ялпи) фойда ва зарарлар ҳисобланади.

ЎзР ВМ 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли “Маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотилиши бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг таркиб топиши тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу низомнинг аҳамияти ва моҳияти беқиёсдир. Унинг аҳамияти қуйидагиларда кўринади, яъни солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида олинadиган фойда ўртасидаги фарқни, ҳамда манфаатдор фойдаланувчиларни қарор қабул қилишлари учун молиявий ҳисобни фойдалилигини мазмунан оширади.

Харажатлар тўғрисидаги Низом, корхоналарга бир томондан ҳисобот даврида ишлаб чиқариш харажатлари ва корхонани, ҳамда унинг бўлимларини олган даромадлари ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўғри ақс эттиришга имконият берса, иккинчи томондан, солиқ ташкилотларига корхона бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида давлат солиқ қонунчилигига асосан ҳисобот тузиш имкониятини яратади.

Солиқ ташкилотлари, хўжалик субъектлари томонидан, уларга тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

Албатта, агар молиявий натижани аниқлашда солиқ ҳисоби билан бухгалтерия ҳисоби бир хил, корхона фойдаси ва рентабеллигини аниқлаш усули мос бўлганда, ҳисоб-китоблар осонроқ бўлар эди. Аммо, давлат солиқ сиёсати ўз мақсадларига эга, яъни бюджетга солиқ тўловлари ва бошқа ажратмаларни ҳисоблаш ва аниқлашдир; шунингдек солиқ сиёсатини тартибга солиш тавсифига эга, яъни корхона хўжалик фаолиятида оқилona усуллари рағбатлантириш ва маблағлардан ноқонуний фойдаланишларни жазолаш йўли билан олдини олиш ва ҳоказо.

Корхона ўз хўжалик фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва келгуси даврлар учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берувчи ҳисобот давридаги барча харажатлар ва даромадларни ҳисоблаши учун маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимига эга бўлмоғи керак. Корхона бу ҳисоб-китобларни солиқ омилини ҳисобисиз бажаради. Корхона баланс

фойдасини аниқлаш учун умумий тушумдан харажатлар тўғрисидаги Низомга мувофиқ қилинган харажатларини айиради.

Шундан сўнг корхона, солиқ қонунчилигига асосан бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларидаги фойдани тўғрилайди ва солиққа тортиладиган фойдани аниқлайди. Фойдага тўғрилашлар киритишга мисол тариқасида, меъёрдан ортиқ хизмат сафари харажатлари ёки Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан анча юқори бўлган кредитлар учун юқори фоиз тўловларни келтириш мумкин. Солиққа тортиладиган фойдани ҳисоблаш мақсадида ушбу харажатларни фойдага қайта кўшиш зарур. Бундай ёндашув натижасида, корхона қуйидагилар ҳақида маълумотларга эга бўлади:

- корхона ва бўлимларининг ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқарув фаолияти натижасида бўлинмалар кесимида олган фойдалари;
- корхона фаолиятига давлат солиқ сиёсати қандай таъсир этди;
- корхона молиявий натижаларга кўра, бюджетга қандай сумма ўтказиши лозим.

Харажатлар тўғрисидаги Низомда, таъкидланганидек, корхоналарни ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижасида вужудга келадиган даромадлар, қуйидаги асосий бўлимларда акс этади:

- сотишдан соф тушум;
- асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан даромадлар;
- фавқулодда даромадлар.

Даромадларни бундай корхона фаолияти турлари бўйича аниқлаштирилиши, манфаатдор томонлардан корхона умумий фаолиятига объектив баҳо берилиши учун зарурдир.

## **10.8. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларни ҳисобга олиш**

Харажатлар тўғрисидаги Низомда келтирилган харажатлар таснифи энг аввало бухгалтерия ҳисобида харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

а) маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\mathbf{ЯФ = ССТ - ИТ,}$$

бунда,

ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

б) асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ,}$$

бунда,

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ - давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

в) хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{УФ = АФФ + МД - МХ,}$$

бунда,

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ – молиявий фаолият харажатлари;

г) солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус фавқулодда зарар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{СТФ = УФ + ФП - ФЗ,}$$

бунда,

СТФ – солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФП – фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

д) йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан тўланадиган солиқни ва минус конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\mathbf{СФ = СТФ - ДС - БС,}$$

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - фойдадан тўланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

**Молиявий натижаларнинг ҳисоби.** Ҳисобварақлар режасининг V қисми “Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши” ва шу қисмга таалукли бўлган IX бўлим “Даромадлар ва харажатлар”нинг ҳисобварақлари ҳисобот давридаги корхона фаолияти молиявий

натижаларининг шаклланиши ва ишлатилиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиш тартиби ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва ЎзР БҲМС билан тартибга солинади.

9 бўлимда қуйидаги ҳисобварақларнинг ҳисоб тартиби ёритилади:

9000 – “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9100 – “Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9200 – “Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9300 – “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9400 – “Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9500 – “Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9600 – “Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9700 – “Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9800 – “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”;

9900 – “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

Молиявий натижаларни шакллантириш учун алоҳида даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва алоҳида харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ишлатилади. Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдаги кўшилган қиймат солиғи, акциз ва бошқа тўловлар олинган ҳисобварақлар ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебетида ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг (6400) кредитида акс эттирилади.

**Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”;

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”;

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”;

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни

сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳисобварақларининг кредитида корхонанинг асосий фаолияти (тайёр маҳсулотлар, товарларни сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)дан даромадлар олинадиган ҳисобварақлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади, бироқ, олдинги ҳисобот даврларида олинган, аммо жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммалари 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Маҳсулот, товар, иш, хизматларни сотишда 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳисобварақларида сотишдан тушган соф тушум суммаси акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” ҳисобварақлари 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан ёпилади.

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” ҳисобварағи сотилган маҳсулот ва товарларнинг қайтишини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9000) гуруҳига контр-пассив ҳисобварақ ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси маҳсулотлар ва товарлар сотишдан даромадни камайтиради. 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” ҳисобварағининг дебетида қайтарилган товарлар қиймати, тегишли: пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан - харидорлар ва буюртмачилар томонидан қайтарилган товарларнинг қиймати; олинадиган ҳисобварақлар билан - қайтарилган товарлар бўйича бекор қилинган дебиторлик қарзлари суммаси; тўланадиган ҳисобварақлар билан - мазкур товарлар учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган тўловлар ва бўнақлар бўйича вужудга келган қарз суммаси акс эттирилади. Бунда илгари ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, олинадиган ҳисобварақларнинг кредитида ёзув амалга оширилади. Қайтарилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннархи ТМЗларни ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг дебетида ва сотилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннархини ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади.

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварағи шартнома шартларига мувофиқ берилган сотув чегирмалари, шунингдек сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларда аниқланган яроқсизликлар ва ҳоказолар натижасида берилган нарх чегирмаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ушбу ҳисобварақ асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9000) гуруҳига контр-пассив ҳисобварақ ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси маҳсулотлар ва товарларни сотишдан, иш бажаришдан ва хизмат кўрсатишдан

даромадларни камайтиради. 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварағининг дебетида сотиш ва нархлардан берилган чегирмаларнинг суммаси тегишли олинадиган ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9000) бўйича аналитик ҳисоб сотилган маҳсулотлар (товарлар), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади. Бундан ташқари, аналитик ҳисобни сотувнинг географик сегментлари (ҳудудлар) ва корхонани бошқариш учун зарур бўлган бошқа сегментлар бўйича юритиш мумкин.

Қуйида асосий (операцион) фаолиятнинг даромадлари ҳаракати тўғрисида ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг намунавий хўжалик операциялар боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Жўнатилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар (КҚС, акцизлардан ташқари) учун харидорларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” ёки

Д 4020 “Олинган векселлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

2) Маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни нақд пулга сотиш:

Д 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки

Д 5020 “Чет эл валютасидаги пул маблағлари”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

3) Корхона ходимиغا маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар (жумладан махсус кийимлар) сотилди:

Д 4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

4) Дивидендлар маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар билан тўланди:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

5) Воситачилик операциялари бўйича комиссиян мукофотлар суммаси:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”.

6) Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар шўъба ва қарам хўжалик

жамиятларига сотилди:

Д 4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

7) Кечиктирилган даромадлар суммаси улар тааллуқли бўлган ҳисобот даври келганда сотиш ҳажмига киритилди:

Д 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

К 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

8) Сотилган товарларнинг қайтиши:

Д 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

9) Сотишдан ва нархдан чегирмалар бериш:

Д 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”.

10) Ҳисобот даврининг охирида 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” ҳисобварағининг ёпилиши:

Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

Д 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”

К 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”.

11) Ҳисобот даврининг охирида 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварағининг ёпилиши:

Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

Д 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

Д 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”

К 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

12) Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” ёки

Д 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ёки

Д 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

**Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”;

9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”;

9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”;

9140 “Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш”;

9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

Тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматлар сотилганда, сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматларнинг таннархи 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”, 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”, 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи” ҳисобварақларининг дебитида тайёр маҳсулотларни (2800), товарларни (2900) ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”, 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”, 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи” ҳисобварақлари 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан ёпилади.

Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9100)дан амалда фойдаланиш корхонада қўлланиладиган товар-моддий заҳираларнинг ҳисоб усулига, яъни, товар-моддий заҳираларнинг узлуксиз ёки даврий ҳисобига боғлиқ. Товар-моддий заҳираларни узлуксиз ҳисобга олиш усули қўлланилганда ҳар бир маҳсулот ёки товарнинг таннархи унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаракатига қараб харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда тўпланади.

Товар-моддий заҳираларни даврий ҳисобга олиш усулидан фойдаланилганда ҳар бир маҳсулот (товар)нинг таннархи ҳисобот даври давомида вақтинчалик 9140 “Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш” ҳисобварағида йиғилади, бироқ сотилган маҳсулотлар, товарларнинг ҳақиқий таннархини фақат ТМЗ инвентаризация қилингандан сўнг аниқлаш мумкин. 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар” ҳисобварағи - ҳисобот даврининг охирида инвентаризация натижасида ТМЗнинг мавжудлигини акс эттириш учун фойдаланиладиган вақтинчалик ҳисобварақ. Кўрсатилган ҳисобварақнинг дебити бўйича ТМЗнинг камайиши, кредити бўйича ТМЗнинг ўсиши ТМЗни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (1000 - 2900) билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар” ҳисобварағининг қолдиғи 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағига ўтказилиши орқали ёпилади.

Қуйида сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳаракати тўғрисида намунавий хўжалик операцияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” ёки

К 2820 “Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар” ёки

К 2830 “Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”.

2) Чиқиб кетаётган ҳайвонларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 1110 “Ўстиришдаги ҳайвонлар” ёки

К 1120 “Бўрдоқидаги ҳайвонлар”.

3) Сотилган ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар”.

4) Сотилган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди:

Д 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”

К 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжалик цехларининг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматларининг таннархи ҳисобдан чиқарилди:

Д 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

К 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

6) Товар-моддий заҳираларни сотиб олиш (ТМЗни даврий ҳисобга олиш услулида):

Д 9140 “Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

7) Ҳисобот даврининг охирида инвентаризация натижалари бўйича ТМЗ ҳисобварақлари бўйича қолдиқларга тузатишлар қилинди (даврий ҳисоб бўйича):

а) асосий моддий заҳиралар:

- заҳираларнинг ўсиши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

- заҳираларнинг камайиши:

Д 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

б) тугалланмаган ишлаб чиқариш:

- ўсиш:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”

К 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

- камайиш:

Д 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

в) тайёр маҳсулот:

- заҳираларнинг ўсиши:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

К 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

- заҳираларнинг камайиши:

Д 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”.

г) товарлар:

- заҳираларнинг ўсиши:

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

- заҳираларнинг камайиши:

Д 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”

К 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

8) Ҳисобот даврининг охирида 9140 "Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш" ҳисобварағининг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9140 “Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш”.

9) Ҳисобот даври охирида 9150 "Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар" ҳисобварағининг ёпилиши:

- ТМЗларнинг камайиши бўйича зарарга:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

- ТМЗларнинг ўсиши бўйича даромадга:

Д 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

10) Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9100)нинг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ёки

К 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи” ёки

К 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”.

**Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Корхонага тегишли асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетиши (тузатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав капиталига бериш, молиявий ижара шартномаси бўйича бериш, аниқланган камомад ёки йўқотиш) тўғрисидаги ахборотларни умулаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”;

9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг дебети бўйича чиқиб кетган асосий восита объектларининг бошланғич қиймати, шунингдек асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади.

9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг кредитига асосий воситалар объектларини сотишдан олинган тушумлар ва ҳисобдан чиқариш натижасида сотиш ва фойдаланиш мумкин бўлган баҳода келиб тушган материалларнинг қиймати, шунингдек чиқиб кетган асосий воситалар объектлари бўйича чиқиб кетиш вақтида ҳисобланган эскириш суммалари олиб борилади.

Асосий воситаларни сотишдан тушумлар 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг кредитида олинадиган ҳисобварақлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Жорий ҳисобот даврида 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағи бўйича дебет қолдиқ (зарар) 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағига, ушбу ҳисобварақ бўйича кредит қолдиқ (фойда) эса 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда” ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситалар объектларини молиявий ижара шартномаси бўйича бериш натижасида 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағида юзага келадиган ва кечиктирилган даромадларга тегишли бўлган фойда суммаси 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар” (жорий қисми) ёки 7230 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар” (узоқ муддатли қисми) ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар объектларининг камомади ёки бузилиш ҳолларида қийматликлар камомади сифатида акс эттириладиган қолдиқ қиймати 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг кредити бўйича 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Аниқ айбдор аниқлангандан кейин камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар суммаси 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” ҳисобварағининг дебетига, аниқ айбдорлар аниқланмаган ҳолда эса 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағининг дебетига 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда олиб борилади.

9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоб чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг инвентарь объектлари бўйича алоҳида юритилади.

9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг дебетига чиқиб кетаётган қийматликларнинг баланс қиймати, шунингдек шу билан боғлиқ амалга оширилган харажатлар (комиссион мукофотлар ва ҳоказолар) акс эттирилади.

9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг кредитига активларни сотишдан тушум, яъни сотилган мулк учун корхонага тегишли бўлган сумма олиб борилади. Номоддий активлар объектларининг сотилиши ва турли чиқиб кетишида 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағининг кредитига, шунингдек ушбу объектлар бўйича чиқиб кетиш вақтигача ҳисобланган эскириш суммаси, номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақлар (0500) билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварақ бўйича дебет қолдиқ (зарар) 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағига, кредит қолдиқ (фойда) эса 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Қуйида асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетиши харакатини намунавий хўжалик операциялари бўйича ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижара шартномаси бўйича бериш, камомад ёки йўқолишининг аниқланиши натижасида чиқиб кетаётган асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

2) Чиқиб кетаётган асосий воситалар бўйича эскириш:

Д 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.

3) Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг хизматлари ва харажатлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

4) Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича операцияларда иштирок этаётган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.

5) Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича операцияларда иштирок этаётган ишчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан ижтимоий суғурта ажратмалари амалга оширилди:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар”.

6) Асосий воситаларнинг чиқиб кетишида кўрсатилган хизматлар учун бошқа корхоналарга бўлган қарз:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

7) Асосий воситалар объектларини молиявий ижарага бериш натижасида ҳосил бўлган келгуси давр даромадлари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар” ёки

К 7230 “Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар”.

8) Мавжуд асосий воситалар объектлари молиявий ижарасининг тўлиқ муддати давомида олинадиган ижара тўловлари суммаси (ижарага берувчида):

Д 0920 “Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.

9) Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан қолган материалларнинг кирим қилиниши:

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.

- 10) Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан банкка келиб тушган тушум (нақдсиз ҳисоб-китоблар бўйича):  
Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.
- 11) Харидорларнинг уларга сотилган асосий воситалар учун қарзи:  
Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.
- 12) Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг уларга сотилган асосий воситалар учун қарзи:  
Д 4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.
- 13) Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича муомалаларнинг молиявий натижаларини аниқлаш:  
а) фойда:  
Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”  
К 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”.  
б) зарар:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”.
- 14) Чиқиб кетаётган номоддий активларни ҳисобдан чиқариш (сотиш, ҳисобдан чиқариш, текинга бериш ва ҳоказо):  
Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”  
К 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 15) Харидорларнинг уларга сотилган номоддий ва бошқа активлар учун қарзи:  
Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.
- 16) Харидорларнинг уларга сотилган номоддий ва бошқа активлар учун қарзи:  
Д 4120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисобварақлар”  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.
- 17) Сотилган материалларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди:  
Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”  
К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.
- 18) Четга чиқарилган материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилди:  
Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”  
К 1610 “Материаллар қийматидаги фарқлар”.
- 19) Ўстиришда ва боқувда бўлган ҳайвонларнинг четга чиқарилиши:  
Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”  
К 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

20) Қимматли қоғозларни сотиш:  
Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”  
К 0610 “Қимматли қоғозлар” ёки  
К 5810 “Қимматли қоғозлар”.

21) Бошқа активларнинг чиқиб кетиши бўйича муомалаларнинг молиявий натижасини аниқлаш:

а) фойда:  
Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”  
К 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”.

б) зарар:  
Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”  
К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

**Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”;

9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”;

9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”;

9340 “Ўтган йиллар фойдалари”;

9350 “Оператив ижарадан даромадлар”;

9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”;

9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”;

9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”;

9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

Ҳисобот даврининг охирида асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда” ҳисобварағининг кредитида 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” ҳисобварағининг кредитида 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Хўжалик шартномаларининг шартларини бузганликлари учун қарздорлардан ундирилган жарималар, пеня, устамалар ва бошқа жарима турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар 9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар” ҳисобварағининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ёки олинадиган ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдалари 9340 “Ўтган йиллар фойдалари” ҳисобварағининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ёки тегишли олинадиган ҳисобварақларнинг дебети билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мулкни оператив ижарага беришдан даромадлар 9350 “Оператив

ижарадан даромадлар” ҳисобварағининг кредитида 4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Даъво муддати ўтиб кетган кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар 9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар” ҳисобварағининг кредитида кредитор ва депонент қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари” ҳисобварағида хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши, ишлар бажариши ва хизматлар кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлари ҳисобга олинади.

Пул маблағлари ва пул эквивалентлари кўринишида текинга олинган даромадлар 9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам” ҳисобварағининг кредитида пул маблағлари ва пул эквивалентларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бошқа операцион фаолиятдан олинган даромадлар 9390 “Бошқа операцион даромадлар” ҳисобварағининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ёки олинадиган ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Қуйида асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг намунавий хўжалик операциялари бўйича боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда:

Д 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”.

2) Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда:

Д 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”

К 9310 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”.

3) Шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлиги учун бошқа корхоналарга тақдим этилган жарима, пеня ва устамалар суммаси:

Д 4860 “Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар”

К 9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”.

4) Ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдалари:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 9340 “Ўтган йиллар фойдалари”.

5) Оператив ижара шартномаси бўйича ижара тўловлари суммаси:

Д 4820 “Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар”

К 9350 “Оператив ижарадан даромадлар”.

6) Даъво муддати ўтиши билан кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан

даромадлар”.

7) Кредитор қарзлар ва ҳоказоларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар:

Д 6900 “Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”.

8) Камомадлар бўйича баҳолардаги фарқлар моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилди:

Д 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”

К 9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”.

9) Текинга олинган пул маблағлари:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5510 “Аккредитивлар” ёки

Д 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”

К 9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”.

10) Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардаги, умумишлаб чиқариш омборларидаги материалларнинг ортиқчалари кирим қилинди:

Д 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

Д 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” ёки

Д 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ёки

Д 2710 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

11) Илгари ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар:

Д 4010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки бошқа олинмайдиган ҳисобварақлар

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

12) Мулк суғуртаси бўйича суғурта ташкилотларидан келиб тушган суғурта тўловлари:

Д 4510 “Суғурталар бўйича бўнак тўловлари”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

13) Шубҳали қарзлар бўйича сарфланмаган захира суммасининг ушбу захира ташкил қилинган йилдан кейинги йилнинг фойдасига қўшилиши:

Д 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

14) Ортиқча маҳсулотлар, товарларнинг кирим қилиниши:

Д 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

15) Тугалланмаган қурилишдаги ортиқчалар:

Д 0810 “Тугалланмаган қурилиш”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

16) Харидорлар ва буюртмачилардан олинган талаб қилинмаган бўнак суммаларининг ҳисобдан чиқарилиши:

Д 6300 “Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

17) Ҳисобот даврининг охирида асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9310 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда"

Д 9320 "Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда"

Д 9330 "Ундирилган жарима, пеня ва устамалар"

Д 9340 "Ўтган йиллар фойдалари"

Д 9350 "Оператив ижарадан даромадлар"

Д 9360 "Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар"

Д 9370 "Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари"

Д 9380 "Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам"

Д 9390 "Бошқа операцион даромадлар"

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

**Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари ва бошқа операцион харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9410 “Сотиш харажатлари”;

9420 “Маъмурий харажатлар”;

9430 “Бошқа операцион харажатлар”.

Давр харажатларининг таркиби ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

9410 “Сотиш харажатлари” ҳисобварағида маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар, яъни, маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар ва бўлимларнинг харажатлари ва бошқалар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9410 “Сотиш харажатлари” ҳисобварағи 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

9420 “Маъмурий харажатлар” ҳисобварағида корхонани бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари, умумбошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги биноларнинг ижара тўловлари ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида 9420 “Маъмурий харажатлар” ҳисобварағи 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари

учун тўлов харажатлари, иш ҳақи ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган компенсациялаш ва рағбатлантириш аҳамиятига молик тўловлар, банк ва депозитарий хизматларининг тўловлари, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа оперцион фаолият жараёнида вужудга келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият ва фавқулодда харажатлар моддаларининг белгилари бўлмаган бошқа харажатлар акс этирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9430 “Бошқа оперцион харажатлар” ҳисобварағи 9910 “Яқуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар бўйича қуйидаги намунавий хўжалик операцияларнинг боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Маҳсулотларни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари ҳисобга олинди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

2) Четдан реклама ва маркетинг хизматлари ҳисобга олинди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

3) Савдо жараёнида ишлатилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Савдо жараёнида ишлатилаётган номоддий активларга эскириш ҳисобланди:

Д 9410 “Сотиш харажатлари”

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

5) Бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари ҳисобга олинди:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”.

6) Бошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларнинг эскириши:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

7) Бошқарув биносининг ижара тўлови ҳисобга олинди:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6910 “Тўланадиган оператив ижара”.

8) Бошқарув эҳтиёжлари учун материаллар сарфланди:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

9) Транспорт корхоналарининг хизмати ҳисобга олинди:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

10) Хизмат сафарлари ва вакиллик харажатларининг ҳисобга олиниши:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 4220 “Хизмат сафарларига берилган бўнақлар”

К 4230 “Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар”.

11) Юридик шахснинг юқори ташкилоти ва бирлашмаларини сақлашга ажратмалар:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар”.

12) Банк ва аудиторлик хизматлари учун тўловларни ҳисобга олиниши:

Д 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

13) Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан зарарлар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

К 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши”.

14) Айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолдаги камомадлар ва йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар”.

15) Даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4910 “Даргумон қарзлар бўйича резерв”.

16) Солиқ инспекцияси қарорига кўра жарима ҳисобланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

17) Хўжалик субъекти балансида бўлган олий ўқув юртларини сақлаш учун ажратмалар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

18) Хўжалик субъектлари ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар пули тўланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5510 “Аккредитивлар” ёки

К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”

19) Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан

чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”.

20) Ўтган йиллар муомалаларидан кўрилган зарарлар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” ёки бошқа олинадиган ҳисобварақлар.

21) Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар ҳисобланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”.

22) Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳужжатлари тўланди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5220 “Чет элдаги валюта ҳисобварақлари” ёки

К 5510 “Аккредитивлар” ёки

К 5520 “Чек дафтарчалари” ёки

К 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар”.

23) ТМЗнинг сотилиши бўйича баҳонинг камайиш натижалари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 3190 “Бошқа келгуси давр харажатлари”.

24) Қуйидаги ишларда фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириши ва номоддий активларнинг амортизацияси:

а) янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида;

б) серияли ёки оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришга хизмат кўрсатишда

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 0500 “Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

25) Ҳисобот даври охирида давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9410 “Сотиш харажатлари” ёки

К 9420 “Маъмурий харажатлар” ёки

К 9430 “Бошқа операцион харажатлар”.

**Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.**

Молиявий фаолият даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”;

- 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”;
- 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”;
- 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”;
- 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар”;
- 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”;
- 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари”.

Роялти кўринишида олинган даромадлар 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар” ҳисобварағининг кредитида 4850 “Олинадиган роялти” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улуш билан иштирок этишдан олинган даромадлар, корхонага тегишли бўлган акциялар бўйича дивидендлар 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” ҳисобварағининг кредитида 4840 “Олинадиган дивидендлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишидаги даромадлар 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” ҳисобварағининг кредитида 4830 “Олинадиган фоизлар” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар” ҳисобварағида баланснинг валюта моддалари бўйича ижобий курс фарқларидан олинган даромадлар акс эттирилади. Чет эл валютасидаги операциялар бўйича ижобий курс фарқи, шу жумладан, бухгалтерия балансини тузиш санасига қарзларни қайта баҳолаш фарқлари 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар” ҳисобварағига ўтказилади.

Мулкни молиявий ижарага беришдан олинган даромадлар 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар” ҳисобварағининг кредитида 4830 “Олинадиган фоизлар”, 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар”, пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва бошқа тегишли ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар” ҳисобварағининг кредитида қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” ҳисобварағида молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари акс эттирилади.

Қуйида молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг намунавий хўжалик операциялари боғланишини кўриб чиқамиз:

- 1) Роялти бўйича олинадиган суммаларни ҳисобга олиш:

Д 4850 “Олинадиган роялти”

К 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”.

- 2) Бошқа корхоналарда улушли қатнашишдан олинган даромадлар, корхонага тегишли бўлган акциялар бўйича дивидендларни ҳисобга олиш:

Д 4840 “Олинадиган дивидендлар”

К 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”.

3) Берилган қарз мажбуриятлари бўйича олинадиган фоизларни ҳисобга олиш:

Д 4830 “Олинадиган фоизлар”

К 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”.

4) Балансинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан ижобий курс фарқлари пайдо бўлиши:

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ва бошқа пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, олинадиган ҳисобварақлар, мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва бошқалар

К 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”.

5) Молиявий ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси:

Д 4830 “Олинадиган фоизлар”

К 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар”.

6) Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш (қийматининг оширилиши):

Д 5810 “Қимматли қоғозлар”

К 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”.

7) Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”

Д 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”

Д 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”

Д 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”

Д 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар”

Д 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”

Д 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

**Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”;

9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар”;

9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”;

9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”.

Банклар, мол етказиб берувчиларнинг кредитлари ва қарзлар, молиявий ижара бўйича фоизлар ва бошқа фоиз тўлови харажатлари 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” ҳисобварағининг дебетида 6920 “Ҳисобланган фоизлар” ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” ҳисобварағида салбий курс фарқи ва баланснинг валюта моддаларига доир операциялар бўйича зарарлар акс эттирилади. Чет эл валютаси операциялари бўйича салбий курс фарқлари, шу жумладан, бухгалтерия балансини тузиш санасига қарзларни қайта баҳолашдан фарқ 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар”

ҳисобварағининг дебитида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, олинадиган ҳисобварақлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар 9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар” ҳисобварағининг дебитида мажбуриятлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” ҳисобварағида молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар акс эттирилади.

Қуйида молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Кредитлар ва қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланди:

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

2) Асосий воситаларнинг молиявий ижара шартномаси бўйича фоизлар ҳисобланди:

Д 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

3) Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан салбий курс тафовутлари:

Д 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар”

К 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ва бошқа пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, олинадиган ҳисобварақлар, мажбуриятларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва бошқалар.

4) Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинди:

Д 9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ва бошқа мажбуриятлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

5) Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш (қийматининг камайтирилиши):

Д 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”

К 5800 “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

6) Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”

К 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар”

К 9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”

К 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”.

**Фавқулодда фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.**

Хўжалик субъектининг одатий хўжалик фаолиятдан кескин фарқ қиладиган фавқулоддаги ҳодисалар (тасодиф, кутилмаган ва одатий бўлмаган зарар ва йўқотишлар) натижасида вужудга келадиган фойда ва зарарлар ҳисоби кўйидаги ҳисобварақларда юритилади:

9710 “Фавқулоддаги фойдалар”;

9720 “Фавқулоддаги зарарлар”.

Фавқулодда ҳодисалардан фойда 9710 “Фавқулоддаги фойдалар” ҳисобварағининг кредитида ТМЗ, олинадиган ҳисобварақлар ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Фавқулодда ҳодисалардан зарар 9720 “Фавқулоддаги зарарлар” ҳисобварағининг дебитида узоқ муддатли ва жорий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9710 “Фавқулоддаги фойдалар”, 9720 “Фавқулоддаги зарарлар” ҳисобварақлари 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

9710 “Фавқулоддаги фойдалар”, 9720 “Фавқулоддаги зарарлар” ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб фавқулоддаги фойда ва зарарларнинг номлари бўйича юритилади.

Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (9700)нинг боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Фавқулодда ҳодиса (табiiй офат) натижасида ускуналар, материаллар, товарлар кириш қилинди:

Д 0700 “Ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

Д 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 9710 “Фавқулоддаги фойдалар”.

2) Табiiй офатдан кейин ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган ускуналарнинг камомади:

Д 9720 “Ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 0700 “Ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

3) Табiiй офат туфайли йўқотилган турли хил моддий қийматликлар ҳисобдан чиқарилди:

Д 9720 “Ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 1100 “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

4) Табiiй офат туфайли тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар:

Д 9720 “Ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи

ҳисобварақлар” ёки

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ёки

К 2110 “Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар” ёки

К 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”.

5) Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг табиий офатдан кўрган зарари ҳисобдан чиқарилди:

Д 9720 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 2720 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар”.

6) Табиий офатлар натижасида тайёр маҳсулот, товарларнинг йўқотилиши:

Д 9720 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 2800 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”

К 2900 “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

7) 9710 "Фавқулоддаги фойдалар" ҳисобварағининг ёпилиши:

Д 9710 “Фавқулоддаги фойдалар”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

8) 9720 "Фавқулоддаги зарарлар" ҳисобварағининг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9720 “Фавқулоддаги зарарлар”.

**Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** Қонунчиликда белгиланган фойда солиғи бўйича йил давомида ҳисобланган бўнак тўловлари ва қайта ҳисоблаш бўйича ҳақиқатда фойдадан тўловларни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар мўлжалланган:

9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”;

9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”.

Йил давомида бюджетга фойдадан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган тўловлар 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”, 9820 “Фойдадан ҳисобланадиган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар” ҳисобварағининг дебетида бюджетга тўловлар бўйича қарзларни (турлари бўйича) ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даври тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузилганда 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”, 9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар” ҳисобварағи 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича юритилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар боғланишини қуйидаги

намунавий хўжалик операциялари мисолида кўриб чиқамиз:

1) Фойдадан бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган суммалар:

Д 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”

Д 9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

2) Ҳисобот даврининг охирида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”

К 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”

К 9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”.

**Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.** 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи ҳисобот йилида корхона фаолияти якуний молиявий натижасининг шаклланиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда даромадлардан ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилишидан юзага келади. 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағининг дебетида корхонанинг харажат (зарар)лар, кредитида эса фойдалар акс эттирилади. Ҳисобот давридаги дебет ва кредит айланмаси таққосланиши ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)ни кўрсатади.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағининг дебети ва кредити бўйича айланмалар йиғилади ва ҳисобот даврининг якуний молиявий натижасини ифодаловчи ушбу ҳисобварақ бўйича умумий қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисобот даврининг тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузишда 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисобварағи 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” ҳисобварағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

Қуйида якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг намунавий хўжалик операциялари боғланишини кўриб чиқамиз:

1) Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”

Д 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”

Д 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

2) Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”

К 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”

К 9140 “Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш”

К 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

3) Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”

Д 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”

Д 9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”

Д 9340 “Ўтган йиллар фойдалари”

Д 9350 “Оператив ижарадан даромадлар”

Д 9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”

Д 9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”

Д 9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”

Д 9390 “Бошқа операцион даромадлар”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

4) Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9410 “Сотиш харажатлари”

К 9420 “Маъмурий харажатлар”

К 9430 “Бошқа операцион харажатлар”.

5) Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”

Д 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”

Д 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”

Д 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”

Д 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар”

Д 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”

Д 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

6) Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”

К 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар”

К 9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”.

К 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”.

7) 9710 "Фавқулоддаги фойдалар" ҳисобварағининг ёпилиши:

Д 9710 “Фавқулоддаги фойдалар”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

8) 9720 "Фавқулоддаги зарарлар" ҳисобварағининг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9720 “Фавкулоддаги зарарлар”.

9) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг ёпилиши:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”

К 9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”.

10) Ҳисобот йилининг соф фойдаси:

Д 9910 “Якуний молиявий натижа”

К 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”.

11) Ҳисобот йилининг соф зарари:

Д 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

К 9910 “Якуний молиявий натижа”.

### **10.9. Капитал, фондлар ва молиявий натижаларларни ҳисобга олишнинг солиққа оид жиҳатлари**

Мақсадли молиялаштириш манбалари воситалари ҳисобига сотиб олинган мол-мулк ва бошқа моддий қийматликлар ҚҚС билан бирга тўланади, улар харидордан чегириш учун қабул қилинмайди.

Давлат субсидияларининг мақсадли маблағлар сифатида тан олиниши ҳисоблаш усулига кўра амалга оширилади.

Давлат субсидиялари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда улар билан боғлиқ чиқимлар (харажатлар) нисбатини белгилаш учун зарур бўлган ҳисобот даври мобайнида даромад деб эътироф этилади.

Амортизация қилинадиган активлар билан боғлиқ субсидиялар одатда ана шу активлар бўйича амортизация ҳисобланадиган ҳисобот даврлари мобайнида ва нисбатларда даромад деб ҳисобланади.

Муайян шартлар ва мажбуриятлар билан берилган амортизация қилинмайдиган активлар билан боғлиқ субсидиялар мазкур мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатлар амалга ошириладиган даврлар мобайнида даромад деб эътироф этилади.

Қилинган харажатлар ёки кўрилган зарарлар учун компенсация сифатида олиниши лозим бўлган ёки хўжалик субъектига, келгусида у билан ҳеч қандай харажатларга бормаган ҳолда, дарҳол молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ажратиладиган давлат субсидияси у олиниши керак бўлган даврда даромад сифатида, шунингдек фавкулодда модда сифатида эътироф этилади.

Давлат субсидияси хўжалик субъекти томонидан аввалги даврда қилинган харажатлар ёки кўрилган зарарлар учун компенсация сифатида олиниши мумкин. Бундай субсидия у олиниши керак бўлган даврда даромад сифатида, кейинчалик унинг таъсирини белгилаш учун очиш билан

фавкулудда модда сифатида эътироф этилади.

Активларга киритиладиган давлат субсидиялари, шу жумладан ноликвид субсидиялар мақсадли тушумлар деб акс этирилади ва улар активнинг фойдали хизмат муддати давомида даромад сифатида мунтазам асосда эътироф этилади.

Бошқа усулларга кўра давлат субсидияси тушган активнинг баланс қийматини камайтиради ва ҳисобланадиган ёйилишни қисқартириш йўли билан амортизация қилинадиган активнинг фойдали хизмат қилиши муддати давомида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда акс этирилади.

**Ташкилот устав капиталини ҳисобга олишнинг солиқ жиҳатлари.** ЎЗР солиқ кодексида устав капиталига бадаллар шаклида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк шаклидаги даромадлар фойда солиғига тортилмайдиган даромад деб белгилаб қўйилган (304-модда).

Бундай объектларнинг қиймати ушбу харажатларнинг устав капиталига ҳисса сифатида белгиланиши шарти билан берувчи томонидан амалга оширилган қўшимча харажатларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу мол-мулкка эгалик қилиш санаси бўйича берувчи томоннинг солиқ ҳисоби ёзувларига мувофиқ белгиланади.

Солиқ кодексининг 239-моддаси 4-бандига мувофиқ мол-мулкни бошқа ташкилотларнинг устав капиталига ўтказиш реализация деб эътироф этилади. Шунинг учун мол-мулкни устав капиталига ўтказиш қўшилган қиймат солиғига тортилади.

Мол-мулкни бошқа ташкилот устав капиталига ўтказиш тўғрисидаги битимлар ҚҚС бўйича солиққа тортиш туфайли, уларни сотиб олиш бўйича тўланган ҚҚС суммаси чегириб ташланади.

Сотиб олинган мол-мулк бошқа ташкилотнинг устав капиталига ўтказиш учун мўлжалланганлигини берувчи корхона олдиндан билса, уни сотиб олишда корхонага тақдим этилган ҚҚС суммаси бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган мол-мулк қийматида ҳисобга олиниши керак.

Агар берувчи корхона илгари олинган мол-мулкдан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланган бўлса ва сўнгра уни бошқа ташкилотнинг устав капиталига ўтказишга қарор қилган бўлса, унда берадиган объекти ҚҚС суммаси билан бирга берилади.

Берувчи ташкилотда моддий ва ишлаб чиқариш заҳираларига нисбатан илгари чегириб кўрсатилган ҚҚС суммаси, қайтадан барқарор қилинади ва ТМЗ ҚҚС билан бирга бошқа ташкилот устав капиталига берилади.

ЎЗР солиқ кодексини 298-моддасида белгиланган, яъни асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олиннадиган даромад деб бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олиннадиган фойда эътироф этилади.

Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олиннадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда илгари

қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳамда бошқа мол-мулкнинг нархини ошириш суммасининг ушбу асосий воситаларни ва бошқа мол-мулкни олдинги нархни пасайтириш суммасидан ортиқ суммалари асосий воситалар ҳамда бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

Солиқ тўловчи томонидан текин олинган мол-мулк ва (ёки) хизматлар солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилади.

Мол-мулкни (хизматларни) текин асосда олиш чоғида олувчи шахснинг даромадлари, ушбу мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Текин олинган мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қиймати ҳужжат билан тасдиқланиши керак. Хусусан, қуйидагилар шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин:

1) юклаб жўнатишга, етказиб беришга ёки топширишга доир ҳужжатлар;

2) маҳсулот етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);

3) оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

4) биржа хабарлари;

5) давлат статистика органларининг маълумотлари.

Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ЎЗР МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Қарз берувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ставкаси ЎЗР МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлган фоизлар тўлаш шарти билан берилган қарзларга (қайтариш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан қўлланилади.

#### **10.10. Капитал, фондлар ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

##### **№1-мисол.**

Акциядорлик жамияти (АЖ) 2019 йил 1 июлда таъсис ҳужжатларида суммаси 4 000 000 000 сўм бўлган устав капитали қиймати рўйхатга олинган. Акциядорлик жамиятининг таъсисчилари сифатида тўртта акциядор эътироф этилди. Компания таъсисчилари ўзаро ёзма битим туздилар, унда жамиятни ташкил этиш бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш тартиби, таъсисчилар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акциялар тоифалари ва турлари, уларни ҳажми ва тўлаш тартиби, таъсисчиларнинг жамиятни тузиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Ҳар бир акциядор улуши жамиятнинг устав капиталида тўртдан бир қисмини ташкил этди.

Жамият рўйхатдан ўтган устав капитали учун 40 000 дона номинал қиймати 5 000 сўм бўлган имтиёзли акция ва 760 000 дона қиймати 5 000 сўмлик оддий акциялар чиқарди.

2019 йил 15 июлда таъсисчиларнинг акциядорлик жамиятига бўлган қарзининг бир қисми тўланди. Акциядорлар томонидан қуйидаги активлар киритилди:

- 1 200 000 000 сўм суммада асосий воситалар;
- 1 000 000 000 сўм суммада товар моддий захиралар;
- кассага 6 000 000 сўм миқдорида нақд пул;
- ҳисоб-китоб ҳисобварағига 1 194 000 000 сўм миқдорида пул маблағлари қабул қилинди.

Шундай қилиб, таъсисчилар томонидан мавжуд қарзларини қоплаш учун активларни шакллантириш бўйича умумий қиймати 3 400 000 000 сўмлик моддий бойликлар қабул қилинди.

Бухгалтерия ҳисобида бу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Жамиятнинг устав капитали (УК) эълон қилинди	4 000 000 000	4610	8310
2	Таъсисчилар томонидан улуш сифатида берилган асосий воситалар муассислар томонидан келишилган қиймат бўйича бошланғич қиймат билан ҳисобга қабул қилинди	1 200 000 000	0100	4610
3	Таъсисчилар томонидан берилган моддий захираларнинг ҳақиқий таннарх бўйича ҳисобга қабул қилинди	1 000 000 000	1000	4610
4	Таъсисчилар томонидан улуш ҳисобига берилган нақд пуллар кассага қабул қилинди	6 000 000	5010	4610
5	Таъсисчилар томонидан улуш ҳисобига ўтказилган пул маблағлари ҳисоб-китоб ҳисобварағига қабул қилинди	1 194 000 000	5110	4610

2019 йилнинг III чораги бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижалари асосида акциядорлик жамияти 440 000 000 сўмлик соф фойда қайд этди. Дивидендларни тўлаш учун соф фойданинг 50% ини, яъни 220 000 000 сўмни, ажратишга қарор қилинди.

Биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Ҳар бир имтиёзли акцияга белгиланган 1 000 сўмлик дивиденд тўлаш кўзда тутилган.

Шундай қилиб, акциядорлик жамият имтиёзли акцияларига 40 000 000 сўм (40 000 дона имтиёзли акциялар \* 1 000 сўм) ажратади ва 180 000 000 сўм (220 000 000 сўм – 40 000 000 сўм) оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун ажратади.

Лекин шу билан бирга дивидендлар барча оддий акцияларга эмас, балки фақат унинг тўланган қисми бўйича тўланади. Бизнинг мисолимизда таъсисчилар ўз қарзини тўла тўламаганини кўрамыз: устав капитали 4 000 000 000 сўм миқдорида эълон қилинган эди ва фақат 3 400 000 000 сўм миқдорида тўланган.

Шундай қилиб, шаклланган устав капитали миқдори 3 400 000 000 сўм, 600 000 000 сўм тўланмаган капитал миқдorigа тенг ва шунинг учун уларнинг миқдори бўйича дивидендлар тўланмайди.

Тўланмаган устав капитали суммасини билиб, тўланмаган акциялар сонини аниқлаймиз: 120 000 та оддий акциялар (600 000 000 сўм / 5 000 сўм). Бинобарин, тўланган акциялар сони 640 000 та оддий (тўланган) акция (760 000 та оддий акция – 120 000 та оддий (тўланмаган) акция) тенг бўлади.

Битта оддий акцияга дивидендлар суммаси 281,25 сўмга (180 000 000 сўм / 640 000 оддий (тўланган) акциялар) тўғри келади.

Бухгалтерия ҳисобида бу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Жамият таъсисчиларига уларни имтиёзли ва оддий акцияларига мос равишда 40 000 000 сўм ва 180 000 000 сўм дивидендлар ҳисобланди	220 000 000	8710	6610
2	Дивидендлар бўйича даромад солиғи ҳисобланди, 5% (2020 йил)	11 000 000	6610	6410
3	Таъсисчиларга акциядорлик жамияти кассасидан дивидендлар тўланди	209 000 000	6610	5010

### №2-мисол.

Фараз қилайлик, ҳисобот даврида корхона вакиллик харажатлари учун 20 000 000 сўм сарфлаган. Бироқ, фойда солиғи мақсадлари учун, нормаларда вакиллик харажатлари фақат 14 000 000 сўм миқдорида қабул қилиниши мумкин. Бухгалтерия ҳисобида вакиллик харажатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ, ва солиқ ҳисобида эса фақат унинг норматив киймати доирасида, яъни 14 000 000 сўмга тан олинади.

Бухгалтерия фойдасини шакллантириш бўйича, солиққа тортиш мақсадларида қабул қилинган харажатларга нисбатан ортиқча харажат пайдо бўляпти, чунки солиқ ҳисобида вакиллик харажатларига чекловлар мавжуд. Бунинг натижасида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ўртасида доимий фарқ пайдо бўлади.

Мисолимиз шартларига кўра, вакиллик харажатлари меъёридан ортиқлиги ҳисобот даврида 6 000 000 сўм миқдорида доимий фарқ бўлишига олиб келди.

Бу доимий фарқ доимий солиқ мажбурияти пайдо қилади, уни доимий фарқ суммасини белгиланган фойда солиғи ставкаси билан кўпайтириш натижасида аниқланади:

$$6\ 000\ 000\ \text{сўм} * 15\ \% / 100\ \% = 1\ 000\ 200\ \text{сўм}.$$

Ҳисобот даври учун бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси ушбу суммага оширилиши лозим.

### №3-мисол.

Фараз қилайлик, асосий воситалар объекти бошланғич қиймати 160 100 000 сўм ҳисобга олинди. Корхонада бошқа асосий воситалар объекти мавжуд эмас. Объектнинг фойдали хизмат муддати 60 ой (5 йил) деб қабул қилинган.

Ушбу асосий воситалар объектининг амортизацияси бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун камайиб боровчи қолдиқ усули билан, фойдани солиққа тортиш учун эса – чизиқли усул билан ҳисобланади деб фараз қилайлик. Бундан ташқари асосий воситаларнинг эскириши натижасида қуйидаги маълумотлар мавжуд, деб тахмин қилайлик:

Кўрсаткичлар	Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун, сўм	Солиқ ҳисоби мақсадлари учун, сўм
Асосий воситаларнинг объекти 2019 йил 14 февралда 60 ойлик фойдали хизмат муддати билан бухгалтерия ҳисобига қабул қилинди.	160 000 000	160 000 000
2019 йилга ҳисобланган амортизация суммаси	53 333 300	26 666 700
2020 йил 1 январ ҳолатига асосий воситалар объектининг баланс қиймати	106 666 700	133 333 300

Жадвал маълумотларига кўра бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисобланган эскириш суммаси фойда солиғи мақсадлари учун эскириш суммасидан ошиб кетиши кўрсатилган, шунинг учун 26 666 600 сўм (53 333 300 – 26 666 700) миқдорида чегириб ташланадиган вақтинчалик фарқ мавжуд.

Бу фарқ вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи пайдо бўлишига олиб келди:

$$26\ 666\ 600\ \text{сўм} * 15\ \% / 100\ \% = 4\ 000\ 000\ \text{сўм}.$$

### №4-мисол.

Фараз қилайлик, 2019 йил ҳисобот даври учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2 шакл)да бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича корхонанинг солиқдан олдинги бухгалтерия фойдаси 140 000 000 сўм миқдорида акс эттирилди.

Бухгалтерия ҳисоби учун вакиллик харажатлари 20 000 000 сўмни ташкил этди ва солиққа тортиш мақсадлари учун улар 14 0000 000 сўм (доимий фарқ – 6 000 000 сўм) миқдорида олинishi мумкин.

Ҳисобот даври охирида банк кредити бўйича ҳисобланган ва тўланмаган фоизлар суммаси 8 000 000 сўмни ташкил этди (8 000 000 сўмнинг чегириб ташланадиган вақтинчалик фарқи бор).

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида асосий воситаларга эскириш суммаси 53 333 300 сўмни ташкил этди.

Фойдани солиққа тортиш мақсадлари учун харажат қилиб олинадиган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси 26 666 700 сўмни ташкил этади (26 666 600 сўм миқдорида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ мавжуд).

Мисол маълумотларини жадвалда акс эттирамиз:

№ пп	Даромад ва харажатлар турлари	Бухгалтерия фойдаси (зарар) ни ҳисоблаш учун ҳисобга олинган суммалар, сўм	Фойда (зарар)ни солиққа тортиш учун ҳисобга олинадиган суммалар, сўм	Юзага келадиган фарқлар ҳисобот даври, сўм
1	Вакиллик харажатлари	20 000 000	14 000 000	6 000 000 (ДФ)
2	Кредит бўйича ҳисобланган, аммо тўланмаган фоизлар	8 000 000	-	8 000 000 (ВФ)
3	Амортизация қилинадиган мол-мулкка ҳисобланган амортизация суммаси	53 333 300	26 666 700	26 666 600 (ВФ)

Юқоридаги маълумотлар асосида, шартли фойда солиғи харажатларни ва жорий фойда солиғини ҳисоблаймиз.

Шартли фойда солиғи ҳисобот даврида олинган бухгалтерия фойдасини фойда солиғи ставкаси билан кўпайтириш натижасида аниқланади:

$$140\,000\,000 \text{ сўм} * 15\% / 100\% = 28\,000\,000 \text{ сўм.}$$

Доимий солиқ мажбурияти 900 000 сўм (6 000 000 сўм \* 15 % / 100 %)ни ташкил этди.

Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи 5 199 990 сўм ((8 000 000 сўм + 26 666 600) \* 15 % / 100 %)ни ташкил этди.

Юқоридаги формула асосида жорий фойда солиғи бўлади:

$$(28\,000\,000 \text{ сўм} + 900\,000 \text{ сўм} + 5\,199\,990 \text{ сўм}) = 34\,099\,990 \text{ сўм.}$$

№4-мисол. маълумотларидан фойдаланиб, жорий даромад солиғини ҳисоблаш схемаси бухгалтерия ҳисобида қуйидаги операциялар бўйича акс эттирилиши мумкин:

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақлар боғламаси
---	------------------------------	------------	-------------------------

			дебет	кредит
1	Ҳисобот даври учун ҳисобланган шартли фойда солиғи бўйича харажатлар суммаси акс эттирилади	28 000 000	9810	6410
2	Вакиллик харажатлари бўйича доимий солиқ мажбурияти суммаси акс эттирилади	900 000	9810	6410
3	Кредит учун фоизлар бўйича кечиктирилган солиқ активининг суммаси акс эттирилади	1 200 000	0950	6410
4	Ҳисобланган амортизация учун кечиктирилган солиқ активининг суммаси қайд этилади	3 999 990	0950	6410

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида шакллантирилган жорий фойда солиғи суммаси 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи бўйича)” ҳисобварағидаги қолдиқ сифатида аниқланади, бу ҳисобот даврида 34 099 990 сўмни ташкил этади.

Олинган маълумотлар асосида, ҳисобот даври соф фойдасини (СФ) ҳисоблаш мумкин бўлади, бунинг учун бухгалтерия маълумотлари асосида фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (БФ) суммасидан шартли фойда солиғи харажатлари (ШСХ), доимий (вақтинчалик) фарқлар (ДФ) бўйича тартибга солиб (корректировка), ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади:

$$\text{СФ} = \text{БФ} - \text{ШСХ} - \text{ДФ}$$

$$\text{СФ} = 140\,000\,000 \text{ сўм} - 28\,000\,000 \text{ сўм} - 900\,000 \text{ сўм} - 1\,200\,000 \text{ сўм} - 3\,999\,990 \text{ сўм} = 105\,900\,010 \text{ сўм}.$$

Жорий даромад солиғи қийматини аниқлаш усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланади.

### Назорат саволлари:

1. Турли мулкчилик шаклидаги корхоналар устав капиталининг асосий шакллари нималардан иборат?
2. Устав капиталининг минимал қийматлари қандай?
3. Қандай ҳолларда компаниянинг устав капиталини ошириш мумкин?
4. Устав капитали миқдорини камайтириш мумкинлигининг сабаблари нималардан иборат?
5. Устав капиталининг компания соф активларига қандай боғлиқлиги бор?
6. Акциядорларнинг устав капиталига бадаллар бўйича акциядорлик жамиятига қарзлари қандай муддатларда қайтарилиши керак?
7. Резерв капиталини шакллантириш манбалари нималардан иборат.
8. Корхонанинг резерв капиталидан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?
9. Қўшимча капитал қайси маблағ манбалари ҳисобига шаклланади?
10. Қўшимча капитал маблағларидан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

11. Таъсисчилар томонидан устав капиталига бадаллар ҳисобига амалга ошириладиган мол-мулкни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
12. Акциядорлар томонидан бошқа ташкилотнинг устав капиталига ҳисса кўшган мол-мулкни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
13. Давлат ёрдами қандай шаклларда кўрсатилади?
14. Тақсимланмаган фойда маблағларидан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?
15. Одатдаги фаолият учун даромад ва харажатлар деб нимани тушуниш керак?
16. Корхонанинг даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисоби мақсадларида қандай таснифланади?
17. Қандай даромад ва харажатлар бошқаларга тегишли?
18. Одатдаги фаолият учун корхонанинг харажатлари элементлари қандай?
19. Корхонанинг даромадлари ва харажатларини ҳисобда тан олиш шартлари қандай?
20. Ташкилотнинг даромад ва харажатлари фойда солиғи мақсадлари учун қандай таснифланади?
21. Оддий фаолият бўйича даромад ва харажатлар ҳамда ташкилотнинг якуний молиявий натижаси қандай ҳисобварақларда ҳисобга олинади?
22. Вақтинчалик ва доимий фарқлар нимани англатади?
23. Қандай операциялар натижасида вақтинчалик ва доимий фарқлар пайдо бўлади?
24. Доимий солиқ мажбуриятлари ва доимий солиқ активлари миқдорини қандай ҳисоблаш мумкин?
25. Жорий даромад солиғи қийматини ҳисоблаш формуласини кўрсатиб беринг?
26. Баланс реформациясининг моҳияти нимадан иборат?
27. Келгуси даромадларга қандай даромадлар киради?
28. Корхона соф активлари қийматининг иқтисодий маъноси нима ва у қандай ҳисобланади?

*Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур.*

*Ш. М. Мирзиёев*

## **11 БОБ. СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ**

### **11.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎзРҚ-404 (янги таҳрир).
3. “Хўжалик субъектларини харажатлар ҳисоби ва молиявий натижасини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиришлар ва иловалар билан).
4. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиришлар ва иловалар билан).
5. “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом” (ЎзР Адлия вазирлиги 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган).
6. ЎзР 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар (янги таҳрирда)” (ЎзР Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган).
7. ЎзР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).

### **11.2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар таснифи, турлари ҳамда ҳисобга олиш вазифалари**

**Солиқлар ва йиғимлар.** *Солиқ деганда* солиқ кодексида белгиланган, ЎзРнинг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади.

*Йиғим деганда* бюджет тизимида солиқ кодексида ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўлов тушунилади, бу йиғимнинг тўланиши уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд рухсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлади.

Шахснинг зиммасига суд тартибида юклатилган жарималар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонунда белгиланган ҳолларда мол-мулкни мусодара

қилиш ҳамда бошқача тарзда олиб қўйиш солиқлар ёки йиғимлар жумласига кирмайди.

**Солиқлар ва йиғимларнинг турлари.** ЎзР ҳудудида қуйидаги солиқлар белгиланади:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ.

ЎзР ҳудудида йиғимлар белгиланиши мумкин. Йиғимларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади.

Автотранспорт йиғимини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ҳам Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Давлат божини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш тартиби давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

**Махсус солиқ режимлари.** Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун ЎзР ҳудудида қуйидаги махсус солиқ режимлари белгиланади:

- 1) айланмадан олинадиган солиқ;
- 2) маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиларига солиқ солишнинг алоҳида тартиби;
- 3) махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби.

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби қонун ҳужжатларида ёки инвестиция битимларида назарда тутилган инвестицияларни амалга ошириш ҳамда бошқа шартларни бажариш билан боғлиқ ҳолда муайян муддат учун белгиланади.

Махсус солиқ режимлари айрим солиқларни тўлашдан озод этишни, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллашни назарда тутиши мумкин.

Корхона қайси солиқлардан озод бўлишини ёки озод бўлиши мумкинлиги борасида бухгалтер етарлича маълумотларга эга бўлиши лозим.

Бюджетга тўловлар бўйича корхонанинг жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисобварағида амалга оширилади.

6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисобварағининг кредитида бюджетга тўланиши керак бўлган мажбурият суммаси олинадиган ҳисобварақлар, давр харажатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши, меҳнат ҳақи

бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Якуний ҳисоб-китобда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга илгари ўтказилган бўнак тўловлари 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисобварағининг дебет томонида бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (4400) билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Бюджетга ҳақиқатда ўтказилган суммалар 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисобварағининг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисобварағи бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида юритилади.

Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақ (6400)нинг бошқа ҳисобварақлар билан боғланишини куйидаги намунавий хўжалик операциялари мисолида кўриб чиқамиз:

1) Давр харажатларига тааллуқли ҳар хил ажратмалар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга қарзлар:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

2) Тайёр маҳсулотларни, товарларни сотишда, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни сотиш ва турли чиқаришда ҚҚС ва акциз суммаси ҳисобланди:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

3) Бюджетдан маблағлар қайтарилди ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилди (якуний ҳисоб-китоблар ва ш.к.):

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ёки

Д 5210 “Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари” ёки

Д 5530 “Бошқа махсус ҳисобварақлар” ёки

Д 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

4) Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан даромад солиғи суммаси ушлаб қолинди:

Д 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

5) Ҳисобланган дивиденддан даромад солиғи суммаси ушлаб қолинди:

Д 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

6) Фойдадан бюджетга тўловлар ҳисобланди:

Д 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар” ёки

Д 9810 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

7) Бюджетга тўловлар ўтказиб берилди:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

К 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ёки бошқа пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар.

8) Моддий ресурслар, товарлар, ишлар ва хизматларга тегишли бўлган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

К 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)”.

9) Олинган кредитлар ва қарзлар ҳисобидан бюджетга қарзлар тўланди:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

К 6800 “Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ёки

К 7800 “Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”.

6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича” ҳисобварағининг кредитига ва 9430 “Бошқа операцион харажатлар” ҳамда 4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари” (айбдор шахслар билан ҳисобкитоблар бўйича) дебетига ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаган солиқлар ва ундирмалар учун ҳисобланган жарималар кўрсатилади.

ЎЗР Солиқ кодексига махсус солиқ режимлари белгиланган, улар ушбу кодекс ва бошқа солиқ ва йиғимлар қонунчилиги билан амалга оширилади.

Солиқ кодексига махсус солиқ режимлари солиққа тортиш элементларини махсус тартибини ҳамда айрим солиқ турларидан озод қилишни белгилайди.

Махсус солиқ режимларига қуйидагилар таалукли (Солиқ кодексини 45 боби) ва уларни солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

1) нотижорат ташкилотлар;

2) оддий ширкат (биргаликдаги фаолият шартномаси) доирасида операцияларни амалга ошириш;

3) курсдаги фарқларга солиқ солиш;

4) захираларни баҳолаш усуллари ўзгартириш натижаси;

5) ишончли бошқарувда солиқ солиш;

6) корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотиб олишда даромадлар ва харажатларни эътироф этиши;

7) қимматли қоғозларга доир РЕПО операциялари бўйича солиқ солиш;

8) қимматли қоғозлар қарзига доир операциялар чоғида солиқ солиш;

9) қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг қимматли қоғозларнинг кадрсизланиш захираларини шакллантириш харажатлари;

10) қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича солиқ базасини аниқлаш;

- 11) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича солиқ базасини аниқлаш;
- 12) хеджирлаш операцияси бўйича солиқ базасини аниқлаш;
- 13) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчилари томонидан олинган даромадлар бўйича солиқ базасини аниқлаш;
- 14) назорат қилинадиган чет эл компанияларининг фойдасига солиқ солиш.

Шундай қилиб бюджет билан солиқ ва йиғимлар бўйича ҳисобкитоблар 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” ҳисобварағида олиб борилади.

Ҳар бир солиқ ва йиғим тури бўйича 6410 ҳисобварақда алоҳида ҳисобварақ очилади. Масалан: 6410 “Қўшимча қиймат солиғи”, 6411 “Акциз солиғи», 6412 “Юридик шахслардан фойда солиғи», 6413 “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи» ва бошқалар. Бюджетга ҳисобланган солиқ ва йиғимлар суммаси, олинадиган манбасига қараб ҳисобварақлар боғланиши мумкин: Д 2010, 2310, 2510, 2900, 4410, 9430, 9810 ва бошқалар К 6410. Бюджетга тўланадиган суммалар ўтказилганда ҳисобварақлар боғланиши Д 6410 ва К 5110, 5200, 5500.

### **11.3. Солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисобга олиш**

#### **Қўшимча қиймат солиғи**

*ҚҚС* – эгри солиқ бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи ҳамма корхоналардан олинади. Ушбу солиқ товар қийматига қўшимча сумма бўлиб 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 15% дан ундирилади. Ҳар бир солиқ тўловчи ҳисобланган ҚҚС суммасини бюджетга бутунлай эмас, балки мол етказиб берувчига тўлаган ҚҚС суммасини айирган ҳолда, фарқини тўлайди.

ЎзР солиқ тизимида ҚҚС 1992 йил январдан бошлаб амал қилмоқда. Ушбу солиқни ҳисоблаш тартиби Солиқ кодексининг 10 бўлимида баён қилинган.

**Солиқ тўловчилар.** ЎзРда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва (ёки) товарларни (хизматларни) реализация қилувчи куйидагилар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади:

- 1) ЎзРнинг юридик шахслари;
- 2) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида бир миллиард сўмдан ошган ёхуд ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- 3) ЎзР ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб ЎзР эътироф этилса;
- 4) фаолиятни ЎзРда доимий муассасалар орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари;

5) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича – оддий ширкатнинг ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс – оддий ширкатнинг иштирокчиси;

6) ЎзРнинг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи шахслар. Мазкур шахслар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҚҚСни тўловчилар деб эътироф этилади.

ҚҚС бўйича солиқ мажбуриятлари Солиқ кодексини 31 бобда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ агентлари томонидан бажарилади.

Қуйидагилар солиқ тўловчилар деб ҳисобланмайди:

1) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари – ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида;

2) айланмадан олинадиган солиқни тўловчи шахслар.

Солиқ тўловчилар ЎзР Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда солиқ органларида кўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобида туради.

**Солиқ солиш объекти.** Қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

1) реализация қилиш жойи ЎзР бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма;

2) ЎзР ҳудудига товарларни олиб кириш.

Фаолиятни ЎзРда доимий муассаса орқали амалга оширувчи чет эл юридик шахслари товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмани бундай доимий муассасанинг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

1) якка тартибдаги тадбиркор томонидан ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий (оилавий) мол-мулкни реализация қилиш;

2) юридик шахс қайта ташкил этилаётганда унинг мол-мулкни ҳуқуқий ворисга (ҳуқуқий ворисларга) ўтказиш;

3) ишончли бошқарувнинг муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқарувчига бериш ва ишончли бошқарув шартномасининг амал қилиш муддати тугаган тақдирда, ишончли бошқарувчининг ўзи ишончли бошқарувга берилган мол-мулкни қайтариши;

4) миллий валюта ёки чет эл валютаси муомаласи билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш (бундан нумизматика мақсадлари мустасно).

**Солиқ кодексининг 34 бобида солиқ базасини аниқлашнинг умумий қоидалари кўрсатилган.** Товарларни (хизматларни) реализация қилишда солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан ушбу бобга мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган ёки олган товарларни (хизматларни) реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб аниқланади.

Товарларни ЎзР ҳудудига олиб киришда солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан Солиқ кодексининг 34 боби ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Солиқ базасини аниқлаш чоғида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум солиқ тўловчининг ушбу товарларга (хизматларга) пулда ва (ёки) натура шаклларидаги тўлов, шу жумладан қимматли қоғозлар билан ҳақ тўлаш сифатида олинган барча даромадларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади.

Солиқ базасини аниқлаш чоғида солиқ тўловчининг чет эл валютасида ифодаланган тушуми (харажатлари) Солиқ кодексининг 242-моддасида белгиланган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санада ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Агар сотувчи ва харидор ўртасидаги шартномада товарларга (хизматларга) чет эл валютасида белгиланган суммага тенг бўлган суммадаги миллий валютада ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса ҳамда бунда реализация қилинган товарларга (хизматларга) ҳақ тўланган сана уларни реализация қилиш бўйича Солиқ кодексининг 242-моддасига мувофиқ аниқланадиган айланма амалга оширилган санага тўғри келмаса, мазкур саналарда чет эл валютаси курсларидаги фарқ туфайли юзага келган тушум суммасидаги ижобий ёки салбий фарқ солиқ базасини белгилашда ҳисобга олинмайди. Бундай ижобий ёки салбий фарқ Солиқ кодексининг XII бўлимига мувофиқ бошқа даромадлар ёки бошқа харажатлар таркибида сотувчи томонидан ҳисобга олиниши лозим.

Солиқ кодексининг 239-моддасига мувофиқ ўз эҳтиёжлари учун солиқ солиш объекти деб эътироф этиладиган товарлар берилган (хизматлар кўрсатилган) тақдирда, солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан аниқланади.

**Солиқ даври.** Солиқ кодексининг 39-бобида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, бир ой солиқ давридир.

**Солиқ ставкаси.** Агар Солиқ кодексининг 36-бобида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорида белгиланади.

Ушбу Кодексининг 36-бобида назарда тутилган ҳолларда солиқ ставкаси 0 фоиз миқдорида белгиланади.

Агар солиқ тўловчида бухгалтерия ҳисоби ёки солиққа тортиш объекти мавжуд бўлмаса, солиқ органлари ҳисоб-китоб йўли билан солиқ суммасини ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

Бюджет даромадига ўтказиладиган суммани ҳисоб қилишда ҳисобланган ҳамда ҳисобга олиннадиган ҚҚС суммасини аниқ бўлиши керак (мувофиқ равишда 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” ҳисобварағининг дебет ва кредит томонлари).

**Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонада ҚҚСни ҳисоблаш тартиби.**

Корхонага мол етказиб берувчидан (МЕБ) шартнома нархи билан 2 000 000 сўмга материал қабул қилинди ва ҚҚС суммаси 300 000 сўмга. Мол етказиб берувчига материал ва ҚҚС суммаси ҳисоб-китоб ҳисобварағидан ўтказилди – 2 300 000 сум. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди – 5 000 000 сўм. Харидорларга тайёр маҳсулот жўнатилди, сотиш нархи – 8 000 000 сўм ва

ҚҚС суммаси – 1 200 000 сўм. Харидорлардан ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағлари кирим қилинди – 9 200 000 сўм.

1. МЕБдан материал қабул қилинди:

Д 1010 “Хом ашё ва материаллар”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” – сумма 2 000 000 сўм.

Қабул қилинган материаллар бўйича ҚҚС суммасини қайд қиламиз:

Д 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (ҚҚС бўйича)”

К 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” – сумма 300 000 сўм.

2. МЕБга материаллар ва ҚҚС пули ҳисоб-китоб ҳисобварағидан ўтказилди:

Д 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” – сумма 2 300 000 сўм.

3. Асосий ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот омборга қабул қилинди – сумма 5 000 000 сўм:

Д 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулот”

К 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” – сумма 5 000 000 сўм.

4. Харидорларга тайёр маҳсулот жўнатилди:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

К 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” – сумма 8 000 000 сўм.

Бир вақтни ўзида сотилган маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилади:

Д 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

К 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулот” – сумма 5 000 000 сўм.

Сотилган маҳсулот учун ҚҚС суммасини ҳисоблаймиз:

Д 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС бўйича)” – сумма 1 200 000 сўм.

5. Харидорлардан ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағлари тушум бўлди – сумму 9 200 000 сўм:

Д 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

К 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” - сумма 9 200 000 сўм.

6. МЕБдан қабул қилинган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС бўйича)”

К 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (ҚҚС бўйича)” – сумма 300 000 сўм.

7. Бюджетга ҚҚС суммаси ўтказилди 900 000 сўм (1 200 000 сўм – 300 000 сўм):

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС бўйича)”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” – сумма 900 000 сўм.

## Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Акциз – бу эгри солиқ бўлиб, маҳсулотни сотиш нархи устига кўшилади.

Акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) рўйхати ва уларга доир солиқ ставкалари ЎзРнинг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланади.

Солиқ ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлоқ суммада (катъий белгиланган), шунингдек адвалор ва катъий белгиланган солиқ ставкаларини ўз ичига олган аралаш ставкада белгиланади.

### Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот (кўрсатиладиган хизматлар) учун катъий белгиланган акциз солиғи СТАВКАЛАРИ

№	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкаси		
		2020 йил 1 январидан	2020 йил 1 апрелидан	2020 йил 1 октябридан
1.	Этил спирти (бир 1 дал учун)	10 800 сўм	11 700 сўм	12 500 сўм
2.	Вино табиий (ноб) (бир 1 дал тайёр маҳсулот учун) (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	7 700 сўм	8 300 сўм	
	бошқа винолар	14 500 сўм	15 700 сўм	16 800 сўм
3.	Коньяк (бир 1 дал тайёр маҳсулот учун)	102 000 сўм	109 100 сўм	116 400 сўм
	спирт ҳажми 40 %дан юқори бўлган коньяк учун	168 100 сўм	179 700 сўм	192 300 сўм
4.	Ароқ ва бошқа алкогол маҳсулотларга (бир 1 дал тайёр маҳсулот учун)	98 000 сўм	107 800 сўм	116 400 сўм
	спирт ҳажми 40 %дан юқори бўлган ароқ ва бошқа алкогол маҳсулотларга	162 700 сўм	179 000 сўм	192 300 сўм
5.	Пиво (бир 1 дал тайёр маҳсулот учун)	10 600 сўм	11 700 сўм	
6.	Филтрли ва филтрсиз сигаретлар, папиросларга	141 500 сўм/ 1000 дона + 9,0 фоиз*	152 800 сўм/ 1000 дона + 9,0 фоиз*	163 500 сўм/ 1000 дона + 9,0 фоиз*
7.	Ювелир маҳсулотлари	25%		
8.	Мобил алоқа хизмати	20%		
9.	Кумушдан қилинган ошхона приборлари	11%		
10.	Нефт маҳсулотлари:			
	бензин Аи-80	200 000 сўм/ тонна		
	бензин Аи-91, Аи-92, Аи-93, Аи-95	250 000 сўм/ тонна		
	дизел ёқилғиси	200 000 сўм/ тонна		
	дизел ёқилғиси ЭЖО	180 000 сўм/ тонна		
	Авиакеросин	180 000 сўм/ тонна		
	дизел ёки карбюраторли (инжекторли) двигателлар учун мотор ёғи	250 000 сўм/ тонна		
11.	Табиий газ, экспорт билан	20%		
12.	Корхона-ишлаб чиқарувчи томонидан сотилаётган суоқтирилган газ учун (АК “Ўзтрансгаз” унитар корхонаси томонидан аҳолига сотиладиган газ бундан мустасно), ҳамда экспорт	30%		
13.	Полиэтиленли гранулалар	30%		
14.	Яқуний истеъмолчига сотиладиган:			
	Бензин	285 сўм 1 литр учун/ 378 480	350 сўм 1 литр учун / 465 530 сўм 1 тоннага	

		сўм 1 тоннага	
	дизел ёқилғиси	285 сўм 1 литр учун / 346 275 сўм 1 тоннага	350 сўм 1 литр учун / 425 918 сўм 1 тоннага
	суюқтирилган газ	285 сўм 1 литр учун / 540 645 сўм 1 тоннага	350 сўм 1 литр учун / 664 993 сўм 1 тоннага
	сиқилган газ	435 сўм 1 куб. метр учун	500 сўм 1 куб. метр учун

\* Қатъий белгиланган акциз солиғи ставкалари натурал ҳажмда сотилган акцизли товарлар учун белгиланади, акциз солиғини адвалор ставкаси ишлаб чиқарувчини сотилган товарлар қийматига акциз солиғи ва қўшимча қиймат солиғи қўшилмаган ҳолда белгиланади.

\*\* Бензин, дизел ёқилғиси ва суюқтирилган газ автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали орқали сотилса акциз солиғи 1 литр учун ҳисобланади, бошқа ҳолатларда 1 тонна ҳисобига.

**Акциз солиғини тўловчилар** деб қуйидаги шахслар эътироф этилади:

1) ЎзР ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

2) табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчилар;

3) бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали, шунингдек газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар;

4) оддий ширкат иштирокчиси бўлган, оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган акциз тўланадиган товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолият бўйича оддий ширкат ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс;

5) ЎзРнинг божхона ҳудуди орқали акциз тўланадиган товарларни олиб ўтувчилар.

Қуйидагилар ҳам солиқ тўловчилар деб эътироф этилади:

1) телекоммуникация мобил алоқа хизматларини (акциз тўланадиган хизматларни) кўрсатадиган ЎзР юридик шахслари;

2) ЎзРда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки шундай товарларни олиб киришни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари.

**Солиқ солиш объекти.** Акциз солиғи солинадиган объектлар қуйидагилардан иборат:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан акциз тўланадиган товарларни бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериш:

- товарга бўлган мулк ҳуқуқини бериш;

- гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан бериш;

- акциз тўланадиган товарларни бепул бериш;

- акциз тўланадиган товарларни (хизматларни) жисмоний шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ёки дивидендлар тўлаш ҳисобидан бериш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида ёхуд оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида бериш;

3) акциз тўланадиган товарларни:

а) иштирокчига (муассисга) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд юридик шахсда иштирок этиш улуши камайганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг бир қисми) қайтариб сотиб олинганда иштирокчига бериш;

б) юридик шахс бўлган эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинган тақдирда акциядорга бериш;

в) юридик шахсни тугатишда акциядорга ёки иштирокчига бериш;

4) акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган, шунингдек акциз тўланадиган шундай хом ашё ва материалларнинг маҳсули бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш;

5) акциз тўланадиган товарлардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

б) акциз тўланадиган товарларни ЎзРнинг божхона ҳудудига олиб кириш;

7) бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

8) акциз тўланадиган хизматлар кўрсатиш;

9) ЎзР ҳудудида ишлаб чиқарилган ва (ёки) ЎзРнинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларнинг бузилиши, йўқотилиши, бундан фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган ҳоллар мустасно. Айбдор томонидан товарнинг қиймати суғурта орқали тўланган ёки унинг ўрни қопланган тақдирда, акциз солиғи суғурта орқали тўлаш (ўрнини қоплаш) улушида тўланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни экспортга (экспортнинг божхона тартиб-таомилларида) реализация қилиш, бундан акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган, қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни кейинчалик ЎзРнинг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш шарти билан бериш;

3) ихтисослаштирилган газ таъминоти корхоналари орқали аҳолига суюлтирилган газни маиший эҳтиёжлар учун реализация қилиш;

4) ЎзРнинг божхона ҳудудига қуйидаги акциз тўланадиган товарларни:

- ЎзР ВМ томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб кириш;

- давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар орқали хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кириш;

- агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса, халқаро молия институтларининг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олиб кириш;

5) акциз тўланадиган товарларни ЎзРнинг божхона ҳудудига солиқ солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилиш. ЎзР ҳудудига солиқ солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб киришнинг энг юқори нормалари қонун ҳужжатларида белгиланади;

б) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари.

**Солиқ базаси** белгиланган солиқ ставкаларига қараб акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) нисбатан солиқ ставкалари мутлоқ (қатъий) суммада белгиланган бўлса, солиқ базаси акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) солиқ ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади.

Жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига бепул ёки бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси 285 модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда аниқланади.

Қайтариб бериш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишларнинг қийматини ҳамда қайтариш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг қийматини ўз ичига олади.

Акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси, агар ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ҳамда реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Четдан олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади.

Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси импорт қилинган акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажмидан ва (ёки) акциз тўланадиган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ва (ёки) шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган бензиннинг, дизель ёқилғиси ва газнинг натурада ифодаланган ҳажми солиқ базаси ҳисобланади.

**Солиқ даври** акциз ҳисоблаш бир ойдир.

**Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби.** Солиқ ҳисоботи, солиқ бўйича ҳисобда турилган жойдаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ даврдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилинган тақдирда, солиқ ҳисоботи автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ даврдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

**Солиқ тўлаш тартиби.** Солиқни тўлаш солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича солиқни тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган олиб кириладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

Акциз солиғини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (Акциз солиғи бўйича)” ва 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Акциз солиғи бўйича)” ҳисобварақлари қўлланилади.

4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (Акциз солиғи бўйича)” ҳисобварағининг дебетида акцизли маҳсулот ишлаб чиқариш учун МЕНБга акцизли товарлар учун тўланган акциз солиғи ҳисобга олинади. Бу хўжалик муомаласи учун 6010 “Мол етказиб

берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”, 6990 “Бошқа мажбуриятлар” ҳисобварақлари кредитланади.

Сотилган маҳсулот учун акциз суммаси 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағининг дебетига ва 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Акциз солиғи бўйича)” ҳисобварағининг кредитига ёзилади.

### **Юридик шахсларнинг фойда солиғи**

**Фойда солиғи** Солиқ кодексининг XII бўлим “Фойда солиғи” билан тартибга солинади.

**Солиқ тўловчилар.** Қуйидагилар фойда солиғининг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади:

- 1) ЎзРнинг солиқ резидентлари бўлган юридик шахслар;
- 2) ЎзРнинг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек ЎзРда фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширадиган, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмалари;
- 3) ЎзРдаги манбалардан даромадлар олувчи ЎзР норезидентлари бўлган юридик шахслар;
- 4) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчилари бўлган юридик шахслар;
- 5) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган ёки ўз ихтиёри билан фойда солиғини тўлашга ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- 6) оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича оддий ширкатнинг ишончли шахси.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчилари солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи бўйича фойда солиғининг мазкур гуруҳ масъул иштирокчиси томонидан ҳисоблаб чиқариш учун зарур бўлган қисми бўйича солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бажаради.

Солиқ кодексининг 36-моддаси тўққизинчи қисмига мувофиқ агент вазифаларини амалга оширувчи жисмоний шахс, 294 модда биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Айланмадан солиқ тўловчи шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланмайди.

**Солиқ солиш объекти.** Солиқ тўловчи томонидан олинган фойда фойда солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади.

XII бўлим “Фойда солиғи” мақсадида қуйидагилар фойда деб эътироф этилади:

- 1) юридик шахс учун – XII бўлимда назарда тутилган жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;
- 2) фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидент учун – Солиқ кодексининг 49-бобида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда, XII бўлимда назарда тутилган доимий муассасанинг

фаолияти билан боғлиқ бўлган жами даромад (шу жумладан бундай доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган, ЎзРдан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар) ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

3) норезидент учун – Солиқ кодекснинг 50-бобида белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, ЎзРдаги манбалардан олинган даромадлар;

4) якка тартибдаги тадбиркор учун – Солиқ кодекснинг 51-бобида белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, XII бўлимда назарда тутилган жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ;

5) зиммасига оддий ширкат ишларини юритиш юклатилган шахс учун – биргаликда ишлаб чиқарилган товарни (кўрсатилган хизматни) реализация қилишдан олинган даромад ва биргаликда ишлаб чиқарилиб реализация қилинган товарга (хизматга) тўғри келадиган биргаликдаги фаолиятга киритилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ.

**Солиқ базаси.** Солиқ кодекснинг 295-моддасига мувофиқ аниқланадиган, солиқ солиниши лозим бўлган фойда суммаси солиқ базаси ҳисобланади.

Солиқ базасини XII бўлимда белгиланган тартибда ва шартларда аниқлашда солиқ тўловчи даромадларининг ва (ёки) харажатларининг (зарарларининг) айрим турлари махсус қоидалар бўйича инобатга олиниши ёки инобатга олинмаслиги мумкин.

Солиқ тўловчи ушбу бўлимга мувофиқ фойдани ва зарарни ҳисобга олишнинг умумий тартибидан фарқ қиладиган тартиби назарда тутилган операциялар бўйича даромадларнинг (харажатларнинг) алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади.

Солиқ базаси солиқ даври бошланганидан эътиборан ортиб боровчи яқун билан аниқланади.

Солиқ тўловчи томонидан ҳисобот (солиқ) даврида кўрилган зарарлар солиқ солиш мақсадларида солиқ базасини Солиқ кодекснинг 46-бобида белгиланган тартибда ва шартларда камайтиради.

Солиқ базаси назорат қилинадиган чет эл компанияларининг Солиқ кодекснинг VII бўлими ва 331-моддасига мувофиқ белгиланадиган умумий фойдасини ҳам ўз ичига олади.

Солиқ базасига XII бўлимда белгиланган ҳолларда ва тартибда тузатишлар киритилади.

Солиқ тўловчининг даромадларига ва (ёки) харажатларига (зарарларига) Солиқ кодекснинг VI бўлимида назарда тутилган ҳолларда тузатишлар киритилади.

Натура шаклидаги даромадлар ва харажатлар солиқ тўловчи томонидан битимнинг ҳақиқий нархидан келиб чиққан ҳолда инобатга олинади. Агар бундай битимдаги товарларнинг (хизматларнинг) нархи уларнинг бозор нархидан фарқ қилса ва бундай фарқланиш солиқ тўловчининг солиқ базаси камайишига ёки зарари кўпайишига олиб келса, солиқ базаси Солиқ

кодекснинг VI бўлимига мувофиқ белгиланадиган бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

**Солиқ даври.** Календарь йил.

**Ҳисобот даври.** Йил чораги.

**Солиқ ставкалари** қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, %
1	Банклар	20
2	Қуйидаги солиқ тўловчилар: цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи; полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи; фаолятининг асосий тури мобиль алоқа хизматларини кўрсатишдан иборат бўлган	20
3	Ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойда бўйича Солиқ кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган мезонларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва балиқ хўжалиги корхоналари	0
4	Ижтимоий соҳада фаолятни амалга оширувчи солиқ тўловчилар	0
5	Қўшимча манбалардан даромадлар олувчи бюджет ташкилотлари	0
6	Товарларни экспортга реализация қилишдан олинган фойда	0
7	Бозор ва савдо комплексларида хизмат кўрсатишдан олинган фойда	20
8	Товарларнинг (хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи электрон тижорат субъектларининг миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилар	7,5
9	Ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва умумий ходимлар сонида ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчилар	0
10	ЎзР Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинадиган даромадлар	0
11	Дивидендлар тарзидаги даромадлар	5
12	Қолган солиқ тўловчилар, бундан 1–11-бандларда кўрсатилганлар мустасно	15

Фойдага солиқ ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги боғланиш билан акс эттиради:

Д 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Фойда солиғи бўйича)”;

Бюджетга фойда солиғи ўтказилаётганда бериладиган ҳисобварақлар боғланиши:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Фойда солиғи бўйича)”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

Фойда солиғини тўғри ҳисоблаш учун даромад ва харажатларни қайси турлари корхона фойдасини шакллантиради аниқ билиш зарур.

Фойдани солиққа тортиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект даромади икки гуруҳга бўлинади: реализация (сотиш)дан даромад ва реализациядан бошқа даромадлар.

Ўзи ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган маҳсулот (товар, бажарилган иш, кўрсатилаган хизмат)ларни сотишдан тушум; мол-мулк (қимматбаҳо қоғозлар ҳам) ва мол-мулкга эгаллик ҳуқуқидан сотишдан тушум реализациядан даромад деб ҳисобланади.

Реализациядан бошқа даромадлар таркибига қуйидагилар киради: текинга олинган мулк, инвентаризация пайтида аниқланган ортиқча моддий бойликлар, асосий воситани ҳисобдан чиқаришда олинган моддий бойликлар қиймати ва бошқалар.

Солиққа тортиш мақсадида жами корхона харажатлари ҳам икки гуруҳга ажратилади:

- маҳсулот (товар, бажарилган иш, кўрсатилаган хизмат)лар учун қилинган харажатлар;
- реализациядан ташқари харажатлар.

Маҳсулот (товар, бажарилган иш, кўрсатилаган хизмат)лар учун қилинган харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- моддий харажатлар;
- меҳнат ҳақи харажатлари;
- меҳнат ҳақидан ижтимоий ажратмалар;
- ҳисобланган амортизация;
- бошқа харажатлар.

Фойда солиғини ҳисоблашда корхона даромад ва харажатларни тан олиш тартибини тўғри қўллаш катта аҳамиятга эгадир. Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун маҳсулот (товар, бажарилган иш, кўрсатилаган хизмат)лардан тушган тушум бухгалтерия ҳисобида хўжалик фаолияти фактларини қайд қилиш пайтида вақт тамойилини ҳисобини олган ҳолда риоя қилиш керак.

Ҳисобот даврида бўлган даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот давридаги даромадларни олишга асос бўлган харажатларгина акс эттирилади. Агар даромадлар билан харажатларнинг ўртасида бевосита боғлиқликни ўрнатиш қийин бўлса, харажатлар бирон-бир тақсимлаш тизимига мувофиқ бир нечта ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Бу, масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига тааллуқлидир.

Сотиш лаҳзасини аниқлашда асосий критерия жўнатилган маҳсулот (товар)дан фойдаланиш ҳуқуқи сотувчидан харидорга ўтиш пайти ҳисобланади ёки ҳисоблаш принципи.

#### **11.4. Доимий ва вақтинчалик фарқларни ҳисоби**

ЎзРнинг Солиқ кодекси солиқ тўловчилар ҳисобланадиган субъектлар томонидан фойда солиғи ҳисобининг тартибини белгилаб беради. Амалиётда бухгалтерия фойдаси билан солиққа тортиладиган фойда ўртасида фарқ бор.

*Бухгалтерия фойдаси (зарари)* – бу ҳисобот даврида солиқ бўйича харажатлар айрилгунга қадар юзага келган фойда (зарар)дир.

*Солиққа тортиладиган фойда* – бу солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган ҳисобот даврининг даромад (фойда) суммасидир.

Корхоналар бухгалтерия фойдасини йиллик ялпи даромад суммасидан жами харажатларни айириш орқали аниқлайдилар. Солиқ қонунчилигига кўра ялпи даромад суммасига қўйидагилар киритилади:

- маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган тушум;

- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, материаллар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромад;

- фоиз кўринишидаги даромадлар;

- олинган дивидендлар;

- текинга олинган мулк;

- мулкни ижарага беришдан олинган даромад;

- роялти;

- текин кўрсатилган молиявий ёрдам;

- кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад;

- курсдаги ижобий фарқлар;

- фавқулодда даромадлар;

- бошқа даромадлар.

Ялпи даромад суммасидан айриладиган харажатлар таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- қўшилган қиймат солиғи;

- акциз солиғи;

- сотилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи;

- давр харажатлари;

- банк кредити бўйича ҳисобланган фоизлар;

- лизинг тўловлари;

- курсдаги салбий фарқлар;

- бошқа харажатлар.

Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш учун бухгалтерия фойдасига қайта қўшиладиган ва айриладиган харажатларнинг таркиби солиқ қонунчилиги томонидан белгиланади. Масалан, Солиқ кодексини 317-моддаси “Чегириб ташланмайдиган харажатлар” деб аталади, ундаги элементлар қайтадан солиққа тортиш базасига киритилади.

*Жорий даврда тўланадиган солиқлар* – бу солиққа тортиладиган фойдага ҳисобланган ва жорий даврда тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидир.

*Муддати кечиктирилган солиқлар* деб ҳисобот даврида аниқланган, лекин бухгалтерия стандартлари ва солиқ қонунчилиги таъсирига кўра тўланиши келгуси даврларга кўчирилган солиқ суммасига айтилади.

Аксарият ҳолларда солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш коидалари бухгалтерия фойдасини аниқлаш учун қўлланадиган ҳисоб сиёсатидан фарқ қилади. Бунга асосан доимий ва вақтинчалик фарқлар бевосита таъсир кўрсатади:

$$\text{Бухгалтерия фойдаси} + \text{доимий фарқлар} \pm \text{вақтинчалик фарқлар} - \text{имтиёзлар} = \text{Солиққа тортиладиган фойда}$$

**Доимий фарқлар ҳисоби.** *Доимий фарқлар* – узоқ вақт давомида вужудга келиб, ҳисобот йилининг солиққа тортилгунга қадар фойдасини аниқлашда умумий даромад суммасидан айриладиган ва солиққа тортиладиган фойда суммасини белгилашда солиқ базасига кўшиб бориладиган харажатларга айтилади. Доимий фарқлар сифатида, ходимларга берилган текин овқат харажатлари, берилган моддий ёрдам суммаси, меъёрдан ортиқча сарфланган хизмат сафари харажатлари, тўланган жарима суммалари каби харажатларни келтириш мумкин. Доимий фарқларнинг хусусиятли томони шундаки, улар юзага келган ҳисобот йилининг натижаларигагина таъсир кўрсатади, яъни, уларнинг таъсири келгуси даврларга кўчиб ўтмайди.

**1-мисол.** «МАН» корхонасининг ҳисобот йилидаги бухгалтерия фойдаси 850 млн. сўмни ташкил қилди. Шу даврда ходимларни доимий харажатлари бўлиб ҳисобланувчи, иссиқ овқат билан таъминлаш харажатлари 300 млн. сўмни, кўрсатилган моддий ёрдам суммаси 200 млн. сўмни ташкил қилган. Ҳисобот даври учун белгиланган солиқ ставкаси 15 % дан иборат. Шунга кўра фойда солиғи ҳисоби қўйидагича бўлади

**Ечим:**

1. Бухгалтерия фойдаси		850 000 000
2. Доимий фарқлар:		
иссиқ овқат харажатлари	300 000 000	
моддий ёрдам суммаси	<u>200 000 000</u>	<u>500 000 000</u>
3. Солиққа тортиладиган фойда		1 350 000 000
4. Солиқ ставкаси		15%
5. Фойда солиғи суммаси		202 500 000

Бу хўжалик муомаласи қўйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Д 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”	202 500 000
К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз”	202 500 000

**Вақтинчалик фарқлар ҳисоби.** *Вақтинчалик фарқлар деб* – ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базага кўшиладиган, кейинчалик тегишли шартлар бажарилганда унинг таркибидан бир неча давр давомида чиқарилиб

бориладиган харажатларга айтилади. Вақтинчалик фарқлар дейилишига сабаб:

- улар маълум вақт мобайнида мавжуд бўлади;
- бундай моддаларни бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш жараёнида акс эттириш вақтида фарқ юзага келади.

*Вақтинчалик фарқлар асосан қўйидаги йўналишлар бўйича юзага келиши мумкин:*

- маблағнинг келиб тушиши ёки ўтказилиб берилиши вақти билан уни даромад ёки харажат сифатида тан олиниши вақтини мос келмаслиги. Масалан, олинган ва берилган бўнақлар; келгуси давр харажатлари ва ҳ.к;

- юзага келиши ва тан олиниши билан боғлиқ даврнинг мос келмаслиги. Масалан, облигация ва вексел муомалалари бўйича юзага келган чегирма ва устамаларни ҳисобда акс эттириш ва уларни харажат ёки даромад сифатида тан олиниши жараёни;

- бухгалтерия ҳисоби ва солиқ мақсадларида қўлланилаётган баҳолаш усулларининг турлича бўлиши. Масалан, корхонанинг ҳисоб сиёсатида асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг кумулятив усулини қўллаш кўзда тутилган бўлса, солиқ қонунчилиги тўғри чизиқли усулини тавсия этиши мумкинлиги;

- заҳирани юзага келтириш вақти билан ундан фойдаланиш вақтининг тўғри келмаслиги. Масалан, умидсиз дебиторлик қарзлари ёки кафолат мажбуриятлари бўйича заҳирани юзага келтириш.

Булардан ташқари вақтинчалик фарқлар янги маҳсулотлар яратиш билан боғлиқ харажатларни солиққа тортиш ва уларни амортизация қилиш даврининг мос келмаслиги натижасида ҳам юзага келиши мумкин. 12-сонли «Фойда солиғи» деб номланган Молиявий ҳисоботининг халқаро стандартида вақтинчалик фарқларни юзага келишининг яна бир неча шакллари келтирилган. Вақтинчалик фарқларнинг ҳисобдан чиқарилиши бир неча ҳисобот даври мобайнида амалга оширилиши мумкин. Вақтинчалик фарқлар самарасини акс эттириш усуллари турлича бўлиши мумкин. Баъзан бу тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг тушунтириш хатларига киритилса, баъзан улар солиқ самарасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш йўли билан ўзини номоён қилади.

**Вақтинчалик фарқларнинг солиқ самараси ҳисоби.** Вақтинчалик фарқлар солиқ базасига таъсир кўрсатиб, келгуси даврлар учун тўғри келувчи солиқ суммасини оширади, ёки камайтиради. Бунинг натижасида бухгалтерия ҳисобида яна иккита янги тушунча юзага келади:

- 1) вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи;
- 2) вақтинчалик фарқлар бўйича фойда солиғи юзасидан муддати узайтирилган мажбуриятлар.

Бундай моддаларни ҳисобга олишнинг муҳимлиги шундан иборатки, улар йирик компанияларнинг йиллик балансларида жуда сезиларли суммани ташкил қилиши мумкин. Масалан, XXXX йил якуни бўйича бу сумма “Даймлер Крейслер” компаниясида 1,9 млрд. АҚШ долларини, “Боинг”

компаниясида ҳам 1,9 млрд АҚШ долларини, “Бристол Мейерс” компаниясида 415 млн. АҚШ долларини ва “Гоодйеар” компаниясида 376 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Янги ҳисобварақлар режасида бу моддаларнинг жорий ва узоқ муддатли қисмини алоҳида тарзда ҳисобга олиш кўзда тутилган.

**Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи.** Бу модда солиққа тортилувчи фойда суммасини вақтинчалик фарқлар таъсири натижасида бухгалтерия фойдасидан кўп бўлган ҳолатда юзага келиб, муддати узайтирилган солиқ активини ҳосил қилади. Келгуси йилларда бу моддадаги сумма муддати узайтирилган мажбуриятлар ҳисобидан тартибга солинади.

**2-мисол.** “МАН” корхонаси бўйича ҳисобот даврида ишлаб чиқариш усулини қўллаб асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси 700 млн сўмни ташкил қилган. Лекин Солиқ кодекси солиқ ҳисоби учун эскириш ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усулини тавсия этган ва ушбу усул бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 500 млн сўмдан иборат бўлиши лозим эди.

Бу ҳолатда солиққа тортиладиган фойда суммасини кўпайтиришга олиб келувчи вақтинчалик фарқ 200 000 000 сўм (700 000 000 – 500 000 000) юзага келди. Ушбу мисол маълумотларидан фойдаланиб, аввал ҳисобланган солиқ суммасига аниқлик киритамиз.

**Ечим:**

1. Бухгалтерия фойдаси		850 000 000
2. Доимий фарқлар (+):		
иссиқ овқат харажатлари	300 000 000	
моддий ёрдам суммаси	200 000 000	500 000 000
3. Солиққа тортиладиган фойда		1 350 000 000
4. Солиқ ставкаси		15 %
5. Фойда солиғи суммаси		202 500 000
6. Вақтинчалик фарқлар (+ ; -):		
Асосий воситалар эскиришидаги фарқ (+)		200 000 000
7. Солиққа тортиладиган фойда (1 350 000 000 + 200 000 000)		1 550 000 000
8. Солиқ ставкаси		15 %
9. Фойда солиғи суммаси		232 500 000

Вақтинчалик фарқлар таъсири остида юзага келган фойда солиғи суммасига бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади:

Д 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”	202 500 000
Д 0950 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи”	32 000 000
Кт 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз”	232 500 000

Демак, бу ҳолатда ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқнинг бир қисми (32 000 000 сўм)ни харажат сифатида тан олишнинг муддати узайтирилмоқда. Бу сумма корхона балансининг жорий ёки узоқ муддатли активлар бўлимига тегишли бўлган “Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати

узайтирилган даромад (фойда) солиғи” деб номланган моддасида акс эттирилади.

**Вақтинчалик фарқлар бўйича даромад (фойда) солиғи юзасидан муддати узайтирилган мажбуриятлар.** Бу модда солиққа тортилувчи фойда суммасини вақтинчалик фарқлар таъсири натижаси бухгалтерия фойдасидан кам бўлган ҳолатда юзага келиб, муддати узайтирилган мажбуриятни ҳосил қилади. Келгуси йилларда бу моддадаги сумма муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи ҳисобидан тартибга солинади. Ушбу ҳолатни мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

**3-мисол.** “МАН” корхонаси бўйича ҳисобот даврида ишлаб чиқариш усулини асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси 600 млн. сўмни ташкил қилган. Лекин солиқ кодекси солиқ ҳисоби учун эскириш ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усулини тавсия этган. Бу усул бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 850 млн. сўмдан иборат бўлиши лозим эди. Бу ҳолатда солиққа тортиладиган фойда суммасини олиб келадиган вақтинчалик фарқ 250 000 000 сўм (850 000 000 – 600 000 000) юзага келади.

**Ечим:**

1. Бухгалтерия фойдаси		850 000 000
2. Доимий фарқлар (+):		
иссиқ овқат харажатлари	300 000 000	
моддий ёрдам суммаси	200 000 000	500 000 000
3. Солиққа тортиладиган фойда		1 350 000 000
4. Солиқ ставкаси		15 %
5. Фойда солиғи суммаси		202 500 000
6. Вақтинчалик фарқлар (+;-):		
Асосий воситалар эскиришидаги фарқ (-)		(250 000 000)
7. Солиққа тортиладиган фойда (1 350 000 000 – 250 000 000)		1 100 000 000
8. Солиқ ставкаси		15 %
9. Фойда солиғи суммаси		165 000 000

Бу ҳолатда солиқ бўйича юзага келган кўшимча мажбурият суммаси қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Д 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”	202 500 000
К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз”	165 000 000
К 6250 “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар”	37 500 000

Бу ҳолатда фойда солиғи бўйича тан олинган харажатларнинг бир қисми (37 500 000 сўм)ни тўлаш муддати узайтирилмоқда. Бу сумма корхона балансининг жорий ёки узоқ муддатли мажбуриятлар бўлимига тегишли бўлган “Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбуриятлар” деб номланган моддасида акс эттирилади.

### 11.5. Мол-мулк ва ресурс солиқлар ҳисоби

**Мол-мулк солиғи** Солиқ кодексини XV бўлими билан тартибга солинади.

**Солиқ тўловчилар.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ тўловчилари деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) ЎзР ҳудудида Солиқ кодексининг 411-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти ҳисобланувчи мол-мулкка эга бўлган ЎзР юридик шахслари;

2) ЎзР ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлган ЎзРнинг норезидентлари бўлган юридик шахслар.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ушбу мулкка эгалик қилувчи ва (ёки) ундан фойдаланувчи шахс солиқ тўловчи ҳисобланади.

Агар юридик шахс кўчмас мулкни молиявий ижарага (лизинг) олган бўлса, у ҳам солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

**Солиқ солиш объекти.** Кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Кўчмас мулк жумласига қуйидагилар киради:

1) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар;

2) қурилиши тугалланмаган объектлар. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

3) темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

4) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач.

**Солиқ базаси.** Қуйидагилар солиқ базасидир:

1) кўчмас мулк объектлар бўйича – ўртача йиллик қолдиқ қиймати.

Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Бунда тўлиқ амортизация қилинган бино бўйича унинг уч йилда камида бир марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қиймати солиқ базасидир;

2) тугалланмаган қурилиш объектлар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ўртача йиллик қиймати;

3) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари

бўйича олти ой ўтгандан кейин – мазкур объектларнинг ўртача йиллик қиймати (реализация қилинмаган қисми бўйича).

ЎзР норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ базаси ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидир.

**Солиқ имтиёзлари.** Солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ базаси қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:

1) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектларининг;

2) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг.

Қуйидагилар солиқдан озод қилинади:

1) ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва ходимларининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар;

2) қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, улар фойдаланишга жорий этилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга.

**Солиқ ставкалари.** Солиқ ставкаси 2 фоиз миқдорида белгиланади.

Қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси 4 фоиз миқдорида белгиланади.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектларига нисбатан қонун ҳужжатларида оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан таъсир чоралари қўлланилиши мумкин ҳамда ушбу объектларга кўрсатилган солиқ имтиёзлари уларга татбиқ этилмайди.

Солиқ ставкаси қуйидагиларга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида белгиланади:

1) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

2) консервация қилиниши тўғрисида ЎзР ВМнинг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари.

**Солиқ даври.** Календарь йил солиқ давридир.

Мол-мулкга солиқ ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги боғланиш билан акс эттиради:

Д 9430 ”Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз”;

Бюджетга фойда солиғи ўтказилаётганда бериладиган ҳисобварақлар боғланиши:

## ЕР СОЛИҒИ

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Солиқ кодексининг XVI бўлими билан тартибга солинади.

**Солиқ тўловчилар.** Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан ЎЗРнинг норезидентлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар деб эътироф этилади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

**Солиқ солиш объекти.** Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг солиқ солиш объектидир.

**Солиқ базаси.** Қуйидагилар солиқ базасидир:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича – солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасининг умумий майдони;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича – солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган норматив қиймати, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса – ер участкасининг умумий майдони.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, солиқ базаси ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ базаси ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ вужудга келган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда, солиқ базаси ушбу ҳуқуқ тугатилганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (қўпайтирилади).

Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширганда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган ер участкаси бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаганда, солиқ базаси солиқни тўлаш назарда тутилган фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий соф тушум ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ кодексини 428-моддасида **солиқ имтиёзлари** белгиланган. Масалан, қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикланадиган энергия манбалари (номинал қуввати 0,1 МВт ва кўпроқ) ускуналари эгаллаган ер участкалари бўйича улар ишга туширилган пайдан эътиборан ўн йил муддатга солиқдан озод этилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

- маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш объектлари эгаллаган ерлар;

- спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

- шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар ва бошқалар.

**Солиқ ставкалари.** Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича солиқ ставкалари 1 гектар учун мутлоқ миқдорда белгиланади. Солиқ ставкаларининг аниқ миқдори ЎзРнинг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

**Солиқ даври.** Календарь йил солиқ давридир.

Ерга солиқ ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги боғланиш билан акс эттиради:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Ер солиғи бўйича)”.

Бюджетга фойда солиғи ўтказилаётганда бериладиган ҳисобварақлар боғланиши:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Ер солиғи бўйича)”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

## **СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексини XVII бўлимида белгиланган.

**Солиқ тўловчилар.** Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар ЎзР ҳудудида сувдан бирламчи фойдаланишни ёки сувни истеъмол қилишни амалга оширувчи қуйидаги шахслардан иборат:

- ЎзРнинг юридик шахслари;

- фаолиятини ЎзРда доимий муассасалари орқали амалга ошираётган ЎзРнинг норезидентлари бўлган юридик шахслар;

- сувдан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар;

- деҳқон хўжаликлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган сув учун солиқни тўловчилар деб эътироф этилади.

**Солиқ солиш объекти.** Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятни амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган сув ресурслари;

- соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

- атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқариб олинган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

- шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни казиб олиш пайтида чиқариб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайта қуйиладиган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

- гидроэлектростанциялар гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ресурслари;

- иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ресурслари;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурслари.

**Солиқ базаси.** Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ базасидир.

**Солиқ ставкалари.** Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлоқ миқдорда белгиланади. Солиқ ставкаларининг миқдори ЎзРнинг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Сувдан фойдаланиш учун белгиланган лимитлардан ортиқча сув олинганда, бундай ортиқча қисм бўйича солиқ ставкалари белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади.

Сув ресурсларидан рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланилганда, шунингдек автотранспорт воситаларини ювишни амалга оширувчи корхоналар томонидан ер усти манбаларидан олинган сувдан фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади.

**Солиқ даври.** Календар йил солиқ даври ҳисобланади. Дехқон хўжаликлари томонидан солиқни тўлаш йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майгача амалга оширилади.

Сувга солиқ ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги боғланиш билан акс эттиради:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Сув солиғи бўйича)”.

Бюджетга фойда солиғи ўтказилаётганда бериладиган ҳисобварақлар боғланиши:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (Сув солиғи бўйича)”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

## **ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ**

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексини XVIII бўлимида белгиланган.

**Солиқ тўловчилар.** Ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олувчи, минерал хомашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олувчи ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.

ЎЗР ҳудудида конларни қидиришни, фойдали қазилмаларни қазиб олишни, минерал хомашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилар деб эътироф этилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширишга тааллуқли қисм бўйича солиқ тўловчилар бўлмайди.

**Солиқ солиш объекти.** Фойдали қазилмани қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир.

Қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг ҳажми фойдали қазилмаларнинг ҳақиқий йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилманинг захираси қайси фойдали қазилманинг миқдорига камайтирадиган бўлса, ўша фойдали қазилманинг ҳисобланган миқдори ва фойдали қазилмани қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) тўлиқ технологик цикли яқунлангач аниқланган, ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма миқдори ўртасидаги фарқ фойдали қазилманинг ҳақиқий йўқотишларидир.

Солиқ солиш объекти фойдали қазилманинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

- қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар (шу жумладан бирга қўшилиб чиқадиган);

- фойдали қазилмалардан, минерал хомашёдан, техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар;

- саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган қазиб олинган углеводородлар шу жумладан бирга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

- углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги қазиб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар;

- ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлмайди:

- қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни ёпиқ технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми;

- солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида қазиб олинган (ажратиб олинган) ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали қазилмалар. Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари натижасида қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар, бундан қайта ишланган ва реализация қилинган фойдали қазилмалар ҳажми мустасно.

**Солиқ базаси.** Солиқ базаси ер қаъридан фойдаланувчи томонидан мустақил равишда ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмага, шу жумладан асосий фойдали қазилмани қазиб олишда бирга чиқадиган фойдали компонентларга нисбатан аниқланади.

Солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати сифатида аниқланади.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма бўйича пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) уларнинг натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали алоҳида аниқланади.

Ҳисобот даврида фойдали қазилма реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси реализация қилиш амалга оширилган охириги ҳисобот даврида фойдали қазилмани реализация қилишнинг ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилма умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси ҳисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннарини 20 фоизга оширган ҳолда аниқланади. Бунда, солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша

ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида шаклланган ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Қазиб олинган фойдали қазилманинг бир қисми реализация қилиниб, қолган қисмидан ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда, фойдали қазилма бўйича солиқ базаси реализация қилинган ушбу фойдали қазилманинг ўртача олинган реализация қилиш нархидан келиб чиқиб аниқланади.

Фойдали қазилмадан ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда бундай фойдали қазилмалар учун солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмани ишлаб чиқариш таннариhini 20 фоизга оширган ҳолда аниқланади.

**Солиқ ставкалари.** Фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) 0 фоизли ставка бўйича солиқ солиш фойдали қазилмаларнинг норматив йўқотишларига тааллуқли қисми бўйича амалга оширилади.

**Солиқ ставкалари** қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Солиқ солинадиган объектнинг номи	Солиқ ставкалари, %
<b>1. Асосий ва бирга қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун</b>	
<b>Энергия манбалари:</b>	
Табиий газ	30
Утилизация қилинган табиий газ, реализация қилинган ҳажми бўйича	9
Ер остига жойлаштирилган газ	2,6
Газ конденсати	20
Нефть	20
Тош кўмир	4
Кўнгир кўмир	4
Ёнувчи сланцлар	4
<b>Рангли, нодир ва радиоактив металлар:</b>	
Тозаланган мис	10
Молибденли саноат маҳсулоти	10
Рений	10
Концентратланган кўрғошин	8
Металл руҳ	10
Вольфрам концентрати	10,4
Уран	10
Селен	10
Теллур	10
Индий	10
Висмут	10
<b>Асл металлар:</b>	
Олтин	10
Кумуш	10
Палладий	10
Платина	10

Осмий	10
<b>Нодир тош хомашёси:</b>	
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зеб-зийнат учун тошлар хомашёси	24
Феруза, лиственит, родонит, змеєвик, мәрмар йўл-йўл ақиқ, кахолонг, яшма, халцедон, ақиқ, гематит	24
<b>Қора металлар:</b>	
Темир	5
Титан-магнетитли рудалар	4
Марганец рудалари	4
<b>Кон-кимё хомашёси:</b>	
Тош туз (овқатга ишлатиладиган)	3,5, бироқ 10000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Калий тузи	3,5
Сульфат тузи	3,5
Фосфоритлар (донасимон)	5
Карбонат хомашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,5
Оҳактошлар (сода учун ва Вiох технологияси бўйича саноат чиқиндиларини тозалаш)	3,5
Минерал (лойсимон, темироксили, карбонатли) пигментлар	5,5
Йод	4,8
Қишлоқ хўжалиги руда хомашёси (глауконит, бентонитли гил, уруғсимон ва табиий фойдаланиладиган ҳамда желвакли фосфоритлар)	3,5
<b>Кон-руда хом ашёси:</b>	
Эрувчан шпат	21,2
Табиий графит	8
Бирламчи каолин (концентрат), реализация қилинган ҳажми бўйича	7,9
Иккиламчи каолин, реализация қилинган ҳажмига доир	7,9
Дала шпати хомашёси (пегматит, дала шпати, фельзит, лейкократли гранит, кварц-дала шпати хом- ашёси)	6,5
Кварц қумлари (шиша)	3
Қумтош (шиша)	5
Бентонитли лой (бурғуланган эритмалар)	4,8
Тальк ва тальк тоши	4
Талькли магнезит	4
Волластонит	4
Асбест	4
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	4
Барит концентрати	4
Ўтга чидамли, қийин эрувчан гиллар	4
Оҳактошлар, доломитлар (шиша, металлургия учун, ўтга чидамли), флюс оҳактош	5, бироқ 11500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Кварц ва кварцит (шиша, техник кремний, силикомарганц, диналар ишлаб чиқариш учун)	6,5

Қолиплаш хом ашёси (қумлар, лойлар)	4
Вермикулит	4
Минерал пахта учун хом ашё (доломит, тоғ жинслари)	5
Ҳайвонлар ва қушларни озиклантириш учун оҳактош қобиғи	5
Серпентинит (ўтга чидамли хом ашё)	5
<b>Қурилиш материаллари:</b>	
Цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактошдан ташқари цемент хомашёси (мергели, лойлар, сланцлар, лёссимон жинслар, кумоксимон, лойсимон чиғаноқлар, каолин, вулқон жинслари, пелитли туффитлар, базальтлар, диабазлар, андезибазальтлар, глиежлар, темир таркибли қўшимчалар, магнетит – гематитли жинслар, кварц қуми ва ҳ.к.)	10
Цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош	45 000 сўм/тонна*
Оҳак ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош	5
Табиий безактошдан блоклар (оҳактош, оҳактош-чиғанлик, равертинсимон оҳактошлар, мрамор, гранит, гранодиорит, граносиенит, нефелинли сиенит, габбро, граносиенитпорфир, кварц порфирдаги игнимбритлар, липарито-дацитлар, вулқон туфи, вулқон жинслари, қумтош)	5, бироқ 20 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Мармар ушоғи	5, бироқ 17 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Керамзит хомашёси (бентонит ва лой жинслари)	5
Ғишт-черепица хом ашёси (кумоксимон, лёссимон жинслар, лёсслар, зичловчи сифатида қумлар ва бошқалар)	5, бироқ 7 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Гипс тоши, гипс ва ангидрид, ганч	5, бироқ 9 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	5, бироқ 7 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Сохилни ҳимоя қилиш ишлари учун хом ашё (оҳактошлар, порфиритлар, гранитлар)	5, бироқ 10 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Қурилиш қумлари	5, бироқ 8 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Тош-шағал аралашмаси	5, бироқ 7 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Қумтошлар	5
Оҳактош-чиғаноқ	5, бироқ 12 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5, бироқ 10 000 сўм/куб.м

	дан кам бўлмаган
Курилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)	5, бироқ 10 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Фарфор хом ашёси (фарфор тоши, лойли оқ қуюқлашувчи сланец)	5
Тўғон қуриш учун хом ашё (тош-шағал материаллари, лёссимон жинслар, кум, бентонитли лой, оҳактошлар)	5
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (мергеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	5
<b>2. Техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали қазилмалар</b>	Асосий фойдали қазилмани қазиб олганлик учун ставканинг 30 %и

\* Цемент ишлаб чиқарувчи заводлар, шунингдек цемент хом ашёси – оҳактошни реализация қиладиган ер қаъридан фойдаланувчилар белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлайди. Цемент ишлаб чиқариш учун кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади.

Асл, рангли, ноёб ва радиоактив металларни қазиб олишни амалга оширувчи алоҳида солиқ тўловчилар учун ЎЗР Президенти томонидан оширилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин.

**Солиқ даври.** Календарь йил солиқ даври ҳисобланади.

**Ҳисобот даври.** Қуйидагилар ҳисобот давридир:

юридик шахслар учун – бир ой;

жисмоний шахслар учун – календарь йил.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги боғланиш билан акс эттиради:

Д 9430 “Бошқа операцион харажатлар”

К 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”.

Бюджетга фойда солиғи ўтказилаётганда бериладиган ҳисобварақлар боғланиши:

Д 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”

К 5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”

## **11.6. Солиқлар ва йиғимлар учун бюджет билан ҳисоблашишлар ҳисоби бўйича амалий машғулот**

Назарий билимларга асосланиб бюджет билан ҳисоблашишлар бўйича амалий машғулот масалаларини ечиш керак.

### **№1-мисол.**

Корхона 35 000 000 сўмга материал сотиб олди (шундан ҳисобот даврида материалларни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига харажат қилди – 24 000 000 сўм), транспорт харажатлари 7 000 000 сўм, материалларни четга қайта ишлаш учун бериб қилинган харажатлар – 1 800 000 сўм, ўз автотранспорт харажатлари – 800 000 сўм, меҳнат ҳақи харажатлари – 8 000 000 сўм, ижара ижара харажатлари – 2 000 000 сўм, ҳисобланган амортизация суммаси – 1 200 000 сўм, сафар хизмати – 5 000 000 сўм.

Корхона ҳамма материаллардан маҳсулот ишлаб чиқарилади, уларни улгуржи нархларда сотади ва реализациядан олинган даромади – 45 000 000 сўм. Корхона бюджетга тўланадиган солиқларни ҳисобланг: ҚҚС, фойда солиғи.

**№2-мисол.**

Қуйидаги маълумотлар асосида корхона мол-мулк солиғини чораклар бўйича ҳисоб қилинг:

Сана	Мол-мулк қиймати (сўм)
1.01.12	2 300 000
1.02.12	2 450 000
1.03.12	2 500 000
1.04.12	2 350 000
1.05.12	2 400 000
1.06.12	2 800 000
1.07.12	2 260 000
1.08.12	2 300 000
1.09.12	2 240 000
1.10.12	2 150 000
1.11.12	2 300 000
1.12.12	2 350 000
1.01.13	2 340 000

**№3-мисол.**

Ҳисоб сиёсатига мувофиқ солиққа тортиш мақсадида, савдо ташкилоти даромад (харажатлар)ни ҳисоблаш усулида ташкил қилган, шубҳали қарзлар бўйича резерв шакллантиряпти. Ҳисобот даври охирида дебиторлик қарзларни инвентаризация қилиш натижасида аниқландики, сотилган товарлар учун муддати 90 кундан ошган шубҳали қарздорлик бўйича қарзлар 50 000 000 сўм, сотилган товарлар учун муддати 45 дан 90 кунгача бўлган шубҳали қарздорлик бўйича қарзлар 100 000 000 сўм, бошқа корхоналарга заём (қарз) бериб муддати 90 кундан ошган шубҳали қарзлар бўйича олинадиган фоизлар суммаси 12 000 000 сўм ташкил қилган.

Ушбу резерв бўйича солиққа тортиш мақсадида бошқа операцион харажатлар таркибига қанча сумма ҳисоблаш керак, агар маҳсулот (товар, иш, хизматлар) реализациясидан тушум ҳисобот даврида 8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса?

1. 75 000 минг сўм;
2. 81 000 минг сўм;
3. 87 000 минг сўм.

#### **№4-мисол.**

Агар компанияни хўжалик фаолияти қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланса, 2019 йилга фойда солиғини ҳисобланг: тушум ҚҚС солиғи билан бирга йил давомида – 45 млрд. сўм, материалларга харажат (ҚҚСсиз) – 10 млрд. сўм, ишчиларнинг меҳнат ҳақи – 5 млрд. сўм, асосий воситаларнинг амортизацияси – 500 млн. сўм, давр харажатлари (ҚҚС сиз) – 4.8 млрд. сўм, бошқа харажатлар – 1 млрд. сўм, иш ҳақидан ижтимоий ажратмалар – 12 %.

#### **№5-мисол.**

Ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасини қуйидаги ҳолатларда аниқланг:

1. Корхона 230 млн. сўмга (шу жумладан ҚҚС суммаси 30 млн. сўм) ишлаб чиқариш материаллари сотиб олди. Ҳисобот санасида 50% МЕБ ҳисобварағидаги сумма тўланди.

2. Корхона ёритиш ускунани ўз маданият саройига ўрнатиш учун сотиб олди. Ускуна қиймати – 46 млн. сўмга (шу жумладан ҚҚС суммаси – 6 млн. сўм). Ҳисобот санасида ускуна фойдаланишга топширилди, МЕБ ҳисобварағи 80% тўланган.

3. Таъминоти ишлаб чиқариш бўлган асосий воситалар учун корхона 460 млн. сўм олдиндан тўлов қилди. Ҳисобот санасида асосий воситалар кириш қилгани йўқ.

4. Корхона импорт товарлар партиясини 5 000 млн. сўмга сотиб олди. Бу товарларни ЎзР божхона ҳудудига олиб кирганда 750 млн. сўм ҚҚС тўланди. Ҳисобот санасида МЕБ олдидаги қарз 2 500 млн. сўмни ташкил қилди.

5. Корхона Тошкентда ўқув семинари ташкил қилди. Семинарни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича харажатларга ҚҚС суммаси 10 млн. сўмдан иборат. Ҳамма харажатлар тўлиқ тўланган.

#### **Назорат саволлари:**

1. ЎзР ҳудудида тўланадиган солиқ турларини айтинг?
2. Республика ва маҳаллий бюджетларга қандай солиқ турлари ўтказилади?
3. ҚҚСдан чегирмалар механизми қандай?
4. Қайси шартларни бажариш натижасида МЕБга тўланган ҚҚС суммаси бюджетдан корхонага қайтарилади?
5. Бухгалтерия ҳисобининг қайси ҳисобварақларида солиқлар ва йиғимлар ҳисобга олинади?
6. Корхона даромади (фойдаси)га солиқ ставкаларини айтинг?
7. Корхона мол-мулкни солиққа тортиш мақсадида ҳисобга олиш учун қандай қоидалар билан асосий воситалар баҳоланади?
8. Солиқ тўловчиларни қайси категорияси ер солиғидан озод қилинади?

*Масала компаниянинг фақатгина пул ишлаб топиши ва харажатларни ўз ўрнида самарали ишлата олиши, моддий ресурслардан устамонлик билан фойдаланишида эмас, балки корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоб тамойилларини қанчалик яхши ўзлаштирганлигига боғлиқдир.*

*Маусуита Коносуке.*

## **12 БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ**

### **12.1. Асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
2. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎЗР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎЗРҚ-404 (янги таҳрир).
3. “Хўжалик субъектларини харажатлар ҳисоби ва молиявий натижасини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиришлар ва иловалар билан).
4. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ўзгартиришлар ва иловалар билан).
5. “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом” (ЎЗР Адлия вазирлиги 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган).
6. “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар” (ЎЗР Адлия вазирлиги 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган), ЎЗР МВнинг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига 7-илова.
7. ЎЗР 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган).
8. ЎЗР 3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатга олинган).
9. ЎЗР 8-сон БҲМС “Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шубҳа хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган).
10. ЎЗР 9-сон БҲМС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 04 ноябрда 519-сон билан рўйхатга олинган).
11. ЎЗР 14-сон БҲМС “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” (ЎЗР Адлия вазирлигида 2004 йил 07 апрелда 1335-сон билан рўйхатга олинган).
12. ЎЗР 15-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси” (ЎЗР Адлия вазирлигида 2003 йил 20 мартда 1226-сон билан рўйхатга олинган).
13. ЎЗР 16-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ходисалари” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 578-сон билан рўйхатга олинган).
14. ЎЗР 19-сон БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (ЎЗР

Адлия вазирлигида 1999 йил 02 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган).

15. ЎзР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).

16. ЎзР 23-сон БҲМС “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган).

## **12.2. Молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва таркиби**

Бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири корхона хўжалик фаолияти бошқарувини таъминлаш мақсадида унинг молиявий ҳолати тўғрисида умумлаштирилган маълумотлар бериб бориш ҳисобланади. Корхоналарда - маълум бир даврга ҳисоб кўрсаткичларини умумлаштириш ҳисобот деб аталиб, у корхона молиявий хўжалик фаолиятининг натижаси ва маълум бир даврга режа кўрсаткичларининг бажарилиши бухгалтерия, статистик ва оператив–техника ҳисоби маълумотларига асосланиб тузилади.

Ҳисобот кундалик ҳисоб маълумотларини ҳисоблаш, гуруҳлаш йўли билан тузилади. Ҳисобот бир неча шаклларда тузилади. Унинг шаклларида ҳисобот давридаги факат ҳақиқий маълумотларгина эмас, балки ўтган давр маълумотлари ҳам кўрсатилади.

Ҳисобот шаклларида бундай кўрсаткичларнинг бўлиши, корхона молия хўжалик фаолиятини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга. Ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш асосида фақат у ёки бу корхонанинг хўжалик фаолияти натижасига баҳо берилибгина қолмасдан, балки иқтисодиётнинг айрим тармоқлари иш натижасига ҳам баҳо бериш мумкин. Ҳисобот маълумотларини ўрганиш корхонада мавжуд бўлган ички резервларни аниқлаш ва уларни ишга солиш имкониятини ҳам беради.

Ҳисобот кўрсаткичлари келгуси йиллар режаларини тузиш учун асос бўлиб ҳам хизмат қилади, чунки келажак режаларини тузиш учун мавжуд имкониятларни билиш муҳим аҳамиятга эгадир, бундай маълумотлар ҳисоботда мавжуд бўлиб, у яна жорий ҳисоботларнинг ташкил қилинишига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Ҳисоботдан корхона раҳбарлари, иқтисодиётни бошқаришнинг барча ташкилотлари ва ташқи фойдаланувчилар (инвесторлар, ҳиссадорлар) томонидан тўғри фойдаланилиши учун у қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- 1) корхона ишини аниқ, тўғри ва оддий қилиб акс эттириш;
- 2) ўз вақтида тузиш ва тегишли ташкилотларга кечиктирмасдан топтириш;
- 3) ҳисобот кўрсаткичларининг режа кўрсаткичларига мослашганлигини акс эттириш ва уларни таққослаш;

Режа ва ҳисоб маълумотлари ўз иқтисодий мазмуни ва ҳажмига кўра бир хил бўлиши керак. Бундай таққослилиқни таъминлаш учун қуйидаги шароитлар зарур:

а) ўтган давр хронологик даврнинг мос келиши ҳисоботда ва ҳисоб маълумотлари маълум бир даврни ёки маълум бир вақтни акс эттириши лозим;

б) ўтган давр жорий давр объектларининг бир хил гуруҳланиши;

в) ўтган давр ва жорий давр ҳисоб гуруҳларининг бир хил усулда аниқланиши. Бундай бир хиллиқни таъминлаш учун махсус йўл-йўриқлар ишлаб чиқилган. Масалан: шундай йўл-йўриқлардан бири чакана товар айланмани режалаштириш, ҳисоблаш, товарларни қийматини калькуляция қилиш;

г) баҳонинг бир хиллиги.

4) ўтган давр кўрсаткичлари билан ҳисобот даврдагилари билан таққослаш.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини ҳақиқийси билан тўғри келишини инвентаризация йўли билан текшириб турилади, бу эса кўрсаткичларни ҳақиқатдагиси билан тўғри аниқ ва объектив бўлишини таъминлайди.

Молиявий ҳисобот жараёнини халқаро амалиётда 4 та жараёнга бўлиш қабул қилинган.

Биринчи босқичда барча хўжалик жараёнлари ёппасига ҳужжатлаштирилади.

Иккинчи босқичда, ҳисоб маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида (ситетик ва амалиёт) ҳисоб регистрларида гуруҳланган ҳолда акс эттирилади.

Учинчи босқичда ҳисобот шакллари ташкил топади.

Тўртинчи босқичда корхона фаолияти ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилинади ва фаолиятга баҳо берилади.

Кўрсатилган 4 босқич, ягона тизим деб қаралиши лозим. Бу молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари талабидир.

**Ҳисоботнинг асосий шакллари ва турлари.** Иқтисодий мазмуни ва ҳисобот кўрсаткичларини олиш манбаига кўра, молиявий ва статистик ҳисоботга бўлинади.

Молиявий ва статистик ҳисобот собиқ совет хўжалик юритиш тизимида битта давлат ҳисоботи деб қаралар эди. Улар асосан юқори ташкилотларга, молия органига, банк муассасига, статистик органига топширилар эди.

Аммо улар ўртасидаги энг муҳим фарқ кўрсаткичлар мазмунида ва тегишли ҳисобот шаклларини тузиш усулидадир. Статистик ҳисоботи, оператив-техник, статистик ва молиявий ҳисобининг маълумотлари асосида тузилса, молиявий ҳисоботи эса асосан ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бухгалтерия ҳисоби ёзувлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисоботида асосан умумий кўрсаткичлар, масалан, корхона маблағлари, баланс фойдаси ва ҳ.к. Статистик ҳисоботда бўлса, абсолют

миқдорлар билан бирга нисбий ва ўрта миқдорлар ҳақида маълумот беради. Масалан фоизларнинг ўсиш темпи, ўртача даража у ёки бу кўрсаткичларнинг ўсиш ёки пасайиш динамикаси ва бошқалар.

Молиявий ҳисобот хўжалик фаолияти ҳақидаги асосий таъминот манбаидир. У биринчидан, корхонанинг ўзига керакдир. Икинчидан – корхонада ишламайдиган шахсларга (ҳиссадорлик жаъмиятларида), яъни ўз маблағини улуш сифатида қўйган ҳиссадорлар ва бошқа кредиторларга керак. Учинчидан ҳисобот давлатнинг солиқ ва бошқа органларига керак.

Молиявий ҳисобот турли молия ва тижорат тузилмалари учун керак. Улар қимматли қоғозларни олди-сотдисини олиб борадилар, яъни биржалар, банклар.

Молиявий ҳисобот авваломбор корхона мулки таркибини ҳамда корхона молия натижаларини характерлайди. Ундан ташқари бу ҳисоботда бошқа корхоналар билан бўладиган ҳисоб-китоблар, молия органлари ва банк муассасалари билан бўладиган ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Ҳисобот маълумотларини мана шундай тўлиқ берилиши шу билан тавсифланадики, корхона мустақил иқтисодий объект деб қаралади.

Статистик ҳисобот ўз олдига харажатлар жараёни устидан умумий назоратни амалга оширишни мўлжаллайди. Статистика айрим олинган корхонага мустақил объект эмас, балки бутун иқтисодиётнинг бир қисми деб қарайди. Статистик ҳисобот худуд, тармоқ бўйича, маълум бир кўрсаткичларни бажарилишини назорат қилиб, улар тўғрисида маълумот беради. Шунга қараб, статистик ҳисоботи шаклланиб боради.

Ҳисобот иқтисодиётдаги аҳамиятига қараб, умумдавлат ва корхона ичидаги бўлиниш мумкин.

Умумдавлат ҳисоботи Молия вазирлиги ва Давлат статистик қумитаси томонидан белгиланган шакл ва тартибда тузилади ва тегишли органларга ўз вақтида топширилиши лозим бўлади. Корхона ичидаги ҳисобот эса қисқа бўлиб, шу корхона ичида фойдаланилади. Масалан, кассир ҳисоботи, моддий жавобгар шахс ҳисоботи ва маълум бир ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш режаларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот. Бу ҳисоботлар корхона раҳбари, бош ҳисобчи белгилаган муддатда тегишли бўлимларга, яъни асосан бухгалтерия бўлимига топширилиши лозим.

Ҳисоботда бир корхона кўрсаткич маълумотлари ёки бир неча корхона кўрсаткич маълумотлари кўрсатилган бўлиши мумкин. Демак, шу хусусиятига кўра ҳисобот дастлабки ва йиғма бўлиши мумкин.

Йиғма ҳисобот бирлашмалар, ассоциациялар, ҳиссадорлик жамиятлари, бош бошқармалар, вазирликлар, тармоқнинг бошқа юқори ташкилоти томонидан тузилади.

Ҳисоботни тузиш ва топшириш муддатига кўра, йил ичидаги (давомидаги) ва йиллик ҳисоботга ҳам бўлиш мумкин. Йил ичидаги ҳисобот эса, ойлик, чораклик ва ярим йиллик бўлади. Ойлик ҳисобот асосан, айрим солиқ ҳисоботлари ва ҳисоб-китоблар ва статистик ҳисоботидан иборат бўлади.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида йиллик молиявий ҳисобот таркиби келтирилган:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби субъекти молиявий ҳисоботни тузишда мустақил балансга ажратилган ўз ваколатхоналарининг, филиалларининг ва бошқа таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия балансларини ҳамда бошқа ҳисобот шакллари киритиши керак.

Молиявий ҳисобот ҳисобот йили бошидан ортиб боровчи яқун билан тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни ЎзР Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

### **12.3. Молиявий ҳисобот тузиш ва уни ташкил этиш**

**Молиявий ҳисоботни тузиш тамойиллари.** Молиявий ҳисоботни тузиш жарёнида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётнинг қайси тармоғига тегишлилигидан қатъий назар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгиланган қуйидаги тамойилларга амал қилиши лозим:

\*ҳисоблаш тамойили; икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш; узлуксизлик; хўжалик муомалалари, активлар ва пасивларни баҳолаш, ишонччилик, эҳтиёткорлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, кўрсаткичларнинг қиёсийлиги, молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги, актив ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси, ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослиги, тушунарчилик, аҳамиятлилик, муҳимлик, ҳақиқий холис тақдим этиш, тугатилганлик, изчиллик, ўз вақтидалик, офсеттинг (моддаларнинг ўзаро қопланиши), холислик.

Бухгалтерия ҳисоботларини тузишдан олдин тайёргарлик ишлари ўтказилади. Тайёргарлик ишларига ҳисобварақлардаги ёзувлар айланмаларини аниқлаш ва қолдиқларини ёзиш, аналитик ҳисобварақлар бўйича айланмаларни аниқлаш ҳамда синтетик ҳисобварақдаги ёзувларни бош дафтарга ёзиш ишлари киради. Ҳисоботлар тўғрилигини таъминлашда хўжалик маблағлари инвентаризацияси алоҳида аҳамиятга эгадир.

Молиявий ҳисоботи календарь даврининг маълум бир вақтлари учун (чорак, йил) тузилади. Чоракда тузиладиган ҳисоботлар даврий, йиллик тузиладиган ҳисоботлар эса йиллик ҳисоботлар дейилади.

Чет эл инвестициялари корхонасидан ташқари ҳамма корхоналар чораклик ҳисоботларни келгуси чораклик ҳисобот ойининг 25 кунидан, йиллик ҳисоботни эса кейинги ҳисобот йили 15 февралдан кечиктирмай топширишлари лозим.

Чет эл инвестициялари билан ишлайдиган корхоналар эса йиллик ҳисоботни келгуси ҳисобот йили 15 мартдан кечиктирмай топширишлари лозим.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси - 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл;
- г) пул оқимлари тўғрисида ҳисобот - 4-сон шакл;
- д) хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот - 5-сон шакл.

3. Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси - 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл.

**Изоҳ: 2018 - 2019 йилларда йиллик ва чорак ҳисоботлари фақат “Бухгалтерия баланси ” (1-шакл) ва “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-шакл)да тақдим этилган.**

Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар баланс йил бошида ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Унда кейинги йил учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати ҳам келтирилади.

Агар асосий фондларни қайта баҳолаш ҳисобот йилининг биринчи санаси ҳолатига ўтказилса, қайта баҳолаш натижаларининг кўрсаткичлари ҳисобот йилининг бошига шаклландиган молиявий ҳисоботга қабул қилинади. Бунда ўтган йилнинг охиридаги кўрсаткич ҳисобот йилининг бошидаги кўрсаткичга мос келмаслиги, асосий воситаларни ҳисобот йилининг биринчи санасига ўтказилган қайта баҳолашнинг натижаси деб тушунилади ва жорий даврнинг молиявий ҳисоботидаги тушунтириш хатида баён этилади.

ЎзР "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" қонуннинг 10-моддасида кўрсатилган юридик шахслар солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай аудиторлик хулосаси нусхасини тақдим этадилар.

Молиявий ҳисобот шаклларида барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Корхонада тегишли активлар, пассивлар, операциялар мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар)

тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) “Корхона, ташкилот” реквизити - корхонанинг тўлиқ номи (белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТ (ОКПО)га кўра унинг коди кўрсатилади;

б) “Фаолият тури” реквизити - корхонанинг иқтисодий фаолият тури ва ИФУТ (ОКЭД)га кўра иқтисодий фаолият коди кўрсатилади;

в) “Ташкилий-ҳуқуқий шакл” реквизити - корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ТХШТ (КОПФ)га кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг коди кўрсатилади;

г) “Мулкчилик шакли” реквизити - корхонанинг мулкчилик шакли ва МШС (КФС)га кўра мулкчилик шаклининг коди кўрсатилади;

д) “Вазирликлар, идоралар ва бошқалар” реквизити - ихтиёрида корхона турган (агар у мавжуд бўлса) ва унга молиявий ҳисобот йўналтирилладиган органнинг номи ҳамда ДБИБТ (СООГУ)га кўра ушбу органнинг коди кўрсатилади;

е) “Солиқ тўловчининг идентификация рақами” реквизити - СТИР (ИНН) бўйича корхонанинг идентификация рақами кўрсатилади;

ж) “Ҳудуд” реквизити - МҲОБТ (СОАТО) бўйича код кўрсатилади;

з) “Манзил” реквизити - корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ЎЗРнинг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, ЎЗРнинг Фуқаролик кодекси, БҲМС, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш лозим.

Корхона ва ташкилотлар барча алоҳида мустақил балансга ажратилмаган бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шаклларининг кўрсаткичларига киритилиши керак.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси бўлиб ҳисобот даврининг охириги тақвимий куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

1 октябрга қадар янги барпо этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин барпо этилган корхоналар эса - давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам кирди) кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари базасида барпо этилган корхоналарга татбиқ этилмайди).

Корхона балансининг моддалари активлар ва мажбуриятларнинг пухта ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши керак.

Инвентаризация ЎзР 19-сон БҲМС “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” белгилаган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишга қадар доимий ишлаб турган инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида аниқланган, бойликлар ҳақиқий мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига қараганда тафовутлари тартибга солиниши керак. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини инвентаризациялашлар ҳам ўтказилиши керак, улар ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлайдиган солиштириш далолатномалари ёки хатлар билан расмийлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.

Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланади.

Агар раҳбар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олган бўлса, у бош ҳисобчи ўрнига ҳам имзо қўяди.

Молиявий ҳисоботда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни молиявий ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларидаги (улар тасдиқланганидан кейин) тузатишлар унинг маълумотларини бузишлар аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Ўтган даврда йўл қўйилган фундаментал (муҳим) хатоларни тузатиш суммаси молиявий ҳисоботда йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш ҳамда автивлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг бошқа моддаларига тегишли тузатишлар киритиш йўли билан акс эттирилиши мумкин.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ бўлмаган харажатларни давр харажатларига (ёки муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ўтган йил учун молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс эттирилади.

#### **Молиявий ҳисоботлар орасидаги боғлиқлик.**

**Бухгалтерия баланси моддалари ва бўлимлари ўртасидаги боғлиқлик.** Айтиб ўтилганидек, бухгалтерия балансида корхона маблағлари ва уларнинг манбалари муайян санага (чорак ва йил боши ҳамда охирига) кўрсатилади. Бу актив маълумотлари пассив маълумотлари билан бевосита боғлиқлигини ва ўзаро тенг бўлиши кераклигини англатади.

Бухгалтерия баланси моддаларининг умумий ички ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқамиз:

1. Баланс активининг барча бўлимлари суммаси унинг пассиви барча бўлимлари суммасига тенг:

$$1\text{БА} + 2\text{БА} = 1\text{БП} + 2\text{БП}$$

Корхоналар маблағининг бир хил суммаси икки кўринишда: таркибига ва жойлашувига кўра, шунингдек юзага келиш манбалари бўйича кўрсатилади.

Таркибига кўра - корхона маблағларини ташкил этган қисмлар, яъни асосий воситалар, товар захиралари, пул маблағлари ва шу кабиларнинг жамулжамини англатади.

Маблағларнинг жойлашувига кўра - маблағларнинг қайерда: асосий воситалар, айланма воситалар, касса, ҳисоб-китоб ҳисобварағида ва шу кабиларда жойлашганлигини кўрсатади.

Маблағларнинг ҳар бир суммаси (асосий воситалар, товар захиралари, нақд пуллар) ўз юзага келадиган манбаларига (мазкур корхона муассисларининг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахслардан (банклардан) олинган қарзлар) эга.

2. Ўз маблағлари суммаси, одатда, узоқ муддатли активлар суммасидан ортиқ бўлиши керак:

$$1\text{БП} > 1\text{БА}$$

Корхонанинг ўз маблағларидан асосий воситалар сотиб олиш ва узоқ муддатли молиявий кўйилмалар жойлаш мақсадида, қолган қисмидан эса - айланма маблағларни (ишлаб чиқариш захиралари, сарф-харажатлар, пул маблағлари ва ш.к.) қоплаш учун фойдаланилади. Ўз маблағларининг узоқ муддатли активлардан кам эканлиги корхона айланмадан ташқари активларни қоплаш учун қарз олинган маблағ суммасидан фойдаланилганидан далолат беради. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ғайритабиий ҳолат деб қаралиб, одатда, корхона тўловга қодир эмас деб топилади.

3. Айланма активларнинг умумий суммаси, яъни товар захиралари, сарф-харажатлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобларга қўшилган маблағи мажбуриятларнинг умумий суммасидан ортиқ бўлиши лозим:

$$2\text{БА} > 2\text{БП}$$

Айланма воситаларнинг катта қисми, одатда, қарз олинган маблағлар эмас, балки ўз маблағлари ҳисобига қопланиши шарт.

Агар мажбуриятлар суммаси (2БП) айланма активлар суммасидан ортса, бу айланма маблағларнинг барча суммаси қарз олинган маблағлар ҳисобига шаклланганлигини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай корхона тўловга қодир эмас ва иқтисодий жихатдан ночор деб ҳисобланади.

4. Узоқ муддатли мажбуриятлар узоқ муддатли активлардан ортмаслиги керак:

$$\text{УММ} < 1\text{БА}$$

Буни узоқ муддатли активларнинг биринчи навбатда ўз маблағлари ҳисобига шаклланиш билан изоҳлаш мумкин. Узоқ муддатли кредит ва қарзлардан асосий воситалар, капитал ва узоқ муддатли қўйилмаларни инвестициялаш учун фойдаланилади. Улар шунингдек, айланма активларда (товар захираларини харид қилиш, пул маблағларни яратиш ва ҳ.к.) ишлатилади.

5. Ўз айланма маблағлари ўз маблағлари манбаларидан кичик бўлиши шарт, чунки ўз айланма маблағлар корхона ўз маблағининг бир қисмидир.

6. Айланма активлар айланмадаги ўз маблағлари ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар, шунингдек айланма воситаларни тўлдиришга йўлланган узоқ муддатли кредит ва қарзлар йиғиндисига тенг бўлиши шарт. Бу ҳол айланма активлар (айланма маблағлар) корхонанинг ўз маблағларидан, айланма воситага йўналган қисқа муддатли қарзлардан иборат эканлиги билан изоҳланади.

Моддаларнинг ушбу боғлиқлиги ҳам бухгалтерия баланси яқунлари суммасининг ўзгаришларини белгилайди.

**Бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сон шакл) ўртасидаги боғлиқлик.** Бухгалтерия балансида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) 450-сатрда бир қаторда кўрсатилади. Йил охиридаги ва йил бошидаги фарқ бу йиллик соф фойда суммасини кўрсатади. Бундан корхонани тўлиқ даромадлари ва харажатлари ҳақида маълумот олиб бўлмайди. Ушбу маълумотлар молиявий натижалар тўрисидаги ҳисоботда мавжуд. 2-шакл 270-сатрида ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) келтирилган. Бу кўрсаткичга эришиш учун корхонанинг ҳамма даромадларидан ҳамма харажатлар ва солиқларни айириш керак бўлади. Пастда келтирилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга қаранг.

**Бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ва асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-сон шакл) ўртасидаги боғлиқлик.** Жойида айтиб ўтиш керакки, бу шакл Адлия вазирининг 11.10.2012 й. 1209-5-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг Буйруғига мувофиқ ўз кучини йўқотган. Лекин корхоналарда шу шакл бўйича ҳисобот маълумотлари мавжуд.

Бухгалтерия балансида асосий воситалар бошланғич (қайта тиклаш), эскириш суммаси ва қолдиқ (баланс) қиймати бўйича маълумотлар 010, 011 ва 012-сатрларда йил бошида ва йил охирида статик тарзда келтирилган. Корхоналарни асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботида асосий воситаларни ҳар бир тури ва гуруҳлари бўйича йил бошидаги қолдиқ, кирим ва чиким, қайта баҳолаш ва эскириш суммаси, йил охиридаги қолдиқ келтирилган.

**Бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ва пул оқимлари тўғрисида ҳисобот (4-сон шакл) ўртасидаги боғлиқлик.** Бухгалтерия балансида жами пул маблағлари (кассада, банкда ҳисоб-китоб ҳисобварағида, махсус ҳисобварақларда ва б.) бўйича маълумотлар 320-сатрда йил бошида ва йил

охирида статик тарзда келтирилган. Қуйида келтирилган 4-шаклда пул маблағларини ҳаракати операцион фаолият, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият бўйича тўлиқ пул кирими ва чиқими кўрсатилган. Ушбу шаклни 230 ва 240-сатрларида йил бошидаги ва охиридаги маблағлар кўрсатилади, уларни суммаси бухгалтерия баланси 320-сатри билан тўғри келиши керак.

**Бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-сон шакл) ўртасидаги боғлиқлик.** Бухгалтерия балансида хусусий капитал (устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб олинган хусусий акциялар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушумлар, келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар) бўйича маълумотлар 410 - 470-сатрларда йил бошида ва йил охирида статик тарзда келтирилган. Йил давомидаги ўзгаришлар балансида мавжуд эмас. Қуйида келтирилган 5-шаклда бу ўзгаришлар мавжуд ҳамда йил бошидаги ва охиридаги кўрсаткичлар бухгалтерия баланси моддалари билан тўғри келиши керак.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларидан кўриниб туриптики молиявий ҳисобот шакллари ўртасида муҳим боғлиқликлар мавжуд ва бир бирини тўлдириб, молиявий ҳисобот ахборот фойдаланувчилар учун керакли ва етарли маълумотларни етказиб беради.

**Синов баланси.** Молиявий ҳисоботларини тузишдан олдин тайёргарлик ишлари олиб борилади. Бунда ҳисобварақлардаги ёзувлар айланмаси аниқланади ва охириги қолдиқлари ҳисоб-китоб қилинади, аналитик ҳисобварақлар бўйича айланмаларни аниқланади ҳамда синтетик ҳисобварақдаги ёзувларни бош дафтарга ёзилади. Бош дафтардаги ёзувлар тўғрилигини текшириш учун синов баланси тузилади. Бу регистр учта жуфт тенгликлардан иборат: ҳисобварақлардаги йил бошидаги дебет ва кредит қолдиқлари; ҳисобот давридаги ҳисобварақларнинг дебет ва кредит айланмалари; ҳисобварақларнинг ҳисобот даври охиридаги дебет ва кредит қолдиқлари. Учта жуфтлик доимо дебет ва кредит томонлари тенг бўлиши керак. Акс ҳолда ҳисобварақларда хатолик мавжудлигини кўрсатади. Регистр шакли қуйида келтирилган. Ҳисобварақлар “МБА” МЧЖ ишчи ҳисобварақларидан олинган бўлиб, намунавий ҳисобварақлар режасидан фарқ қилади.

Ҳисоб-варақ Код	Сальдо ҳисобот даври бошида		Айланма давр мобайнида		Сальдо ҳисобот даври охирида	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0120	12 308 660 817,07		16 414 413 763,09	8 668 570 250,44	20 054 504 329,72	
0130	10 283 076 038,82		12 621 784 412,38	7 312 105 886,68	15 592 754 564,52	
0140	222 561 930,41		87 824 786,64	58 410 187,84	251 976 529,21	
0150	543 413 590,21		424 105 703,44	211 718 077,84	755 801 215,81	
0160	1 611 194 503,07		943 779 576,40	450 064 017,87	2 104 910 061,60	
0190	36 599 695,05		68 292 132,26	28 386 466,09	76 505 361,22	
0220		5 391 853 691,94	2 689 665 514,63	5 034 602 484,00		7 736 790 661,31
0230		8 051 785 271,16	2 580 135 310,71	7 348 692 401,72		12 820 342 362,17
0240		198 667 406,17	21 052 201,95	59 291 549,80		236 906 754,02
0250		527 809 811,45	159 457 175,69	153 255 685,27		521 608 321,03
0260		1 295 433 531,31	436 323 806,59	1 015 355 533,47		1 874 465 258,19
0290		35 244 019,74	16 674 059,82	51 846 056,29		70 416 016,21
0299		31 812 603,04		224 447 301,88		256 259 904,92

0310	852 651 220,49		222 457 913,44		1 075 109 133,93	
0710	160 403 505,00		361 841 313,99	505 050 839,47	17 193 979,52	
0810			4 630 133 895,75	4 630 133 895,75		
0820	70 816 634,28		7 319 727 112,77	2 445 070 482,68	4 945 473 264,37	
0821			28 000 000,00	28 000 000,00		
1010	1 403 462 065,38		8 064 778 908,77	7 951 751 019,76	1 516 489 954,39	
1012	22 563 798,00		2 747 857 653,01	2 282 753 190,99	487 668 260,02	
1030	30 866 809,24		354 141 433,10	347 588 644,18	37 419 598,16	
1040	10 916 610,00		411 661 755,00	416 903 365,00	5 675 000,00	
1050	8 715 637,71		1 012 255 871,83	999 209 474,27	21 762 035,27	
1060	24 652 591,00		92 803 295,62	93 964 379,41	23 491 507,21	
1070	73 044 747,88			12 875 625,89	60 169 121,99	
1080	42 085 651,33		1 738 277 909,72	1 617 093 475,35	163 270 085,70	
1090	6 189 690,00		158 332 538,50	164 522 228,50		
2010			12 071 320 395,77	12 071 320 395,77		
2910	497 322 782,76		881 246 061,38	1 048 248 471,43	330 320 372,71	
2920	218 011 786,83		240 637 410,81	316 546 279,98	142 102 917,66	
2990	495 000,00		64 620 589,47	64 785 589,47	330 000,00	
3120	3 742 515,80		10 890 000,00	14 632 515,80		
3190	37 922 617,25		33 967 524,00	71 890 141,25		
4010	190 281 194,12		758 291 126,60	779 861 492,81	168 710 827,91	
4011	56 066 348,01		393 831 234,34	449 897 582,35		
4015	576 619 034,00		19 253 797 371,95	19 493 810 916,44	336 605 489,51	
4120	53 916 926,45		4 273 550 246,57	4 320 910 004,60	6 557 168,42	
4210	22 793 100,01			22 793 100,01		
4220			68 306 436,00	68 306 436,00		
4230	712 628,93		177 112 506,77	177 825 135,70		
4310	27 564 619,48		2 981 860 527,77	3 006 525 151,21	2 899 996,04	
4330	50 318 283,57		2 054 025 890,88	2 036 598 147,35	67 746 027,10	
4410	135 341 190,07		4 565 729 033,02	4 658 624 000,71	42 446 222,38	
4411	69 954 524,34		206 409 196,65	171 557 162,60	104 806 558,39	
4520	113 512 989,35		3 682 950 598,23	3 654 438 998,27	142 024 589,31	
4530			141 701 293,24	141 701 293,24		
4730	22 462 276,00			22 462 276,00		
4790	20 523 694,57		171 886 062,08	154 078 970,52	38 330 786,13	
4820	15 160 337,09		724 265 504,88	736 592 841,99	2 832 999,98	
4860	81 257 804,23		25 232 579,88	81 257 804,23	25 232 579,88	
4890	98 441 049,65		7 045 895 818,11	6 985 247 172,89	159 089 694,87	
5010			4 691 736 482,00	4 691 736 482,00		
5110	101 568 151,85		29 064 626 299,51	28 533 741 025,28	632 453 426,08	
5530			40 171 127,40	40 171 127,40		
5540			7 194 930 216,42	7 194 930 216,42		
5550			186 990 400,00	186 662 506,77	327 893,23	
5710	25 355 841,43		7 579 067 879,92	7 568 426 214,55	35 997 506,80	
6010		27 497 619,22	2 985 958 969,12	2 962 674 891,62		4 213 541,72
6030		105 622 379,29	2 018 252 209,71	1 978 879 104,03		66 249 273,61
6120		7 509 494 983,40	4 521 896 856,60	12 403 226 796,89		15 390 824 923,69
6310		3 119 669,14	763 384 725,93	914 436 430,05		154 171 373,26
6311		10 697 606,52	429 210 964,30	420 931 179,78		2 417 822,00
6315		726 692 257,10	34 717 946 175,43	35 405 602 340,78		1 414 348 422,45
6390		11 906 526,12	264 753 580,36	380 145 232,35		127 298 178,11
6410		105 583 664,54	7 041 906 938,15	6 952 883 167,17		16 559 893,56
6411		104 769,59	107 288 476,96	108 409 314,05		1 225 606,68
6520		84 438 643,94	3 678 698 457,25	3 625 348 368,13		31 088 554,82
6530		1 513 341,52	141 701 293,24	154 091 780,18		13 903 828,46
6610			2 253 762,00	2 253 762,00		
6710		379 498 988,95	9 632 331 133,57	9 631 900 410,93		379 068 266,31
6970			69 186 140,00	76 867 764,00		7 681 624,00
6990		17 575 170,48	585 612 433,76	586 060 864,81		18 023 601,53
7820		2 912 725 211,88				2 912 725 211,88
8510		2 651 613 718,44	6 471 390 112,07	9 108 906 911,14		5 289 130 517,51

8511		12 010 972,37	76 141 440,80	64 130 468,43		
8512		7 721 256,23	7 721 256,23			
8530				7 840 000,00		7 840 000,00
8710		16 306 821,19	16 306 821,19	70 294 574,79		70 294 574,79
8720		14 323 376,00	9 188 809,19			5 134 566,81
8890			320 180 327,22	320 180 327,22		
9020			255 917 679,22	255 917 679,22		
9030			17 309 735 911,24	17 309 735 911,24		
9120			241 729 898,81	241 729 898,81		
9130			11 619 162 960,25	11 619 162 960,25		
9210			484 692 422,48	484 692 422,48		
9220			96 576 319,68	96 576 319,68		
9310			116 344 863,81	116 344 863,81		
9320			72 622,00	72 622,00		
9330			8 328 795,51	8 328 795,51		
9350			486 626 812,59	486 626 812,59		
9360			230 291,89	230 291,89		
9390			436 423 919,60	436 423 919,60		
9410			827 353 736,45	827 353 736,45		
9420			1 233 115 758,69	1 233 115 758,69		
9430			4 462 824 543,00	4 462 824 543,00		
9810			159 199 423,87	159 199 423,87		
9910			18 613 680 895,86	18 613 680 895,86		
	30 131 220 230,73	30 131 053 310,73	302 404 155 596,78	302 404 322 516,78	49 428 989 059,04	49 428 989 059,04

#### 12.4. Бухгалтерия баланси тузилиши ва унинг таркиби

Бухгалтерия баланси бевосита корхона молиявий ҳолатини акс эттирувчи ҳисоботнинг асосий қисми ҳисобланади ва у қуйидаги элементлардан ташкил топади: активлар (узоқ муддатли ва жорий), мажбуриятлар, ўз маблағлари, ишлаб чиқариш заҳиралари, даромад ва харажатлар.

Активлар – корхона томонидан назорат қилинадиган ресурслар бўлиб, иқтисодий манфаатлар олиш мақсадида корхонанинг олдинги фаолияти натижасида ҳосил қилинган. Корхона активлари корхонанинг ўтган даврдаги фаолияти натижаси ҳисобланади. Корхона активларини сотиб олиш, ишлаб чиқариш ёки бошқа усуллар (масалан, давлат томонидан олинган кўчмас мулк) ёрдамида ҳосил қилинади. Корхона активларидан хусусий мулкни бошқариш, товар материал заҳираларини ишлаб чиқариш ва хизматлар бўйича фойдаланилади.

Активларда мужассамлашган иқтисодий манфаатлар корхона томонидан турли хил йўллар билан ўзлаштирилиши мумкин. Масалан, актив:

- 1) товар-моддий заҳираларини ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишга алоҳида ёки бошқа активлар билан боғлиқликда ишлатилиши мумкин;
- 2) бошқа активлар билан алмаштирилиши мумкин;
- 3) мажбуриятларни бажариш учун ишлатилиши мумкин;
- 4) корхона таъсисчилари ўртасида тақсимланиши мумкин.

Активлар масалан, бино ва иншоотлар ўз шаклига эга, аммо актив фақат натурал шаклда мавжуд бўлмайди. Патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари ҳам агарда улардан корхона келажакда иқтисодий манфаатга эришса актив ҳисобланади. Активларни аниқлашда эгалик ҳуқуқи асосий ҳисобланмайди. Масалан, ижарага олинган воситалар ҳам агар бу

воситалардан келадиган иқтисодий манфаатлар корхона назоратида бўлса активлар қаторида бўлиши мумкин.

Мажбуриятлар – бу корхонанинг бошқа бирор корхона ёки жисмоний шахс олдидаги мажбурий бурчидир. Мажбуриятнинг асосий шarti - бу корхонанинг бошқа субъектлар олдидаги жавобгарлиги ҳисобланади. Мажбурият шартнома ёки низом талабларидан келиб чиқади. Масалан, олинган товар-моддий қийматликлар учун тўланиши керак бўлган суммалар. Мажбурият одатда актив сифатида қабул қилинганда ёки активни олиш учун шартнома ҳосил бўлганда юзага келади. Мажбуриятларни сўндириш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- 1) тўлаш;
- 2) бошқа активларни бериш;
- 3) хизматлар кўрсатиш;
- 4) бу мажбуриятларни бошқалар зиммасига юклаш;
- 5) мажбуриятларни қимматли қоғозларга айирбошлаш.

Мажбуриятлар ҳақдор томон ўз ҳуқуқларидан воз кечганда ёки бу ҳуқуқлардан маҳрум бўлганда сўнган ҳисобланади.

Корхонанинг ўз маблағлари – бу активлардан мажбуриятларни чиқазиб ташлангандан сўнгги корхона активларидир. Корхонанинг ўз маблағлари устав, кўшилган, резерв, захирадаги капиталлар ва тақсимланмаган фойдадан иборат бўлади. Бухгалтерия балансида корхона ўз маблағларининг қиймати, активлар ва мажбуриятлар қийматини баҳолашга боғлиқ.

Заҳиралар – бу корхонанинг ўз маблағларининг бир қисми бўлиб, келажакда маълум бир харажатларга йўналтирилиши мумкин. Заҳираларни тузиш Низом ёки Қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилади. Бундан корхона зарар куўрган ҳолатда уларни кўшимча ҳимоя қилиш кўзда тутилади. Заҳираларнинг шаклланиши ва уларнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ҳисоботдан фойдаланувчилар учун маълум қарорлар қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Даромадлар – бу активларнинг кўпайиши ёки ҳисобот даврида мажбуриятларнинг камайишидир. Корхонанинг умумий даромади, асосий ва кўшимча фаолият турларидан олинган даромадларни ўз ичига олади. Асосий фаолият туридан олинган даромад бу товар – моддий заҳираларни сотиш, фоизлар ва дивидендлар олишдан, гонорар ва рентадан корхона асосий фаолият турига боғлиқ ҳолда олинган даромадлар бўлиши мумкин.

Асосий бўлмаган фаолият турига айланмада бўлмаган ва олдиндан сотиш мўлжалланмаган активларни беришдан, қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан ва бошқалардан олинган даромадлар кириши мумкин.

Харажатлар – бу активларнинг камайиши ёки ҳисобот даврида мажбуриятларнинг кўпайишидир. Харажатларни аниқлаш ўз ичига кохонани бошқариш товар–моддий заҳираларни ишлаб чиқиш ва уларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни ва зарарни олади.

Бухгалтерия баланси тузилгунига қадар таҳлилий ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳисобот даври охиридаги Бош дафтарнинг жамлама ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлар билан албатта солиштирилиши керак. 3-устунда ҳисобот даври бошидаги маълумотлар, яъни олдинги ҳисобот даври учун баланс 4-устунининг маълумотлари кўрсатилади. Бухгалтерия баланси шакли § 1.12 да келтирилган.

Балансда “Дастлабки (тиклаш) қиймат” моддаси (010-сатр) бўйича асосий воситалар ўз асосий воситалари (ишлаб турган ҳамда консервацияда бўлган) ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати бўйича кўрсатилиб, уларнинг ҳисоби асосий воситаларни ҳисобга олиш (0100) ва 0310 – “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар” ҳисобварақларида амалга оширилади.

Алоҳида “Эскириш суммаси” (011-сатр) моддаси бўйича ташкилот томонидан (0100) ва 0310 – “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар” ҳисобварақларида ҳисобга олинган асосий воситалар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси келтирилиб, уларнинг ҳисоби (0200) асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақларида амалга оширилади.

“Қолдиқ (баланс) қиймат” моддаси бўйича (012-сатр) 010-“Дастлабки (тиклаш) қиймат” ва 011-“Эскириш суммаси” сатрлари фарқи акс эттирилади.

Номоддий активлар балансда “Дастлабки қиймат” моддаси (020-сатр) бўйича табиий ресурслардан, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи, патентлар, лицензиялар, савдо белгилари, товар белгилари, саноат намуналарига бўлган ҳуқуқлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқлар сифатида номоддий активларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати бўйича кўрсатилиб, уларнинг ҳисоби (0400) номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида амалга оширилади.

Бу модда бўйича шунингдек ҳисобот даври учун қилинган ҳисобдан чиқаришлар чегирилган ҳолда гудвилл суммаси (фирма нархи) акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида гудвилл (фирма нархи) номоддий активининг суммасини ҳисобдан чиқариш алоҳида ҳисобварақда амортизацияни жамламасдан, бевосита 0480-“Гудвилл” ҳисобварағи сальдосини камайтиришга ёзилади.

Алоҳида “Амортизация суммаси” (021-сатр) моддаси бўйича ҳисоби номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0500) юритиладиган номоддий активлар бўйича ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси келтирилади.

“Қолдиқ (баланс) қиймат” моддаси бўйича (022-сатр) 020-“Дастлабки қиймат” ва 021-“Амортизация суммаси” сатрлари фарқи акс эттирилади.

“Узоқ муддатли инвестициялар, жами” моддаси бўйича (030-сатр) қимматли қоғозларга, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга қўйилган маблағлар суммаси ҳамда 040, 050,

060, 070, 080-сатрларда кўрсатилган бошқа узок муддатли инвестициялар кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар баланс активида уларнинг тўла харид қийматида кўрсатилиб, инвестор дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ушбу қўйилмалар бўйича тўла жавоб берадиган ҳолларда кредиторлар моддаси бўйича сўндирилмаган сумма баланс пассивида киритилади. Қолган ҳолларда харид қилинадиган қимматли қоғозлар ҳисобига киритилган суммалар баланс активида дебиторлар моддаси бўйича кўрсатилади.

“Қимматли қоғозлар” моддаси бўйича (040-сатр) облигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилган, шуъба ва қарам жамиятларнинг қимматли қоғозлари бундан мустасно 0610-“Қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган сумма кўрсатилади.

“Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар” моддаси бўйича (050-сатр) шуъба хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0620-“Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

“Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар” моддаси бўйича (060-сатр) тобе хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0630-“Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

“Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар” моддаси бўйича (070-сатр) хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг акциялари, облигациялари, устав сармоясига улушлари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0640-“Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

“Бошқа узок муддатли инвестициялар” моддаси бўйича (080-сатр) узок муддатли инвестицияларга қўйилган, юқорида саналган моддаларда ҳисобга олинмаган ва 0690-“Бошқа узок муддатли инвестициялар” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

“Ўрнатиладиган ускуна” моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби 0710-“Ўрнатиладиган ускуна – маҳаллий” ва 0720-“Ўрнатиладиган ускуна - импорт қилинган” ҳисобварақларида юритилadиган ўрнатиладиган усқунанинг ҳақиқий қиймат бўйича қиймати кўрсатилади.

“Капитал қўйилмалар” моддаси бўйича (100-сатр) хўжалик усулида ва пудрат усулида амалга ошириладиган тугалланмаган қурилишнинг қиймати, харид қилинган, фойдаланишга топширилмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг қиймати, асосий подани шакллантириш харажатлари, шунингдек ерни ободонлаштиришга, молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга ва ҳисоби капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0800) юритилadиган бошқа воситаларга қўйилмалар суммалари кўрсатилади.

“Узоқ муддатли дебиторлик қарзи” моддаси бўйича (110-сатр) олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми, молиявий ижара шартномаси бўйича топширилган асосий воситалар учун олинадиган тўловлар қолдиғи, ходимларнинг узоқ муддатли қарзи ва ҳисоби 0910-“Олинган векселлар”, 0920-“Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар”, 0930-“Ходимларнинг узоқ муддатли қарзи”, 0940-“Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзи” ҳисобварақларида юритиладиган бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари кўрсатилади.

“Узоқ муддатли муддати кўчирилган харажатлар” моддаси бўйича (120-сатр) вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган фойда солиғи, дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар ва ҳисоби 0950-“Вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган фойда солиғи”, 0960-“Дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар”, 0990-“Бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар” ҳисобварақларида юритиладиган бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

“I бўлим бўйича жами” моддаси бўйича (130-сатр) 012-сатрдан 120-сатргача бўлган суммалар кўрсатилади.

“Товар-моддий заҳиралар, жами” моддаси бўйича (140-сатр) 150, 160, 170, 180-сатрларда кўрсатилган ишлаб чиқариш заҳираларининг қолдиқлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси, тайёр маҳсулот ва товарлар кўрсатилади.

“Ишлаб чиқариш заҳиралари” моддаси бўйича (150-сатр) хом ашё заҳиралари, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идиш материаллари, инвентарь ва хўжалик анжомлари, қайтариладиган чиқиндилар ва 1000-“Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобварағида ҳисобга олинадиган бошқа моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича шунингдек ёш ҳайвонлар; бўрдоқига, яйловда боқилаётган катта ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар, қуёнлар; асалари уялари; сотиш учун асосий подадан чиқарилган (бўрдоқига боқиш учун қўйилмаган) катта моллар; аҳолидан сотиш учун қабул қилинган, парваришlash ва бўрдоқига боқиш учун ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (1100) ҳисобга олинадиган молларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади.

Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олиш (1500) ва материаллар қийматидаги тафовутларни ҳисобга олиш (1600) ҳисобварақларидан фойдаланилганда кўрсатилган бойликлар ушбу ҳисобварақларда “Ишлаб чиқариш заҳиралари” моддаси бўйича акс эттирилади.

“Тугалланмаган ишлаб чиқариш” моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби асосий ишлаб чиқариш (2000), ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар (2100), ёрдамчи ишлаб чиқаришлар (2300), хизмат кўрсатувчи хўжаликларни

(2700) ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритилмаган тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлар (хизматлар) бўйича харажатлар кўрсатилади.

“Тайёр маҳсулот” моддаси бўйича (170-сатр) ишлаб чиқариши тугалланган, синов ва қабул қилишдан ўтган, буюртмачилар билан шартнома шартларига кўра барча қисмлар билан бутланган ва техник шартлар ҳамда стандартларга мувофиқ бўлган буюмлар қолдигининг, кўрғазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссияга (консигнацияга) топширилган, тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2800) ҳисобга олинмаган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннари кўрсатилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот ва топширилмаган ишлар тугалланмаган деб ҳисобланади ва тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида кўрсатилади.

“Товарлар” моддаси бўйича (180-сатр) оморлардаги товарлар қолдиқларининг қиймати, товарларнинг чакана савдодаги қиймати, кўрғазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссияга (консигнацияга) топширилган товарларнинг қиймати, ижара буюмлари, товар идишлари ва бўш идишларнинг қиймати, йўлдаги товарлар, савдо устамасини чегирган ҳолда савдо ёки умумий оқатланишда ўз фаолиятини амалга оширадиган корхона харид қилган ва Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларида (2900) ҳисобга олинмаган бошқа товарлар кўрсатилади.

“Келгуси давр харажатлари” моддаси бўйича (190-сатр) бўлгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3100) акс этирилган, ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин у тааллуқли бўлган муддат давомида кейинги ҳисобот давларида молиявий-хўжалик фаолияти харажатларига киритилмаган харажатлар суммаси кўрсатилади. Бундай харажатларга оммавий ахборот воситалари нашрига обуна бўйича харажатлар, олдиндан тўланган ижара ҳақи ва ҳоказолар киради.

“Муддати ўтказиб юборилган харажатлар” моддаси бўйича (200-сатр) муддати ўтказиб юборилган фойда солиғининг вақт фарқлари бўйича жорий қисми, дисконт (нарддаги чегиришлар) бўйича муддати ўтказиб юборилган харажатлар ва муддати ўтказиб юборилган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3200) ҳисобга олинган бошқа муддати ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

“Дебиторлар, жами” моддаси бўйича (210-сатр) харидорлар ва буюртмачилар қарзлари суммасининг якуни сифатида жами дебиторлик қарзи, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи, мол етказиб берувчилар, пудратчилар, ходимларга берилган бўнақлар; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнақ тўловлари; муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи ва турли дебиторларнинг 220, 240, 250, 260, 270, 280, 290, 300, 310-сатрларда кўрсатилган қарзлари кўрсатилади.

211-сатрда маълумот учун дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

“Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи” моддаси бўйича (220-сатр) буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади, бунда шубҳали қарзлар бўйича резерв чегирилади.

“Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи” моддаси бўйича (230-сатр) ҳисоби 4110-“Ажратилган бўлинмалардан олинadиган ҳисобварақлар” ҳисобварағида юритилadиган ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)нинг жорий қарзи акс эттирилади. Мазкур модда бўйича ахборотлар маълумот учун келтирилади.

“Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи” моддаси бўйича (240-сатр) шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг ҳисоби 4120-“Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобварақлар” ҳисобварағида юритилadиган жорий қарзлари (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади. Шуъба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби 8-сон БҲМС “Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби”га кўра бош жамиятнинг молиявий ҳисоботида консолидацияланиши керак.

“Ходимларга берилган бўнақлар” моддаси бўйича (250-сатр) ходимларга меҳнат ҳақи бўйича, хизмат сафарларига, умумхўжалик харажатларига берилган бўнақлар суммаси ва бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа бўнақлар кўрсатилади. Ходимларга берилган бўнақлар ҳисоби ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4200) юритилади.

“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар” моддаси бўйича (260-сатр) қонун ҳужжатларига мувофиқ, муддати бир йилдан кам бўлган бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнақлар суммаси кўрсатилади. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар ҳисоби етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4300) юритилади.

“Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари” моддаси (270-сатр) бўйича бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари ҳамда ортиқча тўловлар кўрсатилади. Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари ҳисоби 4410 – “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (турларига кўра) бўйича бўнақ тўловлари” ҳисобварағида юритилади.

“Давлат мақсадли жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари” (280-сатр) моддаси бўйича ҳисоби давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларда (4500) юритилadиган давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади.

“Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи” моддаси бўйича (290-сатр) 4610-“Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи” ҳисобварағида ҳисобга олинadиган муассисларнинг устав сармоясига

улушлар бўйича қарзи кўрсатилади.

“Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи” моддаси бўйича (300-сатр) корхона ходимларининг кредитга сотилган товарлар, ходимларга берилган қарзлар, корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи ва ходимларнинг бошқа қарзлари кўрсатилади. Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзининг ҳисоби ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4700) юритилади.

“Бошқа дебиторларнинг қарзи” моддаси бўйича (310-сатр) турли дебиторларнинг юқорида кўрсатилган дебиторлар билан ҳисоб-китоблар моддаларида акс эттирилмаган қарзлари кўрсатилади, хусусан, олинадиган фоиз ва дивидендлар, молиявий ижара бўйича жорий тўловлар, оператив ижара бўйича тўловлар; роялти бўйича олишга доир ҳисобварақлар, қарздорлар эътироф этган ёки улар бўйича суд ёки бошқа органнинг уларни ундириш тўғрисида қарори олинган, молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилган жарималар, пеня ва неустойкалар, бошқа шахсларнинг ҳисоби турли дебиторларнинг қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4800) юритиладиган қарзи кўрсатилади.

“Пул маблағлари, жами” моддаси бўйича (320-сатр) касса, ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларидаги пул маблағлари суммаси, шунингдек 330, 340, 350, 360-сатрларда кўрсатилган бошқа пул маблағлари кўрсатилади. Баланснинг ушбу моддаларида акс эттирилган суммалар банк кўчирмаларига ва пул маблағларининг касса ҳисоботи бўйича қолдиқларига мос келиши керак.

“Кассадаги пул маблағлари” моддаси бўйича (330-сатр) ҳисобот даврининг охириги санасида корхона кассаларида бўлган, миллий валюта ва хорижий валютадаги пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Кассадаги пул маблағлари ҳисоби кассадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритилади (5000).

“Ҳисоб-китоб варағидаги пул маблағлари” моддаси бўйича (340-сатр) ҳисобот даврининг охириги санасида банклардаги ҳисоб-китоб варақларида бўлган, миллий валютада пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Ҳисоб-китоб варағида миллий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби 5110-“Ҳисоб-китоб варағи” ҳисобварағида юритилади.

“Хорижий валютадаги пул маблағлари” моддаси бўйича (350-сатр) корхона банклардаги валюта ҳисобварақларида бўлган, ҳисобот даврининг охириги санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада баҳоланган валюта маблағларининг қолдиғи кўрсатилади. Хорижий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби хорижий валютадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5200) юритилади.

“Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари” моддаси бўйича (360-сатр) корхонанинг банкда махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари (5500), пул эквивалентлари (5600), йўлдаги пул маблағлари (жўнатмалари)ни (5700) ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган пул маблағлари қолдиғи

кўрсатилади.

“Қисқа муддатли инвестициялар” моддаси бўйича (370-сатр) корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қисқа муддатли (12 ойдан ошмайдиган муддатга) инвестициялари, давлат ва маҳаллий заём облигациялари ва шу сингарилар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва ҳисоби қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5800) юритиладиган бошқа жорий инвестициялар кўрсатилади.

“Бошқа жорий активлар” моддаси бўйича (380-сатр) мазкур ҳисобот даврида инвентаризация чоғида аниқланган, улар бўйича айбдор шахслар топилмаган камомадлар, ўғирликлар ва бойликларни шикастлашдан талафотлар суммаси ҳамда юқорида келтирилган бўлим моддаларида назарда тутилмаган, бироқ корхона мулки ҳисобланган бошқа жорий активлар кўрсатилади, улар ҳисоби 5910-“Камомадлар ва бойликлар шикастланишидан талафотлар” ва 5920-“Бошқа жорий активлар” ҳисобварақларида юритилади.

“II бўлим бўйича жами” моддаси бўйича (390-сатр) 140, 190, 200, 210, 320, 370, 380-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

“Баланс активи бўйича жами” моддаси бўйича (400-сатр) сатрларни қўшиш йўли билан олинган активнинг якуний суммаси кўрсатилади 130-сатр + 390-сатр.

“Устав сармояси” моддаси бўйича (410-сатр) устав сармоясининг таъсис ҳужжатларида корхона муассислари улушлари (ҳиссалари, номинал қиймат бўйича акциялари, пай бадаллари)нинг жами сифатида рўйхатга олинган миқдори кўрсатилади. Устав сармоясининг ҳисоби устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) юритилади.

“Қўшилган сармоя” моддаси бўйича (420-сатр) акцияларни номинал қийматдан юқори нархларда бирламчи сотиш чоғида олинган эмиссион даромад суммаси, корхонанинг устав сармоясини шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси билан маблағларни устав сармоясига ҳақиқатда киритиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курслари ўртасида юзага келадиган курслардаги фарқ суммаси кўрсатилади, уларнинг ҳисоби қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) юритилади.

“Заҳира сармоя” моддаси бўйича (430-сатр) корхона уставига кўра фойда ҳисобига, мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляцион заҳиралар, текинга олинган мол-мулк ҳисобига ташкил этилган, ҳисоби заҳира сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) юритиладиган заҳиралар суммаси кўрсатилади.

Мазкур модда бўйича имтиёзли давр тугаганидан кейин 8840-“Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари” ҳисобварағидан 8530-“Текинга олинган мол-мулк” ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқариладиган, солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшайдиган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан

божхона тўловларини, бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ имтиёзлари суммалари ҳам акс эттирилади.

“Сотиб олинган ўз акциялари” моддаси бўйича (440-сатр) корхонада бўлган, уларни кейинчалик тарқатиш ёки йўқ қилиш (бекор қилиш) учун сотиб олинган ўз акциялари, ҳиссалари ва пайларининг қиймати кўрсатилади. Сотиб олинган ўз акциялари, ҳиссалари ва пайлари сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) ҳисобга олинади.

“Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)” моддаси бўйича (450-сатр) ҳисоби тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700) юритиладиган ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари) акс эттирилади.

Агар корхона зарар олган бўлса, ҳисобот даврининг охирида ушбу зарар ушбу модда бўйича “минус” белгиси билан кўрсатилади.

“Мақсадли тушумлар” моддаси бўйича (460-сатр) олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари суммалари ва мақсадли тушумларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8800) ҳисобга олинган, мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

“Бўлғуси харажатлар ва тўловлар заҳиралари” моддаси бўйича (470-сатр) корхона томонидан бўлғуси харажатлар ва тўловлар учун харажатларда бир текисда тақсимлаш мақсадида заҳира қилинган маблағлар кўрсатилади.

“I бўлим бўйича жами” моддаси бўйича (480-сатр) қуйидаги натижа кўрсатилади: 410-сатрдан 470-сатргача бўлган суммалар жами.

“Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами” моддаси бўйича (490-сатр) корхонанинг 500, 520, 530, 540, 550, 560, 570, 580, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли мажбуриятлари (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) кўрсатилади.

491-сатрда маълумот учун корхонанинг 500, 520, 540, 560, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари суммаси кўрсатилади.

“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан узоқ муддатли қарз” моддаси бўйича (500-сатр) ҳисоби 7010-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар” ва 7020-“Берилган векселлар” ҳисобварақларида юритиладиган, олинган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

“Ажратилган бўлинмалардан узоқ муддатли қарз” моддаси бўйича (510-сатр) ҳисоби 7110-“Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз” ҳисобварағида юритиладиган ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)га узоқ муддатли мажбуриятлар акс эттирилади. Мазкур модда бўйича ахборотлар маълумот учун келтирилади.

“Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарз” моддаси бўйича (520-сатр) ҳисоби 7120-“Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ

муддатли қарз” ҳисобида юритиладиган шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

“Муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар” моддаси бўйича (530-сатр) ҳисоби 7210-“Дисконт (нардан чегирмалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар”, 7220-“Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар”, 7230-“Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли даромадлар” ҳисобварақларида юритиладиган, корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

“Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли муддати кечиктирилган мажбуриятлар” моддаси (540-сатр) бўйича ташкилотларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилиб, уларнинг ҳисоби 7240 – “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли муддати кечиктирилган мажбуриятлар” ҳисобварағида амалга оширилади.

“Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар” моддаси бўйича (550-сатр) ҳисоби 7250-“Вақт фарқлари бўйича фойда солиғига доир муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар”, 7290-“Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар” ҳисобварақларида юритиладиган, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

“Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” моддаси бўйича (560-сатр) 7310-“Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган, бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнақлар кўринишида чет ташкилотлардан олинган узоқ муддатли қарзлар суммаси кўрсатилади.

“Узоқ муддатли банк кредитлари” моддаси бўйича (570-сатр) 7810-“Узоқ муддатли банк кредитлари” ҳисобварағида ҳисобга олинган, олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича банклардан қарз суммалари кўрсатилади.

“Узоқ муддатли қарз (заём)лар” моддаси бўйича (580-сатр) 7820-“Узоқ муддатли қарзлар”, 7830-“Тўлашга доир облигациялар”, 7840-“Тўлашга доир векселлар” ҳисобварақларида ҳисобга олинган, бошқа корхоналар ва муассасалардан узоқ муддатли қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

“Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари” моддаси бўйича (590-сатр) турли кредиторлардан узоқ муддатли қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (7900) ҳисобга олинган, корхонанинг ижарага берувчи (лизинг берувчи), ходимлар, турли жисмоний ва юридик шахслар олдида турли хил нотижорат операциялар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммалари, суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари асосида турли ташкилотлар ва айрим шахслар фойдасига корхона ходимларининг иш ҳақидан ушланган суммалар кўрсатилади.

“Жорий мажбуриятлар, жами” моддаси бўйича (600-сатр) 610, 630, 640,

650, 660, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 730, 740, 750, 760-сатрларда кўрсатилган корхона жорий мажбуриятларининг (бир йилдан кам бўлган муддатли) суммаси акс эттирилади.

601-сатрда маълумот учун 610, 630, 650, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 760-сатрда кўрсатилган корхона жорий кредиторлик қарзларининг суммаси кўрсатилади.

602-сатрда маълумот учун корхона жорий кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарз” моддаси бўйича (610-сатр) ҳисоби 6010-“Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар” ва 6020-“Берилган векселлар” ҳисобварақларида юритиладиган олинган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ҳамда пудратчиларга жорий мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

“Ажратилган бўлинмалардан қарз” моддаси бўйича (620-сатр) ҳисоби 6110-“Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағида юритиладиган, ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)га жорий мажбуриятлар акс эттирилади. Мазкур модда бўйича ахборотлар маълумот учун келтирилади.

“Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан қарз” моддаси бўйича (630-сатр) ҳисоби 6120-“Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобварақлар” ҳисобварағида юритиладиган, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан жорий қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

“Муддати ўтказиб юборилган даромадлар” моддаси бўйича (640-сатр) ҳисоби 6210-“Дисконтлар (нархдан чегиришлар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган даромадлар”, 6220-“Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган даромадлар”, 6230-“Бошқа кечиктирилган даромадлар” ҳисобварақларида юритиладиган, муддати ўтказиб юборилган даромад бўйича корхоналар мажбуриятларининг суммаси кўрсатилади.

“Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар” моддаси (650-сатр) бўйича ташкилотларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммасининг жорий қисми кўрсатилиб, уларнинг ҳисоби 6240 – “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар” ҳисобварағида амалга оширилади.

“Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар” моддаси бўйича (660-сатр) ҳисоби 6250-“Вақт фарқлари бўйича фойда солиғига доир муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар”, 6290-“Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар” ҳисобварақларида юритиладиган, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

“Олинган бўнақлар” моддаси бўйича (670-сатр) чет ташкилотлардан бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнақлар кўринишида олинган, олинган

бўнақларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (6300) ҳисобга олинган қарз суммаси кўрсатилади.

“Бюджетга тўловлар бўйича қарз” моддаси бўйича (680-сатр) 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарз ҳисобварағида ҳисобга олинган, бюджетга тўловларнинг барча турлари, жумладан жисмоний шахслар даромад солиғи суммаси бўйича корхонанинг қарзи кўрсатилади.

“Суғурта бўйича қарз” моддаси бўйича (690-сатр) корхона суғурталанувчи ҳисобланган ва ҳисоби 6510-“Суғурта бўйича тўловлар” ҳисобварақларида юритилган суғурта бўйича тўловларга доир қарз кўрсатилади.

“Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз” моддаси бўйича (700-сатр) ҳисоби 6520-“Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар” ва 6530-“Шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларга тўловлар” ҳисобварақларда юритилган, корхонанинг давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи кўрсатилади.

“Муассислардан қарз” моддаси бўйича (710-сатр) ҳисоби 6610-“Тўлашга доир дивидендлар”, 6620-“Чиқиб кетаётган муассислардан уларнинг ҳиссаси бўйича қарз” ҳисобварақларида амалга оширилган, корхонанинг муассислар олдида дивидендлар ва чиқиб кетаётган муассислар олдида уларнинг ҳиссаси бўйича мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

“Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз” моддаси бўйича (720-сатр) 6710-“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар”, 6720-“Депонентга қўйилган иш ҳақи” ҳисобварақларида ҳисобга олинган, ҳисоблаб ёзилган, лекин ҳали тўланмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, мукофотлар, нафақалар ва ҳоказолар кўрсатилади.

“Қисқа муддатли банк кредитлари” моддаси бўйича (730-сатр) ҳисоби 6810-“Қисқа муддатли банк кредитлари” ҳисобварағида юритилган, олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарз суммалари кўрсатилади.

“Қисқа муддатли қарзлар” моддаси бўйича (740-сатр) ҳисоби 6820-“Қисқа муддатли қарзлар”, 6830-“Тўлашга доир облигациялар”, 6840-“Тўлашга доир векселлар” ҳисобварақларида юритилган, бошқа корхоналар ва шахслардан олинган қарзлар (заёмлар) бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

“Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми” моддаси бўйича (750-сатр) ҳисоби 6950-“Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисм” ҳисобварағида юритилган, корхона узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми суммалари кўрсатилади.

“Бошқа кредиторлик қарзлари” моддаси бўйича (760-сатр) ҳисоби 6910-“Тўлашга доир оператив ижара”, 6920-“Ҳисоблаб ёзилган фоизлар”, 6930-“Роялти бўйича қарз”, 6940-“Кафолатлар бўйича қарз”, 6960-“Даъволар бўйича тўлашга доир ҳисобварақлар”, 6970-“Ҳисобдор шахслардан қарз” ва 6990-“Бошқа мажбуриятлар” ҳисобварақларида юритилган, корхонанинг турли кредиторлари билан операциялар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

“II бўлим бўйича жами” моддаси бўйича (770-сатр) 490 ва 600-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

Баланс пассиви бўйича жами моддаси бўйича (780-сатр) 480 ва 770-сатрлар бўйича суммалар натижаси сифатида олинган пассивнинг якуний суммаси кўрсатилади.

“Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинган бойликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома” 790-920-сатрларда корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча фойдаланадиган ёки унинг тасарруфида бўлган бойликлар (оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар, масъулиятли сақлашдаги, қайта ишланаётган ва ҳоказо моддий бойликлар), шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мавжудлиги тўғрисидаги, шунингдек корхонанинг балансдан ташқари ҳисобварақларида ҳисобга олинган айрим хўжалик операцияларини назорат қилиш учун ахборот кўрсатилади.

## **12.5. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот**

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2–шакл) молиявий ҳисоботларининг ичида муҳимларидан биридир.

Молиявий натижалар – бу корхона иқтисодий фаолиятининг фоида ва зарар кўринишидаги якуний натижасидир. Бунда даромадлар ва харажатлар фаолият турини чегаралаш йўли билан кўрсатилиши мумкин. Масалан, амалиётда асосан корхонанинг асосий фаолият туридан келиб чиққан даромад ва харажатлар билан фавқулодда ҳолатлар натижасида ҳосил бўлган даромадлар ва харажатларни чегаралаш қўлланилади. Даромадлар ва харажатлар моддаларини чегаралаш ва унинг турли хил комбинациялари корхона фаолият натижасини кўриш имконини беради. Масалан, солиқ тўлагунга қадар ва ундан кейинги солиқ харажатлари ва соф фойда.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот моддаларида ҳисобга олинган даромад ва харажатлар ва улар қайси маълумотлар асосида тўлдирилишини кўриб чиқамиз.

“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, транспорт воситаларига олинган солиқ) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комиссия ҳақлар суммасини акс эттирадилар.

“Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи”

моддаси бўйича (020-сатр) сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархининг суммаси кўрсатилади.

Савдо корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттирадилар.

“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)” (030-сатр) маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр-020-сатр) сифатида аниқланади.

“Давр харажатлари, жами” моддаси бўйича (040-сатр) 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Реализация харажатлари” моддаси бўйича (050-сатр) ҳисоби 9410-“Реализация харажатлари” ҳисобварағида юритиладиган: маҳсулотни реализация қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

“Маъмурий харажатлар” моддаси бўйича (060-сатр) ҳисоби 9420-“Маъмурий харажатлар” ҳисобварағида юритиладиган: корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

“Бошқа операцион харажатлар” моддаси бўйича (070-сатр) ҳисоби 9430-“Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағида юритиладиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк, қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

“Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари” моддаси (080-сатр) бўйича ЎзР Солиқ кодексининг 333-336-моддаларига кўра келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади ва 9440 – “Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади (Адлия вазирлиги 30.05.2017 й. 1181-3-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги буйруғига мувофиқ 9440 ҳисобварақ чиқариб ташланган). Ҳозирги пайтда бу моддани тўлдиришда корхоналар

аналитик ҳисобварақлар маълумотларидан фойдаланадилар.

“Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9300) юритиладиган: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарима ва пенялар, ўтган йиллар фойдаси, оператив ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операциялар даромадлар кўрсатилади.

“Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (100-сатр) корхона асосий фаолиятнинг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090-сатр) қўшиш йўли билан аниқланади.

“Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами” моддаси бўйича (110-сатр) 120, 130, 140, 150, 160-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Дивидендлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9520-“Дивидендлар кўринишида даромадлар” ҳисобварағида юритиладиган: ЎЗР ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгаллигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

“Фоизлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби 9530-“Фоизлар кўринишида даромадлар” ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни молиявий ижарага бериш ҳисобланмаган ташкилотлар “Молиявий ижарадан даромадлар” моддаси (140-сатр) бўйича мол-мулкни молиявий ижарага беришдан олган даромадларини акс эттиридилар, уларнинг ҳисоби 9550 – “Молиявий ижарадан даромадлар” ҳисобварағида юритилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” моддаси бўйича (150-сатр) ҳисоби 9540-“Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” ҳисобварағида юритиладиган, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

“Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби 9510-“Роялти кўринишида даромадлар”, 9560-“Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”. 9590-“Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” ҳисобварақларида юритиладиган: қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

“Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами” моддаси бўйича (170-

сатр) 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Фоизлар кўринишида харажатлар” моддаси бўйича (180-сатр) ҳисоби 9610-“Фоизлар кўринишида харажатлар” ҳисобварағида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

“Молиявий ижара бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар” моддаси (190-сатр) бўйича молиявий ижара бўйича фоизларни тўлашга харажатлар акс эттирилиб, уларнинг ҳисоби 9610 – “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” ҳисобварағида юритилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” моддаси бўйича (200-сатр) ҳисоби 9620-“Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

117. “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” моддаси бўйича (210-сатр) ҳисоби 9630-“Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари” ва 9690-“Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

“Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (220-сатр) корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) кўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) айириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади.

“Фавқулодда фойда ва зарарлар” моддаси бўйича (230-сатр) фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади, “Даромадлар (фойда)” устуниси 9710-“Фавқулодда фойдалар” ҳисобварағининг маълумотлари, “Харажатлар (зарарлар)” устуниси эса 9720-“Фавқулодда зарарлар” ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

“Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)” моддаси (240-сатр) бўйича +/- белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни кўшиш натижалари акс эттирилади.

“Фойда солиғи” моддаси (250-сатр) бўйича ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, 9810 – “Фойда солиғи бўйича харажатлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган фойда солиғи суммаси кўрсатилади.

“Бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар” моддаси (260-сатр) бўйича йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилот фойдаси ҳисобидан тўланаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик

фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасини акс эттирадilar.

“Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)” моддаси бўйича (270-сатр) ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади, у 240-250-260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган.

“Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома”да (280-470-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган солиқлар ва тўловлар турлари бўйича бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотномада 440-сатр бўйича корхоналар томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган бюджетга тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади. Мазкур маълумотноманинг 480-сатрида корхоналар томонидан ҳисобот даври учун бюджетга солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг ҳисобланган ва тўланган жами суммаси кўрсатилади.

Агарда корхоналарда ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар бўйича қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий фарқ мавжуд бўлса, “Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади” устуни бўйича 310-сатрда ушбу манфий фарқ суммаси “минус” белги билан кўрсатилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)нинг тузулиши куйидаги кўринишга эга.

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан		Ҳисобот даври учун	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	4 298 211	X	17 565 653	X
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	020	X	2 854 616	X	11 860 893
<b>Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)</b>	<b>030</b>	<b>1 443 595</b>	<b>X</b>	<b>5 704 760</b>	<b>X</b>
<b>Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:</b>	<b>040</b>	<b>X</b>	<b>1 730 427</b>	<b>X</b>	<b>6 523 294</b>
Сотиш харажатлари	050	X	63 983	X	827 354
Маъмурий харажатлар	060	X	400 358	X	1 233 116
Бошқа операцион харажатлар	070	X	1 266 086	X	4 462 824
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080	X	-	X	-

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	302 241	X	1 048 027	X
<b>Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)</b>	<b>100</b>	<b>15 409</b>	-	<b>229 493</b>	-
<b>Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:</b>	<b>110</b>	-	-	-	-
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		X	-	X
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	-	X	-	X
Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар	140	-	X	-	X
Валюта курси фарқидан даромадлар	150	-	X	-	X
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160	-	X	-	X
<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:</b>	<b>170</b>	<b>X</b>	<b>278</b>	<b>X</b>	-
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	X		X	-
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	X	-	X	-
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	X	278	X	-
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	X	-	X	-
<b>Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)</b>	<b>220</b>	<b>15 131</b>		<b>229 493</b>	
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230	-	-	-	-
<b>Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)</b>	<b>240</b>	<b>15 131</b>	-	<b>229 493</b>	-
Даромад (фойда) солиғи	250	X	13 514	X	159 199
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260	X	129	X	
<b>ҲИСОБОТ ДАВРИНИНГ СОФ ФОЙДАСИ (ЗАРАРИ) (сатр.240-250-260)</b>	<b>270</b>	<b>1 488</b>	-	<b>70 294</b>	-

### БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ТЎГРИСИДА МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тўлангани
-------------------	--------------	--	--

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	280	159 199	142 837
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	290	1 016 099	1 017 540
шу жумладан: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар	291	154 092	141 701
Кўшилган қиймат солиғи	310	2 995 135	3 117 864
Акциз солиғи	320		
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	330		
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	340	1 708	1 124
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	350	10 038	28 997
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	360	74 296	75 048
Ягона солиқ тўлови	370		
Ягона ер солиғи	380		
Катъий белгиланган солиқ	390		
Бошқа солиқлар	400	2 233 741	2 233 741
Автотранспорт йиғимлари	410		
Ягона ижтимоий тўлов	440	1 276 898	1 279 945
Импорт бўйича божхона божи	450		
Маҳаллий бюджетга йиғимлар	460		
Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар	470		
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470 сатргача 291 сатрдан ташқари)	480	7 767 114	7 897 098

## 12.6. Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва уни тўлдириш

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назаридан корхонанинг молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар акс эттирилади. Операцион, инвестицион ва молиявий фаолият боришида пул маблағларининг ҳаракати ҳисобот даврининг боши ва охирида пул маблағларининг қолдиқлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини берадиган тарзда акс эттирилади.

*Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот* субъектнинг операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятининг ўз пул маблағларига маълум

ҳисобот даври ичида таъсирини акс эттиради, шу давр ичида пул маблағларининг ўзгаришини тушунтиради.

*Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот* (4-шақл) 9-сон БҲМС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот” асосида тузилади. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотни қўллаш қуйидагиларни аниқлашга ёрдам беради:

\* ташкилотнинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини топа олиш қобилиятини ва ташкилотнинг шу каби пул оқимларини ишлатишга эҳтиёжини аниқлаш;

\* ташкилотнинг соф активларидаги ўзгаришлар, унинг молиявий тузилишини (унинг ликвидлигини ва тўлов қобилияти билан бирга) ва унинг ўзгариб турган шароит ва имкониятларга мослашиш учун ўз вақтида пул миқдорига ва пул оқимларига таъсир этиш қобилиятини аниқлаш;

\* ҳар хил ташкилотларнинг операцион фаолиятларини таққослаш, чунки бу айни операцион ва хўжалик фаолиятининг ҳодисалари учун ҳар хил ҳисоблаш усулларини қўлланишни инкор этади.

***Пул оқимларини таснифлаш.*** Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот даври давомидаги пул оқимлари акс эттирилади ва улар қуйидаги шаклларга таснифланади:

- операцион фаолияти;
- инвестицион фаолияти;
- молиявий фаолият;

***Операцион фаолияти.*** Операцион фаолиятдан пул оқимларининг ҳажми ташкилотнинг ссудаларни тўлаш учун етарли пул маблағларини йиғиш, ишлаб чиқариш даражасини сақлаш, дивидендларни тўлаш ва ташқи молиялаштириш манбаларни жалб қилмай янги капитал қўйилмаларни амалга ошириш ишларини қила олишининг асосий кўрсаткичидир. Операцион фаолиятдан пул оқимлари биринчи навбатда, асосий фаолиятдан даромад олишнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Операцион фаолият жараёнида содир бўлган пул маблағларининг ҳаракатларига мисол бўлиб, қуйидагилар хизмат қилиши мумкин:

<b>Пул маблағларининг оқиб келиши</b>	<b>Пул маблағларининг оқиб кетиши</b>
Маҳсулот, товар ва хизматни сотишдан	Товар ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўловлар
Роялтилардан (патентни, муаллифлик ҳуқуқи қўлланилганлиги ва бошқалар учун), ҳар-хил характердаги мукофотлардан, фоиз даромадидан, комиссия йиғимлардан ва бошқа даромадлардан	Корхона ходимларига пул тўловлари, операцион харажатлари
Товар-моддий заҳираларининг қисқариши	Товар-моддий заҳираларини кўпайиши
Савдо ва воситачилик мақсадларида тузиладиган битимлар бўйича пулларнинг келиб тушиши	Тўланган фоизлар
Жорий мажбуриятларининг кўпайиши, жумладан инвестицион ва молиявий фаолиятга кирмайдиган даромад солиғи бўйича	Жорий мажбуриятларининг камайиши, жумладан инвестицион ва молиявий фаолиятга кирмайдиган даромадга

	солиғи бўйича
Пулсиз харажатлар: а) асосий маблағларининг ва номоддий активларининг амортизацияси, табиий ресурсларининг камайиши б) қарз қимматли қоғозлари бўйича чегирмаларининг амортизацияси	Пулсиз муомалалари: а) қарз қимматли қоғозлари бўйича устаманинг амортизацияси

**Инвестицион фаолият** – бу пул эквивалентларига кирмайдиган узок муддатли активларни ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш, тўланадиган кредитларнинг берилиши ва олиниши. Инвестицион фаолият натижасида содир бўладиган пул маблағларининг ҳаракатларига қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:

Пул маблағларининг оқими	Пул маблағларининг чиқиб кетиши
Ер, бинолар, жиҳозларнинг, номоддий ва бошқа узок муддатли активларнинг сотишдан тушумлар	Ерни, биноларни, жиҳозларни, номоддий (масалан, патентларни) ва бошқа узок муддатли активларни сотиб олиш тўловлари, тажриба-конструкторлик ишлари, ҳамда ер билан боғлиқ капитал харажатлар тўловлари, пудратчиларни жалб қилмасдан корхона томонидан яратилган бино ва жиҳозлар
Бошқа ташкилотларнинг акцияларини ёки бошқа қарз мажбуриятларини чиқиб кетишидан, сотилишидан киримлар (пул маблағларининг эквивалентлари деб ҳисобланган ёки сотув учун сақланган мажбуриятлар учун бўладиган тўловлардан ташқари)	Бошқа корхоналарнинг акцияларига ёки қарз мажбуриятларига қўйилмалар. Устав капиталда иштирок этиш улушига бадаллар (пул маблағларининг эквивалентлари ҳисобланадиган ёки сотиш учун сақланаётган тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлардан ташқари)
Бошқа корхоналарга берилган бўнақларнинг қайтарилиши ва қарзларнинг тўланишидан киримлар (операцион фаолият бўлган, фоиз даромадидан бошқа)	Бошқа корхоналарга берилган бўнақ тўловлари ва қарзлар
Фьючерс, форвард, опцион ва своп-битимлари бўйича киримлар, дилер ва савдо мақсадлари учун бўлган контрактлар ёки контрактлар молиявий фаолият сифатида туркумланганларидан ташқари.	Фьючерс, форвард, опцион ва своп-битимлари бўйича чиқимлар, дилер ва савдо мақсадлари учун бўлган контрактлар ёки контрактлар молиявий фаолият сифатида туркумланганларидан ташқари.

**Молиявий фаолият** - бу фаолият натижасида ташкилотнинг хусусий капиталининг ва қарзларининг ҳажмида ва тузилишида ўзгаришлар содир бўлади. Қуйидагилар молиявий фаолиятдаги пул оқимларига мисол бўлади:

Пул маблағларининг оқими	Пул маблағларининг чиқиб кетиши
Акцияларнинг чиқаришдан келган пул маблағлари	Сотиб олинган хусусий акциялар учун тўловлар
Қарз маблағларидан келган тушум (чиқарилган векселлар, облигациялар, гаровлар ва бошқа қисқа ва узок муддатли қарзлар)	Қарзларнинг тўланиши (операцион фаолиятнинг қарзлар бўйича фоизлардан ташқари)
	Акционерларга дивидендларнинг тўланиши ва капиталнинг бошқа турда тақсимланиши

**Инвестицион ва молиявий фаолият билан боғлиқ пулсиз муомалалар.** Фақат асосий воситаларга, узоқ муддатли кредитларга ёки акционерлик капиталига тегишли бўлган инвестицион ва молиявий характердаги пулсиз муомалаларга узоқ муддатли кредитлар ҳисобига асосий воситаларни сотиб олиш, кредиторлик қарзнинг кредиторларга қўшимча акцияларни бериш ва чиқариш орқали тўлаш ва бошқалар киради. Масалан, компания ер ёки бинони олиш учун узоқ муддатли гаровни ёзиб бериши мумкин ёки узоқ муддатли облигацияларни оддий акцияларга айлантириши мумкин. Бу муомалалар оддий инвестицион ва молиявий фаолиятни акс эттиради, аммо улар пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмаслиги мумкин, чунки улар компаниянинг пул маблағларига таъсир қилмайдилар. Аммо, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсадларидан бири - инвестицион ва молиявий фаолиятни акс эттириш бўлганлиги учун ва бу қаби муомалалар компаниянинг пул маблағларининг ҳолатига келгусида таъсир кўрсатгани учун, бу муомалалар пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилиши керак, бунинг учун ҳисоботга “Инвестицион ва молиявий характердаги пулсиз муомалаларнинг рўйхати” деб номланган махсус бўлими киритилган.

**Операцион фаолиятдан пул маблағларининг ҳаракати.** Операцион фаолиятдан пул оқимлари “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда” куйидагиларни қўллаш билан акс этирилиши мумкин:

а) *тўғри усул*, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботининг ҳар бир моддасини ўзгартиришни кўзда тутаяди. Тўғри усул келгусидаги пул оқимларини аниқлашда керак бўлиши мумкин бўлган ахборот билан таъминлайди;

б) *эгри усул*, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳар бир моддасини ўзгартиришни талаб этмайди. Эгри усул қўлланилганда, операцион фаолият натижасида вужудга келадиган, шунингдек инвестицион ва молиявий фаолиятдан пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар моддалари, пулсиз муомалалар, ҳар қандай муддатни узайтиришлар, ўтган ва келгуси ҳисобот даврлари учун киримлар ва чиқимлар ёрдамидаги таъсирни акс эттириш учун соф фойда ва зарар миқдори бутунлай тузатилади.

*Тўғри усул.* Тўғри усул қўлланилганида, асосий ялпи тушум ва пул маблағларининг ялпи тўлови тўғрисидаги маълумот куйидагилардан олиниши мумкин:

1) ҳисоб регистрларидан;

2) сотишдан олинган даромадни, сотишнинг таннари ва куйидагилар ҳисобга олинган ҳолда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг бошқа моддаларини тузатиш орқали:

а) ҳисобот даври давомида ТМЗдаги, дебиторлик ва кредиторлик қарзлардаги ўзгаришлар;

б) пулсиз моддалар;

в) натижалари пул маблағларининг ҳаракатига таъсири кўпроқ инвестицион ва молиявий фаолиятга тегишли бўлган бошқа моддаларни (берилган ёки олинган кредитлар бўйича фоизлар ва бошқалар).

*Эгри усул.* Эгри усул қўлланилганда, операцион фаолият натижасида пул маблағларининг ҳаракати, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда соф фойда ёки зарарни тузатиш орқали аниқланади:

1) ҳисобот даврида содир бўлган операцион фаолиятдан дебиторлик ва кредиторлик қарзларда товар моддий бойликларда ўзгаришларни;

2) эскириш, захиралар, муддати узайтирилган солиқлар, чет эл валютасининг миллий валютага алмаштиришдаги сотилмай қолган тушумлар ва зарарлар, уюшган компанияларда тақсимланмаган фойда ва акцияларнинг баъзи пакетлари каби пулсиз моддаларни;

3) натижалари пул оқимларига таъсир этадиган инвестицион ва молиявий фаолиятга тегишли бошқа барча моддаларни (асосий воситаларнинг сотишдан тушумлар, зарарлар ва бошқалар).

Тўғри ва эгри усулларининг қўлланилиши бир натижага олиб келади ва молиявий ҳисоботининг халқаро стандарти бўйича Қумита икки усулни ҳам тан олади, аммо тўғри усулни қўлланишни тавсия қилади. Тўғри ва эгри усулларнинг қўлланиш билан тузилган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлари орасидаги фарқ, фақат операцион фаолият натижасидаги пул оқимларини акс эттирган бўлимида ўз аксини топади.

***Инвестицион ва молиявий фаолиятдан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот.*** Субъектлар пул оқимлари нетто-асосида (субъектнинг пул маблағларининг тушум ва тўлови орасидаги фарқ) акс эттирилган ходисалардан ташқари, инвестицион ва молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган асосий ялпи тушумлар ва пул маблағларининг ялпи тўловлари бўйича алоҳида ҳисобот берадилар.

***Пул маблағларининг чет эл валютасидаги ҳаракати.*** Чет эл валютаси муомалаларидан келиб чиқадиган пул оқимлари муомала амалга оширилган санада ЎЗР МБ курси бўйича миллий валютада кўрсатилиши керак. Чет эл корхона шубҳасининг пул оқимлари ҳаракати муомала амалга оширилган санада ЎЗР МБ курси бўйича миллий валютага алмаштирилиши керак. Валюталарнинг курси ўзгаришлардан келиб чиқадиган реализация қилинмаган фойда ва зарарлар пул оқимларига кирмайди.

***Фавқулоддаги моддалар билан боғлиқ бўлган пул оқимларининг ҳаракати.*** Фавқулодда моддалар билан боғлиқ бўлган пул оқимлари, моддаларнинг тавсифига кўра операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятдан вужудга келадиган пул оқимлари сифатида таснифланади. Фавқулоддаги моддаларни тушунтириш ва уларни ҳозирги ва келажакдаги пул оқимлари ҳаракатига таъсирини аниқлаш учун, фавқулоддаги моддалар билан боғлиқ пул оқимлар “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда” операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятлар бўлимида алоҳида кўрсатилади.

**Фоизлар ва дивидендларни тўлаш ва олиш билан боғлиқ пул оқимлари.** Фоизлар ва дивидендлар тўлаш ва олиш билан боғлиқ бўлган пул маблағларининг ҳаракати алоҳида очиб берилади. Улар субъектнинг хўжалик фаолияти турига бир ҳисобот давридан кейингисига бир маромда операцион, инвестицион ёки молиявий фаолият каби таснифланади. Ҳисобот даври давомида тўланадиган фоизларнинг умумий суммаси уларни харажат сифатида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олиниши ёки олинмаслигига қарамасдан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда очиб берилади. Молиявий муассасаларда тўланадиган фоизлар ва олинадиган фоизлар, ҳамда дивидендлар пул маблағларининг ҳаракати сифатида таснифланади.

Бошқа корхоналар учун эса тўланадиган фоизлар ва олинадиган фоизлар ҳамда дивидендларни операцион фаолиятдан пул оқимлари сифатида таснифлаш мумкин, чунки улар соф фойда ёки зарарни аниқлашда иштирок этадилар. Лекин улар молиявий ва инвестицион фаолиятдан пул оқимлари сифатида ҳам таснифланиши мумкин. Бунга сабаб, улар олинган молиявий ресурслар учун тўлов ёки инвестициялардан даромад ҳисобланади.

**Шуъбалар ва бошқа компанияларни сотиш ва сотиб олиш.** Шуъбаларни ва бошқа компанияларни сотиш ва сотиб олишдан вужудга келган пул оқимлари инвестицион фаолият каби таснифланадилар ва алоҳида очиб берилади.

Куйида 4-шаклнинг ҳар бир моддасида нима кўрсатилиши ва қайси манбадан тўлдиришини кўрсатамиз. “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан пул тушумлари” моддаси бўйича (010-сатр) ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун корхонанинг банк ҳисобварақлари ва кассасига келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

“Маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул тўловлари” моддаси бўйича (020-сатр) маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади, бундан узоқ муддатли активларни харид қилиш учун тўловлар мустасно.

“Ходимларга ва улар номидан пул тўловлари” моддаси бўйича (030-сатр) ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига тўланган маблағлар суммалари, бюджетга жисмоний шахслар даромад солиғини тўлаш, касаба уюшмасига ажратмалар, алиментлар, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари бўйича тўлаш, ходимларга кўрсатиладиган хизматлар учун корхонанинг ҳақ тўлаши, кассадан ва банк ҳисобварақларидан ходимлар билан ва улар номидан операцияларга доир бошқа сарфлашлар кўрсатилади.

“Операцион фаолиятга доир бошқа пул тушумлари ва тўловлар” моддаси бўйича (040-сатр) “Чиким” устунида роялти, турли хил тақдирлашлар, комисион йиғимлар ва бошқа операцион фаолиятдан тўланган пул маблағлари суммаси, “кирим” устунида эса улардан олинган

пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

“Жами: операцион фаолиятдан соф пул оқими/чиқими” моддаси бўйича (050-сатр), “Кирим” устуни бўйича “+” белгисининг ва “Чиқим” устуни бўйича “-“ белгисининг таъсирини ҳисобга олиб, 010, 020, 030, 040-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

Бунда “Кирим” устуни суммаси “Чиқим” устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо “Кирим” устуни бўйича, тескари ҳолда эса – “Чиқим” устуни бўйича акс эттирилади.

“Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш” моддаси бўйича (060-сатр) корхоналар “Чиқим” устунида маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган асосий воситаларни харид қилганлик учун пул маблағлари суммасини, “Кирим” устунида эса - асосий воситаларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

“Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш” моддаси бўйича (070-сатр) корхоналар “Чиқим” устунида номоддий активларни харид қилганлик учун маҳсулот етказиб берувчига тўланган пул маблағлари суммасини, “Кирим” устунида эса - номоддий активларни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

“Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш” моддаси бўйича (080-сатр) “Чиқим” устунида қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини харид қилиш учун тўланган пул маблағлари суммаси, шу жумладан воситачиларга комиссия тақдирлашлар ва биржада тўланган фоизлар кўрсатилади, “Кирим” устунида эса қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

“Инвестиция фаолиятига оид бошқа пул тушумлари ва тўловлар” моддаси бўйича (090-сатр) “Чиқим” устунида бошқа инвестицион фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси, “кирим” устунида эса - олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

“Жами: инвестиция фаолиятига оид соф пул оқими/чиқими” моддаси бўйича (100-сатр), “кирим” устунида “+” ва “Чиқим” устуни бўйича “-“ белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 060, 070, 080, 090-сатрларни жамлаш натижаси кўрсатилади.

Бунда “Кирим” устуни суммаси “Чиқим” устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо “Кирим” устуни бўйича, тескари ҳолда эса – “Чиқим” устуни бўйича акс эттирилади.

“Олинган ва тўланган фоизлар” моддаси бўйича (110-сатр) “кирим” устунида олинган фоизлар суммаси, “Чиқим” устунида эса тўланган фоизлар суммаси кўрсатилади.

“Олинган ва тўланган дивидендлар” моддаси бўйича (120-сатр) “кирим” устунида олинган дивидендлар суммалари кўрсатилади, “Чиқим” устунида эса тўланган дивидендлар суммалари акс эттирилади.

“Акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастакларни чиқаришдан пул тушумлари” моддаси бўйича (130-сатр) ҳисобот йилида

чиқарилган (сотилган) акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастаклар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

“Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари” моддаси бўйича (140-сатр) сотиб олинган хусусий акцияларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммалари, шунингдек корхонада бўлган хусусий акциялар, ҳиссалар ва пайлар учун, уларни кейинги сотиш ёки йўқ қилиш (бекор қилиш) мақсадида, эгаларига тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

“Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ҳамда қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари” моддаси бўйича (150-сатр) “Кирим” устунида ҳисобот даврида келиб тушган кредитлар ва қарзлар суммаси, “Чиқим” устунида эса - кредитлар ва қарзлар бўйича тўловлар кўрсатилади.

“Молиявий ижара бўйича пул тушумлари ва тўловлари” моддаси бўйича (160-сатр) “Чиқим” устунида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўланган пул маблағлари суммаси, “Кирим” устунида эса - ижарачидан (лизинг олувчидан) келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

“Молиявий фаолиятга оид бошқа пул тушумлари ва тўловлари” моддаси бўйича (170-сатр) “Чиқим” устунида бошқа молиявий фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси. “Кирим” устунида эса - олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

“Жами: молиявий фаолиятга оид соф оқим/чиқим” моддаси бўйича (180-сатр) “Кирим” устуни бўйича “+” ва “Чиқим” устуни бўйича “-“ белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 110, 120, 130, 140, 150, 160, 170-сатрлар суммаси кўрсатилади.

Бунда “Кирим” устуни суммаси “Чиқим” устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо “Кирим” устуни бўйича, тескари ҳолда эса – “Чиқим” устуни бўйича акс эттирилади.

“Тўланган фойда солиғи” моддаси (190-сатр) бўйича тўланган фойда солиғи суммаси кўрсатилади.

“Тўланган бошқа солиқлар” моддаси бўйича (200-сатр) тўланган солиқлар, божлар ва уларга тенглаштирилган йиғимлар ҳамда ажратмалар суммаси кўрсатилади, бундан даромад (фойда) солиғи мустасно.

“Жами: тўланган солиқлар” моддаси бўйича (210-сатр) 190 ва 200-сатрлар суммаси акс эттирилади.

“Жами: молия-хўжалик фаолиятига оид соф оқим/чиқим” моддаси бўйича (220-сатр), “Кирим” устуни бўйича “+” ва “Чиқим” устуни бўйича “-“ белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 050, 100, 180, 210-сатрлар суммаси кўрсатилади.

Бунда “Кирим” устуни суммаси “Чиқим” устуни суммасидан ошган ҳолда, ошган сальдо “Кирим” устуни бўйича, тескари ҳолда эса – “Чиқим” устуни бўйича акс эттирилади.

“Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси” моддаси бўйича (221-сатр) ҳисобот даври

мобайнида ҳосил бўлган, чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган мусбат ёки манфий курс фарқлари сальдоси акс эттирилади (5000, 5200, 5500, 5600, 5700).

“Йил бошидан пул маблағлари” моддаси бўйича (230-сатр) корхона баланси 320-сатри 3-устуни бўйича қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

“Йил охирида пул маблағлари” моддаси бўйича (240-сатр) корхона баланси 320-сатри 4-устунида қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

“Хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома” бўлимида ҳисобот даврида хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

Валюта маблағлари операцияларни амалга ошириш пайтида ЎЗР МБнинг курси бўйича ЎЗР миллий валютасида, валюта маблағлари қолдиғи эса - ҳисобот даврининг охири санасида акс эттирилади.

“Йил бошида қолдиқ” моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошида корxonанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси кўрсатилади.

“Валюта маблағлари келиб тушди, жами” моддаси бўйича (260-сатр) 261, 262, 263, 264-сатрларда кўрсатилган, ҳисобот даврида валюта тушумларининг умумий суммаси кўрсатилади, бу сатрларда акс эттирилади:

а) 261-сатр бўйича – “Сотишдан тушум” - корхона томонидан ҳисобот даврида олинган валюта тушуми суммаси;

б) 262-сатр бўйича – “Конвертацияланган” - сотиб олинган хорижий валюта суммаси;

в) 263-сатр бўйича – “Молиявий фаолият бўйича” - молиявий фаолиятдан олинган валюта маблағлари суммаси;

г) 264-сатр бўйича – “Бошқа манбалар” - 261, 262, 263-сатрларда саналмаган манбалар ҳисобига корxonанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасига бошқа валюта тушумлари суммаси.

“Валюта маблағлари сарфланди, жами” моддаси бўйича (270-сатр) корхона томонидан 271-273-сатрларда кўрсатилган турли мақсадларга сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади, бу сатрларда акс эттирилади:

а) 271-сатр бўйича – “Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар”- мол-мулкни олишга, бажарилган ишларга ва кўрсатилган хизматларга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

б) 272-сатр бўйича – “Молиявий фаолият бўйича тўловлар” - молиявий фаолият бўйича сарфланган валюта маблағлари суммаси;

в) 273-сатр бўйича – “Бошқа мақсадларга” - 271, 272-сатрларда саналмаган бошқа мақсадларга сарфланган валюта суммаси.

“Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага

келган курс фарқлари сальдоси” моддаси бўйича (280-сатр) ҳисобот даври мобайнида ҳосил бўлган, чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган мусбат ёки манфий курс фарқлари сальдоси акс эттирилади (5000, 5200, 5500, 5600, 5700).

“Йил охирида қолдиқ” моддаси бўйича (280-сатр) ҳисобот йили охирида корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган, сатрлар маълумотлари: 250+260-270+/-280-сатрлар бўйича аниқланадиган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади.

Қуйида “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” 4-шакл намунаси келтирилган:

Кўрсаткичлар номи	Сатр Коди /	Кирим	Чиким
1	2	3	4
<b>Операцион фаолият</b>			
Маҳсулот (товар иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010	18 958 672	
Материал товар иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020		3 626 944
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	030		11 723 936
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	040	2 634 156	472 326
<b>Жами операцион фаолиятнинг соф пул кирими / чикими (сатр 010-020-030+/-040)</b>	<b>050</b>	<b>5 769 622</b>	
<b>Инвестиция фаолияти</b>			
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш	060	19 211	1 162 244
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	070	-	-
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш	080	-	-
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	090	-	-
<b>Жами инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими / чикими (сатр 060+/-070+/-080+/-090)</b>	<b>100</b>	<b>-</b>	<b>1 143 033</b>
<b>Молиявий фаолият</b>			
Олинган ва тўланган фоиз	110	-	-
Олинган ва тўланган дивидендлар	120	-	-
Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари	130	-	-
Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари	140	-	-
Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари	150	-	-
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари	160	-	-
Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	170	-	-

<b>Жами молиявий фаолиятнинг соф пул кирими / чиқими (сатр 110+/-120+130-140+/-150+/-160-1/-170)</b>	<b>180</b>	-	-
<b>Солиққа тортиш / Налогообложение</b>			
Тўланган даромад (фоида) солиғи	190		112 000
Тўланган бошқа солиқлар	200		3 972 564
<b>Жами тўланган солиқлар (сатр 190+200)</b>	<b>210</b>		<b>4 084 564</b>
<b>Жами молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими / чиқими (сатр 050+/- 100+/- 180-210)</b>	<b>220</b>	<b>542 025</b>	
Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси	221		
Йил бошидаги пул маблағлари	230	<b>126 924</b>	
<b>Йил охиридаги пул маблағлари</b>	<b>240</b>	<b>668 949</b>	

#### ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИНГ ХАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Микдори
Йил бошига қолдиқ	<b>250</b>	-
<b>Келиб тушган валюта маблағлари, жами (сатр 261+262+263+264), шу жумладан</b>	<b>260</b>	-
Сотишдан олинган тушум	261	-
Конвертация қилинган	262	-
Молиявий фаолият бўйича	263	-
Бошқа манбалар	264	-
<b>Сарфланган валюта маблағлари, жами (сатр 271+272+273), шу жумладан</b>	<b>270</b>	-
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар	271	-
Молиявий фаолият бўйича тўловлар	272	-
Бошқа мақсадлар учун тўловлар	273	-
Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарқлари сальдоси	280	-
<b>Йил охиридаги қолдиқ (сатр. 250+260-270+/-280)</b>	<b>290</b>	-

#### 12.7. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузиш

“Хусусий капитал тўғрисида”ги ҳисоботда корхонанинг ҳисобот даврида ўз капиталининг ҳолати ва уни шакллантириш манбалари бўйича ҳаракатини акс эттиради.

Мазкур ҳисоботда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), сотиб олинган хусусий акциялар, мақсадли тушумлар ва бошқаларнинг ҳолати ҳамда уларнинг жами миқдори ҳақида маълумотлар кўрсатилади. Ҳисоботда ҳар бир модда бўйича тўлдириш қоидалари қуйида келтирилган.

“Йил бошида қолдиқ” моддаси бўйича (010-сатр) йил бошидаги ҳолат бўйича қуйидаги ахборот акс эттирилади:

а) 3-устунда –“Устав сармояси”- таъсис ҳужжатларида қайд этилган ва устав сармоясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) кўрсатилган устав сармоясининг суммаси кўрсатилади;

б) 4-устунда – “Қўшилган сармоя” - қўшилган сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) қайд этилган қўшилган сармоя суммаси кўрсатилади;

в) 5-устунда –“Заҳира сармоя”- қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, заҳира сармояни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) қайд этилган заҳира сармоя маблағлари суммаси акс эттирилади;

г) 6-устунда –“Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар)” - тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700) қайд этилган, йил бошида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммаси кўрсатилади;

д) 7-устунда – “Сотиб олинган ўз акциялари” - сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) қайд этилган, корхонада бўлган сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси; уларни кейин тарқатиш ёки йўқ қилиш учун, кўрсатилади;

е) 8-устунда – “Мақсадли тушумлар ва бошқалар” - мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан, махсус жамғармалар, бошқа корхоналар, жисмоний шахслардан грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари кўринишида текинга олинган активлар ва бошқа мақсадли тушумлар, шунингдек ўз сармоясини шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсатилади.

“Қимматли қоғозлар эмиссияси” моддаси бўйича (020-сатр) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот даврида қимматли қоғозларни чиқариш ва сотишдан олинган номинал қиймат ва эмиссия даромади суммаси акс эттирилади.

“Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш” моддаси бўйича (030-сатр) ҳисобот йилининг биринчи куни ҳолати бўйича ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган асосий фондларни қайта баҳолашдан ташқари, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш суммаси акс эттирилади.

“Устав сармоясини шакллантириш чоғида валюта курсларида фарқ” моддаси бўйича (040-сатр) бухгалтерия ҳисобида 8420-“Устав сармоясини

шакллантириш чоғида валюта курсларида фарқ” ҳисобварағида акс эттириладиган, таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасида ва маблағлар устав сармоясига ҳақиқатда киритилган санада Марказий банк курслари ўртасида юзага келадиган, корхонанинг устав сармоясини шакллантириш чоғида ҳисобот даври учун курслардаги фарқ акс эттирилади.

“Заҳира сармояга ажратмалар” моддаси бўйича (050-сатр) таъсис ҳужжатларига кўра ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот йили учун заҳира сармояга ажратмалар суммаси акс эттирилади.

“Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)” моддаси бўйича (060-сатр) ҳисобот йилида олинган соф фойда (зарар) суммаси кўрсатилади.

“Текинга олинган мол-мулк” моддаси бўйича (070-сатр) ҳисобот йилида турли манбалардан текинга олинган мол-мулкнинг қиймати кўрсатилади.

“Мақсадли олинган маблағлар” моддаси бўйича (080-сатр) ҳисобот йилида олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари ва мақсадли фойдаланиш учун бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

“Ҳисобланган дивидендлар” моддаси (090-сатр) бўйича ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасидан ва аввалги йиллардан тўпланган фойдадан жорий ҳисобот йилида ҳисоблаб ёзилган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

“Ўз сармоясини шакллантиришнинг бошқа манбалари” моддаси бўйича (100-сатр) ўз сармоясини шакллантириш бошқа манбаларининг суммаси кўрсатилади.

“Йил охирида қолдик” моддаси бўйича (110-сатр) тегишли устунлар бўйича ҳисобот даври охирида ўз сармоясининг сальдоси кўрсатилади. Бунда, 030, 040, 050, 100-сатрларда акс эттирилган ва 8420 – “Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқ”, 8510 – “Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”, 8520-“Резерв капитал” ҳисобварақларида, мақсадли тушумлар (8800) ҳисобварақларида ҳамда келгуси харажатлар ва тўловлар резервини ҳисобга олувчи (8900) ҳисобварақларда ҳисобда турган ўз сармояси манбаларининг йил бошидаги суммага нисбатан камайиши минус белгиси билан кўрсатилади. Шунингдек, минус белгиси билан ҳисобот йилидаги ҳисобланган дивидендлар (090-сатр) ва қопланмаган зарар (060-сатр) суммаси акс эттирилади.

“Ўз сармоясининг кўпайиши (+) ёки камайиши (-)” моддаси бўйича (120-сатр) йил бошидаги сумма билан қиёслаганда ҳисобот йили охирида ўз сармоясининг кўпайиши ёки камайиши суммаси акс эттирилади.

Акциядорлик жамиятлари 130 дан 150-сатрларгача бўлган сатрларни маълумот учун тўлдирадилар.

Қуйида “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” 5-шакл намунаси келтирилган:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Устав капитал	Қўшилган капитал	Резерв капитал	Тақсимланган фойда (қопланмаган зарар)	Сотиб олинган хусусий акциялар	Мақсадли тушумлар ва бошқалар	ЖАМИ
-------------------	-----------	---------------	------------------	----------------	--	--------------------------------	-------------------------------	------

<b>Йил бошидаги қолдиқ</b>	<b>010</b>	-	-	<b>2 671 346</b>	<b>30 630</b>			<b>2 701 976</b>
Қимматли қоғозлар эмиссияси	020	-	-	-	x	x	x	-
Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш	030	x	x	2 637 517	x	x	x	<b>2 637 517</b>
Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган валюта курси фарклари	040	x	-	x	x	x	x	-
Резерв капиталига ажратмалар	050	x	x			x	x	
Жорий йилнинг таксимланмаган фойдаси ёки (зарари)	060	x	x	x	44 799	x	x	<b>44 799</b>
Текинга олинган мол-мулк	070	x	x	7 840	x	x	x	<b>7 840</b>
Мақсадли фойдаланиш учун олинган маблағлар	080	x	x	x	x	x	320 180	<b>320 180</b>
Тўланган дивидендлар	090	x	x	x	-	x	x	-
Хусусий капитал шаклланишининг бошқа манбалари	100	-	-	-	-	-	-	-
<b>Йил охиридаги қолдиқ</b>	<b>110</b>	-	-	<b>5 296 971</b>	<b>75 429</b>			<b>5 372 400</b>
Хусусий капиталининг қўпайиши (+) ёки камайиши (-)	120	-	-	2 625 625	44 799			<b>2 670 424</b>
<b>МАЪЛУМОТ УЧУН:</b>								
Чиқарилган акциялар сони, дона	130	x	x	x	x	x	x	-
шу жумладан:		x	x	x	x	x	x	
Имтиёзли	131	x	x	x	x	x	x	-
Оддий	132	x	x	x	x	x	x	-
Акциянинг номинал қиймати	140	x	x	x	x	x	x	-
Муомаладаги акциялар сони, дона	150	x	x	x	x	x	x	-
шу жумладан:								
имтиёзли	151	x	x	x	x	x	x	-
оддий	152	x	x	x	x	x	x	-

## 12.8. Тушунтириш хатлари ва иловалар

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар корxonанинг ҳисоб сиёсатини очиб бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корxonанинг мулкӣ ва молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак.

Молиявий ҳисоботга тушунтириш хати ЎзР 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”да назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилади.

Бухгалтерия баланси бўйича корхона тушунтиришларда қуйидагиларни очиб беришга мажбур:

1. Акциядорлик маблағининг ҳар бир тоифаси бўйича:
  - эълон қилинган акциялар сони;
  - чиқарилган, ҳақи тўла тўланган, чиқарилган, лекин ҳақи тўла тўланмаган акциялар сони;
  - акцияларнинг номинал қиймати;
  - йилнинг бошида ва охирида ҳақи тўланмаган акциялар сонининг камайиши;
  - акциядорлик маблағининг ҳар бир тоифасига тааллуқли ҳуқуқлар, афзалликлар ва чеклашлар, шу жумладан дивидендларни тақсимлаш ва сармояни коплашга доир чеклаш;
  - жамиятнинг ўзига, хўжалик юритувчи субъектга қарашли шуъба ва уюшган жамиятларига тегишли акциялар;
  - опцион ва савдо контракти бўйича эмиссия учун захирага ажратилган акциялар, шу жумладан уларнинг муддатлари ва миқдорлари.

2. Ўз сармоясидаги захиралар моҳияти ва мақсадлари баёни.

3. Мажбуриятларда дивидендларни тўлаш учун ажратилган пул миқдорининг мавжудлиги (акциядорлар ёки муассислар, иштирокчилар йиғилишида расмий равишда маъқулланмаган тўловлар миқдорининг мавжудлиги).

Субъект ўз сармоясидаги ўзгаришларни акс эттириши лозим, бунинг учун куйидагиларни алоҳида-алоҳида кўрсатиши керак:

- давр бошида ва ҳисобот санасида тўпланган фойда ёки зарарларнинг қолдиғи ҳамда шу даврда юз берган муҳим ўзгаришлар, жумладан акциядорлар (муассислар, иштирокчилар) ҳар бир тоифасига шу давр учун тақсимланадиган соф фойда;

- ўз сармояси ҳар бир тоифаси жорий миқдордаги ҳамда даврнинг бошлари ва охирида захирадаги ўзгаришларнинг умумий миқдори.

Корхона молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда даромадлар ва харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича тасниф қилиш йўли билан даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиб бериши керак.

Харажатларни фаолият турлари бўйича тасниф қиладиган хўжалик юритувчи субъектлар харажатларнинг турлари бўйича қўшимча ахборотни, жумладан эскириш (амортизация) харажатларини, ходимларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни, хом ашё ва халқ истеъмоли молларидан фойдаланиш харажатлари бўйича қўшимча ахборотларни очиб беришга мажбурдир.

Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни тузишдан мақсад: тушунтиришлар таркиби; ҳисоб сиёсатини очиб бериш; бошқа очиб беришлар.

**Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни тузишдан мақсад.** Корхонанинг молиявий ҳисоботига изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда:

- корхонанинг молиявий ҳисоботини тузишда ва унинг ҳисоб сиёсатида танлаб олинган ва қўлланилаётган асос тўғрисидаги ахборот бўлиши лозим;

- БҲМС талаб қилувчи, ҳеч бир жойда молиявий ҳисоботда кўрсатилмаган ахборотни очиб бериш;

- молиявий ҳисоботда келтирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва тўғри тасаввур этиш учун зарур бўлган қўшимча таҳлилий ахборотни келтириш лозим.

**Тушунтиришлар таркиби.** Молиявий ҳисоботларга тушунтиришлар мунтазам равишда тушунтириш хати тарзида бўлиши керак.

Тушунтиришлардаги ахборот молиявий ҳисоботда келтирилган тегишли моддаларга боғлиқ равишда тақдим этилиши лозим.

Тушунтириш одатда шундай тузиладики, у фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни яхшироқ англаб етишда ва уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи билан қуйидагича қиёслашига ёрдам беради: БҲМСга мувофиқлиги ҳақидаги ҳисобот; ўлчов асоси ва бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган сиёсат тўғрисидаги ҳисобот; молиявий ҳисоботда келтирилган моддалар учун ёрдамчи ахборот.

Қуйидагиларни ўз ичига олган бошқа ахборотлар:

- шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ахборотлар;

- молия билан боғлиқ бўлмаган ахборотлар.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асоси ва бухгалтерия ҳисоби бобидаги махсус сиёсат ҳақидаги ахборот молиявий ҳисоботга изоҳлар олдида алоҳида ҳисобот тарзида келтирилиши керак.

## **12.9. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича амалий машғулот**

### **№1-мисол.**

Корхонанинг 2019 йил IV чорагидаги ҳисобварақлари бўйича қолдиқлар жадвалда келтирилган. (12.1-жадвал).

12.1-жадвал

Йил бошидаги кирувчи қолдиқлар

(минг сўм)

Ҳисобварақ №	01.10.2019 й. сальдоси		IV чорак бўйича айланма		01.01.2020 й. сальдоси	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	дебет	Кредит
0100	480 000					
0200		152 267				
1000	1 082 400					
1100						
1510						
2010	39 221					
2310						
2510						
9420						

2610						
2810	24 600					
5010	40 500					
5110	119 000					
6010		314 200				
4010	45 600					
6810		98 500				
6410		47 300				
6520		40 584				
6710		114 000				
4230	3 600					
6990		157 000				
8310		742 170				
8520		71 200				
8410		95 800				
8720		6 900				
9010						
9110						
9210						
9310						
9810						
9910						
Жами	1 839 921	1 839 921				

### Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича айланмалар

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига мувофиқ корхона қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга оширди:

5110 “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” бўйича бухгалтерия ёзувлари

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Кассага ҳисоб-китоб ҳисобварағидан пул кирим қилинди	160 000 000		
2	Материаллар учун мол етказиб берувчиларнинг тўлов талабномалари тўланди	115 800 000		
3	Банк кредити бўйича қарз қайтарилди	75 000 000		
4	Харидорлардан пул қабул қилинди	433 870 000		
5	Бюджетга фойда солиғи тўлананди	28 039 000		

6	Коммунал хизматлари учун МЕБга пул ўтказилди	38 000 000		
7	Ижтимоий ажратмаларга пул ўтказилди	48 000 000		
	Жами:			

5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” бўйича бухгалтерия ёзувлари

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Кассага ҳисоб-китоб ҳисобварағидан нақд пул кирим қилинди	160 000 000		
2	Ходимларга иш ҳақи тўланди	148 000 000		
3	Хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисобдор бўнақлар берилди	24 000 000		
4	Ижро қоғозлари бўйича бўйича нақд пулда берилди	2 780 000		
5	Бўнақ қолдиғи кассага топширилди	1 500 000		
6	Бола туғилиши муносабати билан бир марталик ёрдам пули берилди	11 200 000		
7	Қисман банк кредити қопланди	2 000 000		
8	Дебиторлардан нақд пул кассага кирим қилинди	38 500 000		
9	Депонент қилинган иш ҳақи тўланди	4 800 000		
10	Алиментлар тўланди	2 150 000		
	Жами:			

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” бўйича бухгалтерия ёзувлари

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Истеъмол қилинган электр энергияси учун МЕБ ҳисобварағини тўлашга розилик берилди	34 000 000		
2	Материаллар учун МЕБ ҳисобварағини тўлашга розилик берилди	115 800 000		
3	Сотиб олинган ускуналар (пайвандлаш машинаси) учун МЕБ ҳисобварағи тўлов учун қабул қилинди	42 000 000		
4	Сотиб олинган ускуна (пресслаш машинаси) учун МЕБ ҳисобварағи тўлов учун қабул қилинди	54 000 000		
5	Жами:			

2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағи бўйича бухгалтерия ёзувлари

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит

1	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун материаллар сарфланди	120 000 000		
2	Амортизация ҳисобланди	12 000 000		
	Ишлаб чиқариш мақсадларида истеъмол қилинадиган сув, электр энергияси, иситиш учун қабул қилинган ҳужжатлар суммасини тўлашга розилик берилди	34 000 000		
3	Ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	134 000 000		
4	Ижтимоий тўловлар ҳисобланди (иш ҳақи фондидан 12 %)			
	Жами:			

2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағи бўйича бухгалтерия ёзувлари

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Асосий воситаларга амортизация ҳисобланди	10 200 000		
2	Материаллар харажат қилинди	83 800 000		
3	Умумишлаб чиқариш ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	168 600 000		
4	Ижтимоий тўловлар ҳисобланди (иш ҳақи фондидан 12 %)			
5	Жами:			
6	Умумий харажатларни ҳисобдан чиқариш			
7	Тайёр маҳсулотлар кирим қилинади			

#### Тайёр маҳсулотларни сотиш ҳисоби

##### Вазифа

Мижозга 868 800 000 сўм миқдорида ҳисобварақ-фактура берилди. Солиқ мақсадлари учун даромад тўлов ҳужжатлари харидор номига тақдим этилгандан сўнг ҳисобга олинади, яъни дебиторлик қарз пайдо бўлгандан кейин (ҳисобварақ № 4010). ҚҚС ни ҳисобланг ва маҳсулот сотишдан олинган молиявий натижани аниқланг.

#### Корхона мол-мулкини сотиш ҳисоби

##### Вазифа

Бошланғич қиймати 210 000 000 сўм бўлган бир машина сотилди. Ҳисобланган амортизация суммаси 24 000 000 сўмни ташкил этди. Сотиш (шартнома) нархи 286 580 000 сўм. ҚҚСни ҳисобланг ва сотишдан молиявий натижани аниқланг.

#### Баланс фойдасини ҳисобга олиш

##### Вазифа

Молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича корхонанинг баланс фойдасини аниқланг. Фойда солиғини ҳисобланг ва бухгалтерия ёзувлари қилинг.

Чораклик балансни тузинг, синов балансини тўлдилинг, бухгалтерия баланс шаклини тўлдилинг (1-сон шакл).

### Ечим

1. Ҳисоб-китоб ҳисобварағи операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Кассага ҳисоб-китоб ҳисобварағидан пул кирим қилинди	160 000 000	5010	5110
2	Материаллар учун мол етказиб берувчиларнинг тўлов талабномалари тўланди	115 800 000	6010	5110
3	Банк кредити бўйича қарз қайтарилди	75 000 000	6810	5110
4	Харидорлардан пул қабул қилинди	433 870 000	5110	4010
5	Бюджетга фойда солиғи тўлананди	28 039 000	6410	5110
6	Коммунал хизматлари учун МЕБ пул ўтказилди	38 000 000	6010	5110
7	Ижтимоий ажратмаларга пул ўтказилди	48 000 000	6520	5110
	Жами:		433 870 000	464 839 000

2. Касса операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Кассага ҳисоб-китоб ҳисобварағидан нақд пул кирим қилинди	160 000 000	5010	5110
2	Ходимларга иш ҳақи тўланди	148 000 000	6710	5010
3	Хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисобдор бўнақлар берилди	24 000 000	4230	5010
4	Ижро қоғозлари бўйича кассадан нақд пулда берилди	2 780 000	6990	5010
5	Бўнақ қолдиғи кассага топширилди	1 500 000	5010	4230
6	Бола туғилиши муносабати билан бир марталик ёрдам пули берилди	11 200 000	6990	5010
7	Қисман банк кредити қопланди	2 000 000	6810	5010
8	Дебиторлардан нақд пул кассага кирим қилинди	38 500 000	5010	4010
9	Депонент қилинган иш ҳақи тўланди	4 800 000	6720	5010
10	Алиментлар тўланди	2 150 000	6990	5010
	Жами:		200 000 000	194 930 000

3. Ҳисоб-китоблар операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Истеъмол қилинган электр энергияси учун МЕБ ҳисобварағини тўлашга розилик берилди	34 000 000	2010	6010
2	Материаллар учун МЕБ ҳисобварағини тўлашга розилик берилди	115 800 000	1000	6010
3	Сотиб олинган ускуналар (пайвандлаш машинаси) учун МЕБ ҳисобварағи тўлов учун қабул қилинди	42 000 000	0820	6010

4	Қабул ва топшириш далолат номаси билан ускуна асосий воситалар таркибига қабул қилинди	42 000 000	0130	0820
5	Сотиб олинган ускуна (преслаш машинаси) учун МЕБ ҳисобварағи тўлов учун қабул қилинди	54 000 000	0820	6010
6	Қабул ва топшириш далолат номаси билан ускуна асосий воситалар таркибига қабул қилинди	54 000 000	0130	0820
	Жами:	341 800 000		

4. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун материаллар сарфланди	120 000 000	2010	1000
2	Амортизация ҳисобланди	12 000 000	2010	0200
	Ишлаб чиқариш мақсадларида истеъмол қилинадиган сув, электр энергияси, иситиш учун қабул қилинган ҳужжатлар суммасини тўлашга розилик берилди	34 000 000	2010	6010
3	Ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	134 000 000	2010	6710
4	Ижтимоий тўловлар ҳисобланди (иш ҳақи фондидан 12 %)	16 080 000	2010	6520
	Жами:	316 080 000		

4. Умумишлаб чиқариш харажатлари операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Асосий воситаларга амортизация ҳисобланди	10 200 000	2510	0200
2	Материаллар харажат қилинди	83 800 000	2510	1000
3	Маъмурий ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	168 600 000	2510	6710
4	Ижтимоий тўловлар ҳисобланди (иш ҳақи фондидан 12 %)	20 232 000	2510	6520
5	Жами:	282 832 000		
6	Умумишлаб чиқариш харажатларни ҳисобдан чиқариш	282 832 000	2010	2510
7	Тайёр маҳсулотлар кирим қилинади	598 912 000	2810	2010

5. Тайёр маҳсулотни сотиш операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Берилган ҳисобварақ-фактура суммасига	868 800 000	4010	9010
2	ҚҚС суммаси учун	130 320 000	4010	6410
3	Сотилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	598 912 000	9110	2810
4	Даромад ҳисобварағи ёпилди	868 800 000	9010	9910
5	Сотилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобварағи ёпилди	598 912 000	9910	9110

6. Мол-мулкни сотиш операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Сотилган автомобилнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди	210 000 000	9210	0160
2	Сотилган автомобилнинг эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди	24 000 000	0260	9210
3	Сотилган автомобилнинг шартнома қиймати акс эттирилди	286 580 000	4010	9210
4	Сотилган автомобилга ҚҚС ҳисобланди	42 987 000	4010	6410
5	Сотилган автомобилнинг молиявий натижаси аниқланди (286 580 000 – 210 000 000 + 24 000 000)	100 580 000	9210	9310
6	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда ҳисобварағи ёпилди	100 580 000	9310	9910

6. Ялпи фойдани аниқлаш операциялари бўйича ҳисобварақлар боғламасини ёзиш.

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар боғламаси	
			Дебет	Кредит
1	Фойда солиғи ҳисобланди (868 800 000 – 653 380 000 = 215 420 000) 215 420 000 + 100 580 000 * 15 %	47 400 000	9810	6410
2	Фойда солиғи бўйича харажатлар ҳисобварағи ёпилди	47 400 000	9910	9810
3	Таксимланмаган фойда суммаси аниқланди (868 800 000 – 598 912 000 + 286 580 000 – 210 000 000 + 24 000 000 – 47 400 000)	323 068 000	9910	8710

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб-китобларни амалга оширамиз:

$$\text{Ҳисобварақ 0100 (A)} = 480\,000\,000 + (42\,000\,000 + 54\,000\,000) - (24\,000\,000 + 186\,000\,000) = 366\,000\,000$$

$$\text{Ҳисобварақ 0200 (КА)} = 152\,267\,000 + (12\,000\,000 + 10\,200\,000) - 24\,000\,000 = 150\,467\,000$$

$$\text{Ҳисобварақ 1000 (A)} = 1\,082\,400\,000 + 115\,800\,000 - (120\,000\,000 + 83\,800\,000) = 994\,400\,000$$

$$\text{Ҳисобварақ 2010 (A)} = 39\,221\,000 + (316\,080\,000 + 282\,832\,000) - 598\,912\,000 = 39\,221\,000$$

$$\text{Ҳисобварақ 2510 (Т)} = 282\,832\,000 - 282\,832\,000 = 0$$

$$\text{Ҳисобварақ 2810 (A)} = 24\,600\,000 + 598\,912\,000 - 598\,912\,000 = 24\,600\,000$$

$$\text{Ҳисобварақ 3100 (A)} = 5\,000\,000 = 5\,000\,000$$

$$\text{Ҳисобварақ 4010 (A)} = 45\,600\,000 + (868\,800\,000 + 130\,320\,000 + 286\,580\,000 + 42\,987\,000) - (433\,870\,000 + 38\,500\,000) = 901\,907\,000$$

$$\text{Ҳисобварақ 4230 (A)} = 3\,600\,000 + 24\,000\,000 - 1\,500\,000 = 26\,100\,000$$

Ҳисобварақ 5010 (А) = 40 500 000 + 200 000 000 – 194 930 000 = 45 570 000

Ҳисобварақ 5110 (А) = 119 000 000 + 433 870 000 – 464 839 000 = 88 031 000

Ҳисобварақ 6010 (П) = 314 200 000 + (34 000 000 + 115 800 000 + 42 000 000 + 54 000 000) – (115 800 000 + 38 000 000) = 406 200 000

Ҳисобварақ 6410 (П) = 47 300 000 + (130 320 000 + 42 987 000 + 47 400 000) – 28 039 000 = 239 968 000

Ҳисобварақ 6520 (П) = 40 584 000 + (16 080 000 + 20 232 000) – 48 000 000 = 28 896 000

Ҳисобварақ 6700 (П) = 114 000 000 + (134 000 000 + 168 600 000) – (148 000 000 + 4 800 000) = 263 800 000

Ҳисобварақ 6810 (П) = 98 500 000 – 77 000 000 = 21 500 000

Ҳисобварақ 6990 (П) = 157 000 000 – (2 780 000 + 2 150 000 + 11 200 000) = 140 870

Ҳисобварақ 8700 (П) = 6 900 000 + 323 068 000 = 329 968 000

Ҳисобварақ 9010 (Т) = 868 800 000 – 868 800 000 = 0

Ҳисобварақ 9110 (Т) = 598 912 000 – 598 912 000 = 0

Ҳисобварақ 9210 (Т) = (210 000 000 + 100 580 000) – (24 000 000 + 286 580 000) = 0

Ҳисобварақ 9310 (Т) = 100 580 000 – 100 580 000 = 0

Ҳисобварақ 9810 (Т) = 47 400 000 – 47 400 000 = 0

Ҳисобварақ 9910 (Т) = (598 912 000 + 47 400 000 + 323 068 000) – (868 800 000 + 100 580 000) = 0

Ҳисоб-китоблар маълумотлари асосида синов баланси тўлдирамиз (жадвал. 12.2-жадвал).

12.2-жадвал

2019 йил IV чорак бўйича синов баланси

(МИНГ СЎМ)

Ҳисобварақа №	01.10.2019 й. сальдоси		IV чорак бўйича айланма		01.01.2020 й. сальдоси	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0100	480 000		96 000	210 000	366 000	
0200		152 267	24 000	22 200		150 467
1000	1 082 400		115 800	203 800	994 400	
1100						
1510						
2010	39 221		598 912	598 912	39 221	
2310						
2510			282 832	282 832		

2610						
2810	24 600		598 912	598 912	24 600	
3100	5 000				5 000	
4010	45 600		1 328 687	472 370	901 917	
4230	3 600		24 000	1 500	26 100	
5010	40 500		200 000	194 930	45 570	
5110	119 000		433 870	464 839	88 031	
6010		314 200	153 800	245 800		406 200
6410		47 300	28 039	220 707		239 968
6520		40 584	48 000	36 312		28 896
6710		114 000	152 800	302 600		263 800
6810		98 500	77 000	0		21 500
6990		157 000	16 130	0		140 870
8310		742 170				742 170
8410		95 800				95 800
8520		71 200				71 200
8700		6 900	0	323 068		329 968
9010			868 800	868 800		
9110			598 912	598 912		
9210			310 580	310 580		
9310			100 580	100 580		
9810			47 400	47 400		
9910			969 380	969 380		
Жами	1 839 921	1 839 921	7 074 434	7 074 434	2 490 839	2 490 839

Синов баланси маълумотига кўра 1-шаклдаги корхонанинг йил охиридаги бухгалтерия балансини тузамиз.

**БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ – 1 - сонли шакл**  
**БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС – форма № 1**

01 январ 2020 йилга на 01 января 2020 года		Кодлар Коды
	БХУТ бўйича 1-шакл Форма № 1 по ОКУД	<b>0710001</b>
Корхона, ташкилот Предприятие, организация	КТУТ бўйича по ОКПО	
Тармок Отрасль	ХХТУТ бўйича по ОКЭД	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Организационно-правовая форм	ТХШТ бўйича по КОПФ	
Мулкчилик шакли Форма собственности	МШТ бўйича по КФС	
Вазирлик, идора ва бошқалар Министерства, ведомства и другие»	ДБИБТ бўйича по СООГУ	
Солиқ тўловчининг идентификацион раками Идентификационный номер налогоплательщика	СТИР ИНН	
Худуд Территория	МХОБТ СОАТО	
Манзил Адрес	Жўнатилган сана Дата высылки	14.02.2020
Ўлчов бирлиги Единица измерения	Кабул қилинган сана Дата получения	
	Такдим қилиш муддати Срок представления	15.02.2020

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди  Код стр.	Ҳисобот даври бошига  На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига  На конец отчетного периода
<b>АКТИВ</b>			
<b>I. Узоқ муддатли активлар Долгосрочные активы</b>			
Асосий воситалар: Основные средства:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	480 000	366 000

Первоначальная (восстановительная) стоимость (0100, 0300)			
Эскириш суммаси (0200)	011	152 267	150 467
Сумма износа (0200)			
Қолдик (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	<b>327 733</b>	<b>215 533</b>
Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 010 - 011)			
Номоддий активлар:			
Нематериальные активы:			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Первоначальная стоимость (0400)			
Амортизация суммаси (0500)	021		
Сумма амортизации (0500)			
Қолдик (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)	022		
Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 020 - 021)			
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан: Долгосрочные инвестиции, всего (стр.040+050+060+070+080), в том числе:	030		
Қимматли қогозлар (0610)	040		
Ценные бумаги (0610)			
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Инвестиции в дочерние хозяйственные Филиала (0620)			
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Инвестиции в зависимые хозяйственные Филиала (0630)			
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640)			
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Прочие долгосрочные инвестиции (0690)			
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Оборудование к установке (0700)			
Капитал қўйилмалар (0800)	100		
Капитальные вложения (0800)			
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
Долгосрочная дебиторская задолженность (0910, 0920, 0930, 0940)			
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990)			
<b>I бўлим бўйича жами (с. 012+022+030+090+100 +110 +120)</b>	<b>130</b>	<b>327 733</b>	<b>215 533</b>
<b>Итого по разделу I (стр. 012+022+030+090+100+110+120)</b>			
<b>Кўрсаткичлар номи</b> <b>Наименование показателя</b>	<b>Сатр коди Код стр.</b>	<b>Ҳисобот даври бошига На начало отчетного</b>	<b>Ҳисобот даври охирига На конец отчетного</b>
<b>II. Жорий активлар</b> <b>Текущие активы</b>			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан: Товарно-материальные запасы, всего (стр.150+160+170+180), в том числе:	140	<b>1 146 221</b>	<b>1 058 221</b>
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	1 082 400	994 400
Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600)			

Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) Незавершенное производство (2000, 2100, 2300, 2700)	160	39 221	39 221
Тайёр махсулот (2800) Готовая продукция (2800)	170	24 600	24 600
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) Товары (2900 за минусом 2980)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100) Расходы будущих периодов (3100)	190	5 000	5 000
Кечиктирилган харажатлар (3200) Отсроченные расходы (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.220+240+250+260+270+280+290+300+310) Дебиторы, всего (стр.220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	<b>49 200</b>	<b>928 017</b>
Шундан: муддати ўтган из нее: просроченная	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) Задолженность покупателей и заказчиков (4000 за минусом 4900)	220	45 600	901 917
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) Задолженность обособленных подразделений (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120) Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200) Бўнақы, выданные персоналу (4200)	250	3 600	26 100
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300) Бўнақы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400) Бўнаковые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500) Бўнаковые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) Задолженность персонала по прочим операциям (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) Прочие дебиторские задолженности (4800)	310		
<b>Кўрсаткичлар номи</b> <b>Наименование показателя</b>	<b>Сатр коди Код стр.</b>	<b>Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода</b>	<b>Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода</b>
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан: Денежные средства, всего (стр.330+340+350+360), в том числе:	320	<b>159 500</b>	<b>133 601</b>
Кассадаги пул маблағлари (5000) Денежные средства в кассе (5000)	330	40 500	45 570
Ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари (5100) Денежные средства на рахисобварақном ҳисобварақе (5100)	340	119 000	88 031

Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) Денежные средства в иностранной валюте (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) Прочие денежные средства и эквиваленты (5500, 5600, 5700)	360		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800) Краткосрочные инвестиции (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900) Прочие текущие активы (5900)	380		
<b>II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)</b> <b>Итого по разделу II (стр. 140+190+200+210+320+370+380)</b>	<b>390</b>	<b>1 296 100</b>	<b>2 124 839</b>
<b>БАЛАНС АКТИВИ БҮЙИЧА ЖАМИ (сатр.130+390)</b> <b>ВСЕГО ПО АКТИВУ БАЛАНСА (стр.130+стр.390)</b>	<b>400</b>	<b>1 687 654</b>	<b>2 340 372</b>

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного	Ҳисобот даври охирига На конец Отчетного
<b>ПАССИВ</b>			
<b>I. Ўз маблағлари манбалари Источники собственных средств</b>			
Устав капитали (8300) Уставный капитал (8300)	410	742 170	742 170
Кўшилган капитал (8400) Добавленный капитал (8400)	420	95 800	95 800
Резерв капитали (8500) Резервный капитал (8500)	430	71 200	71 200
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) Выкупленные собственные акции (8600)	440	6 900	329 968
Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700) Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (8700)	450		
Мақсадли тушумлар (8800) Целевые поступления (8800)	460		
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) Резервы предстоящих расходов и платежей (8900)	470		
<b>I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470)</b> <b>Итого по разделу I (стр.410+420+430-440+450+460+470)</b>	<b>480</b>	<b>916 070</b>	<b>1 239 138</b>
Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного	Ҳисобот даври охирига На конец Отчетного
<b>II. Мажбуриятлар Обязательства</b>			
<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)</b>	<b>490</b>		
<b>Долгосрочные обязательства, всего (стр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)</b>			
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590) в том числе: долгосрочная кредиторская задолженность (стр.500+520+540+560+590)	491		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000) Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		

Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям (7110)			
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120) Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным филиалам (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230) Долгосрочные отсроченные доходы (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290) Прочие долгосрочные отсроченные обязательства (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300) Бўнақы, полученные от покупателей и заказчиков (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) Долгосрочные банковские кредиты (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) Долгосрочные займы (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900) Прочие долгосрочные кредиторские задолженности (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр. 610+630+640+650+660+670+680+ +690+700+710+720+730+740+750+760) Текущие обязательства, всего (стр.610+630+640+650+660+670+680+ +690+700+ +710+720+730+740+750+760)	600	<b>771 584</b>	<b>1 101 234</b>
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760) в том числе: текущая кредиторская задолженность (стр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари из нее: просроченная текущая кредиторская задолженность	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000) Задолженность поставщикам и подрядчикам (6000)	610	314 200	406 200
<b>Кўрсаткичлар номи Наименование показателя</b>	<b>Сатр коди Код стр.</b>	<b>Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода</b>	<b>Ҳисобот даври охирига На конец Отчетного периода</b>
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110) Задолженность обособленным подразделениям (6110)	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120) Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным Филиалам	630		
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) Отсроченные доходы (6210, 6220, 6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240) Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660		

Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290)			
Олинган бўнақлар (6300)	670		
Полученные бўнақы (6300)			
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	47 300	239 968
Задолженность по платежам в бюджет (6400)			
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690		
Задолженность по страхованию (6510)			
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	40 584	28 896
Задолженность по платежам в государственные целевые фонды			
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Задолженность учредителям (6600)			
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	114 000	263 800
Задолженность по оплате труда (6700)			
Қиска муддатли банк кредитлари (6810)	730	98 500	21 500
Краткосрочные банковские кредиты (6810)			
Қиска муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Краткосрочные займы (6820, 6830, 6840)			
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Текущая часть долгосрочных обязательств (6950)			
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	157 000	140 870
Прочие кредиторские задолженности (6900 кроме 6950)			
<b>II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)</b>	<b>770</b>	<b>771 584</b>	<b>1 101 234</b>
<b>Итого по разделу II (стр.490+600)</b>	<b>770</b>	<b>771 584</b>	<b>1 101 234</b>
<b>БАЛАНС ПАССИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ (сатр.480+770)</b>	<b>780</b>	<b>1 687 654</b>	<b>2 340 372</b>
<b>ВСЕГО ПО ПАССИВУ БАЛАНСА (стр.480+770)</b>	<b>780</b>	<b>1 687 654</b>	<b>2 340 372</b>

**БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАРДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН  
ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ  
МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ  
СПРАВКА О НАЛИЧИИ ЦЕННОСТЕЙ, УЧИТЫВАЕМЫХ  
НА ЗАБАЛАНСОВЫХ ҲИСОБВАРАҚАХ**

<b>Кўрсаткичлар номи Наименование показателя</b>	<b>Сатр коди Код стр.</b>	<b>Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода</b>	<b>Ҳисобот даври охирига На конец Отчетного периода</b>
Қиска муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001)	790		
Основные средства, полученные по краткосрочной аренде (001)			
Масъул саклашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002)	800		
Товарно-материальные ценности, принятые на ответственное хранение (002)			
Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003)	810		
Материалы, принятые в переработку (003)			
Комиссияга қабул қилинган товарлар (004)	820		
Товары, принятые на комиссию (004)			
Ўрнатиш учун қабул қилинган усқуналар (005)	830		
Оборудование, принятое для монтажа (005)			
Қатъий ҳисобот бланкалари (006)	840		
Бланки строгой отчетности (006)			
Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарар ҳисобдан чиқарилган қарзи (007)	850		
Списанная в убыток задолженность неплатежеспособных дебиторов (007)			
Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008)	860		
Обеспечение обязательств и платежей - полученные (008)			
Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009)	870		
Обеспечение обязательств и платежей - выданные (009)			

Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар (010) Основные средства, сданные по договору долгосрочной аренды (010)	880		
Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011) Имущество, полученное по договору ссуды (011)	890		
Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012) Расходы, исключаемые из налогооблагаемой базы следующих периодов (012)	900		
Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013) Временные налоговые льготы (по видам) (013)	910		
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жихозлари (014) Инвентарь и хозяйственные принадлежности в эксплуатации (014)	920		
Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият) бўйича олинган мол-мулк (015) Имущество, полученное по договору простого товарищества (совместной деятельности) (015)	930		
Фойдаланиш ҳуқуқида олинган номоддий активлар (016) Нематериальные активы, полученные по праву пользования (016)	940		

**Рахбар**

Руководитель \_\_\_\_\_

**Бош ҳисобчи**

Главный бухгалтер \_\_\_\_\_

### **Назорат саволлари:**

1. Йиллик ва муваққат ҳисоботлар таркибини тушунтириб беринг?
2. Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш шартлари нималардан иборат?
3. Молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг асосий талаблари нималардан иборат?
4. Балансинг қандай турлари бор?
5. Асосий воситалар ва номоддий активлар балансида қандай баҳода акс эттирилади?
6. Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари балансида қандай баҳолашда акс эттирилади?
7. Балансинг таснифланган асосий хусусиятлари нималардан иборат?
8. Ташкилот капиталининг молиявий ҳисоботларида қандай баҳо акс эттирилади?
9. Ташкилотнинг мажбуриятлари молиявий ҳисоботларда қандай баҳоларда акс эттирилади?
10. Йиллик молиявий ҳисоботларга тушунтириш ёзувида акс эттирилган қўшимча ахборот турлари нималардан иборат?
11. Қандай ҳолларда йиллик молиявий ҳисобот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади?
12. Қандай ҳолларда тўхтатилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларда ошкор қилинмайди?
13. Фойда ва зарарни баён этишнинг бешта иқтисодий тамойилларини номланг?

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. *Баланс нечта қисмдан иборат эканлиги тўғри кўрсатилган вариантни белгиланг.***

- A. Маблағ, манба.
- B. Актив, пассив.
- C. Маблағ, манба, актив, манба.
- D. Хўжалик маблағлари, хўжалик маблағларининг манбалари.
- E. Фойда, зарар.

**2. *Ҳисобварақларнинг тузилишига кўра неча турга бўлиниши тўғри кўрсатилган вариантни танланг.***

- A. Конрактив, конртпассив.
- B. Конрактив, конртпассив, транзит, актив, пассив.
- C. Актив, пассив, конртпассив.
- D. Актив, пассив.
- E. Асосий, таққословчи, тақсимловчи.

**3. *Икки ёклама ёзувнинг неча шарти мавжуд, қуйидаги тўғри вариантни аниқланг.***

- A. Актив ва пассив ҳисобварақга ёзилиши шарт.
- B. Дебет ва кредитга ёзилиши шарт.
- C. Актив ҳисобварақнинг дебети ва пассив ҳисобварақнинг кредитига ёзилиши шарт.
- D. Мулкнинг камайиши дебетда ва кўпайиши кредитда акс эттирилиши шарт.
- E. Бир ҳисобварақ дебетланиши ва иккинчи ҳисобварақ кредитланиши, суммалар тенг бўлиши, ҳисобварақлардаги ёзувлар бир вақтда акс эттирилиши шарт.

**4. *Аналитик ва синтетик ҳисобварақлар ҳақида берилган тушунчани кўрсатинг.***

- A. Аналитик фақат натура ўлчовида, синтетик ҳисоб эса, фақат қиймат ўлчовида маълумот беради.
- B. Аналитик ҳисоб корхона мулклари ҳақида аниқ ва деталлаштирилган маълумотни натура, меҳнат ва қиймат ўлчовларида берса, синтетик ҳисоб мулклар ҳақидаги маълумотни умумий тарзда қиймат ўлчовида беради.
- C. Аналитик ҳисоб маблағлар ҳақида, синтетик ҳисоб эса, уларнинг манбалари ҳақида маълумот беради.
- D. Аналитик ҳисоб ички фойдаланувчилар учун, синтетик ҳисоб эса, ташки фойдаланувчилар учун маълумот беради.
- E. Аналитик ҳисоб маълумотлари бошланғич ҳужжатларда, синтетик ҳисоб маълумотлари эса, ҳисобот шалларида акс эттирилади.

**5. Айланма (айланма) қайдномаларнинг неча турлари мавжуд эканлиги тўғри акс эттирилган вариантни аниқланг.**

A. Актив ва пассив.

B. Аналитик ҳисобварақлар ва синтетик ҳисобварақлар бўйича айланма қайдномалар.

C. Хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари бўйича.

D. Натура ўлчовида ва қиймат ўлчовидаги айланма қайдномалар.

E. Бир қаторли ва кўп қаторли айланма қайдномалар.

**6. Хўжалик ҳисобида қўлланиладиган ўлчов бирликлари тўғри акс эттирилган вариантни аниқланг.**

A. Қиймат ва пул.

B. Натура, меҳнат, қиймат ва пул.

C. Натура, меҳнат ва қиймат.

D. Меҳнат ва қиймат.

E. Пул ва кг., л., м., куб.м., т.

**7. Инвентаризацияни ўтказилиш тартибига кўра неча тури мавжудлиги тўғри акс эттирилган вариантни аниқланг.**

A. Маблағларни ва уларнинг манбаларини инвентаризация қилиш.

B. Буйруқли ва буйруқсиз.

C. Режали ва режасиз.

D. Корхона мулкларини текшириб рўйхатдан ўтказиш ва санаб текшириш.

E. Корхона раҳбарининг ва бош ҳисобчиининг топшириғи билан ўтказиладиган.

**8. Бухгалтерия ўтказмаси ҳақида берилган тўғри таърифни аниқланг.**

A. Ҳисобварақларнинг дебетланиши ва кредитланиши.

B. Дебет ва кредитларга ёзиш.

C. Бир ҳисобварақда камайиш ва иккинчи ҳисобварақда кўпайишни акс эттирилиши.

D. Рўй берган хўжалик жараёнларини ҳисобварақларда акс эттирилиши.

E. Бир ҳисобварақнинг дебетланиши ва иккинчи ҳисобварақнинг кредитланиши.

**9. Икки ёклама ёзувга берилган тўғри таърифни аниқланг.**

A. Рўй берган жараён суммаларини бир ҳисобварақнинг дебети ва иккинчи ҳисобварақнинг кредитида акс эттирилиши.

B. Рўй берган хўжалик жараёнларини ҳисобварақларда акс эттирилиши.

- C. Ҳисобварақларнинг дебетланиши ва кредитланиши.
- D. Дебет ва кредитларга ёзиш.
- E. Бир суммани икки ёққа ёзилиши.

**10. Асосий воситалар қандай баҳоларда баҳоланади?**

- A. Бошланғич, қайта тикланган, қолдиқ қийматда.
- B. Ишлаб чиқариш таннархида, бозор баҳоларида, баланс баҳоларида, келишилган баҳода.
- C. Бошланғич ҳужжатларда кўрсатилган баҳоларда, юк хатида кўрсатилган баҳоларда, қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган баҳода.
- D. Шартнома баҳоси, бошланғич қиймат, эскириш суммаси, қолдиқ қиймат.
- E. Сотиб олиш баҳоси, сотиш баҳоси, бозор баҳоси.

**11. Асосий воситаларни тугатиш натижасида яроқли материаллар олинса қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 1010 | Кредит | 9210 |
| B. Дебет | 9210 | Кредит | 1010 |
| C. Дебет | 5010 | Кредит | 1010 |
| D. Дебет | 5010 | Кредит | 9210 |
| E. Дебет | 1010 | Кредит | 5010 |

**12. Асосий воситалар узоқ муддатли ижарага олинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 0310 | Кредит | 7910 |
| B. Дебет | 7910 | Кредит | 0310 |
| C. Дебет | 9210 | Кредит | 0110 |
| D. Дебет | 0110 | Кредит | 7910 |
| E. Дебет | 5010 | Кредит | 0110 |

**13. Хўжалик усулида ўтказилган асосий воситаларни таъмирлаш харажатларига қандай бухгалтерия ёзувлари берилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 6010 | Кредит | 5110 |
| B. Дебет | 6710 | Кредит | 5110 |
| C. Дебет | 2310 | Кредит | 1040 |
| D. Дебет | 0110 | Кредит | 5110 |
| E. Дебет | 0810 | Кредит | 5110 |

**14. Номоддий активлар қандай баҳоларда баҳоланади?**

- A. Бошланғич, қайта тикланган, қолдиқ қийматда.
- B. Ишлаб чиқариш таннархида, бозор баҳоларида, баланс баҳоларида, келишилган баҳода.

С. Бошланғич хужжатларда кўрсатилган баҳоларда, юк хати (накладной)да кўрсатилган баҳоларда, қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган баҳода.

Д. Сотиб олиш баҳоси, шартнома баҳоси, бозор баҳоси

Е. Бошланғич баҳо, қолдиқ қиймат.

**15. Таъсисчилардан қабул қилинган номоддий активлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:**

А. Дебет 0410                      Кредит 7510

В. Дебет 4610                      Кредит 0410

С. Дебет 0410                      Кредит 4610

Д. Дебет 0410                      Кредит 5110

Е. Дебет 0410                      Кредит 6010

**16. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартиби қандай?**

А. Ҳар ойда, амал қилиш муддати давомида тўла қоплангунча, 5 йилгача (агар муддат кўрсатилмаса, корхона фаолияти амал қилишидан ўтмаган ҳолда.

В. Ҳар ойда, 3 йилгача, корхона фаолияти амал қилишидан ўтмаган ҳолда.

С. Ҳар ойда, тўла қоплангунча.

Д. Ҳар чоракда, 10 йилгача, амал қилиш муддати давомида.

Е. Корхоналарнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган ихтиёрий муддатда.

**17. Бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар қандай қийматда ҳисобга олинади?**

А. Бозор баҳоларида, келишилган баҳоларда.

В. Бошланғич қийматда.

С. Таннарх қиймати бўйича.

Д. Ўртача қийматда.

Е. Баланс баҳосида.

**18. Бошқа корхоналардан сотиб олинган номоддий активлар қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:**

А. Дебет 0410                      Кредит 8310

В. Дебет 7510                      Кредит 0410

С. Дебет 0410                      Кредит 5010

Д. Дебет 0410                      Кредит 5110

Е. Дебет 0410                      Кредит 6010

**19. Номоддий активлар ҳисобдан чиқарилаётганда уларнинг эскириш суммаси қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:**

А. Дебет 0410                      Кредит 0510

В. Дебет	9220	Кредит	0410
С. Дебет	9220	Кредит	0510
Д. Дебет	0510	Кредит	9220
Е. Дебет	0510	Кредит	9210

**20. Номоддий активлар сотилганда олинган қўшилган қиймат солиғи суммаси қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан ҳисобга олинади:**

А. Дебет	9220	Кредит	6410
В. Дебет	9210	Кредит	6410
С. Дебет	4010	Кредит	6410
Д. Дебет	0410	Кредит	5110
Е. Дебет	9220	Кредит	0510

**21. Номоддий активларни сотишдан олинган тушумга қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:**

А. Дебет	0410	Кредит	5110
В. Дебет	5110	Кредит	9220
С. Дебет	0410	Кредит	5010
Д. Дебет	5110	Кредит	4010
Е. Дебет	0410	Кредит	6010

**22. Номоддий активларни сотишдан олинган зарар қуйидаги бухгалтерия ёзувида акс эттирилади:**

А. Дебет	0410	Кредит	9430
В. Дебет	0410	Кредит	9220
С. Дебет	5110	Кредит	0410
Д. Дебет	5110	Кредит	4010
Е. Дебет	9430	Кредит	9220

**23. Омборда материаллар ҳисоби қандай ҳужжатлар ёрдамида ташкил қилинади?**

А. Кириш ордерлари, юк хати (накладной), кузатувчи бошланғич ҳужжатлар, лимит карталари.

В. Материалларнинг омбор ҳисоби китоби ёки материалларнинг омбор ҳисоби карточкалари.

С. Материалларнинг бухгалтерия карточкалари, бошланғич ҳужжатлар ва бошқалар.

Д. Материалларнинг омбор ҳисобини юритиш регистрлари, контокоррент карточкалар, материаллар ҳисобини юритиш машинограммалари.

Е. Омбор дафтари, лимит карточкаси, сертификат.

**24. Омбордан материалларнинг берилиши қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?**

А. Буйруқлар, талабномалар, расмий хатлар, инвентарь карточкалари.

В. Лимит китоблари, ишлаб чиқариш харажатлари китоблари, омбор китоблари.

С. Юк хати (накладной), талабномалар, лимит карталари.

Д. Бир қаторли ва кўп қаторли каточкалар.

Е. Топшириқнома, буйрук.

**25. Мол етказиб берувчилардан олинган материалларни қабул қилишда камомад аниқланса қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

А. Дебет	1010	Кредит	5110
В. Дебет	1010	Кредит	6310
С. Дебет	1010	Кредит	5010
Д. Дебет	4860	Кредит	6010
Е. Дебет	6310	Кредит	1010

**26. Асосий ишлаб чиқаришга материаллар лимит карталарига асосан берилса қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

А. Дебет	1010	Кредит	2010
В. Дебет	2010	Кредит	1010
С. Дебет	2310	Кредит	1010
Д. Дебет	2510	Кредит	1010
Е. Дебет	2010	Кредит	1030

**27. Асосий цех эҳтиёжига материаллар талабномаларга асосан берилса қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

А. Дебет	2010	Кредит	1010
В. Дебет	2310	Кредит	1010
С. Дебет	2910	Кредит	1010
Д. Дебет	2510	Кредит	1010
Е. Дебет	2010	Кредит	1030

**28. Материаллар корхонанинг ёрдамчи ишлаб чиқаришидан қабул қилиб олинса қандай акс эттирилади?**

А. Дебет	1010	Кредит	2310
В. Дебет	2010	Кредит	1010
С. Дебет	2310	Кредит	1010
Д. Дебет	2510	Кредит	1010
Е. Дебет	2310	Кредит	1040

**29. Инвентаризация натижасида материаллар бўйича аниқланган камомадлар қандай бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади?**

А. Дебет	1010	Кредит	2010
В. Дебет	5910	Кредит	1010
С. Дебет	2310	Кредит	1010

D. Дебет	1010	Кредит	5910
E. Дебет	2510	Кредит	1030

**30. Тайёр маҳсулотлар балансда қандай таннархда кўрсатилади?**

- A. Бошланғич таннархда.
- C. Ҳақиқий таннархда.
- C. Режа таннархида.
- D. Смета таннархида.
- E. Сотиш баҳосида.

**31. Тайёр маҳсулотларнинг жорий ҳисобини юришида қуйидаги баҳолардан фойдаланилади:**

- A. Бошланғич таннархда, контракт баҳосида.
- B. Режа таннархида, эркин баҳода, ҳақиқий таннархда ёки эркин чакана баҳода.
- C. Смета таннархида, ҳақиқий таннархда, чакана баҳода.
- D. Режа таннархида.
- E. Шартнома баҳоси, ҳақиқий таннарх.

**32. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга қабул қилинганда қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:**

A. Дебет	2010	Кредит	2810
B. Дебет	2810	Кредит	2010
C. Дебет	2810	Кредит	2310
D. Дебет	2510	Кредит	2010
E. Дебет	2830	Кредит	2010

**33. Омборда тайёр маҳсулотлар ҳисоби қайси ҳужжатлар ёрдамида ташкил қилинади?**

- A. Контокоррент карточкалар, учет регистрлари.
- B. Юк хати (накладной), китоблар, карточкалар, лимит карталари.
- C. Лимит-забор карталари, омбор китоблари, касса ордерлари.
- D. Омбор ҳисоби карточкалари, миқдорий-навли ҳисоб-китоблари.
- E. Лимит-забор карталари, омбор китоблари, учет регистрлари.

**34. Тайёр маҳсулотлар харидорларга ортиб жўнатилганда таннархи қандай ҳисобдан чиқарилади?**

A. Дебет	2810	Кредит	9110
B. Дебет	5110	Кредит	2810
C. Дебет	2810	Кредит	2010
D. Дебет	9110	Кредит	2810
E. Дебет	2810	Кредит	9010

**35. Тайёр маҳсулотлар учун пул келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:**

A. Дебет	2010	Кредит	9110
B. Дебет	5110	Кредит	4010
C. Дебет	2010	Кредит	2810
D. Дебет	9110	Кредит	2810
E. Дебет	4010	Кредит	9010

**36. Маҳсулотларни сотиш учун олдиндан бўнак суммаси олинса қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан ҳисобга олинади:**

A. Дебет	2010	Кредит	5110
B. Дебет	4110	Кредит	5110
C. Дебет	5110	Кредит	2810
D. Дебет	5010	Кредит	2810
E. Дебет	5110	Кредит	6310

**37. Маҳсулотларни сотишдан даромад олинса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилди:**

A. Дебет	2810	Кредит	9110
B. Дебет	5110	Кредит	2810
C. Дебет	9010	Кредит	4010
D. Дебет	9010	Кредит	2810
E. Дебет	4010	Кредит	9010

**38. Асосий ишлаб чиқаришда ишлаган ишчиларга иш ҳақи ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

A. Дебет	2010	Кредит	6710
B. Дебет	5110	Кредит	2010
C. Дебет	2310	Кредит	6710
D. Дебет	6710	Кредит	2010
E. Дебет	2010	Кредит	6720

**39. бош ҳисобчини сафар хизмати харажатлари ҳисобдан чиқарилганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

A. Дебет	4220	Кредит	6710
B. Дебет	9420	Кредит	4220
C. Дебет	4210	Кредит	9410
D. Дебет	9430	Кредит	4220
E. Дебет	4220	Кредит	5010

**40. Бошқарув ходимларига иш ҳақи ҳисобланганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

A. Дебет	2010	Кредит	6710
B. Дебет	5110	Кредит	2010

С. Дебет	9420	Кредит	6710
D. Дебет	6710	Кредит	2010
E. Дебет	2010	Кредит	6720

**41. Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақларига нисбатан ижтимоий ажратмалар ҳисобланса қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

A. Дебет	2010	Кредит	6520
B. Дебет	5110	Кредит	6510
C. Дебет	2310	Кредит	6510
D. Дебет	2010	Кредит	6410
E. Дебет	2010	Кредит	6710

**42. Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақларидан даромад солиғи ушлаб қолинганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

A. Дебет	6410	Кредит	6710
B. Дебет	5110	Кредит	2010
C. Дебет	2310	Кредит	6710
D. Дебет	6710	Кредит	6410
E. Дебет	6510	Кредит	6720

**43. Иш ҳақидан етказилган моддий зарар учун ушлаб қолинганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

A. Дебет	2010	Кредит	6710
B. Дебет	4730	Кредит	6710
C. Дебет	5110	Кредит	6710
D. Дебет	6710	Кредит	4730
E. Дебет	4730	Кредит	6720

**44. Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан бўладиган ҳисоблашишларнинг аналитик ҳисоби қайси ҳужжатларда ташкил этилади**

A. Шахсий варақа, ҳисоб-китоб ҳисобварағидан кўчирма, ҳисоблашиш қайдномаси, тўлов қайдномаси, касса китоби.

B. Шахсий варақа, иш ҳақи ҳисоблаш китоби, ҳисоб-китоб қайдномаси, ҳисоб-китоб тўлов қайдномаси.

C. Контокоррет карточкаси, ҳисоблашиш қайдномаси, тўлов қайдномаси.

D. Иш вақтини ҳисобга олиш табели, контокоррет карточкаси, ҳисоблашиш қайдномаси, тўлов қайдномаси.

E. Шахсий варақа, иш ҳақи ҳисоблаш китоби, тўлов қайдномаси.

**45. Иш ҳақидан алимент ушлаб қолинганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 6720 | Кредит | 6910 |
| B. Дебет | 5110 | Кредит | 6710 |
| C. Дебет | 2310 | Кредит | 6710 |
| D. Дебет | 6710 | Кредит | 6990 |
| E. Дебет | 6710 | Кредит | 6510 |

**46. Касса операцияларини расмийлаштиришда ишлатиладиган ҳужжатларга қуйидагиларнинг қайси бири кирди?**

- A. Бухгалтерия справкиси, журнал-ордер №1, касса кирим ордери, чеклар.
- B. Касса кирим ордери, касса чиким ордери, тўлов қайдномалари, касса китоби.
- C. Чеклар, ҳисоб-китоб ҳисобварағидан кўчирмалар, касса китоби, бош китоб.
- D. Касса китоби, бош китоб, мемориал ордер, бухгалтерия справкиси.
- E. Чеклар, ҳисоб-китоб ҳисобварағидан кўчирмалар.

**47. Кассадан сафар хизмати харажатлари учун бўнак пули берилганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 5010 | Кредит | 4220 |
| B. Дебет | 5110 | Кредит | 4210 |
| C. Дебет | 4220 | Кредит | 5010 |
| D. Дебет | 5010 | Кредит | 4230 |
| E. Дебет | 4210 | Кредит | 5110 |

**48. Бошқарув ходимларига кассадан иш ҳақи берилганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 9410 | Кредит | 5010 |
| B. Дебет | 5110 | Кредит | 5010 |
| C. Дебет | 6710 | Кредит | 5010 |
| D. Дебет | 6710 | Кредит | 9430 |
| E. Дебет | 9430 | Кредит | 5110 |

**49. Мол ётказиб берувчиларга пул ўтказиш қайси ҳужжатлар асосида амалга оширилади?**

- A. Пул ўтказиш ҳақида ариза, тўлов топшириғи, ҳисоб-китоб ҳисобварағидан кўчирма.
- B. Тўлов топшириғи, шартнома, ҳисобварақ-фактура.
- C. Тўлов талабномаси, тўлов топшириғи, чек, ариза.
- D. Тўлов қайдномаси, ҳисобварақ, шартнома, иш бажарилганлиги тўғрисидаги далолатнома.

Е. Тўлов қайдномаси, ҳисобварақ, шартнома, иш бажарилганлиги тўғрисидаги далолатнома, пул ўтказиш ҳақида ариза, тўлов топшириғи.

**50. Мол-мулк солиғи суммаси ўтказиб берилганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

А. Дебет	6410	Кредит	5110
В. Дебет	5110	Кредит	5010
С. Дебет	6410	Кредит	5010
Д. Дебет	6410	Кредит	9430
Е. Дебет	9430	Кредит	5110

**51. Халқ банкига ҳисобланган ЖБПС (ИНПС) ўтказиб берилганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

А. Дебет	9410	Кредит	5010
В. Дебет	5110	Кредит	5010
С. Дебет	6510	Кредит	5010
Д. Дебет	6520	Кредит	5110
Е. Дебет	6430	Кредит	5110

**52. Экспортга жўнатилган маҳсулотлар учун пул келиб тушганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

А. Дебет	4010	Кредит	5010
В. Дебет	5110	Кредит	4010
С. Дебет	5210	Кредит	4010
Д. Дебет	4010	Кредит	9010
Е. Дебет	4010	Кредит	5110

**53. Мол ўтказиб берувчилар билан ҳисоблашиш учун аккредитив ҳисобварағи очилганда қандай бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади?**

А. Дебет	6010	Кредит	5010
В. Дебет	5510	Кредит	5110
С. Дебет	5520	Кредит	5110
Д. Дебет	5510	Кредит	6810
Е. Дебет	5510	Кредит	6010

**54. Харажатлар тўғрисидаги Низом бўйича соф фойда – бу:**

- А. Солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда.
- В. Солиқ тўлагандан кейинги фойда.
- С. Доимий фарқларни ҳисобга олган ҳолдаги фойда.
- Д. Балансда акс эттириладиган фойда.
- Е. Таксимланмаган фойда.

**55. Ҳисобот санаси бўйича корхонанинг йиғилган фойдаси бу:**

- А. дивидендлар тўлангандан кейинги ҳисобот йили фойдаси.

- В. ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси.
- С. балансда акс эттириладиган фойда.
- Д. ҳисобот даврида солиқ декларациясида кўрсатилган фойда.
- Е. йиллар давомида йиғилган фойда.

**56. Маҳсулотларни сотишдан олинган ялли фойда – бу:**

- А. корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини характерлайди.
- В. корхонанинг барча хўжалик фаолияти самарадорлигини характерлайди.
- С. маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушумдан сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи айирмаси.
- Д. солиқ базаси бўлиб ҳисобланади.
- Е. маҳсулот сотишдан тушум.

**57. Мувозанат (зарар кўрмаслик) нуқтаси қуйидаги формула билан ифодаланади:**

- А. Сотишдан келган тушум = Ўзгарувчан харажатлар - Ўзгармас харажатлар;
- В. Сотишдан келган тушум + Ўзгарувчан харажатлар - Ўзгармас харажатлар = 0;
- С. Сотишдан келган тушум - Ўзгарувчан харажатлар - Ўзгармас харажатлар = 0;
- Д. Сотишдан келган тушум + Ўзгармас харажатлар = Ўзгарувчан харажатлар.
- Е. Сотишдан келган тушум - Ўзгарувчан харажатлар = Ўзгармас харажатлар

**58. Маҳсулотларни сотишдан зарар олинса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:**

А. Дебет	9010	Кредит	9910
В. Дебет	9910	Кредит	9010
С. Дебет	8710	Кредит	9910
Д. Дебет	9430	Кредит	5110
Е. Дебет	5110	Кредит	9910

**59. Қуйидаги бухгалтерия ёзувининг мазмуни қандай?**

Дебет 9430                      Кредит      9210

- А. Корхонадаги ортиқча асосий воситаларни сотиш.
- В. Корхонанинг ортиқча асосий воситаларни сотишдан олинган фойдани акс эттириш.
- С. Корхонадаги ортиқча материалларни сотишдан олинган фойдани акс эттириш.

D. Корхонанинг ортиқча асосий воситаларни сотишдан олинган зарарни акс эттириш.

E. Асосий воситани сотишдан маъмурий харажат.

**60. Корхонада йил охирида соф фойда суммаси қандай бухгалтерия ёзувида акс эттирилади?**

A. Дебет	8710	Кредит	9910
B. Дебет	9910	Кредит	8710
C. Дебет	8710	Кредит	9010
D. Дебет	8720	Кредит	8710
E. Дебет	9110	Кредит	9910

**61. Айбдор шахслар аниқламаганда камомадлар ҳисобдан чиқарилса қандай бухгалтерия ёзувида акс эттирилади?**

A. Дебет	6710	Кредит	4730
B. Дебет	4730	Кредит	5910
C. Дебет	5910	Кредит	5010
D. Дебет	4730	Кредит	6710
E. Дебет	9430	Кредит	5910

**62. Дивидендлар ҳисобланганда қандай бухгалтерия ёзувида акс эттирилади?**

A. Дебет	6610	Кредит	8710
B. Дебет	4610	Кредит	8720
C. Дебет	8710	Кредит	6610
D. Дебет	6610	Кредит	4610
E. Дебет	8710	Кредит	4610

**63. Корхонада фойда солиғи ҳисобланганда қандай бухгалтерия ёзувида акс эттирилади?**

A. Дебет	9810	Кредит	6410
B. Дебет	6410	Кредит	5110
C. Дебет	5110	Кредит	6410
D. Дебет	5110	Кредит	9810
E. Дебет	6410	Кредит	9810

**64. Таъсисчилар томонидан берилган асосий воситанинг эскириш суммаси бухгалтерияда қандай акс этирилади?**

A. Дебет	6610	Кредит	8510
B. Дебет	0120	Кредит	8510
C. Дебет	0220	Кредит	8520
D. Дебет	4610	Кредит	0230
E. Дебет	8510	Кредит	0220

**65. Устав капиталнинг таъсисчиларни улуши кўринишида шаклланиши бухгалтерияда қандай акс эттирилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 6610 | Кредит | 8510 |
| B. Дебет | 6610 | Кредит | 8520 |
| C. Дебет | 8510 | Кредит | 6610 |
| D. Дебет | 4610 | Кредит | 8330 |
| E. Дебет | 5110 | Кредит | 8510 |

**66. Таъсисчилар томонидан берилган материалларнинг бухгалтерияда акс эттирилишининг тўғри вариантыни аниқланг.**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 6610 | Кредит | 1010 |
| B. Дебет | 1010 | Кредит | 6610 |
| C. Дебет | 4610 | Кредит | 1010 |
| D. Дебет | 6610 | Кредит | 5110 |
| E. Дебет | 1010 | Кредит | 4610 |

**67. Кредитга сотилган товарлар учун ишчининг ойлигидан ушлаб қолинадиган сумманинг бухгалтерияда қандай акс эттирилишини аниқланг.**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 6710 | Кредит | 6410 |
| B. Дебет | 6710 | Кредит | 2910 |
| C. Дебет | 6710 | Кредит | 5010 |
| D. Дебет | 6710 | Кредит | 4710 |
| E. Дебет | 5010 | Кредит | 2910 |

**68. Мол етказиб берувчилар олдидаги қарзларнинг банк кредити ҳисобига қопланиши бухгалтерияда қандай акс эттирилади?**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 6810 | Кредит | 5110 |
| B. Дебет | 5110 | Кредит | 6810 |
| C. Дебет | 6010 | Кредит | 6810 |
| D. Дебет | 5110 | Кредит | 6810 |
| E. Дебет | 6010 | Кредит | 5110 |

**69. Ишлатилмай қолingan ҳисобдорлик суммаларининг миллий валютадаги суммалари корхона кассасига қайтарилишининг бухгалтерияда акс эттирилишини тўғри вариантыни аниқланг.**

- |          |      |        |      |
|----------|------|--------|------|
| A. Дебет | 4210 | Кредит | 5010 |
| B. Дебет | 6710 | Кредит | 4210 |
| C. Дебет | 5210 | Кредит | 4210 |
| D. Дебет | 5110 | Кредит | 4210 |
| E. Дебет | 5010 | Кредит | 4210 |

**70. Бўнак сифатида тўланган солиқ суммаларини ҳисобига бюджет олдидаги мажбуриятларининг қопланишини бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилишини аниқланг.**

A. Дебет	6410	Кредит	4410
B. Дебет	6410	Кредит	5110
C. Дебет	6410	Кредит	5010
D. Дебет	6710	Кредит	6410
E. Дебет	9810	Кредит	6410

**71. Қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?**

A. Дебет	-	Кредит	0120
B. Дебет	5110	Кредит	001
C. Дебет	001	Кредит	5110
D. Дебет	-	Кредит	001
E. Дебет	5110	Кредит	0120

**72. Қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситалар корхона ҳисобидан чиқарилишида уларга тегишли эскириш суммаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишининг тўғри вариантини аниқланг.**

A. Дебет	0290	Кредит	2010
B. Дебет	2010	Кредит	0290
C. Дебет	-	Кредит	001
D. Дебет	001	Кредит	-
E.	Ҳеч қандай бухгалтерия ўтказмаси акс эттирилмайди		

**73. Қайтарилмаган ҳисобдорлик суммаларининг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши бухгалтерияда қандай акс эттирилади?**

A. Дебет	4210	Кредит	6710
B. Дебет	5010	Кредит	4210
C. Дебет	6710	Кредит	4220
D. Дебет	4210	Кредит	5010
E. Дебет	5010	Кредит	6710

**74. Пул ўтказиш йўли билан қисқа муддатга сотиб олинган акцияларнинг суммаси бухгалтерияда қандай акс эттирилади?**

A. Дебет	0620	Кредит	5110
B. Дебет	5810	Кредит	5110
C. Дебет	5810	Кредит	5010
D. Дебет	0610	Кредит	5010
E. Дебет	9540	Кредит	5110

**75. Узоқ муддатли банк кредитларининг олинishi бухгалтерияда қандай акс эттирилади?**

A. Дебет	5110	Кредит	7810
B. Дебет	9540	Кредит	5110
C. Дебет	7810	Кредит	5010
D. Дебет	5010	Кредит	7810
E. Дебет	7810	Кредит	5110

**76. Ходимлар меҳнат ҳақидан даромад солиғи ушлаб қолинса, қандай бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади?**

A. Дебет	6710	Кредит	6410
B. Дебет	6410	Кредит	6710
C. Дебет	6710	Кредит	6510
D. Дебет	6410	Кредит	5110
E. Дебет	6710	Кредит	6720

**77. Ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситанинг эскириш суммаси бухгалтерияда қандай акс эттирилади?**

A. Дебет	0200	Кредит	0100
B. Дебет	0100	Кредит	0200
C. Дебет	0200	Кредит	9210
D. Дебет	2010	Кредит	0200
E. Дебет	9210	Кредит	0100

**78. Ишчининг меҳнат ҳақидан алимент суммасининг ушлаб қолиниши қандай бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади?**

A. Дебет	6990	Кредит	6710
B. Дебет	6990	Кредит	6510
C. Дебет	6710	Кредит	6910
D. Дебет	6710	Кредит	6410
E. Дебет	6710	Кредит	6990

**79. Пудратчи ташилот томонидан битказилган асосий воситанинг корхонада қабул қилиниш жараёнининг бухгалтерияда акс эттирилишининг тўғри вариантыни кўрсатинг.**

A. Дебет	6010	Кредит	5110
B. Дебет	0810	Кредит	6010
C. Дебет	0120	Кредит	5110
D. Дебет	0820	Кредит	5110
E. Дебет	6010	Кредит	5010

**80. Ишчининг ойлигидан ушлаб қолинган алимент суммасининг ўтказилишини бухгалтерияда акс эттирилишининг тўғри вариантыни кўрсатинг.**

A. Дебет	6990	Кредит	5110
B. Дебет	6710	Кредит	6990
C. Дебет	6410	Кредит	5110

D. Дебет	5110	Кредит	6990
E. Дебет	6990	Кредит	5010

**81. Банктан олинган узоқ муддатли кредитнинг қайтарилиши бухгалтерияда қандай ўтказма орқали акс эттирилади?**

A. Дебет	7810	Кредит	5110
B. Дебет	5110	Кредит	7810
C. Дебет	6810	Кредит	5110
D. Дебет	7810	Кредит	5010
E. Дебет	7810	Кредит	6810

**82. Қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситанинг қиймати қандай акс эттирилади?**

A. Дебет	0310	Кредит	7990
B. Дебет	-	Кредит	001
C. Дебет	0190	Кредит	6990
D. Дебет	0190	Кредит	5110
E. Дебет	001	Кредит	-

**83. Хўжалик инвентарларининг асосий ишлаб чиқаришга берилишининг бухгалтерияда акс эттирилишининг тўғри вариантыни танланг.**

A. Дебет	1080	Кредит	2010
B. Дебет	0180	Кредит	2010
C. Дебет	2010	Кредит	1080
D. Дебет	1080	Кредит	1090
E. Дебет	1090	Кредит	1080

**84. Асосий воситани ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар суммаси бухгалтерияда қандай акс эттирилади?**

A. Дебет	0310	Кредит	9220
B. Дебет	0120	Кредит	5110
C. Дебет	0110	Кредит	5110
D. Дебет	5110	Кредит	9220
E. Дебет	9210	Кредит	9310

**85. Реклама-ташвиқот бўлими ва рекламани бошқариш маъмурий харажатлари қайси харажат гуруҳига киритилади?**

- A. Ўзгарувчан ва тўғри харажатларга.
- B. Ўзгарувчан ва эгри харажатларга.
- C. Доимий ва тўғри харажатларга.
- D. Доимий ва эгри харажатларга.
- E. Доимий ва эгри харажатларга, ўзгарувчан ва эгри харажатларга.

**86. Корхона ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотнинг сотиш нархини 200 000 сўм миқдорда, фойда олиш суммаси 100 000 сўмга режалаштирмоқда, шунингдек доимий харажатлар – 400 000 ва ўзгарувчан харажатлар - реализация ҳажмининг 75% миқдорда. Шу ерда соф реализация ҳажми қанчани ташкил қилади?**

- A. 8
- B. 6
- C. 12
- D. 10
- E. Фойда олмайди, балки зарар кўради.

**87. Ишлаб чиқариш корхонаси учун қуйидагиларнинг қайси бири давр харажатлари гуруҳига киритилади?**

- A. Завод жиҳозларининг амортизацияси.
- B. Маҳсулотларни сотиш бўлимининг ишчилари иш ҳақи.
- C. Машина операторларининг иш ҳақи.
- D. Завод жиҳозларининг суғуртаси.
- E. Ўраш харажатлари.

**88. Корхонанинг ҳисобот йили бошида қуйидаги ҳисобварақларда қолдиги бор:**

ТМЗ	Йил бошида	Йил охирида
1010 “Хом ашё ва материаллар” (тўғри харажатлар)	55 000	65 000
2010 “Асосий ишлаб чиқариш”	96 000	80 000
2810 “Омбордаги тайёр маҳсулот”	50 000	85 000

Йил давомида корхона қуйидаги харажатларни амалга оширган:

Материаллар сотиб олинган (тўғри харажатлар)	400 000
Тўғри меҳнат харажатлари	220 000
Умумишлаб чиқариш харажатлари	330 000

Шу мисолда ҳисобот йилида ишлаб чиқилган маҳсулотнинг таннархи қанчани ташкил қилган?

- A. 921.000
- B. 956.000
- C. 966.000
- D. 979.000
- E. 976.000

**89. Корхона ўзининг молиявий ҳисоботида қуйидаги маълумотларни акс эттирган:**

- реализация ҳажми – 200 000

- ишлаб чиқариш харажатлари – 80 000 (40% ни доимий харажатлар)
- тижорат ва маъмурий харажатлар - 100.000 (60% ни ўзгарувчан харажатлар)

Материаллар захирасини ҳисобга олмасдан маржинал фойдани ҳисобланг.

- A. 92. 000
- B. 108.000
- C.120.000
- D. 90.000
- E. 101.000

**90. Қуйидаги қайси ҳолатда маржинал усулни ишлатмаган маъкул?**

- A. Ишлаб чиқариш фаолиятини яқунлаётган (тугатаётган) вақтда.
- B. Ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси) тўғрисидаги савол кўриляётган вақтда.
- C. Иккита машинадан бирини сотиб олиш лозим бўлган вақтда.
- D. Махсус буюртма олиш масаласи кўриляётган вақтда.
- E. Жараёнли ишлаб чиқаришда.

**91 .Қуйида келтирилган харажатларнинг қайсиси ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашнинг тўлиқ харажат усулида қўлланилади?**

- A. Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари.
- B. Доимий умумишлаб чиқариш харажатлари.
- C. Тўғри материаллар харажати.
- D. Тўғри меҳнат (иш) ҳақи харажатлари.
- E. Сотиш харажатлари.

**92. Корхона ўзгарувчан харажатларни ҳисоблаш усулидан фойдаланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд:**

- материаллар (тўғри харажатлар) – 4,40
- меҳнат харажатлари (тўғри харажат) – 1,60
- ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари – 2,30
- доимий умумишлаб чиқариш харажатлари – 1,90
- ўзгарувчан тижорат харажатлари – 3,10
- доимий тижорат харажатлари – 1,10

Мабода, тайёр маҳсулотлар қолдиғи 1 240 бирликни ташкил қилган бўлса, унинг ишлаб чиқариш таннархи қанча бўлган?

- A. 10 292
- B. 12 648
- C.14 136
- D. 17 856

E. 13 900

**93. Релевант даражаси оралигида бир дона маҳсулот турига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар:**

- A. Ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмида турлича бўлади.
- B. Ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмида ўзгармасдан қолади.
- C. Ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмига қараб пропорционал ўзгаради.
- D. Ишлаб чиқариш ҳажмига умуман алоқаси йўқ.
- D. Тўғри жавоб йўқ.

**94. Келгуси йилга корхона ўз фаолиятини режаслаштиришида, реализация ҳажмини 6 000 000 сўм етказиш учун қуйидаги маълумотларни тайёрлади:**

№	Харажатлар тури	Ўзгарувчан харажатлар (сўм)	Доимий харажатлар (сўм)
	Тўғри моддий харажатлар	1 600 000	-
	Тўғри иш ҳақи харажатлари	1 400 000	-
	Умум ишлаб чиқариш харажатлари	600 000	900 000
	Маркетинг харажатлари	240 000	360 000
	Маъмурий бошқарув харажатлари	60 000	40 000
	ЖАМИ:	3 900 000	1 300 000

**Шу мисолда критик нуқта пул бирлигида қанчага тенг бўлади?**

- A. 2 250 000
- B. 4 000 000
- C. 3 500 000
- D. 5 200 000
- E. 3 450 000

**95. Корхона 200 000 дона маҳсулот сотишини режаслаштиради. Шундан доимий харажатлар – 400 000 сўм ва ўзгарувчан харажатлар - сотиш баҳосининг 60% ташкил қилган. Корхона 100 000 сўм фойда олиши учун, сотилаётган маҳсулот бирлигининг донасининг баҳоси бўлиши керак:**

- A. 3,75 сўм
- B. 4,17 сўм
- C. 5,00 сўм
- D. 6,25 сўм
- E. 3,55 сўм

**96. Корхона ишлаб чиққан маҳсулотининг ҳар бир донасини 27 сўмда сотмоқчи. Ҳар бир дона маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар - 15 сўм. Доимий харажатлар бир ойга 197 040 сўм ташкил**

**қилади. Шу вазиятда сотишнинг критик нуқтаси неча донна маҳсулот бирлигига тенг?**

- A. 16 420
- B. 11 590
- C. 11 950
- D. 16 240
- E. 10 879

**97. Буюртмали усул бўйича таннархни калькуляция жараёнида умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқариш учун:**

- A. 2010 - ҳисобварақ кредитланади.
- B. 2510 - ҳисобварақ кредитланади.
- C. 2510 - ҳисобварақ дебетланади.
- D. 2810 - ҳисобварақ дебетланади.
- E. 2310 - ҳисобварақ дебетланади.

**98. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг норматив коэффиценти бу:**

A. Ҳақиқий умумишлаб чиқариш харажатларининг, ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати шаклида аниқланади.

B. Ҳақиқий умумишлаб чиқариш харажатларининг режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати.

C. Режалаштирилган умумишлаб чиқариш харажатларининг, ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати.

D. Режалаштирилган умумишлаб чиқариш харажатларининг, режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбати.

E. Ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларининг умумишлаб чиқариш харажатларига нисбати.

**99. Корхона бицлажак даврга умумишлаб чиқариш харажатларини - 255 000 сўмда режалаштирган.**

Режалаштирилган тўғри иш ҳақи харажатлари – 100 000 киши-соат. Давр охирида умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича қолдиқ – 270 000 сўм бўлган. Ҳақиқий иш ҳақи харажатлари – 105 000 киши-соатни ташкил қилган. Шу ҳолатда умумишлаб чиқариш харажатлари кўп ёки кам ҳисобдан чиқарилганлигини топинг.

- A. 2 250 сўм кўп.
- B. 2 250 сўм кам.
- C. 15 000 сўм кўп.
- D. 15 000 сўм кам.
- E. 12 000 сўм кам.

**100. Корхона ҳисобот даврида 3 000 донна маҳсулот ишлаб чиққан, тугалланмаган ишлаб чиқариш - 400 донани ташкил қилган.**

Кўшилган харажатлар 10%га ниҳоясига етказилмаган (тугалланмаган), материал харажатлар сарфи 100% ниҳоясига етказилган. Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган. Харажат турлари бўйича маҳсулот бирлигини топинг.

А. кўшилган харажатлар бўйича – 3 400 дона, материал харажатлар бўйича – 3 360 дона.

В. 3 360 дона кўшилган харажатлар бўйича ва 3 400 дона материал харажатлар бўйича.

С. 3 040 дона кўшилган харажатлар бўйича ва 3 400 дона материал харажатлар бўйича.

Д. 3 040 дона кўшилган харажатлар бўйича.

Е. тўғри жавоб йўқ.

**101. Корхона ҳисобот даврида 2500 дона маҳсулот ишлаб чиққан, тугалланмаган ишлаб чиқариш - 500 донани ташкил қилган.**

Кўшилган харажатлар 30%га якунланган, материал харажатлар 100%га якунланган. Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган. Материал харажатлар иш даврида 9 300 б.п.ни ташкил қилган. Қайта ишлаш харажатлари суммаси – 5 300 сўм Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳисоблаб топинг.

А. 13 050 сўм.

В. 12 750 сўм.

С. 13 450 сўм.

Д. 14 050 сўм.

Е. тўғри жавоб йўқ.

**102. Маҳсулотлар таннархини жараёнли усул билан калькуляция қилишда корхона нечта 2010 - ҳисобварақдан (тугалланмаган ишлаб чиқариш) фойдаланади:**

А. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорига ва турига боғлиқ.

В. Фақат битта.

С. Ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинига бўлимига биттадан.

Д. Ҳамма вақт иккита.

Е. Учта.

**103. Кўшилган харажатлар - бу:**

А. Умумишлаб чиқариш ва иш ҳақи харажатлари.

В. Тўғри материал ва тўғри иш ҳақи харажатлари.

С. Ҳамма ишлаб чиқариш харажатлари.

Д. Ҳамма давр харажатлари.

Е. Умумишлаб чиқариш харажатлари.

**104. Умумий бюджетни ишлаб чиқишда қуйидаги қайси жорий бюджет асос қилиб олинади?**

- A. Тижорат харажатлари бюджети.
- B. Сотиш бюджети.
- C. Ишлаб чиқариш бюджети.
- D. Материалларни харид қилиш ва ишлатиш бюджети.
- E. Асосий бюджет.

**105. Харид қилиниши лозим бўлган материалларнинг умумий ҳажмини аниқлаш учун қандай бюджет тузилиши лозим?**

- A. Тижорат харажатлари бюджети.
- B. Сотиш бюджети.
- C. Ишлаб чиқариш бюджети.
- D. Материалларни ишлатиш бюджети.
- E. Асосий бюджет.

**106. Келгусидаги ишлаб чиқариш режасини бажаришда эътиборга олинмаган, назарда тутилаётган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги атрофлича маълумотни ўзида, муҳассамаштирган бюджетлардан бири (тўғри материаллар сарфи ва тўғри иш ҳақи харажатларидан ташқари), бу:**

- A. Умум ишлаб чиқариш харажатлари бюджети.
- B. Бош бюджет.
- C. Капитал харажатлар бюджети.
- D. Умум ва маъмурий бошқарув харажатлари бюджети.
- E. Асосий бюджети.

**107. Қуйидаги қайси ҳужжат ишлаб чиқилгунга қадар, пул маблағлари тўғрисидаги бюджет ишлаб чиқилган бўлиши лозим?**

- A. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот прогнози.
- B. Капитал харажатлар бюджети.
- C. Сотув бюджети.
- D. Корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот прогнози (бухгалтерия баланси).
- E. Бош бюджет.

**108. Корхонанинг сотув бюджетидида қуйидаги маълумотлар мавжуд:**

Октябр ойида “А” маҳсулотидан 12 500 бирлик ва “В” маҳсулотидан 33 100 бирлик сотиш мўлжалланган. “А” маҳсулотининг сотиш баҳоси – 224 сўм, ва “В” маҳсулотиники - 320 . Маҳсулотларни сотиш бўлими, сотилаган “А” маҳсулотдан 6 фоиз ва “В” маҳсулотдан 8 фоиз “комиссион” мукофот олади. Шу ойда, Сизнингча, комиссия бюджетда қанча маблағ кирими режалаштирилган?

- A. 1 015 360
- B. 1 015 360
- C. 847 360

- D. 924 360
- E. 1 007 890

**109. Корхона июл ойида – 134 000 сўм, август ойида 226 000 сўм ва сентябр ойида 188 000 сўмда товарларни кредитга сотган. Товарларни кредитга сотиш тажрибаларидан шу нарса маълумки, сотилган товарларнинг тахминан 60 фоиз суммаси кейинги ойда, 36 фоизи иккинчи ойда ва қолган 4 фоизи умуман олинмаслиги мумкин. Шу ҳолатлардан келиб чиқиб топингчи, сентябр ойида сотилган товарлардан қанча маблағ олинishi мумкин?**

- A. 183 840
- B. 194 160
- C. 226 000
- D. 188 000
- E. 196 789

**110. Корхонанинг бир ой мобайнидаги фаолиятини иложи борича атрофлича баҳолаш учун энг яхши мезон қайси?**

- A. Ой бўйича бюджетда белгиланган режаларнинг бажарилиши.
- B. Ҳақиқатда бажарилган ҳолатнинг ўтган йилдаги худди шу ой ҳолати билан таққосланиши.
- C. Ҳақиқатда бажарилган ҳолатнинг ўтган ой билан таққосланиши.
- D. Бошқа мезонлар.
- E. Ҳақиқатда бажарилган ҳолатнинг режа билан таққосланиши.

**111. Корхонанинг жорий бюджетини тайёрлашда энг сўнги босқич, бу:**

- A. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.
- B. Бухгалтерия баланси.
- C. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот.
- D. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот.
- E. Биронта ҳам банд тўғри эмас.

**112. Харид қилиниши зарур бўлган материаллар миқдори, ишлатилган материалларнинг сонига:**

- A. Давр охирига режалаштирилган материаллар заҳирасини кўшиб, давр бошига бўлган материаллар заҳирасини минус қилиш қийматига тенг.
- B. Давр бошига бўлган материаллар заҳирасини кўшиб, давр охирига режалаштирилган материаллар заҳирасини минус қилиш қийматига тенг.
- C. Иккала банд ҳам тўғри.
- D. Иккила банд ҳам нотўғри.
- E. Давр бошига материаллар заҳирасига давр охиридаги заҳиралар кўшилади.

**113. Корхонада аниқ бир товар бўйича бошлангич қолдиқ - 20 000 бирлик мавжуд. Бюджет тузилаётган ойнинг охирида шу товар бўйича 14 500 бирлик қолиши ва ой давомида 59 000 бирлик ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Шу ҳолатда сотув ҳажми қанчани ташкил қилади?**

- A. 53 500 бирлик
- B. 64 500 бирлик
- C. 59 000 бирлик
- D. 65 000 бирлик
- E. 55. 000 бирлик

**114. Корхона тўғри материаллар захираси миқдорини 40 фоизга камайтирмоқчи. Бюджет тузилаётган ойнинг бошига шу материаллар қолдиғи 120 000 метрни ташкил қилган. Корхона 84 000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ҳар бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 2,5 метр шу хилдаги материал ишлатилади. Бюджет тузилаётган ой учун шу материалдан яна қанча сотиб олиниши лозим?**

- A. 162 000 метр
- B. 210 000 метр
- C. 330 000 метр
- D. 341 000 метр
- E. 72 000 метр

**115. Корхона фаолияти бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:**

Йил давомида харид қилинган товарлар суммаси	350 000
Йил охирига товар қолдиғи	70 000
Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари	200 000

Барча товарлар харид қилинган баҳосидан (таннархидан) 40 фоиз юқори баҳода сотилган. Барча товарлар кредитга сотилган ва барча сотилган товарлар учун пул албатта олинади деб фараз қилинса, йилнинг охири кунига, яъни 31 декабрга “Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган ҳисобварақлар”да қолдиқ (сальдо) қанчани ташкил қилади?

- A. 50 000 сўм
- B. 192 000 сўм
- C. 250 000 сўм
- D. 290 000 сўм
- E. 1 50 000 сўм

**116. Бюджет тузилган йил мобайнида ишлаб чиқариш корхонаси кредитга 219 000 сўмдаги маҳсулот сотиб, ундан шу йили 143 500 сўм қирим қилмоқчи. Фараз қилинаётгани, шу ҳисобот йилида бошқа ҳеч қанақанги тушум бўлмайдигани ва айнан шу йилги нақд пул тўловлари 179 000 сўмни ташкил қилади. Булардан ташқари “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” ҳисобварағида йилнинг охирида яна 10 000 сўм қолиши лозим бўлса, корхона ўз фаолиятига қўшимча равишда яна қанча маблағни жалб қилиши лозим?**

- A. 45 500
- B. 44 500
- C. 24 500
- D. 43 000
- E. 44 000

## ГЛОССАРИЙ

**Абонемент** (*фр. abboonnement*) - тасдиқланган кўринишга эга бўлган хужжат бўлиб, кутубхона, маданий дам олиш уйлари (театр, санъат саройлари ва ҳоказо) спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари, жой ўринларидан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи хужжат ҳисобланади.

**Абонент** - абонементдан фойдаланувчи шахс. Абонент билан пулли абонемент учун нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилади.

**Абонент тўлови** - пулли абонементдан фойдалангани учун абонементнинг тўлови.

**Аваль** - васиқа юзасидан топшириқ. Бундай топшириқ васиқанинг олд томонига ёки унга бириктирилган варақа (алонж)га имзо шаклида берилади. Аваль васиқанинг жами суммасига ёки унинг маълум бир қисмига турли жавобгар шахс (васиқа берувчи, акцентант, индоссант) ларга берилиши мумкин. Бундай кафолатни берувчи шахс (авалист), авални олган шахс билан бир хил даражада жавобгар ҳисобланади.

**Аваль кредити** - банкнинг мижози мажбуриятларини қоплаш кредитлари. Аваль кредити мижоз мустақил равишда мажбуриятларини тўлаш қобилиятини йукотган ҳолларда берилади.

**Бўнак** (*фр. avance*) - мўлжалланган харажат ва тўлов учун берилган пул маблағлари. Давлат Марказий банкининг кўрсатмасига кўра бўнак иқтисодиётда касса жараёнларини олиб бориш қоидаларига асосан қатъий белгиланган мақсадлар учун берилади.

**Авуарлар** - кенг маънода активлар (пул маблағлари, чеклар, васиқалар, аккредитивлар). Улар орқали тўловлар ва мажбуриятлар амалга оширилади. Банкларнинг хорижий банклардаги чет эл валютасидаги маблағлари. Қайсидир давлатга тегишли бўлган бундай маблағлар суммаси хорижий авуарлар деб аталади. Улар қаерда жойлашган бўлса, шу юридик давлатга бўйсинади.

Авуарларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- эркин авуарлар - ҳеч қандай чеклашларсиз фойдаланилади;
- блокировка қилинган авуарлар - давлат ёки банк ихтиёрида бўлади;
- фойдаланиш тартиби белгиланган авуарлар.

**Агент** - ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини сотишдаги доимий вакили. Баҳо ва шартларни, агент вазифаларини ишлаб чиқарувчи белгилайди. Масалан, агент маҳсулотнинг маълум бир қисмини маълум бир ҳудудда сотади ёки келишувлардаги ҳуқуқлари чегараланган бўлади.

**Агент келишуви** - шартнома тури бўлиб, жисмоний ёки юридик шахс билан тузилади. Шартномада буюртмачи номидан ва унинг ҳисобига маълум бир мажбуриятларни агент томонидан бажарилиши келишиб олинади.

**Актив** - бухгалтерия балансининг бир қисми бўлиб, маълум бир муддатга субъект маблағларининг таркиби ва жойланишини пул кўринишида акс эттиради. Бундан ташқари баланснинг пассив қисми ҳам мавжуд бўлиб, актив ва пассив томонлар бўлим ва моддалардан иборат. Актив томонининг

жами суммаси пассив томони суммаси билан тенг бўлиши лозим. Буни шундай тушунтириш мумкин, яъни актив томонидаги маблағларнинг манбалари, баланснинг пассив томонида жойлашган.

**Аккредитив (лат. *accredo* - ишонаман)** - нақд пулсиз ҳисоб-китоб турларидан бири. Маълум бир товар ва хизматлар учун белгиланган муддатда мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар учун ажратилган пул маблағидир. Аккредитив қуйидаги ҳолларда қўлланилади: харидор ва мол етказиб берувчи ўртасидаги шартномага асосан, харидор ва мол етказиб берувчи ўртасидаги хўжалик муносабати доимийликка эга бўлмаса, харидор товарни мол етказиб берувчи манзилида қабул қилиб олса, ҳокимият кўрсатмаси ва йўриқномасига кўра, товар етказиб беришнинг алоҳида маълум бир шароитларида банк муассасаси талаби билан кредитлаш ва ҳисоб-китобнинг маълум усулига ўтган корхоналар муносабатида, товар моддий бойликларининг меъеридан юқори захираларига эга бўлган корхоналар муносабатида.

Аккредитив очиш учун харидор аккредитив аризасини тўлдириб, банкка топширади. Аризада шартнома тартиб рақами, мол етказиб берувчи банкида аккредитивни ёпиш куни ва ойи, мол етказиб берувчининг номи, тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳужжатлар номи, тўлов тури (харидор акцепти ёки харидор акцептсиз), хизмат ёки товарлар номи ва аккредитив суммаси кўрсатилиши шарт.

Ҳар бир аккредитив маълум бир мол етказиб берувчи учун очилади ва бошқа мақсадда ишлатилиши мумкин эмас. Аккредитив суммаси тўлиқ ёки қисман тўланиши мумкин. Нақд пул билан тўлашга рухсат берилмайди.

Аккредитив ҳисоби учун 5510 - “Аккредитивлар” ҳисобварағидан фойдаланилади. Агар аккредитив корхонанинг ўз маблағи ҳисобига очилса, дебет 5510 - “Аккредитивлар” ҳисобварағи, кредит 5110 - “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”. Агар аккредитив банк кредитлари ҳисобига очилса, 6810 - “Банкнинг қисқа муддатли кредитлари” ва 7810 - “Узоқ муддатли банк кредитлари” ҳисобварақлари кредитланади.

Аккредитив бўйича аналитик ҳисобни олиб бориш ҳар бир аккредитив ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини беради. Унда ҳар бир аккредитив бўйича ой бошига аккредитив суммаси, ой давомидаги фойдаланиш ва ой охирига бўлган қолдиқ кўрсатиб борилади.

**Акцепт (лат. *асскертук* - қабул қилинган)** - белгиланган шароит бўйича шартнома тузишга розилик бериш. Нақд пулсиз ҳисоб-китобда акцепт харидорнинг мол етказиб берувчи тақдим қилган ҳисобини тўлашга розилик билдиради. Акцепт олдинги ва кейинги бўлиши мумкин. Олдиндан акцептлашда харидор банкка ҳисоб келиб тушгандан сўнг 3 кун ичида, ҳисоб-китобда қатнашаётган корхоналар бир шаҳарда жойлашган бўлса, 3 иш куни, бошқа шаҳарларда бўлса, 5 кун мобайнида банкка норозилик билдирилмаса, мол етказиб берувчи корхонанинг ҳисоби акцептланган ҳисобланади. Агар тўловчи банкдан узоқ масофада жойлашган бўлса, шунингдек, алоқа, хабар бериш йўллари ёмон бўлса, банк бошқарувчисининг

рухсати билан акцепт муддати узайтирилиши мумкин. Ҳисобварақлар бўйича талаблар бир шаҳарда бўлса, шунингдек, мол етказиб берувчи манзилида қабул қилинган товарлар бўйича ҳисоб-китоб шаҳарлараро бўлса, сўнги акцепт шаклида тўлов амалга оширилади. Бу ҳолда мол етказиб берувчининг ҳисоби банкка келиб тушган пайтда тўланади. Аммо тўловчи корхонада 3 иш куни муддати ичида акцептдан воз кечиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Агар тўловчи корхонанинг аризаси асосли бўлса, унинг ҳисоб-китоб (ёки бошқа тегишли) ҳисобварағига ортиқча ишлатилган суммалар ўтказилиб қўйилади. Акцепт ҳисоб-китобларнинг акцепти шаклида қўлланилади.

**Акцептант** (*лат. acceptant - қабул қилувчи*) - ҳисоб бўйича тўловни амалга оширишга розилик берган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ёки шахслар.

**Акцептлаш** (*лат. acceptare - қабул қилиш*) - тўлов ҳисобини қабул қилиш, мол етказиб берувчи ҳисобварағига тўловни ўтказишга розилик бериш.

**Акциз** - билвосита солиқ тури бўлиб, ялпи истеъмол товарлари (масалан, тамаки, алкоғол ичимлиги маҳсулотлари) га белгиланади: давлатга ялпи истеъмолдаги товарларни ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар томонидан тўланади. Акциз суммаси товар баҳосига ёки хизматлар тарифларига қўшилади.

**Акция** - акциядорлик жамияти капиталига маълум бир улушнинг қўшилганлигига гувоҳ берувчи ва дивиденд кўринишида фойданинг бир қисмини олишга ҳуқуқ берувчи қимматбаҳо қоғоз. Акцияда акс эттирилган сумма акциянинг номинал (дастлабки) қиймати дейилади. Акциянинг бозорда сотиладиган баҳоси акция курси деб номланади. Акция курсига у бўйича олинadиган дивиденд суммаси таъсир этади.

**Акциядорлар** - акциядорлик жамиятининг аъзоси бўлиб, бунга бир ёки бир неча акцияларни сотиб олиш орқали эришади. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари мавжуд. Унинг ҳуқуқларига қуйидагилар киради: умумий йиғилишларда қатнашиш, акциядорлик жамияти раҳбариятини сайлаш ва сайланиш, дивиденд кўринишида жамият фойдасидан олиш, акциядорлик жамияти тугатилса, акция қиймати ҳажмида мулкнинг бир қисмини олиш. Акциядорлар бурчи - акция қиймати ҳажмида ўзининг ҳиссасини жамият капиталига қўшишидир.

**Акциядорлар жамияти** - ишлаб чиқариш фондлари акциядорларнинг акцияларни сотиб олиш йўли билан қўшган улушлари ҳисобига ташкил топадиган корхонадир. Акцияларни чиқариш ва сотиш орқали индивидуал (якка) капиталлар бирлашади. АЖ фойдаси уни қатнашчилари ўртасида олган акцияларининг суммаларига мос равишда тақсимланади. АЖ низом асосида ташкил топади ва фаолият юритади, давлат рўйхатидан ўтганидан бошлаб эса, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

АЖ юқори органи бўлиб акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади ва низомга ўзгартиришлар киритади, режа ва ҳисоботларни тасдиқлайди, акциядорлик жамиятининг кенгаши (назорат кенгаши), ижроия

органи ва назорат комиссиялари аъзоларини сайлайди. Умумий йиғилишда овоз бериш бир акция - бир овоз тамойилига асосан амалга оширилади.

**Аналитик ҳисоб** - маълум бир кўрсаткич, маблағ, жараён натижасида содир бўлган ҳодисаларни майдалаб, алоҳида пул, керак бўлган ҳолларда эса, бошқа ўлчов бирликлари кўринишида ҳисобга олиб бориш.

Аналитик ҳисоб режанинг бажарилиши ва моддий бойликлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида, шунингдек, хўжаликни бошқариш учун маълумотларни олиш, ҳисоб-китобни аниқ ва тўғри олиб бориш мақсадида юритилади. Корхона хўжаликлари фаолиятининг таҳлили учун аналитик маълумотлар зарур. Улардан фойдаланиб, корхона хўжалик фаолияти ҳақида тўғри хулоса ва қарорлар қабул қилинади.

Аналитик ҳисоб маълумотларидан фойдаланиб, товар моддий бойликларининг ҳар бир тури бўйича захиралар ҳолати, ҳар бир мол етказиб берувчи, ишчи ва хизматчи, дебитор ва кредитор, моддий жавобгар шахс ва бошқалар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича аналитик ҳисоб моддалар ва харажатлар объектлари бўйича олиб борилади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш имконини беради.

Аналитик ҳисобни натура ўлчовида ҳам юритиш ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати бўйича аниқроқ маълумотга эга бўлиш, ҳамда инвентаризация натижаларини (ортиқча, етишмовчилик) тўғри аниқлаш имкониятини беради.

Аналитик ҳисоб бухгалтериянинг ҳужжатлари асосида олиб борилиб, маълум бир ҳисоб бўйича олиб борилаётган аналитик ҳисоб маълумоти шу ҳисоб маълумотлари билан бир хил бўлиши лозим.

**Арбитраж (фр. *arbitrage*)** - томонларнинг арбитрага мурожаати билан келишмовчиликни ҳал қилиш йўли. Арбитраж хўжалик ҳисобидаги шартнома ва режа, интизом ва қоидаларни мустаҳкамлаш имконини беради. Арбитраж давлат, хусусий, жамоа ва акциядор, қўшма корхоналар, ташкилот ва муассасалар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиб беради.

Манфаатдор томонлар аризаси билан арбитраж судига мурожаат этади, арбитражда келишмовчиликлар арбитраж ва манфаатдор томонлар билан ҳал этилади.

Керак бўлган ҳолларда арбитраж корхоналар ва ташкилотларда аниқланган етишмовчиликлар ҳақида вазирлик ва тармоқ бошқармаларига мурожаат этади.

**Асосий воситалар** - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат воситалари (бинолар, иморатлар, машиналар, дастгоҳлар ва ҳ.к.)

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар гуруҳларга ажратилади ва ҳисоб олиб борилади (*асосий воситаларнинг турларига қаранг*). Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида кўп давр мобайнида иштирок этиб, (бир неча ишлаб чиқариш босқичида) ўзининг дастлабки кўриниши ва шаклини ўзгартирмайди ва қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисобида эса, бошланғич қийматида ҳисобга олинади, ҳукумат чиқарган низом асосида қайта баҳоланиши ва қайта тиклаш натижасида ҳам қайта баҳоланиши мумкин. Қайта баҳолашда тиклаш қиймати бўйича баҳоланади. Асосий воситаларнинг эскириши алоҳида ҳисобга олиб борилади. *(Асосий воситаларни тиклаш қиймати, асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, асосий воситаларнинг эскириши, асосий воситаларнинг бошланғич қийматига қаранг).*

Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” дан фойдаланилади. Бу ҳисобварақнинг дебитида асосий воситаларнинг кирими, кредитида эса, асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши кўрсатилади *(Асосий воситаларнинг қабул қилинишига қаранг).*

**Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати** - асосий воситанинг хўжаликка қабул қилингандаги қиймати. Бу қиймат асосий воситани сотиб олиш юзасидан ҳақиқий харажат суммаси, яъни уларни харид қилиш, келтириш, ўрнатиш, умуман, фойдаланиш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси ва бино, иморат ҳамда қурилмаларни хўжалик усулида қуриш харажатлари бўйича аниқланади.

Пудрат усулида қурилган бино ва қурилмалар сметадаги қиймати бўйича баҳоланади. Агар қурилиш ҳам хўжалик усулида, ҳам пудрат усулида олиб борилган бўлса, у ҳолда қурилган бино, иморатларнинг шартномада кўрсатилган суммаларига хўжаликнинг ўзи сарфлаган харажатлар суммасини кўшиш билан аниқланади.

Асосий воситалар бутун фойдаланилган вақти мобайнида бошланғич қийматда ҳисобга олинади *(Асосий воситалар, асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, асосий воситаларни тиклаш қийматига қаранг).*

**Асосий воситаларнинг эскириши** - асосий воситалар бошланғич қийматининг ишлаб чиқариш жараёнида (жисмоний) эскириши ёки асосий воситанинг технологик эскириши ва меҳнат унумдорлиги ўсиши натижасида улар қийматининг пасайиши.

“Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” корхонанинг ўз асосий воситалари ва узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши ҳақида маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳар ойда белгиланган қонун-қоидалардан келиб чиқиб, уларни тўла тиклаш амортизация ажратмалари меъёри асосида аниқланади.

Тўла амортизацияланган асосий воситаларга эскириш суммаси ҳисобланмайди. Асосий воситаларнинг эскириши “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”нинг кредитига ёзилади, у ҳолда тегишли ҳисобварақлар дебетланади.

**Асосий воситаларнинг қайта тикланган қиймати** - ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитида асосий воситаларнинг тўла тиклаш қиймати. Бу қиймат бизга маълум бир объектнинг (олдин қурилган,

тайёрланган) агар ҳозирги замонавий шароитда тайёрланганда қанча туриши мумкинлигини билдиради. Бизга маълумки, асосий восита бошланғич қийматда ҳисобга олинади. Бу қиймат уларни тайёрлаш ва келтириш билан боғлиқ ҳақиқий сарфларнинг суммаси билан аниқланади. Техника ривожланиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг юксалиши ва бошқа иқтисодий шароитлар (пул алмашиши, инфляция) натижасида асосий воситаларни ишлаб чиқариш харажатлари ўзгариши мумкин. Бунинг натижасида ҳар хил даврда ишлаб чиқарилган ҳар хил объектларнинг бошланғич қийматлари турлича бўлади. Шунинг учун ҳам асосий воситани қайта баҳолаш зарурияти туғилади. Қайта баҳолаш ҳукумат қарори асосида ҳамма корхоналарда бир вақтда ўтказилади. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг тиклаш қиймати аниқланади. Қайта баҳоланган объектлар “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”да бошланғич қийматида эмас, балки тиклаш баҳосида ҳисоби юритилади. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши таъсисчилар қарори билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Асосий воситаларнинг гуруҳланиши** - асосий воситаларни маълум белгилари ва фойдаланилишига кўра гуруҳлаш.

Асосий воситаларни гуруҳларга ажратиш орқали иқтисодиёт миқёсида асосий воситалар ҳақида керакли кўрсаткич ва маълумотларни тўлиқ олиш имкони яратилади. Асосий воситалар ишлаб чиқаришда қатнашишига кўра ишлаб чиқаришдаги ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга бўлинади.

Ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ишчи ва автоматик воситалар ёрдамида меҳнат буюмларига (хом-ашё, асосий материаллар, ярим фабрикатлар, эҳтиёт қисмлар ва ҳ. к.) таъсир этиб, маҳсулот яратишда қатнашади. Шунингдек, ишлаб чиқариш учун моддий шароит яратадиган асосий воситалар мавжуд бўлиб, уларга бинолар, иморатлар, узатиш қурилмалари ва бошқалар киради.

Ноишлаб чиқариш асосий воситаларига эса, маданий-маиший, уй-коммунал хўжалигига тегишли асосий воситалар киради. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, маориф, жисмоний тарбия, маданият, санъат ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларига (маданият уйлари, ётоқхоналар биноларига тегишли буюм ва ускуналар ва бошқалар) тегишли асосий воситалар ҳам киради.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида ишлатилаётганлигига қараб, ҳаракатдаги, захирадаги ва ҳаракатда бўлмаган асосий воситаларга бўлинади. Бундай гуруҳга ажратиш асосий воситалардан фойдаланиш самарасини, эскирган асосий воситаларни сотиш ёки асосий воситани тугатиш йўлларини топиш, асосий воситалар эскириш суммасини харажатларга олиб боришни тўғри амалга ошириш имконини яратади.

Асосий воситалар тегишлигига кўра, уз асосий воситаларига ва ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади.

Асосий воситалар иқтисодиёт қайси тармоғида ишлатилишига кўра, саноатда, қишлоқ хўжалигида, савдода, қурилишда, умумий овқатланиш,

моддий техника ва таъминот, ҳамда тайёрлов хўжаликларидаги тармоқларга тегишли бўлади.

**Асосий воситаларни қабул қилиш** - корхона асосий воситасининг капитал қўйилмалар, чорва моллари подасини ташкил этиш учун сарфлаш ва яна бошқа субъектдан қайтариб бермаслик шарти билан берилган асосий воситаларни қабул қилиб олиш.

Келтирилган асосий восита белгиланган ҳужжатлар асосида (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказо) баҳоланади, ҳужжатлар тўлдирилади ва 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”и дебетида акс эттирилади.

Асосий воситалар бўйича аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида объектлар бўйича олиб борилади.

**Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати** - Асосий воситанинг бошланғич қиймати билан эскириш суммаси ўртасидаги фарк.

**Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши** - шундай жараёнки сотиш, бошқа корхонага бериш ва асосий воситалар эскириши натижасида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши ёки улардан фойдаланиш ва тиклаш иқтисодий жиҳатдан мақсадсиз бўлиб қолиши туфайли йуқотилишидир. Асосий воситани ҳисобдан чиқариш вақтида корхона харажат қилиш билан бирга, даромад (тушум) ҳам олиши мумкин. Асосий воситани ҳисобдан чиқаришда 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобварақнинг дебетида ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, шунингдек, ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар (биноларни, иншоотларни бузиш, материалларга ажратиш, ускуналарни қисмларга бўлиш ва ҳ.к.) акс эттирилади. 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисобварағи кредитида эса асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилаётган вақтидаги эскириш суммаси, сотишдан тушган даромад ва улардан олинган моддий бойликлардан фойдаланиш мумкин бўлган ёки сотиш баҳолари акс эттирилади.

Ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ҳисоб олиб борилиб, 9210 ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб юритилади.

**Асосий воситани ҳисобдан чиқариш харажатлари** - асосий воситани бузиш, қисмларга ажратиш, асосий воситани тугатиш ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ харажатлари.

**Асосий жамғармалар баланси** - мавжуд, қабул қилинган асосий жамғармалар (асосий воситалар) билан ҳисобдан чиқарилган асосий жамғармаларнинг маълум бир даврга бўлган муносабати. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий жамғармалари ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини беради.

**Ассортимент** (*фран. аккортимент*) - ишлаб чиқариш ёки савдо корхоналаридаги маҳсулот ва товарларнинг ҳар хил турлари ва навларининг таркиби. Субъект маҳсулот ишлаб чиқариш режасини фақат ҳажм жиҳатдан эмас, шунингдек, ассортимент бўйича ҳам бажариши лозим. Бозор

иқтисодиёти шароитида аҳоли талабини қондириш, харидорни кўпроқ жалб этиш ассортиментни кенгайтиришни тақозо этади. Бу борада ташкил этилаётган “SUPER MARKET” деб аталаётган савдо корхоналари ишлари жуда ижобийдир.

**Ассоциация** - умумий хўжалик мақсадларига эришиши учун мустақил корхона ва ташкилотларнинг бирлашиши. Ассоциация қатнашчилари бошқа қатнашчилар билан келишмасдан турли корхоналар бирлашмаларига аъзо бўлиши мумкин.

**Аудит** - лотинча “audio” сўзидан олинган “у эшитади” деган маънони билдиради. Аудит мустақил ташқи молиявий назорат бўлиб, ушбу корхонада ишламайдиган мустақил ҳамда дипломли аудиторлар томонидан олиб борилади.

**Аудитор** - текширилаётган корхона раҳбарияти билан тузилган шартномага асосан, шу хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширувчи шахс.

**Аудитор хизмати** - корхона фаолияти молиявий назоратининг махсус шакли бўлиб, мижоз хоҳишига кўра олиб борилади. Аудитор хизматига текширилаётган корхона йиллик ҳисоботиغا илова қилинадиган шу хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати ҳақидаги хулосани бериш, шунингдек, мижозга менежмент ва солиққа тортиш масалалари юзасидан, ҳисоб юритиш сиёсати борасидаги маслаҳатлар ҳам киради. Аудитор хизмати тижорат асосида мижоз ва аудитор (аудиторлик фирмаси) ўртасида тузилган шартномага асосан олиб борилади.

**Аукцион** - баъзи товарларни белгиланган муддатда ва тайинланган жойда сотиш усули (Ким ошди савдоси). Ўзига хос хусусияти олдиндан товарлар намойиш этилиши ва масъул сотувчининг иштирок этмаслиги. Халқаро савдода ҳам кенг тарқалган (пахта, олтин, чой, нефть маҳсулотлари ким ошди савдоси).

**Аутсайдерлар** - монопол бирлашмаларга кирмайдиган корхоналар (кичик ва ўрта корхоналар).

**Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси** - иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиб, аҳоли пул маблағларининг келиши ва харажатлари манбалари аниқланади.

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари балансининг даромад қисмида ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақи, нафақа, стипендия, шахсий эҳтиёжлар учун қарзлар, суғурта тўловлари, аҳолининг майда хунармандчилик, ўз томорқаларидан, қимматбаҳо қоғозлардан оладиган даромадлари ва бошқа даромад манбалари кўрсатилади.

Балансининг харажат қисмида эса, товар ва хизматлар учун тўлов, мажбурий ва ихтиёрий тўловлар, ажратмалар ва бошқа харажат манбалари акс эттирилади.

Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансида талабни қоплаш қобилияти ва уни қондириш манбалари аниқланади.

**Баланс** (фр. *balance*- мувазанат, тарозининг икки палласи) - доимий ўзгаришда ва ўзаро боғлиқ катталикларнинг ҳолатини кўрсатувчи, кўрсаткичлар тизими, тенглик. Баланс икки қисмдан иборат бўлиб, белгиланган муддатга тузилади. Баланснинг томонлар кўрсаткичларининг ўзгартирилишларини акс эттириб, иккала томоннинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Иккала томон кўрсаткичларининг жами суммаси доимо тенг бўлиши лозим. Баланс бир корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси, вазирлик (бухгалтерия баланси, субъектнинг даромад ва харажатлари баланси), ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида тузилиши мумкин (аҳолининг пул маблағлари ва харажатлари баланси, асосий жамғармалар баланси, тўлов баланси, савдо баланси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баланси).

**Балансдаги ҳисобварақлар** - бухгалтерия балансидаги кўрсаткичларни акс эттириладиган бухгалтерия ҳисобварақларидир. Бунда баланс моддаси номи балансдаги ҳисобварақлар номи билан мос келиши шарт деган маъно келиб чиқади. Биргина баланс ҳисобварақининг кўрсаткичи баланс моддаларининг бир нечтасида акс эттирилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида шундай ҳисобварақлар мавжудки, улар бухгалтерия баланси тузилмагунга қадар ёпилмайди. Бу ҳисобварақларда ой охирига қолдиқ қолмайди. Бу транзит ҳисобварақлар бўлиб ҳисобварақлар режасидаги 9 бўлим “Даромадлар ва харажатлар”ни ҳисобга олувчи ҳисобварақлардир.

**Балансдан ташқари ҳисобварақлар** - шундай ҳисобварақларки, уларнинг қолдиқлари бухгалтерия балансида акс эттирилмайди. Бу ҳисобварақлар бошқа корхоналарга тегишли ва корхонада мавжуд бўлган товар-моддий бойликларни, яъни жорий ижарага олинган асосий воситалар 001, маъсул сақлашга қабул қилинган товар-моддий бойликлари 002, қайта ишлаш учун олинган материаллар 003, бундан ташқари, комиссияга олинган товарлар 004, монтаж учун қабул қилинган ускуналар 005, қатъий ҳисобдаги варақлар (бланкалар) 006, тўлов қобилиятини йуқотган дебиторлик қарзларнинг зарарга ўтказилиши 007, олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминланиши 008, берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминланиши 009, молиявий лизинг шартномаси бўйича берилган асосий воситалар 010, ссуда шартномаси бўйича олинган мол-мулк 011, келгуси даврда солиққа тортиладиган базадан четлатилган харажатлар 012, вақтинчалик солиқ имтиёзлари 013, фойдаланишдаги инвентар ва хўжаликка тегишли воситалар 014, оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият) бўйича олинган мол-мулк 015 ва фойдаланиш ҳуқуқида олинган номоддий активлар 016 акс эттирилади.

Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисоб оддий, яъни иккиёқлама ёзувсиз амалга оширилади. Бу ҳисобварақлар ўзаро, ҳамда баланс ҳисобварақлари билан ҳам корреспонденцияга киришмайди.

**Балансдаги ўзгаришлар** - хўжалик жараёнлари таъсири остидаги хўжалик маблағлари ва улар манбаларининг миқдорий ўзгариши. Балансдаги ўзгаришлар қуйидагилардир:

1. Актив томонидаги моддалардан бирида сумма кўпайиб, иккинчисида эса, камаяди.

2. Пассив томондаги моддаларидан бирида сумма кўпайиб, иккинчисида эса, камаяди.

3. Активда ҳам пассивда ҳам сумма кўпаяди.

4. Активда ҳам пассивда ҳам сумма камаяди.

**Баланс усули** - битта ҳодисани ифодаловчи қарама-қарши кўрсаткичларни (кирим ва чиқим маблағлари ва уларнинг манбалари ва ҳоказо) тенглаштириш, солиштириш. Баланс усулидан баланс (бухгалтерия баланси, корхонанинг даромадлари ва харажатлари баланси, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси ва бошқаларни) тузишда фойдаланилади.

Баланс усули режаларни ишлаб чиқишда ва ҳисобга олишда, уларнинг бажарилишини текширишда, хўжалик фаолияти таҳлилида кенг ишлатилади.

**Банк** (*фр. banque*) - тўлов ва кредитларга воситачилик қилувчи муассаса. Банклар қулдорлик даврида вужудга келди ва уларнинг аҳамияти, вазифалари капиталистик ишлаб чиқариш тузимидан янада ошди. Ҳозирги даврда эса ҳеч бир давлатнинг иқтисодиётини банкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қайси давлатда банк тизими яхши, оқилона тузилган бўлса, шу давлат иқтисодиётининг юксалиши муваффақиятли бўлади.

Банклар бўш пул маблағларини йиғади ва уларни тадбиркорлар (мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона, ташкилот, муассаса ёки шахслар)га фоиз ҳисобида беради.

Банкка кўйилган депозит пул маблағлари билан боғлиқ бўлган жараёнлар пассив, йиғилган маблағларни қарзга бериш жараёни эса актив дейилади. Пассив жараёнидаги фоиз миқдори актив жараёнлар фоизидан паст бўлиши керак, чунки бу банк фойдасини ташкил этади. Бизнинг республикамизда банк тизимини ривожлантириш борасида кейинги йилларда катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳокимият ва давлат бошқармалари томонидан тегишли қонун ва кўрсатмалар, қоидалар ишлаб чиқилди. Банк турларидаги катта ўзгаришлар (пахтабанк, микрокредит банк, тадбиркор банк ва ҳоказо) билан бирга уларнинг мулкчилик шакллари ҳам (хусусий банклар) ташкил топмоқда. Бундай ўзгаришлар, улар ўртасидаги рақобатни юзага келтиради ва мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини оширади. Оқибат натижасида эса, корхоналар хўжалик муносабатларидаги ҳисоб-китоблар ва тўловларни тезда амалга оширишларига ва маблағлар айланишининг тезлашишига олиб келади.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди, имтиёзлар яратилди. Худди шунингдек, банкларга ҳам имтиёзлар берилди, улар фаолиятининг бошланғич давларида солиқлардан озод этилдилар, улар ишининг яхши ташкил этилиши бошқа ўз ишини бошламоқчи бўлган тадбиркорларга (кредит билан таъминлаш) катта имкониялар беради ва оқибат натижада иқтисодиётимизда юксалишни тезлаштиради.

**Банк белгилари** - ЎзР Марказий банки томонидан чиқарилган пул белгилари. Банк белгилари ҳозирги пайта 500, 1000, 5000, 10000 ва 50000 сўмлик кўринишларида чиқарилади. Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, 1994 йил 1 июлда миллий валютамиз муомалага чиқарилди (бошида миллий валютамиз купюралари 1, 3, 5, 10 ва ҳоказодан иборат эди).

Улар олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, шунингдек, товарлар билан таъминланган бўлиши лозим. Банк белгилари иқтисодиёт истеъмолига мос равишда, давлат банки касса ва кредит режасига асосан режалаштирилган тартибда муомалага чиқарилади.

Банк белгиларини қатъий ҳисобга асосланган ҳолда чиқариш лозим, таъминланмаган пул белгилари пул қадрсизлиги (инфляция)га олиб келади.

**Банко** - банкнинг қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиши бўйича белгиланган баҳо (курс).

**Банк корреспондент** - бошқа банклар билан ўзаро муносабатларда бўладиган ва уларнинг топшириқлари билан маълум бир молиявий жараёнларни бажарувчи банк.

**Банкноталар** - кредитли пулларнинг асосий тури бўлиб, эмиссион банклар томонидан чиқариладиган фоизсиз мажбуриятлар (банк билетлари). Банкноталар товарлар, васиқалар ва бошқалар гаровлиги асосида банкларнинг ссуда жараёнлари сифатида чиқарилади ва ссуда муддати тугаганидан сўнг банкка қайтарилади. Давлат харажатларини қоплаш учун чиқариладиган банкноталар қоғоз пулларга айланади. Ҳозирги вақтда банкноталарнинг асосий тури қоғоз пуллар муомалага иқтисодиётнинг эҳтиёжига кўра чиқарилмоқда. Улар олтин, қимматбаҳо металллар ва давлат бошқа активлари билан, шунингдек, товарлар билан таъминланган.

**Банкротлик** - тўлов қобилиятини йуқотган қарздор, яъни қарзларни тўлаш имкониятига эга бўлмаган тугатилаётган юридик ва жисмоний шахс. Фуқаро, компания ёки корхонанинг маблағи йўқлиги молиявий инқироз сабабли ўз мажбуриятларини тўлашдан воз кечиши.

**Банк эмитент** - муомалага пул белгилари, қимматбаҳо қоғозлар, тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини чиқарувчи банк.

**Бартер** - пул эмас, балки товар кўринишида бўлган ўзаро хўжалик муносабатлари.

**Бартер келишуви** - пул тўловисиз товарга мулкчилик ҳуқуқини товар алмашиш орқали бериш (табiiй алмашиши). Бартер келишуви икки томонлама ва кўп томонли кўринишга эга бўлиши мумкин. Бартер келишувининг объекти маълум бир товар турлари бўлиб, у томонлар тузган шартномада аниқлаб олинади.

Бартер келишуви бир давлат ичидаги хўжалик юритувчи объектлар ўртасида, шунингдек, давлатлар ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Баҳо** - товар қийматининг пулдаги кўриниши. Баҳо замирида товар қиймати яъни уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий зарурий харажат ётади. Аммо бу, ҳар бир алоҳида товарнинг баҳоси унинг қийматига тенг бўлади дегани эмас. Баҳоси қийматдан фарқ қилиши мумкин. Бозор

иқтисодиёти шароитида баҳо товар учун талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланади.

**Бенефициар** - фойдасига ўтказувчан аккредитив очилган шахс ва унга шу аккредитив ҳисобидан бошқа банкда ўзи ёки бошқа шахс фойдасига аккредитив очиш ҳуқуқи берилади.

**Бизнес** - фойда келтирувчи иқтисодий фаолият (*тадбиркорликка қаранг*).

**Биржа** - бозорнинг ташкилий шакли бўлиб, товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта ва ишчиларнинг эркин савдоси амалга оширилади (*товар биржаси, меҳнат биржаси, фонд биржаси, валюта биржасига қаранг*).

**Биржа баҳоси** - биржа савдоси орқали сотилаётган товарлар баҳоси бўлиб, тегишли товар баҳосининг даражаси ва динамикаси юзасидан маълумотларнинг муҳим ва ишончли манбаи ҳисобланади.

**Биржа котировкаси** - биржа кофировал комиссияси томонидан рўйхатга олинadиган ва эълон қилинадиган савдо биржасининг товарлар баҳоси ва қимматбаҳо қоғозлар курси.

**Биржа пошлинаси** - биржа қўмитаси томонидан биржа келишувларини амалга ошириш ҳуқуқи учун қимматбаҳо қоғоз харидорларидан олинadиган пул йиғими.

**Биржа қўмитаси.** Биржалар бошқарув органи (Буюк Британияда - биржалар кенгаши, АҚШда - бошқарувчилар кенгаши). Биржалар аъзоларининг умумий йиғилишида маълум бир муддатга сайланади.

**Бирламчи ҳисоб** - ҳисоб жараёнининг бошланғич босқичи, хўжалик жараёнининг (маълумотлари) кўрсаткичлари ўлчанади, аниқланади ва ҳужжатларда акс эттирилади. Бирламчи ҳисоб синтетик ва аналитик ҳисобварақнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бирламчи ҳисобнинг ўз вақтида ва аниқ бўлиши ҳисоб кўрсаткичлари сифатига ва уларнинг корхона хўжалик-молиявий фаолиятини бошқариш ва назоратидаги аҳамиятига таъсир этади (*бухгалтерия ҳужжатларига қаранг*).

**Бирламчи ҳужжатлар** - бухгалтерия ҳужжатлари бўлиб, хўжалик жараёни содир бўлган вақтда тузилади ва улар содир этилганлиги ҳақида бирламчи гувоҳнома ҳисобланади.

Тўлдирилган бирламчи ҳужжатлар хўжалик жараёнларининг ҳисобда акс эттиришнинг бошланишидир. Бирламчи ҳужжатларга касса кирим ва чиқим ордерлари, юк хатлари, қабул қилиш ва топшириш далолатномалари, нарядлар, патталар ва бошқалар мисол бўлади.

Ҳисоб ёзувларини тезлаштириш ва осонлаштириш мақсадида кўпчилик ҳолларда бирламчи ҳужжатлар асосида йиғма ҳужжатлар тузилади. Бухгалтерия ҳужжатлари маълумотларни ўзида акс эттиришига кўра бирламчи ва йиғма ҳужжатларга бўлинади.

Ҳужжатлар қаерда тузилишига кўра ички ва ташқи ҳужжатларга гуруҳланади.

Ҳужжатлар ўз вазифасига кўра эса, қуйидаги турларга бўлинади:

- тасдиқловчи ҳужжатлар;

- фармойиш ҳужжатлар;
- комбинацияланган (фармойиш-тасдиқловчи) ҳужжатлар;
- расмий ҳужжатлар;
- ахборот ҳужжатлари.

**Бланка** (*фр. Blanc-варакалар*) - зарурий белгилари мавжуд бўлган босма кўринишидаги ҳужжат шакли. Бланкалардан бухгалтерия ҳужжатларини тўлдиришда фойдаланилади. Бунда босма кўринишидаги намунада ёки қўл ёзувида ҳужжатлар тўлдирилади. Бланкалардан фойдаланиш ҳужжатларни тўлдиришни осонлаштиради ва тезлаштиради, уларни ягона кўринишига олиб келади. Маълум бир бланкалар исроф қилинишининг, олдини олиш мақсадида қатъий ҳисобга олинади ва ҳар бирига тартиб рақамлари қўйиб чиқилади. Масалан, касса китоби, бош китоб шундай бланкалардан ҳисобланади.

**Бонлар** - 1. Давлат, алоҳида муассаса ва ташкилотлар томонидан чиқариладиган қарз мажбуриятлари. 2. Алмаштириладиган пул сифатида айланмага вақтинча чиқариладиган, майда қийматга эга бўлган қоғоз пул белгилари.

**Бонификация** (*фр. bonifico - яхшилаيمان*) - агар шартномада белгиланганидан товарнинг сифати юқори бўлса, шу шартномага асосан, ушбу товарнинг баҳосига устама. Тескари бонификация (рефакция) - шартномада келишганидан товар сифати паст бўлса, шу товар баҳосидан чегирма.

**Бош шартнома** - умумий иш бажариш ёки товар етказиш даври тугагунга қадар муддатга тузилган шартнома.

Бош пудрат шартномаси буюртмачи ва пудрат қурилиш ташкилоти ўртасида умум қурилишнинг иш ҳажми ва муддати даврига тузилади. Бош шартнома асосида йиллик шартномалар тузилади Бош пудратчи ишнинг бир қисмини бошқа ташкилотга (субпудратчига) бериши мумкин. Товар етказиш ҳақидаги бош шартнома савдо ташкилотининг юқори органи ва таъминловчи ташкилот, фирма, корхона, фермер хўжаликлари ўртасида тузилади.

Юқори савдо ташкилоти тузган шартнома асосида қўйи савдо корхоналари алоҳида ўзларига мос шартнома тузишлари мумкин. (*шартномага қаранг*).

**Бракераж** - давлат органлари ёки махсус брокерлар томонидан, ўтказиладиган товар текшируви. Бракеражнинг мақсади товар сифатини, даражасини ва ҳужжатлаштирилишини андозаларга ёки келишув шартларига жавоб беришини аниқлашдир.

**Брокер** - харидорлар ва сотувчилар ўртасида келишув тузилишидаги савдо воситачилари. Брокерлар товарлар ва хизматларнинг маълум бир тури бўйича ихтисослашган бўлиб, мижозлар топшириғи ва номидан ҳаракат қилиб, улардан рағбатлантиришлар олади (*маклерга қаранг*).

**Брокераж** - акциялар ёки бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг биржада уларнинг эгалари ёки келгусидаги эгаларининг топшириғига кўра сотилиши ёки сотиб олиниши.

**Брутто** (*умал. brutto-кунол*) - товарларнинг идиши ёки ўрови билан биргаликдаги оғирлиги. Товарларнинг бундай оғирлиги баъзи ҳолларда зарур бўлсада, лекин товарнинг соф оғирлиги ҳақида аниқ маълумот беролмайди. Бунинг учун товарнинг соф оғирлиги (нетто)ни аниқлаш лозим.

**Бухгалтер** - бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассис, “бухгалтер” сўзи биринчи марта XV асрда пайдо бўлган. Бухгалтер мутахассислигига биринчи марта “Инсбруг” ҳисоб палатаси иш юритувчиси Кристофор Штехер эга бўлган. Умуман, бухгалтер маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ходим ҳисобланади. Бухгалтер аниқ бир иш ва маълум хўжалик фаолиятининг ҳисоби ва назоратини олиб боради. Лавозими ва бажараётган ишига кўра, бухгалтер катта ва бош ҳисобчи бўлиши мумкин. Катта бухгалтер бухгалтериянинг бир бўлимини бошқарса, бош ҳисобчи бутун бир хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси фаолиятини бошқаради.

Иқтисоддаги ўзгаришлар, корхоналарга мустақиллик берилиши, хусусий корхоналарнинг очилиши, кўшма корхоналарнинг ташкил этилиши, фермер хўжаликларининг юзага келиши ва бошқа шароитлар бухгалтерларнинг ролини янада оширади. Бухгалтер нафақат бухгалтерия ҳисобини юргизишни, балки, иқтисодни, ишлаб чиқаришни ташкил этишни, иқтисодий таҳлилни, ҳисоблаш машиналаридан яхши фойдалана олишни, молия, кредит, статистика, ҳуқуқ ва бошқа соҳа ишларини ҳам чуқур эгаллаган бўлиши лозим.

**Бухгалтерия** - бухгалтерия ҳисобини ташкил этадиган ва олиб борувчи аппарат. Бухгалтерия мустақил бўлим бўлиб, корxonанинг бошқа бўлимлари таркибига кирмайди. Бухгалтерияни бош ҳисобчи, агар бош ҳисобчи лавозими белгиланмаган бўлса, катта бухгалтер бошқаради.

Бухгалтерия бўлими бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши ва олиб бориши лозим, хўжалик жараёнларининг қонунийлиги ва мақсадлилигини назорат қилиш, ҳисобот тузиш, молиявий қонунларга бўйсунилишини таъминлаши ва бошқа вазифаларни бажариши лозим.

Бухгалтериянинг таркиби иқтисодиёт тармоғи ва корхонада бухгалтерия ҳисобини қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Катта корхоналарда бош ҳисобчи, унинг ўринбосари белгиланади. бош ҳисобчи бошқарадиган бухгалтерияга: хом-ашё ва материаллар ҳисоби, тайёр маҳсулот ҳисоби, меҳнат ҳақи ҳисоби, асосий воситалар ҳисоби бўлимлари киради. Бўлимлар сони маълум шароитларга боғлиқдир. Кичик корхоналарда эса, бўлимлар ташкил этилмайди, яъни хизматчилар ўртасида ҳисоб ишлари тақсимланади. Вазирлик ва тармоқларда марказлашган бухгалтерия ёки бухгалтерия бошқармаси ташкил этилади, улар шу тармоқ корхона ва ташкилотларидан бухгалтерия ҳисоботларини қабул қилиб, йиғма ҳисоботлар тузадилар ва уларни таҳлил қилиб, маълум бир хулосалар қабул қиладилар ва кўрсатмалар берадилар, текширишлар ўтказадилар.

**Бухгалтерия архиви** - олдинги даврларга тегишли ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларидир. Бухгалтерия архиви, бухгалтерия ҳисоби шакли ва кўрсатмаларга мос равишда ташкил этилади.

Бухгалтерия архивининг мавжудлиги ҳар томонлама фойдалидир. Ўтган даврдаги бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари бирор бир мақсад учун керак бўлиб қолиши мумкин ва ундан фойдаланиш имконияти бухгалтерия архиви томонидан яратилади.

**Бухгалтерия баланси** - маълум бир даврда хўжалик маблағлари ва улар манбаларининг пул қийматини гуруҳлаб ва умумлаштириб акс эттириш усули.

Бухгалтерия баланси асосан ҳар чорак ва йил охирида тузилади, унинг ўзаро боғлиқ икки, актив ва пассив қисмлари мавжуд. Баланснинг актив қисмида хўжалик маблағлари, пассивда эса, ташкил топиш манбалари акс эттирилади. Унинг икки қисмининг жами суммаси ҳар доим тенг бўлади. Бунинг маъноси шундан иборатки, активда ҳам ассивда ҳам биргина хўжалик маблағларининг ҳажми акс эттирилган, фақат ҳар хил гуруҳ (активда маблағ турлари, пассивда эса, маблағ манбалари бўйича)ларда акс эттирилади.

Баланснинг актив ва пассив қисмлари бўлимларга, бўлимлари эса, моддаларга бўлинади. Баланснинг маълумотлари асосида корхона фаолияти бўйича бир қатор иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Баланс маълумотидан фойдаланиб мақсадли мўлжалланган маблағларнинг ишлатилишини кузатиш мумкин. Баланс ҳаммага тушунарли, аниқ, тўғри, фойдали ва ўз вақтида тўлдирилган бўлиши лозим.

**Бухгалтерия дафтарлари** - синтетик ва аналитик ҳисобни ҳужжатларга асосан қайд қилиш.

Дафтар (китоб) варақаларига назоратни олиб бориш мақсадида олдиндан тартиб рақамлари ёзиб қўйилади. Бухгалтерия дафтарлари бухгалтерия ҳисобининг эскирган шакли мемориал-ордерда кенг қўлланилсада, бошқа шаклларда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, журнал-ордер ҳисоб шаклида асосий воситалар бўйича буюм варақаси (инвентар карточка) қўлланилмаса, асосий воситалар ҳисобидан фойдаланиш мумкин.

Қўл меҳнатида олиб бориладиган бухгалтерия ҳисобида бош дафтардан фойдаланилади, ҳамма бухгалтерия ҳисоби шаклларида ҳам касса дафтари ишлатилади.

**Бухгалтерия ўтказуви** - ҳисобварақлар корреспондентциясини ёзиш. Бунда хўжалик жараёнига тегишли сумма бир ҳисобварақнинг дебети ва иккинчи ҳисобварақнинг кредитида акс эттирилади. Бухгалтерия ўтказмаси ҳужжатлар (журнал-ордер, табуляграмма ёки эски ҳужжатлар шакли мемориал ордер) га асосан тузилади

Бухгалтерия ўтказмаси оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий турида хўжалик жараёни суммаси бир ҳисобварақнинг дебети ва иккинчи бир ҳисобварақнинг кредитида акс эттирилади. Мураккаб бухгалтерия ўтказмасида бир ҳисобварақ дебетланиб, бир неча ҳисобварақ кредитланиши, ва аксинча бир неча ҳисобварақ дебетланиб, бир ҳисобварақ кредитланиши мумкин. Оддий бухгалтерия ўтказмаси шаклида ҳам мураккаб бухгалтерия

ўтказмаси шаклида ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитида акс эттирилган суммалар тенг бўлиши лозим.

Қўшимча ва салбий (инкор этадиган) бухгалтерия ўтказмалари ҳам бўлади.

**Бухгалтерия ҳисоби** - хўжалик ҳисобининг ҳисоб турларидан биридир. Бухгалтерия корхона, ташкилот, муассаса ва бирлашмалар хўжалик фаолиятини тўлиқ, ҳамма жараёнларини узлуксиз ҳужжатлаштириш ва назорат қилишдир. Бухгалтерия ҳисоби корхона, ташкилот, муассаса, вазирлик ва бошқармаларнинг фаолият кўрсатиш вақтидан тугатилиш вақтигача бўлган фаолиятини ҳужжатларда акс эттириб боради. Бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ҳар томондан текширилган ҳужжатлар асосида олиб борилади, бу бухгалтерия ҳисобининг назорат аҳамиятини, маълумотлар тўғрилигини, ҳисоб кўрсаткичлари аниқлигини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисоби тўғри ва аниқ юритилаётганлиги, шунингдек, товар моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқаларнинг ҳисоби тўғри олиб борилиши инвентаризация ўтказиш йўли билан ҳам таъминланиши мумкин.

Ишонарли, тўғри кўрсаткичлар ҳисобварақнинг илмий асосланган усулларидан фойдаланиш орқали олинадиган (*бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари, икки ёклама ёзув, калькуляцияга қаранг*). Бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш ҳам кўрсаткичларни тўғри акс эттириш ва керакли маълумотларни ўз вақтида олиш имконини яратади.

Республикамиз қонунчилигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларини онгли равишда тўғри кўрсатмаслик таъқиқланиб қўйилган ва бундай хатти-ҳаракатлар жинойий жавобгарликка тортилади.

Бухгалтерия ҳисобида 3 хил ўлчов бирликларидан фойдаланилади: пул, меҳнат ва натура ўлчов бирлиги. (*Бухгалтерия ҳисобининг ўлчов бирликларига қаранг*).

Бухгалтерия ҳисоби вазифалари бажарилаётганда қўйилган талабларга жавоб бериши лозим. Бу талаблар қуйидагилардан иборат: корхона, ташкилот, муассаса ва бирлашмалар фаолияти ҳужжатларда тўлиқ акс эттирилиши, ҳисоб кўрсаткичларининг аниқлиги, молия ва ишлаб чиқариш режаларининг ҳақиқий бажарилиши, ҳисоб маълумотларининг тушунарли бўлиши, тезкор бошқарув ва назорат учун маълумотларни ўз вақтида олиш имконияти ва ҳоказо.

Бухгалтерия ҳисоби олдига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бергандагина ўз вазифаларини бажара олади (*бухгалтерия вазифаларига қаранг*).

Бухгалтерия ҳисобининг асосий хусусиятларидан бири унинг кенг кўламда фойдаланишидир. Бухгалтерия ҳисоби қайси мулкчилик шаклида эканлигидан қатъий назар, барча корхона, ташкилот, муассасалар хўжалик молиявий фаолиятининг ҳамма соҳаларида қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг қайси ва қандай корхона, ташкилот ва муассасаларда олиб борилишидан қатъий назар олдига қўйилган

вазифаларни белгиланган талабларга жавоб берган ҳолда, белгиланган усуллардан фойдаланилиб бажаради. Вазирликлар бухгалтерия ҳисоби бошқарувини тармоқ бошқармалари корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган бухгалтерия ёки бухгалтерия ҳисоби бошқармалари орқали олиб борадилар. Улар бухгалтерия ҳисобининг умумий низомлари асосида кўрсатма ва йўриқномалар ишлаб чиқадиладар. Корхона бухгалтерия ҳисобини бош ҳисобчи бошқаради. Бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тартибда ташкил этилади (*марказлаштирилган бухгалтерия, марказлаштирилмаган бухгалтерияга қаранг*).

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий фан бўлиб, ўз назарияси, ўрганиладиган предмет ва ўрганишда қўлланиладиган усулларига эга. Шу билан бирга тезкор ва статистика ҳисобварақлари билан ўзаро боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби бошқа фанлар (аудит, молия, математика, ҳуқуқ ва бошқалар) билан ҳам боғлиқликда олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобининг юритилиши мулкнинг талон-тарож этилиши, хўжасизликнинг олдини олиш, иқтисоднинг ҳамма соҳаларини мос равишда бошқариш, юрғазтиш ва бошқа афзалликларни яратади.

Бухгалтерия ҳисобининг қайси хўжалик тармоғида юритилишига кўра, шу тармоқ хусусиятига мос равишда олиб борилади.

**Бухгалтерия ҳисоби вазифалари** (*функция - лат. *functio* - бажариши амалга ошириши*) - бухгалтерия ҳисоби бажариши керак бўлган ишлар, вазифалар. Бухгалтерия ҳисоби олдида 3 та асосий вазифа туради:

***А. Режа бажарилиши устидан назорат олиб бориши.***

Корхона бухгалтерия ҳисобида бу вазифа қуйидагича аниқлаштирилади:

1) маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш режа бажарилиши, режада белгиланган маҳсулотлар номенклатурасини, турини, сифатини кузатиш, назорат қилиш, режа бажарилиши ўсиши омилларини аниқлаш;

2) маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш, таннархни тобора камайтириш омилларини топиш;

3) корхоналар рентабеллик даражалари бажарилишини назорат қилиш;

4) Бизнес молия режаси бажарилишини назорат қилиш.

***Б. Корхона мулкни муҳозафа қилиши.***

Корхона қайси мулкчилик шаклига асосланганидан қатъий назар бухгалтерия ҳисоби шу корхона мулкига нисбатан тежамли муносабатда бўлишни, уни ҳар хил нобудгарчиликлардан эҳтиёт қилишни, улар харакатини узлуксиз назорат қилиб, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаши лозим.

***В. Корхоналарда халқ хўжалик ҳисобини жорий этиб, уни мустаҳкамлаш ва иқтисодий режимни (тежамкорликни) жорий этиш, ҳамда такомиллаштириб бориши.***

Бухгалтерия ҳисобига қуйидаги талаблар қўйилади.

1) режа кўрсаткичлари билан ҳисоб кўрсаткичларини таққослаш мумкинлиги. Масалан, режа кўрсаткичлари, маҳсулот (товар) тури, нави, баҳоси, миқдори, ҳажми ва ҳоказо белгилари бўйича режа кўрсаткичларини ҳисоб кўрсаткичлари билан таққослашда керак бўлади. Ҳисоб юритишда ҳам худди шу белгилари эътиборга олинмаса, режадан тафовутлар моҳияти ва сабабаларини аниқлаб бўлмайди. Яна бир моҳияти, ҳисоб кўрсаткичлари келгуси давр кўрсаткичларини тузиш учун манба бўлиб ҳисобланади;

2) ҳисоб маълумотларининг аниқ ва тўғрилиги, бу қонуний томондан ҳам муҳофаза этилади;

3) тўлалиги ва ўз вақтида бажарилиши, бу талабнинг моҳияти шундаки, қачонки корхона бухгалтерияси орқали унинг фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот ўз вақтида олинса, бошқарув яхшиланади, ички имкониятлар аниқланади, камчиликлар олди олинади ва ёки рўй берса, оқибатлари тезроқ тугатилади;

4) равшан ва ҳаммабоплиги, бу талабнинг моҳияти, шундаки, бу талабга жавоб берган бухгалтерия маълумотларидан ташқи фойдаланувчилар ҳам, корхона ходимлари ҳам кенг фойдалана оладилар. Бу талабга жавоб бериши учун ҳисоб ишлари соддалаштирилади, реквизитлар камайтирилади, малакали ходимлар жалб қилинади;

5) режалиги ва арзонлиги, бунинг натижасида ортиқча сарфлар камайтирилади. Бунга эришиш учун қуйидагилар бажарилиши талаб этилади: ҳисоб ходимларини қисқартиш, ҳисоб сиёсатини мукаммаллаштириш, ишларни тўла механизациялаштириш, бухгалтерияни марказлашган шаклга келтириш (йирик корхоналарда), ҳужжат айланишини оқилона ташкил этиш.

**Бухгалтерия ҳисобининг услуги** - бухгалтерия ҳисобининг предметини ўрганиш ва акс эттириш усули. Бухгалтерия ҳисобининг услуги бухгалтерия ҳисобининг предмети ҳақида ишончли кўрсаткичлар олишни таъминлайди. Бу кўрсаткичлар 2 гуруҳга бўлинади: корхона маблағларининг ҳажми, таркиби, жойлашиши ва фойдаланиши, иккинчиси эса, маблағлар манбаи ва уларнинг мақсадли мўлжалидир. (*Корхона маблағлари манбалар ташкил топиши, корхона маблағларига қаранг*). Кўрсаткичлар гуруҳи ўзаро боғлиқликда бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам корхона маблағини акс эттиради. Шунинг учун ҳам кўрсаткичларнинг 2 гуруҳи ҳам (пул кўринишида) ўзаро тенг бўлиши лозим (балансли умумлашув).

Балансда умумлашувга эга бўлиш мақсадида ҳисобварақнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: хўжалик маблағларини баҳолаш ва калькуляция; бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг тизими ва хўжалик жараёнларини ҳисобварақларда икки ёклама ёзув усулида акс эттириш; ҳисоб регистрлар маълумотларини умумлаштириш (баланс ва ҳисобот). (*Бухгалтерия баланси, ҳужжатлаштириш, икки ёклама ёзув, инвентаризация, хўжалик маблағларини баҳолаш, ҳисобот, бухгалтерия ҳисобига қаранг*).

**Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари** - хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг алоҳида моддалари бўйича

кўрсаткичларни олиш усули. Хўжалик жараёни натижасида маблағлар ва уларни ташкил топиш манбаларида ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришларни ўрганиш, ҳисобда акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақларидан фойдаланилади. Ҳисобварақлар сони ва номланиши бухгалтерия ҳисобварақларининг режасида белгиланади (*бухгалтерия ҳисобварақларининг режасига қаранг*). Бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилганлиги, қайси усулдан фойдаланилаётганлиги ва объектнинг турига қараб, ҳисобварақнинг тузилиши ва ташки кўриниши турлича бўлади. Аммо барча ҳисобварақлар икки қисмга, яъни дебет ва кредит қисмларига бўлинади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳар қандай хўжалик жараёни ҳисоб объектида кўпайиш ёки камайишни юзага келтиради. Эҳтиёж ва талабга қараб ҳисобварақлар ҳам модда ва таркибий қисмларга булиниши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари акс эттирилади, шунга асосан улар икки гуруҳга, яъни актив ва пассив гуруҳларга бўлинади. Хўжалик маблағларини акс эттирувчи ҳисобварақлар актив, шу маблағларнинг манбаларини акс эттирувчи ҳисобварақлар эса, пассив ҳисобварақлар дейилади (*актив ҳисобварақ, пассив ҳисобварақга қаранг*).

Маълумотларни ўзида жамлашига кўра ҳисобварақлар аналитик ва синтетик ҳисобварақларга бўлинади (*синтетик ҳисоб ҳисобварақлари., аналитик ҳисоб ҳисобварақларига қаранг*).

Баланс таркибидалигига қараб баланс ҳисобварақлари ва балансдан ташқари ҳисобварақларга бўлинади (*балансдан ташқари ҳисобварақларга қаранг*).

Хўжалик жараёнлари ҳисобварақларда икки ёклама ёзув асосида олиб борилади. Жараёнлар қайси ҳисобварақларда акс эттирилишини аниқлаш учун ҳисобварақларнинг номланиши ва иқтисодий мазмунига аҳамият бериш лозим. Шунинг учун бухгалтериянинг ҳисобварақлари турларга ажратиб гуруҳланади (*Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг гуруҳланиши, ҳисобварақлар корреспонденциясига қаранг*).

**Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг гуруҳланиши.** Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларини ўрганиш ва тўғри қўллаш мақсадида маълум белги ва хусусиятларига кўра, гуруҳларга ажратиш. Бухгалтерия ҳисоби объектлари хўжалик маблағлари уларнинг ташкил топиш манбаи ва хўжалик жараёнларининг турли-туманлиги ва кўплиги бухгалтерия ҳисобида ҳар хил ҳисобварақлардан фойдаланишни тақозо этади. Ҳисобварақлардан тўғри фойдаланиш учун уларнинг ҳар бирининг хусусияти, тузилиши, иқтисодий мазмуни, яъни маълум бир ҳисобда қайси объект акс эттирилади ва қандай кўрсаткичлар ҳақида маълумот олиш мумкин, айланма ва қолдиқларининг хусусияти, хўжалик молиявий фаолиятининг назоратидаги, маҳсулот таннархини аниқлашдаги, молиявий натижани ҳисоблашдаги аҳамиятини билиб олиш лозим. Ҳар бир ҳисобварақ, ўз хусусиятига эга. Шу

билан бирга маълум ҳисобварақлар гуруҳига тегишли умумий хусусиятлар ҳам мавжуд.

**Бухгалтерия ҳисобининг ўлчов бирликлари** - бухгалтерия ҳисоби объектларининг ўлчов бирликлари, ҳисоб объектлари ҳақида кўрсаткич маълумотларини олиш учун уч хил ўлчов бирликларидан фойдаланилади: натура, меҳнат ва пул бирликлари.

Асосан, пул ўлчов бирлигидан фойдаланилади, унда умумлашган маълумотлар олинади. Синтетик ҳисобда фақат пул ўлчов бирлигидан фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисоби барча объектлари баҳога эга бўлиши керак.

Натура ўлчов бирлиги асосий воситалар, материаллар, маҳсулот, товар ва бошқа товар моддий бойликлари ҳисобида қўлланилади. Натура ўлчов бирлиги катта назорат аҳамиятига эга бўлиб, аналитик ҳисобда кенг фойдаланилади. Аммо бу ўлчов бирлиги умумий кўрсаткичлар олиш имконини бермайди.

Меҳнат ўлчов бирлиги ёрдамида меҳнат куни ва меҳнат соатлари миқдори ҳақида кўрсаткичлар олинади. Меҳнат вақтини ҳисобга олиш ҳужжати табель ҳисобланади. Бу ҳужжат ҳар бир ходим ҳақида унинг ишлаган меҳнат куни ва соатлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар беради. Бундан ташқари меҳнат куни ёки меҳнат соатлари бўйича меҳнат харажатлари меҳнат ҳисоби ҳужжатларида ҳам кўрсатилади. Меҳнат ўлчов бирлиги ҳисоб варақалари, бригадир дафтарчалари ва нарядларида акс эттирилади. Меҳнат соати ва меҳнат кунлари тўғрисидаги ўлчов бирликларидан меҳнатга ҳақ ҳисоблашда ва меҳнат унумдорлигини аниқлашда фойдаланилади.

**Бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлари** - хўжалик жараёнлари содир бўлганлиги ёки содир этилишига ҳуқуқ берувчи ёзма гувоҳнома (исбот). бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлари белгиланган шаклда, нашриётда чоп этилган варақаларда тўлдирилади. Айрим ҳолларда хўжалик жараёнларини баъзи турларини акс эттириш учун белгиланган ҳужжат шакли йўқ, бундай ҳолларда ҳужжатларга қўйилган талабларга амал қилиниб, ҳужжатлар тўлдирилади. ЭҲМдан фойдаланишда бухгалтерия ҳисобининг хўжалик жараёнлари машина хотирасига киритилади ва йиғилган маълумотлар (ёзма) қоғоз ҳужжатлар ўрнини босади.

**Бюджет** - 1. Қонуний тартибда тасдиқланган давлат даромадлари ва харажатларининг аниқ бир муддатга рўйхати. 2. Маълум бир муддатга давлат муассаса корхона ёки алоҳида кутилаётган даромадлар ва харажатларининг тахминий ҳисобланиши.

**Валюта** (*итал. valuta баҳо, қиймат*) - маълум бир давлатнинг пул бирлиги ва пул тизими (сўм, тенге, доллар, евро, иена ва ҳ.к.). Валютани чет элнинг кредит билетлари ва тангалари ҳам деб аталади.

**Валюта аукциони** - валюта келишуви бўлиб, унда томонлардан бири сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Валюта биржаси** - бозор курси бўйича хорижий валюталарни сотиб олиш - сотиш келишуви амалга ошадиган муассаса.

**Валюта курси** - бир валютани иккинчисига алмаштиришдаги нисбат. Ривожланган давлатлардаги валюта курслари долларга нисбатан шу давлатлар ҳукумати томонидан белгиланмай, балки халқаро валюта бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб стихияли равишда вужудга келади. ЎзРда миллий валютамизнинг чет эл валюталарига нисбатан курси, Марказий Банк томонидан белгиланади. Чет эл валюталари билан боғлиқ жараёнлар ушбу валюта курслари асосида амалга оширилади.

**Валюта келишуви тури** - жорий ва муддатли турларга бўлинади. Жорий валюта келишувига (ғазнали ёки нақд) кўра, валюта, келишув тузилганидан сўнгги икки иш кунидан кечиктирилмай берилади. Валюта асосан, телеграф орқали ўтказилади. Жорий (ғазна) валюта келишуви биринчи навбатда хорижий валюталарни ўз вақтида, ташқи савдо жараёнларини амалга ошириш учун берилади.

Валюта келишувлари, асосан, компаниялар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар ўртасида ва бошқа банклар билан доимий равишда валюта жараёнларини бажарадиган уларга хизмат кўрсатувчи банклар билан тузилади.

Савдода валюта келишуви телефон ёки телеграф орқали, валюта биржасида эса, оғзаки тузилишига қарамай, унинг бажарилиши мажбурий тавсифга эга. Аммо гап катта миқдордаги суммалар ҳақида бўлса, валюта келишуви дарҳол ҳужжат билан расмийлаштирилади ва бу ҳужжат келишувнинг ишончилиги даражасини оширади. Келишув тузишда алмаштириладиган валюталар, алмашиш курси, келишув суммаси, валюталарни ўтказиш муддати (санаси), валютанинг етказилиши керак бўлган манзиллар кўрсатилади. Валюта келишувининг муддатли ёки форвард турида томонлар аниқ келишилган муддат тугагач, олдиндан белгиланган форвард курси бўйича алмашиш мажбуриятини оладилар. Келишувни амалга ошириш муддати 1 йилгача ва ундан юқори бўлиши мумкин.

**Валюта ҳисобварақлари** - республикат ҳудудида ва чет эл валюталарининг ҳолати ва уларнинг ҳаракати учун мўлжалланган. Валюта ҳисоби бўйича жараёнларни амалга ошириш ва ҳужжатлаштириш тартиби ЎзР Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ва ЎзР Марказий банкнинг низомлари асосида олиб борилади.

5200 -“Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”ининг дебетида пул маблағларининг келиб тушиши, кредитида эса, пул маблағларининг чиқиши акс эттирилади.

Валюта ҳисоби бўйича бухгалтерия ёзувлари банкнинг корхона 5200-“Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”дан кўчирма ва унга бириктирилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида олиб борилади.

**Васиқа** - қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти бўлиб, мажбурият муддати тугаганида қарздордан васиқада кўрсатилган суммани

тортишувларсиз талаб этиш ҳуқуқини беради. Васиқа қатъий расмий ҳужжат бўлиб, қонунчиликда белгиланган мажбурий реквизитлардан бирининг бўлмаслиги, васиқа кучини йуқотишига олиб келади. Шакл нуктаи назаридан васиқалар оддий ва ўтказувчан бўлади.

- Оддий (соло - васиқа) - кредиторлар номига қарздор томонидан берилади.

- Ўтказувчан васиқа (тратта) - бир шахс (трансант деб аталувчи кредитор)нинг бошқа (трассат деб аталувчи) шахсга маълум бир суммани учинчи шахс (ремитент)га тўлаш ҳақидаги ёзма буйруғи.

- Тижорат васиқаси - бу товар кафолати учун қарздор томонидан бериладиган васиқа.

- Банк васиқаси - маълум бир давлат банклари ўзларининг чет элдаги корреспондентлари (хорижий банклари) учун берадиган васиқалари.

- Ҳазина васиқалари - давлат томонидан ўз харажатларини қоплаш учун чиқарадиган васиқалар.

Васиқанинг қуйидаги мажбурий реквизитлари мавжуд: “Васиқа” номи; маълум бир суммани сўзсиз тўлаш буйруғи (сумма аниқ кўрсатилади); трассата - тўловчи номи (манзил, фирма); тўлов муддати; тўлов жойи; ремитент (ўтказувчан васиқани олувчи)ни номи; васиқани бериш жойи ва муддати; васиқа берувчининг имзоси.

**Васиқа дисконти** - васиқа ҳисоби - уларнинг муддати тугагунга қадар васиқаларни банк томонидан сотиб олиниши.

**Вақтинча ишга яроқсизлик** - касаллик, ҳомиладорлик, ёш болалилик туфайли хизмат вазифаларини бажара олмаслик. Вақтинча меҳнатга яроқсизлик даврида ишчи, хизматчи ва жамоа хўжалиги аъзолари ижтимоий суғурта ҳисобидан нафақа оладилар. Нафақа ҳисоблаш асоси бўлиб, даволаш муассасалари томонидан берилган тиббий варақалар ҳисобланади. Нафақа миқдори эса, ўртача меҳнат ҳақи ва иш стажининг ҳажмига боғлиқ бўлади. Нафақа олиши керак бўлган ишчи хизматчиларга нафақа ижтимоий суғуртадан ҳисобланади

**Қайднома** - бирламчи ҳужжат ёки ҳисоб регистри. Қайднома йиғма ҳужжат бўлиши ҳам мумкин. Қайдномадан бухгалтерия ҳисобининг ҳамма шаклларида ҳам фойдаланилади.

Хўжалик жараёни содир бўлган вақтда тузилган қайднома бирламчи ҳужжат ҳисобланади. Йиғма қайднома эса, бир нечта бирламчи ҳужжатлар асосида тузилади. Унда бирламчи ҳужжатларнинг маълумотлари йиғилади ва ҳисоб регистрларида кейинги ёзувларни амалга оширишни енгиллаштиради. Йиғма қайдномаларни ҳисоблаш машиналари ёрдамида тузиш самаралидир. Бухгалтерия ҳисобида жамғарма қайдномалари, тўлов қайдномаси, ҳисоб-тўлов қайдномалари, солиштирма қайдномалардан фойдаланилади.

**Вендор-лиз** - халқаро лизинг шартномасининг янги тури. Вендор-лизда лизинг компанияларининг хориждаги таъминот филиаллари ўз фирмаларидан ускуналарни сотиб олади ва хорижий истеъмолчига ижарага беради. Бош лизинг компанияси таъминот билан боғлиқ таваккалчиликдан

холис бўлади ва хорижий истеъмолчиларнинг молиявий инвестициясига эга бўлади.

**Даъво** - даъво қўзғатувчининг талаби. Корхоналар уларга қарздорларга (дебиторларга) ўз вақтида тўланмаган қарзлик суммалар учун даъво қўзғатишлари лозим. Даъво моддий зарар келтирганларга нисбатан асосли равишда қўзғатилиши зарур (*дебеторлик қарзлари, даъволар юзасидан ҳисоб-китобларга қаранг*).

**Даъволар юзасидан ҳисоб-китоблар** - мол етказиб берувчилар, пудратчилар, транспорт ва бошқа ташкилотлар билан даъво бўйича ҳисоб-китоблар. Даъволар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисоби учун 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар” мўлжалланган бўлиб, бу ҳисобварақда шунингдек, юқорида санаб ўтилган ташкилотларга белгиланган ва тан олинган жарима, пеня ва неустойкалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби ҳам олиб борилади.

6960-“Даъволар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар”ининг дебетиди, жумладан, қуйидаги даъволар бўйича ҳисоб-китоблар олиб борилади:

- мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва ташкилотларга улар ҳисобварақларини текширишдаги аниқланган баҳо ва таърифларнинг шартномада ёки прејскурантларда кўрсатилганларига тўғри келмаслигида, шунингдек 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”и билан боғлиқ ҳисоб ишларида арифметик хатоларга йўл қўйилганлиги аниқланганда;

- мол етказиб берувчилар етказиб берган материал, товарлар, шунингдек, қайта ишловчи корхоналар маҳсулотининг сифатсизлиги, техник шароитларга жавоб бермаслиги аниқланганда;

- мол етказиб берувчи, транспорт ва бошқа ташкилотларга табиий камайиш меъеридан юқори бўлган юк камомади аниқланганда;

- мол етказиб берувчи ёки пудратчи айби билан содир бўлган, сифатсизлик ва ўз вақтида етказиб бермасликларга тўловчи белгиланган ёки хўжалик (арбитраж) суди томонидан қарор қилинган суммаларга;

- банк муассасаларига корхонанинг ҳисобидан нотўғри ўтказилган суммаларига даъво қўзғатилганда.

**Дебет** (*лат. debet - у мажбуур*) - бухгалтерия ҳисобининг бир қисми. Актив ҳисобварақларнинг дебетига суммаларнинг кўпайиши ёзилса, пассив ҳисобварақларда эса, сумманинг камайиши ёзилади. Ҳисоблашиш ҳисобварақларининг дебетиди эса, бошқа корхона ва шахсларнинг шу корхонага қарзлари акс эттирилади ва дебеторлик қарзлари дейилади.

**Дебиторлик қарзлари** - бошқа корхона, ташкилот ва муассаса ёки шахсларнинг шу корхонага тўлаши лозим бўлган қарзлари. Бу корхона ва шахслар дебеторлар деб аталади. Дебеторлик қарзлари маблағлари корхонанинг хўжалик фаолиятида қатнашмайди ва унинг катта миқдорлари корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Корхона раҳбарлари ва бухгалтерия дебеторлик қарзларини камайтириш, иложи борица йўқотишлари зарур.

**Дебиторлар** (*лат. debitor - қарздор*) - ушбу субъектга қарздор бўлган бошқа корхона, ташкилот, муассаса ёки шахслар бўлиб, улар дебеторлик қарзларини тўлашлари лозим.

**Девальвация** - миллий валютанинг таъминланганлиги бўлиб, хорижий валютага ёки халқаро пул бирлигига, олдинлари эса - олтинга нисбатан миллий валюта курсининг пасайишини акс эттиради. Девальвациянинг сабаби – инфляция, алоҳида давлатларнинг нотекис ривожланиши, ҳамда тўлов балансининг дефицитлигидир.

**Девизлар** - хорижий валютадаги қарз талаблари ва мажбуриятлари бўлиб, уларнинг ёрдамида халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Девизларга хорижий банклардаги ўтказмалар, чеклар, аккредитивлар, чет элда тўланиши керак бўлган тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари, васиқалар, шунингдек, хорижий банк билетлари (банкнотлар) ва монеталар мисол бўлади.

Қиймати кучли валюталар (доллар, фунт стерлинг, евро, иена ва бошқалар) кўринишидаги девизлар марказий банк ва хазиначиликда валюта жамғармасининг бир қисми ҳисобланади. Девизларнинг баҳоси миллий валютада валюта курси билан белгиланади.

**Девиз сийёсати** - валюта сийёсатининг шакли бўлиб, хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш йўли билан валюта курсини тартибга солишга асосланади.

**Деклорация** - (лотинчадан, ариза, эълон) Деклорациянинг қуйидаги турлари мавжуд. Божхона деклорацияси, алоқа деклорацияси, солиқ деклорацияси ва ҳ.к.

- Божхона деклорацияси - бойликлар ва товарларни чегарадан олиб ўтишда уларнинг номи, миқдори, баҳоси, ўров тури ва бошқаларни акс эттирган ҳолдаги божхонага тақдим этиладиган ариза;

- Алоқа деклорацияси - хорижга жўнатилаётган пулли ёки қимматли пакетларга уларнинг мазмуни ва қиймати акс эттирилиб бириктириладиган алоқа ҳужжати;

- Солиқ деклорацияси - шахснинг солиқ тўлаш билан боғлиқ даромадлари, мулки ва бошқалари ҳажми ҳақидаги аризаси.

**Деконсация** - шартномадан воз кечиш. Шартноманинг ҳаракат муддати ичида томонлардан, воз кечиш ҳақида ёзма хабар бўлмаса, у ўз кучини йўқотмайди.

**Демефедж** - ортиш ёки тушириш давридаги шартномада келишилгандан юқори муддатлар учун кема эгасидан юк эгасига (фраховател) тўланадиган неустойка.

**Демонополизация** - саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда харидорларга шартларни қўювчи давлат ёки бошқа монополияларнинг четлатилиши.

Монопол корхонани ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳақиқий рақобатни вужудга келтириш мақсадида мустақил ишлаб чиқарувчи кичик хусусий, жамоа корхоналарга бўлиб юбориш.

**Демпинг** - ички бозордаги баҳога нисбатан анча паст баҳода товарларни ташқи бозорда сотиш. Ташқи бозор учун тактик кураш сифатида қўлланилади. Демпинг рақобатчиларни танг ҳолатга келгунича давом эттирилиши мумкин. Товарларнинг демпинг баҳоси уларни ишлаб чиқариш таннархидан ҳам паст бўлиши мумкин.

Австрияда 1962 йилда антидемпинг ҳақида қабул қилинган қонунда биринчи бор товар демпингининг кўрсаткичлари белгиланган. Товарнинг экспорт баҳоси, агар у ички бозордаги баҳодан 20% паст ёки дунё баҳосидан 8% га паст бўлса демпингли ҳисобланади.

Товар демпинги, таърифлар ва савдо бўйича бош келишувга кўра, кўйидаги ҳолатда вужудга келади. Демак, товар демпинги бир давлатнинг бошқа давлатга маҳсулотни чиқариши ва тарқатиши, оқибат натижада товарни импорт қилувчи давлатнинг миллий иқтисодига зарба берилиши, ички бозорда шу маҳсулотга бўлган талабни қондирилишининг қийин аҳволга тушиб қолишидир.

Товар демпинги - товарларнинг ташқи бозорда ички бозордаги баҳосига нисбатан анча паст баҳода сотилиши.

Пул демпинги - бозордан рақобатчиларни чиқариб юбориш ва ўз товарининг сотиш ҳажмини ошириш мақсадида товарларни сотишдаги баҳонинг сунъий пасайтирилиши. Рақобатнинг ғирром воситаси ҳисобланиб, кўпгина давлатлар томонидан таъқиқланади.

Баҳо демпинги тор маънода - энг паст фойдалиликдаги баҳо бўлиб, рақобатчилардан миждозларни жалб этиш мақсадида қўлланилади.

**Денационализация** - *хусусийлаштиришга қаранг.*

**Деноминация** - пул муомуласини тартибга солиш мақсадида, миллий пул бирлигини, мустаҳкамлаш учун эски пул белгиларини ўрнатилган нисбатда янгисига алмаштириш.

Шу белгиланган нисбатда баҳолар, тарифлар, меҳнат ҳақлари, банк ҳисобварақларидаги пул маблағининг қолдиқлари, корхона ва муассаса баланслари қайта ҳисобланади. Деноминация натижасида шунингдек, пул бирлигининг валюта курси ҳам ўзгаради.

**Депонент** (*лат. deposito - йиғаман*) - корхона, ташкилот, муассаса ёки жисмоний шахснинг корхона, ташкилот, муассасада вақтинча сақлаётган маблағи.

Депонент суммаси ишчи ва хизматчиларни меҳнат ҳақини ўз вақтида олинмаган суммаларидир. Меҳнат ҳақини тўлаш учун муддат асосан 3 кун қилиб белгиланади. Муддат тугагандан сўнг, олинмаган меҳнат ҳақи суммалари қайдномага ёки депонентлар китобига ходимнинг исми, фамилияси, отасининг исми, табел рақами, ҳисоб-тўлов қайдномаси рақами ва ой, ҳамда сумма ёзилади ва депонентланган деб белгилаб қўйилади. Ўз вақтида тўланмаган пуллар корхонанинг банкдаги ҳисоб-китобига қайтарилади.

Депонент суммаси ўз мўлжали бўйича ишлатилиши керак. Белгиланган муддат тугагандан сўнг, корхонанинг даромадига ўтказилади.

Депонент бўйича ҳисоб-китоб учун 6720 - “Депонентланган иш ҳақи” ҳисобварағидан фойдаланилади. Ҳисобварақнинг кредитига депонент суммалари ўтказилса, дебетига эса, тўланган сумма ёзилади. Депонентнинг аналитик ҳисоби ҳар бир депонент билан ҳисоб-китоб ҳолати ҳақида маълумот беради.

**Депозит сертификати** - маълум бир муддатга пул маблағларини банкка қўйган шахсларга бу ҳақда тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз бўлиб, унинг эгаси даромад манбаи ҳисобланади. Депозит сертификати бошқа шахсларга бериладиган ва берилмайдиган бўлиши мумкин.

**Депозит фоизи** - тижорат банкининг мижоз жамғармасидан фойдаланганлик учун тўлайдиган фоизи.

**Дефляция** - ҳукуматнинг инфляция суръатини пасайтириш мақсадида пул массасини муомуладан сунъий равишда олиши.

**Джоббер** - тезда сотиш учун алоҳида катта партиядagi товарларни сотиб олувчи фирма.

**Дисобберлар** - Лондон фонд биржасининг дилерлари. Кўпгина фирмаларнинг дилерларидан фарқли ўлароқ, брокерлар вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга эмас ва жараёнларни биржа аъзолари билан эмас, балки бевосита мижозлар билан амалга оширади.

**Диверсификация** - маркетинг стратегиясининг тури бўлиб, асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, янги маҳсулотлар бозорида фирмалар фаолиятини кенгайтириш.

**Дивиденд** - акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисми бўлиб, акциядорлар ўртасида солиқларни, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ажратмаларни, захираларни ташкил этиш, облигациялар бўйича фоизларни ва бошқа тўловларни амалга оширилганидан сўнггина тақсимланади.

**Дилер (даллол)** - фонд биржасининг аъзоси (алоҳида шахс, фирма) ва банклар. Дилер қимматбаҳо қоғоз, валюта, қимматбаҳо металллар савдоси билан шуғулланиб, ўз номи ва ўз ҳисобидан ҳаракат қилади. Дилерлар ўзаро, ҳамда брокерлар ва бевосита мижозлар билан (мижозлар билан Лондон фонд биржаси дилерлари - джобберлар) келишувни амалга оширадilar. Дилер фойдаси харидор ва сотувчи курсларининг фарқи ҳисобига, шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар, валюта курслари ўзгариши ҳисобига вужудга келади. Кўпгина фонд биржаларининг дилерлари брокерлик жараёнларини амалга оширади.

**Динерсификация** - лизинг компанияларининг динерсификацияси - ҳозирги вақтда лизинг компанияларини лизинг келишувлари қуйидаги кўринишларда амалга оширилмоқда: жорий лизинг, узоқ муддатга сотиш, халқаро лизинг, лиз-бэк, вендор-лиз, диверидж-лиз, проджектлиз, молиявий лизинг, факторинг, форфетирлаш.

**Дисконт** - 1) васиқа ҳисоби; 2) ҳисоб фоизи - васиқа ҳисобида банкларга тўланадиган фоиз; 3) биржа ва валюта ишларида - товар котираль баҳосидан устама (масалан, агар товар сифати стандартдан паст бўлса) валюта.

**Дотация** - корхона, ташкилот, муассасаларга қарзларни қоплаш учун давлат томонидан бериладиган нафақа. Бозор иқтисодиёти шароитида дотация ўз аҳамиятини камайтиради, чунки, ҳар бир корхона бозор иқтисодиётида унинг катта ёки кичиклигига, мулкчилик турининг қайси шаклида эканлигидан қатъий назар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши ва фойда олиши зарур. Дотация давлат аҳамиятидаги корхоналаргагина берилади.

**Ижара** (поляк. - *arenda* ва лат. *arrendare* - қарзга фойдаланишга бериш) - Шартнома асосида буюмларнинг вақтинчалик фойдаланишга белгиланган ижара ҳақи тўлови асосида берилиши.

Буюмни вақтинчалик фойдаланишга берувчи томон ижарага берувчи, қабул қилиб олувчи эса, ижарачи деб аталади. Ижара муносабатларида асосан асосий воситалар ижарага берилиши мумкин. Ижара жорий ва узок муддатли молияланган бўлиши мумкин. Бухгалтерия ёзуви ҳам шу ижаранинг қайси турда олиб борилишига қараб юритилади. (“*ижарага берилган асосий воситалар*” қаранг).

Ижарага берувчи - буюм, моддий бойлик ва ҳоказоларни ижарага берувчи юридик ва жисмоний шахс.

Ижарага олинган асосий воситалар - Бошқа корхона, ташкилот ва муассасалардан (ижрага берувчилардан) ижарага олинган асосий воситалардир.

Агар ижара муддатига кўра 1 йилдан юқори бўлмаса, қисқа муддатли, агар 1 йилдан 3 йилгача бўлса, ўрта муддатли, агар 3 йилдан юқори бўлса, узок муддатли ижарага берилган асосий воситалар дейилади.

Қисқа муддатга ижарага берилган асосий воситалар ижарага берувчининг балансида, ижарачи ҳисобида эса, балансдан ташқари 001 “Оператив ижарага олинган асосий воситалар” ҳисобварағида олиб борилади.

Ижарачи корхона ижарага олинган асосий воситалар учун ҳисоб варақаси очмайди, яъни аналитик ҳисоб олиб бориш учун ижарага берувчидан олинган асосий воситалар ҳисоб варақасидан нусха ёки кўчирмадан фойдаланилади.

Ижарадаги асосий воситаларни тиклаш ишлари зарур бўлиб қолганда, харажатлар шартномадаги келишувга асосан ижарачи ёки ижрага берувчи томонидан амалга оширилади. Агар асосий воситаларни тиклаш харажатлари ижарага берувчи томонидан амалга оширилса, бу жараён умумий тартибда амалга оширилади. Ижарачи ҳисобида асосий воситаларни тиклаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади.

**Ижарачи** - бирор нарсани ижарага олган корхона, ташкилот ва муассаса ёки жисмоний шахс.

**Ижтимоий суғурта** - вақтинчалик меҳнатга яроқсиз шахслар, ногиронлар, боққувчисини йўқотганларни моддий таъминлаш, шунингдек соғломлаштириш тадбирлари (дам олиш уйлари, сиҳатгоҳлар, даволаш, озик-овқат билан таъминлаш ва ҳоказо)ни таъминлаш тизими.

Ижтимоий суғурта корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади ва касаба уюшмалари иши билан боғлиқ. Касаба уюшмалар бюджети эса, Республика Давлат бюджетининг таркибий қисмидан бири ҳисобланади.

**Инаудит** - 1987 йил 24 сентябрда тасдиқланган акциядорлик жамияти. Акционерлик капитали 800 минг рубль. Қиймати 10 минг рублдан бўлган 80 акция.

Акциядорлари - “Нефтэкспортиттифоқи”, “Озиқ-овқат ташқи савдоси”, “Авто экспорт”, “Станкоимпорт”, “Оғирсаноат экспорти”, “Совфрахт”, “Соврыбфлот”, “Давлат банки”, Ташқи иқтисодий банк ва Молия вазирлиги.

Кўрсатиладиган хизматларнинг турлари: тижорат ва молиявий хўжалик фаолиятининг текширувини ўтказиш, субъектнинг фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, қўшма корхоналарни солиққа тортиш масалалари, молиявий ҳисоб ҳолати, ички молиявий назоратни ташкил этиш, ташқи савдо келишувларини амалга ошириш қоидалари, хорижий валюта билан боғлиқ жараёнлар юзасидан маслаҳатлар бериш.

Мижозлар билан ишлаш тижорат шартномаси асосида олиб борилади.

**Инвестиция** - сўзи немисча *investition*, лотинча *investio* сўзларидан олинган бўлиб, у капитални узок муддатли қўйилмалар тарикасида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар суммасидир.

**Инвестор** - маблағини молиявий қўйилма сифатида фойда олиш мақсадида сарфловчи шахс.

**Инновация** - жараён сифатида, иқтисодиётга маблағни сарфлаш, қайсики, техника ва технологияларнинг замонавийларига алмаштирилишини таъминлайди, объект сифатида илмий-техник тараққиёт ютуғи натижаси ҳисобланувчи янги техника, технология, ихтирочиликнинг ривожланиши, кичик ва йирик ихтироларнинг юзага келиши инновациянинг муҳим омили ҳисобланади.

**Индекс** - қандайдир иқтисодий ҳодисанинг ўзгаришини акс эттирувчи рақамли кўрсаткич. Масалан, баҳо индекси, ишлаб чиқариш ҳажми индекси, ташқи савдо индекси.

**Индексация** - инфляция шароитида пулли талаблар ва турли даромадларнинг ҳақиқий ҳажмини сақлаш усули. Индексация кредит ва тўлов келишувларида, меҳнат ҳақини тўлаш ҳақидаги шартномаларда, ҳамда дивидентларни, фоизларни, нафақа ва бошқаларни тўлашни тартибга солувчи ҳужжатларда индексли келишувларни ёритишга асосланади. Индексацияга асосан, мажбуриятнинг юзага келиши ва ҳақ тўланиши муддати оралиғидаги баҳо ўзгаришини баҳо индексини қўллаш ёрдамида тўлов ҳажми мутаносиб асосда амалга оширилади. Индексация асосан алоҳида давлатлар ичида қўлланилади.

**Индекс Дау Джонса** - XIX аср охиридан бошлаб “Дау Джонс Энд компани” фирмаси томонидан нашр этиладиган АҚШ йирик компаниялари гуруҳларида акция курсларининг ўртача кўрсаткичи.

Биржа бекитилиши вақтига маълум бир компания гуруҳларининг кунлик арифметик ўртача котировкаси. Индекс Дау Джонсани ҳисоблаш индекси бир неча бор алмашди. Ҳозирги вақтда бир неча индекслар эълон қилинмоқда, саноат компаниялари учун 30 корпорация акциялари асосида, темир йўл компанияларига 20 йирик фирма акциялари асосида ва маиший компанияларга (15 фирма). Ушбу индекслар асосида умумий индекс ҳисобланади.

Индекс Дау Джонса АҚШда жорий ҳўжалик конъюнктурасига кўрсаткич бўлиб хизмат қилади ва ишбилармон доирадагиларнинг турли иқтисодий ва сиёсий воқеаларга реакциясини билдиради.

**Индоссамент** - қимматбаҳо қоғоз, васиқа, чек, коноссамент ва бошқалардаги ёзув бўлиб, ушбу ҳужжатлар бўйича ҳуқуқ бошқа шахсга ўтишини билдиради. Асосан, ҳужжатнинг орқа томонига ёки қўшимча варақага ёзилади. Индоссаментни амалга оширган шахс, индоссант деб аталади.

**Инженеринг** - ишлаб чиқариш корхоналарини, бирлашмаларини, инфраструктура объектларини тузиш юзасидан хизмат. Хорижий буюртмачилар билан шартномага асосан қуйидаги ишларнинг бажарилиши: лойиҳа тузишдан олдинги, инженер текширув, илмий текшириш ишларини олиб бориш, техник вазифаларни тузиш, лойиҳавий таклифларни ва саноат ҳамда бошқа объектларнинг қурилишини техник-иқтисодий асосларини бериш, техник ҳужжатларни ишлаб чиқариш, техника ва технология объектларининг конструкторлик ишлови, иқтисодий, молиявий ва бошқа соҳадаги маслаҳат.

Инженеринг хизматлари асосан, йирик фирмаларнинг машина ва ускуналарини сотиш билан боғлиқ бўлади. Инженеринг мустақил равишда товар сифатида ҳам бозорга чиқиши мумкин. Инженеринг хизматларини сотиб олиш шартномаси уларни рўйхати, ташкилий шароитлар, шунингдек баҳо ва тўлов тартибларини ўз ичига олади.

Инженеринг хизматларини йирик саноат компаниялари бевосита ёки ўз махсус шўба компаниялари орқали, шунингдек катта бўлмаган мустақил фирмалар ҳам кўрсатади.

Инженеринг - бу маслаҳатчи-корхона томонидан, мижоз-корхонага саноат ёки бошқа объектлар қурилишида аниқ бир хизмат турларини кўрсатишдир.

Инженерингнинг тўлиқ цикли қуйидаги босқичлардан иборат:

- лойиҳанинг маркетинг нуқтаи назардан мақсадлилигини текшириш;
- уни реализация этишнинг техник имкониятларини ўрганиш;
- техник-иқтисодий муқобиллик ва ер майдонига талабни, ҳамда, маҳаллий ҳудудга алоқасини кўрсатган ҳолда, дастлабки лойиҳани тузиш;
- ишчи лойиҳани тузиш ва ускуналарнинг савдосини тайёрлаш;
- ускуналар савдоси юзасидан таклифларни баҳолаш;
- ускуналар савдоси танловининг натижаси асосида муҳандис-қурилиш лойиҳасини тузиш;

- муҳандис - қурилиш ишларининг савдосига тайёргарлик;
- берилган таклифларни баҳолаш;
- усқунанинг тайёрланиши, синовдан ўтказилиши ва бошқалар устидан назорат ўрнатиш (қоидага кўра, фақат антиқа ва махсус мураккаб усқуналарнинг тайёрланиши вақтида);
- муҳандис - қурилиш ишлари, етказиш ва ўрнатиш координацияси;
- буюртмачига хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлашга ёрдам бериш;
- объектни фойдаланишга тайёрлаш ва буюртмачига “тайёр маҳсулот” сифатида топшириш;
- объектни топширгандан сўнг, ундан фойдаланиш давомида кузатиш ва маслаҳат бериш.

**Интеграция** - кооперация ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни тақсимлаш асосида икки ёки ундан ортиқ давлатлар миллий хўжалигининг ўзаро ҳаракатидаги иқтисодий жараён.

**Инфляция** - ҳақиқатда таклиф этилаётган товарларга нисбатан анча кўп миқдорда қоғоз пулларнинг муомалага чиқарилиши. Баҳоларнинг умумий, узок вақт ошиб бориши ва ҳақиқий меҳнат ҳақининг ошиб бориши билан кузатилади. Олтин бозор баҳосини ошиши, ҳаёт қиймати, валюта курсининг ўзгаришлари ҳам инфляция оқибатидир.

**Инфратузилма** - иқтисодий ёки сиёсий ҳаёт умумий тузилишининг таркибий қисмлари. Иқтисодий ёки сиёсий тизимда бўйсинувчи, ёрдам тавсифга эга бўлиб, умумий фаолиятни таъминлайди. Масалан, иқтисодий инфратузилмага қуйидагилар киради: ижтимоий ишлаб чиқариш ҳолатини белгиловчи транспорт ва алоқа, маориф ва таълим, уй-жой ва маиший хизмат хўжалиги, фан ва техника, соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

**Икки ёклама ёзув** - хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш усули. Бу усулнинг маъноси шундан иборатки, ҳар бир амалга оширилган муомала иккита ҳисобварақда, яъни бир ҳисобварақнинг дебети ва иккинчи ҳисобварақнинг кредитида акс эттирилади. Хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисоби объектларида ўзгаришлар рўй беришига олиб келади, бу ўзгаришлар бир эмас, балки икки объектда рўй беради.

**Инвентаризация** - корхонага тегишли бўлган барча асосий воситалар, инвентарлар, маблағлар ва бошқа моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларини солиштириш ва текшириш усули. Инвентаризация ўтказилишидан асосий мақсад бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини ва мулкнинг сақланишини таъминлашдир. Инвентаризация объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: асосий воситалар; товар-моддий бойликлар; тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар; тугаланмаган капитал қурилиш ва тугаланмаган қурилиш-монтаж ишлари; келгуси давр харажатлари; боқувдаги ва ўстиришдаги чорва моллари; товар ва идишлар (савдо корхоналарида), пул маблағлари; қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар; корхонага

тегишли бўлмаган бойликлар (ижарага олинган асосий воситалар, вақтинча сақлаш учун олинган ёки қайта ишлаш учун қабул қилинган бойликлар).

Инвентаризация олдиндан белгиланган муддатда, шунингдек, моддий жавобгар шахс алмаштирилганда, аудит вақтида, табиий офатлар бўлганда, аудиторлар ва тергов органлари талаб қилган ҳолларда ўтказилиши мумкин. Текширилаётган объект ҳажмига кўра инвентаризация тўла ва қисман ўтказилиши мумкин. Тўла инвентаризацияда хўжалик юритувчи субъектнинг барча хўжалик мулклари тўлиқ текширилади. Қисман инвентаризацияда эса хўжалик мулкларининг маълум бир қисмигина текширилади. Ўтказилиш вақтида инвентаризация режали ва режасиз бўлади. Режали инвентаризация кўрсатмаларда белгиланган муддатда ўтказилади, режасиз инвентаризация эса, зарурий вақтларда, асосан тўсатдан ўтказилади.

**Инвентаризация ёзувлари** - инвентаризация ўтказилган вақтда тузиладиган ҳужжат. Бунда товар-моддий бойликлари ва бошқа инвентаризация қилинаётган объектларнинг маълум бир муддатга ҳақиқий ҳолати акс эттирилади. Бу ҳужжат комиссия аъзолари томонидан бир неча турда ва белгиланган шаклда тузилади. Алоҳида инвентар бўйича ёзув эса, корхонага тегишли бўлмаган бойликлар юзасидан тузилади (ижарага олинган асосий воситалар, сақлаш ва қайта ишлаш учун қабул қилинган бойликлар). Ҳужжатда товар-моддий бойликлари тури, ўлчов бирлиги бўйича кўрсатилади.

Ҳужжатга барча комиссия аъзолари имзо чекади, моддий жавобгар шахс эса, инвентаризация натижасига ва комиссия аъзоларига эътирози йўқлиги ҳақида тилхат ёзиб беради.

Инвентаризация ёзувидан бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг солиштирма қайдномасини тузишда фойдаланилади. *(қаранг. Инвентаризация).*

**Инвентар карточкалар** - асосий воситалар (фондлар)нинг ҳисоби учун мўлжалланган ҳисоб регистрининг шакли. Инвентар карточкалар ҳар бир объект хўжаликка келтирилганда тузилади. Инвентар карточкалар объектларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида очилиши мумкин. Карточкада инвентар объекти тўғрисидаги ҳамма керакли маълумотлар акс эттирилади: унинг номи, амортизация ажратмаси миқдори, шунингдек, капитал тиклаш, жиҳозлар, бутлаш ва ҳисобдан чиқаришлар ҳам акс эттирилади.

**Инвентар объекти** - тугалланган қурилиш, буюм ёки комплекс инвентар объекти асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади. Ҳар бир корхонада инвентар объектлари кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича ҳисобни тўғри ташкил этиш учун инвентар рақам белгиланади.

**Инвентар рақами** - инвентар объектга бириктирилган рақам. Инвентар рақами асосий воситалар (фондлар) ҳисобини тўғри ташкил этиш учун ва объектларнинг сақланишини таъминлаш учун зарурий ҳисобланади. Бир турдаги буюмларнинг гуруҳи учун шу объектларнинг ҳақиқий ҳолати, энг қуёқ қийматини ҳисобга олган ҳолда, рақамлар серияси ажратилади.

Бухгалтерия ҳужжатларида асосий воситалар ҳисобида ушбу инвентар рақамлар кўрсатилади.

**Инкасса** (лат. *incasso*) - тўлов ҳужжатларини кўрсатиб пул олиш. Тўлов ҳужжатлари асосан, банк томонидан кўрсатилади. Харидор ва мол етказиб берувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоб нақд пулсиз олиб борилади, демак, банк пулни инкасса орқали олар экан, улар ўртасидаги ҳисоб-китобни (ҳисобварақдан ҳисобга маблағ ўтказиш) бажариш вазифасини олади. (*инкассалашга қаранг*).

**Инкассалаш** (лат. *incassare* - *яшикка солиш*) тўлов ҳужжатларини кўрсатиб, у асосида пулни олиш (*инкассага қаранг*).

**Инкассатор** - субъектлардан пулни ҳужжатлар асосида қабул қилиб, банкка топширувчи шахс.

**Имтиёз** - маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман озод этиш. Масалан, солиқлар бўйича бериладиган имтиёзлар ҳозирги кунда республикамизда хусусий корхоналар, ҳунармандчилик билан шуғулланадиган шахслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга белгиланган тартибда фойда солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар берилган. Имтиёзларнинг берилишдан асосий мақсад шу соҳаларни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланади.

**Импорт** - давлатнинг ички бозорига хориждан, технология ва капиталларни сотиш ва улардан фойдаланиш учун товарларнинг келтирилиши, шунингдек, хорижий ҳамкорлардан ишлаб чиқариш ёки истеъмол характеридаги хизматларнинг бепул олиниши.

**Ипотека** - қарздорнинг кўчмас мулки билан таъминланган, қарз мажбуриятини акс эттирувчи қимматбаҳо қоғоз.

**Ипотека ссудаси** - кўчмас мулк гаров асосида берилган узоқ муддатли ссуда.

**Ишлаб чиқариш харажатлари** - корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлари (меҳнат ҳақи, хом ашё, материал, ёқилғи, асосий воситаларнинг эскириши ва ҳоказолар).

**Ишонч қоғози** - маълум бир шахсга товар моддий бойлиги, пул маблағи ёки ҳужжатни олиш, шунингдек, маълум бир ҳаракатни бажариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Босма шаклидаги бланкага тўлдирилади. Мажбурий реквизитлар қуйидагилар ҳисобланади: корхонанинг номи, шу корхонага хизмат қилувчи банк номи ва ҳисоб-китобининг рақами, ишонч қоғозининг ҳаракат муддати, товар моддий бойликларини ким ва кимдан олиши лозимлиги, товар-моддий бойликларининг номи ва миқдори, ишонч қоғозини олган шахс имзоси, корхона раҳбари ва бош ҳисобчиининг имзоси, муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

**Калькуляция** (лат. *calculatio* - *ҳисоблаш*) - бажарилган иш, тайёрланган маҳсулот, қабул қилинган моддий бойликлар қийматини аниқлаш, харажатларини гуруҳлаш усули. Калькуляция ёрдамида режаланган ва ҳақиқий қиймат солиштирилади, унинг натижасида иқтисодий тежамкорлик ишлари мақсадли амалга оширилади. Калькуляция ўтказилиши

ва мақсадлигига қараб (режали, меъёрий) ва ҳисобот турларига бўлинади. Режали калькуляция - режа даврининг бошидаги харажатлар меъёри ва бошқа режали кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бу калькуляциянинг вазифаси қиймат бўйича режа топшириқларини белгилаш ҳисобланади. Меъёрий калькуляция ишлаб чиқариш харажатларининг ой бошидаги, ҳаракатдаги меъёридан фойдаланиб ўтказилади. Бу калькуляциянинг тури ёрдамида маҳсулотнинг меъёрий қиймати аниқланади, унда ҳақиқий қиймати ишлаб чиқариш даврида ўтказилиб, ҳақиқий харажатларнинг белгиланган меъёридан фарқи тезда аниқланади. Савдода эса келтирилган товарнинг калькуляция қилиниши, уларнинг ҳар бир тури бўйича кетган харажатнинг миқдорини аниқлаш имконини беради ва тегишли хулосалар чиқариш имконини яратади. Ҳисобот калькуляцияси ҳисобот даври (ой, чорақ, йил) охирида ўтказилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки сотиб олинган товар учун кетган харажатлар аниқланади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланилади. Унда режа ва ҳақиқий харажатлар солиштирилиб иқтисодий ёки юқори харажат аниқланади. Аммо хулоса чиқараётганда маҳсулотнинг ҳақиқий таннархига ноишлаб чиқариш харажатлари (яроқсиз ва сифатсиз маҳсулотлар бўйича йуқотиш, сақлашда материалларнинг камомади, пул инфляцияси) ҳам киради. Улар эса режалаштирилмайди ва режавий таннархга қўшилмайди.

**Калькуляция моддалари** - қийматни ташкил этувчи харажат турлари. Харажат турлари ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли (қўшича ва ўзгартиришлар киритилган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”да келтирилган. Ушбу Низомга кўра, маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби қуйидагилардан иборат:

- 1) ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар;
- 2) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- 3) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- 4) асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- 5) ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

**Канбан** - қайта қуришга мосланувчан ва деярли заҳираларсиз фаолият юритувчи узлуксиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш механизми. “Канбан” сузи таржимада “карточка” деган маънони билдиради. “Канбан” тизими - маълумотларни ёзишнинг визуал тизимидир. Канбан металл карточкаларнинг тизим ичидаги айланма ҳаракатини билдиради. Металл карточкалар учбурчак, тўғри тўртбурчак ёки доира шаклида бўлиб, маҳсулотни ишлаб чиқариш буюртмаси билан боғлиқ маълумотларни ўзида жамлайди. “Канбан” маълумотлар тизими бўлиб, ишлаб чиқариш ва ҳар бир босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини тез-тез тартибга солиб турилишини таъминлайди.

“Канбан” тизими фирма- заводларида, ҳамда мол етказиб берувчи фирмада ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида керакли ҳажмда ва керакли вақтда зарурий маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини таъминловчи ахборотлар тизимидир.

**Касса китоби** - корхона кассири касса жараёнлари ҳисобини юрғизишига мўлжалланган ҳисоб регистрлари. Ушбу китоб варақалари тартиб рақамларига эга бўлиши лозим. Ундаги ёзувлар касса жараёнларини меҳнат ҳақидаги Низомга асосан ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжатлари бўйича олиб борилади. Кун охирида кассир кирим ва чиқим суммаларини, кейинги кунги пул қолдиғини аниқлайди ва ёзувда акс эттиради. Китобдаги ёзувлар икки нусхада олиб борилади. Иккинчи нусхаси ҳар куни ёки бошқа белгиланган муддатларда касса ҳисоботи сифатида бухгалтерияга топширилади. Бухгалтер китобдаги ёзувларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини текшириб ҳужжатни қабул қилинганлигини тасдиқлайди ва имзо чекади. бош ҳисобчи касса китобининг тўғри юрғизилаётганлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориши лозим.

**Касса лимити** - корхона кассасида доим бўлиши мумкин бўлган пул маблағларининг суммаси. Бу сумма кунлик майда харажатлар учун ишлатилади. Уни банк корхона билан келишган ҳолда шу корхона шароитини ҳисобга олиб белгилайди. Лимитдан ортиқ суммадаги меҳнат ҳақини тўлаш учун банкдан олинган кундан ташқари уч кунгача бўлган муддатда бўлиши мумкин. Назорат вақтида кассада сабабсиз лимитдан ортиқча пул маблағи аниқланса, 9390 – “Бошқа операцион даромадлар” ҳисобварақнинг кредитига ёзилади ва кассир қонидани бузган ҳисобланади.

**Кассанинг ордерлари** - корхона кассасига пул кирими ва чиқимининг қонунийлигини ва белгиланган мақсад бўйича амалга оширилганлигини асословчи ҳужжатлар. Кассанинг ордерлари бухгалтерияда сиёҳ билан ёзилади, ордерларда уларни тўлдириш асоси ва уларга илова қилинган ҳужжатлар кўрсатилиб ўтилади. Ордерларда ҳеч қандай тузатишлар киритиш, яъни суммаларни ўзгартириб ёзишга рухсат берилмайди. Кассага пул кассанинг кирим ордерида ҳужжатлаштирилиб, унда кимдан (нимага) қабул қилинаётганлиги ва бошқа зарурий маълумотлар кўрсатилади. Корхона кассасидаги пул чиқими кассанинг чиқим ордери асосида ҳужжатлаштирилади. Кассанинг кирим ва чиқим ордерлари кассир имзоси билан тасдиқланади. Кассанинг ордерларига илова қилинган ҳужжатларга, “берилди” ёки “олинди” деб муҳр босилади. Кассанинг кирим ва чиқим ордерлари хронологик даврга асосан йил бошидан йил охиригача бўлган муддатда алоҳида тартиб рақами билан белгиланади. Кассир шу кирим ва чиқимни кассанинг кирим ва чиқим ордерларига илова қилинган ҳужжатлар асосида касса китобида акс эттириб боради.

**Кассирнинг ҳисоботи** - кассир томонидан корхона бухгалтериясига топшириладиган ҳисобот. Бу ҳисобот кассанинг китоби маълумотларига асосан тузилади ва унга илова қилинган кирим ва чиқим ордерларидан иборат бўлади. Кассир ҳисоботни иш куни охирида ёки белгиланган

муддатда топшириши лозим. Бухгалтерия ҳисоботни текшириб қабул қилади ва кассанинг китобига қабул қилинганлиги ҳақида имзо чекади. Кассирнинг ҳисоботи касса жараёнларини ҳисоботда акс эттириш ва бухгалтерия томонидан кассирнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради.

**Кассир** - касса пулни қабул қилиш, сақлаш ва бериш мажбурияти юклатилган жавобгар шахс. Кассир ёзма равишда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида мажбуриятни ўзининг бўйнига олади. Кассир ўз иши жараёнида касса жараёнларини ҳақидаги низомга амал қилиши зарур. Пулни қабул қилиш ва беришда кассир корхона раҳбари ва бош ҳисобчининг имзолари билан тасдиқланган ҳужжатларга асосланади. (*касса ордерига қаранг*). Кассадаги пул маблағлари ҳисобини кассир кассанинг китобида олиб боради.

**Квота** - ишлаб чиқаришда, савдода, маҳсулот экспорти ёки импортида қатнашиш улуши бўлиб, картелга кирувчи корхона ёки компания учун белгиланади. Квота ҳажмига мос равишда фойда тақсимланади. Квота оширилса, жаримага тортилади. Квотани белгилашдан мақсад савдони, экспортни чеклаш. Импорт квота (контингентлар) импортни миқдор жиҳатдан чеклашнинг усулларида бири бўлиб, товар ёки бошқа маблағлар давлатга импортнинг маълум бир давр мобайнидаги максимал (энг юқори) суммасини ёки миқдорини белгилайди.

**Келгуси давр даромадлари** - ҳисобот даврида олинган, аммо келгуси даврга тегишли бўлган маблағлар.

Бу маблағларга олдиндан олинган ижара тўловлари, маиший хизматлар учун тўловлар, йўловчиларни ва юкларни ташиш ҳақлари, чораклик, ойлик тўловлари, алоқа воситаларидан фойдаланганлик учун абонемент тўловлари ва бошқа муддатидан олдин тўланган маблағлар киради.

**Клиринг** - тўлов ва мажбуриятларни ўзаро қоплаш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими; давлат ичидаги клиринг ўзаро ҳисоб-китоб орқали банклар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимидир, халқаро ҳисоб-китобларда махсус ташкил этилган клиринглар келишув кўринишида амалга оширилади. Халқаро ҳисоб-китобларда икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳукуматлари ёки Марказий банклари ўртасида ташқи савдо ва улар ўртасидаги турли ўзаро муносабатларда юзага келадиган тўлов ва қарзлар юзасидан клиринг келишувлари тузилади.

Клиринг келишувлари, валютали клиринг давлатлар ўртасида ташқи савдо жараёнлари натижасида юзага келган қарзларни ўзаро қоплаш орқали амалга оширилишини билдиради (олтин ёки хорижий валюталар тўловисиз).

**Валютали клиринг** - ташқи савдода ҳисоб-китоб шакли бўлиб, бир давлатнинг қарзи шу давлатга бўлган қарзни қоплаш орқали амалга оширилади. Валютали клирингнинг мазмуни шундаки, унга кўра, экспорт ва импорт товарлар юзасидан давлатлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳар бир савдо-сотиқдан кейин эмас, балки давлатдан чиқарилган ва шу давлатга келтирилган товарлар қиймати ўртасидаги фарқлар юзасидан даврий тўловларни амалга ошириш асосида олиб борилади.

**Комиссионер** - савдо ва келишувлардаги воситачи бўлиб, ўз номидан, аммо комитент фойдасига ва комитент ҳисобидан маълум бир рағбатлантиришга асосан савдо топшириқларини бажарувчи шахс. Комиссионер билан учинчи шахс ўртасидаги келишувда ҳуқуқ ва мажбуриятлар комиссионер ва учинчи шахс ўртасида юзага келади. Аммо, келишувда бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, комиссионер комитент олдида учинчи шахснинг келишувни бажаришига жавоб бермайди.

**Комитент** - (лотинчадан “топшириқ берувчи”) импорт ёки экспорт, банк жараёнлари, қарз жараёнлари ва бошқалар юзасидан маълум бир муддат ичида аниқ бир келишув ёки келишувларни тузишни бошқа шахс (комиссионер)га топшириқ сифатида берувчи шахс. Комитент топшириғини комиссионер ўз номидан амалга оширсада комитент ҳисобига бажаради.

**Компенсация келишуви** - тенг қийматдаги товарларни ўзаро етказишни мўлжаллаган келишув. Товар алмашишнинг оддий келишувидан фарқли уларок, компенсация келишувида асосан, комплекс шартнома тузилиб, унда жумладан, корхона учун ускунани кредитга бериш ва “ноу-хау”ни корхона ишга тушгандан сўнг тайёр маҳсулот ёки бошқа товарлар билан ҳисоб-китоблар орқали бериш келишилади.

Компенсация келишувида импорт қилинаётган товарни қисман пул билан қоплаш ҳам келишилиши мумкин.

**Консалтинг** - маслаҳат хизматини кўрсатиш ва экспертиза ўтказиш. Консалтинг билан шуғулланадиган фирмалар консултатив деб аталади.

**Коносамент** - юкни етказиш учун қабул қилинганини тасдиқловчи ва юкни қабул қилувчига беришни юк ташувчига мажбурият сифатида белгиловчи ҳужжат.

Юк ҳаракати босқичидан ё келиб чиқиб, коносаментнинг қуйидаги турлари мавжуд: борт коносаменти, оддий коносамент (етказиш учун қабул қилинган юк учун), порт коносаменти, омбор коносаменти.

**Консигнатор** - товарларнинг эгаси бўлмасада, товарлари мавжуд бўлиб, асосан, комисион бошланғич босқичида фаолият юритади. Ўз идораси, шунингдек, қабул қилиш, қайта ишлаш ва товарларни сотиш биносига эга бўлади.

**Консигнация** - товарларни хорижга сотишнинг комисион шакли бўлиб, унга кўра товарларнинг эгаси (консигнант) у ердаги ўз комисионерига (консигнаторига) товарлар партиясини сотиш учун жунатади.

**Консорциум** - аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун фирмаларнинг вақтинчалик шартномавий келишуви: молиявий жараёнларни биргаликда амалга ошириш учун банклар ёки саноат корхоналарининг ўзаро келишуви.

**Контокоррент ҳисоби** - ҳисоб-китоб - ссуда ҳисоби. Оддий уч ёки ундан ортиқ ҳисобварақлар (молиялаштириш ҳисоби, ҳисоб-китоб ҳисобварағи ва бошқалар) ўрнига корхона битта ҳисоб юргизади. У ҳисоб-китоб - ссуда (ёки контокоррент) ҳисоби деб аталади. Ушбу ҳисоб орқали пул

оқими у ёки бу томонга ўтади. Контокоррент ҳисоб очилиши учун қуйидаги шароитлар мавжуд бўлиши керак: корхона мукамал бухгалтерия ҳисобига, юқори даражадаги молиявий ҳолатга, молиялаштиришнинг ўз манбаига эга бўлиши керак.

**Контрагент** - бир бирига нисбатан шартномадаги томонларнинг ҳар бири.

**Контракция** - тайёрловчи, қайта ишловчи саноат корхоналари (контрактантлар) ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар (берувчилар) ўртасидаги икки ёклама шартнома. Ушбу шартномада ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори, сифати ва етказиш шартлари ҳамда муддатлари келишиб олинади.

**Контрафакция** - бошқа компания маҳсулотларини намоён этиб бўлган товар белгиларидан бошқа фирмаларнинг фойдаланиши. Контрафакция натижасида харидорлар товарнинг келиб чиқиш манбаига иккиланиб қарашади. Манфаати бузилаётган корхона эса, шу давлатда ўрнатилган қонунчиликдан келиб чиқиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш тадбирларини қўллаши мумкин.

**Концерн** - мулкчилик ва назорат бирлигига асосланувчи бирлашиш шакли. Концернга кирувчилар мустақилликка эга бўлмай, концернни бошқарувчи бош ташкилот томонидан назорат қилинади. Концерн иштирокчилари бир вақтнинг ўзида бошқа концернлар таркибига кириши мумкин эмас.

**Концессионер** - концессия эгаси, юридик шахс бўлиб, концессия олган бўлади.

**Концессия** - 1. Давлат ёки муниципал ҳукумат, хусусий тадбиркорлар, хорижий фирмалар билан табиий бойликлардан, корхоналардан, ер ва бошқалардан чегараланган муддатда фойдаланиш юзасидан тузилган шартнома. 2. Концессия тартибида ташкил этилган корхона.

**Кооператив** - биргаликда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, товар ва хизматларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш, уй-жойларни қуриш ва улардан фойдаланиш ва бошқалар мақсадида шахсларнинг бирлашиши.

**Космополис** - қурилиш техникаси, архитектура, экология фани, информатика ва коммуникация маблағларининг мукамал даражасига асосланган шаҳар қурилиши ва инфратузилмаларининг яхлит концепцияси.

**Корректур** (*лат. correcto - тузатиш*) - ҳисоб-китоб ёзувларидаги хатоларни тузатиш усули. Бу усулда хато ёзув кўриладиган, ўқиб бўладиган қилиб учиради ва уни ёнига керакли ёзув акс эттирилади. Тузатилган хато бухгалтерия регистрини юргизувчи жавобгар шахс имзоси билан тасдиқланади. Бунда тузатишга ишониш мумкинлиги ёзилади. Бу усул бир неча ҳисоб регистрларида йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун ишлатилмайди. (*қўшимча бухгалтерия ёзуви - сторнога қаранг*).

**Котировка** - фонд биржасида қимматбаҳо қоғозларга курс белгилаш; товар биржасида товарлар баҳоси ва уларнинг биржа бюллетенларида

ёзилиши, тегишли давлат органлари ёки валюта биржаларида хорижий валюталарига курс белгилаш. Тўлиқ котировка харидор ва сотувчилар курсини ўзида акс эттириб, унга кўра, котировка қилувчи хорижий валютани, қимматбаҳо қоғозни ёки товарни сотиб олади ёки сотади. Харидор ва сотувчиларнинг курслари ўртасидаги фарқ котировка қилувчининг даромадини билдиради, ҳамда шу даромад ҳисобига келишувнинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлар қопланади. Тўғри котировкада хорижий валютанинг маълум бир миқдори котировка қилувчининг миллий пул бирлигига тенглаштирилади. Хорижий валютанинг эгри котировкасида миллий валюта бирлиги хорижий пул бирлигининг маълум бир миқдорига тенглаштирилади.

**Корхонанинг жалб этилган маблағлари** - корхонанинг банк кредити кўринишида олган маблағлари. Бундан ташқари яна, қисқа ва узоқ муддатли қарзлар ҳисобидан жалб этилган маблағлари ҳам бўлиши мумкин. (*кредит қарзларига қаранг*).

**Корхонанинг банкдаги ҳисобидан кўчирма** - корхонанинг ҳисоб-китоб, жорий ва махсус ҳисобварақларидаги пул маблағларининг ҳаракати ҳақида банк муассасасининг юборган ҳужжати. Кўчирма банкдаги корхона ҳисобварағининг бир нусхаси ҳисобланади. Унда ҳужжат рақами, тўлдирилган куни, дебет ва кредит бўйича ёзилган суммалар, шунингдек, ушбу ҳисобварақлар бўйича қолдиқ суммалари кўрсатилади. Кўчирма ҳужжат сифатида бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар (тўлов топшириғи, ҳисобварақлар ва бошқалар) билан бирга корхонага ҳар куни ёки белгиланган муддатда юборилади ва бухгалтерия ёзуви учун асос бўлиб хизмат килади. Бунда 5110 - “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”, 5200 - “Чет эл валютадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”, 5510 - “Аккредитивлар”, 6810 - “Қисқа муддатли банк кредитлари”, 7810 - “Узоқ муддатли банк кредитлари” ҳисобварақларига бухгалтерия ёзувлари ёзилиши мумкин, шунингдек, бундай ҳолларда албатта, кўчирманинг тўғрилигини текшириб олиш керак. Бу текширишда тегишли ҳисобварақларнинг дебет ва кредити суммалари корхонада юргизилаётган ҳисобварақларнинг дебети ва кредити суммаларига тесқари, яъни, банкдан юборилган 5110 - ҳисобварақ бўйича кўчирмада шу ҳисобварақнинг дебетидagi сумма корхонадаги ҳисобварақнинг кредитидagi ва аксинча, кредитидagi сумма дебетидagi суммага тўғри келади. Чунки банк учун корхона 5110 - “Ҳисоб-китоб ҳисобварағи” пассив ҳисобварақ бўлса, корхонанинг ўзи учун актив ҳисобварақ ҳисобланади. Айтайлик, корхонанинг ҳисоб-китобига пул келиб тушса, банкдаги ҳисобварақнинг кредитига, корхонада эса, ҳисобварақнинг дебетига ёзилади. Чунки, корхона учун маблағ кўпайди, банкда эса, мижоз олдидаги қарз кўпайди (мижоз эса, кредитор ҳисобланади) шунинг учун ҳам ушбу ҳисобварақнинг кредитида ёзилади. Корхонанинг ҳисобига хатолик билан ўтказилган маблағ ҳақида 2 кундан кейин хабар берилмаса кейинги кунлар учун, ўзганинг маблағидан фойдаланганлик ҳисобланиб, жарима ҳисобланади.

**Кредит** (*лат. credit - у ишонади*) - бухгалтерия ҳисобварағининг бир қисми. Актив ҳисобварақларнинг кредитида ҳисоб объектининг камайиши ёзилади, пассив ҳисобварақларда эса ушбу ҳисоб объектлари суммасининг кўпайиши ёзилади. Кредит томондаги қолдиқ пассив ва контр-актив ҳисобварақларда бўлади.

**Кредит** (*лат. creditum - қарз*) - пул маблағлари ёки товарни қарзга бериш. Корхона ва ташкилотлар маблағларининг айланма ҳаракатининг бир хилда эмаслиги натижасида кредитга бўлган шароит ва талабини банклар қондиради. Асосий принциплари эса, ўз вақтида қайтарилиши, мақсадли мўлжалланганлиги, моддий бойлик билан таъминланганлигидир ва фоизлидир. Кредит 2 хил бўлади: қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади (*қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитларга қаранг*). Корхона олган кредитлар 6810 - “Қисқа муддатли банк кредитлари”, 7810 - “Узоқ муддатли банк кредитлари” ҳисобварақларда ҳисобга олинади. Бу ҳисобварақларнинг кредитида олинган кредит суммаси, дебетида эса шу сумманинг қайтарилиши акс эттирилади.

**Кредиторлар** - маълум бир муддатга бошқа шахсга қарз берган корхона, ташкилот, муассаса (мулкчилик шаклидан қатъий назар) ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби асосан 6900 - “Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” да юритилади. Кредиторларнинг қарзи шу ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади. Кредиторлар қарзларининг вужудга келиш сабаблари тўлов муддатлари ва ҳолатини назорат қилиш учун ҳар бир кредитор бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритилади. Бунинг учун корхоналар ҳар хил ҳужжатлар, китоблар, қайднома ва ҳоказолардан фойдаланадилар.

**Кредит карточкаси** - пул ҳужжати бўлиб, эмитент томонидан чиқарилади ҳамда, унинг эгасига турли хизматлар учун нақд пулсиз тўловни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Кредит карточкаси эгасининг тегишли муассасадаги ҳисобида мавжуд бўлган маблағлар ҳолатини билдиради.

Кредит карточкасини савдо корхонаси ёки хизмат соҳасидаги корхоналарга кўрсатган шахс ҳисобга имзо чекади. Хизмат кўрсатган корхоналар эса даврий равишда эмитент муассаса билан ҳисоблашади. Бундай ҳисоб-китобда эмитент муассаса кредит карточкаси эгасининг жорий ҳисоб варағидан тегишли суммани ўчириб кўяди.

**Кредобанк.** 1. Давлат банки лицензиясига асосан Кредобанкка “БУТЭК” концерни иштирокчиси бўлган корхоналарга, ҳамда улар иштирокида тузилган кўшма корхоналарга хорижий валютада ҳисобварақ очишга рухсат берилган.

2. Кредобанк ўзаро ҳисоб-китоб бўйича жараёнларни фақат “БУТЭК” концернининг корхоналари ва қатнашчилари учун амалга оширади.

3. Банк ҳисобварақларидаги валюталар дунёнинг турли мамлакатларида индивидуал мижоз томонидан нақд олиниши мумкин. Ходимлар келгусида кредит карточкаларни қўллашни истисно қилишмайди.

4. Кредобанк ўз мижозларини тижорат кредитлаш бўйича хорижий валюталар билан актив жараёнларни амалга оширишни, шунингдек, пайчи ва жамғарувчиларга фоизларни олиш имконини яратадиган хорижий давлатлар банкларида валюта маблағларини жойлаштиришни мўлжалламоқда.

**Кредиторлик қарзлари** - маълум бир корхонанинг бошқа бир корхона (ташкилот, муассаса)га ва алоҳида жисмоний шахсларга бўлган қарз суммалари. Бу корхона ва шахслар кредиторлар ҳисобланади. Кредиторлик қарзларининг вужудга келиши сабаби, харидор ва мол етказиб берувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар усулига (харидор томонидан тўлов товарлар келиб тушгандан сўнг амалга оширилганда) ёки корхона томонидан тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажарилмаслигидир. Корхонада бир вақтнинг ўзида ҳам кредиторлик, ҳам дебиторлик қарзлари вужудга келиши мумкин. Бироқ кредиторлик қарзлари дебиторлик қарзларидан ошиб кетимаслиги лозим. Чунки, дебиторлик қарзлари кредиторлик қарзларини қоплаш манбаи бўлиши мумкин. Кредиторлик қарзлари корхона балансининг пассив қисмида акс эттирилади.

**Кўрсатма** (*лат. Instructio - инструкция, тузилиш*) - меъёрий ҳужжат бўлиб, вазирликлар ёки марказий ташкилотлар томонидан берилади, унда маълум бир масалаларнинг ҳал этилиши тартиби ва тартибга солиш шартлари кўрсатилади. Кўрсатмалар бухгалтерия ҳисоби фаолиятида ҳам кенг қўлланилади. Кўрсатмалар ҳисоб тартибининг бирлигини таъминлаб, йиғма ҳисобот кўрсаткичларининг имконини беради. Бухгалтерия ходимлари кўрсатмаларга ижобий ёндашиб маълум бир масалаларни ҳал этишда ҳар хил амалий тажрибаларни ўтказиб, ҳисоб жараёнларини такомиллаштириш йўлларини ўрганадилар ва ўз таклифларини берадилар. Амалда эришилган ютуқ ва янгиликлар натижасида кўрсатмаларга ўзгаришлар киритилади. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда иқтисодчиларнинг роли катта аҳамиятга эгадир.

**Либергид-лиз** - лизинг тури бўлиб, унга кўра ижарага берувчи ва лизинг фирмаси ишонч компаниясини тузади. Ушбу компания асбоб-ускунани харид қилиб, ижарага олувчига узоқ муддатга беради. Ижарага олувчи эса, ўз навбатида солиқ ва амортизация имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Юқоридаги ҳуқуқлардан фойдаланиш орқали ижарага олувчи ижара билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришади.

**Лиз-бек** - халқаро лизингнинг янги шакли. Шартномага асосан, лизинг фирмаси бошқа давлатдан машина, асбоб-ускуна ва бошқаларни ҳисоб-китоб орқали ишлаб чиқарувчи фирмалардан харид қилади, сўнгра шу фирманинг ўзига уларни кредитга сотади.

**Лизинг** - лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасида лизинг олувчига хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш мақсадида кўчар ва кўчмас мулкни вақтинчалик фойдаланиш учун бериш тўғрисида лизинг битими (шартномаси, контракт)ни тузиш натижасида вужудга келган хўжалик қарз муносабатлари.

**Лицензия** - (лотинчадан - ҳуқуқ, рухсат) расмий рухсат. Тижорат амалиётида унинг икки асосий тури учрайди: экспорт ва импортга лицензия, ҳамда патентли лицензия. Маълум бир миқдордаги у ёки бу товар гуруҳларининг экспорт ёки импортига лицензия давлат бошқаруви ташкилотлари томонидан берилиб, ташқи савдо фаолиятини назорат қилиш шаклларида бири ҳисобланади.

Патентли лицензия - маълум бир муддатга ихтироцига ихтиродан фойдаланиш учун бериладиган рухсатнома. Лицензияни товарлар билан бирга сотиш ички ва ташқи бозордаги асосий жараёнлардан биридир. Лицензияни бериш ҳақидаги лицензион келишувда томонларнинг келишувига кўра, лицензиянинг ўзидан ва ундан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган товарлардан фойдаланиш тартиби келишиб олинади.

**Лицензия келишуви** - лицензия, “ноу-хау”, товар белгилари ва бошқалардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги келишув. Лицензия келишуви патентли лицензияни, бир неча патентларни ва улар билан боғлиқ “ноу-хау”ларни ёппасига, ихтиро патентларисиз “ноу-хау”ларнинг фойдаланиш учун берилишини ўзида жамлаши мумкин.

**ЛИФО** - 1. Товар-моддий бойликларини сўнгги қабул қилинган ёки тайёрланган партия баҳоси бўйича ҳисобга олиш усули. ЛИФОнинг қўлланилиши фойда суммасини кўпайиши ёки камайиши имкониятини беради.

2. Жамғармачига фоиз суммаларида ютуқни таъминловчи, банкдан жамғарма қисмини муддатидан олдин олишда фоизни ҳисоблаш усули.

**Ломбард жараёнлари** - қарз олувчининг гарови (кафолати) асосида ссуда бериш.

**Лот** - товар партияси. Келишувдаги ўлчов бирлиги.

**Мажбурий тўлов** - эгасининг розилигисиз ҳисоб-китоб ҳисобварағидан пул маблағининг ўтказилиши. Масалан, мажбурий тўловларига: давлат бюджетига, давлат ижтимоий суғуртасига тўлов, суғурта тўловлари ва бошқа белгиланган қоидаларга асосан тўловлар киради.

**Маклер** - фонд, товар ва валюта биржаларида келишувларни амалга оширувчи воситачи (брокерга қаранг).

**Манзил** (*фр. adрекке*) - корхона, ташкилот ва муассаса ёки маълум бир шахснинг жойлашган ери. Манзил тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, шартнома ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилади. Манзилнинг аниқлиги ва ҳужжатларда тўғри акс эттирилиши лозим бўлиб, иқтисодиётнинг бўғинларидаги ҳамма соҳалар бўйича ўзаро муносабатларда катта аҳамиятга эгадир.

**Материаллар** - шундай буюмларки, уларга инсон меҳнати сарфланиб, тайёр маҳсулот олинади. Ишлаб чиқаришда ўз шаклини сақлаб қийматини тайёр маҳсулотга аста-секинлик билан ўтказувчи меҳнат воситаларидан фарқли ўлароқ, меҳнат буюмлари ўз қийматини маҳсулотга тўлиқ ўтказиб, ишлаб чиқаришда тўла истеъмол қилинади ва ҳар бир ишлаб чиқариш циклидан сўнг бошқа меҳнат буюмлари - материаллар ишлатилади.

1000 - “Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” корхонага тегишли мавжуд хомашё, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, идишлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва шунга ухшаш бойликлар ва уларнинг ҳаракати ҳақидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

Олиб келинган (тайёрланган) материалларнинг ҳақиқий таннархи олиб келиш (тайёрлаш) баҳоси ва уларни корхонага келтириш ва тайёрлаш харажатларидан иборат.

**Маржа** - (французчадан - чет) савдо, биржа, суғурта ва банк амалиётларида товарларнинг баҳоси, қимматбаҳо қоғозларнинг курслари, фоиз миқдорлари ва бошқа кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни ифодалашда қўлланиладиган атама. Савдо амалиётида маржа деганда, асосан, товарларни сотиб олиш ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ тушунилади.

Фонд жараёнларида қимматбаҳо қоғозларнинг келишувни тузиш ва амалга ошириш кунларидаги курслари ўртасидаги фарқ, шунингдек, харидор ва сотувчиларнинг баҳолари ўртасидаги фарқ маржа дейилади. Банк амалиётида маржа термини қуйидагиларнинг фарқларини билдиради: жалб этиладиган ва бериладиган кредит миқдорлари; қарздорлар турли категориялари бўйича кредитларнинг миқдорлари; берилган кредитни таъминловчи сумма ва шу берилган кредит суммалари ва бошқалар ўртасидаги фарқлар.

**Маркетинг (инглизчадан савдо)** - ишлаб чиқариш - савдо муаммоларини ҳал этишда комплекс дастури - мақсадли ёндашиш. Маркетингнинг асосий усуллари: бозорни ва бозорнинг ишлаб чиқарувчиларга бўлган талабини чуқур ўрганиш, харидорларнинг диди ва хоҳиши, талабга жавоб берадиган товарларнигина ишлаб чиқариш ва ҳоказо.

Маркетинг бу товарлар, хизматлар талабини олдиндан кўра билиш, бошқариш ва қондиришдир.

**Мапжа** - 1. Банкнинг воситачилик жараёнларида - миждозга бериладиган ссуда фоизи билан, банк жалб этган маблағнинг фоизи ўртасидаги фарқ, яъни банкнинг воситачиликдан оладиган даромадини ташкил этади. 2. Валюта савдоси жараёнларида - банкнинг миждозларга сотадиган валюта курси ҳамда сотувчи ва харидор курси бўйича сотиб олиш курслари ўртасидаги фарқ, яъни банкнинг валюта савдосидан оладиган даромадини билдиради.

**Марказлашган бухгалтерия** - бухгалтерия ҳисобини марказлаштиришнинг юқори шакли бўлиб, унда бир хил фаолият юргизаётган бир бирлашмага қарашли корхоналар хўжалик ва молиявий фаолиятининг бухгалтер ҳисоби марказлаштирилган ҳолда бухгалтерия идорасида олиб борилади. Маълумки, бунда, бухгалтерия ҳисоби механизациялашади.

**Марказлашмаган бухгалтерия** - бу бухгалтериянинг корхоналарда фақат бирламчи ҳужжатлар тўлдирибгина қолмай, синтетик ва аналитик ҳисоб юритиши, шунингдек бухгалтерия баланси ҳам тўлдириши мумкин. Қисман (тўлиқ бўлмаган) бухгалтерия ҳам юритилиши мумкин, унда маълум

бир ҳисоб ишлари бажарилиб, аммо баланс тузилмаслиги мумкин. Ҳисоб жараёни бош ҳисобчиияга ишлаб чиқариш ҳисоботини топшириш билан тугайди.

Марказлашмаган бухгалтериянинг аҳамияти шундаки, унда ҳисоб маълумотларидан хўжалик бошқаруви жойларда фойдаланиш мумкин.

Аммо шу билан бирга қуйидаги камчиликлари ҳам бор: ҳисоб ишчилари меҳнатининг тақсимланишини қийинлаштиради; ҳисобни тақсимлашга тўсқинлик қилади; ҳисоб ишчиларининг сонини ва ишчилар ҳажмини оширади.

Шунинг учун ҳам марказлашмаган бухгалтериядан керак бўлган ҳоллардагина фойдаланилади. Корхона бўлимлари турли жойларда бўлса, корхона бўлимлари турли манба ва тартибда молиялаштирилганда, марказлашмаган бухгалтериядан фойдаланиш оқилона ҳисобланади.

**Маълумот бериш** (*лат. Informatio - таништириш, хабар бериш*) - бирор бир шахснинг фаолияти ёки иш ҳолати ҳақида таништириш, хабар бериш.

Ҳисоб маълумоти иқтисодий маълумотнинг бир тури бўлиб, бухгалтерия ҳисоби, тезкор ҳисоб ва статистик ҳисоб турларига бўлинади.

Бухгалтерия ҳисобининг назорат вазифаси дастлабки назорат, кейинги ва жорий назорат бўлиб ҳисобланади. Бу вазифа хўжасизлик, мулкчиликни талон-тарож қилиш, қонунга хилоф ёки мақсадсиз маблағ сарфлаш, даромаднинг яширилиши ва ҳоказоларни аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

**Менежмент** - ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва фойдасини ошириш мақсадида, уни бошқаришнинг стратегия, фалсафа, принцип, усул ва шакллариининг суммасидир.

**Менежер** (инглизчада бошқариш) - компаниялар, банклар, молиявий муассасаларни, ҳамда уларнинг ички бўлимларини бошқарувчи таркиб.

**Меҳнат баланси** - меҳнат ресурсларининг (иш кучи, иш вақти) ҳақиқатда ёки кутилган ва улардан фойдаланиш миқдорини акс эттиради. Меҳнат балансида ишчи кучини қайта ишлаб чиқариш, жойлаштириш ва меҳнат ресурсларини истеъмолга мос равишда тақсимлашнинг асосий жараёнлари ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

**Меҳнат биржаси** - меҳнат бозорида воситачилик жараёнларини бажаради. Меҳнат биржаси йўлланмаси бўйича келган ходимни тадбиркор ишга олмаслик ҳуқуқига эга.

**Меҳнат ҳақи** - ишчи хизматчилар шахсий истеъмоли учун мўлжалланган миллий даромаднинг бир қисмидир. Ҳар бир ишчи ва хизматчининг меҳнат ҳақи унинг сарфлаган меҳнатининг ҳажми ва сифатига боғлиқ. Мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар натижасида ҳар хил мулкчиликка асосланган қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Албатта, бу корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишлайди, уларнинг оладиган даромадлари бажарадиган иш фаолиятларининг сифат даражасига кўра турлича бўлади.

**Меҳнат ҳақининг бажарилган ишга боғлиқ тури** - ишчининг меҳнат ҳақи бажарилган ишнинг ҳажмига боғлиқдир. Иш турининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- бунда бажарилган иш бирлиги учун тўлов бажарилган иш ҳажмининг даражасига боғлиқ бўлмайди. Илғор - меъёрдан юқори бажарилган иш учун тўлов кўпайтирилади. Мукофот - белгиланган иш учун, юқори меҳнат ҳақи ҳисобланади;

- боғлиқли - маълум бир ишчи бажарган иш натижасига эмас, балки, у бошқараётган цех, бўлим ишининг натижасига боғлиқдир.

Меҳнат ҳақининг бажарилган ишга қараб тўланиши якка тартибда ва гуруҳий бўлиши мумкин. Гуруҳий тартибда бўлса, у ҳолда меҳнат ҳақи ишчилар малака даражасига кўра ва улар ишлаган вақтига кўра мос равишда тақсимланади. Якка тартибдаги ҳақ тўлаш мақсадга мувофиқдир, бу усулда ҳар бир ишчи ўзи учун самарали ва унумли ишлашга ҳаракат қилади.

**Меҳнат ҳақи турлари** - ишчи ва хизматчиларга ҳисобланадиган меҳнат ҳақи ҳисобланиш йўналишига қараб турларга бўлинади. Асосий меҳнат ҳақи ва қўшимча меҳнат ҳақи бўлиши мумкин.

**Муомала харажатлари** - товар айирбошланиш жараёни билан боғлиқ харажатлар бўлиб, унинг турлари мавжуддир: олди-сотди жараёнидаги харажатлар ва муомала жараёнида ишлаб чиқариш соҳасини давом эттириш билан боғлиқ харажатлар.

Муомала харажатлари товар айирбошлашга нисбатан (муомала харажатлари доираси) фоиз ҳисобида ва суммада режалаштирилади. Муомала харажатлари иқтисодий мазмунига кўра соф ва қўшимча муомала харажатларига, товар айланиши ҳажмига кўра шартли ўзгарувчан ва шартли ўзгармас муомала харажатларига, содир бўлиш муддатига кўра ҳисобот даври ва ҳисоботлар даври орасидаги харажатларга бўлинади. Активият тармоқлари бўйича эса, улгуржи савдо, чакана савдо, умумий овқатланиш ва тайёрлов (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини) харажатларига бўлинади.

Соф харажатларга товарни сотиб олиш ва реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар кирса, қўшимча харажатларга товарларни сақлаш ва жойлаш билан боғлиқ харажатлар мисол бўлади.

Шартли ўзгармас харажатларга асосий воситаларнинг амортизацияси, бино ва иншоатларни, жиҳозларни сақлаш харажатлари ва бошқалар кирса, шартли ўзгарувчан харажатларга транспорт харажатлари, ишчи ва хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи харажатлари ва бошқалар қиради.

Ҳисобот давридаги харажатларга шу ҳисобот давридаги харажатлар кирса, ҳисоботлар орасидаги харажатларга эса, келгуси давр харажатлари (3100 ҳисобварақ), келгусида қилинадиган харажат ва тўловлар бўйича захиралар (8910 счъ) мисол бўлади.

Савдо тармоқлари тури бўйича муомала харажатлари юқорида санаб ўтилгандаги тармоқлар хусусиятидан келиб чиқади.

**Монополия** - ишлаб чиқариш, савдо, ҳунармандчилик ва бошқалар юзасидан истисноли ҳуқуқ бўлиб, бир шахсга, маълум бир шахслар гуруҳига ёки давлатга тегишли бўлиши мумкин.

Қайсидир фаолият соҳасида маълум бир ўринга эга йирик фирма монополия дейилади. Бозорнинг монополик тузилмаси бир тадбиркор маҳсулот ёки хизмат тури бўйича бозорда ҳал қилувчи ўринга ва назорат қила олиш ҳолатига эга бўлганда вужудга келади.

Монополизм деб, тадбиркор субъектларнинг мулкчилигини ўз рақобатчилари билан, улар эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда, бирлаштиришдаги иқтисодий муносабатларга айтилади.

**Неустойка** - қонунда ёки шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки сифатсиз бажарилиши ҳолатларида кредиторларга қарздор тўлаши керак бўлган сумма. (*қаранг - пеня, жарима*)

**Номинал** - қимматбаҳо қоғознинг бланкада (сертификатда) қайд этилган бошланғич қиймати.

**Ноу-Хау** (инглизчадан - “биламан қандайлигини”) ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун зарурий илмий-техникавий, тижорат, ташкилий билимлар.

Ёки

**“Ноу-Хау”** - янги гоя, фикр, технологиялар ёки муаммоларни ўзига хос ечиш. Унинг таркибига тижорат сирлари, патент қилинмаган технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш ҳамда савдога тааллуқли бўлган маълумотлар киради.

**Свитч** - бир қимматбаҳо қоғоз ёки валюталар бўйича мажбуриятларни бекор қилиш ва бошқалари билан келишув тузиш, блокировка қилинган ҳисобни фойдаланиши бўйича жараён, учинчи давлатга клиринг ёки бошқа икки томонлама ҳисоб қолдиғига, расмий курсга қарама-қарши чегиртма билан ён бериш.

**Свифт** - компьютер сети орқали халқаро тўловларни амалга оширишнинг автоматлашган тизими.

**Сервис** - корхона маркетинг фаолияти тизими бўлиб, транспорт, ускуна ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар мажмуини таъминлайди. Сервис асосан, бепул амалга оширилса-да, сервис билан боғлиқ ҳолда режалаштирилган харажат маҳсулотнинг сотиш баҳосига қўшилади. Сервис сотиш ва сотишдан сўнги турларга бўлинади.

**Сертификат** - кредит муассасини пул маблағларининг депонентлаштирилганлиги ҳақидаги ёзма гувоҳномаси бўлиб, жамғарувчига депонент муддати тугагач пул маблағини ва унга белгиланган фоизни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

**Сотиш** (*лат. Realіk - буюмли, ҳақиқий*) - буюмнинг пулга айланиши. Корхона, ташкилот ва муассасалар маҳсулот (иш, хизмат) ва товарларни сотадилар. Маҳсулот (иш, хизмат) ни сотиш хўжалик маблағларининг айланишида якуний босқич ҳисобланади. Маҳсулот товар шаклидан пул

кўринишига ўтади (*қаранг сотиш вақти*). Маҳсулот сотиш нақд пулга ва нақд пулсиз банк орқали амалга оширилади. Маҳсулотни харидорларга етказиб бериш жараёнида вужудга келадиган транспорт харажатлари айрим транзит ҳисобда олинади. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона учун сотилган маҳсулотнинг қиймати сотиш баҳоси ҳисобланади ва аксинча, маҳсулотни сотиб олган корхона, ташкилот ва муассаса учун сотиб олиш баҳоси ҳисобланади.

**Сотиш баҳоси** - талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда сотувчи ва истеъмолчи ўртасида келишилган баҳо.

**Сотиш вақти** - харидорга жўнатилган маҳсулот ва товарлар сотилди деб ҳисобланган вақт. Сотилган вақтини белгилаш маблағларнинг тегишли нуқтаи назаридан амалий аҳамиятга эга. Сотилган 9000 “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”да акс эттирилади.

**Сотиб олиш баҳоси** - истеъмолчи ва мол етказиб берувчи шахслар ўртасида келишилган баҳо.

**Спонсор** - рекламани кўзда тутган ҳолда кимгадир ёрдам кўрсатувчи жисмоний ёки юридик шахс.

**Спот** - 1) Савдода қўлланиладиган ва нақд товарни билдирадиган атама, нақд товарларга келишув ва ҳақиқий товарлар юзасидан биржа келишувлари, 2) валютани сотиш ёки дарҳол ёки жуда тез етказиш (2-иш кунида) учун керак бўлган товар баҳоси, 3) тоннажга эга бўлган кема, тахминан фрахтлаш талабларига жавоб беради.

**Спот-промпт** - кемани юклашга дарҳол тайёрлиги шарти билан чартер.

**Стенд-бай** (зарурияти бўйича) - кредит шартномаси шарти, унга кўра банк белгиланган муддатга келишилган суммани жамғаради, мижоз эса, кредит эҳтиёжидан келиб чиқиб, ундан тўлиқ ёки қисман фойдаланади.

**“Стенд-бай” тизими** - “стенд-бай” тизимининг таркибий қисми бўлиб, 1952 йилдан бери бериладиган Халқаро валюта фонди (ХВФ) кредитлари ҳисобланади. Ушбу кредитлар “Стенд-бай” келишуви асосида 12 ой муддатгача (алоҳида ҳолларда 3 йилгача) ХВФ аъзолари бўлган давлатларга айни бир келишилган мақсадлар учун берилади. “Стенд-бай” келишуви бўйича ХВФ аъзолари-давлатлар хоҳлаган вақтларида ХВФ дан хорижий валютани олдиндан келишилган суммада ва муддатда миллий валютани алмаштириш йўли билан автоматик олиш ҳуқуқига эга бўлади. Тизим “барқарорлик дастури”нинг қисмлари (босқичлари) бўйича кредитлашга мослашган бўлиб, қарздор-давлатга иқтисодий босқичнинг қўшимча қуроли сифатида қўлланилади. Кредитнинг ҳар келгуси қисми, дастурнинг тегишли босқичини бажариш шарти билангина берилади. Келишув муддати тугагач, фойдаланилмаган суммалар қайтарилади.

**Ссуда** - мулкдан бепул фойдаланиш шартномаси. Фоиз тўлови билан кредитга бериладиган пул маблағи.

**Стагнация** - иқтисодиёт ҳолати. Стагнация ҳолати ишлаб чиқаришнинг тўхташи ёки пасайиши, ишсизликнинг кўпайиши ва баҳонинг тўхтовсиз ўсиши (инфляция) билан боғлиқ бўлади.

**Суверенитент** - давлатнинг бошқа давлатлардан ички ишлари ва ташқи муносабатлари нуқтаи назаридан мустақиллиги. Миллий суверенитет - миллат (халқ) ҳуқуқларининг суммаси - ижтимоий ва сиёсий тизимни танлашда эркинлик, ҳудудий бутлик, иқтисодий мустақиллик ва ҳоказо.

**Ҳисобварақлардаги охириги ёзув** - бухгалтерия ҳисобида йил охирида ҳисобварақлардаги ёзув. Йил охирида ҳисобварақлардаги ёзув инвентаризация асосида аниқланади ва улардаги айланма ва қолдиқлар ҳисобланади. Бунда кўпгина ҳисобварақлар, масалан, 2510 - “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобварағи, 9400 - “Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”, 9110 - “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” ва бошқа ҳисобварақлар бекитилади. Давлатга қисман ёки тўлиқ тегишли, шунингдек, давлат корхонасининг асоси ёки уларнинг таркибий бўлинмаларида ташкил этилган, хусусийлаштирилган корхоналар улар тўлиқ сотиб олинган вақтга қадар ҳисоботларини тегишли давлат бошқарув органларига топширадилар. Кўшма корхоналар халқаро уюшма ва ташкилотларга ҳисобот топширадилар. Шу билан бирга солиқ инспекцияси ва бошқа тегишли жойларга топширилган ҳисоботлар текширилади, агар хатоликлар, тушунмовчиликлар, нотўғри, мақсадсиз ажратмаларга йўл қўйилган бўлса, кўрсатмалар берилади ва корхона бухгалтериясида тўғри ёзувлар амалга оширилади.

Келгуси йил ҳисобини юргизиш учун янги ҳисоб регистрларида ҳисобварақлар очилади.

**Ҳисобварақларнинг бекитилиши** - бухгалтерия ҳисобварақларида қолдиқ қолдирмайдиган бухгалтерия ёзуви ҳисобварақларнинг бухгалтерия объекти кўриниши, миқдорига кўра бекитилиши мумкин. Масалан, 3100 - “Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” шу харажатларнинг ҳаммаси мўлжал бўйича ўчирилгандан сўнг бекитилиши мумкин. Баъзи ҳисобварақлар тегишли низом ва қоидаларга асосан даврий равишда бекитилади. Масалан, 2510 - “Умумишлаб чиқариш харажатлари”, 9400 - “Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” ҳисобот даври охирида бу харажатларни тақсимлаш ва уларни тегишли объектлари бўйича ўчириш йўли билан бекитилади.

**Табиий камайиш** - товар моддий бойликларни сақлаш жараёнида қуриш, буғланиш, сочилиш ва бошқа табиий ҳодисалар туфайли миқдорий камайиши. Табиий камайиш туфайли юз берган камомад инвентаризация натижасида аниқланади. Бундай инвентаризацияларни ўтказиш тартиби ва муддати тегишли кўрсатмада берилган. Табиий камайиш белгиланган меъёр даражасидан ошмаслиги лозим. Аниқланган камомад 5910 - “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” ҳисобварағининг дебетида ёзилади ва тегишли ҳисобварақлар кредитланади, яъни 2800 - “Тайёр

маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”, 2900 - “Товарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” каби.

**Тайёр маҳсулот** - корхонанинг техник шароит ва белгиларига жавоб берувчи тўлиқ ишлаб чиқариш натижасидаги маҳсулот. Тайёр маҳсулот техник назоратдан ўтказилиб, белгиланган ҳужжатлар тўлдирилиб кейин омборга берилади. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқаришдан тўғридан тўғри харидорга жўнатилади. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида тайёр маҳсулот ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжатлар турли ном ва шаклларда бўлади. Масалан, саноат корхоналарида қабул қилиш-бериш ҳужжатлари, қишлоқ хўжалик корхоналарида эса далалардан маҳсулотни жўнатиш реестрлари, маҳсулотни қабул қилиш кундалиги, сут соғиш ҳисоб дафтарчалари ва бошқалар ишлатилади. Омбордаги маҳсулот турлари бўйича қиймат ўлчов бирлигида ҳисобга олинади. Бунинг учун омбор ҳисобида китоб ва варақалардан фойдаланилади. Ҳар бир маҳсулот тури учун варақа ёки китобнинг бир неча варақалари ажратилади. Бу ҳужжатда маҳсулотнинг номи, рақами, маркаси, ўлчов бирлиги, бир донасининг баҳоси кўрсатилган бўлиши зарур. Ҳар куни ишонч ҳужжатлари асосида омбор варақа (китоб) ҳужжатида кирим ва чиқим ҳисобланиб, маҳсулот қолдиғи аниқланади. Шу йўл билан тайёр маҳсулот захираларининг ҳолати ҳақида омбор ходими тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Тайёр маҳсулот жорий ҳисобда режавий қийматда, шартнома баҳосида, ҳақиқий қийматда ёки ихтиёрий чакана баҳода акс эттирилади.

Ой охирида тайёр маҳсулот ҳақиқий таннархи ҳисобланади, бу бухгалтерия балансида акс эттирилади. Баъзи тармоқ корхоналарида, масалан, қишлоқ хўжалик корхоналарида тайёр маҳсулот таннархини ҳар ойда ҳисоблаб бўлмайди. Бу корхонада маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи йил охирида ҳисобланади. Шунинг учун ойлик ва чораклик балансларида маҳсулотнинг таннархи режа бўйича кўрсатилади. Йил боши 1 январь балансида эса, ҳақиқий қийматда акс эттирилади.

Тайёр маҳсулот ҳисоби учун 2800 - “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар”дан фойдаланилади.

**Тариф** - миқдорлар тизими бўлиб, унга кўра хизматлар учун тўлов олинади. Энг кўп тарқалганлари: юкларни, йўловчиларни ташиш учун - транспорт тарифлари, электроэнергия, газ, сув ва бошқалардан фойдаланиш учун - маиший хизмат тарифлари, товарларни давлат чегарасидан ўтказиш - божхона тарифлари.

**Таҳлил** (*грекча analysis - бўлиш, қисмларга ажратиш*) - мураккаб нарса ва ҳодисаларни бўлиш йўли билан қисмларга ажратиш, бу қисмларни солиштириш ва улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро боғлиқликни илмий ўрганиш усули.

Таҳлил катта аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётда кенг қўлланилади.

Иқтисодий таҳлил корхона ва бирлашмаларда режанинг бажарилиш даражасини, маҳсулот таннархига таъсир қилувчи омиллар, меҳнат унумдорлиги, молиявий натижа, асосий воситаларнинг самарадорлиги ва

бошқа кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради ва олинган маълумотлардан корхона ташкилот ва бирлашма, тармоқ ва умуман иқтисодиёт бўйича тегишли хулоса ва қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади.

**Тезкор ҳисоб** - хўжалик ҳисоби усулларидан бири. Тезкор ҳисоб маълум бир хўжалик жараёнини бевосита содир бўлаётган жойда ва вақтда рўйхатга олиш тизимидир. Тезкор ҳисоб маълум бир бўлим, цех, хўжалик фаолиятида режанинг бажарилиши ҳақида маълумотга эга бўлиши мақсадида ўтказилади.

Тезкор ҳисоб маълумотларидан кундалик назорат ва хўжалик жараёнлари бевосита содир бўлаётганда бошқарувни олиб бориш учун фойдаланилади. Шунинг учун ҳам тезкор ҳисобга қўйиладиган талаблардан бири, хабар етказувчилардан оғзаки ёки ёзма маълумотларни тез қабул қилиш ёки хўжалик жараёнини бевосита кузатиб, тез маълумот йиғилишидир.

Тезкор ҳисобнинг кўпгина маълумотлари йиғилиб, иқтисодиёт тармоқларининг бошқарувида ишлатилиши мумкин.

**Тендер** - товарни етказишга буюртма беришнинг ёки маълум бир ишни бажаришга пудрат тузишнинг махсус шакли бўлиб, савдо ташкилотчилари келишувини самарали тижорат ёки бошқа шартларини таъминлаш мақсадида бир неча мол етказиб берувчи ёки пудратчиларни жалб этишни кўзда тутаяди.

**Технополис** - муҳим ҳудудлар доирасида фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви шакли. Ушбу ҳудудларда текшириш тажрибахоналари жойлашган бўлади, шунингдек, ишлаб чиқаришга янги ютуқларни тезда киритиш, ҳамда мутахассисларни ишлаб чиқаришдан фанга ва аксинча ҳолатларни тезда амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кичик инновация корхоналари фаолият юритади “Фан шаҳарлари” маълумотларининг ҳисоби Японияда шаклланади. Инновация фирмаларининг тузилиши ва ривожланиши сармоялаш махсус “венчурли” (хавфли) шакли билан шунингдек, бошловчи тадбиркорларга фан билан боғлиқ бизнесни ўрганиб олиш учун кўп сонли маслаҳат, ахборот, мутахассис хизматларини кўрсатиш билан мос келади.

**Товар** - сотиш учун харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот.

**Товар белгиси** - тегишли давлат муассасасидан рўйхатдан ўтган, товарга ёки унинг ўровига қўйилувчи, билдирма. Шу товарни ва уларни ишлаб чиқарувчиларнинг индивидуаллигини билдиришга хизмат қилади.

**Товар биржаси** - товар бозори кўринишларидан бири бўлиб, товарларнинг улгуржи савдоси амалга оширилади. Биржада товарларнинг намуналари ва андозалари олдиндан белгиланган ҳажмда харидорларга таклиф қилинади. Товарларнинг намуналари билан танишган харидор олдиндан кўрмасдан керакли ҳажмдаги товарларни харид қилади.

**Товарларнинг камомати** - товарларни қабул қилиш, сақлаш жараёнларида рўй берадиган йуқотишлар. Товарларнинг йуқотилиши табиий камайиш меъёрида ва ундан юқори бўлиши мумкин. Йуқотишлар табиий

камайишдан ташқари моддий жавобгар шахслар, мол етказиб берувчиларнинг айби ва хатоси билан ҳам вужудга келиши мумкин (*табиий камайиш, даъво юзасидан ҳисоб-китобларга қаранг*).

**Тизимли ёзув** - хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисобварақларида маълум бир тизимга солиб акс эттириш. Бундай ёзув ёрдамида хўжалик жараёнларини иқтисодий белгиларига кўра керакли гуруҳларга ажратиб, ҳужжатларда акс эттириш мумкин. Тизимли ёзув бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақида маълумотлар олиш имконини беради. У алоҳида ҳисоб регистрларида (асосий китоб) ёки хронологик ёзув билан бирга бир регистрда (журнал-ордер) олиб борилиши мумкин. Тизимли ёзув маълумотлари хронологик ёзув маълумотлари билан алоқада бўлади.

**Тракация** - келишувни амалга оширишда, қизиқишини билдирувчи харидор ва сотувчиларни аниқлаш мақсадида товарни сотиб олиш ва сотиш ҳақидаги олдиндан тахминий қарашлар.

**Трансакция** - турли мақсадлар учун пул маблағларини ўтказиш (шу жумладан хорижга) билан боғлиқ банк жараёнлари.

**Трансферт** - пулни бир молиявий муассасадан бошқасига ёки давлатдан давлатга ўтказиш.

**Тратта** - ёзувчи васиқа. Кредиторнинг маълум суммани учинчи шахсга тўлаши ҳақидаги қарздорга берган ёзма буйруғи.

**Трассат** - ўтувчи васиқа юзасидан тўловни амалга оширишга мажбур шахс.

**Трассант** - траттага - ўтувчи васиқани берувчи шахс.

**Тўлов талабномаси** - ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб, мол етказиб берувчининг (экспортер) ёки бошқа тўлов олувчининг банк орқали аниқ бир суммани тўловчидан олиш ҳақидаги талаби акс эттирилади. Мол етказиб берувчи харидорга банк орқали тўлов талабномасини юборади. Мол етказиб берувчига хизмат кўрсатувчи банк тўлов талабномасини харидор корхонага хизмат қилувчи банкка юборади ва тўлов учун тақдим этилади. Тўлов ҳисоб-китоб қоидаларига асосан амалга оширилади.

**Тўлов топшириқномаси** - тўловчининг банкка ёзма топшириғи бўлиб, унда тўловчининг ҳисобидан олувчининг қисобига маълум бир пул маблағи суммасини ўтказиш юзасидан топшириғидир.

**Тўғри ёзув** - хўжалик жараёнларини шундай акс эттиришки, бунда ҳисобварақнинг дебет ва кредитдаги суммалар бир қаторга ёзилади. Мисол тариқасида, асосий китобдаги ёзувларни келтириш мумкин. Бу китобда тегишли ҳисобварақларнинг дебет ва кредитдаги суммалар ордер асосида бир қаторга ёзилади.

Тўғри ёзув баъзида қулай бўлса-да, масалан, ҳисоб-китоблар жараёни ҳисобида, лекин шатранж (шахмат) ёзуви билан солиштирганда шатранж ёзувига нисбатан номукамал ҳисобланади (*шатранж ёзувига қаранг*).

**Облигация** - корхона ёки давлат томонидан чиқариладиган қимматбаҳо қоғоз тури. Облигация, маълум бир муддатга берилиб, қарз мажбурияти ҳисобланади. Олдиндан келишилган фоиз тўлови билан

белгиланган муддатда сотиб олиниши шарт. Облигациянинг чиқарилиши кўшимча молиявий маблағни жалб этиш мақсадида амалга оширилади, яъни кредит шаклларида биридир: облигация бўйича даромадлар ўйналадиган махсус тиражлардаги ютуқлар кўринишида ҳам тўланиши мумкин.

**Опцион** - лицензияли келишув шакли бўлиб, унга кўра, лицензия олувчига ихтиро ёки “ноу-хау” юзасидан техник ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи берилади ва ушбу танишувдан сўнг лицензия олувчи, лицензияни харид қилиш мақсадлилиги юзасидан қарор қабул қилади ёки тегишли хулоса чиқаради.

**Офферент** - офферта юборувчи жисмоний ёки юридик шахс (*оффертага қаранг*).

**Офердрафт** - мижознинг жорий ҳисоб варағининг салбий қолдиғи бўлиб, банк кредити билан қопланади.

**Оферта** (лотинчадан - таклиф этилган) - маълум бир кишига келишувни тузиш юзасидан, барча зарурий шартларни кўрсатган ҳолда берилган расмий таклиф.

Озод оферта - сотувчининг, асосан бир вақтда бир неча мумкин бўлган харидорларга таклифидир. Оффертда ёритилган шартлар харидорнинг розилиги, шартнома келишилган деган маънони бермайди.

Савдо офертаси - маълум бир товар партияси ёки аниқ бир бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат тури юзасидан фақат бир харидорга сотувчининг таклифи. Бунда таклиф муддати кўрсатилиб, ушбу муддат давомида сотувчи ўз таклифи юзасидан жавобгар ҳисобланади.

**Пааше индекси** - агрегат индекс кўрсаткичларининг кенг тарқалганларидан бири бўлиб, унга кўра баҳо (шу жумладан, чакана) умумий даражасининг ўзгариши баҳоланади. Ўрганилаётган даврда сотилган товарлар ҳақиқий қийматининг базис давридаги шартли баҳолаш баҳосига нисбати сифатида ҳисобланади. Айланма ҳажми Ласпейрес баҳоси индекси деб номланади.

**Паблик Рилейшнз** - замонавий маркетинг ва маҳсулотларни сотишни интенсификация қилиш усулларида бири. Усулнинг вазифаси фирма ва унинг маҳсулоти ҳақида яхши фикр юзага келтиришдан иборат (оммавий ахборот, кўрғазма, интервью, сўзга чиқиш ва бошқалар орқали).

**“Париж клуби”** - ривожланган давлатларнинг халқаро ҳукумат институти бўлиб, уларнинг асосий мақсади тўлов муддати ўтиб кетишини (бир томонлама шарт) олдини олиш учун ривожланаётган давлатларнинг ташқи қарзлари ҳолатини кўриб чиқиш ва ўрганишдир. 1956 йил ташкил топган “Париж клуби” мажлисларида асосан, у ёки бу давлатнинг ташқи қарзларининг ҳаммаси эмас, фақат шу йил тўланиши керак бўлган давлат қарзи қисми билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

**Патент** - лицензияли фаолият - корхоналар илмий-текшириш ва лойиҳа-ихтирочилик ташкилотлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ахборот фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, илмий-техник қарорлар

вужудга келишидан иборат, патент ҳимояси ёки лицензия келишув предмети бўлиш лаёқатига эга ҳисобланади (*патент, лицензияга қаранг*).

**Патент** - ҳимоя ҳужжати бўлиб, ихтиро (фойдали услуб, саноат намунаси) учун берилади ва маълум бир муддат ичида ҳимоя объектдан фойдаланиш учун патент эгасига истисноли ҳуқуқ беради. Савдо ёки бошқа тармоқ билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат.

Ҳар бир патентга тартиб рақам ва ихтиролар халқаро туркумлашга асосан, ихтиро тури индекси бириктирилади.

Миллий ва ҳудудий патент турлари мавжуд. Саноат мулкчилигининг миллий бошқарувидан берилган патентлар миллий патентлар ҳисобланади. Европа патент бошқаруви ва интеллектуал мулкчилик, Африка ташкилоти томонидан берилган патентлар ҳудудий патентлар деб аталади.

**Патент ҳуқуқи** - саноат мулкчилик объектларининг ҳимояси бўйича қонунлар суммаси. Саноат мулкчилик объекти юзасидан ҳимоя ҳужжати (патент)га эга бўлган субъект, ушбу объектни ишлаб чиқариш, сотиш, реклама қилиш, кўргазмага тақдим этиш, шунингдек, патентлаштирилган объектга нисбатан барча ёки қисман ҳуқуқни бошқа шахсга (шахсларга) бериш билан боғлиқ монопол ҳуқуққа эга бўлишлиги билан ажралиб туради.

Саноат мулкчилигига берилган ҳимоя ҳужжатларига қуйидагилар киради: ихтирога патентлар (амал қилиш муддати 15 йилдан 20 йилгача), патентга гувоҳнома - саноат намуналари учун (амал қилиш муддати 13 йилдан 15 йилгача), савдо белгилари рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома (10 йилдан 20 йилгача амал қилиш муддати билан) ва бошқалар.

“Патент зонти” ёки “патентли букетлаш” - турли ҳимоя ҳужжатлари билан бирга маҳсулотларни ҳимоя этиш. Патент ҳимоясининг бундай усули, рақобатли кураш восита сифатида фойдаланилади ва маҳсулотга монопол баҳолар белгилашга имконият беради.

**Паумал тўлов** - қатъий белгиланган сумма кўринишида умумий ёки қисмларга ажратилиб тўланадиган лицензия рағбатлантириш тўлови.

Паумал тўлов купинча, ишлаб чиқариш “сири” базасида лицензияни сотишда қўлланилади.

**Паушал тўлови** - шартнома билан тасдиқланган рағбатлантиришнинг қатъий суммаси бўлиб, лицензиат томонидан лицензиарга унга берилган лицензия ёки “ноу-хау” учун тўланади.

**Паушал сумма** (немисчадан “умуман ҳаммаси”) - алоҳида ташкил этувчи қисмлар дифференциясиз умумий сумма. Ушбу термин, бир турдаги ёки ҳар хил турдаги товарлар партияси, ёки бажарилган алоҳида хизматлар ва бошқалар учун умумий сумма ўрнатилган келишувларга қўлланилади. Масалан, комплект ускуналарни етказишда (ҳар бир агрегат баҳосини кўрсатиш ўрнига) паушал сумма акс эттирилади.

**Пеня** - молиявий мажбуриятни ўз вақтида бажармаганлик учун жазо бўлиб, солиқ ва носолиқ тўловларининг муддатини ўтказиб юборганда, шунингдек, олинган товар-моддий бойликлари, кўрсатилган хизмат ва

бажарилган ишлар юзасидан тўловларнинг орқага сурилишида ҳам кўлланилади.

**Переференция** - устунлик, савдо ва бож муносабатларидаги махсус имтиёзлар. Келишаётган давлатларни бир бирига ўзаро тақдими ва учинчи давлатга тарқатилмайди.

**Презентация** - тўловни амалга оширишга мажбур шахсга ўтувчи васиқани бериш, тақдим этиш.

**Принципиал** - 1. Мулк эгаси бўлиб, воситачига мулк билан боғлиқ жараёни бажариш топшириғини беради. 2. Мажбуриятдаги асосий, бош қарздор.

**Прификс** - пасайтириш ёки кўтариш мумкин бўлмаган, маълум бир баҳо.

**Проджект-лиз** - лизинг соҳасида янги истиқболли йўналиш. Лизинг компанияси нафақат алоҳида турдаги ускуналарни узоқ муддатли ижарага беришади, балки хизматларнинг умумий мажмуи, ижарачи фойдаланадиган моддий бойликларнинг барча турлари - ер, бино, машина, ускуна, шунингдек, уларни харид этиш жараёни барча соҳалари, жумладан, лизинг, ускунани ўрнатиш ва молиялаштиришни ҳам тақдим этишади.

**Прокурис** - турли келишувларни амалга оширишда чексиз имкониятга эга бўлган, баъзи ғарб мамлакатларидаги ишонилган савдо корхонаси.

**Пролонгация** - келишув, шартномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш.

**Пудрат** - шартнома, унга кўра, бир томон иккинчи томоннинг (буюртмачи) топшириғига кўра, маълум бир ишни ўзининг ёки буюртмачи материалларидан бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса, шартномада келишилгандек, бажарилган ишни қабул қилиш ва тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

**Пул** - товар алмашиши ривожланган даврда стихияли равишда юзага келиб, товарни ишлаб чиқариш ва алмаштиришнинг бошланғич ривожда унинг родини алмаштиришдаги муҳим товарлар ўйнаган. Аста-секинлик билан пул родини қимматбаҳо металллар бажарган ва ниҳоят умумэквивалент бўлиб, олтин юзага келган. Пулнинг қуйидаги функциялари мавжуд: қиймат ўлчови, муомала маблағи, жамғариш маблағи, тўлов маблағи ва дунё пули.

**Пул** - картел шаклида вақтинчалик монопол бирлашиш. Пул қатнашчилари хўжалик мустақилликларини расмий сақлаган ҳолда, умумий харажатларни биргаликда қилади ва фойдани ўзаро тақсимлайдилар. Улар олдиндан белгиланган квотага асосан, қўшма фондга кириладилар. (*картел, квотга* қаранг)

**Пул маблағлари** - корхонанинг кассаси, банкдаги ҳисоб-китоби, аккредитив, бошқа махсус ҳисобварақлардаги, моддий жавобгар шахслардаги пул кўринишидаги маблағлар. Корхонанинг ортиқча пул маблағлари банкдаги ҳисобварақларда сақланиши шарт.

Корхонанинг кассасидаги нақд пул маблағи белгиланган меъёрдан ошмаслиги лозим (*касса лимитига қаранг*). Кассада лимитдан ортиқча нақд пул маблағи фақатгина ишчиларга меҳнат ҳақи бериш вақтида куп бўлиши мумкин. Нақд пуллар фақат қонунда кўрсатилган ҳолатларда (меҳнат ҳақи тўлаш, ҳисобдор бўнақлар, инвентар буюмлар сотиб олишда ва бошқаларда) берилади. Корхоналар эса, ўзаро ҳисоб-китобни нақд пулсиз олиб борадилар (*нақд пулсиз ҳисоб-китобларга қаранг*).

**Пул ҳужжатлари** - дам олиш уйларига, сиҳатгоҳ, болалар дам олиш уйларига йўлланмалар, почта маркалари, авиа патталар ва бошқалар. Пул ҳужжатлари 5610 “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Уларнинг аналитик ҳисоби эса, пул ҳужжатларининг турлари бўйича алоҳида ҳисобга олиб борилади.

**Пул ўлчов бирлиги** - бухгалтерия ҳисобидаги ўлчов бирликларидан бири, унинг ёрдамида пул кўринишидаги кўрсаткичлар олинади (сўм ва тийинда). Бухгалтерия ҳисобида меҳнат ва қиймат ўлчов бирликларидан ҳам фойдаланилади. Аммо пул ўлчов бирлигидан кенг фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисобининг асосий хусусиятларидан бири объектларни пулда баҳолашдир. Синтетик ҳисобда ўлчовнинг пул кўринишидан фойдаланилади.

**Револьвация** - бошқа мамлакатларнинг хорижий валюталарига нисбатан миллий валюта (пул бирлигини) курсининг ошиши ёки пул бирлигидаги олтин ҳажмининг расмий ошиши. Қарама-қарши (тескари) ҳолатда эса, девольвация дейилади.

**Рейтинг** - 1. Баҳолаш, синфга, босқичга, категория ёки разрядга кўшиш. Молиявий ва тижорат муассасалари турли усулларга асосан, компания, корхоналар ҳолатини таҳлил этади ва уларнинг кредит қобилиятини акс эттирувчи кредит рейтингини аниқлайди.

2. Ижарачи томонидан келгусида сотиб олиш ҳуқуқи йўқ бўлган, машина ва ускуналарни қисқа муддатли (қоидага асосан, 6 ойгача) ижараси.

Машина ва ускуналар эгаси, асосан, рейтинг хўжалиги бўлиб, ижара шартномаси муддати давомида ижара объектида мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолади ва ускуналарни таъмирлаш харажатларини амалга оширади Кўп ҳолларда рейтинг тўлови лизинг тўловига нисбатан юқори бўлади.

**Давлат кредит рейтинг** - кредитни қайтармаслик хавфи даражасидан келиб чиқиб, компанияларнинг кредит қобилиятини баҳолаш. Рейтинг сармоядорлар учун ориентир бўлиб, компаниялар фаолияти ҳақидаги тўлиқ маълумот асосида махсус фирмалар томонидан амалга оширилади.

**Рента** - 1. Капитал, мулк ёки ердан фойдаланиш натижасида олинadиган доимий даромад бўлиб, олувчидан тадбиркорлик фаолиятини талаб этади. 2. Давлат қарзи облигациялари бўйича олинadиган даромад.

**Рентабеллик** - ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб, фойданинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағларининг ўртача йиллик қийматида нисбати сифатида аниқланади.

**Реклама** - харидорга ижобий таъсир этувчи, тарқалишидан доимо кимдир манфаатдор бўладиган махсус маълумот. Реклама - биринчи

навбатда, тижорат маълумоти бўлиб, буюртмачи ҳисобига, аммо унинг бевосита иштирокисиз турли оммавий ахборот воситалари ёрдамида ташвиқот қилинаётган товар ёки хизматларда харидорларнинг талабини вужудга келтириш ва ошириш мақсадида амалга оширилади.

Реклама маркетингнинг муҳим ва қимматли элементи ҳисобланади.

**Рекламация** - маҳсулотни етказиш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар юзасидан шартнома шартларини бузганлик учун мол етказиб берувчига (сотувчига) харидорнинг даъвоси.

**Ремиссия** - камайиш ҳисобига ҳисоб бўйича тўлов суммасини яхлитлаш учун чегиртма.

**Реторсия** - бир давлатнинг иккинчи давлатга ёки унинг фуқороларига ҳуқуқнинг паймол этилишига жавоб сифатида чегаралаш тадбирларини қўллаши: божларни кўтариш, санитар текшируви махсус қоидаларини қўллаш ва бошқалар кўринишида юзага келади.

**Рефакция** - шартномада келишилган, андоза ёки техник шароит шартларида белгиланганидан паст бўлган товарларнинг улгуржи баҳоси ёки товар оғирлигига нисбатан чегирма; кўп миқдорда юк мавжуд бўлган махсус келишувда юк жўнатувчига бериладиган тарифдан чегирма.

**Рецессия** - пасайиш. Ишбилармонлик фаолиятининг пассивлашиши, асосан, иккита чораклик давомидаги фаолият маълумотлари асосида ўрганилади.

**Реципиент** - қандайдир тўлов ёки даромад олувчи жисмоний, юридик шахс ёки давлат.

**Ринг** - тадбиркорларнинг қисқа муддатли келишуви. Унда фойда олиш учун турли товарларни бозордан сотиб олиш ва келгусида уни юқори баҳода сотиш мақсади кўзда тутилади.

**Ролл-озер** - ссудалар бўйича ўзгарувчан фоиз миқдорлари. Ролл-озер ссуда капитали бозоридаги миқдор ўзгаришига боғлиқ ҳолда ошади ёки пасаяди.

**Роялти** (даврий тўлов) - 1. Ихтиролар, патентлар, ноу-хау, китоб чиқариш, кинофильмларнинг ижараси ва бошқалардан фойдаланиш ҳуқуқи учун даврий лицензион тўлов. 2. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов. Ер ва ер ости бойликлари мулкнинг эгасига тўланади. Асосан, хом-ашё баҳосига қўшилиб, шу йўсинда маҳсулотнинг охириги истеъмолчисига юклатилади. Роялти ҳажми казиб олинган ёки сотилган фойдали ер ости бойликлари қийматига нисбатан маълум бир фоизда ёки бир скважина (асосан нефть бўйича)га нисбатан белгиланган қатъий суммада ўрнатилади. Роялти фоизлари фойдали қазилма сифати ва тарқатилишига нисбатан дифференцияланади. Алоҳида олинган ҳолларда прогрессив фоизлар ҳам қўлланиб, унда қазилма ёки сотиш ҳажми ўсиши билан роялти фоизлари ҳам ўсиб боради.

**Роялти** - 1. Ихтиро ёки “ноу-хау” лицензиясини сотиб олиш бўйича навбатдаги тўлов бўлиб, лицензион келишувда белгиланганидек, маълум бир давр давомида лицензиат томонидан лицензиарга тўланади. 2. Санъат,

адабиёт, илмий, меҳнат, шунингдек, патент, саноат намуналари, товар белгилари ва интеллектуал мулкчилик бошқа турларида муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланишдан олинган суммалар ва ренталар бўйича даромадларнинг бир қисми бўлиб, ўзаро келишилган давлатлардан бири ҳудудида солиққа тортилмайди.

**Узоқ муддатли кредитлар** - бир йилдан юқори бўлган муддатга берилган кредитлар. Бу кредитлар капитал қўйилма, қимматбаҳо ускуналар олиш, асосий подани ташкил этиш ва бошқа мақсадларда республика ва чет мамлакатлар ҳудудидаги банклардан миллий ёки хорижий валютада олиниши мумкин. Кредитларни олиш тартиби, ҳужжатлаштириш ва қайтарилиши банк қоидалари ва кредит шартномалари асосида бошқарилади. Узоқ муддатли банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоб юритиш учун 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” ҳисобварағидан фойдаланилади.

**Факторинг** - (агент, воситачи) - савдо - тижорат жараёнларидан бири бўлиб, миқознинг айланма капиталини кредитлаш билан характерли. Ўз таркибига миқознинг дебиторлик қарзларини инкассалашни, кредит ва валюта хавфларини кредитлаш ва кафолатлашни олади.

Факторингнинг мазмуни шундан иборатки, факторинг компаниясидан харид қилишда факторланган етказишнинг тахминан 80% дарҳол тўланиши керак. Тўловнинг қолган қисми ҳам дебиторлардан тушумнинг келиш ёки келмаслигидан қатъий назар аниқ келишилган муддатда тўланиши лозим.

Факторингнинг 3 тури мавжуд: конвенциал, фиденциал, экспорт факторинглари.

Конвенциал факторинг - бу миқозларга (бухгалтерлик, савдо, реклама, ахборот, ҳуқуқий, кредит, суғурта, транспорт) молиявий хизмат кўрсатишнинг универсал тизимидир.

Факторинг ҳисоб-китобдаги маблағлар айланишига бевосита таъсир этади. Фактурланган товарлар қиймати асосий қисмининг тўловини тезда олган миқоз, мол етказиб берувчи билан дарҳол ҳисоблашади ва бунинг учун баҳодан устама (скидка) олади. Аммо миқозни факторинг компаниясига маҳсулотни сотиш соҳасидаги тўлиқ тобелик хавфи туғилади. Бу хавф конфиденциал факторингнинг вужудга келишига олиб келди.

Конфиденциал факторинг - фактур ҳисоби билангина чегараланади. Бунда миқознинг контрагентларидан ҳеч бири факторинг компанияси унинг сотувини кредитлагани билан таниш бўлмайди.

Экспорт факторинг - икки кўринишда амал қилади: ҳудуддан ташқари (периферий) кўринишда йирик компанияларнинг филиаллари ҳамда иккинчи кўриниши 95% факторинг компанияларини бирлаштирувчи “ФЭКТОР3 чейн интернейш” халқаро ассоциацияси.

**Фио** - юк жўнатувчи юк ортиш - тушириш жараёнлари билан боғлиқ ҳамма харажатларни ўзи қоплаш мажбуриятини олганлигини билдиради.

**Фирма** - савдо ёки саноат корхонасининг (бирлашмаси) номланиши (фирма номи).

**ФИФО** - товар-моддий захираларини биринчи кирим қилингани ёки биринчи тайёрланган гуруҳ баҳоси бўйича ҳисобга олиш усули, банкдан баъзи турдаги ҳиссаларининг (вклад) анчагина қисмини олишда фоиз ҳисоблаш усули, қайсики, олинаётган сумма дастлабки қабул қилинган ҳисса ҳисобланади.

**Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар** - корхона ва ташкилотларнинг фойдадан белгиланган миқдорда давлат бюджетига ажратмалари.

**Фонд биржаси** - қимматбаҳо қоғозларнинг (қимматли қоғозлар, облигациялар, давлат хазина мажбуриятлари) олди-сотдиси билан шуғулланадиган муассаса.

**Форфетирлаш** - сотувчидан тижорат васиқаларини ва бошқа халқаро келишувлардаги қарзларни айланмасиз сотиб олиш йўли билан экспортни кредитлаш. Форфетирлашда сотувчи сифатида асосан, шартнома юзасидан мажбуриятларни бажарувчи ва нақд маблағни олиш ҳамда ўзидан кредит хавфини четлаш мақсадида импортернинг ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассациялашга ҳаракат қилувчи чекга чиқарувчи қатнашади.

Форфетер (сотувчи) сифатида эса “а-форфе” келишувида асосан, банк ёки ихтисослашган компания қатнашади.

**Франко** - сотув шарти бўлиб, унга кўра, сотувчи ўз ҳисобидан шартномада келишилган маълум жойга товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

1. Франко-вагон - келишув тури бўлиб, унга кўра харидор товарни вагонга ортилиш вақтидан бошлаб, ташиш харажатларини қоплаш мажбуриятини олади.

2. Франко-омбор (франко-завод) сотув четга чиқарувчи (экспортер) келишув тури бўлиб, харидор товарни сотувчининг омборидан (заводидан) қабул қилиб олиши шарт. Сотувчи - четга чиқарувчи товарларни етказиб бериш харажатларини қопламайди.

3. Франко-омбор харидор (импортер). Мол етказиб берувчи товарни харидор омборигача етказиб бериш мажбуриятини олади. Харидор - импортер товарларни етказиб бериш харажатларини қопламайди.

4. Франко-вагон сотувчи давлати чегара бекати. Бунда сотувчи товарни юклаш ва чегара пунктигача етказиб бериш харажатларини қоплаш мажбуриятини олади.

5. Франко-вагон хорижий харидор белгилаган бекат. Ушбу келишувга кура, сотувчи харидор жойлашган ва шартномада келишилган темир йул бекатигача бўлган харажатларни қоплаш мажбуриятини олади. Товарларни етказишнинг бундай келишуви бир ҳужжат, яъни халқаро маълумот - темир йул накладнойи билан расмийлаштирилади. Ушбу накладнойда харидорнинг бекати, манзили кўрсатилади. Ташишдаги йўқотиш ва камомадлар билан боғлиқ моддий жавобгарликлар сотувчи ва харидорнинг давлатлар темир йўллари томонидан тартибга солинади.

**Франшиз** - бошқа фирма маҳсулотини сотиш юзасидан берилган ҳуқуқ.

**Франшиза** - суғурта шартномаси шарти бўлиб, маълум бир ҳажмдан ошмаган зарарларни қоплашдан суғуртачини озод қилишни кўзда тутди.

**Фрахт** - транспортнинг турли кўринишларида юкларни ташиш учун тўлов. Ташувчи бўлиб, автоташкилот, темир йул, авиакомпания, кема компаниялари, шунингдек, аралаш ташишни бажарувчи воситачи ҳам қатнашиши мумкин. Фрахт тўловининг тартиби ва фрахт ҳажми фрахт шартномасида томонлар ўртасида келишиб олинади.

**Фьючер келишуви** - фонд ёки товар биржаларидаги келишув тури, бўлиб шартномада кўрсатилгандек, келишув тузилганидан кейин белгиланган муддатда акцияларни бериш ёки товар учун пул тўлов суммаларининг берилишини назарда тутадиган келишув тури ҳисобланади.

**Хайринг** - машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва бошқаларнинг бир кундан бир неча ойгача бўлган қисқа муддатли ижараси, эквиваленти - прокат.

**Харзвер** - ҳисоблаш техникаларининг қисмларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи.

**Хедж** - тезкор келишув бўлиб, мумкин бўлган баҳо пасайишидан суғурталаш учун келишув.

**Хеджирлаштириш** - валюта хавфини суғурталашнинг турли усулларни ифодалаш учун банк, биржа ва тижорат амалиётида фойдаланиладиган термин.

**Ходимлар билан бошқа жараёнлар бўйича ҳисоб-китоблар** - корхоналар ходимлари билан меҳнат ҳақи, депонент бўйича ва моддий жавобгар шахслар билан ҳисоб-китобларга кирмайдиган бошқа барча жараёнлардир. Бундай жараёнларнинг ҳисоби учун 4700 “Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар” дан фойдаланилади. Уларга 4 та ҳисобварақ очилган.

4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”;

4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”.

**Хронологик ёзув** - хўжалик жараёнларини ҳужжатларда улар содир бўлган муддат тартибида ёзиб бориш. Хронологик ёзув бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақида керакли кўрсаткичлар олиш имконини бермайди. Бунинг учун тизимли ёзувдан фойдаланилади (*тизимли ёзувга қаранг*). Хронологик ёзув рўйхат журналларига ёзилади, бу журнал ҳисобнинг мемориал-ордер шаклида ишлатилади. Бу журналда ҳамма мемориал-ордерлар тартиб рақами бўйича рўйхат қилинади. Ой давомидаги рўйхат журналининг ёзувлари жами шу ой давомида ҳар бир ҳисобварақларнинг дебет томонлари жами, шунингдек кредит томони жамига тўғри келиши керак. Бу тенглик бухгалтерия ҳисобидаги икки ёклама ёзув хусусиятидан келиб чиқади. Хронологик ёзувдан тизимли ёзув билан бирга бир ҳисоб регистрида

фойдаланиш мумкин. Бундай регистрларга қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлатиладиган журнал-ордер, асосий китоблар мисол бўла олади.

**Холдинг компанияси** - бошқа акциядорлик жамиятлари устидан назоратни олиб бориш мақсадида улар акцияларининг назорат пакетларини сотиб олиш учун ўз капиталларидан фойдаланувчи акциядорлик компанияси.

**Хотеллинг усули** - корхона, фирма ва бошқа юридик шахсларнинг молиявий-иқтисодий ҳолати натижаларини таҳлил қилиш усули. Субъект хўжалик фаолиятининг молиявий томонларини ташкил этувчи 4 асосий ажратишни назарда тутади.

Ҳар бир ташкилий қисми субъект хўжалик фаолиятининг активлик кўрсаткичини беради. Ҳар бир ташкил этувчи субъект хўжалик фаолияти активлиги потенциалининг кўрсаткичларини ўзида жамлайди.

**Хусусийлаштириш** - давлат ёки муниципал мулкчиликни (корхона, банк, транспорт, алоқа, бино, акция ва бошқалар) тўлов ҳисобига ёки бепул хусусий мулкчиликка бериш. Хусусийлаштиришнинг асосий шакллари: хусусий шахслар (компаниялар) томонидан давлат мулкни узоқ муддатга ижарага бериш, акцияларнинг маълум бир қисмини сотиш.

**Хўжалик жараёнларини рўйхатга олиш** - хўжалик жараёнларини ҳисоб регистрларида акс эттириш. Ҳисоб регистрларидаги ёзув қўлда, машинада, кўчирма, шахмат, тўғри, хронологик, тизимли ёзувларда амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобида хўжалик жараёнлари икки ёклама ёзув ёрдамида акс эттирилади (*шахмат ёзуви, хронологик ёзув, тўғри ёзув, тизимли ёзувларга қаранг*).

**Хўжалик маблағларини баҳолаш** - табиий кўрсаткичларни пул кўринишига айлантириш. Бухгалтерия ҳисобида баҳолашнинг зарурийлиги хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари бўйича кўрсаткичларини умумлаштириш билан белгиланади. Иқтисодиётда товар пул муносабати амал қилар экан, хўжалик маблағларини баҳолаш зарурий ҳолат ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари давлат ва хўжалик бошқаруви учун ва бу кўрсаткичлардан фойдаланувчилар учун керак бўлади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ҳақиқийлиги хўжалик маблағлари баҳоланишининг тўғрилигига боғлиқдир.

Баҳолашга қўйиладиган асосий талаблар унинг ҳақиқийлик ва бир хиллилигидир. Баҳолашнинг ҳақиқийлиги ҳисоб объектининг ҳақиқий ўлчовини пул кўрсаткичида тўғри акс эттиришни таъминлайди. Бир хиллик талаби эса, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ҳисоб объектларининг маълум бир турлари бўйича бир хил баҳога эга бўлишини таъминлайди.

Хўжалик маблағларини баҳолаш тамойили ҳукумат томонидан тасдиқланган стандартларга асосан белгиланади.

**Хўжалик фаолиятининг таҳлили** - бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва бошқа маълумотлар асосида корхона ва бирлашмалар фаолиятининг натижасини ўрганиш. ХФТнинг иқтисодий таҳлилдан фарқи шундаки, иқтисодий таҳлил кенгрок фаолиятни қамраб олади, у билан иқтисодий фанлар ва хизматлар, жумладан ЎзР Иқтисодиёт, Давлат статистика

кўмитаси, Молия вазирлиги ва унинг бўлимлари, банк ташкилотлари шуғулланади.

**Халк хўжалигидаги ҳисоб турлари** - иқтисодиётдаги хўжалик ҳисоби тизимидир. Улар бухгалтерия ҳисоби, статистика ва тезкор ҳисобдир (*бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисобга қаранг*).

**Хўжасизлик** - лавозимдаги кишиларнинг ўзларига юклатилган вазифаларига масъулиятсизлик билан қарашлари ва бунинг натижасида маблағларнинг йуқолиши, бузилиши, яроқсиз бўлиб қолишига сабаб бўлади. Шахсларнинг ўз вазифаларини суистеъмол қилишлари жиноят ҳисобланади. Хўжасизликка йўл қўйган шахслар корхона жамоаси ёки ҳуқуқий ташкилотлар томонидан жавобгарликка тортиладилар.

**Шахмат ёзуви** - хўжалик жараёнларини ҳисоб регистрларида шундай акс эттиришқи, бу усулда бир марта ёзилган сумма, тегишли ҳисобварақларнинг дебети ва кредитида акс эттирилган бўлади. Шахмат ёзуви бухгалтерия ҳисобварағининг журнал-ордер шаклида кенг қўлланилади. Бу усул бухгалтерия ёзувини камайтириш билан бирга корреспонденцияланган иккала ҳисобни бир жойда, бир вақтда кўриш имконини беради. Шу жиҳатларидан ҳам шахмат ёзуви тўғри (қатор) ёзувдан афзал ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби қайси хўжалик тармоғида юргизилишига кўра, шу тармоқ хусусиятига мос равишда олиб борилади.

**Шартнома** - икки ёки бир нечта юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида маълум бир муносабатларни ўрнатиш, ўзгартириш ёки тугатиш ҳақидаги келишув. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклидаги, турли ишлаб чиқариш ҳажмига турли миқёсдаги хўжалик фаолиятига эга бўлган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари, уюшмалар ва ҳоказолар вужудга келаяпти ва иқтисодиётнинг асосини ташкил этмоқда. Табиийки, улар ўзаро бир-бирлари билан хўжалик муносабатларига киришадилар. Бу ҳолда шартноманинг аҳамияти каттадир, шунинг учун ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги, самарасини ошириш учун шартнома шартларининг бажарилиши ва улар устидан назоратни юқори даражада олиб бориш лозим. Шартномада томонлар номи, манзили, ҳисоб-китобининг рақамлари, бажариладиган иш (тури, ҳажми, муддати ва қиймати), олди-сотди ишлар (махсулот, товар номи, тури, ҳажми, баҳоси ва ҳоказо белгилари), кўрсатиладиган хизматлар ва бошқалар тўлиқ кўрсатилади. Томонларнинг, имзолари муҳрлари билан тасдиқланади. Томонларнинг тузилган шартноманинг баъзи ёки умумий шартларига риоя қилмаслиги қонун томонидан таъқиқланади ва жавобгарликка тортилади.

**Экспорт** - ташқи бозорда сотиш учун товар ва хизматларни давлат чегарасидан чиқариш (хорижга чиқариш).

**Эмиссия** - банклар ва хазина билетларини, қоғоз пулларни ва кимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқариш. Пул эмиссияси Марказий банк томонидан амалга оширилади.

**Эҳтиёт қисмлар** - меҳнат предметлари (материаллари) бўлиб асосий воситани тиклашга, машина, ускуна, транспорт воситалари ва бошқаларнинг эскирган қисмларини алмаштиришга мўлжаллангандир. Эҳтиёт қисмлар 1040 “Эҳтиёт қисмлар” ҳисобварақда асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун тайёрланган ёки келтирилган мавжуд эҳтиёт қисмлар ва уларнинг ҳаракатлари ҳисобга олиб борилади. Бу ҳисобварақда яна техник алмаштириш жойлари ва тиклаш бўлимларида тузилган ускуналар, қисмлар, агрегатлар, тўлиқ комплектланган алмаштириш фондининг ҳаракати ҳам ҳисобга олинади.

1040 ҳисобварағи дебетда эҳтиёт қисмлар кирими, кредитда эса уларнинг ишлатилиши кўрсатилади (*материалларга қаранг*).

**Юридик шахс** - ташкилот, корхона, бирлашмалар бўлиб, қонунга асосан, фуқаролик, жумладан хўжалик ҳуқуқи ва бурчлари субъекти сифатида фаолият юритади. Юридик шахс белгиларига қуйидагилар мисол бўлади:

1) ўзгариши мумкин бўлган юридик шахс таркибига кирувчи алоҳида шахслардан қатъий назар мустақил равишда фаолият юритиши;

2) унинг қатнашчилари мулкига асосланган, лекин ўз мулкининг ҳам мавжудлиги;

3) мулкни сотиб олиш, фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи;

4) судда ва турли арбитражларда даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқи.

**Яроқсиз маҳсулот** - сифатсиз ишлаб чиқарилган, андоза талабларига жавоб бермайдиган маҳсулот. Улардан фойдаланиш мумкин бўлмаган ёки фойдаланиш учун қўшимча харажатлар талаб қиладиган маҳсулот. Яроқсиз маҳсулотлар яроқсизлиги даражасига кўра тузатиб бўлмайдиган ва тузатиладиган, юзага келган жойига кўра эса ички ва ташқи яроқсиз маҳсулотлар бўлиши мумкин.

Тузатиб бўлмайдиган маҳсулот - бу умуман техник жиҳатдан тузатиш мумкин бўлмаган ёки тузатиш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадсиздир. Бундай маҳсулотнинг таннархи ҳисоблаб чиқилади ва жавобгар шахсдан ундирилган маблағ айирилса, яроқсиз маҳсулотдан кўрилган зарар аниқланади.

Ички яроқсиз маҳсулотнинг таннархи қуйидаги харажат моддаларидан ташқари шу тармоқ ишлаб чиқариш калькуляция моддалари доирасида аниқланади: маҳсулотни йуқотиш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш харажатлари, умумишлаб чиқариш харажатлари.

Тузатилган яроқсиз маҳсулот эса, тузатиш учун техник имкониятлар бўлган ва тузатиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган маҳсулотлардир.

Ички яроқсиз маҳсулотни тузатишдан йуқотиш уни тузатишга кетган харажатлардан айбдор шахсдан ундирилган суммани айириш орқали топилади.

Ташки яроқсиз маҳсулотни тузатишдан йуқотиш эса, маҳсулот сифатини яхшилаш харажатларидан алмаштирилган қисмларнинг фойдаланиш мумкин бўлган баҳоларини ва айибдорлардан ундирилган суммаларни айириш орқали топилади.

Маҳсулотнинг ички яроқсизлиги деганда маҳсулотдаги камчилик ишлаб чиқарилган корхонанинг ўзида харидорга жўнатилганга қадар аниқланган яроқсиз маҳсулот тушунилади. Корхонада аниқланган ички яроқсиз маҳсулотни тузатиш ҳам мумкин, шунингдек, тузатиш имконияти ҳам бўлмаслиги мумкин.

Маҳсулотнинг ташки яроқсизлиги - бу харидорда қабул қилиб олиш ёки фойдаланиш жараёнида аниқланган яроқсиз маҳсулотдир.

**Ярмарка** - маълум бир даврда ташкил қилинадиган йирик, бозор бўлиб, барча тармоқлар учун қулай. Ярмаркада хўжалик юритувчи субъектлар ўз маҳсулотлари (товар, иш, хизмат)ни сотиш билан бирга реклама ҳам қиладилар ва хўжалик муносабатлари юзасидан ўзаро шартномалар тузиш имкониятига эга бўладилар.

**Ўзаро талаблар асосидаги ҳисобварақлар** - нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклларида бири. Ҳисоблашишларнинг тезлашуви ва маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун қўлланилади. Ўзаро талаблар асосида ҳисоб-китоб олиб борадиган корхоналар банк томонидан белгиланиши лозим. Чунки, ҳисоб-китоблар банк орқали амалга оширилади. Бундай ҳисоб-китоблар бир марталик ёки доимий бўлиши мумкин. Бир марталик шаклида иккита ёки бир нечта корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоби тўғри келиб қолиши мумкин.

Доимий амалда бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар марказлашмаган ва қолдиқ бўйича даврий бўлиши мумкин. Марказлашмаган турида, ҳар бир қатнашчига банкда айрим ҳисоб очилади ва банк орқали амалга оширилади. Бу ҳисобварақнинг дебетида шу корхонанинг бошқа ўзаро ҳисобда бўлган корхонага қарзи, кредитида эса, ўзаро ҳисобда қатнашаётган корхоналардан олинадиган суммалар, яъни шу корхонага тегишли суммалар акс эттирилади. Белгиланган муддатда банкда очилган ҳисоб бўйича қолдиқ аниқланади. Қолдиқ корхонанинг тўловлари мавжудлиги ёки корхонага бошқа корхоналар томонидан тўловлар келишига қараб аниқланади. Қолдиқ бўйича даврий ўзаро ҳисоб-китоб, доимо товар етказадиган ёки хизмат кўрсатадиган икки корхона ўртасида қўлланилади. Банк билан келишилган ҳолда ҳисоб-китоблар бир корхонада олиб борилади. Белгиланган муддатда ҳисоб-китоб олиб бораётган корхона бошқа корхонага ҳисоб-китоб ҳолати (*ҳисоб-китоб кунисидаги қолдиқ*) ҳақида хабар беради. Агар ҳисоб-китоб олиб бораётган корхонанинг олиши керак бўлган суммага нисбатан, кўпроқ тўлаши керак бўлса, ўзининг қарзини тўлов топшириғи билан қоплайди. Агар ҳисоб олиб бораётган корхона тўлов беришидан кўра оладиган суммаси кўп бўлса, тўлов талабномасини тўлдиради. Тўлов талабномаси ўзаро талаблар ҳисобидан кўчирма билан бирга банкка топширилади.

**Қарзлар** - корхонанинг республика ёки хорижий қарзга берувчилардан (банкдан ташқари) ёки бошқа жалб қилинган миллий ёки хорижий валютада қарзга олган маблағларидир.

**Қиймат** - иқтисодий категория бўлиб, товарга сарфланган ва унда жамланган ижтимоий зарурий меҳнатни акс эттиради. У фақат товар ишлаб чиқаришда намоён бўлади. Қийматни акс эттириш шакли баҳо ҳисобланади.

**Ҳисоб ишларининг бажарилиш жадвали** - бухгалтерия ходимлари ўртасида ишларини тақсимлаш. Бу жадвал иш вақтидан оқилона фойдаланиш, ҳисоб меҳнати унумдорлигини ошириш, шунингдек, ишнинг узлуксизлиги учун шароит яратади, белгиланган ишнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан ҳар бир ходимнинг масъулиятини оширади. Жадвалда аниқ бир ҳисоб ишларини бажариш вақти, ҳар бир бухгалтерия гуруҳ ёки бўлимларида бажариладиган ишларнинг мазмуни, ҳажми ва вақти, ҳисоботни тузиш, кўриб чиқиш ва юқори ташкилотларга топшириш муддатлари кўрсатилади.

Ҳисоб ишларининг бажарилиш жадвалининг умумий бир кўриниши йўқ. Жадвал корхона ташкилот, муассаса, фирма, фермер ва хоказоларнинг бухгалтерия ишлари ҳажмига қараб бош ҳисобчи томонидан тасдиқланади.

**Ҳисоб сиёсати** - хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботга тайёргарлик ва уни тузишда фойдаланиладиган тамойиллар, конвенция, қоида ва амалий ёндашувлар суммаси.

Ҳисоб сиёсатини ташкил қилишда амалдаги БХМСлари, “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида”ги қонун, низом, кўрсатма ва йўриқномаларга амал қилиниши керак.

**Ҳисоб-китоб ҳисоби** - корхоналарнинг банкдаги ҳисоби бўлиб, пул маблағларини сотиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган. Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб-китоб ҳисобварағига эга бўлиши лозим. Ҳисоб-китоб ҳисобварағини очиш учун корхона қуйидаги ҳужжатларни банкка топшириши лозим, яъни корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризаси; пул ва ҳисоб-китоб ҳужжатларига биринчи ва иккинчи бўлиб имзо чекиш ҳуқуқидаги шахслар имзосининг нусхаси бўлган варақа; юқори ташкилотнинг корхона раҳбари ва бош ҳисобчининг тайинланиши ҳақидаги маълумотномаси (давлат корхонаси бўлса); корхона тузилишини қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси. Корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига маълум бир рақам белгиланади ва бу рақам банкка тушган ҳар бир ҳисоб-китоб ҳужжатларида: ҳисобварақларда, тўлов талабномаларида, тўлов топшириқномаларида, чекларда ва бошқаларда кўрсатилган бўлади.

**Ҳисоб тўлов қайдномаси (қайдномаси)** - корхона, ташкилот ва муассаса ишчи ходимларига меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобни акс эттирувчи йиғма ҳужжат. Ҳисоб-тўлов қайдномаси белгиланган шаклда ҳар ойда тузилади Улар ҳар бир ишчи, ходимнинг табел рақами, исми, фамилияси ва отасининг исми, лавозими, ой бошига ҳисоб-китоб ҳолати, ой мобайнида ҳисобланган меҳнат ҳақи, меҳнат ҳақидан берилган бўнак, солиқлар тўлови, ижтимоий суғуртага тўловлар ва бошқа ажратмалар,

ишчига бериладиган сумма, шунингдек, олинган суммани тасдиқловчи имзо кўйиш жойи кўрсатилади. Қайдномада ёзиладиган суммалар жамиси рақам ва ёзув кўринишида акс эттирилади. Ҳисоб-тўлов қайдномаси ҳам барча ҳужжатлар каби текширилади ва тасдиқланади.

**Ҳужжат** (*лат. documentum - гувоҳнома*) - ёзма тасдиқловчи, гувоҳнома. Бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар ҳужжатга асосланади. Бухгалтерия ҳужжатлари хўжалик муомалаларининг содир бўлганлиги ёки рухсат этилганлиги, унинг қонуний ва иқтисодий жиҳатдан мақсадли эканлигини тасдиқлайди. Ҳужжатлар қаерда тузилганлигига кўра, ишлаб чиқаришни ва ташқи ҳужжатларга бўлинади. Маълумотлар ҳажмига кўра дастлабки ва йиғма ҳужжат турлари мавжуд. Фойдаланиш мўлжалига кура эса, ҳужжатларнинг куйидаги турларини гуруҳлаш мумкин: фармойиш, тасдиқловчи, фармойиш-тасдиқловчи, расмий ва ахборот ҳужжатлари.

**Ҳужжатларнинг айланиши** - ҳужжатларнинг ҳисоб жараёнида тузилишидан то архивга берилгунга қадар ҳаракатидир. Корхонанинг хўжалик бўлимларида (бошқарма, цех, бригада ва бошқа) тузилган ҳужжатлар бухгалтерияга топширилади. Бухгалтерияда улар шакли ва мазмуни жиҳатидан текширилади, бир хилдаги белгиларига кўра гуруҳларга ажратилади ва ҳисоб регистрларига ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ёзуви бажариб бўлингандан сўнг, улар йиғилади ва ҳар хил текширув, аудит ва суровларда фойдаланилади. Тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар белгиланган муддат тугагандан сўнг, маҳаллий ҳокимият архивига топширилади. Ҳар бир корхонада ҳужжат айланишининг режаси мавжуд бўлиб, унда ҳужжат тузилишига жавобгар шахс кимлиги, кимга ва қачон ҳужжатни бериш кераклиги, ундан бухгалтерияда фойдаланиш, сақланиш ва архивга топшириш муддатлари кўрсатилиши лозим. Муддати тугаган ва ҳеч қандай тарихий аҳамиятга эга бўлмаган ҳужжатлар белгиланган тартибда тугатилади.

**Ҳужжатларни гуруҳлаш** - ҳужжатни қайта ишлаш босқичларидан бири бўлиб, ҳужжатларни ҳисоб регистрларига синтетик ва аналитик ҳисобварақларни ёзиш учун тайёрлашдир. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ҳар куни анчагина миқдорда ҳар хил ҳужжатлар тўлдирилади. Агар ҳар бир ҳужжат бухгалтерия ҳисобварағининг алоҳида ҳисобварақларида акс эттирилиб борилса, у ҳолда бухгалтерияда жуда катта қийинчиликлар вужудга келади. Ёзув ишларини камайтириш мақсадида ҳужжатлар белгилари ва ёзилган даврига кўра гуруҳланади. Бунинг учун механизация воситалари ва йиғма ҳужжатлардан фойдаланилади ва ушбу ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттирилади.

**Ҳужжатларни таксировка қилиш** - ҳужжатларда акс эттириладиган хўжалик жараёнларини пул ўлчовида кўрсатиш. Бухгалтерияга келган кўпгина ҳужжатларда натура ўлчовигина кўрсатилган бўлади. Таксировкада эса шу ҳужжатларда баҳо ва суммалар ҳисоблаб ёзилади. Таксировка ҳужжатларни қайта ишлашнинг босқичларидан бири ҳисобланади (*ҳужжатларни қайта ишлашга қаранг*).

ЭХМ дан фойдланилган ҳолларда таксировка автоматик равишда бажарилади.

**Ҳужжатларни қайта ишлаш** - ҳужжатларни ҳисоб регистрларига ёзиш учун машина ҳисоблаш станцияларига бериш учун тайёрлаш. Бухгалтерияга келган ҳужжатлар қонуний ва мақсадли хўжалик муомалалари асосида тузилганлиги, ҳужжатлар шаклига амал қилинганлиги ва мажбурий ҳужжат реквизитларининг мавжудлиги (*ҳужжат реквизитларига қаранг*) нуқтаи назардан текширилади. Бундан ташқари арифметик ҳисоблашларга ҳам аҳамият бериб, текшириб чиқилади ва гуруҳлар аниқланади (*ҳужжатларни гуруҳлаш, ҳужжатларни таксировка қилишига қаранг*). Ҳужжатларда акс эттирилган хўжалик муомалалари асосида ҳисобварақлар корреспонденциясининг ҳисоб регистрларида ёзилиши билан ҳужжатларни қайта ишлаш тугалланади (*бухгалтерия ўтказмасига қаранг*).

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Меъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Адолат” 2016 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 й. 163-И-сон ва 29.08.1996 й. 256-И-сон Қонунлари билан тасдиқланган (Охирги марта ЎЗР 23.05.2019 й. ЎРҚ-542-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган).
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. ЎЗР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 й. 161-И-сон Қонуни билан тасдиқланган (Охирги марта ЎЗР 09.01.2019 й. ЎРҚ-514-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган).
5. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎЗР қонуни (янги таҳрир). 13.04.2016 й. № ЎЗРҚ-404.
6. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётида қўлланиладиган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш тўғрисидаги Давлат дастури”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 433-сонли қарори билан тасдиқланган.
7. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (Охирги марта ЎЗР ВМнинг 22.05.2018 й. 384-сон Қарори билан ўзгартиришлар киритилган).
8. “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Концептуал асосга ЎЗР Адлия вазирлигида 09.09.2016 й. 475-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг Буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).
9. ЎЗР 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 05.10.2012 й. 474-1-сон билан рўйхатга олинган МВ буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).
10. ЎЗР 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатга олинган).
11. ЎЗР 3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (ЎЗР Адлия вазирлигида 1998 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатга олинган).
12. ЎЗР 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар (янги таҳрирда)” (ЎЗР Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 09.09.2016 й. 1595-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ

ўзгартиришлар киритилган).

13. ЎзР 5-сон БҲМС “Асосий воситалар” (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 08.11.2018 й. 1299-4-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

14. ЎзР 6-сон БҲМС “Ижара ҳисоби” (ЎзР Адлия вазирлигида 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 16.06.2017 й. 1946-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

15. ЎзР 7-сон БҲМС “Номоддий активлар (янги таҳрирда)” (ЎзР Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1485-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 09.09.2016 й. 1485-3-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

16. ЎзР 8-сон БҲМС “Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шубҳа хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш” (ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган).

17. ЎзР 9-сон БҲМС “Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот” (ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 04 ноябрда 519-сон билан рўйхатга олинган).

18. ЎзР 10-сон БҲМС “Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар” (ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 03 декабрда 562-сон билан рўйхатга олинган).

19. ЎзР 11-сон БҲМС “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар” (ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 28 декабрда 581-сон билан рўйхатга олинган).

20. ЎзР 12-сон БҲМС “Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш” (ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатга олинган).

21. ЎзР 14-сон БҲМС “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 07 апрелда 1335-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 16.06.2017 й. 1335-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

22. ЎзР 15-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси” (ЎзР Адлия вазирлигида 2003 йил 20 мартда 1226-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 16.06.2017 й. 1226-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

23. ЎзР 16-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ходисалари” (ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 578-сон билан рўйхатга олинган).

24. ЎзР 17-сон БҲМС “Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари”

(ЎзР Адлия вазирлигида 1998 йил 23 декабрда 579-сон билан рўйхатга олинган).

25. ЎзР 19-сон БҲМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” (ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 02 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган).

26. ЎзР 20-сон БҲМС “Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби” (ЎзР Адлия вазирлигида 2013 йил 14 августда 2501-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 29.07.2015 й. 2501-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

27. ЎзР 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 30.05.2017 й. 1181-3-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

28. ЎзР 22-сон БҲМС “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 20.08.2018 й. 1364-3-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

29. ЎзР 23-сон БҲМС “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 07.08.2013 й. 1484-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

30. ЎзР 24-сон БҲМС “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби”. (ЎзР Адлия вазирлигида 2009 йил 18 июнда 1996-сон билан рўйхатга олинган) (Охирги марта мазкур Миллий стандартга Адлия вазирлигида 28.06.2017 й. 1996-1-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

31. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) (01.02.2020 йил ҳолатига).

32. “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом”. (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.01.2004 й. № 1297) (Охирги марта мазкур Низомга Адлия вазирлигида 11.03.2019 й. 1297-4-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).

33. Касбий бухгалтерларнинг этика кодекси. Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан 2005 йил июнда қабул қилинган ва 2006 йил июлда қайта кўрилган. 2006 йил 30 июнда амалга қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши томонидан 2010 йил 19 марта қабул қилинган.

## Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Бухгалтерский учет: Учебник / Г.И.Алексеева, С.Р.Богомолец, И.В.Сафонова [и др.]; под ред. С.Р.Богомолец. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Московский финансово-промышленный университет «Синергия», 2013. – 720 с. (Университетская серия).
3. Гартвич А.В. Бухгалтерский учет с нуля: Самоучитель. – СПб.: Питер, 2013. – 400 с.: ил. – (Серия «Бухгалтеру и аудитору»).
4. Алборов Р.А. Теория бухгалтерского учета: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – Ижевск: ФГБОУ ВО Ижевская ГСХА, 2016. – 300 с.
5. Мирошниченко Т.А. Бухгалтерский финансовый учет и отчетность (продвинутый уровень): учебник / Т.А.Мирошниченко, И.М.Бортникова, О.А.Зубарева. – п.Персиановский: изд-во ДонГАУ, 2015. – 257 с.
6. Нажибаева К.К. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. – Алматы: ТОО «Издательство LEM», 2012. 164 с.
7. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. Учебник / А.П.Михалкевич, П.Я.Папковская, С.К.Матальцкая и др. – 3-е изд., перераб. и доп./Под общ. Ред. А.П.Михалкевича. – Мн.: БГЭУ, 2004. – 612 с.
8. Бухгалтерский учет: финансовый учет в вопросах и ответах: учеб. пособие / [авт.-сост.: Т.М. Садыкова, Л.Б. Пчелинцева, Е.Н. Макарова]. – Саратов: Саратовский социально-экономический институт (филиал) РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2018. – 132 с.
9. Анциферова И. В. Бухгалтерский финансовый учет: Учебник / И. В. Анциферова. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2010. – 556 с.
10. Бухгалтерский учет: Учебник для студентов вузов / Ю.А. Бабаев, И.П. Комиссарова, В.А. Бородин; Под ред. проф. ЮА Бабаева, проф. И.П. Комиссаровой. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 527 с.
11. Ибрагимов А., Очиллов И., Қўзиёв И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби / Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎҚТИСОД-МОЛИҲА», 2008. – 444 б.
12. Бухгалтерский учет : учебное пособие / авт.-сост. Н. Н. Илышева, Е. Р. Синянская, О. В. Савостина. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 156 с.
13. R.D.Dusmuratov. Buxgalteriya bisobi nazariyasi. – Т.: «Fan va texnologiya», 2013. – 476 bet.
14. Каримов А.А. ва б. Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик / Муаллифлар: А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов, А.З.Авлоқулов. – Т.: «Шарқ», 2004. – 592 б.

15. Хашимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси: Дарслик. – Т.: 2003. – 317 б.
16. Лупикова Е.В, Пашук Н.К.. Бухгалтерский учет: Учебное пособие. В трех частях. Часть 1. 2-е изд., перераб. и доп. – Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2008. – 248с.
17. Лупикова Е.В, Пашук Н.К.. Бухгалтерский учет: Учебное пособие. В трех частях. Часть 1. 2-е изд., перераб. и доп. – Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2008. – 403с.
18. Лупикова Е.В, Пашук Н.К.. Бухгалтерский учет: Учебное пособие. В трех частях. Часть 1. 2-е изд., перераб. и доп. – Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2008. – 129с.
19. Ostonaqulov M., Ostonaqulov U. va Ostonaqulova G. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. – Т.: 2005. – 450 б.
20. Jo'rayev N.Yu. Moliyaviy hisobot. O'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2007. – 165 б.
21. Jo'rayev N., Abduvaxidov F., Sotivoldieva D. Moliyaviy va boshqaruv hisobi: Darslik. – Т.: TDIU, 2009. – 287 б.
22. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2005. – 283 б.

#### **Интернет нашрлар ва фойдали хаволалар**

1. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
3. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)
6. [www.invest.gov.uz](http://www.invest.gov.uz)
7. [www.spot.uz](http://www.spot.uz)
8. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)
11. [www.biznes-daily.uz](http://www.biznes-daily.uz)
12. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
13. [http://window.edu.ru/catalog/resources/uchebnik-buhgalterskij-uchet-i-audit?p\\_nr=20&p\\_page=3](http://window.edu.ru/catalog/resources/uchebnik-buhgalterskij-uchet-i-audit?p_nr=20&p_page=3)
14. <http://window.edu.ru/resource/502/27502>